

УЧҚУН НАЗАРОВ

ЧАЁН ЙИЛИ

Роман

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2013


УДК 821.512.133-31 - *Ўзбек аф-ти*
ББК 84(5У)6.
Н-18

Н-18 **Назаров, Учкун.**
Чаён йили: Роман. – Т.: «Sharq», 2013 – 608 б.

Азиз китобхон! Бир неча йиллар аввал ёзувчи Учкун Назаровнинг «Чаён йили» романининг биринчи китобини ўқишга муяссар бўлгансиз.

Биринчи китобда иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаёт машаққатлари, шахсга сизгиниш туфайли халқ бошига тушган оғир кунлар тасвирланган бўлса, иккинчи ва учинчи китобларда ҳам воқеалар ривожида жафокаш халқимизнинг сабот-матонати, улкан бардоши ҳаққоний тасвирларда ёритилади. Асарнинг давомини кутаётган китобхонларга роман тўла ҳолича манзур бўлади, деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-00-928-8



ISBN 978-9943-00-928-8

УДК 821.512.133-3
ББК.84(5У)6

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти, 2005, 2013.

БИРИНЧИ ҚИСМ

1

Бу окшом ҳам ўчоққа ўт ёқилмади, қозон туюғи очилмади, совуқлигича қолди. Эрталаб нон паттасига аранг олинган чурракдан бир шапалоғини Ойниса тежаб қолган эди, шуни қайнонаси ва қизчасига бўлашиб берди, ўзига ҳам икки тишламча қўйди, учтадан ёнғоқ улашди. Рўзвон буви тамшанар, данакдек нон лунжида ўйнар, олма пўчоғига дамланган чойга ивитилган бўлса-да, уни чайнай олмас, ҳовончада туйиб беришмаса, ёнғоқ мағзини кемтишга ҳам тишсиз милки бас келмас эди.

Ҳар гал ёнғоқ солинган қутини қулфлар экан, Ойниса шуқр қилар ва дилида бир оз ўқсиб ҳам қўярди: пахсалари таг чизигича нураб кетган ҳовлининг четида қулочга сиғмас ёнғоқ дарахти бўлиб, қачон экилганлигини ҳеч ким билмас, аммо қариб кетган бўлса ҳам рўзвонга асқотиб келарди; куз палласи бир ярим, баъзи серҳосил йиллари икки қопгача мева берар, сояси жазирамадан асрар, қуриган шоху танасидаги қобиғи теша билан учирилса, ўтин бўлар, қозон қайнотар, чўғи танчага босилар, авайлаб қурилган барги лов этиб ўт олар, пайраҳа вазифасини ўтар, кир ювиш, бола чўмилтиришда сув иситишга ярар эди. Фақат афсус, дарахт тарвақайлаб анча-мунча шохи қўшни ҳовлига ҳам ўтиб кетган, агар ўртароқда ўсганда, ҳамма ҳосили шу хонадонда қолган, хийла жон-улоғи бўлармиди, тежаб рўзвон қилса, пишиқчиликка етказиб олиб борармиди...

— Ёзғирманг, болам, — дерди Рўзвон буви, келини зикналик қилганида. — Қўшнининг маҳри. Бу ёқдаги қўшнининг тутини қаранг, ярмиси ҳовлингизда, оғзимиз тегади. Уям ризқ, тўқ тутади.

— Ёнғоқ тўқ тутади, ойи, тут қаёқда, — деди айвондаги бўйрада ўтирган Ойниса эшилган ипни мумдан суғура туриб.

— Чодир опчиқиб қоқиб олишса, ҳаддингиз нимага етарди, болам, — дер эди қайнона қарияларга хос вазминлик билан. — Шуқр қилинг, ўлим бўлмасин. Қаранг, қорахат келмаган, аза очилмаган эшик қолмади. Эрингизни дуо қилинг, болангиз бахтига эсон-омон қайтиб келсин, ўзи бош-қош бўлсин.

Танча устидаги баркаш четида турган жинчиноқ липил-лай бошлади. Арава мойига ботирилган эшма пилик аранг

милтирар, қора дуд саситар, танча атрофида ўтирганлар шарпа бўлиб кўринишар, бу ожиз нур ҳам танқис эди. Баҳор бошланганига қарамай, ҳаво совук ва намхуш эди.

Ойниса аллақандай чарсиллаш товушидан уйғониб кетди ва ҳали уйқу тўла кўзларини аранг очиб, шифтга қараб ётди, секин-аста ҳушига кела бошлади. Уй ичи ҳали қоронғи, дераза тўрт бурчагини нарёғи ғира-шира тун оғушида эди. Чарсиллаш товушини энди англади — сувалавериб тизза бўйи қалинлашиб кетган лойтомнинг ёғоч тарновларидан ёмғир оқиб, кўлмакка чарсиллаб урилар, шамол хуруж қилганда тарнов мароми бир зум тингандек бўлар, шамол тингач, бояғи товуш худди ит судраган занжирдек яна шақир-шуқурига тушар эди.

Ойниса Жамила билан ётган уй ичкари хона бўлиб, ун йиллар муқаддам сомон сувоқ устидан оҳак билан оқланган, гир атрофи токчалар, тўрида палак — пардасиз ёнма-ён тахмон, бирида яйдоқ сандиқ, ягона деразанинг қинғир раҳига тираб қўйилган эрининг ғаладонсиз столи, чиқаверишдаги чап токчада келинчаклик сепи билан келган самовар хира йилтирамоқда. Бор жиҳози шу. Ойниса кампирга ҳам жойни шу хонадан қилиб бермоқчи бўлганда, у унамади, қоронғи, сиқилиб кетаман, деди, мурсак парда илинган, аммо ҳеч қачон ёпилмайдиган айвонда қолди. Танча ҳам ўша ерда. Ойниса бу хонага ҳам танча ўрнатмоқчи бўлди, бироқ сандал-курсига етарли чиқим топа олмади, кўли калталиқ қилди, қолаверса, бунга ҳам ўтин керак, чўғ керак. Рўзғорга зўрға амал-тақал қиялпти — ўзи бўладими? Бисотида арзигулик нарса бўлса, уч йил уруш мобайнида ҳаммаси аллақачон сотилиб кетди. Ойниса фақат сигири қўлдан кетганига ачинади. Кичиккина, кўримсиз бўлса ҳам харна эди, сути жонга ора кириб турувди. Қочиришга эллик-олтмиш сўм бериш керак экан, шунинг ҳам иложини қила олмади, мол қисир қолди, сути кун сайин камая борди. Айниқса, қиш кирганда сути тортилиб қолди. Унинг устига ем-хашак танқис, эти бориб суягига ёпишиб қолди, сути иккита товоқни ҳам тўлдирмайди, тапписи ҳам камайган, маърагани-маъраган, қулоқни қоматга келтиради; баъзилар бўғзига пичоқ тортиб юбориш керак, деган маслаҳатни беришди, баъзилар мол озғинлигини кўриб, увол бўлади, бир дастурхон суяк, гўшти жазга ҳам етмайди, деб сотишни маъқул кўришди. Маслаҳат шунда тўхтади, икки маҳалла нарида Муродхўжа ака деган одамнинг данғиллама уйи бор, ўзи мулкдор, оиласи тўқ, қанчадан-қанча одамлар унинг

юмушларини бажариб, қолган-қутган емиш билан бўлса-да, нафсини қондириб юришипти. Сотишини эшитиб, шу киши одам қўйган экан, сигирга харидор бўлиб маҳалла корчалонларидан бири — Суннат қассоб эшик қоқиб келди, офилхонага кирди, сигирнинг у ёнига ўтди — разм солди, бу ёнига ўтди — хўрсинди, бош чайқади, бай-бай-бай, деди, қоп панасида турган Ойниса билан савдолаша бошлади.

— Жониворни нобуд қилиб қўйибсиз-ку, келин, — деди қассоб ағдарма этигининг учига тикилиб.

— Ем чаток, амаки, — қоп ортидан зорланди Ойниса. — Инингиз жамлаб кетган хашак-хушак аллақачон тугаган. Қўл калталиқ қилиб қолди, бўлмаса жонлиқ сотиш ақлданми?

— Молни бозорга олиб чиқасизми ё шўтта келишамизми? — бир дақиқа сукутдан сўнг сўради қассоб.

— Аёл нарса, қўлимдан келармикин, мол бозори қатталигиниям кўрмаганман, чув тушиб қолмай, дейман. Сизлар ҳар қалай маҳалладошсизлар, инингиз билан саломалиқда бўлгансизлар, инсоф қиларсизлар.

— Бачкана тикиб тураркансиз, келин, олди-соттидан унча-мунча хабарингиз борга ўхшайди, — деди қассоб четга. — Мол бозорини суриштирсангиз, одамлар айтишади, ўзингиз бир ўтиб, нарх-навони ўз кўзингиз, ўз қулоғингиз билан кўриб-эшитиб, молингизни ҳам чамалаб келинг. Бунингизга гунажинни нархиниям бермайди. Кейин домангир бўлиб юрманг, юрагингиз ғаш бўлиб. Жониворингиз арвох, тош босмайди, унинг устига қиср, сут бермайди. Нимасига ишониб сотмоқчисиз?

— Сут беради, амаки, унақа деманг. Икки коса сути бор, қуюк. Ем еса, семиради ҳам, сути ҳам кўпаяди.

Қассоб заҳарханда жилмайиб, бош чайқади.

— Якшанба куни мол бозори бўлади, хайдаттириб оборинг, агар йўл-йўлакай чўзилиб қолмаса. Худо кўрсатмасин-у, ана унда чаток бўлади. Ярим нархини ҳам ундира олмайсиз.

— Мени овора қилманг, амаки, худо хайрингизни берсин, сиз нимани маъқул кўрсангиз шу.

— Келин, — деди бир оз норозиланиб қассоб. — Мен ўртада турган одамман. Ўзимолганимда йуриғи бўлак эди. Агар бир кориҳол бўлса, юзимшувут бўлади, балога қоламан.

— Қанақа кориҳол, амаки? Оч-да, қорни тўйса, диконглайди.

— Келин, мен қассобман, кўзим пишиб кетган, — деди қассоб ва иккала кафтини ёнига артди. — Майли, Мурод-хўжа акага айтиб кўрай-чи...

Кечкурун молни етаклаб чиқиб кетишди.

Сигир, ҳақиқатда, ориқ ва ночор эди. Жониворнинг жуни хурпайган, бошини тута олмас, бутун танаси қалтирар эди.

Ойниса кўча эшикни ёпди, кўз ёшларини енги билан артди, бурнини қокди, камзулининг қатидаги хитой қорозга ўроғлиқ нарсани олиб, авайлаб оча бошлади.

Кўча томондан оёқ товуши эшитилди, эшик олдига келгач тўхтади. Ойнисанинг юраги шувиллаб кетди: «Харидор айниган бўлса-я, — деб ваҳимага тушди Ойниса, — энди нима қиламан?»

Эшик ғийқ этиб очилди, лунжи шишиб кетган қўшниси Захро кирди. Улар елкаларига кўл учини қўйиб кўришдилар.

— Анови етаклаб кетишаётган сигир сизларникими, опа? — сўради Захро Ойнисанинг кўлидаги хитой қороз ичидаги бир даста ўттиз сўмлик пулларга кўз ташлаб.

— Ҳм, — деди зўрға Ойниса ва яна ўпкаси тўлди. — Қаролмай қолдик, ем аллақачон тугаган... ҳаром ўлиб қолмасин деб... Чўп бўлиб қолганини кўринг.

Захро кафтини лунжига босди, кўзини хиёл сузиб тили билан оғзи ичида ниманидир кавлади, четга тупурди.

— Қанчага савдо бўлди? — сўради у бир хўрсиниб олиб.

Ойниса пулга қаради, ўраб олмоқчи эди, яширяпти деб ўйламасин, деб тўхтади.

— Беш мингга...

— Эчкини пулини берипти, яшшамагур, буюрмасин, — дея Захро ғазаб билан очик эшик орқали кўчага сигир кетган томонга қараб олди.

— Унақа деманг, Захрохон, буюрсин, бузоклигидан ўзим катта қилганман.

— Ачиняпсизми?

— Қўлимда катта бўлган, дедим-ку. — Ойнисанинг бўғзига яна тўпдек нарса қадалди, кўзи намланди. — Лунжингизга нима бўлди, тишингиз оғридими?

— Олдириб келяпман, кўзим мошдек очилди, — дея Захро жонланди. — Бир ҳафта азобини тортдим, қилмаган амалим қолмади.

— Олдинроқ бормабсиз-да, шунча азоб чекмас эдингиз...

— Уч кун бурун Лабзакдаги сартарошга борувдим, яшшамагур ичкаридан эшикка занжир ташлаб, хужрасига тортса бўладими? Аранг қочиб қолдим, тишим ҳам таққа тўхтади-қолди. Кейин тағин бошлади. Бошқасига бордим.

— Уям хужрасига тортдими? — жилмайиб сўради Ойниса.

Захро бош чайқади:

— Укамни эргаштириб борувдим, ўзиям шарти кетиб парти қолган чол экан. Кучи етармикин, деб гумон қилувдим, яшшамагур, битта тишга қўшиб иккинчисиниям суғуриб олди.

Ойниса ўзини тутта олмай хахолаб юборди.

— Куласиз, — деди Захро хафа бўлмай. — Жағимни суғуриб олгандек бўлди, яшшамагур. Омбуриям сўлакмондай, оғзимга зўрға сирғди. Хушимга келиб қарасам, оғзим тўла латта, сартарош кимниям бошини қиряпти. Қай алпозда ётган эканман, билмадим, хўп томоша қилишган бўлишса керак, яшшамагурлар. Паранжи ёпиниб олсам бўларкан...

— Укангиз қатта эди?

— Ким билади? Ташқарига чиқсам, кўринмади, шайтонлашимни кўриб, қочворган бўлса ажабмас...

— Юринг, Захрохон, замбуруғдан чой дамлаб бераман, — деди Ойниса қўшнисига ҳам ачиниб, ҳам кулгиси келиб.

— Йўр-э, — деди Захро орқасига тисарилиб. — Қозонимда лавлаги бор, таппи қалаб кетувдим, қарай. Анови бўғоз жуда суллоҳ...

— Келинми? Сатторжоннинг хотиними?

— Ҳа-да! — жирканиб сўз қотди Захро. — Кўзимни шамғалат қилиб иккита-учтасини гумдон қилади.

— Бошқоронғи-да, Захрохон, — деди Ойниса. — Кўнгли тусайди-да...

«Бўғознинг» тарафини олгани Захрога ёқмади чоғи, у тумтайиб, қошини чимирди, ўзини эшитмаганга солди ва бу гапга чек қўйгандек:

— Бу пулларни нима қиласиз энди? — деди у, Ойнисанинг қўлидаги сармояга ишора қилиб.

— Бу пулларнинг устида қанча савдолар! — деди Ойниса ғусса билан пулларга қараб қолди. — Ойим, кўзичоқ олиб қўй, пўчоқ-мўчоқ биланам тўяди, деяпти, қайдам. — Каттароқ бўлиб қолса унғаям ем керак, — деди Захро, бунақанги нарсаларнинг фарқига борадиган одамдек қатъий. — Жўжа олинг. Ўнта. Бештаси ўлса, бештаси қолади. Ахлат-гўнг титкилаб, ҳаш-паш дегунча тухумга киради-қолади. Сўйсангиз — гўшт, тухуми — овқат.

Ойниса ҳақиқатан жўжаларни миясига ҳам келтирмаган эди, Захронинг гапларида жон бордек кўринади, тирикчи-

ликнинг шундай осон иложи борлигига ўзининг фаросати етмаганидан ҳатто ўсал бўлди. «Захро тушмагур бало, — ўйлади у хаёлида ҳавас билан қўшнисига тикилиб. — Яшашни билади, қўлидан пул аримайди».

— Нега ўзингиз жўжа боқмайсиз бўлмаса?

— Ким қарайди? — деди Захро беғамлик билан. — Оёғим бозордан аримайди. Мушук еб қўяди. Кейин тухумини пойлаб куним ўтсинми?

Захро ҳозир бош-кўзини момик рўмол билан танғиб олган, бир лунжи дўмбира бўлиб шишиб кетган, кўзлари қонталаш. Аслида, ўзи дуркун, хушбичим, чиройли қиз, кўзларида алланечук юракни шувиллатадиган сеҳр бор. Айниқса, башанг кийинганида ҳатто аёллар ҳам унга қарайди.

Ҳақиқатан Захро кўзга яқин қиз, табиатнинг илтифотидан бебаҳра қолмаган, эндигина йигирмага кирмоқда. Захро чайқовчиликка аралашиб кўрди, тажрибасизлик қилиб, бир-икки марта милиция қўлига тушди, кейин лавлаги пишириб, бозорга олиб чиқадиган бўлди. Қанд лавлагини қоплаб сотиб олади, кечга томон уйига қайтади, бир челақ лавлагини ювиб, қозонга ташлайди, ўчоққа таппи қалайди, саҳаргача лавлаги тобига етади, шўрвасини сатилга, донини тоғорага солиб, дастурхонга ўрайди, азон пайти укаси кўмагида Чорсуга равона бўлади. Шўрваси ширин, суюқ бўлса ҳам бир оз қувват беради, лавлагига қурби етмаганлар шўрвасидан олишади. Заҳронинг ҳатто ўз мижозлари бор, пойлаб туришади, хизматга кета туриб, бир кружкадан ичиб олишади. Харидорлар орасида бақувватлари бор, булар шўрвасини ўзига муносиб кўришмайди, фақат лавлагисидан олишади, ғира-шира ҳар томондан ўрмалаб чиқадиганларнинг сони кўп, ана улардан худо асрасин. Булар — кисавур, лўли, гадойсоққа, урушдан келдим, қамоқдан чиқдим, дейдиган тиламчилар, етим болалар, хазонни ўраб чекадиган битлиқи фоҳишалар, кўприк остида тунайдиган мажруҳлар, бангилар, иштонлари ҳўл, бир бурда нонга ёлланиб, одам ўлдиришдан тоймайдиган қочоқлар...

2

Ҳар куни азонда Ойнисани қайнонаси уйғотади. Тўғрироғи қайнонасининг саҳар туриши, инқиллаб бўйра босиши, мис човгуннинг тарақ-туруғи, кампирнинг ғулдираб калима қайтариши, саҳар намозига тараддуди — ҳаммаси укубатларга тўла янги кун бошланишидан хабар беради.

Ойниса апил-тапил кийиниб, совук ва туманли ховлига тушади, супа четига кумфон қўйиб, қўл-юзини чаяди, халта билан йўл-йўлакай артиниб, тунда уйқуни ҳаром қилиб рўйхатга ёзилиб келган гузар дўконига чопади. Нон паттаси бўлишига қарамай, барибир шошилиши керак, акс ҳолда нон тугаб қолади. Тахтадан қурилган дўкон дарчаси кичкина, ичи қоронғи, ёпирилган хотин-халаж, чолу ўспиринлар қий-чуви оламни тутади, ҳамманинг патта чангаллаган қўллари, худди оҳанрабо тортгандек, бир томонга, дарчага қия интилган, бетартиб чайқалади, нон камайган сари, қўл ҳаракатлари кескинлашади, ҳамманинг кўзи олакула, паранжилар сидирилиб, чиммат илиниб қолган бошлар, тўзғиган сочлар, қинғир-қийшиқ оғизлар, тушуниб бўлмайдиган чийиллашлар, бўғиқ овозлар, ким тунда ёздириб навбат олиб кетган — бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ўзига нон тегса бас. Қанча болалар, чоллар, кампирлар оёқ остида қолиб кетиб, майиб бўлишган... Ойниса ўзини оломонга уришдан ҳайиқади, балоғатга ета бошлаган ўспиринлар ёшроқ жувон ёнига суқилиб олиб, ҳамма қатори ўкиришади, кўзлари дарчада, қўллари жувон-қизларнинг этини эзғилайди. Маҳалла улуғлари тартиб ўрнатиш ўрнига биринчи бўлиб дўконга ёпирилишади. Ойниса неча марталаб қон-қон йиғлаб уйига бўм-бўш қайтиб кетган...

Ойниса бугун негадир қайнонасининг қитир-қитирини эшитмади. Ёмғир шарросидан бўлса керак, деб ўйлади ва иссиқ тўшакдан чиқишга эриниб, яна бир оз ётди. Бироқ дераза орти анча ёришиб қолибди; кампир ҳам ухлаб қолганмикин? Ё танча элиттимикин? Ҳеч бунақа бўлмас эди-ку. Айвон пардаси доим қия очиқ, хид тўпланмаслиги керак. Ойниса бирон товуш эшитилиб қолар, деган умидда яна қулоқ солиб ётди, кутгани бўлавермагач ўрнидан турди, кийинди, рўмол танғиди, иссиқ ва оппоқ оёғига пайтава ўраб, маҳси тортди. Эшикни очиб, айвонга чиқса — жимжит, жойнамоз қозикда илиғлиқ, мис човгун кўринмайди — танчадан ҳали олинмаган, чоғи. Ёки қайнонаси ўз юмушларини бажариб, қайта ётганмикин? Йўғ-э. Албатта уйғотган бўларди. Ахир Ойниса гузарга чопиши билан кампир чойдишга пайраҳа ташлайди, дон йўқ, чиптани очиб қўндокдаги учта товукни ташқарига чиқариб юборади, Захро айтганидек, товук ахлат-гўнг титкилаб, ўз ризкини ўзи топади...

Ойниса ҳадиксираб тўрга қаради — танчанинг юқори томонида орқасини бериб қайнонаси ётар, осойишта ва тинч эди. Ойниса чўчинқираб кампир бошига борди, эгилди.

Рўзвон бувининг нафас олиши эшитилмас, бурнининг учи оқарган эди.

— Ойи! — деди Ойниса аввалига секинроқ ва ваҳима билан кутди. Кампир жим эди. Ойниса унинг елкасини чангаллаб, силтади. — Ойи! — нидоли товуш билан бақираёзди Ойниса, бироқ кампир миқ этмади, қайтага силкитиш натижасида боши чайқалиб, оғзи бир оз очилиб қолди.

Ойниса қайнонасининг паранжисига ўраниб узун йўлакнинг бостирма хонаси четидаги токчада мунгайиб ўтирар, Муродхўжа ака ҳадеганда чиқавермас, ёмғир ҳамон тўхтамас, дилни баттар сиқар эди. Ойниса боя дарров қўшниларга хабар берди, бирпасда хотин-халаж йиғилди, уввос кўтарилди. Тўй-азада ўз юмушини аниқ бажарадиган аёллар бўлади, улар дод-войга парво қилмай, бундай маъракаларда қилиниши шарт бўлган тадбирларни ўз йўсини — тартиби билан амалга оширадилар, уларга ҳеч ким уни қил, буни қил, деб топшириқ бермайди; юз йиллаб давом этиб келаётган маросимлар қондаси маълум қолипга тушиб қолган. Шунга кўра вазифалар ҳам тақсим қилинган бўлиб, ҳар бири ўз бурчини яхши билади. Идиш-товоқ тўплаш, қозон ўрнатиш, ўтин ёрдириш, маҳаллага хабар бериш, мачитга одам чиқариш, отинни айттириш, ювғичини қақариш, кафан ҳозирлаш — барчаси ўз-ўзидан бўлаётгандек туюлади. Замон шунча оғир бўлишига қарамай, кўча аҳли бир зумда тўпланганини, ҳар бири ўз юмушини лом-мим демай адо этишини, яқдилликни кўриб Ойниса ичида уларга таҳсин айтди. Агар шулар бўлмаганида нима қилар эди? Қўли нимага етарди? Ахир ҳаммаларининг ўз ташвишлари бор. Шамси хола биринчи навбатда «Нимангиз бор?» деб Ойнисадан сўради. Ойниса муқаррар нимани сўраётганини билмай, елка қисди. Билганида ҳам нима дер эди, нимаси бор? Нимаики ярокли нарса бўлса — тахмон паллагидан тортиб қизи беланган бешиккача — ҳаммаси сотилди, хатто эри ўтириб машғулотларга тайёрланадиган стулни ҳам бир кило зогора унига айирбошлаб олди. Ҳали кампирнинг қанча маъракалари бор! Қўмишнинг ўзи ҳам чакана гап эмас. Ахир мазор бошидан қайтган тобуткашларга бир чойнак чой билан битта нон тортиши керак-ку. Қаёқдан олади? Бисотида нимаси қолган?..

Ичкари уйнинг ўртасига жасадни ётқизиб, устига чойшаб тортиб қўйишди.

Шамси хола билан Ойниса тўрга ўтиб, сандиқ олдида чўнқайишди.

— Бир нарса бор, — деди Ойниса камзулининг ич чўнтагидан сандиқнинг калитини чиқара туриб.

— Нима?

— Ҳозир, — дея Ойниса сандиқни очди ва бўм-бўш сандиқ бурчагидан латтага ўроғлиқ бир нарсани кўрсатди.

— Бу нима?

— Тиллақош, — деди Ойниса ва буюмни қайта ўрамай, тиззасига қўйди. — Бувимдан ёдгорлик. Тишим қавагида асраб юрувдим, қизимга асқатар, деб.

Шамси хола ўйланиб қолди.

— Сандиқингиз қадимий экан, нақшини қаранг, — дея сандиққа ишора қилди. Сандиқ ҳақиқатан қадимий, жуда нафис, дид билан ишланган бўлиб, ялтироқ тунука тасмачалар ҳар томонга ой нуридек югурган, ҳар ерида жез қубба ва тўқачалар билан безалган эди.

— Бу қайнонамники, — деди Ойниса ва савол назари билан Шамси холага тикилди. — Ўзига буюрар экан-да.

— Шунинг пулласаям бўларди-ю, энди кеч, улгурмайсиз, — деди ниҳоят Шамси хола. — Бадавлат қўшни бўлганида, ишқаб кўрардик, устидан пул бериб турарди. Мана бунингиз, — дея Шамси хола Ойнисанинг тиззасидаги тақинчокқа ишора қилди, — яхши матоҳ экан, хайф кетади. Ўзи тоза нарсами, ясама эмасми?

— Қайдам, — деди Ойниса шубҳаланиб. — Қадимий-ку. Эскилар ясама қилишдан ҳайқишган.

Шамси хола ҳайрон бўлди:

— Тиллақош дедингизми?

— Ҳм, тиллақош, — таъкидлади Ойниса.

— Ҳаммаси тиллами?

— Қайдам...

— Ҳаммаси тилла бўлса, бу — бойлик-ку. Насл-насабингизга етади.

Ойниса иккиланиб қолди. Айвондан аёлларнинг увиллаши, хизмат қилувчиларнинг ҳайқириғи эшитилар, ҳозир тиллақошнинг ясама-ясамамаслиги ҳақида бош қотиришнинг мавриди эмас, шошилиш керак эди.

— Майли, ясама бўладими, йўқми, ҳар қалай тошлари бор-ку, нечта ёқут, — деди Ойниса шубҳаларга чек қўйган бўлиб...

Мана, ҳозир Ойниса Муродхўжа аканинг йўлагиди мусофир гадодек мунғайиб ўтирар экан, нима жавоб олишини тахмин ҳам қила олмас эди. Лекин бир нарсага Ойнисанинг имони комил — Муродхўжа ака тақинчокни

олгудек бўлса ҳам Ойнисанинг чорасизлигидан фойдаланиб, молни ерга уришга, нархини пасайтириб, арзимас чиқим эвазига яхши буюмлик бўлиб қолишга ҳаракат қилади, бу камлик қилганидек, оғир пайтда ёрдам қўлини чўзган мурувватли шахс қилиб ўзини кўрсатади.

Шу пайт икки табақали оғир, ўйма нақш билан безалган эшик ортида аёл кишининг йўталиши, яқинлашиб келаётган қадам товушлари эшитилди. Эшик очилгач, остонада бошини сатанг дурра билан танғиб олган, икки чаккаси гажакли чиройли жувон кўринди. Унинг юзи оппоқ, қошлари зулукдек қоп-қора, қайрилма киприклари қуюқ бўлиб, эгнидаги духоба камзули остидан атлас кўйлаги кўриниб турар, амиркон маҳсига қавуш илиб олган эди. Ойниса жувонни кўриб, ўрnidан кўзгалди.

— Ассалому алайкум, — деди Ойниса чачвонини очиб.

— Келинг, — дея жувон майин жилмайди. — Кирав кансиз.

— Хўп, — дея Ойниса жувонга эргашди.

Улар йўлка бўйлаб бирин-кетин ҳовли ичига кириб боришди, икки томони хоналардан иборат иморатнинг елка баравар баландликдаги ойнабанд даҳлизининг зинаси олдига келганларида жувон тўхтаб, эшикни кўрсатди:

— Даҳлизга чиқсангиз ўнг томонда эшик бор, — деди у майинлик билан. — Ўша уйга кирасиз. Кутяптилар. Кираверинг, тортинманг.

Ойниса қуллуқ қилиб, икки поғона чиқди ва тўхтаб, жувон томон ўгирилди:

— Юзимни очмасам бўладими?

— Ихтиёрингиз, — деди жувон одоб билан. — Кираверинг.

Ойниса чачвонни юзига ташлаб кўрқа-писа ичкари эшикни очди.

— Келинг, синглим, кираверинг, — деди хонанинг тўридаги танчанинг юқори томонида ўтирган савлатли киши.

Паранжига унча ўрганмаган Ойниса эшик раҳига урилиб ичкари кирди. «Ассалому алайкум», дея қавушхона четига чўнқайди.

— Ваалайкум ассалом, — деди Муродхўжа ака. Бу — дўнгпешана, чайирқовок, йириккўз одам бўлиб, ҳали эллик ёшдан ошмаган, ўта салобатли эди. Қирилган сочининг ўрни кўкиш, забардаст бошида мошранг духоба дўппи, елкасида кумсабзи чопон, ўткир шахло кўзлари қуюқ қошлари остида чуқур жойлашган, ёноқларини шойи ипдек нозик

контотмирлари қизартириб турган оқ юзи тиниқ эди. — Кампирни топшириб қўйибсиз, худо раҳмат қилсин, — деб у юзига фотиҳа тортиди.

Ойниса ҳам чачвон остида қўлини жуфтлаб, дуо қилди.

— Бандалик, — деди Муродхўжа ака. — Иложимиз қанча, сингил?! Ҳамминг бошида бор бу савдо.

Ойниса пиқ-пиқ йиғлади, енги билан бурнини чимдиди, кўзини артди.

— Неччи ёшда эдилар раҳматли?

— Олтмиш бирда, почча, — ютиниб жавоб берди Ойниса. — Соппа-соғ эдилар кеча...

— Бундай ажал ҳам худонинг қаромати, — деди Муродхўжа ака чой хўплаб. — Замон оғир, бетоб ётиб қолсалар, нима қилар эдингиз? Сизларга оғирлари тушмапти, ёзғирманг, худонинг қаҳри келади. Ана шу урушда қирон бўлаётган қанчадан-қанча йигитлар нима кўрипти бу дунёга келиб?

— Ёзғираётганим йўқ, — деди Ойниса, зўрға овоз чиқариб. — Тўсатдан бўлганидан эсанкираб қолдик. Ўғиллари келса нима дейман?

— Нима дердингиз? Ажал олдида ҳаммамиз ночормиз.

— Қарамапсан, деб таъна қилармикин...

— Тушунади, — деди Муродхўжа ака тасалли бериб. — Муаллим-ку. Сиз буёғини ўйламанг, бўлар иш бўлди, тирилтиришнинг иложи йўқ. Сиз болаларингиз отасини ўйланг, эрта-кеч дуони қанда қилманг, омон-эсон келсин.

— Қани энди худонинг раҳми келиб...

— Қачон чиқарилади? — сўради Муродхўжа ака гапни чўзгиси келмай.

— Пешинга, дейишди, — деди Ойниса ва жимиб қолди. — Маросимлари бор. Бошим қотиб қолди.

— Маросимлар... — нохуш қайтарди Муродхўжа ака. — Расм-русмларнинг нима кераги бор? Ҳозир замон кўтарадимми?

— Итмас-ку, почча, — деди Ойниса дадил тортиб. — Шўрлик ойим бу дунёга келиб нима кўрибдилар ғам-ташвишдан бўлак.

Муродхўжа ака аслида расм-русм, урф-одатга қарши одам эмас, ҳатто тарафдори ҳам. Аммо бунақанги маросимларни ўзига тўқ одамлар қилса ярашади, зеру забарни қаланғи-қасанғиларга ким қўйибди, деб ўйлайди. Шунинг учун Ойнисанинг «итмас-ку» дейиши Муродхўжа акага ёқин-қирамади.

— Атаган ул-булингиз борми? — деди у бепарво тарзда.

— Қаёқда! Шундай замонда атаган нарса бўладими? Биттагина сигирим — шуниям боқа олмадим, харом ўлишига сал қолди.

— Ҳа, молингиз ҳам бизга нотинчлик келтирди, — деди Муродхўжа ака. — Молмас, фирт ташвиш сотиб олган эканмиз ўз пулимизга. Ем беришувди, ҳазм қилолмай тиррақи бўлиб қолди, уни одам қилгунча яна қанча пул сарф бўлди. Икки баравар қимматга тушди. Сал ўзига келганидан кейин соттириб юбордим.

— Бузоқлигидан қўлимда катта бўлувди, — деди Ойниса ачиниб.

— Хўш, мақсадга ўтайлик, — деди Муродхўжа ака. Ойниса коп ичида ўтирган одамдек, бу томон бурилди — муддаони айтадиган пайт келди. — Хизмат, сингил?

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, почча, — дея гап бошлади.

— Хўш?

— Бир оз қарз сўрамоқчи эдим, — деди Ойниса ийманиб. — Ўлик чикди, йўқ деманг, почча, юзим шувут бўлмасин.

Бир амаллаб қайтарарман, қурбим етмаса, сандиғим бор, қадимий, пўлатдек қаттик, безаклариям бор.

— Ҳозир сандиқ оладиган замонми, сингил. Унга қайси бисотингни солардинг киши.

— Укангиз омон-эсон қайтса, қутулиб кетар, почча...

Муродхўжа ака ҳозирги пайтда «қайтса» деган гапга ишонмайди, ахир уруш-ку — қирғин! Тўрттадан биттаси қайтиши — у ҳам гумон. Қайтаётганлар ҳам чўлок, ярадор, ишга ярамайди, уларнинг топгани ўзларининг кундалигига етмайди-ку, қарздан қутулишлари қаёқда.

— Уйдагиларга айтдим, бир челақ сўкоши чиқаришади, — деди Муродхўжа ака Ойнисанинг гапига чап бериб. — Шундан ортиқ нарса ваъда қила олмайман, синглим. Замон қанақа, ўзингиз кўриб турипсиз.

Ойниса тиллақошини охириги иложсиз чора сифатида ушлаб турувди, бўлак ҳаракатлари самара бермади, энди шуни очишга мажбур бўлди.

— Бир нарсам бор, шуни гаровга олинг бўлмаса, — деди у.

— Нима? — Қизиқиб сўради уй эгаси ва сал қаддини ростлаб, бўйнини чўзди.

Ойниса ўроғлиқ нарсани чачвон остидан чиқариб гиламга қўйди, латтани очди.

Муродхўжа ака тиллақошни кўриб бир қадар ҳаяжонга тушди, сакраб бориб қўлига олгиси, синчиклаб кўриб иқроп бўлгиси келди, бироқ бу ҳаракат буюмга алоҳида эътибор уйротгандек туюлмасин, деб жойидан жилмади.

— Нима у? — ўзини билмаганга солиб сўради уй эгаси.

— Тиллақош, почча.

— Тақинчокми?

— Ҳм. Аёлларники.

— Қаердан бу нарса? Қаттан олгансиз?

— Бувимдан ёдгорлик, — деди Ойниса чачвон остидан, Муродхўжа аканинг ҳолатини кузатиб. — Қадимий безак. Бухороники. Қимматбаҳо нарса.

— Заргарга кўрсатганмисиз?

— Йўқ. Шунақа дейишувди.

— Балки ясамадир, тозамасдир?

— Кўзлариям бор, почча, қаранг, ҳаммаси ёқут, дур.

— Шишаям бўлиши мумкин, — деди Муродхўжа ака, аммо шу айтганидан ўзи пушаймон бўлди, чунки бу жувон жаҳл билан шартта чиқиб кетса, олиб бориб заргарга кўрсатса, заргар юлиб олади, оғзидан чиққанини беради, шунинг учун жуда мохирона муомала қилиш лозим. Бундай нарсани кўлдан чиқариш бефаросатлик-ку. — Менга қаранг, сингил. Мен, майли, харажатларингизга етгулик маблағ берай. Бугун-ку кўп кетмайди, ювғичи, отин, гўрков — шуларга берилади, ўлик чиққан уйда қозон тўнтарилиб қўйилади. Ҳиммат қилган қўни-қўшниларникидан суяқ ош чиқади. Мен уйдагиларга айтаман, сўкоши билан икки қадок чой, бир сават нон элтиб беришади. Тежаб, ён-берингизга қараб ишлатинг, қутига солиб қулфлаб қўйинг, жуда зарур бўлганда, отин олдига, домла-эшон кирганида патнисда чой билан қўйдирасиз, тушундингизми? Ким тиловат қилгани кирса, олдига нон ушатаверманг. Ҳозир ким кўп, сангилар кўп. Ҳамма маросимларини ўтказаман деяпсиз, бу хайрли иш, раҳмат, кўп ориятли келин экансиз. Укамиз омон-эсон қайтса, садоқатингизни айтамыз. Аммо-лекин ҳали ойингизнинг еттилари, йигирмалари, қирқларию йиллари турипти, қимматбаҳо буюмим бор, деб ўзингизни йўқотиб қўйманг, тежоғли бўлинг. Ҳали бу буюмингизни заргарга кўрсатиш керақдир. Балки шунча харажатни кўтармас ҳам. Балки жездир. Шишадир. Ҳа, майли, — деди Муродхўжа ака, жувон эътироз билдиришидан ҳайиқиб. — Буёғи ўз йўли билан бўлаверади. Агар нарсангиз арзигулик бўлмаса, камини берарсиз, агар арзигулик бўлса, ора очик бўлиб кетар. Ҳозирча мана буни ола туринг, — дея Муродхўжа ака ёстик

тагини титкилади, эгилиб нималарнидир санади, кўшди, олди, ниҳоят, калласини кўтарди. — Яқинроқ келинг.

Ойниса ўрнидан туриб кавушхонага калишини ечди, танча томон яқинроқ борди.

— Мана, беш юз сўм, — дея Муродхўжа ака бир даста пулни танча устидаги майиз сочилган патнисга ташлади. — Билиб қўйинг, нон билан чой алохида, бу ерда беш юз сўм. Юз сўм ювричига, юз сўм отинга, юз сўм гўрковга — гўрков кам деса, яна эллик сўм кўшинг, иши оғир. Қолгани чакана харажатга. Тушундингизми?

— Тушундим, почча, — деди Ойниса тик турган ҳолда ва эгилиб латтага ўроғлиқ тиллақошни танча четига қўйиб, пулларни олди.

— Бора қолинг энди, ҳали бошингизда юмушингиз кўп.

— Раҳмат, почча, худо хайрингизни берсин, — дея Ойниса ўгирилди.

— Менга қаранг, синглим, — деди Муродхўжа ака нимадир эсига тушиб. Ойниса тўхтади. — Манави нарсани атрофдагиларга айтиб ўтирманг, бўптимми? Билган ундоқ, билмаган мундоқ, дейди, гап айланади. Ўзингизга ортиқча машмаша орттириб нима қиласиз?

— Нима дей?

— Мени айтинг, Муродхўжа ака химмат қилдилар денг, ўғри билан ишингиз бўлмасин.

— Одамлар гап қилади, — деди Ойниса бир оз ўйланиб.

— Нима деб, гап қилади одамлар?

— Ахир ҳозирги замонда бекордан-бекорга химмат қилиш... мен кимман сизга, шунча инъомга эга бўлиб?

— Мен бу ёрдамни фақат сизга қилаётганим йўқ, канчаларга кўмак берганимни ҳамма билади. Қолаверса, эрингиз билан салом-алигимиз бор, болаларимни ўқитган. Ўша укамизнинг табаррук оналари, хайру эҳсон — ҳам қарз, ҳам фарз.

— Майли, — дея Ойниса гапга чек қўйди ва бояги тахминлари тўғри чиққанига ажабланмади ҳам. Бу одам бировга шунчаки ебкетарга бир чақа бермаслигини ҳамма билади. Иложи бўлса, бировнинг оғзидагини юлиб олади, унинг устига ўзини химматли қилиб кўрсатиш учун мана бунақа ташвиқотлар юритади.

— Бирпас ўтиринг, шу ерда бўлса ҳам тиловат қилиб қўяй, бир оздан кейин хизматга кетаман, маросимда қатнаша олмайман, — деди Муродхўжа ака. Ойниса чўнқайди ва тиловат тугагач, ўрнидан турди, хайрлашиб чиқиб кетди.

Шундагина Муродхўжа ака тиллақош ўроғлиқ латтани олиб, кўришга киришувди ҳам дахлиздан оёқ товуши эшитилди. Муродхўжа ака буюмни ёстик остига тикди, эшик томон қаради.

— Ада, чойингизни янгилаб келайми? — ичкарига бош суқиб сўради бояги чиройли жувон. Бу Муродхўжа аканинг қизи Муқаддас, ичкуёв эри ва битта қизчаси билан шу ховлининг четига қурилган алоҳида дахлиз — айвонли уйда яшар эди.

— Йўқ, — деди ота ва қўли билан қизини, бери кел, деб қақирди.

Муқаддас пойгакда кавушини қолдириб, юқори чикди, танчанинг ёнида чўккалади, савол назари билан отасига тикилди.

— Эринг кетдими? — сўради Муродхўжа ака асосий мақсадга ўтиш олдидан.

— Йўқ ҳали, — деди Муқаддас, нимани тахмин қилишни билмай. — Сиз билан саломлашмасдан кетармиди. Нимаиди?

— Муни кўр, — дея отаси ёстик тагидаги ўроғлиқ нарсани олиб, қизининг олдига қўйди.

— Нима бу? — тушунмай сўради Муқаддас.

— Оч-чи, — сирли жилмайди Муродхўжа ака.

Муқаддас хавотиру қизикиш билан ўрамни очди ва ялтироқ нарсадан кўзини ололмай, тикилиб қолди.

— Тиллақошми?

— Ҳм. Тиллақош.

Муқаддас безакни қўлига олди.

— Қалай?

— Тоза нарсага ўхшайди, — деди у безакни уёқ-буёққа айлантриб. — Бояги паранжили жувон олиб келдими? Ким экан ўзи?


— Аҳамияти йўқ, — деди Муродхўжа ака, бошқа нарсага алаҳсишни истамай. — Тақиб кўр-чи.

Муқаддас ўрнидан туриб токча олдига борди, у ердаги ойнага қараб, безакни пешонасига қўйиб кўрди, бошини икки томон буриб, ён томонларига қаради, қўлини икки чакқасидан олмай отаси томон бурилди. Муқаддас ўзи чиройли эди, айниқса, кичик дурра устидан пешонасига тожланган тиллақош ҳуснини яна ҳам очиб юборди.

— Ярашдими, ада?

— Шундоқ нарса ярашмайдими? Ярашди.

Муқаддас қайтиб келиб яна жойига чўккалади, безакни латтага қўйди.



— Олайми? — қизига синовчан тикилиб сўради Муродхўжа ака.

— Энди, ада, бу ўлик мол-да, — деди Муқаддас бир оз ўйланиб.

— У нима деганинг? — таажжубда сўради Муродхўжа ака. У қизидан бунчалик сипо муносабатни кутмовди, дили андак озор чеккандек бўлди. Қовоғини солди.

— Бу нарса фақат тўй-ҳашамда тугилади-да, ада, — деди Муқаддас одоб билан. — Кўча-кўйга тақиб чиқа олмайсан киши.

— Мулк-ку.

— Келинингизга тортиқ қиларсиз, — деди Муқаддас соддадиллик билан. — Олаверинг. Қимматбаҳо нарса экан, бисотда асқотади.

Муродхўжа ака безакни қўлига олиб, яна бир синовдан ўтказди, кейин ўраб, ёстиқ тагига яшириб қўйди.

— Маматга айт, извошни чиқарсин.

— Хўп.

Муқаддас хурсанд бўлиш ўрнига негадир яна ҳазинлашиб, хонадан чиқиб кетди... У ҳовлига тушганида, наридан погонсиз шинель ва юлдузли телпак кийган эри Ҳошимжон бу томон қайнотаси билан кундалик саломини бажо келтириш учун яқинлашар, ўзи паст бўйли бўлса-да, шинели уни анча новча кўрсатар эди. У ҳозир адасининг даргоҳига кириб, бир пиёладан чой хўплашади, ҳол-аҳвол сўрашади, кейин омин қилиб икковлари ўринларидан қўзғолишади. Муродхўжа акани соябони кўтарилган фойтун кутаётган бўлади. Муродхўжа ака Бодомзор, Юнусобод даҳаларидаги барча тегирмону обжувозлар устидан хўжайин, бозор мудури. Ҳозир фойтуннинг духоба кўрпача ташланган кажавасига ўтириб, қўл остидаги «корхоналарни» назорат қилиш билан бирга оладиганини олиб, берадиганини бериб тушга яқин қайтиб келади. Уй хизматидагилар югуриб чиқишмайди, хўжайин копу қутиларда келтирилган «ризқ-насибани» кечқурун, қоронғи тушганида олиб келади. Ана унда қўлма-қўл қилиб нарсаларни уйга ташишади, Гулсум опанинг назоратида тортиқлар саранжом қилинади: чой, газлама, дон, қандолат-мева, ёғ — ҳаммаси ўз жойини топади, хужрага яна кулф тушади.

Ҳошимжон «Тупроққўрғон»га жойлашган аллақандай ҳарбий гарнизон омборида таъминотчи бўлиб хизмат қилади. Қайнотаси жойлаб қўйган. Ҳам ҳарбий хизматдан, ҳам урушдан олисда. Унга бириктирилган юк машинаси кунуззукун у базадан-бу базага, аэродрому вокзал омборларига

катнаб, ҳарбий қисмларни барча керакли нарсалар билан таъмин қилиб туради. Қўлқопу тамакидан тортиб, қорақўл телпак ва океан балиғигача. Унинг юк машинаси ҳам бўш қайтмайди — кўмир, сарийёғ, керосин, саксовул, совун, жун адёл, хиром этик, қулоқчин, чуррак, қуруқ мева, ҳатто чинни сервиз, соат, момик шарф-рўмоллар, тулки астар, чарм пўстин каби ўлжа олинган моллар ҳам келади. Пар ёстик, чойшаблар кўпайиб кетганидан кейин Муродхўжа ака бунга ўхшаган нарсаларни бозорга чиқариб пуллаттирадиган бўлди. Албатта топиш-тутиш борасида Ҳошимжон қайнотасидан хийла ўтиб кетди, аммо барибир ундан ҳайқиқиб туради. Ахир ким Ҳошимжонни қанча чиқимлар билан шу хизматга жойлаб қўйди. Қайнотаси! Шунча мол-дунёга ким эга қилди? Қайнотаси! Ким уни урушдан — ўлимдан олиб қолди? Қайнотаси! Киши боласи кўрса суки кирадиган ойдек қизини қўйнига солиб қўйди! Пуф, деса, битта эмас, юзта Ҳошимжонларни тумтарақай қилиб ташлайди. Унга салом бермай, сажда қилмай кимга қилсин?! Калондимовлик ярамайди, бир дақиқада тушига кирмаган, хаёлига келмаган ишлар бўлиши мумкин: барча имтиёзлардан ажралади, штраф батальонига бадарға қилишади ҳам, уёқдан омон қайтишдан кўра, қайтмаслиги аниқ. Қайтганида ҳам бу ерларга келиб нима бўларди? Ўзи чаласавод, тегирмоннинг гардини ютиб юрган нотавон бир кимса бўлса. Йў-ўқ! Қайнотасининг пойи қадамига сажда қилиши, чангини ялаши керак...

Қайнотаси шунақа зўр одам, қўлидан ҳамма нарса келади, қанча унинг ҳурматини ўрнига қўйса, шунча рўшнолик кўради. Ҳали истиқболида яна қандай мунаввар кунлар борикин? Ишқилиб, ўйларди Ҳошимжон, уруш тугамасин.

3

Кизчаси Озода бешикда эди, Муқаддас эрини кузатгач, бирров онасининг олдига кирди. Гулсумопа чироқни ўчирмай танча бағрида араб алифбосида босилган «Ўткан кунлар»ни ўқиб ўтирар эди. Муқаддасни кўриб бошини кўтарди.

— Кетишдимми? — сўради Гулсум опа.

— Кетишди, — дея Муқаддас бориб танчага ўтирди.

— Холида кўринмадимми?

— Йўқ, ҳали чиққани йўқ, — деди Муқаддас титраброқ.

— Тоби қочиб қолгандир.

— Шипириб олса бўларди, — деди Гулсумопа, атрофга кўз югуртириб. — Кеча пешиндан нари шипирги теккани йўқ.

— Ўзим шипирарман, — деди Муқаддас эринчоқлик билан иягини танча четига босиб. — Неччи марта ўқидингиз шу китобни, опа? Ёд бўлиб кетгандир. — Қизи очик кўнгилда айтяптими ё киноя қияптими Гулсум опа англай олмай, индамади.

— Яхши китобни неччи марта ўқима, ҳар гал янги фазилати чиқаверади, — деди ниҳоят Гулсум опа ва духоба қалпоқча кийдирилган чойнақдан ўз пиёласига чой қуйиб ҳўплади.

Гулсум опа ўтирган хона кўп жиҳати билан Ўзбек оймнинг уйини эслатади: гир атрофи ганчдан ўйиб безакланган ҳашамдор тоқчалар, тоқчадаги чинни идишлар, ажойиб гуллар битилган палак, дорпеч, сўзаналар, йилтирок сандиқлар устига таҳланган шойи кўрпалар, пар ёстиклар, гиламлар ва хонанинг тўридаги духоба кўрпа ёпилган танча устида мис баркаш, ликопчаларда турли мевалар... Бу хона аввал Гулсум опа билан Муқаддасники эди. Муродхўжа ака пастдаги уйда тунарди. У ерда голланд печка ва ҳаник бор. Кундузи эрининг шамаси кифоя — шундай қудратли одамнинг гапини икки қилиб бўлмайди — Гулсум опа кечаси Муқаддас обдан уйкуга кетганида, секин туриб, эри ётган пастдаги уйга ўтади.

Ҳамон ёмғир шивалаб ёғар, қора булутлар ҳаммаёқни камраган, куртаклари гуручдек бўлиб қолган дарахтлар титраб тургандек туюларди.

Муқаддас зинадан пастга тушиб, куҳлади, оғзидан ховур тарқалди. Март ойининг ўрталари бўлишига қарамай, ҳаво ҳали совуқ эди. Муқаддас қўлларини қўлтиғига суқиб, ивиб кетмаслик учун уйга югурди. Ошхона томонда кимдир — Холидами, Замира холами сатилларни даранглатиб юмуш қилар, ошхона эшигидан ховур аралаш тутун буруқсаб чиқарди.

Муқаддас уйига кирганда у ерда Холида хона супуриш билан банд, Озода ётган бешик кимирлаб қўяр, говрапўш тўлқинланар, йиғи товуши эшитилмас эди.

— Ассалому алайкум, опа, — деди Холида ишдан тўхтаб.

— Ваалайкум, — деди Муқаддас, пойгақда кавушини еча туриб. — Шўттамидинг?

— Қарасам, оймпошшамларнинг олдиларида экансиз, — деди Холида узр оҳангида. — Бу хонани йиғиштириб қўя қолай, дедим.

— Озода уйғоқми?

— Ҳали кирсам уйғоқ экан. Қўлини бўшатиб қўйдим.

— Нега юзини очиб қўймадинг?

— Уй шипиряпман, чанг тегмасин, дедим.

— Яхши, — деди Муқаддас ва бориб бешикни очди. Озоданинг йирик, юмалоқ кўзлари очик, онаси говра-пўшни очгандан кейин жингалак бошини уёқ-буёқ ўгира бошлади, онасини кўриб, кучанди, юзи қизариб кетди, бир зумда йиғи келди, кўзлари ёшланди. — Ҳозир, ҳозир — дея Муқаддас камзулини ечиб, қўлтигининг тагида чоки сўкилган кўйлаги ичига қўлини юборди, эмчагини чиқарди, қорамтир учини қизининг оғзига олиб борди. Озода оғзи-бурни билан юмшоқ иссиқ эмчакка кўмилиб, эма бошлади.

— Опа, менда ишингиз йўқми? — пойгак томонда қаддини ростлаб сўради уйини супуриб бўлган Холида.

— Самоварда сув борми, Озоданинг нарсаларини юваман?

— Бор, опа, — деди Холида ҳозиржавоблик билан. — Камайиб қолган бўлса, яна сув қуйиб қўяман.

— Майли, оймникигаям кир, ҳаммаёк ивирсиб ётибди, — деди Муқаддас чиқиб кетишга ҳозирланиб турган Холидага.

— Хўп, опа, ўзимам ўша ёққа ўтмоқчи эдим, — деди Холида ва қўлтигига супурги қистириб, пойгакдаги хокандозни олди, калишини кийди.

— Майли, боравер, самовар қайнаса, айтарсан.

— Хўп, — деди Холида чиқиб кетди.

Озода онасининг кўкрагини тўйиб-тўйиб эмар, қоп-қора кўзларини Муқаддаснинг юзидан узмас, айникса эмишдан бир зум тўхтаб онасининг кўзларига тикилганида дилидан аллақандай ўйлар ўтгандек туюлар, таъна қилгандек бўлар, онасини изтиробга соларди. «Ишқ меваси», ўйларди Муқаддас қизчасининг пешонасига ёпишган жингалақларини силаб. Шунчалик отанга ўхшайсанми, қизим? Уям шунақа жингалак соч. Кўзлари шахло. Сеникидек қиррабурун. Малоҳатлигиям ўтипти, отанг ҳам бурдойранг эди. Агар Ҳошимжондан бунёд бўлганингда, сочларинг малла, ўзинг сарғиш бўлардинг... Отанг қайларда юрганикин? Тирикмикин? Дайди ўққа чалинмадимикин? Бечора, боласи борлигиниям билмайди. Ишқилиб, ажали етмаган бўлсин, омон қайтса нималар қиларкин? Наҳот, девор-дармиён ота-бола бир умр бир-бирини билмай ўтишса?..

Ишқомзор боғнинг этагида кўп воқеалар гувоҳи, маълум жиҳатдан машъум айвонча бўлиб, унинг тўрт тарафи очик, ёнидан доим суви тинмайдиган ариқ ўтган; томида ёнроқ,

офтоб тушмайдиган тагида баргак, узумқуритилади, кеч куз қишга хашак ғамланади. Баъзан ёзнинг иссиқ палласида хонадон аъзолари шу айвончага жой қилдириб, жазирамадан жон сақлашади — атроф очик, шабада тинмайди, ариқнинг салқини келиб туради.

Бундан икки ярим йил муқаддам балоғат бўсағасида турган Муқаддас шу айвончада ёлғиз ўзи имтиҳонларга тайёрланиб ўтирар экан, ўқтин-ўқтин хаёллари чалғир, аллақаёқларга учириб олиб кетар эди. Муқаддас бу йил тўққизинчи синфни тугатади, ўн еттидан ошди, бунинг ёшида онаси битта фарзандлик бўлган экан. Акаси ҳозир мўйловини қирадиган бўлиб қолган, яқинда ўрта мактабни битиради. Акаси билан бирга ана у девор ортидаги қўшниси Ўлмас ҳам ўнинчини тугатади, улар ўртоқ, кўпинча шу айвончада дарс қилишади, шу ерда шахмат ўйнашади, чекишади, ётиб қолишади. Баъзан Муқаддас буларга овқат олиб чиқиб берганида беихтиёр кўзи Ўлмасга тушади. Масъуд дастурхон ёзаётган пайтида, Ўлмас бир лаҳза Муқаддасга қараб олади. Шунда Муқаддаснинг юраги алланечук бўлиб кетади. Ўлмаснинг отаси фронтда, иккита синглиси бор, онаси дўппи тикиб, рўзгор қилади. Ўлмас оилада тўнғич фарзанд, ниҳоятда чиройли, ақлли йигит. Мактабда ҳам аълочи, Масъуд кўпинча шунинг кўмагида дарс қилади...

Муқаддас бешикка бағрини бериб қизчасини эмизар экан, бу азобли ўйлар унга ҳаловат бермас, ҳар қанча қувимасин, ёпирилиб келаверар, улардан кайф сургандек тарк этишга ошиқмас, ҳозирги аҳволини ўйлар, ўзини гуноҳкор сезарди...

4

Айвончада дарс тайёрлаб ўтирган Муқаддаснинг хаёли яна бўлинди, ногаҳонда унинг назари ариқнинг бўйидаги шотутга тушди. Жийдадек мевалари қорайиб қолипти, демак етилипти. Муқаддаснинг татиб кўргиси келди, яланг-оёқ дарахт остига борди. Силкиб кўрди, шотутнинг банди қаттиқ бўлади, тўкилмади. Жазм билан келгани учун қайтгиси келмади, тирмашиб дарахтга чиқа бошлади, қўшни девордан ҳам баландлашди, кўзи жўхорига сув қуяётган Ўлмасга тушди. У шимини тиззасигача шимариб олган, қўлида кетмон, қўйлакисиз бадани тердан ялтирар, пухта пайлари ҳаракат қилганида чайирлашар, соғлом кучидан далолат берарди. Ўлмас ҳам Муқаддасни пайқаб, кулиб кўйди, қизнинг юраги яна алланечук бўлиб кетди, кўзини

олиб кочди, мевалари қорая бошлаган шохнинг юқорисига секин тармашди, бироқ оёғи сирғаниб кетди. Ўлмаснинг кулоғига Муқаддаснинг «а-а» деган товуши, шотут шохининг қарсиллагани ва гуп этиб ниманингдир ерга урилгани яққол чалинди, у кескин бурилиб, девор ортидаги дарахтга кўз ташлади — безовталанган шохлар тўлганар, Муқаддас кўринмас эди. Ўлмас кетмонни улоқтириб, деворга отилди, бир сакраб устига чиқиб олди — Муқаддас пастда, ариқ бўйидаги ўтлар, шох-шаббалар орасида қимирлай олмай инграб ётар, кўйлаги йиртилиб кетган, иккала қўли остида қолган шекилли, валати алфозда эди. Ўлмас дарҳол девордан сакради, бир хатлаб ариқдан ўтди, ховлиқиб Муқаддасга ёпишди.

— Муқаддас! Нима бўлди? — деди Ўлмас қизни ўгириб. Унинг тилинган юзидан қон сизғир, ранги оппоқ, лаблари кўқарган, кўзлари оғриқдан сузилган эди. У аранг инграб кўзини юмди. Ўлмас қизни даст кўтариб, айвончага олиб чиқди, кўрпачага ётқизди, югуриб бориб, дўпписида сув олиб келди, кизга сепди. Муқаддас сесканиб, яна ингради, зўрға кўзларини очди, тўпланиб қолган ёшлари тирқираб сизғиган қонга аралашди, ёқаси остига оқди. Ўлмас қизнинг бошини кўтариб, лабига ховучини олиб борди.

— Сув хўпланг, Муқаддас, — деди Ўлмас ва ховучининг чети билан қизнинг лабларини йириб, оғзига сув қўйди. Муқаддас сувни култ этиб ютди, йигитга тикилди. У қизнинг елка аралаш бошини ўзининг яланг бағрига босиб турар, бир кўксига ботиб турган қизнинг қулоқ-юзи йигитнинг бесаранжом юрак урушини эшитар эди.

— Қаерингиз оғрияпти, Муқаддас? — Хаяжондан энтикиб сўради Ўлмас. Муқаддас индамади, оғриқ тарқай бошлади чоғи, кўзларини юмди, енгилроқ нафас олди. Йигитнинг жўшқин бағри ором бергандек, оғриқни енггандек туюлди, бу асно нақадар яхши эди.

Ўша куни кечаси билан Муқаддас тўлғониб чиқди. Унинг ожизгина қалбига майин сурон билан кириб келган туйғу ёки ўша мана шу ожизгина қалбида туғилган эҳтирос баҳор нурларида лоп этиб очилиб кетган гулдек гуркирар, аллақандай гирдобларга тортар, энтиктирар, қувнатар ва чўчитиб, дилини ларзага солар, хатто лат оғриғини ҳам сездирмас эди. Яхшиям айвончага жой қилдирган эканмиз, ўйларди Муқаддас, яхшиям тутдан йиқилдим. Энди дарс баҳона кунимни айвончада ўтказаман, ҳеч ким шубҳа қилмайди, мен эса қўлим бўшаши билан ўша ёққа чопаман. Ўлмаснинг овозини, хиргойисини, бақириб-чақиришини,

ҳатто йўталишию қадам товушини пинҳоний эшитиб ўтираман, мен нималардир қилиб, борлигимни билдираман, Холидани чақирган бўламан, бироқ икки қулоғим, вужудим ўша, девор томонда бўлади. Эшитармикин? Қарармикин буёққа? Ё яна дарахтдан йиқилайми? Йўқ. Бўлмайди. Ҳийлалиги билиниб қолади, олдингисиниям шунақа, деб ўйлайди. Дилига шубҳа оралайди, кўнгли қолади.

Бир неча кундан кейин акаси имтиҳон топшириб келиб, ичкари уйга ухлагани кириб ётди — кечаси билан дарс тайёрлаб чиқишган эди Ўлмас билан бирга. Демак, Ўлмас ҳам мактабдан қайтган, агар уям уйқуга кетмаган бўлса, ховлисида юмуш қилиб юргандир. Ухламайди у, албатта, Масъудга ўхшаган нозик, эркатой эмас.

Муқаддас битта китобни бошқалар олдида намойиш-корона варақлаб, катта уйнинг орқасига ўтиб кетди, демак, бу ердагилар дарс тайёрлагани боғ этагидаги айвончага тушиб кетди, деб ўйлашади.

Муқаддас этакка чопа кетди, аммо айвончада бешик-терватдек чайқалиб ўтирган Холидани пайқаб, секинлашди. Холида икки оёғига жун калава илиб, тўп ўрарди, Муқаддас яқинлашганини сезмади. Мана бир йил бўлди, уруш бошлангандан кейин турмуши оғирлашиб Холида ўқишга бормаи қўйди, онаси билан шу хонадон юмушларини бажаради — супуриш-сидириш, ховлига сув сепиш, молга ем бериш, идиш-товоқ ювиш, самовар қўйиш, чой ташиш ва яна аллақанча ишлар шу ўн уч яшар қизчанинг бўйнида. Онаси сигир соғади, кир ювади, овқат пиширади, нон ёпади, ўғир туяди — саҳардан то шомгача она-бола шу ховлида гиргиттон. Гулсум опа барча ишлатиладиган масаллиқларни ўзи ажратиб беради, аммо бўлак тергамайди. Минг тергасин, қўлига бериб қўйганингдан кейин, татимай иложи борми? Замира холанинг ўзи ҳалол аёл, ҳеч нарсага хиёнат қилмайди; қозон катта, қанчадан-қанча масаллиқ тушади, бир ҳовуч гуруч-мош, жичча ёғ, бир-икки жазлик гўшт ажратиб қолса, ҳеч ким сезмайди ҳам, липпасида кетаверади. Аммо Замира хола унақа қилмайди, қизига ҳам шуни уқтиради. Агар эгриликни биронталари пайқаб қолса, ҳайдалишади, шу ризқдан ҳам маҳрум бўлишади. Баъзан овқат устига бирор кимса келиб қолса, ўзи билан қизининг тегишини ҳам сузиб беради, қолган-қутган бурда-сурдалар билан қониқаверади. Уйда яна учта ўғли бор, эри билан катта ўғлидан қорахат келган. Болаларига бирон нарса олса, албатта Гулсум опага кўрсатиб олади.

— Вой, опа! — ёзғиради Гулсум опа. — Нима қиласиз

кўрсатиб, мен бирон нарса девдимми? Қўйинг-э.

— Ҳа, энди, пошшахон, билиб қўйсангиз тузукда, — дейди Замира хола, уй бекасининг у қадар зикна эмаслигидан кўнгли ёришиб.

Гарчи юмуш анча кўпайса-да, Замира хола меҳмондорчилик бўлишини пойлайди. Албатта меҳмонлардан кейин даста-даста ювуқсиз косалар, лаганлар, қошиқлар, сочиқлар, ликопчалар чиқади, катта самовар қайнотиб, ҳаммасини чиннидек ювиш, жой-жойига қўйиши, алламаҳалгача ошхонадан нари кетолмаслиги, ҳатто уй эгалари уйкуга кетишганларида ҳам қизи билан қолиб, ҳамма нарсани саранжом қилиб қўйиши керак, эртасига қолса барибир шу ишларни ўзи бажаради. Шу билан бирга, меҳмонлардан унча-мунча нарса: бурда-сурда нон, лаган тагида ош, ғажилмаган устихон қолади, Замира хола Холидани ўғиллари мўлтираб ўтирган уйга зинғиллатади. Начора? Нон ҳам нон, увоғи ҳам нон. Айби бор эканми? Шунга ҳам етиша олмаганлар, шишиб ўлаётганлар қанча? Шукр қилиш керак. Болалари ҳам бекор қараб туришмайди. Замбил-замбил ахлат кўмиш, ўтин арралаш, ёриш, кўмир тушириш, вист ташиш, лой қориш, томсувоқ қилиш шуларсиз битмайди. Албатта оғир юмушлар учун эркаклар ҳам бор, аммо ишнинг кўлами катта пайтда Муродхўжа ака мардикор ёлламайди, шу болалар асқатади. Хўжайин чиқимга пишиқ, аммо ҳайит кунлари рўзворга ярамай қолган нарсалардан улашганида, болалар ҳам четда қолмайди. Бирига кирза этик, иккинчисига қавилган ҳарбий пахталик, яна бирига калиш тегади. Албатта, бу нарсаларнинг ҳаммаси Муродхўжа ака учун унчалик арзигулик нарса эмас, қўлининг кири, битта зиёфатнинг ўзига қанча нарса сарф бўлади, аммо ҳечвақоси йўқ қашшоқ оила учун жуда катта ёрдам. Бир жуфт калишнинг ўзи бозорда фалон пул, кирза этик билан ҳарбий пахталикни айтмаса ҳам бўлади. Бир куни — Холида у пайтда ҳали мактабга қатнар эди — синфдош бир қиз Холиданинг юзидан чимдиб олди.

— Ҳу, чўригина, — деди қиз, ғазабданми, ҳавасданми кўзлари чақнаб. — Юзинг лўппигина, тикон урса, қон тирқирайди! Тўрнағич урайми?

Холида шундан кейин мактабга қадам босмай кетди, ҳеч ким бунга парво ҳам қилмади...

— Холида, — деди кўққисдан чўчитиб юбормаслик учун Муқаддас нарироқдан. — Кўксултон ховлида думбул бўпти, терсанг, бир ердик. Қарс-курс.

Муқаддас келгунча Холида бурилиб, қараб турди.

— Еб кўрдим, опа, ҳали тахир, — деди Холида ўнғай-сизланиб. — Агарда майли десангиз, бирпасда териб келаман.

— Йўк, тишни қамаштиради, — дея Муқаддас айвонга чиқди, кавушини ечиб, хонтахта тўрига ўтди. — Мен дарс тайёрлайман, сен ҳовлига чиқа қол.

— Индамай ўтираман, опа, ҳайдаманг, — дея Холида ёлвориб. — Олдингизда ўтиришни яхши кўраман. Шундок чиройлисизки, қарайвергим келади.

— Мен овозимни чиқариб ўқийман, Холида, шеър ёд оламан, — деди Муқаддас, Холиданинг гапидан кўнгли тўлиб. — Сендан уяламан. Эртагача ёд олишим керак. Тўртта шеър.

Холида хафа бўлмади, Муқаддас дилозор эмаслигини яхши биларди, тушунди, ёлғизлик азбаройи кераклигидан сўраяпти. Майли.

Холида жункалава билан ўралган тўпни этагига солиб, пастга тушди.

— Икки-уч кун ўтсин, опа, сал шира кирсин, териб бераман кўксултондан, — деди Холида ўзининг ёшига номуносиб донолик ва тажрибалилик билан. — Хўпми, опа?

— Хўп, Холида, — деди Муқаддас айёрона жилмайиб, — Қарздорсан, эсингдан чиқса, кўрасан.

Холида диконглаб югуриб кетди.

— Холида! — деб кичқирди Муқаддас, Холида бор дарчасига яқинлашганида атайлаб овози деворнинг у томонига эшитилсин учун. — Анув нарсам қатта-а-а?

— Нима? — узокдан чинқириб сўради Холида, бироқ «нима»лигини Муқаддаснинг ўзи ҳам билмас, муҳими, овози эшитилиши эди.

— Ҳа, топдим! — дея кичқирди Муқаддас ҳеч нарсани қидирмай ва ҳеч нарсани топмай. — Кетавер!

Муқаддас тиззасига китобини қўйиб варақлай бошлади, аммо буткул эътибори Ўлмасларнинг ҳовлисида, шитир этган товуш эшитилмай қолмайди. Аслида ҳовлининг саҳни юқорида, пастдаги жўхоризор ҳовлининг этаги. Дарвозаси нариги кўчага чиқади, маҳалла гузари ҳам ўша ёқда, девор дармиён қўшни бўлишларига қарамай, иккала оила унча алоқа қилишмайди. Муқаддас эшитган, ҳатто Муродхўжа ака Садр ака билан айтишиб қолган экан, қаъда-маъракаларга айтишмайди. Ўлмаснинг отаси трамвай ҳайдар эди, урушнинг бошидаёқ аскарликка чақирилган, аввали ундан хат келиб турди, ярим йилдан кейин таққа тўхтаб қолди. Қорахат келмаган, уйдагилари нимага йўйишни

билишмайди, таҳликада. Ўлмаснинг онаси уйда ўтиради, дўппи тикади. Қизлари ҳам онасига қарашадиган бўлиб қолган. Бири игна тортади, пилтакач уради, битган дўппини тахтакачга бостиради, яна бири ипак қайнотади, қуритади, хуллас, намозасрда бошланган дўппи эртасига тайёр бўлади, пешинда онаси пилтакачдан энди чиққан дўппини қўлтиққа уради-да, паранжига ўралиб бозорга ошиқади. Агар уйда чайнайдиган нарса бўлса, вақтни аяб, икки-уч кун бозорга қатнамайди, бу орада уч-тўртта дўппи тўпланиб қолади, онаси ҳаммасини олиб тушиб, мўмайгина пулга эга бўлади. Дарҳол нон, мош, керосин, пилик ва энг муҳими, ипак билан арзон-гаров мато харид қилиб чиқади, қимматини олмайди, номига латта бўлса бас, ипак тагида қолиб кетади, фақат астар учун пухтароғини танлаши керак, акс ҳолда пилтакач ситиб юборади. Ўлмас асосан уй юмушларига қарайди — ер чопади, экин экади, сув қуяди, эчкига ем тўплайди, ўтин ёради, кузда сингилларини ишга солиб, ўзи томсувок қилади. «Яхшиям сени туққан эканман, — дейди онаси лой қораётган ўғлига совуқ чой узатиб, бу оғир ишларни ким қиларди сен бўлмаганингда? Ишқилиб, худо кўп кўрмасин, урушдан асрасин, катта бўлиб қолдинг, болагинам...» Ўлмас тузук, фаросатли бола чиқди, ўқиши ҳам аъло, кўлидан китоб тушмайди, ҳатто лой тепганида ҳам ўқигани-ўқиган, аввал «Пионерлар саройи»даги аллақандай тўгаракка қатнар эди, кейин Олой бозори орқасидаги обсерваторияга борадиган бўлиб қолди. Юлдузларни томоша қилармиш. Майли, қизиқаркан, бораверсин боласи. Нон-сув талаб қилмаса. Трамвай харажатидан қочиб, пиёда қатнармиш. Бўйи ҳам ўсиб қолди. Отасининг кийимларини кийяпти. Бир оз кенгроқ, аммо бу пайтда ким бунга қарайди, кийим бўлса бас-да. Ўзи хипчароқ кўринса ҳам, эти пухта, кўкрак-қўллари мисдек...

Айвончага тўп этиб кесак тушди, Муқаддас чўчиб кетди ва айни бир пайтда юраги ниманидир сезиб, кўзини ялт очди. Майкачан Ўлмас пахсага тирсақларини тираб, кулиб турар, нариги томондан нарвоннинг шотиси кўринарди. Муқаддаснинг юраги энтикиб, дук-дук ура бошлади, юзига ранг югурди, ўнғай ўтириб олди.

— Чўчитиб юбордингиз, — деди Муқаддас нозли араз билан.

Ўлмас қизариб кетди, аммо юзи офтобда пишгани учун Муқаддас буни сезмади.

— Анча кутдим, — деди Ўлмас узр ўрнида. — Қимир этмадингиз. Кесак отишга тўғри келди.

— Юзимга тегса нима бўларди? — ўша кўйда ёзғирган бўлди Муқаддас.

— Ғурра бўларди, — деди Ўлмас ҳазилга олиб.

— Ғурра бўлса уйдагиларга нима деб баҳона қилардим?

— Тутдан йиқилиб тушдим, дердингиз, — деди Ўлмас бир неча кун бурун бўлган воқеани эслаб.

— Ҳо! — қолишмади Муқаддас ҳам. Тутдан йиқилса, ғурра эмас, одам майиб бўлади.

— Майиб бўлманг, — деди Ўлмас бир оз сукут қилиб.

Муқаддас индамади.

— Яхшиям ўшанда сиз боракансиз, Ўлмас ака, бўлмаса ётардим ербағир бўлиб.

— Қалайсиз, тузалиб кетдингизми энди?

— Қўл-оёғим омон экан, силатдим, ҳозир чопқиллаб юрибман, сўрамадингизми акамдан?

— Ботина олмадим, — деди Ўлмас ўнғайсизланиб.

— Ботина олмадим? — қайтариб сўради Муқаддас. — Кўрқокмисиз шунақа?

Ўлмас жавоб ахтариб жимиб қолди.

— Сизни кўрсам — шунақа.

Муқаддаснинг юзи ловиллаб, томоқ томири қаттиқ ура бошлади, кўзи тиниб, боши айлангандек бўлди. Бу — роз, изҳор эди. Қиз тушмагур эсанкираб, тили карахтлангандек эпақага келмай қолди, бадани нималарнингдир интиқида қизиб, жимирлай бошлади.

— Яхши кўраркансиз, уйимда шотут бўлганида, териб чиқардим, — аранг Ўлмаснинг ҳам тили калимага келиб гапирди.

— Ана-ку тут, — ўзини гўлликка солиб сўз қотди Муқаддас. — Рўпарангизда. Қўл чўзсангиз етади.

— Ҳа-я, — деди Ўлмас ижозат теккандан бир оз жонланиб ва деворга чиқиб, тут шохларини қайириб, эзиб юбормаслик учун авайлаб ғудда, қорамтир меваларини теришга киришди, ниҳоят шотут билан тўлган дўпписини икки жиягидан қимчиб, ерга сакради, ялангоёқлари билан сассиз одимлаб, айвоннинг ёғоч панжараси олдига келди. Нариги томондан эмаклаб Муқаддас ҳам панжарага яқинлашди. У кун ит-бети шикастланмаганмикин, деб оёқ-қўлини пайпаслаб кўрганида Ўлмаснинг юраги алланечук ларзага келган эди. Ҳозир Муқаддас мункайиб тургани учун кўйлаги ҳалқоб бўлиб, ёқасидан кўкрагининг бир қисми кўзга чалиниб турарди. Ўлмас у кун ичун ҳам кўрувди, ҳозир яна беихтиёр кўзи тушиб, кўнгли ғалати бўлиб кетди.

— Мана, — дея Ўлмас шотут тўла дўпписини панжара орасидан ўтказиб, қизнинг олдига қўйди.

Муқаддас икки бармоғи билан шотут бандидан чимдиб, биттасини оғзига олиб борди.

— Омонлик-сомонлик — деди у одат бўйича айтиладиган иборани эслаб. — Бу йил биринчи марта оғзим тегиши. — Муқаддас мевани оғзига солиб, тили билан танглайига босди. — Мазза. Шира кирипти. Олинг ўзингиз ҳам, тансиқ нарса, қон бўлармиш.

Ўлмас бу соддадил, аммо нақадар сохибжамол қизга ҳавас билан тикиларкан, ўзини анчайин йироқ, ношуд хис қиларди. Бояги «сизни кўрсам» деган сўзларини қанақа журъат билан айтиб юборганига ҳозир ҳайрон, ўзи ишонмас эди. Бироқ қиз тумтайиб олмади, жеркиб бермади, аксинча, негадир гарангсиб қолди. Демак...

— Масъуд қаёқда? — ноқулай сукутни бузиб сўради Ўлмас.

— Ухлаяпти, — деди Муқаддас андак киноя билан. — Чарчаб қопти шўрлик. Қувватсиз-да, бечора, эркатой.

— Масъуд яхши бола, — деди Ўлмас негадир дўстини химоя қилиб. Муқаддас Ўлмаснинг гапи самимий эканига шубҳа қилмади. Ҳақиқатан, Масъуд оқкўнгил, сахий бола, маккорлик нималигини билмайди, бировга кўнгил қўйса, қулига айланади-қолади. Ҳар куни портфелига нон, қанд солиб кетади, синфдошларига улашади.

— Гўлроқ эмасми? — синовчан сўради Муқаддас. — Доим паришон. Қўйган нарсасини нукул топа олмай юради. Мен топиб бераман.

— Масъуд яхши бола, — Ўлмас бошқа сифат эслаб олмади, бояги сўзларини такрорлади. — Яхши ўртоқ. Ичида кири йўқ. Зехни ҳам ўткир.

Акаси ҳақидаги бундай баҳо Муқаддаснинг кўнглини ёритди. Ўлмасдек аъло ўқийдиган, зукко талабанинг оғзидан бунчалик сўзлар чиқиши чакана эмас эди, албатта.

— Нега ўзингиз емайсиз? — деди Муқаддас тут шарбатидан тамшаниб. Оғзининг ичи кип-қизил эди. — Менам емайман бўлмаса.

— Ейман-ейман. — деди Ўлмас ошиқиб ва оғзига тут донасидан ташлади. — Етилишига бир оз боракан, бандидан сезувдим.

— Сал нордонлигиям тузук, кўнгилни очади, — дея Муқаддас чўкка тушиб ўтириб олди. Лозими остидаги тиззалари тўпдек юмалоқ эди. — Майкангиз доғ бўлибди. Ойингиздан балога қолдингиз энди. Нима деб важ кўрсатасиз?

— Нима важ кўрсатардим? — деди Ўлмас, бепарво кўринишга уриниб. — Масъуд билан тут евдик, доғ бўлди, дейман.

— Ёлғон айтасизми? — синовчан сўради Муқаддас. Ўлмас талмовсираб қолди. — Алдайсизми?

— Нега алдар эканман? — ўзини гўлликка солиб гапирди Ўлмас.

— Масъуд ухлаб ётипти-ку.

— Савоб — ёлғон, — деди Ўлмас бир оз ўнғайсизланиб, — ё айтайми сиз билан тутхўрлик қилганимни.

— Йўқ, зинҳор, — деди Муқаддас ўйланиб. — Ойингиз мени ёмон қизакан, дейди, гаши келади, қизганиди.

— Сиздан қизганиб бўладими? — деди Ўлмас сирли оҳангда.

Муқаддас гапнинг маъносини сезди, ўзи шаънига айтилган баҳодан роҳатланди ва бир оз ўнғайсизланди.

— Кўлларингиз ҳам доғ бўлипти, — деди Муқаддас гапни чалғитиш ниятида. — Қассобнинг кўлидек... Энди кетмайди. Яшириб юрасиз.

— Майли, кетмасин, — деди Ўлмас яна тагдор қилиб. — Эртага ҳам териб бераман. Кўйлак кийиб келаман.

— Уям доғ бўлади, ойингиздан балога қоласиз!

— Майли, атайлаб кийиб келаман.

Муқаддас талмовсираб қолди.

— Ечинг, майкангизни ювиб бераман, — деди ўнғайсизликдан қутулиш мақсадида.

— Йўғ-э! — Ўлмас ҳатто бир қадам тисарилди. — Бу майкани энди ҳеч қачон ювдирмайман. Портфелимга яшириб қўяман. Эсдалик учун.

— Нимадан эсдалик?

— Тушунмаяпсизми? — маънодор сўради Ўлмас бир оз сукут сақлаб.

— Боринг, Ўлмас ака, — самимий деди Муқаддас. — Сизни кидириб, бу ёққа тушишса...

5

Муродхўжа ака ўзи тўқис, қўли ҳар нарсага етадиган одам. Амалдорлар орасида керакли кишилари бор, кўпинча «текинга мушук офтобга чиқмайди» маталини айтади, шунинг учун «керакли кишилар» доим Муродхўжа ака илтимосини ерда қолдиришмайди, мўмайгина «садақа»га эга бўлишади. Муродхўжа ака бирини уларга оширса, иккисини бу ёқдан уради. Тегирмон билан бозор шунчаки ниқоб,

«хўжакўрсинга», аслида эса махфий артели бор, тўғрироғи, иккита цехи бўлиб, бирида калиш, иккинчисида совун ишлаб чиқарилади, расмий жиҳатдан — фронт учун бинт тайёрлаб берувчи муассаса. Муродхўжа ака шу муассасанинг мудирини, маошни шу ердан олади. Муродхўжа ака қайси бир зиёратда Штокман деган — немисми, яхудийми, уруш муносабати билан эвакуация қилинган бир киши билан танишиб қолди. Штокман бир неча таклифлар ташлади. Муродхўжа ака иккитасини маъкул кўрди — совун билан калишни. Муассасани кенгайтириш важи билан корхонаси остидаги карам-картошка сақланадиган подвални Муродхўжа ака «керакли кишилар» воситасида бўшаттириб олди. Штокман аллақайси шаҳардан поездга юклаб керакли машиналар келтирди, Муродхўжа ака сармойасига одамлар ёллаб, машиналарни ўрнатди, икки ҳафта деганда «муассаса» маҳсулот чиқаришга тушди, Муродхўжа аканинг ҳамёни эса кун сайин қаппая бошлади.

Кўпларга офат, уқубат, ажал келтирган уруш Муродхўжа акага бойлик тўкди, муайян даврларда унинг обрўи янада ошди, уни олий даражадаги зиёфатларга таклиф қиладиган бўлиб қолишди. Шундай зиёфатларнинг бирида Муродхўжа ака республика ҳарбий комиссариатининг масъул раҳбарларидан бири билан танишиб қолди; кадрдонлашиб кетишди, Чирчик, Чиноз зоналаридаги ҳарбий кўрикка овга чиқишади, маишатга берилишади, аёллар ҳам араллашиб туради. Энг муҳими — Муродхўжа аканинг айтгани-айтган, дегани-деган. Хоҳлаган одамини урушдан олиб қолади, хоҳламаганини жўнаттириб юборади...

Эрталаб Муродхўжа ака аллакимга муассасаси ҳарбий аҳамиятга эга эканини уқтириб турувди, ховлисида хизмат қилиб юрадиган Шотурсун ғилай ҳаллослаб келиб қолди, Муродхўжа акани четга ишора қилди, нималарнидир ховриқиб шипшиди. Муродхўжа аканинг авзойи бузилиб, кўзлари бежоллашди, сўнг фойтунига ўтириб, жўнаб қолди. Уйига не ҳолатда етиб келгач, кўзлари ёшдан қизарган хотини Гулсум опа хонасидан чиқди, эшикни қия ёпди.

— Нима гап? — даҳлизда туриб сўради Муродхўжа ака. У терлаб кетган, важоҳатида саросима бор эди. Бирок одатига кўра у ваҳимасини босиб, хўмрайган тарзда яна сўради: — Нима бўлди?

— Қизингиздан айрилиб қолишимизга сал қолди, — дея Гулсум опа яна кўзига ёш олди, рўмол учини юзига босди.

— Сабаб?

— Айтмаяпти, — деди Гулсум опа пиқиллаб.

— Нима бўлди ўзи? — Бир оз тутақиб ўшқирди, Муродхўжа ака. — Соғми?!

— Бир зум ҳаялласак ажралиб қолардик, — дея яна аламли йиғлади Гулсум опа.

— Ахир сабаби бордирки!

— Айтмаяпти, дедим-ку, — зорланди Гулсум опа ва бир оз сукутдан кейин: — Ҳалироқ... Сал тинчиб олайлик... ётиғи билан сўрайман... — деди.

— Уф-ф, — тўлғанди Муродхўжа ака, бир-икки қадам у ёқдан бу ёққа юрди ва хотинининг олдида ўйчан тўхтаб, кўзларига қаради. — Бекордан-бекорга одам ўзини осмайди, бирон сабаб бўлиши керак... Мактабида бирон ҳол рўй бердимикан?

— Имтиҳонларини яхши топширди-ку, — деди Гулсум опа мактабдан кўнгли тўқдек. — Ўзиям охириги пайтда ғалати бўлиб юрувди...

— Қанақа «ғалати»? — сўради Муродхўжа ака. Хотини қандай таърифлашни била олмай, елка қисди.

Айни бир пайтда Муқаддас ичкари деворга ўгирилиб, ғужанак бўлиб ётар, юм-юм йиғларди. «Холида тушмагур, — алам ичида ўйларди у, — бирпасгина нарироқда юрганида, улгурардим. Энди уйдагиларга қай юз билан қарайман? Ахир ҳаммасини айтишга мажбур бўламан-ку. Қандай иснод? Қандай шармандалик! Адам билса, эсидан оғиб қолади... бутимни йириб ташлайди. Шундай обрўли одамнинг қизи шунақа экан, деган гап тарқалса, қандай бош кўтариб юради? Мен ўлай, ўзимни тия олмадим, — ўйлади Муқаддас, — ожизлик қилдим, иродам етмади...»

Муқаддас дарахтдан йиқилиб, ўзини Ўлмаснинг қучоғида кўрганида, айниқса, «шотут» воқеасидан кейин буткул тинчини йўқотиб қўйди, хаёлидан Ўлмас кетмайдиган бўлиб қолди. Боғ этаги қизни чорлар, ром қилар, халоват бермас эди. Муқаддас балоғат ёшига етган қиз, эхтирос чангалидан қутула билмади, ақли-хаёли қоронғилашиб ишк оғушига чўмди. Ўлмас жўшқин лабларини қизнинг кўксига босар, томоқларини ялар, ҳароратли алаҳсираб, «Севаман, сенсиз ўламан, мени чопсанг ҳам, нимталасанг ҳам розиман!» деб қучар, бағрига босар, кўкрагини эзғиларди. Қизнинг идроки қанчалик исён қилмасин, эхтирос ўтига чап бера олмас, лаззатнинг алғов-далғов қилиб юборувчи ширин азобидан отилиб чиқиб кета билмас эди, аксинча, бу сирли, кишини телбаларча эсанкиратиб қўядиган бўрон қифтида хас бўлиб учишни кўнгли тиларди. Бу жозибали ўрмонга

ким биринчи қадамини кўйган бўлса, яна нарироқ боришни орзу қиларди, унинг ҳеч нарсага қиёс қилиб бўлмайдиган асрорига чулғаниш дардида ёнади. Муқаддас ҳам шу кўйга тушди, лекин ҳомила тугулганини англаб, кўзи ялт очилди, хушёр тортди, кўрқиб кетди. Энди нима бўлади? Ота-онасига нима дейди? Ахир исноддан куйиб адо бўлишади-ку! Нима қилса экан? Қандай чораси бор? Замира холага очилсинми? Кўпни кўрган аёл, бирон йўлини кўрсатар... Йўқ, оғзидан гуллаб кўйса, иш чатоқ бўлади. Муқаддас бир неча марта айвончадан, кейин девордан сакради, ўзгариш юз бермади. Ўлмасга айтиб кўрсинми? Одам чиқартирармикин? Йўқ, зудлик билан амалга оширилган тадбир шубҳа кўзгаёйди, онаси, енгилоеқ, номуссиз экан, бўроз қизни келин қиламанми дейди, рози бўлмайди. Рози бўлганида ҳам Муқаддас бир умр қайнонаю қайинсингилларнинг итқараши, таънаси остида ҳаёт кечириши керакми? Зинҳор. Нима чора кўрса, ҳамма нарса ўз ўрнида ёпиклигича қолади?..

6

— Шўримиз қуриб қолди-ку, адаси, — деди пойгак томонда Гулсум опа эридан мадад истаб. — Энди нима бўлади? — Муродхўжа аканинг вужуди даҳшатли титрар эди. — Чақириб ўша савилнинг адабини берамиз, бурнини ерга ишқаб, уйланишга мажбур қиламиз, десам, қизингиз жувонмарг унамаяпти.

— Адабини берамиз — бошқа йўл билан, — деди Муродхўжа ака вазабини босиб, аммо қатъий. — У итлик қилсин-у, биз бориб ялинайликми? — Муродхўжа ака бир дақиқа тин олди. — Майли, бўлар иш бўпти, кўп қақшайверма, жиғибийрон бўлишдан фойда йўқ. Қизингга эҳтиёт бўл, яна қайтадан номаъқулчилик қилиб кўймасин. Олдида ҳадеб куйинаверма, алда, юпат, ҳечкиси йўқ, чораси йўқ нарса бўлмайди, де.

Муродхўжа ака ҳар қандай чалкаш вазиятдан талафотсиз чиқиб кета олиш қобилияти борлигини Гулсум опа яхши биларди, ҳозир унинг вазмин тарзда айтган гаплари хотинининг дилига анчайин умид солди.

— Нима чора кўрмоқчисиз? — деди хотини барибир гумонсираб, чунки эри жоҳил одам, аччиқ устида қизини бир бало қилиб кўйишдан ҳам тоймайди.

— Ишинг бўлмасин, — деди Муродхўжа ака қисқа қилиб.

— Мен онасиман, — дея хотини ёзғирган бўлди. — Режангизни билсам бўладими?

— Бўлади! — деди эри катъий. — Оналикни ҳам дундириб қўйдинг, болангни бировнинг ихтиёрига топшириб қўйиб. Яхши онанинг фарзанди шунақа беҳаёлик қилмайди. Энди буёғини ўзим ҳал қиламан. Тамом. Тур, чик, қизингдан бохабар бўл. Қўлингдан келадими ё пойлоқчи қўяйми?

— Нега унақа дейсиз, адаси? — дили баттар оғриб деди Гулсумопа. — Мен шунақа қил, деб ўргатиб қўйипманми?

— Ўргатишинг колувди, — зарда билан кесатди Муродхўжа ака. — Бўпти, бор. Мен хизматга учраб келаман. Қизинг остона ҳатлаб кўчага чикмасин, ўртоқлариниям қўйма. Боққа чиқарма, анави ҳайвон билан кўришмасин, сир очмасин.

Муродхўжа ака йўл-йўлакай ҳарбий комиссариатга кириб ўтди, фойтунда кетар экан, чамалай бошлади: қўл остида дуруст йигитлар ишлайди, Муродхўжа акага куёв бўлиш — осмондан тўкилган инъом, бахт, биронтаси шак келтирмайди, бир умр миннатдор бўлади, қизини кафтида кўтаради. Аммо Муқаддас энди қиз эмас, қорнида бир ярим ойлик нарсаси бор, агар Муродхўжа ака танлашда янглишса, охири вой бўлади — куёв инжиқроқ чиқса, ҳеч нарсага қарамайди, этагини қоқиб уйдан чиқиб кетади, шунча азоблар билан бунёдга келган хонадоннинг обрўйини чил-чил қилади. Муродхўжа ака шармисор бўлиб, бош кўтаролмай юради. Керакли алоқаларига ҳам путур етади. Демак, унча оқ-қоранинг фарқига бормаидиган гўлроқ, сирни ошкор қилмайдиган, гаҳ деса қўлга қўнадиган йигит бўлиши керак. Фирт етими янада яхши, ота-онаси оёқ остида ўралашмайди, висир-висир тарқамайди. Борми қўл остида шунақалар? Муродхўжа аканинг эсига Ҳошим келди. Оёқ-қўли чакқон, яқинда уни Муродхўжа ака мастерликка кўтарган, маошини оширган, андишали, мўмин-қобил бола, хусниям чакки эмас. Ювиб-тараб, тузукроқ кийинтириб қўйса, кинна кирадиган йигит бўлади. Ота-онаси йўқ, аллақайси қишлоқдан ризқ ахтариб келган, дейишувди. Агар кўнса, ичкўев қилиб олади, тўй харажатлари Муродхўжа акадан сарф бўлади, қарабсизки, ҳемири ишлатмай шундоқ бахтга эга бўлиб ўтирипти. Қани энди Муродхўжа акага ҳам ўспиринлигида, эзилиб юрганларида биров шунақа мурувват қилган бўлганида? Ҳаммасига ўзи эришди, ўз укуви, меҳнати, уддабурунлиги ва энг муҳими — муомаласи билан. Ҳошим! Кўнмай қаёққа боради, бунақа омад бандам деганига ато қилади. Яхши бўлса ошини, ёмон бўлса бошини ейди. Оқибатли чиқса Муродхўжа ака бошқа тузукроқ, даромадлироқ ишга ўтказиб қўяди. Тез кунда фарзандлик

бўлади, етти ойлик турилди, дейилади, холос, бунақа нарсалар ҳар қадамда учраб туради... Анови лаънатининг масаласи ҳал бўлди, бугунок повестка боради, оёғини ерга теккизмасдан олиб кетишади. Ҳозир фронтга мадад керак, ўша ёқларда йўқ бўлиб кетади. Ишқилиб, қизи қорнида борлигини унга айтмаган бўлсин, акс ҳолда хат ёзавериб, тинчлик бермайди. Аттанг, боя ҳарбий комиссариатда, гумдон қилиш керак, деган гапни илова қилмапти, ичбурук бўлиб йўлда ўлиб кетарди. Ҳечкиси йўқ, ҳали фурсат бор, айтади. Шу — ягона чора, агар қизи иноқлик пайтида қорнидагини ўлмасга айтиб қўйган бўлса. Дизентерия ёмон нарса, филни кулатади. Кузатиб борган офицерга тайинлаб қўйиш лозим бўлади, йўлда ўзи чорасини кўради. Уйингдан аза товуши чикмагунча, кўнглим ўрнига тушмайди, ёвуз қасддан роҳатланиб ўйлади Муродхўжа ака.

7

Куз бўлгани учун экин-текин қилган одамлар дон-дунларини эшакка, аравачага ортиб, баъзилари орқалаб келишар, тегирмон олди гал кутувчилар билан гавжум эди. Муродхўжа ака Мамат билан фойтунни тепада қолдириб — бу ер тор, бурилиб бўлмас эди — ўзи пастликка жойлашган тегирмон томон тушди, юмушда югуриб юрган болага Одил найновни айттириб, ўзи хужрага кирди, кўрпаси олиб ташланган танча курсисига ўтириб кутди. Одил найнов келгач, салом-алиқдан сўнг Муродхўжа ака ётиғи билан муддаосини тушунтирди.

— Агар Ҳошим рози бўлса, бир ҳафта ичида тўйни ўтказиб юборамиз, — деди пировардида Муродхўжа ака.

— Шунчалик шошилишми? — бир оз таажжубланиб сўради Одил найнов.

— Замонни кўряпсиз, уста, — дея Муродхўжа ака гапига либос кийдира кетди. — Ҳаммани шипшийдон олиб кетяпти. Кўзим очиклиги неvara кўриб қолай деяпман.

— Бу Ҳошимжон... — деди Одил найнов талмовсираб. — Яхши йигит, албатта, илло... сизга муносибмикин? Ота-онаси йўқ, тагли-туглимас. Одамларни оғзига элак тутиб бўлармиди.

— Етимлиги яхши, думи йўқ, — деди Муродхўжа ака осойишта тарзда. — Ўзим тарбия қилиб оламан. Ҳам ўғлим, ҳам куёвим бўлади. Фаросатли бўлса.

— Фаросати тузук, — деди Одил найнов барибир иккиланиб. У Муродхўжа акадан бундай қалтис ҳаракат кутмаган, хўжайиннинг мавқеини баланд кўриб келарди.

Яқинда мастерликка ўтганидан кейин бухгалтерияга ҳужжатларини росмана топшириб келди. Энди военкомат ҳам билади, опкетиб қолиши мумкин.

— Йўриғи топилар, — деди Муродхўжа ака Одил найновнинг иккиланишига учмай. — Сиз яқинроқ биласиз, ўзи қанақа, оёқ ташлаши қалай?

— Хулқини айтасизми?

— Ҳм. Ҳар қалай йигирмага бориб қолган йигит...

— Буёвидан кўнглингиз тўқ бўлаверсин, — деди энди Одил найнов далда бериб. — Ичмайди, чекмайди, ювош йигит. Бўлмаса бу ерларда ким кўп, банги кўп. Бузилиб кетиш ҳеч гап эмас.

— Маъқул, — деди Муродхўжа ака, сиполик билан.

— Емиши ўша тегирмонидан, ун текин, нонсиз қолмайди, топганига кийим-кечак олади, қолса тўплайди. Пухта бола. — Муродхўжа ака бош қимирлатиб, мамнунлигини билдирди. — Агар зотидан ийманмасангиз, жонингизга ора киради.

— Иншоолло, — деди Муродхўжа ака, синовчан тикилиб.

— Ўтайми олдиға? Айтайми?

— Ётири билан. Ўзимиз ялинган бўлиб чиқмайлик.

— Ҳа-да, хўжайин, буёғи каминангизга ҳавола. Хамирдан қил суғургандек, ўтакасини ёрмасдан амаллаймиз.

— Жуда соз, — дея омин қилиб Муродхўжа ака ўрнидан турди.

— Хўжайин, — деди Одил найнов дуога қўшилиб. — Расм-русм, дегандек... Биронта аёл куёв томондан совчи бўлиб борсинми? Ё шундоқ ҳам бўлаверадими?

— Керакмас, — дарҳол деди Муродхўжа ака. — Ортиқча машмаша. Гаплашганингиздан кейин ўзингиз боринг, тўн кийиб келасиз.

— Куллуқ, хўжайин, — деди Одил найнов икки кафтини кўксига босиб.

8

Гулсум опанинг гапи билан ҳовлининг ҳамма эшиклари тамбалаб кулф солинган эди, боғ дарчаси шиддат билан тақиллагани эшитилди.

Гулсум опа сарпойчан ҳолда даҳлиз зинасига тушди, безовта аланглади. Унинг юраги нохуш нарсани сезарди: биров келса дарвоза бор, боғ томондан ким келиши мумкин? Нега бунақа шиддат билан тарақлатади? Умуман

бундай кўпол тарзда буларнинг тинчлигини бузишга кимнинг ҳаққи бор? Дарча яна тарақлади. Гулсум опанинг юраги ташвишлана бошлади. Тарақлаш товушини эшитиб, ошхонадан Замира хола чиқди, у ҳам таажжубда ағрайиб қолди, бекага қаради. Гулсум опа, очинг, деган имо қилди. Замира хола дарчага яқинлашгач, ваҳима билан қулоқ солди. Дарча яна тарақлади.

— Ким у? — чўчинқираб овоз чиқарди Замира хола.

— Хола, бу мен, Ўлмасман, — деди дарча орқасидан Ўлмаснинг овози. Гулсум опанинг юраги увушиб кетди — бирон балони бошламасайди. Замира хола имо-ишора билан Гулсум опани чақирди — ўзи бундай жанжалли вазиятга бас кела олмаслигини, умуман, бунақанги ишқал нарсаларга аралашмасликни маъқул кўрарди. — Хайрлашгани келдим. Аскарликка жўнаяпман. Бугун кетаман. Масъудни чақирворинг.

— Масъудхўжа йўқлар, айланай, — деди Замира хола, икки кўзини Гулсум опадан олмасдан.

— Ким бор, хола?

— Ким керак, айланай?

— Дарчани очинг, хола, еб қўймайман-ку!

— Дарча қулф, айланай, калити опангизда.

— Чақирворинг Гулсум опамларни! — Ўлмаснинг овози қатъий эди. Замира хола каловлаб қолди.

Замира хола бекасига яна имо-ишора қилди. Гулсум опа кавушини оёғига илиб, пастга тушди, дарча томон кела бошлади.

— Ҳозир, — деди Замира хола яқинлашаётган Гулсум опадан кўзини узмай. — Келяптилар.

— Кенной! — деди Ўлмас кавуш товушини эшитиб.

— Ҳм, Ўлмас? — деди Гулсум опа ётиги билан.

— Кенной, хайрлашгани чиқувдим, — дея бояги гапларини қайтара бошлади Ўлмас. — Фронтга кетяпман. Бугун жўнарканман. Ҳовлимизда мелиса турипти. Рухсат сўраб келдим.

— Вой, Ўлмас-ей, шунақа бўлқолдими? Аттанг, — деди Гулсум опа, муғомбирона ачиниб. — Ҳали ўқишинг тугамаган-ку, укам.

— Ҳозир менинг ёшимдагиларни ҳам олишяпти, кенной, — деди Ўлмас. — Ҳечқиси йўқ. Бурчимиз. Масъуд қаёқда?

— Замира холанг айтдилар-ку. Адаси қаёққадир жўна-тувди.

— Дарчани очинг, кенной, — деди Ўлмас, бир зум сукут қилгач.

— Калити амакингда, — деди Гулсум опа алдаб. — Ўзлари ишдалар. Мелиса келган бўлса, қўйиб юбормайди, деган хаёлда, қўшиб қўйди: — Нариеқдан айланиб кела қолда, Ўлмас, дарвозанинг калити бор. — Гулсум опа ухлаб ётган қизи чиқиб қолишидан хавотирланиб дахлиз томон ўқтин-ўқтин қараб қўяр, тезроқ гап тугашига ошиқар эди.

Ўлмас бир оз жимиб қолди, унинг дилидан ўтаётган изтиробни Гулсум опа бу ерда туриб сезар, гаши келар эди.

— Улгурмайман, кенной, — деди Ўлмас чуқур афсусда. — Қўйишмайди.

— Омон бўл, Ўлмас, — деди Гулсум опа, гапга хотима ясаб. — Худо фалокатдан асрасин. Сор-саломат қайтиб кел. Омин.

— Кенной, — аранг деди Ўлмас, таваккал қилиб. Гулсум опанинг юраги орқасига тортиб кетди. Ҳозир Муқаддасни сўрайди, деб Гулсум опа асабийлашди, яхшиям қизи айтган сирдан беҳабар, бўлмаса ўшани рўкач қилиб, дунёни бошига кўтарар эди. Муқаддас ўзини осганини ҳам билмайди. Умуман, ўша машъум воқеани Замира хола билан эри билади, холос. Холида-ку ўзи кўрган. Ҳатто Масъуд ҳам билмайди. Замира хола билан Холиданинг оғзини ул-бул тиқиб ёпишган.

— Лаббай, оповси.

— Муқаддасдан китоб олувдим, — деб алдади Ўлмас ва бу гап ёлгон эканига Гулсум опа шубҳа ҳам қилмади яна нима важ топаркин, дея кутди. — Шуни бериб қўймоқчи эдим, чақирворсангиз...

— Вой, — деди Гулсум опа ясама таажжуб билан, — ҳали билмаймансми, укам? Муқаддас лагерга кетган-ку. Тўрт кун бўлди.

Ўлмас Гулсум опанинг гапига ишонмади. Умуман, у охирги пайтда нималар бўлаётганини англай олмай боши қотган, бир ҳафтадан ошди, Муқаддас алоқаларини ҳеч нарса демай-нетмай, чўрт бўлиб қўйди. Нақадар иноқлашиб кетишувди! Нима бўлди? Қанақа воқеа юз берди? Бирон ножўя ҳаракат қилиб қўйдимикин Ўлмас? Муқаддас кескин ўзгариб қолди? Ёки уйдагилари сезиб қолганмикин? Шундай бўлса, нега онаси сиполик билан сўзлашяпти, зарда қилмаяпти, қувмаяпти?

— Масъудхўжа айтмадими? — деди Гулсум опа. — Хумсонда.

— Йўқ, кенной, айтмади, — деди Ўлмас, Гулсум опанинг гапига ишонган бўлиб.

— Извошда элтиб қўйишди, — деди Гулсум опа ёлғонни ошириш йўли билан Ўлмасни ишонтириш ва айни бир пайтда йигитнинг дилидаги умид учқунларини ўчириш мақсадида. — Бир-икки кундан кейин бориб хабар олиб келамиз, нима деб қўяйлик?

— Мен уни яхши кўраман! — қатъий журъат билан деди Ўлмас. — Жонимдан ҳам афзал кўраман! Ҳамиша уни дилимда сақлайман, ўлсам, номини айтиб ўламан! Шуни айтиб қўйинг, кеннойи.

— Уялмайсанми шунақа дегани?! — Ясама зарда билан деди Гулсум опа. Аммо юрагининг бир бурчи унга ачинар, ихтиёр ўзида бўлганида, бошқача гаплар айтиб, йигитнинг кўнглини кўтаришга тайёр эди. Начора? Ҳаётнинг изми шунақа. Агар ноҳўя иш қилмай, ими-жимиди, расм-русми билан онасини чиқариб сўратса, балки муносабатлари мутлақо ўзгача бўлардими? Бинобарин, қизининг ҳам кўнгли бор экан. «Ўзингдан кўр, аҳмоқ, ҳамма нарсани ўзинг буздинг, энди нимадан умид қиласан?» — Акасининг ўртоғисан-а! Бегонамас, ён қўшнисан! Сендан келган каромат шуми?! — Гулсум опа «сендан келган каромат» иборасига аввалги, яъни қизининг номуси маъносини ҳам қўшиб гапирди, шу гап ўзига туртки бўлди, чоғи, аламидан куйиниб, вайсай кетди: — Ноинсоф одам экансан, орийатсиз! Ўғлимга дўст бўлиб уйимга кириб, душманнинг ишини қилиб юрган экансан-да, имонсиз?! Кўнглингда бошқа ният бор экан-да, йигит ўлгур! — Гулсум опа ўзини ушлай олмай йиғлаб юборди.

— Яхши кўриш ёмонми, кеннойи? — деди Ўлмас йиғи товушидан мулзамланиб. — Ёмон кўрсам маъкул бўлармиди?

— Ҳа! Маъкул бўларди! — йиғи аралаш ўшқирди Гулсум опа. — Муқаддас ҳали ёш эди! Нима қиласан, унга ёмон назар билан қараб! Дилини бузиб?

— Нега ёмон назар бўларкан?

— Бўлди бас! Бошқа чидай олмайман, мени имондан чиқарма! Кет ҳозир, жўна мелиса кутиб қолди.

— Майли, кеннойи, хайр, — деди Ўлмас мунгли товушда. — Мендан ўтган бўлса, кечиринг. Аммо...

— Аммо-паммоси йўқ! Вассалом! — деб Гулсум опа Ўлмаснинг гапини кесди. Йигит таҳликада индамай қолди. Гулсум опа изтиробда эди. Шўрлик бола ўйлади у, урушга кетяпти-ю, мен дилини абгор қиялман, бечоранинг бошида

қандай савдолар борикин? Пешонасига нималар битганикин? Соғ қолармикин, ё ажал кутяптимикин? — Бор энди, худо бошингни тошдан қилсин, бало кўрма, ногоҳ ўлимдан асрасин.

— Раҳмат, кеннойи, — деди Ўлмас дили зиркираб.

— Битта илтимос, Ўлмас, — дея бурнини чимдиб артди Гулсум опа. Ўлмас умидвор сукут саклади. — Хат-пат ёзиб юрма, кўнглини бузма қиз бечорани. Бўптими? Ваъда бера оласанми? Айт.

Ўлмас узоқ тин олди.

— Хайр, — деди у эшитилар-эшитилмас ва орқасига қайрилиб кетди. Ҳовлисидан йиғи товуши эшитилар, Ўлмаснинг дилини баттар эзар эди.

Айвонча олдига етиб тўхтади, секин зинага ўтирди. Кўзлари жикқа ёшга тўлди, ҳалкумига бир нарса қадалди, хўрлиги келди... Ҳовлидаги йиғи уввоси орасидан ўкдек отилиб, милиция хуштаги чириллади. Ўлмас ўрнидан кўзғалиб, ариқ лабига борди, тагида қизил илдишлар кўриниб турган кузнинг тиниқ сувига юзини чайди...

9

— Ада, — деди шаҳардан дили ҳаприкиб келган Масъуд отасининг хонасидаги дераза тоқчасига омонат ўтириб. — Мен бир номаъқул иш қилиб қўйдим, хафа бўлмайсиз.

Муродхўжа ака хунук хабарни тусмол қилиб, юраги орқасига тортиб кетди. Нима номаъқул иш қилиб қўйган бўлиши мумкин? Битириш олдида мактаб муаллимлари билан айтишиб қолдимикин? Ўзи бетгачопар, бундан чиқиши мумкин бунақа хунар. Ҳечқиси йўқ, мактаб муаллимлари гап эканми? Ўзлик-ўзи келиб узр сўрашади. Ёки биронта манжалақига илашиб, қорнига бола солиб қўйдимикин? Бу хунар ҳам бундан чиқиши мумкин, юрар-турарини билмайди, санамай саккиз дейди. Ҳозирда ким кўп, ўғлини тузоққа тушириб олиш пайида юрганлар кўп.

— Ада, — деди Масъуд отасининг хаёлини бўлиб. Муродхўжа ака кўнглидаги ғулғулани сездирмаслик учун ташқи хотиржамлик билан ўғлига қаради. — Мактабни бирга битираётган тўртта ўртоғим фронтга жўнаяпти. Ўлмасгаям повестка кепти. Боя кўрдим, милиция ходими эргаштириб кетди.

— Юрт бошига тушган кўргилик, ўғлим, — деди Муродхўжа ака гап нимадалигини пайқай бошлаб. — Нима кипти? — Муродхўжа ака дўсти Ўлмасни қутқариб қолишни сўрайди, деган хулосага келди ва айтадиган жавобларини

ўйлай бошлади. Муқаддас хусусидаги кўнгилсиз воқеадан ҳам ва бунинг оқибати — Ўлмаснинг урушга чақирилишида отасининг кўли борлигидан ҳам Масъуд хабарсиз эди. — Фронтга жўнаган бўлса, бу — бурч, ўғлим. Шулар Ватанни химоя қилмаса, ким қилади?

Масъуд отасининг тилидан ҳеч маҳал бунақа иборалар эшитмаган эди, руҳланиб кетди.

— Менам повестка олиб келдим, — деди Масъуд отасини беҳад хурсанд қилиш ниятида. — Мактабда кўнгиллилар отряди тузилди. Менам ёзилдим.

— Ёшинг тўлгани йўқ, ўғлим, сени олишмайди, — деди Муродхўжа ака сиполик билан. — Нима қиласан ошиқиб, вақт-соати билан сенинг ҳам галинг келар.

— Ўлмаснинг ҳам ёши ҳали тўлмаганидир, олишди-ку.

— Униси менга қоронғу, — деди Муродхўжа ака гапдан қочиб, Ўлмас қандоқ йўл билан жўнатилганини ўғли билса, жанжал бўлади.

— Менга ҳам ёшинг тўлгани йўқ, дейишмади. Қайтага макташди. Мендақалар кўп ёзилди. Ҳаммалиги ёш.

— Сендақа калласини ўққа тутиб берадиганлар ўзи отилиб чиқади-ю, мактамайдами? — деди Муродхўжа ака ичида ижирғаниб. Ўҳ, каллаварам-ей! — Изтиробда ўйлади Муродхўжа ака. — Ўҳ, галварс-ей! Ўзи ёзилиб келяпти-я! Ҳамма қирилиб кетаётган бир пайтда-я! Одам шунчалик худбин, қалби тош бўладими? Лоақал отаси билан онасини ўйласа бўлмайдами? Урушга борса, тўппонча билан «Ура», деб олға чопишдан ҳам, ўзини ўққа тутиб беришдан ҳам тоймайди бу хумпарлар.

— Шунча ўртоқларим урушда бўлса-ю, мен буёқда қанақа қилиб бош кўтариб юраман? — деди Масъуд зорланиб.

Қизи Муқаддас бетамиз иш қилди, ўғли, ягона ўғли Масъуд бунақа қилиқ чиқариб турипти, демак бу — оиланинг емирилиши, ҳалокати. Муродхўжа ака неча йиллар шу умидда жонини жабборга бериб келдими? Бир бурда нон топса, шуларга бўлсин, деб тишида ташиган, ўзини аямаган, нимагаки эришган бўлса, ҳаммасини жон талвасасида, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, барча хўрликларга бардош бериб, пахта заводининг ташувчилигидан тортиб то шу мансабгача ҳаловат нималигини билмай етишганида — энди рўшноликка чиққанида, энди кўкрагига офтоб текканида, энди қорни бир бурда нонга тўйганида шунақа бўладими? Ахир булар бегона эмас-ку, ўз пушти-камаридан бунёдга келган фарзандлари ҳам шунақа кўрнамаклик қиладими? Устига-устак Ўлмас билан

бирга бўлармиш. Унга қўшиб бўладими? Ўлмас лаънати ҳамма сирни ошкор қилиб ташлайди... Ҳали Муродхўжа аканинг бошида қанча ташвиш бор! Уҳ-хў! Мукаддасни бир ёқлик қилиши керак. Анали Хошимжондан қандай хабар келаркин? Мўмин-қобил йигит, дейишади, кўрамиз. Лекин зоти паст-да, келгинди. Зоти — насли бетайин бир дарбадарни уйига олиб кирса, одамлар нима дейди? Албатта, қизи бунчалик номаъқулчилик қилмаганида таг-тугли жойдан одамчиқарди, қанақа одамлар қариндош тутинишга орзуманда бўлиб юрипти! Аммо пешонада ёзгани шу экан, начора. Албатта, Ўлмаснинг ўзига берса ҳам бўларди, у лаънати кизини яхши кўраркан, Муродхўжа аканинг этагини ўпарди, Муродхўжа ака аскарликдан ҳам олиб қолган бўларди, лекин отаси Садр-трамвой билан айтишиб қолган, ўша супраси куруққа куда бўладими?! Унинг устига ўгли Масъуднинг дўсти бўла туриб хиёнат қилди, на қизнинг номусини ўйлади, на отасининг обрўсини. Буни унутиб бўладими? Кўзига бало бўлиб кўринади. Тагин Масъуд ўша билан урушга кетмоқчи. Кетиб бўпти! Отасининг қўлида шундай воситалар борки, унга бас келадиганнинг жони мингта! Анови юзинг куйгур, ноинсоф ит урушда гумдон бўлади, ўлиги ўшоқларда қолиб кетади... Лаънати ялангоёқ! Бошингга шунақа маломатлар тушсинки, дунёга келганингга минг пушаймон бўл!

— Майли, ўғлим, — деди Муродхўжа ака ва ўғлининг гапига рози бўлишга мажбурдек чуқур хўрсинди. — Комсомолсан. Бурчинг. Билганингни қил... Фақат битта илтимос...

— Хўш, ада? — умидвор тикилиб сўради Масъуд.

— Онангни ўзинг кўндир, — деди Муродхўжа ака ўзини ўта мушкул аҳволга тушган кўрсатиб. — Менинг қўлимдан келмайди. Талайди, ҳовлини бошига кўтаради.

— Майли, ада, — деди Масъуд, дарров рози бўлиб. — Ҳозирча айтмай туринг. Мен айтсам жанжал чўзилиб кетади. Вокзалга шошилиб турибман. Ўртоқларимни кузатишим керак. Қайтиб келиб опамга айтаман. Майлими ада?

— Ихтиёринг ўғлим.

— Раҳмат, ада, — деди Масъуд, отасининг шу қадар олижаноб одамлигига биринчи бор таҳсин айтиб ва ўз холатини кўрсатмаслик учун отилиб хонадан чиқиб кетди.

Масъуднинг оёқ товушлари тиниши биланок Муродхўжа ака дарров ўрнидан турди, отлана бошлади. У зудлик билан харбий комиссариатга бориб, ўғлининг фронтга кетиши масаласини бекор қилдириб келиши зарур. Ҳализамон Одил найнов ҳам келиб қолади, улгуриши керак...

Шу куни намозаср билан шом орасида Одил найнов кириб келди.

Муродхўжа ака ҳовлидаги гулзор орасига қўйилган сўрида оқ ёстикқа ёнбошлаб ўтирар, хонтахта устида чўт бор эди. Одил найновни кўриб, қаддини ростлади, елкасидаги тўнини тўғрилади.

— Келинг, Одил ака, — деди Муродхўжа ака ўрнидан кўзгалмай. Одил найнов калишини пастга ечиб, сўрига чикди, мулозамат билан хонтахта нарисига чўккалади, қўл очди, фотиҳа қилишди. — Юқорироқ чиқинг, — деди Муродхўжа ака номига бўлса ҳам такаллуф билан. — Ҳар нарса қилганда ҳам вакилсиз.

Улар кулишди.

— Элчига ўлим йўқ, тақсир, муборак бўлсин куёв.

— Куллуқ, — дея Муродхўжа ака меҳмонга чой узатди. — Қалай, шўрликнинг ўтакасини ёриб юбормадингизми?

— Унамади, хўжайин, — деди Одил найнов чой хўплаб.

Муродхўжа ака таажжубланди, аммо сир бой бермай жилмайди.

— Муборак қилдингиз-ку.

— Нима десамикин? — Одил найнов бошини қашиди. — Аслида рози, аммо-лекин ҳеч кўнмайди. Муродхўжа акага куёв бўлиш менга йўл бўлсин, кувиб солади, дейди бечора. Ўзим ўртага тушаман, дедим, қизлик эшик очиқ бўлади, жиллакурса, йўлимизни беришади-ку, дедим. Хўжайиннинг жаҳллари чиқади, деб қўрқади денг, ишдан хайдаламан, қалтис замон, қандай куним ўтади, дейди. Ахийри кўндирдим, хайдамайдилар, деб кафиллик олдим. Ҳозир бечора тутдек тукилиб ўтирипти, бориб айтсам, билмадим, шайтонлаб қолмасмикин.

Муродхўжа ака мамнун жилмайди.

— Нукул калака қияпсиз, деб ёзғиради, денг, — Одил найнов бошини чайкаб кулди. — Туриб-туриб таъсир қилади, астафидулло, кулгинг келади кишининг.

— Пул-мули бораканми?

— Сўрамадим, хўжайин, — деди Одил найнов жиддийлашиб. — Бордир унча-мунча. Ўлиптими?

— Энди сиз, Одил ака, оталик қиласиз унга, — деди Муродхўжа ака тиззасини силаб. — Етим нарса...

Бу Одил найнов учун катта мурувват эди. Оталик масъулиятини Муродхўжа ака бунга юклар экан, демак, номига бўлса ҳам қуда тутиниш деган маъно чиқади. Муродхўжа ака билан қудалик қилиш — ўх-хў! Олий

мартаба. Бирок куёв томонида турганидан кейин маълум тадбиркорлик керак бўлади, бунинг устига оталик вазифасини ўзига олса, унча-мунча чиқимга ҳам боришга тўғри келади. Майли, бу одамга бирини берса, уёқдан мингини уради. Ахир ҳамма имконият бу одамнинг қўлида-ку, ташлаб қўймас, қўллаб-қувватлаб юборар.

— Тўйни айтмадингизми? — сўради Муродхўжа ака асосий мақсадга кўчиб.

— Йў-к, хўжайин, — деди Одил найнов эътироз билдириб. — Илло-билло! Айтиб бўладими, мўлжал очилиб қолади. Мана, рухсат берсангиз, хозирроқ бориб, суюнчи оламиз-да, хўжайин. Тўй муддатини ҳамайтамыз. Тараддудни бошла, деймиз. Қачонни режа қиялпсиз?

— Бугун нима кун? — дея Муродхўжа ака хаёлида ўзига аён нарсаларни ҳисобдан ўткази бошлади.

— Сешанба, хўжайин, — дарҳол жавоб қилди. Одил найнов.

— Якшанба, деб овоза қиламиз, — деди мезбон.

— Улгуриб бўлармикин, тақсир? — хавотирланиб сўради Одил найнов.

— Улгурамыз, — қатъий деди Муродхўжа ака гапга чек қўйган бўлиб.

— О-омин, — дея Одил найнов қўл очди, узун калима келтириб, дуо қилди.

— Облоху Акбар! — Муродхўжа ака чин дилдан фотиҳа қилди.

— Хўжайин, — дея мулозамат билан юзланди Одил найнов Муродхўжа акага. — Аср таҳоратим бор, боргунимча намозим қанда бўлиб қолади, ижозат берсангиз, шу ерда ўқиб олардим.

— Ҳа, албатта, — деди Муродхўжа ака ўрнидан қўзғалиб. — Анови даҳлизга чиқинг, жойнамоз солинган, яқинда асрга турувдим. Менам чиқаман.

— Маъқул-маъқул, — дея Одил найнов яна бир юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди, қўлини кўксидан олмай, пастга тушди, гуллар оралаб, даҳлиз томон кетди.

— Масъуд! — чақирди Муродхўжа ака хотинини тик турган ҳолда тўнига тузукрок ўраниб — куз ҳавоси, тез салқин туша бошлаган эди. — Онаси!

«Хув» деган товуш ичкаридан эшитилди, бир зум ўтмай бу уйнинг даҳлизида Гулсум опа кўринди.

— Берироқ кел, — дея Муродхўжа ака ҳам сўри зинасидан туша бошлади, хотини рўпарасига келиб тўхтагач унга синовчан тикилиб туриб, сўради: — Қизинг қалай?

— Қалай бўларди, тумтайиб ётибди, — деди Гулсум опа йиғлаб юборишдан ўзини зўра ушлаб. — Нукул йиғлайди... — Гулсум опа камзули чўнтагидан рўмолча чиқариб, бурнини артди. — Ҳа! — деди у бир оз жонланиб. — Боя келди яшшамагур. Боғ томондан. Ўтакамёрилди, дарчани очмадим.

— Нима иши боракан? — Туркини бузмай сўради эри.

— Мелиса кепти, урушга олишаётган эмиш, — деди Гулсум опа қайтадан ваҳимага тушиб. — Муқаддасни қақиринг, дейди.

— Чақирдингми? — безовталаниб сўради Муродхўжа ака.

— Қаёқда! Лагерга кетган, дедим.

— Қизинг билдими?

— Йўқ, ичкарида эди.

Муродхўжа ака бош ирғади, сўнг қатъий тарзда:

— Якшанба кунни тўй, — деди. Анови киши совчи. Тўн олиб чик.

— Куёв ким? — саросимада сўради Гулсум опа.

Муродхўжа ака ичида ижирғанди.

— Келганда кўрасан. Айтдим-ку, эндиги, ихтиёр менда, деб.

— Ахир Муқаддасга айтишим керак-ку, — деди Гулсум опа бўш келмай. — Сал тайёрлаш керак уни. Вой-дод, ўламан саттор, деса нима қиламан?

— Онасан, — деди Муродхўжа ака метин важохатда. — Юпат! Унат! Алда! Кўрмагандек бўлиб кетасан, аданг ҳаммасини дўндиради, де.

— Кўнмаса-чи? Жанжал кўтарса-чи? — гумонсираб сўради Гулсум опа. — Баттар бўлмасмикин? Кўзимни шамғалат қилиб, яна бир корихол чиқарса-чи? Ҳожатхонага бекиниб олиб, ўзини бирон нарса...

— Бирон нарса қилса, — деди Муродхўжа ака қатъий, — ёнига қўшиб ўзингни осаман!..

Гулсум опанинг юраги орқасига тортиб кетди. Айни бир чоғда фалокат юз бермасдан туриб, Гулсум опа негадир тезроқ тўй бўлиб ўта қолишини тилай бошлади.

— Пўписангиз курмасин, адаси, — дея ёзғирди у. — Намунча нафасингиз хунук бўлмаса?

— Пўписа эмас! — деди Муродхўжа ака. — Энди менга барибир. Кўзимга ҳеч нарса кўринмаяпти... Ўғлинг ҳам урушга ёзилиб кепти. Ўлмас билан кетармиш. Ундан ҳам ажраймиз, чоғи.

Гулсум опага ўгли бу хабарни айтмовди, бечора она донг қотиб қолди, бир зумда кўзига ёш келди.

— Вой, адаси! — ушқирди у эрига, одобни ҳам унутиб. — Қара-аб ўтираверасизми, ўглингиз, танҳо ўглингиз урушга кетадиган бўлса?! Тағин осонгина: «ажраймиз», дейсиз-а! Вой шури-им!..

Гулсум опа ўзини тута олмай йиғлаб юборди, сўри зинасига ўтириб, тиззаларини ура бошлади.

— Жим! — деди Муродхўжа ака тишларини айирмай. — Овозингни учир! Кўшнилар эшитса, хурсанд бўлишади.

Гулсум опа қақшаб йиғлар, эрининг ўдағайлаши унга таъсир қилмас эди.

10

Минг тўққиз юз қирқ иккинчи йилнинг қиши қорсиз, аёзли келди. Халқ орасида бунини «қорасовуқ» дейишади. Ерга тушган отнинг тезаги бурқсийди, қиров босади, оқиш кирпидек қотади, бирпасда метинга айланади, ҳолдан тойган оч, касал бенаво одамлар қоқилишади, туролмай анчагина уймаланишади. Туман кўйнидаги қуёшнинг тафтсиз лаппаги анчагина уфқнинг кўз илғамас губорли этагида судралади, мажолсиз нур таркатади. Тезроқ уфққа ёнбошлагиси келгандек, вазифасини омонат адо этади.

Муродхўжа аканинг ҳаракатлари зое кетмади. Масъудни аскарликка олишмади. Ҳарбий комиссариатдаги врачлар комиссияси Масъудни урушга яроқсиз, деб топишди. Фақат ички хизматга лаёқатли, дейишди. Масъуд гангиб қолди, мадад истаб отаси хузурига чопди.

— Яссиоёқ дейишди, нотўғри босармишман, — деди Масъуд тутақиб. — Бу нотўғри, ада. Яна комиссия қилишсин.

— Сени текшираверишдан бошқа ташвишлари йўқми, ўғлим? — дея Муродхўжа ака ўглининг шахдини қайтарди. — Шундоқ оғир замонни кўра туриб, мендан ижозат сўрадинг, мен учун қанчалик қийин бўлмасин, шаштингни қайтармадим, рози бўлдим. Онанг ҳам йиғлаб-сиқтаб кўнди. Энди, нима қил, дейсан, ўғлим? Военкомни бориб сўкайми? Нега яссиоёқ ўғлимни урушга жўнатмадинглар, деб жанжал кўтарайми? Мени жинни, дейишади-ку!.. Нима қиласан отангни шу кўйга солиб? Шарманда қилиб?! — Муродхўжа ака бу уйдирмаларни қалаштириб ташлар экан, ўзини танг аҳволдан қутқаришни, раҳм қилишни араз ва таънадек ифодалар, ўғлидан эътироф садосини кутарди. — Ички хизматга лаёқатли экансан,

қолавер-да! Буям хизмат. Бу ердаям кимлардир аскарлик бурчини ўташи керак. Сендақалар камарбасталик қилмаса, яна кимдан умид, ўғлим?.. Майли, бориб илтимос қилиб кўраман, йўқ дейишмас, Штабга олишар...

Муродхўжа ака шунақа доғули гаплар билан ўғлининг бошини айлантириб ташлади, аврай олди.

— Сен ҳарбий хизматда бўлсанг, менам тинч бўламан, одамлар кўзига уялмай қарайман...

— Майли, — деди Масъуд рози бўлиб. У агар Штаб хизматида бўлсам, бир амаллаб урушга кетиш чорасини ахтараман, деган қарорга келди. — Штаб бўлса, Штаб-да.

— Ҳа, бу бошқа гап, — деди мамнунлик билан Муродхўжа ака гарчи гапининг натижаси шундай оқибат билан тугашини билса-да. — Идрок деган нарса шунақа бўлади, ўғлим...

Ўлмас вокзал перронида не истиҳолалар билан роз билдиргани, Муқаддас ҳақида куйиниб гапирганлари, расмини сўрагани Масъуднинг ёдига тушди. Масъуд дўстини вокзалда аскарликка жўнатганидан кейин бир неча кун ўтгач, тўй тараддуди борлигини, Муқаддас узатилишини билиб, аввал ота-онасига, сўнгра синглисига Ўлмаснинг «омонатини» айтди, тўйни тўхтатиш чорасини кидириб кўрди, аммо ҳеч ким, ҳатто Муқаддас ҳам иштиёқ билдирмади, Масъуднинг нидоси жар майсасига отилган тошдек садосиз қолди, йигитнинг кўнгли ранжиди, ўзини четга тортди, оила борди-келдисига аралашмайдиган бўлиб олди. Фақат анави Ҳошимни унча ёқтирмайди. Гўё у синглисини муромбирлик билан тортиб олгандек. У ҳам ҳарбий ташкилотга интендант бўлиб ўтармиш. Бу, албатта, Ҳошимни фронтдан олиб қолиш усули.

11

Муродхўжа ака тўйдан кейин куёвининг кайфиятига разм солиб юрди — жанжал чиқаришидан ҳайиқарди. Бироқ қайнотанинг ҳадиғи тасдиқланмади, Ҳошимжон ўзидан хурсанд, вақти чоғ, ҳатто бундай бахтга арзимагандек, ногаҳонда, ҳеч югурмай-елмай тап этиб бировнинг зиёфати устидан чиқиб қолгандек, хиёл мулзам тортар, қайнота-қайнона назарига ҳадеб дуч келаверишдан тортинар, сахар ишига жўнаб, кечроқ қайтишга тиришар эди. Шунинг учун ёш хотинининг қош-қовоғига қарашга ҳам вақти бўлмас, унинг тумтайиб эрини қарши олиши, тўшакдаги лоқайдлигини табиий бир ҳол, янги келинларга хос уятчанлик, ўнғайсизликнинг оддий ифодаси, деб англарди.

Яна қанақа ҳам бўлиши мумкин? Куйикиб ўзини ташласинми эрининг бағрига? Ҳаёли, ориятли қиз шунақа бўлади-да. Ўзини одоб доирасида ушлайди, эр олдида уялиб туради. Аммо, баъзан кечаси хотини орқасини ўгирган ҳолда юм-юм йиғлаётганини пайқаб қолади, Ҳошимжон нима деб юпатишни билмайди, «эт-бетингиз оғрияптими?» деган саволига хотини «йўқ», дейди, бошқа нарса демайди, хўрсина-хўрсина ухлаб қолади. Бўлак илакишга ботина олмай, Ҳошимжон анчагача қийин ўйлар оғушида мижда қокмай ётар, хотинининг йиғисини нимага йўйишни билмай, боши қотарди. «Бирон кўрслик қилиб, дилини ранжитиб қўйдиммикин?» — деб мулзам бўларди ёш куёв, ё тузукрок қалин бера олмаганимдан ўқисиняптими? Арзигулик совға ҳам қилмадим, қўл калталиқ курсин! Унча-мунча нарсани булар назар-писанд қилмаса, қимматини қаёқдан оламан, ўзим қарам бир бенаво бўлсам. Боримни қириб тўйга бердим, хатто Одил амакидан хийла қарз ҳам кўтардим... Ё бошқа бирон айбим бормикин? Оғзим сасирмикин? Ҳар куни юваманку. Этим ҳам тоза, яра-кўтир йўқ, кунора соқол оламан, маймоқ эмасман... Аммо, баъзан жуфтлашганимизда эҳтиросдан тўлганиб, маҳкам ёпишиб олади-ку, қанақа алфозга солмай, кўнади-ку... Балки буям нознинг бир туридир?.. Эрни кўпроқ ўзига ром қилиб олиш усулидир? Агар шундай экан Ҳошимжон маълум маънода хотинига муте бўлди, ахир ҳаддан ортиқ гапира олмайди, Муқаддасдан садо чиқмаса, неча соатлаб мик этмайди.

Бир куни Ҳошимжон билан Муқаддас қаттиқ уйқуда ётишган эди, эшик тақиллади. Муқаддас чўчиб уйғонди, қоронғида кийимини пайпаслаб топиб, апил-тапил бошидан ўтказа бошлади. Уйнинг ичи хийлагина совуқ, эр-хотин ётган тўшакнинг этаги танчага тиқилган, кўрпанинг ораси иссиқ эди. Қоронғи бўлгани учун Муқаддас аввалига эшик қаёқда эканини эслай олмай аланглади. Эшик яна журъатсизгина тақиллади.

— Киму? — бир оз хавотирланиб овоз берди Муқаддас.

— Муқаддасхон, — деган Замира холанинг заиф товуши дахлиздан эшитилди. Ҳошимжон ҳам уйғониб кетди, ҳушига кела олмай, анграйиб ётди. — Сахарлик тайёр, чиқасизларми?

Муқаддас бўшашиб кетди:

— Ҳозир, — деди нохуш товушда. Унинг уйқуси ҳали аримаган, рўза кунларида мажбуриятга айланиб қолган сахарлик унинг жонига теккан, тезроқ рўза тугай қолишини кутар эди. Ҳошимжон ҳам сахарликни хуш кўрмас, бироқ

қайнотаси билан қайнонаси буларсиз сахарлик қилишмас, танча атрофида тиловат қилиб, кутиб ўтиришар, уларни мунтазир қилса, Муродхўжа аканинг газабига учрашдан қўрқар эди. — Ҳозир, хола, — деди Муқаддас, дадилроқ овоз бериб. Замира хола нари кетгач, яна ўзини ёстиққа ташлади, елкасига кўрпа тортди.

Ҳошимжон хотини томон ўгирилиб, унинг баданини силади, кафти қорнида тўхтади. Муқаддаснинг қорни сал дўппая бошлаган эди.

— Семиряпсизми? — мудроқ аралаш сўради Ҳошимжон.

— Қаёқда, — деди Муқаддас эрининг сийпалашидан алланечук бўлиб. — Тирсақларимни қаранг, биқинимга тегса, тешворай дейди.

— Бу-чи? — сўради Ҳошимжон хотинининг қорнини силашда давом этиб, хотини жавоб ўрнига «қиқ» этди. Кулдими у ёки томоқ қоқдими, Ҳошимжон англай олмади, аммо юраги ниманидир сезди, вужуди ғалати бўлиб кетди. — Ростданми? — сўради у хотинининг юзига шивирлаб. Муқаддас яна жавоб бермай эрининг қўлига кафтини қўйди. — Ия? — Ҳошимжон талмовсираб қолди. — Дарров-а?! Энди уч ой бўлди-ку! Шунақа тез бўпти-да! Демак, уч ойлик, денг! Уч ойлик! — дўппая бошлаган, атласдек силлиқ қорнини ўпа кетди. — Э, тавба! Э, танграм! — Ҳошимжон Муқаддаснинг танасини қоронғида пийпалаб ўпар, кўкракларига қиртишланмаган ияк-юзларини сурқар, томоғини яларди... — Раҳмат! — деди у, нам лабларини хотинининг кўзларига босиб. — Мумкинми? Зарар бўлмайдими? Ё ўзимни тияйми?

Муқаддас жавоб ўрнига эрининг бўйнидан кучди...

* * *

Ҳошимжоннинг тақдирида кескин бурилиш рўй берди. У ҳозир Муродхўжа акадек одамнинг куёви, оила аъзосига айланди, кўчада таниш-нотанишлар йўлнинг нариги томонидан ҳам бош эгиб салом беришади. Ҳарбийдан озод, турмуши тўқис, битта бенаво, етим кимсага яна нима керак? Шунинг билан бирга Ҳошимжон учун энг нохуш маскан — ўз хонадони эди, чунки йигит бу ерда барибир ўзини боқиб олинган итдек сезар, ҳатто жоиз бўлганда ҳам «вов» дейишдан ҳайиқар, ҳайиқибгина қолмай, бирон муомала ёки ҳаракати билан қайнотаси дашномидан, мулзам бўлишдан ва шу билан бу хонадонда ўзининг омонатлигини, «пуф» деса, дарвозанинг ортида қолиб кетиши мумкинлигини билар ва

бундан кўрқар, шунинг учун қайнотаси хузурида камрок бўлишга, нарироқда юришга тиришар эди. Муродхўжа ака ҳар қанча мурувват кўрсатган бўлмасин, Ҳошимжон ичидан уни ёқтирмас, унинг этигига сурканишга, вафодор итдек унинг кўзига тикилишга мажбур ва бу мажбуриликдан дили оғринар, итоат қилмаса ҳамма нарсадан маҳрум бўлиши тайин эди. Шунинг учун чидаши, қайнотасининг гапига шак келтирмаслиги, «лаббай», «хўп» ибораларини аямаслиги, уйдагиларнинг пинжига кириши, «илдиз отиб олиши» керак ва ундан кейин хонадондагиларнинг бурнидан ип ўтказиб, ўз мақомига буради, зарур бўлса, ўдағайлаши, ўз измида тутиши мумкин. Ўзининг етимлиги, туртки еб амакисиникида катта бўлгани, ночор-бенаволигини — ҳамма укубатлари учун Муродхўжа ака, унинг оила аъзоларидан қасос олиш нияти унинг юрагининг ич-ичида ётарди.

12

Масъуднинг ҳарбий Штабда хизмат қила бошлаганига бир йил бўлди. «Туркман бозори»га етмасдан трамвай қатнайдиغان, кўчанинг ўнг томонида ўртасига қизил юлдуз ўрнатилган темир панжарали дарвоза бор. Штаб шу бўлиб, дарвозанинг ёнида доим қуролланган соқчи туради, ичкарига кирган-чиққан одам хужжатини кўрсатиб ўтиши керак. Бу ер «Тупрокқўрғон» деб аталади, ички қисмида ҳар турли гарнизон бинолари, плац, қурол-яроғ сақланадиган омборлар, ётоқлар, клуб ва санитар бўлинмалари бор... «Тупрокқўрғон»даги қисм унча катта эмас, мингга яқин шахсий состави бор, холос. Аммо Эронни муҳофаза қилиш қўшини шу ерда тузилган, Самарқандда йиғилган ўзбек дивизияси шу «Тупрокқўрғон» ихтиёрида шайлантирилиб, фронтга жўнатилган.

Масъуд шахсий составнинг аъзоси сифатида аввал машғулотларни ўтди, кейин Штаб маъмуриятига олинди, гимнастёркаси ёқасини битта юлдузча беади. Масъуд Штаб маҳкамасининг бир хонасида ёзув-чизув ишлари, яъни шошилиш маълумот қабул қилиб, уни раҳбарларга етказиш, Термиз, Кушка шаҳарларидаги қисмлар фаолиятини назоратда тутиш ва анча бўлак юмушлар билан банд бўлади. Ҳозир ҳар кунги «Подъём! Марш!» каби кишининг силласини қуритадиган мажбурий машғулотларга қатнашмайди, ҳафта охирида расмий рухсат олади, хоҳласа кинога ёки циркка, хоҳласа уйига бориб, ота-онасини кўриб келади. Синглиси Муқаддас қиз кўрганидан сўнг уёққа қатнаш одат тусига кириб қолди, айниқса, жиянчаси бошини тутадиган,

одамга қараб куладиган, талпинадиган бўлганида Масъуд ётоқхонасида ўтира олмас, болача кўзига кўринаверар, ўзига тортар, тоғаси ҳар турли ўйинчоқлар излаб топиб, ўша ёққа ошиқади. Агар бирон сабаб билан бора олмаса, асраб қўйган ўйинчоқларини Ҳошимжондан бериб юборади. Масъуд Ҳошимжон билан кўзи кўзига тушиб, уйдагилари ҳақида бохабар бўлиб туради. Ундан ташқари, гарнизон шаҳарнинг марказида жойлашган «Пиёнбозордан» бир чақирим нари, холос. Хадрадан вокзалга қатнайдиган трамвай шу кўчадан ўтади, сал нарироқда бекати ҳам бор. Шунинг учун совғасалом билан онаси келиб хабар олиб кетади, йўли тушса фойтунда отаси тўхтаб ўтади, ҳатто бир марта Озодани олиб Муқаддас ҳам келди. Муқаддас чиройлиқкина жувон эмасми, таниш офицерлар Масъуднинг хотини, деб ўйлаб, ҳазил-хузул қилишди, Масъуд синглисига «бошқа келма» деб бунақанги ташрифларни ман қилиб қўйди.

Масъуд фақат бир ташрифни ман қилмади, ҳатто бу ташриф кўпроқ қайтарилишини истайдиган бўлиб қолди. Бу истак шу қадар матлуб эдики, Масъуд офицерларнинг ҳазил-пичингларига ҳам чидашга тайёр эди...

Бир куни рухсат қоғози чўнтагида, Масъуд гарнизон дарвозаси олдида қаёққа боришини билмай ҳорғин депсиниб турувди, қош-кўзлари ёниб турган, оқ юз, қиррабурун, лаблари бир жуфт гилосдек, истараси ўта иссиқ бир қиз келиб дарвоза олдида тўхтади, қиз Масъудга юзланди.

— Кечирасиз, — деди у рус тилида Масъуднинг ўзбеклигини билмай.

— Марҳамат, — деди Масъуд ҳам рус тилида.

Нотаниш қиз илтимосини рус тилида айтишга қийналиб, ўйланиб қолди. У негадир Масъудга танишдек кўринди.

— Фафуров, — деди у ниҳоят, таржима талаб қилмайдиган сўздан бошлаб. — Майор... — Қиз яна сўз ахтариб, жимиб қолди.

— Фафуров? — қизнинг сўзини қайтарди у ва ўзбек тилида: — Майор Фафуров керакми? — деб сўради.

Қиз ҳарбий формадаги ёш офицер ўзбек эканини хаёлига ҳам келтирмовди, беихтиёр қизариб кетди. Мулзам ҳолатини енгиш учун қиз дарвозахона орқали гарнизон ичига қараб олди ва:

— Ҳм, Фафуров, — деди. — Майор. Акам. Амаким, — дея нотаниш қиз сўзини ўзгартирди ва яна юзига ранг югурди. — Чақириб берсангиз, ишим борида.

Масъуд таажжубланиб қизга тикилди. У бир оз саросимада эди.

— Майор Фафуров... — деди Масъуд, негадир ўзини айбдордек сезиб. — У киши ҳаракатдаги қисмга кетдиларку... Ўзбек дивизияси билан... эшелонда... Хабарингиз йўқмиди?

Қиз бир зум қарахт ҳолда ёш офицерга тикилиб қолди, гўё унинг барча ниятлари барбод бўлгандек эди.

— Йўқ... — аранг деди қиз, кўзларидаги ғамгинлик унинг хуснига аллақандай латиф тароват ва шикаста виқор нурларини сочгандек бўлди.

Бечора, деб ўйлади Масъуд таассуф билан, амакиси фронтга кетганидан беҳабар қолипти, энди муҳимиши бўлса, нима қиларини билмай, боши қотиб қолди.

— Яна қайтадимиз буёққа? — сўради қиз, дилидаги умид аломатларини сақлаб.

— Қайдам... — деди Масъуд. — Майор дивизияга командир бўлиб кетди. — Ва қизнинг ҳафсаласини батамом пир қилмаслик учун: — Балки передовойга бориб, дивизияни топширар, — деди. — Қайтиб келар...

Қиз четга қаради. У ҳозир йиғлаб юборади, деб ўйловди Масъуд, аксинча, қизнинг юзида табассумга ўхшаш бир жилва пайдо бўлди. Масъуднинг кўнгли ёришди.

— Майли, узр, — деди нотаниш қиз ва секин бурилиб, келган томонига кета бошлади.

Масъуд ҳам ўша томонга йўл олди ва унга етиб олгач, бир неча дақиқа унинг ёнида индамай кетди.

— Ранжидингиз-а? — дея Масъуд сукутни бузди.

— Ранжидим? — Йигитга ғалати қараб сўради қиз. — Нега ранжир эканман?

— Ҳа, энди... нима десам бўларкин? — миждовланди Масъуд. — Режаларингиз... Майорда қанақа ишингиз бор эди? — Замон овир, очарчилик, бирон ёрдам илинжида келган бўлиши мумкин, деб ўйлади Масъуд, шу топда қизнинг мўлжали натижасиз қолганидан негадир ўзини ўнғайсиз сизди, унинг бу нияти йигитга аён бўлаётгани қизни мулзам қилишидан баттар истиҳолага борди.

— Ҳеч қанақа, — деди қиз йигитнинг саволига жиддий тарзда, бироқ унинг кўзларидан хомушлик аримаганини Масъуд пайқади.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Масъуд бир оз тетик овозда. — Тузатамиз бу хатони.

— Қанақа хатони? — кўз ташлади қиз йигитга, унинг нигоҳида билинар-билинемас қизиқиш ифодаси изғир эди.

— Циркка кирамиз, — деди дабдурустан Масъуд журъат қилиб. Бу таваккал эди. Тап тортмай гапириб юборганидан Масъуд ўзи ҳайратга тушди ва ҳадик билан қиз томонидан терс жавоб бўлишини кутди.

— Цирк кундузи ишламайди, — деди қиз йигитнинг жазми қатъий эканига иқрор бўлиш ниятида.

— Бугун якшанба, ишлаши керак! — деди Масъуд қатъий, бироқ ўзи ҳам иккилана бошлади. Ҳечқиси йўқ, дилига далда бериб ўйлади у, цирк бўлмаса кино бор. Энг муҳими жеркиб бермади. Тиқилинч бўлса, ОДОга, офицерлар клубига олиб боради, у ер бемалол, одам кам, оркестр, кино бор, ресторанига киришлари мумкин. Масъуд шунча жозибали режаларни тузар экан, эндигина чамалана бошланган ноёб режасини бузиб қўйишдан чўчир, ташвишланар эди. Ишқилиб айниб қолмасин-да! Зора айнимаса, зора!.. — Цирк бўлмаса, кино бор.

— Сиз хизматда эмасмисиз? — Масъуднинг гапидан дадилланиб сўради қиз ва йигитнинг юзига синовчан тикилди: ҳозир бирон нарса деб алдайди, баҳона топади.

— Рухсат олганман, — деди дарҳол Масъуд ва қизнинг шубҳасини ўқигандек, кўкрак чўнтагидан рухсатнома олиб кўрсатди. — Мана, хужжат беришган.

Қиз маъқул ишорасини қилиб, бош ирғаб қўйди, мамнун бўлгандек, хиёл жилмайгандек бўлди. Тузук, деган фикрни беихтиёр хаёлидан ўтказди қиз, — чиройликкина экан, қош-кўзлари чўғдек, бўй-басти ҳам баландгина, ҳарбий форма бир ярашибдики. Фақат мунча ёш кўринади? Офицер экан шу ёшидан, неччига кирганикин? Мўйловини олмапти, каттароқ кўриниш учун бўлса керак. Лекин барибир ёш, ҳали ҳеч нарсани кўрмаган. Мунақалар илакишса, зулукдек ёпишиб олади, ирода деган нарса қолмайди, бурнидан ип ўтказиб, қаёққа бурсанг, шу ёққа йўрғалайди, қарам бўлади-қолади. Кўрамиз, бу қанақа тоифа чиқаркин? Ҳозир исмимни сўрайди.

— Отингизни билсам бўладими? — Сал ўнғайсизланиб, сўради Масъуд.

Қиз беихтиёр кулиб юборди, аммо кулгиси йигитнинг ориятига тегиши мумкин, у ўзини мажбурлаб кулгисини босди.

— Нега кулдингиз? — ғурури бир оз ҳақоратланиб сўради Масъуд.

— Кечиринг, бир нарса эсимга тушиб кетди, — деди қиз йигитни чалғитиб ва ранжиганидан чўчиб, дарҳол исминини айтди: — Захро.

Улар «Молодая гвардия» кинотеатрида «Бағдод ўғриси»ни кўриб чиқишганда, кун яримлашиб, ҳаво бир оз илиган эди.

— Энди ОДОга борамиз! — деди Масъуд кўтаринкилик билан. Бояги ётсираш аломатлари аллақачон унутилган, ҳатто сеанс пайтида кўққисдан бир-икки марта қўли қизнинг қўлига тегиб кетган, қиз ҳам буни гўё тасодиф ўйлаб қўлини тортиб олмаган ва бундан фойдаланиб, Масъуд қизнинг қўлини кафтлари орасига олиб, иситган бўлган эди.

ОДО нималигини Захро биларди, майор бир-икки марта олиб борган, уёққа бориш хавфли, кўзи тушган одамлар таниб қолиши мумкин эди.

— Йўқ, — деди қиз шартта. — Унақа жойларга бормайман. Уяламан.

— Қорин очиб кетди-ку, — афсусланиб деди Масъуд. У биларди: қизнинг ҳам қорни оч. Шу замонда кимнинг қорни тўқ? Ҳамма оч. Фақат уйдагилар тўқ. Дадаси қорнини ғарт-ғурт қашлаб, кекириб ўтиради. Бирок Захронинг ҳам қорни оч, аслида Ғафуровни истаб келишидан мақсад ҳам шу, қорнини тўйғазиш эди, аммо буни, эндигина танишган йигитга айтиб бўлармиди. Уйда икки бўлак пиширилган лавлаги турипти, биттаси укасига, биттаси ўзига, бориб ўшани ейди. — Бўлмаса меникига бора қолайлик, консерва-пансерва топилади. А!

Захро албатта жон деб борарди, лекин у ер ҳам ОДОга ўхшаган жой, кўзи тушган одамлар бор, ҳатто Масъуднинг ўзи ҳам кўрган бўлиши мумкин, эслай олмаяпти, холос. Эсласа нима бўпти? Амаким, деди-ку. Гўлроқ экан, нима деманг, ишонавереди.

— Йўқ, — деди Захро ийманиб. — Таниш-билишларингиз кўрса, нима деб ўйлайди? Яхшиси, хайрлаша қолайлик.

— Ихтиёрингиз, — базўр деди Масъуд, юрагининг аллақаери узилиб кетгандек бўлиб. — Бирга кетамиз бўлмаса. Уйдагиларни кўриб ҳам келаман. Икки ҳафта бўлди бормаганимга.

— Ундай бўлса, олдин мен кетаман, — деди қиз дархол. — Ё сиз кетинг. Мен бир оздан кейин кетаман.

Масъуд қизнинг хавотирини тушунди.

— Олдин мен кетай бўлмаса, — деди Масъуд, ниманидир кўнглида мўлжал қилиб.

— Ҳо! — деди қиз таманно билан кўз қисиб. — Хадрага бориб пойлаб турасиз-да! Топдимми?

— Очигини айтайми? — журъатланиб сўради Масъуд.

— Айтинг, — деди қиз, айёр табассум қилиб ва хаёлига келган тахминни кутди.

— Сиздан ажрай олмаяпман, — деди Масъуд ийманибгина.

Захро аранг кулгисини босиб:

— Майли, — деди, — Ўрдагача кузатиб қўя қолинг. Уёғига ўзим кетаман. Келишдикми?

— Келишдик! — Шу ҳам катта инъом эди. — Фақат пиёда кетамиз. Майлими?

— Майли, — рози бўлди қиз, очликдан қорни гулдирай бошлаган эди.

Улар трамвай бекатига чиқишди, кейин Ўрда томон кета туриб, Анҳор бўйидаги зиёратгоҳга тушишди, шундоққина сув лабига ўрнатилган скамейкага ўтиришди.

Сув буғланар, нам ва совуқ рутубатини урар эди.

Кинода қўлини берганини рухсат, деб ўйлаб, Масъуд Заҳрони кучиш учун белига қўлини юборди, бироқ қиз сапчиб ўрнидан турди.

— Кинога бирга тушган қиз ҳамма нарсага қўнаверади, деб ўйладингизми? — деди Захро ясама зарда билан. — Атрофни қаранг, шунча одам! — дея қиз кўприк томон кета бошлади.

Масъуд бир лаҳза саросимада ўтирди, кейин қизга етиб олди. Захро йигит ёнида кетаётганини пайқаса-да, у томон бурилиб қарамади — вазиятнинг жилови қизнинг қўлига ўта бошлаган эди.

— Кечиринг, — деди Масъуд ерга қараб.

— Энди қолинг, Масъуджон... Масъуджон ака, — деди Захро йигитнинг «кечиринг» деганига тўғри жавоб бермай. Аммо унинг «Масъуджон... Масъуджон ака» дейишида маълум юмшаш сезилар эди. Шунинг билан бирга, «Масъуджон ака» дея мурожаат қилиши сал ўнғайсизроқдек эди, чунки йигит қизга қараганда ёшроқ кўринар, бироқ «Масъуджон» дейиш ҳам ноқулайроқ эди.

— Бўпти, қоламан, — деди Масъуд дарров. — Қачон учрашамиз?

— Учрашмасак, — деди Захро хушёр тарзда.

— Нега? Нима учун? — сўради Масъуд қиз томон бурилиб. — Бирон одобсиз гап айтвордимми? Қўполлик қилдимми? Агар мендан ўтган бўлса, кечиринг.

— Йўк, — дея Захро бир зум ўйланиб қолди. — Гап бунда эмас.

— Нимада? — Ўжарлик билан сўради Масъуд.

— Биласизми? — деди қиз сўз ахтариб. — Ёшингиз мендан кичикка ўхшайди.

— Менга бунинг аҳамияти йўқ, — деди Масъуд қатъий. — Умуман, мен ёш кўринсам ҳам ўзим ўн тўққиздан ошиб йигирмага кетдим. Паспорт олганимга икки йил бўлди. Сизнинг ёшингиз неччида?

— Меники ҳам шунақа, балки уч-тўрт ой каттароқ бўлишим мумкин.

— Ҳа, бўпти-да! — руҳланиб хитоб қилди Масъуд. — Шуям фарқ бўлдими?

Бир нарсани аниқ, яъни Захро кимнингдир этагини ушлаши керак эди. Замон мажбур қилмоқда. Майор қўлдан чиқиб кетди, энди унинг қайтишидан қайтмаси кўп. Умуман, аввалига Захро турмушга чиқиш ниятида бўлиб юрди, бироқ йигитлар ана кетди, мана кетди пайт, арзимас муддат учун тўй қилиб, яна ҳомиладор келин билан қолишни, ортиқча оғизни қайси оила хоҳлайди? Совчи чикмади. Ота-она ўлиб кетишган, рўзгор тебратиш керак. Қизнинг ҳеч қандай хунари йўқ. Бирга ўқиган дугонасининг уч ойлик эрини кузатиб боришганда, Захро Ғафуров билан танишиб қолган. Майор хотинидан ажрашган, ўзи қирчиллама йигит, ўта шаддот. Захро майорнинг сеҳрига тушди-қолди, кўйига юрди. Бунинг эвазига моддий ёрдам олиб турди. Бир гал Ғафуров ҳатто уйланиш масаласини ҳам айтгандек бўлди, бироқ бу гапни бўлак қайтармади. Нимадандир истиҳола қилди, чоғи. Ахир унақангилар ихтиёри ўзида эмас, эртага ҳаётлари нима кечади, ўзлари ҳам билмайдилар. Мана, майор ҳам шунақа бўлди, ҳатто жўнаётгани ҳақида хабар ҳам бера олмади. Афсус, Захро унга адресини бермаган, қизни лавлагибозордан ахтариш майорнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди.

Энди буниси нима каромат кўрсатаркин? Беихтиёр майор билан таққослашга тўғри келса, бу йигитча унга тенглаша олмайди, албатта. Бунинг устига ёш, ҳали ҳеч нарсани кўрмаган, тажрибасиз, Захронинг йўриғидан нари кета олмайди. Балки ёшлиги — фазилатидир. Майор ўттиз тўққиз ёшда эди. Демак, Захро қирққа кирганда у олтимиш ёшли чол бўлиб қолади. Тақдир буларни бир-биридан айириб балки тўғри қилгандир?..

Майли, ҳаёт бир йўл кўрсатар. Ҳар қалай ипни қўлдан чиқариб юбориш, Масъудни йўлатмаслик ақлдан эмас. Моддий ёрдами тегиши турган гап. Офицер экан, буларнинг таъминоти яхши бўлади.

Захро келаси якшанба кунини келишни ваъда қилиб, трамвай бекатига йўл олди. Масъуд жойида қолди. Келаси

якшанбагача узоқ албатта, аммо у ҳарбий хизматда, буткул ихтиёри Штаб билан боғлиқ, фавқулодда топшириқлар бўлиб туради. Агар Захро аввалроқ келганида ҳам Масъуд унга вақт ажрата олмаслиги, иккови ҳам хижолатли вазиятда қолишлари мумкин...

13

Ҳаво исийвермаганидан дов-дарахтлар бўғилиб турарди; март ойининг охирларига бориб ёғингарчилик шартта тўхтади, осмонда ғубор қолмади, уч-тўрт кун мобайнида ҳамма нарса гуркираб очилди, ер юзини гулларга буркади, ҳидларга тўлдирди. Ўқтин-ўқтин пайдо бўлиб, бир зум қуёш юзини ёпган оппоқ булутлар яна узоқларга сурилиб кетар, шамолнинг хуружи суслашар, гуллар чирпираги яна тинар, ғувиллаган товушларни таратаётган ариларми ё осмондаги варрақларми билиш қийин эди.

Қиш бўйи силласи қуриган, қанча жонлардан маҳрум бўлиб, талай қурбон ва талафотлар эвазига аранг етиб келган одамлар баҳор нурлари билан кўнгил чоғлаб, нимирсимир ҳаракатга тушиб кетишган, не ҳасратда асраб-қизириб, рўзғордан асраб қолган бир ховуч дон-дунни ерга сепиш билан овора эдилар.

Ойниса айвон лабидаги курсичада бачкана тикиб ўтирар, бигиз уриб сўзана ўтказар, икки томонга ип чўзиб қулоч ёзар эди. Яхши ҳам қишлоқда шу ҳунарни ўрганиб олган экан, оз бўлса-да, асқотиб турипти. Босиб ўтирса бир жуфти икки кунда қўлдан чиқади. Тановару бўлак сарф-харажатларини айириб ташласа, меҳнатини ҳисобга олмаганида, унча-мунча қолади. Бир жуфти, албатта юк бўлмайди, камида уч-тўрт жуфт тикиб пулласа, бирон нарсага ярагулик чиқади. Ойниса, аввало, хомашё сотиб олади, шундан қолса, миясида анча чамалагач, рўзғорга энг зарур бўлган нарса — совун, макка уни, керосин харид қилади, кейинги бозоргача амал-тақал қилиб етказади, унгача яна уч-тўрт жуфт маҳсича тайёр бўлиб қолади. Халқ орасида болалар учун тикилган маҳсичаларни «бачкана» деб аташади. Ойниса бу сўзни биринчи марта Шўртепа қишлоғига касал онаси билан бадарға қилиниб бориб, Эргаш косибнинг хужрасида ижарада турганларида эшитган эди. Эргаш косиб етти оғиз қашшоққина оиланинг каттаси бўлиб, ўттизинчи йиллар бошида қулоқ қилинган, арава-отидан, сигир-улоғидан маҳрум бўлган экан; меҳнатга яроқли барча оила аъзолари колхоз ишини бажаришар, колхоз деярли даромад бермас, ўша кезлари Эргаш косиб

ямоқчилик, баъзида бачкана тикиш билан рўзғор тебратар, томорқаси ҳам унча-мунча ҳосил берар, шулар эвазига кун кўришар эди.

Чиллашир касалига йўлиққан Ойнисанинг ўттиз беш ёшли онаси ўлимтик, қўлидан иш келмайдиган аёл бўлгани учун ўн етти ёшни чамалаб қолган Ойниса Эргаш косибнинг рўзғорига қарашишга тиришар, устанинг чакана юмушларини бажариб берар, кўзи ўрганиб, бачкана тикишга қўли келиб қолган эди. Ўша кезларда Ойниса беш-ўн жуфт бачканани қўлдан чиқарди. «Тузук, — деди ўшанда Эргаш косиб, қиз тиккан молни кўриб, — зехнингиз пухта экан». Шу орада мактаб ҳужрасида ётиб юрган тошкентлик бир муаллим йигит Ойнисани сўратиб, одам киритди. Бундан ярим йил аввал Ойнисанинг онаси вафот этган, етим қиз якка ўзи ҳужрада яшаб келар, ҳаёти жуда ҳам оғир, ачинарли, мискин эди. Онаси вафотига йил бўлмагани учун Ойниса бунақа гапни эшитгиси ҳам келмас, кечалари қон-қон йиғлаб чиқарди. Аммо Эргаш косиб қизнинг дилига йўл топди, аранг кўндирган бўлди, чунки уста қизга отадек бўлиб қолган, унинг гапини икки қилиш кўрнамакликдек эди, Ойниса йиғлаб-сиқтаб рози бўлди. Бироқ Ойниса онаси билан Самарқанддан бадарға қилинганида биттагина тугунча билан чиқиб кетишган, уч хонали уй бутун жиҳози билан қолиб кетган. Нимасига тўй қилади, сепи бўлмаса, ҳатто келинчак сифатида киядиган тузукроқ кўйлаги ҳам йўқ.

— Амал-тақал қилармиз, болам, — дея Эргаш косиб далда берди, лекин Ойниса билади, устанинг ўзи ҳам бир аҳволда. Куёв бўлса атиги муаллим, яқинда билим юртини тугатиб келган экан. Орттирган нимаси ҳам бўлиши мумкин?

Хуллас, иккинчи марта куёв томонидан одам келганида уста фотиҳага қўл очди, рўзғорида нимаики ярайдиган нарса бўлса, қириб-қириштириб, тўй тараддудига тушди, хотини ўз қизларига атаб сандиққа яшириб қўйган либослардан мосини ажратди, вақтинча бўлса ҳам етим қизни ўраб-чирмади. Ойниса бир зумда келин турқига кирди-қолди. Енг учиди тўй жўнгина ўтди. Куёв чоққина чамадон, глобус ва тўшаги билан бу хонадонга кўчиб ўтди, ҳужрачага файз кирди, бахтли онлар бошланди, биринчи фарзанд шу ҳужрада дунёга келди, уй қийкирикка тўлди, барча уқубатлар унут бўла бошлади.

Аслида Ҳабиб уйланиш ниятини маслаҳат солганида касбдошларидан бири йигитни айнитишга ҳаракат қилиб кўрди, репрессия, яъни аллақандай айблар билан қамоққа

олинган одамнинг қизига уйланиш қалтислигини айтди, бироқ Ҳабиб бир-икки бор қизга кўзи тушган экан, ёкиб қолиб, ўз айтганида туриб олди. Қиз рози бўлса бас, деди Ҳабиб, буёғини пешонамдан кўрдим. Қизнинг отаси қамокқа олингани, унинг оиласи буёқларга бадарга қилинганлигини ўйлаб, Ҳабиб ота-онасига ҳам хабар бермади, тўй уларсиз ўтди. Агар ота-онаси ҳамкасби айтган сирларни билишса, албатта тўйни бузишга ҳаракат қилишади, ота-онанинг изми — обрўйи шунақаки, уларнинг ихтиёрини ҳисобга олишга, бўйсунушга тўғри келади. Шунинг учун ортиқча хунобгарчилик, дилгирлик туғдиришдан чўчиб, Ҳабиб уларга тўй хабарини етказмади.

Ҳабибнинг айтишича, отаси камбағал оиладан чиққан бўлиб, аввалига қайсидир ширкатда, ширкат тугатилганидан сўнг саксовул тайёрлаш бўйича ихтисослашган бир маҳкама омборида ишлаб юраркан, онаси беш фарзанд кўриб, фақат Ҳабиб тирик қолган, бошқалари кўкйўтал, зотилжам, қизамиқ, ичбуруғ касалларидан ўлиб кетган экан. Минг тўққиз юз қирқ биринчи йили уруш бошланди. Ҳабибнинг отаси урушнинг дастлабки кунларидаёқ ҳалок бўлди, Ҳабиб икки яшар қизи билан хотинини олиб, Тошкентдаги ёлғиз онаси қолган уйга қайтиб келди, қўл учуда бўлса ҳам отасининг маъракаларини ўтказди. Бунгача Ҳабиб хотини билан келиб, ота-онасига неварасини кўрсатиб кетган эди; ягона ўғли Фарғонанинг аллақайси қишлоғида, жудолик доғида куйиб-ёниб ўтирган онаси бирмунча таскин топгандек бўлди, бағри тўлди-қолди, эрининг алами ҳам хийла нари кетгандек кўринди. Бироқ бу шодлик узокқа бормади. Фан, маориф ва санъат хизматчилари урушдан озод қилиниши ҳақида ҳали қарор чиқмаган эди, ўғли оиласи билан кўчиб келганига уч ой тўлмай, Ҳабибни ҳам фронтга жўнатишди. Онаси билан икки яшар қизи кўлида чинкириб қолаверишди. Мана қайнона ҳам дунёдан ўтди. Амал-тақал қилиб, Ойниса кампирни кўмди, таъзияларини ўтказди, бироқ энг муҳими харажат талаб қиладиган йигирмаси, қирқи ҳали турипти. Ҳатто ўз онаси вафотига ишлатмаган тиллақошни гаровга берди. Яхшиям ўша тақинчоқ қолган экан бисотида, ҳар қалай фойдаси тегди; тиллақош арзийдиган нарсадирки, Муродхўжа ака унинг устидан пул берди, анойи эмас, нарсаси арзимаганда, ҳемири ҳам чиқармас эди. Бирон заргардан бориб сўраш керак — тиллақошнинг нархи қанча экан? Шунга қараб Ойниса Муродхўжа акадан яна сармоя кўтаради. Қайнанасининг йигирма кунлик маъракасига ҳам бир ҳафта қолди, ҳали қанча ташвиш бошида. Бечора эри

онасининг вафотидан беҳабар. Қандай қилиб Ойниса бундай машъум хабарни унга ёзади? Мана бир ойга яқинлашиб қолди, эридан хабар йўқ. Тинчмикин, омонмикин? Ўзининг дадаси-чи? Ўша ўттиз саккизинчи йилнинг ўн еттинчи мартида иккала қўлини кўтартириб олиб кетганларидан буён дом-дарак йўқ. Қайси қамоқда, қанақа жойда? Ҳеч ким айтмади. Онаси тириклигида Ойниса бир-икки сўраб-суриштирмоқчи бўлди, ўзларига жабр бўлишдан, баттар панд ёйишдан ҳайиқиб, онаси ижозат бермади, ўттиз саккиз яшар ўтюррак отаси йўқолди-кетди. Ахир отаси чакана одам эмас эди-ку? Ўн тўққизинчи отлик-кавалерия дивизионининг ҳарбий комиссари эди, машинада юрарди, обрўйи баланд, ҳар турли мажлислар тўрида ўтирадиган одам эди! Наҳот шундай инқилоб жангчиси, ҳарбий комиссар беному нишон ғойиб бўлиб кетса? Балки бирон хатога йўл қўйгандир, қалтис гап айтиб юборгандир. Акс ҳолда шунақа таникли саркардани ҳибсга олишармиди? Бироқ отаси Баҳодир Ёқубовнинг янги турмуш йўлида қилган хизматлари бор-ку! Ўзи камбағал оиласидан чиққан, ёшлигида батраклик қилган, кейин инқилобий намойишларда фаол қатнашган. Москвадаги ҳарбий курсларда ўқиган, саркарда Миршаропов бошчилигида босмачиларга қарши курашган маҳаллий армия сафларини тузишда бевосита иштирок этган — ҳаммаси Ойнисага маълум. Наҳотки, шу қадар аён, Ватан учун фойдали хизматлари ҳисобга олинмаса?.. Онаси ҳам ўқимишли аёл эди, Самарқандда таъсис этилган «Хужум» уюшмасининг энг ташаббускор аъзоларидан бири бўлган, аёллар орасида саводсизликни йўқотиш бўйича амалга оширилган барча тадбирларда бевосита қатнашган, «Ликбез» комитетининг энг ғайратли раҳбарларидан бири бўлган, паранжи ташлаш ҳаракатини бошқарган. Шундай саркарда отаси беному нишон ҳазон бўлди, оловдек ёниб янги турмуш учун жонбозлик кўрсатган онаси бадарға қилиниб, қайси бир қишлоқнинг ис босган хужрасида чиллашир касалига мубтало бўлиб, хўрлик ва очликда ўлиб кетди. Шундай ота-онанинг ягона фарзанди Ойнисанинг ўзи-чи? Еттинчи синфни битириш олдида турган, скрипка чалишга ўрганаётган қалдирғочдек маъсум, покиза қизчанинг тақдири нима бўлди? Қайси айби, қанақа гуноҳи учун, шунча маломату надоматлар чекиши, дарбадар бўлиши керак? Самарқандда бўлиб ўтган бир воқеа Ойнисанинг хотирасидан ҳеч аримайди. Комиссар Ёқубовнинг уйига ўша пайтда катта имтиёз ҳисобланган радио туширишди. Оила аъзолари тўпланиб хирилдоқ

радиодан таралаётган куйни эшитиб ўтиришар, ҳеч қандай хатардан дарак ҳам йўқ эди. Шу пайт эшик қаттиқ тақиллади, онаси бориб эшикни очди, уйга иккита соқчи билан дадасининг энг яқин дўстларидан бири — Исроилжон кириб келди. Бу йигит бир пайтлар бу оила билан шу қадар иноқлашиб кетган бўлиб, уни топиб келмагунларича отаси овқатни сузишга ҳам рухсат бермас эди. Бирда Исроилжон Баҳодирнинг «венгерка» деб аталувчи қоракўл жиякли янги френчини мақтади, ҳаваси келгандек бўлди. Албатта Исроилжон амал жихатидан дўсти Баҳодирдан сал пастрок, бунақа кийим буюртириб кийиши қийинроқ. Шунда отаси «венгерка»ни шартта ечиб, дўстининг елкасига ташлади. У пайтлар велосипеди бор одамга бошқача қаралар эди, танқис нарса — отаси ҳавас қилиб велосипед сотиб олди. Исроилжон ҳар турли зуд юмушлар баҳонасида ўртоғининг велосипедини тез-тез сўрайдиган, ҳатто Баҳодир уйда йўқ пайтларида миниб чиқиб кетадиган бўлиб қолди. Баҳодир Исроилжонга велосипедини ҳам тутқазиб юборди. Айниқса, Исроилжон уйланадиган бўлганида, Баҳодир худди укасини уйлантираётгандек жонбозлик кўрсатди, ўзи тўйга бош-қош бўлди, қанчадан-қанча камчиликларни ўз ёнидан тўлдирди, ҳамманинг эсида қоладиган тўй ўтказиб берди... Ҳозир эшик олдида турган одам ўша Исроилжон эди. Ойнисанинг отаси уйига келган дўстини кўриб аввалига қувониб кетди, кейин Исроилжоннинг қаҳрга тўла вазоҳатини кўриб, анграйиб қолди.

— Исроилжон!.. — Аранг тили калимага келиб, хитоб қилди Баҳодир.

— Исроилжон-писроилжонни йиғиштир! — деди дўстига ўдағайлаб Исроилжон. — Мен ГПУнинг масъул ходими Алимовман.

— Биламан, ўртоқ Алимов, — ўзини мутлақо йўқотиб, гўлдиради Баҳодир.

— Ўртоқ ҳам эмасман! — Алимов бу сўзларни талаффуз қилмас, бамисоли тошдек отарди. Қўлингни кўтар, жосус!

— Исроилжон, нима гап ўзи? — Ҳеч нарсага тушунмай ёлворди Баҳодирнинг хотини. Ўн беш яшар Ойниса чарм креслода ўтирар, бир отасига, бир Исроил амакисига аланглар, масхарабозлик қиляпти, деб ўйларди. Исроилжон ёлворишга парво ҳам қилмади.

— Куролини олинглар! — дея ёнидаги соқчиларга буйруқ берди Алимов, иккала қўлини кўтарган дўстидан кўз узмай.

Соқчилар ўн тўққизинчи отлик-кавалерия дивизионининг ҳарбий комиссари Баҳодир Ёкубовни дархол курулсизлантиришди.

— Кийин! Юр, олдимга туш!

Бу масхарабозлик эмас эди. Буни Ойнисанинг онаси ўша заҳотиёқ тушунган эди. Айниқса, эртасига яна соқчилар келиб Ойниса билан онасини уйдан ҳайдаб чиқарганларида воқеа нақадар жиддий эканлиги аён бўлди. «Халқ душмани» деган иборани Ойниса ўшанда эшитган эди. Она-бола ўз пайтининг энг замонавий жиҳозлари билан безатилган, электр чирок, голланд печка, кафель лаппаклари ёпиштирилган ванна-ҳаммомли уйдан ҳайдаб чиқарилибгина қолмай, ҳатто ўзлари истаган тарафга юриш, қароргоҳ ахтариш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлган эдилар. Соқчилар ҳар иккисини Самарқанд вокзалига элтиб, поезднинг аллақайси вагонига ўтқазишди, вокзал соқчиларига уларни топширишди, унга нималарнидир уқтиришди. Кеч бўлди, қоронғи тушди, ниҳоят ярим тунда поезд кўзгалди. Она-бола қаерга кетмоқдалар, уларнинг такдири энди нима кечади? — Номаялум эди. Тун қўйнида поезд учиб борар, она-бола махсус купеда мунгайиб ўтиришар, ҳатто станцияларда ҳам соқчисиз чиқишга ҳақлари йўқ эди. Эртасига эрталаб не ёлворишлар натижасида соқчи руҳсат берди, кийимлари эзилган, қоринлари оч, сочлари тўзғиган она-бола станция четидаги бозорчага югуришди. Яхшиямки шошилинчда пул-мул олиш онасининг эсидан чикмаган экан, ейишга яроқли нима кўринса шундан харид қилиб, вагонга чопишди. Гўё поезд кетиб қолса ҳамма нарса чатоқ бўладигандек, она-бола нимадандир ажралиб қоладигандек... Ниҳоят катта бир станцияга бориб етишганда, уларни поезддан туширишди, аллақандай аравага ўтқазиб, Шўртепа қишлоғига жўнатишди. Ярим кун деганда она-бола чангга беланиб манзилга етиб боришди. Қишлоқ совети маъмурияти бадарға қилинганларни мулојим совуққонлик билан кутиб олишди, тураржой йўқ, ўзларинг ахтаринглар, биронта хонадон ижара берар, дейишди. Ўша куни жой топилмади, она-бола сарсон-саргардон бўлиб, қишлоқ советига қайтиб келишди, йўлақда тунашди, эртасига яна ижара ахтаришга тушишди. Шунда Эргаш косиб деган одам мурувват кўрсатди, таппи-тезак калаштирилган хужрачасини бўшатиб берди. Хотини ҳам тузуккина аёл экан, жулдурроқ бўлса-да, ётиш учун кўрпа-ёстик, эски шолча олиб чикди. Биргалашиб хужрани супуриб-нетишди, шолча тушашди, дераза учун колдирилган туйнукка эски қоп илишди. Ейдиган нарсанинг

тайини йўқ, онасининг апил-тапил рижимлаб ҳамёнига солган пули тамом бўлган, кун кечиришни ўйлаш керак эди. Онаси иш сўраб қишлоқ советига мурожаат қилди, у ердагилар узок бир қишлоқчадаги бошланғич мактабни айтишди, бироқ Самарқанд шароитида водопровод, ҳаммомга ўрганган она бечора ариқ сувини истеъмол қилишданми, ёки бошқа сабаб биланми тез орада бедаво дардга учраб, ётиб қолди... Мундоқ олиб қараганда Эргаш косиб ким буларга? Етти ёт бегона. Ҳатто Ойниса тиллақош беагини олиб чиққанида, ўзининг ночорлигига қарамай, уни пуллашга ботинмади. Шунча маломатлар бошига тушипти бу бечора қизнинг, биронта буюми турсин, асқотар, деб ўйлади уста, нарсани бозорга олиб чиқишни маслаҳат кўрмади. Бўлмаса ўзининг рўзғори катта, кун ўтказиш оғир. Бу сарфу харажат камлик қилгандек, унинг устига тўй ташвиши ҳам келиб қўшилди. Албатта, ёш эри мактабда муаллимлик қилади, топиш-тутиши чакки эмас. У бу ерга кўчиб ўтганидан кейин баҳоли қудрат устага ёрдам бера бошлади. Баъзан аравалаб ошқовоқ, мош, макка, ун келтириб ташлайди. Бу нарсалар аранг рўзғор тебратаётган оила учун катта жон улоғи. Агар шу Эргаш косиб, унинг хотини, кейинчалик Ҳабиб бўлмаганида ҳаёт тажрибаси йўқ, эркаликда ўсган Ойниса нима қиларди? Қандай яшарди?

Қани энди имконият бўлса-ю, Ойниса Шўртепага бориб, устанинг қўнглини овласа, шод қилса, дуосини олса.

Насиб этса, уруш тугар, эри ҳам омон-эсон қайтар, бу қора кунлар унут бўлиб кетар. Унда ҳар қанча орзу-умидларини амалга оширса ажабмас. Ҳозир қўли калта, замон оғир. Қайнарасининг йигирмаси қора булутдек Ойнисани босиб, ваҳима солиб турипти. Яна Муродхўжа акага арз-дод қилишга, ялиниб-ёлворишга тўғри келади.

14

Муқаддас онасига ўзини осий сабабларини фош қилган кунидан бошлаб боғ дарчасига кулф солинган, Муқаддасга остона ҳатлаб кўчага чиқиш ман қилинган, агар бирон фавқулудда сабаб, яъни ҳаммомга бориш важи билан уйдан чиққудек бўлса, паранжи ёпиниб олиши шарт эди.

Муродхўжа ака маҳалла тақводорлари олдида ҳам тили узун, негаки агар маҳалла аҳли орасида «Муродхўжа ака имонли одам экан, қизига паранжи ёпинтириб қўйипти»,

деган гап тарқалса, демак, бу хонадонда урф-одатларни каттиқ тутишаркан, анча мўмин-мусулмон оила экан, деган хулоса келиб чиқади, Муродхўжа аканинг обрўи яна кўтарилади, жамиятда тутган мавқеи мустаҳкамлашади, қанақа йўл билан боймасин, одамлар эриш қарашмайди. Оллоҳнинг назари тушган бандаси экан, даврини сурсин, дейишади. Муродхўжа аканинг яна бир тадбири, яъни ўғлини ҳарбий хизматга киритиб қўйгани ҳам қўшимча обрў бўлди. Қўлини каёққа чўзса етади, ҳамма нарсанинг урдасидан чиқадиган одам, яккаю ягона ўғлини аскарликка топшириб қўйди, дея таҳсин ўқишади яқин-йироқ одамлар.

Баҳорнинг илк кунларидан бирида чўлок почтачи уч бурчакли хат келтириб қолди, Гулсум опа почтачига бир бурда нон тутқазиб, чиқариб юборди, хатни уёқ-буёғини ағдариб кўрди, саводи эскичада чикқани учун ўқий олмади, Холидани чақириб, эри турадиган уйга кўтарилди. Хона кимсасиз, нимқоронғи ва иссиқ эди.

— Ўқи буни, — деди Гулсум опа, кириб чўнқайган Холидага учбурчак хатни тутди.

— Хат опамга, — деди Холида, адресни ўқиб.

— Ўқи!

— Билиб қолсалар, уришадилар, — деди Холида хавфсираб. — Балога қоламан.

— Билмайди, кўрсатмаймиз, — деди Гулсум опа, қизчага далда берган бўлиб. — Кимдан экан?

— Сафаров Ўлмасдан, — деди Холида ҳижжалаб ўқиб.

Гулсум опанинг қовоғи уйилди, юраги хунук хабарни тусмол қилиб, каттиқ-каттиқ ура бошлади.

— Ўқи-чи, — деди у ўзини босиқ тутишга уриниб.

Холида учбурчак хатни очиб, ичида ўқишга киришди.

— Овозингни чиқариб ўқи, — деди Гулсум опа андак ижирганиб. — Ичингда ўқишингдан менга нима фойда? Ўқи.

— Беқиёс юлдузим, — ўқий бошлади Холида. Ҳижжалаб ўқиганиданми ёки бошқага аталган сирни ўз овози билан фош қилишиданми, борган сайин Холиданинг юзи қизара бошлади. У Гулсум опага ҳадик билан бир қараб олгач, яна қайтарди: — Беқиёс юлдузим...

— Кейин! — деди гаши келган Гулсум опа тоқатсизлик билан ва «лўндароғи энди бошланади» деган хаёлни миясидан ўтказди.

— ...Севимли дилбарим... Муқаддас маликам!.. Э, ўқимайман мунақа хатни! — Холида лов-лов ёниб, хатни

Гулсум опанинг олдига қўйди. — Гапларини қаранг, ой-пошша...

— Майли бора қол, — деди Гулсум опа, чуқур хаёлга берилиб ва камзул чўнтагидан индамай обакидандон чиқариб қизчага тутди. — Опанга айтма. Билмай қўя қолсин. Эмизикли нарса, дили оғриси, сути қочади. Уқдингми?

— Ҳм, ойпошша, — дея ўрнидан кўзгалди Холида. Гулсум опа хатнинг давомини билгиси келса-да, бўлак ҳеч кимга ўқитмади, унинг тахмини бўйича қанақа мазмунда экани аён эди. Хат баёнининг баъзи бир тафсилотлари очилиб бечора онани қайта кечинмаларга ташлайди, азоб беради, тинчини бузади, хавотирга солиб қўяди. Хатни эрига ҳам кўрсатиб бўлмайди, лов этиб ёнади, бирон кориҳол қилиб қўяди. Бундай жанжал оқибатсиз тугамайди, барибир Ҳошимжоннинг қулоғига бориб етади, у ҳам рашк қилиб, хунар чиқара бошлайди. Ана унда висир-висир гап ини бузилган хашаротдек ҳаммаёққа ўрмалаб кетади, олдини олиб бўлмайди. Муқаддасга хатни кўрсатса, албатта, лом-мим демайди, лекин дили турғён чекади, кўнгли алғов-далғов бўлади, хаёли бузилади, эри кўзига сўпоқ кўринаверади. Оқибати хунук тугайди. Ишқилиб анови Холида айтиб қўймасин-да. Яна бирон нарса бериб оғзини маҳкамлаб қўйиш керак. Обакидандон етарли эмас. Жулдур қўйлаги чатилавериш, торашиб қолипти, яна бир жомашовга тушса, титилиб кетади. Қаттадир икки қулоч бўз бор эди, шуни бериш керак. Пишиқ мол, бир йил кийса, чидайди. Узунроқ бичиб, этагини йўрмаб қўйса, келаси йилга ҳам етади. Почтачига ҳам бирон нарса бериб, уқтириш керак, тагин меровлик қилиб, келган хатни бошқа одамга бериб қўйса, иш расво бўлади.

Хонадондан файз арийди, деб Муродхўжа ака уйига электр туширмаган; «шайтоннинг чироғи» дейди у, лекин керосин билан ёнадиган ҳар турдаги чироклар уйда кўп. Ўнталиги ҳам, бешталиги ҳам — пилигига қараб.

Муқаддас ўз уйи олдидаги гулзорга ўрнатилган сўрида эрининг кители ёқасига оқ астар тикиб ўтирар, орқароқда тортилган пашшахона ичидаги тўшалган жойда Озода оёқ-қўлларини дикирлатиб ётар, ўз ҳаракатларидан завқланиб, қийқириб қўяр эди. Кундузги иссиқ пасайган, оқшом қоронғуси билан шабада эса бошлаган, салқин тушиб, ҳузур берадиган пайт бўлиб, кучли фонуснинг ёғдусида сўрида иш тикиб ўтирган Муқаддас, четроқдаги бешикнинг оқ ғилофи ва шамолда елкандек чайқалаётган пашшахонанинг

харир докаси бу кечки манзарага сеҳрли бир тус берар, туннинг қоронғи бағридан қараган одамга эртақдек кўринар, ўз жодусига аврагандек бўлар, зимзиё осмонда бетартиб сочилган юлдузлар бу дунёдаги дарду алам, фарёду мусибатлардан беҳабардек лоқайд тикилар, ҳаммаёқ шу тун асносидек тинч ва осойиштадек эди.

Наридан йўтал эшитилди. Муқаддас бошини кўтарди, қоронғига тикилди. Қоронғидан аста-секин эри чиқиб кела бошлади. У, албатта, одатига кўра нариги ҳовлида Муқаддаснинг адаси билан оз-моз суҳбат қуриб ўтиргач, энди буёққа тушиб келмоқда эди.

— Кеч келдингиз? — сўради Муқаддас, эрининг қўлига сув қуя туриб.

— Вагон келди, — деди Ҳошимжон узатилган сочиққа қўлини арта туриб. — Мол билан. Трофея экан. Ташиб, омборга жойлаб олмасам, талон-торож бўлиб кетарди. Шунга тутилиб қолдим. Озода уйғоқми?

— Ҳа, ётипти думалаб пашшахонада, — деди Муқаддас меҳри юмшаб. — Овқатдан кейин белайман.

— Овқатланмадингизми? — Ҳошимжон бориб пашшахона этагини кўтарди, диқираб ётган Озодани қўлига олиб, бағрига босди.

— Бирга ермиз, деб сизни кутдим.

— Етти ойлик туғилган, деб ким айтади, қаранг тетиклигини, — деди Ҳошимжон Озодани икки кафти орасида кўтариб. Қизча бўйнини ҳали яхши тута олмас, аммо бошини кўтаришга уринар, бир зумда толиқиб, бошини яна ташлар эди.

— Кўз тегмасин, — деди Муқаддас, ғалати бир сурурдан дили энтиқиб. — Мен овқат олиб чикаман, — дея нариги ҳовлига чиқиб кетди...

— Трофея нима дегани? — сўради Муқаддас, иштаха билан шавла еяётган эрига тикилиб.

— Ўлжага олинган нарсалар, — деди Ҳошимжон қошиқни ялаб. — Немисларники.

— Бизни аскарлар талон-торож қилиб олган нарсаларми?

— Шундай десаям бўлади, — деди Ҳошимжон ва бир оз ўйланиб, қўшиб қўйди: — Улар баттар қилган. Ҳатто аёллар сочини қирқиб кетишган.

— Трофея деганингиз қанақа нарсалар?

— Ҳар хил. Тўрнағичдан тортиб, қандилу девор соати-гача бор, — дея Ҳошимжон лаганнинг Муқаддас ўтирган томонига қараб олди, бир-икки чуқилаган шавла бутунлигича

турар эди. — Эрта-индин баъзиларидан олиб келаман, кўрасиз. Кийилмаган пайпок, момик рўмоллар бор.

— Керакмас, — деди Муқаддас осойишта қатъийлик билан. — Опкела кўрманг. Ҳазар қиламан.

— Ихтиёрингиз, — деди Ҳошимжон бир оз таажжубланиб. — Бари бир идораларга тақсим қилинади.

— Идорадагилар киядими шунақа молни?

— Етимхоналар қанча. Ҳаммаси юпун. Институт, техникум ётоқхоналарида муҳтожлар тўлиб ётипти, жон деб олишади.

Муқаддас индамай қолди. Ҳошимжон ҳадеб бир ўзи овқатга қўл чўзаверишни эп кўрмай, қошиқни лаган лабига қўндириб қўйди, чой ҳўплади.

— Бирон касалингиз борми? — сўради у хотинига тикилиб.

— Касалим йўқ шекилли, — тушунмай жавоб берди Муқаддас. — Нимаиди?

— Нега овқат ейишингизнинг тайини йўқ? Нукул чўқилайсиз — қўясиз. Озиб кетганингизни қаранг. Ахир болага сут керак-ку, — дея Ҳошим қўлини артди. — Ёки бирон нарсадан кўнглингиз тўлмаган жойи борми? Кечалари уйкингиздаям хўрсиниб чиқасиз.

Бехосдан Муқаддаснинг дилидаги ожиз пардага тегиб кетганини Ҳошимжоннинг ўзи ҳам билмас эди.

— Иштахам йўқ, нима қилай? — деди Муқаддас, оғрик берадиган мавзудан чекиниб. — Ангур сувини ҳам ичиб кўрдим.

Эртага иштаха дори олиб келаман, нишхўрдликдан асар қолмайди, — дея Ҳошимжон ҳазил қилган бўлди. Аслида эса у жуфтлик сурурининг гаштига энди тушуна бошлагани учун хотини тўлароқ бўлишини, баданини эзгилаганида қўли роҳатланишини ич-ичидан орзу қилар, бунинг учун ҳар қанча чора керак бўлса, сарфига туриб беришга тайёр эди. — Ёки биронта дўхтирга олиб бораёми?

— Дўхтирингиз дардимни тополмайди, — деди Муқаддас кулгига олиб...

Эртасига эрталаб Муқаддас кечкурун тайёрлаб қўйган кителени эрига тута туриб:

— Майли, — деди. — Трофея деган нарсаларингиздан олиб кела қолинг.

— Бу бошқа гап, — деди Ҳошимжон, хотинида пайдо бўлган ўзгаришга унча ажабланмай: аёллар ўзи шунақа, олдинига ғиди-биди қилишади, кейин шилқ этиб тушишади-қолишади. — Адангиз ҳам кўп қулоғимга қуйдилар.

— Нима деб?

— Қимматбаҳо нарсалар чиқса, бегона қилма, дедилар. Тилла тиш қўйдирармишлар. Ойингиз шойи газлама буюрдилар.

Мен тилла тиш қўйдирмайман, — деди Муқаддас, отаси билан онаси ўлжани пайқаб, дарҳол унга панжа босганларидан оғриниб. — Шойи газмол ҳам керакмас. Жўнроғи ҳам бўлаверади.

— Нега энди? Энг аълоси сизга, — деди Ҳошимжон хотинининг кўнглини кўтариш ниятида. — Дўхтирга борамизми?

Муқаддас кинояли кулди:

— Айтдим-ку, дўхтирингиз дардимни тополмайди, деб.

— Ким топади?

Муқаддас жавоб бермай, бешик томон кетди.

15

Буюмнинг ҳақиқий нархи Ойнисага маълум эмас, шунинг учун Муродхўжа акадан яна қанча микдорда пул кўтаришни билмас, заргар маслаҳати керак эди. Агар заргар тузук баҳо қўйса, Муродхўжа акадан яна пул ундириши мумкин, бу маблағ қайнонаси маъракасини қоплаб, тагин рўзғор харажатларига ҳам унча-мунча қолармиди... Аммо Чорсу бозори мачитининг биқинида қалашган дўкончаларнинг биридаги заргар, аввал буюмни кўриш керак, тахминан айтиб бўлмайди, балки қиммат нарсадир, балки жездир, олиб келинг, деди. Ойниса, ҳўп дея ортига қайтди, кечки пайт яна паранжига ўраниб, Муродхўжа аканикига чиқди.

— Майли, — деди Муродхўжа ака ва ўймакор тоқчадаги қутидан тиллақошни олиб, танча четига қўйди. — Мана буюмингиз. Олиб кетишингиз мумкин.

— Раҳмат, — деди Ойниса чачвон ортидан, уй эгасининг ҳимматига қойил қолиб. — Худо сизни кам қилмасин.

— Иншоолло.

Ойниса тиллақошни олиш учун жойидан қўзғалган эди, Муродхўжа ака безакка қўлини қўйди.

— Шошманг, — деди у ширин табассум билан. — Аввал мен берган пулларни қайтаринг, кейин — марҳамат, олиб кетаверинг, синглим.

Ойниса серрайиб қолди.

— Ҳозир пулим йўқ, — деди у чора ахтариб. — Буни сотай, кейин берганингизни қайтараман.

— Йўқ, синглим, — деди Муродхўжа ака, «йўқ»ни чўзиб. — Мунақаси кетмайди.

— Пулни қаттан оламан, амаки? — Зорланди Ойниса. — Буюм сизнинг қўлингизда-ку.

— Тўғри. Буюм менда. Лекин сизга бериб юборгудек бўлсам, орамизда гувоҳ йўқ, сиз олган пуллардан тонворсангиз, мен кимга бориб арз-дод қиламан? Ким гапимга ишонади? Тухмат дейди. Бай-байлаб қолавераман.

— Наҳот тонади, деб ўйласангиз, амаки? — деди Ойниса ноилож аҳволда. — Ахир инсоф-диёнат деган нарсалар бор-ку.

— Э, синглим, — деди Муродхўжа ака, сохта азият билан. — Шу замонда инсоф-диёнат қолдими?

— Нима қил, дейсиз бўлмаса? Ахир матоҳим савил сизда-ку!

— Олганингизни қайтаринг, йўли шу, синглим, — деди Муродхўжа ака жиддий тарзда. — Агар рўзгорингиз танг бўлса, айтаман, икки коса ун беришади. Бошқасига қурбим етмайди. Биз ҳам жўжабирдай жонмиз.

Ойниса пиқ-пиқ йиғлар, паранжиси силкинар эди.

— Йиғламанг, синглим, сизсиз ҳам юрак адо бўлган, — деди Муродхўжа ака хўрсиниб. — Қарз кўтаринг биронта заргардан, битта йўли шу.

— Заргар бермаяпти, буюмни кўриш керак, дейди, — йиғи аралаш зорланди Ойниса.

— Ана, кўрдингизми? Сиз инсоф-диёнат, дейсиз. Ҳозирда ким бировга ишонади? — дея Муродхўжа ака нолиган бўлди. — Мана ўзимни олинг. Буюмингизни менга гаровга беринг, деб мен бормадим, ўзингиз ёлвориб чиқдингиз. Йўқ демадим, бошингизга мусибат тушипти, ёрдам бердим, исноддан қутқардим. Энди бўлса ўз сарфимни ундира олмай калака бўлиб ўтирибман. Тагин даъво қиласиз. Ахир молингизни тортиб олаётганим йўқ-ку, атиги берганларимни қайтаринг, матоҳингизни олиб кетаверинг, деяпман. Шу айбми?

Бундай ваъзбозликдан кейин Ойнисанинг мияси чувалашиб кетди, у ўзини айбдордек ҳис қила бошлади, ҳатто йиғидан тўхтади.

— Қайнанамнинг йигирмаси, амаки, нима қилай? Бирон йўл кўрсатинг, — таслим бўлгандек ёлворди Ойниса.

— Маъракасани ўтказманг, маслаҳат шу, — деди Муродхўжа ака тетик овоз билан. — Ўтказиш шарт, деган гап Қуръондаям йўқ. Замон оғир. Ҳеч ким айб қилмайди, бу гуноҳ эмас. Вақти соати билан кейинчалик, ўғли омон-эсон

келса, ўтказиш қочмайди, инобатга ўтаверади. Дарвоқе, эрингиздан хат-хабар келиб турибдими?

— Бир ойдан бери дарак йўқ, — деди Ойниса хўрлиги келиб.

— Келиб қолар, — деди Муродхўжа ака овунтирган бўлиб. — Хатлар ойлаб изғиб юармиш.

— Шояд... — деди яна Ойниса йиғламсираб.

— Ўзингизнинг кимларингиз бор? Ота-онангиз хаёт-милар?

— Онам қазо қилганлар, — деди Ойниса чуқур қайғуда. — Отам комиссар эдилар, ўттиз саккизинчи йилда ҳибс қилишган — халқ душмани, деб. Танҳо ўзимман.

— Пешонаи тақдир, синглим, бандаларининг қўлидан нима келарди, ҳаммаси худодан. Чидашдан бўлак иложимиз йўқ, синглим.

Ойниса чиқиб кетгач, Муродхўжа ака Шотурсун филайни чақиртирди.

— Шукур мўйловни топиш керак, — деди Муродхўжа ака остона берисида омонат ўтирган Шотурсун филайга.

— Хўп, — деди у ҳар эҳтимол учун. — Шукур мўйлов ким ўзи?

— Мелиса-чи, Шукур мўйлов, — деди Муродхўжа ака хизматчисининг бефаросатлигидан ижирғаниб. — Ҳар куни кўрасан-ку!

— Ҳа-а! — деди Шотурсун филай ҳозиржавоблик билан. — Ўзимизнинг Шукур мўйловми? Танийман. Мен билан салом-аликни қанда қилмайди. Сизга салом айтиб туради.

— Балли, — деди Муродхўжа ака юмшоқ кулиб. — Ўша киши бир маслаҳат учун керак бўлиб қолди.

— Ҳозирми?

— Ҳозир.

— Хўжайин, хуфтон яқинлашиб қолди, эшик қоқиб борсам, малол келмасмикин?

— Ҳечқиси йўқ, — деди Муродхўжа ака сиполик билан. — Элчига ўлим йўқ. Мени айтди, дейсан...

16

Қозондаги сув қайной бошлагач, Ўлмаснинг онаси Мунис опа қўлидаги ярим литрли шиша банкани ариққа ботириб совутмоқда эди, кўча эшик тақиллаб қолди. Одатда ким келмасин эшик тақиллатиб ўтирмай, тўғри кириб келаверар, почтачи-ку, доим шанғиллаб кирар, ўғлидан

келган хатга бирон нарса ундирмай чиқиб кетмас эди. Бу тақиллатаётган ким бўлди экан?

— Эшик очи-ик! — деди Мунис опа ариқ бўйидан. — Кираверинг!

Эшик кия очилиб, остонада оҳори тўкилмаган банорас паранжи ёпинган, оёғида амиркон маҳси-кавуш — нотаниш аёл кўринди. Чачвони ёпиқ бўлгани учун Мунис опа бу аёл кимлигини тахмин қила олмади. Аввал-охир бунақа башанг кийинган бирон кимса бу ҳовлига кирган эмас, Мунис опа хийла ўзини йўқотиб, қаддини ростлади, эшик томон юра бошлади.

— Келинг, айланай, — деди Мунис опа ҳадик аралаш мулозамат қилиб. Паранжили аёл жойидан жилмас, икки-ланарди, чоғи. — Адашдингиз шекилли, — деди Мунис опа узр оҳангида.

Аёл икки-уч қадам ташлаб ичкарига кирди, бир нарсадан хавфсирагандек ортига бурилиб эшикни ёпиб қўйди, сўнг бир силтов билан чачвонини бошига ташлади.

— Вой, Муқаддасхон! Айланай сиздан! — Мунис опа ўзини йўқотиб қўйди, довдираб қолди. Ўғли билан қўшни қизнинг ораларида ўтган иноқликни бир пайтлар пайқаган, ўғлига танбеҳ берган эди. Ҳозир бу қиз турмушга чиққан, оилали, қизчаси бор. Нима муддаода келган бўлиши мумкин? Ўзлари-ку, қилт этган шарпадан чўчиб, аранг рўзғор тебратиб ўтиришипти, энди бунинг келиши нимаси? Бирон жанжални қўзғаб келган бўлса-я? Эй, худо, энди шу кўргилик бормиди?

Муқаддас жилмайди, улар кўришишди.

— Нечук худо ярлақаб? — сир бой бермай тетик овозди сўради Мунис опа ва шундоққина ёнидаги чорпоя томон жилиб, кўрпачани тўғрилади.

Муқаддас паранжисини ечмай, чорпоя четига ўтирди. Қўл очиб, фотиҳа тортишди. Тавба, деб ўйлади Мунис опа, мунча чиройли бўлмаса? Сутга белаб олгандек. Қош-кўзи қоп-қора, ёнади. Ўғли бекорга шайдо бўлмаган. Булар ҳам тасқара эмас, болалари чиройликкина. Ўғли хунук бўлганида, бу киз унга қиё боқармиди?

— Зерикиб кўчага чиқувдим, бир кириб ўтай, дедим. Ахир қўшнимиз-ку, — деди Муқаддас ўз ташрифига оддий тус бериш мақсадида.

— Худодан айланай, шундай ниятни дилингизга солипти, — деди Мунис опа ҳамон гумонсираб. — Чой дамлаб келай, ҳозир, — дея Мунис опа қўзғалмоқчи бўлди, бироқ уни Муқаддас ушлаб қолди.

— Мен тураман, — деди Муқаддас эътироз билдириб. — Қизим бешиқда. Уйғониб қолади.

— Хўп, хўп, — дея Мунис опа қайта ўтирди.

— Кеннойи, қалай ўтирибсизлар? — жиддий сўради Муқаддас. — Тинч-омонмисизлар? Амаким, ўғлингиздан хат-хабар келиб туриптими?

— Худога шукр, бир кунимизни кўряпмиз, — деди Мунис опа хиёл бўшашиб. — Хат келиб турипти. — Мунис опа нега сўраяпсиз, деган савол бермоқчи эди, одобсизлик бўлади, деб индамай қўя қолди, жавоб ўзидан чиқишини кутди.

— Кеннойи, — деди Муқаддас мулоҳазали оҳангда. — Агар ғашингиз келмаса, бир оз қўл учида бўлсаям ёрдам бериб турсам, дегандим. Кўнасизми?

Мунис опа учун бу таклиф кутилмаган эди, у хушёр тортиб, ўйланиб қолди.

— Биров бировга ёрдам берадиган замон эмас, — деди Мунис опа бир лаҳза сукутдан сўнг. — Бирон муддаонгиз бўлса, айтинг.

— Ҳеч қанақа муддаоим йўқ, кеннойи, — деди Муқаддас ҳам жиддий тусда. — Амаким, ўғлингиз қайтгунларича касалга чалиниб қолманглар, дейман. Кўчаларни қаранг, одамлар очликдан шишиб ўляпти. Ҳозир ўз кўзим билан кўрдим, аравада териб олиб кетишди.

— Жудаям ўлар ҳолатда эмасмиз, Муқаддасхон, — деди Мунис опа оғриниб. — Бекордан-бекорга ёрдам бераман, дейишингизни нимага йўйишниям билмай қолдим.

— Ҳаёсизлик бўлиб кўринсаям, айтай, кеннойи, — деди Муқаддас, дилига тугиб қўйган сирини дангал очиб. — Ўлмас акамни яхши кўраман! Ўғлингизни! Ёрдамим шундан.

— Унақа деманг, Муқаддасхон, уят бўлади. Бошингизда эрингиз бор. Қиз кўрдингиз. Эшитган қулоққа хунук. Тавба денг, синглим. Бизни ҳам иснодга қўйманг, оиламизга нотинчлик солманг.

Муқаддаснинг кўзи ёшланди, у чачвонини тушириб йиғлаб олди, юз-кўзини артиб, чачвонини яна очди.

— Эсимдан чиқара олмаяпман, — деди у, кичкина шойи рўмолча билан бурнини чимдиб. — Унута олмаяпман...

— Эрингиз бинойидек-ку, — деди Мунис опа, шўрлик жувонни инсофга чақирган бўлиб.

— Хайрлашаман деган экан, ойим ҳайдаб солипти бечорани, — деди Муқаддас ўз хаёлидан чиқа олмай. — Хат ҳам келмайди. Безиб кетипти-да...

— Хат ёзиб нима қилади? Сиз энди оилалик жувон бўлсангиз, — деди Мунис опа «жувон» сўзига ургу бериб. — Бировнинг хасмидаги одамсиз, айланай. Кўнглингизни унақа нарсаларга алахситманг. Гуноҳ бўлади. Ёшлик — беқарорлик дейишади. У гапларни унутинг.

Ўчоқдаги олов пасайиб, қозондаги сув аранг милтиллар эди, Мунис опа юмушини эслаб, ўрнидан турди, ариқдаги шиша банкани келтириб, тагини қайноётган сувга ботирди. Шиша банканинг таги ажраб, қозонда қолди.

— Бу нима? — деб сўради Муқаддас, Мунис опанинг машғулотига тушунмай.

Мунис опа кулди, тагсиз шиша банкани келтириб чорпояга қўйди.

— Кеча лампа шишамиз ёрилиб кетди, — деди, кундалик юмушнинг икир-чикирлари каби оддий нарсани айтиб бераётгандек. — Лампа шиша танқис, қиммат, биттаси фалон пул. Шуни чироққа кийдирилса, лампа шишадан фарқи қолмайди. Бир оз тутайди, холос.

Муқаддас бунақа ҳунар борлигини эшитмаган эди, беихтиёр жилмайди.

— Майли, мен турай, — деди у, бир оз ўзига келгач ва Мунис опанинг фотиҳасига қўшилиб, дуо қилди, ўрнидан турди. — Узр, мендан ёзғирманг, кеннойи, шунақа бўлиб қолганман. Салга ёш келаверади.

— Худо инсоф берсин, болам, — деди Мунис опа ҳам ўрнидан туриб. — Шайтоннинг гапига кирманг, ақлли-хушли жувонсиз, айланай.

Муқаддас хайрлашиб, чиқиб кетди.

Унинг ўтирган жойида кичкина тугун турарди.

Мунис опа тугунчани ечишга ошиқмас, ҳаром нарса билан ҳалқумини булғашга мажбурдек, ботина олмас, дилини хижил босиб, юкдек пастга тортгандек туюлар эди.

Муқаддас чиқиб кетди, аммо Мунис опа кўнглида аллақандай нохуш асорат қолди, урушда қон кечиб юрган ўғлини худди бу жувон тортиб олаётгандек қизғанар, унинг тузовига чап бергиси келарди. Тавба, одам шунақаям беандиша бўладими, ўйларди Мунис опа, ўзи бошқага тегиб олган-ку, хаёли ўғлимда. Унга хат ёзишдан ҳам тоймайди. Бойларнинг боласи шунақа, нафси бало бўлади. Муҳтожлик нималигини билишмайди-да, эс-хуши кўнгил овутишдан бўшамайди. Лекин... йиғлади-ку бечора, шунча бойликлар, бошқалар ҳавас қиладиган турмуши, қолаверса, боласи ҳам кўзига кўринмаяпти-ку. Ҳақиқатан шўрлик мубтало бўлиб қолган кўринади, йўқса шунақа гапларни айтиш учун

қанақа юз керак? Азбаройи куйиб-ёнганидан. Ахир кимгадир ёрилиши, кўнглидаги ҳасратларини тўкиб солиши керакдир-да. Шайдойи, деб шунақаларни айтишади, чоғи. Менга очилди, шояд дили таскин топган бўлса...

Кечки пайт ловия тергани ўтган қизи, томорқа томондан канопага ўтқазилган иккита янги лампа шиша кўтариб келди.

— Каттан олдинг? — дея ўз кўзларига ишонмай сўради Мунис опа қизидан.

— Деворда осилиб турган экан, — деди қиз чўчинкираб. — Олиб келавердим. Обориб қўяйми жойига?

Мунис опа бу инъом осмондан тушмаганлигини тушунди, боя Муқаддас ҳақида ғараз билан ўйлаганидан бир қадар мулзам бўлди.

17

Захро бир ҳафтадан кейин Масъуд билан Анҳор бўйида учрашишга ваъда бериб кетган эди, тиши оғриб лунжи шишди, юзининг бир томони дўмбира бўлиб, кўзи қисилиб қолди, учрашувга бора олмади. Устига-устак оғриган тишига қўшиб сорини ҳам олдириб келди, яна неча кунгача шиш қайтмади, тиш кўпорилган жойи ҳадеганда битавермади. Бу аҳволда Захро учрашув уёқда турсин, бозорга ҳам чиқа олмади. Даромад келмагач, жамғариб қўйилган салкам бир қоп лавлаги икки ҳафта мобайнида еб бўлинди, куни паттага бериладиган нонга қараб қолди. Яхшиям укаси бор экан, ёш бўлса-да, ўзи абжир, сахар туриб дўконга ўша чиқади, бир амаллаб ярим буханка нон ёки чуррак олиб келади. Қани энди тезроқ лунжи яшшамагур аввалги ҳолига тушса, «Тупроққўрғон»га зингиллаб борган бўларди, анову йигитчани излаб-ахтариб топарди, узрини айтиб, бирон нарсалик бўлиб келарди. Эзгиласаям майли эди. Йўқ, унақа қилмайди, кўриниб турипти. Шўрлик шундоқ тоза-покиза йигит экан, қиз болага ўхшайди, кўзлари жавдирайди, хўп кутган бўлса керак, зор-зор тўлганиб. Дунёга келиб китобдан бошқа нарса кўрмаган-да, соф. Қиз боланинг қўлини ушламаган, Захро ҳаётида биринчи бўлса керак, шунинг учун сақичдек ёпишди-қолди. Унақангилар хиёнат нималагини билишмайди, вафодор бўлишади... Учрашув бузилгани яхши бўлмади, албатта. Ҳалиям шўрлик паришон бўлиб юргандир. Ҳалиям умидини узмагандир, кутаётгандир. Адресни билса, албатта ахтариб келарди. Яшшамагур тиш! Ҳамма режаларни расво қилди.

Захро якшанба куни эрталаб туриб ювинди, укасини мактабга жўнатди, ойнага қаради. Шиш ҳалиям тарқаман, юзи сал қийшиқ кўринар эди. Шу аҳволда борса бўлармикин? Шиш босилишини ҳам кутмапти, чопқиллаб кепти, демасмикин? Зарари йўқ, атир-упа ўз ишини қилади. Трамвайдан тушганидан кейин лабини бир оз қизартиради, киприкларини қайириб бўяйди, тамом, йигит лунжига эътибор ҳам бермайди. Эътибор берса, нима бўпти? Тирик жон, касал бўлмаган одам борми? Қайтага лунжидан шиш батамом аримагани яхши ҳам, ана у куни келолмаганининг яққол исботи. Бунгаям ишонмаса, суғуриб олинган тишнинг ўрнини кўрсатади, ҳалиям битгани йўқ. Ишонади. Ишонмай қаёққа боради.

— Тўхта! — деди Захро ойнадаги аксига ва ўйлади: «Нега энди мен шунча сабаб кўрсатиб ўзимни оқлашим керак? Бирон нарса деб ваъда бердимми? Умидвор қилдимми? Агар тергаса, шартта буриламаман-кетаман. Қарзим борми, ундан ҳадиксираб? Этагимдан бўлак оғирлигим йўқ».

Захро ўзига қанча далда бермасин, у Масъуддан негадир хайиқар, унинг эътиборидан четда қолишни истамас ва бу гулгуланинг остида бошқа нарса пайдо бўла бошлаганини, яъни валати ва ширин безовталиқ энди унинг дилида куртак ёза бошлаганини ўзи ҳам билмас, билмаслигидан ҳар кўйга тушар, жисмида аллақандай беқарор осойиштасизликни сезар эди.

Захро «Тупрокқўрғон» дарвозасига етиб борганида, вақт тушга яқинлашиб қолган, кун илиқ, ҳавода ўрик гуллари чирпирар эди. У ичкарига кириб кетаётган бир офицерга нималардир деди, офицер бош ирғаб, дарвоза ортида ғойиб бўлди. Захро нарироқ кетиб, Масъудни кута бошлади. Очликдан қорни гулдирад, ҳарчанд хаёлини чалғитса ҳам, кўз ўнгида нон гавдаланар, қизнинг кўнглини беҳузур қиларди.

Уруш пайти бўлгани учун Штабнинг иши тўхтамас эди. Бугун якшанба бўлишига қарамай, офицерлар ўз жойида — бири телефонда гаплашар, иккинчиси охириги маълумотларни жамлар, яна бири маъмурий топшириқ бериш билан банд эди. Масъуд бугун рухсатнома оладиган куни, аммо у уйга боргиси келмади чоғи, хизматга чиқди. У ҳозир ўз жойида ўтирар, катта офицерлар топшириғини кутарди. Унинг бу ердан жилмаслигининг бўлак сабаби ҳам бор эди. Анави куни Захро ваъдасига биноан учрашувга келмади. Масъуд Анхор бўйида кечгача кутди. Унинг олдидан бозорга ўтган одамлар қанча юмушларини бажариб қайтишди ҳам, аммо

Заҳродан дарак бўлмади. Тўғри, ёмғир ёғиб турувди, балки ивиб кетишдан қўрқдимми, кийими юпунгина, балки ёмғир тинишини кутганми? Ёмғир эса ўша кунни умуман тинмади. Масъуднинг ўзи ҳам гарнизонга ивиб қайтди. У ёторига кирганида, ташқарига қоронғи тушиб бўлган эди. Демак, у тушдан шомгача кутипти. Нақадар қийналди Масъуд! Қандай умидлар билан учрашувга энтикиб борувди! Хаёлида қанақа жозибали режалар, атаб қўйган сўзлар бор эди-я! Қиз тушмагур ҳаммасини барбод қилди. Бетайинроқ қиз эканми? Ахир одамни шу қадар алдаб, интизор қиладими? Лоақал келиб айтиб кетса бўларди-ку.

Трамвайга чиқса, ярим соатлик йўл... Балки имкони бўлмагандир, бирон нарса халал қилиб қолгандир, уйдагилари чиқаришмагандир. Ўзи унчалик енгилтабиат кўринмади анави кунни, гаплари маъноли, ўз қадрига етадиган... чиройли, хушқомат. Балки чиройли бўлгани учун ўзини тарозига соляптимикин? Ёки бошқа нарсалардан андиша қиляптимикин? Атиги Масъуддан уч ойлик катта экан. Шуям фарқми?

— Хўжаев! — деди лейтенант эшикдан мўралаб, ҳарбийларга хос дағал овозда. Масъуд дархол ўрнидан сакраб туриб, унга честь берди. — Опанг кутяпти. Дарвозада.

— Синглим, ўртоқ лейтенант, — деди Масъуд қаққайган холда.

— Менга барибир, чик!

Бугун ҳаво яхши, икки ҳафтадан буён Масъуд уйига бормади, соғинган бўлса, Муқаддас келипти-да. Қизалоғини олиб келганмикин? Анча ёқимтой бўлиб қолипти. Уйдагилар, албатта Масъуддан кўнгиллари тўқ, хавотир олишмайди, негаки деярли ҳар кунни Ҳошимжон билан кўришиб туришади. Ҳошимжон аллақандай қоғозлари билан Штабга ҳам кириб туради. Тўрт кун бурун Ҳошимжон Масъудни омборига чақирди, трофея моллар келган, кўнгилга ёққан нарсани танлаб олинг, деди. Масъуд аввалига рози бўлмади, кейин Заҳро эсига тушиб, югуриб борди.

— Нима қиласиз бунақа нарсаларни? — Таажжубда сўради Ҳошимжон, Масъуд танлаган нарсаларни кўздан кечириб. — Бу аёллар учун-ку. Сиз ўзингизга мос нарса танланг. Қўл соатлари бор, момик шарфлар, ҳаммаси антиқа.

Масъуд ўзи танлаган нарсаларни олиб кетди, Ҳошимжон хайрон бўлиб қолди.

Масъуд синглиси келиши муносабати билан кеча ўзи рад қилган рухсат гувоҳномасини бошлиғидан қайта сўради. У хозир Муқаддасни бир оз шаҳар айлантиради, топилса морожний ейишади. Кинога киришмайди, албатта. Муқаддаснинг қизалоғи чинқираб беради, барибир залдан чиқариб юборишади. Балки циркка киришар. Ўлмасдан келган хатни айтмайди, энди бунинг аҳамияти йўқ.

Масъуд кўчага чиққач, ханг-манг бўлиб қолди, йўлакнинг четида Захро турарди. Қадди-қоматиға мос кийинган, оёғида баланд пошналар туфли, истараси иссиқ, чехрасида уятчан табассум... Масъуднинг юраги бўшашиб, юзи лов-лов ёна бошлади...

18

Шукур мўйловнинг хотини, болалари ичкарига киришга ҳайқишар, рўзгор юмушлари билан ўзларини чалғитишар, қоронғи тушишини пойлашар эди. Қоронғи тушишини Шукур мўйлов ҳам кутарди, чунки кўз остига олиб қўйган ва ҳар куни мунтазам равишда НКВД маҳкамасига етказган ахборотида номлари қайд қилинган, хибсга олинмиши керак бўлган кимсалар кундузлари турли юмушлар билан овора бўлиб, кечкурун ўз уйларига қайтишга мажбур эдилар, шундагина Шукур мўйлов бориб уларни «босар», қўлларини орқаларига боғлаб, район ҳарбий комиссариатиға элтиб берар эди. Шубҳасиз, бунақанги одамлар орасида дайдилар, қочоқлар, бошқа шаҳар ва районлардан паноҳ қидириб келган шахслар бўлиб, уларнинг на паспорти, на маҳаллий пропискасининг тайини бўлмас, ўзлари турган жойлардаги тинтувдан нарироқда юриш учун бу ерларга келиб қолишган, ҳеч ким танимади, деб ўйлашар, аслида шундай бўлиб ҳам чиқар, аммо бари бир бориб-бориб Шукур мўйловга ўхшашларнинг тузоғига тушишар, хужжати борлари тўппа-тўғри «передовой»га жўнатила, хужжатсизлари штраф батальонларига равона қилинар эди.

Давлат тузуми Шукур мўйловга ўхшаганлар ҳисобига тартиб ўрнатар, шуларнинг тиришқоқлиги эвазига «темир тузум» борган сари «метинга» айланар ва республиканинг ҳар бир районида ўзининг «Шукур мўйловлари» бўлиб, бунақангилар одамларни қақшатиш бадалига давлатдан бирмунча имтиёзларға эга бўлар, айниқса, фронтга жўнатилиш хавфидан озод эдилар. Бундайлар НКВД пинжиги обдан кириб олгач, давлат имтиёзидан ташқари чексиз ваколатға эга бўлиб, кези келганда халқни талашар, мусодара қилишар, жабрланганлар бай-байлаб қолишаверар,

шикоят, арзи дод қилишга ботина олишмас, акс ҳолда баттар қувфинга дучор бўлишлари мумкин эканлигини тан олишар эдилар. Одамлар Шукур мўйлов тугул, ҳатто унинг болаларидан ҳам қўрқишар, кўчада учраб қолишса, четлаб ўтишга ёки орқасига қайтиб кетишга мажбур бўлишар эди. Бундай ҳолни сезган Шукур мўйловнинг ҳали шаклланмаган болалари айнан вазиятни борлигича эътироф қилишар, ҳаёт тарзи шунақа экан-да, биров қочади, биров қувлайди, биров буюради, биров бажаради, деб ўйлашар, аммо бозор-ўчарга ўхшаган гавжум жойда отасининг номи лаънат ёки хавотир билан тилга олинганини сезиб, аввалига ғазаблари қайнор, бундай одамларни эслаб қолиб отасига етказишга аҳд қилишар, бироқ «ховуридан» тушишгач, отасининг «тумтарақай» қилувчи ҳаракатларини эслаб, баъзи кезларда мулзам бўлишар, одамларга дуч келмасликка уринар эдилар. Шу билан бирга ота шу қадар «қаттиққўл» бўлмаса, рўзғордаги тўқинлик қаёқда эди? Ота бечора бошқалар қатори аллақачон урушга кетган, балки ҳалок бўлиб, булар бу ерда бир бурда нонга зор юрган бўлишармиди? Ахир бунақалар қанчадан-қанча! Ўзлари айбдор. Агар урушдан бош тортишмаса, қочиб-писиб юришмаса, ота шўрлик кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, қорга, лойга қарамай уларнинг орқасидан изғирмиди, қувармиди? Қийратармиди? Бечора ота ҳар галги «ов»дан кейин ҳолдан тойиб, аранг уйга кириб келади, этигини ечишга ҳам мажоли етмай, ўтириб қолади, юраги ҳаприқади, ўзига келгунча уйдагилар атрофида парвона бўлишади. Ҳар куни ахвол шу. Сахар, болалари уйқуда пайти ота апил-тапил кийиниб, енгил-елпи нонушта қилиб, ёнида тўппонча, «ов»га ошиқади, «ўлжа» дан кўнгли тўлмаса, ижирғанади, фалончи аблаҳ яна қўлга тушмади, чап бериб кетди, деб ғазабга тушади. Бундай кезларда уйдагилари ҳам четроқда отасининг кўзига тушмасликка ҳаракат қилишади. Аммо «ов» яхши ўтган бўлса, Шукур мўйлов уйга чўп билан тишини кавлаб киради, кўзлари мамнуниятдан йилтирайди, уйдагиларининг ҳадикдан қалтираб турган диллари ором олгандек, дарров голиб ота атрофида гиргиттон бўлишади, гўё ота ўз жасорати билан мудҳиш офатни бартараф қилгандек... Ота ҳам ўз ғалабасини эътиборсиз қолдирмайди: баъзан сандиқчадаги мушак отадиган тўппончасини чиқариб, даранглатиб ҳавога узади. Бу тадбир одат тусига кириб қолган. Ҳо кундузи, ҳо кечаси бўлмасин Шукур мўйлов «ов»дан муваффақиятли қайтиши билан тўппончани бўшатиши шарт. Айниқса, кечалари бу тадбир алоҳида гаштга эга — коп-қоронғи

осмондаги лағча мушак баъзан қизил, баъзан яшил учкунлар сачратиб, ҳаммаёқни ёғду билан ёритади, йўл-йўлакай сўниб, осмоннинг зимистон қаърида ғойиб бўлади. Буни кўрган одамлар яна кимларнингдир ёстиғи қуригани, кимларнингдир хонадони қаровсиз қолганининг гувоҳи бўлишади.

19

Ойниса Муродхўжа ака билан бўлган мунозарадан кейин ўзини йўқотиб қўйди, унинг буткул иродасини тушкунлик қамраб олди, чора топишга кўзи етмай қолди. Эртасига Чорсудаги заргарга яна учради, заргар Ойнисанинг умидини мутлақо барбод қилди — қарзга пул бермади. Ойниса паранжи остида йўл-йўлакай йиғлаб келди. Қайнанасининг йигирмасини овоза қилишмаганда ҳам бир нав эди, энди нима бўлади?..

— Сандикни бозорга оптушиб кўринг, болам, — маслаҳат берди Шамси хола, Муродхўжа акадан бўлак наф чикмаслигини англаб. У охириги пайтда, айниқса, кампир ўлганидан кейин бу хонадонга тез-тез чиқиб, Ойниса бозор-ўчарга кетганда, боласини олиб қолар, ҳатто кўркмаслиги учун кечалари ётиб ҳам юрарди. — Шохалилга айтиб кўяман, эрталаб аравасида олиб кетади.

— Сандикка қанча беришаркин? — Ишончсизланиб сўради Ойниса. — Маъракани кўтарармикин?

— Борига барака, — деди Шамси хола. — Қанчага сотилса, шунга қараб сарф қиласиз.

Мана бугун Ойниса сандикни Шохалил аканинг аравасига юклаб бозорга олиб боради. Кеча Шамси хола тайинлаб қўйган, ҳали-замон Шохалил ака чақириб қолади. Шамси хола ҳам чиқиб, боласига қараб ўтиради.

Ойниса, осмон ёришдимикин, деб деразага қаради. Дераза шарпасини кўз аранг илғар, ташқарида ғира-шира энди бошланган эди. Тонг отишига ҳали эртарок, одамлар саҳарги намозга ҳам туришмаган эди, Ойниса яна бир оз ухлаб олиш учун ёнига бурилди, кўзи уйқуга кетди.

Кўча эшик гурсиллади, яқин-йироқдаги итлар вовуллаши эшитилди. Ойниса уйғониб кетди. Эшик яна гурсиллади. Шохалил ака бўлса керак, деб ўйлади Ойниса ва ухлаб қолганидан ўзини айбдор сезиб, тез кийина бошлади. Аммо ташқари ҳамон қоронғи, ёнғоқнинг тупи ҳатто кўзга аранг чалинар эди. Демак, кўзи кетганига унча кўп вақт бўлмапти. Шохалил ака ўзи шунақа барвақт туради, одамлар уйғониб юз-қўл ювгунларича, бир талай ишларини бажариб улгуради.

Ойниса айвонга чикди. Эшик яна гурсиллади. Ҳа, бу, албатта, Шохалил ака, Шамси хола бўлганида бунақа қаттиқ тақиллатмас эди.

— Ҳози-и-ир! — дея бақирди Ойниса ва қоронғида оёғи билан пайпаслаб калишини кийди, югуриб ҳовлига тушди. Эшик ҳамон гурсиллар, итлар хуруши бутун оламни тутгандек эди. — Ҳози-и-ир! — Ойниса эшик томон югурди, тамбани олиб деворга тиради.

— Шохалил ака! — Узрли оҳангда деди Ойниса, шунча куттириб қўйганидан мулзам бўлиб ва эшикни очди.

— Мен Шохалил ака эмасман, — деди эркак кишининг шарпаси.

Ойниса разм солган сайин, бу киши ҳақиқатан Шохалил ака эмаслиги аён бўла бошлади. Остонада бароққош, шопмўйлов, гимнастёркаси устидан чарм тасмалар ўтқазилган одам турарди. Ойниса бу одамни таниди, таниши билан юраги орқасига тортиб кетди.

Бу Чақарда турадиган Шукур мўйлов эди.

— Келинг, — деди Ойниса қўрқиб.

— Шунақа қаттиқ ухлайсанми? — деди Шукур мўйлов ва ижозат сўрамай остона ҳатлади. Ойниса чекиниб йўл берди, Шукур мўйлов қўлини орқасига қилиб, ичкари юра кетди. — Сени деб бутун маҳаллани уйротиб юбордим.

— Айбга буюрмайсиз, амаки, — зорланди Ойниса, унинг ортидан йўрғалаб. — Кеч ётувдим. — Ҳозир бачканаларни ахтаради, ҳаммаёкни ағдар-тўнтар қилади, деб ўйлади Ойниса зўр қўрқувда, аммо шуни билиш учун каллаи саҳарда бостириб кириш шартмиди? Кундузи келсаям бўларди-ку.

Шукур мўйлов айвон олдида тўхтади.

— Чироқ ёқайми? — хавотирланиб сўради Ойниса. Бу одам, албатта, яхши ниятда келган эмас, унинг устига тонг отмасдан кириб келди, агар Ойниса сал унинг феълига ёқмайдиган бир ноҳўя сўз айтиб юборса, баттар эти тиришади, айб қидира бошлайди, бирон ишқал топади, шунинг учун эҳтиёт бўлиши керак. Акс ҳолда бу одамдан хатар орттириш ҳеч гап эмас. Буни кўрганлар бежиз тирқирашмайди...

— Йўк, керакмас, — дея Шукур мўйлов гимнастёрка чўнтагидан икки букланган бир парча қоғоз чиқарди. — Саводинг чиққанми?

— Тўлиқсиз, — деди Ойниса, иккиланиб: қайсиниси тузук — саводим чиқмаган, деса, буни қарши ишлатиши, саводим бор, деса, бундан ҳам бир қийиқ топиши мумкин. Анови қўлидаги қоғози нимаси? Наҳот қорахат бўлса?

Кечаси кириб келиши бежиз эмас эди ўзи. Лекин қорахатни одатда почтачи олиб келарди-ку. Нега энди бу одам келтирибди? Почтачи бунақанги хабарни етказавериб, зада бўлган, қанча хонадонлардан юзи юлиниб чиққан. Балки почтачи бундан илтимос қилгандир? Шукур мўйлов уни аяб, ўзи келтирган чори, шумхабарни.

Ойнисанинг боши айлана бошлади. У ҳозир қорахатни олиб ўқийди, кўнгли сезиб турипти, аммо дод дейишгаям ҳоли йўқ, ишқилиб ҳушидан кетиб, йиқилмасин-да. Шунча укубатлар устига энди бу мусибат! Мунча пешонам шўр бўлмаса! Қўллари қалтираб, қоғозни олди, гира-шира бўлгани учун кўзи ўтмади. Шукур мўйлов ёнидан батареяли фонарь чиқариб ёқди, қоғозга тутди. Қоғоз қорахатга ўхшамас, Ойниса нима ёзилганини англамас, аммо барибир хунук нарса эканига шубҳа қилмас эди.

— Тушунмадим, — дея Ойниса Шукур мўйловга мўлтираб тикилди.

— Отанг қамоққа олинган экан, шундайми? — деди Шукур мўйлов қоғозни олиб.

— Шундай...

— Халқ душмани экан, биласанми?

— Қайдам...

— Ўттиз тўққизинчи йилда отилган экан. Буни биларсан?

— Йўқ... — Ойниса дағ-дағ титрар, кўзлари жикқа ёшга тўлган эди.

— Мана бу қоғоз — буйрук, — деди Шукур мўйлов Ойнисанинг йиғисига парво қилмай. — Кимларинг бор?

— Қизчам, — аранг гапирди Ойниса. — Тўрт ёшда.

— Халқ душманини қизи экансан, сен ҳам қамоққа олинишинг керак, аммо боланг боракан, майли бу чора ҳозирча сенга нисбатан қўлланмайди.

— Раҳмат, амаки, раҳмат, — деди Ойниса, ҳатто овозини чиқариб йиғлашдан кўрқиб. — Яхшилигингизни унутмаймиз, дуо қиламиз...

— Аммо шаҳарда истиқомат, яъни яшашга ҳаққинг йўқ, — деди Шукур мўйлов совуққонлик билан. — Мухлат 24 соат. Шаҳардан чиқиб кетишинг керак.

— Вой, — ханг-манг бўлиб қолди Ойниса: — Қаёққа? Нега ҳаққим йўқ?

— Қоида шунақа.

— Нима айбим бор, амаки? — Зорланиб сўради Ойниса. — Қаёққа бораман? Замонни кўрмаяпсизми? Бир тийин пулим, бир бурда ноним йўқ.

- Қоида шунақа, дедим-ку. Муҳлат — 24 соат.
- Қаёққа бораман?
- Андижоннинг Марҳамат районига. Қороз берамиз.
- Мен у ерларни билмайман, амаки.
- Униси билан ишимиз йўқ. Агар бир суткада чиқиб

кетмасанг...

— Поездга пулим йўқ, амаки. Очликдан ўлиб кетамиз. Болам бор.

— Шунинг учун сени боланг билан поездга опчиқиб қўйишади. Етиб оласан. Уёғи ўзингдан. Бирон иш беришар.

— Бир ҳафтадан кейин қайнонамнинг йигирмаси — деди Ойниса ёлвориб. — Лоақал маъракани ўтказиб олай. Бугун сандиқ сотмоқчи эдим. Ана, эшикнинг ёнида турипти.

— Маърака ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, — деди Шукур мўйлов қатъий тарзда. — Тайёргарлигингни кўр. Тамом.

— Амаки, — дея Ойниса тиззасига чўкди. — Худо хайрингизни берсин, боламга раҳмингиз келсин. Ҳайдаманг.

— Гап тамом, — деди Шукур мўйлов ва секин кўча томон кета бошлади.

— Бўлмаса, Шўртепага жўнатинг, жон амаки, — деди Ойниса эмаклаб. — Шўртепа. Фарғонада. Танишимиз бор. Шунга рухсат беринг. Жон амаки! Ўтинаман! Хўп денг!.. Онаминг қабри ўша ерда!..

— Гап битта! — деди Шукур мўйлов ўшқириб. — Шунгаям шукур қилсанг-чи. Қамокқа олинганингда холинг нима кечарди?

Ойниса ер муштлаб, баралла йиғлай бошлади...

Бир маҳал ҳушига келиб, сал нарироқда Шохалил акани кўрди. У яқинроқ келишни ҳам, ховлидан чиқиб кетишни ҳам билмай, саросимада турар эди.

— Ойниса! — деди у, ербағир бўлиб ётган Ойниса қимирлай бошлаганини кўриб. Ойнисанинг сочлари тўзғиган, ковоқлари шишган, кўз ёши бетига суркалиб кетган эди. — Нима бўлди? Тинчликми? — Шохалил ака бир-икки қадам оқсоқланиб, Ойниса томон яқинроқ келди. — Нега ерда ётибсиз?

— Сўраманг, Шохалил ака, — деди Ойниса карахт холда. — Шўрим қуриб қолди.

— Нега? — Ҳеч нарсага тушунмай сўради Шохалил ака. — Ўғри тушдимми?

— Йўқ, — деди Ойниса ўтирган жойида бошини чайқаб. — Шукур мўйлов келди.

— Шукур мўйлов? — Шохалил ака бу номни эшитиши биланок юраги шувиллаб кетди. Шукур мўйловнинг қадами етган жойда хатар содир бўлади. Бирок бу оилада унинг нима хусумати бўлиши мумкин? Балки келин шўрликнинг номусига тажовуз қилгандир? Бунақа иш унинг қўлидан келади, ифлос одам. — Тегдими сизга, синглим?

— Йўк, — деди Ойниса, тўзғиган сочларини йиғиштириб. — Бадарға қилармиш. Қоғоз кўрсатди. Йигирма тўрт соат муҳлат берди.

— Бадарға? Сабаб?

— Отамни рўкач қилди, халқ душмани деди. Шаҳарда яшашга ҳаққим йўқмиш.

Шохалил ака қотиб қолди. Агар Шукур мўйлов ўчакишган бўлса, у ишнинг тагига етади, ҳеч кимни сийламайди. Биров аралашгудек бўлса, ўзи балога қолади. Ярим йил бурун ўнг қўлидан ярадор бўлиб қайтган бир йигит урушдалигида шу одамнинг тазйиқи билан оиласи кўп азобларга гирифтор бўлганини билиб очикдан-очик тўкнашган эди, ҳеч қанча вақт ўтмай, йигитнинг ўзи маломатга қолди. Йигитнинг ярадор бўлгани ёлғон, у ўзини ўзи отган экан, деган уйдирма билан бечорани қаматиб юборди, мана ҳозиргача ундан ном-нишон йўк. Шукур мўйлов истаган одамга даъво қилиб, ундан ўчини ола олади. Шунақа зўр одам. Аммо ўзига пухта, тўқис, амалдор кишиларга тегмайди, ҳатто ёрдам беради, болаларини фронтдан олиб қолишгача қурби етади. Энди унинг назари бу оилага тушибди-да. Унинг макрига чап бериб бўлмайди. Ярадор бўлиб урушдан қайтган инвалидни асфаласофилин қилиб юборди-ку, бошқаларнинг қўлидан нима келарди?

— Шукур мўйлов кўз тиккан бўлса, чатоқ синглим, — деди Шохалил ака бирон чора кўрсатишга ожизлик қилиб.

— Бўйи лаҳатда чирисин, — дея қарғади Ойниса, гарчи бунақа ибораларни ҳеч ишлатмаса-да. — Нораства гўдакка ҳам раҳм қилмади.

— Энди нима бўлади, синглим?

— Нима бўларди? Ўша итнинг айтгани бўлади-да. — Ойниса секин ўрнидан туриб, устини қоқди. — Шохалил ака, худо бошингизга мунақа кулфатларни солмасин, сиздан битта илтимос...

— Хўш, хўш — дарҳол жавоб берди Шохалил ака, ҳозир қўлидан келган ёрдамни бу нотавон жувонга беришга тайёр эди.

— Анову сандиқ, — деди Ойниса ўзини аранг ушлаб.—

Шуни ўзингиз сотиб келинг, агар шаҳардан хайдаладиган бўлсам, бирон муҳтожлигимга ярар.

— Хўп, хўп! — деди Шохалил ака дарров рози бўлиб. — Сиз бу ёрига ташвиш қилманг. Ишларимни четга сурсам ҳам гўрга, шуни қиламан. Ишқилиб харидор чиқса бўлгани.

— Кўпам савдолашманг. Менга пул шу бугун керак.

— Хўп бўлади, синглим, — деди Шохалил ака шошилиб. — Энди мен бора қолай. Тонг ёришиб кетди. Бозор кайтмасин.

— Раҳмат, Шохалил ака...

Шохалил ака сандиқни судраб кўчага олиб чикди, бир амаллаб аравасига юклади, арқон билан боғлади. Агар сандиқ сотилмай қолса, иш чатоқ бўлади, ўйлади у ва жон улоғи бўлиб турган уйдаги биттагина эчкини олиб чиқиб, уни ҳам аравага босди. Эчки маърар, типирчилар, боғлатгани кўймас эди. Эчкига, албатта, харидор чиқади, деб ўйлади Шохалил ака, арзон-гаров бўлсаям пуллайман, Ойниса шўрлик хемирисиз кетса, қоқилиб қолади, нобуд бўлиши ҳеч гап эмас. Тежаб ишлатса, эчкининг пули бир ойга етади. Уёри — худо кушойиш, ризқи узилмаган бўлса, бир амаллаб кунини кўриб кетади...

20

Бир неча кун аввал Ҳошимжон ишга кета туриб, одатига биноан қайнотаси ҳузурига кирди, салом-алик, сўров-истовдан кейин турмоқчи бўлувди, Муродхўжа ака гапга тутиб қолди.

— Икки ҳафтадан ошди, — деди у бир оз безовта кўриниб, — Масъуддан дарак бўлмай қолди. Бирон ёкка жўнатворишмадими ишқилиб?

— Кўришиб турибмиз, — деди Ҳошимжон. — Жўнатишса айтган бўларди.

— Нега келмайди? — сўради Муродхўжа ака, ноҳуш сукут сақлаб. — Ёки уйдан безиганми?

— Нега безийди? — Савол билан жавоб берди Ҳошимжон. — Биласиз-ку, мақсади фронтга кетиш. Командирларини қисталанг қилади, чоғи. Штаб бошлиғига ҳам кирмоқчи бўлиб юрганмиш.

— Қаттан билдинг?

— Бир офицер омборга борувди... — деди Ҳошимжон бу сирни айтиб юборганидан ўнғайсизланиб, — трофея танлагани, ўша айтди.

Муродхўжа ака керакли чораларни кўриб қўйган,

Масъуд ҳар қанча Штаб бошлиғига кирмасин, муддаосига эриша олмайди. Унга «яссиоёк» диагнози қўйилиши учун озмунча тадбиркорлик керак бўлдими?

— Лекин...

— Хўш? Бир нарса демоқчимисан? — Нотинч кизиқиш билан сўради Муродхўжа ака. — Айтавер, тортинма. Масъуд — пуштикамарим, хаёлим доим ўшанда. У ҳақида нима билсанг, яширма.

Масъудхўжага ҳам, трофея моллар келган, омборга ўтинг, девдим, келди, лекин таллаган моллари... нима десамикин?

— Айтавер.

— Яхши нарсалар таллади, аммо ҳаммаси аёлларники. Хайрон бўлиб, сўровдим, индамади.

Муродхўжа аканинг қовоғи осилди.

— Бугун унга албатта учра, топ, — дея куёвига тайинлади. — Айт. Зудлик билан келсин. Мени бетоб, де.

— Хўп, ада, айтаман, — деди Ҳошимжон ва ўрнидан турди, ниманидир эслаб, орқасига бурилди.

— Хўш? — Хавотирда сўради Муродхўжа ака, яна кўнгилсиз хабар эшитишдан ҳадиксираб.

— Келтирилган нарсаларни кўрдингизми ада, ёқдими? — сўради Ҳошимжон, икки кун бурун олиб келган ўлжа молларни назарда тутиб.

— Тоза нарсалар, — деди қайнотаси лоқайдгина.

— Тилла буюмлар, девдим, хўжайинлардан ортмадими?

— Унақа нарсалар йўқ экан, ада, — деди Ҳошимжон узр оҳангида. — Сувсар пўстин, осма соат — булар ҳам чакана нарса эмас, ада. Сотса, тилла буюмга тенглашаверади.

— Бўпти, — дея Муродхўжа ака гапга чек қўйди. — Ишингдан қолма. Масъудни топиш эсингдан чиқмасин.

— Хўп, ада, — деди Ҳошимжон ясама одоб билан. У олиб келган моллари учун миннатдорчилик кутган эди, бироқ қайнотаси у қадар хурсандлик аломатларини изҳор қилмади, йигитнинг кўнгли бир оз хижил бўлди. «Бу нарсалар осмондан ёғилгандек ғирт текин тушса-ю, тагин бу одам норози минғирласа, ўйлади Ҳошимжон, шунақаям ношукурчилик бўладими? Ўзим аҳмоқ, айтиб нима қилардим? Бозорга элтиб, пулласам, ўзимга қоларди-ку...»

Муродхўжа ака оғир ўйлар қуршовида бирмунча вақт жойидан қўзғалмай ўтирди. Ўғлини икки ҳафтадан зиёд вақт ичида келмаганлиги, унинг Штаб бошлиғи ҳузурига кириб, фронтга жўнатишларини сўраш нияти ва айниқса Ҳошимжоннинг омборидан аёллар матоҳини олгани

безовталантирар, дилида ғазабли норозилик тўлғатар эди. Тавба, Муродхўжа ака шунчадан-шунча одамларни ўз гапига бўйсундирса-ю, ўз ўғлига гапи ўтмаса! Ўз фарзанди ота-онанинг кўнглига қарамаса, бир шаҳарда бўла туриб ҳафталаб уйига қадам босмаса! Наҳот шунчалик дийдаси қаттиқ бўлса? Наҳот ота-онасини соғинмаса? Балки уни уйлантириб қўйиш керакдир? Балки ўшанда уйига ихлос қўяр, бебошлик қилмас?..

— Адаси, — деди Гулсум опа эрига деразадан мўралаб. — Извош кутиб турипти, ишга бормайсизми?

— Ҳозир, — деди Муродхўжа ака бўғиқ товушда ва бир оздан сўнг ховлига тушди. Гулсум опа эрини йўлакча кузатиб борди. — Бир ўйлаб кўр, — деди Муродхўжа ака кўча дарвозаси олдида тўхтаб. — Ўғлингни уйлантирсак, деган хаёл миямга келди. Ҳафталаб қорасини кўрсатмайди, йўлдан чикиб кетади.

Бундай мулоҳаза Гулсум опа учун кутилмаган эди, у тўсатдан айтилган маслаҳатдан бир оз довдираб қолди.

— Қандай уйлантирасиз, ўғлингиз армия хизматида-ку?

— Ҳечқиси йўқ, — деди Муродхўжа ака бепарво тарзда.

— Уйга келиб турадиган бўлади. Хўжайинлари билан гаплашаман. Ўзини кўндириш керак.

— Кўнармикин? — деди Гулсум опа ўйланиб. — Ўғлингиз ўжаргина. Ғалати тоифа.

— Кўнмай қаёққа боради? — деди Муродхўжа ака. — Кўнади. Кўндириш керак. Бошқа чора йўқ. Балки ўзиям жон-жон, дер. Ахир йигит-ку. Сен киз суриштир. Тагли-тахтли бўлсин.

— Ҳозир киздан кўпи борми?

— Майли, бу — дарвозахона гапи эмас, — деди Муродхўжа ака негадир кўнгли қарор топгандек бўлиб. — Бафуржа гаплашамиз. — Муродхўжа ака дилини кемираётган шубҳаларни хотинига ҳозир айтгиси келмади. Ўғлининг аёллар матоҳини олганини айтгудек бўлса, ваҳимага тушади-колади, минғиллайверади, эрига тинчлик бермайди.

— Юзингизга бир нарса тошипти, — деди Гулсум опа эрининг чап кўзи остидаги қизил учуқни сезиб.

Муродхўжа ака бармоғи билан қизил учуқни топди.

— Шуми?

— Ҳм. Лўқиллаяптими?

— Йўқ, — деди Муродхўжа ака ва иқрор бўлиш учун учуқни босиб кўрди, бармоғини тили билан ҳўллаб, учуққа сурқади. — Қазидан бўлиши мумкин. Иссиқлик-да...

Жарнинг бу томони кунга тескари бўлгани учун йўл ҳали лой, сирпанчиқ эди, фойтунга қўшилган от тойиб кетишдан кўркқандек оёқларини тираб, тегирмон томон туша бошлади ва ниҳоят тегирмон билан тенглашгач, дўнглик ёнбағрида ўзи тўхтади. Фойтунни кўриб, тегирмон қоронғилигидан Одил найнов чикди, усти-бошини қоқиб, қинғир эшикни ёпди, занжирини илиб қўйди. Тегирмон олдида ҳеч ким кўринмас, сув шовуллаши эшитилмас, чархпалак тўхтатилган, жимжит эди. Фақат анча наридан, жарнинг муюлишидан шаршаранинг олис шовқини эшитиларди. Бундай «иш ўлган пайт» деярли ҳар йили такрорланади. Қишдан аранг судралиб, эмаклаб чиққан халқ, агар рўзгоридан бир-икки дўппи дон асраб қолган бўлса, ерга тикади, тегирмонга эҳтиёж қолмайди. Бир халта, ярим халта ногаҳонда келтириладиган дон учун сувни очишмайди, тегирмонни «қантариб» қўйишади, ўзлари кўп ҳолларда эшикка қулф осиб, бошқа юмуш қидириб кетишади. Бировлари унча-мунча дон жамғариб қўйган бўлишса, уй томорқаларида экин-тикин қилишади, томорқаси йўқлари бозорга санғишади, далоллик пайига тушишади. Одил найновнинг уйи жарнинг нариги бўйида, икки супача ҳовлиси бор, агар тегирмон олдида одам тўпланса, секин тушиб келади, доннинг чўрига қараб, тош юргизади. Мана, неча кунлар ўтди, одам яқинлашмайди, тегирмон жимжит.

Одил найнов Муродхўжа ака билан қўл олишиб кўришди, юзига фотиҳа тортди.

— Мана, хўжайин, бит боқиб ўтирибмиз, — деди у андухли жилмайиб. — Бекордан худо безор, Асқарни жарнинг пастига юбордим, лоақал шох-шабба териб келсин. Ўтираверадими қўлтиғини қашлаб?

— Жувозхона-чи? — Ўзи билса ҳам барибир сўради Муродхўжа ака.

— Жувоз ишлаб турипти, уям узилиб-узилиб, — деди Одил найнов бўйинини қашлаб. — Хўжайин, бир иложини қилинг, анграйиб ўтирмайлик.

— Нон заводига учрайман, — деди Муродхўжа ака, бир оз сукут қилиб. — Тортилмаган дони бўлса, илтимос қилиб кўраман. Олиб келишади.

— Худо хайрингизни берсин, хўжайин, — деди Одил найнов сал умидвор бўлиб ва Муродхўжа акага синовчан тикилиб қолди.

Муродхўжа ака бирон хас ёпишган деб ўйлаб, кафти билан юз-мўйловини артди.

— Саломатлигингиз... тузукми, хўжайин? — Нихоят сўради Одил найнов.

— Тузук. Нимаиди?

— Қайдам, — деди Одил найнов ўнғайсизланиб. — Қўлингиз чўғдек.

— Ёспирай, — дея Муродхўжа ака қўлини пайпаслади.

— Этим уюшгандек бўлаётувди. Иситмам бормикин?

— Юзингизга нарса чиқипти, — деди Одил найнов юраги дов бериб-бермай. — Оғрияптими?

Муродхўжа ака ҳайрон бўлди, бармоғи билан кўзи остидаги қизил гуддани босиб кўрди. Оғриқ сезмади. Боя хотини ҳам шу нарсага шама қилувди. Нима бўлиши мумкин? Гудда каттиқ эди.

Одил найнов ички чўнтагига қадалган тўғнағични олиб, гугурт ёқди, оловига тўғнағич салласини тутиб турди ва қизигач, Муродхўжа акага узатди.

— Ҳар эҳтимол-да, хўжайин, ўша гуддага теккизиб кўринг-чи.

Муродхўжа ака хавфсираб тўғнағични олди ва шу захотиёқ қайтарди:

— Ўзингиз теккизинг.

Одил найнов тўғнағич салласини Муродхўжа ака юзидаги қизил гуддага авайлаб текказди, бироқ Муродхўжа ака ўзини кескин олиб қочмади.

— Сездингизми? — Синовчан тикилиб сўради Одил найнов.

— Йўқ, — деди Муродхўжа ака, — балки совиб қолгандир?

Одил найнов яна гугурт ёқиб, тўғнағични қиздирди, яна ярага босди. Аммо барибир Муродхўжа ака миқ этмади.

— Энди-чи?

— Сезмадим, — деди Муродхўжа ака олазарақ ҳолатда.

— Бошқа жойимга босинг-чи.

Одил найнов тўғнағични ўзининг юзига текказди.

— Ҳали иссиқ, — деди у.

— Нима бўлиши мумкин?

— Чаток, хўжайин, — деди Одил найнов афсус чеккан тусда.

— Нима? Нима чаток?

— Бу, хўжайин, куйдиргига ўхшайди, — деди Одил найнов сипо жиддийлик билан. — Дарров уйга қайтинг. Табиб топтинг. Олдани олиш керак. Бу — ёмон яра.

Муродхўжа ака бўшашиб кетди, юраги гурсиллаб ура бошлади, ваҳима босди. У куйдирги яра хақида эшитган, ҳатто вақтида табибга қаратмай ғафлатда ўлиб кетган одамларни билади. Вужуди қизиб, ғувиллай бошлагандек бўлди.

— Дўхтирга бораман, — деди у саросимада.

— Дўхтир ярани кесиб олади, ўрни чуқурча бўлиб қолади, — деди кўпни кўрган Одил найнов. — Яхшиси — табиб. Маҳаллангизда шуни биладиган табиб бўлмаса, извошни жўнатинг, бизнинг кўчада табиб хола бор, етказиб олиб бораман.

— Маъқул, маъқул, — деди Муродхўжа ака зўрға тили калимага келиб. — Уйингизга ўтиб туринг, извош қайтади. Ҳайда, Мамат!

Олазарак бўлиб ўтирган Мамат тизгинни тортиб, отни бурди, қамчин босди, от пишқириб, фойтунни шитоб билан судраб кетди.

Муродхўжа ака юраги така-пука бўлиб уйига кирганида, Муқаддас дастурхон қоқаётган эди. Отаси уни имлаб чақирди.

— Қўлимни ушлаб кўр, — деди у қизига қўлини чўзиб. Муқаддас отасининг авзойини кўриб, хайрон бўлди, отасининг қўлини ушлади. — Иссиқми?

— Ҳа, иссиқ, — деди Муқаддас отасига безовта тикилиб. — Нима бўлди, ада?

— Онангни чақир, — дея Муродхўжа ака бориб сўри четига ўтирди, ярасини ушлаб кўрди. Яна нўхатдек қаттик, қўл текканини сезмас, қадокдек карахт эди.

— Тинчликми? — кела туриб сўради Гулсум опа хавотирда. — Нега тез қайтдингиз, адаси? Тобингиз қочиб қолдимми?

— Мана бунди, — деди Муродхўжа ака юзидаги ғуддани кўрсатиб, — Одил найнов ёмон яра, деб гумон қилди.

— Вой, шўрим! Куйдиргимми? Кетаётганингизда дилимдан ўтувди-я.

— Шунақага ўхшайди, — деди Муродхўжа ака, кўркунни яширишга тиришиб. — Вужудим қизиб кетяпти. Сув бер.

— Сув опке! — деди дархол Гулсум опа ёнида турган қизига. Муқаддас югуриб кетди ва бир зумда сув келтирди, косани онасига берди. — Совуқ сув ичсангиз, чатоқ бўлмасмикин, адаси? — деди Гулсум опа ҳадикда, косани эрига беришдан ҳайиқиб.

— Ичим куйиб кетяпти, — деди Муродхўжа ака ва ўзи хам гумонсираб косани ёнига қўйди.

— Ўтираверманг бўлмаса, туринг, — деди Гулсум опа безовталаниб. — Извош шу ердами? Юборинг дўхтирга.

— Извош кетди, ҳозир Одил найнов табиб олиб келади.

— Муқаддас, — ҳаяжонда қизига қаради Гулсум опа. — Кўрпача билан ёстиқ олиб чиқ!

Муқаддас тезда уйдан кўрпача билан ёстиқ кўтариб чиқиб, апил-тапил сўрига тўшади. Муродхўжа ака чакмонини ечмай солинган жойга ёнбошлади.

Шу пайт дарвозахонадан ғўнғир-ғўнғир товуш эшитилди.

— Келишди, чоғи — деди Гулсум опа ва йўлак томон шошилди.

Кўча эшик очилиб, аввал Одил найнов, кейин эски паранжи ёпинган оқсоқ аёл кўринди, чачвон ёнидан қўлини чиқариб Гулсум опа билан кўришди.

Муродхўжа ака дили хаприкиб ўрнидан турди, оёғини осилтириб сўри четига ўтирди.

Паранжили аёл йўлка бўйлаб кела бошлади ва даҳлизга етганда, зинага ўтирди, яна икки қўлини чачвон остидан чиқариб фотиҳага кафт очди. Атрофидагилар дарҳол чўнқайишиб, дуога қўшилишди. Табиб аёл чачвон устидан юзига фотиҳа тортди, буёқдагилар ҳам дуо қилишди.

Одил найнов паранжили аёл ишорасига эгилди, у нимадир деди. Одил найнов Муродхўжа ака томон кўз ташлаб: «Ҳа, ўша киши», — деди. Аёл келсин, деган ишорани қилди.

Муқаддас билан онаси Муродхўжа акани — гўё ўзи юриб борса йиқилиб қоладигандек пинжига кириб, аёл олдига олиб боришди. Аёл қўлини силтади, Муродхўжа ака унинг рўпарасига чўнқайди. Унинг йирик кўзларида ваҳима ва мутелик аломатлари изғир эди.

Табиб аёл қўполгина ҳаракат билан Муродхўжа ака юзидаги ярани эзиб кўрди ва ҳеч нарса демай, яна «бориб жойингга ўтир», маъносида ишора қилди. Муродхўжа ака итоаткорона жилиб, сўрига бориб ўтирди.

Табиб аёл Гулсум опага нимадир деди, Гулсум опа дарров қизига қаради:

— Хокандозда чўғ олиб чик! Тез бўл. Кўмир чўғидан.

Муқаддас ошхона томон чопди.

Табиб аёл латтага ўралган иккита мих олиб ёнига қўйди.

Муродхўжа ака Одил найновни имлади, ундан нималарнидир шивирлаб сўради.

— Хўжайин сув ичсалар бўладими? — Қайтиб келиб сўради табиб аёлдан Одил найнов.

Аёл бош чайқади.

— Бирпас чидар экансиз, хўжайин, — деди Одил найнов турган жойидан Муродхўжа акага. У рози бўлиб, бош ирғади.

Муқаддас хокандозда қип-қизил чўғ олиб чикди, табибнинг ёнига қўйди. Аёл латта ўралган бир жуфт михни олиб, учи билан чўққа сукди.

Унинг тепасида ҳар бир буйруғини бажаришга тайёр турган Гулсум опа, Муқаддас, Одил найнов ва нарида икки қўлини тиззасига суяб, ўз «жазо»сини кутаётган махбусдек ночор ўтирган Муродхўжа ака михларни чўққа қўйилганини кўриб, бир-бирларига хавотирли аланглашар, лом-мим дейишга журъат эта олишмай, энди табиб аёл яна қанақа хунар қўллашини ҳаяжон билан кутишарди. Наҳот шу қаламдай-қаламдай келадиган лахча михни бу аёл Муродхўжа аканинг этига санчса? Муродхўжа ака ҳарчанд ўзини ушлашга уринмасин, ички қалтироқ вужудини дағ-дағ титратар, гўё ичаклари орасида тўлғанаётган қўрқув секин-аста юқорига кўтарилиб, ҳалқумини бўғар, қиздирилган қўрғошиндек томирлари бўйлаб тепага кўтарилар, қулоқ, кўз, пешонаси ичида зил бўлиб тиралар эди. Келиб-келиб шу дард Муродхўжа акани танлайдими? Қандай адолатсизлик? Нега анови Одил найновга ёпишмайди. Нега бу касофатга Мамат чалинмайди? Нега бошқалар эмас, Муродхўжа ака жабрини тортиши керак? Нима ёмонлиги учун? Ахир ҳар жума кунини маҳалла тақводорларига атаб иона чиқариб турса, барча маъракалардан уларни бенасиб қилмаса, мушкулкушодларни мунтазам ўтказса — яна қанақа хайр-эхсон керак? Мурувват, сахийлик шунчалик бўлади-да. Шунча худойилар инобатга ўтмайди. Мана, қанақадир исқирт кампир олдида мўлтиллаб ўтирипти. Агар кампирнинг ҳаракати натижа бермаса-чи? Пўк этиб ўлиб қолса-чи? Демак, кеча-кундуз, иссиқ-совуқ демай шунча жонини жабборга бергани зое кетар экан-да. Энди оғзи ошга етганда, боши тошга тегар экан-да. Эй, парвардигор! Ўша кунингдан сақла! Балодан асра! Раҳминг келсин! Кароматингни дариф тутма!

Муродхўжа ака қон қуйилиб оғирлашган кўзларини вазмин кўтариб, Одил найновга имо қилди.

— Ўша михларни санчадими? — сўради у яқинлашган

Одил найновни табибдан пана қилиб. — Қандай чидайман?
Оғриғи ёмон бўлса керак?

— Оғримайди, — деди Одил найнов тасалли бериб. —
Сезмайсиз ҳам. Жиз этади, холос. Чумоли чаққандек.

— Ростданми? — гумонсираб сўради Муродхўжа ака
Одил найновга синовчан тикилиб. — Ё юпатыпсизми?

— Ростдан, — деди Одил найнов сидқидилдан. —
Амакимнинг ҳам юзига чиққанда кўрганман. Оғримайди.
Томирга бориб текканда жиз этади, холос. Кейин малхам
суркаб кўяди, бир ҳафтада кўрмагандек бўлиб кетасиз.
Чўчиманг, хўжайин.

— Иншоолло, — деди Муродхўжа ака ишонгиси
келиб. — Оғримаса бўлгани.

— Оғримайди, — хотиржам деди Одил найнов. —
Гапимга ишонаверинг, хўжайин. Тилла тиш қўйдирганингизда
мундан ўн чандон азоб чеккансиз, тўғрими?

— Эговлаганда қийналганман. Кўзимдан ўт чиқиб
кетгудек бўлган.

— Ҳа, балли, хўжайин.

— Амаки, — деган Муқаддаснинг овози эшитилди.

Одил найнов орқасига ўгирилиб қаради. Табиб аёл уни
имо билан чақирар эди — югуриб борди, аёл томон эгилди.
Табиб унга пичирлаб нималарнидир деди, Одил найнов
тушундим ишорасини қилиб, бемор олдига қайтди.

— Хўжайин, буёғи тайёр.

— Ёпирай...

— Табиб хола паранжисини ечмаса, ишлай олмас
эмиш.

— Ечаверсин.

— Сиздан қочар экан. Номаҳрам, дейди.

— Хўш? Нима қилай? — тушунмади Муродхўжа ака.

— Қийиқча билан кўзингизни танғишимиз керак экан.

— Оббо! Энди бу кўргилик бормиди? — гўлдиради
Муродхўжа ака. — Кўзимни очмасам-чи?

— Кўнмайди.

Муродхўжа ака чуқур хўрсинди:

— Майли, олиб чиқишсин.

— Муқаддасхон, — дея аёллар томон юзланди Одил
найнов. — Қийиқча олиб чиқинг, қизим.

— Рўмолим бўладими? — чаққонлик билан сўради
Гулсум опа.

— Бўлади, опкелинг, — деди Одил найнов.

Гулсум опа рўмолини ечиб бериб, қўлидаги сочиқни
бошига ташлади.

Одил найнов рўмол билан Муродхўжа аканинг кўзини боғлай бошлади. У қўрқувдан дағ-дағ қалтирар, йўғон лабидан қон қочган, эти иссиқ эди. Одил найнов ишини битириб, Муродхўжа аканинг қўлтиғига кирди. Бемор беўхшов ҳаракатлар билан Одил найнов кўмагида туртина-суртина эҳтиёткор қадам боса кетди. Одил найнов Муродхўжа аканинг забардаст жуссасини елкасидан босиб, табиб хола рўпарасида чўктирди.

— Қўлларингизни орқага қовуштиринг, — деди Одил найнов тутдек тўкилаётган Муродхўжа акага. — Михга тегиб кетмасин.

Муродхўжа ака ҳозирлик билан талабни бажарди.

Табиб хола Одил найновга ишора қилди, у яна эгилди.

— Шунақами? Хўп, хўп, — дея атрофга каради. — Сочингизни берасиз, ойипошша, — деди у Гулсум опага.

— Мен ҳам кўзимни боғлашим керак экан.

Гулсум опа дарҳол сочиқни берди, энги аралаш кўлини бошига кўйди.

Одил найнов сочиқ билан кўзини танғиб, Муродхўжа акага далда бўлиш учун ёнига чўккалади.

Табиб хола паранжи-чачвонни бошидан суриб, елкасида қолдирди. Бу ажиндор, заҳил юз аёл бўлиб, кўзлари қисик, сочи тўзғиган эди. У фотиҳа учун кўл очди.

— Фотиҳа қиляптилар, — деди Гулсум опа эркакларга ва ўзи ҳам дуога кўшилди.

Кўзи боғлиқ икки эркак чўккада туриб, кўл очишди.

— Омин! — деди Гулсум опа табиб хола дуони тугатгач, ҳаммалари фотиҳа тортишди.

Кўзи боғлиқ Муродхўжа ака зимистонга чўмиб, баттар ваҳимага туша бошлади, кўзи тиниб, қоронғиликда қизғиш ҳалқалар муаллақ суза кетди. Устига-устак қизининг пиқиллаб йиғлагани қуловига чалинди, ваҳимаси яна зўрайди.

— Муқаддас! — деди Муродхўжа ака, асабий ўшқириб. — Жўна бу ердан!

— Бор, бора қол, — деди Гулсум опа қизига. У эрининг феъли айнишидан хавотирда эди. — Болангга қара, чинқириб ётгандир.

Муқаддас тисарила-тисарила ўз уйи томон кетди.

— Бисмиллоху раҳмону раҳим! — шивирлади табиб хола ва Гулсум опа елпиб турган чўғдаги миҳнинг бирини латта билан чимдиб олди. — Бошингизни бурманг, олиб қочманг, — деди у Муродхўжа аканинг бошини бир кўлига

олиб. — Оғримайди. — Табиб хола михнинг қизиган учини ярага авайлаб босди. Асабий холда ўтирган Муродхўжа ака худди электр токи теккандек бир силкиниб тушди. — Қимирламанг. Бирпаслик нарса.

Мих борган сари данакдек шишган яранинг ичига кириб борар экан, Муродхўжа ака тишини-тишига маҳкам босиб ўтирар, оғриқни унча сезмас, чидар, мих ўпириб кирган жойдан бур аралаш тутун бурқсир, жизганак ва қўланса ҳид атрофида анқир эди...

Мих совий бошлагач, табиб хола уни чўпга қўйди, Гулсум опа димоғини энги билан тўсди.

Муродхўжа ака сесканиб тушди, хатто инграб юборди.

— Бўлди, — деди табиб хола.

Азобдан қутулган Муродхўжа ака бўшашиб жойига ўтириб қолди. Унинг юзини тер босган, қийиқча остидаги кичик тирқишдан ёш қуйилар, мўйлови тагига сингир эди.

— Хайрият-ей, — деди Муродхўжа ака ҳикиллаб. — Наҳот қутулдим-а?

— Кутулдингиз, худо хоҳласа, — шивирлаб деди табиб хола.

— Қўлингиз дард кўрмасин, она!

Қувончданми, изтиробданми — Гулсум опа ҳам йиғлаб юборди.

— Тўйларингизда хизмат қилайлик, — пиқиллаб деди у.

— Худо кушойиш, — деди табиб хола ва камзули чўнтагидан қоғозга ўроғлиқ малҳамни олиб Муродхўжа аканинг юзидаги конталаш яллиғланган кавакка суртди, чаплаб қўйди. — Энди бўлди.

Ҳаммалари бирин-кетин энгил хўрсинишди.

Хув нарида Муқаддас юм-юм йиғлаб турар, яқинлашишга юраги дов бермас, бир аҳволга тушган отасига ачинар эди. Кизини пайқаб Гулсум опа йиғи аралаш шивирлаб кичқирди:

— Бўлди! Келавер! Кутулди аданг!

Муқаддас югуриб келиб, отасининг ёнига чўккалади, қўлини унинг бўйни аралаш елкасига қўйди, мадад берган бўлди.

— Она, — деди Муродхўжа ака шодликдан андак талтайиб. — Сиқилиб кетдим. Кўзимни очай.

— Ҳозир паранжини ёпиниб олай, — деди табиб хола ва шошиб паранжини ёпиниб, чачвонни юзига ташлади.

— Еча қолинг.

Иккала эркак бараварига бойлагични сидириб ташлашди.

— Эй, худо, ёруғ кунинг ҳам бор экан-ку...

— Энди кириб ётинг, захда ўтирманг, — деди табиб хола вазмин хушёрлик билан. — Туринг.

— Хўп, хўп! — дея Муродхўжа ака билан Одил найнов бир-бирга тираниб ўринларидан туришди.

— Мана бу малҳам, — деди табиб хола чачвон ичидан ва қўлини чиқариб ёнидаги коғозни ўради, Гулсум опага узатди. — Ҳар куни янгилаб турасиз. Дока борми?

— Ие! — кийкириб юборди Муродхўжа ака. — Доканинг кони бизда-да!

— Эриб кетса, тангадак дока ёпиштириб қўйинг.

— Хўп бўлади, — дарров жавоб берди Гулсум опа.

— Қани, омин! — дея табиб хола фотиҳага қўл очди, калима келтириб, икки кафтини юзига суртди.

Буёқдагилар ҳам ҳаммалари ўз ниятларини қўшиб, фотиҳа тортишди.

Муродхўжа ака Гулсум опани четга чақирди.

— Битта қўйлаклик, бир халта мош, икки юз сўм пул бериб юбор.

— Хўп, hozир, аввал дастурхон ёзайлик, чой-пой ичиб кетсин, — деди Гулсум опа ва ошхонадан чиқа олмай мўлтиллаб турган Замира хола билан Холидага кўз ташлади, улар бирин-кетин етиб келишди.

— Раҳмат, она, қўлингиз дард кўрмасин, — деди Муродхўжа ака дадиллашиб. — Уйга кириб, чой-пой ичинглар. Кейин извош элиб қўяди. Энди мен кириб ётай, а?

— Ҳа, ҳа, ётинг, — дея табиб хола ҳам ўрнидан кўзгалди.

Муродхўжа ака дахлизга кўтарила туриб Одил найновга қаради, у яқинлашди.

— Сизгаям раҳмат, Одил ака, шунча ёнимда беллашиб турдингиз, яхшиям сиз бор экансиз, бўлмаса гафлатда қолиб кетармидим, тўн кийиб кетасиз. Ҳозир офилхонага ўтинг-да, битта қўчқорни ағдаринг, бош-кўздан садақа, ис чиқарамиз. Шотурсунга айтинг, олдимга кирсин, маҳалладан кимларни айтишни уқтираман.

— Хўп бўлади, хўжайин, — деди Одил найнов кўтаринкилик билан. — Табиб холани жўнатай, кейин дарров айтганингизга киришаман, майлими?

— Маъкул, — деди Муродхўжа ака ва Замира холага чой буюриб, уйга кириб кетди...

Поезд Андижон станциясига кечикиб келди. Вақт тушга яқинлашиб қолганлигига қарамай, ҳаво булутлиги учун атроф шомдек ғира-шира, майдалаб ёраётган ёмғир ғуборида кўримсиз ва исқирт эди. Фишт ётқизилган перрон бир зум ёмғир тўзонида йўловчилар шарпалари билан гавжумланди, аста-секин сийраклашиб, бўм-бўш бўлиб қолди.

Шундагина соқчи шолчага ўралган тугун кўтариб вагондан тушди, орқасига қаради. Поезд эшигида кўпол матони рўмол қилиб бошига ўраган, қўлидаги қизини бағрига босган Ойниса кўринди. Унинг лаблари қонсиз, йиғидан қовоқлари шишган, кўзлари қизил, киприклари нам эди. Ойниса атрофга аланглади, эркак этик кийган оёқларини вагон зиналарига авайлаб қўйиб, пастга тушди, шинелли соқчи орқасидан эргашди. Вагоннинг сассиқ купесидан кейин бу рутубатли ҳаво Ойнисага роҳатдек туюлди.

Улар бирин-кетин вокзал биносига жойлашган комендатура хонасига киришди. Хона папирос тутуни билан тўлган, рўпарада пагонли шинелини елкасига ташлаган ҳолда ориқ юзли киши ўтирар эди. Соқчи тугунни эшик ёнига тираб, комендатура вакили билан кўришди, Ойниса тугун олдида қолди.

Вакил соқчи узатган қорозга кўз югуртиргач, мўлтираб турган Ойнисага қаради, хўрсинди, ҳеч нарса демади, ўчиб қолган папиросини тутатди. Кейин соқчига рус тилида нималарнидир тушунтирди. Ойниса рус тилини биларди, дарров гап нима ҳақиқалигини англади. Комендатура одами Марҳамат районига элтиб қўйиш учун транспорт йўқлигини айтган эди. Бу яхшими, ёмонми, Ойниса билмас эди. Транспорт керак бўлса, демак, Марҳамат райони олис экан-да. Транспорт бўлмаса, бу ерда Ойниса нима қилади? Қаерда қолади? Бирон-бир бурчак беришармикин? Ҳар қалай бир чора кўришар, кўчага ҳайдаб қўйишмас. Бегона юртга келган ҳар бир одам тайинли жой қидиради, шунинг учундир, қанақа бўлмасин, Ойниса тезроқ Марҳаматга етиб олишни кўнглидан ўтказди. Ҳозирда ҳеч қаерда рўшнолик йўқ, ҳар қанча уқубатли бўлмасин, барибир кўникади-ку. Бирон юмуш топиб беришса, иш билан овора бўлади.

— Синглим, — деди соқчи, Ойниса томон қадам қўйиб ва уни рус тилини тушунмайди, деб ўйлаб, вакилнинг гапларини қайтарди:

— Транспорт йўқ экан. Марҳамат районига ўттиз чақирим эмиш. Мен шу поезд билан қайтишим керак.

Ойниса соқчинини нима демоқчи, қандай чора кўрсатмоқчи эканини тушунмади.

— Хўш? Мен-чи?

Соқчи вакил томон ўғирилди.

— Нима бўлади?

Комендатура вакили елка қисди, папиросини кулдонга босди.

— Яёв жўнашдан бўлак илож йўқ, — деди у. Беш-олти соат ичида етиб олиш мумкин.

— Ёмғир ёғяпти-ку, — деди рус тилида Ойниса, комендатура вакилига тикилиб. — Юким бор. Болам билан қандай эплейман?

Комендатура вакили Ойнисанинг соф рус тилида гапириб юборганини эшитиб, анқайиб қолди, сал қадини ростлади.

— Қийин бўлади, албатта, — деди у ниҳоят, фараз қила бошлаб ва чора топгандек, қўшиб қўйди: — Юкни кейин олиб кетсангиз ҳам бўлаверади. Туради бир бурчакда, ҳеч ким тегмайди.

— Бунинг ичида, — деди Ойниса, шолчага ўроғлиқ тугунга ишора қилиб, — боламнинг алмаштирадиган кийими, ўзимга зарур нарсалар бор: адёл, ёстик, сочик, идиш. Кетаётган жойим курорт эмас-ку.

— Ҳа, курорт эмас, — деди вакил таассуф билан. — Аммо иложим қанча? Майли, бугунча шу ерда қола туринг, мен районга қўнғироқ қилиб кўраман, арава-парава юборишса, жўнарсиз.

— Наҳот бир иложи топилмаса? — деди соқчи ҳам тажанг бўлиб. — Ахир шаҳарга келиб-кетадиганлар бор-ку, улар нима қилишади?

— Яёв қатнашади, — деди вакил ғижиниб. — Арава-парава, баъзан юк машиналар учраб туради. Йўлга чиқиб ўшатта тутиш керак.

Ойниса ғингший бошлаган қизчасини цемент полга қўйди, аммо қизча баттар хархаша қилди, онасининг этагига ёпишди. Ойниса чўнтагидан битта туршак олиб берди-да, қизчасини яна кўтарди.

— Бўлмаса, — деди вакил пешонасини ишқаб. — Мен конвой бераман, бозоргача кузатиб қўяди. Ўшаттан суриштириш керак. Марҳаматдан тушган аравалар бўлади. Биронтаси билан келишиб, етиб олиш мумкин.

... Бозорнинг қинғир-кийшиқ дўкончаси ёнига қўйилган бўғчада Ойниса ўтирар, тиззасида чалқанча ётган қизчасини тебратар, конвойни кутарди. Тиламчи чоллар, увада ялангоёқ болалар, сафоил ўйнатиб дийдиё хайқирган маддохлар, чўкки телпақлари остидан исқирт сочлари осилган кашкулли қаландар-дарвишлар, уйғур, тунгон ва яна аллақандай нотаниш лахжаларда вақиллаган девоналар, бурни аралаш рўмол билан ўралган аёллар, мажруҳлар, лахтақлар, лаш-лушлар Ойнисанинг кўз олдидан липиллар, ёғаётган ёмғир дам кучайиб, дам майдалашиб, қизишган оч оломонни совутиш билан оворадек эди.

Ҳар қанча бегона бўлмасин бу ютоққан ғалаён қаъридан чиқиб келган конвой йигит Ойнисага шу топда қадрдон кўриниб кетди.

— Юринг, — деди йигит гўё чалкаш ишнинг уддасидан чиққандек негадир кўтаринкилик билан. — Топдим. Эшак аравали одам боракан. Аранг кўндирдим. Марҳаматга беш-олти чақирим берида қолармиш. Шунгаям ҳарна. Уёғи қийин бўлмайди. Балки ўша қишлоқчада қолишга ижозат беришар. Пул-мулингиз борми?

— Оз-моз бор, — дея Ойниса ўрнидан турди, боласини кўлига олди.

Йигит бўғчани орқалаб йўлга тушди. Унинг шошқалоқлиги тезроқ бу жувондан қутулиб кетиш ниятидан дарак берарди.

Ойниса бачкана кийган қизчасини ерга қўйиб, бир оз етаклади, кейин бўғча орқалаган йигитнинг тоқатсиз аланглаганидан оғриниб, болани кўлига кўтарди, қадамини тезлатди. Беш-олти чақирим берироқ бўлса ҳам майли, мана бу оломондан нари кетса бас; бунинг устига ноаниқлик ҳадигига қанча чидаш мумкин?

Бироқ арава кутиб турган жойга уриниб-туртиниб чиққач, Ойнисанинг юраги шувиллаб кетди. Араванинг ёнида шинель кийган нотаниш йигит турар, кўлидаги ҳасса билан арава устидаги похол қолдигини сидириб туширар эди. Манзил олис, қанақа йўллар босиб ўтишади, тегажоғлик қилса, Ойниса нима қилади? Кимга дод дейди? Эшак арава имиллаб етиб боргунча, қоронғи туша бошлайди.

— Ўшами? — қадамини секинлаштириб сўради Ойниса конвой йигитдан.

— Ҳа, ўша, — деди йигит, каромат кўрсатгандек илжайиб. — Инвалид экан.

— Қарироқ одам бўлсин, девдим-ку, — деди Ойниса ёзғиргандек.

— Марҳаматдан бўлак арава келмапти, ҳаммасини сўроқлаб чикдим. Битта шу экан, шукур қилинг. Сизга барибир эмасми? Етиб олсангиз бўлгани-да.

Ойниса аравага яқинлашиб қолганлари учун бошқа гап очмади, аравакаш йигит сезиб қолса, ваши келиши мумкин эди. Унда умуман олиб кетмайди, Ойнисанинг ҳамма умидлари барбод бўлади, вокзалнинг сассиқ хонасига судралиб қайтишига тўғри келади. Комендант ҳам тумтайиб олади, рўйхуш бермайди, Ойниса боласи билан яна озор чекади.

— Мана, олиб келдим, — деди конвой йигит аравакаш орқасида тўхтаб ва аравакаш ўгирилгандан кейин, қўшиб қўйди: — Шу опамиз бўлади.

— Ассалому алайкум, — дея, Ойниса ҳадигини яшириб, аравакашга синовчан тикилди. Унинг бошида юлдуз изи қолган қулоқчин бўлиб, шинелининг очиқ ёқаси остидан яйдоқ кўкраги кўриниб турар, юзи баҳор офтобида буғдойранг тус олган, қоши қуюк, чуқур жойлашган йирик кўзларида аллақандай мунг бор эди. Сўқир эмас экан, ўйлади Ойниса, аравакашнинг сарғиш кўзларидан тасалли излаб ва унинг нигоҳида майин ифода пайдо бўлганини пайқаб, кўнгли бир оз тинчланган бўлди.

— Келинг, — деди аравакаш йигит камтар одоб билан ва йўловчи чиройлиқкина жувон эканини кўриб, андак қизарди, саросимасини яшириш учун конвой йигитнинг орқасидаги бўғчани бўш қўли билан бир ёнидан тутиб, аравачага юклади, тўғрилаб қўйди. — Мана, ёпиниб олинг, — дея аравакаш ўриндиқ учун тахлаб қўйган қопни Ойнисага узатди. — Ивиб кетманг. Ёмғир тўхтамай, демайди. Кун ҳам оғиб қолди, шошилиш керак.

— Бўлмаса менга рухсат, — деди конвой йигит худди шу гапни кутиб тургандек. — Яхши етиб олинглар. Хайр.

— Хайр, — деди Ойниса, самимий миннатдорчилик билдириб. — Раҳмат сизга. Шунча овора бўлдингиз.

— Ҳа, ҳечқиси йўқ. Шуям оворагарчиликми?

Ойниса бу йигит бирон нарса илжинишида бўлса, ўттиз сўмлик битта қизил пул атаб қўйган эди, йигит тез-тез тисарилиб, кета бошлади.

— Хайр, хизматингизга рози бўлинг, — деди Ойниса узоклашаётган йигитга овозини кўтариб. Йигит қўлини силкитиб, одамлар орасида ғойиб бўлди...

Аравачанинг юк ортиладиган бўйрадек сахни одам белидан сал баландроқ эди, аввал Ойниса чиқиб ўрнашди, бўғчасига суянди, аравакаш қўлидан қизчасини тиззасига олди; кейин йигит араванинг четига ўтирди, хассасини ёнига қўйди, тизгинни бўшатди, этик учи билан эшакни нўқиди. Арава тошларда тўқирлаб, кета бошлади...

Шаҳар анча олисда қолган, атроф қишлоқлари борган сайин сийраклашар, ёмғир ҳамон шивалаб ёғар, арпа униб чиқа бошлаган далалар сатҳидан кўз илғар-илғамас буғ кўтарилар, яккам-дуккам дарахтлар қийғос гуллаган, шафтоли ниҳолининг пушти новдалари сокин умиддек покиза ва нафис эди.

Ойниса уюшган оёқларини осилтириб ўтирди, бир талпиниб олган қизининг юзини очиб мўраллади — тебраниш уни элтган, кичкина боши силкинар, момик юзи дириллар, ўзи қаттиқ уйқуда эди.

Йўлга чиққанларига мана бир соатча бўлиб қолди, адир бошланди, биронта на арава, на машина учрамади, орқаси билан ўтириб олган аравакаш йигит шунча йўл мобайнида, гўё кўркқандек, бир марта ҳам орқасига ўтирилмади, чурк этиб овоз чиқармади, ҳатто эшакка «хих» ҳам демади, нўқиб қўяди, холос. Ойниса эса гап очишдан тортиниб индамай кетар, бу йигит кимлигини, қанақалигини ўйлар эди. Унинг қулоқчинини тушириб олган телпаги, шинель елкалари жикка хўл, ҳамон индамас, аҳён-аҳёнда ёнидан халтача чиқариб, тамаки ўрар, чуқур тортиб тутун буруқсатар, арава маромида чайқалар эди.

Яна ярим соатча йўл босишганларидан кейин ёмғир жадаллашди. Ойнисанинг бошидаги қоп шалаббо бўлиб, баданига нам ўтди, совуқ елкасини қақшата бошлади.

Аравакаш йигит атрофга қарар, ниманидир ахтарар эди. Ниҳоят йўлдан йигирма-ўттиз қадамлар узоқликда ҳайдалмаган дала четидаги танҳо қўрғонча ичидаги лой том бостирмага яқинлашганда, йигит жиловни тортиди ва Ойниса томон ўтирилди. Ёмғир торлари хивичдек уни савалар, жалага айланиш олдида эди.

— Панага ўтмасак бўлмайди, — деди у узр оҳангида, гўё ёмғир бунинг айби билан жадаллашгандек. Ойниса совуқдан жунжика бошлаган, қизчаси ҳам шамоллаб қолиши мумкин эди, дарров рози бўлди, ҳатто йигитдан садо чиққанига қувонди ҳам. Йигит дарҳол келиб бўғчани олди, тиззасида боласи ухлаётган Ойнисага қўл бериб, аравадан тушишга ёрдам берди, бўғчани орқалаб бостирма томон йўл бошлади.

Кўрғончанинг ичи, бостирманинг лой томи кўм-кўм барра ўт билан қопланган, ёмғир лолаларни савалар, борган сайин авжга чиқар эди.

Бостирманинг эшиги йук, деразачаси ойнасиз, ичи қоп-қоронғи эди, биринчи бўлиб йигит кирди, гугурт чақиб, ичкарини кўздан кечира бошлади. Гувалак деворлари, шифти ис босган, ерда гўнг аралаш похол, гўзапоялар, олтингугуртдан бўшаган қоғоз қоплар сочилиб ётар, томи бўлгани учун бостирманинг ичи ҳар қалай пана, аммо нам эди. Шифтнинг ўпирилган бурчагидан чакка ўтарди.

— Буёққа кириб туринг, — деди йигит ва тезкорлик билан кулбани йиғиштиришга тушди. Похолни сидириб, ўртани очди, гўзапояларни ажратиб, тўплади.

— Мана бу бўғчани ечсангиз, шолчани тўшаса бўлади, — деди Ойниса қараша олмаганидан ўнғайсизланиб ва бошидаги жикқа ҳўл қопни ечиб ташлади.

— Хўп бўлади, — деди йигит ва бўғчани ечиб шолчани похол устига тўшади. — Ҳозир... бинойидек жой бўлади. Гулхан ёқамиз, исинамиз, қуриймиз.

Йигит ўртага гўзапоя қалаб, остига қоғоз тикди, гугурт тутди. Қоғоз бир оз буруқсаб ёна кетди, олов гўзапояларни чирсиллатиб-тутатиб, алангалатди, кулба ичи ёришиб, хаш-паш дегунча, исий бошлади, файз кирди. Ойнисанинг юрагидан зил кулагандек бўлди.

— Ўтиринг, жой тайёр, — деди йигит ва ҳассасига таяниб қадини ростлади, сал чекинди.

— Раҳмат, бинойидек бўлди-я, — астойдил севиниб деди Ойниса ва чўнқайиб буюмлари орасидан адёл ажратиб олди, гулхандан сал нарироққа тўшаб қизчасини ётқизди, адёлнинг бари билан уни ўраб қўйди, ёнгинасига ўзи ўтириб, қўлларини оловга тутди ва мамнун табассум билан йигитга қаради. — Ўзингиз ҳам ўтиринг.

— Мен аравани бундайроқ суриб қўяй, — деди йигит нотаниш жувоннинг димоғи чоғланганидан ичида севиниб. — Кейин келиб ўтираман.

— Майли, — майин табассум билан деди Ойниса. Унинг баданига иссиқ ўтиб, вужуди роҳатлана бошлаган эди.

Йигит сал оқсоқланиб ташқарига чиқиши билан Ойниса ечилган бўғчаси томон чўзилиб, сочиқ, бир ҳовуч туршак, ёнғок, ярим буханка нон олиб, сочиққа тузаб қўйди, гулханга гўзапоя ташлади.

Бир неча муддат ўтгач, йигит қайтиб келди. Унинг қўлида томоғи бўғилган аскарларнинг бризент халтаси бор эди, йигит халтани похолга ташлади ва шундагина сочиқдаги нарсаларга кўзи тушди.

— Ұх-хў! Зиёфат зўр-ку!

Ойниса камтар жилмайди.

— Менинг ҳам халтамда ул-бул бор, — деди йигит ва букилмайдиган бир оёғини чўзиб, шолчанинг четига ўтирди, халта боғичини ечиб, битта нон олди ва қорозга ўроғлик кирсовундек нарсани Ойнисага кўрсатиб, қайта халтага солиб қўйди. — Бу сиз билан менга тўғри келмайди, — деди. — Чўчка ёғи, хотиним касал, табиб буюрган, аранг топдим. Касалга берса гуноҳ ҳисобланмасмиш.

Ойниса дарров фахмлади — хотини ўпка касалига йўлиққан экан, одатда шунақа нарсани буюришади. Даво бўлса ҳаром эмас. Сарик касалларга ҳатто бит едиришади. Албатта, беморга билинтирмай.

Касал хабари орага жиндек ноқулайлик чўқтирди.

Йигит нонни синдириб, бир бурдасини ўзи тишлади.

— Олинг, очқаб қолгандирсиз, — деди у кавшаниб.

Ойниса ярим буханка нонини қўли билан ушатди, йигитнинг кўнглига бирон гап келмасин деб, унинг нонидан олиб тишлади ва тавба, деб ўйлади, тепамиз берк, кулбамиз иссиқ, осойишталик, яна нима керак? Йигит бечоранинг хотини дардманд экан-да, шўрлик. Шунинг учун кўзидан мунг аримас экан.

— Ёнғоқдан чақинг, менинг кучим етмайди, — деди Ойниса соддагина.

Йигит жуфт-жуфт қилиб бир неча ёнғоқни чақди, сочикқа ташлади, мағзидан оғзига солди.

— Олинг, — деди у ёнғоқ пўстлогини гулханга ташлаб. — Фақат чой етишмаяпти, атрофда хонадон бўлганида дамлаб келардим.

— Чой бор, — деди Ойниса. — Бир юмалок. Агар мослай олсангиз, тунука косаям бор.

— Ўтда қораяди-да, — Ойнисанинг розилигини кутиб, синовчан сўради йигит.

— Қорайса ювилади, шуямиш бўптимми? — деди Ойниса ва жавоб кутмай бўғчага қўл чўзди. — Мана чой, мана идиш, ҳозир ёмғирга тутаман, бирпасда тўлади, — дея Ойниса сакраб ўрnidан турди, ташқарига қўлини чиқариб, идишни шаррос қуяётган ёмғирга тутди. — Чойсиз бўлмайди.

— Ивиб кетасиз, — деди йигит ўрnidан кўзгалиб. — Сиз киринг, мен тўлдириб кираман.

— Йўқ, йўқ! — қатъий эътироз билдирди Ойниса. — Қимирламанг, ўзим. Сиз оловга қаранг. Ҳозир косани чўкка кўямиз.

Йигит рози бўлиб, гулханга рўзапоя ташлади.

Ойниса кўзларини ёмғир тўзонидан қисиб, атрофга қаради. Аравадан ажратилган эшак кўрғон саҳнидаги ўтқи қавшар, ёмғирга парво ҳам қилмас эди.

Тунука коса сувга тўлғач, Ойниса ичкарига қайтиб, косани йигитга тутди.

— Буёғини ўзингиз эплaysиз.

— Ҳозир, — дея йигит идишни яллиғланиб турган кўр-га кўйди, атрофга чўғ сурди, гулханга яна рўзапоя таш-лади.

Бир оздан сўнг сув қайноб чикди, йигит бир кафт чой ташлади, қайноқ сув чойга айлана бошлади. Ойниса чўзилиб бўрчадан бир жуфт пиёла олди.

— Мана, пиёла, куйинг, — деди Ойниса журъатланиб.

— Ўҳ-ҳў! — хитоб қилди йигит. — Ками кўстимиз йўқ экан-ку! Шундай кулбада ҳақиқий чой, чинни пиёла!..

Бу маънос йигит бир лаҳза бўлса ҳам ташвишларини унутиб, беихтиёр қувончга берилганидан Ойнисанинг дили ёришди, айна пайтда Шохалил акани эслади. Бечора ўз юмушларини ташлаб, сандиқни пуллаб келди, пулнинг бир қисмига нон, чой харид қилиб чикди, аравасида вокзалгача кузатиб кўйди. Ҳовлидан бохабар бўлинг, келган хатларни юбориб туринг, Шамси холамга ҳам тайинлайман, деб илтимос қилди Ойниса. Шохалил ака, ҳўп деб қолди...

Ойнисанинг қизчаси чўчиб уйғонди, йиғлай бошлади.

Ойниса қизини дарров қучоғига олди, юпатишга тушди. Қизча аста-секин йиғидан тўхтаб, аввал гулханга, кейин нотаниш кишига қаради.

— Оти нима? — сўради йигит ажабланиб боқаётган қизчага қараб.

— Жамила, — деди Ойниса ва пиёладаги чойга иккита туршак ташлади — ивися едиради. Ҳам озуқа, ҳам ширин. Қизчасининг ичи бузилмайди. Ойниса туршак ивигунича тамшаниб туриш учун Жамилага бир бурда нон берди.

Йигит кетма-кет икки пиёла чойни ичиб, тамаки ўради, гулхан чўпидан олиб туташтирди ва ёнма-ён ўтириб чекишни эп кўрмади чоғи, бир оёғини букиб ўрнидан турди, эшиксиз кесакига суяниб қоронғи тушаётган ташқарига тикилди. Кўрғонча сатҳи ёмғир суви билан қопланган, сувнинг юзида юзлаб пуфак чучвара пайдо бўлиб ёрилар, ёмғир ҳамон ёғар, кўкара бошлаган толнинг йўғон танаси намдан қоп-қора эди.

— Менинг исмимни ҳам сўрамади, ўйлади Ойниса унга тикилиб. Бу юртларда нима сабабдан тентираб юрибсиз, деб суриштиради. Анову конвой йигит айтган бўлса, бошқа сўроққа тутишдан иймандими? Албатта, Ойниса

сўзлагудек бўлса, дили яна ўртанади, ўзини тута олмай йиғлайди — йигит шундан истиҳола қилади, чоғи. Нега ўзи хақида ҳеч нарса демайди? Урушдан инвалид бўлиб қайтипти... ҳозир қанақа хизматда экан? Хотини оғир бетоб экан, шўрликнинг фикру хаёли ўшанда. Агар боласи билан Ойниса бўлмаганида, ёмғирга қарамай қишлоққа ошиққан бўларди, тезроқ бориб, хотинига анови савил чўчка ёғини едирарди, балки нафи тегармиди?..

— Муллака, совумасдан чой ичинг, — дея Ойниса жимликни бузди.

— Хўп, хўп, — дарров жавоб берди йигит ва папиросини улоқтириб, жойига ўтирди, чой хўплади.

— Қишлоғингиз ҳали олисми?

— Яна шунча бор.

— Олис экан, — деди Ойниса, йигитга ичи ачиб. — Агар мени кўзингиз қиймай ўтирган бўлсангиз, розиман, кетаверинг, хафа бўлмайман. Бу ер бинойидек экан, мен қолавераман. Жин урармиди? Адёл, ёстик бор, бир амаллаб тонг оттирарман. Унгача ёмғир тиниб қолса, йўлга чиқаман, арава-парава учрар, етиб оламан. Мендан хавотир олманг. Шунча яхшилик қилдингиз, шунгаям катта раҳмат.

— Унақа деманг, одамни хижолат қилиб, — деди йигит. — Наҳот болангиз билан сизни ташлаб кетсам?

— Дилингиз хиралигини сезяпман, хотинингиздан нотинч бўляпсиз.

— Ёмғир тиниши билан жўнаймиз, — деди йигит, бир лаҳза сукут қилиб.

Бирок ёмғир ҳадеганда тинавермади. Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

Толиққаниданми ёки иссиқ элитдими, Ойнисанинг кўзи сузила бошлади. Йигит бўғча буюмлари ичидаги ёстикни олиб, Ойнисанинг ёнбошига қўйди.

— Дам олинг, — деди у майин мулойимлик билан.

— Йўғ-э! — Сесканиб кетди Ойниса ва ўзини тетик кўрсатиш учун қулайроқ ўтириб олди. — Чарчаганим йўқ. Яхшиси ўзингиз ёнбошланг, сиз толиққансиз. Мен пойлаб ўтираман.

— Уйку келармиди?

Аслида йигитнинг уйкуси келган, аммо ёш жувоннинг олдида сўлақмондай бўлиб ухлаб ётиш унга ўта одобсизлик бўлиб туюлди. Уйкусида хуррак отса-чи?.. Йўқ, тўғри келмайди. Жувон, албатта, ухламайди. Нотаниш эркак олдида қанақа аёл ухлаб қолади? Ёмғир тинишини кутиш керак...

Муродхўжа аканинг нотоблиги зарур юмушларни ҳам четга суриб қўйди. У шишган юзи, малҳам чаплаб, латта ёпиштирилган яраси билан кўчага чиқишни эп кўрмади; бундай қиёфа унинг савлатига, обрўйига путур етказадигандек туюлди, у ишхонасидаги масъул хизматчиларни уйига чақиртириб, керакли топшириқларни бериб турди. Касали сабабли Муродхўжа аканинг ўғли хусусидаги режалари ҳам силжимай қолди. Аввал Гулсум опа ўғлига уйлантириш нияти борлигини айтмоқчи, эри Масъуд билан гаплашиб, унинг розилигини олади, деган умидда эди. Ҳошимжоннинг тайинлашига қарамай, мана бир ҳафтадан ошди, Масъуддан ханузгача дарак йўқ. Эри ҳам ўз касали билан овора бўлиб, бўлак сўрамади. Балки хаёлидан кўтарилдими? Сўрамагани ҳам маъқул. Келин масаласида, хабарлашдингми, деса эри, Гулсум опа нима жавоб қилади? Ўғли уйланишга рози бўладими, йўқми, барибир Гулсум опа сўраб-суриштириб қўйиши керак эди, албатта. Эри шуни ҳам писанда қилади, дилига озор беради, текинхўр, бокибеғам, дейди. Нега эри бунча тезкорлик билан Масъудни уйлантириш пайига тушиб қолди экан? Ахир бирон сабаби бўлиши керак-ку. Масъуд ҳали ёш, энди йигирмага кадам қўйган йигит бўлса. Ё уни, худо кўрсатмасин, урушга жўнатиб юборишадиган бўлишса, кўриб қолгани ғанимат, деган хаёлга бордимикин? Ҳар қалай уруш — уруш-да, фалокат, бу фалончининг ўғли экан, деб ажратармиди? Эри узоқни ўйлайдиган одам, эҳтимол ўғлидан биронта зурриёт қолишини истагандир. Ёки бу тезкор тараддуднинг бўлак сабаби бордир, фақат эри ёрилмаяпти, балки хотинини нохуш хабардан асраётгандир. У кунни Ҳошимжон ғалати гап гапирди: Масъуд урушга кетиш пайида юрганмиш. Ақл бовар қилмайди. Одам шунақаям енгилтак бўладими? Бу ахир ўзини ўққа тутиб бериш-ку. Ҳа, ёш, ғурурли, аммо оқибатда ота-онанинг ҳоли нима кечади, бу томонини ўйласа бўлмайдими? Шунчалик ўз манфаатини ўйлаш, шунчалик худбин бўлиш — бу фарзандлик бурчига хиёнат-ку. Бир шаҳарда туради, мана икки ҳафтадан ошди, келиб ота-онасидан хабар олай, демайди. Отаси касалга йўликди, ўғли ҳатто билмади ҳам. Отаси ўғлининг бемехрлигини Гулсум опадан кўради, қулоғига қўймагансан, хурматни бажо келтириш нималигини ўғлингга уқтирмагансан, деб таъна қилади, ҳақ бўлиб чиқади. Қизи тушмагур мана бунақа ҳунар кўрсатди, унинг устига-устак хомилалик бўлиб, ўзини осиб қўйишига

сал қолди. Яхшиям Холида бор экан, огоҳ бўлиб қолишди. Акс ҳолда исноддан бошлари чиқмас эди. Тагин ҳам отаси дарров тадбиркорлик қилиб чора ишлатди, Хошимжонни топди. Тузук йигит экан, агар инжиқроқ бўлганида у ҳам ҳунар кўрсатар эди. Гўлроқ экан, ҳеч нарсани сезмади, ҳатто қизчасини етти ойлик туғилганига ҳам ишониб кетди. Мана бинойидек яшаб юришипти. Бисоти кам-кўстсиз, оралари иноқ. Ишқилиб анову урушдаги гўрсўхта ёзган хат қўлига тушмасин-да. Аслида-ку, Гулсум опа почтачига тайинлаган, нарса-парса бериб, оғзига урган, келган хатларни кўрсатмайди, Гулсум опа хатларни ҳатто ўқимай, куйдириб ташлайди, аммо барибир аллақандай хавф доим бор, шу ҳеч ҳаловат бермайди. Борди-ю, Муқаддас билиб қолса нима қиларкин? У ҳам почтачини қўлга олиши мумкин. Почтачи ҳам қарам одам, ким кўп берса, ўшанинг кўйига юради. Ана унда иш чатоқ бўлади. Беихтиёр Муқаддаснинг дили ўртанади, анову яшшамагурни кўмсайди, эри кўзига бало бўлиб кўринади, муросалари бузилади. Яшшамагур тезроқ ўша ёқларда гумдон бўлиб кетса бўлмайдимми? Нега шунча офат-фалокат уни четлаб ўтади?

23

Кулбанинг нам деворига суяниб ётган Қаюмжон совуқдан уйғониб кетди, аввалига қаердалигини англай олмай, бир лаҳза қинғир харилар қалашган шифтга серрайиб бокди, сўнг ҳушига келиб, атрофига кўз ташлади. Кулбанинг ичи нимқоронғи, аллақачон ўчиб, кулга айланган гулханнинг четидаги шолчада адёл барига боласи билан ўраниб Ойниса жим ётар, гўё эндигина кўзи илингандек эди. Тавба, ухламайман, деб шунча ҳушёр тутсам ҳам ўзини ўйлади Қаюмжон, барибир уйку босибти-да. Жувон ҳам пинакка кетипти.

Қаюмжон дераза туйнугидан ташқарига қаради — ёмғир тинган, ҳаво булутлиги учун тонг хира сукунатини чумчук чирқиллаши бузар эди. Қаюмжон ғўзапоя қолдиқларини йиғиштириб гулханни ёқмоқчи бўлди, бироқ олов чарс-чурсидан Ойниса уйғониб кетса, хижолат чекади, деган хаёлга бориб, секин ўрнидан турди, товушсиз юриб, қўрғонча ҳовлисига чиқди. Бу ерда йўталиб-нетса ҳам ҳечқиси йўқ, жувон уйғонса кўздан нари, ўнғайсизланмайди, ўзини эпақага солади.

Эгасини кўриб, оёғидан толга боғланган эшак ҳанграб юборди, Қаюмжон гишт парча олиб унга улоқтирди, эшак калласини бир силкиб, ҳанграшдан тўхтади.

Қаюмжон таги шалаббо майса-қизғалдоқларни босиб эшакка яқинлашди, арқонини ечиб, гўё икки қўлини осмонга кўтаргандек қаққайиб турган аравага қўша бошлади. Ёмғир тинибди, шошилиш керак, йўқса яна ёғиши мумкин. Агар Ойниса ҳали ҳам уйғонмаган бўлса, бориб товуш чиқаради, ҳаво ғаниматлигида етиб олайлик, дейди. Бир, бир ярим соатлик йўл, уёғига ёмғир шиваласа ҳам, анча яқинлашиб қолишади. Ойниса билан қизчасига бирон-бир бурчак топилар, хоҳласа бир-икки кунга қўнар, хоҳламаса, Марҳаматга элтиб ташлар. Дарвоқе, бу ёш, бегона жувонни уйига эргаштириб кириб борса, онаси нима дейди? Тўшакда жон талашиб ётган касал хотини нима деб ўйлайди? Нияти ёмон экан, мени ўлади, деб дарровгина бошқасини авраб келипти, деган хаёлга бормасмикин. Борса дардига дард қўшилади, чидай олмайди, омонат илиниб турган жони узилиши мумкин. Ўғилчаси етим қолади. Одамлар айбни шундан кўради, лаънатлар ўқийди, шунча маломатлар етмаганидек бечора жувон яна баттар қарғишга қолади. Ойнисани бундай шармандаликка солишга Қаюмжоннинг ҳаққи йўқ. Ахир унда нима айб? Ўзи одобли, камсукум жувон экан, бошига кулфат тушипти, ўз уй-жойидан бадарға қилинипти, аслида бундай дардисар, бебахт одамга ёрдам қўлини чўзиш ҳар бир кимсанинг оддий инсоний бурчи, лекин атрофдагиларга буни қандай тушунтириб бўлади? Агар Қаюмжон Ойнисани ўз қишлоғига олиб бориб, у ердан бошқа аравага ўтказиб юборса ҳам, барибир одамлар буни ўзича талқин қилишади, ёмон тус беришади. Колхоз раиси бўлиш олдида турган Қаюмжон учун бу ғийбат — можаро мутлақо керак эмас, хотини соғлом бўлганида йўриғи бўлак эди. Ўшанда ҳам ғаламис топилади.

Айниқсак раисликка даъвогар бўлиб юрган Тўракул ака учун бу нарса қўл келади, ўз одамларини ишга солади, улар мажлисда ҳайқиришади, Қаюмжоннинг номзодини йўққа чиқаришга уриниб кўришади. Агар Тўракул ака раисликка ўтса, Қаюмжонга кун бермайди, ўтмаса ҳам тек ўтирмайди. Шунга кўра олдин Ойнисани жўнатиб, кейин ўзи кетиши керак. Марҳамат райони ҳамда Қирғизистоннинг Аравон ҳарбий участкаларида тўпланган фронтга жўновчи ёшларни олиб кетиш учун ҳали-замон Андижондан юк машиналари ўта бошлайди. Шулардан биттасига Ойнисани ўтказиб юборади. Агар кабинаси бўш бўлса, ёмғир ҳам чўт эмас.

Қаюмжон жиққа ҳўл ўтларга қўлини ишқаб, намига юзини ювди, шинель остидан ўралган белбоғини ечиб, юз-қўлини артди, тетиклангандек бўлди.

* * *

Масъуд Заҳрони Хадрагача кўзатиб кўяди ва шу ондан бошлаб кейинги учрашувни орзйқиб кутади. Бир ҳафта йилга ўхшаб кўринади. Албатта Масъуд яқинроқ кунни тайин қилса Заҳро йўқ демайди, келади, аммо Штаб ишлари шунақаки, Масъуд дадил учрашамиз, дея олмайди, чунки кўп ҳолларда уни кечки пайтлари ҳам чақириб, топширик беришлари мумкин. Масъуд ҳарбий хизматда, бўйин-товлай олмайди, буйруқни бажаришга мажбур, учрашувга келган Заҳро тушунмай, хафа бўлиши мумкин. Заҳронинг хафа бўлишини ва шу сабабли уларнинг ораларига совуқлик тушишини Масъуд мутлақо истамайди. Баъзида Масъуд кун бўйи топшириксиз гарнизон ичида санғиб юради, қани энди, кечгача ишсиз қолишини олдиндан билса, шу захотиёқ Эски шаҳарга «учган», бир амаллаб Заҳрони топган бўларди. Аммо начора, висол дардида яна бир неча кун чидаши шарт. Бир ҳафтада икки соатли учрашув, у ҳам бўлса пана жойларни ахтаришга кетади. Гавжум жойларда аллақандай нозанин билан ҳарбий формада юриш хавфли, патруль пайқаса, суриштириши мумкин. Казармадаги хонасига олиб кира олмайди, ман қилинган. Аммо кўришиш, бирга бўлиш, яккама-якка қолиш завқи-иштиёқи борган сари Масъуднинг хаёлини қамраб олар, шу каби ширин орзулар ёш йигитни ўз оғушига тортар, ҳаловат бермай, унинг фронтга кетиш ниятини ҳам хиралаштириб кўяр эди. Масъуд чора излай бошлади. Уйланиб кўя қолса бўлмайдими? Ахир қанчадан-қанча офицерлар оилалик-ку, эрталаб хизматларига келишади, кечкурун уйларига қайтишади. Масъуд ҳам шуларни бири эмасми? Уйланса, шу Тупрокқўрғон атрофидан биронта хонани ижарага олади, хотинини рўзғор билан таъминлаб туради. Ҳар кун хизматдан кейин уйига жўнайди, агар рухсат беришмаса, майли, ётоғида қолаверади, рухсат кунлари уйига боради. Масъуд бунга ҳам рози. Аммо..Заҳро рози бўлармикин? Рози бўлганда ҳам қиз номи бор, уйига расмий одам юбориши, уларнинг рухсатини олиши лозим бўлади. Масъуднинг ота-онаси нима деркин? Дабдурустан уйланаман, деса, ганғиб қолишмасмикин? Заҳронинг ота-онаси йўқ, етим қиз экан. Масъуднинг уйдагилари бунга қанақа қарашаркин? Ота-онаси йўқ, бетайин қиз экан, унинг устига кўчада танишиб олипти, беҳаё экан, бизга бўлмайди, биз тағли-зотли оиламиз, дуч келганни келин қилмаймиз, деб тўнни тескари кийиб олишса, Масъуд қандай далил келтиради? Нима важ кўрсатади? Яхши кўраман, ўламансаттор, шундан бошқасига уйланмайман, дейдими?

Ёки яширинча уйланиб олиб, кейин билдирсинми? Йўқ, Унда отаси ҳам, онаси ҳам шайтонлаб қолади; онаси айюҳаннос кўтаради, отаси ҳам қараб турмайди, келиб Заҳрони ҳайдаб солади. Ишнинг пачаваси чиқади. Заҳро бунақа хўрликни кечирмайди. Икки орада Масъуд ота-онасини ранжитади ҳам Заҳродан айрилиб қолади. Нима қилсин экан, а? Маслаҳат қилай деса Масъуднинг биронта маслаҳатдош кадрдони ҳам йўқ. Заҳро билан гаплашиб кўриш керак. У ҳали Масъуднинг дилидаги режани билмайди. Балки у Масъуднинг қарорини умуман қабул қилмаслиги мумкин. Бинобарин, Масъуднинг ота-онаси қаршилигидан Заҳро хабардор бўлса, ҳамияти ранжиб, у ҳам тумтайиб олади. Бироқ қанақа бўлмасин, у Масъуд билан учрашувга келяпти-ку. Бир-икки ачомлашишди, ўпишишди. Масъуд яхши кўраман деганида, ўзини йўқотиб кўйди, синовчан тикилиб: «Ростданми?» деди. Ахир замон оғир, ота-онаси вафот этган экан, укаси билан ёлғиз туришармиш, у ҳам кимгадир суянгиси келар, ўзи ҳақида ҳам ейдиган биронта одам бўлишини истар. Ўқишини ташлашга мажбур бўлипти, агар турмушга чиқса, Масъуд имконият яратиб беради, Заҳро чала қолган ўқишини давом эттиради, тасодиф даромад ахтармайди, укасидан кўнгли тинч бўлади.

Навбатдаги учрашув охирида Масъуд Заҳрога:

— Уйланмоқчиман сизга, — деди.

Заҳро гарчи шунга ўхшаш гап очилишини тахмин қилиб юрган бўлса-да, Масъудга жавоб бермади, ўйланиб қолди. Нима деб ҳам жавоб берсин? Авваламбор, ўнинчи синфни битириш олдида туриб, тасодифан учраган майор Ғафуров майлига учганини, бу кўйга киришга очлик мажбур қилганини, таъмин кўриш важида иффатини сотганини айтсинми? Қандай қилиб айтади? Айтмаса, бу сир барибир фош бўлади. Йигит тажрибасизлик қилиб, бу сирни билмаса, уни алдаб ўзига уйлантириб олган бўлиб чиқади, бир умр виждон азобида ўтади. Аммо Масъуд шундай покиза, самимий, камтар, ҳаёт икир-чикирларидан беҳабар, гўдакдек нарса. Бунақасини қаердан топади? Унинг устига ҳақиқатан Заҳро сева бошлади ва бу хиссиёт нақадар пок, искирт ниятлардан холи эканини англади, дилида эзгулик уйғонди. Шу фариштадек тоза йигитнинг ишончини сунистеъмом қилиб яшаш инсофданми? Албатта, тешик мунчоқ ерда қолмайди, деганларидек, бунга муносиб биронта хотинидан ажраган ёки урушдан яраланиб қайтган одам учрар, турмуш қуришар, ҳаёти бинойидек бўлиб кетар, аммо бу йигитнинг йўриғи бошқа, ҳеч ким бунга тенг кела олмайди. Агар йўқ, деб сазасини қайтарса, уни қаттиқ ранжитади, нарсаларини

шилиш пайида алдаб юрган, калақа қилган, сув бўйига олиб бориб, сугормай келган хуббони бўлиб чиқади, йигитнинг ихлоси қолади, аёл зоти шунақа маккор, мунофиқ деган хулосага келади, аёлларга ишонмай қўяди, дили дағал бўлиб қолади. Майли, ўйлади Захро, ўзига ташлайман, қайсарлик билан ўзи муддаосига эришишга киришса, ён босаман, кейин види-биди чиқарадиган бўлса, дарров рози бўлмаганлигим сабаби шу андишам эди, ўзингиз қўймадингиз, раъйингизга киришга мажбур бўлдим, дейман.

— Нега индамайсиз, Захро?

Захро тушунди — на ҳа, на йўқ, деб у ҳозир жавоб бериши керак эмас. Агар розилик жавобини айтса — қизлик ҳамияти бор — дарров кўнди, ўзи тайёр экан, деган хулосага боради йигит; рад жавобини берса, сабабини айтиши керак, яна бошқа мулоҳазаси бор, яъни калақа қилиб юрган экан, деб ўйлайди. Шунинг учун ўзини иккиланаётган, аллақандай андишалар ихтиёрида эканини англатиши керак ҳамда берадиган жавоби, тўғрироғи, саволлари ана шу мақсадни ифодалаши лозим. Бу саволлар Масъуд режаллаган мақсаднинг нақадар жиддий ва қатъий эканидан далолат беради. Бироқ шу пайтгача Захро йигитни бирон марта номи билан атамади. Масъуджон, деса камситгандек туюлади. Масъуджон ака деса, ўзини ёш қилиб кўрсатгандек бўлади.

— Сиз... — дея Захро тутилиб қолди. — Армия хизматидасиз-ку. Ким сизга рухсат беради?

— Иложи топилар, — деди Масъуд отасининг бу ердаги раҳбарлар билан бўлган алоқаларини ўйлаб. — Сизнинг розилигингизга боғлиқ.

— Розилик, дейсиз, ахир биз тенгмиз, мен сиздан ҳатто бир неча ойлик каттаман.

— Менга бунинг аҳамияти йўқ, — қатъий деди Масъуд. — Мен сиздан бошқани бунчалик... сева олмайман.

— Ҳозир шундай туюлаётган бўлиши мумкин.

— Пичинг килаётган бўлсангиз ҳам айтаман, шу кунларда сизни ўйламаган пайтим йўқ.

— Ёшнинг аҳамияти йўқ, дейсиз, — деди Захро, эътироз билдиришга бўлак далил қолмагандек. — Ота-онангиз бор, улар қандай қарашади? Ўзига пухта, тўқ оиладан экансиз, мен етимман, сепим йўқ; балки ота-онангизнинг орзу-умидлари бошқачадир.

— Тўғри, улар албатта қаршилиқ кўрсатишади. Мен балки уларни кўндира олмасман ҳам. Балки можаро чиқар, балки шарт қўйишимга, масалани узил-кесил ҳал қилишимга

тўғри келар. Лекин мен уларнинг ягона ўғлиман, кўнглимга қарашади. Ўжарлик қилиб, мен уларни унатдим ҳам, дейлик, аммо шунча дилозорликдан кейин, сиз яна пайсалга солсангиз, унда нима деган одам буламан?

Захро ўйланиб қолди. Йигит ота-онаси билан шу даражагача боришга тайёр экан, демак, мақсади қатъий. Бироқ шунча тортишувлар оқибатида Захро буларнинг хонадонига келин бўлиб тушса, куёвнинг ота-онаси қандай муносабатда бўлади? Улар, албатта, ўғлимизни авраган, бошини айлантирган, ноз-карашмалари билан ром қилиб олган, деган назар билан қарашади, рўйхуш беришмайди, ўтирса — ўпок, турса — сўпок, дейишади, нимаики қилмасин, айб кидиришади, чиқиштиришмайди, қўйди-чикқидига олиб боришади, кейин ўзлари орзу қилган қизга уйлантиришади. Кўнгилларида шундай ёвуз ниятлари борлигини сеза туриб, Захро қандай қилиб уларни «ада», «ойи» десин?

— Ишни можаро билан ҳал қилсангиз, кейин мен улар орасида қандай тураман?

— Можаросиз, ётиги билан кўндиришга уриниб кўраман, — деди Масъуд ишонқирамай, чунки бу масала яхшиликча ҳал бўлишига мутлақо кўзи етмас эди.

— Менинг раъйимга қарасангиз, — деди Захро анча сукут қилиб. — Сиз аввалига уларнинг олдидан ўтинг, агар эътироз сезсангиз, бўлак оғиз очманг. Чорамиз қанча, бошқа кўришмаймиз. Ёпиқ қозон ёпиқлигича қолаверади.

— Шунчалик экан-да, — таассуф билан деди Масъуд. — Сиз учун қайрилиб кетиш шунчалик осон экан-да?

— Ахир, азизим, — деди Захро биринчи марта шу иборани қўллаб. — Тушунинг. Жанжал билан кириб борган келин яхши отли бўлмайди. Барибир охири вой бўлади.

Масъуд Захронинг ёлворишидан тушундики, унинг ҳадиксираши бежиз эмас. Аммо шунинг билан бирга қизнинг дилида эзгулик муқаррар борлигини ҳам англади. Энди бу имкониятни қўлидан чиқариши керак эмас.

— Агар эътироз сезсам, — деди Масъуд қатъий тарзда. — Яширинча уйланиб оламиз. Ҳовлига келин бўлиб тушмай-сиз ҳам. Шу атрофдан ижара жой оламиз, яшайверамиз.

— Билиб қолишса, лаънат ўқишади, қарғишга қоламиз, турмушимиз таҳликадан чиқмай қолади.

— Майли, қарғашаверишсин, кўркмайман, — деди Масъуд, зид туйғулар исканжасида.

Захро Масъудга ҳавас ва ўқинч, меҳр ва аянч билан тикилиб турди, сўнгра юмшоқ кафтини кўтариб, унинг чаккасини силади...

Ойниса Марҳамат районига келганига бир ҳафтадан ошди. Ушанда машина Ойнисанинг боласи ва юки билан ижрокўм идораси олдида тушириб кетди. Ёмғир тўхтаган бўлишига қарамай, чор атроф нам, ер тўпикқача лой, ижрокўм эшигидан қора чопон, бесўнақай этик кийган одамлар кириб чиқар, зина атрофида учта бир-биридан орик ит ниманидир илинжисида қизарган кўзларини ичкарига тикар, нари кетмас, пахмоқ, лой ғуддалари ёпишган думларини аранг ликиллатишар эди.

Ойнисанинг шолчасига ўроғлиқ юкида икки-уч кунга етарли емиши, боласи ва ўзининг кийим-кечаги бўлгани учун, уни ташқарида қолдиришдан ҳайиқиб, Жамилани четроққа қўйди, юкни ичкарига судрашга тушди. Шу пайт кулоқчин ва пахта камзул кийган бир искиртгина нотаниш одам юкни Ойнисанинг қўлидан олиб, зинага элтди, эшик остига қўйди. Ойниса нотаниш кишига миннатдорчилик билдириб Жамилани кутарди, ёрдам берган одамга эргашиб ичкарида ғойиб бўлди.

— Турар жой масаласи чаток, — деди нимқоронги хонадаги стол тўрида ўтирган масъул ходим Ойнисанинг хужжатини кўздан кечиргач. — Бу ерда биронта қариндош, таниш-билишларингиз йўқми?

— Йўқ, — деди Ойниса чўчинқираб. У девор четига қўйилган омонат стулда қизини тиззасига олиб ўтирар, яна қандай уқубатлар бошига ағдарилиши мумкинлигини ҳадик билан кутар, нажот илинжисида кўзлари мўлтирар, йиғлаб юборишдан ўзини аранг тутар эди.

— Районимиз четда яқинда болалар уйи очилган, — деди масъул ходим миясида нималарнидир хомчўт қилиб. — Етимхона. Эвакуация қилинган болалар... Мен мудирига хат ёзиб бераман, учраб қўринг-чи, биронта иш топиб берар. Билишимча, мураббия ўринлари банд, сизни қозон-товок ювишгами, гўлаҳликками тайинлар. Ошхона юмушида бўлсангиз, бенасиб қолмассиз. Ётиб юришингизга ҳам жой-пой топилар.

— Раҳмат, — деди Ойниса. — Ҳар қанақа хизмат бўлса, қиламан, меҳнатдан қочмайман. Қизчам билан саргардон бўлмасак шунгаям шукр. Раҳмат сизга.

— Юкингиз ҳозирча шу ерда қолсин, ҳеч ким тегмайди. Ишга жойлашиб олганингиздан кейин олиб кетарсиз ёки биронта арава топилса, жўнатиб юборармиз.

— Ишга олишмаса-чи? Унда нима қиламан?

— Олишади, — деди масъул ходим. — Олишмаса, қайтиб келинг, бир иложини кўрармиз.

— Хўп бўлади, — деди дарров Ойниса масъул ходимнинг гапидан кўчада қолиб кетмаслигини англаб ва мудир номига ёзилган хатни олиб, кўчага чиқди.

Болалар уйи ҳақиқатда қишлоқ четидаги бир пайтлар қулоқ қилинган бойнинг ичкари-ташқарилик уйи бўлиб, бинонинг заранг фиштли пойдевори одам бўйи баланд, ости зах ертўла, усти темир панжарали айвон, айвондан нариси бир-бирига ёндашган токчаси паст деразали хоналар, бир ҳажмдаги эшиклардан иборат бўлиб, деразалар оралигидаги деворларга ганч безаклар битилган, тўғрироғи, кимнингдир буйруғи билан бу нақшлар қириб ташланиб, уларнинг нафис жимжимасининг оқиш излари сакланиб қолган эди. Келажакда кимдир бу нақшларни тиклайди ёки сомон сувоқ билан бой ва усталарнинг дидини эслатувчи сўнги намуналарини ҳам йўқ қилиб ташлайди. Ҳовли саҳнида юпун кийинган, сочлари қирилган ориқ болалар шарпадек юришарди.

Мудир деганда Ойниса эркак кишини фараз қилувди, аёл бўлиб чиқди. Бу қирқлардан ошган оқ юзли татар аёли эди. Ойнисани кўриб, кимир этмади, оқ юзидаги беписанд ифода ўзгармади. Ойнисанинг юраги шувиллаб кетди, иш чаток, деб ўйлади у, қабул қилмайди.

Мудира хатни ўқиб чиқиб, Ойнисага қаради — унинг кўк кўзида умид бағишлайдиган ўзгариш кўринмади.

— Саводингиз борми? — сўради мудира тик турган Ойнисадан.

— Саккизинчини битириш олдида кўчиб кетганмиз, — деди Ойниса юраги хаприқиб.

— Отангизга чора кўрилганми? — терговчидек сўради мудира.

— Чора? Тушунмадим, кечирасиз.

— Жазоланганми, демокчиман.

— Билмадим, — деди Ойниса, қанақа жавоб мудирага маъқул тушишини билмай. — Бизга хабар келмаган.

— Бизнинг муассаса болалар тарбияси билан боғлиқ, — деди мудира, қиёфасини бузмай. — Шунинг учун сизга мураббиялик вазифасини топшира олмаймиз — отангиз халқ душмани экан.

— Нимани маъқул кўрсангиз, мен розиман, — деди Ойниса, мудира бирон сабаб билан иш бермаслигидан кўрқиб. — Рус мактабида ўқиганман. Скрипка чалардим, — дея Ойниса мудиранинг кўнглини юмшатиш мақсадида қўшиб қўйди.

Мудира бош қимирлатиб қўйди, Ойнисанинг важи таъсир қилмади, чоғи.

— Изолятор бор, — деди у ниҳоят. — Санитария бўлими. Ўша ерда ишлайсиз. Врач нима буюрса, шуни қиласиз.

— Майли, опа, — дея тезгина рози бўлди Ойниса ва турар жойи ҳақида сўрашга ботина олмади. Бир йўриғи чиқар, деб ўйлади, сўрасам, гаши келади, айниб қолади.

— У ерда энага ҳам, санитар ҳам, фаррош ҳам йўқ, — деди мудира. — Ҳамма ишни бажаришга рози бўлсангиз, майли, қолинг.

— Розиман, розиман, опа, раҳмат, — деди Ойниса ҳозиржавоблик билан. — Иш бўлса, кучим бор, урдасидан чиқаман...

— Қундуз Алиева деган врач бор, мени айтди денг изолятор ўнг томонда, ишга тушаверинг, — дея мудира олдидаги қоғозларни варақлай бошлади.

— Раҳмат, опа, — деди Ойниса ва мудиранинг гашини келтирмаслик учун тез юриб кабинетдан чиқди. У ҳозир изоляторга бориб, Қундуз Алиевага учрайди, танишишади. Қундуз Алиева Ойнисанинг бажариши керак бўлган ишларни айтади, яшайдиган жойини кўрсатади, Ойниса бир оз дам олади, чўнтагида туршак билан бир-икки бурда нон бор, тамадди қилиб олишади, кейин қизини ухлатиб ишга, янги жойдаги биринчи иш кунига чиқади. Агар Қундуз Алиева ижозат берса, ижроқўмга бориб ишга жойлашганини масъул ходимга айтади, бўғчасини орқалаб келади. Бўғчада адёл, ёстиқ бор, кечаси ётиш учун керак бўлади. Қундуз Алиева қанақа аёл экан? Ёшмикин, қаримикин? Ишқилиб, яхши одам бўлсин-да... жойлашиб олса, икки-уч кундан кейин, бу ер шароитини ўрганиб олгач, эрига хат ёзади. Эри шўрлик ҳалигача онаси вафотидан хабари йўқ. Рўзвон хола қазосидан кейин Ойниса икки марта хат ёзди, бироқ қайнонаси ўлганини ёзишга юраги дов бермади. Энди ёзади, бу томонларга бадарға қилинганини ҳам, қайнонасининг йигирмасини ўтказа олмаганини — ҳаммасини хатга битади, майли, эри билсин, барибир бир кунмас-бир кун билади-ку. Қачонгача яширади? Анчадан бери хат келмайди, ишқилиб ўзи омонмикин? Нега шунча пайт ичида хат ёзмади? Агар бирон нарса юз берган бўлса... Йўқ, йўқ!

Худо тескари қилсин... Уй-жойи нима бўлди экан? Шундоққина эшик зулфига қулф солиб, калитини Шамси холага бериб келувди. Ҳар қалай ўзига яраша рўзғори бор эди, эски-туски бўлса ҳам гилам, кигиз, кўрпа-ёстиқ, идиш-товок, рўзгор ашқал-дашқаллари... Мана, дарахтлар ҳам

гуллаб бўлди, барглар ёзилиб қолди, ҳовлиси майса-лолалар билан гуркираётган бўлса керак. Уч-тўрт қаторга жўхори экиб қўйган эди, ҳозир ярим қарич униб чиққан, ишқилиб, сувсизликдан қуриб қолмасин-да. Шамси хола қараб турар, ахир ҳосили энди уники бўлади. Фақат девор пахсалари нураб, одам бўйи бўлиб қолган, бир ҳатласа, ошиб тушиш мумкин. Ҳозир ким кўп, тиламчи, кисавур кўп. Биронтаси кўз остига олиб қўйса, кечалари келиб, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилади, қўлига илинган нарсани ташиб кетади, шип-шийдам қилади. Ахир эри омон бўлса, бир кунмас-бир кун келади, яна апоқ-чапоқ кун кўриб кетишади. Жамила мактабга қатнайди, Ойниса ҳам чала ўқишини тугатиб, биронта институтга киради, олий маълумотли бўлади. Ишқилиб, ҳовли-жойи қўшнилари ахлат тўкадиган ташландиқ чолдеворга айланмасин-да. Ахир у жой бир одамнинг жойи, бир пайтлар ҳаёт қайноган. Маҳалла аҳли билади, талон-торож бўлишига йўл қўймас... Ойниса бу янги жойда бир оз тиниб-тинчиганидан кейин Тошкентга бориб ҳовлисидан хабар олиб келади. Агар рухсат беришса. Ижроқўмдагилар ҳар ҳафтада бир кўриниш бериб кетиш керак, дейишди. Демак, Ойниса доим назар остида бўлиши, мунтазам милиция идорасига бориб, шу ердалиги ҳақида гувоҳлик бериб, аллақандай дафтарга қўл қўйиб келиши шарт. Рухсат беришармикин? Ундан ташқари, мана, неча йил ўтди, Ойниса бирон марта Шўртепага бориб онаси мазоридан хабар олиб келгани йўқ, гури турганмикин? Чўкиб кетмаганмикин? Эргаш амакиси омонмикин? Эри билан Тошкентга кўчиб кетишган кезлари, дастлабки пайтларда Ойниса бир-икки марта уларга хат ёзиб, ҳол-аҳволларини сўраб турди, кейинчалик рўзғор ташвишларига ўралашиб кетиб, аста-секин унута бошлади, алоқалар ҳам узилиб қолди. Мана энди бу ерда ишласа, қўлига беш-тўрт сўм тушади, тежаб-авайлаб унча-мунча совға-салом билан кўриб келади, онаси бошига боради, ис чиқаради. Ҳар қалай оғир кунларида ўшалар асқатишган, онаси касаллигида табиб ёллашган, дори-дармон қилишган, вафотидан сўнг, кафанлик беришган, кўмдиришган, унча-мунча расм-русмларини ҳам баҳоли қудрат ўтказишган. Қолаверса, Ойнисанинг эри билан никоҳи, тўйчаси ўша ҳовлида ўтган, ис босган, зах бўлса ҳам ўша хужрага чимилдиқ тутилган, жуфтлик сурурини, ҳеч нарсага қиёс қилиб бўлмайдиган бахтли онларининг гувоҳи бўлган ўша хужра. Шуларни унутиб бўладими? Ўқтин-ўқтин Ойнисанинг кўнгли ўша пайтларни кўмсайди, соғинади, биринча марта бошқоронғи бўлган ардоқли вайронани кўргиси келади.

Муродхўжа ака якшанба куни Шотурсунга оёғини уқалатиб ётувди, ҳовлидан Масъуд билан кўришаётган хотинининг товуши эшитилди. Муродхўжа аканинг юраги хийла бежо ура бошлади. Ҳозир ўғли бу ерга, отасининг хонасига киради, кўришади, анчадан бери кела олмагани учун кечиримсўраган бўлади, ўзини оқлайди, баҳона ахтаради. Муродхўжа ака ўзини қай йўсинда ушласин? Хафа бўлгандек, совуққина муомала қилсинми ёки ўзини бепарво кўрсатсинми? У ахир Масъудга ота. Шундай экан, ўғли ҳақида хавотирланиши, ғам ейиши, соғиниши, кези келганида қаттиққўл бўлиши, сўраб-суриштириши табиий. Бола азиз, одоби ундан азиз, дейишади. Қайси ота ўз фарзандини чатоқ йўлга бошлагиси келади, унга ёмонликни раво кўради. Ягона фарзанд экан, майли, кўз қорачиғидек сақлайди, кўнглига қарайди, дилини ўқситмасликка уринади, бироқ талтайтиришга келганда — йў-ўқ! Пирини ҳам тан олмайди.

— Бўлди, кўлинг дард кўрмасин, — дея Муродхўжа ака Шотурсунга жавоб берди. Шотурсун кўлларини деворга уриб, юкни аритган бўлди, чиқиб кетди ва даҳлизда Масъудга дуч келди, чоғи, тавозе билан сўрашгани эшитилди.

Масъудни кўриб Муродхўжа ака ўрнидан кўзгалмоқчи бўлди.

— Уринманг, ада, — дея Масъуд югуриб келиб отаси билан қуюқ кўришди, ҳатто қучоқламоқчи бўлди, аммо ботина олмади. Муродхўжа ака ўглининг бу ҳезланишини фаҳмлади. Демак, отасининг дард чеккани ва икки кўзи ўглининг йўлида бўлганини хотини ўглининг қулоғига шивирлаган, Масъуднинг қуюқ кўришиши ҳам ўзини айбдор ҳис қилиб, мулзам бўлганидан. Майли, мулзам бўлиптики, демак, орияти, инсофи бор экан. Ўзини айбдор ҳис қилиши ҳам чакки эмас, Муродхўжа аканинг ўғлига айтадиган жиддий гаплари бор, сал ўзини гуноҳкор сезиб турса, қулоғига қуядиган мулоҳазаларига шак келтира олмайди, кўнишга мажбур бўлади.

— Ўтир, ўғлим, — деди Муродхўжа ака вазмин меҳрибонлик билан ва фотиҳага қўл очди.

— Ада, озор чекибсиз, — деди Масъуд отасининг юзидаги бита бошлаган олча қоқидек чандигини ўз кўзи билан кўриб. — Кечиринг, билмапман, хизмат ишлари билан бўлиб.

Шу гап отаси дилига тугиб турган барча гиналар кучини қайтарди. Ўғли-да, бир оғиз илиқ сўз билан отасининг дилидаги қаҳрни юмшатди.

— Ҳа, шу кўргилик ҳам бор экан, — деди Муродхўжа ака, тиззасини силаб. — Худога шукур, ҳамма азоб оркада қолди. Бошида чўчидим ҳам, ҳар қалай оддий яра эмас, дўхтирга учрай дёсам, улар бу ярани билишмайди, ўйиб олишади, ўрни чуқурча бўлиб қолади, деб маслаҳат беришди, табибга кўрсатишга тўғри келди. Маслаҳат ўринли экан, мана, битиб қолди. Бир-икки кундан кейин ишга чиқса ҳам бўлади. Ҳай, майли, фалокатдан холи бўлдик, энди ўзингдан сўрайлик. Қандайсан? Касал-пасал бўлиб қолмадингми? Хавотир чекдик. Уйдагилар мен билан овора бўлишиб, сендан хабар ҳам олишолмади. Хафамасмисан?

— Нега хафа бўлай, ада? Сизлар хафа бўлмасанглар бўлди.

— Ишқилиб, қаерда юрма, омон бўлсанг бас, бизнинг эртаю кеч дуоимиз шу, ўғлим.

— Раҳмат, ада, — деди Масъуд ва ичида энди нима деркин, деб ўйлади.

— Яхшиям Ҳошим ўшатта хизмат қилади, сени кўрганида, саломингни етказиб туради, — деди Муродхўжа ака ва Масъуд отасининг пичингини англади. — Шунинг учун ҳам кўнглимиз сендан тинч бўлди, ҳам соппа-соғ бўла туриб, келай, демаганингга ҳайрон бўлдик. Нима, Ҳошим менинг бетоблигимни айтмадими сенга?

— Айтди, ада, айтди, — деди Масъуд шошиб. — Мен шунчаки тумов-резги, деб ўйлабман, унча парво қилмапман. Барибир айб менда. Ишларим шунчалик тифиз бўлмаганида неча марта келиб кетардим.

— Ишларинг тифиз бўлса майли-я, биз бу ерда улфат орттирган бўлсанг, ўша билан алахсидингми, деб бир оз хавотирландик.

Масъуд отасининг гумонида муайян нарсага шама борлигини тусмол қилиб қизариб кетди, ўзи учун жуда ҳам муҳим мавзу оралаганидан юраги нотинч ура бошлади. Нима қилсин, ҳозир пайти келиб қолди, очиб ташласинми? Отаси «улфат» деб шама қилди, демак, уйдагилари нимадандир гумонда ёки Ҳошимжон кўрган бўлса, келиб буларнинг ичига фулғула солиб қўйган. Ҳошимжон кўрмовди чоғи, нима деб фулғула солган бўлиши мумкин? Албатта, отаси вазмин, идрокли одам, Масъуд ҳар қанақа куракда турмайдиган гап айтмасин бобилламайди, бардош беради, мулоҳаза қилади, аммо иқрор бўлмаса, айтилган фикр унинг режасига зид тушса, кейин қарорини ўзгартириб бўлмайди, кескин чора кўришга тўғри келади. Шунинг учун аввал онасидан бошлаш лозим. Секин ётиғи билан хуркитмай чора қўллаш зарур.

Акс ҳолда масаланинг ўзи қалтис, барбод бўлиши ҳеч гап эмас...

— Ҳа, айтгандек, — деди Муродхўжа ака, ўзининг «улфат» деганига ўглидан садо чиқмагач. — Ҳошим трофеяга тушган нарсалардан ул-бул олиб келди. Сенга ҳам илиндими?

«Ҳм, ана гап қаерда? — ўйлади Масъуд омборга кириб кийим танлаганини ва Ҳошимжоннинг таажжубланганини эслаб. — Бояги шама бежиз эмас экан-да. Гулгула, деб ўтирипман. Ўшанда дилимдан ўтувди-я. Демак, Ҳошимжон гумонини айтган экан-да. Нима баҳона топсамикин? Ростини айтсам, ҳаммасини очишимга тўғри келади. Унда...»

— Илинмадими? — атайлаб саволини қайтарди отаси.

— Илинди, илинди, — деди дарров Масъуд ва навбатдаги саволлар, яъни «Нега аёллар кийимини танладинг? Ким учун олдинг? Танлаган нарсаларни нима қилдинг?» каби гаплар бўлиши муқаррарлигини фараз қилиб, кўшиб қўйди: — Бир таниш офицер бор, ўша илтимос қилувди, хотинига олиб бердим.

— Ким ўша офицер? — синовчан сўради Муродхўжа ака. У биларди, агар ўғли офицер номини айтса, бориб суриштириши мумкин бўлади, унда ўглининг ҳақ-ноҳақлиги очилади. Фош бўлибгина қолмай, нарсалар кимга аталганлиги ҳам аёнлашади. — Исми, фамилияси борми ўша офицерни? Нима сабабдан унга сахийлик қилгинг келиб қолди. Қайси бўлимда хизмат қилади у?

— Ҳозир хизмат қилмайди, — деди Масъуд гангиб ва дарров очигини айтавермаганидан афсусланиб. Масала борган сайин чувалашиб кетмоқда.

— Шунақами? Нима учун хизмат қилмайди?

— Фронтга жўнатишди.

— Оиласи қолгандир ё уларни ҳам фронтга жўнатишдими?

— Қайдам, нега уларни жўнатишади?

— Қаерда туришади?

— Билмайман, — деди Масъуд гаши келиб. Нега гаши келди, ўзи ҳам тушунмас эди. Ахир, отаси сўраётган нарсалар мантиқли. Ҳамманинг ҳам хаёлида шунақа саволлар туғилган бўларди. — Қаттан билай, уйига бориб юрипманми? Хотинини ҳам танимайман.

— Ундай бўлса, фамилиясини айт, — деди Муродхўжа ака қатъий тарзда.

— Урушга кетган одамнинг фамилиясини билиб нима қиласиз, ада?

— Ҳошимга тайинлайман, фамилияси орқали хотинини суриштириб топади.

— Топиб нима қилади? — сўради Масъуд мутлақо ўзини йўкотаёзиб.

— Билсин-чи, ўша сен танлаган нарсалар ростдан ҳам хотинининг қўлига текканмикин?

— Тегмаган бўлиши ҳам мумкин.

— Нега мунақа деб ўйлайсан?! Ё жазмани борлигини биласанми?

— У ичарди, спиртга айирвош қилиб олган бўлиши ҳам мумкин, — деди Масъуд ва бу каби далил миясига келганидан ўзи суюниб ҳам кетди. Ҳошимжон бориб суриштира, эрининг сири фoш бўлиб, хотини ноқулай аҳволда қолади.

«Ноқулай аҳволда ўзинг қолувдинг, лекин бир амаллаб ўзинг чиқволдинг», деб ўйлади Муродхўжа ака ўғлининг ёлғон сўзлаганига шак келтирмай.

— Майли, ўғлим, ноқулай аҳволда қолади, деб ўйласанг, суриштирмаймиз. Тўғри-да, бизнинг ҳам нима ишимиз бор. Спиртга алмаштирган бўлса, ўзининг иши, — деди Муродхўжа ака, ўғлининг мулоҳазасига қўшилган ва шу билан қоникқан бўлиб. — Ойинг сени соринган, кўзи йўлингда тўрт бўлиб ўтирувди. Ундан ташқари, сенга айтадиган бир-икки оғиз гапи ҳам бор. Менга учини чиқарувди, ўғлинг билан гаплаш аввал, нима маслаҳатга келсаларинг шу, дедим. Кейин мундоқ ўйлаб қарасам, онангнинг гапларида жон бор. Тан олиш керак. Мен ҳам рози бўлдим. Онанг билан гаплашганинда, дарров қизишма, ўйлаб кўр, шошилма, ундан кейин жавоб бер. Менинг маслаҳатим шу, ўғлим. Уқдингми?

— Қанақа гап экан? — сўради Масъуд кўнгли алла-нарсаларни сезиб.

— Онанг айтади. Мен кифтини келтира олмайман. Энди ховлига чиқайлик, дарахт тагида ўтираммиз. Замира холанг ҳасип соляпти, пишиб ҳам қолгандир, — дея Муродхўжа ака ўғлига қўлини чўзди. Буни «келишдик, гап битта» деган маънодаги ҳаракат фараз қилиб, Масъуд қўл беришга тутилиб қолди. Ўғлининг иккиланишидан тихирлик қилиш эҳтимолини Муродхўжа ака дарров англади ва қўлини олмай қўшиб қўйди: — Туришга ёрдам бериб юбор.

Масъуд дарҳол отасининг қўлини олиб, оёққа турғазди.

Овқатдан сўнг Масъуд ўқиб юрган пайтларида дарс қиладиган кичиккина хонасига кириб, ҳарбий кийимини ўзгартирди, охиригача ўқилмаган китобини қўлига олиб варақлади, анчадан бери эгасиз қолган ва ҳамиша бежирим тuzатилган каравотига ётди, папирос тутатди, хаёли ўтмиш

кунлар хотирасига кетди. Бу шинамгина, доим Замира хола саранжом-саришта қилиб қўядиган хужрада Масъуднинг синфдош дўстларининг аксарияти бўлишган, бирга дарс қилишган, имтиҳонларга тайёрланишган, айникса қиш, баҳор паллаларида дарс баҳонасида Масъуд қийинчиликка чалиниб қолган ўртоқларини эргаштириб келар, атайин шу мақсадда асраб қўйган нарсаларини чиқариб, уларга едирар, номига дарс қилган бўлишар, яширинча уларнинг китоб-дафтар солинган тўрваларига бир-икки бурда нон, майиз, парварда тикиб қўяр, ўртоқлари буни пайқамаган бўлиб, уй-уйларига тарқашар эди. Буни билган Гулсум опа ўглини койимас, аксинча, зиёфатдан ошиб-тошиб қолган нарсалардан ўглининг хужрасига киритиб қўяр, бу ҳақда гап очмас, савоб бўлади, деб ўйларди. Масъуднинг ўша ўртоқлари ҳозир фронтда, қон кечиб юришипти, ҳатто ҳалок бўлганлари ҳам бор. Бир ярим йил аввал Саттордан, бир ҳафта бурун Убайдан қорахат келди. Саттор Сталинград жангида, Убай Белорусия чегарасида ҳалок бўлишипти. «Қаҳрамонларча ҳалок бўлди», дейилади иккала қорахатда. Бир ой олдин «Тупрокқўрғон» гарнизонига Собир Раҳимов билан Усмон Юсупов келди, митинг бўлди, Собир Раҳимов ўзбек жангчиларининг жасорати ҳақида тўпланганлар олдида хаяжон билан гапириб берди, баъзиларининг номларини айтди, бироқ Масъуднинг синфдош дўстларидан биронтаси тилга олинмади. Масъуд бу ерда тинч, омон-эсон, тўқ, хатардан йироқда юргани учун ҳаё ан ўртоқлари олдида ўзини заиф ва мунофиқ сизди, виждони қийналди, ногаҳонда аллақандай зиёфат устидан чиқиб қолиб, ҳаётида биринчи марта арақ ичди, кайфи ошиб, йўлакда йиғлади.

— Яссиоёқ эмишман! — дея Масъуд уни юпатмоқчи бўлган офицерга ўшқирди. — Нега бўлмаса бу ерда хизмат қиляпман? Нега бир йил ўтар-ўтмас мана бу юлдузчани погонимга санчиб қўйишди? Ахир мен яроқсизманми, нимаман? Жавоб бер! Талаб қиламан!..

— Яроқлисан, ошна, яроқли, — дея офицер атрофга олазарак бўлди. Бунақанги «ҳордик» учун чора кўрилар эди.

— Саттор яроқсиз эди! Ошқозони яра эди! — бақирди Масъуд орзини тўсмоқчи бўлган офицернинг қўлини силтаб. — Лекин уни жўнатишди. Нега?

— Киму, Саттор?

— Ўлди у. Сталинградда! Ҳалок бўлди!

Эртаси Масъуднинг калласи ғум, кечгача карахт бўлиб юрди, ҳатто Заҳро ҳақида ўйлаш ҳам дилига таскин бермади.

Бир ҳафта аввал Убайдан қорахат келганини эшитиб, Масъуднинг дарди янгиланди. Уч кун бурун сафар халтасини макарон, чой, бир буханка нонга тўлдириб, марҳум дўстининг азасига борди, қий-чув, айюханнослардан қулоғи қоматга келди, кўзи тинди, бу йиғилар уларнинг фарзанди урушга кетиб, ҳалок бўлди-ю, Масъуд бу ерда тинчгина айшини суриб юрипти, деган таънадек туюлди, яна дили вайрон бўлиб қайтди. Энг яқин дўсти Ўлмас ҳам Муқаддас хусусида хат ёзиб, гашини келтирди, балки шунданми ёки дўстига тайин бир нарса айта олмаганиданми, Масъуд унга хат ёзмай қўйди, Ўлмасдан келадиган хатларнинг ҳам кети узилди. Ҳозир Масъуднинг дардлашадиган ҳеч кими қолмади. Захрога ортиқча бино қўйишининг сабабларидан бири ҳам шундадир балки... Захро. Қизик, Захро нариги маҳаллада яшаркан, Муқаддаснинг мактабида ўқиган экан. Балки улар бир-бирларини танишар, ҳатто дугоналардир, балки Захро буларнинг уйига келгандир? Йўқ, келган бўлганида, Масъуднинг кўзи тушарди. Кейин Захро икки синф юқори экан, одатда қизлар ўзидан ёши билан ўртоқ тутинишмайди. Шундай чиройли қиз, нега Масъуд уни ҳеч қачон учратмаган? Қизлар унда ўғил болалардан алоҳида мактабда ўқишарди, шунинг учун учратмаган бўлиши мумкин. Захро бир-икки марта Масъудни кўрган экан, ўзи айтди. Ҳатто отасини ҳам танир экан. Албатта, отаси бадавлат, обрўли одам, бу атрофда отасининг олдига тушадиган ҳеч ким йўқ, извошда ўтганда ҳамма қўл қовуштиради, ҳатто гузар чойхоналаридаги одамлар ҳам ўринларидан туриб, таъзим қилишади. Масъуднинг ўзи буни неча марта кўрган.

Даҳлизда оёқ товуши эшитилди, Масъуд папирোসини кулдонга босиб ўчирди. Эшик қия очилиб, онасининг боши кўринди.

— Ухламаяпсанми? — сўради Гулсум опа.

— Йўқ, ойи, кираверинг, — дея Масъуд оёғини каравотдан тушириб ўтирди.

Гулсум опа бир коса ювилган қора гилос олиб кириб столга қўйди..

— Оғзинг тегсин, — деди стол ёнидаги курсига ўтириб. — Бир шохини сенга асраб қўювдик. Ҳадеганда келавермадинг. Ол, е, болам. Хизматингда мева беришмас?

— Мева қаёқда, — деди Масъуд битта гилосни оғзига солиб. — Янги картошканиям шетга келиб кўрдим. Мева дейсиз.

— Туркман бозори биқинингда, оғзингга ёққан тансиқ нарсалардан сотволиб турсанг бўлади-ку, — деди Гулсум опа ўғлига ичи ачиб. Ёки пулинг йўқми?

— Бозорга чиқишга вақт қаёқда, — деди Масъуд ва яна оғзига гилос ташлади. — Жа етилипти.

— Ҳеч кимга тегдирмадим-да, шундайм чумчуқ чўкиб кетипти, Холида аранг бир коса узиб тушди. Тутга оғзинг тегдими бу йил?

Масъуд мийиғида жилмайиб, бош чайқади.

— Агар илгарироқ келганингда тердириб берардим, — деди Гулсум опа хаёлида бошқа мавзуни чамалаб. — Баҳор меваси, албатта тут ейиш керак, ични тозалайди.

— Келаси йилгача сабр қиламиз, — деди Масъуд ҳам янги гап бошланишини кутиб. Қизиқ, онаси гапни нимадан бошларкин? Одатига кўра нимадандир, кимдандир ўпкалайди, ёзғиради, агар зарур бўлса, пича кўз ёши қилиб олади, буюқдаги одамнинг кўнгли юмшаб, раҳми келгач, асосий муддаога ўтади. Масаланинг ҳал қилиниши ҳар қанча мураккаб бўлмасин, тингловчи бажаришга рози бўлмай бошқа иложи қолмайди, гулдираб ваъда беради, тезроқ гумдон бўлиш пайига тушади. Ваъдани олган онаси мўлжал қилган нарсасини ундирмагунича қўймайди. Бу одатини отаси яхши билади, бир нарсадан ўпкалаб, овози йиғиға мойил бўлиши биланоқ, «бўпти, мақсадга кўч» дейди, йиғламсираш оҳанги бир зумда тинади, аввалдан ўйлаб қўйилган талаблар қалаштирилади. Аммо Гулсум опа негадир бу гал синалган усулини ишга солмади, ўзи ҳам иқрор эмас эди, чоғи.

— Аданг сендан хавотир бўляпти, болам, — деди у осойишта ва шунинг билан бирга безовта мулоҳазада.

— Нега хавотир бўлади адам? — ўзини тушунмасликка олиб сўради Масъуд. — Урушда бўлмасам... Хизматим шундоққина ёнингизда, бир шаҳарда, трамвайда ярим соатлик йўл. Қорним тўқ, устим бут, турарим тайин. Урушга олиб кетиш хавфи йўқ, яссиоёқ эканман. Нимадан хавотир бўлади?

— Бўйдоқсан, болам. — деди Гулсум опа ўз режасини ўйлаб. — Атрофингда яхши-ёмон бор, ёмон йўлга бошлайдиганлар ҳам топилади. Аданг шундан хавотирда.

— Ойи, мен ҳарбий хизматдаги одамман, ҳар бир кадамим назорат остида. Сиз ёмон йўл, дейсиз.

— Ҳа, энди ўғлим, шайтон оёқ остида, бир марта қўйига кирсанг, чалади, тойганингни ўзинг билмай қоласан.

— Хўш, нима демоқчисиз? — Масъуд тезроқ онасининг муддаога ўтишини ва масаланинг узил-кесил ҳал бўлишини

истар, онасининг узоқдан олиб келишига сабри чидамас эди.

— Аданг бошингни иккита қилмоқчи, болам, сўзини олиб бер, деди, агар хўп десанг, тўй тараддудига тушиб кетмоқчи. Синглингнинг тўйи юмалоқ-ёстик бўлди, адангнинг кўнгли тўлмади. Қозон қуриб, халққа ош бермоқчи, дастурхон ёзмақчи, етим-есир, оч-ночорларга нон ушатмоқчи. Орзуда, болам. Қолаверса — савоб. Боланинг бошини иккита қилиш отага ҳам фарз, ҳам қарз. Сени тинчитса, шу қарзидан қутулади, кейин беш вақт намозини қанда қилмай, неваралари билан овунади, бахтингни кўриб, қувнайди. Сени вояга етказди, ўзи емай, сенларга илинди, кам-кўст нималигини билинтирмади, мана, сочи оқарди, унча-мунча орзу қилса, ҳаққи бордир, болам?

— Ахир, мен ҳарбий хизматдаман-ку, ойи, — деди Масъуд эътироз билдирган бўлиб. — Замон билан ҳам ҳисоблашиш керак-ку. Ихтиёрим ўзимда эмас. Уруш тугасин, кейин ҳар қанча орзу-ҳавас бўлаверади. Мана, қўшинларимиз Белорусияни қайтариб олишди, душман чекина бошлади, уруш бир йилга ҳам бормайди.

— Хизматинг ўз йўлида кетаверади, — деди Гулсум опа, ўглининг далилларига аҳамият бермай. — Аданг гаплашади, ҳамма бошлиқларинг билан таниш. Қайтиб хизмат қилаверасан. Хаёлинг чалғимайди, уйга ошиқасан. Невара кўрсак, фикру ёдинг ўшанда бўлади.

Бундай олиб қараганда, онасининг гапи Масъудга қўл келгандек бўлди. Шу масалани қай йўсинда очишни билмай ўзининг боши қотиб юрган эди. Мана, омад оёқ остидан чиқди-қолди. Фақат ўзининг ўйлаганини ота-онасининг режасига чатиштириш, ўзини рози бўлишга мажбур кўрсатиб, буларнинг аравасига ўтириб олиш, ўзи айтган ашуласини уларникидек қилиб кўрсатиш керак. Аммо ҳозир дабдурустдан кўнглидагини очса бўлмайди, агарда дилида шунақа мўлжал борлигини сезиб қолишса, жилов уларнинг қўлига ўтади, вазиятга улар бошчилик қилишади. Шунинг учун ота-онанинг қистовига бўйсунгандек сиёсат тутиши керак, улар аранг розилигини олдиқ, деб ўйлаб Масъуднинг барча инжиқликларини кўтаришга мажбур бўлишади.

— Кўз остингга олиб қўйган биронтаси бўлса, айт, — деди Гулсум опа ўглининг иккиланиб қолганини пайқаб. — Борайлиқ, кўрайлик, насл-зотини суриштирайлик, агар бошқа жойга унаштириб қўйишмаган бўлишса — оиламиз таниқли — фотиҳа қилиб келамиз. Ёки ихтиёрни ўзимизга қўйиб бер, хабарлашайлик. Бизга муносиб оила Тошкентдан

топилади. Мана, синглинг билган дугоналари бор, баъзиларини кўргансан. Пешонангга ато қилган бўлса, бу ёғи ҳеч гап эмас, болам. Нима дейсан?

— Энди, ойи...

— Энди-пендиси йўқ, болам, — дея Гулсум опа ўғлининг сўзини бўлди. — Отангни биласан, бир нарсани кўнглига тугса, албатта тагига етади. Яхшиси, тихирлик қилма, болам, дили оғринса, учакишдан қилади бу ишни. Бамаслаҳат, хурматини ўрнига қўйиб иш тутсанг, ўзингга ҳам, отангга ҳам дилозорлик бўлмайди. Хўш?

— Ойи, — деди Масъуд оғир аҳволда қолган одамдек чуқур тин олиб. — Мен учун бу кутилмаган масала...

— Майли, болам, ўйлаб кўр, — деди Гулсум опа ўғлининг қиёфасидаги майлни кўриб ва яна бўлак талаб билан ишни бузмаслик учун шошиб деди: — Агар розилигингни айтишга биздан орийат қилсанг, Ҳошимжон орқали билдир. Аммо билиб қўй, аданг шошиляпти, пайсалга солсанг, ғижинади, раъйингга қарамай тўғни эълон қилиб юборади...

26

Болалар уйининг мудираси врач деб айтган Қундуз Алиева шунчаки фельдшер, район касалхонасидан бу ёққа, яъни болалар уйига медицина ходималари етишмаганлигидан изолятор ишларини юритиб туриш учун олинган экан. Изолятор икки хонадан иборат бўлиб, иккаласида ҳам бири-бирига тақаб қўйилган ўнта каравот доим касал болалар билан банд, овқатланиш столи бурчакка қўйилган, нариги хонада қизлар, бунисида ўғил болалар жойлашган, ўрин танқислигидан битта каравотда иккитадан ҳам бўлиб ётишар, юқумли ҳисобланган касалга алоҳида жой ажратилар, стол битта бўлгани сабабли аввал қизлар, кейин ўғил болалар овқатланишар эди. Аралаш ётган болалар касални бири-бирига юктирар, тумов билан тушган бола яна бoshқа касал орттириб, ойлаб шу ерда қолиб кетар, ҳатто катта группадан навбатчи санитар қилиб тайинланган қизлар ҳам пировардида ўзлари касалга чалинишар, бу тор жойга улар ҳам сиқилишга мажбур бўлишарди. Кимдир қусар, кимдир ўрнини булғатиб қўяр, касалдан толиққанлари ҳожатхонагача етиб бориша олмас, қистаган жойда ўтириб қолишга мажбур бўлишар, қайтиб туришга қуввати етмаганини кимдир қўлтиқлаб келар, ювиниш у ёқда турсин, ҳатто артинишга латта ё қоғоз топилмас эди. Қирқ беш ёшга кирган Қундуз Алиева шу

шароитда ишлар, эртадан-кечгача оҳ-воҳни эшитишга, сассик ва юқумли ҳаводан нафас олишга, ўзи ахлат тозалашга, пол ювишга, сув ташиш ва керогазда шприц қайнатишга, дори тайёрлаш ва укол қилишга мажбур эди, чунки шу хизмати туфайли уч бола ва бева қайнотадан иборат оилани тебратар, кўпинча овқатга тўймаган болалари унга алюмин идишларини, стаканларини улоқтирар, Қундуз Алиева ғур-расини рўмол билан яширган ҳолда, юм-юм йиғлаб уйга қайтар, эртаси сахарлаб яна ишига югурар, ҳаллослаб келиб, иккала хонада тўс-тўполон бўлганини — чироқ шишаси синганини, пол ювадиган челақ аранаб ётганини, кўрпа филофи, дастурхон, ҳатто деворларга ахлат суркалганини кўрар, дами ичига тушиб кетар, керосин сепиб ёндириб юбормаганларига шукр қилар эди. Бироқ ҳар қанча исқирт ва мушкул бўлмасин, бу ишга ҳам талабгорлар сероб эди, чунки давлат муассасаси ҳисоблангани учун ойлик ҳақи тўланар, ошхона доим ишлар, ювиндига ўхшаса ҳам уч маҳал овқат, икки бўлак қора нон, бир чакмоқ қанд тегар, Қундуз Алиева суюғини ўзи ичар, нон билан қандни уйига олиб кетарди.

Ойниса Қундуз Алиеванинг кўзига Хизр бўлиб кўринди.

Қундуз Алиева ийманибгина бўлса-да, ишнинг оғирлигидан, болаларнинг тошбағирлигидан мудирага шикоят қилиб келар, биронта аёл ёрдамчи қилиб ишга олиш кераклигини айтар, якка ўзи шунча юмушнинг улдасидан чиқа олмаётгани ҳақида зорланар, ҳар гал мудирадан панд еб чиқиб кетар эди, мана, ниҳоят, орзу қилган ниятига эришди, энди иши енгиллашади, ўзининг бевосита иши — даволаш билан шуғулланади. Ишқилиб янги ходим, оғирликдан чўчиб, қочвормаса бас.

Ойниса иш шароитини ўша куниёк тушунди.

— Иш буюраверинг, опа, — деди Ойниса танишиб олганларидан кейин Қундуз Алиевага.

— Болангиз бор экан, — деди Қундуз Алиева. Улар касалхонага кираверишдаги эшик ёнига қўйилган стол ёнида туриб гаплашишар эди. Бу ер ҳам деворларида жимжимадор нақшнинг оқиш изи қолган айвоннинг бир бурчи бўлиб, айвоннинг ҳаволи сахнасига қараган томони панжара билан иҳота қилинган, полига мусулмон фишт ётқизилган, хонанинг ичидан рус, украин тилларида ғала-ғовур, сўқиниш, қиз боланинг йириси, яна кимнингдир инграган товуши эшитилар, термометр, пахта ва яна аллақандай асбоблар устидан дока тортилган стол ёнидаги Қундуз Алиева ичкаридаги ҳайқиришларга парво қилмагандек кўринар эди.

— Шу болам деб юрипман, опа, бегона юртларда, — деди Ойниса бу ёкқа келиш сабабларини яшириб. Бир кунмас-бир кун барибир билади-ку, шундоқ бўлсаям, ҳозир фош қилишнинг нима кераги бор? Мудира опа бу ҳақда индамади.

— Ҳар куни бола билан қатнасангиз, қўлингизни ушлайди, ишлатмайди, — деди Кундуз опа огохлантириб. — Иложи бўлса, уйда қолдирганингиз маъқул. Касал юқиши ҳеч гап эмас, бошингизга яна ташвиш тушади.

— Уйим йўқ, опа, — деди Ойниса хижолат кечиб.

— Қаерда турасиз, бўлмаса?

— Қайдам, биронта хужрача топилиб қолар, деган ниятда эдим. Яқинроқ бўлса, қизимдан хабар олиб турардим.

Хужра қаёқда, синглим? — деди Кундуз Алиева Ойнисанинг умидларини пучга чиқариб. — Қаранг, болалар тиқилиб ётипти. Ичида тифлари ҳам бор. Эҳтиёт бўлиш керак. Тагимиз ертўла. Қоронғи, илон, чаён, зах. Кунлар исиб кетгандан кейин мудира опа таъмирламоқчи, зора биронта хужра тегиб қолса, ҳам яшардингиз, ҳам касалларга қараб чиқардингиз. Кечалари қаровсиз қолиб кетишади, билган номаъқулчиликларини қилишади. Бир куни саҳарлаб келсам бир қиз билан ўрил бола қип-яланғоч ётишипти. Тунда нима қилишган, тушуниш қийин эмас. Шундан кейин мудира опа уларни ажратиш пайига тушиб қолди.

— Ё тавба, — деди Ойниса юраги шувиллаб. — Мен болам билан шунақалар ичида яшайманми?

— Илож қанча, синглим? — деди Кундуз опа таассуф билан. — Шу ишга ҳам рози одамлар бор.

— Биронта боламга қараб турадиган хонадон топилмасмикин, опа? — сўради Ойниса ноилоҳ аҳволдан кутулиш йўлини излаб. — Ижарага жой олардим, ҳақ тўлардим.

Кундуз опа Ойнисани қўлдан чиқармаслик учун ҳар қанча чора кўришга тайёр эди.

— Суриштириб кўриш керак, — деди у Ойнисага бир оз далда бериб. — Муҳтож оилалар бор. Топилиб қолар.

— Бугун нима қиламан? — сўради Ойниса барибир хавотирланиб. — Қаёққа бораман? Болам оч.

— Пешинда овқат бўлади, — деди Кундуз опа Ойнисанинг қўлидаги қизчасига қараб. — Ўзингиз ҳам тамадди қилиб оларсиз. Жой чикмаса, начора, бизникига бора қоларсиз.

— Раҳмат-эй, опажон! — севиниб кетди Ойниса, — яхшилигингизни ҳеч унутмайман. Мендан қайтмаса, худодан қайтсин.

— Менинг ҳам учта болам бор. ногирон бўлсаям, қайнотам қарайди. Тўнғичим ўн тўрт яшар. Ҳамма юмуш ўшанинг қўлида. Ҳам ўқийди, ҳам укаларини тинчитади, мактабдан келгунча қайнотам қарайди. Қизчангиз кичикроқ экан-да. Майли, болаларимга овунчоқ бўлади, биргалашиб бир куни ўтар.

— Раҳмат, опажон, — деди Ойниса самимий ишонгиси келиб. — Яхшиям сиз бор экансиз, нима қилардим? Шўрим қуриб қоларди.

— Бўлмаса мундоқ қилайлик, — деди Қундуз опа. — Мен тушликдан кейин дори учун аптекага ўтаман уйим ҳам ўша томонда. Қўни-қўшнилардан суриштириб кўрай-чи, болага қарайдиган тетикроқ кампир топилса, гаплашиб келаман. Балки уйдан жой ҳам чиқиб қолар. Сиз бу ерда қолиб, касалларга қараб турасиз. Нима қилишни мен айтаман. Келишдикми?

— Майли, опажон, нима десангиз, розиман, — деди Ойниса дарҳол кўниб. — Ишқилиб кўчада қолиб кетмасам бўлгани...

— Бўпти, — деди Қундуз опа. — Кўп койинаверманг, иложсиз нарса бўлмайди.

— Раҳмат, опажон, — дея Ойниса негадир йиғлаб юборди.

27

Еттинчи синфни битирганидан сўнг бирон техникумгами, ўқув юртигами кириб олиш учун шаҳарга келганини ва кира олмаганини Ҳошимжон ҳанузгача унута олмайди. Лоақал техникумга кира олмади, демак мактабда ўқитиш масаласи тузук йўлга қўйилмаган экан. Оддий саволларга жавоб бера олмади, Каспий билан Қора денгизни бир-биридан ажрата билмади, ҳатто Туркменистон пойтахтини Сталинобод, деди, харитадан топиб бера олмади, битта от қанча от кучига эга, дейилган саволга ҳам жавоб топмади. Аллақандай лалайган, бошинг қани деса, қулоғини кўрсатадиган анқовлар яхши баҳолар олиб чиқишди, техникумга киришди, ётоққа жойлашишди, стипендия билан таъмин қилинишди, аллақачон техникумни битириб кетишган, ўз жойларида урушдан холи — ўқитувчиларга бронь таъсис қилинган — айшини суриб юришгандир. Айшини суриш қаёқда, замон оғир, нон деса, кесак учяпти. Бироқ Ҳошимжон техникумга кира олмаган бўлса нима қилипти? Тегирмонга кириб олдику, нони тайин, усти бутун, танчанинг бир чети унинг жойи, иссиқ, жимжит, атрофида ўнта ит асрайди. Техникумга

кирмагани ҳам бундай олиб қараганда, жуда маъқул бўлган экан. Яхши ишлади, меҳнатдан қочмади, ким нима буюрса, зипиллаб бажарди, хўжайинларнинг эътиборига тушди, кейин бригадирликка кўтарилди, ўзи одам ишлатди. Мана, энди омади бор экан, Муродхўжа акага ичқуёв бўлиб кирди, момикдек қизини кучоклаб ётипти, фарзанд кўрди. Қайнотаси ҳарбий омборга жойлаб қўйди, қўлига жарак-жарак пул туша бошлади. Егани олдида, емагани кетида, ҳар қанча орзу-ҳавас бўлса қурби етади. Ҳатто қайнотасига ҳам нафи тегяпти. Трофея молларидан олиб бориб берди, қайнотаси молларни соттириб, тиш қўйдириб олди, оғзи тўла тилла. Фақат ўғли сал калондимоғ, олифта. Ҳеч кимни назарига илмайди. Урушдан қочиб юрипти, отаси тўғрилаган. Яссиоёқ эмиш! Ҳаммаси муғомбирлик, Масъуд қай йўсин билан Штабда қолганини яхши билади, урушга олиб кетмасликларига ҳам имони комил, номига урушга жўнатинглар, деб чанг чиқариб юрипти. Унинг устига жазманга ҳам илакишиб қолган кўринади— омбордан аёллар кийимини танлаб олди. Отасига айтди Ҳошимжон. Отаси унақа-мунақа анойи одам эмас, шунақанги бураб қўяди, сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетади. Қайнотаси тетик кўринса-да, қарилик аломатлари сезила бошлади. Тез-тез бетоб, касалга чалинадиган бўлиб қолди. Битта куйдирги ярани деб ўн кун уйдан жила олмади. Барибир қанақа бўлмасин, Ҳошимжон у одам олдида қарздор, оиласига бошини эгиб кирди, шулар туфайли обрў, бойлик орттирди, тил учида бўлсаям, хурматини жойига қўйиши, мақомига йўргалаши керак. Урушдан ҳам путур кета бошлади, баракаси кўтариляпти, тугаса, Ҳошимжон қайнотасига қарам бўлиб қолади. Мустақил бўлиши учун яхши бир ҳунарга ёпишиши керак, ҳарбий хизматдан кетса, асқатади. Ёки пул-мул билан техникумни битирди, деган ҳужжат тўғирлаб олса, институтнинг сиртқи бўлимига бир амаллаб киради. Зеҳни бор, кунт қилса, ҳаш-паш дегунча тўрт-беш йил ўтади-кетади, қарабдики, олий маълумотли дипломга эга бўлиб олади. У ёғи — худо пошшо, ризқи сочилган бўлса, секин-секин териб кун кечиради, бировга қарам бўлмайди, балки илм билан шуғулланади...

Икки кун бурун Масъуд учраб қолди. Учраб қолгани йўқ, Ҳошимжон омбор дарвозасини ёпаётган эди, қараса, бу томонга Масъуд келяпти. У Ҳошимжонни кўриб, йўлидан тўхтади, қайтиб кетмоқчи бўлди. Ҳошимжон уни имлаб чақирди, у ёқ-бу ёқдан гаплашишди.

— Ойим бир нарса тайинлаган эди, — деди Масъуд ийманиб. — Айтиб қўйинг, мен розиман.

— Нимага розисиз?

— Ўзлари биладилар, — деди Масъуд. — Нариги маҳаллада Фазлиддин ака деган одамнинг кизи бор. Муқаддас таниши мумкин, оти Захро, бир мактабда ўқишган. Шунини айтиб қўйинг.

— Шуми? — сўради Ҳошимжон гапнинг маъносига фаҳми етиб, чунки қайнонаси бу ҳақда оғиз очган ва ўғлидан хабар келишини кутиб юрган эди.

— Шу, — деди Масъуд ва бир неча кундан буён айтишга шайланиб, бироқ шошқалоқ бўлиб кўринмаслик учун атайин орқага суриб келаётган сирини ниҳоят айта олганидан енгил тортиб.

— Бўпти, айтаман, — деди Ҳошимжон, бир шода калитларни чўнтагига яшириб. — Шу бугуноқ айтаман.

Муродхўжа ака хотинини шоширар, Гулсум опа эрига тайин бир нарса айта олмас, ўғлининг жавобини тоқатсизлик билан кутар, шунинг учун Ҳошимжон Масъуднинг омонатини айтганда, елкасидан зилдек юк кулагандек бўлди, ҳатто қувнаб кетди.

— Оти Захро экан, — деди Ҳошимжон гапининг охирида. — Қизингиз билан бир мактабда ўқиган экан.

Бу томони ҳам қулай тушадиган бўлди. Сўраб-суриштириб юришга ҳожат қолмайди, Муқаддас қизни биларкан, шу кифоя, тўғриси айтилади, ўз акасига ёмонликни раво кўрмайди.

— Танийман, — деди Муқаддас лоқайд тарзда. — Биздан икки синф юқори ўқиган, ўнинчини битирдим, йўқми хабарим бўлмади. Отаси — пахсачи, бизнинг ҳовлимиздаям ишлаган. Нариги маҳаллалик. Ўлиб кетди шекилли.

— Хўш? — деди Гулсум опа қизининг менсимай гапирганидан хавотирланиб.

— Онасиям ўлиб кетган, — деди Муқаддас.

— Етим экан-да шўрлик, — келажакда келин бўлгучига раҳми келиб деди Гулсум опа. — Ўзи қанақа? Бўй-басти келишгангинами? Бирон нуқсонни йўқми? Касал-пасал эмасми?

— Унисини қаёқдан билай. Ўзи чиройлиқкина нарса. Димоғиям шунга яраша. Танноз. Ҳеч кимни назар-писанд қилмайди. Гузардан ўтса ҳамма шунга қарайди.

— Чиройлик қиз ар шунақа димоғдор бўлади, — деди Гулсум опа. — Ҳечқиси йўқ, бузукнинг югургани сомонхонагача, битт тукқандан кейин, таннозлигидан асар ҳам қолмайди. Ч қат етимлиги чатоқ экан-да. Аданг

тузукрок жойга бўлишсак, деб орзу қилувди. Сен томондан кўнгли тўлмади. Ичкуёв, уям етим. Энди келин ҳам шунақа чиқса, аданг нима деркин?..

— Бўлмайди! — деди Муродхўжа ака қатъий. — Бир-икки марта кўзим тушган, оёқ олиши бежо. Пахсачининг қизи, унинг устига етим. Айт ўрлингга, насли-нусли тозасидан ўзимиз топамиз. Булар бизга муносиб эмас. Ўзимизни пастга урган бўламиз. Ўрлинг шуни тушуниши керак.

— Ўжарлик қилиб туриб олса-чи? Ахду паймони бўлса-чи?

— Айнит. Кўчадан топилгани хотинлик қилмайди, деб уқтир. Отанг норози де. Агар кўнмаса, ўз ихтиёримиз билан иш тутамиз. Унамаса, билганини қилсин. Аммо бу уйга оёқ босмайди. Оқ қиламан! Иснодга тоқатим йўқ!

— Қайсарлик қилманг, адаси, — ёлворди Гулсум опа, шу алфозда кетса иш хунук оқибат билан тугашидан қўрқиб. — Нима қиласиз бошингизга гавро орттириб?

— Иснод гавродан баттар.

— Бир етимчани келин қилсак иснод бўладими? Қайтанга савоб-ку. Биз ҳам турмуш қурганимизда қўл учида кун кўрар эдик. Сиз ҳам унда Муродхўжа эмас, шунчалик Мурод эдингиз. «Хўжа»сини кейин топар-тутарингиз яхши бўлганда қўшиб олдингиз.

— Бас! — ўшқирди Муродхўжа ака ўзи хуноби чиқиб турган бир пайтда бу бетамиз хотинининг писандаси яра устига чипқон бўлиб туюлди, «хўжасини қўшиб олгансиз» деб, зоти пастлиги ва ночор ўтмишини пеш қилди кўрнамак. «Хўжа» иборасига аллақачон ўрганиб қолган Муродхўжа акага хотинининг гапи эриш туюлди, малол келди, жаҳлини чиқарди, ҳозиргина ён босишга, кўнишга мойил бўлиб турган Муродхўжа аканинг дили ранжиб, ўчакишишга қарор қилди. — Бас! Гап битта! Мен ҳаётимни, бору йўғимни шу болаларга тикдим, агар улар шуни тан олишмаса, майли, виждонларига ҳавола, демак, инсоф, имон деган нарсалардан тариқча ҳам йўқ экан. Начора, пешонам шунақа экан! Сен «хўжа»ликдан оринаётган бўлсанг, майли, рўзгорингни ажратиб бераман, билганингча яша.

— Вой, адаси, бу нима деганингиз? — Гулсум опа эрининг авзойидан қўрқиб кетди. Шу битта етимча қиз, деб ҳаётимиз барбод бўладими, ўйлади у. Йўқ, бунгача олиб бориш ақлдан эмас, Масъудни айнитиш керак, «ота рози — худо рози» деган гап бор, акс ҳолда Масъуднинг ҳам бахти очилмайди, бир умр надоматда ўтади, ўз отасининг

назаридан қолган фарзанд нима ҳам бўларди?! — Тавба денг, ниятингизни яхши қилинг, астафидулло келтиринг. Ўзлингизга инсоф тиланг.

— Иккита фарзанд ато қилди, — деди Муродхўжа ака ўкиниб. — Икковиям нобоп чиқди. Шу кўргилик боракан, урушдан олиб қолиб нима қилардим? Ризки узилмаса қайтиб келарди, бошқалар қатори кўкрак кериб юрардим...

Муродхўжа ака шундай кайфият билан фойтунга миниб, ишига жўнади.

* * *

— Агар ижозат ололсангиз, — деди Муродхўжа аканинг ортидан эргашиб кабинетга кирган Штокман, — тамаки цехи очардик. Бир қисмини харбийга қадоқлардик, бир қисмини папирос қилиб чиқарардик. Даромадли иш. Номига расмий рухсат бўлса бас. Жиҳоз мосламаларни топиш, Ургутдан, Қирғизистондан тамаки етказиш менинг бўйнимга. Жой ҳам керак, кўздан четроқ бўлса яна ҳам яхши. Бирон бўш ҳовли топилса, ўзимиз эпақага келтириб оламиз. Нима дейсиз, хўжайин?

— Эплай олармикинмиз? — сўради Муродхўжа ака келажак ишни мясида тахмин қила бошлаб.

— Молия, бухгалтерия ҳужжатлари жойида бўлади, — деди Штокман таъкид билан. — Бу ёридан кўнглингиз тўқ бўлаверсин. Ижрокўмда маҳаллий саноат бўлими бор, ўзингиз яхши биласиз, шулардан бир парча қороз бўлса тез орада ишни юритворамиз. Агар план беришса, унга ҳам рози бўлаверинг, улдасидан чиқамиз.

— Бу қалтис иш, Семён Исаакович, — деди Муродхўжа ака ўйланиб. — Даромадли иш, деб нимани назарда тутдингиз? Ишга қўл урадиган бўлсам, самарасини билишим керак. Балки киришишга арзимас.

— Арзийди, хўжайин, — деди Штокман иккиланмай. — Агар мўлжалим тўғри чиқса ярим йилга етмай жиҳоз-ускуна, қороз-тамаки, ишчилар маоши, ҳатто молия инспекцияси, милиция, ревизияга сарф қилинган харажат ўзини қоплайди. Бир сменада беш минг пачка «Беломор» ёки «Казбек» чиқарсак, план учун икки ярим мингтаси топширилади, икки ярим мингтаси ўз фойдамизга тушади. Шунчалик очиқ гапиришимни айбга буюрмайсиз, аммо иш бошлашдан аввал қанақа таваккалга бораётганимиз микдор сифатида кўз олдимизга келиши керак. Бўлмаса, айтганингиздек, киришишга арзимади.

— Хўш? Пулга чакқанда-чи?

— Хўжайин, бугун машкингиз пастрок, тинчликми?
— Тобим йўқ, Семён Исаакович. Хўш?
— Пулга чакқудек бўлсак, ҳар ой сизнинг чўнтагингизга йигирма мингдан кам тушмайди.

— Сизнинг чўнтагингизга-чи?

— Сал камрок, — деди Штокман Муродхўжа акага тик қараб. — Балки баравардир. Ахир ишнинг оғири менинг зиммамда бўлади, савдо точкалари билан келишиш, фактуралар тўрилаш, улушини бериш, маҳсулотни етказиб туриш, ишчилар билан муомала қилиш, хуллас, ўзингиздан қолар гап йўқ. Калиш билан совунни ишга тушириш ўзи бўлмади, кўрдингиз.

— Ишнинг оғири сизда, жавобгарлиги менда, — деди Муродхўжа ака хўмрайган тарзда. — Агар хужжатларга имзо чексангиз, майли, мен ундан камига ҳам розиман.

— Менинг қўлим ўтмайди-да, хўжайин, — деди Штокман бир оз афсуслангандек. — Сиз раҳбарсиз, банк сизнинг имзоингизни тан олади.

— Шунинг учун ўз хизматларингизга кўп баҳо бераверманг, Семён Исаакович, — деди Муродхўжа ака жиддий оҳангда ва қатъий. — Агар ишингиз менсиз битгудек бўлганида, аллақачон ўзингиз отни қамчилардингиз. Бир ҳафтагина бетоб ётиб қолганимда неча марта уйимга бориб кисталанг қилдингиз. Чўнтагингизга тушаётган жарақ-жарақ пуллар менинг обрўйим, алоқам, таниш-билишларим эвазига бўляпти. Шуни унутманг, Семён Исаакович.

— Узр, хўжайин, — деди Штокман ён босиб, чунки Муродхўжа аканинг авзойи бузук, вазиятни узр билан юмшатмаса, иш чатоқ бўлиши ҳеч гап эмас эди. — Кўнглингизга олманг. Шунчаки гап-да...

28

— Хат-пат келса, Ойнисахон Шамси холага беринг, девди, мана, олиб келдим, — дея почтачи тут сояси тушиб турган супа четига ўтирди. Ёввойи супурги боғлаётган Шамси хола ишини ташлаб, енгини туширди, қийшайиб кетган пешонабоғини қайтадан бошига танғиб, почтачи олдига келди. Почтачи кампирга қарамас, сумкасини титкилар, маймоқ қўли қалтирар эди.

— Хат? Кимдан? — сўради Шамси хола Ойнисанинг тайинлаганлари эсига тушиб. Ўзининг учта қизи узатилиб кетган бўлиб, чоли қазо қилган, бирон томондан хат кутмас эди. Ҳабибдан бўлса керак, Ойниса тайинлаган эди.

— Ҳабибдан, — деди почтачи гулдираб. — Мана бу ерга қўл қўйинг, — дея бир парча қоғозни узатди. Унинг лабига сиёҳ суркалган эди.

— Хатим йўқ, — деди Шамси хола почтачининг авзо-йидан безовталаниб. — Биласиз-ку.

— Саводим йўқ, деб ёзиб қўяман, — деди почтачи ва қаламини хўллаб дафтарчасига ёзиб қўйди.

— Ўқинг-чи, нима ёзипти? — деди Шамси хола қоғозни почтачига қайтариб.

— Ўқиб нима қиламан? — деди почтачи қоғозни олмай. — Шундоқ ҳам аниқ-ку.

— Нима аниқ? — Шамси холанинг юраги шувиллаб кетди.

— Қорахат бу, — деди почтачи негадир зарда қилиб. — Ҳеч қачон кўрмаганмисиз? Ҳабиб ҳалок бўпти.

Шамси хола сўррайиб қолди:

— Ҳалок деганингиз нимаси?

— Ўлипти, Шамси хола. Мана, ёзиб қўйилган — қаҳрамонларча ҳалок бўлди ва ҳоказо-да. Хола, юрагим безиллайдиган бўлиб қолди. Анов кун нариги маҳаллага шунақа қоғоз олиб кирувдим, битта хонадондагилар мени талашди. Гуё мен ўлдиргандек. Ташимайман мунақа қоғозларни, десам, почтачилар таъна қилишди, яхши хат-хабар бўлса, чопқиллайсан, садақасига учасан, дейишди. Садақалариям қуриб кетсин. Яхшиям Ойнисанинг ўзи йўқ, баалога қолардим...

— Вой, шўрлик Ҳабиб, — дея Шамси хола супа четига беҳол ўтириб қолди. — Қазо қилдими, а? Худо раҳмат қилсин, жойи жаннатда бўлсин. — Шамси хола юзига фотиҳа тортди. — Шўрлик бу дунёга келиб ҳеч нарсаям кўрмовди, ажал қурсин, ёш-қарини танламас экан-да..

— Ризқи узилган бўлса, шу-да, хола, худонинг иродаси, бандасининг иложи қанча? — деди почтачи ҳам юзига фотиҳа тортиб. — Бўпти, хола, мен борай.

— Менга қаранг, айланай, — деди Шамси хола почтачини тўхтатиб. — Мен буни нима қилай?

— Ойниса қатта, биласизми? — сўради почтачи.

— Хат келди, — деди Шамси хола. — Андижондан. Қўшнининг қизи ўқиб берди. Омон-эсон етиб олипти.

— Ўша қизга хат ёздиринг, хола, ичига қоғозни солиб қўйсин.

— Қандоқ бўларкин, айланай? — деди Шамси хола изтиробда. — Ўзи бир аҳволда, бегона юрт, бадарға қилинган. Устига-устак бу шумхабар борса, бечора биронта дардга йўлиқиб қоладими, деб қўрқаман. Юраги кўтармайди.

Ҳаммадан жудо бўлган, шўрлик, битта илинжи шу эри эди, энди бу ҳам ўлипти. Қандай буни юбораман, айланай?

— Ихтиёрингиз, хола, — деди почтачи мижровланиб. — Агар кўнгли бузилмасин, десангиз, юборманг.

— Юбормай бўладими, айланай? Балки аза очар. Кейин мендан домонгир бўлади, кечирмайди.

— Нима қил, дейсиз, хола?

— Менда адреси бор, ўзингиз жўнатвора қолинг, айланай, — зорланди Шамси хола. — Сиз ҳукумат одамисиз, ёзғирмайди. Қариган чоғимда бу хунук нарса мендан чиқмасин.

— Бўпти, беринг, — деди ниҳоят почтачи депсиниб тургач. — Адресини олиб чиқинг.

— Хўп бўлади, — дея Шамси хола уйдан конвертни олиб чиқди ва қорахатга қўшиб почтачига топширди. — Худо хайрингизни берсин, айланай, хатар кўрманг, мушқулимни аритдингиз...

Почтачи ижирғаниб қорахат билан конвертни сумкасига тикди, кўчага чиқиб кетди.

Шамси хола елкасидан юк қулагандек енгил тортди, ҳовлининг ўртасида шумшайиб туриб қолди ва хушига келиб, чала қолган юмуши томон қайрилиб кета бошлади. Бироқ қўли ишга бормади, кўзи тингандек бўлди, тандир олдидаги тўнкага бориб ўтирди, ўйга толди. Шу аснода қанча ўтирди экан билмайди, бир маҳал кўча эшик тақиллагани Шамси холани хушига қайтарди. Айниган бўлса, почтачи яна қайтиб келди, деб ўйлади у, яна ваҳимага тушди. Эшик ҳамон тақиллар, эркак кишиларнинг гўнғир-гўнғир овози келарди.

— Ким у? — дея аранг овоз чиқарди у ниҳоят.

— Маҳалладанмиз, хола, яқинроқ келинг, — деган эркак кишининг чақирган товуши келди.

Шамси хола калишини шалоплатиб кўча эшик томон яқинлашди, номаҳрам бўлса керак, деб эшик панасига ўтиб, овоз берди:

— Ким керак?

— Хола, биз маҳалла комитетиданмиз, — деди бояги кишининг овози. Ёнингиздаги қўшни кўчиб кетган экан, ҳовли қалити сиздамиш. Шу керак эди.

— Ҳовлида нима қиласиз? Эгаси омонатини бизга ишониб кетган, — деди Шамси хола гумонсираб. — Эгасининг ижозатисиз қалит бера олмайман, айланай.

— Ижрокўм вакили ҳам бор, хола — деди бояги киши. — Кириб кўришимиз керак. Ўзингиз ҳам паранжи ёпиниб чиқинг, гувоҳ бўласиз.

— Нимага гувоҳ бўламан? Нима қилмоқчисизлар?

— Қаровсиз жой экан, хола, ижроқўмнинг қарори бор, бу ҳовли вақтинча давлат ихтиёрига ўтади.

— Эгалик ҳовли-ку, айланай, бугунмас-эртага келса, нима дейман?

— Жавобини биз берамиз, ижроқўм беради, — деди бошқа киши. Шамси хола таниди, бу Шукур мўйловнинг овози эди. — Ижроқўмнинг қарори бор, дедик-ку. Бу ерда, агар мос келса, тамаки цехи очилади. Кўчангиздаги аёлларга иш топилади, маош оласизлар. Беринг калитни.

— Нима очилади, дедингиз, айланай?

— Оббо! — деди Шукур мўйлов тоқатсизланиб, одатига кўра дағал овозда. — Тамаки цехи. Папирос артели. Тушундингизми?

— Тамакини бошқа жойда чиқаринглар, айланайлар. Бу ҳовлининг эгаси бор.

— Одамни хуноб қилманг, хола, — жеркиб деди Шукур мўйлов. — Қарилигингизни аяб турибмиз, бўлмаса калитни мажбуран тортиб оламиз, агар қаршилик кўрсатадиган бўлсангиз, ўзингизни қамаб қўямиз. Шунинг учун жигимизга тегманг, кампир, калитни ташланг.

Шамси хола дарҳол эшикни ёпиб, зулфига занжир солди.

— Бермайман! — чинқирди Шамси хола. — Шартим кетиб, партим қолган! Қамонингдан кўркмайман, менга ўдағайлама, мўйлов! Бутун оилани тиркиратдинг, энди ҳовлисигаям кўз олайтирасанми? Имонсиз! Жўна бу ердан! Калит йўқ, ҳалажойга ташлаб юборганман. Ўшандан қидир!

— Қўйинг, Шукур ака, кампир билан тенг бўлиб нима қиласиз? — деди биринчи овоз берган киши. — Гувоҳ бор, кулфни бузамиз, вассалом-да.

— Ҳа, бузларинг! Ўт қўйларинг! — дея қичқирди Шамси хола жазавага кириб. — Кулини совурларинг! Шунча хўрлик ўтказганларинг кам эди, энди ҳовлисини ҳам тортиб олларинг! Ҳали ҳаммангни қарғиш тутуди! Дузахда ёнасанлар! Уйларинг хонавайрон бўлмаса асти рози эмасман!..

29

Ойниса ўзи ювган ва барибир доғлари аримаган чойшабларни дорга ёяётган эди, малласоч бир қизча югуриб келиб.

— Сизни битта амаки чақиряпти, — деди рус тилида.

— Амаки? — хайрон бўлди Ойниса ва юраги орқасига тортиб кетди. «Шўрим курсин, яна нима бўлди экан? — ўйлади у гулгулага тушиб. — Кунни кеча милицияга бориб, кўриниш бериб келувдим-ку».

— Сизни чакириб бер, деди, шу. — Қизча қайрилганча чопқиллаб кетди.

Ойниса қора халатини ечиб, тўзғиган сочини силади ва титроқ кира бошлаган оёқларини аранг босиб, дарвоза томон кетди. Ҳозир унинг қулоғига болаларнинг қий-чуви кирмас, бутун фикру зикри мудхиш гумонлар билан банд эди.

Кўрқа-писа Ойниса дарвоза табақасидан ташқарига мўралади ва бушашиб кетди. Сал нарироқда сада тупига арқонланган отнинг ёлини қашлаган ҳолда ҳассасига суяниб Қаюмжон турарди. Ойнисанинг кўзига дув этиб ёш келди, у мажолсизланиб навбатчининг курсисига ўтириб қолди. Ҳамон юраги дукиллар, оёқ-қўли қалтирар, ранг қолмай оқарган юзидан ёш томчилари оқар эди.

— Нима бўлди, қизим? — сўради Ойнисанинг аҳволини пайқаган қоровул чол безовталаниб. — Тинчликми? Хафа кўринасиз?

— Йўқ, амаки, шунчаки... — Ойниса яна нима дейишни билмай жилмайди, шоша-пиша енги билан кўз ёшларини артди. — Кирхонада қозонга ўт ёқувдик, тутуни кўз ачитди.

Чол ишонмади ва тезда қоровулхонадан бир пиёла чой олиб чиқиб, Ойнисага тутди.

— Қизим, мана, бир-икки култум хўпланг, — деди у сал четдан хиёл букилиб.

— Раҳмат, амаки, — дея Ойниса ичгиси келмаса ҳам чолнинг қўлини қайтаришни эп кўрмай пиёлани олди, бир култум хўплади, чуқур хўрсинди.

— Ичинг, қизим, яна қуйиб бераман, — деди чол, бошқа сўроқ қилишга ва зарурат туғилса ёрдам беришга тайёрлигини айтишга ботина олмай.

— Раҳмат, уринманг, амаки, бас, — дея Ойниса бўш пиёлани ўрnidан кўзғалиб чолга қайтарди.

— Анови отлиқ йигит сизни сўратувди, — ниҳоят деди чол айтишга мажбурият сезиб. — Агар ўшандан ҳайиққан бўлсангиз, дарвозани тамбалаб қўяман.

— Йўқ, амаки, унақа эмас, — деди Ойниса жилмайишда давом этиб. — Мен бошқа одаммикин, деб чўчувдим.

— Хўш, хўш, — дея чол орқасига жилди. — Ундай бўлса, майли, чиқинг, меҳмон кутиб қолди. Ё хужрага айттайми, чой бор? Кўчадан кўра, шу ер тузук.

Ойниса эътироз билдирмоқчи бўлди, ammo чолнинг кўнглига гап келмасин, деган андиша билан «майли», деди. Қоровул чол бир зумда Қаюмжонни чақириб келди.

— Ассалому алайкум, — деди Қаюмжон Ойнисадан бир неча кадам нарида тўхтаб ва унинг намкўзларини, ҳали ранг югурмаган юзини кўриб бир оз ўнғайсизланди.

— Келинг, Қаюмжон ака, — деди Ойниса юраги хапrikaиб.

— Яхшимисиз, Жамилахон қизчангиз бардамми? — ноқулайликни қандай енгишни билмай сўради Қаюмжон. — Эсон-омон етиб келдингизми? Ишга жойлашиб олибсиз, эшитиб кўнглим бир оз тинчиди.

— Раҳмат, Қаюмжон ака, — деди Ойниса кўлларини каерга қўйишни билмай. — Кун ўтяпти, худога шукр.

— Ичкарига киришлар, — деди чол гапни бўлиб. — Иним, қани ичкарига. Ҳозир чой дамловдим. Бошланг.

— Йўқ, амаки, вақт зик, мен ҳозир жиламан, — деди Қаюмжон миннатдорчилик билдириб. — Иш билан келувдим, йўл-йўлакай ўтай, дедим.

— Маъкул, иним, маъкул, — деди чол ва қоровулхонадан скамейка олиб чиқиб, девор остига қўйди, — ўтириб гаплашинглар. — Чол ичкаридан чойнак олиб чиқиб, скамейка четига қўйди. — Мехмон, чой совимасин, мен отга қараб тураман.

— Овора бўлманг, амаки, от тураверади.

— Йўқ, иним, — деди чол мулозаматли эътироз билан. — Ҳозирда кимкўп, дайди, кисовур кўп. Эҳтиёт-да, иним.

Аслида буларни холи қолдириш керак эди, чол отни баҳона қилиб, кўчага йўрғалади.

— Ўтиринг, Қаюмжон ака, — деди Ойниса ва ўзини мезбон сезиб Қаюмжонга чой тутди. Курсини суриб, рўпарасига ўтирди. Айни пайтда Ойниса эсидан чиқаёзган Қаюмжон йўқлаб келганидан ҳам шодланар, ҳам негадир ўзини ноқулай ҳис қилар, тезроқ кетишини хоҳлар эди.

— Шунча вақт ўтди, келиб хабар ололмадим, узр, — деди Қаюмжон чой хўплаб.

— Ҳечқиси йўқ, Қаюмжон ака, ҳозир бировдан хабар оладиган замонми? — деди Ойниса аста-секин ўзига кела бошлаб.

— Хомуш кўринасиз, Ойнисахон? — деди Қаюмжон Ойнисага синовчан тикилиб. — Рангингиз синиқ. Иш оғирми, дейман?

— Иш-да, Қаюмжон ака. — деди Ойниса хомуш жилмайиб. — Ҳозир ишнинг енгили борми?

— Тўғри, ҳаммага кийин.

Ўртага ноқулай жимлик тушди.

— Янгам омонми, тузалиб кетгандир?

— Яқинда қирқини ўтказдик, — деди Қаюмжон хўрсиниб.

— Вой, бечора! — Ойниса саросимага тушди. — Дунёдан ўтдимми?

— Дарди шунақа, бедаво экан. Асраб қололмадик.

— Ёш нарса, кун кўрса бўларди, — деди Ойниса ва кўзи ёшга тўлди.

— Насиб этмади, иложимиз қанча, кўнишга мажбур-миз, — деди Қаюмжон бу мавзуга чек қўйиш кераклигини англаб. — Тириклар омон бўлсин. Ўзингиз қандай яшаяпсиз? Тураржой масаласи нима бўлди? Қийналмаяпсизми?

— Кунимиз ўтиб турипти, — деди Ойниса кўзини артиб. — Қундуз опа деган бир жувон бор экан, бирга ишлаймиз. Шу опа уйдан жой берди, қайнотаси, тўнғич кизи боламга қараб туришипти. Тинчман ҳар қалай. Нолисам, худонинг қаҳри келади. Бу уйнинг изолятори бор, ўшанинг ишини қиламан. Битта хавфим, уйга касал илаштириб бормасам дейман. Бу ерда тиф, ичбуруғ касаллар бор, қизчамга юқтирмаслик учун ўзимни авайлашим керак. Бошқа иш беришса, жон деб ўтардим. Бешбаттар оғир бўлса ҳам кўнардим.

— Хавфли иш экан ҳақиқатда, — деди Қаюмжон ўйланиб.

— Ямоқчилик устахонаси бор, етим болаларнинг оёқ кийими йиртилса, тузатиб берилади, ўша жойни сўрайми, дейман, аммо мудиранинг жаҳли чиқади деб, кўрқаман.

— Сиз қандай ямоқчилик қиласиз? — сўради Қаюмжон шундай шахарлик ёш жувон шунақа ишга кодир эканига ақли бовар қилмай. — Ҳунар керак-ку.

— Ҳунарим бор, Шўртепада турганимизда ўрганганман, бачкана тикиш ҳам кўлимдан келади. Тошкентда шу ҳунарим билан кун кўрардик.

— Шунақа денг! — таажжубланди Қаюмжон. — Ямоқхонада ишлаш сизга муносибмасдир, Ойнисахон?

— Касалхона ахлатини тозалашдан яхши-да, — деди Ойниса хомуш жиддийлик билан. — Агар ўтказишса ижарани ҳам бошқа жойдан ахтарардим. Қундуз опа ҳам шу ерда, касал илаштириб бориши мумкин.

— Биласизми, Ойнисахон, — деди Қаюмжон ниманидир мўлжал қилиб. — Бир ўйлаб кўринг. Бизда етти йиллик мактаб бор, агар маъқул кўрсангиз, кўчиб ўтинг, бирон

юмуш топиб берармиз. Директори муаллимлар камлигидан нукул нолийди. Муаллимликни эплай олмасангиз, пионервожатийми, фаррошликми — биронта иш қиларсиз. Мен директорга айтаман, йўқ демайди.

— Ўзингиз нима хизматдасиз? — сўради Ойниса Қаюмжоннинг бемалол ваъда беришидан тузукроқ амали бўлса керак, деган хаёлга бориб.

— Бир ой бўлди, колхозга раис қилиб сайлашди, — деди Қаюмжон ийманиб. — Замон шунақа, ишга ярқли эркаклар фронтда. Олдинги раис аёл киши эди, ишнинг улдасидан чиқа олмади чоғи, ариза бериб бўшади. Чигит экиш кечиккан экан, туманнинг охирида бизнинг колхоз. Иш қайноб ётипти. Агар хўп десангиз, эртага арава жўнатаман. Тураржой ҳам топилади. Нима дейсиз?

— Қайдам, — деди Ойниса иккиланиб. — Район милицияси рухсат берармикин? Ҳар ҳафта бориб кўриниш беришим керак.

— Милиция билан ўзим гаплашаман, — деди Қаюмжон дадил руҳда. — Улар ғиди-биди қилса, райком бор, телефон қилишади. Қолаверса, сиз қаерда яшадингиз, уларга нима фарқи бор. Шу район атрофида бўлсангиз бас-да...

30

Ҳошимжон Масъуд билан уйдагилар орасида воситачи бўлиб қолди. Бугун Ҳошимжон Масъудни топиши, уйда муҳим гап борлиги ва мумкин қадар тезроқ боришини, онаси кутаётганлигини айтиши керак. У куни Масъуднинг «омонат» гапини уйдагиларига бориб айтди, қанақа можаро, жанжал бўлганини қисман кўрди, қисман эшитди. Айниқса, Муродхўжа аканинг фифони фалакка кўтарилганини билиб, аввалига таажжубланди — ўғли ўзи хоҳлаган қизга уйланаман, деган шарт қўйипти, бунинг нимаси ёмон? Ахир бу умр савдоси, олдинги замонлар одати ҳозирги талабларга тўғри келмайди, хатто халакит беради, одам кўнгли ёқтиргани билан турмуш қуриши керак. Муродхўжа аканинг Масъудга қилган зуғуми Ҳошимжонга хатто эриш туюлди, Ҳошимжон йигит томонини ҳимоя қилгиси ҳам келди. Кейин бу масаланинг бошқа жиҳатини ўйлаб қолди. Ҳа, майли, у Масъуднинг тарафини олсин ҳам, бундан Ҳошимжонга қанақа наф? Икки орада қайнотасидан дакки эшитади, унинг ғашига тегиб, назар-эътиборидан қолади. Муродхўжа ака бир сўзлик, жоҳил одам, муносабати ўзгарса, аччиқ устида ҳамма нарсани барбод қилади, қизимнинг эри, ўзим топган куёвим, деган андишага бормайди. Ҳарбий бошқармадаги

казо-казолар билан яхши алоқада, зиёфат-ўтиришларда учрашиб туришади. Муродхўжа ака битта имо қилса, тамом-вассалом, Ҳошимжоннинг ишидан биронта ишқал топишади, фронтга жўнатиб юборишади. Жўнатишмаганида ҳам қайнотасининг феъл-хўйи шунақаки, доим сергак бўлиб туриши, тил учида бўлса ҳам хушомадни канда қилиши керак эмас. Кўчага ҳайдаб қўйиши турган гап. Унда хўрлик бошланади, чойхоналарда бит босиб юради. Тегирмонга қайтиб бора олмайди, ҳарбий омбордан ҳайдалган бўлади, уйига киритилмайди, хуллас, шунча имтиёзлардан бир зумда маҳрум бўлади. Масъудни ҳимоя қилиб нима қаромат кўради? Масъуднинг ўзи командирлар қўлида майда бир югурдак, Масъуддан қанақа фойда келарди? Ундан кўра ота-боланинг орасидаги можародан фойдаланиб қолгани маъқул эмасми? Масалан, қайнотасига, сиз отасиз, ўғлингиз сизнинг хоҳишингизга юриши керак, измингиздан чиққан, гапингизни иккита қилган ўғил қанақа фарзанд? — деб гижгижлатиши керак! Ўшанда ота билан боланинг орасига низо тушади, отаси боласини оқ қилади, юзқўрмас бўлиб кетишади. Муродхўжа ака зўр қайғуда тез-тез касалга чалинади, ношуд бўлиб қолади, хонадонни бошқариш, идора қилиш вазифаси ўз-ўзидан Ҳошимжонга ўтади, шунча молу дунё ҳам унинг ихтиёрида бўлади. Ҳошимжон шу амални қўллаши, ота-бола орасида ёна бошлаган оловга мой қуйиб бориши керак. Масъудга ҳам ёмон кўриниши ақлдан эмас. Нима қилади Ҳошимжон уни отаси зуғумига бўйсундириб? Ундан кўра тил учида гўё унинг тарафини олган бўлиб, Масъудни қайрагани маъқул эмасми? Ҳаёт битта бўлади, дейди у, Масъуднинг эркини кутуртириб, мол-дунё қўлнинг кири, ота-она ҳурмати ҳам нисбий нарса, яхши кўрганингизга эриша олмасангиз, бир умр ҳасратда ўтасиз, шунинг учун ўз бахтингиз учун курашишингиз керак, ота-она бир кунмас-бир кун кўникишга мажбур бўлишади, ҳатто неvara кўришса, бир пайтлар қаршилиқ қилганлари учун мулзам бўлишади.

Масъуд у кунги «омонат» гапига жавоб кутаётганини Ҳошимжон билса-да, Гулсум опанинг талабини ўғлига қай йўсинда айтишга ҳадиксираб боши қотди.

— Хўш? — деди Масъуд тутилиб қолган Ҳошимжонга асабий тикилиб. — Гапимни айтдингизми?

— Айтдим, албатта, — деди Ҳошимжон.

— Боришдими? Одам юборишдими?

— Одам юборишганда билган бўлардингиз, — деди Ҳошимжон чайналиб. — Ахир у ёқдан хабар келиб турса керак.

— Боришмапти.

— Ҳа, биларкансиз-ку. Гап шу-да.

— Нимани важ қилишяпти? — сўради Масъуд тоқатсизланиб. — Етимлигиними? Камбағаллигиними?

Ҳошимжон Масъуднинг асабдан оқарган юзига тикилиб туриб илжайди.

— Ҳм? Нега куласиз? — Ҳошимжоннинг илжайиши Масъудга ҳақоратдек бўлиб туюлди.

— Кулаётганим йўқ, Масъуджон, — деди Ҳошимжон иймангандек. — Сизга қойил қоляпман.

— Тушунмадим, — деди Масъуд ғалати бўлиб. — Наҳот менинг ҳозирги аҳволим қойил қолишга арзиса? Мазах қиялпсиз.

— Йўқ, — деди Ҳошимжон жиддийлашиб. — Ҳар қандай ўрил — сизнинг адангиздек қудратли отаси бўлса, шубҳасиз бўйсунган, раъйдан чиқмаган, ҳатто хайиққан бўларди. Сиз ҳамма расмиятга қарамай, қайсарлик билан ўз манфаатингизни ҳимоя қилмоқчисиз. Журъатингизга қойил қолиш керак. Адангизнинг ўрнида мен сиздек ўрилдан фахрланган бўлардим.

Масъуд Ҳошимжонни доим хушомадгўй, ипирисқи йигит деб юрар, муносабатларини ҳам шу фазилатлари асосида қурган эди, бироқ унинг ҳозирги гапларини эшитиб, ўз кулоқларига ишонмади, гангиб қолди. Демак, бечоранинг одоби, юмшоқ табиатини мунофиқликка йўйиб юрган экан-да, аслида эса жўшқин, самимий қалбга эга экан.

— Кошки эди, сизнинг шу эътирофингиз қисматимга ёрдам берса, — деди Масъуд ўкинч билан дарҳол асабий ҳолатидан тушиб. — Адамни қанақалигини биласиз-ку.

— Ойингиз гаплашмоқчилар, — деди Ҳошимжон гапни мўлжалга текканини англаб. — Боринг уйга. Гаплашинг. Кўндиришга урининг. Улар ҳам одам, тушунишади.

— Тушунишиб бўпти, — деди Масъуд таъби айниб. — Жанжал чиқади. Адам мени бирон бойнинг қизига уйлаб, мартабасини яна ошириш пайида. Наҳот мен шуни тушунмасам?

— Ахир барибир маслаҳат учун, уларнинг розилигини, оқ фотиҳасини олиш учун борасиз-ку. Бошқа иложингиз йўқ. Тўйни адангиз ўтказади. Агар у кишининг кўнглини топмасангиз, қанақа тўй ҳақида гап юритиш мумкин? Уларни иқроор қилиш қўлингиздан келса, тўй ҳам кўнгилдагидек ўтади, келин ҳам ҳашамат билан туширилади.

— Юрагимдов бермаяпти, Ҳошимжон, — деди Масъуд зорланиб. — Кўнглим сезиб турипти, борсам албатта жанжал

чиқади, бир кори ҳол бўлади. Бир-биримизни хафа қилиб қўямиз, орамиздан парда кўтарилади, зада бўламиз, кейин эплаб бўлмайди. Шундан қўрқаман.

— Уларнинг олдидан ўтмасангиз, барибир дилозорлик келиб чиқади, — деди Ҳошимжон донишмандлик қилган бўлиб. — Ёки уларнинг розилигини олмасдан тадбир кўрмоқчимисиз? — сўради Ҳошимжон Масъуднинг дилида шунга ўхшаган мўлжал борлигини фараз қилиб. Агар бўлса, бу Ҳошимжон учун айни муддао эди, чунки ўғлининг ўзбошимчалиги, кўрнамаклиги Муродхўжа аканинг қалбида қаттиқ ғазаб алоқаларини ишга солиб, ўғлини фронтга жўнаттириб юбориши, камида Масъуддан воз кечиши, оқ қилиши мумкин. Энг маъқули, албатта, фронтга жўнаттириши. У ёқдан омон қайтишидан қайтмаслиги кўпроқ. Унда меросхўр қолмайди, барча бойлик Муқаддасга ўтади, бу Ҳошимжонники бўлади деган сўз.

— Адамнинг ғазабидан қўрқаман, — деди Масъуд Ҳошимжоннинг тахминини инкор қилмай. — Ойим ҳам зил кетади.

— Аввалига шунақа бўлиши мумкин, — деди Ҳошимжон мулоҳаза қилган бўлиб. — Кейин кўниқиб кетишади. Ахир, пуштикамаридан яралгансиз, тақдирга тан беришади. Айниқса невара пайдо бўлса унутворишади, ҳатто тўйга бош қўшмаганлари учун хижолат чекишади.

Масъуднинг ҳадик билан ўйлаб юрган мўлжаллари Ҳошимжоннинг мулоҳазасидан кейин қатъийлашгандек бўлди, қарори унчалик бебурд эмасдек кўринди.

— Бориб айтинг, Ҳошимжон — деди Масъуд дадиллашиб. — Агар улар шартимга кўнишса, майли, бораман, агар қарши бўлишса, ихтиёр ўзимда, деб ҳисоблайман. Гап шу, қарорим қатъий.

— Шартингизни ўзингиз бориб айтсангиз бўлармиди, Масъуджон, — деди Ҳошимжон мижғовланиб. — Адангизнинг жаҳли тез, биласиз, ўртада мен гуноҳкор бўлиб қолмай, деб ҳайиқяпман. Сизнинг йўригингиз бўлак, фарзандсиз, балки гапингиз таъсир қилар, балки хавотирингиз ўринсиздир.

— Ҳошимжон, мулоҳазаларимни айтдим, тушунадиган йигит экансиз, — деди Масъуд қароридан қайтишни хохламай. — Агар улар мен айтган қиз хусусида гап юритадиган бўлишса, боришга тайёрман.

— Майли, Масъуджон, хайрли иш учун бир озор чексак, чекипмиз-да, — деди Ҳошимжон мурувват қилган бўлиб. — Элчига ўлим йўқ, деган гап бор. Менам ўз томонимдан

сизга ён босиб гапираман. Зора инobatга ўтса. Ҳар қалай муносабатни кескинлаштирмасликка уриниб кўриш иккала томон учун ҳам яхши.

— Раҳмат, Ҳошимжон, — деди Масъуд самимий тарзда. — Бир умр қарздорингиз бўлиб қоламан...

Буниси тайёр, деб ўйлади Ҳошимжон, ўз айтганидан қайтмайди. Энди отасини қайрашим керак. Боя тил учуда, «боринг, гаплашинг, кўндириг» дедим. Рад этиб, Масъуд яхши қилди. Агар борса, ким билади, балки кўндириб келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Онаси мингиллайди, йиғлайди, эрини огдиради. Фарзанд эмасми, ундан жудо бўлишганидан кўра тақдирга тан берганлари афзал. Шунинг учун Масъудни уйига йўлатмаслик керак. Майли, ўз доғида қоврилиб юраверсин. Мен ўзимни ишни дўндираётган қилиб кўрсатаман, Масъуд ишонади. Фақат уйланиб қўймаса бас, агар уйланса, отасининг ҳафсаласи қолади, «Бўлар иш бўлди, энди билган номаъқулчилигини қилсин», дейди, бориб-бориб ярашиб ҳам кетишади. Шунинг учун, ўғлингизни бу қиздан айириш керак, иложи бўлса хизмат йўли билан йироқроқ томонга жўнатгирсангиз, қутуласиз-қўясиз; Кушка, Ашхобод, умуман, бу атроф тўғри келмайди, ё қиз ахтариб боради, ё ўғлингиз уни чақиртириб олади, ёки ўзи сабаб топиб, бу ёққа қайтадиган бўлиб қолади, деган фикрни отасининг кулоғига қуйишим керак. «Фронтга жўнатсангиз шу хизматини ўша ёқда бажараверади, ўзи қанчадан бери ўша ёққа интиляпти. Иккита эмас, учта куённи бараварига урган бўласиз: ҳам ўғлингиз ниҳоят ўз ниятига эришади, ҳам фронтга кетди, деб қиз умидини узади, ҳам ўзи билмаган ҳолда уларни айириб юборган бўласиз. Ўғлингизнинг шашти ёмон, уйланиб-нетиб қўйса, бунақа тадбирнинг кераги бўлмай қолади. Шунинг учун фурсатни қўлдан бермай дарров ишга киришиш керак. Мана, Америка билан Англия Германияга уруш эълон қилди, бу урушнинг тақдири ҳал бўлди, деган гап. Иттифокдошлар бўлганидан кейин, Совет ҳукумати ҳам ўз қўшинларини авайлайди, ўғлингиз хатардан берирок бўлади. Уруш узоғи билан бир йилга бормайди, унгача Масъудхўжа қизни унутади, галаба билан қайтганидан кейин кўзига бунақа ипирисқи қизлар кўринмайди, сиз бутун орзу-ҳавасларингизни бемалол амалга ошираверасиз. Сих ҳам қуймайди, кабоб ҳам».

Албатта, фронтга жўнаттириш мақсади Муродхўжа аканинг ўзидан чиққани маъқул. Агар Ҳошимжон ҳаддан ташқари ташаббус кўрсатса, қайнотаси шубҳаланиши мумкин. Лекин буёғи Ҳошимжоннинг маҳоратига боғлиқ.

Хамирдан қил суғургандек тadbир қўллаши лозим. Энг муҳими, Ҳошимжон қайнотасининг дилида ўғлининг нобакорлигига ғазаб уйғотса, марра шуники, уёғи ўз-ўзидан юмалаб кетаверади. Фақат шошилиш керак. Муродхўжа ака токи Штабга бориб, казо-казоларни унатгунича ҳафта ўтиши мумкин. Унгача Масъуд ҳам хитланиб қолади.

Ҳошимжон шу бугуноқ бориб Масъуднинг шартини айтиши, қайнотасини авраши, ўзини уларнинг манфаатини кўзлаган қилиб, воқеани керакли ўзанга юргизиши шарт, акс холда фурсатни бой беради, кечалари ухламай бичиб чиққан режалари кунпаякун бўлиши мумкин...

31

Ўқчи қишлоғининг қоқ ўртасидаги лой томли пастқам, кўримсиз уйларнинг бири чойхона, иккинчиси ҳаммом, яна бири қишлоқ советининг идораси бўлиб, буларнинг рўпарасидаги нисбатан салобатли мачитда етти йиллик мактаб жойлашган эди. Мачитнинг намоз ўқиладиган кенггина хонаси беш-олти қисмга синч девор билан ажратилган бўлиб, бу хужралар синф деб аталар, синф танқислигиданми, муаллимлар етишмаганиданми, баъзи хоналарга икки қатор парталар қўйилган, биринчи қаторида учинчи, иккинчи қаторда тўртинчи синф ўқувчилари бараварига ўтиришар, муаллим гоҳ уларга, гоҳ буларга дарс бериб вақт ўтказар эди. Намозгоҳ — ўйма хари, вассадор шифти анча баланд бўлгани учун синфларни ажратувчи синч деворлар тепагача етиб бормаган, шу сабабли бу хонадаги муаллимнинг товуши, у хонадаги муаллимнинг товуши билан мусобақа ўйнашгандек бўлади, айниқса, олти хонанинг қий-чуви бир-бирига аралашиб, бозорни эслатади, ҳар томондан ҳайқирган овозлар айқаш-уйқаш бўлиб дарс тугагач, болалар ҳеч нарсага тушунмай, гангиб уй-уйларига тарқашади. Якка қолган ўқитувчилар анча пайтгача бош ушлаб ўтиришади, аллақандай мудҳиш тушдан холи бўлишгандек секин хушларига келишиб, бирининг қўлида чала скелет, бириникида глобус, яна бириникида бир даста дафтар, танчанинг иси теккандек ичкаридан гандираклар чиқишади, мачитнинг ҳовузи четига ўрнатилган чорпойда бир нафас ўтириб, роҳат қилишади. Ҳар куни ахвол шу.

Ойниса қизи билан аравада бу ерга етиб келганида якшанба куни бўлиб, мачитнинг серсоя кимсасиз ҳовлиси сукут сақлар, жимликни қушларнинг бетиним чуғур-чуғури бузар эди. Буларни кўрди чоғи мачитнинг тўридаги бино

айвонида каламенка китель, одми шимнинг пойчалари брезент этикнинг сарғиш қўнжига кистирилган кўзойнакли одам кўринди ва шошмай бу томон кела бошлади. Жамила онасининг этагига ёпишиб ташқарига, арава турган томонга тортар, Ойниса қизини тинчитиш кўйида, уни силтаб-силтаб кўяр, ўнғайсизланар, кўзини келаётган одамдан узмас эди.

— Мудир, — деди Ойнисани олиб келган аравакаш кўзойнакли одамдан назарини узмай. — Мактаб директори Мансур ака.

— Келинлар, — деди Мансур ака майин табассум билан ва аравакашга қўл бериб кўришди.

— Ассалому алайкум, домла, — сўрашди Ойниса бир қўли билан ёқасини гижимлаб.

— Қандай етиб келдинглар? Кун исиб кетди, қийналмадингларми?

— Раҳмат, домла, — деди Ойниса жилмайиб.

— Бугун дам олиш куни, қоровулимиз бетоб, ўзим атайин кутиб ўтирувдим. Қаюмжон тайинлаган эди.

— Дам оладиган кунингиз экан, домла, маъзур тута-сиз, — деди Ойниса мудирнинг «дам олиш куни» деганидан пича хижолат чекиб.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Мансур ака «дам олиш куни»ни тилга олгани учун ўзи ҳам мулзам бўлиб. — Мактабни барибир қолдириб бўлмасди. Хўш... — дея, мавзу ўзгартиришга ўтди: — Энди, синглим, йўлдан толиқиб келгансиз, қизчангиз ҳам бетоқат бўляпти. Демокчиманки, ҳозир бирров бизнинг эшикка ўтсангиз, ювиниб-нетиб, чой-пой ичиб, пича нафас ростласангиз. Қолган масалаларни кейин ҳам гаплашаверамиз. Нима дейсиз, синглим. Уйдагилар бохабар.

Йўл-йўлакай аравакаш мактабдан жой тайёрлатиб қўйилганини айтган, Ойниса ниҳоят мустақил бир бурчакка эга бўлиши мумкинлигидан дилида интиқ бўлиб, бир мириқиб ухлаб олишни дилига тугиб қўйган эди, энди қандай қилиб мудирнинг гапини қайтаради? Одобсизлик бўлиб кўринмасмикин?

— Домла, — деди Ойниса ўзини мажбур қилиб. — Бориш қочмас. Шу ер ҳам тинчгина жой экан. Ана, чорпоя ҳам боракан, ҳовуз. Агар айбга буюрмасангиз, мен шу ерда қола турсам.

— Шунақами? Майли, синглим, ихтиёрингиз, — деди мудир қисталанг қилишни эп кўрмай. — Хужрача ҳам тайёр. Албатта, бу шаҳарда яшаган одам учун бир оз ғалатиروق, лекин боримиз шу, камига маъзур кўрасиз.

— Мен жой танламайман, домла, — деди Ойниса мудирни кундира олганидан суюниб. — Шунгаям катта раҳмат.

— Раҳматга арзимаёди, синглим, — деди Мансур ака. — Энди биз сизни холи қўяйлик, бўптими? Кечроқ биронтамиз хабар олармиз. Майли, синглим, яхши дам олинглар. Бу ер тинч, хавотир бўлманг. Фақат дарвозани ичидан занжирлаб олсангиз кифоя.

— Хўп бўлади, домла, — дея Ойниса ижозат бергандек орқасига тисарилди.

— Мен юкингни келтириб берай, кейин дарвозани беркитарсиз, — деди аравакаш.

— Майли, — деди Ойниса, аравакаш шошилиб кўчага чиқиб кетди.

— Ана у қўш табақали эшикча, — дея Мансур ака кираверишдаги бир пайтлар сўфининг хужраси, ҳозир эса қоровулхона бўлиб хизмат қиладиган хонани кўрсатди. — Ичидан занжирланади. Ўзи захроқ бўлсам, таги тахта. Аммо ёзда салқин. Бир-икки кун туриб кўринг-чи, манзур бўлмаса, бўлак жой ахтариб кўрармиз. Маъқулми?

— Маъқул, домла, маъқул, — деди Ойниса самимий суюниб. — Етимхонада ишлардим, эртадан-кечгача қий-чув, ғала-говур, қулогим қоматга келарди. Унга қараганда бу ер жаннат-ку, домла.

— Ғала-говур бу ердаям кам эмас, — деди мудир мийиғида кулиб. — Ҳали кўрарсизам... Майли, синглим, менга рухсат.

— Майли, домла, овора қилганим учун узр.

— Ҳеч қанақа овораси йўқ, унақа деманг. Хўп хайр.

— Хайр, домла.

Мансур ака мачит ҳовлисида йўргалаб чиқаркан, йўлакда Ойнисанинг шолчасига ўроғлиқ юкини кўтарган аравакашга дуч келди, уни тўхтатиб, нималарнидир уқтирди, қоровул маъқул ишорасини қилиб, бош ирғади, қўш табақали эшик олдига келиб, юкни елкасидан туширди, зулфини ечиб, эшикни очди.

— Кириб кўрасизми, янга? — деди у орқасига жилиб.

— Майли, — деди Ойниса ва Жамилани етаклаб хужра томон юрди.

Бу мақбарани эслатувчи гумбаз тоқили, мусулмони гишлари кўндаланг терилган хужра бўлиб, ис босган шифти дўппининг астарини эслатар, пастидаги икки қулоч келадиган супачада лампа шишали чироқ, примус, бир шиша керосин, ичида кафгири бор тувоксиз декча,

нарироқда яйдоқ стол, стол устида мис чойнак ва зангори қийикчага ўроғлиқ алланима турарди. Сийрак қилиб сув сепилган полда супургининг излари қолган. Хужранинг ганч панжарали туйнугидан бўлак ҳеч қанақа деразаси йўқ, ичкаридаги нарсаларни кўриш учун кўз ўрганиши ёки эшик очик бўлиши керак эди.

Бечора Қаюмжон ака, ўйлади Ойниса, шундай олижаноб одам, мундоқ олиб қараганда, мен кимман унга, еттиёт бегона. Шу нарсаларни ўша уюштирган, боши дард кўрмасин.

Қандайдир бегона одамнинг рамхўрлиги кўнглида эзгу миннатдорлик уйғотдими, ё чарчаб толиққаниданми, ёки ғала-ғовурдан безиганиданми, ёки бировларнинг бурчагида уларнинг қош-қовоғига қарайвериш жон-жонидан ўтиб кетганиданми, ёки яна бошқа нарсалар таъсириданми — айна бир топда Ойнисанинг ҳам йиғлагиси келди, ҳам янги, ўз ихтиёрида қолган бу бенаво ошён кўзига илиқ кўрина бошлади. Аравакаш кетгач, Ойниса дарвозани занжирлайди, хужрага шолча ёзади, супуради, кўрпача, ёстиқ тўшайди, примусни ўт олдириб, чой кўяди, чой қайноғунча Жамилани ювинтиради, ўзи ювиниб артинади, покиза бўлиб, янги уйига киради, тугунидаги нон, шакар ва икки дона қайнатилган тухумни олиб, дастурхон тузайди, анови қийикчада ҳам нимадир бор, қизи билан биргаллашиб чой ичади, кейин ёнбошлаб адёл ёпинади, пича дам олади, балки бир оз мизғийди... Дарвоқе, аравакаш пойлаб қолди-ку.

Ойниса ташқарига чикди. Аравакаш чорпояда оёғини осилтириб ўтирар эди, Ойнисани кўриб, ўрнидан турди.

— Қалай, янга? — деди у қамчисини кафтига уриб.

— Тузук, раҳмат, — деди Ойниса самимий тарзда.

— Бирон камчилик бўлса, айтинг, амаллаймиз, — деди у.

— Бинойидек, — деди Ойниса. — Энди сиз ҳам толиққансиз, биздан кўнглингиз тинч бўлаверсин. Сизни кутиб қолишгандир. Ишларингиз бордир.

— Битмаган иш борми, янга?

— Айбга буюрмайсиз, биронта челақми, жомми топилармикин? — деди Ойниса тортиниб. — Эшик олдида сув-пув сепиб, шипириб кўярдим.

— Сув-пув сепишга бўлса, аравада бор, от суғоришга олиб юраман, аммо рўзғорга ярамайди, — деди аравакаш.

— Қизимни ҳам чўмилтираман, яраммикин?

— Уйдан олиб келаман, — деди аравакаш. Қачонга керак?

— Ҳозирча аравадагисини ташлаб кета оласизми?
— Бўлмаса-чи? Ҳозир, — дея аравакаш кўчага югурди, бир зумда сал пачоқ бўлган челақни олиб келди ва Ойнисанинг гапини кутмай ховуздан сув олиб, хужра олдидаги саҳнга сепа кетди.

— Кўйинг, ўзим, — деди Ойниса ўзини ноқулай сезиб.

— Сиз ичкарига қаранг, — деди аравакаш Ойнисанинг эътирозига қарамай. — Мен бирпасда сепиб бўламан.

Ойниса дарҳол шолчани ечиб, ичидаги нарсаларини хужрага ташишга киришди, сўнг шолчани бир-икки қоқиб, полга тўшади, бурчақда ётган супургини олиб, бир зумда супуриб чикди.

— Шакароб қилиб сепдим, янга, шипириш осон бўлади.

— Раҳмат, — деди Ойниса жилмайиб. — Энди қолганини ўзим қиламан. Ҳа, дарвоқе, исмингизни сўрашга иймандим, билиб олай, майлими?

— Тўхтасин-да, исмим, янга, — деди аравакаш, қўлидаги челақни товуш чиқармай ерга қўйиб.

— Тўхтасин ака, примус ёқиш қўлингиздан келадими?

— Келмай-чи? Тоza келади-да.

— Ҳозир олиб чиқаман, кўриб олай, кейин ўзим ёқавераман, майлими? — дея Ойниса ичкаридан примусни олиб чикди ва боя бўғча турган жойга қўйди.

Тўхтасин ака примусни силтаб кўрди — ёғи бор эди.

Ичкаридан Жамиланинг гингшигани эшитилди, Ойниса хавотирланиб хужрага кирди, бир оздан сўнг йиғи овози тинди. Ойниса хужрадан чиққанида, примус вишиллаб ёнар, алангаси борган сайин кўкимтир тус оларди.

— Яхшиям сиз бор экансиз, Тўхтасин ака, — деди Ойниса Тўхтасин аканинг кўнглини топиш ниятида. — Шунча ёрдамнингиз тегди.

— Қизчангизга эҳтиёт бўлинг, — деди Тўхтасин ака Ойнисанинг хушомадига эътибор бермай. — Ҳовуз яқин экан.

— Ҳа, Тўхтасин ака, ўзимнинг кўнглимдан ўтди шу.

— Шунча бола ўқийди, майдалари бор, панжара ўрна-тишмаган экан-да.

— Ўзим билан олиб юраман, — деди Ойниса, ичида хавотирланиб. — Бошқа илож йўқ.

— Майли, янга, — деди Тўхтасин ака, кўнжидан қамчинини суғуриб. — Мен борай, кечроқ челақ келтириб берарман.

— Тўхтасин ака, — деди Ойниса примусга қараб

олиб. — Примусга сув қўяй, бир пиёла чой ичиб кетасиз. Ҳақиқий чойим бор, олма чой эмас. Авайлаб юрипман.

— Йўқ, янга, қиладиган ишларим бор, бора қолай.

— Ихтиёрингиз, Тўхтасин ака...

— Анову қийиқчада зогора, кўкат сомса, пиширилган думбул бор, эсингиздан чиқиб қолмасин-а, янга.

— Бекор овора бўлибсиз, Тўхтасин ака, — деди Ойниса тортиниб. — Тугунимда ейдиган нарса бор, сиз қийиқчани ола кетинг, Тўхтасин ака, болалар ейишар.

— Болаларнинг тегиши бўлак, — деди Тўхтасин ака бирикки қадам эшик томон жилиб. — Бўпти, мен борай.

— Тўхтасин ака, хўжайинингизга раҳмат айтиб қўйинг, — деди Ойниса аравакашни кузата туриб. — Мен тинчман, жойлашиб олдим, хавотир тортмасин.

— Хўп, — дея қамчин ушлаган қўлини кўксига қўйиб Тўхтасин ака кўчага чиқиб кетди. Ойниса дарвозани ёпиб, занжир осди, елкасидан тоғ қулагандек бўлди, этигини ечиб, ялангоёқ ирғишлагиси келди, аммо вошиллаб ёнаётган примусни эслаб, хужрага ошиқди, мис чойнақда ҳовуздан сув келтириб, оловга қўйди...

Ойниса аллақандай товушдан уйғониб кетди, қаердалигини англай олмай, пича серрайиб ўтирди, атрофига аланглади. Ёнида қизи ухлаб ётар, дастурхон йиғиштирилмаган, хужранинг ичи нимқоронғи, панжара туйнукдан тушаётган куёш нури нариги деворда аниқ жимжимадор ёлқин ҳосил қилган гардишда сарғиш ўргимчак жим турар, яққол кўринар, ин толаси йилтирар эди.

Тақ-тақ яна қайтарилди, йўлак гумбази остида бу товуш акс-садо бериб, ҳаммомдан чиққандек туюлди. Ойниса сапчиб ўрнидан турди, икки табақали эшикни очиб юборди, кавушини оёғига илиб, ташқарига отилди. Эшикни кимдир яна қокди.

— Ҳозир! — деди Ойниса, йўлакай қаерда нима борлигини эслай-эслай.

— Ким?

— Мен, Тўхтасинман, — деган аравакашнинг овози дарвоза ортидан эшитилди.

Ойниса шарақлатиб занжирни олиб ташлади, дарвоза қанотини очди. Қўлида челак билан Тўхтасин ака турарди.

— Анча тақиллатдингизми, Тўхтасин ака? — деди Ойниса тўзғиган сочини силаб. — Кўзим кетиб қопти.

— Мана, — дея Тўхтасин ака челакни узатди.

— Раҳмат, Тўхтасин ака, — деди Ойниса челакни олиб ва одоб йўлига: — Киринг, — дея четланди.

— Примусга гугурт чидамайди, — деди Тўхтасин ака жойидан жилмай. — Бу ерларда гугурт танқис, мана, битта кути топиб келдим. Кейинчалик ўчоқ қуриб бераман, қўрида чўғ ўчмайди, ўт олдирса бўлади. Ҳозирча шуни ишлатиб турарсиз.

— Раҳмат Тўхтасин ака, — дея Ойниса гугуртни олиб ичини очиб кўрди.

— Зиқналик қияпти, десангиз ҳам айтай янга, аввал биттасини ёкиб олинг, ё чирокни, ё примусни. Биттаси ёниб турса, бошқасигаям ярайди.

— Хўп бўлади, — деди Ойниса, бунақа тежамкорликни қилавериш, ўрганиб кетган бўлса-да.

— Раис Аравонга кетипти. Балки бугун сиздан хабар ололмас. Ҳойнаҳой тунда қайтади. Одамларимиз пичан ўроғида, шунга кетган.

— Майли, зарари йўқ, Тўхтасин ака, — деди Ойниса негадир ўнғайсизланиб. — Айтиб қўйинг, мен тинчман, бу ерга келиб ўтирмасин...

Ҳақиқатдан Ойниса бу ерга келганидан бери Қаюмжон нималарнидир истихола қилиб, бир марта ҳам хабар олмади. Тўғрироғи, бир марта келди, у ҳам бўлса, мактабнинг ишлари билан. Мансур ака билан гаплашди, йўл устида Ойниса билан кўришди, ҳол-аҳвол сўради.

— Синглимиз шу жойнинг мутасаддиси бўлиб қолди, — деди мактаб директори гапга аралашиб. — Ҳам йиғиштириш, ҳам қоровуллик, дегандек. Жиччагина рўзғор ҳам бор, баъзан чорпоёда ўтириб чой-пой ҳам ичиб турамиз.

— Умуман дуруст, — деди Ойниса миннатдорчилигини билдириш мақсадида. — Ҳамма нарса бир жойда — ишим ҳам, уйим ҳам. Қизим қаровсиз қолмайди. Сизларга раҳмат, анову дўзахдан кутқардинглар. Эртага туманга бориб, милицияга кўриниш бериб келмоқчиман.

— Милиция шу ердаям бор, — деди Қаюмжон. — Айтиб қўямиз. Шунга учраб турсангиз ҳам ҳисобга ўтаверади.

— Яхши бўларди, — деди Ойниса севиниб.

— Қийналмаяпсизми? — сўради Қаюмжон ўзини лоқайд тутишга уриниб. — Иш оғир эмасми?

— Синфларни тозалаб чиқаман, икки марта ҳовлини шипираман, сув сепаман, қоровуллик қиламан, ишим шу, қийин эмас, — деди Ойниса қўлини ёқасидан олмай ва пилдиллаб ҳовуз бўйига кетаётган Жамилани кўриб, у томон чопди, қизчани қўлига олди.

Мактаб директори Қаюмжонга нимадир деди, Қаюмжон бош ирғаб, маъқул ишорасини қилди.

— Бир ҳафтадан кейин таътил бошланади, — деди Мансур ака, Ойниса қайтиб боргач. — Жимжит бўлиб қолади, иш ҳам камаяди.

— Иш камаяр экан, — дея тортиниб гап қотди Ойниса. — Агар рухсат олиб берсангизлар, Тошкентга бориб келардим. Ҳовлимиз қаровсиз қолиб кетган. Нима бўлдийкин? Қизимнинг дадасидан ҳам анчадан бери хат-хабар йўқ. Балки хатлар йиғилиб ётгандир.

— Иложи топилар, — деди Қаюмжон далда бериб. Домла ижозат берсалар, рухсат олиш қийин эмас.

— Ижозат берамиз албатта, — деди Мансур ака.

Икки кундан сўнг Тўхтасин ака билан бир чол аравада поя келтириб, ҳовузнинг атрофига ихота ўрнатиб кетишди. Энди Ойниса қизидан хавотир бўлмай, юмушларини бажараверади. Таътил кунлари бошланиб қолса ташвиш ҳам, иш ҳам камаяди, балки Ойниса беш-ўн жуфт бачкана тикишга улгуради, кўлига пича пул тушса, Шўртепага бориб, онаси қабрини супуриб-сидириб, тиловат қилиб келади, ис чиқаради. Қишлоқ совети Ойниса билан қизига иккита нон паттасини берган, бироқ Ўқчига нон келмайди. Марҳаматдан бориб олиш керак. Марҳамат олис, нон дўкони эрталаб очилади, улгуриб бориш учун кечаси йўлга чиқиш керак. Ойниса атиги уч марта нонга бориб келди, неча кунлиги куйиб кетди, тўртинчи марта борганида, патталарини дўкончининг ўзига сотди-қўйди, пулига ярим халта ун, бир шиша ёғ олиб қайтди. Атала, угра, чапати тайёрлашга қулай таом, бирпасда пишади. Мактаб тўлайдиган маошга кун кўриб бўлмайди. Унинг устига Ўқчида бозор ҳам йўқ, аҳоли томорқада етиштирилган нарса ҳисобига яшайди, олди-сотдини туманга бориб қилиб келади. Мош, гуруч, ҳатто тузни ҳам Ойниса тумандан олиб келиши ёки ўша томонга кетаётган биронта одамдан илтимос қилиши керак. Яхшиям Қаюмжон боракан, Тўхтасин акадан ўша ул-бул юбориб туради. Албатта, Ойниса ҳар гал мулзам бўлади, бироқ иложи қанча, олмаслик мумкин эмас, тортина-тортина олади. Тўхтасин ака бир четга ўчоқ қуриб, қозонча ўрнатиб берган, кўрга кўмилган тезак доим сасиб туради, гугурт билан керосинга унча эҳтиёж ҳам йўқ, кўр четига қўйилган кумфонда доим қайноқ сув бўлади, Мансур ака сўраб қолса, дарров Ойниса чой дамлаб беради. Малол келмаслиги учун Мансур ака қоғозга ўроғлиқ ярим ҳовуч чой ҳам бериб қўяди.

— Ойнисахон, — деди бир ўқитувчи аёл мактаб айвоинини супураётган Ойниса олдида тўхтаб. — Почтада хат боракан, бориб олармишсиз. Фамилиянгиз Ёқубовами?

— Ҳа! — деди Ойниса севинчдан кўзлари чакнаб. — Ёқубова! Хайрият-ей! Шу хатни кутавериб кўзларим тўрт бўлди. Кимданикин! Шамси холаданмикин, ё қизимнинг дадасиданмикин? Жамила! — чақирди Ойниса, ҳовлида ер чизиб ўйнаётган қизини ва уст-бошини қоқиб, аёлга қаради. — Опа, сиз Жамилага қараб тура оласизми, мен гизиллаб бориб келардим.

— Почтани биларсиз, ҳаммомнинг ёнида, кўримсизгина бостирма.

— Биламан, опа, бир марта бориб, суриштириб келганман.

— Майли, югуринг, мен қизингизга қараб тураман, — деди ўқитувчи аёл ва айвоннинг четига ўтирди.

— Раҳмат, опажон, — деди Ойниса қувончини ичига сиғдира олмай.

Аммо бир оз вақт ўтгач, Ойниса қайтиб келди ва мактаб томонга ўтмай, ҳужрасига кириб кетди. Дарвозахона нарироқда бўлгани учун ўқитувчи аёл Ойнисанинг қиёфасини кўра олмади, лип этиб ўтганини пайқади, холос. Онасини кўрган Жамила, пилдираб ҳужра томон югурди, бироқ икки табақали дарча ичидан берк эди, қизча рингший бошлади, рингшиши йиғига айланди. Ўқитувчи аёл ана чиқар, мана чиқар деб, яна бирпас ўтирди, негадир Ойниса, қизининг йиғисига ҳам эътибор бермади, дарча хадеганда очилавермади. Ўқитувчи аёл хавотирда ҳужра томон яқинлашди, дарчани итариб кўрди, дарча ҳақиқатан ичидан занжирланган, Жамиланинг йиғиси баттар авжига чиқар эди. Ўқитувчи аёл қизчани кўлига кўтариб, дарчани қокди.

— Ойнисахон, — деди ўқитувчи аёл ноқулай аҳволда. — Нима гап, синглим? Нега мунақа қиласиз? Очинг эшикни.

Ичкаридан ҳеч қанақа шарпа эшитилмас эди. Ўқитувчи аёл хавотирлана бошлади. Шўрим курсин, деб ўйлади у, юраги така-пука бўлиб, бирон ножўя иш қилиб қўймасин тагин. Боласи қўлимда, одамларга нима дейман? Ёки дарди-парди тутиб қолган бўлса, балки кўрсатишни хоҳламаётгандир.

Ўқитувчи аёл дарчани қаттиқроқ тақиллатди.

— Ойнисахон! — овозини кўтариб, талабчан оҳангда чақирди ўқитувчи аёл. — Очинг эшикни! Бўлмаса, одам қақираман.

— Ҳозир, — деган Ойнисанинг бўғиқ товуши эшитилди ва бир неча дақиқа ўтгач занжир шақирлади, дарча очилди. Ойнисанинг кўзлари қизарган, лаблари шишган, нам

киприклари қапишган эди. Ойниса ўқитувчи аёл олдида ўзини бир оз тетик кўрсатиш мақсадида хиёл чехрасини очишга унади, бироқ тушкун руҳи иродасига бўйсунмади.

Жамила онасига ташланиб, бўйнидан қучоқлаб олди.

— Нима гап, Ойнисахон? Ёмон хабарми?

— Қорахат экан, — энтиқиш аралаш хўрсиниб деди Ойниса ва Жамилани ерга қўйиб, ҳовуз бўйига борди, юзини чайди, бағаздаги сочиққа артинди, боласини бағрига босиб, чорпояга бориб ўтирди. Ўқитувчи аёл ҳам чорпоя четига омонат ўтирди.

— Шўрлик йигит, — деди ўқитувчи аёл ачиниб. — Ажал ўлгур бунгаям чанг сопти-да... Қачон қазо қипти?

— Бир ойдан ошипти, — деди Ойниса қарахт ҳолда. — Ҳаётда битта илинжим шу эди, энди бунданам жудо бўпман.

— Пешона, синглим, худо тўзим берсин, иродали бўлинг, — деди ўқитувчи аёл кўз қирини рўмоли учи билан артиб. Вазият гап кўтармас эди, улар бирмунча вақт сассиз ўтиришди. — Юринг бизникига, — деди ўқитувчи аёл ниҳоят. — Бугун бу ерда ёлғиз қолишингиз керакмас. Бирон ҳафта бизникида бўлинг, болаларим билан алаҳсийсиз, ғам чалғийди. Туринг.

— Йўқ, опа, уйингизга мотам олиб кираманми?

— Аламингиз билан ёлғиз қоврилиб ётаверасизми, синглим? Йўқ. Касалга чалиниб қоласиз. Биронта ҳамдарад бўлса ҳам майли эди. Юринг.

— Йўқ, опа, — деди Ойниса эътироз билдириб. — Юрагимга ҳеч нарса сиғмайди. Хафа бўлманг, опа, холи қолишим керак.

— Мачитни қаранг, Ойнисахон, ҳайҳотдай, ютаман, дейди.

— Ўрганиб кетганман, опа, — деди Ойниса пичирлаб. — Шаҳардаги ҳовлимизда ҳам қизчам билан ёлғиз эдик.

— Ҳа, энди, у ўз ҳовлингиз бўлган-да.

— Униям тортиб олишипти, — деди Ойниса ҳеч қандай хиссиёт ифода қилмай. — Тамаки цехи қилишибди. Энди азани қаерда очаркинман, ҳайронман.

— Ҳозир азани ўйламанг, Ойнисахон, — деди ўқитувчи аёл. — Сиз ҳозир ўзингизни ўйланг. Биронта дардга чалинсангиз, болангизга қийин бўлади. Мен Мансур акага бориб учрайман, ўқитувчиларга хабар қиламан, сизни ёлғиз қўймаймиз...

Масъуд фронтга жўнатишлари тўғрисида бир-икки марта мурожаат қилган эди, фавқулодда, уни Штабга чақиртиришиб, расмий рухсат беришди. Масъуд яссиоёқлиги учун фронтга кетишдан аллақачон умид узиб қўйган эди, аввалига суюниб кетди, ҳатто эсанкираб қолди. Шунча йиллар мобайнида мактабни бирга тугатган ўртоқлари олдида мулзам бўлиб юрарди, мана энди ниҳоят бу бошқалар қатори жангда қатнашади, ўз ҳиссасини қўшади, фронтдан юзи ёруғ бўлиб қайтади. Тўғри, уруш охирлаб қолган, нечта жангга кириш Масъудга насиб қилиши номаълум, аммо майли-да, лоақал битта жангда қатнашса ҳам. Бироқ...

...Бироқ бу ёғи нима бўлади? Ахир Захрога бир қоп ваъдалар берган, унинг тақдири нима кечади? «Урушга кетаркансан, нима қилардинг, қўйнимни пуч ёнроққа тўлдириб, қалбимга ўт ёқиб, дилимни алғов-далғов қилиб?» демайдими? Масъуд ҳатто таниш офицерга ён-атрофидан ижара ахтариб кўришни, агар ижара топилса, кичиккина маросим ўтказиб, уйланиш ниятини айтган. Демак, бу режаларнинг бари чиппакка чиқар экан-да? Заҳрони-ку, Масъуд бир амаллаб кўндиради. Захро кўнмаганида ҳам иложи қанча, армия хизмати бу ёқдаги режалари билан ҳисоблашмайди, ярим йил, бир йил ҳаш-паш дегунча ўтади-кетди, Захро кутса бўлгани. Аммо кутармикин? Ҳозир ким кўп, урушдан ярадор бўлиб қайтаётганлар кўп. Биронтаси қизнинг миясини чалғитиб, уйланиб олса, тамом, ҳамма ниятлар барбод бўлади. Уруш — уруш-да, эсон-омон қайтиб келаман, деб ким кафолат бера олади? «Узоқдаги қуйруқдан, яқиндаги ўпка афзал» қабилида иш тутса, вассалом. Энди, албатта, фронтга жўнашдан Масъуд бўйинтовлай олмайди, бебурд бўлиб чиқади. Шунча пайтдан бери жўнатишлар, деб мурожаат қилиб юрган Масъуд энди ижозат текканда, йўқ деса, командирлари нима дейди? «Хўжакурсинга» ховриққан экан, жипириқ дейди, бирон штраф батальонига жўнатиб юборади. Фронтдан жанг қилиб медаллар билан қайтганими ёки штраф батальонига ипириқ бўлиб, пастқам кўчалардан шумшайиб кириб келгани афзалми? Фронт афзал, албатта! Агар сал ярадор бўлиб қайтса, янада яхши, таниш-билишлари, синфдошлари олдида юзи ёруғ бўлади, ҳар кўрганда хижолат тортмайди. Ахир Штаб қошидалиги армия хизмати ҳисобланса-да, отаси жойлаб қўйганини ҳаммалари билишади, қайтага умуман ҳарбийга чақирилмагани маъқул эди, чунки Штаб қошида қолиши хатардан четроқ бўлишдан бошқа гап эмас.

Масъуд кадрлар бўлимига кирди ва кетиш кунини билиб чикди.

— Янги чақирик, — дейишди бўлимдагилар. — Бир эшелон. Ротани бошқариб кетасиз. Етиб борилган жойда қурол-аслаҳа берилади. Таом — қуруқ паёк. Қочоқларни тутиб вокзал ҳарбий комендатурасига топширасиз. Бўйсунмаганини... ўзингиз тушунасиз.

— Қаергача борамиз? — бир оз хаяжонда сўради Масъуд.

— Бунақа маълумот берилмайди, — деди капитан жиддий тусда.

— Тўртта қуролланган соқчи қўл остингизда бўлади, — деди капитан туркини бузмай. — Вагоннинг боши ва охирида туришади. Иккитаси кундузи, иккитаси кечаси навбатда бўлади. Станцияларда ҳожат сўраганларни конвой билан олиб бориб келиш керак. Интизом қаттиқ. Бузсангиз — трибунал. Кетишингиздан аввал қурол билан инструктаж беришади. Тушунарлими?

Худди шундай, ўртоқ капитан!

— Бўшсиз, — деди капитан ва сал юмшаб, қўшиб қўйди: — Уйингиздагилар билан хайрлашиб келишингиз мумкин. Соат 18 дан кеч қолманг, горнизонда бўлинг, чақириб қолишлари мумкин. Кузатиш учун ҳеч кимкелмасин.

— Есть! — дея Масъуд ўнг қўлини чаккасига қадади.

Масъуд фронтдан қолдирилишига отаси сабабкор эканини аниқ билмаса-да, тусмол қилиб юрарди, энди шубҳаси қолмади. Нега бўлмаса, яссиоёқлигини эндиликда инобатга олишмади? Тўғри, урушга яроқли одамларнинг кўпи ҳалок бўлди, қанчадан-қанчаси яраланиб қайтди, шунинг учундир, ҳозирда ёшларни техникумлардан, ҳатто ёши етиб қолганларини тўққизинчи-ўнинчи синфлардан ҳам олиб кетишмоқда, балки бунақа тигиз вазиятда унча-мунча жисмоний нуқсонларга аҳамият беришмаётгандир? Ахир Масъуднинг ўзи Штаб хизматида, касали жиддий бўлмаган ёшларни ҳарбий ишларга жалб қилавериш мумкин, деган махфий қарордан хабари бор, шунинг учун ҳам фронтга жўнатишларини илтимос қилиб, бир неча бор мурожаат қилган. Энди энг муҳими отаси, агар ўғлини фронтга юборишаётганини билиб қолса, албатта ҳаракатга тушади, Масъудни олиб қолиш учун чора ахтаради, офицерлар орасида танишлари бор, уддасидан чиқади ҳам. Отаси чора кўрмаслиги учун Масъуд қанақа йўл тутсин экан? Нима тадбир қўлласа, отаси кўникиши, иложи бўлса, ок фотиҳа билан кузатиб қўйиши мумкин? Масъуд бугун

албатта уйига боради, албатта фронтга кетаётганини айтади, албатта дод-вой кўтарилади, Масъуд уйдагиларини юпатишга ҳаракат қилади; уруш охирлаб қолди, хавф у қадар кўп эмас, борса, юзи ёруғ бўлиб қайтишини ва бу мақсади йўлида ров бўлмасликларини, яхшиликка кузатиб қолишларини сўрайди, ўтинади, кор қилмаса, ўжарликка ўтади, ўртоқлари олдида кейинчалик қандоқ бош кўтариб юришини айтади. Улар албатта осонликча рози бўлишмайди, ҳатто Заҳрога уйланишига ҳам қарши эмасликларини рўқач қилишади. Бу баҳона ҳам натижа бермагач, отаси извошини кўштиради, ишни бартараф қилиш учун шартга қаёққадир жўнаб қолади, албатта, мақсадини амалга ошириб келади. Эртасига капитан буйруқ бекор қилинганини, яссиоёқлиги эсдан чиққанини айтади, Масъуд беҳуда маъраган бузукдек қолаверади, ана ундан кейин зуғум бошланади, отаси нимани маъкул кўрса, Масъуд унинг мақомига йўрғалашга мажбур бўлади.

Фронтга кетиш ҳам амалга ошмайди, Заҳрога уйланиш ҳам таҳлика остида қолади. Нима қилсин, Масъуд? Борди-ю, уйдагиларга айтмасдан фронтга жўнаворса бўлмайдими? Ҳа, нима экан! Онаси бир-икки кун йиғлаб сиқтайди, кейин тақдирга тан беради. Отаси ҳам аввалига жиғи-бийрон бўлади, кейинчалик у ҳам кўникиб кетади. Йўқ, индамай кетавериш инсофдан эмас. Бу тошбағирлик, сотқинлик! Бу жудоликни, кулфатни онаси кўтара олмайди. Уруш — урушда, касофат оёқ остида, Масъуд бирон фалокатга дучор бўлса, онаси куйиб кетади. Нима бўлмасин, Масъуд уйга бориши, вазиятни ётиғи билан тушунтириши, бир амаллаб уларнинг розилигини олиб кетиши керак, акс ҳолда ўзи ҳамизтиробдан чиқмай юради.

Фронтга жўнаш жиддий масала, шунинг учун гапини отасидан бошлаши лозим. Отаси вазмин, кўпни кўрган, мулоҳазали одам, онаси унинг измида, отаси нима демасин, гапини икки қилмайди; масалани ўзаро ҳал қилишса, сих ҳам куймайди, кабоб ҳам...

— Албатта, кўз остимизда юрсанг, кўнглимиз тўқ бўларди, — деди Муродхўжа ака ўғлининг хабарини биринчи марта эшитаётгандек унинг мулоҳазаларини диққат билан тинглаб. — Эл бошига тушган ташвиш. Шундай кезде четда қолиш инсофдан эмас, ўғлим. Уруш бўлмаганида, халқ шунча жабр кўрмасди. Сен шу халқнинг бирисан, ўғлим. Бошига тушган маломатни бирга баҳам кўришинг керак. Сен энди ёш бола эмассан, ўғлим, ҳар бир ҳаракатинг учун ўзинг жавобгарсан. Шу қарорга борибсанми, демак, бу —

виждонинг амри. Биз нимаям дердик, ўғлим, қўлимиздан келгани эртаю кеч саломатлигинг ҳақида дуо қилиш, худодан нажот тилаш, йўлингга кўз тикиш...

Жанжал бўлишини кутган Масъуд отасининг бу қадар мулоҳазали фикрларини эшитиб, ўз қулоғига ишонмади, қотиб қолди. «Эҳ, мен аҳмоқ, — зўр ҳаяжонда ўйлади Масъуд. — Мен адамни ўта туллак, жоҳил деб юрардим, бу одам нақадар олижаноб экан. Ахир мен ягона ўғлиман-а, шунда ҳам худбинлик қилмади, эътиқодини юксак қўйди! Шунақа отанинг юзини ерга қаратиб бўладими?! Агар эсон-омон қайтсам, бошимга кўтараман, эъозлайман, оғзидан чиққанини бажо келтираман!..»

Ота-бола пича суҳбат қуриб ўтиришгач, Гулсум опани чақиртиришди. Муродхўжа ака ўғлининг қарорини ва ўзи ҳам розилигини хотинига айтди. Икки кун аввал эри томонидан бу ҳақда огоҳлантирилган ва бу хабарга кўника бошлаган Гулсум опа номига кўз ёш қилган бўлди, дод-вой солмади. Бу нарса ҳам Масъудни бир оз таажжублантирди. Балки фронтга жўнатилиши хабари Ҳошимжоннинг қулоғига чалинган бўлса, у дарров келиб адасига етказган, адаси вазиятга бўйсунуш кераклигини англаб, ойисига таъсир кўрсатган, деб ўйлади Масъуд. Боя Масъуд ниятини фош қилганида адаси учун бу хабар тасодиф бўлиб туюлмади, чоғи, шунгадир балки, адаси сапчиб тушгани ҳам йўқ, сиполик билан ўғлининг мулоҳазаларини эшитиб ўтирди, тезгина розилигини билдирди.

Кейин овқат келтиришди, Масъуд апил-тапил тамадди қилди, рухсат муҳлати тугаётганини айтиб, кўзгалди, эртасига жўнаш вақти аниқ бўлганида, яна келиб, хайрлашиб кетишга ваъда берди, кўчага жадал чиқиб кетди ва нариги маҳалла томон бурилди, кўчада ўйнаб юрган болаларга бир парча хат ёзиб, Заҳроникига жўнатди, вақт зик бўлгани сабабли, қайрилиб гарнизонига кетди. Кеч қолиши мутлақо мумкин эмас, агар уни қидиришган бўлишса, кўнгилсиз ҳол юз бериши эҳтимоли бор эди. Масъуд гарнизонга ўн минутча кечикиб келди, аммо хужжатини текширган соқчи бунга эътибор бермай, уни ичкарига киргазиб юборди. Гарнизондаги офицер ва солдатлар, кадрлар бўлими уни ахтарди, демади, демак, ҳали гал келмаган бўлиши мумкин, деган хаёл билан Масъуд тинчланди ва Заҳрони кута бошлади. Ишқилиб, бояги бола қоғозни олиб борганида Заҳро уйда бўлсин. Масъуд хатида вазиятни тушунтирган, Заҳро ҳали-замон келиб қолиши керак. Ичкарига кираётганида Масъуд соқчига тайинлаган, Заҳро келиши билан соқчи биронта солдатни

киритади, Масъуд зудлик билан у ёкка чиқади, хамма гапни Захрога айтади; бурчим, дейди Масъуд қизнинг майин қўлини кафтлари орасига олиб; шунча пайтлардан буён ижозат сўраб келардим, мана, ниҳоят мақсадга эришадиган пайтим келди. Сизни яхши кўраман, унутмайман, номингизни атаб жангга кираман, омон бўлсам, келиб тўй қиламиз, муродимизга етамиз, фақат кутсангиз бас, дейди. Захро йиғлайди, кутаман, деб ваъда беради. Бундай кезларда қизларнинг кўнгли бўш бўлади, Масъуд уни кучади, ўпади, ахду паймон қилишади.

Бироқ Захро шу куни келмади. Масъуд эрталабгача ухламай, тўлганиб чиқди. Ота-онаси билан хайрлашиб келишга капитан кеча ваъда берган эди, кун ярим бўлганида, Масъуд рухсат олиб, эски шаҳарга ошиқди, аввало Захронинг уйига кириб борди, аммо у ерда ёш болалик жувондан бошқа ҳеч ким йўқ эди, тайин жавоб ола олмай, чиқиб кетди. Тарвузи қўлтиғидан тушиб, уйига кириб борди. Отаси ишдан қайтмаган экан, улар келишини кутди. Масъуднинг таъби хира, кечаги кўтаринкилигидан асар ҳам қолмаган, аллақандай асабий ва бетоқат кўринар эди. Гулсум опа ўғлининг бундай ҳолатини нимага йўйишни билмай, таажжубланди, бироқ кетар олдидан вазиятни кескинлаштирмаслик учун индамай қўя қолди. Муродхўжа ака келгач оила аъзолари битта хонтахта атрофида тўпланишиб, овқатланишди; отаси билан онаси Масъудга йўл-йўриқ кўрсатишди, бехатар бўлишини тилаб, галма-гал дуо қилишди, Масъуд билан видолашиш пайтида йиғлашди, Масъуднинг ҳам ҳалқумига бир нарса қадалди; Муқаддас билан хайрлаша туриб, унинг қулоғига Захро ҳақида нималардир деди, Муқаддас йиғи аралаш бош ирғади, мавҳум ваъда берди.

— Мени кузатгани чиқманглар. Ярим тунда жўнаймиз, вақти тайин эмас, овора бўласизлар, — дея Масъуд йўлакка ошиқди. — Ҳошимжон ўшатта учраса, хайрлашаман, балки у кузатиб қўяр, кетганимни ҳам сизларга келиб айтади...

Ҳарбий интизомга қарамай Тошкент вокзали тўс-тўполон эди. Четдан қараганда прожекторлар нурида гала-гала бўлиб юрган ўспиринлар бир-бирларига туртинишар, взвод командири ортидан гур этиб уёкка, гур этиб буёкка югуришар, тўзонда қолган подани эслатишар, ота-она, қариндош-уруғларнинг йиғи-сигиси ҳаммаёкни тутган, қий-чув эди.

Масъуд ўзига топширилган рота ва тўртта куролли соқчи билан навбатдаги буйруқни кутар, бежо назар

билан Ҳошимжонни ахтарар, келиб қолса, Захро ҳақидаги хавотирини айтиш ниятида эди. Ҳошимжон зийрак йигит, балки Захрони эргаштириб келса, ажаб эмас, деган умид Масъуднинг хаёлидан ўтди ва бу умид бажо бўлишини тусмол қилиб, зўр хаяжонда атрофга аланглади. Бирок на Ҳошимжон, на Захро кўринди.

33

Муродхўжа ака бир неча кун бурун Ҳошимжонга Ҳарбий комиссариатга бориб Масъуд хусусида гаплашганини ва яқин кунлар орасида ўгли фронтга жўнаш ҳақида расмий чақирик олиб қолиши мумкинлигини айтди. Сиртидан билдирмасида, Ҳошимжон бу хабарни мамнуният билан кутиб олди, қайнотасига ишлатган тадбири қор қилганидан ичида суюниб қўйди ва яна бир мулоҳазани ўртага ташлади. Бу мулоҳаза Захро билан алоқадор бўлиб, Ҳошимжонни безовта қила бошлаган ва олдини олиш учун тезроқ чора кўриши зарур эди. Фикрича Масъуд Захро билан қолган шу бир неча кун ичида яқиндан алоқа қилиши мумкин эди. Мумкин эмасдек бу тахмин Ҳошимжонга муқаррар туюлди. Шундай ношаръий алоқага борган қиз, шаллақилик қилишдан ҳам тоймайди, ўғлингиздан ҳомилалик бўлдим, уйланишни ваъда қилиб мени алдади, бошимни айлантирди, деб даъво, пўписа қилади, агар бўйида бўлмаса, биронта ютоқиб юрган йигитдан ҳомила орттиради, уйга келиб ўтириб олади, меросхўр туғиб беради, ҳақини талаб қилади. Шунинг учун Масъудни қизга йўлатмаслик керак, бир-биридан айириб қўйиш зарур. Бу иш, албатта, қайнотасининг қўлидан келади. Муродхўжа аканинг итдек вафодор югурдаклари қўп, имо қилса, баҳона топишади, айб қўйиб, гумдон қилишади. Модомики, Захро ўқимас экан, тайин иши ҳам йўқ экан. Ишламаган одам, унинг устига аёл бўлса, қанақа даромад ҳисобига кун кўради? Ота-онасиз, етим, бўйи етган қиз экан, мероси йўқ, демак, ё ўғрилиқ, ё фоҳишалик қилади. Бу йўсинда ҳаёт кечириш қонунга хилоф. Бунақанги райри-қонуний иш тутган кишиларга нисбатан мажбур чора қўлланади. Мана, айбнома ҳам тайёр.

Муродхўжа ака куёвининг зукколигига қойил қолди:

— Шунақа мулоҳазаларинг бор экан, — деди у афсус чекиб. — Нега илгарироқ айтмадинг? Масъудни фронтга жўнаттирмаган бўлардик.

— Мумкин эмас, ада, — деди Ҳошимжон, ўзини масаланинг моҳиятига етган кўрсатиб, — Масъудхўжа сезиб қоларди. Жазмани қамалса, қараб турмасди, чора кўрарди, ҳимоя қилган бўларди, жанжал кўтарарди. Унинг

устига, қиз ўғри ёки фоҳиша эмаслиги ўғлингизга аён, хийла очилиб қолса, масала мураккаблашади, икки ўртада ўзингиз ёмонотлиқ бўлиб қоласиз, Масъудхўжа тўнини тескари кийиб олади, сиздан ихлоси қайтади, ҳатто ашаддий душманга айланади.

— Тўғри, — деди Муродхўжа ака куёвининг далилларини эътироф этиб ва бир оз ўйланиб ўтиргач, маълум қарорга келиб, куёвига буюрди: — Маматга айт, Шукур мўйловни топиб келсин, айтамин, қонун қўлида, йўригини ўзи топади. Шукур мўйлов келгунича, сен овқатга унна, девзирадан ўз қўлинг билан битта ош яса, ўғлим, — деди мамнун бўлган Муродхўжа ака куёвини биринчи марта «ўғил» сўзи билан атаб. Ҳошимжоннинг кўнгли кўтарилди — қайнотасининг жилови қўлида, энди у Ҳошимжон чизиб берган йўлга юради, фақат бу тадбирларни мохирона амалга ошириши керак. Бугунги сиёсати яхши самара берди, катта омад деса ҳам бўлади — шундай зарбдор, бой, қўли ҳамма нарсага етадиган қайнотаси биринчи марта Ҳошимжонни «ўғлим», деди. Бу — ғалаба. Эндиликда жиловини шунақа тортиши керакки, бурилганини ўзи билмай қолсин.

34

Ғўза гуллаган палла. Ҳаво иссиқ, дим, барг кимираётмайди, сояда тоқат қилиш ҳам қийин. Шунга қарамай, ишга яроқли одамлар — хотин-халаж, таътилга чиққан болалар, чоллар томорқаларида овора. Аъзоларига колхоз деярли меҳнат ҳақи тўламайди, барча маҳсулотни — лалмидан тортиб пахтагача фронт эҳтиёжи баҳонасида ҳукумат фойдасига ўтказилади. Колхозда ишлаб бериш мажбурият, халқ асосан томорқасида етиштирилган ҳосил ҳисобига кун кўради. Қўлида кучи борлар фронтда, шунинг учун хут-ютдан тирик қолган нимжон, ўлакса қариялар гимираб етиштирган ҳосил баракали бўлмайди. Эрта баҳордан бошлаб даладан бери келмайдиган қиз-жувонлар пахта гуллагач, бирмунча томорқаларига қарашади, лалмидан чиққан сомонни лойга бўктириб, томсувоқ қилишади, нурай бошлаган уйларини ямаб-чаплаб, эпақага келтиришади, бозор-ўчар, болаларининг хатнасини ўтказиб олишади, чаноқ очилгач, жарчи шоввозлар уйма-уй юриб, ҳаммани далага ҳайдашади.

Қаюмжон сахар кетиб, тунда қайтади. Эртадан-кечгача отдан тушмайди, гоҳ у бригадага, гоҳ бу бригадага боради, ишнинг юришини кўради, иш яхши бўлса, одамларни мақтайди, кўнглини кўтаради, ёмон бўлса аямайди, исканжага олади, йўл-йўриқ кўрсатади, бир ярим

тоннали юк машинасига ўтириб районга боради, қурилиш ускуналари ундиради, МТСга кириб чала ишларини бажаради, қишлоғига қайтиб келиб, лампа мойчиروقнинг дудли нурида давра бўлиб ўтирган бригадалар билан келгуси кун юмушларини режалаб чиқади, хуфтондан кейин уйига кириб боради. Айвондаги чорпояда ухлаб қолган ўғилчасини кўзи ожизланиб қолган қари онаси чивиндан елпиб ўтирган бўлади, Қаюмжоннинг шарпасини эшитиб, ўрндан қўзғалади, дастурхонни очади, Қаюмжон отининг эгар-жабдуғини ечиб, ювиниб бўлгунича кампир пайпасланиб тувоқ остидаги косани олиб келиб қўяди. Ҳар куни шунақа. Яхшиям онаси бор экан, кўзи қувватсиз бўлиб қолганига қарамай, рўзғорда асқатиб турипти. Акс ҳолда олти яшар чала етим бола билан Қаюмжон нима қила оларди? Қариндош-уруғлари йўқки, қараб туришга берса. Хотинининг ота-онаси Аравонда, улар ҳам мункайиб қолишган, ўзлари қаровга муҳтож. Қайнсингиллари бор, албатта, бироқ уларнинг ҳам ўз болалари кўп, ўзларидан ортиб Қаюмжоннинг ўғилчасига қарашлари осон бўлмайди. Дарвоқе, Истамхоннинг вафотига ярим йил тўлди, қабри ўша ўзи туғилган жой — Аравонда. Қаюмжон бир неча марта ўғилчаси билан бориб, гўри тепасида тиловат қилди, қайнота-қайнонасида хабар олди...

Қаюмжоннинг онаси туртина-суртина яна чорпояга чиқиб, тушагига ўтирди, тасбех ўгира бошлади, Қаюмжон келиб ўтиргач, дуо қилишди, Қаюмжон овқат ейишга киришди, одати бўйича телпак остидаги чойнақдан пиёлага чой куйиб, хўплади.

— Алижон олтидан ошди, — деди онаси, Қаюмжонни ғира-шира кўриб. — Қўлини ҳалоллаб олсанг бўлармиди?

— Мактабга келаси йил боради, — деди Қаюмжон, қўлини сочикқа артиб. — Унгача бир гап бўлар.

— Тўй-ҳашам қиласанми, болам?

— Тўй-ҳашамнинг пайtimi, буви? Бор-йўғим келинингиз маъракаларига кетди. Тўйнинг ўзи бўладими? Дарагини эшитган одам келаверади, қандай етказаман? Шаҳар бўлса... бир нав эди, шаҳарда айтилмаган одам келмайди.

— Ахир колхозга раиссан, болам, қишлоқда обрўйнинг баланд, тўйни ими-жимиди ўтказсанг, одамлар нима дейди?

— Деяверсин одамлар, қарзим йўқ, — деди Қаюмжон андак ғижиниб. — Колхозга раис бўлсам, нима бўпти, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор.

— Мен омонатман, неча кунлигим бор, худо биледи, — бир оз жим ўтиргач, деди кампир. — Пўк этиб ўлиб

қолсам, яна чиқимдон бўласан, болам. Аза очсанг, бўлак маъракаларни ўтказа олмайсан. Тўй, деганим шундан.

— Яхши ният қилинг, буви, — деди Қаюмжон гарчи онасининг гапида мантиқ борлигини тан олса-да, юпатиш билан чекланиб.

— Ўлиб қолсам, боланг сарсон бўлади, ўзинг ҳам қийналиб қоласан. Ким қарайди Алижонга? Шуни ўйла, болам. Кўзим очиклигида ҳаракатингни қил, бирон-бир қизга уйлан. Тузукроқ, Алижонни чиқиштирадигани бўлсин.

— Онасининг ўлганига энди ярим йил тўлди, буви, азаликман, одамлар нима дейди?

— Мен ўлсам, икки азалик бўласан, тўй қила олмайсан, тириклигимда ўтказсанг, мен ҳам кўриб қоламан, гўримда тинч ётаман, — деди кампир ва ўғлига гапи қор қилмаётганини пайқаб, қўшиб қўйди. — Ярим йил ўтди, ёш болаликсан, ҳамма тушунади, айб қилмайди. Вақт ғанимат, кўз остингга олганинг бўлса, айт, совчи юбораман.

— Э, буви, шу нарса юракка сирадими? Ўзим нима ташвишда юрипман-у, сиз совчи, дейсиз. Истамхоннинг уйидагилари билиб қолишса, келиб дод-вой солишади.

— Солишмайди, — деди кампир қатъият билан. — Улар ҳам одам, ахволингни билишади. Вақт ғанимат, бўладиган ишни орқага ташлама. Тўй бир кунлик нарса, ўтади-кетади. Алижоннинг хатнасиниям қўшиб юборасан.

— Тўйга бало борми, буви, шу замонда? Хотини ўлган, болали киши бўлсам, одамлар жирттак чалишади.

— Ғаразгўй одам барибир жирттак чалаверади. Уларга қараб иш қиламан, десанг, чойинг қайномайди. «Ўйчи ўйлагунча, таваккалчи Бухорога етади». Кимникига совчи юборай?

— Сабр қила туринг, буви, қишлоқ оқсоқоллари бор, маслаҳат солай, бирон йўл кўрсатишар. Маслаҳатли ош куймайди.

— Тўғри, — деди кампир, ўғли ён боса бошлаганидан кўнгли тинчланиб. — Маслаҳат сол. Хурматини ўрнига қўйсанг, оқсоқоллар хурсанд бўлади, ўзлик-ўзи сени шошилтиради, ҳеч ким домангир бўлмайди. — Қаюмжоннинг онаси сукут қилди, сўнг ўз хавотирини ўғлининг онгига маҳкамроқ жо қилиш ниятида қўшиб қўйди: — Даданг билан аканг тез-тез тушимга кирадиган бўлиб қолди. Бу бир нарсанинг дараги, — деди кампир соддадиллик билан. — Акангни қамашган йил чаён йили эди.

— Чаён йили ҳам бўладими, буви? — сўради Қаюмжон, чунки «чаён йили» иборасини биринчи марта эшитиши эди.

Масалан, «сичқон йили», «маймун йили» деган йиллар бор, ҳар бир мучал ўн икки йилда айланишини ва рақамнинг фаркига бормайдиган одамлар шу мучал ҳисоби билан неча ёшга кирганларини билиб олишгани, бошқаларникини ҳам хатосиз айтиб берганларини эшитган.

— Аслида қуён йили, — деди кампир пинагини бузмай. — Чаён йили — қирон йили, деса ҳам бўлади. Ўша йили аввал акангни қамашди, кейин канал қазишда даданг ўлди. Жони узилаётиб, даданг, «чаён йили» девди. Нега мунақа деган, билолмадим ўшанда, даданг тилдан қолувди. Ё янглишган, ё атай шунақа деган. Бир маъно бор. Тегмасанг ҳам чаён чакаверади. Одати шунақа-да, — дея кампир яна жимиб қолди, кейин ўғли шу ҳақда тағин бир нарса сўрашини сезгандек: — Бу йил маймун йили, — деди. — Яхши йил.

— Нимаси яхши? — иримчи бўлмаса ҳам сўради Қаюмжон, чунки «яхши» дейилганда одам барибир яхши ният билан яшайди, ниманидир кутади, руҳи шодон бўлади.

— Ҳосил тўқин, маъмурчилик бўлади, — деди кампир ўғлининг назарича ҳамма нарсани чалкаштириб. Нега энди «маймун йили» маъмурчилик йили бўлиши керак? — деб ўйлади Қаюмжон. — Мантиғи ғалати. «Қўй йили», «От йили», «Товуқ йили» серҳосил дейилса ҳам сал ҳақиқатга яқин келарди, чунки қўй ҳам, от ҳам, товуқ ҳам ўт-ўлансиз, донсиз яшай олишмайди, уларнинг ризқи ҳосил, мўлкўлчилик билан боғлиқ, аммо «маймун йили?» — Сенинг мучалинг ҳам «маймун».

— Яхши йилда туғилган эканман, — деди Қаюмжоннинг таъби ёришиб. — Тўқчилик йили!

— «Маймун йили» ўлганлар, тўсатдан жон бериб ўлишади, — деди кампир Қамюжонни сескантириб. — Ҳеч кимга оғири тушмайди, ўлган ҳам қийналмайди. Мен шу йилдан қолмасам, деган умиддаман. Касалга чалинсам, сенга жабр бўлади. Хотининг билан қанча қийналдинг ахир.

— Э, буви, қўйсангиз-чи шунақа гапларни, — деди Қаюмжон гапни чалғитиш ниятида. — Кимим бор мени сиздан бўлак? Нукул ўлимни гапирасиз.

— Бу фарз, болам.

— Қўйинг ўшанақа фарзни.

— Тавба, де, болам. Ажал қош билан қовоқнинг ўртасида бўлади.

— Бўпти, — деди Қаюмжон таъби хиралашиб. — Ётаман. Эрта азонда уйғонишим керак. Намозга турганингизда жомни уришни унутманг.

— Ёта қол, болам. Ухла, дамингни ол, — деди кампир ўрнидан қўзғалмай. — Нега отинг безовта бўляпти, ем ташлаганмисан?

— Еми бор.

— Ит-пит киргандир.

Қаюмжон керишиб ва елкасини қашлаб, ўрнидан турди, отхона томон кетди.

Бу байтал колхозга қарашли бўлиб, қоронғида кўринмас, фақат кўзи қизғиш йилтирар, гарт-гурт беда кавшагани якқол эшитилар, думини чарсиллатиб биқинига ургангани Қаюмжон тусмол қилди, думининг учи хивичдек юз-кўзига тегиб кетишидан чўчиб, бир қўлини паналаб юзини тўсди, отга яқинлашиб тери қотган этини пайпаслади, сўна чакқан жойини топа олмади, кафти билан отнинг терисига пўк-пўк уриб, ташқарига чиқди.

Атрофи оқиш ғубор билан ўралган тўлин ой анча тепаланган, илиқ нур сочар, юлдузлар хира ва майда эди.

Қаюмжон аскарларнинг темир каравоти қўйилган ариқ лабига бориб, қўлини ювди. Сувнинг бети ой нурида жимирлар, акси Қаюмжоннинг юзига чўтир ёлқин ташлар, сезилар-сезилмас салқин урарди.

Қаюмжон ечиниб каравотга чўзилди, ёпинмади, чекиш эсига тушиб, яна ўрнидан турди, шимининг чўнтагидан тамаки олиб ўради, бир парча эговни тошга уриб чакнатиб, пиликни чўғлатди, тамакисини туташтириб, яна ётди, маза қилиб тутун тортди, онасининг насихатини ўйлади. Беихтиёр хаёлига Ойниса келди. Бечора жувон. Шу ёшида қанча маломатлар бошига тушмади. Отасини камадилар, тирикми-ўликми билмайди; ўттиз беш ёшли онасини бўйига етай деган қизи билан ўз уйидан ҳайдабдилар, мусофирликда жон берибди, ғури ёт-бегона жойларда қолиб кетибди; Ойниса эрга тегди, бола кўрди, энди рўшноликка чиқадиган пайтида уруш бошланди, эри фронтга кетди, ўғлини кута-кута қайнонаси дунёдан ўтди; Ойнисанинг ўзи йигирма тўрт соат ичида бадарға қилинди, қизчаси билан ухлаб тушига кирмаган жойларда дарбадар бўлиб юрипти. Шунча мусибат етмагандек, охириг илнжи эри, ундан ҳам жудо бўлди. Бундоқ олиб қараганда Қаюмжоннинг ҳам қисмати Ойнисаникига ўхшаб кетади. Бунинг ҳам акаси репрессияга учради, қанақадир уйдирма, фитна билан отиб ташлашди, ўша йили отаси Фарғона канали қурилишидан майиб бўлиб келди, ўша тунда жони узилди, ўзи фронтга кетди, яраланиб қайтди, хотини сил касалига учраб ўлиб кетди, онаси ногирон, неча кунлик умри қолган, худо билади, ўғли

Алижон чала етим. Бироқ ҳар қалай Қаюмжон — эркак киши, бардоши бор, алахсийди, чидайди. Аммо онаси ўлиб қолса, ҳақиқатда ўғилчаси билан қийналиб қолади; аза устига аза, Алижоннинг қисматини ўйлаш, янги турмуш куриш чорасини кўриш ноўрин бўлади. Шунинг учун онаси айтгандек, кўзи очиклигида бирон тadbир кўриб, оиласини тинчитиб олса, кейинги муаммоларнинг олдини олган бўларди. Аммо Қаюмжон азали, турмуш кўрган, болалик киши қай кўнгил билан биронта қизга одам қўяди, қанақа виждон билан тўй қилади? Ахир қиз бўлганидан кейин, унинг ҳам қандайдир орзулари бор, тўйсиз никоҳга ўтишни истармиди? Ойниса рози бўлиши мумкин. У ҳам турмуш кўрган, қизчаси бор, эри ҳалок бўлган, азали, тўйдан орият қилади. Фақат бу ҳақда ҳозир оғиз очиб бўлмайди, ҳали дарди янги, хафа бўлади. Шунинг билан бирга онаси ҳам омонат, тўсатдан ўлиб қолса, ҳамма нарса сурилиб кетади. Барибир сабр қилиш керак. Ойниса Шўртепага бориб, онасига ис чиқариш истагини айтган эди, майли, бориб келсин. Балки эрига ҳам ўшатта куръон бағишлар, кичик маърака очар. Ҳар қалай руҳлар олдида ўз вазифасини адо этиб, хийла кўнгли таскин топар, кўникиб қайтар. Албатта, вазият кўтарганда Қаюмжон Ойниса билан бирга борган бўларди, ёнида турарди, мадад бўларди, лекин онаси билан эрининг маъракасига нотаниш бир эркак билан кириб борса, одамларга эриш туюлади. Майли, ўзи бориб келсин, Қаюмжон юк машинага бир оз ун, гуруч, мош ташлаттириб қўяди, шофёрга тайинлайди, у ерда қарашиб-нетади. Ойнисанинг ёлғизлигини билдирмайди. Қайтиб келишгач, мактаб таъмири баҳонасида бир-икки марта у томонга Қаюмжоннинг йўли тушади, чунки таъмирлаш билан боғлиқ мактабнинг ташвишлари колхознинг зиммасида. Унгача бир-икки ой вақт ўтади, ҳар кунги юмуш билан овора бўлиб, қуйиниш бир оз эскиради, Ойнисанинг руҳи ҳам енгиллашиб қолади. Ана унда вазият кўтарса, Қаюмжоннинг ўзи гап очади ёки Мансур акани ўртага қўяди, Ойниса розиликка майл билдирса, никоҳ ўқиттиради, ЗАГСдан ўтишади, уйига кўчириб ўтади. Ахир бечора Ойнисанинг ўзи ёлғиз, танҳолик азоби унинг ҳам жон-жонидан ўтгандир, у ҳам турмушини бир маромга солиш ниятида юргандир. Рози бўлса тузук, рад қилса, майли, тақдир бўлак бирон-бир тadbир кўрсатар...

Икки ҳафта бурун бўлган учрашувда Масъуд Захрога қарори қатъийлигини ва ота-онасини унатишга кўзи ета-жагини айтди, бироқ майор билан алоқа қилиб қўйган Захро сири очилишидан ҳайиқиб, бошқа баҳона рўкач қилди.

— Ота-онангиз рози бўлганида ҳам, барибир охири кўнгилсиз тугайди, — деди Захро. — Менинг ҳеч вақоим йўқ. Бисотда бориниям сотиб еганмиз. Сепсиз келин чўридек бўлади. Сўппайиб уйингизга қандай кириб бораман?

— Ҳозир ҳамманинг аҳволи шу, — деди Масъуд ўжарлик қилиб. — Ўзига тўқ, кам-кўстсиз оила бутун Тошкентдан чиқса юзта-икки юзта чиқади. Камбағаллик айбми? Уруш бошланмаганда ҳамманинг турмуш тарзи бошқача бўларди. Ўйламанг.

Масъуд Захрони Хадрагача кузатиб борди, трамвай қайрилиб кетадиган охирги бекатда тўхтади ва бир кунига яратиш умидида йиғиб юрган бир даста пулни қизга тутди:

— Қўлимни қайтарманг, — деди Масъуд, пулни қизнинг ховучига суқиб. Қиз таажжуб ҳолда орқасига чекинди. — «Сўппайиб кирмаслик» учун ўз ихтиёрингизга қараб ул-бул нарса оларсиз, — дея Масъуд қизни айниб қолишидан гумонсираб трамвай томон югуриб кетди. Захро ховучидаги пул билан жойида қаққайиб қолди.

Захро Масъуднинг ёрдамини мунтазам олиб турса-да, бозорга лавлаги пишириб чиқиш машғулотини ташламаган, шунинг учун ўзида ҳам унча-мунча маблағ йиғилиб қолган эди. Масъуднинг бергани қўшилиб кўзга кўринарли сармоя бўлди. «Пешонага ёзилгани шу экан, — тақдирга тан бериб ўйлади Захро худди улғайиб қолгандек, — рўйи-азалдан худойим шуни битган экан, минг гап берсин, ўзгартириш бандасининг қўлидан келмайди, майли, ўзимни тақдирга қўйиб бераман. Агар буёғи кўнгилсиз бўлиб чиқса ҳам, начора, демак, кўргилик, қисматим шунақа экан».

Бир оз пул бор, энди нима харид қилишни ўйлаш керак. Энг зарури: кўйлак-лозим, оқ шойи попукли рўмол, келин саломга чиққанида шойи рўмолсиз бўлмайди. Яна бир нечта сочик, чойшаб, чойнак-пиёла, коса-лаган ва албатта куёв учун Чуст дўпписи, рўмолча, белбоғ, агар пул ортиб қолса, амиркон кавуш-махси ҳамда, — қани энди етина олса! — Бир жуфт тилла зирак харид қилган бўларди. Умуман тилла буюмлар ҳозир унча қиммат эмас, муҳтож одамлар арзонгаров бериб кетишмоқда. Анову кунни ўз кўзи билан кўрди: аллақандай жувон бир шода марваридини еттита нонга

айирбошлаб кетди. Қани энди омади чопса, Захрога ҳам тузукроқ нарса учраб қолиши мумкин. Албатта, қайнонасига бир жўра атлас, қайнонасига чопон қилса яхши бўларди, Захрога бошқачароқ қарашарди, бироқ қўли калта, чўрига ўхшаб, писсайиб кун ўтказди, бошқа иложи йўқ. Ёки ўзига харид қилинадиган нарсалардан тежаб, қайнота-қайнонага ишлатгани маъкул эмасми? Ҳар қалай уларнинг обрўйи, замон оғир, қадрига етишади. Ўзи бўлса нима, кейинчалик ҳам кийинаверади-да. Масъуд якка ўрил, отаси бадавлат одам, онаси ҳам келинига атаб тўплаб қўйган нарсалари бордир. Бой келинга атаганларининг чораги бўлса ҳам харна...

Шу каби режалар билан Захро икки кундан сўнг бозорга тушди, «шара-бара» деб ном чиқарган Кўкалдош мадрасаси орқасидаги чайқовга ўтди. Ҳаво иссиқ, одам тумонат, раларовур, қий-чув ҳаммаёқни босган, кимнинг қўлида нимаси бўлса харидорга отилар, матоҳини суқар, нималардир деб алжиллар, мақтар, тезроқ молини сотиб, пул ундиришга ошиқар эди.

Милиционер хуштаги чуриллади, чайқовчилар атрофга аланглаб, хуштак эшитилган томонни қидиришди ва кўзи тушганлари дарҳол нарсаларини қўйниларига яшириб, тирқирашди.

Форма кийган иккита милиционер одамларни чангаллай кетишди. Чап берганлари қочиб қолишди. Милиционерлар қўлидан икки аёл ва бир эркак чиқиб кета олмадилар. Буларнинг бири Захро эди.

Уларни милиция участкасига олиб киришганида, қизил сурп ёзилган стол тўрида каламенка китель кийган бир ходим ўтирар, елкасидаги погонидан маълум бўлишича, у эшикнинг икки томонида турган соқчиларнинг каттаси эди.

— Мен инвалидман, — деди эркак киши, кўзлари ола-кула бўлиб ва қўлидаги икки юмалоқ атир совунни стол четига қўйди. — Мана. Ўзимники. Талонга олганман. Сотишга ҳаққим йўқми? Пулига керосин олмоқчи эдим. Ҳаққим йўқми?

Захро айби бўлмагани учун стулда писанд қилмай ўтирар, тезда чиқиб кетишига амин, фақат анови атирсовунли киши навбат кутмай шанғиллаганидан раши келар эди.

— Ҳаққим йўқми?

— Бор, ҳақингиз бор, — деди кителли ходим. — Фамилиянгиз нима? Ҳужжатингизни кўрсатинг?

— Машарипов, фамилиям, — деди киши дарров. — Мана хужжатим. Бу ҳарбий билет, бу инвалидлик. Марҳамат.

Кителли ходим хужжатларга кўз югуртириб чиқди, йўғон дафтарга фамилиясини ёзиб қўйди.

— Бу гал майли, — деди ходим. — Фамилиянгни ёзиб қўйдим. Кейинги гал чайковда тушсангиз, чатоқ бўлади. Кетаверинг.

— Раҳмат, раҳмат, — дея инвалид тисарилиб чиқиб кетди.

— Фамилиянгиз? — сўради ходим, негадир Захрога эътибор бермай ва ручкани сиёҳдонга ботирди.

— Ғалиева, буларни ўзим тикканман, — деди малла сочи тўзиб кетган аёл татарча талаффузда. — Болалар учун кўйлакча. Ҳаммаси бўлиб учта.

— Қаерда ишлайсиз? — сўради ходим ёзиш билан банд бўлиб.

— Тоштрамда. Мана хужжатим.

Ходим хужжатни кўргач, қайтариб берди.

— Бўшсиз, — деди у ҳорғин товушда. — Агар чайковда ушласак, қамаласиз.

— Хўп, хўп, — дея аёл нарсаларини вижимлаб, ташқарига отилди. Ходим дафтарга алланималарни ёзар экан гўё Захро унинг эсидан чиққандек эди. Захро пича кутди ва ходимнинг эътиборини қаратиш учун йўталиб қўйди.

— Хўш? Сиз нега келдингиз? — майин овозда сўради ходим, ниҳоят ўз ишидан бўшаган бўлиб.

— Мана, тутиб олиб келишди, — деди Захро нафрат билан милиционерларга бир қараб олиб. — Бозорга яна олимаймизми энди?

— Хато бўпти, кечиринг, — деди ходим жилмайиб. — Фамилиянгни билсак бўладими?

— Носирова Захро, — деди Захро ходимнинг узридан андак рухланиб ва виқор билан яна милиционерларга қараб қўйди.

— Қаерда ишлайсиз? Хужжатингиз борми?

— Ишламайман.

— Ўқийсизми?

— Ўқишим чала қолган, — деди Захро ҳамон киборликни қўлдан бермай.

— Кимларнинг қармоғида яшайсиз?

— Ота-онам ўлиб кетишган, — деди Захро, ножўя саволлардан ижирганиб. — Укам билан яшаймиз.

— Нафақа оласизми?

— Нафақа қаёқда? — Афтини бурди Захро.

— Нималар ҳисобига яшайсиз? Тайин бир иш билан шуғулланасизми? Ҳунарингиз борми?

— Йўқ.

— Ҳужжатингизни кўрсатинг, — деди ходим, хушмуомала овозини бузмай.

— Ҳужжат? Қанақа ҳужжат?

— Сиз билан келтирилган одамларнинг ҳам ҳужжатини талаб қилдим, кўрсатишди. Энди сизникини кўрмоқчиман.

— Хеч қанақа ҳужжатим йўқ, — деди Заҳро жеркиб.

— Паспорт-чи?

— Ҳали олган эмасман, кўлим теккан эмас.

— Ёшингиз нечада?

— Йигирмада.

— Шу ёшга кирибсиз, нега паспорт олмадингиз?

— Айтдим-ку, кўлим тегмади деб.

— Ўқимасангиз, бирон корхонада ишламасангиз, нега кўлингиз тегмади? Кўлингиз нима билан банд бўлди?

— Билмайман.

— Демак, чайқовчилик қиласиз, меҳнатсиз даромад ҳисобига яшайсиз, шунақами?

Заҳро каловлай бошлади. У борган сайин ўргимчак уясига ёпишган пашшадек, қанча кўп уринса, шунча кўп тўрга ўраларди.

— Сиздан сўраяпман, — деди ходим овозида қатъийлик аломатини фош қилиб. Заҳро индамас, айтган жавоби баттар аҳволини оғирлаштиришидан ҳайиқар эди. — Паспортингиз йўқ, машғулотингиз нотайин, касбингиз ноаниқ. Демак, сиз ё киссавурлик қиласиз, ё фоҳишалик билан шуғулланасиз.

— Ҳақорат қилишга нима ҳақкингиз бор?! — Заҳро кичқириб юборди.

— Бўлмаса аксини исбот қилинг, биз сизни бир дақиқа ҳам ушлаб ўтирмаймиз, — деди ходим жиддий тарзда. — Исботингиз борми?

— Сизнинг ҳам исботингиз йўқ!

— Нима деб ўйлашимиз керак бўлмаса?

— Лавлаги пишириб сотаман! Шунга кун кўраман.

— Бу ҳам ғайриқонуний машғулот, — деди ходим.

— Ана пастга тушинг, кўрасиз қанча одам лавлаги пишириб сотаётганини.

— Уларнинг томорқаси борлиги ҳақида ҳужжати бор.

— Ҳаммаси ёлғон! Биттасининг ҳам томорқаси йўқ! Ҳужжатлари қалбаки!

— Ишонмасликка ҳаққимиз йўқ, гражданка Носирова, — деди ходим, бир оз асабий товушда. — Сиз ҳам келтиринг, марҳамат, ундан кейин сотаверинг.

— Бўпти, эртагаёқ олиб келаман яшшамагур хужжати, — деди Захро зарда билан қутулиб кетишга ақли ета бошлаб.

— Қўлингиздаги сурпга нима ўралган? — Унча эътибор бермагандек сўради ходим. Захронинг юраги шувиллаб кетди. Латгага ўроғлик нарса пул эди. Энди нима қилади, қандай важ кўрсатади? Ахир пул анчагина. — Қани, очинг-чи.

— Ўзимнинг нарсаларим, — деди Захро ўзини йўқотиб. — Энди қўйлагим остидагиниям сўрасиз.

— Керак бўлса сўраймиз, — деди ходим қатъий овозда.

— Ўроғлик нарсани кўрсатинг. Балки қуролдир?

— Қуролга бало борми?

— Киссавурлик қилганингизда ишлатишингиз мумкин. Ахир кўрқитиш учун биронта қурол қўлларсиз?

— Қуролмас бу, ўрток начальник! — ёлворди Захро.

— Қурол бўлмаса, нега кўрсатмайсиз? Ман қилинган нарсалардир.

— У нима бўлади?

— Ўзингиз биларсиз, олиб юрган бўлсангиз, — деди ходим вазминлик билан. — Унгаям қонунда модда бор. Уч йилгача мажбурий муддат. Ўз хоҳишингиз билан кўрсатмасангиз, қўллашга тўғри келади. Яхшиси, ўзингиз очинг.

Захро қарахт бўлиб қолди, кўзи тиниб, боши айлана бошлади.

— Сизга айтяпман! — деди ходим овозини кўтариб. — Вақтимизни олманг.

Захро қўлидаги нарсани столга ташлади.

— Йўқ, ўзингиз очинг, — буйруқ охангида гапирди ходим.

Захро ўрнидан кўзғалиб латгани ечди.

— Ўх-хў! — таажжубланди ходим. — Пул-ку! Шунча пулни қаердан олгансиз?

— Қаердан бўлса, ўша ердан олганман.

— Демак, бояги тахминларимиз ўринли экан-да. Ихм! — Ходим эшик олдида турган милиционерларга маънодор қараб олди. — Қайси шўринг қургурни чув туширгансиз?

— Ҳеч кимни чув туширган эмасман. Бу тухмат!

— Қаердан олгансиз бўлмаса шунча пулни?

— Жазманим берган, — зарда билан деди Захро, Масъудни тилга олишни эп кўрмай.

— Жазманим? Ихм! Демак, ахлоқсиз ишлар эвазига шунча пулга эга бўлгансиз. Ҳозир протокол тузамиз. Ўтиринг.

— Кетаман мен, протоколингизни тузаверинг.

— Сизсиз тузиб бўлмайди, — деди ходим юмшаб. — Қўл қўйишингиз керак.

— Қўл қўймайман.

— Ихтиёрингиз. Биз сизга рухсат бера олмаймиз. Шунча пул экан. Энди сиз билан керакли ташкилотда терговчи шуғулланади. Бир-икки кун уларнинг қарамоғида бўласиз, граждандка Носирова.

— Ўртоқ начальник, — кўз ёш билан ёлворди Захро. — Лоақал бир соатга рухсат беринг, пулнинг эгасини топиб келаман. Ҳамма нарсани ўзи тушунтиради.

— Рухсат бера олмаймиз, — деди ходим ва катта дафтар саҳифасига алланималар ёзишга киришди...

Заҳронинг қамоққа тушганига ўн кундан ошди. Шу кунлар мобайнида ҳеч ким уни тергов қилмади, суриштирмади. Эшиги тунука билан қопланган тор, сассиқ, одамнинг қўли етмайдиган баландликда жойлашган темир панжарали дарчасидан аранг ёруғлик тушадиган нимқоронги, дим хоначага ташлаб қўйдилар — тамом. Кунига бир маҳал ювиндига ўхшаш қорамтир суюқлик беришади, ҳатто ҳожат учун ташқари чиқаришмайди — пақир бор, тўлганида ўзига кўтартириб, ахлатхонагача қўриқлаб олиб боришади, шу заҳоти орқасига қайтаришади. Борган куннинг эртасига жой танқислигини айтишиб, Заҳронинг хонасига ўттиз яшар бир эркакни киритишди; Захро дод, деди, эшикни муштлади — ҳеч ким парво қилмади; эркак кишига зорланди, ёлворди, инсофга чақирди — самара бермади. Эркак киши Заҳрони оғзини танғиб, ечинтиришга киришди, Захро қаршилик кўрсатди.

— Яхшиликча ечинмасанг, қўйлагингни йиртиб ташлайман, — деди нотаниш киши ўдағайлаб. — Киядиган нарсанг қолмайди, пақирни яланғоч олиб чиқасан.

Хавф муқаррарлигини англаб, Захро таслим бўлди, эркак билган номаъқулчиликларини қилди. Эртасига эркакни олиб чиқиб кетишди, бир оз вақт ўтгач, унинг ўрнига янгисини киритишди. Янги кирган эркак аввалгисидан баттар ҳаракатлар қўллади. Заҳронинг эзғиланган кўкраги, сони моматалоқ қорайди, шишди, томоғида тишлар изи қолди. Эркакни олиб чиқиб кетишди. Сочлари ҳурпайиб кетган, эти палахса-палахса қонталаш доғлар билан қопланган, юз-кўзи шишиб кетган ҳозирча «яроқсиз» Захро камерасига бўлак одам киритишмади. Ҳолдан тойган, оч, мадорсиз Захро цемент полда қимир эта олмай ётар, қўйлаги вижим, кир, атроф исқирт, шиптир, қўланса эди. Шу алфозда бир ҳафтадан зиёд вақт ўтди. Ҳеч ким Заҳродан хабар

олмади. Нега Масъуд кидирмайди? Ғойиб бўлиб қолганини ахир биледи-ку, шунча ваъдалар берган, нахот бутун бир одам, ўз никоҳига олмоқчи бўлган қиз йўқолиб қолади-ку, хавотирга тушмайдими? Қидирмайдими? Хабарлашмайдими? Чакана одам эмас Масъуд, ҳарбий ходим, қаёққа қўлини чўзса, етади. Ё Захро қамоққа тушганини билиб, гумон-сиреганмикин? Отаси ҳам бохабар бўлса, балки шуни рўқач қилиб, ўғлини айнитгандир. Масъуд лаққа тушиб, Захродан тониб юборгандир? Тонмаганида ҳам, эсон-омон қутулиб чиқса, қай юз билан Масъудга қарайди? Нима деб ваз келтиради, ўзининг айбисиз эканини қандоқ исботлай олади? Келмагани бир ҳисобдан балки яхшидир. Бир ҳафтадан сўнг келин бўладиган қизни шу аҳволда кўрса, дили зил кетади, ихлоси қайтади. Шундай ҳам йўлатгиси келмаган ота-онаси учун бу воқеа яхши дастак бўлади, шуни ваз қилиб Масъудни қайтаришади. Нега қамоқдагилар бунга чақиримайди, нега сўроқ қилишмайди? Шунақаям зулм бўладими? Тирик, бегуноҳ одамни шу қадар хўрлашадими? Нахот ҳеч қанақа қонун йўқ? Лоақал тергов қилишганда, Захро ҳаммасини — пулни Масъуд берганини, яқинда уйланишини, шу важдан нарса олиш учун бозорга тушганини айтарди, улар Масъуднинг номини эшитиб, отасининг ким эканини билиб, дарров қўйиб юборишар эди. Ҳай майли шундоқ ҳам бўлсин, қўйиб ҳам юборишсин, у ёни нима кечади?..

Бир неча кундан сўнг Захронинг қорни қаттиқ бураб оғрий бошлади, худди бигиз санчилгандек, оғриқ борган сайин кучайди. Захро аранг ўрнидан туриб пақирга ўтирди, шариллаб ичи келди. Оғриқ камайгандек бўлди. Енгил тортиб, бир оз тинчиди. Аммо пақирдан туришга мажоли йўқ, бутун баданидан тер қуйилар, кўзи тинар эди. Захро тиззасига тирсак суяб анча ўтирди. Пақирнинг ўткир қинғир гардиши этига қаттиқ ботар, оғриқ берар, бироқ туришга унинг ҳоли йўқ эди. Пича вақт ўтгач, қорни яна бураб оғрий бошлади. Захро оғриқдан инграр, қаро терга ботар, кўзларидан тиркираб ёш қуйилар, аммо ҳарчанд кучанмасин, ичидан ҳеч нарса келмас, оғриқ борган сайин авжига чиқар, қиз хушидан кетиб қолиш даражасига етар, дам инграр, дам дод дер, кулаб тушиши мумкин эди...

Кечаси шарақлаб эшик очилди, ахлатни олиб чиқариш учун келган соқчи ўшқирди, бироқ овоз ичкаридан эшитилмади. Соқчи қоронғиликка яна ўшқирди. Жавоб бўлмади. Кўзи ўргана бошлади, нарсаларнинг шарпаси аниқлангач, соқчининг кўзи дарча панжарасига ўз қўйлагини

эшиб ўтказган арқонга, унинг сиртмоғида осилган Захронинг ярим яланғоч жасадига тушди. Ўликнинг ияги кўксига қадалган, сочлари хурпайган, иккала қўли гавдаси бўйлаб чўзилган, бармоқлари бир-бирига тегай деб турган оёқлари остида ахлат пақари юмалаб ётар эди...

36

Муродхўжа ака эрталаб янги хром этик кийиб чиқиб кетди. Янги пойабзал биринчи кунлари доим эгасига маълум қийинчиликлар келтиради. Бировнинг оёғини сиқади, яна бировникини қадоқ қилади, кимнингдир товонини шилади. Аксига олиб, Муродхўжа акага шу кун кўп юришга тўғри келди. Идорасига қарашли деярли ҳамма шаҳобчаларга, артель цехларига, хомаки моллар етказиб берувчи омборларга борди, бирон жойда тўхтаб бошмалдоғига қадалган миҳни олдириб ташлаш имконияти бўлса-да, ё ўзига эп кўрмадими, ё ялқовлик қилдими, хуллас, кечга томон сал оқсаб қайтди. Масъуд фронтдан келиши билан уни уйлантириш, келинни алоҳида жойга тушириш ниятида янги уй қурилишини шу йилиёқ бошлаб тугатишни жазм қилган эди, қараса, буюриб қўйган оқ тунука туширилаётган экан, хизматдагиларга жой кўрсатиш, уларни ишини бажариб бўлмагунларича назорат қилиш билан яна анча-мунча юрди, этик ечишга қўли тегмади. Ниҳоят этикни ечиб ташлаганда, кўнглини зирқиратиб турган хуноблик тарқагандек бўлди, дили ором топди. Ҳақиқатда этикнинг ўнг пойига қоқилган миҳча бошмалдоғининг тирноғи ёнидан ўйиб кирган, охор пайтавасининг учи жикка қон эди.

Холида илиқ сув келтириб жомга қуйди, Муродхўжа ака оёғини бир оз илиқ сув солиб ўтирди, пича вақт ўтгач Гулсум опа кириб, Шукур мўйлов келганини айтди.

— Дарвозахонада пойлаб турипти, — деди у этик пайтаваларини четга йиғиштириб.

— Гилос тагига жой қилдир, — деди эри оёғини жомдан олиб. — Сув сепилганми? Шипирилганми?

— Шипирилган, — деди Гулсум опа чиқа туриб.

— Холидага айт, меҳмонни ичкарига олиб кирсин, — деди Муродхўжа ака попукли сочиқ билан оёғини артишга киришиб. — Чой ичиб турсин, мен ҳозир чиқаман.

Бир неча кун аввал Штокманнинг тавсияси билан Муродхўжа ака тол хивичидан тўқилган тўртта кресло, юмалоқ тўқима стол ва шойи соябонлик чироқ сотиб олган, ўша куниеқ гилос тагига ўрнаттириб Штокман билан жичча

зиёфат куришган, коньяк ичишган эди, Холида Шукур мўйловни ўша жойга даъват қилди, дастурхон ёзди, нознеъмат қўйди, чой келтирди, «ҳозир амаким чиқадилар», деб нари кетди.

Шукур мўйловнинг авзойи бузукрок эди. У бир пиёла чой ичиб улгурмай, даҳлизли уйнинг баланд зинасида Муродхўжа ака кўринди ва Шукур мўйловга синовчан бир қараб олиб, пастга туша келди.

Шукур мўйлов уй эгасини кўриб, ўрнидан турди, Муродхўжа аканинг устида жужун шим-китель, сарпойчан оёғида кавуш бўлиб, кителнинг атиги битта тугмаси қадалган эди.

Вақт намозгар бўлишига қарамай, куёш ботишига ҳали анча бор, ҳаво иссик, сув сепаиб супурилган ҳовли саҳнидан намхуш ис кўтарилар эди.

Муродхўжа ака меҳмон билан қўл бериб кўришди. Шукур мўйлов ҳеч қачон таклифсиз ўзи келмас эди, шунинг учун Муродхўжа ака меҳмоннинг ташрифи бежиз эмаслигини дилидан ўтказди, аммо буни сездирмай, бўш креслога ўтирди, фотиҳа қилишди.

— Қалайсиз, ошна? — одоб йўлига сўради Муродхўжа ака чой тутар экан, меҳмоннинг авзойига разм солиб. — Ишлар яхшими?

— Ишлар чаток, — деди Шукур мўйлов пиёлани дастурхонга қўйиб.

— Чаток? — ўзини бепарво кўрсатиб сўради Муродхўжа ака. — Яъни, масалан?

— Анову сиз тайинлаган одам, — деди Шукур мўйлов охири икки сўзга урғу бериб. — Ўлибди.

— Ажали етган бўлса, ажаб эмас, — деди Муродхўжа ака, меҳмон айбни бунга ағдаришни тусмол қилиб. — Худо раҳмат қилсин.

— Ўз ажали билан эмас, ўзини осиб ўлдирибди.

— Бай, бай, бай, — деди Муродхўжа ака, бошини чайқаб. — Қамокдагилар шу аҳволга олиб боришгандирки, ўзини осган.

— Тафтиш бошланса, чаток бўлади. Сизниям тинч қўйишмайди?

— Мени? — таажжубланди Муродхўжа ака. — Менинг нима алоқам бор?

— Яшириб қўйишни сиз тайинлагансиз-ку, — чўчинқираб гапирди Шукур мўйлов, дағалрок пўписага ўтишга кўрқди, чунки ўзи ҳарбийларнинг айғоқчиси эди, Муродхўжа аканинг улар орасида обрўйи катта, бошлиқлари билан ўлфатчилик қилади, агар шикоят билан борса — тамом,

кўрсатган хизматларини ҳам ҳисобга олишмайди, урушга жўнатиб, даф қилишади. Жўнатишмаганида ҳам бўшатиб юборишса, ваколатини йўқотиб, оддий одамга айланиб қолади. Қанчаларнинг ёстигини қуритган, қийратган, хап саними, деб қўйганлар йўқ эмас, ўч олишади. Унда ахволи вой бўлади. Шунинг учун чалкаш ишнинг олдини олиш керак. Муродхўжа ака ўзини писанд қилмагандек кўрсатяпти, аммо юраги така-пука бўлаётгани аниқ.

— Яшириб қўйишни тайинлагандирман, — деди Муродхўжа ака бир оз жаҳли чиқа бошлаганини яширмай. — Лекин ўлдиришлар, демадим-ку. Бунинг фарқи бор, ошна.

— Хуллас, Муродхўжа ака, бир-биримизга таъна қилишдан фойда йўқ, — деди Шукур мўйлов муносабатни кескинлаштирмасликни маъқул кўриб. — Ишни бости-бости қилиш учун турмадагилар оғзига уриш керак. Пул билан. Ичини ёрган врач протокол қилиб беради, бошқа мурдалар билан кўмиб юборилади. Чиқимидан қочмасак, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади.

Муродхўжа ака ўйланиб қолди. Шукур мўйлов билан гаплашганида, бегона қатнашган эмас, демак, гувоҳ йўқ. Муродхўжа ака тониши, мен бунақа топшириқ берган эмасман, дейиши мумкин, албатта. Бироқ унда асосий айб Шукур мўйловга тақалади, Шукур мўйлов жазога чап бериш учун онт ичиб, Муродхўжа акани кўрсатади. Кўрсатса-ку, бир амаллаб қутулиб кетади, аммо шу жанжал ишда номи қайд қилинса, висир-висир гумонлар тарқаса, яхши бўлмайди. Ҳақиқатда, масалани тафтишга олиб бориш ақлдан эмас. Иш урчимасдан туриб, олдини олиш маъқул. Ундан ташқари, Муродхўжа аканинг шунча кирдикорларини билган Шукур мўйловни ўзига душман қилишдан нима фойда бор? Обжувоз тегирмонлардан, совун пишириш, калиш қолиплаш ва уларни қай йўсин билан сотишдан хабари бор, анови жувонни бадарга қилдириб, ҳовлисига тамаки артели очгани, ҳали ёши етмаган Ўлмасни фронтга жўнатворгани — ҳаммасини билади, сирдош. Билибгина қолмай, Муродхўжа аканинг топшириқларини бажарган. Албатта бу хизматларни текинга қилган эмас, бироқ душманликка ўтса, бу сирлар очилади, далил сифатида рўкач қилинади. Шунинг учун ўчакишиш керакмас, қайтанга бошини уриб келиптими, гўё ёрдам қўлини чўзгандек ҳаракат қилиш лозим, миннатдор бўлади, келажақда бошқа топшириқларини ҳам шак келтирмай бажаради.

— Майли, — деди ниҳоят Муродхўжа ака Шукур мўйловнинг сазасини ўлдиргиси келмагандек. — Қанча?..

Саттор синглиси ғойиб бўлиб қолганини пайқамади ҳам. Аслида ака билан сингил унча ахил эмас эдилар. Сатторнинг чўнтагида тўртта обакидандон бўлса, кўзи уйкуга кетгунча шимиб ётар, на Захрога на беш яшар Мўминга илинмас, обакидандон эрталабгача ўз-ўзидан эриб, оғзида чучук таъм қолдирар, Саттор ширинлик қаёққа кетганини билмас, ухлаб қолганида оғзидан Захро олиб кўйган, деб гумон қиларди. Урушдан олдинги йиллар ҳам айтарли маъмурчилик бўлмай, Саттор кўча болалари билан ошиқ ўйнаб юрган пулига тешиккулча олар, кўрпа остида кавшар, увоқлари эрталабгача этига ботиб чиқарди. Ота-онаси оламдан ўтгандан сўнг, учала фарзанд етим қолди. Саттор ўрта мактабни тугатмай заводга ишга кирди, оила каттаси вазифасини бажаришга мажбур бўлди, аммо маошини тежаб, ярмисини рўзгорга, бошқа ярмисини яширинча тўплай бошлади. Бўйига етиб қолган Захро уй юмушларини бажарар, ака-уканинг кийим-кечагини ювиб дазмоллар, овқат пиширар, бозор харажатларини Сатторнинг ўзи қилар, нарсаларни ўлчаб-тақсимлаб берар, келгуси моянагача етказишни Захродан талаб қиларди. Бироқ кўр-кут кўпинча моянагача етмас, Саттор кўча-кўйда тамадди қилиб келар, қозон қайномаслигида Захрони айблар, авайлаб ишлатмагансан, деб койир, опа-ука оч қорин билан ётишар, Захро гап қайтаришга кўрқар эди. Айниқса, Саттор уйлангандан кейин аҳволлари оғирлашди. Келин ҳам зикнагина экан, эрининг топган-тутганини унинг укалари яримта қилгани малол келди, баъзида ҳақ, баъзида ноҳақ тухматлар билан эрининг қулоғига ҳар хил гапларни куйиб, меҳрини батамом совутиб юборди. Саттор Захро билан Мўминга кўрс гапирадиган, хотинининг чақимчилиги натижасида уларни ўғрилиқда, очкўзликда айблайдиган, сўкадиган бўлиб қолди, ҳатто бир-икки марта урди ҳам. Захро ва Мўмин бундай муносабатдан зада бўлиб, узок қариндошлариникига кетиб қоладиган ёки қўшниларникида яширинадиган бўлиб қолишди.

Уруш бошлангач, вазият кескин ўзгарди, аммалари ҳам етим жиянларига унча рўйхуш бермай кўйишди. Шунда Захро мактабни ташлаб лавлагифурушлик қилишга мажбур бўлди, ўша кезларда майор билан танишиб қолди. Аввалига Захронинг ишлари унча юришмади, кейин тажрибаси ошган сайин, кўлига унча-мунча чақа туша бошлади, қийин бўлса-да, Захро укаси билан ҳаётини сал эпқага сола бошлади. Барибир устлари юпун, қоринлари тўйиб овқат ейишмас,

аммо акаси мутлақо қарамай қўйган пайтларидан тузук эди. Саттор хотини билан ҳовлининг тўридаги уйда, Захро билан Мўмин ошхона ёнидаги хужрада туришар, деярли бир-бирлари билан алоқа қилишмас, иккиқат хотинининг измидаги Саттор синглиси билан укаси қандай яшамокда, иши йўқ эди. Бундай муносабат бир жихатдан Захрога қулай ҳам эди. У юриш-туриши ҳақида акаси олдида ҳисоб бермас, хоҳлаган пайтида уйига келар, хоҳлаган пайтида чиқиб кетар, хуллас, ўз рўзгорини ўзи тебратар эди. Ота-онадан эрта етим қолиш, акасининг дўқ-пўписаси, келинойи турткиси, опаси Захронинг эртаю кеч бозорда бўлиши ўн яшар Мўминнинг хийла ёввойилаштириб қўйган, унинг ҳеч ким билан иши бўлмас, уйда пайтида ҳам акаси ё келинойисига дуч келмаслик учун хужрадан кам чиқар, ўзи ётиб, ўзи турар, ҳатто оч, касал бўлганида ҳам нолимас, танчанинг бир ёнида қалтирай-титрай дардни енгиб кетар эди. Захронинг кеч келишларига кўникиб кетган Мўмин, аввалига опаси войиб бўлганига парво қилмади, уч кун ўтгач бозорнинг лавлаги сотиладиган жойига борди, бироқ опаси у ерда кўринмади, ёввойи табиат бўлиб қолган бола у ердагилардан сўрашга ботина олмади. Яна уч кун ўтди. Опасидан дакки ейишдан кўрқиб, Мўмин жамғарилган нарсаларни жуда ҳам авайлаб ишлатди, аммо икки-уч кунга етадиган тамаддиқ, бола ҳар қанча тежашига қарамай, барибир тугади. Мўминнинг куни эрталаб азонда паттага олинадиган қора нонга қолди. Опасидан эса ҳамон дарак йўқ, бола қаердан ахтаришини, кимга нима дейишини билмас, кечалари йиғлаб ухлаб қоларди.

Сатторнинг хотини Захродан аллақачон дайди, шаллақига чиқариб қўйган эди, қозонда лавлаги қайномагани ҳам уни таажжублантирмади, аммо хавотирга сола бошлади. Агарда биронта жазмани билан аллақаяққа кетворган бўлса, ўйлади у, Мўмин қаровсиз қолади, уни боқиш ташвиши эрига тушади.

— Ишинг бўлмасин, — деди Саттор боласини эмизаётган хотинига. — Тегирмонга тушса, бутун чиқади.

— Мўмин-чи? — сўради хотини ўз ғамини ўйлаб. — Ким унга қарайди?

— Оғири тушаётгани йўқ-ку, — зарда билан деди Саттор. — Қора нонини олиб, кун кўриб юрипти-ку.

Эртасига эрталаб Саттор ишга кетишга отланиб турган эди, кўча эшик тақиллади. Мўмин опаси, деб ўйлаб, югурганича бориб эшикни очди. У ерда милиция формасини кийган нотаниш киши турарди. Мўмин акасини чақирди.

- Носиров сиз бўласизми? — сўради нотаниш киши Саттор билан кўришгач.
- Ҳа, мен, — деди Саттор дилига гулгула тушиб. У, Захрога бир бало бўлди, деб ўйлади ўша заҳотиёқ ва нима кори ҳол бўлганини тусмол қила бошлади.
- Захро Носирова сизга ким бўлади?
- Синглим, — деди Саттор юраги ёмон хабарни сезиб.— Нимайди?
- Бу бола ким? — сўради милиционер нарироқда гапга кулоқ солиб турган Мўминга ишора қилиб.
- Укам, — деди Саттор ҳам Мўмин томон қараб олиб.— Захронинг ҳам укаси.
- Айтинг, нари кетсин.
- Бор, Мўмин, уйга кир, — деди Саттор укасига. Мўмин зипиллаб хужра томон кетди. — Тинчликми? Нима гап?
- Носирова Захро камоққа тушган эди, — деди милиционер асосий мақсадга ўтишга ботина олмай — ёмон хабардан акаси ўзини йўқотиб қўйиши ёки жанжал кўтариши мумкин эди.
- Нега камоққа тушади? — сўради Саттор, ҳақиқий фожиани ҳали гумон ҳам қилмай.
- Шубҳали фаолият билан шуғулланар экан, — деди милиция ходими мавҳумроқ қилиб.
- Шубҳали фаолият деганингиз нимаси?
- Ўғрилиқ билан шуғулланган бўлиши мумкин.
- Ўғрилиқ? Йў-ўк! Захро ўғрилиқ билан шуғулланиши мумкин эмас.
- Ёнидан кўп пул чиқди, — деди милиция ходими гапига салмоқ бериб.
- Нима бўпти, кўп пул чиққан бўлса? — Буш келмай сўради Саттор. — Лавлаги пишириб сотарди.
- Лавлаги савдоси билан шунча пул йиғиб бўлмайди. Ўзингиз биласиз-ку, — деди милиция ходими ва Сатторнинг ўйланиб қолганини кўриб, қўшиб қўйди: — Жавобгарликдан кўрқиб кетган бўлса керак, ҳали тергов тугамовди...
- Хўш?
- Кўйлагидан арқон тўкиб, камерада ўзини осиб қўйипти...
- Сатторнинг ранги оқариб кетди, лол бўлиб қолди.
- Энди нима бўлади? — аранг сўради у.
- Маслаҳатга келдим сизга, — деди ходим. — Мени юборишди.
- Ким юборди? — хаёлини бир жойга тўплай олмай сўради Саттор.

— Турма бошлиғи.

— Хўш?

— Мурдани нима қилайлик? Ўзингиз чиқарасизми ёки кўмиб юборайликми?

Саттор ўйланиб қолди. Агар ўликни уйдан чиқарадиган бўлса, маҳаллада гап тарқалади: «Нега камокқа тушипти?», «Нега ўзини осипти?», «Нима айби бор экан?» Саттор бу хил саволларга қандай қилиб жавоб бера олади? Иснод-ку. Оиласи таъна, лаънат остида қолади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ёш, бўйига етган қиз, аллақанақа гуноҳлар билан камокқа тушса жазодан кўрқиб ўзини осиб қўйган бўлса — буни қандай исботлаш мумкин? Ўлик кўмиш, аза очишнинг ўзи бўладими? Қанча чиқим, безовтагарчилик! Ундан кўра синглисини эрга тегиб, узоққа кетди, дегани маъқул эмасми? Одамлар бир кун гапиради, икки кун гапиради, кейин эсдан чиқариб юборишади. Кимсуриштириб ўтирарди? Замон оғир, ҳамма ўз ташвиши билан овора. Мўминга ҳам шунақа дейди ёки қамалганини айтади, бировга бу ҳақда оғиз очмаслигини тайинлайди. Бориб-бориб, сал ақли кирганда, ҳамма нарсани ётиғи билан тушунтиради.

Саттор гапнинг бошида ўзига айб тушишидан, синглингизга қарамапсиз, ташлаб қўйибсиз, сизда ҳам айб бор, деган даъводан хавотир бўлиб турувди, милиция ходими «маслаҳат» солиб, қайтага вазиятни юмшатди, Сатторнинг мушкулени енгиллаштирган бўлди.

— Хўш? Нима дейсиз? — сўради ходим, Саттор анча ўйланиб қолгач.

— Шунақа ном билан уйдан чиқариш... Қандай одамлар орасида бош кўтариб юраман?

— Демак, розисиз? — дарров гапга чек қўймоқчи бўлди ходим.

— Нимага розиман? — изтиробда сўради Саттор.

— Ўзимиз кўмишимизга, — деди ходим Сатторни ўз томонига оғдириш ниятида. Ходим ҳам шу ҳақда топшириқ олган эди, чунки жасадни эгасига топширишса, кераксиз тафсилотлар чиқиши, натижада ўзларининг айби очилиб қолиши мумкин эди.

Саттор бир қарорга кела олмагандек депсинди. — Майли, — деди у кейин. — Розиман...

Мансур ака мактабда фақатгина мудирлик қилиб қолмасдан, географиядан дарс ҳам берар эди. Шунинг учун шовқиндан шикоят қилувчи ўқитувчиларнинг ташвиши ўринли эканини ўзи билар, бироқ бир неча йил уринмасин, район маориф бўлими мактаб таъмири учун етарли маблағ ажрата олмас, синф деворлари ҳамон шифтсиз турар, дарс пайтидаги ғала-ғовурдан нафақат ўқитувчилар нолир, ҳатто талабалар ҳам бош оғриғи касалидан шикоят қилишар, натижада дарсларни ўзлаштириш ўта паст, бу камчиликни бартараф қилиш Мансур аканинг қўлидан келмас эди. Шу йил раисликка Қаюмжон ўтгач, вазият хийла ўзгара бошлади. Албатта, «ўзгара бошлаш» хали ваъда шаклида эди, шунинг учун колхоз раиси атайин шу масалани муҳокама қилиш учун мактабга келганида, Мансур ака аввал «шовқин» муаммосини олдинга сурди.

— Синф деворлари нимжон экан, — деди Қаюмжон Мансур ака билан ташқарига чиққач. — Шифт қурилса, кўтарармикин? Босиб қолса, болалар нобуд бўлиши мумкин.

— Шифт том эмас-ку, — деди Мансур ака Қаюмжоннинг ҳадигига эътироз билдириб. — Тўсин ташлаб, устини енгил-елпи ёпилса бўлади, шовқин эшитилмаса бас. Акс ҳолда бу даргоҳдан саводли ўқувчилар эмас, жиннилар етишиб чиқади. Ўзингиз ҳам шу мактабда ўқигансиз, биласиз, Қаюмжон. Бошқа чидаб бўлмайди. Ёрдам беринг, иним.

— Ускунани-ку, топармиз, аммо ишни ким бажаради?

— Ҳашар уюштирамиз, — деди Мансур ака Қаюмжоннинг айниб қолишига имкон қолдирмай. — Қишлоқда дурадгор қариялар бор, бир ҳафталик савоб юмушдан қочишмайди. Юқори синф болаларини жалб қиламиз. Шу иш битсин, Қаюмжон, муаллимлар ҳам хотиржам, шангилламай дарс ўтказишсин, ўқувчиларнинг ҳам миясига таълим кирсин.

— Майли, мен колхоз қарорини чиқартириб, ускуна ажраттираман, — деди Қаюмжон розилик билдириб. — Сиз домла, район маориф бўлимига учранг, у ердагилар таъмирлаш учун маблағ билан таъмин қила олишмас экан, лоақал битта-иккита қурувчи беришсин. Дурадгорларингиз қари, аранг юришипти, биронтаси йиқилиб тушса, киясига қоласиз. Умуман, ҳашар деганингиз маъқул, бошқа йўл билан ишни битириб бўлмайди. — Қаюмжон дарвоза томон кўз ташлади. Боя ҳовлига кириб келганида Ойниса

қизчасини жомга ўтқазиб чўмилтираётган, Қаюмжон у билан йўл устида кўришган, Мансур акага эргашиб, мактаб тарафга ўтиб кетган эди. Ҳозир Ойниса боласини ухлатиб чиққан шекилли, ўзи якка, арқондаги қуриган кирларни йиғиштирмоқда эди.

— Чой дамлаб қўйдим, — деди узокдан Ойниса гаплашиб турган Мансур ака билан Қаюмжонга.

— Юринг, бир пиёладан чой ичайлик, — дея Мансур ака Қаюмжонни ҳовуз бўйидаги чорпоя томон бошлади.

— Келинглар, — деди Ойниса ва икки кўрпача оралиғидаги дастурхонни очиб, тўнтариқлик пиёлаларни тўғрилаб қўйди, ўзи бориб ўчоқ кўрида турган чойнакни келтириб, дастурхон бурчига қўйди. Дастурхонда бир жуфт бўш пиёла ва чойнакдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

Мансур ака чойни қайтариб бир пиёласини ўз олдига қўйди, иккинчисини Қаюмжонга узатди.

Ойниса ичкарига кириб кетишни эп кўрмай, бир неча қадам нарида қўйлак ёқасини гижимлаб, мулозамат сақлаб турар, дастурхонга қўйишга арзигулик нарсаси йўқлигидан хижолатда эди.

— Шўртепага яхши бориб келдингизми, Ойнисахон? — сўради Қаюмжон нарида тик турган жувонни дастурхонга чақиришга журъат қила олмай.

— Раҳмат, Қаюмжон ака, — деди Ойниса одоб билан жилмайиб. — Маъракани қурбим етганича ўтқазиб келдим. Бир ой бурун чол дунёдан ўтган экан; азалар қўшилиб кетди. Йиғлаб-сиқтаб, кўнглимни бўшатиб қайтдим. — Ойниса «шофёрингиз яхши одам экан, югуриб-елиб, анча мушкулумни осонлаштирди». «Машинага ташлаб қўйган ун-гуручингиз асқотди», демоқчи бўлди, аммо Мансур акадан тортинди, айтмай қўя қолди. «Кези келганда айтарман», деб ўйлади. — Ўзингиз яхшимисиз, Қаюмжон ака? Энам соф-саломатми?

— Юрипмиз. Ҳа, дарвоқе, — деди Қаюмжон ва қанақадир ўйлаб қўйган нарсаси ёдига тушиб, мудир томон ўгирилди. — Яхшиям сиз борсиз, домла, барибир ижозатингизни олишга келардим.

— Хўш, бажонидил, — деди мактабни тузатиш дардида юрган Мансур ака раиснинг ўзи илтимос билан мурожаат қилганидан жонланиб. — Нима экан?

— Билмадим, Ойнисахон, бу гапга қандай қараркин? — дея Қаюмжон бир оз ўнғайсизлангандек Ойнисага юзланди.

Ойниса дилида алланималарни тусмол қилиб юрарди, ҳозир Қаюмжоннинг тортиниб айтган сўзидан негадир юраги

шувиллаб, дук-дук ура бошлади, гўё буларнинг орасида қанақадир сир бўлиб, Қаюмжон шуни айтишга мажбурдек, Ойниса қизариб кетди. Қизиғи шуки, Мансур ака ҳам айнан шунақа ўйлади. Бинобарин, Марҳамат районидан Ойнисани бу ерга кўчириб олиб келиш ташаббуси ҳам, ишга жойлаш, хона ажратиш тўғрисида ҳам Мансур ака билан маслаҳат қилган Қаюмжон эди. Ушанда Мансур ака Қаюмжоннинг илтимосини, гарчи ўрни бўлмаса-да, рад қилишга ботина олмади. Унинг устига Қаюмжон ҳеч қачон Ойнисани эътибордан четда қолдирмайди, Тўхтасин ака орқали хабар олдирган бўлиб, унча-мунча нарса билан ҳам ёрдам бериб туради, районга борганида арава берди. Мана ўн кун бурун юк машинасини юборди, Ойниса Шўртепага бориб, кўнглида атаб қўйган маъракани ўтказиб келди.

Яна ажабланарлиси шундаки, Мансур ака билан Ойниса ялт этиб бир-бирларига галати кўз ташлаб олишларидан уларнинг хаёлидан қанақа фикр ўтганини Қаюмжон дарров англади. Ҳатто шу вазиятдан фойдаланиб уларнинг тахминини қувватлаш ниятида оғиз жуфтлади ҳам, бироқ тезда бу мўлжалидан қайтди — Ойнисанинг эридан қоррахат келганига уч ой тўлгани йўқ, дарди эскирмаган, маъракани яқиндагина ўтказиб қайтди, одобсизлик бўлади, деб ўйлади Қаюмжон.

— Онамнинг тоби пича қочиб қолди, — деди у саросимадан кутула олмаётган Ойниса, сўнг Мансур акага қараб. — Аксига юриб, пахта терими олдидан Тошкентда қишлоқ хўжалиги ходимлари кенгаши бўлар экан, шунга чақиришди. Бормай десам, республика миқёсидаги йиғилиш, раис сифатида биринчи чақирилишим, бораё десам онам бунақа, ўғилчам қаровсиз қийналиб қолади. Илтимосим шуки, Ойнисахон, агар малол тушмаса бир ҳафтага бизникига бориб турса, демоқчи эдим.

— Малол тушмайди, — дарҳол енгил тортибми, ҳафсаласи пир бўлибми деди Ойниса. — Майли, қараб тураман. Энам билан ҳам танишиб оламан. Агар домладан рухсат бўлса.

— Рухсат бўлади, — деди Мансур ака ҳам енгил тортиб. — Иш бошласак, ҳар куни бу ердан одам аримайди. Кечқурун дарвозага кулф солиб кетаверамиз-да. Мачитнинг нарсасига ким ҳам кўз олайтирарди? Қачон жўнайсиз, Қаюмжон?

— Индинга, — деди Қаюмжон. — Саҳарда. Эртага кечга томон келиб Ойнисахонни олиб кетаман. Жамилахон билан Алижонни ўзим гаништириб қўяман.

— Ўзингизга ноқулай, деб билсангиз, Қаюмжон, майли, мен элтиб қўяман. Ёки Тўхтасин акани юборинг.

— Майли, — деди Қаюмжон, негадир, руҳи шодланиб. — Ўзингиз элтиб қўйсангиз, яна яхши бўлади. Бахона билан бир-икки соат суҳбат қуриб ўтирамин.

— Онангиз бетоб эканлар, қандай бўларкин?

— Бувим дармонсиз, — деди Қаюмжон, масаланинг бу томонига соддароқ қарашга ундаб. — Қарилик. Тез-тез чарчайдиган бўлиб қолган. Бир-икки кун тинч ётса, яна ўзига келиб қолади...

Эртасига Ойниса Мансур ака бошчилигида қизчаси Жамилани етаклаб, Қаюмжоннинг эшигидан киришганда, вақт намозгардан ошган, сув сепилган ҳовли саҳни қорамтир ва покиза, кампир қўлида тасбеҳ билан Қаюмжоннинг каравотида букчайиб ўтирар, оғзининг атрофи қорайиб кетган Алижон отхона томонга қўйилган нарвоннинг пиллапоясида ўтириб думбул ражир, ариқнинг нариги томонидаги картошказор орасида тердан қорайиб кетган гимнастёркали Қаюмжоннинг қомати кўринар эди.

— Дада! — деб қичқирди Алижон ҳовлига кирган нотаниш одамларга отасининг эътиборини қаратиш учун.

Кампир сал қалтираётган бошини буриб, хира кўзларини кўча эшик томон тикди, Қаюмжон хиёл оқсоқланиб, картошканинг кўм-кўк буталари орасидан меҳмонлар истиқболга чиқиб кела бошлади.

— Келинлар, келинлар, — деди у кайфи чорланиб ва ариқ бўйида букилмайдиган оёғини четга кериб, қўлини ювди, каравот панжарасидаги сочиққа қўлларини артаркан, онасига нималарнидир шивирлаб айтди. Ойниса майин табассум билан ён-атрофини тўғрилаган бўлди.

Қаюмжон меҳмонларга яқинлашганда, улар ҳовлининг ўрталарига келиб қолишган эди. Қаюмжон Мансур ака билан қўл бериб кўришди, Жамиланинг лунжини эркалатиб, чимдиди-да, оппок, юмшоқ қўлчасини қадоқ кафтига олиб, меҳмонларни кампир томон бошлади. Мансур ака билан Ойниса Қаюмжонга эргашиб, онаси ётган каравотга яқин келишди.

— Буви, — деди Қаюмжон қулоғи оғир одамга гапиргандек овозини баландроқ қилиб. — Меҳмонлар келишди.

— Ассалому алайкум, она — деди Мансур ака.

— Ассалому алайкум, эна, — деди Ойниса.

— Ваалайкум ассалом, — деди кампир, меҳмонларни тусмол қуриб. — Хуш келибсизлар, айланайлар.

— Буви, Мансур домла... — деди Қаюмжон, Мансур акани кўрсатиб. — Ёшлигида акам бу кишининг қўлида ўқиган, эсингизда борми?

— Бор, эсимда бор, — деди кампир ўзининг ахволдан тортинибгина.

— Бу меҳмон — Ойнисахон, — деди Қаюмжон, Ойнисага қараб олди. — Тошкентдан келишган. Айтувдим сизга.

— Ҳа-ҳа, хабарим бор, айланай, — деди кампир. — Омон-эсон юрибсизларми, болам. Бизнинг бегона жойларда қийналмаяпсизми?

— Йўқ, эна ёзғирадиган жойи йўқ, — деди Ойниса, негадир дийдаси юмшаб.

— Мана бу Жамилахон, — деди Қаюмжон ва қизчани кўтариб онасининг ёнига ўтқазиб қўйди. Жамила олазарак бўла бошлади.

Кампир қизчанинг бошини силади, қўлини очиб, меҳмонлар шаънига дуо бағишлади. Ҳаммалари фотиҳа тортишди.

— Қаюмжон, меҳмонларни чорпояга олиб чик, дастурхон тайёр, — деди кейин кампир.

— Ҳозир-да, буви, — деди Қаюмжон ва меҳмонларни чорпоя томон бошлади. — Алижон, туш шотидан, бери кел, ўғлим. Мана, сенга ука келди, ўртоқ бўласизлар.

Бола ёввойисираб келди ва бир неча қадам нарида чала ейилган думбулни қўлидан қўймай тўхтади.

— Вой-бўй, гўлаҳ бўлиб кетибсан-ку, ўғлим, — деди Қаюмжон Алижоннинг билагидан ушлаб, Жамиланинг рўпарасига келтирди. — Оти Жамила, — деди у Алижонга ва Жамилага қараб: — Бу Алижон, сенга ака бўлади, Жамила. Майлими?

Жамила иягини кўксига қадаб, ётсираб турар, ковоғи остидан онасига тикиларди.

— Майли, кейин иноқлашиб кетасизлар, — дея Қаюмжон Жамилани қўйиб юборди, Жамила чорпоя четида ўтирган онасининг тиззасига бориб ёпишди. — Сен бориб ювин, ўғлим. Қара, Жамила сендан кўркиб кетди. Дарров оппоқ бўлиб кел... Совун билан ювин, бўптими?

Алижон ариқ томон югуриб кетди.

Қаюмжон нарироқда турган кўзани олиб, меҳмонларга қўл чайиш учун сув тутди.

— Мен қуя қолай, — деди Ойниса Қаюмжоннинг қўлидаги кўзага қўлини чўзиб.

— Йўқ, йўқ, — дея Қаюмжон қўлини олиб қочди. — Сиз меҳмонсиз, уят бўлади.

— Қаюмжон ака, илтимос одамни хижолат қилманг, — деди Ойниса самимий ёлвориб. — Савобдан маҳрум қилманг. Эркак киши сув қуйиши...

— Шунақами? Ҳа, майли, — дея Қаюмжон кўзани Ойнисага берди. — Бўлмаса, аввал домладан бошланг. Мен чой олиб келаман.

— Хўп бўлади, — деди Ойниса ва Мансур аканинг ёнига ўтиб, кўлига сув қуйди.

— Баракалла, — деди Мансур ака кўлини узатилган сочиққа арта туриб. — Кам бўлманг, қизим.

Қаюмжон чой келтирди.

— Ойнисахон, чойни эрмак қилиб турасизлар, — деди Қаюмжон ва дастурхондаги иккита ноннинг бирини ушатди, қовун сўйди, карчлади. — Қани дастурхонга қаранглар. Мана шу шинни. Янги тутдан. Мен қозонга қарайман, зирвак тайёр, бир зумда гуруч соламан. Ҳаш-паш дегунча пишади, кейин бемалол суҳбат қуриб ўтира-миз. Майлими?

— Майли, Қаюмжон, майли, — деди хижолат чекиб Мансур ака. — Сизни уринтириб қўйганимиздан одам истиҳола чекапти-да.

— Э, домла, шуюм уринишми? Бундан бўлак гашт бўладими?

Қаюмжон нимқўкиш тутун буруксаган ўчоқ томон кетди.

Ойниса бир пиёла чойни ўзига, иккинчисини Мансур акага узатди, бир чимдим нон ушатиб шиннига ботирди, қизининг оғзига солди, сўнгра яна битта пиёла чой қуйиб, бир маромда тебраниб ўтирган Қаюмжоннинг онасига олиб бориб тутди:

— Эна, бир пиёла ичинг, — деди Ойниса ва кампирнинг кўлига пиёлани ушлатиб қуйди.

— Худо хайрингизни берсин, — деди кампир дили ғалати бўлиб. — Анча пайтлардан бери бировнинг кўлидан чой ичмаганидим.

— Намозга турасизми, эна? — сўради Ойниса каравот четига омонат ўтириб.

— Ҳа, болам, шомга тураман.

— Сув тайёрлаб қўяйми, эна?

— Таҳоратим бор, болам, — деди кампир рухи шодланиб. — Мени Алижон уйга киритиб қўйса бўлди.

— Алижон ювиняпти, эна, ўзим киритиб қўяман.

— Сизни овора қиламанми, болам? — тортиниб сўради кампир.

— Овораси борми, эна? Тура қолинг, бўлмаса, — дея Ойниса кампирнинг тирсагидан олди.

— Майли, болам, намозим қазо қилмасин.

Ойниса авайлаб кампирни уйга олиб кириб кетаркан, гуруч юваётган Қаюмжон уларни кўриб, дили алланечук бўлиб кетди.

Бир оздан кейин ичкаридан Ойниса чиқиб, Қаюмжонга яқинлашди.

— Нарсаларингизни йиғиштирганмисиз, Қаюмжон ака? — сўради Ойниса.

— Ҳали вақт бор, улгураман, — деди Қаюмжон миннатдорчилик билан Ойнисага тикилиб.

— Ювилмаган нарсаларингиз бўлса, беринг, бирпасда курийди.

— Ювилган, Ойнисахон, ғам еманг.

— Дазмолланганми?

— Дазмол? — мийиғида кулиб сўради Қаюмжон. — Бизларга дазмолсиз ҳам бўлаверади.

— Дазмол борми?

— Бўлиши керак. Жавоннинг тоқчасида. Ҳозир олиб чиқаман.

— Кўяверинг, ўзим, — дея Ойниса қайрилиб ичкарига кириб кетди. — Чўғ солиб кўяй.

«Тавба, — деб ўйлади Қаюмжон, Ойнисанинг кетидан тикилиб. — Бир зумда ҳаммаёққа файз кирди-қўйди. Тузук, унча тортинчоқ эмас экан, дарров киришиб кетди. Оёқ-қўли ҳам чаққонгина экан...»

Қаюмжонни юраги гўё эзгуликка тўлиб-тошгандек туюлди, кўзининг олдида рўй бераётган манзара тушига ўхшар, бу манзара ҳеч қачон тугашини истамас эди. Ишқилиб шу рост бўлсин-да. Қани энди, замон кўтарса шу бугуноқ Қаюмжон мулла чақиртириб, никоҳ ўқиттирар, худонинг бу беғубор, мискин бандасини кечаси бағрига босар, ўпар, эркалатар, мусаффо булоқдан тўйиб-тўйиб ичиб, ташна қалбини қондирар, шўрлик Ойнисанинг ҳам ғурбатларини аритар эди, аммо, афсус, мумкин эмас-да, маълум қоидалар бор, риюя қилмай иложи йўқ...

39

Мунис опанинг йўқ, деганига қарамай Муқаддас девордан ул-бул нарса ошириб турди. Бир гал ярим халта ун, бир-икки коса мош, иккинчи гал Ҳошимжон келтирган харбийларнинг нонидан бир буханкасини, яна бир гал коньяк шишасига қуйилган керосин, қайси бир гал май байрами

олдидан эди шекилли — икки юз сўм пул, беш қулоч сурп берди. Муқаддас бу нарсаларни узатиш учун аллақанақа айрили ёғочни ҳам мослаб қўйган, ёғоч шундоққина пахса тагида ётади, ҳеч ким унга эътибор ҳам бермайди. Умуман чорвоқнинг бу этагига ҳеч ким ўтмайди. Узумни хомтоқ қилган, экинга сув қуйган одамлар ўша ишқомдан бери келмайди, туш пайтида шийпонда ўтириб овқатланишади, кейин ҳар бири ўзига ажратилган ишни бажариб, ўша ёқдан нари кетади. Муродхўжа аканинг рўзғори тўлиб-тошиб ётипти, унча-мунча нарса камайса, сезилмайди ҳам, шунинг учун Муқаддас гоҳо яшириб, гоҳо ошкор Ўлмаснинг онасига оширган нарсаларини ҳеч ким пайқамайди. Тўғри, Холида бир-икки марта кўрган, аммо у айтмайди, Муқаддас уни бураб қўйган.

Кеча шийпонда Озоданинг ўйинчоқлари қолиб кетган эди, шуларни олиб кетиш учун Муқаддас бор этагига тушди ва нарига томондан деворга нарвон суяб олма тераётган Ўлмаснинг синглиси Муҳайёга кўзи тушди, қўғирчокни қўлида осилтириб, ўзи бир неча йил аввал дарахтдан йиқилган жойга борди, «хорманг», деди.

— Вой, Муқаддас опа! — деди Муҳайё Муқаддасни кўриб. — Келиб қолганингизни сезмапман. Яхшимисиз?

— Шукр, — деди Муқаддас дарахт орасидан қизга қараб.

— Муқаддас опа, этагингизни тутинг, олма ташлайман, оғзингиз тегсин, — деди Муҳайё челақ ичидан бир неча дона қирмизи олма танлаб. — Бу йил ҳосили яхши, курт емапти, серсув, оғзингиз роҳат қилади.

— Уйда олма бор, Муҳайёхон, — деди Муқаддас.

— Вой, опа, сизларники бошқа, таъмини кўринг, — деди Муҳайё олма ушлаган иккала қўлини Муқаддас томон чўзиб. — Хафа бўламан. Тутинг этагингизни.

Муқаддас этагини очишга мажбур бўлди. Муҳайё олмаларни битталаб ташлади.

— Бўлади, Муҳайёхон, бас, — деди Муқаддас уч-тўртта олма тўплангач ва биттасини тишлаб, қизга синовчан тикилди: — Дарахтнинг тагида ҳеч ким борми?

— Йўқ, нимади? — сўради Муҳайё деворга қўлларини тираб. — Ойимми чақирайми?

— Йўқ, ҳожати йўқ, — деди Муқаддас хуфия вазиятни бузгиси келмай. — Акангиздан хат келиб туриптими?

— Келяпти, — деди Муҳайё ва уй томонга қараб олиб, қўшиб қўйди: — Ҳамма хатида сизни сўрайди. Ойим айтманглар деган бизга.

— Шунақами?

— Ҳм. Сизгаям хат ёзармиш, аммо ҳалигача битта жавоб олмапти, — деди Муҳайё паст овозда. — Нега хат ёзмайсиз, опа?

— Мен биронтаям хатини олганим йўқ, — деди Муқаддас таажжубланиб. — Олсам ёзарман. Адресиниям билмайман.

— Нега сизга хати келмайди? Биз оламиз-ку.

— Қайдам, — деди Муқаддас уйдагиларидан гумон қила бошлаб.

— Адресини берсам, ёзасизми? — сўради Муҳайё Муқаддасга синовчан тикилиб.

— Ўзимга келган хатини ўқисам, ёзардим.

— Уйингиздагилар сиздан яширишса керак, — деди Муҳайё зийраклик қилиб. — Почтачидан суриштириб кўринг.

Муқаддас айна шу топда ўзини мадорсиз сезди, баданидан совуқ тер чиқиб, оёқ-қўли қалтирай бошлади, кўнгли айниди.

— Шу бугуноқ суриштираман, — деди у кўзи тингандек бўлиб ва зилдек оғирлашган оёқларини аранг босиб уй томон кетди. «Холидани пойлоқчи қиламан, деб ўйлади у йўл-йўлакай, почтачининг қораси кўриниши билан менга айтади, йўлакка чиқиб, ундан сўрайман. Ҳаммасини билиб оламан». Бироқ Холида онасининг измида бўлиши мумкинлигини фараз қилиб, тезда ниятидан қайтди, ўзи пойлашга қарор қилди. Йўлакка чиқиб кўчага мўралади, почтачи кўринмади, кўшни боладан сўради, у бўйнини қисди.

— Ма, Равшан, — дея Муқаддас чўнтагида бор майда пулларни чиқариб болага тутди. — Обакиданон олиб шимасан. Менга почтачини топиб кела оласанми?

— Қидириб кўраман, — деди Равшан пулни санаб. — Маҳаллада кўринса, чақириб юбораман.

— Чақирганингни мен билишим керак, Равшан. Мен шу ерда пойлаб тураман. Зинғиллаб бориб кел, бўптими?

— Майли, — деди Равшан ва маҳалла гузари томон кета бошлади.

— Топсанг, бошлаб кел, Равшан, яна бир нарса бераман.

Равшан чопқиллаб кетди.

Муқаддас тешиккулча олиб чиқиш учун уйга кириб кетди.

Бир оз вақт ўтгач, кўча бошида Равшан, унинг ортида маймоқ қўлини ғалати силкитиб келаётган почтачи кўринди.

— Равшан, ма, сенга раҳмат, — деди Муқаддас, тикилиб турган болага тешиккулчани бериб. — Энди сен ишингдан қолма. Рухсат сенга, — Равшан диконглаб югуриб кетди. Муқаддас почтачини имлаб, орқага, йўлак бостирмаси остига жилди. Почтачи гап нимадалигини дарров сизди, у икки томонга қараб олиб, йўлакка кирди. — Менга келган хатларни нима қилдингиз, амаки?

— Қанақа хат? — талмовсиради почтачи, кўзлари бежо бўлиб. — Ҳеч қанақа хатни билмайман.

— Ойимдан қанча оласиз?

— Нимани оламан? Мен ойингиздан ҳеч нарса олмайман.

— Ундан кўпроқ бераман, — деди Муқаддас почтачига тик қараб. — Яширган хатларни беринг.

Почтачи каловланиб қолди. Агар қизи онасидан кўпроқ берадиган бўлса, унга нима фарқи бор. Фақат Муродхўжа ака баджаҳл одам, билиб қолса, омон қўймайди. Нима қилсин? Аввалгидек ҳар бир келган хатни ширинкомасини олиб юраверсинми, ё улгуржироғини ундирсинми? Хавфли иш. Каттасига суллоҳлик қилиб, кичигидан бенасиб бўлиши мумкин.

— Менда ҳеч қанақа хат йўқ, — деди почтачи гўла-йиб. — Нима келса ҳаммасини олиб келаман. Менга бунақа дўқ-пўписа қилманг. Уйингиздаги машмаша билан нима ишим бор?

Муқаддас билдики, онаси ёки отаси почтачини обдан бурашган, почтачи ҳайиқяпти. Албатта, бу атрофда отасидан ҳайиқмаган ким бор? Ҳамма зириллаб туради.

— Амаки, — деди Муқаддас ётиғи билан. — Кейинги хатни ўзимга топширасиз, хром этик бераман. Қўрқманг, ҳеч кимга айтмайман. Хотирингиз жам бўлаверсин. Келишдикми, амаки?

— Бирон нарса дея олмайман, — деди почтачи, четга қараб. — Агар хат келса, ўзингизга топшираман албатта. Менга нима фарқи бор?

— Тирриқлик қилманг, амаки, — деди Муқаддас.

— Адангиз уруғимни қуритади, — деди почтачи иккиланиб.

— Айтдим-ку, ҳеч ким билмайди деб. Онт ичайми?

— Кераги йўқ, — деди почтачи мижғовланиб. — Майли, хат келса ўзингизга топшираман. Лекин уйингизга келганимни барибир ойингиз билиб қолади. Унда нима қиламан? Қандай қилиб ойингиз олдида хатни сизга топшираман?

Муқаддас ўйланиб қолди. Ҳақиқатан, хонадонда Муқад-

даснинг бир ўзи яшамайди, почтачи чақириб келса, биринчи бўлиб Холида билади, онасини чақиради. Муқаддас бундан огоҳ бўлгунча, онаси хатни гумдон қилиб бўлади.

— Мана бу харининг орасига яшириб кетасиз, — деди Муқаддас синч орасидаги тирқишни кўрсатиб. — Ўқтин-ўқтин ўзим хабар олиб тураман. Хат келганда рўпарадаги синчга чақич ёпиштириб кетасиз, кўзим тушиши билан биламан. Бўптими?

— Этикни қандай оламан? — асосий муддаони айтди почтачи.

— Паранжи ёпиниб, ўзим элтиб бераман. Бу ёғидан хавотир бўлманг, — деди Муқаддас қатъий тусда.

— Қаерга элтиб берасиз? — гумонсираб сўради почтачи. — Қаерга десангиз, шу ерга.

— Фақат почтахонага эмас.

— Шу атрофга келганингизда кўчада бировни қаттиқроқ чақирсангиз, овозингизни эшитаман, ўша заҳотиёқ олиб чиқиб бераман. Уқдингизми? Фақат хат келмасидан олдин бақириб қўйманг. Мана бу хамир учидан патир, — дея Муқаддас почтачининг сумкасига ўттиз сўмлик кизил пул солиб қўйди...

Шу воқеадан кейин бир неча кун ўтди, Муқаддас ҳар кун йўлака чиқиб рўпарадаги синчни кўздан кечирадиган бўлиб қолди. Бироқ синчда ҳамон шартли белги кўринмас, аммо унинг пайдо бўлиш муддати яқинлашгандек туюлар. Муқаддаснинг юрагини саросимага солар, чўчитар, дилини кўрқинчли алғов-далғов изтиробда қийнар эди.

Майли, хат ҳам келсин, Муқаддас уни олиб ўқисин ҳам, кейин нима бўлади? Жавоб хатини ёзганида, Муқаддас хатга қанақа сўзлар битади? Хатининг мазмуни қандай бўлади? Нималарни Муқаддас ўлмасга ваъда қилади? Ахир ўлмас уйига муттасил хат ёзар экан, демак, Муқаддаснинг турмушга чикканидан, фарзанд кўрганидан хабари бор. Шундай экан, ўлмасга нима керак? Нимани Муқаддасдан кутади? Эридан воз кечишиними? Эрининг қанақа айби бор, нима учун у бошқаларнинг қилмишлари учун ўз азоби билан жавоб бериши керак? Умуман, қайси юксак мақсадлар туфайли у мустаҳкам оилани бузиши керак? Қанақа олий бахт учун тинч-тотув ҳаётни чилпарчин қилиши керак? Унинг севгиси учунми? Бу ҳам кам севмайди. Мардлиги, ақл-заковати, хусни, истиқболи учунми? Ҳошимжон ҳам ўзига хос мард, ақлли, нуқсонсиз, истиқболи ҳам яхши. Мана, техникумни битирганлиги ҳақида ҳужжат олипти, айти шу кунларда университетнинг тарих бўлимига имтиҳонлар топшириб

юрпти, бориб-бориб олимбўламан, дейди. Ҳошимжон абжир йигит, ўз олдига бир нарсани мақсад қилиб қўйса, албатта унга эришади. Бу жиҳатига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Топиш-тутиши яхши, ўзи сахий, бачкана одатлари йўқ, ўн ўйлаб, бир гапиради, субутли, ичмайди, бевурд, шилқимэмас. Муқаддаснинг аёлларга хос бетоблигида ўта сезгир бўлади, қисталанг қилмайди. Нега энди Муқаддас шундай турмушига хиёнат қилиб, Ўлмасга хат ёзиши, уни умидвор қилиши керак? Шундай бўлганда ҳам, Ўлмас ўзи ким, қанақа инсон, феъл-атвори қанақа. Муқаддас билмайдику. Муқаддас уни уч-тўрт марта кўрган атиги, ишқ ўтида ҳамма ўзининг яхши фазилатларини кўрсатишга ва шу алдамчи тасаввур билан ўз муддаосига эришиб олишга ҳаракат қилди, шундай бўлиб чиқди ҳам. Ахир у Муқаддасни бундоқ олиб қараганда — авайламади-ку, ўз нафсини қондириш билан овора бўлди-ку. Урушга кетиб қолар экан, агар Ҳошимжон дуч келмаганда, нима бўларди? Муқаддас шарманда бўларди, буларнинг оиласи ҳақида одамлар орасида ёмон гап тарқаларди, иснодга қолишарди...

Муқаддас шу каби «далиллар» билан ўз тадбиридан, номуносиб ҳаракатидан ўзини совута бошлади, совутган сайин дилида тиниқ идрок ва асосли таскин қарор топгандек бўлди, беқарор туйғу ўрнини доно тоқат, она ва хотинлик масъулияти эгаллай бошлади. Йўқ, Муқаддас кўр-кўрона, ўткинчи хиссиётлар ихтиёрига берилиши керак эмас. Майли, хат келган бўлса, тирқиш орасида ётаверсин, Муқаддас уни олмайди ҳам, бекорга дилини изтиробга солмайди ҳам, синчга ёпиштирилган сақични кўчириб ташлайди, вассалом. Почтачини учратса, хатни олганим йўқ, олиб кетинг, дейди. Шундай фикр билан Муқаддас хом-хатала тадбирни ўзгартиришга қарор қилди, натижада хаёлини паришон қилиб юрган тугён аста-секин кучини йўқота бошлади. Бирок... Бир неча кундан кейин эрини ишга кузатаётиб, кўзи йўлак синчига ёпиштирилган сақичга тушиб қолди. Муқаддаснинг юраги шувиллаб кетди, гўё Ҳошимжоннинг ҳам эътибори сақичга тушгандек эди. Эри кутиб турган юк машинасига ўтириб хизматига жўнади. Аллақандай ўжар куч Муқаддасни учбурчакли хат яширилган тирқиш томон итарар, ҳеч қачон ишқий хат олмаган Муқаддасга бу нарса ажиб, авровчи туюлар, ўзини бу йўлдан оздирувчи махфиятга учмаслик учун ожизлик қилар, иродаси етмагандек ғалати саросимада қолган эди. Аммо барибир Муқаддас шифтга, васса орасига бир зум тикилиб турди, сўнгра кескин бурилиб, уйига кириб кетди.

Шу куннинг ўзидаёк Муқаддас кўчада ким биландир шанғиллаб гаплашаётган почтачининг овозини эшитиб қолди. Бу Муқаддаснинг ўзи тайинлаган шартли оғох эди. Нима қилсин, чиқсинми ёки ҳеч нарса билмаган бўлиб уйда ўтираверсинми? Йўқ, почтачи ўз улушини олмагунча, шу атрофда ўралашиб, қичқираверади, тинчлик бермайди, пировардида бирон баҳона билан ўзи кириб келади, сирни фош қилиб қўяди. Қолаверса, Муқаддас чиқиб, ўзи айтган режаларидан айниганини айтиши, узил-кесил орани очиқ қилиб келиши керак.

Муқаддас кўчага мўралаганида, у ерда почтачидан бўлак ҳеч ким йўқ, почтачи ўз-ўзидан алаҳсирагандек шанғиллаб гаплашар эди. Муқаддасни пайқагач, «аллаким» билан хайрлашди, атрофга олазарак назар ташлаб, бу томонга йўрғалади, Муқаддас рўпарасида ишшайиб тўхтади.

— Олдингизми? — шивирлаб сўради почтачи ва тирқишга ишора қилди. — Сақич ҳам ёпиштириб қўйдим. Кеча олиб келувдим.

— Олганим йўқ, амаки, — деди Муқаддас жиддий тусда. — Олмайман ҳам.

— Нега? — талмовсираб сўради почтачи.

— Айнидим, — деди Муқаддас почтачининг ҳафсаласи пир бўлганига парво қилмай. — Ўйлаб қарасам, тўғри келмас экан.

— Этик нима бўлади? — хавотирланиб сўради почтачи. — Хром этик?

— Хатни олганим йўқ, этик ҳам бўлмайди.

— Ие! Муқаддасхон, бу хатарли ишга ўзингиз мени мажбур қилдингиз, — деди почтачи «ётиб қолгунча, отиб қол» қабилда. — Гап менданмас, сиздан чиқди. Ўзингиз шарт қўйдингиз, ваъда бердингиз, мени чалғитдингиз. Энди тонасиизми?

— Хатни олганим йўқ-ку.

— Олдингиз-олмадингиз, мени ишим нима? Мен шартни бажардим, — деди почтачи ранжиб ва хужумга ўтди: — Балки аллақачон олиб ўқигандирсиз, мен қаттан билай? Агар мунақа қилишингизни билсам, хийлангизга асло юрмасдим. Хатни ойингизга топшириб, насибамни олиб кетаверардим. Энди сиз тонадиган бўлдингиз, ойингизга айтаман, мендан домангир бўлманг, жавобини ўзингиз бераверасиз. Бу сирни бошқалар ҳам эшитиши мумкин.

— Пўписага ўтибсиз-да, — деди Муқаддас. — Майли, бир айланиб келинг, мен этикни олиб чиқиб қўяман.

— Кўча айланиб чикдим, бу ерда бошқа ишим йўк, — деди почтачи араз билан. — Кутиб тураман.

— Бўпти, хозир олиб чиқаман, — дея Муқаддас шошмай уйига кириб кетди ва «ширинкома» шу атрофда бўлса керак, бир зумда латтага ўралган этикни қўлтиқлаб чикди, дағалроқ ҳаракат билан почтачининг сумкасига ташлади.

— Ҳа, мана бу бошқа гап, ойимча, — деди почтачи кўзлари йилтираб. — Одам сўзида туриши керак-да. Бўпти, омон бўлинг.

Почтачи пилдиллаб гузар томон йўрғалади.

Муқаддас бир оз унинг ортидан тикилиб турди-да, уйига кириб кетиш учун орқага ўгирилди ва беихтиёр кўзи тирқишга тушди — яқиндагина зўрға-зўрға кўриниб турган оқиш нарса йўк эди. Демак, почтачи пайтдан фойдаланиб, суғуриб олипти-да, демак, хатни онасига қайта пуллайди. Муқаддасга негадир алам қилди; ҳам хатни қўлдан чиқарди, ҳам этик бекорга кетди. Ундан кўра хатни олиб йиртиб ташлагани, этикни Мунис холага бергани маъқул эмасмиди? Бечора сотса, бир неча кун рўзғор тебратар эди. Ўзи шунақа қизиқ устида қилинган ишнинг охири вой бўлади...

40

Заҳронинг ўлими билан боғлиқ ташвиш бартараф бўлди. Муродхўжа ака бу хабарни эшитиб анча тинчиди, бинобарин, Саттор деган акаси бор экан, у-ку даъво қилмапти, аммо бир-иккита ғаламис пинжига кириб, қайраса, синглинг бекордан-бекорга қамоқда ўлиб кетаверадими, қийнашган, шу даражага олиб боришган, деб гижгижласа, яна енгини шимариб, ўч олишга киришади, товон талаб қилади. Бунинг устига даъво қилмаслиги ҳақида ундан тилхат ҳам олишмапти, каллаварамлар. Саттор ўликни ўзи кўмишдан воз кечиб тўғри қилипти, лекин ким билади? Ўликни уйдан чиқарганида, ғаламислар пинжига кирмай туриб, Муродхўжа ака, шундай амалдор, обрўли одам, ўзи таъзияга бориб тиловат қилиб келганида, кераксиз оқибатларнинг олдини олган бўлармиди; акасини ёнига ўтқазиб, кўнгил сўрарди, панд-насихат қиларди, ўлди-кетди, Аллохнинг иродаси, энди қайтариб бўлмайди, сабр-чидам берсин, ўзингизни авайланг, бўлар-бўлмас одамларнинг гапига кирманг, дерди. Саттор Муродхўжа акадек бообрў инсоннинг насихатларига юрган бўлармиди... Бинобарин, бу ишда Муродхўжа аканинг қўли борлигини билмайди ҳам, масала енгил кўчармиди? Энди

нима дейди? Агарда Муродхўжа ака Сатторнинг уйига кўнгил сўраб боргудек бўлса, аввал-охир унинг уйига қадам босмаган. Саттор расмий аза очган эмас, синглиси бедарак йўқолиб кетди, деган гап тарқалганмиш, Саттор нима деб ўйлайди? Шубҳаланмайдими? Шубҳаланади, албатта. Фафлатда юрган одамнинг дилига гулгула тушади, ана ундан кейин кидириш кўйига тушади. Унда чаток бўлади. Шукур мўйлов пора билан тўғриладик деди; аммо Шукур мўйлов зикна, суллоҳ одам, қанча берган экан? Ҳойнаҳой, кўпини ўзи олиб қолиб, жиччагина қисмини берган. Агар Сатторнинг иштаҳаси очилиб, сурбетлик қилса-чи? Синглисининг ажалидан фойдаланиб қолмоқчи бўлса-чи? Унда ким тўхтади уни? Муродхўжа аканинг боши қотиб қолди. Ўзи-ку оёқ бошмалдоғи пасот боғлаб, неча кундан бери оғриқ азобида юрипти, кечалари ухламай чикапти. Унинг устига мана бир ойдан ошди, ўғлидан дарак йўқ. Масъуд нима бўлди, нега хат ёзмайди, омонми? Ҳеч нарса билмайди, ойиси йиғлагани-йиғлаган, минғир-минғир қилавериб, жонга тегди. Устига-устак, мана бу лаънати яра! Арзимаган нарса эди-я, атиги кичкинагина мих? Шунча азоб беришини ким билипти? Ахир нималар бўлмайди? Пичоқ кесади, ўроқ санчилади, тикон киради — ҳеч нарса бўлмайди-ку. Дори-дармон билан тузалиб кетади. Нега энди Муродхўжа акага келганда миттигина бир михдан шунча озор чекиши керак? Бошмалдоғи олхўридек нафармон бўлиб кетди, болдири аралаш лўқиллаб, ором бермайди. Яқинда битта шунақа дарддан аранг қутулувди. Битта одамга ўша кулфатнинг ўзи етарли эди. Ахир ис чиқарди, мушкулкушод ўқитди, садақа берди, ўша кифоя-да. Энди бу кўргилик бормиди? Тавба!.. Эрталаб хизматга кетаётганида Ҳошимжонга айтиши керак эди, биронта ҳарбий врачни етаклаб келарди. Аттанг.

— Маматни чақиртир, — деди Муродхўжа ака, оёғини авайлаб уқалаётган хотинига. Гулсум опа деразадан мўралаб, Холидани имлади, Маматни чақиритишни буюрди.

— Дарров Тупроккўрғонга бор, — деди Муродхўжа ака эшик остонасида пайдо бўлган Маматга. — Ҳошимжонни топ. Дўхтир олиб, шу извошда келсин. Оғриқ зўрайяпти. Ўзи билади, уқдингми?

— Хўп, хўжайин, — деб Мамат ортига чекинди.

— Имиллама, ўлиб қоламан! — деди Муродхўжа ака Маматнинг орқасидан бақириб. — Қамчинни аяма!

— Хўп, хўжайин! — деган Маматнинг овози дарвозахонадан келди.

Улар гилос тагидаги тўқима креслоларда ўтиришар, Ҳошимжон тик ҳолда индамай гапга кулоқ солар эди.

— Ўтказиб юборипсиз, хўжайин, — деди поғонида илон белгиси бор капитан. — Юрагингиз безовта қиладимиз?

— Безовта қилганда қандок, — деди Муродхўжа ака хавотир бўлиб.

— Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, — деди доктор.

— Қон заҳарланган, бутун жисмингизда йиринг аралаш қон айланиб юрипти. Одам шунақа беғам бўладими? Дарҳол операция қилиш керак. Кесиб ташламаса, чаток бўлади.

— Кесиб ташламаса? — Муродхўжа ака донг қотиб қолди. — Нимани кесасиз?

— Оёқни сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз, — деди капитан жиддий оҳангда. — Бармоқни кесамиз. Қонни тозалаймиз. Зора фойда берса. Касалингиз гангрена. Ўзбеклар қорасон, деб аташади.

— Кесмаса бўлмайдимиз, дўхтир? — ёлворди Муродхўжа ака. Айти бир пайтда Ҳошимжоннинг кўзида қайнотаси — шундай мағрур ва маъруф қайнотаси аянчли ва нотавон бўлиб кўринди. «Эй, парвардигор, — деб ўйлади у, — шундай кунни кўрадиган пайт келаркан-а!» Муродхўжа ака латтаси олиб ташланган панжасига кўз ташлади. — Бармоқсиз қандай яшайман-а? Қандай? Ахир бу бошмалдоқ-ку, бошқа бармоқ бўлсаям майли эди, билинмас эди.

— Қанча одамлар оёқсиз юрипти, бошмалдоқ гап эканми? Агар иш фақат бармогингиз билан битса, шукр қилинг. — Дард ҳақиқатан хавфли эди, шунинг учун капитан вазиятни асл ҳолатидан яхши қилиб кўрсатишни истамасди. Қолаверса, капитан атайлаб шундай деди, бемор аҳволини жиддий эканига ишонтирилмаса, уни операция столига ётқизиб бўлмайди, ўзини нобуд қилишга олиб боради. Модомики, капитан шу ишга аралашди, номига доғ туширмаслик учун ҳамма чорани кўриши шарт. Штаб бошлиқлари бу одам билан улфат, ўлиб қолса, писанди капитанга тушади. — Қани, термометрни беринг-чи.

Муродхўжа ака қўлтигидаги термометрни олиб докторга узатди.

— Қойилман, — деди доктор ажабланиб. — Бақувват экансиз. Бошқа одам бунақа иситмада шайтонлаб қоларди. Туринг, хўжайин. Кетдик.

— Ҳозирми? — дағ-дағ қалтираб сўради Муродхўжа ака. — Қаёққа олиб борасиз?

— Ҳозир. Госпиталга. Ҳар дақиқа ғанимат...

Йиғилиш бир ҳафтага бормади, икки кунда тугади. Мажлис Муқимий театрининг Бешёвочда қурилган янги биносиди ўтди, Усмон Юсуповнинг ўзи қатнашди, сўзга чиқиб узоқ ва жўшқин гапирди. Қаюмжон бу одамни Катта Фарғона канали қурилишида кўрган. Семизлигига қарамай тиним билмас, қора енгил машинасида чангга беланиб қурилишнинг бошидан-охиригача изғир, ҳар ер-ҳар ерда тўхтаб, офтобда қорайиб кетган ярим яланғоч одамлар билан кизгин суҳбатлар олиб борар, кулдирад, руҳини кўтарар, ишга ташаббус уйғотар эди. Бир куни динамит кўмилган томонга шитоб билан бораётганида портлаб кетишига сал қолган, одамлар бақириб-чақириб, фалокатдан асраб қолишган. Ўшанда Қаюмжоннинг дадаси чанг-тўзон ичидан чиқиб келган тракторга урилиб кетиб, чий бостирма тагида ётганида Усмон Юсупов ўзи келиб ҳол сўраган, яхши қарашни врачларга буюрган эди. Бироқ зарба отасининг ички аъзоларига зарар етказган эканми, тузалиш ўрнига борган сайин аҳволи оғирлашган, ўлиги ўша ерларда қолиб кетишидан кўрқиб, уйига жўнатишларини талаб қилган, у ердагилар руҳсат беришга мажбур бўлишган. Хўкиз кўшилган аравага пичан тўшаб, беморни ётқизишган, дадасининг ёнида оёғини осилтириб Қаюмжон ўтирган, ўнқир-чўнқир йўлларда қалтираб-чайқалиб хуфтон пайтида уйга етиб боришган, ўша тунда отаси жон берган...

Танаффус пайтида Усмон Юсупов сахнадан залга тушди, одамлар дарров уни қуршаб олишди, саволга тутишди; Қаюмжон отаси жароҳатдан ўлиб кетгани ва айниқса акаси қамоққа олиниб, тез фурсатда Ўш турмасида отилиб кетгани, у шаҳарда хотини билан учта боласи етим қолганини айтмоқчи эди, айни пайтдаги суҳбат руҳига ўзининг шикоятмуз гапи ноўхшов тушишидан истиҳола қилди, гапга суқулмади. Кейин бунақа вазият туғилмади, мажлис қатнашчиларини Тошкент атрофидаги хўжаликларга олиб кетишди, бир неча кун мобайнида шунга ўхшаш тадбирлар билан овора бўлиб, Қаюмжон Усмон Юсуповни бошқа учрата олмади, гапи ичида қолди.

Қаюмжон узоқ муддатли сафарларда кўп бўлган. Уч йил Ўшдаги техникумда ўқиди. Бу даврни Қаюмжон мусофирчиликка қўшмайди, чунки акаси ўз оиласи билан ўша шаҳарда турар, район маориф бўлимининг мудири эди. Кейин чамаси бир ой Фарғона канали қурилишида дадаси билан ишлади, биринчилар қаторида фронтга кетди,

уч йиллик умри жанг майдонида ва госпиталларда ўтди. Алижон унда энди икки ёшдан ошган гўдак, шуни қаттиқ соғиниб қийналган эди.

Лекин Қаюмжоннинг Тошкентга қилган сафари йилга ўхшаб кетди. Айниқса икки кунлик маърузалар тугаб, мажлис қатнашчиларини тажриба алмашиш учун шаҳар атрофидаги колхозларга чиқарилиши Қаюмжонга малол келди. Бундоқ олиб қараганда, у ўз ташвишларидан йироқ, кунора зиёфатларда иштирок этади, пахтани етиштириш бўйича зарур тажрибалар орттирмоқда, бу ҳаммаси яхши, фойдали, бироқ уни қандайдир кўзга кўринмас куч уйи томон чақирар, тоқатсизлантирар, ҳарчанд хаёлини забт этишга уринган манзараларни ҳайдамасин, Қаюмжоннинг ички назари олдида беихтиёр Ойнисанинг қиёфаси намоён бўлар, аллақачонларга эргаштириб кетар, бундай хаёл тўлқинига бўйсуниб, пўртанасида фарқ бўлиш андак ҳаловат бахш этар ва айни бир пайтда бу ҳузур Қаюмжон учун ҳам илинж, ҳам воҳид эди. Шунинг учун у тўрт кундан кўпига чидай олмади, онаси бетоблигини баҳона қилиб, поездга ўтирди, шаҳар чоғи Андижон вокзалига келиб тушди. Унинг ошиқиши ҳатто Тошкент магазинларини айланишга имкон бермади. Қаюмжон Андижонга келгач, уйи яқинлигиданми, кўнгли пича хотиржамлашгандек бўлди. Энди Тошкентда қила олмаган совға-саломини шу ердан харид қилса ҳам бўлаверади. У ердан олди нима-ю, бу ердан олди нима? Ҳозир Қаюмжон бозор айланади. Онасига дока рўмол, Алижонга портфель, Жамилага қўғирчоқ ва албатта, Ойнисага арзигулик бир нарса олади. Ҳар қалай бетоб онаси билан ўйинқароқ ўғлига қараб ўтирипти, қолаверса, Қаюмжоннинг кўнглида унча-мунча орзулари бор; Ойниса, албатта, нарсага учадиган жувон эмас, бироқ шу совға Қаюмжоннинг муносабати қанчалик самимий ва жиддий эканини англашиб қўйишнинг ягона усули. Бу пайтгача ҳам Қаюмжон четда қараб тургани йўқ, баҳоли қудрат ёрдам бериб келди; оғир аҳволини кўриб, етимхонадан ўз қишлоғига олиб келди, мактабга жойлаб қўйди, рўзгоридан хабар олиб турди. Бу ғамхўрликларни Қаюмжон чин дилидан, одамгарчилик талабига биноан самимий ифода қилди. Тепада худо бор, у пайтлар эри ҳаёт, ундан қорахат келмаган, Қаюмжоннинг юрагида эса оддий раҳмдилликдан бўлак нарса йўқ. Унинг охириги пайтдаги туйғулари Ойнисанинг азбаройи мусибатлар зарбидан мажруҳ бўлиб қолиши, танҳолиги оқибатида унинг қисматига қайғуришдан келиб чиққан бир ҳиссиёт. Ахир

унинг руhini кимдир кўтариши, ҳамдард бўлиши керак-ку. Бинобарин, Қаюмжоннинг ўзи ҳам тақдири юришмаган, дили абгор йигит. Иккита нотавон бир-бири билан топишса, бирининг дардига бири малҳам бўлса, бунинг нимаси гуноҳ? Савоб-ку.

Ҳозир улар қандай экан? Ораларида гап қочмаганмикин? Алижоннинг баъзи бир нарсаларга ақли етадиган бўлиб қолган, рашлик қилмасмикин? Жамилани йиғлатиб қўймаганмикин? Болалар ҳали бир-бирига ўрганишгани йўқ, иккови ҳам ётсираши, ораларида жанжал чиқиши мумкин. Алижон ҳам ёлғиз фарзанд, тантик, эркатой; Жамила ҳам онасининг ягона умиди. Ойниса қизини еркўкка ишонмайди, демак, унинг қизчаси ҳам ўзига яраша инжик, ҳатто Алижондан ҳам баттар тантик бўлиши мумкин. Албатта, Ойниса зийрак жувон, иккита гўдакни талаштириб қўймайди. Бироқ Алижон ўғил бола-да, бирон нарса ёқмаса, томга чиқиб олиб тумтайиши, тош отиши, ҳайдаб солиши мумкин.

* * *

Қаюмжон қоронғи тушмагунча уйига кириб бормасликка қарор қилди. Бу қарор ўз назарида сирли бир тадбир эди. Агар эртароқ борса, Ойниса боласини олиб, ўз ҳужрасига кетиш тараддудига тушиб қолади, чунки унинг эгаси қайтгач, Ойнисага юкланган вазифага муҳтожлик қолмагандек бўлади, эркак киши бор уйда ётиб қолиш ҳам ғалати туюлади, Ойниса ўзини ноқулай сезади. Қанча кеч борса, шунча яхши, ухлаб қолган қизчани уйғотиб, тунда йўлга тушиш, қоп-қоронғи мачит ҳовлисига кириб бориш у қадар зарур бўлмайди, қолишга мажбур бўлади. Қаюмжон ювиниб-таранади, болалар ухлаб қолишмаган бўлишса, у совғаларни улашади, Ойнисага Андижон бозоридан сотиб олган бир жура атласини топширади, бирга ўтириб чой ичишади, у ёқ-бу ёқдан гаплашишади, онаси ухламаган бўлса, у ҳам суҳбатга қўшилади, суҳбат давомида шу кунлар қандай ўтганини Қаюмжон билади, уларнинг орасида келажак турмуш ҳақида қанақа гап ўтган-ўтмаганлиги аён бўлади. Қаюмжон ўз хатти-ҳаракатларини шунга қараб тузади...

Қаюмжон машинадан колхоз идораси олдида тушиб қолди. Колхоз активи энди-энди тўпланишаётган эди, Қаюмжоннинг келиши айни муддао бўлди.

— Мажлис аҳли, — деди Қаюмжон ҳамма билан кўришиб чикқач, колхоздаги ишларнинг кетиши ҳақида

қисқача ҳисобот эшитиб бўлиб. — Бу йил республика бўйича бир миллион олти юз минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олишди. Мен ҳам қўл кўтардим. Усмон аканинг ўзи йиғилишда қатнашди. Йўл-йўлакай хомчўт қилиб келдим. Бу йилги мавсум, баҳор чўзилиб кетганига қарамай, умуман, яхши келди. Ғўзаларимизнинг ривожига тузук, ҳар бир тупда бешта-олтитадан кўсак бор. Беш юз гектардан минг тонна беришга кўзим етиб турипти. Абатта, бу осон ишмас, одам кам, ҳамма юк аёллару қариялар зиммасига тушади. Мактабга ёрдам бериб турипмиз, терим пайтида улар ҳам қараб туришмайди. Усмон ака томонидан ҳамма туман раҳбарларига топшириқ бўлди — биринчи масала пахта, ҳамма эътибор ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, барча чораларни шунга сафарбар қилиш керак, ватан олдида бевурд бўлмайлик, ваъдамиз устидан чиқайлик, бу ҳам фронт, — деди, — шу билан ғалабага меҳнат зафаримизни қўшган бўламиз, кимки масалани қанчалик жиддийлигини тушунмаса, демак, ғалабага тўсқинлик қилган бўлади. Бунақанги одамларга нисбатан нафрат билан қараймиз, чора қўллаймиз... Тушундиларингизми, ўртоқлар?

— Тушунишга тушундик, раис, — деди бир кўзи чарм билан танғилган киши. — Ҳосил яхши, пахта мўл, аммо лекин ким уни йиғиштириб олади? Ҳар звенода учтадан одам. Бултургидек яна қишга кириб кетсак, ҳосил далада қолиб кетади. Шунча азоблар билан етиштирилган ҳосил увол-да, раис. Ахир минг тонна топшириш учун ҳар гектардан йигирма центнердан пахта териб олиш керак. Ахир аҳоли кўпайгани йўқ-ку.

— Иложини қиламиз, — деди Қаюмжон қатъий. — Ҳашарчилар ёллаймиз. Кечалари машъала ёқиб терамиз. Меҳнатга лаёқатли биронта одам кетда қолиши керак эмас...

Ўқитувчи танқислигидан мактаб болаларига ҳам рус тилидан, ҳам немис тилидан Наима Алауддинова деган татар аёл дарс бериб келар, Ойниса ҳам ўрта мактабда шу фанларни ўтган, немис тилидан бераётган дарс сифати қанақа эканига кафиллик қила олмас, аммо ўзи рус тилини яхши билгани учун Наима опа талаффузидагина эмас, ҳатто доскага ёзган машқларида баъзи бир хатолар борлигини пайқайди. Наима Алауддинова на у, на бу тил бўйича мутахассис эмас, иккала фанни бошқа талабалар қатори педагогика техникумида ўтган, ўзининг фани ботаника бўлиб, мактаб маъмурияти рус ва немис тилини олиб боришни унга юклашган эди. Ҳар

калай унча-мунча рус тилини билган Наима опа бир неча марта Ойниса билан рус тилида гаплашгач, Ойнисанинг тили нақадар тоза эканига амин бўлди, ҳатто баъзи бир ўқувчи қизларни ёрдам олиш учун Ойнисага юборди. Бу қизлар рус тилини ўзлаштиришда кескин ўзгариб, олди ўқувчилар қаторига кириб олишди. Наима опа иккита дарс олиб бориши учун қўшимча маош олмас, битта фандан қутулиш унинг учун анча енгиллик туғдириши мумкин эди. У мактаб директори Мансур акага ўз мулоҳазаларини айтди. Мансур аканинг ўзи рус тилини яхши билмас эди, бироқ Алауддинованинг гапи унга асосли бўлиб кўринди, у синаб кўриш мақсадида бошланғич синфлар дастури ва ўқитиш методикасини Ойнисага берди. Ойниса аввалига эътироз билдириб кўрди, аммо таклиф шу қадар завқли эдики, пировардида Ойниса ҳаракат қилиб кўришни ваъда бериб, дастурни олди, секин-аста уни ўргана бошлади. Демак, Ойниса янги мавсумдан мактабга фаррош эмас, муаллим сифатида кириб боради. Бироқ унинг ҳали биронта дарс ўтгани ҳам, ҳеч қанақа тажрибаси ҳам йўқ, умуман, бу тадбир самара берадими, йўқми, Ойниса билмас, чўчир, ҳадиксирар, ҳатто ўқитувчилар олдида шарманда бўлиши мумкинлигини ўйлаб, вужуди ваҳимага тушар, тайёргарлик кўраётганини ҳаммадан яширар, агар уддасидан чиқа олмаса, ёпик қозон ёпиклигича қолишини умид қиларди.

Қаюмжон эшикни қоққанида ҳамма уйқуга кетган, Ойниса айвондаги чорпояда қизини ухлатиб, ёнида машқ қилиб ўтирган эди, эшик тақиллаганини эшитиб, дарҳол китоб-дафтарларни йиғиштириб, кўрпача остига яширди, эшик очгани югурди.

— Ким? — юраги хапқириб сўради Ойниса.

— Мен, — деди нариги томондан Қаюмжон.

— Вой, Қаюмжон ака, — дея Ойниса эшикнинг тамбасини ола бошлади. — Хайрият-ей, тезда қайтибсиз. Эсон-омонмисиз?

— Шукр, — деди Қаюмжон вазминлик билан, лекин уйдан ёш аёлнинг овози чиқиши дилини тўлқинлантириб юборган эди. Хайрият, уйда экан Ойниса. Овози ҳам тетик, Қаюмжонни кўриб, у ҳам суюниб кетди. Демак, куни бўйи уйдан хавотир олгани бекор экан. Майли, одам доим ўзини кўнгилсиз нарсага тайёрлаб юриши керак, юрак бардош бериши осон бўлади. — Кутмовдинларми?

— Йўқ, нега, кутувдик, — деди Ойниса пича эсанкираб. — Фақат бир ҳафта деганингиз учун, эрта-индинни кутувдик. Энамни уйғотайми?

— Йўк, ётаверсин, — дея Қаюмжон кўлидаги тугунни Ойнисага берди ва ўзи эшикни тамбалади.

— Сиз ювининг, мен самоварга ўт ташлайман, — дея Ойниса йўргалаб бориб, тугунни чорпояга қўйди, хонтахта ёнидаги кўрпачани тузатди, чой қўйиш учун ошхона томон кетди.

Чорпоя олдидан ўта туриб Қаюмжон кўзи ухлаб ётган Жамилага тушди. Демак, онаси Алижонни ёнига олиб, ичкарида ухляпти, ўйлади Қаюмжон ва каравоти бўш эканини фараз қилиб, бемалол у томонга ўтиб кетаверди. Каравотдаги Қаюмжоннинг тўшаги қайириб қўйилган эди.

Қаюмжон сал оқсоқланиб, ариқ бўйида тўхтади, гимнастёркасини ечиб, қоронғида ювинди, артинди, каравотига ўтириб, тамаки тутатди. Ўчоқдаги аланга қаршисида Ойнисанинг шарпаси липиллар, ювилавериб нафислашган кўйлаги остида чиройли қомати кўринар, Қаюмжоннинг кўнглини алланечук қиларди.

Ойниса сув тиндириб қўйилган пақирни олиб кетиш учун ариқ бўйига келди.

— Ҳаво бугун қаттиқ исиди, — деди Ойниса каравотда ўтирган Қаюмжоннинг ёнидан ўта туриб. — Қаранг, ҳалиям тафти пасаймади.

Қаюмжон Ойнисанинг кўлини ушлади.

— Вой, Қаюмжон ака! — деди Ойниса шивирлаб. — Бу нима қилганингиз! Қўйворинг.

— Ойнисахон, — деди Қаюмжон ўзини одоб чегарасида ушлаб. — Бир-биримизни қийнамайлик. Шунча ташналик ҳаметар.

— Қўйворинг, энам уйғониб қолади, — деди Ойниса орқага тисарилиб. — Шарманда бўламиз.

— Эртага никоҳ ўқиттираман, Ойнисахон, ҳалолим бўласиз, — деди Қаюмжон ёлвориб. — Яхши кўраман. Адо бўлдим, қийнаманг.

— Никоҳ ўқиттиринг, кейин, Қаюмжон ака, ҳозир қўйворинг. Ўтинаман, Қаюмжон ака.

Қаюмжон Ойнисани тортиб, маҳкам қучди, томоқларидан ўпа кетди. Ойниса тирсақларини қадаб, қаршилиқ кўрсатар, аммо бу қаршилиқ у қадар кескин эмас, аёл кишига хос тортинчоқликнинг ожиз ифодаси бўлиб, Қаюмжоннинг эҳтироси неча йиллар мобайнида мудраб ётган, аммо сўнмаган Ойнисанинг туйғуларини ҳам уйғотиб юборди, жозибали ларзага солди, беихтиёр майин қўллари йигитнинг бўйнини чулғади. Қаюмжон бир кўли билан турмакланган тўшакни ёзиб юборди, у жон талвасасида Ойнисанинг

кўйлагини ечиб ташлади, лозимини туширди, тўшакка кулатди. Ойнисанинг дуркун бадани дағ-дағ титрар, чўгдек ёнар, кўкраги қизларникидек таранг, эти шойидек силлик, хира ой шуъласида илондек тўлганар эди...

Сўнгра бир неча дақиқага хушини йўқотган одамдек Ойниса сапчиб ўрнидан турди, каравот четида ўтирган ҳолда апил-тапил кийинди.

— Кўйлагимни йиртиб юборибсиз, — деди у, кийимининг у ёқ-бу ёғини ағдариб кўриб.

— Атлас олиб келдим, — деди Қаюмжон кўйлак устидан Ойнисанинг ёнини силаб. — Машина бор, тикиб кийинг.

— Машинада тикишни билмайман, — деди Ойниса ўчоқ томон қараб. Қозон тагидаги олов ўчиб бўлган, самовар карнайидан қизил учқунлар тўзғиб чиқар, бир зум қоронғи қаърида йилтираб, шу заҳоти ўчар, жонли нарсага ўхшаб кетар, чорпоядаги хонтахта устидаги чироқ атрофида парвона-капалак айланар, нурни пирпиратар эди. — Қорнингиз очдир, туринг, ювининг, овқат иситганман, — дея Ойниса ялангоёқ юриб, ариқнинг қуйи томонига ўтиб кетди...

— Олинг, ўзингиз ҳам энг, — деди Қаюмжон, жаркопга ўхшаган таомни лагани билан ўртага суриб.

— Бемалол еяверинг, Қаюмжон ака, — деди Ойниса, тиззасидаги бир жўра атласни силаб. — Мен чой ичаман, — дея Ойниса ўзига чой куйди.

— Мактабга бордингизми? — сўради Қаюмжон ўртага жимлик тушгач.

— Ҳар кунни бориб хабар олиб келяпман, ҳашарчиларга чой етказиб туриш керак.

— Бошлаб юборишдими?

— Битиб қолди. Тез ишлашяпти. Сахардан кечгача, — деди Ойниса бошини кўтармай — бояги воқеадан у мулзам эди.

Қаюмжон Ойнисанинг дилида юк борлигини сезди, аммо қай йўл билан хаёлини чалғитиб, кайфиятини кўтаришни билмай боши қотди.

— Бувим, тўй қил, деяпти, — деди ниҳоят Қаюмжон сукунатни бузиб. — Сиз нима дейсиз?

— Қанақа тўй?

— Авваламбор, Алижоннинг қўлини ҳалоллаш керак, — деди Қаюмжон ва бир лаҳза жимликдан сўнг қўшиб қўйди: — Қолаверса, ўзимизнинг ҳам... Нима десамикин?.. Ҳар қалай янги турмуш...

— Уят бўлар, — деди Ойниса ҳамон бошини кўтармай. — Кейин, бувингиз нима деркин?

— Бувим жон дейди. Сиз билан гаплашдимиз?

— Учини чиқарувди. Қўшни кириб қолди. — Ойниса бошини кўтариб Қаюмжонга қаради. — Алижонга хатна тўйи қилмоқчимисиз?

— Менга қолса, қилмоқчимасдим. Бувим унамаяпти. Қишлоқдагилар олдида иснод бўлади, деди.

— Ҳозир замон ўшанақами? — деди Ойниса ўзини бу оиланинг ташвишларига дахлдор сезиб. — Уч-тўртта қарияларни чақириб, жичча расм-русмини ўтказсангиз кифоя бўлмайдими?

— Бўлади, албатта. Айтиш осон, тўйнинг ўзи бўладими? Қанча сарф-харажат! Қаердан оламан? Бувим, раиссан, ҳамма нарса қўлингда, дейди. Тушунмайди. Омбор куп-қурук. Бориниям пилла боққанларга улашдик.

— Бўпти-да, — деди Ойниса самимий тарзда. — Алижоннинг кийим-боши борми? Қиш келади.

— Кичик келиб қолган, — деди Қаюмжон Ойнисанинг Алижон хақида жон куйдиришини ичида қайд этиб. — Кейин... бувим ҳам омонат бўлиб қолди. Худо тесқари қилсин-у, иссиқ жон, бирон-бир ходиса фавқулодда рўй берса, одам шошиб қолади. Тайёр турган маъқул-да.

Гарчи Қаюмжоннинг ҳадиги ҳақиқатдан йироқ бўлмаса-да, гап кўнгилсиз эди, шунинг учун Ойниса жавоб бермади.

— Бояги гап — гап, — деди Қаюмжон Ойнисанинг маъносига нигоҳига тикилиб.

— Қанақа гап? — тушунмай сўради Ойниса.

— Эртага домла чақиртираман, — деди Қаюмжон таъкид билан. — Никоҳ ўқиттираман. Расмийлаштириш керак. Гувоҳликка одам айтаман. Эчки сўямиз. Дастурхон ёзамиз. Пича нишона бўлиши керак-да! — деди Қаюмжон қизишиб, худди Ойниса эътироз билдирадигандек. — Ҳозир эса хамир учидан патир.

Ойниса Қаюмжонга ялт этиб қаради. Унинг кўзларида саросима изғир эди.

— Нима? — сўради у гўё тушунмагандек.

— Тўймадим, — деди Қаюмжон сирли оҳангда.

— Овқат бор яна, — деди Ойниса енгил тортиб. — Олиб келайми?

— Сизга тўймадим.

Ойнисанинг бадани дувиллаб кетди.

— Айниманг, Қаюмжон ака, — деди у кизариб.

— Кутаман у ерда. Энди шошилмаймиз, — дея Қаюмжон ариқ бўйида қорайиб турган қаравоти томон кетди.

Ойниса серрайганича жойида ўтириб қолди. Кейин хушига

келиб, идиш-товоқни йиғиштирди, ўчоқбошига олиб бориб қўйди. Қайтиб келиб, чироқни ўчирди, ўрнига ётди.

Қаюмжон ўқтин-ўқтин йўталиб қўяр, тамакисининг чўғи ҳар чекканида лов этиб йилтирарди. Ойниса боя йўл қўйган иродасизлиги учун ўзини койир, афсус чекар, аммо шунинг билан бирга чегарадан ўтганидан кейин, энди қайсарлик қилиши аллақандай таннозликка ўхшаб кетарди. Қаюмжон эса ҳамон йўталар, ўзига чорлар, Ойнисанинг дилини тугёнга солар, ором бермас эди. Албатта у эркак нарса, қанча пайтлардан буён аёл кишига яқинлашган эмас, ташна, тоқат қила олмай ўзи келиб қолиши, тортиши, ухлаётганларни уйғотиб жобориши мумкин. Ана унда шармандалик бўлади, онаси сезиб қолса, эртага Ойниса унинг юзига қарай олмайди.

Ойниса чорпояни гичирлатмай турди, калишини киймай, оёқ учида у ёққа кетди...

Қаюмжон уйғонганида қуёш анча кўтарилган, ҳаво тез кизий бошлаган, уй жимжит, онаси тусмол ҳаракатлар билан чорпоя устидаги кўрпачаларни йиғиштирар эди. Қаюмжон сапчиб ўрнидан турди, апил-тапил ювинди, онаси билан кўришди, чой ичгани хонтахта ёнига ўтирди.

— Уйда битта ўзингизми, буви? — сўради тез-тез чой ичиб Қаюмжон.

— Ойнисахон болаларни эргаштириб мактабга кетди, — деди онаси ўтирган жойида тасбеҳини ахтариб. — Ҳар куни бориб келишади.

— Алижон хархаша қилмадимми? Иноқ юришдимми?

— Бинойдек, — деди кампир тасбеҳини шиқирлатиб. — Бошида ётсиради, кейин ўрганиб кетди. Ойнисахон болалар тилини биларкан, тезда чиқишиб кетишди.

— Ойнисахоннинг ўзи-чи? Малол тушмадимми?

— Нега малол тушади? Оёқ-қўли чаққон, одоб-муомаласиям бир яхши, одамшаванда экан.

— Шунини келин қилмайсизми? — бир оз сукут қилиб сўради Қаюмжон.

— Ўзим сенга айтмоқчи бўлиб турувдим, — деди онаси гапини ўйлаб олиб. — Ниятинг бўлса, бу уйга келмай турсин. Фотиҳа қилсак, янга юборамиз; расм-русуми билан туширишади.

— Бугун домла тайинлайман, — деди Қаюмжон сочиққа қўлини артиб. — Никоҳ ўқитамиз. Кечқурунга қариялардан чақирамиз. Алижонниям ётқизамиз.

— Дарров-а? Тўй-пўй қилмайсанми, болам?

— Тўй қиладиган замон эмас, буви. Ис чиқарсак кифоя. Эчки сўямиз.

- Атласни шунга олиб келдингми?
- Ҳа. Бисотингизда яна ҳеч нарса борми?
- Иккита қўйлақлик бор. Биттаси товар.
- Бўлади. Кейинчалик тиктириб кияди.
- Кўрпа қавитишим керак, болам. Бир-икки кун сабр

кил, болам.

— Вақт йўқ, буви. Яқинда пахта очилса, қўл тегмайди. Шу бугуноқ ўтказамиз. Тез орада ўқиш бошланади, Алижонни барибир ётқизиш керак. Бирақайига иккала юмушдан қутулиб оламиз.

— Ихтиёринг, болам, — деди онаси хаёлида ўз мулжалларини ўйлаб. Қанча тез бўлса, шунча яхши. Мен тинчийман. Ўғлинг ҳам қаровсиз қолмайди.

— Буви, қишлоқда чевар борми?

— Нимайди?

— Атласни тиктираман. Келинингиз оҳорли кийсин.

— Алижонгаям бирон нарса тиктир. Ҳар қалай тўй бола. Ирим. Ойнисахоннинг қизигаям қўйлақча тиктир. Мен асраганимни бераман.

— Бир кунда улгурармикин чевар?

— Иккитасига буюр, улгуради. Қишлоқда чеварлар топилади. Суриштириш керак.

— Бўпти, мен кетдим, бўлмаса, — деди Қаюмжон ўрнидан кўзғалиб.

— Одам жўнатаман, ҳовлининг у ёқ-бу ёрига қарайди. Устага хабар бераман. Ойнисахонга бўладиган ишни айтаман. Ҳали унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ.

— Унамаса-чи? Бир куннинг ўзида тўсатдан...

— Кўндираман, — деди Қаюмжон онасининг гапини бўлиб. — Мансур акага айтаман, ётиги билан гаплашади. Қарияларни ҳам ўша кишига топшираман. Вўй-бўй! Ҳали чевар топиш, бичтириш учун Ойнисахонни юбориш керак. Ҳақиқатда иш кўпга ўхшайди. Майли, иссиғида ўтади-кетди. Қани, асраган нарсангизни беринг-чи, Ойнисахон хоҳлаганидан тиктиради...

Қаюмжон маъракани енгил-елпи ўтказмоқчи эди, режаси ўйлаганидан ошиб кетди. Маросимни Қаюмжон тўй демади, таклиф қилинган одамларга худойи, деди, аммо бирини айтса, иккинчисининг кўнгли қоладигандек туюлиб, кечга томон бир ҳовли одам бўлди. Эчкининг гўшти зўрға етди, ярим қоп ун ёпилди, аввал ўрнатилган қозон чоғроқ кўриниб, каттасини осишди, ярим пуд гуруч тушди. «чилчил ҳасса»га Алижонни энасининг уйига ётқизишди. Никоҳ «келинникада» ўқиладиган бўлди. Ойнисанинг атрофига иккита-учта муаллим аёллар йиғилишди. Бири тикув

машинасини шақиллатди, иккинчиси жиз-биз қилди, яна бири дастурхон тузатди, ховлини супуриб, ховуз бўйидаги чорпоёга жой қилди. Ичкарида никоҳ ўкилиб бўлгач, домла, куёв ва Мансур акалар бу ёққа таклиф қилинади, нон ушатилади, ярим косадан мастава берилади, фотиҳадан кейин улар «куёвниқига» жўнашади, қоронғи туша бошлаганида, янгалар «келинни» тўйхонага кузатиб олиб боришади, асосий маросим ўша ерда ўтади. Ҳозир тўйхона гавжум; ўчоқда олов гувилляпти, қариялар айвонга ўтқизилган, қўшни аёллар кампирнинг хонасида, дастурхонлар ёзилган, сал нарида тўшак безатилган, хали-замон бу жойга Алижон ётқизилади...

Қош қорая бошлаганида янгалар «келинни» қизчаси билан кўчага олиб чиқишди. Дастурхонга қараган аёл хабар бериб, суюнчи олиш учун бошқалардан аввалроқ тўйхонага шошди. Келинни алоҳида, яъни Қаюмжон Истамжон билан турган хонага олиб киришди, бурчакка ўтқизишди. Ойниса пича «келин» бўлиб ўтирди, кейин бу вазифадан тортиниб, ўрнидан туриб кетди, меҳмонларга ўзи чой айлантирди, хатто қариялар ёнидан дуррасини пана қилиб, Алижон ётган уйга бир-икки марта кирди, кўлига новвот ушлатиб, юпатиб чикди. Жамила онасидан ажрамас, Ойнисани мулзам қиларди.

Гарчи хизматчилар анча ишларни саранжом қилиб кетишган бўлса-да, хали чала юмушлар қалашиб ётарди, Ойниса оҳорини ўзгартириб, йиғиштиришга ўзи киришди, оғир ишларни «куёв» бажарди. Ойниса ён-веридан ўтганда, Қаюмжон унга тегажовлик қилиб қўяр, Ойниса сесканиб тушар, сохта аразлар, ҳар гал Қаюмжонга дуч келганида, чап бериб ўтишга уринар, эрининг завқини баттар қўзғатар, Қаюмжон қозонга теккан кўллари билан Ойнисага ёпишар, тўшига тортар, Ойниса «шошманг» деб, қучоқдан сирғалиб қочар, сўз бермас, Қаюмжонни калака қиларди.

42

Муродхўжа аканинг саломатлиги кескин ёмонлаша бошлади. Унинг бошмалдоғини кесиб ташлашди, қонини янгилашди, бироқ бу тадбир керакли самара бермади, оёғи тўпикқача қорайиб, чидаб бўлмас даражада оғриқ берар, бармоқ кесилган жой битмаган, тинмай йиринг сизғир, латгани янгилашга улгуришмас, Муродхўжа ака қаттиқ азоб тортар, уйку нималигини билмас, иситма юқорилигидан алаҳлар, атрофдагилар тиниб-тинчимас, гиргиттон эди.

Оғрикни қолдириш учун қўлланадиган дори бир-икки соатга ором берар, таъсир кучи ўтган сайин, оғриқ кучаяр, яна олдинги алпоз такрорланар эди.

Муродхўжа ака госпиталда бир ҳафтадан ошиқ ётди, ҳадеганда яра битавермади, ўшанда қон янгилангани учун азоб бир оз енгиллашган эди, бемор уйга кетаман, деб туриб олди, госпиталдагилар рухсат беришга мажбур бўлишди. Яра бинт билан яхши танғилганига қарамай, бутун куч оёққа тушар, гўё ҳамма оғриқ ўша ярага қуйилиб келгандек бўлар, қадам босишнинг иложи йўқ эди. Иккала қўлтиғидан олиб, санитарлар Муродхўжа акани фойтунгача олиб чиқишди, уйига етиб келгач, бир қўлтиғига Мамат, иккинчисига Шотурсун вилай кирди, товон босиб, аранг ўз хонасига чиқиб олди, дарров ёстиққа ёнбошлади. У кунлари яра ҳали янги бўлгани учун бор оғриқ ўшанинг асорати, деб ўйлади Муродхўжа ака ва дард пасайишини кутди, аммо пасайиш ўрнига, дард борган сайин авжига чиқар, оёғи сонигача лўкиллар, дунё кўзига кўринмас, азобдан қутулишнинг ягона чораси оғриқ қолдирадиган дори ичиш эди. Аммо дори фақат оғриқни қолдиришга мўлжалланган бўлиб, дардни даволашга ожиз эди.

Одам қарий бошлаганида, ёмон дардга чалинганида, омади қочганида Аллоҳдан мадад истаб қолади, диндан таскин излайди, иримга берилади. Муродхўжа ака коньяк истеъмол қилиш, аёлга илакишиш ва бошқа маишатлардан бенасиб бўлмаган ҳолда ана шундай палапартиш сирли фаолиятини мунтазам намоз ўқиш, худойи қилиш, мушкулкушод ўқитиш билан ювиб турар ва ўзининг назарида бу савоб тадбирлар самара келтирар эди. Фақат у госпиталга ётиши муносабати билан беш вақт намози қанда бўлди, уйига қайтгач, жойнамозга туролмайдиган бўлиб қолди. Унинг фармони билан қора қўй сўйилди, қон чиқарилди, мушкулкушод ўқитилди, инс-жинсларни аритиш учун чиллётин қилдирди, кинначи чақиртирди. Хомуза аралаш кинначи «куф-суф, келган жойингга кет, эски тегирмонларга бор»... таъбирида алжираб, «мушкул етқизганлар илло-билло парвардигор ҳукмидан қутулмасин, Аллоҳнинг қаҳрига учрасин, амал қилган бўлса дўзахда ёнсин, тил тортмай ўлсин», дея дийдиёсини тугатди, «мушкул етказганлар» ибораси Муродхўжа аканинг кўнглида чигил бўлиб қолди, агар сабабчисини топиб, «амалини» ўзига қайирса, чигил ечиладигандек бўлди, шу хаёл миясидан аримай, муайян бир мақсадга, қасосга айлана бошлади, интиҳо интиқомсиз бўлмаслигига ўзини инонтирди, баҳона ахтаришга тушди.

«Битта мих-а! — жон талвасасида ўйлади Муродхўжа ака. — Кичкинагина мих. Шундан шунақа азоб чекаманми, а? Косиб лаънати қарамаган экан-да. Ёки...»

— Этикни нима қилдинг? — деб сўради Муродхўжа ака оёғини уқалаётган Муқаддасдан. — Ёкиб юбордингми?

— Почтачига бердим, — деди Муқаддас. — Бош кўзингиздан садақа бўлсин, дедим.

— Маматга айт, Шукур мўйловни топиб келсин.

— Шукур мўйловни нима қиласиз? — тушунмай сўради Гулсум опа.

— Ишинг бўлмасин! — ўшқирди Муродхўжа ака хотинига. — Чик, айт.

— Хўп, ҳозир айтаман, — дея Гулсум опа ташқарига ошиқди.

Чамаси бир соатлар ўтар-ўтмас, ҳаллослаб Шукур мўйлов кириб келди, Муродхўжа аканинг аҳволини кўриб, писсайиб қолди.

Муродхўжа ака ўз дарди билан овора, Шукур мўйловнинг саломига эътибор ҳам қилмади, атрофидагиларни чиқариб юборди.

— Миллардаги косибни биласиз, а? — деди Муродхўжа ака, сарғайиб кетган кўзларини Шукур мўйловга тикиб.

— Абдували косибними? — гапнинг тагида нима маъно борлигини тусмол қилиб сўради Шукур мўйлов. Муродхўжа ака бош ирғади. — Биламан, албатта.

— Шуни гумдон қилиш керак, — деди Муродхўжа ака, узок ўйлаб ўтирмай.

— Яъни, масалан?

— Яъни-паъниси йўқ, — деди Муродхўжа ака Шукур мўйловнинг саволига ғаши келиб. — Уша тиккан этикдан азият кўриб ўтирипман. Миҳи урилмаган экан. Лаънати атайлаб шундай қилган бўлиши мумкин.

— Косиб кар-ку, хўжайин, — деди Шукур мўйлов, қандай чора кўришга боши қотиб. — Нима важ топаман? Ҳарбийдан озодномаси бор.

— Карми, кўрми, менга барибир, — деди Муродхўжа ака аччиқланиб. — Важини топинг, мунақа ишларга устасиз. Бу масалада мен сизга маслаҳатчи эмасман. Адабини бериб қўйиш керак, талабим шу.

Ҳатто кўпларнинг ёстиғини қуритган Шукур мўйлов учун ҳам бу вазифа мушкул эди. Косибга бориб нима дейди? Қанақа даъво қўяди? «Этикнинг миҳини урмапсан, айбинг шу», дейдими? Миҳи бор экан, киймасиниди. Шу билан бирга Муродхўжа ака қасал. Қасал одам инжиқ бўлади.

Соғлик пайтида ҳам гапини иккита қилган одам балога коларди. Ҳозир бўйинтовлаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Баттар жаҳли чиқади. Ғазаб устида оғзига келганини қайтармайди. Унда ўртага нифок тушади. Бу деган сўз, анча-мунча имтиёзлардан маҳрум бўлиш керак. Маҳрум бўлибгина қолмай, тўнини тесқари кийиб олса, қасд қилса, биронта генерал ошнасига шикоят қилади. Касал одамнинг шикояти инobatга ўтмай қолмайди, бир куннинг ичида бари хизматлари унутилади, соқчи келиб комендатурага олиб кетади, шармандаи-шармисор қилиб, жарима батальонига жўнатиб юборишади. Шукур мўйловнинг ўзи қанча-қанча бегуноҳ одамларни жарима батальонига равона қилган. Ўч сақлаб юрганлари топилади, агар у ерда дуч келиб қолса, терисига сомон тикишади. Ишқилиб, худо ўшанақа қисматдан сақласин.

— Майли, — деди Шукур мўйлов, оғир хўрсиниб. — Бирон вaж ўйлаб кўрай-чи... Косибнинг ўзи доғда, тўрт ойдан бери ўғлидан хат келмасмиш. Ҳалок бўлганида қорахат оларди. Охирги хати Белорусиядан жўнатишган экан.

— Ҳа, ана тағин вaж керак, дейсиз. Балки унинг ўғли ҳам немис варақасига учиб, Вали Қаюмхон томонига ўтиб кетгандир. Ёки асирга тушгандир.

— Бу нарса аниқ бўлмагунича, косибга бирон нарса дейиш ноўрин, — деди Шукур мўйлов иккиланиб — Отасида нима айб? Чорсулик бир одамнинг ўғли ҳақида шунақа мишмиш тарқовди, ярим ой ўтмасдан қўлтиқтаёқда ўзи кириб келди. Ҳозир у шунақа гап тарқатган одамни ахтариб юрипти. Топса қўлтиқтаёғи билан уриб ўлдириб қўяди.

— Топадими? — ўзидан ҳадиксираб сўради Муродхўжа ака.

— Ким иқрор бўлади? Бузоқнинг юургани сомонхонагача. Ҳовуридан тушади-қолади.

— Менинг ўғлимдан хат келди, — деди Муродхўжа ака гўё Шукур мўйлов бу ҳақда шубҳа қилаётгандек. — Белорусиядан. — Муродхўжа ака оғриқдан инграб юборишдан ўзини тийиб, тилла қопланган тишларини бир-бирига қаттиқ босиб кўзидан ёш чиқиб кетди. — Хуллас, ўша косиб лаънати бир панд ейиши керак. Ирими шунақамиш. Кинначи айтди. Дард тарқармиш. Тушундингизми?

— Тушундим, — деди Шукур мўйлов ва юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. — Бир баҳона топамиз.

Натижасини келиб айтинг, мен билишим лозим, — деди

Муродхўжа ака болдирини силаб. — Ушанда амал кучини йўқотармиш.

— Дўхтир нима деяпти?

— Дўхтир нима дерди? — дили баттар қоронгилашиб тўнғиллади Муродхўжа ака. — Кафолат бера олмаймиз, тиззадан кесамиз дейди. Нафаси қурсин. Тиззадан оёғим кетса, ўлганим маъқул. Ёғочоёқ боғлаб юраманми?

— Яхши ният қилинг, Муродхўжа ака, — деди Шукур мўйлов, тасалли беришга бўлак гап топа олмай.

— Шунинг учун шартимни тезроқ бажаринг, зора шу ирим бирон самара берса. Агар бу ҳаракат ҳам дардни олмаса, илож қанча, яна госпиталга бориб ётишга тўғри келади. Пешонада ёзганини кўрамиз-да, — деди Муродхўжа ака аччиқ жилмайиб. Кўзларидаги ёш оғриқданми ёки мусибатнинг фожиали қиёфаси олдидаги тушкунликданми, Шукур мўйлов фарқига бора олмади, хайрлашиб чиқиб кетди ва тўғри Милларга йўл олди.

Ҳозир у косибникига киради, у ёқ-бу ёқни тинтув қилади, албатта яшириб қўйган чарми чиқади, шуни баҳона қилиб, косибга ўдағайлайди, кўрқитади, чармни мусодара қилади. Аранг рўзвор тебратиб келаётган одам учун бу ҳам панд, ахир буюртмалар устидан пул олган бўлса, аллақачон ишлатиб бўлган, мижозларига этик тикиб бериш учун қаердандир хомаки топиши керак, акс ҳолда мижозлари косибни талашади, товон талаб қилишади. Шу чорани Шукур мўйлов Муродхўжа акага жазо деб етказди, талабини қондирган бўлади. Аммо бу тадбир Муродхўжа акага фойда берса кошки экан. Оёғи чирий бошлапти, ирим билан сақлаб қолиш ғирт нодонлик, касални қорасон дейдилар, бу балодан қутулиб кетган одамни Шукур мўйлов кўрган эмас. Шундоқ фаросатли одам қанақадир ирим қилиб, шунинг фойда келтиришига ишониб ўтирганига хайронсан киши. Бунақада ўзини нобуд қилиб қўяди. Қанақа зўр дўхтирлар билан таниш, ҳозир ҳар дақиқа ганимат, дарров бориб, даво олса бўлмайдими? Оёғи кетса-кетсин, шунгаёта ота гўри қозихонами? Қанчадан-қанча одамлар икки қўл, икки оёқсиз яшашяпти. Яқинда шунақалардан биттасини ўз кўзи билан кўрди — ғуладек нарса, калласи ликиллади; қопга ўраб, болалар аравачасига солиб қўйишипти. Овқат ейиш, тагини расво қилишдан бошқа нарсага ярамайди, шуям ҳаётдан ажралишни истамайди. Муродхўжа ака тушмагур битта оёғи деб, жонидан жудо бўлишига ақли етмайди. Э, нокас. Шунча бойлигинг бор, ётиб есанг ҳам тугамайди, айшу ишратда ўтказмайсанми қолган умрингни? Уйинг тинч,

қизинг оилали, ўглинг милтиқнинг ўқидек, Беларусиядан хат ёзипти, куёвинг топармон, бисотинг кам-қўстсиз, сенга оёқнинг нима кераги бор? Тагингда извош, артелларинг ишлаб ётипти, уйда ўтириб, идора қилсанг ҳам ризкинг камаймайди, улгуржиси барибир сенга тегади. Нима қиласан суллоҳлик қилиб, ношукур банда?..

Шукур мўйлов эртасига бориб косибга нисбатан қўллаган жазосини Муродхўжа акага айтди. Бемор руҳан пича кўнгли ўрнига тушгандек бўлди, лекин оғриқ камайиш ўрнига зўрайиб борар, ҳамшира аввал уч-тўрт соатда қиладиган уколини ҳар икки соатда қайтариб турарди. Ирим билан боғлиқ Муродхўжа аканинг сўнгги умиди пучга чиқди. Хотини, қизи ва айниқса куёви ягона тадбир-чора сифатида операцияга ётишини очикдан-очик унинг қулоғига қуя бошлашди. Дори кучи билан бир-икки соатлик ором пайтларида Муродхўжа ака ҳали умид борлиги ҳақида ўйлар, бироқ оғриқ такроран хуруж қила бошлагач, беихтиёр операция столи кўз олдига келар, бемор рози бўлишга мойллик сезарди. Азрўйи-азал шу қисмат пешонасига битилган экан, унга чап бериб бўлмайди. Жони омон қолса бас. Протез кийиб, ҳасса билан юраверади. Айб эмас-ку, худонинг берган дарди. Қайтага шунча азоблар чеккани учун одамлар кўзида жафокаш инсон бўлиб кўринади, обрўйи янада ошади. Ҳеч ким унга ола қарамайди, ишхоналарини текширишга ботина олмайди, Муродхўжа ака тап тортмай «фаолиятини» янада кенгайтиради, оёғидан маҳрум бўлганини рўкач қилиб анча-мунча имтиёзлар орттириб олиши муқаррар. Мана, Украина билан Беларусия қайтариб олинипти, бу деган сўз, уруш охирлаб қолди. Муродхўжа ака фронт ортида туриб ўз хизматини ўтади, жонбозлик кўрсатди; жанг майдони, госпиталлар учун бинт етиштириб берди, шу ташаббуси туфайли саломатлигини йўқотди, мана, оёғини кестириш олдида турипти, ўғли, ягона ўғли жанг майдонида, Муродхўжа ака уни аямади, Ватан ҳимояси учун ўзи жўнатди. Бу ишлар олқишга муносиб эмасми? Ахир вақти-соати келиб, фронт ортида туриб мардонавор меҳнат қилганларни, баҳоли қудрат зарур нарсалар билан қўшинларни таъмин қилиб борган заҳматкашларнинг хизмати тан олинар, улар ҳам орден ва медаллар билан тақдирланар. Ўшанда, шубҳасиз, Муродхўжа аканинг ҳам ҳиссаси инобатга олинар, орденсиз қолмас. Госпиталга ётиш керак. Зудлик билан. Шу бугуноқ!..

Шотурсун ғилай билан Мамат қабристоннинг хилватроқ жойини танлаб, бир газ чамасида чоҳ казишди, белкурак ва кетмонни шу ерда қолдириб, кўчага ошиқишди, фойтунга миниб, янги шаҳардаги госпиталга жўнашди.

Госпиталга кираверишдаги зинада паранжи ёпинган икки аёл шумшайиб ўтирарди, фойтун келиб тўхтагач, ўринларидан туришди.

Шотурсун ғилай уларнинг олдида тўхтади. Аёллар кетмакет чачвонларини очиб, бошларига ағдаришди. Бири Гулсум опа, иккинчиси Муқаддас бўлиб, йиғидан кўзлари нам, киприклари қапишиб кетган, паранжи ҳошиясини тутган Гулсум опанинг хина доғли кўллари билинар-билинмас қалтирарди.

— Тайёрлаб келдик, — деди Шотурсун ғилай мўлтираб турган аёлларга тикилиб. Гулсум опа уни қизига, Муқаддас эса онасига қараяпти, деб ўйлади. — Пастқамроқ жой танладик. Кечроқ обориб кўрсатамиз.

Она-бола бир-бирига таяниб, юм-юм йиғлашди.

— Извошга чиқиб ўтира турунглар, — деди Шотурсун ғилай бўлак гап топа олмай. — Соябонини кўтарамиз, панароқ бўлади. Она-бола Шотурсун ғилайга эргашиб бориб фойтунга чиқишди Мамат билан Шотурсун ғилай темирчининг босқонига ўхшаш соябонни очишди.

Бир оз вақт ўтгач госпиталь зинасида аввал Ҳошимжон, ундан кейин халати доғ-дуғ босган пилоткали рус киши эски адёлга ўралган ғўладек нарсани йўргакланган ғўдакдек қучиб чиқди. Ҳошимжон фойтунга ишора қилди, халатли киши келиб, йўргакни Шотурсун ғилайга авайлаб топширди. Она-бола яна йиғлаб юборишди ва қиёфаларини яшириш учун чачвонларини тушириб олишди. Ҳошимжон халатли кишининг чўнтагига нимадир солиб қўйди, у бош ирғаб, зина томон кетди.

Йўргакни эҳтиётлик билан икки қўлига қўйиб олган Шотурсун ғилайни Ҳошимжон четга имлаб, нималардир деди, Шотурсун ғилай бош силкиб, маъқул ишорасини қилди ва иккала қўли банд бўлгани учун Ҳошимжон кўмагида мувозанат сақлаб, Маматнинг ёнига чиқиб ўтирди.

— Адангиз қалай? — чачвон тагидан йиғи аралаш сўради Гулсум опа.

— Яхши, — деди Ҳошимжон шошибгина. — Сезганиям йўқ. Уйқуда. Хавотир олманг, ойи. Мен ўзим шетта бўламан. Хабар олиб тураман. Сизлар уйга бораверинглар.

— Сезгани йўқ, дедингизми, Ҳошимжон? — Янада иқроф бўлиш учун қайтадан сўради Гулсум опа.

— Ҳа, сезганиям йўқ, — деди дарҳол Ҳошимжон қайнонасини тезроқ тинчитиш мақсадида. — Дори зўрда. Бирпасда ухлатиб қўйди. Хотиржам бўлинг. Кечқурун бирров уйга бориб келаман, қолганини борганимда айтаман. Кетаверинглар.

Мамат аёлларни уйда қолдириб, фойтунни Кўкча мазорига ҳайдади ва у ерга етиб боргач, отни мачит ёнидаги тутга боғлади, икки қўлига йўргакни қўйиб олган Шотурсун филайдан бир қадам орқада гўристон хиёбони бўйлаб кета бошлади. Ниҳоят чоҳ қазилган жойга етганларида, Шотурсун филай қўлидаги нарсани майсага қўйди, толиққан қўлларини қокди, уқалади. Маматга ишора қилди. Мамат четда турган бир челақ сувни келтирди.

— Оч, — деди Шотурсун филай йўргакни кўрсатиб. — Мен кўтариб келдим, ювиш сендан бўлсин.

Мамат жовдираб Шотурсун филайга қаради, у ҳамон қўлини уқалар, гўё ханузгача ўзига кела олмаётгандек эди.

Мамат сескана-сескана йўргакни оча бошлади, очган сайин унинг ичидан қўланса хид анқий кетди, аммо Мамат ҳазар қилганини сездирмасликка тиришиб, чидади. Тиззадан кесилган оёқ қорайиб кетган, бошмалдоқ ўрни бинт билан танғилган, оёқнинг кесилган жойи қип-қизил, ҳамон йиринг аралаш қон оқарди. Мамат жирканиб кўзини четга олди ва тезроқ қутулиш учун челақни олиб рўла оёққа сув қўйди, оёқ сал оқаргандек бўлди.

— Бас, — деди Шотурсун филай ўзининг ҳам кўнгли алғов-далғов бўлиб ва ёнидан бир ўрам дока олиб, Маматга узатди. — Ма. Ўра. Кафанлик.

Мамат рўла-оёқнинг жимжилоғини чимдиб, майсага тортди, апил-тапил докага ўрай кетди. Кафанланган оёқ бежиримгина шаклга кирди. Мамат четроқ бориб чўнқайди.

— Бошланг, — деди у чўкка тушиб ўтирган Шотурсун филайга.

— Нимани бошлай? — тушунмади Шотурсун филай. — Тушир чуқурга.

— Бирон нарса ўқимайсизми? Тиловат лозим эмасми?

Шотурсун филай хайрон бўлиб, серрайиб қолди.

— Қанақа бўларкин? — иккиланиб деди у. — Эгаси тирик-ку.

Шотурсун филайнинг гапидан кейин вазият ғалати эканлиги Маматга етиб борди. У ҳам саросимада қолди.

— Ҳақиқатда, — деди у, бир кафанланган оёққа, бир Шотурсун ғилайга қараб. — Ўлик десак, эгаси тирик. Тирик десак, оёқ жонсиз.

— Ҳошимжон қулоғимга шипшувди, — деди Шотурсун ғилай ганг бўлиб. — Хўжайин расм-русмини бажаришни тайинлаган экан. Сўраса, нима деймиз.

— Фарзанд қазо қилса, отасини ўйлашмайди-ку, — деди Мамат яхши чора топгандек жонланиб. — Фарзанд ҳам отанинг бир бўлаги. Тиловат қилинаверади. Буям хўжайиннинг фарзандидек, бир бўлаги. Ўқийверинг. Зарари тегмайди-ку.

— Хўжайинга тиловат қилган бўлиб чикмасмикин? — Юраги дов бермай сўради Шотурсун ғилай бурнининг учига қараб.

Мамат ўроғлиқ оёқни шартга кўтариб, чоҳга туширди, кетмон билан тупроқ торта бошлади. Шотурсун ғилай ўрнидан туриб белкуракни олди, у ҳам гўрга тупроқ сурди. Бир зумда кичкина гумбазча ҳосил бўлди. Жазавага тушган Мамат кетмонни итқитиб, шартта чўккалади, кўзини юмиб, пичирлай кетди. Шотурсун ғилай ҳам чўнқайди. Шошибгина кафтларини юзга тортишди, апил-тапил кетмон билан белкуракни чангаллаб, худди ношаръий иш қилиб қўйган одамдек шоша-пиша қабристондан чиқиб кетишди...

44

Муродхўжа аканинг бошига тушган кулфат хонадондагиларнинг ҳаммасини оғир қайғуга солди. Ҳатто Замира хола билан Холида ҳам, еттиёт бегона бўлишларига қарамай, самимий ачинишди. Ундан ташқари хўжайин касалманд бўлса, уйдагилар ҳам ҳаловат нималигини билишмайди, доим асабий вазият ҳукм суради, таҳлика аримайди.

Ҳошимжон ҳам хафа кўринар, кўп юмушларни — қайнотасидан хабар олиш, керакли дори топиш, зарур бўлса, кечани-кеча демай, қайнотаси ҳузурда ўтириб чиқиш, унга овқат едириш, тагига қараш — ҳаммасини тиришқоқлик билан бажарар, жонига оро кирар, ирганмас эди.

Бундай ғамхўрликни кўрган Муродхўжа ака, «ўғлим ҳам бунчалик фидокорлик қилмасиди», деб ўйлар, Ҳошимжоннинг садоқатидан дили яйрар, шундай куёв ато этганидан шукур қиларди.

Бирок Муродхўжа аканинг саломатлиги ёмонлашган сари Ҳошимжоннинг дилига тугиб қўйган мақсадлари амалга ошаётгандек туюлар, Ҳошимжон қайнотасининг

қисмати ҳал бўлаётганига шубҳа келтирмас, қайнотасининг миннатдорлигини бошқалар ҳам баралла эшитишини истар, бунинг учун жонини аямас эди. Докторлардан бири Ҳошимжонга «умид йўқ» деди, майли, неча кунлик умри қолган, шунча яшасин, куёвдан домангир бўлмасин. Ўғли фронтда, «вой отам», деб тобут олдида ким кетади? Жаноза пайтида зиммага қўйиладиган масъулиятни ким ўзига олади? Маросимларини дабдаба билан ким ўтказади? Қайнотасининг бошига мушкул иш тушганида, ким жигарбандлик қилади? Ким балогардон бўлади? Ҳошимжон, албатта. Қайнотасининг кўзи очқлигида баъзи бир васиятларини олиб қолиши керак, кейин кеч бўлади. Қайнотаси, ўз идрок-фаросати билан шу нарсаларга раъйи келса, ҳай — Ҳошимжон мўмин-қобиллик қилиб, бўйин эгади, рад этмайди. Аммо қайнотаси ўсал бўлиб, тилдан қолса, кейин ҳушига келмасачи? Ҳошимжон жонини аямай қилган фидокорлиги беному нишон қолаверадими?

— Ада, — деди қайнотаси уйга келгач, икки ҳафталардан кейин Ҳошимжон пайт топиб. — Ишларингиз ўлда-жўлда бўлиб қолди. Муовинларингиз анча чаққон одамлар, лекин ўзингизнинг йўриғингиз бўлак-да. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ қабилида иш тутишмасмикин?

— Хўш? — куёвнинг ниятини тусмол қилиб сўради Муродхўжа ака.

— Дейман, идорада ўзингиз ишонган биронта вакил вақтинча бош-қош бўлиб турса, кўнглингиз нотинчланмай, хотиржам ётардингиз-да.

Муродхўжа аканинг аҳволи танг эди, гап қулоғига қирмади. У ҳамон тузалиб кетишига умид қиларди. Шунинг учун тайин жавоб бермади.

Бироқ бир неча кун ўтгандан кейин ўзи Ҳошимжонни чақиртирди.

— Мазам йўқ, — деди у хўмрайиб. — Бу дард ёмон ёпишганга ўхшайди. Ўқтин-ўқтин хушимдан кетиб қоляпман. Бирдамас бирда қайтиб ўзимга келмай қолишим мумкин.

— Худо сақласин, — деди Ҳошимжон умидворлик қилиб. — Яхши ният қилинг, ада.

Тайёр бўлиш керак, — деди Муродхўжа ака куёвига қарамай. — Дардни билиб бўлмайди. Тизза битганида, ишонса бўларди. Жароҳат тепага ўрмалаяпти. Демак, қон тоза эмас. Юрак кўтаролмаслиги мумкин. Энди буни тан олиш керак. Менга ўғилдек бўлдинг. Оилага ўзинг бошчилик қиласан, ўғлим. Васиятим шу.

— Ие, ада, одамни кўрқитиб, унақа деманг! — деди

Ҳошимжон доғулилик қилиб. — Шошманг, ойимни чақирай. Муқаддас ҳам кирсин, — дея Ҳошимжон даҳлизга отилди. Бу гапларни улар эшитиши Ҳошимжон учун муҳим эди. Бир зумда она-бола ҳовриқиб кириб келди, аммо Муродхўжа ака ўз ҳушида, осойишта эди. — Қаранг, ойи, адам алланималар деяптилар, одамни чўчитиб...

Муродхўжа ака васиятини қайтарди, хотини билан қизи йиғлашди.

— Балки худо раҳм қилар, мўъжизасини дариф тутмас, тузалиб кетарман, — деди Муродхўжа ака ўзининг одатдаги вазминлиги билан. — Илло пешонада ёзгани бошқача бўлса, сенларни Ҳошимхўжага, Ҳошимхўжани худога топширдим. Ҳошимхўжа фарзандлик бурчини бажарди. Измидан чиқмаларинг. Тилагим шу, — деди Муродхўжа ака ва тушкунлигини яшириш учун жилмайиб қўйди. Гулсум опа билан Муқаддас хўнграб юборишди. Ҳошимжоннинг кўзи ҳам ёшланди. — Яна, куёвимизни ҳамма Ҳошимхўжа деб атасин, — деди Муродхўжа ака «хўжа» қўшимчасига алоҳида урғу бериб.

— Ишончингиз учун раҳмат, ада, — деди у кўзини ишқаб. — Аммо ҳаммаси ўзингизга буюрсин, хизматларингизни қилиб, яйраб юрайлик.

Муродхўжа ака бош ирғади ва хонтахта четидаги икки букланган қоғозни Ҳошимжонга узатди.

— Штокманга берасан, — деди у. — Баъзи бир фармонларни ёздим.

— Ўзини айттириб кела қолай-а, ада. Ўз оғзингиз билан айтасиз.

— Йўқ, — деди Муродхўжа ака. — Бу аҳволда мени кўрмасин. Хатни топширасан, ижрокомга ўзи чиқади. Менинг ўрнимга сени тайинлаттиради. У билимдон одам. Ҳисоб-китобни чала билсанг, ундан ўрганасан.

— Хўп, ада, — деди Ҳошимжон бошини қуйи солиб. — Ишончингизни оклашга тиришаман. Ҳарбий хизматдан бўшатишармикин?

— Бўшатишмаса, каттаконига хат ёзиб жўнатаман, бўшатишади.

— Раҳмат, ада...

45

Муқаддас отаси билан овора бўлиб, тузуккина ухлай олмай чиқди, эрталаб эрини кузатгач, Озодани Холидага топшириб, томорқа этагидаги айвонча томон тушди. Бу ер уй ғалвасидан четроқ, пашшахона остидаги ўрин

икки кундан бери йиғиштирилмаган, тинч эди. Муқаддас пашшахона ичига кириб, нимчасини, пешонасини сиқиб турган дуррасини ечиб ташлади. Бир неча кундан буён ўришга қўли тегмаган сочи ёйилиб кетди. Муқаддас совуқ ёстиққа юзини босди, ёпинмади ҳам. Осойишталик баданига роҳат берар, қимирламай ётиш, мудроққа ботиш нақадар яхши эди.

Нимадир дук этди. Хазон эзилгани Муқаддаснинг кулоғига чалинди. Ишқомда биров бўлса, сув олгани ариқ томон тушгандир, деб ўйлади Муқаддас кўзини очишга эриниб. Гирч-гирч хазон товуши айвонча олдига яқинлашгач, тўхтади. Бир неча дақиқа ўтди. Биров тикилиб тургандек бўлди. Муқаддас кўзини очиб, дока орқали ташқарига тикилди — кимнингдир хира шарпаси кўринди. Шарпа қаққайиб турар, аёл эмаслиги аниқ эди. Муқаддас кўзини ишқалади, шарпага разм солди ва юраги орқасига тортиб кетди. Кескин ўрnidан туриб ўтирди, беихтиёр тиззасига чойшаб тортиди. Айвонча панжараси нарироғида гимнастёрка тугмалари қадалмаган Ўлмас тик турар, сочи хурпайиб кетган, бутун қиёфаси сезилар-сезилмас қалтирар, кўзлари йилтирар эди. Муқаддаснинг вужуди бўшашиб кетди, юраги қафасидан отилгудек ура бошлади, аввал ранги оқарди, кейин кизариб кетди. Ўлмаснинг важоҳати хунук, бирон нарса қилиб қўйишга тайёрдек эди.

Муқаддас илк эхтиросини Ўлмасга нисор этди, аҳду паймон қилишди, Ўлмас фронтга кетгач, бошқа одамга тегиб олди, ваъдани бузди, йигитлик ғурури поймол бўлган Ўлмас ҳар қанча даъво қилса, ҳаққи бор. Аммо Муқаддас қай йўсинда ўзини тутсин экан? Совуқ қарши олсинми? Оилаликман, бўлар иш бўлди, турмушимни бузманг, энди биз бир-биримизга ётмиз, десинми? Агар шундай деса, Ўлмас ўчакиши мумкин, ҳамияти озор чекиб, ҳамма нарсани остин-устун қилади, касал ётган отаси баттар бўлади, бу иснодга чидай олмай, ажалидан бурун жон беради, эри жанжал кўтаради...

— Ўлмас ака! Сизмисиз? — деди Муқаддас ва дағ-дағ титраб пашшахона этагини кўтарди. Ўлмаснинг кўзлари ёшдан нам эди. У жойидан жилмас, Муқаддаснинг рухсорида қанақа аломат пайдо бўлишини кутар, кейинги қадамини шу аломатга қараб босишни ўйларди. Агар Муқаддас, «Нега келдингиз? Кетинг», деса, шартта бурилиб кетворади, юрагидан Муқаддас деган сўзни юлиб ташлайди, агар қиёфасида бошқача нарса пайқаса, кўзини чирт юмади, нимаики рўй берган бўлса, кечиради, бахтини тиклайди.

— Кечиринг, Ўлмас ака, — деди ниҳоят Муқаддас, бир оз эпақага келиб. — Айб менда, иродам етишмади, қаршилик кўрсата олмадим, ота-онамнинг раъйига кўндаланг туша олмадим... Кечиринг.

Ўлмас ялангоёк эди; у айвончага чикди, Муқаддас олдида тиз чўкди. Муқаддас хавотирда девор томон кўз ташлади.

— Қизлар мактабда, — деди Ўлмас бўғиқ товушда. — Ойим бозорга кетди. Эшик тамбаланган.

Муқаддаснинг дили алғов-далғов бўлар, қарама-қарши хиссиётлар талатўпида изтироб чекар, қай томонга оғишни билмас, Ўлмасга мўлтайиб қарар эди. Ўлмас Муқаддаснинг майин қўлини олиб, юзига, кўзига, лабларига босди. Муқаддас кўрққаниданми, қўлини тортиб олмади, кўзлари ёшланди. Ўлмас унга ёпирилди, жон талвасасида қучиб, бағрига босди, томоқ-лабларидан ўпа кетди, бир-бирига ташна икки тана доқага чулғаниб, ният қондиришди. Ўлмас нуқул, «Сен меникисан, сени ҳеч кимга бермайман!» дер, севимлисини булғалар эди...

— Бор, — деди кейин Ўлмас Муқаддасга терс туриб. — Қизингни олиб кел.

Муқаддас индамай уй томон кетди ва бир неча дақиқа ўтгач, Озодани етаклаб келди. Озода онасининг этагига ёпишар, нотаниш одам олдида ётсирар эди.

— Қизнинг отаси ким? — сўради Ўлмас уларга яқинлашмай.

Муқаддас сукут қилди, кизига бир қараб олди.

— Сиз, — деди у.

Ўлмас бир оз жойида турди ва кескин отилиб қизни даст кўтарди, бағрига босди. Озода йиғлаб юборди, онасига талпинди.

— Юр, — дея Ўлмас Муқаддаснинг қўлидан тортди.

— Қаёққа? — ханг-манг бўлиб сўради Муқаддас.

— Уйга, — деди Ўлмас қатъий. — Менинг уйимга. Энди сенинг уйинг бўлади. — Ўлмас Озодани онасига узатди. — Иккита қовурғам йўқ.

— Бормайман, — деди Муқаддас Озода билан орқасига тисарилиб. — Адам касал. Эшитса ўлиб қолади. Сабр қилинг.

— Йўқ! — деди Ўлмас ўшқириб. — Шунча сабр қилганим этади. Сабр қилсам, эринг кечаси яна ёнингга киради. Сени унга қўшиб қўйиб, уйда индамай ётишим керакми?

— Мен унинг қонуний хотиниман.

— Ихтиёрга қарши нарса қонуний ҳисобланмайди.

— Адамга раҳмингиз келсин лоақал, Ўлмас ака, — зорланди Муқаддас.

— Мени сендан айириб, ўлимга жўнатганида, адангнинг раҳми келмаган, — деди Ўлмас ғазаб билан.

— Барибир уйингизга чиқмайман, — деди Муқаддас ҳам ўжарлик қилиб. — Шарманда бўламиз. Оиламиз лаънатга қолади.

— Бундан баттар лаънат бўлмайди, — деди Ўлмас тутақиб. — Оиланг ҳаром оила. Рўзгоринг, турмушинг — ҳаммаси ҳаром. Наҳот яна ўша исқирт жойга кирсанг?

— Бўлмаса, сабр қилинг, Ўлмас ака, ўтинаман! — ёлворди Муқаддас икки ўтнинг орасида қолиб. — Адам тузалсин.

— Йўқ! Энди у уйга қадам босмайсан, вассалом! Агар гапга кирмасанг, отангни ҳам, эрингни ҳам, ўзимни ҳам отиб ташлайман. Танла!..

46

Тушлик овқатни Гулсум опа қизи ва невараси билан даҳлизда тановул қилар эди. Холида самовар келтириб, чой дамлади, кампиракка чойнак қўйди. Замира хола қатиқ аталади, нон ушатди, қиймали мастава сузиб келди. Бироқ Муқаддас кўринмас, Озоданинг на хархашаси, на бижиллаши эшитилмас, Муродхўжа аканинг ҳузурида ҳамширадан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Гулсум опанинг юрагига гулгула туша бошлади. Холида ҳамма уйларни қараб чиқди, чорвоқ этагига тушди, ишқомларни изғиди, қизи билан невараси йўқ эди. Паранжиси ва кўчага киядиган кийимлари ўз жойида, Муқаддас устидаги кийим билан нари-бери кетиши мумкин эмас эди. Гулсум опанинг юраги ниманидир сезди, бу гумондан вужуди бўшашиб кетди ва Холидани чорвоқ этагига яна югуртирди.

— Опамни кўрмадим, — деди Холида ховриқиб. — Озоданинг овозини эшитдим. Ўлмас акам товуқ сўяётган экан.

Гулсум опанинг юраги узилиб кетгандек бўлди.

— Кепти-да, гўрсўхта, — ғазабини яшира олмай деди Гулсум опа.

Муқаддаснинг ғойиб бўлиши Ўлмаснинг келиши билан боғлиқ эканига Гулсум опа шубҳа қилмас, фақат қизининг шу қадар енгилтак ҳаракатига, осонгина «гўрсўхта»нинг раъйига оғганига чидай олмас, унга нисбатан дилида нафрат уйғонар, қизи кўзига қанжикдек кўриниб, Гулсум опа уни

мажақлаб ташлашга тайёр эди. Энди эрига нима деб важ айтади? Қандай бахона кўрсатади? Ахир эри тамом бўлади-ку. Нима қилиш керак? Ҳозир ўзи чиқиб, куёви келмасдан, қизини олдига солиб чиқсинми? Дод-вой солсинми? Маҳаллани тўпласинми? «Гўрсўхта»нинг зўравонлигини одамларга кўрсатиб, шармандан шармисор қилсинми? Қизи яшшамагур йигитнинг имосига уча қолипти-да. Албатта, бир пайтлар кўнгил қўйишган, аҳд-паймон қилишган, қизчаси ҳам ўшандан бўлган. Аммо шунчалик писмиқлик билан иш тутиш яхшими? Ҳа, майли, ўша «гўрсўхта» келипти, яна аврашга тушипти, бу унинг иши. Лекин одоб, андиша деган нарсалар бор-ку, Муқаддас яшшамагур сал учини чиқарса, маслаҳат солса бирон-бир йўриғи топиларди-ку. Одам қўйиб, уни инсофга чақириш, кўндириш мумкин эди-ку. Наҳот қизи шунчалик қалтабин нарса? Ахир дунёнинг нариги чеккасига қочиб кетгани йўқ, қўшненикига чиқиб ўтириб олгани бир зумда ошкор бўлади-ку. Нега оқибатини ўйламадийкин? Ахир барибир шу одамлар орасида яшайди, қандай қилиб бош кўтариб юради? Ахир қўча-қўйда ҳамма унга таъна билан қарайди-ку. Ақалли ўсиб келаётган қизини ўйласа бўлмайдими? Ё тавба! Қанақа кунларга қолдирдинг? Отаси соғлом бўлса ҳам йўриғи бўлак эди, бир иложини топарди, «гўрсўхта»нинг адабини берарди.

— Холида, чик, Маматга айт, Шукур мўйловни ер остидан бўлсаям топиб келсин, — деди Гулсум опа маълум бир қарорга келиб. — Йўқ! Чақир бу ёққа. Ўзим айтаман. Тез кирсин!

47

Мунис опа қизлари билан тиккан учта тагдўзи дўппини сотиб, рўзғор учун майда-чуйда харид қилди ва Ўлмаснинг эсон-омон урушдан қайтганига қон чиқариш мақсадида битта товук олди, дарров изига қайтди. Эшик ичкарасидан берк эди, бир оз таажжубланиб, тақиллатди.

— Уйда одам бор, — деди Ўлмас эшикни очиб.

— Одам? — тушунмади Мунис опа ва теварак-атрофга қаради. — Қанақа одам?

— Муққадас.

— Муқаддас? — ханг-манг бўлиб қолди Мунис опа. — У бизникида нима қилади? Ё сени кўргани чикдими? Қаттан дарров эшита қолипти?

— Ўзим олиб чикдим, — деди Ўлмас шимарилган енгини тушириб. — Ичкарида. Бекитиб қўйдим.

— Вой, ўғлим! Бу нима қилганинг? Нега бекитиб қўйдинг? Зўрлаб олиб чиқдингми, болам?

— Йўқ, ойи, — деди Ўлмас хотиржам тарзда. — Зўрлаганим йўқ. Ўзи рози бўлди.

— Болам, ахир бировнинг хасми-ҳалоли, Нега рози бўлар экан? Ишонмайман. Асло ишонмайман! Сен уни кўрқитгансан, пўписа қилгансан.

— Ойи, биз ахд-паймон қилганмиз, — деди Ўлмас онасининг фиғонидан ижирғаниб. — Отаси Муқаддасни мажбурлаб эрга берган, ихтиёрига қараган эмас.

Мунис опа бир пайтлар Муқаддаснинг паранжи ёпиниб келганини, гапирган гапларини эслади ва икки ёш бири-бирига қаттиқ меҳр қўйганини англади, аммо Мунис опа учун ишқ бошқа, турмуш бошқа, ёшликда қўйган кўнгил бориб-бориб унутилади, қиздир, йигитдир, янги турмуш қурғач, зиммасига алоҳида масъулият тушади, аввалги завқ-шавқни идрок асосида қурилган ҳаёт талаби четга суриб ташлайди, деб ўйларди. Ўғлининг бу хатти-ҳаракати ҳеч қанақа одоб доирасига сиғмас, ўта бебошлик эди.

— Қуриб кетсин, ахд-паймон шунақа бўлса! — овозини чиқармай чинқирди Мунис опа. — Шу умидда мен сени кутувдимми? Келмасингдан уйга ғалва олиб кирдинг, болам. Бу — шармандалик, андишасизлик, имонсизлик! Қанақа одам бировнинг хотинини шундоқ йўлдан уриб олади, болам? Ҳализамон бошимга бостириб келишади, қон қақшатишади. Маломатдан бошимиз чиқмай қолади. Нима қиласан болам, ёш жонига жабр қилиб? Болалик жувонни бошингга урасанми? Ҳали ёшсан, ўн гулидан бир гули очилмаган қизлар ўтиришипти эрга тега олмай, ахир сенга ато қилгани, ўзингга муносиби бордир, болам. Ҳали ҳам кечмас, биров билмай туриб, айт, чиқиб кетсин. Оиласини бузмасин, уйимизга офат киритмасин...

Мунис опа ўзини тута олмай йиғлаб юборди.

Ўлмас қаққайиб турар, нима деб онасини кўндиришни, ўзи ҳақ эканини уқтиришни билмас эди.

Мунис опа шарт ўрнидан туриб, уйга отилди.

— Тўхтанг, — деди Ўлмас қатъий овозда. — Нима қилмоқчисиз, ойи?

— Ҳайдайман! — деди Мунис опа бўғиқ овозда. — Сен чиқариб юбормасанг, бу ишни ўзим қиламан! Иснодга тоқатим йўқ!

— Ҳайдасангиз, ойи, қўшилишиб мен ҳам чиқиб кетаман! — деди Ўлмас жиддий.

— Қандай қилиб бировнинг сарқитини хотин қиласан,

болам? Ҳушингни йиғштириб ол! Ахир боласи бор-а! Эри келиб икковингни чоғиб ташлайди...

— Боласи — менинг болам, — деди Ўлмас онасининг дийдиёсини бўлиб. Ишонмасангиз, ўзингиз сўранг. Айтишга мажбур қилдингиз, ойи.

Мунис опа серрайиб қолди.

— Сенинг боланг?

— Ҳа, ойи. Озода менинг қизим бўлади.

Мунис опа секин юриб уй эшигини очди. Ичкарида боласини бағрига босиб, Муқаддас мункайиб бурчакда ўтирар, унинг елкалари йиғидан қалтирар эди. Демак, ўз ихтиёри билан чиққан эмас, деб ўйлади Мунис опа, нега бўлмаса йиғлайди?

Мунис опа Муқаддаснинг ёнига бориб тўхтади:

— Муқаддасхон, қизим, ўғлим сизни зўрлаб олиб чиқдимми?

Муқаддас бош чайқади, Мунис опа томон қарамади.

— Шу турмушга розимисиз, қизим? — сўради Мунис опа, аммо Муқаддас индамади, иккиланаётганини Мунис опа пайқади. — Ўйлаб иш қилинг, қизим. Бугундан бошлаб ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетади. Биз камбағалмиз, сиз тўқис оиланинг қизисиз. Қийин бўлади. Адангиз ҳам, эрингиз ҳам қараб туришмайди. Ўғлимнинг бахтига завол бўлманг...

— Ойи! — деди Ўлмас ўшқириб. — Боя нима дедим?!

— Майли, болам, — деди Мунис опа ўғли томон ўгирилиб. — Розиман. Икковларинг гапни пишитган бўлсаларинг, чиқиб кета қолларинг. Мен ўпкаламайман. Ўзимиз зўрға кун кўриб юрипмиз. Жанжал чикса, адо бўламан. Маломатни кўтаролмайман.

— Ана, айтдим-ку, сизга, Ўлмас ака, — деди Муқаддас бошини кўтариб, Ўлмасга таъна билан. — Унамадингиз.

— Мағжбур қилибсан-да, болам, — деди Мунис опа илинжи топилганидан руҳланиб. — Билиб кўй, Ўлмас, агар Муқаддасхонга гап тегадиган бўлса жавобини ўзинг берасан.

— Бераман, ойи, бераман, — деди ижирғаниб Ўлмас. — Аммо Муқаддасни уларга қайтариб бермайман! Қизимни ҳам! Наҳот шу нарсалар очилганидан кейин эри эр бўлишга кўнса?

— Йиғлашини қара, болам, ўз ихтиёри билан чиққан одам шу кўйга тушармиди? — жиғибийрон бўлиб гапирди Мунис опа.

— Уни сиз йиғлатдингиз, ойи, — деди Ўлмас ўқинч-да. — Айтган гапларингиздан йиғламай бўладими?

— Кечиринг мени, Муқаддасхон, — деди Мунис опа мулзам бўлиб. — Тилим курсин. Азбаройи миямни йўқотганимдан, оғзимга қарамапман. Маъзур тутинг, қизим.

Озода бир кўз ёшини тўхтата олмаётган онасига, бир ёт одамларга тикилар, қанақа жойга тушиб қолганини тушуна олмас, чўчир эди.

Мунис опа ташқарига чикди, ўглини имлади.

— Бечоранинг қорни очқаб қолгандир, — деди у шивирлаб. — Анаву товукни сўй, тезда жиз-биз қилайлик. Майли, болам, нима бўлса, бўлди. Пешонадан кўрамиз...

Бир оз вақт ўтгач, мактабдан Ўлмаснинг иккала синглиси келишди ва уйдаги ғалати вазиятни кўриб, андак саросимага тушишди, аммо у қадар таажжубланишмади, чунки бундан бир неча вақт аввал Муқаддас бу хонага ўзи кириб келгани, кўнглида зил бўлиб юрган сирини тортиниб-тортиниб айтгани қизларнинг эсида ва Ўлмас деярли ҳамма хатларида Муқаддасни суриштириши ҳам уларга маълум эди. Ҳатто иккала қиз ўзаро суҳбатлашишганида ўқтин-ўқтин шу мавзу атрофида фикр юритиш, Ўлмас келса, албатта бирон ходиса юз бериши мумкинлигини тахмин қилиб юришар эди. Мана, келганига икки кун бўлгани йўқ, яхши кўрганини шартта олиб чиқиб, уйга ўтқазиб қўйипти. Муқаддас опага ҳам қойил қолиш керак, демак, акасини севаркан, кўзини чирт юмиб, кўксига отилибди, андиша деган нарсаларга парво қилмабди.

Ўлмаснинг кичик синглиси шаддотроқ чиққан, Муқаддас билан акаси хусусида бир неча марта сирдош бўлган, шунинг учундир у портфелини бир четга улоқтирди-да, Муқаддас ўтирган хонага отилди. Шовқин-сурон билан кириб, Муқаддасга ўзини ташлади, кучоклашиб ўпишишди. Мухайё Озодани даст кўтарди, эркалатди, ўзи бир пайтлар ўйнаган ясама қўғирчоқларни аллақердандир қидириб топди, Озода билан бижирлаб, ўйинга берилди. Муқаддаснинг дили ёришгандек бўлди. Кейин ҳаммалари хонтахта атрофига тўпланишиб, товукдан тайёрланган қовурдоқ ейишди. Оилага файз киргандек бўлди.

Чамаси икки соатлардан кейин кўча эшик тақиллади.

Ўлмас гимнастёркаси тугмаларини қадаб, эшикни очди. Остона нарисида бир соқчи билан Шукур мўйлов турар, қўлида тугунча бор эди.

— Ассалому алайкум, — деди Шукур мўйлов ва қўлини бериб Ўлмас билан кўришди. — Эсон-омон қайтдингми, жиян?

Ўлмас бу одамни танир эди. Шукур мўйлов Ўлмасни зудлик билан урушга жўнатишда фаол қатнашган эди. Унинг жилмайиши Ўлмасга муғомбирлик бўлиб кўринди, Ўлмас хадиқсирай бошлади.

— Келинг, амаки, қани ичкарига, — дея Ўлмас орқасига жилди.

Шукур мўйлов соқчи билан ховлига кирди, чорпояга бориб ўтирди, фотиҳа қилди. Оила аъзолари ва Муқаддас даҳлизда саф тортиб туришар. Шукур мўйловнинг ташрифи бежиз эмаслигини англашар, ёмон нарсани кутишарди.

— Ўғлингиз келиб, хурсанд бўлиб қолдингларми, янга? — овозини кўтариб, гўё ўзи ҳам бениҳоя шоддек сўради Шукур мўйлов.

— Хурсанд бўлганда қандок! — шошилибгина жавоб берди Мунис опа.

— Хў-ўш, — деди Шукур мўйлов, сўзни чўзиб ва Ўлмасга қаради. — Қачон келдинг?

— Кеча, — деди Ўлмас гап нимага бурилишини тусмол қилишга уриниб.

— Ҳарбий хизматдан озод қилинганлигинг тўғрисида хужжат борми?

— Бор, мана, — дея Ўлмас гимнастёрка чўнтагидан бари хужжатларини олиб Шукур мўйловга берди.

Шукур мўйлов ҳамма хужжатларни икки мартадан ўқиб чиқди.

— Мана бу ерда ёзилган — келган кунингдаёқ харбий комендатурага учрашишинг керак экан, шуни билармидинг?

— Билардим.

— Нега дарров бормадинг?

— Кўни-қўшнилар чиқишди, кеча боришнинг иложини топа олмадим, — деди Ўлмас, бор нарсани ҳалол айтиб.

— Бугун-чи? Кеча — майли, кўни-қўшнилар, дегандек. Бугун нега бормадинг? Балки қахрамон бўлиб келгандирсан. Балки комендант ўзи келиб, оёғингга салом бериши керакдир. Шунақами? — заҳарханда билан сўради Шукур мўйлов, даҳлизда турган Муқаддасга кўз қирини ташлаб. Муқаддас бу одамни яхши танийди, неча марта уйларига келганда, олдига овқат қўйган, хизматида бўлган.

— Мен унақа деяётганим йўқ-ку, амаки, — эзилди Ўлмас.

— Бўлмаса, нега кечанинг ўзида бормадинг, жиян? — Шукур мўйловнинг важи суст эди, аммо муддао нима бўлмасин — йигитга айб қўйиб, уни бу уйдан олиб чиқиб

кетиш, бир неча кун, балки бирон ой мобайнида комендатура назорати остида сақлаш, агар унча-мунча ишкаллик топилса, уруш пайтини рўкач қилиб, ҳарбий топшириқ ниқоби билан четроққа бадарға қилиши эди. Аммо ваз асослироқ бўлиши керак, акс ҳолда ҳар қалай бу йигит фронтда бурчини адо этиб келган, унинг устига инвалид экан, жанжал кўтариши, шикоят қилиши мумкин эди. Шунинг учун Шукур мўйлов битта саволни қайта-қайта берар, бирор ишқал топишга уринарди. — Мана, ёзиб қўйишипти, ҳарбий хизматдан батамом озод эмас экансан, бошқа ишларни бажаришинг мумкин экан, нега унда шундоқ ҳарбий вазиятни била туриб, бўйинтовладинг?

— Бўйинтовлаганим йўқ, — қатъий деди Ўлмас, ўзининг ҳақ эканидан шубҳаланмай.

— Товладинг, жиян, хўп де, товладинг, — деди Шукур мўйлов азиятли оҳангда. — Ўзинг борсанг, бизни ҳам овора қилмаган бўлардинг. Энди ўзимиз олиб боришга мажбурмиз.

— Нима қиласиз олиб бориб? Ўзим боравераман.

— Йўқ, жиян, ўзинг яна галга солишинг мумкин, — деди Шукур мўйлов қайсарлик қилиб. — Мен топшириқ олганман, ўзим элтиб, топширишим керак. Бажарганим ҳақида имзо ҳам чекаман. Қоида шунақа. Мен хизматдаги одамман. Менинг ҳам тепамда буйруқ берадиган командирлар бор. Ҳар бир қадамим назорат остида. Шунинг учун яна бошқа ҳужжатларинг бўлса олгин-да, биз билан йўлга туш.

— Ҳой, менга қаранг, барака топкур, — деди Мунис опа даҳлиздан ҳайқириб. — Кеча келган боламини қаёққа судраяпсиз? Инсоф қилинг ахир, айланай! Шунча азоб ютиб келгани каммиди?

— Янга! — деди Шукур мўйлов энди эпақага келаётган иши бузилишидан чўчиб. — Шунчаки, расмиятчилик. Ўғлингиз борадию ҳужжатларини кўрсатиб, изига қайтади.

— Ҳужжати ордона қолсин, шунчалик зарур эканми? Ахир болам қочиб кетаётгани йўқ-ку! — яна шанғиллади Мунис опа. — Бўлмаса, менам бирга бораман!

— Айт оингга, аралашмасин, — деди Шукур мўйлов Ўлмасга Мунис опанинг пўписасидан ҳайкиб. — Аралашадиган бўлса, ишни бузади. Ўзингга жабр қилади.

— Ойи, — деди Ўлмас ростдан ҳам ойисининг аралашидан кўрқиб. — Хавотир бўлманг. Бораману изимга қайтаман. Қоидаси шунақа экан, нимаям дердик.

— Қайтармайди, болам, — деди жиғибийрон бўлиб Мунис опа. — Бу одамнинг кўлига тушган одам қайтган

эмас. Буни ҳамма билади. Қушхонанинг такаси бу, эргаштириб олиб боради, гурзи бошқанинг бошига тушади. Борма, болам, йўқ де!

— Мана шунақа гаплари учун онангни олиб кетиш керак, — деди Шукур мўйлов тажанг бўлиб. — Мен расмий шахсман. Давлат хизматини бажараётган пайтимда менга нисбатан ишлатилган ҳақорат жиноят ҳисобланади. Қонунда тегишли модда бор. Мана, ёнимда гувоҳ турипти. Шунақами, гувоҳ?

— Худди шундай! — деди соқчи икки пошнасини бири-бирига уриб.

— Ойи, жим бўлинг, нима қиласиз тушунмаган нарсага аралашиб.

— Кўнглим сезяпти, болам, бу иш бежиздан эмас!..

— Олиб чик! — деди Шукур мўйлов соқчига буйруқ оҳангида. — Мен ҳозир орқаларингдан етиб оламан.

— Қани, юринг, — деди соқчи Ўлмас томонга бир қадам юриб. Ўлмас атрофга аланг-жаланг қараб жойидан жилди.

Мунис опа йиғлаб юборди, унга қўшилиб қизлари увиллашди.

— Жим! — деди Ўлмас уларга қараб. — Ўлгани кетяпманми, ҳалитдан аза очасизлар?

— Ҳов йигит! — деди Шукур мўйлов истехзо билан Ўлмасга. — Сен бозорга кетаётганинг йўқ, комендатурага кетяпсан. Ҳарбий формани тўла кийиб ол. Шинелинг ҳам эсдан чиқмасин.

Ўлмаснинг бошидаги янги дўппини ҳисобга олмаганда, устидаги кийими ҳарбий формаси эди, Ўлмас ичкарига кириб медаллари, камари ва погонни тақиб чикди, у сержант экан. Қўлида шинели бор эди.

— Ҳа, бу бошқа гап, — деди Шукур мўйлов, аммо Ўлмаснинг медаллари ва погонини кўриб, форма талаб қилганидан афсус чекди — унга зуғум ўтказиш бирмунча қийин бўлиши мумкин эди. — Чикаверларинг. Мен сал орқарокда юрганим маъқул. Кўрган одам нотўғри тушунади. Йигитга гап тегмасин, дейман-да.

Ўлмас соқчи назоратида орқасига қайрилмай, кўчага чиқиб кетди.

— Энди битта гувоҳ керак, — деди Шукур мўйлов даҳлизда турганларга қараб.

— Мен гувоҳ, — деди дарҳол Мунис опа. — Мени олиб боринг.

— Она гувоҳликка ўта олмайди, — деди Шукур мўйлов аёлни писанд қилмай. — Холис одам бўлиши керак.

— Мана мен холиман, — деди Мукаддас журъатсиз овоз билан.

— Сиз кўшни бўласиз, а? — гўё танишлигини унутгандек сўради Шукур мўйлов.

— Ҳа, кўшни, — дея Мукаддаснинг ўрнига жавоб берди Мунис опа.

— Мен сиздан сўраётганим йўқ, — деди Шукур мўйлов гаши келгандек бўлиб. — Ўзи жавоб берсин. Сиз кўшниси бўласизми? — атайин таъкид билан сўради у Мукаддасдан.

— Ҳа.

— Жуда соз, юринг мен билан, — дея Шукур мўйлов ўрнидан турди.

— Болам бор-ку, буни нима қиламан? — сал ўзини йўқотиб сўради Мукаддас.

— Болани ўзингиз билан олинг, — деди Шукур мўйлов гапини бир оз юмшатиб. — Уйингизда қолдирасиз. Кетдик, — дея Шукур мўйлов эшик томон қадам ташлади.

— Уй кийимидаман, амаки, — деди Мукаддас, негадир, ўзини айбдор ҳис қилиб. — Кейин... паранжи ёпинаман.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Шукур мўйлов ўзини бепарво кўрсатиб. Аслида қўлидаги тугунда паранжи ўроғлик эди, аммо бу вазиятда паранжини кўрсатиш, ишнинг аввалдан тайёрланганлигини сездириб қўйиш эди. Шукур мўйлов ҳийла ишлатишга мажбур бўлди: — Қизингизни қолдиргани кирганингизда, кийиниб, паранжи ҳам ёпиниб чиқасиз.

Мукаддас ўз уйи томонидан ғалва товуши эшитилмагани учун, уйдагилар отаси билан банд, ўзининг ғойиб бўлганини сезишмаган фараз қилиб, уйга кириб, кийиниб чиқиш унга мураккаб туюлмади. Мукаддас Ўлмасга гувоҳ бўлиш, зарурат туғилса, ишига аралашишга, тушунмовчилик содир бўлса, химоя қилишга тайёр эди, шунинг учун у пича иккиланиб тургач, рози бўлди.

— Амаки, мен кўча айланмай қўя қолай, мана, девор ошсам, уйда бўламан, сиз гузар орқали ўтасиз, — деди Мукаддас самимий тарзда фаоллик кўрсатиб.

— Майли, синглим, шундоқ қилсак иш тезлашади, — деди Шукур мўйлов. Унинг назарида Мукаддас тузоққа тушгани аниқ ва ҳозир уйига чиқиши билан уни шаппа ушлашларига шубҳа қилмас эди. — Сиз чиқаверинг, — деди Шукур мўйлов ва Мукаддаснинг девор ошиб кетишини ўз кўзи билан кўриш мақсадида ҳовлидан чиқишга шошилмади. — Тезроқ бўла қолинг, синглим, кетганлардан узилиб қолмайлик, — шоширди Шукур мўйлов, Мукаддас

девор томон ошиқаркан, Ўлмаснинг онасига юзланди. — Сиз, янга, хавотир тортманг, бир-икки соатлик иш, агар комендант жойида бўлса, тезда қайтади. Агар кеча ўзи шу ишни тинчитиб келганида, бугун шунча безовталиқ бўлмас эди, — деди у кўзини деворга қўйилган нарвонга чиқаётган Муқаддас ва унга ёрдам бераётган қизлардан узмай. — Ҳукуматчилик, янга, жичча оворагарчилиги бор, у ёғи яхши бўлиб кетади, ҳали ўғлингиз келгани муносабати билан қўлингиздан ош еймиз, деган умиддамиз.

— Худоё айтганингиз келсин, ош сиздан айлансин, — деди Мунис опа, самимий ишониб.

Муқаддас деворнинг нариги томонида ғойиб бўлгач Шукур мўйлов «яхши қолинглар», дея кўчага отилди.

Гулсум опа уйга кириб, орқаси билан эшикни тўсди. Муқаддас апил-тапил кийимини алмаштирар, Холида қанақадир ўйинчоқларни бир-бирига уриштириб, Озодани шамғалат қиларди.

Муқаддас бурилиб онасига қаради, онасининг авзойи бузук эди.

— Ҳм? Қаёққа отланыпсан? Нега бирон марта аданг олдига кириб, холини сўрамадинг? — ўзини ғазабдан тийиб сўради Гулсум опа.

— Чарчаган эканман, ухлаб қолипман, — деди Муқаддас гўё ёлғонни дўндирган бўлиб. — Нега уйғотмадинглар?

— Ҳа, доғули! Мегажин! — деди Гулсум опа ҳаётида биринчи марта қизига қаҳрини сочиб ва бегона одам борлиги эсига тушиб, Холидага ўшқирди: — Чик ташқарига. Ол укангни. — Холида қўрқа-писа Озодани кўтариб, ташқарига чиқиб кетди. Гулсум опа эшикни яна ёпиб олди.

— Бу нима деганингиз, ойи? — ўзини ҳеч нарса билмаганга солиб, ясама таажжубда сўради Муқаддас.

— Ўзингни гўлликка олма, уятсиз? Нега анови гўрсўхтаникига чиқиб олдинг, беномус?!

— Неғалигини ўзингиз яхши биласиз, — деди Муқаддас ранги оқариб. Демак, у ховлига чиқиб кетганини булар аллақачон билишипти, ўйлади Муқаддас, Шукур мўйлов қилган машмаша ҳам буларнинг иши. Энди тамом, уйдан чиқаришмайди. Олдин ҳам шунақа қилишиб, зўр билан эрга беришган эди. Аммо Ўлмасни сокчи олиб кетди, бориб унинг ёнида бўлиши бирон тухмат қадашса, аралашishi химоя қилиши керак. Ахир гувоҳ ҳам керак экан-ку. Шукур мўйлов шунақа деди. Аммо Ўлмасга ишлатган зугуми ҳам ясама, ёлғондир.

— Аданг билса, сени бугизлаб ташлайди, — деди Гулсум опа жойидан жилмай.

Шу пайт ховлида гунгир-гунгир эркак кишининг товуши эшитилди.

— Ана, Шукур муйлов келди, — деди Гулсум опа ва эшикни очди. — Айтдими сенга?

— Нимани айтади? Уз кuzим билан курдим, соқчиси Улмасни олиб кетди. Шуми?

— Яна бошқа гап бор, ҳозир айтади, — дея Гулсум опа дахлизга муралади ва имлаб Шукур муйловни чақирди. Пишиллаб Шукур муйлов кирди, дераза тоқчасига утирди. Гулсум опа эшикни яна ёпиб, орқаси билан туриб олди.

— Бормаймизми? — хумрайиб сўради Муқаддас. — Шошилтирувдингиз-ку.

— Борамиз, — деди Шукур муйлов гапни нимадан бошлашни билмай.

— Айтинг, — деди Гулсум опа жаҳл билан. — Билсин.

— Боя айтишга тилим бормади, — деди Шукур муйлов ўзи ўйлаб топган уйдирмага ишонарли тус беришни ўйлаб. — Дод-вой бўларди.

— Яна бир тухмат ўйлаб топдингизми? — захарханда билан сўради Муқаддас деворга суяниб. — Қани, эшитайлик.

— Тухматми, тухматмасми, керакли ташкилот ҳал қилади, — деди Шукур муйлов оёқ остига тикилиб. — Агар гумон тасдиқ бўлмаса, қайтиб келади. Тасдиқ бўлса, Улмас трибуналга тушади. Трибунал ҳазиллашиб утирмайди. Ҳарбий трибунал. Эшитганмисиз?

— Қанақа гумон? — саволга жавоб бермай сўради Муқаддас.

— Улмас қочоқмиш, — деди Шукур муйлов ҳар эҳтимолга қарши ўзини иккилангандек кўрсатиб, негаки, аввал комендатурада келишиб олишганидек, Улмаснинг ҳужжатлари жойида эди. У ердагилар ишқал топа билмай, йигитни қайтариб юборишга мажбур бўлиб қолишлари мумкин эди.

— Ҳужжатларини ўзингиз кўрдингиз-ку, — деди Муқаддас Шукур муйловнинг гапига ишонқирамай.

— Тамғаси суркалиб кетипти, ҳужжатлари қалбаки бўлиши мумкин, — деди Шукур муйлов кўзини четга олиб.

— У инвалид-ку. Иккита қовурғаси йўқ, — деди Муқаддас бўш келмай.

— Иккита қовурғаси йўқлигини сиз қаттан биласиз? — сўради Шукур муйлов масалани нозик жойидан ушлаб олгандек писанда билан. — Ушлаб кўрдингизми?

— Ўзи айтди, — деди Муқаддаснинг гаши келиб. — Савадингиз бўлса, кўргандирсиз, хужжатида ёзилган.

— Текширишсин-чи...

— Хўш, борамизми, йўқми? — тоқатсизланиб сўради Муқаддас.

— Мен бораман, сизнинг ҳожатингиз йўқ, — деди Шукур мўйлов ва гапга чек қўйгандек, икки тиззасига кафтини уриб, ўрнидан турди.

— Гувоҳ керакмасми? Ўзингиздан чиққан гап-ку.

— Соқчи гувоҳликка ўтаверади. Сиз овора бўлманг. Хужжатлари тўғри чикса, изига қайтариб юборишади.

— Хужжатлари тўғри! У қалбаки йўлга юрадиган йигит эмас!

— Жуда соз, текширишсин-чи, — деди Шукур мўйлов эшик томон қадам ташлаб ва нимадир унга таъсир қилиб, тўхтади, Муқаддасга истехзоли назар билан тикилди: — Умуман, сизга нима фарқи бор? Нега мунча куйинасиз? Билиб қўйинг, иши трибуналга борадиган бўлса, шунчалик ёнини олганингиз учун сизни ҳам жавобгарликка тортишлари мумкин. Дезертирлиги аниқланса, сиз шериги бўлиб чиқасиз.

— Ажаб бўлади-да! — хитоб қилди шу топгача гапга аралашмай турган Гулсум опа. — Қамашсин икковини! Шу ҳаёсизлиги учун кўрсин адабини!

— Фаламислик сиздан чиққан, ойи! — онасига тик қараб деди Муқаддас. — Агар уйдирма айб қўйиб, жазога тортишса, нима деган одам бўласиз? Виждонингиз кийналмайдими, ойи?

— Баттар бўлсин, гўрсўхта! — чинқириб гап отди Гулсум опа. — Бировнинг турмушига рахна солмоқчи бўлган одамнинг жаззаси шунақа бўлади. Ҳали ўшанга аза тутмасанг, асти рози эмасман! — дея, Гулсум опа хўнграб юборди ва эшикни қарсиллатиб ёпиб, ташқарига отилди.

— Яхшимас, синглим, — деди бир оздан кейин Шукур мўйлов Муқаддасга танбеҳ берган бўлиб. — Одам деган шунчалик худбин бўлиши, ўз онасини қақшатиши инсофдан эмас.

— Сизнинг ишингиз бўлмасин! Қилар ишни қилиб қўйиб, яна насихат берганингизга бало борми? Чикинг уйдан.

— Чиқаман, — деди Шукур мўйлов вазминлик билан. Иш бир ёқлик бўлмагунча, уйдан чиқмайсиз. Агар буйруқни бузсангиз, ордер билан келиб, ҳибсга оламан. Билиб қўйинг.

— Қўлингдан келса, оттириб ташла!

Ўлмаснинг ҳужжатларида чаток жойи йўқ, унинг кеча комендатурага келибоқ учрашмагани ҳарбий қондани қўпол бузиш эмаслигини ва нари борса, икки-уч кун уни ушлаб туриб, қўйиб юборишларини Шукур мўйлов биларди. Масалани бу томони Шукур мўйловни қизиқтирмас, унинг учун уйдирма айб билан Ўлмасни уйдан четлатиш ва муҳими Муқаддасни у ердан олиб чиқиб, оиласига топшириш эди. Бу вазифани Шукур мўйлов бажарди. Гулсум опанинг қизи уйда. Энди уларнинг орасида қанақа машмаша, жанжал рўй беради, Шукур мўйловга барибир, энди қизига қуз-қулоқ бўлиш, уни қуриқлаш, Ўлмаснинг уйига йўлатмаслик онасининг иши. Умуман, Шукур мўйловнинг назарида аввал Муқаддасни исканжага олиш керак эди, чунки ҳамма айб шунда. Агар у кўзини сузмаса, йигит ипини узармиди? Бу ғирт беҳаёлик. Бошида бинойидек эри бўла туриб, болалик жувон шунақа орийатсиз ишлар қилиб юрса, бунга қанақа кечирим бўлиши мумкин? Бўйнига занжир солиб, офилхонага боғлаб қўйиш керак. Якка чораси шу.

Шукур мўйлов индамай хонадан чиқди, эшикни зич ёпиб қўйди. Ҳозир у Гулсум опадан ваъда қилинган улушини олади, этагини қоқиб чиқиб кетади, қолган можароларни ўзлари бартараф қилаверишсин, Шукур мўйловга нима ғам? Унинг устига Муродхўжа ака пишиб ётибди, бирон нарса юз берса, шу билан овора бўлиб қолишади, мусибат Муқаддасни ҳушёр тортишга мажбур қилади, ҳамма нарса унутилади.

48

Муродхўжа ака кун сайин ўзининг аҳволи оғирлашиб бораётганини билмай иложи йўқ эди. У барча чораларни қўллаб кўрди. Обрўйини, бойлигини, таниш-билишларини ишга солди, манман деган мутахассисларни чақиртирди, турли-туман ноёб дори-дармонларни топтирди, бироқ дард ёмон ёпишган экан чоғи, ҳадеганда енгиллашавермади. Ягона чора оғриқни қолдирадиган дори бўлиб, иккита-учта ҳамшира навбатчилик қилар, Муродхўжа аканинг томирига дори юборар, игна санчилган жойлари шишиб, моматалок бўлиб кетган, игна бормас, томирини топгунича ҳамшира қаро терга тушиб кетар, бемор оғриқ азобидан алаҳлар, ҳамширани шошилтирар, шўрлик ҳамшира баттар қийналар эди.

Муродхўжа ака бир неча бор урушдан ўғлини чақиртириш, уни кўриб қолишни хаёлига келтирди, бироқ заиф умидда ётган ота, агар шу тилагини изҳор қилса, ўзининг

аҳволига ҳукм чиқарган, ўлимга маҳкумлигини тан олган бўлади, хонадонда ваҳима кўтарилади, деган андиша билан хаёлни хайдаб келди. Аммо кейинги пайтларда саломатлиги танглашиб, ўглини кўра олмай қолишдан хавфсирай бошлади. Бир неча кун бурун у хизматга кетиш олдидан кирган Ҳошимжонга Штаб раҳбарларига Масъудни зудлик билан фронтдан чақиртириб беришларини тайинлади.

— Айт, Ҳошимхўжа, — деди Муродхўжа ака нафаси қисиб. — Аэропланда жўнатишсин. Вақт зик. Қарздор бўлиб қолмаймиз. Шошилтир, ўғлим.

— Хўп, ада, ҳозироқ бориб айтаман, — деди Ҳошимжон ва фойтунга ўтириб, «Тупроққўрғон»га кетди. Гарчи у ҳозир ҳарбий хизматдан озод қилинган, қайнотасининг ўрнида ишлаётган бўлса-да, «Тупроққўрғон» йўли ҳамон унга ёт. Штабадаги одамларнинг қайси бирига учрашни яхши биларди. Ҳошимжон ваъдасининг устидан чиқди, Штабда «керакли» одамни топди, у қайнотаси билан улфат бўлгани учун, тап тортмай, Муродхўжа аканинг илтимосини етказди, бироқ «аэроплан» сўзини айтмади. Ҳошимжон фронт томонидан муттасил самолётлар Тошкент орқали жанубий шаҳарларнинг ҳарбий қисмларига қатнаб туришини, агар «у ёққа» телефон қилишса, Масъудни дарҳол жўнатишлари ва Масъуд узоғи билан икки кунда бу ерга етиб келиши мумкинлигини биларди, шунинг учун ҳам «аэроплан» сўзини ишлатмади, аммо беморнинг аҳволи анчайин оғир эканини уқтирди. Агар комиссар самолёт кераклигини ўзи англаса, майли, англамаса ундан яхши. Устига-устак, Ҳошимжон қайнотасининг омонатлигини, узоқ борса, уч-тўрт кунлик умри қолган бўлиши мумкинлигини гапга қистириб қўйди, бу билан ўғли бари бир улгурмаслигини ва уни олиб келиш билан борлиқ бўлган ҳаракат бефойдалигини ҳам эътироф қилгандек бўлди.

— Тушунмадим, — деди ҳарбий комиссар таажжубланиб. — Чақиртирайми ёки ҳожати йўқми?

— Ўзингиз биласиз, — деди Ҳошимжон мижрговланиб. — Агар улгурмаса... Тағин ким билади, дейсиз? Вазиятга қараш керакмикин?..

Ҳошимжон комиссарга тайин талаб қўймади, гапни мужмал қилиб чиқди. Шунинг ўзи ҳам етарли. Энди комиссар «у ёққа» телефон қокса ҳам қатъийлик қилмайди, фронтдаги вазиятга қарайди. Ҳошимжонга қолса, Масъуднинг келмагани маъқул. Албатта, у ёшлигига бориб, жанг майдонига киришга ошиққан, жанг майдони қаҳрамонликдан иборат бўлади, деб ўйлаган, аммо ҳақиқий

жанг унинг тасаввуридан минг чандон даҳшатли бўлиб чиққан, энди у бу ёққа келса, қайтиб кетмаслик чораларини ахтаради, уддасидан чиқади ҳам. Унинг устига анови жазмани қамокда ўлиб кетганини билиб, ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилади, тагига етади, унда нима бўлади? Ҳошимжон мана, отасининг ўрнини эгаллади, отаси савлат тўкиб юрадиган фойтунда энди Ҳошимжон юрипти, аввал Ҳошим эди, кейин Ҳошимжон ва пировардида қайнотаси номига «хўжа»ни қўшди, хатто «ўғлим» дейдиган бўлиб қолди, Ҳошимжон қайнотасининг ишончига кириб олиш учун озмунча ҳаракат қилдими? Мана, Муродхўжа аканинг даромадлари ҳам аста-секин куёвининг ҳамёнига оқа бошлади. Шунча уннашлар эвазига эришган рўшноликлари энди Масъуд келиши билан барбод бўлиши керакми? Ахир адолат қилиб айтганда, Муродхўжа аканинг жонига ким оро кирди? Касалхонага олиб боришда, ётқишишда, унга қарашда, инжикликларига чидашда, уйига қайтариб олиб келишда, ҳар кунги ҳожатларига ким асқотди? Ҳошимжон-ку! Энди шунча заҳматларни чидаб ўтказганида, Масъуд келиб хўжайинлик қиладими? Ишқилиб, комиссар уни чақирмасликка фаросати етсин-да. Чақирган тақдирда ҳам Масъуд отасининг ўлимидан кейин келса, ҳеч нарсани ўзгартира олмайди, чунки барча ишларнинг тизгини Ҳошимжоннинг қўлига ўтган, Ҳошимжон анойи эмас, жиловини унга топшириб қўйиб. Майли, арқонни узун ташлаш керак, вақт-соати келганда, дарров тортиб олади.

Ҳошимжон ишдан қайтгач, қайнотаси ҳузурида пича ўтирди, унинг топшириғини комиссарга етказганини айтди, кейин хонадан чиқиб, ўз уйи томон ўтди.

Муқаддас қизчасининг қўйлагига дазмол босар, қовоклари шишган, йиғлаган кўринарди. Ҳошимжон хотинининг кайфиятини отасининг аҳволига йўйди, индамай жужун кителини ечиб стулга илди, ювингани ҳовлига тушди. Ҳошимжоннинг назарида хотини авваллари ҳам эрига айтарли рўйхуш бермас, айниқса отаси касалга чалинганидан кейин баттар индамас бўлиб қолган эди. Табиатан ўзи камсуханлиги учун хотинининг тумтайиб юриши малол келмас, баъзан кун бўйи гаплашишмаса ҳам бунга эҳтиёж сезмас, ҳозир эса, айниқса университетнинг тарих факультети ташқи бўлимига кириб олгандан кейин, китоб мутолаа қилиш баҳонасида боғ этагидаги айвончага тушиб кетар, кечки овқатга чақирмагунларича у ердан бери келмас эди. Мана бугун ҳам ювинади, қизчаси билан тагидаги тўқима креслода ўтириб ичи кумок тарвуз ейди,

китоб қўлтиқлаб, боққа чиқади, айвончадаги пашшахона остида бир оз чўзилади, мутолаа қилади, дам олиб чиқади.

Ҳошимжон бор этагига тушганида айвончадаги пашшахонанинг бир томон канопи узилган, пашшахона рижим, эзғиланган эди. Ҳошимжон канопни улаб, пашшахона четини кўтарди, остига кириб ўрнига чўзилди. Кунни бўйи йиғиштирилмаган кўрпа билан ёстиқ илиқ эди, тез салқин тушадиган кузнинг ҳавосида ёқимли туюлди.

49

Мунис опанинг хурсандчилиги бир кунга ҳам бормади. Ўғли эртасигаёқ Муқаддасни қизи билан олиб чиқиб, уйдагиларни мулзам қилди. Бу кам эканми, хужжатларининг чатоқ жойи бор экан, оёғини ерга теккизмай, ҳарбий идорага олиб кетишди. Ўша кунни Ўлмас қайтмади, Мунис опа қизлари билан тонг оттириб чиқди. Эртасига ҳам ўғлидан хабар бўлмади. Мунис опа чиндан хавотирлана бошлади. Шуқур мўйлов ўғлини бежиз олиб кетмагандир. Ростдан ҳам Ўлмас бир ноҳўя иш қилиб қўйган бўлиши мумкин. Нега бўлмаса Шуқур мўйлов «қочоқ» дейди? Бекордан-бекорга бировни «қочоқ» деб айблаб бўладими? Демак, бирон ишкали бор, фақат онасига айтмаган, яширган. Ё, парвардигор! Энди бу маломат бормиди шўрлик бошига? Наҳот улар энди ўғлига жазо беришса? Ҳарбий трибунал, деган гапни Мунис опа эшитган эди. Ҳарбий трибуналга тушганлар у ердан омон чиқишмас эмиш. Ҳа, нодон бола! Шунча йиллар мобайнида жанг қилиб, шунча азоб-укубатларга бардош бериб, озгина қолганда номаъқул иш қиласанми? Қирқига чидаб, қирқ бирига келганда... Оҳ, нобакор! Оҳ, бетамиз бола! Онангни абгор қилдинг-ку!

— Ойи! — деб қичқирди Мунис опанинг кичик қизи. — Ҳадеб қакшайверманг ахир! Акам қочоқ эмас! Иккита ковура-раси олиб ташланган-ку! Инвалид. Ўзим кўрдим хужжатини. Шуқур мўйлов қасддан қилган. Акамда айб йўқ.

— Айби бўлмаса соқчини олдига тушиб кетармиди? — деди Мунис опа куйиниб. — Бир гап бор. Энди уни отиб юборишади. Вой, шўргинам курсин мени! Шунча урушлардан омон қолган болагинамни нобуд қилишади. Вой, болам!..

— Юринг, ҳозир борамиз ўша комендатура деган жойига! — аламзадалиқ билан деди катта қизи. — Бу ерда айюҳаннос солиб ўтиришдан нима фойда? Ёки бўлмаса, ўша Шуқур мўйловни ахтарамиз, акамизни топиб бер, деймиз!

— Баттар бўлади, қизим, — деди Мунис опа тўлға-

ниб. — У одамни билмайсанлар, бировга кўз тикдими, ёстигини қуритади. Биз ҳам балога қоламиз. Хоиннинг тарафини оляпсанлар, деб бизнинг ҳам пайимизга тушади, бошимизга балоларни солади. Ундан четроқ юрган маъқул. Хонавайрон қилади.

— Бўлмаса комендатурага борамиз, — деди тўнғич қизи, сал ҳовридан тушиб. Ҳақиқатан Шукур мўйловнинг номини эшитиши билан манман деганлар ҳам писиб қолар, унинг назарига тушмасликка ҳаракат қилишарди. — У ердагилар ҳам одам-ку, бирон нарса дейишар, аҳволимизни тушунишар.

— Ўзим бораман! — деди Мунис опа шижоат билан. — Сўраб-суриштириб топиб бораман! Дод, дейман! Болам у ёқда не аҳволда кўзи тўрт бўлиб ўтирса-ю, мен қандай бу ёқда тинч юрай? Бораман. Сенлар қолларинг. Лоақал касри сенларга урмасин. Мен қари хотинман, онаман, бало ҳам тегмайди. Олиб чиқ паранжини, ёпиниб бораман. Зора раҳм қилишса...

Мунис опа оқшом пайт қайтиб келди ва паранжисини елкасига тушириб, чорпояга мажолсиз ўтириб қолди. Унинг оқара бошлаган сийрак сочи тўзиган, кўзларида лоқайд мунг қотиб қолгандек эди.

Қизлар айвон ҳатлаб она томон отилишди.

— Нима бўлди, ойи? — хавотирдан дағ-дағ титраб сўрашди улар. — Тинч эканми акамиз? Нима дейишди? Кўрдингизми?

— Тинч дейишди, — деди Мунис опа бўлак йиғлашга ҳам мадори етмай. — Алдашдими, ростини айтишдими, билмадим. Туркманистоннинг чегарасидаги аллақайси шаҳарчага топшириқ билан жўнатишипти. Яқин-орада хат келади, дейишди. Шунгаям раҳмат, дедим, иложим қанча? Ишқилиб, омон бўлса бас, бир кун етишармиз...

50

Тўртинчи синфда рус тилидан дарс олиб боришни Мансур ака вақтинча Ойнисага топширди. Бирон йил ишлаб тажриба орттирсин, кейин кўрамиз, уддасидан чиқса бошқа синфларни ҳам топширамиз, деб ўйлади Мансур ака ва мўлжали тўғри чиқа бошлади. Ойниса Мансур ака берган барча қўлланмаларни кунт билан ўрганиб чиқса-да, биринчи дарсларни кўрқув ва ҳаяжон билан ўтказди. Кейинчалик дарс бериш услуби маълум шаклга тушиб, аста-секин ўз самарасини кўрсата бошлади. Ҳатто рус

тилидан ўзи нунокрок бўлса-да, Мансур ака бир-икки марта Ойнисанинг дарсига кириб ўтириб, ўқувчиларнинг бурро жавобларидан англадики, Ойнисанинг дарс олиб бориш қоидаси яхши, Ойниса зеҳнли ўқитувчи, агар малакасини ошириб борса, яна ҳам яхши натижаларга эришиши мумкин. Андижондаги педагогика билим юртининг ташқи бўлимига киришни Мансур аканинг ўзи маслаҳат берди, пахтадан озод қилди ва кунлардан бир куни керакли хужжатларни дастрўмолчага ўраб, Ойниса Андижонга йўл олди. Ҳозирда у фақат рус тилидан дарс ўтаётгани ва синфи атиги битта бўлгани учун пахта териш мавсумигача бўш кунлари бор, оилага, ногирон қайнонасига, рўзгорга қараш имконига эга бўлди. Ойниса уй кўтарди. Тахмонда йиллаб ишлатилмаган уч-тўртта кўрпа-ёстикни, хоналарнинг заранг ерига тўшалган шолча, кигизларни офтобга солди, титилиб кетган бўйралар тагини супуриб, ўрнига янгисини ташлади, палапартиш қилинган сомон сувоқли деворларни оҳак ивитиб оқлаб чиқди, докадан бўлса ҳам деразаларга парда осди, ҳаммаёқни саранжом-сарништа қилди, ҳатто гувалалари кўриниб ётган ўчоқни сувади, сувоқ қуригач, оқлади, Қаюмжон бошчилигида тўртта устун кўмиб, ошхона тепасини ёпишди, атрофини бордон билан тўсишди. Эндиликда Қаюмжоннинг уст-боши ювилган, озода, қайнонаси, болалари ораста, Ойнисанинг ўзи тинч, ҳатто мактабдаги ишлари ўқувга кела бошлаганидан кайфияти ҳам чоғ эди.

Бироқ Ойниса Андижондан дили вайрон бўлиб қайтди.

Педагогика билим юрти маъмурияти Ойнисанинг ижтимоий чиқиши билан танишиб, отаси халқ душмани айбномаси билан отилиб кетгани учун, хоиннинг қизини ўқишга олмасликни мақсадга мувофиқ, деб топди, хужжатларини қайтариб берди, Ойнисанинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, кечки пайт қишлоғига қайтиб келди. Уйига кирганда ҳайтовур, Қаюмжон колхоздан ҳали қайтмаган, қайнонасининг кўзи ожиз, Ойнисанинг йиғидан шишган ковақларини, қизарган кўзларини кўрмади, болалар эътибор беришмади, онаси келтирган хўрозқанд билан овора бўлишди. Ойниса ўчоққа уннаб кетди.

Терилган ҳосил охириги толасигача Марҳаматдаги пахта пунктига топширилиб, сводка райкомга берилмагунча Қаюмжон уйга келмайди, баъзида идорада тунаб қолади. Чарм диванда бир-икки соат мизғиб олади холос, яна далама-дала изғийди. Пахта теришнинг ўзи билан иш битмайди, сомон сувоқ қилинган хирмоннинг майдонига ёйиш, тинмай ағдариш, қуритиш, кейин қанорларга уриб, араваларга

ортиш, пахта пунктига олиб бориш, навбат кутиш, пахта-нинг намлигини аниқловчи билан тортишиш, жанжал қилиш, баъзида ялиниб-ёлвориш, амал-тақал билан қоғоз олиш, қоғозни ёнига уриб райком биносига югуриш керак. Райкомнинг масъул ходимлари орқада қолаётган хўжаликлар раисига, ҳосилотига ўдағайлашади, етакчи раислар олдида изза қилишади. Изза бўлганлар бошларини ҳам қилиб, ҳақоратларга чидашади, одам камлигидан, ишчи кучи етишмаётганидан нолишади, райкомнинг масъул ходими ҳеч нарсани тушунишни истамайди, хоинликда айблайди, шўрлик раис яна ваъда бериб, колхозига ошиқади, ярим кеча демай, бригадир, звеновойларни йиғади, энди раис уларга ўдағайлайди, ҳақорат қилади, жиноий чора билан қўрқитади, улар ҳам одам етишмаётганлигидан нолишади, ваъда бериб, идорадан чиқиб кетишади, каллаи саҳар одамлари далага тушишларидан олдин, уларни тўплаб, ҳақорат қилишади, ўдағайлашади, далага ҳайдашади. Бригадирлар ихтиёридаги заҳматчилар асосан хотин-халаж бўлгани учун, улар қоида тусига кириб қолган саҳарги қийратувни лом-мим демай ютиб, эгатларга шўнғишади, қоронғи тушмагунча, даладан кетишмайди. Қаридир, ёшдир, болалик-боласиздир, касалдир-мажруҳдир, иккиқатдир-қисирдир, очдир-ялангдир — бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ, пахта теришлари керак — вассалом. Пахтани ҳали қуришиш, қанорга уриш, аравага юклаш, пунктга олиб бориб топшириш, у ерда худонинг зорини қилиб қоғоз олиш, сводка учун райкомга топшириш керак. Ҳар кун аҳвол шу. Мамлакатга пахта керак, сендан Ватан, доҳий Сталин пахта кутмоқда! Пахта мудофаа аҳамиятига молик маҳсулот! Ундан ўқ, плёнка, кийим, ярадорлар қонини тўхтатиш учун бинт, пахта қилинади, бевосита Ватан ҳимояси учун ишлатилади. Ғалабага хизмат қилади. Кимки шуни тушунмаса ёки тушунишни истамаса, хоинлик қилган бўлади. Эринг, фарзандларинг, аканг, уканг, отанг қон кечиб жанг қияпти, ўляпти, ярадор бўляпти — бу кам. Улар окопларда, ботқоқларда, қорда, жалада, сен — далада, эгат орасида, пайкалда, хирмонда. Боланг ёшми? Безгакми? Ичбуруғми? Очми? Қаровсизми? Йиғляптими? Ўляптими? Фақат сеники ўлаётгани йўқ. Шуни билиб қўй! Агар шу билан Ғалабага эришилса, демак, ҳамма қурбонлар ўзини оқлайди. Бу — Ғалаба учун, ватан учун, улуғ Сталин учун керак. Нима учун бўлмаса Усмон Юсупов бир юз етмиш минг одамни уйдан суғуриб, қўлига кетмон ушлатиб қўйди? Нима учун қирқ беш кун деганда икки юз етмиш километрли Катта Фарғона каналини қурдирди? Пахта етиштириб бериш

учун! Тушуниш керак. Ватанпарвар бўлиш керак. Пахта — халқимизнинг миллий ифтихори, гурури, фахри. Яна нимамиз билан фахрланишимиз мумкин? Алишер Навоий, Бобур, Улугбек биланми? Бири вазир, иккинчиси шоҳ, учинчиси султон бўлган, халқни эзишган, қонини ичишган, боққинчилик қилишган...

51

Пахта теримига чиқиш биринчи синф болалари учун янгилик эмас, одат тусига кириб қолган мажбурият. Оналари баҳор чопиғи ва яганалашдан тортиб, ғўзапоя теримигача олиб чиқишади, чунки кўп хонадонларда уларга қарайдиган ҳеч ким бўлмайди, ўзларини ташлаб, дала ишига кетиш хавфли, унинг устига яна кенжароқлари бўлса, уларга қарашга ярайди, пайкал бошидаги — куруқ ариқча ичидаги жулдур чопонга ўроғлик укалари атрофида бўлишади, ғўдаклар қаттиқ йиғлаб, ҳадеганда овунишавермаса, эгат орасида кетмон чопиқ қилаётган оналарини чақирришади, улар чиқиб эмизишади. Ўзлари бир оз дам олишади, яна эгат оралаб кетишади. Беш-олти яшарли ўғил-қизлар тетикрок бўлишса, оналари уларга теша-кетмон тутқазишади, далада ўсиб кўзи пишиб кетган болалар оналари ёнига киришади, кўп бўлмаса-да ёрдам беришади. Болалар буларнинг барига нотабий, деб қарашмайди, ҳаёт тарзи шунақа экан, деб ўйлашади, фақат ухлаш учун қош қорайганда уйларига қайтишади, ўйинчоқ ўйнаш, баҳор кезлари варрак учириш нималигини билишмайди. Ягана қилиш, чопиқ ишларини бажариш ва айниқса шона пишиб очилганида, пахта теришга тушишади, эгатлар орасида кўринмай кетишади. Бир-икки килодан теришса ҳам ҳарна, дейишади раҳбарлар.

Мансур ака мудирлик қиладиган мактаб етти йиллик, ўқувчилар ҳар йили биринчи синфдан тортиб еттинчигача дарсдан кейин тўппа-тўғри дала ишларига равона бўлишади. Ҳатто баъзи тифиз мавсумда мактаб эшигига қулф тушади, ўқувчиларни колхозга ҳайдашади. Мактаб шу колхоз худудида жойлашгани сабабли, табиий, ўқувчилар шу колхознинг юмушини бажаришади, аммо мактабга бошқа колхоз болалари қатнагани учун, раислар орасида можаролар бўлиб туради, кўплари, «мактаб бизага ҳам чиқсин, нега бизнинг болалар ўқишни ташлаб, бошқа колхоз режаси учун хизмат қилиши керак?» деган даъво билан маориф бўлимида жанжал кўтаришади, райком раҳбарига шикоят қилишади. Устига-устак, ишга чиққан болаларни колхоз овқат билан таъмин қила олмайди, болалар яримта зогорани

қўйнига қистириб, туш пайтини кутмай ямлаб қўйишади, кечгача очқаб, силласи куриб, уйларига жўнашади, бошқа колхоздан келган ўқувчилар ўз жойларига етиб олгунларича вақт хуфтондан ошиб кетади.

Қайси бир қариянинг «болаларни бойлар ҳам мунақа ишлатмаган», дегани, яна бирининг «гўдаклар дала нималигини билишмасди, шўро шарофати билан йўргакдалигидан пайкалга чиқадиган бўлди», дегани Қаюмжонга қаттиқ таъсир қилди, аммо унинг қандай иложи бор? Бирон аёлга, чақалогингизни ташлаб чиқинг ёки ишдан озодсиз, болангизга қаранг, дея оладими? Йўқ... Биттасига раҳм қилса, иккинчиси ҳам даъво билан чиқади. Учинчиси, тўртинчиси — ҳаммаси. Далада ким ишлайди? Ким пахта етиштириб беради? Раҳмдилликдан ўқ-дори тайёрлаб бўлмайди. Раис бўлатуриб, Қаюмжон ҳаммомга тушяптими? Тўйиб овқат еяптими, ухляяптими? Янги уйланган хотини билан тузукроқ алоқа ҳам қила олмайди, ярим тунда уйига келиш иложини топса, топади, бўлмаса — йўқ, хотини донг қотиб ухлаб ётган бўлади, ўзи ҳам ечинмай-нетмай кўрпага ағанайди, бир соат кўзи илинадими, йўқми, сапчиб ўрnidан тура солиб, идорага югуради, хотинини ўқувчилар қуршовида пахтазорда учратиб қолади. Худо кўрсатмасин, онаси ўлиб қолса, кўмишга ҳам қўли тегмайди.

Тўғраб қуритилган угра бор эди, Ойниса ёр қизиши билан қозонга пиёз, жаз ташлаб бир-икки ковлади, сув қўйди; сув қайноб чиққач, угра солди, оловни тортиб, қозонни милтиллашиб қўйди, хувиллаб турмаслиги учун Қаюмжон билан ётадиган хонасига чироқ ёқиб, пилигини пасайтириб қўйди. Овқат сузилган косаларни одатда ўтириб овқатланадиган қайнонасининг хонасига олиб кирганида кампир тасбеҳ ўгириб ўтирар, мусулмон фиштида Алижон ховонча дастаси билан данак чақар, битта мағизни Жамиланинг оғзига, иккинчисини ўзиникига солар эди. Овқатланиб бўлишгач, Ойниса ётиш учун жой тўшади — ўртага қайнонасига, унинг икки ёнига Алижон билан Жамилага. Онасининг бошқа хонада анови «амаки» билан ётиши бошида Жамилага эриш туюлиб юрди, ҳеч қачон онасидан бўлак ётмаган Жамила аввалига хархаша қилди, ҳатто қизининг кўнгли учун қайнонасининг хонасида ётиб қолишга ва қизи обдан уйқуга кетгач, аста-секин Қаюмжон ётган хонага чиқиб, саҳар пайти эрини ишга жўнатгач, яна бу ерга қайтиб, уйқуда ётган қизининг ёнида ётиб юришга мажбур бўлди.

— Нимага сизни Алижон ая дейди? — сўради Жамила онасидан Алижон кўчадалигида. Қизча бу саволни беришга пайт пойлаб юрган экан, чамаси, биринчи имконият туғилиши билан Ойнисани саволга тутди. — Сиз менинг аямсиз-ку.

— Алижоннинг аяси йўқ, шунинг учун мен аяси бўлдим, — деди Ойниса, фикрини тушунарли қилишга уриниб.

— Нега аяси йўқ?

— Аяси ўлган, уни хафа қилиш керак эмас, Жамила тушундингми?

— Ҳм, — деди Жамила миясида нималарнидир ўйлаб. — Энам анави амакимни дада, дегин, деяпти. Дада, дейми?

— Албатта.

— Ўзимми дадам-чи? Урушдан келади, девдингиз-ку.

— Келмайди, қизим. Немислар ўлдиришган.

— Энди амаким дадам бўладими?

— Ҳа, қизим. Сен ундан ётсирамагин. Амакинг яхши одам. Сени яхши кўради. Дада, дегин.

Гарчи Жамила отасининг ўлганини эшитиб, йиғламасада, унинг мурғак қалби ларзага тушди. Бу мусибат қизчанинг ҳаётидаги биринчи зарба эди. У энтикиш аралаш хўрсиниб қўйди. Ойниса кўзига келган ёшини кўрсатмаслик учун кизини бағрига босди.

Ойниса Жамилани ҳам, Алижонни ҳам ўз хонасида ётқизса бўларди, аммо кампир ёлғиз қолмаслигини ўйлаб, жойини ўша хонага тўшайдиган бўлди. Албатта, Алижон энаси ёнида ётиб ўрганган, аммо Жамилани ўз хонасига олиб чиқиб кетса, Алижонни четлатгандек бўлиб чиқадигандек, қизи учун дили узилса ҳам, Ойниса чидашни лозим кўрди. Ойнисанинг ҳам қизидан бўлак ётиши ҳаётида биринчи бўлиб, баъзан химоясиз, мурғак қизи олдида ўзини гуноҳкор сезар, шу дамларда Қаюмжоннинг суюши ҳам малол келарди. Бироқ нима ҳам қилсин, ҳаёт Ойнисага шу хил қисмат тушган экан, чидашга, бардош беришга мажбурда. Қишсиз баҳор келармиди? Такдир Ойнисага яна қандай синовлар тухфа қиларкин?

Кеч кузнинг тунлари аёзли. Ойниса ҳали сандал қурилмаган совуқ хонасига чиқиб ўрин солди, дераза тоқчасига тақаб қўйилган хонтахта ёнига ўтириб, ўқувчилар дафтарини текширишга киришди. Кейин совуқдан бадани жунжикди, чироқни пасайтириб, кўрпага кирди, анчагача исина олмади. Қаюмжон келса, Ойниса Андижонда бўлган воқеа ҳақида гап очиб, Мансур акага ҳам айтса, иш

бузилмасмикин, деган маънода маслаҳатлашмоқчи эди, эри бу кеча ҳам келмади. Биринчи йил раислик қилаётган Қаюмжон учун ҳозирги пайт масъулиятли давр. Осмон тез-тез қора булутлар билан қопланадиган бўлиб қолди. Режа эллик фоиздан сал ошган. Яна шунча пахта териб топширилиши керак. Далада пахта мўл. Фақат йиғиб-териб олишга одам етишмаяпти. Унинг устига ҳаво булут пайтида пахта қуритиш ҳам анча мушкул бўлади. Фанимат кунлар шифиллаб ўтиб бормоқда. Агар ёмғир томчилаё бошласа, ишнинг белига тепади. Усиз ҳам аҳвол яхши эмас. Бригадирлар хирмонига қурилган сушилкалар, уларнинг томлари бир аҳволда, Қаюмжон шундан нолиган эди. Уларни эпақага солишга ишчи кучи етмаяпти, машъала ёқиб кечалари тузатишга тўғри келади, девди, ҳозир Қаюмжон ўша ишлар билан оворадир балки. Хотини бўлгач, колхознинг ташвиши беихтиёр Ойнисага ҳам тушган, ўйламай иложи йўқ. Сушилка дегани ичи илонизи мўрилардан иборат супа бўлиб, супа устига нам пахта ёйилади, мўрининг бир томонидан ўт ёқилади, иккинчи томонидан тутун чиқади, шу усул билан пахта қуритилади. Агар томи нобоп бўлса, чакка ўтиб кетади, ўт ёқиш фойда бермайди. Пахтанинг даҳмазаси курсин. Йил — ўн икки ой қаров талаб қилади. Кошки даромади тузук бўлса. Колхозчилар йиллаб сариқ чақа олишмайди. Унинг устига бошларида қамчи ўйнайди. Яхшиям жичча-жичча томорқалари бор, ул-бул нарса тикиб, аранг кун кўришади. Ерлар-чи, ерлар? Накадар серҳосил, ёлғондан эксанг, ростдан кўкаради. Ахир шу ерларга сабзавот экса, дон сепса, макка қадаса, камида икки мартадан ҳосил кўтарилар, омборлар тўлиб кетар, мўл-кўлчилик, маъмурчилик бўларди. Бунақа пайтда дехқон оғзида туршак билан бағрини бозиллаган сандалга буркаб ётарди. Ахир бу ерларни боғ-роғ қилинса, бепоён жаннатга айланар, ноз-неъматни ҳеч қаерга сиғдириб бўлмас эди. Эндиликда шундоқ ернинг халқи бир ховуч донга зор ўтирипти.

Ойниса одатига кўра эрта уйғонди, ўринни йиғиб, ташқарига чикди. Ҳаво булут, изғирин шамол сариқ баргларни тўзон аралаш чирпирак қилар, теракларнинг учи эгилиб шовуллар эди.

Ойниса ўчоққа ўт ёқди, ўтин қалади, самоварга пайраҳа ташлади, ичкарига кирди. Болалар уйқуда, қайнонаси намоз ўқиб бўлиб, жойнамозда тасбеҳ ўгириб ўтирар, лаблари пичирлар эди, келинининг саломига бош қимирлатиб, алик қилди.

— Ўт олдирдим, — деди Ойниса, ялангоёғида таги бўйрали шолчани фирч-фирч босиб. — Ҳозир сандалга чўғ соламан. Ташқари совуқ.

Қайнонаси боши билан маъқул ишорасини қилди.

Ойниса сандал курсисига кўрпа ташлади, дастурхон ёзди, мис баркаш қўйди, зогора ушатди, шинни келтирди.

Сандалга чўғ солиниб, самовар киргач, хонада файз пайдо бўлгандек туюлди. Чала-чулпа чой ичиб, Ойниса мактабга жунади.

— Ойнисахон, бу ёққа киринг, бир оғиз гап бор, — деди Мансур ака дарсга кириб кетаётган Ойнисани идорасига чакириб.

Ойнисанинг юраги шувиллаб кетди. Андижонга бориб келганимни сўрайди, деб ўйлади Ойниса хавотирда, ўқишга қабул қилинмаганим сабаби уни ўйлантириб кўяди.

Мансур ака ҳақиқатан гапни шундан бошлади. Ойниса бўлган воқеани батафсил айтиб беришга мажбур бўлди, гапнинг охирида куйиниб:

— Қачонгача отамнинг маломати оёғимдан тортади, домла? — деди ва беихтиёр йиғлаб юборди.

Мансур ака гуноҳкордек чуқур хўрсинди, бошини ҳам қилиб, кўзойнагини артишга тушди. Ойниса йиридан ўзини тута олмаганидан истиҳола қилиб, жимиб қолди.

— Паймонингиз шунақа экан, Ойнисахон, чидайсиз, иложингиз қанча? — деди ниҳоят Мансур ака, атайин тақдирни илова қилиб. Шу йўсин билан муддаога ўтиш унинг учун осон эди. — Ўқишга кирмаганингиз катта талафот эмас, қизим. Жонингиз омон, мана, худога шукр, бошингизда эрингиз бор, қизингизга оталик қилади. Қамашса, зурриётингиздан айиришса, арз-додингизни кимга айтардингиз? Шукр қилиш лозим, қизим, шаккокликка худонинг қаҳри келади, иноятини дариг тутати.

— Шукр, домла, шукр, — деди Ойниса шошилиш билан гўё нолиши яна офат келтирадигандек ва негадир унинг ширинзабон бўлиб қолганидан ҳам таажжубланди, ҳам чўчиди. Домланинг дилида нохуш бир сири бор, айтишга ботинолмаяпти, ўйлади Ойниса, нега бўлмаса айлантиради, дарров айта қолмайди? — Домла, гап бор, девдингиз. Қулоғим сизда. Дарсга киришим керак. Болаларнинг овози келяпти.

— Дарсга кирмай кўяверинг, — деди Мансур ака аранг муддаосига ўтиб. — Озор чекибсиз, дам олинг, уйингизга қаранг.

— Нега, домла? — гумонсирай бошлади Ойниса. — Дарсимни ўтмасам, қолиб кетаман, кейин етиб олишим қийин бўлади.

— Ҳар қалай, сиз хаваскор муаллимсиз, қизим, тажрибангиз етарли эмас, — деди Мансур ака, зўраки далиллар келтиришга мажбур бўлиб. — Ҳатто еттинчи синфни битирганингиз ҳақида ҳужжатингиз ҳам йўқ. Оғзаки гапингизга кириб, вақтинча синф берувдик.

— Ўзингиз дарсимга кириб ўтирдигиз, дарс олиб боришимни маъқулладингиз, мақтадингиз, — деди Ойниса алланималарни андуҳ билан тусмол қилса-да, яна умидини узмай. — Ўзингиз Андижонга бориб ўқишни давом эттиришим кераклигини маслаҳат бердингиз. Унга раҳмат. Аммо ўқишга олишмаса, айб мендами?

— Гап ўқишда эмас, Ойнисахон...

— Нимада? Истиҳола қилмай айтаверинг, домла, нохуш хабарларга ўрганиб кетганман.

— Кеча маориф бўлимига борувдим, — деди Мансур ака узоқ сукутдан кейин. — Фақат сўз беринг, Ойнисахон, мен бу масалани сиз билан муҳокама қилишим керакмас эди... Сизни кўзим қиймаганидан айтишга ботиндим...

— Сўз бераман, домла, айтаверинг, — деди Ойниса мудирнинг гапини бўлиб. — Гап шу ерда қолади.

— Қаюмжонга учини чиқарсангиз бўлади, у тушунадиган йигит, кўрсам, ўзим ҳам айтаман, — деди Мансур ака ва мавзуга ўта олмай, тутилиб қолди.

— Қийналманг, домла, — деди Ойниса, негадир, айни пайтда енгил тортиб. — Маорифдагилар бохабар бўлишиб, дарҳол сизни чақиртиришган, халқ душманининг қизи мактабда дарс бериши сиёсий хато, болалар тарбиясини унга топшириш мумкин эмас, ўқувчиларни бузади, шунинг учун уни ҳайдаш керак, дейишган. Шунақами?

— Ҳайдаш керак, дейишгани йўқ, — деди Мансур ака ўзини мунофиқ сезиб.

— Нима дейишди?

— Ўқувчилар тарбияси билан бевосита боғлиқ ишга «жалб қилмасликни тавсия этамиз», дейишди. Ҳайдаш керак, дейишмади. Фарқи бор, Ойнисахон, — Ойнисадан садо чиқмади. — Ойнисахон, мен кичкина бир одамман. Замон қалтис. Қариган чоғимда бошимга ғавро орттириш хавфли.

Ойниса ховлига чиқди ва орқасига, энди кадрдон бўлиб келаётган мактаб томонга бирон марта қайирилиб қарамай тез юра кетди.

Ойнисанинг омонат ҳаёти, худди нимжон ниҳолнинг илк барглари каби, энди маълум мазмунга эга бўлиб келар, у ўқитувчилик қилиб, баҳоли қудрат кимларгадир фойда келтириш қобилияти борлигига ишона бошлаган бир пайтда, яна ҳаммаси чилпарчин бўлди. Ахир ҳаёт фақат тўқликдан, ухлашдан иборат эмас-ку. Қанақадир интилиш, эзулик ҳам бор-ку. Майли, Мансур ака таъбири билан айтганда, Ойнисанинг паймонаси азруйи азал шунақа бичилган экан. Бу ёғи у қизини вояга етказиши, яхши тарбия бериши, маърифатли қилиши керак. Ойниса эндиги ҳаётини шунга тикади. Ишқилиб бу бечоранинг йўлида тўғаноқлар бўлмасин.

Кеча Андижонга кетатуриб Ойниса бир ниятни кўнглига тугиб қўйган, агар ҳамма нарса жойида бўлса, қайтиб келиб Қажумжонга ўқишга кирганини айтиб, хурсанд қилмоқчи, яна қулоғига бир нарса шивирлаб, қувончдан эрини эсанкиратмоқчи, суюнчи олмоқчи эди. Бу ниятнинг ҳамзавқи хиралашди. Ойниса никоҳдан кейин икки ой ўтар-ўтмай буни сезиб қолди. Бунчалик тез бўлади, деб ўйламаган эди, ҳам хурсанд бўлди, ҳамалланечук ғалати туйғу хис этди. Буниси қанақа бўларкин, пойқадами қанақа келаркин?..

52

Муродхўжа аканинг ўлиммаросими улкан мотамга айланиб кетди. Масъуднинг ҳалок бўлгани ҳақида ўша куни қорахат келди. Азага аза қўшилди, ҳовли қий-чув, дод-вой, уввосга тўлди, тумонат халқ тўпланди. Кўплар Муродхўжа акани танимас, машхур одам дунёдан ўтгани ҳақидаги овозани эшитибок, бир бурда нон илинжисида келишган, деярли ҳаммага ризқ улашилгани учун ҳеч ким насибасиз қолмаган эди. Ҳаво совуқ бўлгани сабабли ҳовлининг ўртасига, кўча дарвозаси олдидаги майдончага тўнка қалаб, машъала ёқишган, шарият ман қилса-да, дошқозонлар осилган, бирида эт, калла-поча биқиллар, иккинчисида лаҳмжизиллар, ҳаммаёқни тутун аралаш буғ ва таом хиди тутган, иккала тандирда кетма-кет нон ёпилар, одамлар тинмай чой ташир, дастурхон ёзар, патнис, кўрпача билан югуриб ўтишар, пешайвон салладор уламолар, погонли офицерлар, нуфузли амалдорлар билан тўлган, парда билан ажратилган ичкарида хотинларнинг увиллаб йиғлаши эшитилар эди.

Салоти жанозага Муродхўжа ака билан Масъуднинг ҳам номини қўшиб ўқилди, восикликка Ҳошимжон турди ва якка ўзи ҳасса тутиб тобут олдида «отам» деб қабристонга борди, биринчи бўлиб қайнотасининг гўрига тупроқ ташлади,

Куръон туширган домла-имомларга тугунча ва иона садақа қилди, маросим ахлига шойи белбоғ улашди, гўрковни четга имлаб, қулоғига нималардир деди, ноз-неъмат тугилган чорсини ўз қўли билан берди, бир даста пулни қўйнига тикиб қўйди.

Дафн тугагач, мазорбошига борганларнинг ҳаммаси азахонага қайтиб келди. Қироатхонлик бошланди. Бири тугатиши билан иккинчиси илиб кетар, «О-о-ми-ин!» «Раҳматга ё-ё-ёр!» хитоблари янграр, ҳаммаёқни мотамсаролик тутган эди.

Одамлар сийраклашгач, паранжига ўралиб Гулсум опа, Муқаддас ва яна бир нечта аёл гўристонга бориб, тиловат қилиб келишди. Кечга томон Ҳошимжон бир ўзи мазорбошига борди, тиловат қилмади, гўрковни чақирди, яна бир даста пул узатди.

— Ие, нима қиялпсиз? — деди гўрков пулни қайтариб. — Боя берганингиз етади.

— Олаверинг, гап бор, — деди Ҳошимжон вазминлик билан. Гўрков пулни олишга мажбур бўлди. — Айтган гапим эсингиздами?

— Ҳа, келаман, девдингиз, — деди гўрков итоаткорлик билан.

— Мархумнинг фарзанди ҳам ҳалок бўлди, бугун қорахат келди, биласизми? — деди Ҳошимжон гўрковга синовчан тикилиб.

— Биламан, дуога қўшиб ўқилди.

— Балли, — деди Ҳошимжон бошини қимирлатиб. — Онаси кўп озор чекапти.

— Албатта-да, фарзанди ўлади-ю, озор чекмайдими?

— Ирим-да, номига бўлса ҳам, бирон нарсасини отасининг ёнига қўйиб кўминглар, деган тилак билдирди. Мана, расмини олиб келдим, — деди Ҳошимжон ва кўкрак чўнтагидан Масъуднинг фронтдан юборган фоторасмини олиб кўрсатди.

— Майли, — деди гўрков расмга қараб олиб. — Алоҳида гўр қазийми ёки мархумнинг ёнига қўямизми?

— Мархумнинг ёнига қўйилгани маъқул, — деди Ҳошимжон.

— Бўпти, мен ҳозир шеригимни чақирай, биргалашиб очамиз, — дея гўрков жилган эди, уни Ҳошимжон тўхтатди.

— Ҳожати йўқ, — деди Ҳошимжон гўрковга. — Ўзингиз очинг. Мен қарашиб юбораман. Кетмон борми?

— Сиз нарироқда ўтира туринг, — деди гўрков. — Ўзим бирпасда очаман. Тупроқ-ку, қийин эмас.

— Ихтиёрингиз, — деди Ҳошимжон ва нарирокдаги йўлка четига қўйилган скамейкага бориб ўтирди.

Гўрков чаққон ҳаракатлар билан ишга тушиб кетди ва гўрни очиб бўлгунича шом қуюқлашди.

— Расмни опкелинг, — деган гўрковнинг овози эшитилди ниҳоят. Ҳошимжон дик этиб турди, пальтоси чўнтагига яшириб қўйган батареяли фонарь ва омбурни олиб, гўрковга узатди. Масъуднинг расмини ҳам берди, чоҳда турган гўрковга эгилиб, алланималар деди.

— Тиловат қилиб юборасизми расмига? — сўради гўрков.

— Боя ўқилди, ўша кифоя, — деди Ҳошимжон ва нарирок бориб турди, лаҳад ичида фонарь шуъласини кўрди.

Бир оз вақт ўтгач, чоҳда гўрков кўринди, Ҳошимжонга имо қилди.

— Чирокни ўчиринг, — деди Ҳошимжон ва гўрков қўлидан латтага ўроғлиқ нарсани олди. Бу Муродхўжа аканинг тилла тишлари бўлиб, латта қондан намэди. — Мен кетдим, ўзингиз тупроқ тортиб қўярсиз, — деди Ҳошимжон тишлар ўралган намлаттани чўнтагига солиб. — Келишдик-а, гўрков? Тагин оғзингиздан бировга гуллаб қўйманг.

— Хотиржамбўлаверинг, — деди гўрков қоронғидан овоз бериб ва япалоқ гувалаларни лаҳад оғзига тера бошлади.

Ҳошимжон сағаналар орасида туртина-туртина, ниҳоят кўчага чикди. Бугунги кун унинг тантана куни эди. Қайнотасининг вафотини тоқатсизлик билан кутган кун нафақат келди, унинг ички шодиёнасига Масъуднинг ўлими тож бўлиб қўшилди. У энди ягона меросхўр, ворис, ҳоким. Албатта Муродхўжа аканинг артеллари, цехлари, тегирмонлари омонат, уруш тўхтаса бунақанги хуфия даромад келтирадиган чала-расмий манбалар тугатилади, аммо унга ҳали анча вақт бор, унгача талай мулк орттириб олиш мумкин. Қолаверса, мана, институтга кириб олди, ҳаш-паш дегунча тугатиб олади — жаззаси пул-да. Диплом қўлига теккандан кейин, аспирантурага уриниб кўради, унинг ҳам бир йўриғи топилади. Насиб бўлса, кандидатлик ёқлайди, кейин доктор бўлади, тарихий китоблар ёздириб, эълон қилади. Ҳозир энг муҳими — партия сафига кириб олиши керак! Катта бир тармоқнинг раҳбари Ҳошимжонни қабул қилмай, қаёққа боришарди?..

Қаюмжоннинг колхозии режани бажара олмади. Октябрь ойининг ўрталарида сурункасига уч кун ёмғир ёғди. Кейин ҳаво юришиб кетди, аммо кўрак кўнгилдагидек очилмади. Шундоқ

бўлса-да, халқ ҳамон далага чиқар, чанокда бор пахталарни терар, кўсак тўлдирилган қанорлар уйма-уй тақсим қилиб берилар, одамлар тун бўйи кўрак чувиб чиқишар эди. Бирок у чоралар ҳамсамара бермади. Ноябрь ойининг бошларидаёқ қор ёвди, усиз ҳамқийин аҳволни баттар қилди.

Режаси бажарилган колхозларнинг ҳам омборлари ошиб-тошиб кетаётгани йўқ, инқиллаб-синқиллаб аранг кун ўтказишмоқда, режа тўлдирмаган колхознинг аҳволи вой. Қаюмжон ҳосил яхши бўлиши учун жонини аямади, бирок режаси чала қолди. Одамларни ишонтирди, умидвор қилди, кези келганда ёлворди, ўдағайлади, бирини ака, бирини ука деди, силласи қуриган одамлар эргашди, кун чиқишдан ботишгача эгатдан бери келишмади. Ҳатто Тўракул аканинг муридлари Қаюмжоннинг ташаббусини кўриб «пири»дан кўнгиллари совиди, Қаюмжоннинг тарафини оладиган бўлиб қолишди. Аммо еттинчи бригада тўплаган бир ғарам пахта ёмғирда қолиб, қизиш натижасида ёниб кетгандан кейин, Қаюмжонни бир-икки марта туман марказига чақиртиришди. Қаюмжон у ердан ҳар гал саросимада қайтди. Айниқса, пахта режаси тўлмагач, «мурид»лар яна «пир» пинжига киришди, яна керакли идораларга ёзишмалар юборила бошланди. Тўракул ака Қаюмжон устидан тузилган айбномани ўз кўли билан тегишли идораларга элтиб ташлади. Айбномада келтирилган далилларни уйдирма дейишга ҳеч ким ботина олмас, бундоқ олиб қараганда, ҳаммаси ҳақиқатдек эди: пахтанинг бошқа хўжаликларга нисбатан ўн беш кун терилиши натижасида об-ҳаво бузилишини атайлаб кутиши, еттинчи бригада пахтаси ёмғирда қолиб куйиб кетиши, режа бажарилмаганлиги — буларнинг ҳаммаси аксиллик эмасми? Унинг устига Қаюмжоннинг акаси минг тўққиз юз ўттиз еттинчи йилда Шўрога нисбатан шубҳали мулоҳазалари учун қамалиб кетиши, Катта Фарғона канали қурилишида отаси томонидан изҳор қилинган норозилиги, қолаверса, Ойниса Ёқубова исмли ҳибсга олинган халқ душмани қизига уйланиши унга бўлган хайрихоҳликнинг инкор қилиб бўлмайдиган ифодаси эмасми?

Андижонда мавсум якунига бағишланган мажлис бўлди. Тўртта колхоз раиси қаттиқ танқидга учради, буларнинг ичида Қаюмжон ҳам бор эди. Мажлис кеч тугади. Меҳмонхонага борганида, Қаюмжонни ГПУнинг иккита ходими кутиб турарди. Аллақаяёққа учраб келишни таклиф қилишди, қоронғи кўчалар бўйлаб, сиёсий бўлимнинг идорасига олиб боришди, камерага киритиб, кулфлаб қўйишди. Эртасига сўроққа чақирди. Тергов узоққа

бормади. Қаюмжоннинг холис далиллари инобатга олинмади, протокол тузилди, икки кун ўтгач, ўн дақиқа суд бўлди, қарорга қўл қўйилди, маҳбус Сибирга этап қилинди.

Ойниса эрини бир неча кун кутди, хавотирлана бошлади: на қишлоқ советидаги, на туман марказидаги масъул ходимлар тайин бир жавоб айтишмади. Ҳафта ўтар-ўтмас Тўракул ака колхозга янги раис қилиб тайинланди. Ойниса вазиятга тушунди, қорнида тўрт ойлик боласи билан Қаюмжоннинг шинелини, кирза этигини кийиб, Андижонга жўнади. Изгирин оқшоқдек майда қорни чирсиллатиб юзига урар, дамини қайтарар, ўралиб-буралиб нари кетар, яна ёпирилар, шинель этагини юлқиб жувонни ағдармоқчи бўларди.

1987—1988.

ИККИНЧИ ҚИСМ

1

Аввалги, конвой билан кўчаларда сарсон бўлганини, педагогика билим юртига кириш учун борганини айтмаса, Андижон Ойниса учун бегона шаҳар эди, шунинг учун у сўраб-истаб, НКВДнинг сиёсий бўлимини аранг топди, бироқ нега айнан бу идорага келди — ўзи ҳаманик билмас, тахмини эди. Қаюмжон йил якуни бўйича ўтказиладиган вилоят мажлисига кетгач, биродарлари билан учрашиб ҳордик чиқаришга чалғиган, деб фараз қилинса, ана боринг — икки кун гумдон бўлиши мумкин, аммо уч кун ўтгач, Ойниса хавотир бўла бошлади, яна икки кун ўтди, хавотир тахминга, тахмин гумонга айланди, Ойниса гулгуладан бўшамай қолди. Қолхоз режани бажармади, далада пахта ғарами ёниб кетди. Қаюмжонга фарозда юрган одамлар камэмас; айникса уларнинг бошлиғи Тўракул ака, ҳафта ўтар-ўтмас, раисликка тайин қилинганда, Ойнисанинг гумони аниқлашди — Қаюмжон ҳибсга олинган, турмада ётипти, акс ҳолда бирон-бир хабар етказган бўлар эди. Шунинг учун Ойниса қидиришни шу идорадан бошлашни маъқул кўрди.

Мўйловига оқ оралаган капитан шинелсиз бўлса-да, телпагини ечмай ўз жойига ўтирди ва Ойнисанинг уст-бошига разм солиб чиққач, стулга ишора қилди. Ойниса стулга ўтиргач, ҳадик билан капитанга тикилди. Капитан олдида ётган папкаларни четга суриб, иккала тирсагини столга қадади ва жувондан кўзини узмай, этик учи билан стол бурчига дўқ-дўқ ура бошлади. Унинг нигоҳи Ойнисага тасалли бермас, сўқир эди. Ойнисанинг тахминлари бежиз эмаслиги шундоқ сезилиб турар эди.

— Хизмат? — деди капитан, ўзини лоқайд кўрсатишга уриниб.

Ойниса аввалига бир оз тутилиб дардини айтди, хавотирланиб, капитандан садо чиқишини кутди.

Капитан овозини бузмай бир оз сукут қилгач, деди:

— Қолхозни кўтариш ўрнига эрингиз хўжаликни баттар чўқтирди. Пахта стратегик аҳамиятга эга тола. Ундан ҳарбий мақсадда фойдаланилади. Қўшинларимиз Германия чегарасига етган бир пайтда энг зарур бўлган хом ашё, яъни пахта режасини бажармаслик — бу хиёнат. Юртга, элга, Ватанга, жангчиларга хиёнат.

Мусибат нақадар оғир эканини Ойниса энди англай бошлади, англагач, бутун борлиғи аламга чўқди. Нега

Қаюмжон раисликка рози бўлди? Ахир сал тойса, сал чизикдан чиқса, давлат топшириғини бажара олмаса аҳволи вой бўлишини билмай иложи йўқ эди-ку. Замон қандай қалтис, пахта режаси бажарилмаслиги аввалдан аён эди, нега Қаюмжон бундай пуч тадбирга киришди? Нега чап бермади? Энди ким унга аскотади, ким пинжига киради? Ким ёнини олади? Ўзи-ку, Ойниса, чумчукдек нарса, ҳақсиз, кимларнингдир жосус ғаламисликлари учун саргардон бўлиб юрибди, қулидан нима ҳам келарди? Энди нима бўлади? Тошкентга бориб баланд идораларга арз қилса, қулок солишармикин?..

— Ҳаво паст келди, — деди жувон ожиз журъат билан.

— Ҳаво ҳамма учун паст келди, — деди ҳамон авзоини бузмай капитан.

— Режани бажармаган колхозлар ҳам бор-ку.

— Тўлдирганлар-чи? — деди капитан. — Уларнинг ҳам бошида шу осмон. Тўлдиришди-ку.

— Тажрибали бўлишлари керак, — деди Ойниса илинж ахтариб. — Эрим биринчи марта раисликка ўтувди. Тажрибасизлиги сабаб бўлгандир.

— Раис бўлишга ҳеч ким эрингизни мажбур қилмаган, — деди капитан бўш келмай. — У онгли равишда иш тугган!

— Қайси раис онгли равишда ўз ишига зарба беради?

— Шуниси гумон тугдиради-да, — дея гапни кесди капитан.

— Эримни кўрсам бўладими? — сўради Ойниса, рад жавоби бўлишини олдиндан билиб.

— Йўқ, бўлмайди, — қатъий деди капитан.

— Нега? У эрим.

— Маҳбус сургун қилинди Сибирга.

— Маҳбус?! Сибирь? — сўради Ойниса ханг-манг бўлиб.

— Худди шундай, — дея, капитан ён чўнтагидан қопқокли соат чиқариб, қараб қўйди — учрашув тугади, дегани эди.

— Ахир у ногирон-ку! — кўзлари жиққа ёшга тўлиб бақираёзди Ойниса. — Уруш ногирони! Оқсоқ!

— Суд қарори шу, — деди капитан қопқоклик соатини чўнтагига қайта солиб. — Ногирон бўлса, эрингиз битта эмас, унақалар кўп.

— Қари онаси, ўғилчаси бор, — деди Ойниса ёлвориб, — улар нима бўлади? Онаси кўрмайди, боласи ёш, етим қолган.

— Олдин ўйлаш керак эди, — деди капитан жувоннинг қатъийлигидан нохушланиб.

— Нимани «олдиндан ўйлаши керак эди?» Об-ҳаводан панд емаган хўжалик борми ўзи?

— Балки унсурлар таъсирига тушиб қолгандир...

— Унда бу хиёнат эмас, ўртоқ капитан! — деди Ойниса негадир жонланиб. — Бу — адашиш! Адашиш билан хиёнат ўртасида катта фарқ бор!

— Адашишига ҳам кимдир туртки бўлган-ку, ахир, — деди капитан, аввалги ҳолатини бузмай. — Йўлдан урган, айнитган, қайраган, дилида ёвуз ниятлар уйғотган.

— Ким?

Капитан авзойини бузмай, бир зум Ойнисага тикилиб тургач:

— Сиз, — деди.

— Мен? — ҳанг-манг бўлиб Ойниса сўради.

— Отангиз халқ душманиликда айбланиб, қатл қилинган экан, — деди капитан қатъий оҳангда, — бу нарса сизга ёқмаган, албатта. Устига-устак сизни ўз уйингиздан бадарға қилишган, дилингиз озор чеккан, кек сақлагансиз, ғараз ният билан яшай бошлагансиз, ўч олиш мақсадингизга айланган. Аста-секин эрингизни аврай бошлагансиз, у бечора тузоғингизга тушганини ўзи ҳам пайқамай қолган. Расмий жиҳатдан айбдор одам — эрингиз, лекин мантиқий йўл билан ўйлаб кўрилса, айб сизда, чорани сизга нисбатан қўллаш лозим эди.

— Бу тухмат! — деди бўшашиб кетаёзган Ойниса бор бардошини тўплаб. — Далилсиз айбнома! Оғзингизга қараб гапиринг, капитан! Сизни тийиб қўядиган идоралар бор!

— Пўписа қилманг, — деди капитан вазминлик билан. — Шунча чеккан азобларингиз аёл жонингизга етарли деб ўйловдик, барибир қора ниятларингиздан кечмапсиз, илож қанча — ўз оёғингиз билан келибсиз, чора кўришга мажбурмиз.

— Яна қанақа чора? — ўшқирди Ойниса ўзини тута олмай. — Шунча маломатлар каммиди? Мен ҳозир ҳам бадарғаман!

— Демак, бу чора етарли бўлмабди, чоғи, — деди капитан.

— Қизим бор.

— Болалар уйига юборамиз.

— Ҳомиладорман, — деди Ойниса баралла йиғлаб.

— Лагерда тугасиз.

Ойниса аввалига дағ-дағ титради, кейин ранги қув ўчиб, стулдан қулади... Хушига келганида бир зумқаерда ётганини англай олмай ётди. Сочлари тўзғиган, ўзи эса диванда ётар, хона нимқоронғи эди. Ойниса ўнгланиб ўтирди, атрофга аланглай бошлади: стол, стул, дераза ортида қор ёғар, хонада ўзидан бўлак ҳеч ким йўқ, ҳатто эшик қия очик, йўлакдан электр нури тушиб турар эди. Манзара аниқлашиб, жувоннинг ақлу хуши тиниқлаша бошлади. Столнинг нариги томонидаги стулда мўйловли капитан, бу томондаги стулда Ойнисанинг ўзи ўтиргани, капитан билан жанжаллашгани, ўзини тута олмай, йиғлаб юборгани, «сухбатнинг» бошқа тафсилотлари, айниқса капитаннинг пинагини бузмай, вазминлик билан аввал эрининг, кейин Ойнисанинг айбларини рўқач қилгани, ўзининг ночор — ҳимоясиз типирчиллагани эсига тушди, тушди-ю, бутун вужуди жунжикиб кетди, ялт этиб кўз ўнгига қизчаси Жамила, Алижон ва кўзи ожиз қайнонаси келди. Энди улар нима бўлади? Бир ҳафта ичида аввал дадаси, кейин онаси гумдон бўлса, улар қай аҳволга тушишади? Бировга чиқиш-суриштиришга уларнинг фаросати етмайди, албатта, ожиз кампирга ёпишишади, аммо кампир нима дея олади? У ҳамҳеч нарсани билмайди-ку. Юм-юмийиғлаб ўтираверишади, ҳатто ўчоққа ўтин қалаб, жаз-жуз қилишга ҳам уларда уқув йўқ. Бирон нарсага қўл ураман, деб йиқилиб тушса, тура олмайди нимжон кампир.

Қаюмжон эркак киши, тойса туради. Аммо оғироёк Ойниса додини кимга айтади? Қаерларга уни олиб бориб ташлашади? Қорнидаги ҳомила билан нимага қодир, қўлидан нима келарди? Наҳот шу аҳволни кўратуриб булар Ойнисани — ҳомиладор, эри сургун қилинган бир жувонни шундай уқубатларга ташлашса? Ахир булар ҳам одам, болачақаси, ота-онаси бор-ку! Мўйловли капитан балки пўписа қилгандир, балки иш бу даражага бормас. Ўдағайламади, урмади, ҳатто «сиз» деган тили «сан»га бормади. Нега ўзим жиззакилик қилдим? Ётиғи билан ялиниб, гапини қайтармай, «Акажон, айб биздан ўтибди, энди кўзимиз очилди, гуноҳимиздан ўтинг», дея ёлворсам, тўнини тесқари киймаган бўлармиди? Қош қўяман, деб кўз чиқариб қўйдим-ку, энди додим кимга етади? Ана, эшик очик, пойлоқчи ҳам йўқ. Капитан қайтиб кирса, оёғига йиқилайми, кечирим сўрайми? Тавба қилайми? Кўнгли юмшармикин? Бола-чақа, деб киши нималарни қилмайди, кези келганда тупроққа юмалайди, ўтинади. Ана, эшик очик қолдирилибди. Бу «кетавер, шунча исқанжага олдик, етар», деганимикин? Кошки шундай бўлса, қадамини ўпар эдим.

Ойниса тўзгиган сочларини рўмоли орасига тикиб, шинель тугмаларини қадади, оҳиста юриб бориб, йўлакка мўраллади — ҳеч ким йўк, фақат қўшни хоналардан гўнғир-гўнғир овозлар хира эшитилар эди. Жувон секин йўлакка чиқиб кетиш йўлини чамалай бошлади, ўзи келган изидан атрофга аланглаб шовқинсиз юра бошлади. «Стой!» деган овоз янгради ва йўлак муюлишидан шинель кийган милтиқли соқчи чиқди. Жувон чўчиб тушди.

— Назад!

Ойниса қаққайиб қолди ва яна қалтирай бошлади.

— Назад! — қайта буюрди соқчи.

Ойниса бир дам гангиб тургач, ортига тисарилиб, хонага кириб кетди. Йўк, ўйлади Ойниса кабинет ўртасида тўхтаб, тахминим хато чиқди. Демак, капитаннинг гаплари пўписа эмас, майин сўз билан жонингни суғуриб оладиган иблис экан.

Жувон ортида ҳамон қор бўралаётган деразага назар ташлади — деразага панжара ўрнатилган эди. Бу ердан омон чиқиб кетиш маҳол. Чиққанда ҳам нима қилар эди? Буларнинг қўли узун, ҳаммаёқда исковучлари бор, ҳар қанақа қавақдан топиб олишади. Ягона чора — зорланиш, ёлвориш, бу ҳам самара бермаса — тақдирга тан бериш, бошга тушганини бардош — матонат билан кечиш, ютиш, чидаш, ажалга чап бериш, касалга чалинмаслик керак. Касалга чалинмаслик — жуда қийин, касал бўлдинг — ўлдинг. Бу шароитда ҳеч ким илиқ сув бермайди, қақшаб кавариб ўлиб кетаверасан, танангни бирон чуқурга ташлаб, тупроқ тортиб юборишади, ному нишонинг қолмайди. Болаларни ўйлаш керак, лоақал улар омон бўлишсин, бало етмасин. Уларнинг ҳам қисмати енгил кечмайди — ота-онасининг мудҳиш тамғаси уларнинг ҳам этагидан тортади, кўланка нари кетмайди, бир умр — агар соғ қолишса — раҳна солиб ўтади. Соғ қолишармикин? Кампир омонат нарса, неча кунлик умри бор, тахмин қилиш қийин эмас. Гўдакларнинг тақдири нима кечади? Ойнисанинг ўзи болалар уйида ишлаб кўрди, ҳафта ўтмай бир бола нобуд бўлади, Жамилани ҳам, Алижонни ҳам ўша ёққа тикишади-да. У ёғи нима бўлиши аён. Омон қолишса бас, Қаюмжон ҳам, Ойниса ҳам, агар ўлиб кетишмаса, ахир бир кунмас бир кун қайтиб келишар, буларнинг ҳам кўксига офтоб тегар. Қайтиб кела олишармикин? Ёки ўликлари ўша ёқларда қолиб кетармикин? Бу томони тайинроқ, чунки у дўзахдан тирик чиқиш янги туғилиш билан тенг. Қорнида бино бўлган жон ҳойнаҳой нобуд бўлади, чунки сургун

шароитида ҳомилани сақлаб қолиш — пуч хаёл. Майли. Бу ҳам кўргилик. Буни ҳам кечиб ўтиши керак. Ойниса дилига келган шум хаёллардан ўзи кўркиб кетди, ҳали туғилмаган мурғак олдида ўзини хиёнаткор сезди, мулзам бўлди. Ахир у ёкдагилар ҳам одам-ку, ҳомиладор жувонга, оз бўлса-да мурувват қилишар, бўғоз итни ҳам аяшади-ку. Фақат ўлмаслик, қандай укубатлар ёғмасин, ҳаётга тирмашиш, бўшашмаслик, ялиниш зарур бўлса ялиниш, кўнглини овлаш, мақомига йўрғалаш, қабихлик фойда берса қабихлик, ғурурни поймол қилиб бўлса-да, офатни йўлатмаслик керак. Ўлим бўлмаса бас, ҳаёт ипини кўлдан чиқармаслик, жон-жаҳди билан ёпишиши шарт, акс ҳолда яшашнинг маъноси қолмайди?..

Йўлакда полга урилган дақ-дук этик товуши эшитилиб, Ойниса турган кабинет эшиги олдида тўхтади. Ўгирилиб қарашга жувоннинг юраги дов бермади, у энди нима бўлар экан, деган ҳадик билан кутди. Ойнисанинг аъзои бадани тўқмоқ ургандек ларзаланар, кўкси ёрилгудек бўлар, қўлоёғи зил, қимирлатиб бўлмас, этиги полга михлангандек туюларди.

Капитан қаққайиб турган Ойниса ёнидан ўтиб, столга қороз папка ташлади, стулга ўтириб, иккала кафтини қўлтиғига сукди.

Яна қандай гап кўтариб келди бу, ташвиш билан фараз қилди Ойниса, папкада нима? Айбномами?

Капитан ҳамон чурқ этмай ҳўмрайиб ўтирар, жувоннинг назарида гапни нимадан бошлашни ўйлар, аммо ётиғи билан сўйламоқчимиз ёки оддий гумонларини тасдиқлаш учун кескин иборалар ахтаряптими — буни англаш қийин эди.

— Ҳомиладорман деганимга ишонмадингиз, а? — ўсмоқчилаб сўради жувон, далил кўрсатишга тайёр эканини намоиш қилишга иккиланмагандек.

— Нега энди? — дея ниҳоят садо чиқарди капитан. — Ишондим. Эрингиз бўлганидан кейин, бу — табиий нарса.

— Ҳомиладор аёл қонун бўйича биронта химояга эгамасми? — деди Ойниса, аммо айтганига ўзи пушаймон бўлди, чунки «закон сўқиш»ни эслатадиган лўқмаси эътирозга ўхшаб, бу нарса капитанга ёқмаслиги мумкин эди, агар ёқмаса, капитан — расмий орган одами, ишни истаган томонига буриши ҳеч гап эмас. Ҳозир олишиш билан, капитаннинг жиғига тегиш билан уни инсоф томонга эгиб бўлмайди, қайтага ўчакишади.

Капитан авзоини бузмаган ҳолда бир муддат Ойнисадан назарини олмай турди.

— Қонунни биладиганга ўхшайсиз, Ёқубова, — деди капитан ниҳоят тилга кириб, — эллик саккизинчи модданинг ўнинчи бандини ҳам биларсиз?

Бу совет тузумига қарши ташвиқот олиб борадиган шахсларга нисбатан қўлланадиган модда бўлиб, Ойниса бундан хабардор эди — дадасини айблаш муносабати билан бир неча марта судраш чоғида онаси ҳам, ўзи ҳам огоҳлантирилган. Бу моддага илинган бирон кимса жазога чап бера олмаган, шафқатсиз модда эди. Шафқатсизлиги шунда эдики, барча айблар, тахмин, гумон, кимларнингдир чақиши, бўхтони асосида амалга оширилар, ҳеч қандай эътироз, инкор ҳисобга олинмас эди.

— Биламан, — деди Ойниса, чунки яширишнинг ҳожати йўқ, оталари жосусликда айбланиб ҳибсга олинганларнинг барча фарзандлари бу айбнома нима эканини яхши билишар эди. — Нима деб ташвиқот қилибман? Қанақа усул билан эримни йўлдан оздирибман? Биронта далил борми? Кимдир балки тўхмат қилгандир?

— Ёзма равишда кўрсатма берганлар, — дея капитан бармоғи билан папкани нўқиди, — сизнинг раёингизда тўхматчидир, аммо уларнинг келтирган далилларини биз назардан четдан қолдира олмаймиз. Ишимиз шунақа.

«Ишимиз шунақа» иборасини Ойниса ичида қайтарди, капитан кўзига айна бир пайтда бало бўлиб кўринди, аммо жувоннинг иложи қанча, нафрати қайноб тошганда ҳам муте бўлишга мажбур. Бошқа шароитда бўлганида Ойниса иккиланмай қўлига тушган кетмонми, болтами — нима бўлмасин капитанга ташланган бўлар эди. Ундан кейин нима қилишса қилишаверсин — отишадими, сургун қилишадими — Ойниса рози. Бироқ ҳозирги вазиятда чора капитаннинг қўлида, у нима деса, шу бўлади.

— Кимлар кўрсатма берди, ўртоқ капитан? — зорланиб деди Ойниса, кўзлари ёшланиб. — Билсам бўладими?

— Эртага суд бўлади, — деди капитан майин товушда, — ўшанда биласиз. Мен фақат терговчиман...

— Терговчи бўлсангиз, биласиз-ку, ўртоқ капитан, ўтинаман, — деди Ойниса ёлвориб, чунки тўхматчилар ким эканликларини у тахминан билар, ўз тахмини тўғрилигини капитаннинг хабари билан тасдиқлашни истар эди. Агар тўхматчилар Ойниса ўйлаган шахслар бўлиб чиқса — табиий ҳол, ёмон ёмонлигидан қайтмайди, бу уларнинг ягона қуроли, чақиш, игна санчиш, заҳарлаш — «ишимиз шунақа», бурчи. Улардан бошқача амал кутишнинг ўзи бетамизлик. — Охири нима бўлишидан қатъи назар, мен

ҳар қанақа офат бўлишига тайёрман, фақат айтинг — уларга бўлган нафратим, ғазабим, балки чидашга, бардош беришга ёрдам берар. Айтинг!

— Айтайми? — деди капитан жувонга синовчан тикилиб.

— Айтинг! Илтимос! — ёлворди Ойниса.

Капитан ўйга ботди.

— Мен сизни аёвдим, — деди у аранг, — ўзингиз кистадингиз, майли, айтаман, аммо эшитган нарсаларингизни кўтара олмайсиз.

— Барибир қазо битта, — деди Ойниса алланечук қатъият билан. — Айтинг!

— Эрингиз, — деди капитан, сўзга урғу бергиси келмай.

— Эрим?! — ҳанг-манг бўлиб деди Ойниса. — Қаюмжон?!

Капитан боши билан тасдиқлади.

— Яна битта қадрдонингиз ҳам бор. Сирдошингиз.

— Сирдошим?

— Мансур ака, — деди капитан парвосиз бўлишга уриниб, — мактаб директори.

Ойниса аввалига қарахт бўлиб қолди, кейин ҳушига қайтиб, нима бўлганини англай бошлади.

«Йўқ, уларни кўрқитишган, пўписа қилишган, қамаймиз, сургунда чиритиб юборамиз, ўша ёқларда ўлигинг қолиб кетади, — ўйлади Ойниса, — оила аъзоларингни тумтарақай қилиб юборамиз дейишган исқанжага олишган, азоб беришган. Бунақа зулмга ким чидайди? Қаюмжон-ку айбни тан олмаган, албатта, тан олиш ўзини ҳам, оиласини ҳам хавф остига қўйиш, деган гап, аммо Мансур ака... у бечорада нима айб? Нега бировнинг бошига тушган маломат деб ўзи азият чекиши, оиласидан маҳрум бўлиши керак? Ахир буларнинг хусумати қуруқ гап эмас, кимгадир кўз тикишса — вассалом, ҳаётдан видолашавер, омадинг бўлса сургун қилинасан, шунгаям шукр, дейсан. Бугун айбнома қўйиб, эртага отиб ташлашса, қўлингдан нима келади? Бунақалар қанча?

— Мана, ишонмасангиз, кўринг ўз кўзингиз билан, — дея капитан папка ичидаги қоғозларни стол четига сурди.

Сўроқ тафсилотини кўриш Ойниса учун қизиқ эди, аммо ўз кўзи билан чекилган имзолар борлигига, айниқса, Қаюмжоннинг имзоси... наҳот бўлса?.. Иқролланиш... Йўқ, Ойниса бунга чидай олмайди, бардоши етмайди. У ерда Қаюмжоннинг имзоси йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, акс ҳолда... бунини ифодалашга сўз йўқ. «Қаюмжон сотқин эмас,

у албатта қўл қўймаган, қатъий ўйлади Ойниса, мен шу қарорда қоламан, қоғозларга қарамайман...» Ойниса шундай хулосага келди, бироқ юрагининг қайси бир бурчида андак чигал қолгандек бўлди. Қоғозларга қараса, ўз кўзи билан Қаюмжоннинг имзоси йўқлигига амин бўлса, бу, балки, эрига нисбатан пайдо бўлган гумонни ўчириб, Қаюмжонни поқлар, Ойниса назарида янада юксалтирармиди?

Ойниса зил оёқларини аранг судраб, стол томон яқинлашди. Капитан сиёҳ билан алланималар ёзилган варақларни бирин-кетин икки бармоғи билан оча бошлади.

— Ҳаммасини очаверайми? — дея капитан синовчан Ойнисанинг кўзларига тикилди.

Ойнисага бари бир ёзувлар кўринмас, сатрлар чайқалар, сўзлар апил-тапил ёзилгандек эди, ҳатто Мансур аканинг ҳам имзоси у ёқда турсин — фамилиясини ҳам ажрата олмади.

— Йўқ, деди Ойниса, — фақат эримнинг имзосини кўрай.

Капитаннинг қўли тўхтаб қолди.

— Эрингиз оғзаки баёнот берган, — деди ниҳоят капитан бир оз тутилиб.

Ойнисанинг бутун авзоига қон югуриб, кўзлари чакнай кетди. У ҳозир капитанни кучоқлаб ўпишга тайёр эди. Демак, Қаюмжон хотинига нисбатан хиёнат қилмабди, қўйилган айбларни тасдиқламабди, имзо чекмабди.

— Раҳмат, — деди Ойниса энтикиб. Унинг кўзлари жикқа ёшга тўла эди. У ҳозир ўзини бахтли сизди. Сизди-ю, бу жўшқин ҳиссиётга берилмади, уни ўзига ёпиштирамасликка, нари ҳайдашга, хушёр бўлишга уринди. Бу нарса Ойниса учун одатга айланган, бирон-бир омад, осудалик, бахт онлари йилт этиши биланоқ, кетидан мусибат ёпирилади, бу мусибат шунақаки, бир дақиқали рўшнолик эвазига юз кунлик алам билан жавоб беришга тўғри келади. Шунинг учун бахт юлдузининг ёлқинига унча парво ҳам қилиш керак эмас, тасодиф деб қараш, бунинг ортидан келадиган мудҳиш, шум ҳодисаларга тайёр туриш, одам ўзини чалғитмаслиги, ёвузлик рўй берганида, ўзини йўқотиб қўймаслиги шарт. Бахт қанақа тотли бўлмасин, Ойниса уни, албатта, ёмон кўрмайди, бироқ ҳадиксираб, чўчиб, совуққонлик билан ўзини тийиб, тузоғи борлигини унутмасдан қарши олади, тийганишдан қўрқади, тийганса, майиб бўлади, тик туриб олиши қийинлашади. Ҳар бир бахтнинг — у қанақа порламасин — чегараси бор, фақат мусибатнинг, нафратнинг, ёвузликнинг, хиё-

нат ва адоватнинг чегараси йўқ. Бахт омонат нарса, вақтинчалик, ожиз, беқарор, унинг кўйига кириш хавfli: тузоққа тушмаслик, алданмаслик учун сергак бўлиш лозим. Қаюмжон бўхтон ҳужжатга қўл қўймабди, хўш, нима бўлибди? Бунда қанақа жасорат бор? Адолатсиз, ёвуз, тухматли қоғозга қўл қўймаслик — табиий ҳаракат-ку. Нима, тухматни тасдиқлаб, қоғозга қўл қўйса — унда қанақа одам бўлди? Хиёнат қилиш — бир дақиқали нарса, аммо кейин қандай яшайди, сотқинлик юки билан бир умр яшаш азоб-ку... Ойниса чуқур хўрсинди, хаёл қурмағур қаёқларга чалғитиб кетмайди. Ана, капитан ҳужжатларни — Қаюмжон ва Ойниса устидан ёзилган тухматларни йиғиштириб, папкага солмоқда. Бечора капитан. Кўринишдан у ҳам саросимада. Нима қилсин шўрлик? Хиёнатми, хиёнат эмасми, расмий тарзда хат тушгач, муносабат билдириш керак-ку. Унинг ҳам бошида буюрувчилари бор, топшириқларини бажармай кўрсин, бир кунда тақдири ҳал бўлади, махбуслар орасига тушиб қолганини ўзи билмай қолади. Ҳамма гап топшириқларни нақадар тез, иккиланмай бажаришида, шунга қараб унвон, амал, имтиёз олади. Замон, қоида, тузум шу каби ташаббусни рағбатлантирар экан, нега бажармаслиги, судралиши, четда қолиши керак? Аравасига тушганингдан кейин, ашуласини ҳам айтгин-да. Айтгиси келмаганлар, хиргойи қилишади, товушини чиқармай, лаб қимирлатишади, овози эшитилмайди. Баралла айтганларни дарров пайқашади. Қанча зўр бақирсанг, шунча кўздасан, овозинг қанча баланд бўлса, мартабанг ҳам, даромадинг ҳам шунча. Буларнинг ичида хиргойичилар, лабини қимирлатувчилар бор, албатта, унақангилар одатда пастки поғоналарда ивирсиб юришади, чунки уларнинг овозида куч йўқ, баланд эмас, шунинг учун «судралувчилар», дейишади уларни. Қизик, буларнинг орасида аравадан сакраб, тўдадан қочувчилари бормикин? Лоақал лабини қимирлатишни истамайдиганлари топилармикин? Бечора Мансур ака... покиза, камсуқумодам, имзо чеккан бўлса, ҳоли нима кечди экан. Егани ҳалқумига кўндаланг тушаётгандир... уйқулари ҳаром бўлаётгандир. Қандай яшайди энди у, мусичадек беозор нарса? Азобдан тўлғанаётган бўлса, ажабмас. Майли, қийналсин. Азоб чексин. Покланади. Балки ажал истаётгандир. Майли, истасин, ахир нимадир қилиб, имзосини ўчириши керак-ку, акс ҳолда одам яшай олмайди. Яшай олиши керак эмас. У ҳаёт — нотўғри ҳаёт бўлади, ҳаёт ҳам деб бўлмайди. Шунчаки — хиргойи. Наъра ҳам эмас, аравадан сакраш ҳам эмас.

Нимаики рўй бермасин, ҳаммаси Ҳошимжоннинг фойдасига ҳал бўлиб келяпти. Омад бўлса шунчали бўлади: меросхўр Масъудни алдаб-сулдаб, фронтга жўнаттирди — отаси ўлган куни ўгли ҳақида ҳам қорахат келди, аза устига аза бўлди. Ҳошимжон рўйхатдан уни ҳам ўчириб ташлади; Муродхўжа ака жиловни Ҳошимжонга топшириб, ўзи ўлиб кетди, энди Ҳошимжон ягона ҳукмдор. Қайнанаси ҳам, хотини ҳам, артеллар, тегирмону расталар ўз кўлида, ҳеч ким измидан чиқа олмайди. Ким миқ этса, ичакни сиқади, жилдираб турган ризқ тинади, типирчилаб қолишади. Оқтепа мавзеининг этагида бўрдоқига боқиладиган ферма бормиш, шуни ҳам қўлга киритиб олса, тузук бўлар эди. Уруш тугашига ҳам санокли ойлар қолди, кейин тартиб ўрнатила бошлайди, тасодифданми, таниш-билиш йўли биланми «илиқ», «ёғли» жойларга кириб олганларни ҳайдашади, балки жавобгарликка тортишади. Мана ярим йилдан ошди, сиртқи бўлса ҳам тарих бўлимига кириб олгани чатоққа ўхшаяпти — унинг дастури бўйича тайёрланишга Ҳошимжоннинг на уқуви, на билими етади, самараси ҳам пучроқ. Ундан кўра, имконияти борида, бирон савдо билим юртигами, институтгами кириб олгани маъқул эмасми? Савдо-сотик нималигини унча-мунча билиб олди, дипломли бўлса, ҳеч ким Ҳошимжонга даъво қила олмайди, фақат гариллаш керак эмас, ҳамма нарсани ими-жимиди олиб борса, бўлгани. Худога шукр, бисоти бисёр, қайнотаси орттирган таниш-билишлари кўп, ҳаммалари Ҳошимжоннинг кароматларини аъло даражада кўришган, бирон машаққат туғилса, юз ўгириша олмайди, сири очилиб қолишидан ҳайиқишади. Ҳошим армиядан бўшашга бўшади-ку, бир оз афсуслана бошлади. Аслида урушга кетмаслик важи билан интендант хизматига кирувди, қайнотасининг режаси нишонга урди — Ҳошимжон нафақат урушга, ҳатто моддий жиҳатдан жуда ҳам даромадли гўшага қимтиниб кириб олди. Битта омборнинг ўзи қанақа! Ўнта вагон сиғади! Ичига жойлашган нарсалар — тумонат. Яна қанақа нарсалар! Турларидан оғиз очилади. Михдан тортиб қандилларгача, ипакдан тортиб патифону машиналаргача бор. Ҳаммаси ўлжа, трофея моллари, бу нарсалар шу қадар маҳорат билан ясалганки, уларни ишлатиш эмас, қўл теккизишга қўрқасан киши. Ҳаммаси немисники. Маде ин Германия! Бунақа антиқа нарсаларни ясаган халқнинг ҳаёт-турмуши ҳам бошқача бўлгандир, ахир. Маузерини ушласанг, қўлинг яйрайди. Соатлари-чи? Аккардеону момик адеъллари-чи?! Аёл пайпоқлари, ликопу лаганлари, кофе сервизию шойи-бахмал

чойшаблари-чи? Ўх-хў!.. Ҳамма нарсаларнинг рўйхати бор, қўмондон муовинининг қўлида, ўшанинг имзоси билан тақсимланади, ҳар куни ўнлаб, йигирмалаб юк машиналари қатнайди — Кушкага, Термизга, хуллас, каерда ҳарбий қисмлар жойлашган бўлса, ҳаммасига жўнатилади: ёстиғу гиламдан тортиб радиологача. Ҳошимжон ўзи ишлаган пайтда битта радиони омборида ишлатиб қўйган эди, эрталабдан кечгача овози тинмас эди — ахборот, концерт. Тугмасини бурасанг, чет эллардан ҳамма овозлар, мусиқа эшитилади. Тилини тушуниш қийин, аммо мусиқасини эшитса бўлади. Мақом эмас, албатта, аммо ҳамманинг ўз мусиқаси бор-да. Тепасида қопқоғи ҳам бор, очиб пластинка қўйсанг, мақомни ҳам, «Чўли ироқ»ни ҳам, «Бог аро»ни ҳам эшитса бўлаверади. У пайтлар Муродхўжа аканикига электр қуввати олиб борилмаган эди, аммо бари бир чиройли бўлсин, деб Ҳошимжон битта радиолани уйига олиб бориб қўйган, қайнотаси даврида етгита устун ўрнатиб, сим торттирилган, касали билан овора бўлиб, иш чала қолган, арзимаган уннаш билан битади, уланса — ҳаммаёқ чароғон, радио овози гумбурлагани гумбурлаган!.. Қўмондон муовини Ҳошимжон бўшаётган пайтда, «Яна қайтишни хоҳласанг, марҳамат, мол кўп келяпти, яна омбор қуряпмиз, тажрибали одамлар керак, ўз жойингга келаверасан», деган. Уруш охирига қолди, у ёққа жўнаш хавфи йўқ, ўз ишига қайтиб борса, чакки бўлмайди. Ахир номи ҳарбий хизмат-ку! Бундан тинч жой бўлиши мумкинми? Уй-жойинг шу ерда, оиланг бекаму кўст, ҳарбийдан бўшашнинг ўзи бетамизлик-ку, нега бу хато йўлга кирди? Ким раҳмат дейди? Буйруқ беришса бераверишсин, кечалари мол қабул қилиш учун ширин уйқудан уйғониб машинада олиб кетишса — олиб кетишаверсин. Жон устига!.. Ҳали ҳам кеч эмас, қайтиш керак, ишқилиб муовин ўз жойида ўлтирган бўлсин. Муовин, омборларни молига қараб ажратамиз, яъни озуқа маҳсулотлари алоҳида омборда, текстиль — мануфактура бошқа омборда, қурилиш моллари ва жиҳозлар яна бир омборда сақланади девди, ҳақиқатан катта бўлишига қарамасдан аввалги омбор аллақачон торлик қилиб, анча-мунча буюм-жиҳозлар брезент остида ётар, бирон нарса керак бўлса, оғир, нам, қор босган брезентни судраб очишга тўғри келар эди, албатта бу юмушларни гарнизон аскарлари бажарсалар-да, керакли юкни ажратиб олиш анча вақтни талаб қилар, кечиккани учун қўмондон дашном берар эди. Майли, алоҳида бўлсин, биронтасига Ҳошимжонни тиркашар, бари бир хўжалик ишлари бўйича бошлиқлар ўзаро келишиб, мол айирбошлашади — қурилиш

омборидаги одам тунука ёки бўёқ — алиф берса, озуқа омборидагиси қоплаб ун, шакар, гуруч ва ҳоказо, балиқ икрасидан тортиб сариеғгача бўлган маҳсулотлар билан таъминлайди. Кийим-кечагу ўрам-ўрам матолар, антиқа атирупалар ҳам шу йўсин билан келади. Бу, албатта, яхши, бироқ текшир-текшир бошланса, қайнотам орттирган нарсалар, дея олмайди Ҳошимжон, чунки ҳарбий омборда Муродхўжа ака эмас, Ҳошимжон ишлаган, жавобгарлиги ҳам бунга тушади, нима деб важ келтиради? Бунақанги нарсалар магазинларда сотилмаса. Бозорларда учраб туради, чунки фронтдагилардан келган нарсаларни мухтож оилалар — тилла соату марварид шодаларини, яна минг хил ҳеч ким тушида ҳам кўрмаган безакларни бозорга чиқариб кун кўришади. Бунақа нарсалар Ҳошимжоннинг хонадонида қалашиб ётибди, бир кунимизга ярар, асқотар деб, ташлаб қўйишган. Муродхўжа аканинг озидаги тилла тишларга Ҳошимжон зор эмас, шунчаки куёвини бир пайтлар кучук ўрнида кўргани, камситгани учун ўч олиши керак эди, Ҳошимжон тап тортмай, ҳатто қасдли завқ билан ниятини бажарди. Муродхўжа ака-ку майли, зуғуми амалига яраша, аммо қайнонаси нега мунча таманно, танноз? Эри ўлиб кетган бўлса ҳам эгардан тушмайди: бир дастурхондан таом емайди, меҳмон айтса — сўрамайди, Маматни югуртиргани-югуртирган, Ҳошимжон баъзан ишига ҳам фойтунда бора олмайди, пиёда жунашга мажбур бўлади. Ахир қайнотаси ҳамма ихтиёрни Ҳошимжонга топшириб кетди-ку, нега энди қайнонасининг қош-қовоғига қараши керак? Қачонгача қимтиниб, ўзини қарамдек сезиб юриши керак? Муқаддас ўз хотини бўла туриб, у ҳам нозу фироқдан бўшамайди, гўё уни отдан тушириб эшакка миндириб қўйишгандек. Тишининг оқини кўрсатмайди, хўмрайгани-хўмрайган. Ахир Ҳошимжон уни атласу бахмалга кўмиб ташлади, тилла-гавҳарсиз бармоғи йўқ, бўйнидаги шодасини тарози палласига солса виштдек оғир, ҳеч ким ухлаб тушида кўрмаган либослар устида, яна нима керак? Ҳошимжон уни уриш у ёқда турсин, ҳатто койимайди, ҳеч нарсани рўкач қилмайди; кечалари қўли қўлига тегса, хотини тортиб олади, тобим йўқ, чарчаганман, уйқумни бузманг, деб карашма қилади, ўрнидан туриб кетади, Ҳошимжон баъзан ҳафталаб-ойлаб ўз хотинига яқинлаша олмайди. Муқаддас бошида қанақа бўлса, шу кунгача шунақа. Йигит шўрликнинг ўз измини талаб қилишга, ранжишга юз фоиз ҳаққи бор. Писанда қилиш учун сабаб ҳам, далил ҳам топилади, фақат жанжал чиқмасин, орага совуқлик тушмасин дейди, масала

жанжалга борса, кўп нарсалар очилиб кетиши, оиласи бузилиши мумкин. Чидаши керак, қайнонасининг жигари касал экан, ўқтин-ўқтин тутиб қолади, Мамат докторга югуради, дори-дармон, укол, пархез, бунақада аёл қанчага бораркин, худо билади. Устига-устак ўғлидан қоракхат келиб, онани букчайтириб қўйди. У ҳам бандаликни бажо келтирса, майдонда хотинининг бир ўзи қолади. Унда Ҳошимжон қараб ўтирмайди, шохмўғизини қайириб, тумшугини ерга ишқайди, гах деса қўлига кўнадиган, мулойим супурги бўлади-қолади. Кимга ҳам орқа қиларди, химоячилари қаро ерда ётган бўлса. Бирдан-бир таянчи Ҳошимжон бўлиб қолади, ҳозирча дипломнинг пайида бўлиши керак. Ҳарбий курслар ҳам бор, бошлиғини Ҳошимжон яхши танийди, таъминот важи билан иши тушиб туради, курсни тугатса, лейтенант унвонини беришармиш, аммо у ерда сиртдан ўқиб бўлмас экан, шуниси чатоқ. Агар бир амаллаб курсни битириб олса, ҳарбийдаги мавқеи ҳам мустаҳкамланар, мартабаси ошармиди...

Муовин билан маслаҳатлашиб кўриш керак, бирон маслаҳат чиқиб қолса ажабмас. Икки йил умри, меҳнати ҳарбий юмушга кетди, шу пайт ичида Ҳошимжон барча икир-чикирларни ўрганиб олди, бирон нарса сўрашса, жавоб топишга ақли етади, фақат гувоҳномаси йўқ, холос. Шу ҳам ҳисобга кириши мумкиндир-ку. Муовиннинг этагидан ушлаш керак. Ёрдамини аямас. Ахир ҳафтасига икки-уч марталаб Ҳошимжон унинг хонадонига қоп-қоп, қути-қути нарсаларни ўз қўли билан ташийди. Муовин бу ишга бошқаларни йўлатмайди, тили қисик жойи бор, номига бўлса ҳам курсга жойлаб қўйиш, ҳатто гувоҳнома тўлдириб бериш унга чикора. Курснинг бошлиғи ҳам шу ердан чим еб туради. Муовин имо қилса, курс бошлиғи ўша замон бажаради, ундан нима кетди? Қайтага хурсанд, қарзидан қутулгандек бўлади, келгуси оладиган нарсалари учун йўл очилади... Шунинг пайида бўлиш керак, аввал ўз жойига кириб олиши керак.

* * *

Жазирама ёз тугаб, куз кирганига қарамай, кундузлари ҳамон иссиқ, кечга томон салқин тушар, ҳатто илиқ кийинишга тўғри келар, аммо бу ҳам Гулсум опага ҳаловат бермагандек бўлар эди. Шишган жигари оғриқ берар, кўз очирмас, ранги заъфарон, дилига ҳеч нарса сиғмас, икки марта касалхонада ётиб чиққан бўлса-да, дард чекинмас, она бечора ажалга рози эди. Рўзғори тўқис, аммо Гулсум опага

бундан не наф, ёғлик, қовурилган таомея олмаса, нуқул чап биқинида ётишга мажбур бўлса, азоб тинмаса. Докторлар берган дорилар, уколлар, табиблару отинлар, фолбинлар амаллари, кинналар, ўқитишлар, чиллаёсинлар кошки заррача дардни енгиллатса. Ичига чироқ ёқса ёришмайди, кўз олди қоронғи, дили ҳеч нарсани кўтармайди, хатто куёви ўрнатган радио ҳам — мақом ашулаларини жонидан яхши кўрсанда — таскин бермайди. Эри шўрлик ўлди-кетди, азобдан қутулди, бандаликни бажо келтирди. Эри-ку унча-мунча кўрди, орзу-ҳаваси рўёбга чикди, кўнгли тилаганини еди, ичди, кийди, садақа қилди, молу дунё қолдирди, тақдирдан ёзғирмаса ҳам бўлади; аммо Масъуджон-чи? Ўн гулидан бир гули очилмаган, фариштадек бегуноҳ бола. Нега умри шунчалик қисқа экан? Нима гуноҳи бор? Урушга бораман, жангга кираман деса, дадаси лаққа тушиб ўтирибди-я! Ўтир мундоқ, демайдими ўшқириб, жилпанглагани қаерга борар эди. Олиб қолиш қўлидан келмаса, майли, тақдирга тан берар эдик, ҳамма начальниклари билан ошна, маишат қилишар эди, нега ўшалар тўхтатишмади? Қанақа шайтон йўлдан оздирди, нега гапига кирдик? Ўз қўлимиз билан чиқариб бердик? Худованди каримга қурбон керак экан, мана мени олсин эди! Охир-оқибат нима бўлди? Отасининг азасига боласиники қўшилди, қўш аза бўлди. Одам шунақаям пандавақи бўладими, ахир? Кўплар қочиб юрган пайтда, отаси ўз боласини тутиб берди-я! Ўжарлигини босса отаси юрарди ҳозир соппа-соғ. Уйлантирар эдик, фарзанд кўрган бўларди. Ҳа, шумтакалар! Ажал чақирса, шунақа — бандаси сабаб. Ажаб бўпти, дер ичида Гулсум опа аламига чидай олмай, қилмиш қидирмиш! Гулдан сесканган одам тезак ҳидлайди. Азрўйи азал рўшнолик пешонасига ёзилмаган экан, шум қисматни ўзи истади. Ҳамма нарса барбод бўлди. Бизга ҳавас билан эмас, ўкинч билан қараш керак. Бойлиги қуриб кетсин! Бир бурда ризқ билан тану жонинг саломат бўлиши — қандай бахт. Тўқлик-шўхлик. Қизи-чи, қизи? Шунақаям ориятсиз, беҳаё бўладими одам? Анову гўрсўхта билан дон олишди-ю, йўлдан озди, этагимизни аранг ёпиб улгурдик. Муҳаббатмиш, яхши кўришармиш бир-бирини. Муҳаббат шунақа беандиша бўлса, ордона қолсин. Урушдан қайтиб ҳам тийилмади, гўрсўхта. Муқаддас-ку қиз нарса, иродаси бўш, кўнглини топсанг, ҳар мақомга кириб кетаверади. Лекин гўрсўхтанинг онаси қанақа она? Ўғли бировнинг фарзандига эгри қараса, шарманда қилса, қараб тураверадими? Худодан қўркмайдими? Ахир ўзлари ҳам изза бўлишса, ким бу хонадонга қизини беради? Ҳамма

иллат онасида, бозор одами-да, шаллақи, адий-бадий бўлса бас, диёнат, инсоф деган нарсалар тушигаям кирмаган, бир қозон бўтқа қайнотиб, қоринларини қаппайтирсалар — олам гулистон. Молнинг ўзи. Ахир ўғлидан бўлак яна иккита қизи бор экан, етилиб қолишган эмиш, ўшаларнинг тақдирини ўйласа ўладими? Уйдаги машмашаларни биров эшитгудек бўлса, эшиги туриб, кўчасигаям кирмайди... Баттар бўлсин, Гулсум опанинг нима иши бор, ҳар бир одам қилмишига яраша яшайди. Гулсум опанинг ташвиши ғами устига чипқон бўлиб келаётган нарса бошқа нарса — гўрсўхта Ўлмас яна қанақа ўйин кўрсатаркин? Муқаддас у ерютгурга боласи кимдан бўлганини айтган, албатта. Озоданинг дадаси ўша, йўкса бунчалик бебошлик қилмас, бировнинг қизини бузиб қўйганидан чўчиб, миқ этмай юради. Аммо қиз уники бўлгач, даъво қилишга ҳаққим бор, деб ўйласа керак-да. Нега бўлмаса урушдан келибок, икковини — Муқаддас билан Озодани уйига ўтқазиб қўйди? Устига-устак, Муқаддас ҳеч қанақа норозилик билдирмади, қаршилик қилмади, қайтага олдига тушиб, йўрғалади? Кўнгли ўша яшшамагурда-да. Кўз очиб кўргани. Шунинг учун эрини писанд қилмайди, оёқ учида кўрсатади. Бир ярим йил ўтди Озода туғилганидан бери Муқаддаснинг бўйида бўлмаепти. Дори-пори ичадими, дўхтирга бориб олдириб келадими? Сал нарироқда Нина деган ҳамшира бор, ижара олиб яшайди, бунақа ишлар ўшанинг қўлидан келармиш, Замира опа айтган, ҳомила қанча ёш бўлса, уни йўқ қилиш ҳам шунча осон кечар экан, балки ўша Нинадир қизининг дардига ора кираётган? Бунисиям майли, истамаса тугмай юраверсин. Ҳали мактабини тугатиб олиши ҳам керак. Қорнини қаппайтириб мактабга қатнамайди-ку. Дугоналари битириб бўлишди, узатилмаганлари институтларга отланишяпти. Муқаддаснинг институтга кириш, дўхтир бўлиш орзуси бор эди, ҳаммаси чиппакка чиқди мана шу кўрнамак Ўлмасни деб. Шунча тузимни татиган, ҳатто Масъуд билан дарс тайёрлаб, шахмат ўйнаб, ётиб қолган пайтлари қанча. Шундан ёвузлик чиқади, деб Гулсум опа ҳеч ўйламаган эди, ўғли катори кўрар, баравар боқар, кийимлар берар, ҳатто сингилларинг кийсин деб баъзида калиш, пайпок, шарфларни Ўлмаснинг қўйнига тиқиб қўяр эди. Қозонимга тупурди-я, кўрнамак! Иш мунақа кўчар экан, нега шу ўжар Муқаддас ўжарлигини ўшанда қилмади, нега бошқасига тегмайман, танлаганим шу, деб туриб олмади? Ахир ўшанга никоҳ қилиб берсак, бир ўғлимиз икки бўларди, иснодчилик чиқмас эди. Дадасига ёкмади-да йигитчанинг шумлиги,

хамма катори онаси қизингизни беринг, деб оғиз солса, Муқаддаснинг кўнгли ўшанда экан, отаси ҳам қайриларди, тўнини тесқари киймас эди. Ҳамма бало ўзларида, шундоқ қудалик ато қилмади. Юришарди ялло қилиб, егани олдида, емагани кетида, қизчаларигаям нафи тегар эди, қараб ўтирмас эдик, сеп-пеп, дегандек бир томонини кўтарар эдик. Ўлмас куёв бўлиб кирса, балки эрим бирон даромадли ишга жойлаб қўярди, мана, ўроқда йўқ, машоқда йўқ Ҳошим ҳам юрипти-ку қариллаб. Бунақа тўқинликни ухлаб тушида кўрмаган етимвачча. Уф-ф. Хаёл кўрмасин, қанақа кўчаларга етакламайди. Ҳа, майли, бўлар иш бўлди, азалдан насиб қилгани шу экан, энди бу ёғини ўйлаш, бирон йўл ахтариш керак. Энди гўрсўхта кўз очирмайди, чорасини кўриш, бадарға қилишми, қаматишми — нимаики самара берса, ўша усулни тутиш керак. Хотинини Ўлмас етаклаб кетганини куёви пайқаб қолса, рўзғори хонавайрон бўлади. Балки пайқагандир ҳам, маҳалладагиларнинг қулоғига етибди-ку. Писмиқ, миқ этмай юрипти. Балки беҳабардир, эрта кетади, кеч келади, деярли маҳаллага аралашмайди. Аралашганида ҳам, ким айтишга журъат қила оларди?.. Яна битта йўл бор, ўйлади Гулсум опа яна хаёлга чўмиб. Бу режани Гулсум опа бир неча бор ўйлаб чикди — пул суқиш, лаш-луш ваъда қилиш, қизлари сепига қарашиш. Пул, деган нарса шунақа қудратлики, ўликни тирилтиради. Бунга чап берадиган одам йўқ, деса бўлади. Пулнинг сеҳри зўр, манман деганни алғов-далғов қилиб ташлайди. Ўлмаснинг оиласи аранг кун кўряпти, мунақа садақа улар учун ақл бовар қилмайдиган тухфа, онаси гўлдиллаб қолади, рози бўлмай қаёққа борарди, лаққа тушади, ўғлини ҳам ўзи жиловлайди, аёл киши мунақа ишларга моҳир: аврайди, ялинади, худога солади, оқ қиламан, сутимга розимасман деб хушидан кетган, алахсираган бўлади, хулласи ўғлини қайиради, совутади, ювош қилади, ниятидан қайтаради. Нима амал қилса, ўзининг иши, бизга оқибати кўнгилдагидек бўлса бас. Тинчлик керак, машмашалар жонга тегди, мана бу жигарга асабийлашиш тўғри келмас экан, осойишталик керак. Пул— қўлнинг кири, бостириб қўйилгани етти пуштимизга етади, худо берарини қўймасин. Шукр, эри дунёдан ўтган бўлса ҳам, булоқнинг кўзи бекилгани йўқ, оқиб турипти, ёзғириш гуноҳ, худонинг қаҳри келади. Касали аримаяпти, кўзи очиқ-лигида уйдаги нотинчликни бир ёқлик қилиши, Ўлмасни тийиши, раҳнасини бартараф этиши керак. Ярасини баҳона қилиб, Чирчиқдаги госпиталга жўнатиб юборишибди, тўрт ойдан бери ўша ёқда гумдон, гўрсўхта. Яраси битса,

яна қайтиб келади, яна жанжал бошлайди. Олдини олиш керак.

Ҳамшира жувон уколларини қилиб кетгач, Гулсум опа Холидани чақирди.

— Чорвоққа туш, — деди у ёстикдан бошини кўтармай. — Мунис холанг уйида бўлса чақир, менга учраб кетсин. Ойипошшам йўқладилар, де.

Холида «хўп» дейишни ҳам унутиб, чорвоққа чопди, бир зумда қайтиб келди.

— Айтдим, хозир келадилар, — деди Холида югурганидан хансираб.

Гулсум опа бу хабарни кутган бўлса-да, негадир юраги безовта ура бошлади. Сухбат қай йўсинда ўтарикин? Мунис опа лўлилик қилиб берса, қандок бўлади? Ким унга бас келади?

— Ойингга айт, дастахон тузасин, — деди Гулсум опа, гулгулада эт-бетини силаб тузатиб. — Ўзинг дарвозада тур, келса, олиб кирасан. Опангга айт, бу ёққа кирмай турсин. Анову радиёни ўчиришсин.

— Овози пас-ку, — дея Холида бахона ахтарди, чунки радиодан бериладиган концертни ўзи ёқтирар эди.

— Уят бўлади, азалик уй, неча марта айтдим, — деди Гулсум опа хунобланиб. — Ойинг нима қияпти?

— Катлама.

— Қаймоқ, асал тайёрлаб қўйсин, ўзинг чойга қара.

— Хўп, — дея Холида ташқарига чиқиб кетди.

Бир оздан кейин радио овози пасайди, самовар карнайи даранглади, аёллар товуши эшитилди. Келди, деб ўйлади Гулсум опа ва сочиқ билан пашша ҳайдаб, чойшабини тузатди.

— Ассалому алайкум, — ясама жилмайиб деди Мунис опа, ташқаридан қараганда нимқоронғи хонага олазарак кўзларини тикиб.

— Кела қолинг, янга, — деди Гулсум опа, овозига бетоблик оҳангини бериб, — тура олмадим, кўнглингизга олмайсиз-да...

— Биладан, айланай, кўзғалманг, — дея Мунис опа касал олдида чўккалаб, кўришиш учун қўлини чўзди ва Гулсум опанинг нияти қанақа эканини сезиш учун кўзларига синовчан тикилиб олди. Гулсум опанинг ҳамон чиройли кўзлари — оғриқ азобидан бўлса керак — хумор ва носокин эди. Иккала аёл одат бўйича фотиҳа тортишиб сўрашишди.

— Шу кунга тушиб ўтирибман, — деди Гулсум опа, бетоблигини яширгандек, камтарлик билан.

— Худо берган дард, ўзи олади, янга, — деди Мунис опа бунақа кезларда айтиладиган анъанавий сўзлар ишлатиб. — Ҳали отдек бўлиб кетасиз.

— Иншоолло, — деди Гулсум опа зўраки жилмайиб.

Қайта салом бериб Замира хола кирди, хонтахтага янги дастурхон ёзиб, иссиқ нон, асал, қаймоқ, норин ва мевалар билан безалган патнис қўйди, Холида олиб кирган чойнақдан чой қуйиб, аввал Мунис опага, кейин Гулсум опага пиёла узатди, нон ушатди, олинг-олинг қилгач, ёни билан хонадан чиқиб кетди.

Мунис опа дастурхондаги нозу неъматлардан татишга ҳам ийманар, Гулсум опанинг қистови билан иссиқ нондан бир чимдим ушатиб овзига солар, умуман, бу тўқис дастурхон тепасида ўзини ноқулай сезар, меҳмондорчилик танқис, ноёблиги билан уни ўсал қилгандек туюлар эди. Бунақа нарсалар уларнинг дастурхонида қачон бўлганини Мунис опа эслай олмайди ҳам. Эри бор пайтларида ҳам емиш асосан мошхўрда, ёвғон шўрва, гўжа, нон-чойдан иборат бўлиб, ахён-ахёнда қанд, парварда аралашар, гўшт деган нарса ҳафтасига бир марта қозонга тушса — бу ҳам катта гап эди. Тузукроқ кийиниш, мўлроқ ўтин-кўмир рамлаш, томсувоқ қилиш, нураган деворни таъмирлаш маҳол эди. Топган-тутганлари лампа мой, совун, ёғ, туз, пилик, зорора уни сотиб олишга ҳам аранг етар, меҳмон айтиш, тўйга чиқиш, совға-салом қилиш каби унча-мунча орзу-ҳаваслар булар оиласи учун хаёлдек олис нарсалар эди.

Мунис опа дастурхондаги нозу неъматларни кўриб ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қилди, бир тишлам нон ҳам бўғзига қадалди, аёл тезроқ чиқиб кетгиси келиб, нима гапингиз бор, деган назар билан Гулсум опага қаради. Аслида нима гап бўлишини олдиндан фараз қилган бўлса-да, Мунис опа бойбека қўшниси билан алоқа қилмагани учун, Гулсум опа қанақа аёл, муомаласи қандай, Мунис опа каби камхарж одамларга қай муносабатда, писанд қиладими, йўқми — билмас эди. Одамдек муомала қилса — ҳай, баланддан келадиган бўлса, Мунис опа шартта туриб, этагини қоқиб кетади. Лекин нега боя «янга» деди? Кўриниши таманно бўлса ҳам шу сўзни айтди, зўраки жилмайди, ўрнидан туриб кутиб олмаганидан хижолат чеккандек бўлди. Бир умр юзлашмаган, дастурхон атрофида бирга ўтирмаган, сирдош бўлмаган аёл ўз раъйи билан чақирипти, унинг устига бедармон, бетоб нарса — демак, вазият уни мажбур қилган, ўзи еча олмайдиган дарди бор, ўтиниш бўлмаса ҳам орани очик қилиб олмоқчими?

Гап, албатта, Ёлмас билан Мукаддасга бориб тақалади. Яна қанақа важ бўлиши мумкин?

Мунис опа бир зумдастурхон попугини иккала бармоғида йигириб жим қолди. Нима деб мурожаат қилсин? Опа, деса, ўзидан ёшроқ кўринади, янга-овсин деса ўзи билан тенг кўргандек бўлади, унга ёқмайди....

— Акангиз не азоблар чекиб, кўз юмди, — деди ниҳоят Гулсум опа, пиёла гардишини силаб. — Биттаю битта ўғлимиздан қорахат келди. Ўзим мана бу касалга чалиндим. Бошимизга шунча ташвиш тушди. Чидай олмасман, девдим, худо жонимни олмаяпти. Кўзимга ҳеч нарса кўринмайди, дунё қоронғи. Буям кам эканми, айланай, ўғлингиз билан қизим рағбоси кўз очирмайди. Мукаддас бадном бўлишга бўлди, чурқ этмай, босди-босди қилдик. Қачонгача ўғлингиз зулм ўтказади, қачон тийилади? Хусумати нимада? Нега ёпишгани-ёпишган? Қачон тинч қўяди? Нима қилса, дастидан қутуламиз, айланай? Ўлиб бўлдик-ку! На юришда, на ўтиришда ҳаловат бор. Кечалари мижжа қоқмай чиқаман. Агар ниятидан қайтмай, бузғунлик қилаверса, қўлим ёқасида кетади! Илло-билло рози бўлмайман. Онасиз-ку, айланай, қайтаринг болангизни! Ёвузликка ўтсак, болангизни тийиб қўйиш қўлимиздан келарди. Аммо биз шу ишни ўзимизга муносиб кўрмадик, андиша қилдик. Инсоф ҳам бўлиш керак-ку, айланай! Муддаоси нима, айтинг.

— Қанақа муддао бўларди? — гарангсираб садо чиқарди Мунис опа. — Озода, — қизим, деяпти. Мукаддасхон ҳам инкор қилмаяпти. Демак, рост экан-да. Бири бирини севишар эмиш...

— Ордона қолсин севгиси! — деди Гулсум опа, аёлнинг гапини бўлиб. — Севаман, деб бузғунчилик қилса, майли экан-да?

— Бузғунчилик, дейсиз, пошшахон, — деди Мунис опа қимтиниб, — Мукаддасхон яхши қиз, ёмон дейишга одамми тили бормайди, аммо лекин ўзларида ҳам бор-да, кет-пет, демабдилар-ку!

— Кўрққан-да, айланай, кўрққан. Бўлмаса ўзини осармиди? Яхшиямки, билиб қолдик, ўтирардим ҳозир учта одамдан ажраб, тўрт девор ичида яккамоҳовдек. Асти рози эмасман, Ёлмас билан Масъуд дўст эди, ўғлимдек кўрар эдим, юзимга тупурди, кўрнамаклик қилди.

— Кўрнамаклик дейсиз, айбидан тонгани йўқ-ку...

— Қўйинг, айланай, бўлар иш бўлди, ковлаб нима қиламиз, — деди Гулсам опа толиққандек кўзларини юмиб.

— Ўғлингизни ўтқазиб айтинг, уқтиринг, пўписа қилинг,

Ўзимни бир бало қилиб қўяман, қудуққа ташлайман денг, бу йўлдан қайтаринг. Қизларингиз етилиб қолишмоқда, ҳали-замон эшигингизни тақиллатиб келиш бошланади, тўй-пўйга қарашиб юборамиз, шармандаи шармисор бўлманг, айланай. Ўлмасга қиз топинг, ўзимиз бош-қош бўламиз, — деди Гулсум опа, мунозара пулга бориб тақалмаганидан андек мамнун бўлиб.

— Ўзи йўқ-ку, пошшахон, — деди Мунис опа зил кетиб, — Чирчикдаги госпиталга, яранг қайталапти, уруш шароитида яхши тузатишмапти, деб юборишган. Икки-уч марта бордим. Қон-қон йиғлаб қайтиб келдим. — Мунис опа енги учи билан кўз-бурнини артди. — Болагинам шўрлик... Ҳозир мунақа гаплар сизмайди, фикру хаёлим ўғлимда, кўзим тўртта, тик этса, эшикка қарайман...

Ўша ёқларда дардидан ўнглана олмай, Ўлмас ажалга чалиниб кетса, кошки эди, деб ўйлади Гулсум опа алаmidан, бироқ шундай ўй дилига оралаганидан, бировнинг фарзандига ўлим тилаганидан ўзи мулзам бўлди, астафурилло деди, Ўлмас анчадан бери ўша Чирчикда даволанаётганини эшитган, бироқ аҳволи бу қадарлигини билмас эди. Гулсум опа ачинди. Ўлмаснинг нимасидир одамини ўзига ром қилар, унга ёвузлик қилганлар, ҳатто Шукур мўйлов ҳам ношаръий, валамис усул тутаётганларини ўзлари англашар, зил кетишар, аммо барибир айбни замон зайлига, шу тадбир қилиниши зарур эканига йўйишар, давр талаби деб билишар, нобоп одамларга ўзлари тузоқ қўйишар, ўз қилмишларини оқлашар эди.

* * *

Муқаддас Мунис опадан суриштириб, бир марта Чирчик госпиталидаги Ўлмасдан хабар олиб келди. Ўлмас госпиталда ётадиган аҳволда эмас эди, нега у ердагилар Ўлмасни мажбуран ушлаб туришганидан Муқаддас ажабланди, иккинчи марта борганида Ўлмас бир неча марта биқинини ушлаб қўйганини пайқади, нега тузалиб, мусаффо бўлиш ўрнига йигитнинг аҳволи оғирлашаётганидан безовталаниб қайтди. Кундузи Ҳошимжон аллақандай хужжатларини олиш учун келганида, хотини уйда йўқ, ҳеч ким тайин бир нарса айта олмади. Муқаддас баъзи дугоналари билан Бешёғочдаги «Рот Фронт» кинотеатрига бориб туришини Ҳошимжон билар, зерикади, бирга ўқиган дугоналарини соғинади, майли, алаҳсисин, деб хотинининг унча-мунча ҳордигига кўникиб келар эди, аммо Муқаддас кундузи ҳам, Ҳошимжон ишдан қайтганидан кейин ҳам уйда йўқлиги

хавотирга сола бошлади. Намозшомга яқин Муқаддас ҳориб-чарчаб ҳовлига кириб келди, ювиниб, чой-пой ичган бўлди-да, Озодага ҳам унча эътибор бермай, уйга кириб кетди. Хуфтонга азон ўқилди, ярим кеча бўлди, Муқаддас бўлак ҳовлига тушмади. Тоби қочган бўлса, дори-пори бериш керак, деб Ҳошимжон уйга кирганида, хотини қотиб ухлаб ётар, эрининг шарпасини ҳам сезмади. Ҳошимжон гумонсирай бошлади. Ўлмас Чирчиқдаги ҳарбий қисмининг госпиталида даволанаётганидан хабардор эди, хотини кино, дугоналар баҳонасида Чирчиққа бориб келмаяптимикин, деган тахмин хаёлига келди, кинога борган одам шунақа тўкилиб келадими бўлмаса?.. Майли, ҳозир кавламайман ари уясини, ўйлади Ҳошимжон, ўзини вазмин тутишни маъкул кўриб, мунақа ҳодисалар оқибатсиз ўтмайди, бирон жойдан туртиб чиқади, ўшанда ҳиқилдоғидан оламан, ишқилиб, пайт ўтмаса бўлгани. Эртаси эрталаб ойна олдида соқол ола туриб, хотинининг шарт-шурт ҳаракатини ойнадан кўрди. Муқаддас каравотдаги ўрнини тузатган бўлиб, ёстиқларни муштлар, чойшабнинг ғижим жойларини жаҳл билан сидирар, кадамини гурс-гурс полга уриб, тошойна олдига борар, атир шишаларини чак-чак товуш билан терар, баъзан каравот четига ўтириб, уф тортар, анчагача жимиб қолар эди.

— Нима гап? — сўради ниҳоят Ҳошимжон хотинининг ойнадаги аксига тикилиб. — Ёмон туш кўрдингми? — Ҳамиша хотинига «сиз» деб мурожаат қиладиган Ҳошимжон қайнотаси вафотидан сўнг секин-аста «сен» дея бошлаган, авваллари «сиз» билан «сен»ни аралаштириб айтган бўлса, кейинги пайтларда, айниқса ҳарбий хизматига қайтиб, омборларнинг бирига жойлашиб олганидан кейин тили «сиз» дейишга бормай қолган, чунки бу «амали» шу қадар мустаҳкам эдики, қайнотаси «барпо» қилган шаҳобчалардан айрилса ҳам Тупроққўрғондаги «хазиналари» қўлида, энди у ердан жилмаслиги аниқ эди. Шунинг учун бундан буён «сен» дейиш эмас, «мурватни» қаттиқ бураса-да, булар энди лом-мим дейишга ожиз, чидашади, ютишади, деб ўйлар эди Ҳошимжон. Шунча «малай» бўлиб келди — бас, Ҳошимжон ҳам одам, ўзига яраша ғурури бор, энди хўрлашга, оёқ учида кўрсатишга зинҳор йўл қўймайди.

Хотини жавоб беравермагач, гап мунозара, жанжал билан тугагини сезса-да, Ҳошимжон саволи эътиборсиз қолганидан ранжиб, аксига юришга, хотини нима деб муғомбирлик қилишини билгиси келди. Муқаддас очигини айтишдан қочса, «кўрққан олдин қўл кўтарар» майлида

хужумга ўтади, бижиллайди, ҳақорат қилади. Майли, бир ўзи қоралик қилиб кўрсин-чи, балки тилидан тугилар, тугилса — жилов Ҳошимжоннинг кўлида бўлади.

— Кеча қаёққа борувдинг? — авзоини бузмай сўради Ҳошимжон: муҳими, совуққон бўлиш керак, совуққонлик рақибни қуролсизлантиради. Ҳозир «кинога борувдик», дейди. Бироқ Муқаддас ҳамон чурқ эмас, худди эрининг гапини эшитмагандек ёки писанд қилмагандек эди. — Нега кеч келдинг? Қаёқларда дайдиб юрувдинг? Озода ҳам кўзингга кўринмадимми?

Муқаддас пинагини бузмади ҳам — ташки лоқайдлиги остида юраги қаттиқ урар, бир чўқишда ағдарадиган жавоб ахтарар, мунозарани бошламасликни маъқул кўрар эди — хотинининг сукут сақлашини Ҳошимжон шундай тушунди.

— Нима, ўз хотинимдан жавоб олиш учун ариза ёзайми? — дея Ҳошимжон қалтис пичинг қилди.

Муқаддас эри томон юз ўгирди — кўзларида гаштга ўхшаш аллақандай туғён изғир эди.

— Айтайми?

— Албатта. Хавотир бўлдим. Суриштиришга ҳаққим борми? — деди Ҳошимжон, ҳаётида биринчи марта «ҳаққим» дейишга журъат қилиб.

— Чирчиққа борувдим, — деди Муқаддас.

— Нега?

— Ўлмасни кўргани, — деди Муқаддас бир зум сукут қилгач.

— Ўлмасни кўргани? — ўзини таажжублангандек кўрсатиб, деди Ҳошимжон — Ким у, Ўлмас?

— Қўйинг, — дея Муқаддас ўрнидан кўзғалиб, чиқиб кетиш учун эшик томон борувди Ҳошимжон йўлини тўсди.

— Ким у, Ўлмас? — қайта сўради Ҳошимжон қатъий тарзда. — Билишим керак.

— Масъуднинг дўсти, — деди Муқаддас. — Ҳамсинфи. Қўшнимиз.

— Масъуднинг дўсти бўлса, кўргани нега сен боришинг керак? — сўради Ҳошимжон, бир оз асабийлашиб. Таҳқирланган эр асабийлашиши Ҳошимжонга ўринли туюлди. Аммо Муқаддас бунга парво қилмай, эрини баттар ғазаблантирди, Ҳошимжон бир неча дақиқа серрайиб тургач, пишқириб ювинди, гилос остидаги столда Замира хола тузаб қўйган дастурхон устига бориб, тик турди, бир оздан кейин ҳеч нарсадан тотинмай, кўчага чиқиб кетди, кутиб турган юк машинасининг кабинасига ўтириб,

Тупрокқурғонга жўнади. Кун бўйи хотини хаёлидан кетмади, кун бўйи Ҳошимжон ичида у билан тортишиб ўтди. Кеча Чирчикдаги ҳарбий қисмнинг омборчиси, ўттиз ёшли пакана, чатаногини йириб юрадиган армани йигит оладиган моллар рўйхати тузилган хужжатни қолдириб кетган эди, соат тўртдан ошганда келиб тўхтаган юк машинасининг эшик дастасига осилиб, пастга тушди. Погонсиз ҳарбий формасининг қўлтиғи нам, сокол қирилганига қарамай, юзи кўкимтир қора, пешонасидан томган тер куюқ қошида, кипригида йилтирар, ўзи иссиқдан хансирар эди. Этта-бетта лампочкалар милтирар, аммо ҳовлидек келадиган омборнинг ичи нимқоронғи ва салқин эди, армани йигит саломлашиб, радионинг майин наволари остида андак мизғиш учун ўрнатилган баҳмал диванга бориб ўтирди. Иккита аскар макарон, консерва солинган картон қутиларни машинага юклашга киришишди, диванда ўтирган армани йигит уйқуга кета бошлади, ёнига Ҳошимжон келиб ўтирганида ҳам кўзини очмади.

— Ашот, — деди Ҳошимжон ниҳоят.

— Ҳм, — деди Ашот кўзини очмай.

— Госпиталга молни сен берасан, а? — деди Ҳошимжон ўзбекчалаб. Ашот Кўқонда туғилиб ўсган бўлиб, ўзбек тилини яхши гапирар эди.

— Ҳа, мен, — деди Ашот, пинагини бузмай.

— У ердагиларни танийсанми?

— Жойимиз битта-ку. Кўпларини танийман, юришади ивирсиб, махорка сўрашади. Нимаиди?

— Ўлмас деган йигит борми? — сўради Ҳошимжон Ашотнинг сокин юзига тикилиб.

— Иккита қовурғаси йўқ сержант бола, ўшами? — фақат лабларини қимирлатиб сўради Ашот.

— Ўша, — деди Ҳошимжон.

— Танийман, — деди Ашот. — Омборга кириб туради. Зерикади-да, хўш?

Ҳошимжон гапнинг муҳим қисмига қандай ўтишни билмай, бир оз каловланди — масала қалтис эди.

— Бизга қўшни бўлади, — деди Ҳошимжон, ўйлаб олиш учун вақтини чўзиб.

— Ҳм, тошкентликман, девди, — деди Ашот, Ҳошимжоннинг муддаосини ҳамон англай олмай.

— Шуни чалиш керак.

— Чалиш? — кўзини очди Ашот, у алланарсани пайқаса-да, ўзини гўлликка солди: — У зўр, кучим етмайди, тагида қоламан. Солдатни ёллаш мумкин.

— Мен бу маънода айтмоқчи эмасман, — деди Ҳошимжон, Ашотнинг муғомбирлигини сезмай.

— Қайси маънода? — сўради Ашот, ўзининг гўллигидан уялган бўлиб.

— Хотинимга шайдо, кўз очирмаяпти, — деди Ҳошимжон, самимий азият чекиб. — Нукул йўлини тўсади, кўчага чиқа олмай қолди, — деди Ҳошимжон, ёлғонни дўндиргани учун мамнун бўлиб, чунки уларнинг, яъни хотини билан Ўлмас ўртасидаги алоқалар, Ҳошимжоннинг тахминига кўра, чорвоқнинг этагидаги айвонда содир бўлар эди.

— Вах! — дея Ашот иккала қўлини осмонга қадади. — Шуям ишми?! Иккита солдатга ярим буханкадан нон берсанг, ўн дақиқада тинчителиб келишади.

— Йўқ, уруш ярадорини дўппослаш — бу жиноий иш, — деди Ҳошимжон дарров Ашотнинг режасига қаршилиқ билдираб. — Нега урдиларинг деб сўрашса, солдатларинг сен билан менга тўнкашади, қутула олмаймиз.

— Қоронғида «темний» қилишади, ким ургандини қатган билади?

— Барибир бу яхши эмас, — деди Ҳошимжон кўнмай.

— Тузалгандан кейин Ўлмас яна хотинимга ёпишади.

— Хотининг чиройлими?

— Гап бунда эмас, — деди Ҳошимжоннинг гаши келиб. — Бошқача усул қўллаш керак.

— Қанақа усул? — жиддийлашиб сўради Ашот.

— Ўзи омборингга кирганида, гапга сол, тилини ёз, кўнглидагини билиб ол.

— Нимани, масалан?

— Бунисини ўзинг топасан. Урушдан, аскарларга бўлган муносабатдан норози бўлиши мумкин. Мунақа мисоллар кўп, ёрилади албатта. Масалан, бир пунктни олишда немислар йигирмата аскар йўқотса, бизникилар юзлаб жангчилардан махрум бўлишар эмиш, кўплар атайин пленга тушишармиш.

— Уруш бўлгандан кейин, ҳалок бўлиш, пленга тушиш — оддий нарса.

— Оддий нарса-ку, ҳамма гап шундай нарсаларга муносабат билдиришда. Сен оддий нарса дейсан, бошқа одам қўмондонликнинг ношудлиги, стратегик хатоларининг оқибати, қурбони деб билади, гап Сталинга бориб тақалади. Ҳозир замон қанақа, кўриб турибсан-ку, битта анекдот айтгани эмас, хатто эшитгани учун қамоққа олиняпти, сургун қилиняпти, трибуналга тушяпти.

Ашот гапнинг маъзини чақа бошлади чоғи, оғир хўрсиниб қўйди.

— Қўқонга қачон борувдинг? — сўради Ҳошимжон, Ашотнинг иккиланганини сезиб.

— Бултур борувдим, — деди Ашот, саволга тушунмай.

— Ота-онадан хабар олиб туриш керак, — деди Ҳошимжон. — Улар ғанимат. Бола-чақа борми?

— Бир қиз, бир ўғил, — деди Ашот гангиб. — Қизим учинчи синфга ўтди. Хотиним вокзалда. Билет сотади. Кассир.

— Бориб кел. Ўзим рухсат олиб бераман. Совға-саломни мендан. Бошқа харажатларинг ҳам бўйнимга. Омбордаги энг дефицит нарсалардан оласан.

Ашот паришон ҳолда ёнидан «Беломор» чиқариб, папирос тутатди, оғир нафас олиб, тутун буруқсатди. Ҳақиқатда қанча одамлар, ҳатто бир чойнақдан чой ичиб юрган шериклари устидан бўхтон ёзиб чиқиб, гумдон қилишяпти, шунинг эвазига кун кўришяпти, ҳозир бунақа нарсалар одат тусига айланиб қолган, органдагилар исбот ҳам талаб қилишмайди, чунки «шубҳали унсурларни» фош қилиш ҳисобига ўзлари маълум имтиёзларга эга бўлишади, унвону мукофотлар олишади. Аммо Ўлмас бечоранинг айби нимада, ўзи урушдан ногирон бўлиб қайтган бўлса, нега панд ейиши керак?

— Ўлмас билан ўзинг гаплашсанг бўлмайдимми? — деди Ашот баҳона ахтариб.

— У мен билан гаплашмайди, — деди дарҳол Ҳошимжон. — Дилидагини айтиш қаёқда? Учрашсак, жанжал чиқади. Шунинг учун сенга айтяпман-да, Ашот. Нега иккиланасан?

— Уруш инвалиди, нега тухмат қилдинг, деб ўзимни тортишса, нима важ кўрсатаман? Ахир ҳақиқатда тухматку, дея Ашот папиросини кулдонга эзиб, янгисини тутатди. Ашот ҳозир ўзини ҳимоя қиляптими ёки еттиёт бегона Ўлмасними, тушуниш қийин эди.

Кўрқяпти, деб ўйлайди Ҳошимжон ва дарҳол усулини ўзгартиришга ўтди.

— Майли, Ашот, — деди Ҳошимжон, ҳадиксираб ўтирган Ашотга жилмайиб, — синадим сени. Гап шу ерда қолсин.

Иш битдими, деган назарда Ашот ташқарига қараб олди. Ҳошимжон қалтис йигит кўринади, устимдан ўзи чақиши мумкин, чакмаса ҳам, шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолади, деб ўйлади Ашот: билмайман, танимайман деса олам гулистон эди. Энди ҳар учрашганимизда шу суҳбат иккаламизнинг кўзимиз олдига келади, учрашиш эса

хафтасига бир-икки марта бўлиб туради. Бирон нарса деб умидвор қилиши керак...

— Ҳошимжон, майли, — деди Ашот, ўрnidан туриб, — бир разведка қилиб, қўйнига қўл солиб кўрай-чи...

Энди Ҳошимжон чўчий бошлади. Ашот мижғовланиб гапиряпти, эшитганларини оқизмай-томизмай керакли жойга бориб айтса — тамом, ҳамма нарса расвою радди маърака бўлади, оёғини ерга теккизмай, Ҳошимжонни олиб кетишади, уларнинг қафасидан омон чиқиш гумон, кейин нима бўлишини тасаввур қилиш кийин эмас. Нега келиб-келиб шу арманига сирини очди, тузукрок ўйласа бўлар эди-ку. Энди у ҳам мендан, мен ҳам ундан чўчиб кун ўтказамиз.

— Нима бўлмасин, Ашот, — деди Ҳошимжон, ўзини ўта меҳрибон кўрсатиб, — орамиздаги иноқлик бузилмасин. Мен азбаройи ишонганимдан, қолаверса, ноиложликдан сенга дардимни айтдим. Майли, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверсин, унга худо инсоф берса, ажабмас... — Ҳошимжоннинг тили «Ўлмас» дейишга ҳам бормади.

Юкларини олиб, Ашот жўнаб кетди, бироқ Ҳошимжоннинг дилида алланечук ғашлик қолди. Аввал қайнотаси борлигида, у қалқон эди, Ҳошимжоннинг ҳар қандай чалкаш, галва ва танг аҳволдан қутқариб олар эди, энди якка қолгач, барча машмаша— муаммоларни ўзи бартараф қилиши керак. Устига-устак хотини тумтайиб юрипти, ҳадемай вазият хунук тус олиши мумкин, уйига боришга юраги безиллайди, оёғи тортмайди. Ашотнинг келиб-кетиши кўнглида доғ қолдирди. Ниятини кейинроқ очиши, аввалги «кўшнимиз, яхшироқ танишиб ол» деса, Ашотнинг этини ўлдириб, кейин асл муддаосига ўтса, маъқул бўлармиди? У ҳам ҳозир фулфулада, органларга югуриб бормасидан олдини олиш керакмикин? НКВД ходимларидан кимни танийди Ҳошимжон? Ҳеч кимни. Муродхўжа аканинг ўтиришларига келишган, лекин у пайтлар Ҳошимжон фарқига борган эмас, мезбон сифатида хизматини қилган, ичкилик ташиган, ош олиб кирган, кимлигига, амали қанақалигига эътибор бермаган. Бир капитан муовин олдига ўқтин-ўқтин келиб туради, баъзан омбордан деликатес, яъни танқис-ноёб нарсалар олиб туради, Ҳошимжон ўша капитаннинг органда ишлашини, граждача кийинган бўлса ҳам дарров сезган, кейин формада келганида амин бўлган эди. Мулойим, одобли йигит кўринган, афсус, яхшироқ танишиб олмаган экан, хатто исми ҳам, фамилияси ҳам эсида йўқ. Муовин телефон орқали топшириқ берар, бир оздан кейин капитаннинг

ўзи келиб, хоҳлаган нарсасини олиб кетар, ҳатто бирикки марта ҳисоб-китоб қиламан, деб чўнтак ҳам кавлаган, аммо Ҳошимжон олмаган. Бир йўл билан муовиндан ўша капитаннинг фамилиясини билиб олса бас, идораси тайин, пастдан кўнғироқ қилиб, муовинни эслатса, қутида нарса олиб келганини айтса, ўзи пастга тушади ёки чўчиб, ўзим учраб ўтаман, ишингизга бораверинг, раҳмат, деса янаям яхши, Ҳошимжон шу ерда юзма-юз, гувоҳсиз шароитда гаплашади. Бир нарса илинжида келган одам одатда хушомадли бўлади, унча-мунча илтимосни рад қилмайди. Шунинг пайига тушиш керак, деган режани Ҳошимжон дилига тугиб қўйди-да, эртаси муовиннинг бўшроқ пайтида ҳужжатларга имзо чектириш баҳонаси билан қабулига кирди. Полковник телефон орқали ким биландир гаплашар эди, Ҳошимжонни кўриб, стулга имо қилди, Ҳошимжон ўтирди.

— Офицерлар уйида анову... киши бор-ку... — деди Ҳошимжон бир оздан сўнг қоғозларини полковникнинг столига қўя туриб, — капитан... Қабулингизга келиб турадиган... Мен билан бирам қуюқ кўришди. На исмини, на фамилиясини, на ишлайдиган жойини билмайман, хў-ўп мулзам бўлдим...

— Сергеев, — деди полковник ҳужжатларга имзо чекишда давом этиб, — Андрей Петрович. НКВД ходими.

— Муомалали одам, а?

Полковник галати жилмайиб, бош кимиралиб қўйди.

— Анчадан бери келмайди, ишлари кўпдир-да, — деди Ҳошимжон асосий жавобни олгач; полковник қоғоздан бошини кўтармади. — Сёмга келди, — деди Ҳошимжон индамай туришни ўзига эп кўрмай.

— Ким? — тушунмай сўради полковник.

— Сёмга, — деди Ҳошимжон, — балиқ.

— Ҳм. — Полковник яна ишига берилди.

— Қизили ҳам келди.

— Ким?

— Қизил балиқ, — деди Ҳошимжон, кулгиси қистаб, — горбуша, деб ёзилган. Ярим тонна. Мунақасини биринчи кўришим. — Ҳошимжоннинг, «уйингизга юборайми?» деб сўрашга тили бормади.

— Дунёда сен кўрмаган нарсалар кўп, — деди полковник, қоғозлардан кўзини олмай. — Яқинда Эрондан мандарин келади. Кўрганмисан?

— Апельсинни майдасими?

Полковник жилмайиб қўйди.

— Апельсин ҳам келади, ананас ҳам.

— Бунисини кўрган эмасман, — деди Ҳошимжон, полковник гапга аралашганидан жонланиб, — номи чиройли экан, ўзиям антиқа бўлса керак.

— Кимга қандай, — деди полковник ва «Казбек» кутисидан папирос олиб тутатди. — Кимдир яхши кўради, кимдир текингаям олмайди.

Ҳошимжон «сиз-чи?» деб сўрагиси келди, бироқ журъат қила олмади, «Сергеев Андрей Петрович» дея ичида капитаннинг номини қайтарди. Бугуноқ қидириб топади, танқис нарса, татиб кўринг деб бир кути қизил балиқ олиб бориб беради, ўзи келиб қолса, яна яхши. «Андрей Петрович, Андрей Петрович. Сергеев», — такрорлади Ҳошимжон йўл-йўлакай ва омборига киргач, катта журналнинг охириг ва рағига ёзиб қўйди: «Сергеев, Андрей Петрович». Нонушта қилмагани учун қорни оча бошлади. Эрталаб келганида, чой дамлаб, термосга қуйиб қўйган эди, шоколадли пряник билан бир пиёла чой ичди. «Борипти-я, қанжиқ, Чирчиққа. Жазманини кўргани. Нима қилишганикин?» — Ҳошимжоннинг хаёлида хотини билан Ўлмас ҳар алпозда кўрина бошлади... Нимадир қилиш, чора қўллаш керак. Нима? Уйдан чиқиб кетсинми? Ижарага жой топилади. Қарам эмас. Топган-гутгани ҳам ўзига қолади. Маржалар сон-саноксиз. Ялло қилиб яшайди. Ҳеч ким тергамайди. Агар Кўкча томондан биронта жой сотиб олса, яна ҳам яхши бўлади. Ҳозир имконияти бор, ҳовлилар ҳам қиммат эмас, ватани бўлади. Уйдан чиқиб кетмаса ҳам, жой олиб қўйиш керак. Бир озгина таъмирласа ёки эскисини бузиб ташлаб, янгисини курса, деярли текинга тушади. Фишту тунука, эшик-дераза, тахта-бўёк, мих-ойна — ҳаммаси омборда бор, олгани сезилмайди ҳам, биронта қурилишга мингта нарса ёзиб, ўнтасини ўзиникига туширтирса — денгиздан томчидек, расмий ҳужжат учун горнизон кассасига арзимаган пул ўтказади — вассалом. Ёки ёрдам сўраб полковникка ариза ёзса, индамай қўл қўйиб беради.

Уста-мардикор ҳам шу ердан чиқади, ўнта солдатни олиб борса, иш қочиб кутулмайди, ҳаш-паш дегунча, уй тайёр. Ҳошимжон хаёлга берилиб, қуриладиган уйини чиза бошлади: пойдевори одам бўйи келадиган ҳашаматли бино, пишиқ фишт, кенг ойнабанд даҳлиз, паркетли пол, голланд печка, жимжимадор шифт, трафарет туширилган деворлар, барқут пардалар, биллур қандиллар, чинни идишлар, кумуш қошиғу вилқалар... Ҳаммаси бор, тахланиб ётипти,

қўлида. Бу — яхши мўлжал. Аммо уйдан чиқиб кетиши... Нега энди чиқиб кетиши керак? Ҳамма нарсани қолдириб, хотинини анови безорига топшириб? Раҳмат, дейишади-ку! Тушини сувга айтсин Муқаддас! Ҳошимжон анойи эмас, ҳали кўрсатади кимлигини! Энди ишга киришиши керак. Лаллайиб ўтиришдан нима фойда? Қизил балиқ билан сёмга солинган кутини қўлтиқлаб борадиган жойига бориши керак Полковник — муовин нима дейди: «Если Магамед не идет к горе, гора идет к Магамеду». Ажойиб ҳикмат... «Ўзи борипти-я Чирчикқа» яна Ҳошимжоннинг миясига урди ўша хаёл, ҳатто янги уйнинг орзуси ҳам енга олмади. Қандай қилиб бордйкин? Хадрадан нарига ўтмаган қиз... Машинага осилиб бордими, аравага чикдими, бировнинг отига мингашдими? Мубталолик шунақа бўладими? Етиб боргандир, тили осилиб, куюккан итдек жазманининг бағрига, қанжиқ. Келди-ку, ҳориб-чарчаб, лаблари қуриб. Ўн икки соат ўликдек ётди. Онасига нима деганикин, унгаям айтганмикин Чирчикқа борганини ё бошқа баҳона топганмикин? Бетоблигиниям писанд қилмади-я, беандиша! Мунақада ўз онасини абгор қилиши, ажалидан олдин ўлдириб қўйиши мумкин-ку. Майли, ўлдирса — янаям яхши. Яна битта хўжайиндан Ҳошимжон озод бўлади.

3

Бу кеча ҳам Мансур аканинг кўзи илинмади. Бир неча кундан бери шунақа, хаёллар эзади, ухлай олмайди, бир-икки соатга кўзи уйқуга кетса, даҳшатли тушдан уйғониб кетади; юраги кўкрагидан отилгудек, ёпиниб ётса танаси қизийди, дили ҳовриқади, кўрпани олиб ташласа эти жунжикади; яна ётади, яна ўтган воқеалар тафсилотини эслайди, баттар эзилади, яшагиси келмайди, ҳеч нарса кўзига кўринмайди, ҳаёт бемаъни туюлади, тақдирнинг шафқатсиз синовларини оқлашни ҳам, айблашни ҳам билмайди. Мактаб директори бўлгач, Мансур ака давлат сиёсатини маъқуллаши, нимаики содир этилаётган экан, демак, ҳаммаси зарур, деб билади; аммо ҳеч қанақа одамийлик қолипига сиғмайдиган тадбирларни эътироф қилишга ақли етса-да, кўнгли рози бўлгиси келмайди, дили қаршилиқ кўрсатади, бу туғённи биров билан дардлашиб бўлмайди.

Қаюмжон Андижонга кетган кунининг эртасига Мансур акани сиёсий бошқарманинг туман бўлимига чақиртириб кетишди. Чақиртириш расмий бўлмай, оғзаки эди, айтгани

келган киши қари бўлмаса-да ҳасса таянар, телпак ипини ияги остидан ўтказиб боғлаб олган, мўйи шилинган қулоқчин орасидан бужмайган афти, шилпик кўзи, яккам-дуккам сарик тиши кўриниб турар, бир ҳафтача устара тегмаган соқол-мўйловига оқ оралаган, лаблари ҳўл, сийрак киприклари нам эди. Аввал-охир Мансур ака бу одамни кўрмаган, кўрган бўлса ҳам, эътибор бермаган чоғи, танимади, аммо муомаласи Мансур акага илиқ кўринди, Мансур ака ичкарига таклиф қилувди, нотаниш киши кирмади, тезроқ бориш керак, деб орқасига қайтиб кетди. «Тезроқ бориш керак». Ким тезроқ бориши керак? Мансур аками ё хабарчими, бунини Мансур ака яхши англай олмади, бироқ дили шувиллаб кетди. Уни идорага чакиртиришиптими, демак бирон гап бор. Нотаниш одам кетгандан сўнг, Мансур ака ҳушига кела бошлади: қанақа ноҳўя иш қилиб қўйди? Кимга сирини очди? Нима деди? Мансур ака иш юзасидан ҳар кунини учрашиб турадиган мактаб ходимларини, кўча-кўйда тўқнашиб, бир-икки оғиз хўшлашишган танишларини, сартарошхонага, почтага, маориф бўлимига кирганини эслади, бироқ бу учрашувлар ҳар кунги алоқалар доирасида бўлиб, жиддий суҳбат очилмаганини, ҳатто қайсидир хонадоннинг ойнаси синган деразасига партия раҳбарлари расми босилган газета ёпиштириб қўйилган экан, Мансур ака уй эгаларини огоҳлантирган, ёмон кўздан асраган, чунки шунга ўхшаш «ножоиз» хатолари учун баъзилар жавобгарликка тортилганини ўзи кўрган, эшитган эди.

Мансур ака кўча эшик табақасини ёпиб, орқасига қайтди. Ҳовлининг тўрида оҳак билан оқланган лой томли пастқам уйи кўринар, ҳаво совуқ, тунда ёғиб ўтган ёмғир кўлмаклари изғиринда жимирлар, қолган-қутган сариқ-қизғиш барглари нам ерга ёпишган, яйдоқ шохлар чайқалар, охириги баргларини тўқар эди. Ҳозир борадиган жойини Мансур ака уйдагиларига айтсинмикин ёки уларни аввалдан хавотирга солмасинми? У идорага бориши аниқ, қайтиб келиши гумон.

Мансур ака тирсагида пахтаси кўриниб қолган қора сурп тўнини ечиб урф бўлган кители устидан плаш кийиб, токчадаги доғ ойнага қаради, ойнада сандал атрофидаги кўрпачаларни супураётган хотинини кўрди. Унинг бир пайтлар илондек узун қора, ҳозир бир тутам кулранг ўрим бўлиб қолган сочи елкасидан сидирилиб тушиб, қўлига ҳалақит берар, хотини ўқтин-ўқтин сочини орқасига ташлаб, қаддини ростлар, белига қўлини қўйиб, ҳансирар эди. Эллик ёшни энди қоралаган бу аёлнинг қиёфасида аввалги жамоли,

«палаги» тозалиги билиниб турарди. Қироат бону билан Мансур ака Андижон билим юртида танишишган, Ўшда яшайдиган ота-онасиникига совчи юборган, у кезларда қирчиллаган йигит Мансуржон совчиларга қўшилиб ўзи ҳам борган, аммо келиннинг эшигига киришга юраги дов бермаган, совчиларнинг чиқишини гузардаги чойхонада кутган эди. Қироат бонунинг отаси баззоз экан, олти йил бурун савдо юмуши билан Фулжага кетиб, сафардан қайтмаган экан. Қироат бону акасига эргашиб, мактабга қатнаган, еттинчи синфни битиргач, Ўшда ўзбек билим юртлари бўлмагани учун Андижонга келиб ўқишга мажбур бўлган. Қизнинг онаси айниқса, аммалари қизчанинг узок жойларга бориб ўқишига унча рози бўлишмаган, бироқ кўздан йироқ, ожиза нарса, қўл-қўл бўлиб кетишидан чўчиб, тайин жойи чиққанидан кўнгиллари тинчиб, нон ушатишган. Қироат бону шу эшикка келин бўлиб тушганига, мана, йигирма йилдан ошипти. Шу йиллар мобайнида қанча алғов-далғовлар бўлмади. Босмачиларни ҳам, большевойлар билан бўлган жангу жадалларни ҳам, ўттиз учинчи йилги очарчиликни ҳам кўришди, замон оғир бўлишига қарамай Мансуржон билан Қироат бону талай осуда дамларни кечиришди. Еттита фарзанддан тўрттаси нобуд бўлди. Иккита қизи — Зарифа билан Зубайдалар узатилиб кетишган, биттаси Избосканда, иккинчиси Куршобда, иккаловининг болалари бор, иккалови бева, куёвлар урушда бедарак бўлиб кетишган. Қизлари муаллимлик билан кун кўришади. Яхши ҳам Мансур аканинг фаросати етиб, болаларига таълим берган экан — асқатяпти. Қўл учиди кун кўришяпти, албатта, бироқ ким ҳозир тўк, ҳамманинг бошига тушган савдо-ку. Ишқилиб, офат бўлмасин, болалари омон қолишсин, бир кунмас-бир кун яхши кунлар ҳам келар, шунисигаям шуқр қилиш керак, чирқиллаган оилалар қанча! Мана, кенжаси Носиржон еттинчи синфда ўқияпти, таълим берса, йўлини топиб кетади, боши омон бўлсин, бирон дардга чалинмасин.

Анову идорага боришини айтса, хотини албатта эргашади, кўққисдан бирон нарса деб, уларнинг гашига тегади, унда иш чатоқ бўлиши мумкин. Касалманд нарса, боши оғриб туради, дарди шунақаки, тутганда, оғриққа чидай олмай тўлғанади, инграйди, бошини танғийди, уқалатади, охир-оқибат қусиб — қайт қилиб, кўзи очилади, анчагача чалажон бўлиб ётади. Парҳездаги аёл, иссиқлик — совуқликни адаштирамайди, ковурилган таом еса, қора чой ичса, асал, ёнғоқ татиса — дарров кўзгайди, иложи топилса, ҳар куни зулук қўйдиради.

Ўқитувчилик қилар эди: тарих-жуғрофиядан дарс берар эди, беш йилдан буён мактабга ҳам бора олмайдиган бўлиб қолди — жанжал, ғала-ғовур ёқмайди, арзиган-арзимаган гапга ғиғони чиқиб кетади, кейин, албатта, оғрик бошланади, дори-пори қор қилмайди, пироварди қусади, оҳ-воҳ қилади, аранг уйига етиб келади. Агар анову идорага борса, дарди яна қайталайди. Майли, билмай қўя қолсин, агар Мансур акани қайтариб юборишса, бу гап ёпиғлигича қолаверади, қайтаришмаса, на илож, пешонасига ёзгани бўлади. Кўникади. Бу майлга биргина Мансур ака тушяптими? Кўплар қатори, қисмати қаёққа бошласа — юради, қанақа синов тақозо қилса — чидайди...

Мансур ака кўчага чиққач, адашган одамдек эшиги олдида бир дақиқа аланглаб турди-да, ҳушига келгандек бўлиб, мактаб томонга эмас, туманнинг тўртта-бешта маъмурий идоралари жойлашган чап томонга йўл олди. Кўчада одам сийрак, чолдевор олдидаги бўш араванинг шотиси, илтижо қилгандек, осмонга чўзилган, шамол ғувиллар, қорамтир-искирт булутлар тераклар учига теккудек паст сузар, қор хиди кезар эди.

Мансур ака милиция бўлими жойлашган бинога яқинлашар экан, ўзи учун нотабий туюлган бир манзарага дуч келди: пахта ташийдиган ўнтача отли аравада аллақандай одамлар — пахмоқ рўмол, адёл, чипор шолча, курок кўрпаларга ўранган қари-ёш эркаклар, аёллар, болалар миқ этмай ўтиришар, йирик, чиройли кўзлари ваҳима ва саросимага тўла, оқ этлари совуқдан дийдираш, соқол-мўйлови ўсиб кетган йигитларнинг баъзилари тамаки чекишар, гўдаклар инграшини айтмаса, ҳеч ким садо чиқармас, ҳатто буларни томоша қилгани йиғилган маҳаллий болалар ҳам чурк этишмас, милиция формасидаги учта одам дафтарларидаги ёзувларни бири бириси билан солиштиришар, ўқтин-ўқтин милицияхонанинг эшигига қараб кўйишар, у ёқдан кимнингдир чиқишини кутишар эди.

Кимлар булар? Нега нотаниш киёфаларида кўрқув? Мансур ака таажжубланиб четроқда тўхтади, тутқунга учраган лўлилармикин? Аммо лўлиларга ўхшашмайди, лўлилар бор жойда шовқин-сурон бўлади, булар эса жим ўтиришипти. Мансур ака англай бошлади — бир ҳафта аввал ижроқўм вакиллари мактабга келиб, Ўрта Осиёга сургун қилинган кримликларга жой ахтаришган, тўртта синфхонани танлашган эди. Шубҳасиз, аравада қатл жазосини кутиб ўтирувчи маҳбусларни эслатувчи шўрликлар ўшалар эди, демак, ҳали-замон буларнинг маълум қисми мактабга

туширилади, тақсимот шунақа. Аммо бечоралар қандай яшай олишади, на печка бор, на ўчоқ. Гўдакларнинг аҳволи нима кечади? Бу аёз пайтда кўплари касалга чалиниб ўлиб кетади-ку. Тўғри, тўрт кун бурун мактабга бир машина юк туширишди — аскарлар казармасига қўйиладиган темир каравотлар, тўшаклар, жун адёллар, ёстиклар, бироқ улар яшашлари, пишириш-куйдириши, ейиш-ичиши, ўзларини боқишлари, бунинг учун қимирлашлари, ҳаракат қилишлари, ишлашлари керак-ку, берсанг ейман, урсанг ўламан, деб ётаверишмайди-ку. Бунчалик совуқ бўлмасаям кошки эди, енгил-елпи, бир амаллаб мослашиб кетишар эди, аммо айни бир қиш-қиров пайтда буларга қирон келади-ку...

Мансур аканинг оиласи катта эмас, атиги уч жон, Носиржонни бу хонага ўтказишса, бир хона бўшайди, қримликлардан битта оилага беришса, бечоралар лоақал қишдан чиқиб олишади, кейин худопошшо, бир йўриғи топилар. Хона у қадар катта эмас, аммо тўрт девори, томи, печкаси бор; тор, албатта, аммо беш-тўрт кишидан иборат оила сифиши, жон сақлаши мумкин. Баҳорга етиб олишса бас, кейин ҳовлининг бир томонига бошпана қуриб олишар ёки бошқа бир иложи топилар. Мансур аканинг ўғли катта бўлиб қолди, хотини касалманд, ғала-ғовур ёқмайди, булар ҳам бир хонада сиқилишлари мумкин, бироқ бунақа вазиятда одам сал сурилиши, жой бериши табиий ҳол. Энди Мансур ака Қироатхонни кўндириши керак. Начора. Хотини тажангроқ аёл, унга енгил бўлмайди албатта, аммо муҳтож одамлардан жойини қизғанса, қандай тинч яшайди? Касали баттар бўлади. Кўнади. Бунга Мансур ака амин. Ҳозироқ уйига қайтиб, мўлжалини хотини билан муҳокама қилиши, иккинчи хонани бўшатиши керак. Бўшатиш ҳам нима экан, Носиржоннинг кўрпа-тўшагини олиб чиқишса — бўлгани, шолча-кигизлар жойида қолади-ку...

Мансур ака илдам қадам ташлаб, ортига қайтди, бироқ хаёлга чалғиб, бу ерга нега келгани сабабини унутгани эсига тушиб, тўхтади, яна орқасига қайтди. Керакли идора ҳам милиция биносига, сургун қилинган қримликларни жойлаш билан шуғулланувчи ходимлар ҳам балки ўша ердадир, деб ўйлади Мансур ака, ўша ерда бўлса, битта оилани бизникига тақсим қилинлар дейман, бўлмаса ижроқўмга ўтаман. Мени чақиртирган бўлим ҳам ҳозир шу келгиндиларни жойлаш ташвиши билан банд бўлсалар, мен билан гаплашишга қўллари ҳам тегмайди.

Аввал-охир бу каби идорага тушмаган Мансур ака милиция биносига киргач, нимқоронғи йўлакларда зарур

топшириқлар билан юрган расмий ходимларга туртинар, қайси хонага киришни билмай аланглар, одамларга халал берар эди. Фуқароча кийинган бир нотаниш киши, Мансур аканинг адашиб юрганини кўриб, йўлакнинг охиридаги эшикка йўллади. Мансур ака кирган хонада ҳеч ким йўқ, стол устида телефон аппарати, папкалар, сиёхдон, ручка-қаламлар ётар, бурчакда кулранг сейф қаққайиб турар, панжарага олинган икки дераза орасидаги девор тагида уч киши сиғадиган суянчиқли скамейка ва битта стул бор эди. Мансур ака нима қиларини билмай, бир зум эшик олдида туриб қолди. Столдаги кулдонда папирос қолдиғи кўринар-кўринмас тутаб турар эди, шундан Мансур ака фараз қилдики, хона эгаси бирпасга чиққан, шунинг учун хона эшигини ҳам қулфламаган. Пича тик туриб кутгани маъкул, ўтирганини кўрса, ходимнинг кўнглига қандай фикр келиши мумкин — бу аён нарса. Бунақаларнинг қош-қовоғига қараш, ғашини келтирмаслик керак. Бирон гапинг, ҳаракатинг, ҳатто муомаланг оҳанги ҳам ёқмаса — тамом, панд ейсан, ишинг пачава кетади. Мансур ака шундай мулоҳазаларни дилидан ўтказар экан, ичи қақшаб кетди. Бу қанақа ўзи? Нега эллиқдан ошган, умрининг ярмидан ортиғини маориф ишига бағишлаган, қанчадан-қанча шогирдлари бор, хизматлари учун бир неча марта рағбатлантирилган эътиборли инсон қанақадир лабида сути қотмаган бир лейтенант ёки капитан олдида дағ-дағ қалтираб туриши керак? Айби нимада? Ҳамма қатори ўз бурчини бажариб юрипти, ими-жимиди яшайди, ошиб-тошиб кетаётгани йўқ, номи мактаб директори бўлишига қарамай, баъзи пайтларда зоғора нонгаям қурби етмайди. Шикоят қилиш одати йўқ, ҳамманинг бошига тушган азобни баравар тортяпти. Бундан оғир кунлардаям чидаган. Уруш бўлаётган пайт, мамлакат бор кучини фронтга, ғалабага сафарбар қилган, етишмовчиликсиз бўладими? Мана, уруш ҳамохирлаб қолди. Сталинга қойил — Москвагача келган ёвни суриб ташлади, энди ғалабага эришса — албатта эришади! — чароғон кунлар ҳам бошланади-кетади, бу кунлар унут бўлади. Ўшангача амал-тақал билан етиб олиш керак. Яхшиям бир парча ери бор экан, сабзи-пиёз, ошқовоқ, картошка, мош-нўхат ўзидан чиқади, ҳатто бултур дон сотувчи бир қоп буғдой берди. Уни рўзғорга, чўпи молга ем бўляпти... Мансур ака ўйга толган экан, қич очиқ эшик ортидаги оёқ товушидан ҳушига келди. Бояғи йўлакда учрашган одам жияни тенги йигит экан.

— Узр, Мансур ака, куттириб қўйдим, — дея йигит андек оқсоқланиб бориб, стол тўридаги жойига ўтирди ва

Ўчиб бўлган папирос қолдигини қулдонга эзгилади. — Мархамат, ўтиринг.

Начальниги чақириб, исканжага олган бўлса, ходим қай қўйда кирар экан, деб Мансур ака хавотирланиб турувди, йўқ, ундай бўлиб чикмади, қайтага димоғи чоғ кирди. Ёки сир бермаяпти, ёки шунақа тартиб ўрнатилган, ёки ҳақиқатда кайфи чоғ. Ҳар ҳолда муомаласи тузук йигитга ўхшайди. Мансур ака ташаккур билдириб, ягона стулга ўтирди. Унинг юраги ҳаққирар, суҳбат қаёққа бурилишини Мансур ака билмас, фақат тахмин қилар эди, холос.

— Ишлар қалай, Мансур ака? — деди ходим, қўлини столга қўйиб. Бу лаб-дахани бежирим, кўзлари ғамгин, маллага мойил сочи кирпичнинг тиконидек тикка, ҳиқилдоғидаги чаноқдек суяги ҳар ютунганида қимирлаб турадиган, ихчам жуссали йигит эди. — Саломатмисиз?

— Раҳмат... — деди Мансур ака, на исмини, на фамилиясини билмагач, қандай мурожаат қилишга тутиниб. — Ҳамма қатори... Кечирасиз, исму шарифлари.., — Охирги жумлани айтишга айтди-ку, шу заҳотиёқ истиҳола қилди Мансур ака ишнинг пачавасини чиқариб қўйишдан ҳайқииб.

— Тўра Мирзаев, — деди ходим, бир зум ўйланиб. — Тўравой, деяверинг. Мансур ака, ўрлингиз тенгиман.

— Йўғ-э, — деди Мансур ака мулзамланиб. — Жиддий идора ходимсиз, қандоқ одамми тили боради? Чойхонада эмасмиз-ку. Расмий бўлаверсин, Тўражон Мирзаевич, — қўшиб қўйди Мансур ака, такаллуфни жичча ошириб юборганини ўзи фаҳмлаб.

— Майли, ихтиёрингиз, — деб Мирзаев папирос чекди.

Гапни нимадан бошлашни чамалаяпти, деб ўйлади Мансур ака, ҳозир ёрилади. Айтадиганини тезроқ айтса бўларди, вақт тигиз, ижрокўмга бориб, битта оилага биз бошпана берамиз, дейиши керак, қримликлар қақир-қуқурини бирон жойга туширишларидан аввал, кейин даҳмаза бўлади.

— Чақиртирган экансизлар... — деди Мансур ака тоқатсизланиб.

— Таклиф қилганмиз, — деди Мирзаев.

«Таклиф қилишганмиш, — истехзо билан ўйлади Мансур ака, — зиёфатга таклиф қилишади, бунақа жойга чақиртиришади. Таклиф қилинганда, хоҳламасанг бормай қўяверасан, мунақа идорага келмай кўр-чи, зинғиллатиб опкелишади. Соқчи — конвой билан. Таклифмиш...»

— Хизмат? — мулоим жилмайиб Мансур ака сўради.

— Қанақа хизмат, Мансур ака? — деди Мирзаев ўзини

мулзам бўлгандек кўрсатиб. — Шунчаки, ёрдамингиз керак. Маслаҳатингиз.

— Жон устига, Тўражон Мирзаевич, — деди Мансур ака ҳам, тайёрлигини билдириб, бироқ ичида «ёрдам, маслаҳат» сўзлари остида қанақа маъно бўлиши мумкинлигини фараз қилиб, эти жимирлаб кетди. Албатта, мактаб директори бўлгач, ўқитувчилар, талабалар томонидан бирон ноҳўя қилмишга йўл қўйилганда, Мансур акани огоҳ қилишлари тушунарли. Аммо ким айб қилган бўлиши мумкин? Қанақа айб? Қолаверса, айб содир бўлипти, ҳай, адабини бериш қочмас. Нега унда хунук воқеани олдини олиш, бартараф қилиш милиция ташкилоти қолиб, бу сиёсий бўлим томонидан амалга оширилиши керак? — Масала мактаб ходимлари билан боғлиқми, Тўражон Мирзаевич? Биронта ўқитувчи...

Шу пайт хонадаги осойишталикни бузиб, столдаги телефон жиринглади, ҳадикда ўтирган Мансур ака чўчиб тушди.

— Алё! — деди Мирзаев, дархол телефон дастасини қулоғига босиб ва кимнингдир овозини эшитгач, шу ондаёқ қиёфаси ўзгарди — ҳозиргина мулойим юз-кўзи бир зумда жиддий ва диққатли тус олди, бутун эътибори дунёда бошқа нарса йўқдек телефондаги овозга жамланди. — Эшитаман, — дея Мирзаев қолган гапга тик турган ҳолда қулоқ солди, чунки телефон кунига бир марта, ўн марта жирингласа ҳам, фақат Андижондаги бошқармадан бўлиши мумкин, бошқа бирон жой билан уланмаган, то ҳатто бу ердаги бўлим раҳбари, зарурат туғилганда ё девор тақиллатади, ё ўзи чиқади. — Худди шундай, — деди Мирзаев, бир оз телефондаги гапни диққат билан эшитгач, — Хўп. Бугун тайёр бўлади. Ҳм. Эртага етказамиз... Хайр! — дея Мирзаев телефон дастасини қўйиб, оғир юкдан кутулгандек, енгил хўрсинди. — Кечирасиз, Мансур ака, — деди Мирзаев, асли қиёфасига қайтиб, — гапимиз узилиб қолди.

— Ҳечқиси йўқ, зарур иш бўлганидан кейин... — деди Мансур ака андак талмовсираб.

— Эшитаман, давом этинг.

— Сухбатимиз мактаб билан боғлиқми, демокчи эдим.

— Нима десамикин, Мансур ака, — деди Мирзаев, хаёлини тўплашга уриниб. — Боғлиқ десаям бўлади.

Мансур ака савол назари билан Мирзаевга тикилиб қолди, яна юраги дукиллай бошлади.

— Мактабга ким шефлик қилади? Ёрдам маъносида, дейман.

— Колхоз-да, — деди Мансур ака, негадир енгил тортиб. — Ғузапоя бериб туради. Ёзги таътилда таъмирлашга қарашишди. Тахта, оҳак дегандек.

— Раиси ким? — сўради Мирзаев усмоқчилаб. Ғўё ўзи билмайдигандек.

— Қаюмжон-да, — деди Мансур ака дарҳол. — Урушдан ярадор бўлиб қайтган йигит. Раисликка баҳорда ўтувди.

— Учрашиб турасизларми?

— Албатта, — деди Мансур ака самимий. — Ишимиз тушиб туради. Қаюмжоннинг ўзиям маъноли йигит. Боши тўла ташвиш. Бултур сил бўлиб, хотини ўлиб кетди. Ёш эди, шўрлик. Ўғилчаси етим қолди. Кампири қарайди.

— Ўзи-чи?

— Қоронғида кетиб, қоронғида келади. Ишдан қўли бўшамайди. Онаси ҳам қариб қолган. Қулоғи оғир, кўзи ожиз.

— Хотини-чи?

— Ўлди, дедим-ку.

— Бошқа уйланмадимми?

— Уйладик, — деди Мансур ака, ичида шодланиб. — Бир болалик жувонга никоҳ қилиб бердик. Ҳозир ўша қараяпти. Ўзи муаллима, бизда ишлайди.

Мирзаев қимир этмай Мансур аканинг сўзларига қулок солар, хаёлида бошқа ўйлар терилар эди.

— Бу анову, Тошкентдан жўнатилган жувонми?

— Ҳа, ўша. Хонадонга келин бўлиб тушиши биланок уй чарогон бўлди-қолди. Қаюмжон ҳам хурсанд.

— Колхознинг ишлари қалай, Мансур ака? — деди Мирзаев, гапни керакли оқимга буриб ва жавоб кутмай, қўшиб қўйди: — Режани бажармапти-ку.

— Шунча жонбозлик кўрсатилди, — деди Мансур ака, дарров дили хижил бўлиб. — Бор куч ташланди. Мактаб болаларидан тортиб эмизадиган аёлларгача далага ҳайдалди. Барибир бўлмади, режа бажарилмади.

— Режа нотўғри туширилган, демоқчимисиз?

— Йўғ-э! — деди Мансур ака, дили зирқираб. — Ҳаво паст келди-да.

— Ҳаво паст келган бўлса, ёнма-ён турган бошқа хўжаликлар режани бажаришди-ку, — деди Мирзаев. — Шароит, иқлим, осмон битта. Режа микдори ҳам бошқалар-никидан баланд эмас, қайтага паст. Нега мунақа бўлди, деб ўйлайсиз?

— Қайдам, — деди Мансур ака танг аҳволда. — Қаюмжон тажрибасизлик қилдими, айта олмайман.

— Ҳаво пастлигини била туриб, пахта теримини кеч бошлапти. Бошқаларнинг режаси ўн фоизга етганда, Қаюмжоннинг колхози бир кило ҳам пахта топширмапти. Бунга нима важ топиш мумкин, Мансур ака?

Пахта яхши очилса, етиб оламан, деган-да.

— Яхши очилган пахта ёмғирда қолса, нима бўлишлигини билмаганми Қаюмжон?

— Билмаган бўлиши мумкин, — деди Мансур ака гулгулага тушиб. — Ўтиб кетар, деб ўйлаган-да.

— Шунақа ўйлаш бутун онгли ҳаёти пахта даласида ўтган йигит учун кечириб бўладиган хатоми? — Мирзаевнинг гапларида қатъийлик пайдо бўлганини Мансур ака пайқади. Бу айбномани эслатувчи даъво эди. Мансур ака ўзини бу хатога алоқадордек сезиб, бир қадар саросимага тушди. — Ўзингиз ўйланг, Мансур ака, бу хато шунчаки тасодифми, бепарволик оқибатими ёки жиддийроқ нарсами? Нима?

— Режани бажармаган бошқа хўжаликлар ҳам борку, Тўражон Мирзаевич, — деди Мансур ака баҳона ахтариб.

— Тарафини оляпсизми, Мансур ака? Кўриб-билиб туриб-а?

— Нега тарафини олар эканман, Тўражон Мирзаевич, — дея ўзининг ҳимоясига ўтди Мансур ака. — Холис гапни айтяпман-да.

— Холис гап? — Мирзаев мийғида жилмайди. Майли. Мана қороз, холис фикрингизни ёзиб беринг, Мансур ака. Баённома кўшиб кўйилади.

— Баённома — Қаюмжон пахта терими якунига баришланган мажлисга кетганини, бир неча кун ўтишига қарамай, ҳанузгача Андижондан қайтмаганини, ундан домдарак йўқлигини Мансур ака билар эди, дилига даҳшатли тахминлар оралай бошлади. Демак, фараз қилди Мансур ака, Қаюмжонни ҳибсга олишган, энди уни қораловчи, тўғрироғи, айбини тасдиқловчи далиллар тўпланяпти, панд ейиши ҳеч гап эмас. Қанақа протокол?

— Мансур ака, деди Мирзаев, ўзини тутишга уриниб, — пахта лавлаги эмас. Аҳамияти нималигини ўзингиз биласиз. Атайлаб режани бажармаслик ҳазилмас. Ёзинг.

— Нимани ёзаман? — деди Мансур ака, тутакқандек бўлиб. — Бунга қанақа даҳлим бор? Унинг иши бўлак, меники бўлак. Тафсилотини билмайман. Мактабга алоқадор иш бўлса, майли, ёзиб бераман. Аммо колхоз муаммолари, режа — бу менинг ишим эмас.

— Дарвоқе, — деди Мирзаев совуққонлик билан, — мактабга ҳам гал келади.

— Бунга мактабнинг нима алоқаси бор? Мактаб бошқа, колхоз бошқа.

— Хато қиласиз, Мансур ака, алоқаси бор. Отаси халк душмани, деб айбланган бир унсурнинг қизи мактабингизда муаллимлик қилар эмиш. Шунни била туриб сиз унга иш бергансиз, болалар тарбиясини ўшанга топширгансиз. Бунни нима деб баҳолаш мумкин. Бу адашишми, сиёсий кўрликми ёки ғаразли мўлжалми? Хотини бўлгач, ўша кек сақлаб юрган жувон ўз таъсирини нафақат болаларга, ўз эрига ҳам ўтказиши мумкинлигини ҳисобдан чиқариб ташляпсиз, Мансур ака. Бунга жавоб беришга тўғри келади. Фарзандларингиз бор, хотинингиз касалманд, нега улар ҳақида ўйламайсиз, Мансур ака?

«Ё алҳазар! — лол қолди Мансур ака. — Ё парвардигор! Масалани шу қадар буриш, тус бериш! Ақл бовар қилмайди! Мўмин-мулойим қиёфага кириб, авради-я! Айбдорга чиқарди-қўйди-я! Жавоб беришга тўғри келади. дейди-я! Энди нима қиламан? Қанақа қилиб маломатдан кутуламан? Хонавайрон қилади-ку! Албатта, Қаюмжон пахта теримини кеч бошлади, ҳамма иллат шунда, ўн кун аввалроқ далага одам киритса, шунча гурбат ёғилмас эди. Ўзини ҳам абгор қилди, бошқаларни ҳам судради. Ойниса шубҳали жувон экан, нега хушёр турмадим? Нега зийраклик қилмадим? Нега Қаюмжоннинг гапига лаққа тушдим? Нега хотамтойлик қилдим?..»

— Хўш, Мансур ака, ёзамизми? — деди Мирзаев, гўдаклар билан гаплашгандек, ўзини ҳам қўшиб.

— Нимани ёзамиз, Тўражон? — сўради Мансур ака, зорланиб.

— Яна бошидан қайтарайми? Янги далиллар чиқиши мумкин.

— Қандоқ бўлади, Тўражон? Қаюмжон уруш ярадори. Ёш боласи бор. Онаси ожиз, неча кунлик умри қолган, худо билади. Гуноҳни қандай зиммамга оламан?

— Ёвузлик қилса майлими, Мансур ака?

— Қаюмжон менга ҳеч ким эмас...

— Сирдошингиз, — деди Мирзаев Мансур аканинг гапини қатъий бўлиб. — У сизни ҳам айнитиб қўйипти.

— Мен ёш бола эмасман, ўз маслагим бор.

— Нега унда химоя қиласиз уни? Тилингиз қисикми?

— Тилим қисик жойи йўқ. Пок одамга тухмат қилиш гуноҳ.

— Ҳеч ким сизни тухмат қилинг, деяётгани йўқ. Борини ёзиб берсангиз кифоя.

— Борини?

— Ҳа, борини. Пахта теримини атайлаб кеч бошлаганини, — деди Мирзаев, «атайлаб» сўзига урғу бериб, — далада пахта ёниб кетганини, режа бажарилмаганини, хотини халқ душманининг қизи эканини, эрига ўтказган таъсирини — ҳаммасини. Саводли одамсиз, Мансур ака, келиштириб ёзиш қўлингиздан келади. Адашганингизни айтсангиз, сизга умуман тегмасликлари мумкин. Ахир ҳақиқатан ҳам келиб чиқадиган мантиқ шу-ку, Мансур ака. Ё мен хато қиляпманми?

— Тўғри, — деди Мансур ака, бўлак нима дейишини билмай.

— Баракалла, Мансур ака, — деди Мирзаев, ясама шодланиб, — тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди! Қойил! Ёзинг энди. — Мирзаев қоғозни суриб, Мансур акага сиёҳдон билан ручка тутқазди. — Бир-икки бет бўлса етади, кўпини кўришга «уларнинг» вақти ҳам йўқ.

Мансур ака бир қўлидаги ручкага, бир оқ қоғозга тикилиб қолди.

— Буни Қаюмжонга кўрсатишадими? — аранг тилга кириб сўради Мансур ака.

— Агар суд Қаюмжонни айбсиз деб топса, бунақа қоғозларга эътибор ҳам бермайди. Ёзувингиз папкада қолиб кетаверади. Энди бу, нима деймиз, шунчаки номига қилинган нарса, расмиятчилик-да.

Мансур ака чуқур хўрсиниб, ёзишга киришди, бироқ биринчи сўзданоқ аллақандай ноаниқ, сунъий ва баланд-парвоз туюлди чоғи, Мансур ака жумлани чизиб ташлади.

— Чизиш-ўчириш мумкин эмас, — деди Мирзаев афсусланиб. Мансур ака савол назари билан Мирзаевга қаради. — Ўчирилган сўзлар остида қанақа маъно бор эди, деб шубҳа қилишади «улар».

Мирзаев жумласи чизилган варақни олиб, рижимлади ва бошқасини берди.

— Мана, асабийлашманг, ўзингизни босинг, — деди Мирзаев, Мансур аканинг бармоқлари титраётганини кўриб. — Ҳаммаси яхши бўлади.

Аммо бу варақ ҳам бузилди. Энди Мирзаев асабийлаша бошлади. Тоза варақ берди, бузилганини йиртиб, саватга ташлади.

Мансур ака қоғоз устида мункайиб, ёзувни нимадан бошлашни билмас, ручка ушлаган қўли қалтирар, вақт ўтиб

борар эди. Боя Мирзаев телефонда «Бугун тайёр бўлади», деб ваъда берувди, бунақа ивирсишда, иш кечгача ҳам тугамайди.

— Аввал мурожаат қиладиган ташкилот номини ёзиш керак, — деди Мирзаев ва анграйиб қараган Мансур ака ёнига ўтиб, столга энгашди, қоғозни ўзи томон суриб, қўлига қалам олди. — Биринчи жумлани ёзиб бераман, у ёғи осон кетади. Қалам билан ёзилган жойини резинка билан ўчириб ташлаймиз.

Бунақа машққа ўрганиб кетган Мирзаев, эпчиллик билан биринчи жумлани ёза бошлади.

— Думи бор, — деди Мансур ака, Мирзаевнинг ёзувидан кўзини узмай.

— Лаббай? — англамай сўради Мирзаев. — Қанақа дум?

— «Х» думли бўлади, — деди Мансур ака ночор жилмайиб.

— Ҳм, — деди Мирзаев, шундай оддий нарсани билмаганидан хижолат чекиб ва «х» ҳарфига «дум» қўйди. — Бунинг аҳамияти йўқ, бари бир ўчирилади. — Мирзаев жумладаги барча «х» ҳарфларига «дум» қўйиб чиқди.

— Пахта думсиз ёзилади, — ўқитувчи бўлгани учун Мансур ака яна аралашди ва чиройли терилган сўзларни кўриб, Мирзаевнинг хуснихатига баҳо берди.

Мансур ака ўта толиқиб, кўзлари қоронғилашиб, кўчага чиққанида, эрталабки аравалар йўқ, нариги томондаги юк машинаси бортидан кулоқчин кийган иккита киши лавлаги туширар, ҳаво ҳамон совук, изғиринли эди.

Кримликларни жойлагани олиб кетишган бўлса керак, деб ўйлади Мансур ака ва эрталаб биронта оилани олиш ташаббуси ҳозир у қадар жозибали туюлмади. Шундан ҳам бирон ишқал қидиришади, деган шубҳада олдинги ниятидан айний бошлади, бироқ келгиндиларнинг ночор аҳволи кўз ўнгида гавдаланиб, Мансур аканинг усиз ҳам тилка-пора қалби баттар озорланди, ичи ачишди. Яна битта ташвиш орттириш энди унчалик оғир мусибат бўлиб туюлмади. Ақалли битта оилани барбодликдан сақлаб қолиш савоб-ку. Оддий инсоний мурувват, ғамхўрлик — холос. Мансур ака ўзини шу йўсиндаги шаштга иқроп қилиш учун атайлаб дилини кемираётган хаёлларни четга суришга, бир дақиқа ҳам ҳаловат бермаётган шум, аламли кечинмаларни ҳайдашга, чалғитишга уринди, бироқ билар эди, энди, бундан буён ғам-ғусса кучайса кучаяди, аримайди, қалбини ўртагани-ўртаган. Мансур ака чуқур, аламли хўрсиниб, ижроқўм томон юрди, юрагини чулраган

дардан бари бир фориғ бўла қолмади. Муродига етди, деб ўйлади Мансур ака Мирзаев ҳақида, авради, кўйига солди, ниятига эришди. Қоғоз қўлида, энди Мансур акани ўйинчок ўрнида ўйнатади, мақомига йўрғалатади, энди Мансур ака доим унинг тузоғида, типирчилагани билан қўлидан нима ҳам келарди. Аммо урмади, сўкмади, майин гаплашди. Қарилигини андиша қилди, чоғи. Биронта зах хонага ташлаб дўппослашса, қўл-оёғини қайиришса, омбур билан тишини суғуришса, майиб қилишса, додини кимга айтарди Мансур ака? Барибир ёзиб берарди. Қийнов, азоб нималарга қодир эмас. Қанчаларни буккан. Юришипти қанчалар лом-мим демай, қамокдан, сургундан омон қолганликларига шукр қилиб. Мени у алпозга солишмади-ку, бошим бутун қутулиб чиқдим-ку. Шунисигаям раҳмат. Ўжарлик қилсам — кетардим отам кўрмаган жойларга. У ёқлардан ўлигим ҳам қайтиб келмасди. Мен-ку, майли, ошимни ошадим, ёшимни яшадим, ўлиб кетсам — пешонамдан. Лекин фарзандларим, хотиним, невараларим — касримга қолишарди, бошларига тушган маломатни мендан кўришарди. Ахир «уларга» шунақа айбнома ҳужжат керак экан, барибир кимдандир олишарди. Балки улар ўз туҳматини меникидан ҳам жирканч қилиб ёзиб берармиди. Мен-ку меъёрида ёздим, ҳатто жабрдийдага қайишгандек бўлдим. Балки айб ҳам қўйилмас, кечирешар. Ахир режани бажармаган қанчадан-қанча хўжаликлар бор, ҳаммасини айблашадими, қамашадими, сургун қилишадими? Қанча миришкор, ишни кўзини билган, тажрибали, суяги пахтада қотган одамлар жиноятга тортилса, хўжаликларга ким раҳбарлик қилади? Ким ерга қарайди? Халқни ким боқади? Шу нарсаларни ўйлашар ахир. Арзимаган хато, адашиш учун қамалиб кетаверса, одам қоладими? Мирзаев айтганида туриб олиб, Мансур акани анча эсанкиратиб қўйди, ёзишга кистамаса бўлар эди. Тўғри, унинг тепасидаям начальниклари бор, балки улар талаб қилишгандир. Бу шўрлик бажармаса бўладими? Бажармаса, шу заҳотиёқ амалидан кетади. «Улар» қанақа топшириқ беришса — яхшими, ёмонми — Мирзаев қайишмай буйруқни адо этиши керак-да. Сиёсат, ҳаёт тарзи шунақа. Буйруқ муҳокама қилиниши керак эмас. Буйруқ — буйруқда. Бажарилиши шарт. Шунга биноан Мирзаевга ўхшаганлар ҳисобига сиёсат қарор топади. Айбланадиган одам устидан кўрсатма тушдими — вассалом, уни оқлаб ҳам бўлмайди, яхши одам деб ёзиб берсанг, эътиборга олишмайди. Қисмати ҳал бўлди, деявер. Балки Қаюмжоннинг айбидан ўтишар, нима бўлмасин, уруш қатнашчиси, ярадор, инвалид. Бу йил

адашибди, тажрибаси етишмабди, келаси йил хатоларини англаб, бўлакча иш тутар, зийракроқ бўлар.

Мансур ака шу каби хаёлларга борар экан, бу хаёллар шунчаки ўзини юпатиш, алдаш, оқлаш, таскин ахтаришдан бўлак нарсалар эмаслигини қанақадир яширин онги билан сезар, бундай қараганда, оддий хиёнат эканини эътироф қилар, виждон овозини бўғишга интилиш бўлиб, бу икки, бири бирини инкор қилувчи, зид тугён олишувиди дили баттар азиятланар, бедаво дард эди. Қанақа тўн кийдирилмасин, қандай тус берилмасин, не-не оқловчи сабаб ва далиллардан тиргович изламасин, аслида — хиёнат ва хоинлик, ҳеч қанақа ниқоб, пардоз шафқатсиз ҳақиқат юзини тўса олмас, худди соядек — ўчириб ҳам, қириб ҳам, чопиб ҳам бўлмайди. Сояни йўқ қилишнинг ягона усули — сояга ўтиш. Ёки тиш оғриғидек, чораси — суғуриб ташлаш ёки чидаш. Иккиси ҳам азобли. Суғуриб ташласа, бир зумда дарддан қутулади, аммо оғриғи ёмон, бардош бериш қийин. Демак, бирдан-бир йўли — оғриққа чидаш. Бироқ бу оғриқ қачонгача давом этаркин? Қачон тўхтаркин? Умуман, тўхтармикин? Ёки бу дард бир умрликмикин? Мансур ака ақлдан озаётгандек бўлди, ғала-ғовурдан тетиклашди. Ҳушига келиб қараса, мактаби олдида турипти. Мактаб қаердан пайдо бўлди? Ижрокўмга кетаётган эди-ку. Қачон, қаерда Мансур ака йўлидан бурилди? Эслай олмади. Бир дам гангиб турди. Секин-аста атрофидаги манзара яққоллаша бошлади. Совуқдан шумшайган дарахтлар, шамолдан эгилаётган қамиш попуклари, физғизон... Мансур ака бир чақиримча йўл юриб қўйипти... Наҳот ҳеч ким учрамади? Мансур акани кўплар танийди. Балки салом беришган бўлишса ҳам, ўзи билан ўзи олишиб келаётган Мансур ака пайқамаган бўлиши мумкин, шунча масофада ҳеч ким учрамай, саломлашмай ўтармиди. Қўнғироқ чалиниб, Мансур акани яна ҳушига қайтарди. Охирги дарсга чалинган қўнғироқ тиниши билан ғала-ғовур ҳам пасая бошлади. Еттинчи синфда дарси бор эди. Мансур ака ҳеч қачон қанда қилмас эди, ўқитувчилар ҳайрон бўлишгандир. Мактабга кириш керак, интизом бузилмасин. Бугун, албатта, истисно — важи бўлса-да. Кимга важини айтади? Аслини айтиб бўлмайди, ёлғон айтишга тўғри келади. Мансур ака касбдошларини ҳеч қачон алдамаган. Индамай қўя қолади. Ким тергар эди? Кимдир — ўқувчими, муаллимми? — мактабга келмай, баҳона рўқач қилса, Мансур ака таъкиб қилмайди, чунки мактаб совуқ, баъзан ташқари илик бўлганда ҳам одам ичкарида жунжикади. Аёзли кунларни

айтмаса ҳам бўлади. Ўқувчилар қўлларини қўлтиқларидан олгиси келмайди, қўйниларида сақламаса, сиёҳдон музлаб қолади. Темир бочкаларда гулхан ёқишади, рўзапоя бемалол. Лекин иссиғи бирпаслик, ҳатто шифти бўлмаган синфда иссиқ турармиди? Тутун босади, кўзни ачитади — турган-битгани дахмаза.

Мансур ака мактабга киришдан айний бошлади. Бўлиб ўтган воқеа гўё юзида ёзилгандек, ошкор қилишдан ҳайикди. Аммо — худо кўрсатмасин! — ёзувни Қаюмжон ўқиган бўлса, оқланиб қайтиб келса — тамом-вассалом. Қаюмжон фаросатли инсон, замон қанақалигини яхши билади, қай вазиятда ва қандай усуллар натижасида гувоҳ-иқрорнома ёзилганлигига ақли етади, етади-ю, бир умр юрагида нимадир тугилиб қолади, биронта ҳаракат — тавба-тазарру, ўқиниш, афсус, ёзғириш — ҳеч қанақа важ тугунни ечиб юбора олмайди. Юрасан пана-панада, одамлардан яшириниб, озорланувчи киши билан учрашишдан бир умр хавотирланиб, чўчиб, истиҳола қилиб. Кейин бир кунмас бир кун ўлиб кетасан беному нишон. Тобутингни кўтариш учун келишга ҳам одамлар ҳазар қилади. Ундан кўра Қаюмжон жазолангани ҳам маъқул. Қозон ёпиклигича қолаверади, ҳеч ким билмайди, шубҳаям қилмайди. Шубҳа-шубҳа-ку, ўзининг виждоничи? Унга қандай чап бериб бўлади? Шубҳа қилувчилар кўчада, қайғу, ғам-ғусса, ҳасрат ўзининг ичида-ку. Уни қандай тийиб бўлади? Доим кемиргани-кемирган. Бедаво дард. Унда-мунда учрашиб, ҳасратлашиб турадиган одами Қаюмжон, хотини Ойниса эди. Энди нима деб у эшикка боради Мансур ака? Қандай остонасини ҳатлаб ўтади? Агар борса, ўзини билмаганга соладими, уй эгасини хатарга равона қилиб? Рўпарасида ширин-чучмал сўзлар билан авраб ўтирган одам ўғлининг, эрининг, отасининг хоини эканлигини билишмайди ҳам. Ахир у хонадонга бормай қўйса, йўқламаса, ажабланишмайдими? Қаюмжон қамоққа олинганидан кейин оёғини тортди, гап-сўз бўлмасин, мангаям шубҳа билан қарашмасин, касрига қолмай, деб қўрқяпти, деган хаёлга боришмайдими? Бироқ бунақа андишаларни суриб ташлаб борса-да, ўзини қандай тутиши керак? Муғомбирлик қилишга тўғри келадими? Ё бўлган бор гапни оқизмай-томизмай айтсинми? Орани очик қилсинми? Юқдан бўшанганми? Бўшанишга бўшанади-ку, гап тарқалиб, Мансур аканинг қилмишлари оғиздан оғизга ўтгудек бўлса, қандай бош кўтариб юради? Ойнисани бир четгами, кабинетигами чақириб, юрагидагини фош қилсинмикин? Бунақа маломатлар жувоннинг бошига кўл

тушган, вазият нақадар қалтислигини тушунади. Ота боласи устидан, бола отаси устидан, хиёнат ёзишга мажбур бўлиб юрган бир пайтда Мансур аканинг айби айб эмас, қистов оқибати, пўписа самараси. Бунақа тадбирлар манман деган метин иродадиларни синдирыпти. Агар, айтайлик, — ўйида давом этиб, фараз қилди Мансур ака, — шунақа синов Қаюмжоннинг бошига тушса, у бас келармиди? Қаршилиқ кўрсатишга, бўйсунмасликка бардоши етармиди? Етарди, деб ким кафолат бера олади? Ҳамманинг ўз жони, бола-чақаси, она-отаси, оиласи бор, балодан, офатдан асраш, мушкулни бартараф қилишга уриниш — табиий туйғу. Фақат одамни бундай даҳшатли синов гирдобига ташлаш — ҳеч қанақа далил билан оқлаб бўлмайдиган ёвузлик. Кимга керак бунақа синов эвазига сақланадиган осойишталик? Ахир бу мутлақо осойишталик эмас, ўз халқининг дилида тубан хислатларни уйғотиш ҳисобига ўрнатиладиган маром, хиёнат тадбир-ку.

Худди сири фoш бўлиб қоладигандек, уйига ҳам Мансур аканинг оёғи тортмади, бирон оғилхонагами, кўприкнинг тагигами, пастқам жойгами бориб яширингиси келди, аммо бу чора ожизлик аломати эканини англаб, Мансур ака одим ташлади. Қаёққа кетяпти, нима мақсадда кетяпти, буни ўзи ҳам билмас, фарқи йўқ эди. Мансур ака кўчанинг бир у томонига, бир бу томонига ўтар, баъзан тўсатдан тўхтар, худди узугини тушириб қўйган одамдек, кўзини ердан узмас, ўткинчилар саломига ҳам тузуккина алик қайтармасди.

Қаюмжон мажлисга кетганидан Мансур аканинг хабари бор эди, эртасига мактабга боргач, Ойнисадан суриштирди ва Қаюмжон Андижондан қайтиб келмаганини билиб, алланечук бўлиб кетди. Мирзаев қисталанг қилгани бежиз эмас экан-да. Агарки Қаюмжон қайтиб келмапти, ҳойнаҳой уни ушлаб қолишган, демак иш чатоқ. Ахтариш, суриштиришнинг ҳам фойдаси йўқ. Устига-устак Мансур ака унинг устидан иғво ёзиб берган бўлса, нима важ билан қидиради? Ягона чораси — кутиш, бир-икки кунда ҳамма нарса аниқлашади. Икки кун ўтди, бир ҳафта ўтди. Қаюмжондан дарак бўлмади. Унинг устига Тўрақул акани колхозга раис қилиб тайинлашди. Энди Қаюмжоннинг қайтиши гумон. Мансур ака аниқроқ билиш учун Қаюмжоннинг ҳовлисига борди. Қаюмжоннинг олти яшар ўғли ошхона олдидаги тўнкада теша билан маккапоя чопар эди, Мансур ака ховлига кирмай, остонадан болани имлади. Ичкаридан қизчанинг инграши эшитилар эди.

Алижон тешани ташлаб, бери келди. Мансур ака чўнтагидан тўртта туршак чиқариб, болага берди.

— Даданг келдими? — ҳар эҳтимол сўради Мансур ака, туршакни нима қилишни билмай турган боладан.

— Йўқ, — деди Алижон ва гап кутмай, орқасига бурилди.

— Тўхта, — деди Мансур ака. — Аянг нега ишга бормади? Касалми?

Алижон елкасини қисди.

— Чақир.

— Йўқ. Кетган, — деди Алижон, — Жамила йиғляпти.

— Нега?

— Аямга бораман, деяпти.

— Аяси қаёқда?

Алижон яна елка қисди.

— Уйда йўқми?

— Йўқ, — деди Алижон. — Келмади. Жамила йиғляпти.

— Қаёқдан келмади?

— Кетувди-да кеча, — деди бола, Мансур аканинг тушунмаслигидан тажанг бўлиб.

— Кетувди? — бола томон эгилиб сўради Мансур ака. — Қайтиб келмадимми?

— Йўқ, — деди Алижон ва орқасига қайрилиб кета бошлади. Мансур ака боланинг орқасидан ҳовлига кирди.

Жамиланинг йиғиси бир тинар, бир авж олар, кампир нимадир деб қизчани юпатишга тиришар, аммо Жамила кампирнинг гапларига парво қилмагандек, баттар гиншир эди.

— Ассалому алайкум, — деди Мансур ака ичкарига кириб. Қаяумжоннинг онаси сандал ёнида ўтирар, нариги томондаги кўрпачада Жамила дим тушиб ётар эди, нотаниш овозни эшитиб, бошини кўтарди. Кўзлари жикқа ёш, қовоғи шишиб кетган, бўлак ҳеч ким йўқ эди. Кампир овозни таниб, эшик томонга нурсиз кўзларини тикди.

— Сизмисиз, айланай?

— Менман, эна, — деди Мансур ака.

— Хайрият, келинг, — деди кампир дарҳол. — Бирор кўшнини юборайми деб турувдим, айланай. Келганингиз яхши бўлди, ўтиринг.

— Эна, мен бирров... — деди Мансур ака ҳадиксираб. — Хабар олай, деб келдим. Нима гап, тинчликми, эна?

— Билмасам, айланай, — деди кампир зорланиб. — Укангиз кетганига бир ҳафтадан ошди, дараги йўқ. Кеча эртаминан билгани Ойнисахон ҳам кетувди, қайтиб келмади. Кечаси ўзимиз ётдик. Боласини ҳеч овута олмаяпмиз. Нима бўлди экан, айланай? Балки сиз биларсиз?

— Каёққа кетувди, эна? — деди Мансур ака жавобдан қочиб.

— Андижонга, девди. Нега ҳаяллашди экан, айланай?

— Бирон сабаби бордир-да, эна, — мавҳум деди Мансур ака, — суриштирайлик-чи, хабари чиқиб қолар. Билсам, келиб айтаман. Рўзғор қалай? Ейдиган нарса-парса борми?

— Алижон билади, — деди кампир. Чой-пойга ўша қараяпти. Мен рўзғорга қарай олмайман, айланай, биласиз, кўзим ожиз. Йиқилиб тушсам, буларга дахмаза бўламан.

— Бугун ҳам кутайлик-чи, — деди Мансур ака, масала қанақа эканини билса-да, ортиқча саросима кўтармаслик учун. — Ўзгариш бўлмаса, суриштирамиз. Мен Ойнисахон билан бирга ишлайдиган муаллим аёлларга айтаман, иссиқ-совуғингизлардан хабар олиб туришади.

— Манаву қизча овунса, ўзимиз бир амаллардик, ҳеч кўнмаяпти, топиб берасан аямни, дейди. Мени иложим нимага етарди, айланай?

Бирпасга жимиган Жамила латта кўғирчоғини гижимлар, титкилар, қовоғи остидан бир кампирга, бир Мансур акага хўмрайиб қарар, яна йиғлаб юборишга тайёр эди.

— Жамила, жон қизим, ҳадеб хархаша қилавермагин-да, — деди Мансур ака қизчага, — ҳали-замон аянг келади, атала пишириб беради, бўптими?

Жамила турқини ўзгартирмай, кўғирчоқни титкилашда давом этди.

Мансур ака хайрлашиб, чиқиб кетди. Оёқлари зилдек, тиззалари қалтирар, кўнгли беҳуш, ер чайқалгандек бўлар эди. Ҳамма нарса тахмин ва гумонларидан ҳам баттар бўлиб чикди, кўзига дунё ағдар-тўнтар кўринар, бекиниб олишга бирон гўша йўқ, бутун борлиқ зулматга чўмгандек эди.

Мансур ака, қанча йўл босганини билмай, Мирзаевнинг эшиги олдига келиб қолганини пайқади. Ўз иши билан йўлакда юрган икки-уч ходим Мансур акага эътибор бермади ҳам. Мирзаевнинг эшиги ёпик, ичкаридан шарпа эшитилмас, Мансур ака эса гангиб келишга келди-ю, энди Мирзаевга учрашса, нима дейишини билмай, ағрайиб қолди. Мансур ака шу алфозда қанча турганини ҳам англамади, фақат эшик очилиб, рўпарасида Мирзаевнинг қулоқчин кийган гуваладек калласи кўринганида ҳушига келди.

— Ие, Мансур ака, — деди қулоқчин кийган калла, ажабланиб, — келинг, хизмат.

— Бу нима қилганингиз?! — аранг тили калимага келиб, ўшқирди Мансур ака.

— Нима қилипман? — гўё тушунмагандек сўради Мирзаев. — Тинчликми?

— Тагин, «тинчликми?» деб сўрайсиз! Сиз учун — тинчлик. Қилар ишни қилиб бўлдингиз. Хотиржамсиз! Буйруқ бажарилди! Энди навбатдагисини бажаришга киришиш керак, а?! Буйруқ бўлса бас! Пўстини букмай ясайсиз!

Мирзаевнинг усиз ҳам қонсиз захил юзи гезариб кетди.

— Кириг ичкарига, — деди у жаҳлини босиб. — Йўлакда айтишиш ноқулай. Одамлар юрипти. Кириг.

Мирзаев четланиб йўл берди, бироқ Мансур ака, бор захрини сочиб бўлгандек, энди ичкарига киришни ортиқча, деб ҳисоблади.

— Кириг, Мансур ака, — деди Мирзаев кўзлари ғазабини яшира олмаса-да, овозига мулойим оҳанг бериб. — Марҳамат.

Мансур ака, андак иккиланиб тургач, остона ҳатлаб, ичкарига кирди. Мирзаев эшикни ёпиб, ўтирадиган жойига ўтиши билан, дарҳол аламини олгиси келди, бироқ катта жанжал кўтарилиши мумкинлигини ўйлаб, расмий қиёфага кирди. У, шубҳасиз, Қаюмжоннинг устидан ўн дақиқалик суд ўтказилиб, эллик саккизинчи модданинг тўққизинчи бандига биноан айбланиб, Сибирга сургун қилинганлигини, шу модданинг ўнинчи банди хотини Ойнисага қўйилганини билар, аммо қанақа жазо — қамоқми, сургунми — бундан хабари йўқ эди. Ҳойнаҳой чол ҳозир билган бўлса, жанжални шундан бошлайди, деб ўйлади ва тахмини хато чиқмади. Эшик олдида ғазабдан дағ-дағ титраб турган Мансур акага «ўтириг», деб Мирзаев жой ҳам кўрсатмади, ҳечқиси йўқ, тураверсин, қаерга келганини, ким билан олишаётганини билиб қўйсин, мулойим бўлиб қолади. Қанақа қайсар букилмаслар букилишган бу ерда — босмачилар билан уруш қилган командирлардан тортиб, бой-бадавлат, сўзини бермайдиган, манман деган мулкдорларгача. Қанчадан-қанчаси отилиб кетди, қанчадан-қанчаси оила-поиласи билан Украинага сургун қилинди, қанчалари Сибирда. Ҳарбий куч, милиция, қурол ва айниқса қонун айбловчи қўлида бўлганидан кейин, улар ниманинг ҳам урдасидан чиқишар эди? Бир кун қаршилиқ кўрсатади, икки кун бўйсунмайди, учинчи кунига синади, ўз айбига ўзи иқрор бўлади, ўз жазосига ўзи қўл қўйиб беради. Қийнов азобига бардош бериш қийин, бардош берадигани йўқ, биттаси ҳам чидамайди. Мансур ака, албатта, майин, мулоҳазали одам, саводли, оқни қорадан фарқ қилади, зиёли.

Барча зиёли каби бу ҳам бир чўқишда оёғи осмондан келади. Ҳали чўқилгани йўқ-да, шунинг учун ҳам қайтаряпти, типирчилаяпти. Кўрамиз, қайсарлиги қаергача бораркин.

— Эрталаб бинойидек хайрлашиб чиқиб кетувдингиз, — деди Мирзаев ётиги билан, нима бўлди? Нега осмондан келяпсиз, Мансур ака?

— Хотини қани?! — деди Мансур ака, ҳамон ховуридан туша олмай. Ойниса? Униям тузоққа туширипсизлар-ку!

— Ўзи бориб, оқизмай-томизмай айтипти-ку, — деди Мирзаев. Тузоққа ўзи бориб илинипти-ку.

— Эри бедарак йўқ бўлиб кетганидан кейин бормай бўладими? — деди Мансур ака, ёзгириб. — Эрим қани, деса, сен ҳам гумдон бўл, деб камоққа олиш керакми? Айтинг!

— Бориши керакмас эди, Мансур ака, — деди Мирзаев, ўзини куйинчак қилиб кўрсатиб. — Арининг уясини титкилаб нима қиларди? Мана оқибати. Ўтиравермайдими уйда миқ этмай, ёнида болалари билан бир бурда нонни баҳам кўриб. Эҳ, одамлар, одамлар. Замон қанақалигини кўриб туришипти-ку. Унинг устига закон сўқипти, тийиб қўядиган идоралар бор, деб пўписа қилипти. Билмайдики, ўзининг оғзи қон. Ақалли бу ерга келиб, додини айтмайдими?.. Босди-босди қилардик, кўзини очардик. Энди тамом, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди, ожизмиз, — деди Мирзаев изтироб чеккандек бўлиб ва бугунги норозиликни бас қилиш учун қўшиб қўйди: — Айтинг-айтинг, сизга энди ўқрайишмасин. Шунча пайт ёш авлодни тарбиялаш муассасасида муаллимлик қилипти, нега ишга олинди, нега сўрашмади, ким ишга қабул қилди, деган кераксиз саволлар туғилгудек бўлса, калтак кимнинг бошида синади, ўзингиз яхши биласиз, Мансур ака. Ёқубованинг ҳужжатлари бизда, бизни ҳам тергов қилишади. Умуман, тумандан рухсатсиз чиқиб кетишининг ўзи жиноят. Буни Ёқубова яхши билади. Шу модда қўлланса кифоя, бошқа айбларини ҳисобга олмаса ҳам, жавобгарликка тортиш учун асос етарли, — дея Мирзаев, аразлагандек ручкани столга ташлади ва «Беломор» кутисидан папирос олиб чекди. — Тартибни бузиш, ўрнатилган қоидага риоя қилмаслик — бу адашиш ёки ҳато эмас, онгли тарзда қарши иш тутиш, деб баҳоланади. Билмаса, майли, тушунтирилади, аммо саводли одам бўла туриб, акс ҳаракат қилса — буни нима дейиш керак? Атайин амалга оширилган ёки оширишга уринилган тадбир эмасми? Айниқса саводли одамлар бундай ишга қўл уришса, кечирилмайди.

Мансур ака худди безорилик қилган мактаб ўқувчисидек

хона ўртасида қаққайиб турар, Мирзаев келтирган далиллар олдида ўзини ожиз сезар, бирон нарса деб эътироз билдиришга дадил сабаб топа олмас эди.

«Бир чўкишда тайёр бўлди, — деб ўйлади Мирзаев мамнун тарзда, Мансур аканинг аҳволини кўриб. — Буларнинг аксарияти шунақа. Ёниб-тошиб келишади, битта пуркаш билан совушади-қолишади. Узр ҳам сўрашади».

— Бўлар иш бўлди, Мансур ака, — деди Мирзаев фамхўрлик кўрсатган бўлиб, ўзингизни аянг, ёш йигит эмассиз, шулар деб қолган умрингиз азоб-уқубатда ўтса, адолатдан бўладими. Сизга ким улар? Нега мунча жиғибийрон бўлаверасиз?

— Ифво қилдим, укам, қандоқ яшайман? — деди Мансур ака ва ўзини тута олмай пиқ-пиқ йиғлай бошлади. — Сағирлар қақшаб қолишди. Нима дейман уларга?.. Ҳаётим дўзахга айланди, худо кечирсаям, ўзим кечирмайман. Мениям биргўр қилинлар, укам, кўзимга дунё коронғу. Мунақа яшашдан кўра ўлганим маъқул. Мен энди мурдаман. Тирик мурдаман.

Сариқ касал, яъни медицина тили билан айтганда, эпидгепатит даволаётган докторнинг айтиши бўйича зарарли касал экан, Гулсум опанинг эътирозига қарамай, уни юқумли касалликлар клиникасига ётқизишга мажбур бўлишди, акс ҳолда касал бошқаларга ўтиши мумкин экан. Юқишнинг олдини олиш мақсадида бу хонадонда яшовчиларнинг ҳаммаси — ҳатто Озода ҳам, хизматда юрган Холида билан унинг онаси Замира хола ҳам — текширувдан ўтиб, касал тарқалмаслиги учун керакли доридармон билан таъминланишди. Тихир онасини шифохонага ётишга кўндириш вазифаси Муқаддасга тушди Гулсум опа қизидан бўлак ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмас, Муқаддас эса чопқиллай бошлаган қизчаси бу дардга чалинишини истамас, шунинг учун докторнинг тавсиясини тез амалга оширишга киришди ва икки кунда онасини кўндирди. Мана, Гулсум опа касалхонага ётганига бир ойга яқинлашиб қолди. Гулсум опанинг касали бир енгиллашади, бир зўраяди, хасталик аришига ҳеч ким, ҳатто даволаётган доктор ҳам тайин бирон нарса дея олмайди, дардни ўтказиб юборгансизлар, аммо умид бор, дейди. Шунга қарамай, Муқаддас Замира холанинг гапига кириб, бит топтирди, бунақа нарса у пайтларда сероб эди, битни майиз ичига жойлаб, онасига ичирди, бироқ бундан фойда бўлганини Муқаддас сезмади.

Муқаддас онасидан хабар олиш учун деярли кунора

касалхонага қатнайди, аммо муассаса юқумли бўлгани учун, фақат олиб борган нарсаларини қабул қилишади, ўзини ичкарига киритишмайди, Муқаддас тақиқ чорасига қаршилиқ ҳам кўрсатмайди, пул воситаси ёки шифохона ҳарбийлар қарамоғида бўлгани учун эрининг таниш-билишлари кўмагини ҳам ахтармайди. Онасидан хабар олишга бориш Муқаддас учун ҳатто кўнгиллирок: фронтдан келган трофея кийимчалар билан қизчасини безайди, ўзи ҳам башанг кийинади, пардоз-андоз қилади, уй-рўзгорини Замира хола билан Холидага ташлаб, касалдан хабар олиш баҳонаси билан кўчага чиқиб кетади. Аслида чиройли нарса, ўзига оро берганидан кейин, Муқаддас чўғдек бўлади-қолади, йигитлар у ёқда турсин, ҳатто аёллар ҳам бир кўрса яна қарагиси келади; кўчадагиларнинг назарига тушмаслик учун Муқаддас қизчаси билан касалхонага фойтонда етиб олиб, Маматни қўйиб юборади, онасининг аҳволидан хабар олгач, парҳезли таом, мева-чева солинган тугунни топшириб, шаҳар айланишни бошлайди: истироҳат боғларига, Анҳор бўйларига, циркка, кинога киришади, музқаймоқ ейишади, ҳатто хиёбон четидаги скамейкада ўтириб, чарчаган қизчасини тиззаларида ухлатади, баъзи пайтларда, яқин бўлса, Ҳошимжоннинг олдига ҳам киради. Озодага жажжи ўйинчок, шоколадли конфет, Муқаддасга арзигули совға топилади, ялтироқ тақинчокми, чиройли шишадаги атирми, духоба — албатта бирон нарса тегади. Бироқ ҳар гал Ҳошимжон Озодани эркалатганида, бу ҳаракат Муқаддасга эриш туюлади, Муқаддас негадир қизчасини эридан қизғангандек бўлади, ҳатто онасини «ойи» дейиши ҳам вализ кўринади. Бу нима, ичида ўйлади Муқаддас, муғомбирликми? Шунча воқеалар бўлиб ўтди, Муқаддас қорни билинмаса ҳам, ҳомиладор аҳволда Ҳошимжонга никоҳ қилиб берилди. Озода турилди, Ўлмаснинг жанжаллари, Муқаддасни олиб чиқиб кетгани, урушдан қайтгач, ҳарбий идорага дарров учрамагани учун Ўлмасни соқчи кўмагида чақиртириб, зарурат бўлмасида, мажбуран даволаниш учун Чирчиқ госпиталига жўнатилиши, Муқаддаснинг ўзи Чирчиққа бориб келгани, у ерда Ўлмас билан учрашгани, ҳатто тап тортмай, бу ҳақда Ҳошимжонга айтгани — наҳот шу нарсаларни эри билмаса, билиб туриб билмасликка олса, қизғанмаса, рашк қилмаса, гаши келмаса? Бу қанақа одам ўзи? Ёки бефаросат, анқов, молтабиат нарсами? Ҳайвон ҳам ўз жуфтини қизғанани, бошқаларини йўлатмайди, қўриқлайди. Ахир одам-ку эри, йигит-ку. Нега мунақа журъатсиз? Ўз ғурурини химоя

қилмайди, жанжал кўтармайди? Олишса, ўз тегиши учун курашса, хатто алоқани шарт-шурт узиб-уришиб, уйдан чиқиб кетса, Муқаддас эрини кўпроқ хурмат қилган, ундан маълум даражада чўчидиган, андиша қиладиган бўлармиди? Нега шунақа эмас? Балки муғомбирдир? Балки пайт пойлаётгандир? Вақти келиб, ҳамма хўрланишлари бадалига ўч олиш ниятида юргандир? Йигит нарса, кўрпа остига кириб, ёнма-ён ётганида ҳам дадилроқ ҳаракат қилмайди. Муқаддас бирон баҳона топиб, эрининг қўлини тийса, индамай ётаверади, маҳкам ушламайди, остига босмайди, таслим қилмайди. Ёки силаб-нетиб, эркалатиб эритмайди, хотинининг жуфтликка майл пайтини сезмайди ҳам. Шунақа кезларда Муқаддас беихтиёр эрини Ўлмас билан, унинг жўшқин, қайноқ эҳтироси билан таққослай бошлайди ва бундай солиштиришдан ўзи ҳам уялгандек бўлади. Ҳошимжон ким ўзи? Қанақа одам? Нега ҳеч кими йўқ? Ота-онаси дунёдан ўтган бўлса, тоға-амакилари, амма-холалари, жиянлари бордир-ку. Нега ҳеч ким бу йигитдан хабар олмайди? Нега истаб-суриштириб, ўзи бормайди? Улар ҳақида гапирмайди, эсга олмайди? Дўстлари борми, йўқми, Муқаддас билмайди. Ҳарбийдаги ҳамкасблари, офицерларни айтмаса, бўлак ҳеч ким бу билан ўртоқлик тутиниб, бири бирини йўқлаганини Муқаддас билмайди. Маърака, худойи ёки бирон чақириқ бўлса, маҳалла қариялари, таниш-тутушлар келади, ўзи ҳам шунақа маросимларга боради, аммо йигит кишининг биронта сирдош дўсти бўлиши керак-ку. Ёки этта-бетта бордир-ку, Ҳошимжон эп кўрмай, бу уйга йўлатмас, рўзгорини кўрсатиш ёки меҳмонга айтишни муносиб кўрмас. Шунчаки кўча-кўйда учрашиб, бир соат-ярим соат мириқишар, ахир баъзан ширакайф ҳолда келиб, бир зумда уйқуга кетади-ку. Балки маржаси ҳам бордир. Бунақа ўзига тўқ, пухта йигитларга қанча қиз-жувонлар илакишишади. Муқаддас қатган билсин, балки топган-тутганининг мўмайгина қисми ўша томонга оқаётгандир. Майли, окса оқаверсин, Муқаддаснинг қўзи тўқ, зикна эмас, молу дунё билан бахтли бўлиш мумкин бўлганида, Муқаддас бахтли бўларди. Ота-онадан икки фарзанд, бир қизу бир ўғил эди, буям кемтик бўлди, якка Муқаддаснинг ўзи қолди. Анову Захро деб отаси ўз ўғлини ўлимга юборди, у шўрлик ҳам бахт нималигини синамай ўлди-кетди душманлар ўқидан. Ахир ўшани қизми-жувонми севибди-ку, бошқа ҳеч ким кўзига кўринмапти-ку, нега отаси ўз айтганида туриб олди, нега ўз фарзандини қақшатди? Ўғлининг кўнглига қараса — майли, у қиз номуносиб

экан — бир кунмас бир кун меъдасига тегармиди, ўзи омон қолармиди? Яна биттасига уйланармиди? Одамга мулкка қарагандек бўлишнинг оқибати доим шунақа. Қанча-қанча одамлар бебахт. Мана ўзи-чи, Ўлмас-чи? Севишган икки қалб дарбадар. Битта одамнинг зўғуми билан шунча одамнинг тақдири яксон бўлди. Энди Ўлмаснинг қисмати нима кечаркин? Қанақа маломатларга солишмасин, у ҳеч қачон Муқаддасдан кечмайди, албатта яна пайдо бўлади, яна чанг солади. Қани энди Ҳошимжон биронта маржага илакишса-ю, шуни баҳона қилиб, Муқаддас ундан қутулса. Аммо Ҳошимжон шунақаки, унга биронта эътироз ҳам билдириб бўлмайди. Фариштадек бегуноҳ, маржага юриш қаёқда.

* * *

Ҳарбий қисм тоғ этагида жойлашган, Чимён томонидан эсадиган шамол баъзан кучайганида, ҳатто қўлни ҳам чайқалтиради, аммо бу ерларга келганида, кучи камайиб, тинимсиз, роҳатбахш шабадага айланади.

Ўлмас икки-уч йил аввал экилган дарахтлар остига қўйилган скамейкаларнинг бирида ўтириб, хаёлга берилишини, онасими, Муқаддасми кўргани келишса, шу ерда суҳбатлашишни хуш кўради. Ундан ташқари госпиталнинг юришга қодир беморлари ҳам шу ерда тўпланишади, кимдир шахмат суради, кимдир карта ўйнайди, латифалар айтишиб хахолашишади, чой-пой ичишади, вақтни ўтказишади. Буларнинг деярли ҳаммаси урушга Ўзбекистондан кетиб, ярадор бўлиб қайтишган, бири оёқдан, бири елкадан, яна бири қорнидан ўқ еган ярадорлар бўлиб, биринчи тиббий ёрдамни олгач, бу томонларга эшелонларда жўнатилишган. Ҳарбий госпитал бўлгани учун тартиб ҳам ҳарбийча: олтита-еттита бўлиб, бир хонада ётишади, юрадиганлари бир пайтда туришади, бир ошхонада овқатланишади, маълум вақтда дам олишади.

Тўртинчи палатада ётадиган малла соч, ўнг кўзи бинт билан боғланган йигит охири пайтда Ўлмас билан иноқлашиб, тамакисидан берадиган, шахмат ўйнайдиган, узоқ-узоқ ҳар мавзуда суҳбатлашадиган, Ўлмасни ҳам очик фикрлашга тортадиган бўлиб қолди. Кунлардан бир куни Ўлмасни алоҳида, деразасига панжара ўрнатилган кичик бир хонага ўтказиб, эшикни қулфлаб қўйишди. Нимқоронғи хонада матрас тўшалган темир каравотдан бошқа ҳеч нарса йўқ, овқатни олиб кириб беришади, хожатхонага соқчи эмагида чиқаришади, қайтиб келгач, эшикни яна қулфлаб

қўйишади. Ўлмас эса нима бўлаётганини, нима қилиб қўйганини асло тушунмайди, норозилик қилса, шошма, бирикки кундан кейин ҳамма нарса аниқлашади, ҳозирча буйруқ шунақа, сени алоҳида сақлашимиз керак экан, дейишади.

Ростдан ҳам икки кун ўтгач, форма кийган, погониди иккита юлдузи бор офицер келиб, Ўлмасни алоҳида, кафель ёпиштирилган оппоқ хонага олиб чиқишди, у ердаги ягона стол ёнида нотаниш лейтенант ҳарбий фуражкасини стол четига қўйиб ўтирар, жингалак, малла сочи ҳурпайган, тер босган пешонасида фуражкасининг қизил изи қолган, мовий кўзлари чарчаган кўринар эди.

Лейтенант соқчига имо қилди ва соқчи йўлакка чиқиб, эшикни ёпгач, расмий овоз билан «ўтиринг», деди. Ўлмас столнинг бериги томонидаги стулга ўтирди.

— Қалай, — деди лейтенант рус тилида, — тузалапсизми?

— Тузалапман, — деди Ўлмас, гап қаёққа оришини гумон қилиб, — фақат жавоб беришмаяпти. Хонага қамаб қўйишди. Нима, мен айбдорманми?

— Шунини билиш учун мени юборишди, — деди лейтенант ва қўлини столдаги папкага қўйди. — Фамилиянғиз, исминғиз?

— Сатторов Ўлмас.

— Хизмат қилган қисминғиз?

Ўлмас айтди.

— Қаерда ярадор бўлгансиз?

— Белорусияда.

— Қанақа шикоятинғиз бор, нимадан норозисиз?

— Шикоятим йўқ.

— Нега бўлмаса, уйдирма, армияни қораловчи миш-мишларни тарқатиб юрипсиз?

— Уйдирма? Миш-миш? Қанақа миш-миш?

— Мана бу ерда ёзилган, — дея лейтенант папка ичидан варақа олиб кўрсатди. — Бир объектни олишда немислар юзта аскар йўқотишса, бизникилар мингталаб ҳалок бўлади, деган эмишсиз. Жангчиларимиз тўп-тўп бўлиб душманга таслим тушишяпти, депсиз.

— Мен мунақа деганим йўқ. Ўзи айтди.

— Ким «ўзи» деганинғиз?

— Остапчук, ўнг кўзи касал солдат. Ўша ёзиб берган. Гаплар ҳам ўшандан чиққан.

— Ўшандан чиққан бўлса, нега дарҳол хабар қилмадингиз?

— Унақа одатим йўқ, — деди Ўлмас қатъий.

— Демак, кимдир ўзи хизмат ўтаган армияга иғво қилса, сиз индамай кетаверишингиз керакми?

Ўлмас индамади.

— Гапиринг.

Ўлмас ўйланиб қолди.

— Қўшинларимиз ёвни тор-мор қилиб, мамлакат чегарасидан суриб ташлаган бир пайтда, илғор отрядларимиз Польша, Чехословакияни озод қилиб, Германия территориясига яқинлашиб қолган бир вазиятда, олқишлаш ўрнига, мунақа гапларни тарқатиш — жосуслик, — деди лейтенант, мутлақо ғазаб аломатини сездирмай. — Хоинлик.

— Мен мунақа гапларни тарқатганим йўқ, — иккиланмай деди Ўлмас.

— Тарқатмаган бўлсангиз, ким шуни тасдиқлай олади? — сўради лейтенант. — Гувоҳингиз борми?

— Гап мендан чиққанига сизда гувоҳ борми? — қолишмай сўради Ўлмас.

— Мана гувоҳ! — лейтенант папка устида ётган қоғозга бармоғини қадади.

— Бу гувоҳ эмас, бу — иғво, — деди Ўлмас зарда билан. — Агар мен хабар берганимда, иғвочи мен бўлар эдим.

— Йўқ нарсани бор қилиб кўрсатган одам тухматчи, деб ҳисобланади, иғво ҳисобланади. Келтирилган гаплар орангизда бўлиб ўтганини инкор қила олмайсиз-ку.

— Яна қайтараман: гап Остапчукдан чиққан.

— Остапчук сиздан чиққан, деяпти. Акси бўлса, марҳамат, исбот қилинг.

— Учинчи одам суҳбатимизда иштирок этганида, исбот қилиш мумкин бўлар эди, аммо гап пайтида икковимиз — Остапчук ва мен эдим. Қандай исбот қиламан? — деди Ўлмас куйиниб. — Аслида Остапчук ғараз билан айтмади, шунчаки, валдиради, холос.

— Қайдам, қайдам, — деди терговчи лейтенант. — Майли, мен сиз ёки Остапчук айбдор, демоқчи эмасман. Эшитганларимни ёзиб бераман, у ёғи судга боғлиқ. Қандай қарор чиқаришни маъқул топса, шуни чиқараверади. Конвой! — дея терговчи қоғозни папкага солди. Эшик очилиб соқчи кирди. — Олиб чиқинг!

Жигари ҳаддан ташқари шишиб кетган Гулсум опанинг бутун танаси заъфарон бўлиб, шунча шифо кор қилмади. Заҳарланган қонни ўзгартиришди, томирлари орқали янгисини қуйишди, етарли миқдорда дори-дармон беришди — дард чекинмади, сўнгги пайтда эмлаш учун томирини

топишга ҳам ҳамширалар қийналадиган бўлиб қолишди. Дорисининг таъсири ўтиши билан оғриқ кучаяди, Гулсум опа алаҳсиб, дод дейди, яна дори юборишади, бемор тинчиб, яна уйқуга кетади, уйқуга кетмаса ғалати, муаллақ — кайфли ҳолатга тушади, аммо онгининг қайси бир хужайраси Гулсум опанинг аҳволи оғир экани, ризку насибаси тугагани ҳақида огоҳ берар, опа: «Уйимга олиб кетинглар, уйимда ўлай», таранг қилар эди. Шифокорлар ҳам аёлнинг вақт-соати тугаб бораётганини билишар, аммо шу ерда ўлса, атрофдагиларга юқмаслиги учун жасадни махсус дорилар билан бехатар қилиш ниятида эдилар, бироқ Муқаддас ҳам, Ҳошимжон ҳам рози бўлишмади, Гулсум опанинг жони шу ерда узилса, танани кесишади, яна нимадир қилишади, ўлган устига тепган бўлади, одамлар нима дейишади? Шундоқ эрка, таманно, кўнгли нозик, ҳаромдан ҳазар қиладиган аёл эди, кесдириб олиб келишди-я, дейишади. Йўқ, жони чиқмай туриб, уйга етказиш керак. Нима бўлса, ўшатта бўлсин. Омонатини худо уйда олсин.

Дорилар зўри билан илиниб турган Гулсум опа уйига олиб борилган кун кечаси дунёдан ўтди. Эртаси куни пешинга тобут кўтарилди. Дабдаба билан кўмилди. Еттиси, йигирмаси, қирқи ҳам ўтди. Ҳайхотдек хонадонда — бир пайтлар одам аримайдиган, отаси, онаси, укаси билан гавжум уйда Муқаддас танҳо қолди. Албатта эри, қизи, Замира хола билан Холида бор, аммо ота-онанинг йўриғи бўлакда. Ақалли Масъуд ўлмаса бўлар эди, катта рўзғорга ўзи бошчилик қилар эди.

Муқаддас мункайиб ҳовлидаги сўри четиди соатлаб ўтирар, хаёт лоқайд кўринар, фақат Озоданинг бижиллаши, қикир-қикир кулгиси, жарангли овози Муқаддасни чалғитар, ҳушёр қилар, яшашга, хушнудликка ундар, бундай кезларда яхшиям Озода дунёга келганидан, яхшиям алам устида бирон қалтис ҳаракат билан болақайни нобуд қилиб қўймаганидан кўнгли таскин топар, ҳатто бахтли ҳис қилар эди. Фақат Ҳошимжоннинг юрар-турари Муқаддаснинг вашига тегар, айниқса қайнота-қайнонаси дунёдан ўтишгандан кейин, озодликка чиққандек, андак сурбет бўлиб кўриниши, Холида билан Замира хола у ёқда турсин, баъзида Муқаддасга ҳам — энди у эътироз билдира олмайдигандек — дағалроқ муомала қилиши, кекқайиши, таом шўр бўлипти, шунча масаллик тушсаям таъми йўқ, касалхона овқатига ўхшайди, деб димор ўгириши, шу билан «қарамапсан» маъносида хотинидан норози бўлиши, уни камситишга, оёғидан тортиб ерга қўйишга ўхшаш ҳаракатлари Муқаддаснинг фигонини чиқарар, бусиз

ҳам кўришга кўзи йўқ Муқаддас бир марта ютар, икки марта чидар, охирида тарс ёрилар, «Ҳамиша жон деб еб келаётган овқатингиз энди ёқмай қолдимми?» майлида эрининг нозик жойига ништар уришга уринар, эрининг гўлдираб қолишини кўргач, ич-ичидан мамнун бўлар эди. Умуман, Ҳошимжон хотинининг кўзида «ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ» бўлиб, ўринсиз камситишга учрайверишдан азият чекар, она-отаси ўлсаям, ёлғиз ўзи қолсаям, тақдирга тан бермаслиги, эрини писанд қилмаслиги, айниқса сўнгги пайтларда умуман совиб кетиши, ҳафталаб-ойлаб онасининг хонасида қизи билан ётиб юриши, сезиларли тарзда ўзгара бошлагани Ҳошимжонни бир ўйлантирар, бир ғазабини кўзғар, шундай бўлса-да, Ҳошимжон хотинига дадилроқ бир нарсая дея олмас, бобиллаб беришидан чўчир, индамай чидар эди. Ҳошимжоннинг бир-икки «исёни» мағлубият билан тугади, энди Ҳошимжон хотинини исканжага олиши учун ё қаттикроқ туриши, ё бўлак майинроқ усул қўллаши, ё чидаши, ўзини билмаганга олиши, оила ишларига аралашмаслиги керак. Аммо қандай аралашмасдан бўлади? Унақада Муқаддас умуман эрининг бошига ўтириб олади, тумшугидан ип ўтказиб, хоҳлаган томонига буради. Расмий жихатдан, албатта, Муқаддас уй бекаси, бору йўқ мол-мулк, ер-жой уники, Ҳошимжон шунча топиш-тутишларига қарамай, атиги «ичкучёв», «келгинди», «етим бола». Бирон нарсага даъво қилишга ҳам тили бормайди. Яхшиям Кўкчадан жой сотиб олган экан, ҳам бориб қурилиш қандай кетаётганидан хабар олиб туради, ҳам алламаҳалгача ўшатда қолиб, тунда бу уйга қайтади, совук кўрпага ўраниб, бир ўзи уйқуга кетади, уйқуга кетмаган пайтларида, оғир хаёлларга берилиб, тонггача мижжа қоқмай чиқади, эрта туриб, ишига жўнайди. Икки-уч кун кўринишмаса ҳам хотини суриштирмайди, гўё бу хонадонда Ҳошимжон йўқдек. Муқаддас тумтайгани-тумтайган, Озода ҳам нари-берида юради, отасига талпинадиган бўлса, онаси шу захотиёқ йўлини тўсади, яқинлаштирмайди. Балки Чирчиқдаги можародан хабари бордир? Машина тўхтатса, бир соатга қолмай етади, бориб келаётгандир. Ҳошимжон қаттан билиб ўтирипти, бориб келиши уч соатлик йўл. Кетди жазмани Қорақалпоққа гумдон бўлиб. Муқаддаснинг алами шундан, албатта. Ҳечқиси йўқ, кўниб кетади. Бормайди-ку истаб-қидириб Қорақалпоққа, «Борса келмас», деб бекор айтилмаган-ку. Тап тортмай айтди-я Чирчиққа бориб келганини. Андиша қилмади. Майли, арқонни узун ташлаб кўйиш керак, бошқа сирлари ҳам бир кунмас-бир кун очилади. Ўзи оғзидан тугилади. Ана ўшанда Ҳошимжон

Муқаддаснинг ҳиқилдоғидан олади, айтадиганини айтади, типирчилаб қолади хотини. Керак бўлса, орани очиқ қилади, тамом. Ҳошимжон мухтож, қарам эмас, худога шукр, топиш-тутиши яхши, жойи бор, мана, томи ёпилди, тунука қоқилди, эшик-ром ўрнатилди, дарвоза қурилди, энди иморат бўёқдан чиқса, ялт этади-қолади. Янги экилган дарахтлар гулга кирди. Бино тўрт хонали, хайхотдек. Дахлизига юз киши сиғади. Юради Ҳошимжон бу таннознинг қош-қовоғига қараб? Муқаддас феълени ўзгартирмаса, ҳақиқатда Ҳошимжон орани очиқ қилади. Ўтиради Муқаддас бир ўзи бурчакжинни бўлиб, жазмани эса кетди. Энди изини ҳам топа олмайди. Бу ердаги мол-мулки, майли, қолаверсин, топиладиган нарса, ўзи савдо курсига жойлашиб олди, жаззаси пул, уч-тўрт йил деганда, қўлига гувоҳнома тегади, ҳарбийдан бўшатиб ҳам, беиш қолмайди, биронта базами, магазинми, ошхонами— қайсиси насиб қилса, ўшанисига ўтиб кетади. Ҳарбийдан бўшатибмаса, яна яхши, гувоҳномаси бор, дадил ишлайверади. Топган-тутганларини ими-жимиди янги уйига ташийди, жой катта, ертўлаларининг ўзига қанча нарса сиғади. Тузукрок, тагли-тугли бир оиланинг қизига одам қўйса, Ҳошимжонга жон деб беришади. Эндиги Ҳошимжон анову тегирмон гардини ялаб юрган малай бола эмас. Қанчадан-қанча одамлар бунинг қўлига қарам. Ўзини тутиб олган, бой-бадавлат йигит, уй-жойи данғиллама, бу ерга келин бўлиб тушган ожиза чўриликка ҳам рози бўлади, энди Ҳошимжон хотинининг қош-қовоғига, феъл-атворига, димоғига қараб ўтирмайди, қанақа танноз бўлмасин, гах деса, қўлига қўнадиган қилади, бир қадам измидан чиқармайди. У Ҳошимжоннинг қош-қовоғига қарайдиган, Ҳошимжоннинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлади. Эшикда кўриниши билан келин, шипиргисини ташлаб, эрининг истикболига чопади, қўлидагини олади, «Чарчамай келдингизми, дадаси?» — дейди, қўлига сув қуяди, сочиқ тутади, этигини тортади, чой дамлайди, пашшасини кўрийди; жилмаяди— кулади, эрининг ҳар қанақа хоҳишини бажаришга тайёр эканини ўз мутелиги билан ифода қилиб туради. Иссиқ овқат истайдиларми — марҳамат, дам еб турипти; бир-икки қадах ичкингиз келяптими— мана; этингиз жимирляптими — жон устига, ўрин тайёр — камина ожизалари доим тайёр. Ў-ў! Қанақа хузур! Қандай фароғат! Хуррамлик, фаровонлик!.. Раҳмат Муродхўжа акага, деди ичида Ҳошимжон, ўз хаёлларидан энтикиб, ўша одам мени ботқоқдан олиб, гулзорга қўйди. Шу одам бўлмаса, худо билади, ҳаётим нима кечар эди. Мунақа омад, тушинга кирса, ишонигга

қўрқасан киши. Одил амакисига ҳам раҳмат, ўша айтганда Ҳошимжон борлигини, ўша одамнинг маслаҳати билан Муродхўжа ака кўз остига олган-да. Аслида Ҳошимжон бир-икки марта Муродхўжа акани тегирмонга келганида кўрган, хўжайиннинг кўзига тушмаслик учун тўғонга чиқиб кетган, Муродхўжа ака йигитчага эътибор ҳам берган эмас, агар Одил амаки аралашмаса, Ҳошимжон борлиги аканинг хаёлига ҳам келмас эди. Тақдир экан-да, бир ҳафта ичида ҳаёти кескин ўзгарди-кетди, тўй бўлди, Ҳошимжон куёвтўраларга муносиб либосларга бурканди, ичкўёв бўлиб Муродхўжа аканинг хонадонига тушди, момикдек қизининг кўйнига кирди. Мундан аъло омад бўладими бир бенаво, етим бола учун?! Ҳошимжон қайнотасининг қабрига албатта мармартош ўрнатади. Одил найновга тегирмонни хат қилдириб беради. Майли, ўша тегирмондан келадиган даромадни ўзига колдирсин, бечора Одил амаки бир умр Ҳошимжондан миннатдор бўлади. Анчадан бери Ҳошимжон Одил амакисини кўргани йўқ, бир бориб, қарорини айтиши керак. У ёқ-бу ёқдан гаплашишса, тегирмончи ҳам хурсанд бўлади, ўзининг ҳам кўнгли ёзилади. Дилидаги гашликни очади, Муқаддас билан алоқаси совиганини айтади, уйдан чиқиб кетишга мажбур эканини, янги оила тузиш нияти борлигини маслаҳатлашади. Одил найнов ёмон йўлга солмайди, мулоҳазали одам.

Қайси бир куни ишдан бўшагач, бир неча кундан буён чала иморатининг бир хужрасида ётиб юрган Ҳошимжон мўрчада ювиниб кетиш учун йўл-йўлакай аввалги уйига кириб ўтди. Озода ҳовлида Холида билан копток ўйнар эди, Ҳошимжонга эътибор ҳам бермади. Ошхонадан Замира холанинг тақ-туқи эшитилар, Муқаддас онасининг хонасидаги хонтахта ёнида ўтириб, хат ўқир эди, эрини кўриб, қоғозини патнис тагига яширди.

— Нима у? — деди Ҳошимжон, пойгақда тўхтаб, Муқаддас пашшага қарагандек, беписанд назар билан эрига тикилди. — Патнис тагидаги, — деди Ҳошимжон, кўзи билан патнис тагидаги қоғозга ишора қилиб, — нима у?

Муқаддас индамай букланган варақни олиб, эрига узатди.

Ҳошимжон хатни очиб ўқиб чиқди ва пинагини бузмай варақни йиртиб ташлади. Муқаддас бир ловиллаб ўзини тутди — Ҳошимжон эр бўла туриб, шундай қилиши табиий эди. Хат Ўлмасники бўлиб, ёзилишига қараганда, бир ой чамаси олдин жўнатилган, хотини бир неча бор ўқиб чиққан, энди хотини Муқаддасга аллақандай йигит ёзғириб-

соғиниб хат ёзса, Ҳошимжон хурсанд бўлиши керакми? Албатта жаҳли чиқади-да.

— Ким у? — сўради Ҳошимжон, ўзини гўлликка солиб ва бу савол Муқаддасга ёқмади. Яна муғомбирлик қиляпти, ахир кимлигини билади-ку, нима қилади сохта ажабланиб?

— Биласиз-ку, — дея Муқаддас эридан кўзини олмади.

— Сўрашга ҳаққим борми, ахир? — деди Ҳошимжон, қия эшикни беркитиб.

— Йўқ! — қатъий, худди чопгандек деди Муқаддас.

— Нега? Нима учун?

— Чунки сиз унга иғво қилипсиз.

— Мен?! — яна сохта муғомбирлик қилди Ҳошимжон ва хотинининг ғазабини баттар оширди.

— Одам қўйгансиз, ғаламис ёллагансиз, — деди Муқаддас қаҳр билан. — Уни гумдон қилиш сиздан бошқа ҳеч кимга керак эмас. Урушдан ўқ еб келган бир одамга тухмат қилиш учун қанақа аблаҳ бўлиш керак? Урушдан ярадор бўлиб келди, икки кун уйда турмай, ҳарбий идорага судраб кетишди, ногиронлигини баҳона қилиб, мажбурий Чирчикдаги госпиталга жўнатишди, буям камлик қилганидек, иғво уюштиришиб, айб қўйишди, хиёнатчи деб Қорақалпоққа бадарға қилишди.

— Жўнатишган бўлса, менда нима айб? — деди Ҳошимжон, ясама ҳақоратланиб ва жаҳл билан чойгумни тепиб юборди. — Нега ҳамма нарсани менга тўнкайверасан? Комендатурага онанг равона қилган. Ҳамма билади. Шукур мўйловдан сўра, ишонмасанг.

— Ҳаммаси кирдикор, иғво, тухмат, ғаламислик! — деди Муқаддас ҳамон ўткир нигоҳини эридан узмай. — Онам жўнатган бўлса, қолганини сиз қилгансиз. Қорақалпоққа сургун қилиниши ҳам сизнинг найрангингиз. Фақат найрангни бировнинг қўли билан амалга оширгансиз. Бўлмаса, даволанишга кетган йигит шунақа маломатга тушадими? Ахир, унинг ишини трибуналда кўришипти-я! Бу қанақа ноҳақлик?! Шундан кейин айбим йўқ, дея оласизми?

— Сиз беайбмисиз? — ўшқириб деди Ҳошимжон, негадир «сиз»га ўтиб.

— Айб? — ханг-манг бўлиб сўради Муқаддас. — Ҳали менинг устимдан ҳам иғво тўпларсиз? Мени ҳам сургун қилдиарсиз? Қаматарсиз?

— Ҳеч ким сизни айбламоқчи эмас, — деди Ҳошимжон бўш келмай. — Қаматмоқчиям эмас! Фақат ўзингизни, ойимча, жуда оппоқ қилиб кўрсатаверманг. Сизнинг

найрангларингизни тарозига солса, унта фоҳишани босади. Ҳамма билади кўрсатган нағмаларингизни.

— Сиз ҳам биласизми?

— Бўлмаса-чи, биламан албатта.

— Қанақа нағмаларимни биласиз?

— Ҳаммасини!

— Масалан?

— Масалан, кўшни билан ўйнашиб, иккиқат бўлиб қолганингизни, қорнингизда икки ойлик хомила билан бошқа эрга текканингизни, мени ниқоб қилиб, айбингизни ёпганингизни, Озода ҳаром, бошқадан бўлган фарзандлигини...

— Билармидингиз? — ҳайратда сўради Муқаддас ва яна қайтарди: — Шуларнинг ҳаммасини билармидингиз?

— Билардим албатта!

— Била туриб, чидаб келдингизми?

— Кейин билдим, аввалига хабарим йўқ эди, — деди Ҳошимжон чекингиси келмай. — Фақат, мунча тез тўй ўтказилди, деб шубҳаланар эдим, кўзим кейин очилди.

— Кўзингиз кейин бўлсаям очилипти-ку, нега чидадингиз? Бирга ётиб келдингиз? Ахир бу йигит киши учун азоб-ку!

— Вақт ўтган эди, — деди Ҳошимжон бўлак далил топа олмай.

— Демак, хотинингизнинг кўнгли ҳамон бошқада эканини ҳам билиб келгансиз, шунақами?

— Шунақа.

— Нега жанжал кўтармадингиз бўлмаса? Мени аҳмоқ қилдиларинг, алдадиларинг, деб дод солмадингиз, этагингизни қоқиб, уйдан чиқиб кетмадингиз? Агар шундай қилганингизда, балки сизга нисбатан ҳурматим, меҳрим ошармиди, балки орқангиздан истаб борармидим? Нега? Нима учун дардингизни ютиб юрдингиз? Демак, мени кучоқлаганингизда, хаёлим бошқа одамдалигиниям билгансиз, билгансиз-у, нафратланиш ўрнига, ялпоқлангансиз, ширин сўзлар айтиб гўлдираб, мени ҳам, ўзингизни ҳам алдагансиз. Нега? Нима учун?

— Одат бўлиб қолган, кўникканман, ёмон хаёлларни ҳайдаганман. Адангизни кўзим қиймаган, шармандаликдан аяганман.

— Йўқ, — деди Муқаддас унинг лаблари билинар-билинемас титрар эди. — Сиз бақадек қавакда ётувдингиз, илиқ жой чиққанига, урушдан қолиш имконияти пайдо бўлганидан хурсанд бўлгансиз. Еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда. Ўз фарзанди жангда қон кечиб

юрган бир пайтда, сиз бу ерда шойи-бахмалларга бурканиб, тўқликдан кекириб ётгансиз. Мен, тентак, сизни ҳеч нарса билмайди, билиб қолса, нима бўларкин деб ҳадикда ғазабингиздан кўриқиб, сиз қаҳр қилишга қодир, деб баланд баҳо бериб юрган эканман, сиз шунчаки... — Муқаддас хўнграб йиғлаб юборишдан ўзини аранг тийиб, этагини гижимлади. «Яхшиям ўзимни олиб қочиб юрган эканман, — ўйлади жувон, — агар бўйимда бўлиб қолганида, нима қилар эдим? Шу бақадан бола туғармидим? Туғмай қаёққа борар эдим. Туғар эдим. Унда қийин бўлар эди. Таслим бўлишга, кўйига киришга, бир умр чидашга мажбур бўлар эдим. Яхшиям Озода нобуд бўлмаган экан, қизча ҳали ёш, яна турсам, иккита гўдакка қарай олмайман, деб галга солиб келдим, ҳамширалар маслаҳатидан фойдаландим, тутилмадим».

Ҳошимжон ташқарига чиқиб, чуқур хўрсинди. Аини пайтда бир неча йил ширин-осуда ҳаёти ўтган ҳовлига қарагиси ҳам келмади. Энди бу хонадон билан боғлиқ ҳамма орзулар чилпарчин бўлди, энди синган нарсани чегалашнинг ҳожати йўқ, ямалса ҳам, чоки қолади, бир ҳисобдан дарз кетган нарса бир кунмас-бир кун синиши керак эди, шу нарса бугун рўй бергани чакки бўлмади, қайтага хотини ўзининг даъво-дашномлари билан Ҳошимжон оёғидаги кишанни бўшатиб юборди, энди Ҳошимжон озод, ҳаммасига хотинининг ўзи айбдор — сабабчи бўлиб чиқади. Бу жиҳатдан Ҳошимжоннинг кўнгли тўқ, азобли кечинмалардан бир зумда қутулиб олди, энди у тоза, мусаффо. Янги турмушни ўйласа бўлаверади. Асл ҳаёт, завқли дамлар, ҳадиксиз кунлар энди бошланади. Янги иморат қурдираётганини сир сақлаб, маъқул иш тутган экан, акс ҳолда унинг ҳам мўмайдек қисми буларга, Муқаддас билан Озодага ўтган бўлар эди. Албатта, Муқаддас даъво қилмас, ўз улушини талаб билан ундирмас эди, Муқаддас бунақа нарсаларни назар-писанд қилмайдиган жувон, аммо қонун бўйича эр билан хотин ўртасидаги мулк баравар бўлиниши керак, бинобарин, иморатнинг қурилиши Ҳошимжон билан Муқаддаснинг никоҳ даврига тўғри келади. Ҳозир буларнинг аҳамияти ҳам йўқ, иморат борлигини ҳеч ким билмайди ҳам, билгунича қўйди-чиқди ҳужжатларини расмийлаштирилса — олам гулистон. Муҳими, Ҳошимжон тилда бўлсаям, Муқаддаснинг тазйиқи остидан эркинликка чиқиб олди, энди буларни боғлаб турадиган ҳеч қандай занжир йўқ. Занжир узилди. Ҳошимжон хоҳлаганини қилишига, ҳатто мана бу уй-жойнинг, никоҳ пайтида топилган мол-мулкнинг

маълум қисмини ҳам талаб қилишга қонуний ҳаққи бор. Аммо Ҳошимжон ҳозир бунақа талабларни рўқач қилмайди, низоли гаплар судда очилади, суд ҳам, шубҳасиз, Ҳошимжоннинг мулкӣ манфаатини ҳимоя қилади. Унда даъво Ҳошимжон эмас, суд томонидан чиққан бўлади— хамирдан қил суғургандек. Бунгаям, албатта, Муқаддас тихирлик қилмайди, аммо виждонан адолатли кўриниши учун суд қарори бўлгани маъқулрок.

Ҳошимжон бошини бир оз эгиб, кўча томон юрди.

Муқаддас шундагина юзини ёстиққа уриб, йиғлаб юборди ва йиғи аралаш қанақадир муҳим гапларни айтмаганини, барча нафрати айблаш билан чекланганини англаб, дили баттар зил кетди. Ўлмаснинг қамалиши, бадарға қилиниши ҳақида эри тайин бир нарса демади, ўзининг қўли борлигига иқрор бўлмади ҳам, инкор ҳам қилмади. Демак, оддий мантиқдан келиб чиқиб, Муқаддаснинг қилган шубҳалари маълум маънода ўринли чиқди, тасдиқланди. Нега Муқаддас шу далилга ёпишиб, талаб даъво қилмади? Нега асосий масала четда қолиб кетди? Ахир қилмиши учун жавоб бериш масъулиятдан эри осонгина қутулиб кетди-ку, масаланинг бундай осон кўчишига Муқаддаснинг ўзи сабабчи бўлди-ку. Гина-ёзғириш, айблаш билан Муқаддас нимага эришди? Ҳеч нарсага. Қайтага эрига йўл очиб берди. Ана, ўзини адолатсиз айбланган ҳисоблаб, эри уйдан чиқиб кетди, энди Муқаддас нима — орқасидан чопадими? Ёқасидан тутадими? «Ўлмасни ўзинг гумдон қилдинг, энди ўзинг бўшаттириб бер, бўлмаса уйга оёқ босмайсан!» — деб ўшқирадими? «Кўчада жанжал қиласанми, беҳаё?» — демайдими эри? — Ўлмасинг сенга керак экан, жазманингни ўзинг бўшаттириб ол, менга ёпишма, ориятсиз... « Уйга қадам босмайсан...» Шуям гапми? Босмасам босмайман, тегирмонимга бораман», дейди. Ҳошимжон, шундоқ тўкис йигит, кўчада қолармиди? Илади-кетади биронта манжалақи, бошпана — жой беради, тарайди-силайти, бағрини очади, аврайди, кейин соғиб ичади. Аслида бу хонадонга тушишига Ҳошимжон айбдор эмас-ку. Дадасининг ўзи уни топтирди, йиртиғига ямоқ қилди. Нима, Ҳошимжон, йўқ дейиши керакмиди? Ўлмас туфайли бўлган машмашадан умуман унинг хабари ҳам йўқ эди. Муносабат шу йўсин билан якунланишини олдиндан пайқаш мумкин эди, яна ҳам эрининг тоқати туфайли буларнинг ҳаёти шу кунгача чўзилиб келди. Энди бу ёғи нима бўлади? Нима бўлар эди, Ҳошимжон бирон ижара олиб, ўз кунини кўради, яна бирон уйга ичкуёв бўлиб қиради, бола-чақа орттиради, бу

турмушидан кутулиб олганига қайтага хурсанд бўлади, ўтмишини ёмон тушдек эслайди. Панд еганда, Муқаддас панд еди. Ота-онасидан, акасидан, Ўлмасдан, мана энди эридан ҳам жудо бўлди. Танҳо ўзи қолди. Яхшиямки Озода бор экан, шу билан овунади. Муқаддаснинг мактаби ҳам чала қолди. Дугоналари битириб кетишди, баъзилари ўқишни давом эттиришяпти, кўплари узатилиб кетишди. Муқаддас энди бирон техникумними ё бошқа бир ўқув юртига киришни ўйлаши керак, мактабга яна қатнаш — ноўрин. Икки яшар қизи бор, укаси тенги келадиган болалар билан бир партада ўтирадимми? Унинг устига ўз хонадонидан ўтган воқеаларни мактабдагилар шубҳасиз, эшитишган, ола қарашмаса ҳам, Муқаддас ўзини ноқулай сезади. Саккизинчи синфни битиргани ҳақида ҳужжат олади-да, бирон техникумга топширади, ўқийди. Озодага қарайдиган Холида бор, рўзгорни Замира хола эплайди, Муқаддас ўзини ўқишга беради. Техникумни тугатгач, институтга киради, билим билан шуғулланади, энди Муқаддасни тергайдиган, халақит берадиган биронта жон қолгани йўқ.

5

Баъзи станцияларда ўн соат-йигирма соат тўхтаб, эшелон ниҳоят манзилига етиб борди. Ойниса яшаган жойлардаги совуқни совуқ демаса ҳам бўлади. Қаҳратон шунақаки, панжарага олинган дераза ойналари барглари эслатувчи исқирт қиров билан қопланган, ташқарида ҳеч нарса кўринмайди, масофа узоқлашаётганини фақат совуқ кучайиб боришидан англаш мумкин. Ойналар дуд босгани учун кундуз кунлари ҳам оқшомга ўхшайди, тунлар узоқ, ҳожатхона поли аристонлар ахлати билан аралашган бир қарич муздан иборат, тешиги тўсилиб қолган, лом билан ҳам синдириб бўлмайди. Ойниса, устида нима бўлса, шу билан вагонга урилган. Андижонга ўз оёғи билан бориб, қўлга тушишини билмаган, шунинг учун на сочиқ, на пахталик бор унда. Яхшиям эрининг этиги билан шинелини кийиб олган экан, асқатяпти. Йиртиқ адёл, пахтаси муштлиниб қолган тўшак — бори шу. Гувалада ётгандек, тўлганиб чиқади. Бу-ку майли, уйқу зўр бўлса, одам сезмайди ҳам. Бу вазиятда ҳамма нарса муаммо, бирон қулайликка азоб билан ҳам эришиб бўлмайди. Иссиқ таом йўқ, нонуштага ҳам, тушликка ҳам, кечликка ҳам икки бурда қора нон, бир чакмоқ қанд, илиқ, рангсиз чой беришади. Ҳожатхонага кириб бўлмайди. Ҳамма жой тирбанд, жилиш қийин, одамларни босиб ўтиш керак. Биронта маҳбус қаттиқроқ

гапирса ёки кўпроқ йўталса, соқчи ўшқиради, кўндок билан уради. Шикоят қилса, баттар адабини беради. Шундок бўлса-да, Ойниса чидашга тайёр, фақат битта нарсага — болалари қаровсиз қолиб кетганига чидай олмайди; Жамила ҳали гўдак, ҳеч нарсага ақли етмайди, онаси ғойиб бўлиб қолганини нима деб ўйлаётганикин? Йиғлайвериб, шишиб кетгандир ҳойнахой. Кўзи ожиз кампирнинг қўлидан нима ҳам келар эди? Болани етаклаб, кўчага чиқа олмаса, қандмайиз ҳам йўқки юпатса, чалғитса; ягона чораси — аянг ҳали келади, болам, сабр қила тур, дейди-да. Бечоранинг ўзи бировнинг кўмагига муҳтож. Алижон-ку ўрил бола, кўчага алахсийди, ақли ҳам етадиган бўлиб қолган, Жамиласи нима қилади, ким унга мадад беради, овунтиради? Қақшабчинқириб ётгандир бечора. Кўни-қўшни, мактабдагилар, Мансур акалар, албатта, хабар олиб туришади, моддий жиҳатдан ҳам қўлларидан келганича ёрдам беришади, қаровсиз қолдиришмайди, бироқ қорин тўйгани билан, бир кун ҳам ажралмаган болага онасини қаттан топиб беришади? Нима деб овутади? Кампир омонат нарса, пўк этиб ўлиб қолса, болалар нима қилишади? Кимга мўлтирашади? Боласи билан атиги икки йил бирга яшашга ижозат беришса, майли, Ойниса икки, ҳатто уч муддат жазо ўташга ҳам рози бўларди. Икки йил ичида қизча, сал бўлса-да, ақли етадиган, оқ-қорани фарқ қиладиган ёшга кириб қолармиди? Энди нима бўлади? Болаларга қарашга кампирнинг соғлиғи ҳам, моддий имконияти ҳам йўқ — кир юва олмайди, ер чопиш, дон экиш, ўчоққа олов ёқиб жаз-буз қилиш, ҳатто гугурт чақиб, чирок пилигига тутиш ҳам қўлидан келмайди. Бу ишларни Алижон амаллайди, дастёр бўлиб қолди, энди унинг хархаша — ўжарлигини ким кўтаради, кўникишга мажбур бўлади, аммо кампир жон берса, болалар тақдири нима бўлади? Иккаловининг ёшини кўшса, аранг ўнга боради, ўтиришадими сандалнинг бир томонида мўлтираб, эшикка қараб, кўркиб? Кечалари ёлғиз қандок ухлашади? Ким уларни уйғотади, бир бурда нон беради?... Тавба. Ўзи нима бўляпти? Халқнинг бошига шунча азоб-уқубатлар, синов-айриликлар, ажал-қирғинлар солиш билан нимага эришишаркин? Албатта, кўрқитиб олишади. Аммо кўрқувда яшаган, дили-жони озорланган, ҳатто енг шимариб хизмат қилишга киришган халқнинг ихлоси ҳукуматдан қолади-қу, қанақа олди-қочди шиорлар ташламасин, шубҳа билан чўчиб қарайдиган бўлиб қолади-ку. Майли, бунақалар камчилик бўлсин, бироқ улар халқнинг фаросатли қисми, виждони. Улар ўтказилган зулми ҳеч қачон унутишмайди, кек

сақлаб индамай юраверишади, алами нафратга айланади, дилидаги қасос олови ҳеч қачон ўчмайди. Кўксини очган, инонган, талпинган одамнинг қалбига ханжар уришдек нарса. Ўз халқини бибурд шубҳалар билан чўккалатиш, манфур — мунофиқлик қилиш — бу ерда нимадир қинғир иш, қанақадир жосуслик оралаяпти, ҳокимиятни алдаш, бўлак ўзанга йўллаш нияти амалга ошириляпти, кимлардир бу вазиятдан фойдаланиб, амал орттиряпти, имтиёзга эга бўляпти. Албатта, бир кунмас-бир кун тавба-тазарру пайти келар ҳам, аммо унда кўплар қаро ерда ётган бўлади. Жавоб бер, дейдиган бирон инсон топилармикин?..

Эшелон ярим тунда бориб тўхтаган манзил темир йўлнинг охириги станцияси бўлиб, Таштагол, деб аталар экан. Ойниса бу атама Тошдагул деган маънони билдирса керак, деб фараз қилди, талаффуз ва мазмунан жондош бўлиб туюлгани учунми, бу ном Ойнисанинг қулоғига ёқимли эшитилди. Номи ёқимли, тошдагул ўсса, ўзи қанақа маконикин? Ҳозир қоронғи, ҳеч нарса кўриб бўлмайди, ҳаммаёқ қорга бурканиб ётипти. Бирида эркаклар, иккинчисида аёллар жойлашган икки вагонни четдаги изга киритиб кўйишди. Ортда қолган Чугуниш станцияси юқорисидаги лагерларга маҳбусларни олиб кетишлари керак, на машина, на арава йўқ, демак, ўн чақиримли масофага пиёда ҳайдашади. Нега ўша станцияда тушириб қолдиришмади, ноаниқ эди. Совуқ кучли, тун қаҳратонида лагерга етиб олгунча кўплар музлаб қолади, соқчилар ҳам совуққа чидай олмайди, эрталабгача кутишга қарор қилишди. Балки лагерь арава-парава юборар, юборишмаса, пиёда кетишади, аёз бўшашади. Бироқ эртасига аёз бўшашишига қарамай, йўл-йўлакай йигирмадан ортиқ нимжон маҳбуслар юра олмай қолишди, уларнинг қота бошлаган жасадларини йўл четига ташлаб кетишди. Ким уларни эплар, опичар эди, ўзлари аранг оёқ босишяпти. Соқчилар ўла қолса маҳбусга қайишмайди, судралувчилардан қутулишганидан хурсанд, ўзлари ҳам тўранинг тойидек, тиши тишига тегмайди.

Эркаклар колоннасини бир соат аввал жўнатишган эди, иккинчи колонна ярим соатга яқин йўл юргач, Ойниса тўда орасига тушиб қолганига шукр қилди, чунки йўлнинг иккала четига акашак бўлиб ётган маҳбуслар жасадини кўриб, бадани сесканиб кетди, кейин бу, иккинчи колонна одамлари ҳам бирин-кетин йиқила бошлаганини кўргач, ваҳимага тушди. Изғирин зўр, лагерга етиб олиш учун камида яна олти-етти чақирим юришлари керак, Ойниса шундагина аввал қамоқ азобини кўрган маҳбус аёллар

ўзини тўда орасига уриш сабабини тушунди. Тажрибасизлар колонна четиди, айниқса олдида кетувчилар тикандек изғирин хуружига бардош бериша олмас, биринчи бўлиб ўшалар қотар, йиқилар, уларни йўл четига чиқариб ташлар эдилар.

Колонна ҳожат учун тўхтаганида, баъзилар каттик тангилган камар-боғичларини совуқдан эпақага келмайдиган қўллари билан еча олишмас, қисток зўрлигидан иштонларига қилишар, шалаббо шим, лозим, иштон тезда музлар, юришга халал берар, ҳолдан тойдирар, этни ях билан исқанжага олар, охир-оқибат қулатар, аввалги қурбонлар қисматиға шерик қилар эди.

Колоннадагилар йиқилиб-туриб, эмакляб-судралиб лагерга етиб борганларида бир неча соат мобайнида уфқда сузадиган қуёшнинг қизил гардиши тоғлар ортида ғойиб бўла бошлади. Ҳориб чарчаган маҳбуслар оёқда тура олмас, аммо куласа, бўлак гавдаларини кўтара олмаслигидан кўрқиб, титраб-қалтираб, тик туришга уринишар, акс ҳолда бунақаларни ҳали жонлари чиқмай туриб, чуқурга итариб юборишлари мумкин эди. Шу алфоз ярим соатча туришгач, уларни дераза ойналари синган баракка киритишди. Бироқ баракнинг ичи ҳам ташқаридан фарқ қилмас, тешик деразалардан ураётган елвизак маҳбусларни узил-кесил акашак қилмоқчидек эди.

Ойниса оналик хужайраларини шамоллатиш ва шунинг натижасида ҳомиласини нобуд қилишдан кўрқиб, ҳожат учун ҳам ўтирмади, чидашга қарор қилди, баракка киргач, панароқ бурчакни топиб ўтирди.

Баҳор келди. Қишдаги қорни кўриб, Ойниса таажжубланган эди — шунча нарса эриси қаёққа кетади? Ҳаммаёқ сувга кўмилиб кетади-ку. Аммо бу ерларнинг қиши чекинишга, баҳори табиатни ишғол қилишга ошиқмайди: томдан — тарновдан осилган муз найзалари учида томчи йилтирайди, аввалига ҳорғин зарраларнинг чакиллаши тезлашади, қорда ҳосил бўлган ҳовончада биқирлайди, қорни чўктиради, кеч кира бошлаши билан музлайди, эртасига қуёш чиқса, яна чакиллаш, шаркираш машғулотини давом эттиради, апрелда тунги чакиллаши сусаяди, аммо тинмайди. Ҳаво яхши турса, қор эриб, ер сатҳини очади, майсалар билан қопланади, анвойи чечак — лолалар, ўтлар гуллайди, хиди димокни қитиклайди, асаларилар ғув-ғуви тинмайди. Лагерда ҳам дарахтлар кўп, таги майсазор, панжара ортидаги манзара жуда чиройли, бир чақирим нарида ўрмон қорайиб кўринади, узокдаги тоғ буткул қор

остида ётипти. Лагернинг ташқи томони — майса-ўтлар гуллаганда, дарахтлар кўкариб, соя ташлай бошлаганда, Ойниса ўша ёққа чиқиб кўкатларда ўтиргиси келади, бироқ лагердан чиқиши мумкин эмас. Вишкаларда куролланган пойлоқчилар туради, лагердан бир қадам нарига чиққудек бўлса, отади. Лагерда бемалол юрса ҳам майли, хидлар анқиб бошни айлантиради, шу ҳам кифоя, унинг устига беш ойлик ўғилчасини ташлаб кета олмайди ҳам. Боласи борлигини назарга олиб, маъмурият Ойнисани ҳаммомга тайинлаган. Кундуз кунлари гўдак Қажумжон ўша ҳаммомнинг қоронғи ҳужрасида ухлайди, Ойниса кир ювади, чойшаб-ғилофларга дазмол уради, гўлаҳлик қилади, ўтин ёради. Ўтин ҳаммомга ҳам, икки қаватли бино ичидаги тўртта-бешта печкага ҳам, ошхонага ҳам керак. Авваллари ўтин тайёрлаш учун ўрмонга аёллар юборилар эди, қайси бир гал кенглиги уч-тўрт чақирим келадиган ўрмон ортидаги лагерь махбуслари ўтинга борган аёлларга ҳужум қилиб, номусларига тегишган, аёлларни ҳам, соқчиларни ҳам битта қолдирмай пичоқлаб кетишган. Шу фожиядан кейин ўтин тайёрлаш мажбурияти ўша эркаклар лагеридаги учта махбус зиммасига юклатилган. Бири отга қарайди, арава ҳайдайди, иккитаси дарахт ардаради, шох-шабба чопади, гўла арралайди, аравага юклайди ва бу лагерь дарвозахонаси олдига олиб келиб туширади. Улар аёллар лагерига киришлари мумкин эмас, умуман бу лагерь аёллардан иборат бўлгани учун улар, айниқса, нариги лагерьдагилар аёллар билан учрашиш эмас, ҳатто панжара орқали гаплашишлари ҳам ман қилинган. Бироқ зона маъмурияти ҳаммомда чўмилиб кетиш учун лагерларнинг икки-учта амалдорларига рухсат беради. Бунақа кунда меҳмонлар учун махсус таом тайёрланади, ичкиликлар ҳозирланади, ҳаммом ичи тозалаб ювилади, уч-тўртта дўндиқ махбус қиз-жувонлар массагга ўхшаш «хизматлар» учун шай қилиб қўйилади, Ойнисага бошқа юмуш — чириган қарам, буришган сабзи, музлаган картошка, пучқоқ пиёз тозалаш — тўғраш юкланади, ҳаммомга қараш, меҳмонларни кутиб олиш билан боғлиқ тадбирларни лагерь мудираси ўзига олади. Ойнисага «бандерша» деб ном беришган бўлса-да, у бунақа нопок ишларга йўлиқтирилмаганидан жуда ҳам рози, у фақат «ҳаммом кунлари» умумий тартибга қарайди, ҳатто қиз-жувонлар орасида учраб турадиган нотабий майлларга йўл қўймаслиги керак, аммо Ойниса сезса ҳам пайқаманганга олади, чунки бу махбус аёллар орасида ҳар турлиси бор — ўғри, фар, қотил, нашаванд; улардан душман орттириш —

энг хавфли хато, чавақлаб кетишлари муқаррар. Ойнисани ҳаммомга қўйишганда, илиққина жой, меҳнати ҳам оғир эмас, Қаюмжон ёнимда бўлади, деб ўйлаб, хурсанд бўлувди, бу ишнинг тагида қанақа хатар борлигини кейин тушунди. Ойниса ўрнида аввал ишлаган иккита маҳбус аёл ҳозир лаҳатда ётганмиш, қанча текширув — тергов қилишмасин, ҳеч ким иқрор бўлмапти, ҳодисани ташқаридан девор ошиб тушган безорига тўнкаб, ишни ёпди-ёпди қилиб юборишган экан. Энг ёмони шуки, улар қасд олиш қўйига тушишса, шубҳасиз, Қаюмжонни йўқ қилишади. Эгасининг юз қарагани, ўғрининг бир қарагани, латта-путтага ўраб, бирон мағзавахонага ташлаб юборишса ёки юзига ёстиқ ташлаб қўйишса тамом, Ойниса ҳеч қачон исбот қила олмайди, қайтага боладан халос бўлиш учун ўзинг бир бало қилгансан, деб Ойнисанинг ўзига тўнкашади. Шунинг учун Ойниса боласидан нари кетмасликка, агар зудлик билан бажариладиган бирон иш буюришса, ҳамшира аёл Клавлага топшириб кетишга мажбур бўлади, шунда ҳам қайтиб келиб ўз кўзи билан боласини кўрмагунича кўнгли тинчимайди. Яна бир ярим йил бор, бир ярим йилдан кейин, ўрнатилган қоида бўйича, болани онасидан ажратиб, гўдаклар етимхонасига топширишади, она ўз муддатини тугатмагунча бола етимхонада сақланади. Икки ёшли бола, ҳали қошиққни ҳам тўғри ушлай олмайди, энагалар гўдакларга қанақа қараши маълум, ўзиники эмас, бегона-да. Ўзи эшитган, қанча-қанча болалар ҳар турли касалликларга чалиниб, шамоллаб ўлиб кетишар эмиш, она эътироз билдирса, даъво қилса, тиббий маълумотнома рўкач қилишар эмиш. Қўли осмонда, чирқиллаб қолаверади она шўрлик. Онаси азобда қолгани етмагандек, боласи ҳам қийновда, тирик етим. Ўлиб кетмаса, майли, бир кунини кўради, агар онасининг жазо муддати уч-тўрт йилда тугаса, жуда яхши, аммо ўн-ўн икки йилга кесилганлар бор, демак, онаси қутулиб чиққанда, боласи ўн икки ёшга тўлган бўлади, онасини танимайди ҳам. Буткул ёт, тили ҳам нотаниш, ўзгача. Етимхона қанақалигини Ойниса кўрган, у даргоҳдан чиққанлар фақат безориликка ярайди, холос, на раҳм билади, на эзгуликни. Рухий мажруҳ, мафкуравий ёвуз кишиларнинг аксарияти ўшанақа жойлардан чиқишади. Истисно бўлади, албатта, Қаюмжон балки ўшалар қаторига кирар. Кўрамиз, омон бўлсак, ўйлайди доим Ойниса, омон қолиш, жанжал-хусуматга аралашмаслик керак. Мухими шу. Ўн йил туриб бериш керак. Ўн йил-а! Онаси жазо муддатини ўташи керак экан, майли, фитна қурбони бўлди, аммо боласи туғилмай туриб нега асирликка

тушиши керак? Унда нима айб? Нега бола азият чекиши керак? Нега шуни ўйлашмайди? Ахир бунақа болалар минглаб топилади-ку. «Нега бизни асирлик азобига маҳкум қилдинглар?» деб сўрашса, нима дейишади? Қанақа далил келтиришади? Бола ўз оиласида яшаб, ақалли ўн ёшга тўлиб олгунича онасига берилган жазо муддатини ўн йилга суриш, кечиктириш мумкин-ку. Ахир суд соҳасида, ички ишлар таркибининг бошидан оёғигача ходимлари ҳам шу қармоққа илинишяпти-ку, жазога маҳкум қилинганлари — қамокда бўладими, лагерь ё сургунда бўладими, аввал ўзлари маҳкум қилган маҳбуслар орасига тушиб қолиб, мисли кўрилмаган хўрлик ва азобларга йўлиқмоқдалар, қанчалари отилиб кетмоқда. Ўзлари қазиган гўрга ўзлари тушишмоқда. Бундок қараганда, қонун ўз бурчини бажараётгандек кўринади, шунақа қатъийки, унинг олдида ҳамма баравардек. Адолатли. Бироқ қамокқа олинаётганларнинг тўқсон фоизи айбсиз шахслар. Шуми адолатлиги? Тўқсон фоиз — бу юз минглаб айбсиз айбланган одамлар. Улар ҳеч қачон кечирмайди, ўзлари қатл қилиниб кетган бўлсалар, авлодлари кечирмайди. Ўз одамларидан келажак душманларни тайёрлаш қонун бурчига кирса, бунақа қонуннинг ўзи ёвузлик-ку. Бунақа жазо чорасига таяниб, барпо қилинган тузум омонат эмасми? Бу безориликни руслар «вакханалия» дейишади, бу вакханалия қачон тугайди? Ким уни тўхтатади? Ахир жазо муддати ўн йил эмас, ўн соат, ўн дақиқа бўлса-да, барибир номи жазо, тикон бўлса чиқариб ташлаш мумкин, бироқ жазо, хўрлик, зўравонлик, тажовуз — айниқса адолатсиз бўлса — юракдан чиқариб ташлаш мумкин эмас. Битса ҳам чандиғи қолади. Адоват билан яшайдиган, ўзининг барча муваффақиятсизлиги сабабини рақибининг кирдикоридан кўради, фарз деб биладиган одамлар бўлади, бунақалар ҳеч қачон ўзларининг айбларини тан олмайдилар. Айбни бировга ағдариб яшаш улар учун қулай, ўзларининг барча хатти-ҳаракатлари тўғри ва оқил бўлиб кўринади. Лойда оёғи сирғаниб йиқилса, ёмғир айбдор, девор қуласа, қўшнининг галамислиги, хатто унинг ҳовлисидаги дарахтдан ёнғоқ тўкилиб, бошини гурра қилса ҳам — барибир қўшни гуноҳкор. Тузумимиз ҳам шунақа, сув тошса, корхонага ўт тушса, чакмоқ уриб, электростанция вайрон бўлса — албатта айбдор топилади. Чунки юқоридан «зараркунанда топилсин», деган кўрсатма тушса кифоя, кимгадир албатта айб юкланади, суд қилинади, «керакли» далиллар ясалади, жазо берилади, офат бартараф қилинмаса ҳам, тешик «зиёнчи» билан тўсилади, гўё барча зарур тадбирлар

қўллангандек, иш ёпилади. Тошқиннинг, ёнғиннинг олдини олиш, яшин қайтарғич ўрнатиш ўрнига, барча тадбир «ёзув душманни» ахтаришга сафарбар қилинади, чунки айнан шу фожиа пайтида «яшинқайтарғич» вазифасини айбсиз бир ходим бажаради. Шунинг учун ҳеч ким эртага нима бўлишини билмайди, ҳамма таҳликада яшайди. Халқни таҳлика исканжасида ушлаб туриш — уни доим итоаттаҳдид доирасида асраш, кўзга кўринмас занжир, қулликнинг яширин шакли. Ойнисанинг миясига бунақа фикрлар охирги пайтда ўқтин-ўқтин келадиган бўлиб қолди. Баъзан бундай ўйлар саводли, анча-мунча китоб ўқиган, мушоҳада қилиш энг мароқли фазилатига айланган жувоннинг бутунлай онгини қамраб олар, кўп ҳолларда Ойниса бажараётган юмушини, боласини эмизишини одати бўйича қилар, хаёллар жунбушидан арий олмас, фарқ бўлар, муаллақ сузар, бахра олгандек бўлар эди. Аслида асоратга кўникиб қолган халқимизга бундай жабр у қадар озорли бўлиб кўринмайди ҳам, хаёллар кетидан эргашиб, ўйлар эди Ойниса, чунки идрок билан таҳлил қилинса, ўша кўз кўрмас занжирлар ҳеч қачон узилган эмас, занжир мослашишга ўргатган ва ўртага олган ҳам. Ойниса тарихдан билади; занжир воситаси энг қулай услуб экан, унинг устига мунтазам, тинмай айбномалар ағдарилаверса, халқ хамиша ўзини мулзам, айбдор сезади, агар унга саодатли истиқбол ваъда қилинса, айникса, қорни тўйса, тамом, бошқа ҳеч кимни тиламайди.

* * *

Ўқийдиган киши бўлмагани учун Ойниса уйга хат ёзмади, хатни мактаб адреси бўйича Мансур акага юборди, жавоб келавермагач, йўл-пўлда йўқолган бўлса керак, деб яна битта хат йўллади, мактубда бориб етган жойи, лагердаги ахволи ҳақида ёзди, у ердаги маҳбуслар ҳаёти ҳақида ҳеч қанақа гап айтмади — хатни жўнатмасликлари, ман қилинган маълумотлар учун қўшимча жазо олиши мумкин эди. Мактубда эри ҳақида бирон хабар бор-йўқлиги, айникса болалари, қайнонаси тўғрисида ёзишни, улар ёлғизлигини эслатиб, онда-сонда учраб туришни илтимос қилган эди, бу хатга ҳам жавоб келмади. Масофа узоқлигига йўйиб, Ойниса яна кутди, бир ой ўтди, икки ой ўтди, янги фарзанди дунёга келди, бироқ интизорлик билан кутган мактуби ҳадеганда келавермади. Менга хат ёзишга чўчияпти, Мансур ака жавоб хатини ёзган бўлса ҳам, органлар ушлаб қолишгандир ёки ўзимнинг хатларим ҳам етиб бормагандир, адрес аниқ бўлмагач, қаёққа ёзади Мансур ака, деган

хаёлга бориб, Ойниса ўйланиб қолди. Аммо болаларининг тақдирини унга ҳаловат бермас, хаёли туну кун ўшаларда эди. Мансур ака ўз ихтиёри билан Қаюмжон ҳақида иғво ёзиб бермаганлигига Ойниса амин, балки шуни истиҳола қилиб, хат ёзишга қўли бормаётганмикин? Ўзи омонмикин, сирдошисан, деб унияма ҳибсга олишмаганмикин? Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Аммо энг муҳими — болалари. Улар бирёқлик бўлганликларини билмагунча, Ойниса тинчий олмайди. Албатта, Мансур ака ўзини опқочиб юрган бўлса, мактаб ўқитувчилари ҳам у ёқ томонга йўламай қўйишган. Ахир кампирдан, болалардан кимдир хабар олиши керак-ку. Қаровсиз қолган болаларни етимхонага топширишса, тамом, улар соғ қолишига Ойнисанинг кўзи етмайди, бирон юқумли касалга чалиниб, ўлиб кетишади. Етимхона шароити қанақалиги Ойнисага маълум. Мактабдаги ҳамма муаллимлар Ойниса билан илиқ эдилар, айниқса олдинги эридан қорахат келиб, мачит хужрасида қон-қон йирлаб ётганида, кўнгил сўраш учун келган ўқитувчи аёл, Асил опа бор, ўша аёл Ойнисага айниқса меҳрибон эди. Ойниса мачитда яшаган кезларида ҳам, Қаюмжонникига келин бўлиб тушганида ҳам тез-тез хабар олиб турар, Ойниса ҳам бир неча бор Асил опаникига қизи билан борган, тутхўрлик қилишган; умуман Асил опа ўзини яқин тутуди, Ойниса ҳам у аёлни ёқтиради — кўнгли очик, меҳрибон аёл, ўшанга ёзишга қарор қилди Ойниса, ундан ҳам жавоб келмаса, Гулаг маъмуриятига илтимоснома ёзиб, оиласи, эри ҳақида маълумот беришларини сўрайди. Қарори шу, Асил опага хат ёзиб кўриш керак. Агар болалар етимхонага юборилмаган бўлишса, уларни бир амаллаб асрашни, насиб бўлса, яхшиликларини Ойниса қўлидан келганича унутмаслигини ўтиниб айтади.

6

Қор кўп ёрмаган бўлса-да, совуқ қаттиқ, ариқ-ховуздаги сувлар ярим қарич музлаган; сув олиш учун ёриб қўйилган тешик эрталабгача яна муз билан қопланар, янгидан ёришга тўғри келар, обқаш, пақир билан келадиганларнинг кети аримас, кимдир тийганиб йиқилар, баъзан жанжал ҳам чиқиб турар эди. Қор бўлсаям кошки эди, эритиб ишлатишга ярар эди деб одамлар, шунча азобларига яна бунақа заҳмат қўшилганидан ёзғирадиган бўлиб қолишди. Ҳақиқатда, бир ховуч арпами, макками — шуниям қайнотиб, нафсни алдай олишмаса, хашаки бўлсаям, бир қултум чой ичишга, чой бўлмаса, қора туршак ивитиб ичишга ҳам сув

бўлмаса, қандай яшаш мумкин? Яхшиям ўзбекнинг танчаси бор, бир хокандоз кўр ўнта одамни совукдан сақлайди. Бунақа қахратон кунлари дала-боғда ишлаб бўлмайди, ер музлаб ётибди, одамлар танчадан чиққилари келмайди, бир-бирларига мўлтираб ўтиришади, таҳорат учун сув йўқлигини баҳона қилиб намозга ҳам туришмайди, кеч кириб қош қорая бошлаши билан очликдан қоринлари гўлдираб уйкуга кетишади. Йил яхши келса, бу ўлканинг ерларидан қиш-қировгача икки, баъзи йиллари уч марта ҳосил кўтариш мумкин. Мевалар, полиз маҳсулотлари, арпа-бугдой тўлиб-тошиб кетадиган пайтлар кўп бўлган, қанчадан-қанча ем-хашак келаси мавсумгача етиб берарди, мол-қўйлар бўрдоқи бўлиб қишдан чиқади, гўшт-сут танқис бўлмайди. Бу ерлик халқ гўшт ва дондан бўлак ҳеч нарсани сотмайди, мевани сотиш номуносиб ҳисобланади, бозорга олиб чиқиш бировнинг хаёлига ҳам келмайди. Бироқ жамоа хўжаликлари тузилгач, ярқкли ерларнинг барига пахта экиш одатга айланди, омборлар бўшади, ем-хашак тугади, моллар сони бирдан камайиб кетди. Ҳамма куч пахта етиштиришга қаратиладиган бўлди. Танқислик, очлик сезила бошлади. Эрта тонгдан қош қорайгунча пахта даласидан келмайдиган одамлар меҳнатлари учун етарли маблаг олмайдиган бўлиб қолишди. Касалликлар кўпайди. Ёрлақаса колхоз еттита жонли оилага бир қоп бугдой беради, одамларнинг барча муҳтожлиги шу бир қоп дон устида, сотиб энг зарур нарсаларни — гўшт, гуруч, ёғ, совун, керосин олишади, бошқа озуқа, томорқаси бўлса, ўша ердан чиқади. Аммо томорқага ҳам қараш, парвариш қилиш керак, одамлар колхоздан бўшамайдилар, тонг-сахар, кечалари ухламай экинга қарашади. Ҳосил ҳам шунга яраша бўлади, қишга ғамлаш у ёқда турсин, кундалик эҳтиёжларини ҳам қондира олишмайди. Ахир бир қоп бугдойдан маълум қисмини рўзғорга ҳам қолдириш зарур, нон керак-ку. Қолган дон эвазига харид қилинган нарса бир ҳафтага ҳам етмайди, иккинчи қопнинг униши номаълум, қачонгача очлик чўзилади, ҳеч ким айта олмайди. Озуқа фронтга керак, ортса берилади, дейишади, ортадими, йўқми, ваколат бериша олмайди. Қиш пайти, экинзор ҳосили аллақачон тугаган, қазноқ бўм-бўш, ариқдаги сув ҳам музлаган. Чалажон бўлиб ётишдан бўлак иш йўқ.

Шунақа кечаларнинг бирида Қаюмжоннинг онаси, кўзи ожиз, нимжон кампир узилди. Икки ёнида ётган бола кампир уйкусида жон берганини пайқашмади. Болалар бирин-кетин уйғонганида, одатда эрта турадиган кампир

индамай ётар, нафас олиши эшитилмас, ранги оқариб кетган эди.

Алижон уйғонганида ҳаммаёқ ёруғ, кишки офтоб том тепасида гезариб, заиф, қизғиш нур сочар, бўғотдан осилган сумалакни йилтиратар эди. Қорни оч Алижон керишди, эснади, қовоғини ишқади, энасига қаради, уйғонмапти деб ўйлаб, яна ётди, бўлак уйқуси келмади. Кампир ҳадеганда уйғонавермагач, бола энасини туртди. Кампирнинг лахтак танғилган боши чайқалди, аммо ўзи уйғонмади. Алижоннинг гаши келиб, баттар тортқилади. Ҳали қотмаган кампир яна шилқиллади, аммо косасига чўкиб кетган кўзини очмади. Бола ёш бўлишига қарамай, вазиятга ақли ета бошлади, англагач, серрайиб қолди. Йиғламади ҳам, фақат кўрқиб, ўрнидан сапчиб турди, ечинмай ётгани учун, бор кийимида ҳовлига отилди. Қуёш бўлишига қарамай, ҳаво аёзли, дарахт шохлари қотиб турар, итларнинг узоқ-яқин хуриши эшитилар, ҳеч кимнинг овози келмас эди. Алижон хонага қайтиб кириб, қулоқчини билан пахталигини кийиб чиқмоқчи бўлди, бироқ юраги дов бермади, калишини оёғига илиб, кўчага югурди, бир дақиқа ҳам тўхтамай, мактаб ҳовлисига югуриб борди ва қайси хонага киришни билмай жазавада тўхтади. Боланинг кўзлари ваҳимага тўла, кўкариб кетган лаблари титрар, қўлчалари нимадир йўқ нарсани чангаллар, назари аланг-жаланг, мактаб деразаларининг синиқ ойналаридан ўқувчиларнинг ғала-ғовури эшитилар, биронта кимса бола келганини кўряптими, йўқми — Алижоннинг ўзи ҳам билмас эди.

— Энам! — дея, жонҳолатда чинқирди бола, аммо мактаб томонидан ҳеч ким чиқмади. — Энам! — йиғлагудек бўлиб, азбаройи ҳаяжонда яна кичқирди бола.

Шу пайт остонада Асил опа кўринди, у Алижонни танир эди, аҳволдан хавотирланиб, болага тикилиб қолди.

— Энам, — деди Алижон, негадир бўлган ҳодиса учун ўзини айбдор ҳис қилиб.

— Нима бўлди, Алижон? — чўчинқираб сўради Асил опа. — Тинчликми?

— Энам уйғонмаяпти, — деди Алижон ва ниҳоят ўзини тута олмай, йиғлаб юборди.

— Уйғонмаяпти?! — юраги зирқираб сўради Асил опа. — Нега? Касалми?

— Билмасам, — деди Алижон, кўзини ишқалаб.

— Юр! — Асил опа орқасига ҳам қарамай, Алижоннинг совуқ кўлини кафтига олиб, дарвоза томон судради. — Тезроқ юр, юра қол, болам.

Улар уйга етиб келишганда кампир унсиз, сокин ётар, Ойнисанинг кизчаси Жамила гингиб, ёшини юзига суртиб ўтирар, кампир эса қандай бўлса шундай, пинагини бузмай тинч ётар эди. Асил опа дарҳол кафтини кампирнинг юзига қўйди, юзи муздек эди. Асил опа бу ҳодисани болаларга қандай тушунтиришни билмай, бир зум боши қотди.

— Қўшниларни танийсанми, Алижон? — деди Асил опа болага юзланиб ва бир оз оғир бўлса ҳам Жамилани кўтариб, пальтосига ўради, бағрига босди.

— Танийман, — деди Алижон, ҳеч нарсага тушунмай, — Тиркаш ўртоғим.

— Тиркашнимас, — деди Асил опа, Жамиланинг хўл юзини артиб. — Онасини чақир.

Бунақа пайтда ҳар қанақа топшириқ дарҳол бажарилиши кераклигини бола ҳам билгани учун шу заҳотиёқ хонадан учиб чиқиб кетди.

— Бўлди, қизим, мана мен келдим, йиғлама, — дея, қизчани қўйиб юбормай, Асил опа танча ёнидаги кўрпачага чўккалади. Бу оила бошига тушган мусибатдан унинг хабари бор бўлиб, Қаюмжон билан Ойниса фитна оқибатида сургун қилинганликларини, кампир билан икки ёш гўдак қаровсиз қолиб кетганини, моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушганликларини билар, бир неча бор келиб, хабар олиб, кўлидан келган нарсаларни бериб кетган, бироқ бошқалар, таъқиб бўлишдан кўрқиб, бу уйга қадам босмай қўйганини ҳам билар эди. Шу кунгача на Қаюмжондан, на Ойнисадан хабар келмади, Асил опа уларни отилиб кетди, деган тахминга борди. Бир неча ой аввал болаларни етимхонага топшириш учун орган ходимлари келган эди, болалар чирқиллаб йиғлашга тушишди, кампир худонинг зорини қилиб, болаларни бермади, ағанаб-туртиниб, невараларини бағрига босиб олди, кампирнинг кўлидан тортиб олишни ходимлар эп кўрмай, қайтиб кетишди, ҳатто ёрдам бериб турамиз, деб ваъда беришди, бироқ шу кунгача улар томонидан бирон нарса берилганини Асил опа билмайди. Беришса, кампир айтган бўлар эди. Тўғри, етимхона мудираси бир марта икки буханка нон билан ярим кило қанд, макарон ташлаб кетган экан, Асил опа шуни эшитган, холос. Баъзан Мансур ака биронта муаллима орқали икки коса арпа уни, бир жуфт зоғора, яна нимадир юбортириб туради, аммо негадир ўзи бу уйга келмайди. Ахир улар қанақа иноқ бўлишган, одам шунчалик ҳадиксирайдимми? Нахот органдагилар, етим болаларга ёрдам бердинг, деб хусумат қилса? Мана энди кампир ҳам зор қақшаб ўлди-кетди. Кампир, майли, озми-

кўпми яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам кўрди, дунёда саксон йил яшади, вафоти табиий ҳол. Бироқ булар, бири олти, иккинчиси тўрт яшарлик бегуноҳ гўдаклар нима бўлади? Ким буларга қарайди. Кимсасиз, совуқ уйда қолаверишадими? Нима ейишади? Қандай чой қўйишади? Қандай ўчокка олов ёқиб, жаз-буз қилишади? Сандалга қандай қарашади? Кўрпачага битта чўғ тушса, лоп этади, ёнади-кетади, ухлаб қолишган бўлса, ёнғинда қолиб, жизганак бўлишади ёки сандалга кўр солмай ётишса, музлаб қолишади-ку.

Кўча эшиги томонидан аёл кишининг жиззаки товуши эшитилди. Асил опа Жамилани сандал кўрпасига ўраб, ўрнидан турди. Зум ўтмай эрининг тўнини бошига илган қирғиз башара аёл хонага кирди ва кўзи аланглаб, Асил опа билан кўришди, сўнг жим ётган кампирга қаради, кейин саволли нигоҳини Асил опага тикди.

— Ҳм, — деди Асил опа, қўшни аёл ҳамма нарсани тушунганини англаб.

— Худо раҳмат қилсин, — деди қўшни аёл, номига бўлса ҳам юзида мотамсаролик аломатини ифодалаб.

— Қўшни бўласизми, эгачи? — сўради Асил опа, вақтни бекор кеткизмаслик учун, мақсадга ўтиб.

— Ҳа, — деди қўшни аёл. — Нима қилай?

— Маҳаллага бола чиқаринг, — деди Асил опа, тугма-ларини тақиб, — хабар берсин. Матоҳларини қаранг, кафанлиги бормикин. Мен мозорга одам юбораман, мачитдан жаноза ўқийдиган биронта одам топтираман. Сиз шулар билан банд бўлиб туринг, мен мактабдагиларни айтиб келаман. Балки беш-ўн танга пул ҳам йиғармиз. Ҳа, маҳаллада ювғичи аёл борми?

— Ювғичи бор-у, сувни нима қиламиз? — деди қўшни аёл, бир оз эсанкираб.

— Бир челак сув топилмайдими, айланай? Суриштиринг қўшнилардан. Энг кераги — кафан. Титкилаб кўринг. Сочиқ-почиқ ҳам чиқиб қолар, совунни мен олиб келаман. Сув иситиб қўйишсин.

Сандал четида ўтирган Жамила, пойгакда турган Алижон бир Асил опага, бир қўшни хотинга қарашар, қанақадир нотабиий бир ҳодиса рўй берганини ҳис қилишар эди.

— Нима бўпти, ая? — деди Алижон, аранг ўзини йиғидан ушлаб. — Энам...

— Энанг дунёдан ўтипти, болам, — дейиши билан Асил опа, Алижон гужанак бўлиб, йиғлаб юборди. — Болам, ўлим ҳамманинг бошида бор нарса, кўниккин. Укангни кўрқитма болам, қара, зўрға ўтирипти.

Алижон, овозини ютиб, юм-юм йиғлай бошлади.

— Бирон нарса эсимдан чиққан бўлса, ўзингиз фаросат киларсиз эгачи, мен борай, тезроқ одамларни огоҳ қилиш керак, — дея, Асил опа ташқарига юра бошлади, — ярим соатда қайтаман.

* * *

Асил опа зарур бўлган барча юмуш — тадбирларни қилди, бироқ азага одам кам келди, шуларнинг ҳам ярмидан кўпи хотин-халаж бўлди. Йиғи чиқмади. «Йиғи чиқмаган аза хунук бўлар экан», — дейишди кейин баъзилар, худди ўзини осган одам кўмилгандек: тобут кўтарувчилар ўн нафардан ошмади. Ҳатто Мансур ака бирров кўринди-ю, нотоблигини айтиб, мозорга бормади. Унинг дилида нималар кечаётганини ҳеч ким билмас, ўз азобида ўзи қоврилар, кимгадир ёрилишнинг иложи йўқ эди. Бу пайтгача Мансур ака бир марта Қаюмжондан, икки марта Ойнисадан хат олди. Уларнинг хонадонигаги вазиятни Мансур ака яхши билса-да, мажбуран ифво ёзиб берган одам сифатида ўз кўли билан хат ёзиб юборишга орият қилди, ўзига эп кўрмади. Эр-хотиндан хат келяпти, демак, улар қатл қилинмаган, соғ, хатто адреслари ҳам бор. Мендан жавоб бўлмаганини хат етиб бормаганга чиқаришади, бунақа ходисалар ҳозирги пайтда тез учраб туради, албатта. Ойниса мактабдаги муаллимларга ҳам хат ёзади, улар жавоб хатида бу ердаги вазиятдан бохабар қилишади, бироқ бу нарса кечроқ бўлади, ўйлади Мансур ака, мана кампир ҳам вафот этди, болалари қаровсиз қолди, айтадиган гап кўп.

Ўн йил, албатта, узоқ муддат, уйига кета туриб ўйлаб борди Мансур ака, қийин — уларга қийин, бу ердагилар бир-икки марта эсларига оладилар, ачинадилар, унутадилар, ташвиш камми? Ўн йил ўтади-кетади. Бир кунмас бир кун Қаюмжон ҳам, Ойниса ҳам қайтиб келишади. Ана унда қандай кўзларига қарайман? Нима деб қилмишимни оқлайман? Важ топаман? Важ доим топилади, албатта, мажбур қилишганини улар ҳам тушунишади: тушунишади-ю, дилида ҳасрат сақлашади... У пайтгача мен борманми, йўқманми — худо билади. Балки улар ҳам бунча муддатга чидай олишмас... Астаффирулло, шайтон қай кўчаларга судрамайди, чалғитмайди. Бировга ўлим тилагандан кўра, ўзингга умр тила. Мансур ака бу эзилишлардан қачон кутуларкин? Қийналиб кетди. Бора-бора алам сусаяр, унутилар, унутилмаса ҳам бу қадар яллиғланмас, деб ўйлаб келар эди, бироқ дил азоби камаймади, камаядиганга

ўхшамайди, ҳеч қўйиб юбормайди. Ишлаган пайтида ҳам, юрган-турганида ҳам, ҳатто тушида ҳам пармалайди. Нима билан ўзини чалғитса — алаҳситса бўлади?.. Ҳозир уйига боради, чой дамлаттириб ичади, сандал ёнига бурканиб, «Чордевон»ними, Сўфи Оллаёрни «Саботлар»иними мутулаа қилади, хаёлини алдайди. Бунақа китобларни ўқиш у ёқда турсин, уйда сақлаш ҳам ман қилинган, жиноятга киради. Мансур акада беш-ўнта шунақа китоблардан бор, офилхона шифтига яшириб қўйган. Дарвоқе — офилхона. Қримликларнинг уч жондан иборат оиласини Мансур ака қабул қилди, ўттизларга кирган йигит, Юнус Фаизов, физика муаллими, унинг хотини Земфира ва беш яшар қизчаси Зарема — Мансур ака кўрсатган хонада яшашга унашмади, офилхонани танлашди. «Ҳечқиси йўқ, — деди Фаизов, — у ёқ-бу ёнига қараймиз, тагини тозалаймиз, похол ташлаб, шолча тўшаймиз, эшик ўрнатамиз, печка қурамыз, ўтин топилса кифоя. Сизларни ҳам сиқмаймиз, биз ҳам хижолат чекмаймиз. Замон шунақа, бир амаллаб кун кечирамиз». Ҳозир улар ўша офилхонада яшашмоқда. Супуришди, исларни тозалашди, оҳак билан деворларни оқлашди, дераза очишди, печка ўрнатишди, бинойидек бўлди-қолди. Пишириш-қуйдиришни ҳам печкада қилишади, ҳам овқат пишади, ҳам хона исийди.

Ҳозир Қаюмжон билан Ойнисанинг болалари кампирдан кейин қаровсиз қолишди. Болаларни кимдир пинжига олмаса, яна етимхонага жўнатишлари мумкин. У гал-ку кампир айюҳаннос билан сағирларни олиб қолувди, энди ким байбайлайди? Ким уларга ён босади, қайишади? Етимхонага жўнатишса, болалар нобуд бўлишади, нобуд бўлишмаса ҳам, тарбиясиз ўсишади, улардан қанақа одам етилиб чиқади — тасаввур қилиш мумкин. Агар ўша уйга кўчиб ўтишни Фаизовларга айтиб кўрилса, рози бўлишармикин? Уй катта, пишик, ҳеч қанақа меҳнат талаб қилмайди, кўрпа-ёстиғи, гилам-шолчаси, идиш-товоғи мухайё, даҳлизни тўсишса — у ер ҳам жой, бир амаллаб қишдан чиқиб олишади. Энг муҳими, болалар қаровсиз қолишмайди. Фаизовнинг ўзиям, хотиниям инсофли одамлар кўринади, қизчаси болалар билан ўртоқлашиб, бирга ўсаверишади. Кўнармикин? Болалар тақдирига жавоб беришдан ҳайқишмасмикин? Бировнинг болалари-да. Худо кўрсатмасин, бирон касалга чалиниб ўлиб-нетиб қолса, Фаизовлар нима деб ваз келтиришади. Ахир омон бўлишса, бир кунмас бир кун келишади-ку — Қаюмжон ҳам, Ойниса ҳам. Ўз ватанига, ўз уйига, ўз оиласига қайтишади. Унгача

Фаизовларга бирон жой топилар ёки ҳовли катта, Қаюмжон болаларини сақлаб-тарбиялаб берган одамларга ҳовлисининг бир бурчагини ажратиб, ҳатто бошпанам, бир-икки хонали уйми— қурилишга ёрдам ҳам берар, миннатдорлик нима биландир ифода қилинса, адолатли бўлади.

Фаизовлар билан гаплашиб кўриш керак. Эътироз билдириб ўтиришмас, аксинча, хурсанд бўлишар. Шу хаёл билан Мансур ака уйига кириб борди. Негадир мўлжали амалга ошишига кўнгли тўқ эди, чунки Мансур ака ҳам бағрини очди, уйини бўлмаса ҳам оғилхонасини берди, Юнусни мактабга муаллимликка олди, тилинг бошқачарок экан, болалар яхши тушунишмайди, физиканинг ўзи мураккаб фан, унинг устига ўқитувчининг талаффузини англаш қийин бўлса, норозилик келиб чиқади, демади. Яқинда мактаб қошида болалар боғчаси ташкил қилинар эмиш, туман маориф бўлимида шунақа дейишди, агар у режа амалга ошса, Фаизовнинг қизчаси ҳам, Қаюмжон билан Ойнисанинг болалари ҳам ўша боғчага қатнашади, балки Земфирани ҳам ўша боғчага тарбиячи лавозимига олар, масала у қадар қийин бўлмас. Ахир қримликларни Мансур аканинг ўзи бу ерларга эргаштириб келгани йўқ, уларга мурувват кўрсатишдан кўркмаса ҳам бўлади...

* * *

Тобут пешинга яқин кўтарилди, ўнга яқин киши бири бирини алмаштириб, пилдиллаганича ўликни қабристонга олиб боришди, жаноза ўша ерда ўқилди. Уйда қолган аёллар ҳаммаёқни саранжом қилишди, ҳатто битта дастурхон ёзиб, иккита-учта зоғора нон, туршак-майиз, жийда тўқишди, чой дамлашди. Мозордан қайтган қариялар оч бўлишса-да, чойдан бўлак ҳеч нарсадан татишмади, дуохонлик қилишди, шу билан аза тугади. Ҳовли бўшаб қолди.

Яккаланиб қолишмасин деб Асил опа болалар билан тунади. Эртаси куни бирров ўз уйига бориб, учта фарзандини катта қизига топшириб келди, мактабига учради, ўқувчиларга топшириқ бериб, яна азали уйга қайтди. Фотиҳа учун келганларнинг кўпи бу оилада эр-хотин билан боғлиқ мусибатдан хабарлари йўқлиги туфайли, унча чўчишмай, мусулмонлик бурчини бажариб кетишар, бироқ бу маъракага мактабдан ҳеч ким келмади — ҳаммалари хайиқишар, боришгани органдагилар қулоғига етишидан чўчишар эди. Фақат Асил опа «Нима бўлса бўлар, пешонамдан кўрдим», деб азахонадан оёқ узмади, эртасига ҳам ётиб қолди, болаларга овқат пишириб, қорнини тўйғазди,

ухлатди, сандалга чўғ солди, ўзи алламаҳалгача ўқувчилар дафтарларини текшириб ўтирди, лампа мойини ҳам аямади, ўлик чиққан уй, ақалли шу кеча нур ўчмасин, деган фикр билан тез ётишга ошиқмади, тўғрироғи, ухлашга Асил опа андак чўчир, чунки ҳозир ўтирган жойида кеча кампир ётган эди, азалик уйнинг кўзга кўринмас фожиаси аёлнинг этини жимирлаштирар, шифтда аллақандай шарпалар қимирлагандек бўлар, ташқаридан хазон шитири, кўча эшиги ғийқиллагандек эшитилар эди.

Асил опа чироқ пилигини пасайтириб, иккала бола орасига кириб ётди, яна уйга толди. Ҳай, қачонгача ўз болаларини ташлаб бу ерда ётади? Икки кун ётар, бир ҳафта ётар, кейин нима бўлади? Асил опа доим бу уйда тура олмайди-ку, барибир ўз оиласига қайтиши керак-ку. Майли, яна бир-икки кун, токи аза маросими ўтгунча туради, болалар унашса, уйига олиб кетади. Қизлари катта бўлиб қолишган, болаларга қарашади, бу уйга қулф солади ёки яна бир илож топилар.

Сандалнинг иссиғи ёқиб, аёлнинг кўзи илина бошлади.

Эрталаб Асил опа мактабга кетишга тайёрланиб турган эди, очиқ эшик остонасида Мансур ака билан Қримдан келган муаллим Фаизов кўринди. Улар саломлашиб даҳлиздаги сўри четига ўтиришди, Асил опа уйга таклиф қилувди, киришмади. Тиловат қилиб, фотиҳа тортишди. Мансур ака ҳам, Фаизов ҳам Асил опанинг болалар билан шу ерда ётиб юрганини, тиловат учун келганларга хайр-хўш қилиб турганини билишар эди. Мансур ака нон-пон ўралган тугунчани Асил опага узата туриб:

— Қийналмаяпсизми? — деди.

— Одам келиб турипти, — деди Асил опа, — бўлмаса, болаларни олиб кетар эдим. — Асил опа ичкаридаги сандал ёнида мўлтираб ўтирган болаларга қараб олди. — Бу уйдан илон чиққандек, ейман дейди. — Асил опа ножўя ёзғирганига хижолат бўлгандек, Фаизовга қаради.

— Эгасиз уй шунақа бўлади, — деди Мансур ака, аёлнинг гапини тасдиқлаб ва ичкаридаги болалар эшитмаслиги учун, Асил опанинг панасига бошини эгиб: — Қизча қалай, ая, деб хархаша қилмаяптими? — деди ва сиз ҳам эшитинг дегандек Фаизовга кўз ташлади.

Асил опа жавоб бермай, икки қадам жилди-да, уй эшигининг бир табақасини қия ёпиб келди.

— Кампирнинг ўлимидан болалар ҳам гаранг, — деди аёл паст овоз билан бир Мансур акага, бир Фаизовга қараб. — Жамила бўлса аяси ғойиб бўлган кунлари хўп

йирлади, хархаша қилди, кейин кўникиб қолди. Энди индамайди, соатлаб овозини эшитмайсиз.

— Шўрлик, — дея Мансур ака яна мулзам бўлди, шу гапни бошлаганига афсус чекди, маълум даражада ўзини айбдор ҳис қилди. — Ғудак ёшига шунча ташвиш...

Фаизов ҳамма сўзларни тўла тушунмаса-да, гап нима ҳақида кетаётганини фараз қилар, бир Асил опага, бир Мансур акага тикилар, ўзини қандай тутишни билмас эди.

— Нега уларнинг биттасидан ҳам хабар йўқ, тинчмикин? — деди Асил опа, «омонмикин?» дейишга тили бормай.

— Тинч, тинч, — деди Мансур ака, учта хат олганини эслаб ва дарҳол хато қилганидан ўнғайсизланиб: — Тинч бўлишса керак, — деди тахминига тасдиқ ахтаргандек, яна ҳамсўхбатларига қараб олди. — Агар бирон кўнгилсиз ходиса бўлса, хабар келар эди.

— Нега бўлмаса шу пайтгача улардан хат келмаяпти? — тоқатсизланиб сўради Асил опа ва гумонини қўшиб қўйди: — Балки хат етиб келмаяптими? Ё хат ёзишга рухсат беришмаяптими?

— Иккала тахмин ўринли, — деди Мансур ака аёл ўз саволига ўзи жавоб қидирганидан рухланиб.

— Сиз, Мансур ака, мактаб директори, расмий шахссиз, бир суриштириб кўрмайсизми? — деди Асил опа ва тасдиқ учун яна Фаизовга юзланди, Фаизов саволни охиригача тушуна олмаган бўлса-да, гапни қувватлагандек, бош қимирлатди. — Ахир бирон, яхшими, ёмонми, жавоб олишимиз керак-ку. Етимхонага болаларни олиб кетиш учун келган ходимлар ҳам тайин бир нарса айтишмапти. Уй-жой нима бўлади, болаларга энди ким қарайди? Кампир дунёдан ўтди.

— Шуни маслаҳат қилгани келувдик, — деди Мансур ака, гап бу томонга бурилганидан мамнун бўлиб ва Фаизовга қараб олди, билинар-билинемас жилмайиш билан Асил опага тикилди. Фаизов бир қўзғалиб олди.

— Маслаҳат? — унча тушунмай сўради Асил опа.

— Ўртоқ Фаизов билан маслаҳат қилдик, — деди Мансур ака. — Уй қаровсиз қолмайди. Ўртоқ Фаизов ҳам, оиласи ҳам рози. Улар шу уйга кўчиб ўтишса, нима дейсиз? Албатта, вақтинча, эгалари қайтиб келгунча.

— Раҳмат, — деди Асил опа иккиланиб. — Болалар-чи? Болалар қаёққа боришади? — Асил опа Фаизовга қаради, Фаизов — Мансур акага.

— Болалар ҳеч қаёққа боришмайди, — деди Мансур

ака ишонч билан. — Шу ерда қолишади. Фаизовлар рози бўлишди, қарашади.

— Шунақами? — деди Асил опа дархол хурсанд бўлиб.— Жуда соз. Яхши маслаҳат қилибсизлар, савоб бўлади. Асил опа миннатдор назари билан Фаизовга юзланди. — Раҳмат.

Фаизов ўсал жилмайди, ножўя иш қилиб қўйгандек, бошини хийла эгиб, ерга тикилди.

— Ҳозир буларнинг ҳам ахволи оғир, — деди Мансур ака, масала бу қадар енгил кўчганидан мамнун бўлиб. — Бегона юрт, қаҳатчилик, ўзингиздан қолар гап йўқ. Аммо ташлаб қўймаймиз, иложи борича қарашиб турамиз.

— Албатта, — деди Асил опа, кўнгли тинчланиб.

— Болаларни кўндириш керак, — деди Мансур ака азиятда. — Айниқса Алижонни. Бола қайсар. Унаса, қизчаниям ўзи кўндиради.

— Бир-икки кун тихирлик қилишади, албатта, — деди Асил опа, гўё болаларни Фаизовга зўрма-зўраки топширишаётгандек, қулайсизланиб. — Нотаниш, бегона одамлар уйига кириб ўтириб олса, ҳамма ётсирайди. Булар болалар-ку. Тил нотаниш. Тоқат қилишга тўғри келади. Осон бўлмайди. Қаловини топиш керак, — деди Асил опа гапида давом этиб ва Фаизовга юзланиб: — Тушундингизми, домла? — деди.

— Мен домла эмас, — деди Фаизов, хижолатли жилмайиб. — Афв этингиз.

— Бизда шунақа мақол бор, — деди Мансур ака Фаизов тушуниши учун хижжалаб. — Ма-қол.

— Мақол? А! Англадим. Душундим, — деди Фаизов енгил тортиб. — Мақол.

— Қаловини топсанг, муз ҳам ёнади, — деди Мансур ака яна хижжалаб.

— Муз янамас, — деди Фаизов яна хижолат чекиб.

— Муз албатта ёнмайди, мақол шунақа. Яъни, йўлини топсанг, музни ҳам ёндириш мумкин, деган маънода айтилган. Опам айтмоқчиларки, агар болалар тилини, кўнглини топсангиз, тез кўнади. Балки кадрдон ҳам бўлиб кетишади. Тушундингизми? Ўз фарзандингиздек.

— Фарзанд! — деди Фаизов тушуниб, чунки болалар масаласи бир кун аввал бўлган суҳбатда ҳам муҳокама қилинган эди. — Явам-яваш алишарлар. Биз уларни хафа этмаймиз. Алла рози бўлса сағ-саламет ана-бабасина бирамиз. — Фаизов ўзининг нутқини яхшироқ тушунтириш учун сўзларни қайта-қайта такрорлаб чиқди. — Сиз уларга

айтинг, апа, — деди Фаизов ўз тилида Асил опага, — бизда ҳам фарзанд бор, бирга ўсишади, бегоналаб қўймаймиз. Тушундингизми, апа?

— Тушундим, айланай, тушундим, — деди Асил опа ҳозиржавоблик билан. — Сизларгаям осон бўлмайди, демоқчиман-да.

— Чидаймиз, илож қанча, — деди Фаизов табассум қилиб. — Сизлар кумак берасизлар.

— Албатта ёрдам берамиз, — деди Мансур ака, гапга аралашиб. — Энг қийини — моддий масала, болалар оч қолмаса, кўникишади.

— Ишлаймиз, меҳнат қиламиз, мана, ер бор экан, насиба чиқади, — деди Фаизов ишонч билан. — Биз чеккан азоблар олдида бу қийинчиликлар ҳеч нарса эмас. Аммо болаларнинг розилигисиз бу ёққа кўчиб ўтсак, хунук бўлади.

— Болалар ёш, яхши-ёмоннинг фаркига боришмайди, — деди Мансур ака иккиланмай ва Асил опага қаради: — Шу иш ўзларига фойдали эканини уқтириш керак, бўлмаса, етимхонага жўнатишади, денг. Бўпти, икки-уч кунда аза маросими тугайди, Фаизовлар ўшанда кўчиб ўтишади, унгача болалар сизнинг ихтиёрингизда. Унатиног, булар келганда, жанжал кўтаришмасин, хижолат тортишади булар.

— Хўп, — дея Асил опа юзига фотиҳа тортиб, ўринларидан кўзгалган Мансур ака Фаизов олдида орқага чекинди.

Мансур ака уй эшигини очиб, ўтирган болаларга қаради. Болалар ярим-юлуқ бўлса ҳам ташқаридаги гапни эшитишган, катталар тузган мўлжал уларга маъқулми, йўқми, англаш қийин эди.

— Алижон, — деди Мансур ака, иликлик бериб, — мана, амакинг билан танишиб ол, исмлари Юнус, амаки дейсизлар. Хўпми? Икки кундан кейин бу ёққа кўчиб келишади. Амакингни сенларга ўхшаган қизчаси бор, оти Замера, яхши қизча, ўртоқ бўласизлар, хўпми?

— Дадам қани? — деди Алижон, Мансур аканинг гапига эътибор бермай. Боланинг кўзида ёш пайдо бўлди.

— Аям қани? — дея Жамила Алижонни кўриб, йирлаб юборди. — Ая-а-а!..

Мансур ака ёнидагиларга қараб, оғир хўрсинди. Нима деб болаларга таскин бериб бўлади? Ахир улар ҳали жуда ёш, тушунишмайди. Фаизовлар кўчиб ўтишганда ҳам тумтайишгани-тумтайишган бўлади. Худо кушойиш берсин.

Мансур ака билан Фаизов хайрлашиб чиқиб кетишди. Ҳаммаларининг дили вайрон эди.

— Алижон, мен бирров мактабга ўтиб келишим керак, — деди Асил опа, бир оздан кейин болалар ўйинга чалгигач. — Уканг билан ўзинг қола турасан, одамлар келиб қолиши мумкин. Майлими? Мен тезда қайтаман.

— Майли, — деди Алижон сукут сақлаб.

— Бўпти, болам.

Асил опанинг юмушлари тезда тугамади, дафтарларни тарқатиб, бир соатлик дарс ўтди, уйига учради, болаларидан хабар олди, йўл юрди — ҳаммасига икки соатдан кўп вақт кетди. Асил опа болалардан хавотирлана-хавотирлана, ниҳоят, уйига етиб келди. Кўча эшик ланг очик, аммо ҳовлида ҳеч ким йўқ, ичкаридан болалар товуши эшитилар эди.

— Мана, мен келдим, — деди Асил опа, болаларни хурсанд қилиш ниятида тетик ва ўйноқи овозда. Ўйинга берилиб кетган болалар, ножўя иш пайтида қўлга тушгандек, жимиб қолишди. — Одамлар келдими, Алижон.

— Битта киши келди, — деди ниҳоят Алижон, ўзига келиб.

— Қорин қалай? — сўради Асил опа, сумкасини четга қўйиб. — Бирон нарса едингларми?

— Зоғора едик, — деди Алижон чўккалаб ўтирган Жамилага қаради.

— Ҳозир чой ичамиз, — деди Асил опа. — Озгина шинни олиб келдим. Ёнғоқ ботириб еймиз.

Асил опа сандал кўрпасини кўтариб, кўрхона ёнига қўйилган чойнакни олиб, дастурхон четига қўйди. Чой илиқ-милиқ эди. — Чой қайноқмас экан, майли, бир гал бўлаверади.

Уч жон бўлиб дастурхон атрофига ўтиришди.

— Ҳовуздан бир қумғон сув олиб келдим, — деди Алижон.

— Баракалла, болам, бинойидек дастёр бўлиб қолдинг. Энди сенга ишонса бўлади, фақат оғир нарса кўтарма, хўпми?

— Қумғон оғирмас, — деди Алижон ички ифтихор билан. — Яна биттасини кўтара оламан — обкаш бўлса. Кўплар обкашда сув ташишяпти.

— Обкашда сув ташишга сен хали ёшсан, болам, сен қумғонда олиб келавер. Бизга кўп сув керакмас.

— Тиркаш обкашда сув ташишяпти, тенгим-ку.

— Эшаги бор, кўп сув ичади. Бизда мол йўқ.

Жимлик чўкди. Учаласи ўзига хос даражада ўйга толиб ўтиришар, ёнғоқ пўчоғи қирсиллар, Жамила илиқ чойни хўр-хўр хўплар эди.

— Хола, — деди Алижон жимликни бузиб. — Етимхона нима?

Асил опанинг юраги шувиллаб кетди.

— Етимхона, — деди Асил опа, айтадиган сўзларини ўйлаб чиқиб, она-отасиз қолган болаларни бокадиган катта уй. Тарбиячилари, ётадиган қаравотлари, ошхонаси бор жой. Сағирлар яшайди.

— Бизга ўхшаганми?

Асил опа яна нима дейишини билмай, ўйланиб қолди.

— Сизларда ота-она бор-ку, — деди Асил опа, ўзини бепарво кўрсатишга уриниб.

— Қани, нега бўлмаса келишмайди?

Энг қийин масала шу эди ва бу саволни Асил опа кутиб юрувди, аммо жавоб топмаган эди.

— Биласанми, Алижон... — деди Асил опа, аниқроқ ўйлаб олиш учун вақтни чўзиб, — ёмон одамлар даданг, аянг устидан иғво қилишди...

— Иғво нима? — аёлнинг гапини бўлиб сўради Алижон.

— Ёмон одамлар аянгни, дадангни кўра олмай, ёмонлик қилишган, шуни иғво дейишади. Шулар деб дадангниям, аянгниям қамашган.

— Нега иғвони ёмон одамлар қилишган бўлса, дадам билан аямни қамаб қўйишди?

Алижон ҳар гал савол берганида Асил опа азоб билан жавоб кидирар, кейинги саволидан кўрқар, нотўғри жавоб айтиб, болаларни аламзада қилгиси келмас эди.

— Қайдам, болам, — ночор деди Асил опа, — ёмонлар алдашган-да.

— Қачон қамок тугайди? Эртага келишадими?

Нимагадир ақли етгандек, Жамила бир акасига, бир Асил опага қарар, савол-жавоб бўлаётган пайтда, оғзи чайнашдан тўхтаб қолар, йирик, қора кўзларида савол аломати кучаяр эди.

— Улар узоқда, бориб келишга бир ой, икки ой кетади. Эртага келишмаса керак.

— Индинга келишади! — деди Жамила яшнаб. — А, хола?

— Мансур амаки, билиб келаман, деди. Кутайлик-чи. Зора Худонинг раҳми келиб, толеини берса, ажабмас, икки-уч кундан кейин кириб келишса.

— Худонинг раҳми кимга келади? Дадам билан аямгами ё ёмон одамларгами?

— Дадангга, аянгга, сенга, Жамилага, — деди Асил опа руҳланиб.

— Нега худонинг раҳми келмаяпти? Қачон келади?

— Буни худонинг ўзи билади, болам. Биз бандаларимиз. Ҳамма амал ўзининг қўлида.

— Раҳми келмаса-чи? — ёш Алижоннинг дилида қанақадир тугён изғирар, афтидан, бола анчадан бери бу нарсалар ҳақида ўйлаб юрган кўринар эди.

— Товба, де, болам, худо ҳақида бунақа деб бўлмайди, гуноҳ бўлади.

— Гуноҳ кимда бўлади?

— Бизда бўлади.

— Дадам билан аямни қамаган худо бўлса, бизда гуноҳми?

— Гуноҳ эмас, гуноҳкор. Фарқи бор. Даданг билан аянгни худо эмас, ёмон одам қамаган.

— Ёмон одамлар қамаган, биз гуноҳкор? Шунақами?

— Қўй, болам, юрагимни бурдалаб ташладинг, — деди Асил опа чўчиб, сиқилиб. — Бу нарсалар бизнинг ихтиёримиздаги гаплар эмас.

— Нега?

— Уф-ф, — Асил опа хуноб бўлиб, чуқур хўрсинди. — Тур, болам, бир қумғон сув олиб кел.

Асил опа асабийлашганини кўриб, Алижон жимиб қолди. Жамила энди нима бўларкин, деган назар билан узок Алижонга тикилди. Алижон бирпас унсиз ўтиргач, ниҳоят ўрнидан туриб, сув олиб келиш учун ташқари чиқиб кетди.

Асил опа кечгача ўзига кела олмади. Гўдак, зумраша саволларига тайин бир жавоб бера олмаганидан, ожизлигидан, гаплари чалкаш чиққанидан ўзини қойир, аччиги чиқар, қўлини нимага уришни билмас, гарангга ўхшар эди. Аслида гапни Фаизовлар келишига тақамоқчи, болаларни кўндиришга киришмоқчи эди, мавзуи мутлако бошқа томонга бурилиб кетди. Алижон бунақа ўжар экан, энди уйга янги яшовчилар келишини тушунтириш, уқтириш, унатиш қийин бўлади, яна гап бояги мавзуга кўчади, яна қалтис саволлар туғилади. Асил опа Алижондан ҳатто чўчий бошлади. Писмиқ бола, ўйлади у, индамай юрувди, кўнглида шунақа гаплари бор экан-да. Демак, аввал дадаси, кейин Ойниса беҳабар йўқолиб кетишганидан буён, бола тинмай шу ҳақда ўйлайди, нима бўлганига, нима учун ота-онаси тутқунликка тушиб қолганликлари сабабини ахтаради, тайин бир жавоб кутади, юрагида «ёмон одамларга» нисбатан адоват сақлайди, ўч олиш кўйида бўлади. Майли, бир кунмас бир кун бунақа «ёмон одамлар» кимлигини билсин, зарур бўлса, олишсин, адабини берсин. Ёвузлар

орасида кўзичок бўлиб яшаш — панд ейиш, таслим бўлиш, мағлубиятга учраш — улар измида юриш деган гап. Аммо мурфак дилида ёвузлик ўтини ёқиш, адоват, нафрат уругини ўстириш — бу ҳам яхши эмас. Жиззаки, ўжар, тажанг бўлиб ўсади, ҳамманинг ҳаракатидан нуқсон кидирадиган, бадгумон, ўчли, худбин, одамови бўлади, ҳеч ким бунақа одам билан дўст тутинишга ошиқмайди, борлари ҳам совушади, кўрганда чап беришади. Хай, майли. Энди янги яшовчилар билан муросаси ҳақида ўйлаш, бирон нозик пардасини топиш, унатиш, акс ҳолда манзили — етимхона эканини, етимхонага тушиш, ўз тақдирига чизик тортиш, деган гапни уктириш керак. Тавба, муштдек бола-я, Асил опа шу бола олдида ҳадиксирагани таажжубли.

* * *

— Дадам ўлганми? — деб сўради Алижон Асил опадан, кечқурун ухлашга ётганларида.

— Унақа дема, Алижон, — деди Асил опа, яна юраги шувиллаб. — Даданг қамоқда.

— Нега бўлмаса анову амаки бизникига кўчиб келмоқчи?

— Даданг қамоқдан қачон чиқиши номаълум, — деди Асил опа. — Ёлғиз қолмасликларинг учун Мансур амакинг улардан кўчиб ўтишни илтимос қилипти. Яхши-да, уй тўла одам бўлади, кўркмай ётасизлар.

— Сиз-чи?

— Менинг ҳам болаларим, оилам, рўзғорим бор, уларга ҳам қараш керак, — деди Асил опа «уйимга кетаман» иборасини қай тарзда айтишни, кетиши тайинлигини мулоҳим, аммо зарур эканини ифода қилишни ўйлаб. Болалар истасин-истамасин, Асил опа барибир ўз хонадонига қайтиши муқаррар, бироқ шунақа қилиш керакки, етимчалар ўзини кераксиз, бировга малоли тушаётгандек, энди улар танҳо эканмиз, деб фараз қилмасликлари керак, акс ҳолда уларнинг дили аламзада бўлиб ўсишади. Бу доғни ҳеч қачон уларнинг кўнглидан чиқариб ташлаб бўлмайди. — Майли десанг, ҳар куни келиб, хабар олиб тураман. Мансур амакинг ҳам мактабдагилар ҳам келиб туришади. Даданг, аянг йўқлиги, ёлғизлик сезилмайди. — «Даданг, аянг», деб Асил опа бекор айтди, оғзидан чиқиб кетди. Ота-онанинг ўрнини ҳеч ким эгаллай олмаслигини ёш бола ҳам билади. — Улар қайтиб келишса, ҳеч нарсани кўрмагандек бўлиб кетасизлар, — деди Асил опа хатосини тузатиш учун, аммо бу билан боланинг дилида умид чироғини ёқа олдимиз, йўқми, билолмади. —

Бунақа ташвиш фақат сенларнинг бошларингга тушаётгани йўқ. Қанчадан-қанча оилалар отасиз, акасиз қолиб кетишяпти, ўзинг кўряпсан, қорахат келмаган, аза товуши чиқмаган эшик қолмади. Не илож, замон шунақа, тоқат қилиш керак, болам. Анову кримликларни кўр, минглаб оилалар — хотин-халаж, ёшқари бетоб-бемор одамлар, данғиллаган уй-жойлардан, чиройли маконидан ҳайдалиб, бу бегона юртларда дарбадар бўлиб юришипти, отхона-оғилхоналарда яшашяпти. Ўшаларнинг қисмати тушмасин, уларга кўмаклашиш бурчимиз. Худога шукр — ўз уйимизда, ўз ўлкамизда яшаяпмиз. Ёзиравериш ношукурчиликка киради. Бу кунлар унутилади, уруш тугасин, ҳаётимиз ўзгариб кетади. Маъмурчилик бошланади... — Асил опа ўзи ҳам билмагани учун, «отананг келади» каби сўзлардан қочишга тиришар, бироқ улар дунёдан ўтишган бўлсалар-да, ҳозирча бу масала устида кўп тўхтамасликни маъқул кўрар эди. Вақт ўтсин, бирон нарса равшан бўлсин, айтиш, юпатиш, тасалли бериш қочмас, унгача балки болаларнинг ўзлари ҳам шу йўсиндаги фикрга ўрганиб қолишар, хунук хабар уларни издан чиқармас.

Яхшиси, бунақа шум нарсаларни суриб, эртанги ҳаётни, янги яшовчилар келишини, улар билан бўладиган муросани ўйлаш, болаларни тайёрлаш керак. Жамила-ку ёш, янги дугонача келса, қайтага қувнайди, тез киришиб кетади, масала Алижонда. Болани авраш керак. Авраш ҳам эмас, ростини айтиб, тўғри йўлга бошлаш керак. Ҳақиқатан ҳам Фаизовлар яхши одамлар, бунақа оиланинг бу хонадонга кўчиб ўтиши — омад, худонинг қаромати. Хурсанд бўлиш керак.

* * *

Биринчи навбатда уйни иситиш керак эди, янги оила кўчиб ўтгач, Фаизов ишни печка қуришдан бошлади. Аввалига печка тутади, нам гишт, лой қурий бошлади, хонага тутун йиғилди, кейин бир-икки соат ўтгач, тутун тирқиш-тешиклардан чиқиб кетди, қуриган печканинг дудбурони яхши тортди, хона аста-секин исий бошлади. Земфира хоним уйдаги тартибни бузмаслик учун сандални олдириб ташламади, болалар ўрганишган, ётаверишсин, деб кўрпа-кўрпачаларни қокди, супурди, қишлоқ совети берган темир каравотларни ўрнатишди, шолча устига ўзлари олиб келган гиламни ташлашди, чинни асбобларини, кумуш қошиқларини тоқчага қўйишди, ҳатто Алижон билан Жамила ёпинадиган кўрпа-ёстикларга ғилоф кийгизишди, деразага парда осишди. Хона саранжом-кўркам бўлди, энг мухими — исиди. Алижон аввалига ётсираб,

чет-четларда юрди, яшовчиларнинг қизчаси бўлишига қарамай, Жамила ҳам акасига эргашиб, уйга яқинлашмади. Бироқ бола болалигини қилди: Земфира хоним қизининг қўғирчоқларидан бирини бергач, Жамила илакиша бошлади, ҳатто иссиқ хонадан соатлаб ташқарига чиқмай, Зарема билан «хола-хола» ўйнашга киришди, бошида онасининг этагини қўйиб юбормай юрган Зарема ҳам ўйинга алаҳсиб, Жамила билан киришиб кетди. Фақат Алижон ҳамон тумтаяр, тандир остида, арик бўйида, кўча эшиги олдида ивирсир, ўзига аллақандай эрмак топар, уйга киришга ошиқмас эди. Бироқ Земфира хоним челақни кўрсатиб, сув кераклигини айтганда, ўзидан ёрдам сўрашаётганини англаб, юмшади, ҳатто ҳовуз томонни кўрсатиб, Земфира хонимнинг олдида тушди, қумғонда бўлсаям кейинчалик сувни ўзи олиб келадиган бўлиб қолди, рўзғор юмушига аралашиб кетди. Фаизов мактабдан қайтганида, Алижон ғаразсиз қарайдиган, Фаизов печкада ёкиш учун шох-шабба терганида, ёрдам берадиган бўлиб қолди, ҳатто бир кунни Фаизов ғўзапоя олиб келиш учун далага борганида, унга эргашиб Алижон ҳам борди. Энди Жамиланинг дугонаси бўлгани учун, акаси далага кетганини пайқамади ҳам. Фаизов ўзига ғўзапоядан катта боғ, Алижонга ихчамроқ ўрам бойлаб, орқалатиб қўйганида Алижон ўзида йўқ хурсанд ҳолда уйга кўтариб келди. Ғўзапоя боғлай туриб, Фаизов ўз талаффузида:

— Бу нима? — деб сўради.

Алижон тушунмади. Фаизов — ғўзапоя боғламини кўрсатиб, саволини қайтарди.

— Ғўзапоя, — деди Алижон тушуниб.

— Бизда ғўзапоя йўқ, — деди Фаизов.

— Нега?

— Пахта йўқ-да.

— Нега?

— Иқлим бошқача, — деди Фаизов, қўли билан осмонни кўрсатиб. Фаизов Алижон кичкина деб камситмас, катталар билан гаплашгандек тенг муносабатда бўлар, бу Алижонни жичча хижолатлантирса-да, кўнглига аллақандай дадиллик бағишлар, бола ўзини эркинроқ сезар, Земфира хоним билан ҳам, Зарема билан ҳам ҳадиксирамай — тортинмай гаплашар, улар бирон юмуш буюришса, Алижон югуриб-чопкиллаб бажаришга киришар, бажарган иши уларга маъқул келишини истар, қайси бир иши нотўғри чикса, Юнус ака ҳам, Земфира хоним ҳам танбех беришмай, тушунтиришар эди. Шунинг учундир, Алижон барча топшириқларни кўркмай-чўчимай қилар, катталар мақтов билан рағбатлантиришса, ич-ичидан

шодланар, яна бажаришга тайёр турар эди. Алижон Фаизовга қараб, бехос дадаси билан таққослаштирар эди. Қаюмжон саҳар кетиб, кеч тунда қайтар, бошидан ташвиш ортиб ётар, ярим соат-бир соат бўш бўлса, экинга қарар, чопиқ қилар, сув қўяр, уй-пуйга уннар, отга ем берар, Алижон билан унча иши бўлмас, бола эртаю кеч ўзи билан ўзи бўлар, тузукрок ўйинчоқлари ҳам йўқ, қаттандир топган гилдиракни пилдиратар, новдани от қилиб минар, ирғишлар, томга чиқиб лола терар, кучукдек ўсар эди. Ойниса келин бўлиб тушгач, оилада маълум тартиб ўрната бошлади. Алижон ювинтириладиган, чақа-ярасига дори суриладиган, ўз вақтида ухлатиладиган, иложи борича қорнини тўйдириладиган бўлди, йиртиқ кийим-кечагини Ойниса ямади, чатиди, ювди, калта-кичик келиб қолганларини узайтирди. Янги тартиб Алижонга у қадар ёкмас, ҳавойиликка ўрганиб қолган бола интизомга бўйсунгиси келмас, ўжарлик қилар, қўлидаги пиёлани иткитар, синдирар, овқат қуйилган идишни суриб ташлар, бўлар-бўлмасга додлар, товукқа тош отар, кир осилган арқонни ечиб ташлар, кўча эшикни ташқаридан боғлаб қўярди. Бу шунчаки ёш боланинг қайсарлиги бўлиб қолмай, уйга кириб, онасининг ўрнини эгаллаган жувонга қарши қилинган намойиш, қизғаниш, рашк эди. Биринчи кезларда бола Жамила билан мутлақо ўйнамас, уни писанд қилмас, ҳатто қўғирчоқларини ўчоққа ташлаб ёқиб юборар, қизчанинг йиғисидан роҳатланар, араз баҳонасида томга тирмашиб чиқар, соатлаб тушмас, кампир ҳам, Ойниса ҳам қанча ўтинишса, шунча қайсарлик қилар, катталарни зорлантиришдан мароқ олар эди. Аммо янги аянинг кўнгли очиклиги, қуйинчаклиги, нияти холислигига Алижон аста-секин иқрор бўлиб, эзила бошлади. Бир куни оқшом бўлди, қош қорайди, қоронғи тушди ҳам аммо бола ҳамон томда, ўқтин-ўқтин йўталгани эшитилади, қоронғидан қўрққани ҳам билинмайди. Ҳадеб чақираверишдан қўшнилар олдида истиҳола қилиб, Ойниса томга чиқди. Алижон томнинг ўртасида мушт бўлиб ўтирар эди, ўгай онасининг чиққанини пайқаса-да, авзойини бузмай ўтираверди.

— Нега мунақа қиласан, Алижон? — деди Ойниса боланинг ёнида чўк тушиб ўтиргач. Бола тиззасидан бошини кўтармади. — Овқатинг совиб қолди. Сени кутиб, қўл урмадик. Энанг ётадиган вақт бўлиб қолди. Мендан ўтган бўлса, кечир. Юр, болам. Тушмасанг, мен ҳам чиқиб, шетга ётаман — юлдузларни томоша қиламиз. Кўрпа-ёстик олиб чиқиш керак. Жамилани ҳам. Даданг келса, хўп бизни кидиради. Бўпtimi?

Алижон бошини кўтариб, Ойнисага синовчан тикилди, қоронғида кўзлари йилтирар, Ойнисанинг таклифи боланинг дилида кизикиш уйғотгани сезилиб турар эди. Алижондан ҳеч ким шу топгача кечирим сўрамаган эди, бола ўзини алланечук хис қилди.

— Овқатни ҳам томда еймиз, — деди жувон, боланинг иккиланаётганини пайқаб. — Кейин ётамиз. Маза бўлади. Шамолни қара. Совқотиб қолмаймизми?

Бола худди кўзи билан совуқни кўра оладигандек, тепага қаради, жавоб бермади, аммо бундай ажойиб тунаш унинг дилида қандайдир тўлқин уйғотиб юборгани аниқ эди.

Қаюмжон тунда уйига қайтиб, буларнинг қилган найрангига оғзи очилиб қолди.

— Бу қанақаси? — деди у томга қараб. — Ҳозир адабини бераман.

— Йўқ, Қаюмжон ака, — деди Ойниса эрининг кўксига кафтини қўйиб, мунақа қулай вазият бўлмайди. Бола ишониши керак. Мана, кўрасиз, Алижон ўзгаради, яхши бола, фақат аламзада. Онаси ўлди, ўғай она келди, четга чиқиб қолгандек бўлди, энди орамизга қайтаришимиз керак. Бир кеча — минг кеча эмас. Сиз ҳам тажанглик қилманг, чарчаб келгансиз, ётинг.

Ҳақиқатда, бола ўзгара бошлади, аввалги ёвузлик, ўжарлиги юмшаб, хатто баъзи-базида Жамила билан ўйнайдиган, Ойнисанинг гапига кирадиган, сабабсиз хархаша қилмайдиган бўлиб қолди. Нисбатан осуда кунлар бошланди, аммо тез орада ҳаммаси барбод бўлди. Энди на дадаси, ўғай бўлса ҳам на онаси бор, тирикми, ўликми — номаълум, энаси ҳам ўлди-кетди.

Баҳор гурқираб келди, ҳаммаёқни кўкартириб-гуллатиб юборди, кундузи ҳаво яхшигина исийди, шамол тинмайди, осмонда туяга, қанорага, похол ғарамига ўхшаш оппоқ булутлар сузиб юради, ёпирилиб келиб куёшни тўсади, бир зумга ҳаммаёқ тусини йўқотгандек, рангини ўчиргандек бўлади, қалдирғочлар паст уча бошлайди, дақиқа ўтар-ўтмай, яна ҳаммаёқ чараклаб кетади.

Шунақа кунларнинг бирида Фаизов Алижонга варрак ясаб берди ва Жамила билан Заремани олиб қишлоқнинг четига чиқишди. У ерда дарахт кам, адир этаги бўлгани учун варрак учирини қулай эди. Дардарагини парпиратиб, варрак ҳавода уча бошлаганида, болалар ўзида йўқ хурсандлик билан ирғишлашди, қийқиришди. Фаизов варрак ипини Алижоннинг қулоғига босди, анча баландда учаётган варракнинг дириллаши ип орқали эшитилар,

дилни ҳаприқтирар эди, Алижон миннатдор табассум билан Фаизовга боқди.

— Яхшими? — мамнун бўлиб сўради Фаизов.

— Яхши, — деди Алижон, қувончини яшира олмай. — Раҳмат, амаки, — «амаки» сўзи боланинг тилидан биринчи чиқиши эди, Фаизовнинг юраги тўлқинланиб кетди. Парда кўтарилди, нифоқ ариди, деб ўйлади Фаизов ва ҳаяжонини кўрсатмаслик учун.

— Энди укаларинг ҳам эшитиб кўришсин, Алижон, — дея, ипни бирин-кетин қизчалар қулоғига босиб чиқди. Кейин ип ўралган чиллакни Алижонга берди, — Ма, Алижон, ўзинг учир. Эҳтиёт бўл, ипни қўйиб юборма, варрак учиб кетади.

Алижон ҳадиксираб чиллакни қўлида маҳкам сиқди. Паға булутларга етгудек бўлиб, варрак шамолнинг шиддатли оқимида икки томонга оҳиста оғиб учар, осмонда парвоз қилаётган мўъжизанинг ипи қўлидалигидан беҳад шод Алижон табассумини эплей олмас, ҳаяжондан қийқириб юборгиси келар эди. Айниқса, қишлоқ томондан варракни кўрган бир тўда болалар қий-чув билан чопқиллаб келиша бошлашини кўргач, боланинг дили ғурурга тўлди. Алижоннинг назарида осмонда чарақлаётган куюш ҳам, оппоқ булутлар, қийғос гуллаган дарахтлар ҳам, шамолнинг хуружи ҳам, тераклар талпиниши — ҳаммаси болани олқишлагандек туюлар, дунё мароқли кўринар эди.

— Бу менгами, амаки? — баландда учаётган варракни кўрсатиб сўради Алижон.

— Албатта сенга, болам, — яшнаб деди Фаизов ўзининг талаффузида. — Энди ўзинг учирасан. Варракни сенга ясадим-да.

Ҳайқириб келаётган болалар тўдаси яқинлашар экан, уларни кўрган Алижоннинг дили мағрурланар, кўзларида қувонч мавжланар, айна шу чоғда, учавер, деб варрак ипини қўйиб юборгиси ҳам келар, Фаизовни маҳкам қучишга тайёр эди.

7

Ҳар гал почтачи келганда, нима иш билан бўлмасин — кир юваётган, ҳаммом ўчоғига ўтин қалаётган ёки боласини эмизаётган бўладими — Ойниса албатта югуриб боради. Посилкадир, хатдир ҳамма ўзи қўл қўйиб олиши керак. Аммо ҳар гал Ойниса шумшайиб, ҳеч нарса олмай қайтади. Нега бунақа эканига, нима учун хатларига жавоб

келмаётганига ҳайрон бўлади. Ойниса Асил опага ҳам хат ёзди, ундан ҳам жавоб йўқ. Мана, уч ой бўлди. Қачон жавоб келади? Қачон Ойниса болалари ҳақида хабар олади? Хеч ким айта олмайди.

Бугун ҳам шунақа бўлди. Йиғлашга ҳам Ойнисанинг мадори қолмади. Қаюмжон ҳаммомда якка ўзи қолувди, йиғлаётгандир, деб Ойниса ўша ёққа шошилди. Бир неча дақиқа ўтгач, пойлоқчи турадиган томондан темир панжара қувурига урилган данг-данг товуш эшитилди. Ўрмондан ўтин келтиришганда, шунақа бонг қоқишади. Бу шунақа шартли, шовқин белги. Ўтин тайёрловчилар сим панжара орқали ғўлаларни ичкарига ташлашади, Ойниса Клава билан ўтинни ҳаммом ортидаги бостирма остига ташиб, тахлашади, қуруқ ўтин доим тайёр. Ойнисанинг боласи борлиги учун аяб, бу ишларни асосан Клава бажаради, лекин Клава тоби қочиб, ётиб қолди. Ойнисага қолса, майли, ётиб даволаниб чиқсин. Клаванинг бирон юқумли касали бўлса, Қаюмжонга ўтиши мумкин, бу ёқдаги ишларни бир амаллаб ўзи бажараверади. Бажариши шарт, ўтин тўкилган жойда ғўлалар қалашиб ётмаслиги керак, зона бошлиғи кўрса, Ойниса билан Клавага гап тегади. Ҳатто боласи бўлишига қарамай, Ойнисага жазо ёки бирон чора қўлланиши, кўмирхонагами, ҳожатхона тозалаш ишларигами ўтказишлари мумкин. Норозилик, эътироз, шикоят — бунақа нарсалар ҳисобга олинмайди, қайтага баттар бўлиши мумкин. Эмизиклик бола борлиги ҳам эътиборга олинмайди. Чора албатта амалга оширилади. Шунинг учун Ойниса бошқа ёрдамчи сўрашга ҳам ботина олмайди. Боласи биғиллаб ётса ҳам, ишни ўзи бажаради. Яхшиямки ёз пайти, Ойниса Қаюмжонни ухлатса, бир соатда ғўлаларни ташиб улгу-ради.

Бола ухлагач, Ойниса ташқарига чиқди. Ўтин тайёрловчилар охириги ғўлаларни панжара устидан ошириб ташлаб турган эдилар, Ойниса уларга қарамай, ўз ишига киришди. Икки-уч марта ўтин ташиб, яна қайтди, кўтариш учун ғўлаларни тахлаётган эди, ташқаридаги арава томондан кимнингдир хиргойиси эшитилди. Хиргойи шу қадар таниш, кўнгилга чироқ ёққудек соғинчли, хиргойи қилувчининг товуши ҳам ўта ёқимли эдики, жувоннинг дилини жунбишга солди. Ойниса бошини ўгириб, ўтинчиларга қаради: учала маҳбус ўз иши билан овора, хиргойи от қашлаётган киши томонидан келар, Ойнисанинг дилини баттар орзиқтирар, бироқ хиргойичи киши бу томонга қарамас, ўз иши билан машғул эди. Ойниса қаддини ростлаб хиргойи қилаётган кишига тикилди. Нотаниш киши ҳаракат қилганида, бир оёғи хийла оқсоқланар, қўл силташи, қимирлаши андак

хоргин, овози ҳам ўта таниш эди. Ойнисанинг оёқ-қўли бўшашиб кетди. Хиргойичи бу томонга ўгирилишини Ойниса истамас, агар тахмини хато чикса, юраги абгор бўлишидан кўрқар, пуч хаёл бўлса ҳам илинжи кучоғидан айрилишни хоҳламас эди. Аммо шундоқ таниш овозни, дилига муҳр бўлиб қолган қомат эгасини кўрмай, ўшалигига иқроп бўлмай бўладими? Буни қилмаслик учун қанақа матонат керак. Адашган бўлса ҳам, хиргойичи йигит таниш кўриниб, бошқа одам бўлиб чикса ҳам майли, Ойниса кўтаради, яна бир зарбага бардош беради. Бегона бўлса ҳам — ҳамюрт, тили бир, қўшиғи бир, ватани бир...

— Қаюмжон!.. — дея кўрқа-писа, зўр хадик-хаяжонда садо чиқарди Ойниса ва рухий ларза билан кутди. Бу тугёнли дақиқалар шу қадар узоқ, поёнсиз, одам дилини алғов-далғовга солувчи туганмас дақиқалар эдики, чидаш жуда азобли эди. Хиргойичи аёл овозини эшитиб, секин ўгирила бошлади.

Бу соқол-мўйловли, қиёфаси нотайин бир киши бўлиб, кўзлари алланечук чақнар, бутун вужудида қанақадир илтижони акс эттирувчи бир карахтлиқ бор эди.

— Ойниса! — деди мўйловли киши ханг-манг бўлиб. У хотинининг рўпарасида эди, ораларида фақат сим панжара ва вишкада милтиқ билан турган пойлоқчи бор эди. Бу нима ўзи, ўйлади нотаниш киши, тушимми, ўнгимми? Унинг хотини ҳам ҳибсга олинганидан хабари йўқ эди. — Сенмисан?!

— Қаюмжо-он! — дея ўкириб, Ойниса ўзини панжарага отди.

Қаюмжон ҳам оқсаб, панжара томон ташланди. Икки ташна дил панжара симлари аралаш бир-бирининг бармоқларини сиқишар, панжарага ястаниб, юзларини, лабларини бир-бирига ишқашар, бахт тўлқинида йиғлашар, панжаранинг ўткир симлари юзлари, лабларини тилар, аммо икки бенаво бутун борлиқни унутиб, бир-бирига алланималар дегиси келар, аммо хаяжон тўлқини иккаловини бўғар, сўз айтишга қўймас, уларни ҳеч ким, ҳеч нарса бир-биридан ажрата олмайдигандек эди.

Қаюмжоннинг кўмақдошлари нима бўлаётганини англай олмай, булар томон ағрайишар, мазмундор бир-бирига қараб қўйишар эди.

— Назад! — деган вишкадаги пойлоқчининг ҳайқириғи янгради. — Наза-ад! — буйруқ такрорланди. — Немедленно назад! Буду стрелять!

Ойниса дарҳол орқага чекинди. Унинг қўллари эри томон чўзилган, кўзлари жикқа ёшга тўла, бутун вужуди бахтдан қалтирар эди. Ойниса буйруқни бажармаса,

бўйсунмаса, пойлоқчи милтиқ отиши, ярадор қилиши, ҳатто ўлдириши мумкин ва бунақа қилишга қоида бўйича унинг ҳаққи бор, шунақа қилмаса, лагерь интизомини ўзи бузган бўлиб чиқишини жувон билар, ўзига нисбатан жазо чораси қўлланиши муқаррар эди, тартибни бузмаслик учун дарҳол рия қилиши, акс ҳолда аҳвол чатоқлашиши мумкинлигини яхши англар, энди йилт этган бахтни ўз қўли билан яксон қилишни мутлақо хоҳламас эди.

— Майли, Ойниса, қайт, буларнинг жаҳлини чиқарма,— деди Қаюмжон аранг ҳушига келиб, — шу ерда экансан, шукр. Болаларимиз қандай? Хат оляпсанми?

— Хат олмаяпман, хабар йўқ, — деди Ойниса бакириб юбормасликка тиришиб. — Сиз-чи?

— Мен ҳам, — деди Қаюмжон оти томон чекиниб. — Хат ёздим. Жавоб йўқ. Сен қачон қамалдинг?

— Сиздан кейин, бир ҳафта ўтар-ўтмас мени ҳам олишган.

— Наза-ад! — деган ўшқирш яна қайтарилди. — Не разговаривать! Стрелять буду!

— Бирон фалокат бўлмай туриб, кета қолинг, — деди Ойниса, чекина туриб. — Тезроқ жўнанг. Тезроқ! Кўз тегмасин, жоним!

— Хўп-хўп! — Қаюмжон дарҳол отига қамчи урди, арава ўрнидан жилиб, нари кета бошлади, аристонлар ўқтин-ўқтин орқаларига қараб-тикилиб, ниҳоят дўнг ортида ғойиб бўлишди.

Ойниса пойлоқчи-соқчилар, умуман колония маъмуриятидаги одамлар эътиборини ўзига жалб қилмаслик учун, бор иродасини йиғиб, ҳаммомга, ўрилчаси ётган жойга интилди ва уйқудаги болани даст кўтариб, бағрига босди.

— Даданг тирик экан, болажоним! — йиғидан энтикиб деди Ойниса ва кўзидан уйқу аримаган Қаюмжонни ўла кетди. Бола афтини бужмайтириб, рингший бошлади. — Етим эмассан, жонгинам! Бахтинг бор экан! Кўз тегмасин, кўзичоғим, худо сақласин!

Чақалоқ баъзан онасининг жўшқин жазавасини тушунгандек, унинг кўзларига тикилар, онасига кўшилиб йиғлар, аммо бу хушнуд йиғи дил қаҳқаҳаси эканлигини билмас эди.

Аммо қувонч қувонч билан, хўжайин — ясовулларнинг ғашини келтирмаслик учун ўз ишини бажариши ҳам керак. Бир одамнинг хурсанд бўлиши ҳам бу қўриқчилар дилида нафрат қўзғайди, шунинг учун Ойниса тишининг оқини кўрсатмаслиги, ўзини ҳеч нарса рўй бермагандек тутиши керак. Акс ҳолда шунча қувончи мусибатга айланиши

хеч гап эмас. Биринчи галда, Қаюмжонни бу томонга йўлатишмайди, Ойнисани ҳам тек қўйишмайди, камида ҳаммомдан четлатишади, унда жувон умуман бу томонларга ўтишдан маҳрум бўлади, эри билан узоқдан бўлса ҳам кўришиш имконияти қолмайди. Боя ҳаяжон шу қадар кучли эдики, Ойниса бола туққанини ҳам, чақалоқ етти ойга тўлганини ҳам, исми Қаюмжон эканини айтиш ҳам эсига келмади, пойлоқчи яшшамагур ўдағайлаб, икковининг ўтакасини ёрди, бунақада ўзингнинг номингни ҳам айта олмайсан киши.

Хаётда қоқилавериб Ойниса ҳамма нарсадан ҳадикси-райдиган бўлиб қолган, ҳатто аён омаддан ҳам кетидан бир кўнгилсиз ҳодиса юз беради, деб кўрқади, қувонишдан, мамнун бўлишдан чўчийди. Бунақа воқеаларни Ойниса бошидан кўп ўтказгани учун, яхши хабар эшитгудек бўлса, оқибат ёмон бўлишини юраги зиркираб кутади ва кўп ҳолларда шундай бўлиб чиқади ҳам. Шум хабарга одатланиб қолган Ойниса, ёмон воқеа билан тўқнаш келганида, ўзини йўқотиб, мушкул аҳволга тушмайди, ўрганган ҳодиса деб қарайди, маълум даражада мусибатни қарши олишга тайёр бўлади. Бироқ бугунгиси нима? Омадми? Омад бўлса, тескариси қанақа ва қачон бўлади? Бу шароитда — ўзинг маҳбус, эринг маҳбус, ҳатто боланг асир аснода ёмон оқибат бўлиши табиий, унга қаршилиқ кўрсатиш бемаънилик. Баттар бўлади. Бу ерда нима ҳаққинг бор, ким сенинг гапингга, зорингга қулоқ солади? Ўзингни айбдорга чиқаришади. Ҳаракат қилсанг, қош қўяман, деб кўз чиқарасан. Зона бошлиғига ҳамма гапни айтса, шунақа, биз эру хотинмиз, гувоҳномамиз делода ёзилган, эрим нариги лагерда экан, деса қанақа бўларкин? Мен уларга шуни айтсам, иш чатоқлашмасмикин? Агар Қаюмжонни бу ёққа йўлатмай қўйишса ёки узоқроқ зонага жўнатиб юборишса — тамом, муддат тугамагунча, бир-биримизни умуман, кўра олмайдиган бўламиз-қоламиз. Ахир ҳозирги вазият, агар ими-жимиди иш тутсак, яхши-ку. Шунданам маҳрум бўлиш ношукурлик-ку. Аммо сирни сақлаб бўлармикин? Пойлоқчи пўписа қилди, ўдағайлади, ўқ отишига сал қолди. Бориб айтса, бошлиқ тўнини тесқари кийиб олмасмикин? Нега дарров келиб билдирмадинг, бизни огоҳ қилмадинг, нега яширдинг, деса, нима деб жавоб беради Ойниса, ўзини қандай оқлайди? Ёнма-ён зонага тушиб қолибсизлар, хатони тузатамиз, деб нариги лагерь начальнигига ёки лагерьлар комендантига хабар берса, улар «хатони тузатишади». Унда додингни кимга айтасан? Ўзингга ҳам зуғум ўтказишади. Қийин бўлганда болангга қийин бўлади. Булар нима

қилмасин — ҳақ. Иккала тадбирнинг ҳам охири вой бўлиши мумкин. Агар очикда бўлишганда, бирон нарса сукибми, пул-мул берибми, ишни тўғриласа бўларди. Аммо бу ерда нима ваъда қилиш мумкин? Қўли нимага етар эди. Кир-пирини сўраб, ювиб берса — кўнармикин? Нима қилсиникин? Нима қилмасин, хато чиқмаслиги керак. Ўзи бориб хабар берса, ҳеч нарсани гумон қилмаган одамни ўзи уйғотиб юборгандек, арининг инига чўп тикқандек бўлади. Хабар бермаса, нега яширдинг, деб даъво қилади. Балоба қоласан. Уф-ф. Нима бўлмасин, ақалли яна бир марта Қаюмжон келсаям кошки эди. Пойлоқчи ўқирсаям, боласини, пуштикамаридан бино бўлган ўғилчасини кўрсатиб қолсаям майли эди. Насиб қилармикин? Худо ёмон кўздан асрармикин? Ё индамай ўтираверсинми? Тергов қилишса, танайман, ўзбек экан, шунчаки ватандош бўлгани учун гаплашдик, холос, десинми? Бунинг нимаси гуноҳ? Ахир одам билан одам гаплашиши табиий нарса-ку. Юрипмиз-ку бу ерда ҳар қанақа жосуслар билан гаплашиб. Ҳатто кирини ювяпмиз, бир столда овқатланяпмиз. Индамагани маъкул. Сўрашса, Ойниса ўзини гўлликка солади, айтиш зарурлигини билмапман, дейди, қисташса, пўписа қилишса, бирон баҳона топади ёки борини айтади-қўяди. Панд еб қолишдан кўркдим, дейди. Нима исташса, қилаверишсин. Пешонада борини кўради. Кўркувда икки кун ўтди, Ойнисани ҳеч ким чақирмади, сўроққа тутмади. Ё ҳеч ким айтмаган, ё пайт пойлашяпти, деб ўйлади Ойниса, ё айтишган бўлсаям, маъмуриятдагилар бу ходисага эътибор беришмади. Ўтин тайёрловчилар ҳам, бу зонадаги аёллар ҳам — махбуслар ўзаро гаплашишса, нима қилипти? Унинг устига — темир панжара орқали. Шубха билан бўлса-да, Ойниса шу тахмини мумкинлигига ишона бошлади. Ўтган кунги арава яна ўтин билан келди. Тарақ-турук, худди узоқларда момақалдироқ бўлаётгандек, товуш билан гўлалар туширила бошлади. Темир панжара ташқарисиди, шундоқ пойлоқчи турадиган ёроч вишка ёнида махсус ажратилган жой бор, жойнинг эни, узунлиги 10—15 метр бўлиб, у ер ҳам панжара билан ўралган, дарвозаси бор. Гиштми, ўтинми, оҳакми — ўша ёққа туширилади, иш битгач дарвоза яна бекитилиб, қулф солинади, туширилган нарсани аристон аёллар яна битта дарвоза орқали ичкарига ташиб киришади, аммо махсус ажратилган жойга мол туширилиб, аравами, машинами чиқиб кетгандан сўнг, дарвоза қулфлангач одам киритилади. Молни ташиб бўлгунларича ички дарвоза очик туради. Мана бугун ҳам одатдагидек иш бўляпти. Аммо Ойниса учун бу иш одатдаги эмас, Ойниса кўпикка

беланган кўллари чойшабга артиб, деразанинг темир панжараси орқали улар томонига тикилмоқда, Қаюмжон бўлса, оқсоқлигидан дарров пайқайди. Оқсоқ киши бор бўлиб, ғула туширишга ёрдам берар, хавфсираётган бўлса керак, бу томонга қарамасликка уринар, балки Ойниса чиқиб боришини пойлар, шарпаси кўриниши билан юзини бу ёкқа ўгирмоқчими — фаҳмлаш қийин эди.

Ойниса боласини шартта олиб, ташқарига отилди ва ички дарвозага ўн қадамча бериди тўхтади. Вишкадаги қуролли пойлоқчи бир аравадаги маҳбусларга, бир бола кўтарган Ойнисага кўз ташлар, аввал кунгидек сўзлашиш бошланса, бақириб ҳозирланиб тургандек кўринар эди. Пойлоқчи билан кўзи кўзига тушгач, Ойниса жилмайиб қўйди — зора кутурмаса эди. Кутурсаям майли, Ойниса эри билан бирикки оғиз сўз алмашиб олишга улгуради, барибир пойлоқчи ўзбекчани тушунмайди, нима деганларини ҳам билолмайди. Нега Қаюмжон ўгирилмаяпти, вақт ганимат пайтида қараса, ўғилчасини ҳам кўрар эди, айтадиган гапи бўлса, айтар эди.

Ойниса садо чиқаришдан ҳайиқиб, мўлтираган ҳолда эри томон тикилар, ҳадеганда эри қарамас, вазият борган сари зидлашар, бирон ҳодиса рўй бериши мумкиндек, жувонни туғёнга солар эди. Ахир Қаюмжон қаддини ростлаб, қошигача сурилиб кетган телпагини кўтарди ва Ойниса томон назар ташлаб, бир оз ағрайиб қолди. Ойниса болани кўлида кўтариб, эрига кўрсатди.

— Туғдингми?! — ҳаяжонини эплай олмай, хитоб қилди Қаюмжон. — Бизникими?

— Бизники, дадаси, бизники! — деди Ойниса, овозини каттиқ кўтармасликка тиришиб. — Исми Қаюмжон! Адашсизлар! Етти ойлик...

— Разговорчики! — жаҳлсиз бақирди вишкадан қоровул.

— Раҳмат, Ойниса! Яхшимисизлар? Қалай? — дея Қаюмжон, вақтдан фойдаланиш учун жавобни кутмай, сўзларини қалаштирди. — Ғулада хат бор. Қидир!

— Хўп, хўп! Топаман! — деди Ойниса, товушини эри томон юбориб. — Начальник рухсат берса, учрашамиз, болангизни яқиндан кўрасиз.

— Разговорчики! — дея пойлоқчи бу гал дағалроқ бақирди, аммо бу бақириб ўтган кунгидан юмшоқроқ бўлгани учун, Ойниса ўзини бир оз дадилроқ тутди. Балки начальник рухсат бергандир, тахмин қилди Ойниса, эътибор берма, дегандир. Агар шундай бўлса жуда яхши, демак, эри билан учрашишга рухсат сўраш мумкиндир.

— Йўк, рухсат сўрама, шуням худо кўп кўрмасин, —

деди Қаюмжон шошилиб. — Болангга эҳтиёт бўл. Ҳаммомдамисан?

— Ҳа, ишляяпман. Ўзингизни авайланг.

— Разговорчики!

— Бўлди, қайт! — Қаюмжон жавоб кутмай, ишига берилди.

— Яна келасизми?

— Билмадим, — деди Қаюмжон ўгирилиб, — иш бузилмаса, келаман. Келмасам, хат ғула ичида бўлади.

— Назад! — ўшқирди пойлоқчи, қўлидаги милтиқ билан ўқталиб. Энди қайтмаса аҳвол хунук тус олиши муқаррар эди. Ойниса боласини кучиб, орқасига тисарила бошлади, ҳаммом эшиги олдидан кузатишни маъқул кўрди.

Аравадаги маҳбусларни қўриқлаб келган соқчи ҳам милтигини қўлига олиб, ташқи дарвозага ишора қилди. Асирлар арава четига ўтиришди, Қаюмжон отнинг тизгинини силтади, арава ташқарига чиқиб кетди, қора камзул кийган аёл дарвозага қулф солди.

Бошлиқлар маишатидан кейин ҳаммом тоқчасида баъзан уч-тўрт чакмоқ қанд, икки-уч бурда оқ нон, бир-икки паррак колбаса, ҳатто шиша тагида ичкилик ҳам қолар эди. Дарвозани қулфлаган аёл ўтиб кета туриб, Ойнисага қаради, қўлчасини ўйнатаётган гўдакка жилмайиб қўйди.

— Киринг, чой бор, — деди Ойниса, аёлнинг юзига хушомад назар билан қараб. Пойлоқчи бўлмаса ҳам, шу аёл бошлиқларга Ойнисани чақиши мумкин, шунинг учун, аввалдан таниш бўлса-да, яна бир кўнглини овлаш зарар қилмаслигини тушуниб, Ойниса шу усулни қўллади, аммо феъли айниса, қўлидан ҳамма нарса келиши тайин эди. — Икки чакмоқ қанд ҳам бор, — деди Ойниса одат бўйича рус тилида, аёлнинг майли борлигини сезиб. Умуман, бу аёл ёмон одамга ўхшамайди, нияти бузуқ бўлганида, аввалги галдаёқ начальникка хабар етказар эди. Аёл бир атрофга аланглаб олди, афтидан эҳтиёт бўлиш бунинг ҳам вужудига сингган эди.

— Юринг, — деди Ойниса, аёлга далда бериб.

Аёл милтигини у қўлидан бу қўлига олиб, Ойнисага эргашди. Ойниса атайин боласини аёлга бериб, ўзи чой дамлашга киришди. Аёл бу хонага авваллари ҳам бир-икки марта кирган бўлиб, ҳаммомда уюштириладиган базму ишратлардан бохабар, «меҳмонлар» ким эканини ҳам билар эди, чунки «меҳмонлар» одатда шу дарвоза орқали кириб келишар, дарвозани шу аёл очиб, маишатлар тугамагунга қадар дарвоза олдидан жилмас эди. Аслида ўзи чувашиялик бўлиб, эри қулоқликда айбланиб, шу ерларга сургун қилинган,

аёл ягона фарзанди урушда ҳалок бўлгандан сўнг, эрини ахтариб келган, эри чиллашир қасалига чалиниб, ўттиз тўққизинчи йилда вафот этган, аёлнинг ўзи тўғри келган ишларни бажариб, кун кечирган, Чувашияга қайтмаган, уч йилдан буён шунақа зоналарда қоровуллик қилиб келмоқда эди, кичкина дахлизчали уйи ҳам бор. Битта стол билан каравот аранг сиғади, бола-чақаси бўлмагани учун уйига ошиқмайди, баъзида қоровулхонада тунаб қолади, ошхонадаги юмушларга қарашади, ўша ердан у-бу нарса ейди.

Ойниса чой дамланган тунука чойнакни стол четига қўйиб, алюмин кружкага чой қуйди ва боласи ётадиган тўшакдаги ёстиқча остидан бир неча чакмоқ қанд ўралган латтани ёзди.

— Олинг, Маруся опа, борим шу, — деди Ойниса рус тилида ва болани аёл қўлидан олди.

Маруся опа қанднинг биттасини чойга солди.

— Ҳалиги киши, биласизми, ким? — сўради Ойниса, аёл чой ҳўплай бошлагач.

— Эринг, — деди аёл пинагини бузмай.

— Қаттан биласиз? — таажжубланиб сўради Ойниса.

— Тахмин қилдим, — деди аёл, — олдинги куниям кўрувдим — пойлоқчи ҳайдаганида. Эринг нариги зонадан. Бирга этап бўлганмисизлар?

— Йўқ, кетма-кет. Эрим бу ердалигини билмас эдим. Тасодифни қаранг, ёнма-ён эканмиз. Кўзимга ишонмайман.

— Таксимотда адашишган, — деди аёл, чойини пуфлаб.

— Билиб қолишса нима бўлади? — сўради Ойниса хавотирланиб.

— Қайдам, балки ё сени, ё эрингни бошқа зонага жўнатиб юборишлари мумкин.

— Мен шундан кўрқяпман, — деди Ойниса. — Билишмаса-чи?

— Барибир билишади, бугун бўлмаса — эртага.

— Сиз айтмайсизми?

— Қоида бўйича айтишим керак, аммо айтмайман, — деди аёл. — Пойлоқчи айтиши мумкин.

— Пойлоқчидан илтимос қилсам-чи? Қўнармикан?

— Улар учта, смена алмашишади. Биттаси кўнса, иккинчиси кўнмаслиги мумкин.

— У кунги пойлоқчи бугун ҳам вахтада экан, — деди Ойниса, аёлдан далда кутиб, — айтмапти, чоғи. Бўлмаса мени қўйишмас эди, тергашарди.

— Икки кун ўтди, чақиртиришмадимиз? Чойинг асил

экан, — деди аёл, саволига жавоб кутмай, — мунақа чойни қачон ичганман, эсимдаям йўқ.

— Ичинг, ош бўлсин, мана, яна қуяй, дея Ойниса аёлнинг кружкасига яна қанд ташлади, чой қуйди. — Чақиртиришмади. Пойлоқчи унча пўписаям қилмади.

— Агар эринг шу сменада келса — омадинг. Лекин бошқаларнинг сменасига тушса, нима бўлишини худо билади.

Ойнисанинг кўзига ёш йиғилди.

— Шу пойлоқчини кўндириб кўриш керак, — деди аёл. Унинг пешонаси терлай бошлаган эди, — бошқалар билан ўзи гаплашади. Аммо бекорга унамайди.

— Порани қаттан оламан? — деди Ойниса ўкиниб. — Болам бор, ўзим қил устидаман.

Маруся опа бир дам ўйланиб тургач:

— Уйимда бир шиша арақ бор, — деди, — бераман.

— Раҳмат, Маруся опа, — деди Ойниса чин дилдан шодланиб. — Раҳмат. Мендан қайтмаса, худодан қайтсин сизга! Яхши одамлигингизни фаҳмлаб юрардим. Ҳақиқатда ажойиб экансиз! Шу замонда мунақа сахийлик! Ақл бовар қилмайди. Ула-ўлгунимча сизни дуо қиламан.

— Ўзингга эҳтиёт бўл, болани асра, — деди аёл Ойнисанинг мақтовларидан ўнғайсизланиб.

— Раҳмат, Маруся опа. Яна битта илтимосим бор, — деди Ойниса илтижо билан.

— Хўш? — сал ҳадиксираб сўради аёл.

— Эрим билан гаплаштиришмайди, — деди Ойниса ҳам ҳадиксираб. — Унга бир амаллаб хат сукиш мумкин бўлармикин?

— Уларнинг ҳам соқчиси бор, ўзинг кўрдинг, — деди аёл хўрсиниб. — Билиб қолишса эринг ҳам, сен ҳам панд ейсизлар. Мени ҳам аяшмайди. Аммо иложи бор.

— Иложи бор? — ўз қулоғига ишонмай сўради Ойниса. — Қанақа?

— Ҳозир кунлар иссиқ, улар чанқашади. Сув сўрашса, пақирнинг остидан сукиш мумкин ёки соқчи сув ичаётган пайтда чўнтагига солиб қўйса бўлади. Аммо бу хавфли иш. Хатга тош ўраб, ирғитса ҳам бўлади. Мунда фақат ўзинг жавоб берасан, агар соқчи қўлига тушса.

— Уф-ф, — дея Ойниса чуқур хўрсинди. — Маруся опа, менда арақ бор. Анову, биласиз, меҳмонлардан қолган-қутганини бир шишага қуйиб, яшириб қўйганман, ўша соқчига берсак, қалай бўларкин?

— Қандай берасан? Атрофда учта одам. Шиша игна эмас-ку. — Маруся опа баъзан қуролли ёш соқчи билан

четда туриб махбуслар ишини кузатар, бир-икки оғиз сўз олишар, ишлаётганлар буларга эътибор ҳам беришмас эди, бунақа пайтда секин шишани кўйнига тикиб кўйса бўлади, деб ўйлади аёл. — Майли, бирон чораси топилар. Мен энди чиқай, — дейиши билан корпус томондан тушки овқатга бонг урилди. Бунақа пайтда ҳамма махбуслар ошхона олдида рўйхат бўйича чақирилишга саф тортиб туришлари керак. Ғўлалар ичидан кераклигини топиб, хатни олишга Ойниса улгуриши керак, аммо бонг чалинди, энди бошқа илож йўқ, боласи билан бўлса-да, рўйхатга чопиши керак. Хатни овқатдан кейин кидиради. Бу тадбир одамларни овқатлантиришдан кўра кўпроқ рўйхатдан ўтказиш учун керак, чунки ҳозир ёз, махбуслар қочадиган пайт. Қишда қочган ўнта махбуснинг тўққизтаси қорга ботиб музлаб қолди. Ёзда қулай, ўрмонда тунаса ҳам бўлади, буларнинг ҳам ярмидан кўпи қўлга тушади. Чунки поезд тўхтаган станцияларда албатта назоратчи соқчилар юрган бўлади, уларни шамғалат қилиб вагонга чиқиб олиш мушкул, чиқиб олишганда ҳам поезд ичи назоратчилардан холи эмас. Яшириниб, осилиб, битта махбус керакли манзилига етиб олиши мумкин, аммо у ерда ҳам текширув органлари бор, қўлга тушиш аниқ. Қўлга тушганлар албатта қамаладилар, уларга нисбатан қўлланган чора баттар бўлади.

Калонияда иккинчи, ҳатто учинчи муддатни ўтаётганлар бор. Қочиш улар учун бир дард, хуморидек нарса, ҳатто завқ. Ўзлари «азарт» дейишади, лагерь интизоми қанча қаттиқ бўлмасин, унақалар пайтни пойлаб барибир қочишади, шу таваккалдан, хатардан кайф олишади. Баъзан бу каби амал кутилган натижани беради, бир хил қочоқлар ўрмонларда ёки ҳеч кимнинг қадами етмайдиган жойларда яшовчи оилалар кулбасида кун кечиришади, ўргана олмаганлари қайтиб келади, ўзи қўлга тушиб беради, бир оз вақт ўтгач, яна қочиш пайига тушади. Бунақа хатти-ҳаракатларни кўп ҳолларда эркак махбуслар бажаришади, кўплари урушга юбор, деб ҳарбий муассасаларга мурожаат қилишади, баъзида урушга юбориш билан яқунланган ҳодисалар ҳам бўлган, уларнинг ичидан қаҳрамонлар чиққани ҳам бор.

Шунга кўра, қочқин махбус урушда қатнашиш истагини билдирса, унинг хоҳиши инобатга олинади. Дизертирлар ҳам учраб туради, албатта, аммо унақаларни аяшмайди. Қанчаси яна қочиш нияти билан юришипти ўнлаб, юзлаб лагерларда. Кўпларининг фарзандлари борлигини ўзлари ҳам билишмайди, негаки бирон шаҳарча ёки қўрғонда

писиниб, бирон аёл билан илакишади, аммо икки-уч ой ўтгач жанжал чиқади, маҳбус хонадонни тарк этади, дарбадарлик бошланади, яна бирон посёлкада жонкуяр аёл топилади, яна икки-уч ойлик турмуш бошланади, бир кунмас бир кун маҳбус — куёв албатта ғойиб бўлади-қолади. Омади бўлса, яна биронта жонкуяр аёлни топади, омади чопмаса, қўлга тушади, ярим йил ўтар-ўтмас яна лагерга қайтиб келади. Яна қочиш пайига тушади. «Гастролёр» дейишади бунақаларни лагер ходимлари. Қўлга тушмаганлари ташлаб кетган оилаларига яна қайтадиган пайтлари ҳам бўлади, бунда «жонкуяр» аёл туккан, бола эса тўрт-беш ойлик бўлиб қолган, аммо «қочоқ»қа оила ҳаёти таъмсиз туюлади, бошлаган биронта иши охирига етмайди, етказишни истамайди ҳам, муттасил хавфдан роҳат оладиган маҳбуснинг кўзи кўчада бўлади, яна дарбадарликни кўмсайди. Иккинчи ёки учинчи «жонкуяр»никига боради, у ер ҳам жонига тегади, боласи ҳам кўзига кўринмайди, яна хатар ахтаришга тушади, бангилик қилади, бориб-бориб бирон ертўлада ўлиб кетади. Бу каби қочиш аломатлари маҳбус аёлларда ҳам учраб туради. Қоида бўйича зонада туғилган болаларни икки йил ўтгач, гўдаклар етимхонасига юборишади, боладан ажраган она бир неча ой мобайнида азоб чекиб, боласини соғиниб, гаранг бўлиб юради, бошқа чора топа олмай, қочиш кўйига тушади. Уддасидан чиқса қочади, боласини кидириб топади, аммо онага болани бериш у ёқда турсин, ҳатто кўрсатмайдилар ҳам. Ичиккан она не азоблар билан боласини кўради ҳам, баъзи кезларда жанжал чиқади, она шўрлик ҳафталаб етимхона атрофида куйиккандек юради, кимгадир илакишади, хомиладор бўлади, қўлга тушади, яна зонага қайтади. Бунақа синов Ойнисанинг бошида ҳали турипти. Муддати келгач, болани онадан айириб, етимхонага юборадилар. Ойниса қандай чидайди бу жудоликка? Қандай? Ахир тирик болани тирик онаси бағридан юлиб, етимхонага ташлашса, бу қанақа ёввойилик? Ёвузлик?! Нега болани онаси билан қолдириш мумкин эмас? Ажратиш қанақа фойда беради? Ойниса ҳеч тушунмайди. Бола маҳбус эмас, уни қамокда сақлаш мумкин эмас эмиш. Етимхонанинг қамокдан нима фарқи бор? Боланинг қамокхонада туғилишининг ўзи асирлик дегани-ку. Ажратиш ҳам жазонинг бир туридир-да. Болага инсонпарварлик қилмоқчи бўлсанг, қолдир онасига. Етимхонага ташлаш, онасидан айириш — инсонпарварликми? Ваҳшийлик эмасми? Онаси ҳам, отаси ҳам соппа-соғ, ёнма-ён туришса-ю, болани ажратиб, етимхонага равона қилишса — кимда, қайси давлатда бор бунақа ёвузлик? Ким ўйлаб

чиқарган? Болага фойда берса кошки эди, қанчаси касалдан ўлиб кетишаётган эмиш. Бунақа озодлик кимга керак? Ахир мамлакат ўзининг келажакда фойда келтирадиган фуқароларини кўпол қонун-қоидалари билан барбод қиляпти, қанчаси мажруҳ-майиб бўлиб ўсишмоқда. Бу ахир тўғридан-тўғри ўз халқига нисбатан жиноят-ку. Ойниса ўзи шу ерда аёллар овзидан эшитган, баъзи Оврupo мамлакатларида хомилали аёллар қанақа жиноят қилишмасин, туғиб, боласини маълум ёшгача тарбиялашмагунча, жавобгарликка тортишмас экан, аёллар судга тушмасликлари учун кетма-кет хомиладор бўлишаверар эканлар. Оқибатда, демак, мамлакатнинг ишга яроқли аҳолиси кўпаяр экан. Оқил тадбир. Нега бизда шу усулни қўллашмайди? Нега шунақа лагерлар ташқарисида йигирма-ўттиз болага мўлжалланган ихчамгина баракми, биноми қуриш мумкин эмас? Махбус аёлларнинг ўзлари жон деб қуришади. Иккита тарбиячи олишса кифоя. Атрофда қанча аёллар ишсиз юришипти. Болаларни у ёққа олиб бор, бу ёққа олиб кел каби кераксиз, машаққатли уринишлар ҳам, касал болаларга қараш ҳам, уларни боқиш, кийинтириш, ўқитиш, тарбия бериш машмашаси камаяр, болаларга ҳам, оналарига ҳам қулай бўлар эди. Фарзандидан ажраган она, онадан ажраган бола, соқчи назоратида бўлса ҳам, бир ҳафтада бир-икки марта қуришса, бунинг қанақа зарари бор? Қанчайин боласидан айрилган оналар жудоликка чидай олмай, ўлиб кетишяпти. Жинни бўлишяпти. Уларни даволаш, сақлаш учун ҳам маблағ керак-ку. Наҳот бу, ҳам ижтимоий, ҳам жиноий, ҳам рухий, ҳам моддий исрофгарчиликни ҳисобга оладиган, чўтга ташлайдиган хушёр одамлар йўқ? Ахир уруш кетяпти, тежалган қанча моддий бойлик ғалаба ишига сафарбар қилиниши мумкин эди-ку. Тавба! Бу ўзи қанақа ҳукумат? Қанақа халқ тузуми? Ҳар бир фуқаросига шубҳа билан қараса, уйдирма айблар билан қамаса, қирса, ҳеч ким мик эта олмаса?..

Ўйга толиб, Ойниса тушлик бўтқасини қандай еганини ҳам билмади, кейин изоляторга ўтиб, Клавадан хабар олди. Клава ҳамон бетоб, баттар озиб кетган, тез-тез ҳожатхонага югурар эди, Ойнисани боласи билан кўриб, «кирма» деди, чунки касали юқумли бўлгани учун буларга ҳам ўтишидан хавотирланар эди. Ойниса остонадан хол-аҳволини сўраб, ҳаммом томон шошилди — Қаюмжонни ухлатиши ва энг муҳими, ғўлаларни ташиб, ичидан хат жойлашганини топиши зарур эди.

Масъудни бир ойлик тайёрлов курсини ўтиш учун станцияданок Уфадаги кичик офицерлар мактабига тақсим қилишди. Масъуд билан юборилган яна йигирма етти йигит бир ярим ой мобайнида жанг сабоқларини эгаллаб, фронтга, Ғарбий Украинага йўлланма олишди. Масъуд алоқа бўйича ўқигани учун уни хат ташувчиликка тайин қилишди. Бу хатлар кўмондонлар орасидаги олишмалар бўлиб, Масъудни ярим тунда ҳам юборишар, машинада юриш имконияти бўлмаган пайтларда Масъуд баъзан отда, душман кўзига тушмаслик учун кўп ҳолларда пиёда жўнар, ҳеч қачон қуролдан ажралмас, душман таҳдид солган вазиятда, дарҳол махфий хужжатларни ёқиб ташлаши, ҳатто ўзини ҳам бир ўқ билан ҳалок қилиши назарда тутилар, аммо Масъуд ҳозирги пайтгача бундай фавқулодда ҳолатга тушмай келаётган эди.

Бир куни душманга ўзини сездирмаслик учун ҳамда йўлни қисқартириш нияти ва ўз штабига етиб олиш мақсадида, Масъуд ўрмонни кесиб ўтишга қарор қилди. Унинг планшетидаги кичкина картада кўрсатилишича, ўрмоннинг кенглиги уч километрни ташкил этар, Масъуд бу масофани ярим соатда ўтишга кўзи етар эди. Масъуд атрофга аланглаб-аланглаб, ўрмон охирига етай деганда, кўзи дарахтдан осилиб турган парашют арқонларига тушди. Масъуд тепага қаради: парашютнинг пардаси иккита қарағайнинг шохларига илиниб қолган бўлиб, тахминан уч метрлар баландликда немис учувчиси тасмаларга ўралашган ҳолда боши билан пастга қараб осилиб ётар, яраланган бўлса керак, беҳуш эди. Масъуд атрофга аланглади, ҳеч ким йўқ, узокдаги замбараклар товушига жўр бўлгандек, какку хониш қилар, йиғига ўхшаш мунгли товушдан қўрққандек, бошқа қушлар сайрамас эди. Масъуд нима тадбир қўллашни билмай, ҳайрон бўлиб қолди. Немис учувчиси яраланганми ёки дарахт шохларига урилиб, майиб бўлганми, аниқлаш қийин, аммо тириклиги аён эди.

— Эй, фриц! — дея Масъуд, ҳар эҳтимолга қарши тўппончасини яланғочлаб, бақирди. Қўлқоп кийган учувчининг қўллари боши узра ер томон осилиб ётар эди, Масъуд иккинчи марта бақирганида, бармоқлари билинар-билинемас кимирлади. Нима чора кўриш керак? Парво қилмай кетаверсинмикин? Қандай яраланган одамни ташлаб кетиш мумкин? Ёки отиб ўлдирсинми? Ташлаб кетса, барибир ўлади. Шу аҳволда ётган одамни қандай отади? Немис бўлса-да, одам-ку. Ҳушига келтириб, асирга олиш керак.

Учувчи экан, планшетида схемалари бор, штабга олиб борса, бирон маълумот чиқар.

Масъуд ердан ёғоч олиб учувчини ниқтади. Ярадор учувчи қўлини шалвиратиб ингради, нафас ўтмай, яна хушидан кетди. У шу осилиб ётишида маст одамга ўхшар эди.

Масъуд ергача осилиб тушган арконларни чангаллаб, қаттиқ силкиди. Осилиб ётган тана ярим метрга пастга сирғалди; Масъуд яна силтади, ҳар силтаганида учувчи оз-оз сидирилар, тепадаги дарахт шохларининг гирчиллаб сингани эшитилар, барглар тўкилар, аммо дарахтга рўмолдек кийиниб қолган парашют андак чўзилар, чайир шохлар қайишар, тутқунни бергиси келмас эди. Масъуд бор кучи билан арконга тармашиб, қутургандек бўлиб, қаҳр билан силкиди, учувчи кескин сирғалиб, Масъуднинг устига қулади, икковлари йиқилишди. Ярадор оғриқдан ўкириб юборди. Масъуд учувчи танаси остидан чиқиб, чалкашиб-ўралашиб қолган арконларни бўшатди, устини қокди; немис учувчиси ертубан бўлиб ястанганича ётар, томоғидан ғар-ғарага ўхшаш инграш чиқар, учувчилар тақадиган катта ҳажмли кўзойнаги сурилиб кетган, пешонасида кўзойнак гардишининг чуқур изи қизариб турар эди.

Масъуд флягасини очиб, учувчи озига сув қўйди. Учувчи тамшаниб сувни ича бошлади, ниҳоят кўзини очди. Кўзи кулранг, киприклари сариқ, малла қоши қуюқ эди. Учувчи ўзига кела бошлагач, нотаниш одамни душман формасида кўриб ағрайиб қолди, оғригини ҳам унутди. Унинг азобдан толиққан кўзларида қўрқув изғир, қаддини ростлашга мажоли йўқ, душманнинг қўлидаги тўппончани кўриб, ҳозир отади, деб ўйлар эди. Масъуд унинг жасадига ўралиб қолган аркон-тасмаларни бўшатди ва шундагина тиззаси қонлигини пайқади. Оёғи синипти, деган тахминга бориб, Масъуд немиснинг тўппончасини олиб, ўзининг чўнтагига солиб қўйди. Қуролсизлантирилган учувчи баттар кўрқаязди. Ҳозир бирон нарса қилиб қаршилиқ кўрсатиш унинг қўлидан келмаслигини англаган Масъуд, парво қилмай, немиснинг санитар халтасини кавлай бошлади. Халтада дори, бинт, йод, яна аллақандай препаратлар бор эди.

Масъуд йод билан бинтни олиб, майиб учувчининг оёғини пийпалай бошлади ва чангали сонини сиққанида, немис додлаб юборди. Суяги сингани аниқ эди. Масъуд немиснинг типирчилаши, қўллари билан тўсишига парво қилмай, бинт билан сонини танғиди, оғриғи камайганиданми, қуролли душмандан кўрққаниданми, немис билаги-

ни тишлаб, жимиб қолди, бироқ синовчан кўзларини Масъуддан олмас, нега душман, қуроли бўлатуриб, ашаддий душманини отиб ташламаганини ўйлар, мулоҳаза қилар, хайрон бўлар, айниқса, сўраб ўтирмай, дарахтдан, тасмалардан бўшатганини, сонини бинт билан танфиганини нимага йўйишни билмас эди.

Масъуд яна фляга тутди. Немис икки-уч қултум ичди.

— Данке, — деди у, Масъуднинг кўзларига илтижоли тикилиб ва сўзини тушунтириш учун рус тилида: — Спасибо, — деди.

«Данке» ўзбекчасига «рахмат», деганини Масъуд билар эди, аммо ҳозирги вазиятда «бите», яъни «марҳамат» деса, иккита адоватли душман орасига нотабий муомала аралашган бўлади, шунинг учун Масъуд қай йўсинда муносабат билдиришга ўйланиб қолди, ўзини тушунмаганга солиб, немиснинг юриши учун қаттиқроқ ҳасса қидиришга киришди ва мос келадиган ёғоч топиб, учувчига узатди, учувчи ёғочни ушлаб, савол назари билан Масъудга қаради, Масъуд икки бармоғи билан кафтида юриш аломатини кўрсатди. Немис аранг қаддини ростлаб ўтирди ва у ҳам икки бармоғини кўрсатиб, «найн», яъни, юра олмайман, деди. Масъуднинг боши қотди. Тезроқ штабга бориши керак, энди опичлаб олиб бориши керакми? Немиснинг жуссаси ихчамгина, ёши ҳам йигирмалар атрофида, умуман, Германия учувчиларини самолётга оғирлик тушмаслиги учун, ихчам-қотма йигитлардан тайёрлашади. Бу ҳам ўшанақа. Парашют лаш-лушларини кесиб ташласа, учувчининг тоши эллик килодан сал ошади. Эллик кило Масъуддек йигитга юкмас.

Масъуд елкасида майиб немис билан ўрмондан чиққанида, ҳеч нарсани тушунмай гаранг бўлиб қолди: дала бўйлаб қора тутун изғир, хув нарида битта танк ёниб ётар, узоқларда замбараклар гумбури, катюшалар нидоси эшитилар, ўрмонни қиялаб ўтган тупроқ йўлда мотоциклчилар тариллаб узоқлашар эди. Бу немислар! — ўйлади Масъуд, — мотоцикллар фақат уларда бўлади, демак, бизникилар чекинишипти, қишлоқ яна немисларга ўтипти». Масъуд елкасидаги майиб учувчини ташлаб, яна орқасига қочмоқчи бўлиб турган эди, айни шу пайтда ернинг остидан чиққандек, енгил машина йўлда пайдо бўлди ва Масъуд рўпарасида тўхтади. Совет формасидаги аскарнинг елкасида немис учувчисини кўриб, немис офицери шофёрга нимадир деди. Икковлари қора машинадан чиқиб, Масъудга яқинлашишди. Қўли банд Масъуд тўппончасини қинидан олишга ҳам улгурмади, ҳозир бунинг фойдаси ҳам йўқ эди.

Немис офицери майиб учувчи немис эканига икром бўлгач, нимадир деб шангиллади. Масъуд тушунмади. Офицер шофёрига яна ўз тилида гап айтди. Масъуд учувчининг бинт билан тангилган сонини кўрсатиб:

— Яраланган, майиб, — деди.

Немислар икковлашиб майиб учувчини Масъуд елкасидан туширишди. Офицер Масъуднинг тўппончаларини чўнтакларидан олиб, шофёрга берди. Айни пайтда улар совет аскарига нисбатан қанақа муносабатда бўлишни билишмас эди. Ўзи совет аскарари бўлса, майиб немис учувчисини ўрмонда елкасига ортиб чиқибди, бунга нима дейиш мумкин?

Шу пайт мотоцикл товуши эшитилиб қолди, офицер товуш томон қаради. Уч немис аскарари мотоциклга тармашиб келар эди, шофёрнинг ишораси билан тўхташди ва ерга тушиб, ўнг қўлларини итқитган ҳолда «хайл!» деб честь беришди.

— Зиг хайл, — деди офицер ташаббуссиз ва ерда ётган майиб учувчини кўрсатиб, қанақадир топшириқ берди.

Немис аскарлари майиб учувчини кўтариб мотоцикл кажавасига эҳтиётлик билан ўтқазашди, аскарларнинг иккитаси мотоцикл эгарига ўтириб, моторни тарриллатишди.

— Курт! Курт! — деди учувчи, ўзини Масъудга кўрсатиб.

Масъуд паришон жилмайиб, назарини учувчидан узди, офицерга қаради. Офицер совет аскарини нима қилишни билмас эди, мотоциклда ўтирганларга «кетаверинглар» деган ишора берди, улар мотоциклини қайириб, келган томонига жўнашди.

Масъуд жойидан жилмай турар, офицернинг нима қилишини кутар, ўзининг аҳволини тушунмас эди.

— Хўш? — деди немис тилида офицер, Масъудга тикилиб. Офицер ҳам бир қарорга кела олмаётганини Масъуд фаҳмлар, мени қўйиб юборармикин, деб тахмин қиларди. — Туда нельзя, — деди офицер, рус тилида сўзлар ахтариб. — Трибунал! Пуф! Капут! — деди офицер, қўлқоп кийган бармоғи билан ўқ узган аломатини ифодалаб.

Масъуд тушунди. Ҳақиқатан, немислар эгаллаган жойдан Масъуд ўз қўшинлари томон соппа-соғ ўтса, дарҳол трибуналга топширишади, трибунал нима қилиши маълум.

— Я, я! — деди Масъуд, немислардан эшитган хитобни эслаб. — Трибунал.

Офицер Масъуднинг ёнида турган аскарга нимадир деди ва Масъудга қараб, мотоцикл кетган томонни кўрсатди.

— Пункт, — деди офицер, бир тўда сўз айтиб, Масъуд

фақат «пункт» сўзини тушунди. Демак, «пунктига» юборар экан-да, бу бошқача қилиб айтганда, «ПЛЕН» дегани бўлади. Тамом, энди буларнинг чангалидан чиқиб бўлмайди, ҳозир улар ўлим жазавасига тушиб қолишган, ҳеч кимни аяшмайди. Қуролим бўлса, битта ўқ билан ўзимни ўлдирад эдим, униям олиб қўйишди. Ё қочайми? Қочсам, орқамдан отишади, ўлдиришади. Буларнинг қўлига тушиб, азобга қолгандан кўра, ўлиб кетган маъқул эмасми? Ўзимизникиям хойнахой ўлдиришади ёки қамашади. Нега немис офицери ўдағайламаяпти? Бунинг устига «трибунал» деди. Учувчисини кутқарганим учун мени аямоқда. Учувчи ҳам «Курт! Курт!» деб номини айтиб кетди. Зора инсофга кириб, жазо беришмаса.

Офицер, олиб бор, деган маънода буйруқ қилди-да, ўзи машинасига ўтириб жўнади.

Немис аскарлари автомат учи билан мотоцикл кетган томонга йўл кўрсатди, Масъуд индамай олдига тушди: «Қанакадир немис учувчиси деб шунақа аҳволга тушиб ўтирипман, ўйлади Масъуд, нима кераги бор эди уни парашютдан бўшатиб? Ётавермайдами осилиб? Ўзимга ўзим бало орттирдим-а, асирга оламан, деб. Ахир асирга олиш менинг бурчимга кирмайди-ку. Менинг вазифам — хат ташиш, ҳужжат етказиш. Немислар олдинги позициясига яна қайтишипти. Аммо бу вақтинча нарса, уларнинг силласи қуриган, барибир чекинишади, қишлоқ яна бизга ўтади. Мени немислар ташлаб қочишади, яна ўзимизникилар қўлига тушаман, унда нима деб важ кўрсатаман? Немис учувчисини асирликка олганимда пленга олишди, дейманми?»

Немис аскарлари соқчилигида Масъуд бир соатча йўл юрди, йўл борган сари бурилар, ўрмон узоклашар, экинзорларда ағанаган замбараклар ётар, нари-берида танклар тутар, жанг ҳиди ҳали аримаган, узокдан келаётган зениткалар гумбури тинмас, истербителлар шувиллаб ўтар, кўм-кўк осмонда қора тутун изғир эди. Демак, бугун, бир неча соат аввал совет қўшини қишлоқни ташлаб ортга чекинган; битта аҳоли яшайдиган посёлка бир неча марталаб гоҳ у душман, гоҳ бу душманнинг қўлига ўтганини Масъуд кўрган. Посёлкаям гапми, бутун шаҳар икки мартадан байроғини ўзгартирган. Урушда бунақа ҳодиса тасодиф эмас. Баъзан бирон объектни ишғол қилиш ушлаб қолишдан осон бўлади, шунинг учун душманнинг кўзини очириб керакмас, кучини тўплашга, ҳужумга ўтишига имкон туғдирмаслик зарур. Бу оддий тактика, ҳарбий қўмондонлар бунга билишади, аммо шаҳар ёки посёлка қўлдан қўлга ўтаверади. Объектни ишғол қилган томон бир қадар дам олиш, навбатдаги ҳужумга тузукроқ тайёрланиш ёки узилиб қолган қисмларининг етиб

келишини кутиш каби баҳона билан рақибини ўнгланиб олишга, ҳатто қарши ҳужумга ташланишига, баъзи кезларда ғолиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай аснода кеча қаҳрамон ҳисобланган саркарда бугун амалидан четлаттирилади, ҳатто трибуналга тушади, ўрнига янгиси тайинланади, у жонжаҳди билан қўшинини ҳужумга ташлайди, яқсон объект яна қўлга киритилади, иккала томондан минглаб жангчилар ҳалок бўлади, аҳоли қирилади. Урушнинг башараси шунақа.

Поляк панининг уч қаватли биноси вайрон қилинган бўлиб, тепа қисми тутундан бурқсир, тагидаги деразалари чилпарчин хоналарда немис қўмондонининг штаби жойлашган, бино олдидаги гишт парчалари орасида иккита енгил машина, кажавали мотоцикл турар, кираверишидаги пештоққа фашист байроғи ўрнатилган эди. Сикик ойналар орқали немис офицерларининг шарпалари кўринар, телефонда асабий бақирини эшитилар, ташқаридаги зинада каска кийган иккита немис солдати соқчилик қилар эди. Йўлда келатуриб немис соқчиси Масъуднинг исмини сўради, ўзини «Фриц» деди. Масъуд «Фриц» иборасини душманга нисбатан ишлатиладиган салбий чақириқ, деб ўйлаб юрарди, бу шунчаки ном эканини энди билди. Русларда «Иван», ўзбекларда «Йўлдош» каби немисларда ҳам кўп учрайдиган исм экан. Фриц йўл-йўлакай Масъудга дағаллик қилмади, командиридан кўрсатма олган шекилли, ҳатто сигарет берди, жанг бўлиб ўтган майдонни кўрсатиб, нимадир деди, аммо Масъуд гапини тушунмади.

Фриц зинада соқчилик қилиб турган солдатларнинг бирига яқинлашиб айтадиганини айтди, Масъудга қараб, гапини тасдиқлади, соқчи ичкаридан начальнигини чақириб чикди. Башанг формасининг эт-бетига қоракуя, оҳак теккан 35—40 ёшлардаги учувчи Куртга ўхшаган офицер Фрицнинг гапларини эшитиб, Масъудга қаради.

— Шпрехен зи дойч? — сўради у Масъуддан.

Масъуд бу жумлани кўп эшитган, ҳатто мактабдаги немис тили дарсларида ўтгани учун, маъносини яхши билар эди:

— Найн, — деди Масъуд ва немисча жавоби қандай таъсир қилишини кутди.

Офицернинг гаши келди: энди шу қочоқ етмай турувди. Нима қилади энди бу дардисарни? Балки айроқчидир. Тергов қилиш керак. Поғонида юлдузи бор экан, жосусдир.

— Ферхафтен, — дея офицер Фрицга буйруқ берди ва қайрилиб, ичкарига кириб кетди. У ердан: «Эргалабен? Найн!» деган буйруқлар янграр, демак, яна чекинишади,

чоғи, уйлади Масъуд, «убергабе» сўзини англаб, бу — «таслим бўлманглар, чекинманглар», дегани эди.

Фриц хижолатланиб, Масъудга қаради ва «иложим қанча» дегандек, кафтини ўгирди.

— Комм, — деди ниҳоят Фриц ва ичкарига ишора қилди.

Бу таклифми, ё буйруқми, Масъуд тушунмади ва «қамокқа марҳамат!» дегани бўлса керак, деб фараз қилди.

Ичкарини ҳеч ким тозаламаган, иккинчи ва учинчи қаватга чиқадиган бир пайтлар ҳашаматли зиналарда гишт парчалари, ойна синиғи, гули сўлимаган катта ҳажмдаги гулдонлар ағанаб ётар, учинчи қаватнинг ўпирилган томи орқали кўк осмон кўринар, қавакдан букилган тунука осилиб ётар эди.

Фриц тепага, иккинчи қаватга имлади, Масъуд гишт парчаларини босиб, иккинчи қаватга чиқди. Эшиги очик хоналарда гиламлар, тахи ёзилмаган каравотлар, стол-стуллар чанг-тупроқ босиб ётар, ойнаси синиқ деразанинг кийшайиб қолган шойи пардаси шамолда ҳилпирар эди.

— Ўтир, — деди Фриц немисча ва стулларнинг бирини қоқиб Масъудга, иккинчисини қоқиб ўзи ўтирди, автоматини тиззасига қўйди.

Ярим соат ўтар-ўтмас, бояги офицер бир аёл билан кирди, улар ҳам стулларни эгиб-қоқиб ўтиришди, оҳак тўкилган дастурхонни суриб қўйишди. Фурсат тигиз бўлгани учун, офицер дарҳол сўроқ қилишга киришди. Биринчи савол немис учувчиси билан боғлиқ эди, аёл таржима қилиб берди. Масъуд бўлган ҳодисани айтиб берди.

— Нега немис офицерини елкалаб чиқдингиз? Ахир у сизга душман-ку, — сўради аёл офицернинг саволини таржима қилиб.

— Душман бўлса ҳам одам-ку, — деди Масъуд иккиланмай. — Ёрдамга муҳтож. Ташлаб кетиш яхшимас.

— Учувчининг жароҳатини бинт билан боғлапсиз, кейин елкангизга осилтириб, ўрмондан олиб чиқибсиз, — ишонмай сўради офицер. — Ҳозир бу ерлар Германия томонига ўтганини билармидингиз?

— Йўқ, — деди яна Масъуд иккиланмай. — Шунақалигини ўрмондан чиққач билдим.

— Демак, — деди офицер, — бу ерлар руслар қўлида бўлса, сиз майиб немис офицерини уларга топширган бўлар эдингиз, шундайми?

— Албатта, қаёққа олиб борар эдим, — деди Масъуд ростини айтиб.

— Руслар учувчини ўлдиришса-чи?

— Бу — уруш, — деди Масъуд, бирдан ўйланиб.

Офицер асирнинг дили чинлигига, гапларида ёлгон йўқлигига, айниқса, «бу — уруш», деб урушнинг ёвуз усуллари борлигини ҳам кўрқмай айтганига ичида қойил қолгандек бўлса-да, ҳали унинг асл ниятидан гумон қилар эди.

— Сиз, айтайлик, немис учувчисини русларга топширдингиз, эвазига қанақа имтиёзга эга бўлар эдингиз?

— Мен буни ўйлаганим йўқ.

Офицер асирнинг шу жавобидан шубҳаланди, Масъуднинг гапи носамимий кўринди.

— Немис офицерини пленга оласиз-ку, имтиёзни, миннатдорчиликни, унвонни, мукофотни, орден ё медални ўйламайсизми? Бу табиий, ҳар бир солдат истайдиган белги. Шулардан бирини сизга беришса, рад этармидингиз?

— Йўқ, рад этмас эдим. Рад этиш мумкин эмас.

Офицер индамай қолди.

— Исмингиз нима?

— Масъуд.

— Масъуд. Маъноси борми?

— Бахтли, дегани.

— Яхши исм, — деди офицер, — Масъуд. Аммо биз сизга бахт ваъда қила олмаймиз. Кўйиб юборсак, руслар сизни хоин, деб отиб ташлайдилар. Биз сизга тегмаймиз, концентрация лагерига юбормаймиз, учувчимизни ўлимдан қутқарганингиз учун ташаккур билдирамиз. Бу ёғи ўзингизга ҳавола, қайтаман десангиз, майли, зўрлаб олиб қолмаймиз, хатто у томонга ўтишга ёрдам берамиз, аммо хатарли эканини айтиш бурчимиз. Танланг. Куртни, сиз қутқарган учувчини ҳозир операция қилишди. Морфий юборилишидан олдин сизни сўради. Уни кўрсам нима дей?

Масъуд бунақа саволни кутмаган эди, бир зум ўйланиб қолди.

— Мен унинг аҳволида бўлсам, у нима қилган бўлар эди? — деди Масъуд ниҳоят.

— Уни ўзидан сўрайсиз, — деди Вольф (у ўзининг номини айтган эди). — Мен отиб ташлаган бўлардим. Бу — уруш, деб ўзингиз айтдингиз. Муруватга ўрин йўқ. Ё сен, ё мен. Ҳам душман, ҳам дўст бўлиш мумкин эмас.

— Мен Куртни отиб ташласам, мени оқлаган бўлармидингиз?

— Оқлаган бўлардим, — деди Вольф иккиланмай. — Бу — уруш. Ватан манфаати ҳамма нарсадан улур.

— Демак, мен учувчини ўлдирмай, Ватанга хиёнат қилибман-да? — жиддий ва самимий сўради Масъуд.

— Балки дилингизда бошқа ният бўлгандир, — Вольф ўрнидан турди, бу — гап тугади дегани эди. — Кечирасиз.

Бунақа пайтда маслак хақида мунозара қилиш — ортикча имтиёз. Ҳозир таом келтиришади. Яна ўйланг. Биз сизни кўриқламаймиз, хоҳласангиз, ана, деразалар синган, эшик очик.

Аёл унинг сўзларини таржима қилиб бўлиши ҳамон, Вольф икки пошнасини бир-бирига уриб, хонадан чиқиб кетди.

Вольф хиёнатимни инкор қилмаяпти, ўйлади Масъуд, демак, ўзимизникилар «душман» дейишади, трибунал ҳам қилмай отиб ташлашади. Ғалати вазиятга тушиб қолдим-ку. Аслида, хиёнат қилиш тушимга ҳам кирмаган эди. «Дилингизда бошқа ният бўлгандир», деб Волф нимага шама қияпти? «Сен олижаноблик қилмадинг, учувчини ўз кўшинингга топширмакчи бўлгансан-у, адашиб, бизнинг кўлимизга тушиб қолдинг, ниятинг бошқа бўлган», демоқчимиз?

Масъуднинг виждони азобланар, дилини нимадир тимдалар, ўзини дунёда энг толеи паст, омадсиз, шумқисмат деб билар, яшагиси келмас, кўнгли ажални тилар эди. Аммо ажал нима? Бир дақиқали нарса. Ташқарига чиқиб қочса, бир ўқ билан тинчителишади. Тамом-вассалом. Ўқ текканини ҳам сезмай қолади. Ичида, мияда бўлаётган азобга чидаш қийин. Қачон бу оғриқ тўхтайти? Тўхтайдими ўзи? Ё тиш оғриғидек одамни тинмай емираверадими? Дарахт куртидек кемираверадими? Ахир отасининг пинжида ташвиш нималигини билмай юривди-ку. Уларни ҳам қақшатди. Илло-билло урушга бораман, деб туриб олди, ҳеч кимнинг гапига кирмади. Мана, уруш деганини ҳам кўрди. Битта немисни отмай қўлга тушди. Энди ўзиникилар томонига ҳам ўта олмайди. Бу ер — газандалар уяси. Нима дейишса, шуни бажариши шарт, акс ҳолда қараб ўтирмайди. Ахир барибир Масъуд уларга душман-ку, нега у билан ўйнашишади, нега мижговлик қилишади? Бундоқ қараганда, Масъуд ҳақиқатан душман, эътиқодини сотгани йўқ, эгасига топширай деб, учувчини опичлагани йўқ. Булар Масъудга нисбатан ҳар қанақа чора қўллашса, ўринли бўлиб чиқади.

Навбатчи овқат олиб келди, хаёлларга берилган Масъуд унинг кирганини ҳам зўрға пайқади — мияси туманда эди. Навбатчи икки банка консерва, тўрт тўғрам оқ нон, икки плитка шоколад билан термос қўйилган патнисни столга бўшатди ва бўш патнисни қўлтиғига қисиб, ҳарбийчасига шахдам бурилиб чиқиб кетди. Овқат икки кишига мўлжалланган эди, Фриц ўз тегишини ажратиб, қолганини Масъуд томон сурди.

— Эссен, — дея, Масъудни яқинроқ ўтиришга чорлади, термосдаги чойни икки кружкага баравар қуйиб, паккиси

билан консервани очди, паккидаги қошиқчани айириб, овқат ея бошлади. Масъудга бўлак эътибор бермади, аммо Масъуд тортинганини кўриб: — Битте, — деди.

Масъуд истар-истамай столини сурди ва бир бурда нон тишлади. Ўзинг очиб е, деган маънода, Фриц паккисини узатди.

Овқатдан кейин Масъудни подвалга олиб тушишди, казнокқа киритишди. У ерда матрас ташланган чорпоя бор экан, Масъуд чўзилди. Яна ўйлар — хаёллар Масъуднинг миясини қамраб олди, ўйламай, деса ҳам ҳаловат бермайди, хуноб қилади, чарчатади. Урушга келганидан бери Масъуд Заҳродан хат олгани йўқ. Бир неча марта хат ёзди, аммо биронта хатига жавоб келмади. Балки Захро Уфага ёзгандир, Масъуд Уфадан кетганига беш ой бўлди. Хатлари адашиб юрган бўлса керак. Уйдагилардан бир неча марта хат келди. Дадаси бетобмиш, диабет касали бор эди, балки ўша безовта қилаётгандир. Энди алоқа мутлақо узилади, хатдан умид қилмаса ҳам бўлаверади.

Масъуднинг кўзи илинди.

Эшикни кимдир бармоғи билан тақиллатди-да, жавоб кутмай кирди. Масъуд уйғониб, қаддини ростлади. Қош қорая бошлаган, остонанинг бериги томонида бояги таржимон аёл турарди.

— Юк ташувчи самолёт Берлинга кетади, — деди аёл вазмин овозда, — сиз жунарнишсиз. Герр Вольф, менга учрасин, деди, кутяпти. Тепада кийим тайёрлаб қўйишди, кийиб олинг.

— Нега? — сўради Масъуд устидаги кийимга қараб.

— Совет формасида юриш мумкин эмас, — деди аёл.

— Немис формасидами?

— Йўқ, гражданча кийим, — деди аёл, кар одамга гапираётгандек.

Масъуд тепага чиқиб, гражданча кийиниб тушди: кўйлак, галстук, кулранг, кийилган костюм-шим ва плаш. Шляпаси ҳам бор эди.

Штаб хоналаридан асабий бақириқлар эшитилар, адъютант ва штаб ходимлари у хонадан бу хонага югуришар, Фриц сигарет тутатиб чиқаверишдаги катта эшик ёнида турар эди, у Масъудни кўриб, янги кийимига илжайиб қўйди ва юр, деб Масъудни Вольфнинг кабинетига бошлади.

Масъуд хонага кириб, шляпасини ечди. Вольф кулоғида телефон дастасини ушлаб, у томондан айтилаётган маълумотни ёзар эди, Масъудни кўриб, «шошма», дегандек ишора қилди. Таржимон аёл оёғини чалиштириб, сигарет чекиб ўтирар, чамаси, Вольфнинг бўшагини кутар эди. Ниҳоят

Вольф телефонни қўйиб, охирги жумлани ёзди-да, Масъудга юзланди.

— Берлинга жўнайсиз, — дея Вольф стол четида ётган чарм папкани Масъуд томон сурди, аёл Вольфнинг гапини русча айтди. — Шарқий бўлимга борасиз, тўрт юз учинчи хона. Коллер деган одамга учрайсиз. Мана зарур ҳужжатлар, сизни ҳеч ким тўхтатмайди. Келажак кўрсатмаларни Коллердан оласиз, бу ерда ёзилган, — дея Вольф чарм папкани ниқтади. — Аэродромда самолёт кутяпти, йигирма дақиқадан сўнг учади. Гап шу. Шошилинг. Мотоцикл олиб бориб қўяди.

— Берлинда нима қиламан? — меровланиб сўради Масъуд.

— Бундан кейинги режаларингизни биз билан келишасиз, — деди Вольф мунозарага ўрин қолдирмай. — Ҳозир бизнинг режага риоя қиласиз. Савол борми?

Масъуд аёлнинг таржимасини эшитиб бўлиб, Вольфга қаради.

— Шунақа зудми?

— Зуд, — деди Вольф. — Бошқа сиз билан шугулланишга фурсат йўқ. Хайр. Худо омад берсин. Сизни кутиб олишади.

9

Учала бола — Алижон, Жамила, Зарема Земфира хоним билан мактаб қошида очилган болалар боғчасига кетишади. Фаизовнинг хотини боғчага тарбиячи қилиб олинганига бир ой ҳам бўлгани йўқ. Мачитнинг, яъни ҳозирги мактабнинг ортида қулоқ қилинган бир бойнинг ҳовлиси бўлиб, олди кенг айвонли хоналардан иборат, мусулмон фишти ётқизилган тўртбурчак саҳни ўртасида бир неча туп гул экилган, қуёшни тўсмаслиги учун биронта ҳам дарахт ўтқазилмаган жой эди. Бир неча йил аввал бу ерда аёллар жамияти жойлашган бўлиб, ҳозир янги таъсис қилинган болалар боғчаси шу ерда. Мудира, иккита тарбиячи, омборчи, бухгалтер, қоровул ва элликка яқин бола. Икки хона ётоқ учун ажратилган, мусулмон фишти ётқизилган айвонда тахтадан ясалган узун стол ва скамейка ошхона вазифасини ўтайди.

Битта хонада мудира билан бухгалтер ўтиради, тарбиячиларга алоҳида хона берилмаган, тўғри келган ерда хордиқ чиқаришади: омборчи — омборда, қоровул — қоровулхонада, ошпаз — ошхонада.

Земфира хоним боғчага эрталаб соат тўққизга етиб бориши керак, болаларни ҳам бирга олиб кетади. Биринчи соатларда Фаизовнинг дарси бўлмаса, кейинроқ мактабига

боради, уйда қолиб, ховлидаги юмушларни бажаради, экинга сув қўяди, ёғоч қоқиб помидор қўчатларини боғлайди, ўтини юлади. Баҳорда эккан пиёзи рўзгорга яраб қолди, помидор қизара бошлади, картошка гулга кирди, болгар гармдориси тугди, сабзини овқатга ишлатса бўлади. Гилос, ўрик, олма, шафтолилар гуллаганда боғ чаманзорга айланди, ҳозир бирин-кетин мевалари пишмоқда, дастурхондан аримайди, Фаизов ният қилиб қўйди, агар имконияти етса, ақалли иккита асалари уясини ўрнатади. Қримдаги ховлисида ўнта яшиқдан ортиқ асалари куви бор эди, боли кейинги мавсумига етар эди. Бу ерларда гул кўп, тоғ-адирлар яқин, ари сақлаш фақат фойда келтиради, Фаизов арига қарашни билади.

Фаизов хотини билан ховли четидаги ўчоқ ёнига печка қурди, овқат ҳам пишади, чой ҳам қайнайди, қипиқ ёкса ҳам бўлади, кир ювиш учун сув иситилади. Земфира хоним тандирда нон ёпишни қўшнилардан ўрганди, ун танқис, бир ойда икки марта тандирга ўт ёқилса, катта гап.

Яқшанба бўлгани учун Фаизов одати бўйича саҳар уйғонди, кечқурун лой қориб қўйган эди, деворнинг кўча томонини суваб чиққунича ховлида хотинининг тақир-туқури қулоғига чалинди, аммо болаларнинг ғовур-ғувури эшитилмади. Земфира хоним ҳали уларни уйғотмаган эди.

— Ассалому алайкум, — деган аёл кишининг товушини эшитиб, Фаизов овоз томон ўгирилди. Сочикқа ўралган иккита арпа нонни қўлтиғига қисиб Асил опа турар эди. — Ҳорманг, Юнус Фаизович.

— Э, Асил опа, салом, салом, — деди Фаизов табассум қилиб. Асил опа олдинлари ҳам келиб турар, Фаизовлар оиласи билан иноқлашиб кетган эди. Фаизовлар ҳам икки марта Асил опанинг уйига боришган. Фаизов Асил опани ўзига яқин кўрар, унинг окқўнгиллиги ёқар эди. — Келинг, опа, ичкарига кириш, хоним уйдалар, — деди у ўзининг талаффузида. — Ишим тугади, ҳозир ювинаман.

Асил опа ийманиб ховлига кирди. Олча остига қўйилган эски стол устидаги нонуштага доқа ёпилган, бешта курси бўш, Земфира хоним дорга кир ёяр, печка мўрисида қўқимтир тутун таралар, ҳаво исий бошлаган, ховли сатҳига сув сепиб супурилган, ҳаммаёқ саранжом-саришта эди. Земфира хоним шимарилган қўйлак енгини тушириб, Асил опа истиқболига табассум билан йўрғалади.

— Келинг, опа, омон-эсонмисиз? — дея улар ўзбек аёллари урфича кўришишди. Асил опанинг қўзлари мавжланар, дилида қанақадир шодлик суради, аёл қувончини яшира олмай, ҳаяжондан безовталанар эди. — Ўтиринг, чой

тайёр, — деди Земфира хоним ўз талаффузида Асил опани стол томон чорлаб.

— Яхши ўтирибсизларми, айланай? — деди Асил опа ўтиришга тортиниб.

— Раҳмат, опа, мана бугун якшанба экан, эрталабдан юмушга тушиб кетдик. Ўтиринг.

— Яхши, кун қизимай туриб анча ишингизни битириб оласиз, — деди Асил опа ва курсига ўтириб, юзига фотиҳа тортди. Кўлидаги сочикқа ўроғлиқ иккита нонни стол четига кўйди.

— Хуш келибсиз, опа, — дея ювинган Фаизов, сочик билан артиниб келди, Асил опа рўпарасидаги курсига ўтирди, сочикни тиззасига ташлади. Асил опанинг қиёфасидаги кўтаринкиликни сезиб, Фаизов хотинига қаради.

— Болалар уйғонишмадими? — сўради Асил опа атрофга кўз югуртириб.

— Ҳозир туришади, — деди Земфира хоним ва докани стол устидан олиб, чой кўйди. — Бугун бироз ухлашсин, деб уйғотмадим. — Земфира хоним шу сўзларни айтиб, уй томон қаради. Дераза тўрпардаси ортида Алижон бошини қашиб турар, кўзларидан уйку аримаган эди. — Алижон, — деди Земфира хоним кулимсираб, — холанг келди, чик, ювин, кўриш.

— Алижон, кел, болам, — деди Асил опа, Алижоннинг уйғонгани учунми ёки бошқа нарсагами қувнаб, — чик, яхши гап олиб келдим сизларга. Чик, бўталок, укангниям чақир, уйғот!

Фаизов қизиксиниб Асил опага, кейин Земфира хонимга кўз югуртирди. Земфира хоним ҳам қизиқа бошлади.

— Чик, Алижон! — деди у ва тоқатсизланиб, ичкарига ўзи ошиқди.

— Хабар келдими? — хаяжонланиб сўради Фаизов, Асил опанинг кўзларига тикилиб.

— Келди, айланай! Келди! — деди ниҳоят Асил опа ял-ял тўлқинланиб. — Яхши хабар! — Асил опа қувончини яшира олмай, энтика бошлади. — Хат келди! Иккалови омон-эсон экан, Ойнисадан хат келди!

Фаизов қувончдан серрайиб қолди.

Асил опа ўтира олмай, ўрнидан сапчиб туриб, айвонга чиққан Алижонни маҳкам кучоклаб кўтарди, хаяжондан йиғлаб юборди.

— Даданг тирик экан, Алижон! — деди Асил опа, томоғини бўғаётган йиғини ютиб. — Тирик экан, жоним! Жамила! — чақирди Асил опа нарида карахт бўлиб турган қизчани. — Аянгдан хат келди! Тирик экан! Етим

эмассизлар! Кел бу ёққа, болагинам! Кел! Опа бўлдинг. Аянг сенга ука туғиб берипти. Қаюмжонмиш оти.

Жамила қўрқибгина яқинлашди, Асил опа чўккалаб иккала болани бағрига босиб, ўпа кетди. Кейин ўзининг хулқидан уялгандек йиғи аралаш кулиб, хаяжонда турган Земфира хонимга қаради.

— Кечирасизлар, ўзимни ушлай олмадим.

— Унака деманг, опа, шундоқ шодиёна! — деди Земфира хоним ҳам энтикиб. — Болаларнинг бахти бор экан, худога шукр! — Земфира хонимнинг кўзларини ёш қоплади, сарғиш юзи қизариб кетди.

Иккала бола севинчдан саросимада эди, йиғлаётган аёлларга қарахт ҳолда қарашар, қай йўсинда хурсанд бўлишни билишмас эди.

Фаизов тик турган ҳолда бели ингичка армуди стакандан чой хўплар, унинг мовий кўзлари ҳам нам эди.

Қаюмжон Мансур ака билан иноқлигини Асил опа билар эди, Фаизовлар уйидан чиққач, уни ҳам хурсанд қилиш мақсадида Мансур ака уйи томон бурилди.

Мансур ака, меваси оғирлашиб, эгила бошлаган олманинг шохига тирговуч ўрнатар эди, Асил опанинг кириб келаётганини кўриб қўлини қокди, бирон нохуш ҳодиса юз бердимикин, деган гумон билан ҳовли сахнига ўтди. Бироқ Асил опанинг қиёфаси тиш олдириб келаётган одамникидек яшнар эди.

— Ассалому алайкум, домла, — деди Асил опа ва Мансур аканинг юзидаги ҳадикни пайқаб, йўлкада тўхтади.

— Ваалайкум ассалом, — деди Мансур ака, жойидан жилмай ва ариқ бўйида чойнак юваётган хотинига қаради, Қироат бону қўлини тиззасига қадаб, ўрнидан турди. — Келинг, Асилхон, келинг.

Қироат бону меҳмон билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашишди, супа томон йўрғалаб, хонтахта ёнидаги кўрпачани тузатди.

— Супага чиқинг, эгачи, — деди Қироат бону.

— Суюнчи олгани келдим сизлардан, домла, — деди Асил опа, сирли кулиб эр-хотинга.

— Суюнчи? — деди Мансур ака, суюниш сабабини билмаганидан, кўзларини пирпиратиб. Мансур ака Асил опанинг гапини нимага йўйишга ақли етмас, келтирган хабари мактабга алоқадор ёки биронта сигир туғиптими, деб тахмин қилди, аммо Асил опа жиддий аёл бўлгани учун, қанақадир сигирнинг тукқанини айтиб юришига ишонмас, шаҳар маориф бўлимидан яхши хабар келганмикин, деган хаёлга борди. — Суюнчи сиздан айлансин. Айтинг.

— Ойнисадан хат олдим, домла, — деди Асил опа Мансур акани шод қилиш ниятида, — ўз қўли билан ёзипти. Қаюмжон ҳам соғмиш, эркаклар лагерида эмиш. Ойниса ўғил кўрипти, ҳозир етти ойлик бўлипти, домла. Дилим ҳапқириб кетяпти.

— Ростдан-а?! — деган хитоб Мансур аканинг оғзидан чиқиб кетди. Онаси! — дея Мансур ака хотинига юзланди. — Қаюмжон омон экан! Ойнисахон соғ-саломат экан! Худонинг раҳми келипти! Нобуд бўлишмапти. Хайрият! Хайрият! Бир кунмас бир кун кириб келишади! — Мансур ака саросимали кулди.

— Ўшанақа кунлар ато қилсин, — деди Қироат бону, ҳаяжонланиб. — Қачон хат келди, айланай?

— Бугун олдим, — деди Асил опа, ўзини боса олмай.

— Бир ой бурун ёзган экан. Домла, сизга ёзган хатларига жавоб бормапти. Етиб келмагандир-да.

— Тирик эканлар, шуниси муҳим, — деди гапни буриб Мансур ака. Дарров болаларига хабар бериш керак, хурсанд бўлишсин.

— Айтдим, ҳозир ўша ёқдан келяпман, болалар бахтдан қотиб қолишди. Йиғлашнйям, кулишнйям билишмайди, шўрликлар.

— Кампир бўлганида, умид қиларди, балки ўлмасмиди, — деди Мансур ака мунгланиб. — Афсус.

— Қазо қилганини билишмас экан, кампирга салом йўллашипти, — деди Асил опа ҳам дили оғриб.

— Дарров хат ёзинг, ҳойнаҳой болаларидан кўнгиллари нотинч бўлса керак, ҳаммасини ёзинг.

— Ёзаман, албатта ёзаман, — деди Асил опа, — бугуноқ хат жўнатаман.

Асли опа хат баҳонасида шошилиб Мансур ака уйдан чиқиб кетди. Мансур ака чала қолган ишига қайтди. Улар тирик экан, ўйлади у, суюнишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай. Ўн йилдан муҳлат олишган экан, бир йилдан кўпи ўтди, ҳаш-паш демай қолган муддат ҳам ўтади-кетади, бир кунни қайтиб келишади, унда нима бўлади? Қандай уларнинг кўзига қарайди? Нима деб ваз кўрсатади? Қисташди, пўписа қилишди, ўзингизни қамаймиз, сургун қиламиз дейишди. Булар аслида чин бўлса-да, Мансур ака қилган иғвони, хиёнатни оқлайдими? Оқламайди, албатта. Ўзининг разиллиги сабабларини бировга тўнкаб, одам ўзига тасалли бериши мумкин, бунинг учун одам пасткаш, қабиҳ бўлса кифоя, виждони қийналмай яшайверади, аммо Мансур ака, иймони пок одам, қандай яшай олади? Ёши бир ерга бориб қолди, балки Қаюмжон билан Ойниса муддатларини ўтаб

келгунларича оламдан ўтар, ўлиб кетган одамнинг ортидан тош отишмас, хотирасини аяшар? Борди-ю, замон ўзгариб, муҳлатидан аввал қайтишса-чи? Мансур ака калласини қаёққа яширади? Тўкнаш келмаслик учун қочиб юрадимми? Қачонгача қочиб юради? Учрашишдан ўзини тортса, гуноҳидан қўрқяпти, деган фикрга келишмайдими? Демак, ўз ихтиёри билан қилган экан, ўлиб кетишади, манфурлигим очилмайди, деб ўйлаган экан, дейишмайдими? Ёки қулоч ёзиб, кутиб олсинми Мансур ака? Юзма-юз ўтириб, бўлган воқеани айтиб берса, уларнинг зуғумига бардош бера олмадим, мажбур бўлдим, кечирсанглар ҳам, кечирмасанглар ҳам — гап шу, инсоф ўзларингга, деса-чи? Бироқ гуноҳлар ичида кечирадигани, кечирмайдигани бўлади. Иккаловининг муҳлатини қўшса— йигирма йил, йигирма йилни шунча азоб-уқубатга зарб қилса— ўх-хў! Болалари етим қолишди, онаси уларнинг доғида ўлиб кетди, ўзлари ўн йил мобайнида қанчадан-қанча машаққатларга гирифтор бўлишди, фарзандларидан узилишди. Одам бир кунлик, бир соатлик, ҳатто бир дақиқалик азобга чидай олмайди, ўн йиллик азоб — даҳшат-ку. Тасаввур қилишнинг ўзи азоб!..

10

Охирги айтишувдан кейин Ҳошимжон уйига оёқ босмай қўйди. Баъзан омонда ётиб қолар, баъзан ҳали битмаган чала уйига борар, омонат қўйилган каравотда ётар, ҳам тунар, ҳам пойлоқчилик қилар эди. Уйига қайтмаслиги қатъий бўлгач, Ҳошимжон бинони батамом битказишга киришди. Тез орада эшик-ромлар ўрнатилди, пол қоқилди, сувоқ қилинди, эшикларга қулф ўрнатилди, деразаларга ойна солинди, ётадиган хонасига Ҳошимжон чиройли каравот қўйдирди, полга палос ёздирди. Бошқа хоналар ганчдан чиққунича шу хонада ётиб юрди. Бўёк, трафарет ишлари битгач, безакка ҳам навбат келди. Катта хонага дарпарда осилди, полга гилам ёзилди, сервантга ҳали қутиси очилмаган чинни сервизни тахлаб чиқди, генерал кўрса ҳам ҳавас қиладиган уйга айланди. Ҳовлининг четига экилган дарахтлар келаси баҳорда гулга қиради, ўртадаги гулзор кўзни қувонтиради. Энди бу уйга фақат малика, бека камлик қилар эди, Ҳошимжон Муқаддас билан қўйди-чиқди машмашаларини расмий тугатгач, бу томонига ҳам эътибор бера бошлайди. Тиши оғриб, поликлиникага чиққанида, оқ халат кийган бир қизни кўрган эди, оппоқина, қош-кўзи бинойидек экан, Ҳошимжоннинг юраги шув этувди, кўшни аёл ўшатта фаррош бўлиб ишлайди, сўраб-суриштириб, одам қўйса — ажабмас. Ҳозир йигит кам, қизлар касот, жон деб рози бўлишади.

Уйини, жиҳозларини кўришса, ўзлари Хошимжонни иста-шади. Балки Муқаддасчалик бўлмас, Муқаддас чиройли, силлиқ, шойига ўхшайди, кучоқласанг баданинг тўлади. Кўпинча ўзига йўлатмайди, аммо йўлатганида илон бўлиб кетади. Писмиқлар одатда шунақа, чимдиса, ўйиб олади, авжига ўзи чиқади. Бироқ анову кўз очиб кўрганини унута олмади. Майли, бўлган иш бўлди, энди эртани ўйлаши керак. Ўша куни кўрган ҳамшира қизни яна учратди, трамвай бекатида турган экан. Оқ халатсиз. Хошимжонни таниди, ҳатто «Тишингиз қалай, тузалиб кетдимиз?» деб сўради ҳам. Овози майин, кулимсираши ёқимли экан. Шундан қолиш керак эмас. Фаррош аёлни ишга солиш керак, омад чопса, бир кунда масала ҳал бўлади. Пайт ғанимат. Албатта, бунақа рўшно кунлар доим бўлавермайди. Урушнинг тақдири ҳал бўлиб қолди, текшир-текширда биронта қалтис нарса ошкор бўлмаслиги учун, ишни ими-жимидида қилиши, ҳужжатлар тартибда бўлиши керак.

Муқаддас Ўлмаснинг онаси билан Қорақалпоққа бориб, диллари вайрон бўлиб келишди. Ўлмас ичбуруғ касалига учраб, тез-тез касалхонага тушадиган, вахтага ҳам чиқа олмайдиган бўлиб қолипти. Мунис опа билан Муқаддасга, касали юқумли, деб Ўлмасни кўрсатишмади, фақат олиб борилган нарсалару хатни олишди. Мунис опа Муқаддас билан ижарада тўрт кун яшади, ҳар куни икки мартадан госпиталга қатнаб Ўлмаснинг овқатидан хабар олиб туришди, Ўлмасни дераза орқали кўришди: чўпдек озиб кетган, ранги захил, аранг оёғида турар эди. Хатида, мени олиб кетинглар депти, бошлиқлар бу ҳақда мутлақо гап ҳам бўлмаслиги керак, биз касални тузатиш учун жонимизни жабборга беряпмиз, олиб кетсанглар, йигит албатта нобуд бўлади, дейишди.

— Ундан ташқари, касали юқумли, хоҳишинглар билан бериб юбора олмайман, ўғлингиз мажбурий хизматда, — деди бош врач, — хизматдан бўшатиш менинг вазифамга кирмайди.

— Жуда озиб кетипти, — деди Мунис опа зорланиб.

— Касали шунақа, — деди бош врач қатъий тарзда. — Сизлар бу ерда юришларинг ҳам ортиқча.

Муқаддас уйига ҳориб-чарчаб, чиройли кўзлари ичига чўкиб қайтди.

— Йиғламадимиз? — сўради Муқаддас, қизчасини бағрига босиб.

— Бир кун хархаша қилди, кейин кўникиб кетди, — деди Холида, қўлидаги супургини четга ташлаб. — Бирга ётдик.

— Сенга ўрганиб кетган, — деди Муқаддас. — Хавотир олмадим-у, жуда соғиндим, шунча вақтга ҳеч ташлаб кетмаган эдим.

— Ойим чой дамлаб, уйга чиқиб кетдилар, ичасизми, опа?

— Дам олмасам бўлмайди, Холида, чойни кейин ичамиз.

— Майли, опа, Озодага қарайман, халақит бермайди.

Чарчаганига қарамай, Муқаддас анчагача ухлай олмади. Хаёллар етаклар, Муқаддас ўйламасликка уринса-да, барибир ўйлари Ўлмасга олиб бориб тақар эди. У қилдилар, бу қилдилар, куракда турмайдиган айблар қўйдилар, қандайдир дорилар ичирдилар, уколлар қилдилар, абгор ахволга олиб бордилар. Энди одам бўлиши қийин, умид кам. Нима қилса бўлади? Онасининг қўлидан йиғлашдан ташқари ҳеч нарса келмайди. Шундай қараб туравериш керакми ёки бирон фавқулудда чора кўргани маъқулмикин? Муқаддаснинг дадаси билан иноқ бўлган ҳарбий танишлари бор эди, ўшаларнинг бирига арз-дод қилиб борса, ёрдам беришармикин? Ахир буларнинг уйда қанақа ҳарбий амалдорлар бўлмаган, бир гал ҳатто генерал Петров ҳам келган. Муқаддас, албатта, генералга яқинлаша олмайди, аммо Ҳарбий округда ишлайдиган биронта амалдор топилар. Муқаддас эслатса, танир; афсус, ҳеч бирининг номи Муқаддаснинг ёдида қолмаган. Муқаддас ҳатто уларнинг номини эшитмаган ҳам. Келишар, маишат қилишар, тунда жўнаб кетишар эди. Балки Ҳошимжон уларни танир, уларнинг қўл остида хизмат қилади-ку. Аммо Ўлмаснинг номини эшитса, Ҳошимжон борни ҳам йўққа чиқаради.

Муқаддас эртасига Ҳарбий округ жойлашган идорага борди. Бино олдида қора машиналар турар, кираверишдаги салобатли эшик ёнида қуролли соқчи қоровуллик қилар, яқинлашишга Муқаддаснинг юраги дов бермади. Шу пайт пастдан чиқиб келаётган майорга Муқаддаснинг кўзи тушди ва Муқаддас таваккал қилиб майорнинг йўлига чиқди. Майор нотаниш аёлга ажабланиб қаради.

— Кечирасиз, — деди Муқаддас, ўзини йўқотаёзиб. — Бир нарсани сўрамоқчи эдим. Айбга буюрманг, мен бу ерда ҳеч кимни танимайман.

— Хўш? — деди майор, такаббурлик билан Муқаддасни писанд қилмай.

— Биласизми, мен Муродхўжа ака деган одамнинг қизи бўламан, — деди Муқаддас гапни нимадан бошлашни билмай тутилиб. — Бу ерда ишлайдиган баъзи амалдорлар бизникида бўлишган, дадамни яхши танишади.

Шунақалардан биттаси бўлса, маслаҳатли гапим бор эди, ёрдам бера оласизми?

— Биронтасининг фамилиясини биласизми? — сал юмшаб ва айни чоғда хижолатлангандек сўради майор.

— Билмайман-да, — деди Муқаддас саросимада.

— Бўлмаса, дадангиз келсин.

— Дадам кела олмайди.

— Нега?

— Ўлган адам.

— Ие! — майор ғалати аҳволга тушиб деди. — Майли, мен кадрлар бўлимига айтай-чи, дадангизни танийдиган одамни билармикин.

— Раҳмат, ўрток генерал.

— Майор, — дея Муқаддаснинг хатосини тузатди майор. — Нима гапингиз бор, балки менинг ёрдимим тегар?

— Яхши бўлар эди ёрдам берсангиз, — деди Муқаддас ва рус тилида бурро билмагани учун тутила-тутила Ўлмаснинг тарихини айтиб берди.

Майор блокнотига нималарнидир ёзиб:

— Бир ҳафтадан кейин келинг, суриштириб кўяман, — деди. — Ҳозир бирон нарса дея олмайман.

— Ҳўп бўлади, — деди дарҳол Муқаддас, бу одам ҳам амалдор эканини англаб.

— Фамилиям Сорокин, Фёдор Максимович, — деди майор. — Пастдаги навбатчига айтсангиз, менга кўнғирок қилади.

— Бўпти, Фёдор Максимович, бир ҳафтадан кейин келаман, — деди Муқаддас қувнаб.

— Исмингиз?

— Муқаддас, — деди Муқаддас ҳозиржавоблик билан. — Муродхўжаева.

— Хайр.

— Ҳафта ўтиши қийин бўлди, бир ойдан кейин педагогика техникумида ўқиш бошланди, Муқаддас ўзини чалғитиш учун, китоб-дафтарларини олиб, томорқадаги шийпонга тушди, аммо Ўлмаснинг ҳовлиси яқинлигиданми, яна хаёлларга берилди, ўқиганлари миясига қирмади.

Ниҳоят ҳафта ўтди.

Майор Сорокин Сталин расми остидаги креслода ўтириб, телефонда ким биландир гаплашар эди, кириб келган Муқаддасга имо билан жой кўрсатди, Муқаддас ўтириб, Сорокиннинг гапи тугагини кута бошлади.

— Сатторов Ўлмас, — дея Сорокин столи устидаги папкага қаради. Унинг ноҳушлигидан Муқаддас шубҳага

тушди. — Бу йигит харбий судда айбланиб, мажбурий хизматга юборилган экан, нега буни менга айтмадингиз?

— Судга тушганини билмайман, ўртоқ Сорокин, — деди Муқаддас ҳадиксираб. — Остапчук номли бир солдат Ўлмас Сатторовни гапга солиб, ўзи айтган сўзларини ўзи ёзиб берибди. Бу — тухмат, ўртоқ Сорокин, гувоҳ бўлмагани учун Ўлмас исбот кўрсата олмапти, аммо айба иқроор бўлмапти, иғво, депти. Остапчукни судга жалб қилишганми, йўқми, буни билмайман. Жалб қилинмаган бўлса, бунда кимнингдир кўли бор. Иғво уюштирилган. Ўлмасни қамаш, унга расмий айб қўйиб, бадарға қилиш кимгадир керак бўлган. Акс ҳолда уруш қатнашчиси, ярадор, инвалид одамни уйдирма айб билан озодликдан маҳрум қилиш— ақлга сиғмайдиган хиёнат. Бунақа ишни четда юрган одам қила олмайди, таниш-билиши бўлмаган киши уддасидан чиқиши қийин. Ҳозир Ўлмас Қорақалпоқда, кўриб келдим— ичкетар бўлиб ётипти, чўпдек бўлиб кетган, ўлиб қолиши мумкин.

Сорокин бу нарсалардан хабари йўқ эди, у фақат суд қарорига таяниб, мулоҳаза қилаётган эди, муаммо бунақа чалкаш, суд қарори шубҳали экани унинг хаёлиги ҳам келмаган эди — боши қотиб қолди.

— Нега сиз Сатторов томонини оляпсиз? — деди ниҳоят Сорокин. — У ким сизга? Нега қанақадир инвалид учун жон куйдирасиз?

— Инвалидни қамаш мумкинми? — сўради Муқаддас.

— Қамалган эмас Сатторов, — деди Сорокин, — мажбурий хизматга жўнатилган.

— Нега ундай бўлса бизга кўрсатишмади?

— Қасали юқумли экан-ку, қандай кўрсатишди?

— Йўқ, ўртоқ Сорокин, уни чиритишмоқчи.

— Ким бунга манфаатдор бўлиши мумкин, нима деб ўйлайсиз, Муродхўжаева? Кимдандир гумонингиз борми?

— Бор, — деди Муқаддас қатъий тусда.

— Бор?

— Ҳа, бор. Эрим,

— Эрингиз? — Сорокин ҳанг-манг бўлиб қолди. — Эрингизнинг қанақа хусумати бор айбланувчида?

— Гуноҳни яшириш учун мени унга никоҳ қилиб беришган.

— Гуноҳ? Қанақа гуноҳ? — тамоман тушунмай сўради Сорокин.

— Эрга текканимда, мен иккиқат эдим, — деди Муқаддас тортинмай.

— Демак, сиз, Муродхўжаева, олдин...

— Ҳа, ўртоқ Сорокин. Қизимнинг ҳақиқий отаси Сатторов эди. Мени эримга мажбур қилиб беришган.

— Ҳм, — деди майор Сорокин, масалани англай бошлаб. — Нега сизни Сатторовга беришмади? Ахир боланинг отаси у экан-ку.

— Яширинча бўлгани учун орият қилишган.

— Ким орият қилган?

— Дадам, Ҳошимжонни ҳам дадам топган.

— Ким у Ҳошимжон.

— Конуний эрим. Энди у ўч оляпти. Ўлмасни бир гўр қилмоқчи.

— Қандай уддасидан чикди эрингиз? Шунақа қўли узунми?

— Тупроққўрғондаги омборда ишлайди. Дадам жойлаб қўйган. Эрим ҳаммани танийди. Фақат сиз танимас экансиз.

Майор Сорокин Ҳошимжонни танир, бир-икки марта камёб нарсалар олган эди, аммо бу ҳақда гапирмасликни маъкул кўрди.

— Эримни ҳарбий амалдорларнинг кўпи билади. Эрим ўшалар панасида иш кўрган, деб ўйлайман.

Амалдорлар эрини билишса, масалани ҳал қилиш маҳол бўлади, деб ўйлади майор Сорокин. Бироқ Муқаддас унга анчайин абжир ва айни пайтда ўжар, ўз айтганидан қайтмайдиган кўринди. Бунақа аёл тийилмайди. Бош кўмондонликка ариза ёзса, кўп нарсалар фош бўлиб кетиши мумкин, деб ўйлади майор.

— Жазо муҳлати уч йил экан, тез орада вақт ўтади-кетди. Сатторов қайтиб келади, севганингиз билан топишасизлар, — деди Сорокин, сиз ҳам, кабоб ҳам куймасин нақлида фикр юритиб ва «севганингиз» сўзига алоҳида урғу берди.

— Уч йилнинг ичида Сатторов тирик қолмайди, — деди Муқаддас қуйиниб. — Ярим йилга ҳам бормайди. Тез киришмасак, тамом, улгурмаймиз. Ёрдам бера оласизми?

— Мени қийин аҳволга солиб қўйдингиз, — деди Сорокин азият чекиб. — Расмий жиҳатдан Сатторов маълум айб билан суд жазосига ҳукм қилинган. Бу биринчидан. Иккинчидан, сизнинг гапларингиздаям жон борга ўхшайди. Қалтис масала. Мен суд қарорини бекор қила олмайман, бекор қилиш у ёқда турсин, шубҳа остига олишгаям ҳаққим йўқ. Бироқ сизнинг даъволарингиз тўғри бўлиб чиқса, бегуноҳ Сатторов бекорга жабрланиши ҳам адолатдан эмас. Бу тугунни қандай ечиш мумкин, худо ҳаққи, ақлим етмаяпти. Аммо ишонинг, мен буни, — дея Сорокин папкани

кўрсатди, — стол галадонига ташлаб қўймайман. Натижаси қанақа бўлишини ҳам муқаррар сизга айта олмайман. Бир ҳафтада ҳал бўладиган масала эмас бу.

— Бир ҳафтада масала ҳал бўлмаса, Сатторов ўлади. Улгурмай қоламиз. Москвага ёзай десам, фурсат қўлдан кетади, деб кўрқаман.

Москвага ёзиш нияти бор экан-да, деган фикр Сорокиннинг хаёлига яна келди.

— Биласизми, синглим, — деди Сорокин оғир хўрсиниб, — мана қоғоз, ручка. Барча тахминларингиз, даъволарингизни баён қилиб ёзинг, ариза узун бўлмасин. Мен қўмондон қабулига кирганимда, аризангизни топшираман, ўз томонимдан ҳам фикримни айтаман, масалани кечиктириб бўлмаслигига иқрор қилишга уриниб кўраман. Аммо кўндиришга маҳоратим етадим, йўқми, айта олмайман. Урушда минглаб жангчилар ҳалок бўлаётган бир пайтда, ногирон бир аскар масаласи у қадар муҳим бўлиб туюлишига ақлим етмаяпти. Шунинг учун сиз ҳар қандай оқибат рўй беришига шай туришингиз керак. Катта умид боғласангиз, зарба ҳам катта бўлиб кўринади, синглим. Аммо ноумид бўлиш ҳам керак эмас.

— Қўмондон — Петровми? — сўради Муқаддас майорнинг гапларига учмай.

— Ҳа, Петров, нимаиди? — деди майор чўчиб. — Қабулига кирмоқчимисиз?

— Генерал Петров бизникида меҳмон бўлган, — деди Муқаддас бўш келмай. — Мени кўрган. Унутган бўлса, эслатаман. Қулоқ солмаса, дод дейман, жанжал кўтараман. Ўлмасни албатта қутқараман. Чунки унинг бебахтлигида менинг ҳам айбим бор. Гуноҳни юва олиш қўлимдан келмаса... — Ҳозиргина дадил гапираётган Муқаддас, ўзини тута олмай, йиғлаб юборди.

Майор бир зум ўзини йўқотиб қўйди, кейин хушига келгач, графиндан сув қуйиб, стаканни Муқаддаснинг қўлига сукди. У аввал ўзбек аёллари ўта мазлум, қўйдек қарам, журъатга нолойиқ, деб ўйлар эди, Муқаддасни кўриб, булар ҳам шижоатга, жўшқин севгига қодир, уларнинг мўминлиги шунчаки ижтимоий, диний, тарбиявий онгнинг ифодаси эканлигига иқрор бўла бошлади, Муқаддасга самимий ёрдам бергиси, икки ташна, бири бирига зор қалбни улагиси келди, аммо қандай уддасидан чиқади, «қонуний» равишда қоқилган миҳни қай йўсин билан суғуриб ташлайди, агар бу жирканч тадбирнинг ипи амалдорлар қўлида, уюштирилган бўлса — барҳам бериш мушкул кечади. Бирок қараб туриш ҳам виждондан эмас. Нима деб бу қон-қон

йиғлаётган ёш жувонга тасалли бериш мумкин? Хўп деса, ваъдаси устидан чиқиши керак, йўқ деса, адолатсизлик муқаррар. Ёки таваккал, бирон ҳарбий зарурат баҳонаси билан Қорақалпоққа борсинми, йигитни улар панжасидан шартга юлиб, самолётда олиб келсинми? Сорокин у ерга расмий шахс сифатида маълум ваколат билан боради, унинг айтганига ҳеч ким эътироз билдира олмайди, Тошкентга қайтгач, қўмондонга йўриғи билан тушунтиради, масала ёпди-ёпди бўлиб кетади, балки бетоблигини рўкач қилса, ҳисобга ўтади. Эзгуликка интилиш айб эмас-ку. Энг муҳими — урушда қон тўкиб, мажруҳ бўлиб келган солдатга нисбатан жазо чорасини қўллаш, ҳеч қанақа қолипга сиғмайди. Умуман, оддий халқ, омма, шу жумладан, маҳаллий аҳоли, Сорокиннинг кузатиши бўйича, анча сиқиб қўйилган, қанча зўрлик ўтказилмасин, улар чидам билан ютиб келишади, исён у ёқда турсин, шикоят қилишга, норозилик кўрсатишга ҳам қўрқишади. Судларга тушаётган аризаларнинг энг кам қисми шуларники. Бу уларнинг турмуши қоникарли эканидан далолат эмас, албатта. Улар даъво билан бирон нарсага эришишларига ишонишмайди, лом-мим демай, аҳволнинг баттар мушкул бўлишидан ҳайиқиб яшашиди. Холис ёндошилса, булар ҳам ҳамма қатори халқ. Фақат оғир турмуш уларни унсиз, итоаткор қилиб қўйган. Сорокиннинг ўғли билан бир синфда ўқийдиган Дилшод исмли бола бор, баъзан уйига келиб туради — бола шу қадар укувли, зехни ўткирки, бошқалардан мутлақо кам эмас, ҳатто баъзи болалардан зуккорок, қобилиятини тан олмай бўлмайди. Уларга керакли шароит яратиб берилса, анча-мунча ишга қодир халқ. Гап фақат шунда: қўрга сув сепаверилса, чўғ пасаяди: кулни тортиш, қўрни очиш керак, ўшанда чўғ ёнади, гуркирайди. Айниқса, ўзларининг орасидан чиққан «ўт ўчирувчилар» ғайратини чеклаш лозим. Бунга ҳам маълум сабаблар бор, албатта, рағбатлантириш усули имтиёз бергандан кейин, унақалар сони камаймайди. Бу ҳам сиёсат, бизнинг сиёсатимиздир. Шунинг ўрнига омманинг яширин имкониятларини очиб, ўз манфаатимизга бўйсундирсак, хизмат қилдирсак, зарар кўрмаймиз-ку.

— Синглим, — деди Сорокин узоқ мулоҳазадан кейин, — мен бир нарсани режалаб қўйдим, узоғи билан бир ҳафтада вазият аниқлашади. Ваъда беришга тайёрман. Фақат сиз бошқа идораларга чиқманг, ишни бузиб қўйишингиз мумкин. Хўпми? Эртагаёқ Қорақалпоққа жўнайман, албатта суриштираман, илож топсам, Сатторовни олиб келаман. Фақат жанжал кўтармай туринг, — деди Сорокин маълум даражада илтимос қилиб. Негадир муаммони ҳал қилиш

қўлидан келишига майор ишонар ёки ишонгиси келар эди. Аммо айна пайтда Сатторов дунёдан кўз юмаётганини билмас, билиши ҳам мумкин эмас эди. — Адресингизни ташлаб кетинг, қайтишим билан сизга хабар бераман.

Сорокин Муқаддас олдида ётган оқ қоғозни олиб, папка устига ташлади. Энди шикоятноманинг кераги йўқ, қайтага ишга халал бериши мумкин, натижада фурсат қўлдан бой берилган бўлур эди. Муқаддас адресини айтди, майор папка устидаги оқ қоғозга ёзиб қўйди ва ўрнидан туриб Муқаддасни эшиккача кузатиб борди.

11

Қаюмжон ўтин туширилаётган аравада туриб, зона ичидаги ҳаммом томон аланглай бошлади, бир оздан кейин ҳаммом эшигидан Ойниса чиқди, унинг қўлида ўғилчаси — гўдак Қаюмжон бор бўлиб, бола типирчилар, аллақандай товуш чиқариб, ўйноқлар, панжара нарисиди отаси интизорлик билан бу томонга тикилаётганини билмас эди. Ойнисанинг кўзларида мамнунлик аломати яшнар, бироқ бутун вишкада бошқа пойлоқчи тургани учун панжарага яқинлаша олмас эди.

Ойниса кеча Асил опадан хат олди, хатни ўқиб, ўзида йўқ шодланди — болалар омон-эсон экан. Фаизов деган кишининг оиласи Қаюмжонлар уйига кўчиб келишипти, ҳозир болалар ўшаларнинг қўлида эмиш. Фаизовлар Қримдан келган оила экан, аммо булар қишлоғида қримликлар нима қилиб юришипти, хатда ёзилмаган эди. Бунинг аҳамияти йўқ, муҳими, болалар қаровсиз қолишмапти, етимхонага мажбуран топширишмапти, шунинг ўзи катта бахт. Ойниса билан Қаюмжон озодликка чиқиб, уйларга қайтгунларича болалари нобуд бўлмай, саломат қолишига умид боғлаш мумкин. Ўқитувчи ҳамкасбларидан, айниқса Мансур ака оиласидан қизгин саломлар йўллапти Асил опа. Асил опа яна бир нарсани хабар қилипти: кампир дунёдан ўтипти.

Маруся холанинг чўнтагида Қаюмжонга яширинча бериш учун Ойниса ёзган хати бор, хатда Ойниса ҳамма янгиликни ёзди, аммо онаси вафотини айтмади, шундай шодиёна кунда эрининг дилини бўғиб нима қилади. Ойнисанинг ёзган хати етиб боради, мана, Асил опадан жавоб келди, демак, узок муддат ичида бўлса ҳам хат ёзишиб туришса бўлар экан, энди аввалгидек беҳабарликдан изтироб чекмас, кутиш ва умид билан қолган кунларини ўтказар экан. Қаюмжон, албатта, Асил опанинг хатини ўзи ўқиб чиққиси келади, бир парча қоғоз бўлса-да, Ватанидан келган, ақалли хиди

сақланган, деб ўйлайди. Ойниса Асил опанинг хатини беради, онасининг вафотини, майли, ўшанда билар. Афсуски, бир йил аввал нариги эркак лагеридан қочган жинояткорлар ўтин тайёрлаш учун ўрмонга борган маҳбус аёлларни пичоқлаб кетишган, ўшандан кейин интизом қаттиқ бўлган, ўша машъум ҳодиса рўй бермаганида, балки ҳозир ризғизон бўлмасмиди? Ақалли панжара орқали бўлса ҳам Қаюмжон билан учрашиб туриш мумкин бўлармиди, отаси ўғилчасини яқиндан кўрармиди. Боласи борлигини Қаюмжон билганига бир ойдан ошди, аммо шу пайт ичида бечора бирон марта қўлига олиш у ёқда турсин, панжарага яқин жойдан ҳам кўра олмади. Гудак Қаюмжон одамга қарайдиган, кийқирадиган, қўлини диркиллатадиган бўлиб қолди, бир нарсани ушласа, оёғида ҳам туради. Ойниса начальник аёл билан гаплашса, қўришишга рухсат берармикин? Ахир у ҳам она-ку, унинг ҳам фарзандлари бор-ку.

Кутилмаганда зона бошлиғи, ўттиз бешларга кирган рус аёли, юпқа лаблари рангсиз, сийрак сочлари орасидан қизил эти кўриниб турадиган Мишина Ойнисани чақиртирди. Маъмурий бино, тўғрироғи — бухгалтерия, маҳсулот омбори ва албатта, Мишинанинг идораси жойлашган бараксимон пастқам ёғоч уй зона ташқарисидан тахминан юз қадамча нарида жойлашган бўлиб, туну кун уйни икки қуролланган соқчи пойлар, уёқ томонга зонада яшовчиларнинг ўтиши мумкин эмас, зонанинг темир панжарали эшигининг икки томонида ҳам қуролли пойлоқчилар турар, ҳатто бир кунда неча марта кириб чиқадиган ходимлар рухсатномасини текшириб, дарвоза очар эдилар.

Ойниса ҳадиксирай бошлади. Нахот Қаюмжон масаласида чақиртирган бўлса? Энди нима бўлади? Шунча уринишлари, яширин тадбиру амаллари чиппакка чиқса, нахот жазолашса? Ойнисанинг ранги ўчиб, қўллари қалтирай бошлади. Начальник бекорга чақирмайди, бир иллат бор. Бундоқ қараганда, бир кунмас бир кун уларнинг «кирдикори» фош бўлиши муқаррар эди, тагин ҳам эрхотин бир ой мобайнида маҳфий ёзишма қилишди, ҳатто Ойниса Маруся хола орқали Қаюмжонга бир бўлак колбаса ҳам ўтказиб юборди. Ғўланинг ичига жойланган, Маруся холанинг чўнтагида кетган қоғоз парчаларини айтмаса ҳам бўлади. Майли, бошга тушганни кўз кўради. Фақат, ҳеч нарса бўлмаган, билмадим, деб қайсарлик қилиш эмас, иқроп бўлиш керак, рад этса, улар албатта гувоҳни чақириб, исбот қилишади, чора кўришади. Ундан кўра кечирим сўраш, ёлвориш, тавба қилиш керак.

— Болани қолдир, — деди навбатчи жувон, Ойниса

ўғилчасини қўлига олаётганини кўриб, — Клава қараб туради. Клава! — чақирди навбатчи, ташқарида ўтин ёраётган Клава томон қараб. — Болага қараб тур.

Клава кафтларини ишқалаб, қоқиб, ҳаммом томон кела бошлади.

— Начальник чақирди, — деди навбатчи жувон Ойнисани кўрсатиб. — Ўн дақиқада қайтади. Юр! — Юр! — деди у Ойнисага.

Ойниса Қаюмжонни тихирлик қилишига қарамай Клавага берди ва навбатчи жувонга эргашди. Клава ағрайганича кўлида бола билан қолди.

Зонада ҳеч ким кўринмас, ҳамма маҳбус аёллар бино остидаги цехларда меҳнат билан банд, икки қаватли ёғоч барак олдида фаррош аёл зина ювар, чап томондаги иккита от қўшилмаган аравада цехлар ишлаб чиқарган тах-тах қоплар, йўғон арқон ўрамлари қалашиб ётар, аравалар ортидаги ховузларда каноп толалари кўкимтир, дори қўшилган сувда ивир, шамол камайганда сассиқ хидга чидаб бўлмас эди.

Пойлоқчи навбатчи жувонни кўриб, панжара эшикка осилган қулфни оча бошлади, навбатчи жувон кўкрак чўнтагидан рухсатномасини чиқариб кўрсатди, кираётган пайтида айтган бўлса керак, пойлоқчи Ойнисага синовчан тикилиб чиқиб, йўл бўшатди. Ойниса бу ерга келганига бир ярим йил бўлса, биринчи марта зонадан чиқиши эди. Аслида зонадан чиқишнинг — агар махсус зарурат ёки қочиш нияти бўлмаса — ҳеч ким чиқмайди, чиқишга эҳтиёж ҳам йўқ — ташқари қанақа бўлса, бу ер ҳам шунақа: дарахтлар кўп, майсалар кўм-кўк, гуллар кийвос, фақат ҳар бурчакда пойлоқчилар вишкаси бор.

— Нега қалтирайсан? — деди ёзги форма кийган Мишина Ойнисани кўриб. Унинг овозида одамнинг этини уюштирадиган ғазаб аломати сезилмади, Ойнисанинг кўнгли иккилана бошлади, бунақа мулойим оҳанг алдаши, оқибати жуда ҳам хунук бўлиши мумкин эди.

— Ўзим, — деди Ойниса, титроғини тўхтата олмай.

— Ишлар қалай? — сўради Мишина чекаётган папирос қолдигини кулдонда эзгилаб.

— Ишлар? Биронта камчилик борми? — деди Ойниса, тик турган ҳолда ҳадиксираб.

— Йўқ, — деди Мишина, — шунинг учун сени чақиртирдим.

Ойнисанинг ҳадиги ғалати ҳаяжонга айлана бошлади. У тезроқ асосий мақсад нимадан иборатлигини билгиси келарди.

— Эшитаман, начальник.

— Боланг қандай? — деди Мишина ва одати бўйича ўнг томонидаги деразага қараб олди.

— Шукр, ўсяпти, — Ойниса, тезроқ айта қолса эди, бунча чўзади, деб ўйлади.

— Фаррош аёл тийганиб майиб бўлипти, — деди Мишина, — ўтасанми бу ёққа?

— Сиз нима десангиз шу, начальник, — деди Ойниса, энгил хўрсиниб. — Ишдан қочмайман.

— Ҳаммомда Клава қолади, сен шу бугуноқ ишни бошла, навбатчи жувон нима қилишингни айтади.

— Хўп, — деди Ойниса, жазо қўлланмаслигидан кўнгли тинчиб. Ўзи ҳамиша олдинги ҳамкасбларининг куни келишидан, айниқса боласининг ҳаётидан чўчир эди, бу таклиф маъқул кўринди, бироқ ҳозир Қаюмжонни узоқдан бўлса ҳам кўриб туради, хат-пат орқали алоқа ўрнатилди, энди бу ишга ўтказишса, алоқа узилиши мумкин. Мишина Қаюмжон ҳақида гап очмади, демак, ҳали у ёқдаги махфий ишлар хиди бу томонга етиб келмаган. Боласи нима бўлади? Агар Қаюмжонни бу корпусга олиб ўтса, тинчроқ бўлади, албатта, аммо у томонга бола баҳонасида ўтиш ва эрини кўриш имконияти ҳам йўққа чиқади, бироқ болани у томонда, фақат Клава ихтиёрида қолдириш ҳам хавфли. Майли, Ойниса бу ерга бир оз мослашиб олсин, Мишина билан сал яқинлашсин, агар Мишина ўзини ёт тутмаса, эрталаб чамалаб қўйган илтимосини авраб-нетиб Мишинага айтишга, ёлворишга уриниб кўради. Агар вазият сенга бўйсунмаса, курашиш имконияти бўлмаса, алдаш, шамғалат қилиш керак. Бошқа усул, бўлак чора йўқ, акс холда ўзинг мажак бўласан.

Мишина Ойнисанинг боласини бу ёққа олиб ўтиш ҳақида оғиз очмади, майли, ҳозирча ҳамма нарса ўз-ўзича қолаверсин, келгусида вазият бирон чорани кўрсатади, бошликларга яқин бўлиш фойдасиз эмас.

— Мактабда ўқитувчилик қилган экансан, — деди Мишина яна папирос тутатиб, — қайси фандан дарс бергансан?

— Рус тилидан.

— Рус тилидан? — Мишина Ойнисанинг рус тилда сўзлаши рус аёлларидан кам эмаслигини, ҳатто жумла тузишлари уларникидан тозароқ эканлигини билар, аммо ўзбек аёли рус тилидан дарс бериши — бу Мишина учун янгилик эди, бинобарин Ойнисанинг айни шу томони начальникни қизиқтирар эди. — Битта мулоҳаза бор, — деди Мишина сал юмшаб. — Ўтир, айтаман.

Ойниса табуреткага ўтирди ва начальнигида пайдо бўлган ўзгаришни пайқаб, кўнгли умидга тўла бошлади.

— Ўн бир яшар ўғлим бор, эрта чиқиб кетаман, кеч келаман, деди Мишина шикоятмуз. — Эрим ҳафталаб экспедицияда. Болаларга — яна битта қизим бор — онам қарайди, қариб қолган. Саша ўзи билганича дарс тайёрлайди, бир нарсани тушунмаса, сўрайдиган одам йўқ. Баҳолари уч, баъзан тўрт, иккиси ҳам бўлиб туради. Бир-икки соат шуғуллансанг, балки оқсамасмиди. Китоблари бор, сал туртки керак-да. Мишина «шуғуллан», деб буйруқ тусида мажбурият юкласа ҳам бўлаверар эди, аммо унда бола билан ёрдамчи — ўқитувчи орасида иноқлик турилмайди, мажбуриятга айланган машғулотлар қанақа натижа беради — айтиш қийин. Ахир бу машғулотлар кўнгилли бўлса, ижобий оқибат кутиш мумкин, бунга Мишинанинг фаросати етади. Қолаверса, бу — илтимос, Ойниса дарсдан қўли чиқиб кетганини ёки боласи борлигини рўқач қилиб, рози бўлмаслиги ҳам мумкин. Хоҳишига қарши, зўраки муаллимнинг ихтиёрига болаларини топшириш ақлдан эмас. Албатта, ҳозирги аҳволига нисбатан зона ташқарисига чиқишининг ўзи катта имтиёз, маълум даражада эркинлик, бунақа эркинликни бошқа синалмаган аёлга берсанг, болаларингни бўғизлаб, уйингни шилиб кетиши мумкин. Бу маҳбус унақа қилмайди, бу тоифадаги аёллар ғараз сақлашмайди, бировнинг мулки — жонига қасд қилишмайди, бунақа ишдан ҳазар қилишади. Тарбияси шунақа. Қолаверса, боласи шу ерда, ёмон нияти бўлса ҳам боласини ўйлайди, кўзи қиймайди. — Хўш? Нима дейсан? Уддасидан чиқасанми? Агар рози бўлмасанг, майли, бошқа аёллар бор, жон дейишади.

— Нега рози бўлмас эканман, начальник! Розиман, албатта, — деди Ойниса дарҳол, Мишинанинг айнишидан чўчиб. — Шу ишга мени муносиб кўрибсиз, раҳмат. Бирок...

— Хўш?

— Болам нима бўлади?

— Боланг зонадан чиқиши мумкин эмас, ўзинг тушунасан, — деди Мишина, унинг назарида, боласи бу ерда қолса, гаров бўлиб хизмат қилади, дегани эди. — Узоғи билан икки соат вақтинг кетади. Клавага айтаман, болангга қараб туради. Хавотирга ўрин йўқ.

— Зонадаги ёмон аёллардан қўрқаман-да, опа, — деди Ойниса зорланиб. — Биласиз-ку.

— Икки соатда Клава шу ёққа, маъмурий бўлимга чиқиб туради, — деди Мишина. — Боланг қўлингда бўлса, машғулот ўтказа олмайсан, бу ёғини ҳам ҳисобга олиш керак.

— Майли, — деди Ойниса, кўнгли ёришгандек бўлиб.

Ойниса йиқилиб майиб бўлган фаррош аёлнинг ишини бажарар экан, беҳос Мишина, унинг таклифи ҳақида ўйлай

бошлади. Кўрс, дағал чўрткесар аёл ўта мулойим муносабатда гаплашди. Олдинлари Ойниса Мишинани кўрса, кўрқувдан тиззалари қалтирай бошлар, бирон кўпол гап айтади, деб ўзини четга олар, иложи бўлса, кўзига кўринмасликка интилар эди, аммо бу гал Мишина мутлақо ўзга, ташвишга ўралашган, ҳатто аянчли, ночор аёл бўлиб кўринди, гўё афтидаги ниқоб тушгандек туюлди. Ойниса, шубҳасиз, Мишинанинг илтимос тариқасида ифода қилган буйруғини бажаради, ўгли билан шуғулланади, меҳнатини аямайди. Машғулотлари натижасида боласининг ўзлаштириши ўнганса, баҳолари кўтарилса, Мишина Ойнисанинг хизматини эътиборсиз қолдирмайди, Ойнисанинг унча-мунча илтимосларини рад қилмайди, балки эрини ҳам бирон ишга олади. Лагерь начальниклари ўзаро учрашиб, бири-бирининг баъзи юмушларини бажариб туришади, Қаюмжонни аёллар бажара олмайдиган ишга, масалан, қопларни, арқонларни ташиш, араваларга юклаш, кўмир тушириш, ҳовуз тозалаш ишларига жалб қилса бўлди-ку. Ана, иккита-учта шунақа ёрдамчи «подсобниклар» ишлаб юришипти-ку; тўғри, улар ёши ўтган, аёлларга тегажўғлик қилиш қўлларидан келмай қолган қари қирчанғилар, аммо Қаюмжон ҳам ёш эмас, оёғи оқсоқ, инвалид. Унинг устига Қаюмжон тажовуз қиладиган, зўравон одам эмас, мулойим йигит, аёлни кўрса, уялади. Майли, кунлар ўтаверсин-чи, худо бир йўлини кўрсатар. Энг мухими — Ойниса начальник аёлнинг назарига тушди, энди, албатта, ҳасад қилувчи аёллар топилади ҳам, пўписа қилиш ҳам бўлади. Нима, ҳаммомда ишлаганида жим юришдимиз? Унда-ку Ойниса умуман ҳимоя қилинмаган эди, ҳозир начальник аёл тўсади, шунақа адабларини берадики, сичқоннинг уяси минг танга бўлиб кетади. Барибир жосус, қонхўр аёллар қуйилишмайди, бошқа битта одам негадир ёқмаса, қанду тамакисини бермаса, бирон нарчасини яширса, албатта хилватга тортиб, чалажон қилишади, ҳатто ўлдиришади ҳам. Бундан ҳеч ким юз фоиз истисно эмас, ҳатто начальник ҳам ўзини хавфдан соқит қила олмайди. Лагерь қонуни шунақа. Ҳар йили лагерларда ўнлаб соқчи, начальниклар ўлдирилар эмиш.

12

Ёмон хабар тез тарқалади. Фаизовлар оиласи Қаюмжонникига кўчиб ўтгандан кейин Мансур аканинг ўгли Носиржон дарс-парс тайёрлаш учун қулай деб оғилхонага ўтди. Нимқоронғи бўлса ҳам, анчагина озода, шиптир хиди ҳам ариган, ер-девори қуриган, осойишта жой эди. Эрталаб

мактабига кетатуриб, китоб-дафтарларини олиш учун Носиржон «дарсхона»сига бурилди. Эшик негадир ичидан берк эди. Носиржон хайрон бўлди. Эшик ичидан берк бўлса, демак, ичида кимдир бор-да. Дадаси охирги кезларда, мачитга чиқмаса-да, уйда намоз ўқиётганини Носиржон кўрган эди, хозир ҳам йигитчанинг хаёлига шу тахмин келди. «Дарсхона» шахсий мачитга айланипти, деб ўйлади Носиржон ва намоз тугашини кутди. Бир неча дақиқа ўтди, ичкаридан тиловат товуши, сажда пайтида қимирлашдан чиқадиган шарпа ҳам эшитилмади. Носиржон яна кутди. Жимжитлик бузилмади. Носиржон эшикни эҳтиётдан тортиб кўрди, ҳеч ким садо бермади. Носиржон эшикни қаттиқроқ тортди.

— Дада, — деди Носиржон ниҳоят, сукут сақлади. Жимжит. — Дада! — деди Носиржон қаттиқроқ овоз билан, аммо бу гал ҳам жавоб бўлмади. Носиржон хавотирланиб, яна: — Дада! — деб қичқирди ва эшикни бор кучи билан силтаб тортди. Зулфи суғурилиб, эшик очилиб кетди. Носиржон ҳадикда остона ошиб, ичкарига қаради. Вақт эрта бўлгани учун, энди чиқиб келаётган қуёшнинг нури бу ерга тушмас, ичкари қоронғи эди. Носиржон разм солиб қарай бошлади, кўзи бир оз ўргангач, Носиржон харига осилган арқон сиртмоғида осилиб қолган отасининг жасадини кўрди. Мансур аканинг боши яланг, ияги кўксига қадалган, оёғи остида хум ағанаб ётар, Мансур аканинг жасади қимир этмас эди. — Ая-а-а! — деб хайқирди Носиржон, даҳшат кўрқувидан нима қиларини билмай. — Ая-а-а!

Қироат бону чойдан кейин бир дафъа мизғиш учун ичкари хонада энди чўзилмоқчи бўлиб турувди, ўглининг таҳликали овозини эшитиб, ташқарига отилди. Носиржон, илонни босиб олгандек, оғилхона эшиги олдида жазави килар, даҳшатга тўла кўзлари ичкарига қадалган, бутун вужуди зўр ваҳимадан дағ-дағ титрар эди.

— Нима?! — бақирди Қироат бону ва сарпойчан ҳолда оғилхона томон ҳаллослаб югурди. — Нима бўлди?!

— Қаранг! Дадам! — деди даҳшатда Носиржон ва тисарилиб, онасига йўл очди.

Қироат бону ичкарига қаради-да, бир зум карахт бўлиб тургач, эшик кесақисини чангаллаган ҳолда, ҳушидан кетди, Носиржоннинг оёғи остига тўла мешдек йиқилди. Йигитча аввал-охир бундай вазиятга тушмаган эди, ўзини йўқотиб қўйди, назарида онасининг ҳам жони чиққандек эди.

— Ая-а! — дея Носиржон қўшни девор томон отилди ва тирмашиб: — Хола! Амаки! — деб қичқирди.

— Нима бўлди? Нима?! — овозлар янгради, бир зум

ўтмай, икки аёл, кўйлак-лозимларига пийпаланиб девордан оша тушишди. — Нима бўлди?

— Аям! Ана! — дея Носиржон кулаб ётган онасини кўрсатди.

Аёлларнинг бири чопиб келиб Қироат бону бошини чангалига олиб, кўзларига қаради. Қироат бонунинг рангида қон йўқ, билинар-билинемас нафас олар, эти совуқ эди.

— Сув! — деди аёл тепасида қалтираб турган Носиржон билан эгачисига қараб. Носиржон югуриб бориб, косада сув келтирди. Аёл Қироат бону юзига сув сепди, хушсиз аёл сесканиб, кўзини очди. Мансур ака эсдан чиққандек эди.

— Дадам! — деди Носиржон ва ичкарига ишора қилди. Иккала аёл ичкарига бош суқишди.

— Вой ўлай! — деб ёқасини ушлади. Қироат бонуга сув сепган аёл. — Бу нимаси? Мансур амаки-ку! Астафтурулло! Нима бўлувди? Жанжал чиқувдими?

— Йўқ, — деди Носиржон, ҳамон саросимадан қутула олмай.

Югуринг, Носиржон! Маҳаллага чопинг! Чакиринг одамларни! Мактабга хабар беринг!

Қироат бону билан Носиржон бир ҳафта ўтгач тўкилган ўрик-олмаларни йиғиб-териб, қоқи-туршак қилишга киришишди. Иккови ҳам нима бўлганини, нега Мансур ака ўз жонига қасд қилганини тушунишмас эди. Дафн ўтди, шоша-пиша Мансур ака мазорнинг бир четига кўмилди; видолашиш учун узокдан бола-чақаси билан келган қизлари отасини кўриша олмади ҳам, шу қадар тез тобут кўтарилди; кўп одам қатнашишига ҳам, йиғи чиқишига ҳам, маърака қилишга ҳам мачит пешволари ижозат беришмади — ўзини ўлдирган одамга маросим ўтказиш у ёқда турсин, жаноза ўқиш ҳам мумкин эмас эмиш. Итти кўмгандек бўлди. Қизлари фарёд қилишганда, кимдир келиб йиғламанглар, ичкарида йиғланглар, овоз чиқмасин, деди. Уйдагиларнинг зори эътиборга олинмади. Қизлари юм-юм йиғлаб ўз уйларига жўнашди. Ҳеч ким мудҳиш воқеанинг сабаби нимадалигини билмай гаранг эди. Мактаб-боғча директори, обрўли, қанча-қанча ўғил-қизларга таълим берган, замон оғирлигига қарамай у қадар қашшоқ бўлмаган, қизларидан тинчиган, донишманд одам — Мансур ака нега шу йўсин билан дунёдан ўтиб кетди? Буни Тўра Мирзаевдан бўлак ҳеч ким билмас эди.

Икки-уч ҳафта ўтгач тоқчадаги чойнак ичидан учта букилган хат чиқди — бири Қажумжондан, иккитаси Ойнисадан эди, Қироат бону хатто хатларни ўқиб чиқди, эътибор ҳам бермади. Фақат нега учта хат келганини

хотинига айтмади — шу томони Қироат бонуни ажаб-лантирди. Яширадиган ёки айтиш ман қилинган гаплар хатларда йўқ эди, нега айтиш Мансур аканинг ёдидан чиқди экан — жумбоқ эди. Биттасини айтиш эсидан чиққандир — ҳай, бунақа нарса бўлиб туради, Мансур ака ёш йигит эмас, хаёли паришон, бошида қанчадан-қанча ташвишлар бор, аммо яна иккита хат келибди, нега буларни айтиш ҳам чолнинг эсидан чиқди экан? Бу тасодифми ёки атайлаб яширилган тадбирми? Нима учун яшириш керак? Агар Мансур ака Ойниса билан илакишган бўлсачи? Унда яшириш тушунарли. Бироқ Мансур ака, Қироат бонунинг эри, олтита невара кўрган, ёши улуғ, ўта покиза, номига дов туширишдан ҳазар қиладиган диёнатли одам ёш жувон билан алоқа қилиши ақлга сиғмайди. Сир тутиш шунчалик зарур экан, нега хатларни йиртиб ташламади, ахир бирдамас-бирда фош бўлиши мумкин эди-ку. Нега ҳатто Асил опа Ойнисадан хат келганига ўйноқилаб суюнчи сўраганида, ўзини билмаганга солди? Ахир хатлар, қўйилган рақамларга қараганда, ўн ой аввал, Қаюмжоннинг хати ундан ҳам олдин ёзилган экан-ку. Майли, Ойнисанинг хатларини яширишда қанақадир сир бор ҳам бўлсин, аммо Қаюмжоннинг хатини яширишдан қандай наф бор? Қироат бону жумбоққа жавоб топа олмас, биров билан сирлашишга андиша қилар, ўзи бир қарорга кела олмас, шунча ўйлаган далиллари зид, одам ишониши қийин тахминлар эди. Тахминлари тўғри бўлиб чиққан тақдирда ҳам нима бўпти? Хатларни йиртиб ташласа, ёпиқ қозон ёпиқлигича қолаверар, Ойнисанинг муҳлати ўн йил экан, муҳлат тугагунча ким бору ким йўқ. Мансур ака Қироат бону гумон қилган алоқадан чўчиб, Ойнисага бошқа хат ёзма, деб илтимос қилса — тамом, олам гулистон эди-ку. Йўқ, эри ўзини ўлдиришгача бориптими, демак, бу ерда бирон муҳим, жиддий гап бўлиши керак. Эрининг ўлимига шу хатларнинг қанақадир дахли бор, аммо қанақа? Нега эри хатни олган заҳоти уларнинг уйига чопмади? Кампир ҳали ҳаёт эди, ўғли, келини тирик эканини билганида, балки ўлмасмиди? Ўлмас эди. Умид умрини чўзган бўларди. Болалари-чи? Ота-онаси нима бўлганини билишмай, қанча азоб чекишди, қанча йиғлашди, Мансур аканинг ўзи неча марта бориб, юпатиб келди. Мана, хат келди, ота-онанг тинч экан деса, бу қадар озорланишмас эди-ку. Нега шунақа қилмади? Эри қанақадир мияси айниган, довдир, масъулиятни сезмайдиган одам эмас, эди, бу вазиятда яширин бир сир борлиги муқаррар. Қандай билиш мумкин? Ким билан маслаҳат қилса бўларкин? Умуман, бу сирни

бировга ошкор қилиш мумкинми ўзи? Шундоқ ҳам ўзини ўлдириб, шум ажал билан ўлиб кетди, энди ҳатто Асил опага хатлар хусусида гап очадиган бўлса, гап бориб бояги гумонларга тақалади, Асил опа эҳтиётсизлик қилиб, оғзидан гуллаб қўйса, уйдирма иғво тарқалади-кетди, эрининг покиза номига, Ойнисанинг шаънига доғ теккан бўлади; йўқ, буни бировга очмагани маъқул. Аммо гўё ҳеч нарсани сезмагандек юравериш ҳам оғир, энди бу шубҳа ҳаловат бермайди, муттасил кемиради, кўз очирмайди. Лоақал ўзининг ўлимига туртки берадиган бирон белги қолдиргандир, ахир бу йўсинда ўлиб кетсам, мендан кейин қолганлар албатта сабаб ахтаришади, сабаб топилмаса, мени жинни, эси оғанга чиқаришади, деб ўйлагандир-ку эри, бунақа тамға билан ўлиб кетишни эри мутлақо истамаган бўлса керак. Тўғри, ишлари тузук силжишига қарамай, охири пайтларда Мансур аканинг руҳи паст, ўзи билан ўзи гаплашадиган, тушларида алаҳсирайдиган, иштаҳаси тортилган, гапёқмас бўлиб қолувди, демак, дилида жуда оғир юкни ҳеч кимга бўш қила олмай, кўтариб келган, азбаройи, чора тополмагач, ҳаёти билан видолашишга қарор қилган. Шубҳасиз, дилини ўртаган аччик, чидаб бўлмайдиган пинҳоний дарди бўлган. Қанақа дард? Қандай уни пайқаш мумкин? Очилармикин? Ё ўзи билан сирини ҳам кетармикин? Нега Қироат бону, зийрак аёл, эрининг тушкун, забун ҳолатини кўриб туриб, сўраб-истамади? Нега кўпроқ ўз касали билан ўралашди? Балки, шўрлик шунақа сирдошлик белгисига, тасаллига муҳтож бўлгандир, балки сирини фож бўлишидан ҳайикқандир...

13

— Сизга ташлаб кетди, — деди Озодани аравачада ўйнатаётган Холида, техникумдан қайтиб келган Муқаддасга русча сўзлар ёзилган бир варақ қоғоз тутиб.

— Ким ташлаб кетди? — сўради Муқаддас, кун бўйи сиққан туфлисини еча туриб.

— Ўрис аскар, гапини тушунмадим, — деди Холида, онасини кўриб, хархаша қила бошлаган Озода аравасини четрокқа итариб.

Муқаддас бир оз асабийлашиб букланган варақни ёзди ва ўқиб чикди. Бу майор Сорокиндан келган хат бўлиб, фақат бир жумладан иборат эди: «Аризангиз бўйича келиб учранг. Майор Сорокин».

Муқаддаснинг юраги ҳаприқа бошлади, у шу захотиёк Штабга учиб боргиси келди, аммо кун кечкираётган эди.

Муқаддас Сорокинни учрата олишига кўзи етмай, шаштидан қайтди, эртага эрталаб боришни режалаб қўйди, ўзини чалғитиш учун ечиниб, ҳовлига сув сепди, барибир «Нима бўлди экан?» деган савол хаёлидан аримади, Озоданинг ёпишиши ҳам, Холида билан Замира холанинг гаплари ҳам Муқаддаснинг паришон ҳолатини тарқатмади.

Бир пайтлар одам аримайдиган бу гавжум, катта уй хозирда хувиллаб қолган, Замира хола билан Холида ўз хонадонига чиқиб кетишганда ютаман дер, Муқаддас ичкари хоналарга киришдан безир, дарҳол Холидани чақирар, шийпонга жой тўшаб, анча маҳалгача кўрпада ўйнаб ўтиришар, Озода уйкуга кетгач, ўзлари ҳам чирокни ўчириб, кўрпага киришар, юлдузларга тикилиб, ухлаб қолишар эди. Умуман, эркаксиз уй отсиз аравага ўхшар экан, ҳамма нарса жойида-ю, файзи йўқ, омонат кўринади, ҳар бир тешигидан алланималар чиқаётгандек туюлади, баданни жунжиктиради. Шарпа бўлиб юрса-да, Хошимжон борлиги тузук эди, посбондек, ўзи уйда бўлмаса ҳам, эркак киши борлиги сезилиб турар эди. Масъуджон ҳалок бўлмаганида ўзи бошқарармиди? Уни ҳам худо кўп кўрди. Ҳаёт лаззатларини татимай, деярли ҳеч нарса кўрмай, нобуд бўлиб кетди. Урушга жўнатиш керак эмасди, ўзи ўжарлик қилиб, жонига завол бўлди. Қанчадан-қанча қийшиқ-мийшиқ, кераксиз, нафи тегмайдиган одамлар кунини кўриб юришипти. Соппасоғ акаси, оёқ-қўли бут, ярим йил ҳам ўтмай ўлди-кетди. Балки анову Захро мегажинни олиб беришганда урушга кетмасмиди. Болаларнинг кўпроқ бўлгани ҳам тузук экан, ўйларди Муқаддас баъзида укалари йўқлигидан ўқсиб, танҳолик билинмас эди. Муқаддаснинг ягона тоғаси йигирма йил бурун хотини ва иккита фарзанди билан Афғонистонга ўтиб кетган, амакиси босмачилиқда айбланиб, ўлдириб юборилган, бува-боболари вафот этган экан.

Ҳовлида ётишгани учун қуёш нурлари Муқаддасни эрта уйғотиб юборди. Муқаддас ухлаб қолишдан кўрқиб ичкарига кириб ётмади, соат тўққиз-ўн бўлгунга қадар вақтнинг ўтиши қийин бўлди. Нонушта қилиб, Муқаддас техникумига, бир-икки дарс ўтгач, Сорокин олдига боришни мўлжаллаб, жўнади.

Майор Сорокин мажлисда экан. Муқаддас бир соатга яқин пастдаги фойеда кутиб ўтирди. Ниҳоят Сорокин пайдо бўлди ва Муқаддас билан ишга банд одамдек кўришиб, хонасига кириб кетди. 10—15 дақиқа ўтгач, навбатчи йигит Муқаддасни чақирди. Муқаддас хонага кириб, эшик олдида тўхтади, майор ўтиришга жой ҳам кўрсатмади. Муқаддаснинг юраги гулгулага туша бошлади.

— Иш чаток, — деди Сорокин дарҳол гап бошлаб. — Сатторов жон берипти. Ўлипти.

Муқаддаснинг оёқлари бўшашиб, ичида бирон нарса узилиб кетгандек бўлди.

— Ўтиринг, — деди Сорокин Муқаддаснинг ахволини кўриб ва тирсагидан ушлаб, стулга ўтказди.

Ранги учиб кетган Муқаддас карахт, садо чиқаришга ҳам ночор эди.

— Шунақа бўлишини сезувдим, — деди Муқаддас ниҳоят тилга кириб ва асабий жилмайиб қўйди.

«Истерика» деб ўйлади Сорокин, Муқаддаснинг жилмайишини асабий ҳолатга йўйиб — вазият кулгини истисно қилар эди.

— Ўлиги нима бўлди? — сўради Муқаддас хушига келиб.

— Моргда, — деди майор. — Тартиб бўйича ўзлари кўмишлари керак.

— Тартиби куриб кетсин, — деди Муқаддас мунгли товушда.

— Гаплашиб келдим, агар онаси талаб қилса, беришади.

— Олиб келиш мумкин, демокчимисиз?

— Мумкин.

— Албатта, онаси йўқ, дермиди. Фақат бу шум хабарни онасига мен айтмайман, — деди Муқаддас алам билан.

— Ёзма ариза онасидан бўлиши керак, — деди Сорокин, худди илтимос қилган оҳангда.

— Гап мендан чиқмасин.

— Жасадни узоқ сақлаб бўлмайди. Кимёвий ишлов берилган, барибир шошилиш керак. Самолёт икки соатда келтиради. Онасига ўзингиз айтганингиз маъқул. Ҳозир онаси номидан талабномани сиз ёзиб беринг. Текшириб ўтиришмайди. Биз хабар берсак, жанжал кўтарилади, онаси ўзига келгунича вақт ўтади. Тўғрими?

— Қайдам, тўғридир, — деди Муқаддас паришонлик билан. — Онасига қандай айтаман? Нима деб кўндираман, овунтираман — уйдан соппа-соғ чиқиб кетган ўглининг ўлиги кирса?

— Илож қанча, — деди ташвишли оҳангда майор. — Ҳар қалай, таниш экансизлар.

Гап қовушиши қийин, сўзлар аллақандай ноўрин, сунъий эди, Сорокин ижирғанди, хижолат чекди.

Ҳозир кимларнингдир қилмиши учун хуноб бўлиб ўтиришни ўрнимас. — Вазифа енгилмас албатта, — деди майор, шу сўзларни айтишга мажбур эканидан оғриниб, — аммо шуни... қилмасак, — майор таъсирини юмшатиш

учун «қилмасангиз» сўзини «қилмасак»ка айлантирди, гўё бу билан тадбирда ўзини ҳам иштироки бордек қилиб кўрсатгандек, — бўлмайди.

Яна битта оғир синов, қийин жабҳа, азобли босқич қолди, бу Ўлмаснинг онасига бор гапни айтиш, Мунис опанинг дод-войига чидаш, Муқаддас шу довондан ўтиб олса кифоя, у ёридаги мусибатлар қанақа бўлмасин, бардош бериш мумкин.

Муқаддас Сорокиннинг хонасидан чиқиб кетар экан, Мунис опа билан бўладиган учрашувдан бўлак ҳеч нарсани кўрмас, Мунис опа билан гапларини чамалаб чиқар, тайин бир қарорга кела олмас эди.

Йигирмага кирмай Муқаддас ҳаётнинг шунча алғов-далғовига тушди. Бедаво касал азобида отаси ўлиб кетди, бир йил ўтмай онаси қазо қилди, Масъуд ному нишонсиз йўқолди, деган қорахат келди, аза очилди, Муқаддас ўзини осмоқчи бўлди, нотаниш йигитчага никоҳ қилиб беришди, Ўлмасни урушга равона қилишди, Ўлмас ногирон бўлиб қайтиб келди, бу камлик қилганидек, мана, энди ўлигини олиб келишади. Аммо дилни ларзага солгудек ёрқин кунларни ҳам Муқаддас кечирди. Бу лаҳзалар, шубҳасиз, Ўлмаснинг муҳаббати билан боғлиқ бўлиб, ўша қуёшдек чарақлаган ва шу билан бирга таҳликали дамларни унутиб бўлмайди, эртагами, индингами Ўлмас қаро ерга кўмилади, ягона ёдгорлик — Озода Ўлмаснинг қизи, эхтирос меваси. Энди ҳаётни шу қумридек беғуноҳ, беҳимоя зотга бағишлаш, шунинг манфаати билан яшаш керак.

14

Юк самолёти Берлинга келиб қўнганида, ҳаммаёққа қоронғи туша бошлаган, ҳар икки дақиқада учув йўлига оғир самолётлар қўнар, бошқалари ҳавога кўтарилар, учув майдонида немис ҳарбий формасини кийган қуролли солдатлар соқчилик қилишар, қора ялтироқ лимузинлар зўр прожекторлар нурида ялтираб, башанг офицерларни олиб кетар эди.

Масъуд учиб келган самолёт трапи олдида қора енгил машина ва иккита вермахт офицери турар эди. Масъуд ерга оёқ қўйиши билан улар яқинлашишди. Масъудни кўриқлаб келган соқчи уларга немис тилида нимадир деди. Офицернинг бири бош ирғаб, чарм перчатка кийган қўли билан Масъудга ишора қилди. Масъуд офицер олдида тўхтади.

— Марҳабо, — деди ўзбек тилида иккинчи офицер, саломлашиш учун Масъудга қўлини узатмай. — Обер лейтенант фон Клаузе сизни Германия тупроғида

олқишлайди. — Масъуд фон Клаузега хийла бошини эгиб, салом ишорасини килди. — Мен, Собир Юсуф, таржимонман. Шарқий министрликда сизни капитан Коллер жаноблари кутмокда.

Фон Клаузе қўлидаги ҳассача билан нарида турган машинани кўрсатди ва соқчига нимадир деди, соқчи ўнг қўлини итқитиб, пошналарини бир-бирига урди-да, ҳарбийча орқасига бурилиб, самолёт томон кетди.

Олдинги ўриндиққа фон Клаузе, орқага таржимон билан Масъуд ўтирди. Машина жойидан қўзғалди ва йигирма дақиқа ўтар-ўтмас, Берлин қўчаларига кириб борди. Шаҳар нурга ботган, озода қўчаларда машина ва одамлар кўп, қаердадир қақшатқич уруш кетаётгани, ҳатто унда-мунда учрайдиган қуролли навбатчилар борлигини ҳам сездирмас, магазин витриналари, кинотеатрларнинг жимирлаган чироқлари, ресторанлар олдига келиб тўхтаган лимузинлардан тушаётган ялтироқ, этаги узун либос кийган хонимлар, кибор жаноблар, нурлар ёлқини — ҳамма нарса ўта бойликдан дарак берар, кўзни камаштирар, махлиё қилар эди.

Капитан Коллер хонасидаги деразалар қора оғир пардалар билан бекилган, фашист свастикаси тикилган байроқ бурчакда турар, капитан гражданча кийимда тик турган ҳолда телефон орқали гаплашар, бўйи найнов, сочи сийрак, элликларга кирган бюргер бўлиб, ўзини шарқшунос ҳисоблар, араб, форс, турк тилларининг билимдони сифатида тан олинар ва маълум даражада бундан фахрланар, тез орада унвони яна ошишини сабрсизлик билан кутар эди. Фон Клаузе етакчилигида Масъуд билан таржимон Собир Юсуф хонага кирганларида, Коллер телефон дастасини қўйиб, салом берганларга қаради ва сунъий жилмайиб:

— Салом, марҳамат, — деди. Бу, албатта, Масъудга қарата айтилган сўзлар эди. Коллер жаноблари ўтиришга даъват қилиб, учала суҳбат иштирокчиларига расмий, яъни немис тилида гапира бошлади. Унинг Масъудга тааллуқли сўзларини Собир Юсуф ўзбекчага ва Масъуднинг сўзларини немисчага таржима қилиб турди.

Капитан Коллер Масъуд узатган папкадаги ҳужжатларни кўздан кечириб чиққач, меҳмонга илиқ муомала билан:

— Херрлих — деди немисча ва таржимасини кутмай, ўзбекча қўшиб қўйди: — Маъқул.

Собир Юсуф, херр Коллернинг ташаббусини олқишлагандек, кулиб қўйди, Коллер қолдирган таассуротини синаш учун Масъудга қаради ва гангиб ўтирган йигитнинг аҳволини тушуниб, яна расмий тилга ўтди:

— Лейтенант Вольф сизни ижобий таърифлапти, — деди фон Коллер хужжатларни варақлаб, — агар ҳақиқатда шунақа бўлса, мен мамнунман. Сиз ёрдамга муҳтож Рейх офицерини елкада ўрмондан олиб чиқиб топширипсиз, ўз хоҳишингиз билан биз томонга ўтибсиз, агар сиз шу ниятингизни ёзма равишда тасдиқласангиз, немис жангчилари тоифасига хос имтиёзларга эга бўласиз. Офицерлар курсига тайинлаймиз, малакали касбни берамиз, қониқарли шароит яратамиз, унвон билан тақдирланасиз. Туркистонликлар ичида яхши офицерлар, медиклар, инженер ва таржимонлар, ҳатто элликка яқин темир крест олган жасур йигитлар бор, лаёқатингизни аямасангиз, шулар сафидан ўрин эгаллайсиз, келажакда озод ватанингизга хизмат қиласиз, мустақил диёрингиз ривожига ҳисса қўшасиз, идора қилувчилардан бири бўласиз. Германия ёрдамини албатта беради. Большевиклар истибдодидан қутуласизлар...

«Бошланди ташвиқот», деб ўйлади Масъуд ва яна ўн дақиқача Коллернинг панд-насихатини, ваъзхонлигини эшитди. Фон Коллерга бунақа гаплар ёд бўлиб кетганини Масъуд англади, ҳеч нарса деб эътироз билдирмас, бош қимирлатиб капитаннинг мулоҳазаларини маъқуллар эди. Маъқулламаганда нима ҳам қўлидан келар эди? Айниқса капитаннинг охириги жумласи, яъни:

— Аммо ихтиёр ўзингизда, биз зўравон эмасмиз, мен айтган афзалликларни ўзингиз учун номуносиб, деб билсангиз, ўзингизни асир ҳисобласангиз, марҳамат, лагерларнинг бирига жўнатамиз, — дегани Масъудни саросимага солди. Немис лагерида бўлиш қанақалигини Масъуд жуда яхши тасаввур қилар эди.

— Мулоҳаза ва тавсияларингизга қўшиламан, — деди Масъуд.

— Баракалла! — деди херр Коллер, жавоб шундай бўлишига шубҳа қилмаса-да, кўпроқ йигитчага далда бериш учун: — Офарин! — деди у ўзбекча. — Келишдик. Омад тилайман.

Учрашувдан сўнг уч киши — фон Клаузе, Собир Юсуф ва Масъуд бирга кафедра овқатланишди. Кафедра йигирмага яқин одам бўлиб, ҳар бир столда сунъий шамчиноқ ёнар, эстрада саҳнасида машшоқлар музика чалишар, майин музика садосида уч-тўрт жуфт аёл-эркаклар танца тушишар эди.

Фон Клаузе таомлар тури ёзилган меню дафтарини Масъудга узатди, аммо Масъуд немисчани, айниқса таомлар турини билмагани учун, таржимонга қаради. Собир

Юсуф билан Масъуд бир хил овқат, фон Клаузе эса балик махсулотидан тайёрланган таом буюрди. Бир зумда столда биллур қадахлар, олча ичимлиги ва буюрилган таомлар пайдо бўлди. Қовурилган лаҳм гўшт, балиқ киймаси, кўкат билан ясатилган закуска, бодринглар ва оқ нон билан стол тўлди, маън этилмаса-да, спирт ичимлиги истеъмол қилинмади.

Масъуд таржимон томонига қарамай:

— Рўпарамиздаги одам ким? — деб сўради.

— Обер-лейтенант фон Клаузе, — деди Собир Юсуф, эшитилиши учун атайин овозини баланд қилиб. — Бундан буён сизнинг бевосита командирингиз бўлади. — Таржимон гапини тасдиқлагандек фон Клаузегга қаради, обер-лейтенант жилмайиб, бош ирғади.

— Мен ҳам лейтенантман, — деди Масъуд, ўзига нисбатан маълум такаллуф қилишларини кутгандек.

Собир Юсуф Масъуднинг гапларини офицерга таржима қилди.

— Энди бунинг аҳамияти йўқ, — деди обер-лейтенант бепарво тарзда. — Курсни тугатса, немис офицери бўлади.

Собир Юсуф обер-лейтенантнинг гапини таржима қилди.

Немис офицери бўлиш яхшими, ёмонми, Масъуд ўзи учун ҳал қила олмади, аммо командирга қараб жилмайиб кўйди.

— Бундан буён, — деди фон Клаузе, шарбат хўплаб, — менинг олдимда ўзаро гаплашиш мумкин эмас. Гаплашиш зарур бўлса, менга таржима қилиб беришингиз ёки немисча гапиришингизга тўғри келади. Таржима қилинг.

— Мен немисчани билмайман-ку, — деди Масъуд ҳижолатда, бир офицерга, бир таржимонга қараб.

— Ўрганиш керак, — деди фон Клаузе таржимадан кейин, — қанча тез ўргансангиз, шунча яхши бўлади.

— Ҳаракат қиламан, — деди Масъуд, биринчи суҳбатдаёқ нохушлик чиққанидан кўнгли хира бўлиб.

— Мактабда қанақа чет тилини ўқигансиз? — сўради офицер.

— Немис тилини — деди Масъуд.

— Немис тилини? — таажжубланди фон Клаузе. — Билмайсиз-ку.

— Гутен таг! — деди Масъуд, гапини тасдиқлаган бўлиб.

— Гутен абенд, — дея офицер Масъуднинг хатосини тузатди, чунки «таг» кундузини англатар, ҳозир эса кечки пайт, яъни «абенд» эди.

— Я, я! — деди Масъуд, бу «ҳа, ҳа» дегани эди, буни синфдаги энг қолоқ ўқувчи ҳам билар эди.

— Мана, — деди ўз тилида офицер, — немисча машғулотлар ҳам бошланди, десак бўлаверади. Аммо тилни мен эмас, ўзбек тилини биладиган махсус ўқитувчи ўргатади. Масалан, — фон Клаузе сунъий жилмайиб Собир Юсуфга ишора қилди, — бу кишига ўхшаган иккала тилни яхши биладиган мутахассис.

Жумла катта бўлгани учун таржимон бир оз қийнаलिб офицер сўзларини ўзбекчага ағдарди, шунинг учун таржимоннинг тажрибаси ҳали кам экан, деган фикрга келди Масъуд ва сўради:

— Немис тилини ўрганишга қанча вақт кетди?

— Йигирма йил, — деди таржимон ва шу ондаёқ иккаловлари гапирган сўзларни офицерга таржима қилиб берди.

Масъуд ағрайиб қолди, — демак таржимон келганига йигирма йилдан ошибди.

Кафедан чикқач, фон Клаузе бошчилигида Масъуд билан Собир Юсуф машинада ярим соат йўл юришди ва Берлин четида жойлашган кичкина шаҳарчага кириб икки қаватли, ҳали чироқлари ёниб турган шинамгина бино олдида тўхташди. Бу бино интернатни эслатадиган ётоқ бўлиб, кираверишда икки қуролли немис соқчиси турар, соқчилар фон Клаузени кўришлари билан тик туриб честь беришди ва эшикни очишди. Ётоқ маъмури огоҳ қилинган бўлса керак, меҳмонларни кўриб ажабланмади, фон Клаузени яхши танийди чоғи, у билан одатдагича кўришиб, жой тайёрлигини айтди ва хона калитини топширди. Фон Клаузе, ўз навбатида калитни Собир Юсуфга узатди ва хайрлашиб, ётоқдан чиқиб кетди.

Собир Юсуф Масъуд билан иккинчи қаватга чиқиб, саккизинчи хона эшигини очишди. Бу бир шахсга мўлжалланган озода хона бўлиб, хонанинг жиҳози битта стол, иккита кресло ва пахмоқ жун адёл ёпилган каравотдан иборат, деразасида парда, поли паркет, столда ўзбек тилида босилган «Янги Туркистон» газетаси ва кулдон ҳамда қоғоз-каламлар, телефон аппарати бўлиб, ён томондаги эшик орқали ванна ва зарур жойга кириш мумкин эди.

Афтдан Собир Юсуф ҳам бу ерда кўп марта бўлган, чунки меҳмонларга хос қизиқиш билан атрофга алангламай, пардани суриб, деразани очди, фон Клаузе кетишини кутиб тургандек, дархол ёнидан сигарет чиқариб, Масъудга тутди. Чекмаса ҳам, Масъуд битта сигарет олиб, хидлади. Собир Юсуф сигарет тутатди ва креслога ўтириб, қайта-қайта тортди.

— Ҳтиринг, — деди таржимон. Масъуд плашини ечмай, креслога Ҳтирди. — Ётсираяпсиз, а?

Масъуд мавҳум жилмайди.

— Ҳрганиб кетасиз, — деди Собир Юсуф оёғини чалиштириб. — Зерикишга фурсат бўлмайди.

Масъуд хонадаги каравот битталигини кўриб, таржимон кетади ёки бошқа хонага чиқади, деб фараз қилди, ҳали яхши таниш ва синовда бўлмаган одамга савол бераверишни эп кўрмай, бир неча дақиқа қарахт бўлиб Ҳтирди.

Собир Юсуф сигаретни кулдонга босиб, ўрнидан турди.

— Сиз дам олинг, мен эрталаб келаман, — деди таржимон, камарини тўғрилаб.

— Фон Клаузе кетди-ку, машинасиз қандай кетасиз? — деди Масъуд одоб йўлида.

— Машина чақираман, — деди Собир Юсуф. — Эрталаб нонуштадан кейин легион штабига борамиз, фон Клаузе соат тўққизда кутади. Кеч қолиш мумкин эмас. Яхши ётинг, хайр.

— Хайр, раҳмат.

Масъуд бир ўзи қолди, плашини ечиб, зарур жойга кирди, ювиниб чиқиб, ўринга чўзилди, эндиги қисматини ўйлай бошлади. Масъуд ўзининг хизмат доирасига кирган барча махфий ва расмий маълумотлардан хабари бор бўлиб, Германия томонидан қўққис бостириш натижасида ярим миллионча совет қўшинлари, юз минглаб Ҳрта Осиё, Кавказ, Волга бўйи жангчилари, шу жумладан, ўзбеклар ҳам асирга тушганини ва саксон фоизигача асирлар азоб-уқубатларда ўлиб кетганликларини, қирқ биринчи йилнинг охиридаёқ туркистонликлардан рота, батальон, дивизия тузилиб, кейинчалик «Туркистон легиони», яъни Советларга қарши курашадиган уюшмалар барпо қилинганини, 1943 йилга бориб, бунақа кўнгиллиларнинг сони етти юз мингга етганини билар эди. Генерал Власов рус легионига қўмондонлик қилиб, унинг қўшини энг каттаси ҳисобланар, Кавказ, Прибалт, Волга — Идил, Туркистон легионлари Власов армияси таркибида эди. Германия рейхи бу туркий бўлинмаларига алоҳида эътибор берар, улар орасида ташвиқот ишларини олиб борар, махсус курсларда таълим берар, қоникарли шароит яратар, ўз жангчилари учун бу асирлардан пана сифатида фойдаланиш мақсадида эди. Ўзбекистонда босмачилик номини олган оммавий ҳаракат тугатилганига энди ўн-ўн беш йил ўтгани учун, жароҳат ҳали батамом унутилмаган, одамлар дилида қонли, қақшатқич бузғунчилик асорати ҳамон битиб улгурмаган

эди. Рейх шуни ҳамда Россия сиёсати туркий халқларни, мусулмонларни, ўлкани мустамлака қилишга қаратилган, Германия уларни мустабиддан озод қиладилар, мустақил давлат тузишда кўмаклашади, деган шиор остида тинмай тарғибот ишларини олиб борар, юз минглаб туркий тилда ёзилган варақаларни ташлашар эди. Айниқса, Совет кўмондонлиги ҳар бир асирга тушган жангчи хоин саналсин, деб қарор чиқаргандан кейин, немис ташвиқот усули яна кучайди, қарор уларнинг ваъдалари тасдиғига айланди, минг-минг асирлар ватанга қайтиш шаштидан айний бошлашди, баъзи ҳолларда бу шашт нафратга айланди, кўплар ашаддий кураш йўлини танлашди. Легионлар аввалида Украина ва Польша минтақаларида жойлашган бўлиб, уларнинг жанговар қисмлари партизанлар билан жанг қилишар, қолганлари коммуникация, мудофаа қурилиш-тузатиш, соқчилик-пойлоқчилик ва шунга ўхшаш ҳарбий-хўжалик объектларида ишлатилар, лаёқатли ва абжирлари махсус курсларда ўқитилар, турли касб-хунарлар билан таъминланар, ҳатто бўлажак давлат тузумининг идора таркиби аъзолари ва бошлиқлари белгиланган бўлиб, бунақалар уюшмаси бевосита Германиянинг пойтахти Берлинда жойлашган, яхши шароитларда яшашар, ватандош асир ва кўнгиллилар устидан ҳомийлик қилишар, немис жангчиси ва офицерлари қандай ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланишса, туркий офицер ва жангчиларига ҳам шундай муносабат бўлишини, буларни умумий Германия ҳарбий кўшинларининг қонуний таркиби, деб тан олиншини талаб қилар эдилар. Совет кўшинлари ўз тупроғидан немис армиясини суриб ташлай бошлаганида, рейх легионларни Польша-Украинадан немислар босиб олган ёки коалицион мамлакатларга, Франция, Голландия, Бельгия ва Италия минтақаларига кўчириб ўтказди, легиончилар у ерларда ҳам партизанлар ҳаракатига қарши жанг олиб боришда давом этишди. Масъуд бу маълумотлардан хабари бўлиб, фашист Германияси тупроғидаги ватандошлари бир умр юртига қайта олмасликларини ҳам билар эди.

Эртага Собир Юсуф келади, нонушта қилишади, кейин легион штабига боришади, у ерда керакли кўрсатмалар олгач, Масъуд бирон батальонга бириктирилади ёки курсга тайин қилинади, ҳаётида янгича босқич бошланади. Қисмати нима бўларкин? Тақдир Масъудга яна қандай тухфалар тайёрлаётган экан? Ота-онадан, севимли қиздан, синглисидан ва Ватанидан бир умр жудо бўлиш — бу муқаррар. Бардоши етармикин? Ёки ватангадо бўлиб ўтиш қисматимикин?

Мишина Ойнисани фақат бир марта уйига олиб бориб, ун уч яшар ўгли Саша ва онаси билан таништирди, қолган кунлари тушки овқатдан сўнг, ухлаган Қаюмжонни Клавага топшириб, Ойнисанинг ўзи қатнайдиغان бўлди. Бир қақирим йўлни Ойниса ун беш дақиқада босиб ўтади, бешинчи синфга қатнайдиغان Саша мактабдан қайтган бўлади, Ойниса Саша билан машғулот ўтказди, кампир билан чой ичишади, яна зонага қайтади. Бир ой ўтгандан кейин Мишина йўлак полини юваётган Ойниса олдида тўхтаб.

— Саша беш олиб келди, — деди. — Арифметикадан ҳам тузукмиш, ўқитувчиси айтди.

— Бола қобилиятли, — деди Ойниса, ўзининг хизматини рўкач қилишдан тортиниб. — Шуғулланса, ўзлаштириб кетади. — Ойнисанинг дили тоғдек кўтарилди.

Шунча пайт давомида Ойниса ҳаммом юмушидан озод бўлиб, у ёқ томонга кам ўтадиган, Қаюмжон ёзган хатларни гўла ичидан энди Клава оладиган, Ойнисанинг хатларини ҳам Маруся холага Клава топширадиган бўлиб, Ойниса эрини икки марта — у ҳам бўлса узоқдан кўрди. Хатида Ойниса энди маъмурий баракда фаррошлик қилаётганини, тушдан кейин Қаюмжонни ухлатиб, Мишина уйига бораётганини ёзган; тасодифан эри билан йўлда учрашиб қолишни кўмсар эди, аммо мўлжали окланмади. У йўлдан Қаюмжон юрмас эди, улар ўтин тайёрлаш учун тескари томонга боришар эди.

Ойниса Мишинанинг уйига кетишда шошилмайди, атроф манзарани томоша қилиб кетади — бу ерлар чиройли— қайтишда, боласи уйғонган бўлса, йиғлаётгандир, деб ошиқади. Боласи зонада қолгани учун, Мишина Ойнисанинг тўппа-тўғри қайтиб келишини, қочиш жувоннинг хаёлига ҳам келмаслигини билади. Аввалига разм солиб юрди, чунки боласи борлигига қарамай, қочиб кетган аёллар ҳам бўлган эди; Ойниса Мишинанинг назарида диёнатли, иймонли аёл, сургун қилиниши ғараз оқибати ёки хато, бундоқ қараганда бу зонадаги маҳбус аёлларнинг ярмидан кўпи бекорга жазога маҳкум қилинган, уларнинг ўрни уйда, болаларини тарбия қилишда, деб ўйласа-да, бирон нарсани ўзгартиришга ожиз эди, ҳатто кези келганда, тартибни бузган маҳбусларга қаттиқ чора қўллар, қўлламаса, ўзи ўшалар қаторидан ўрин олиши мумкинлигини ҳам билмай иложи йўқ эди. Албатта одобли, мўмин, қоида-интизомга риоя қилганларни енгилроқ хизматга ўтказишга, аёл бўлганлари учун ўзларига қарашга, кийимларини ювишга имконият яратар, баъзиларига яхши тавсиянома бериб, жазо муддатини қисқартишга, ҳатто

махбусликдан озод қилишга ҳам муваффақ бўлган. Уларнинг кўпларидан Мишина тез-тез хат олиб туради.

Ўглининг баҳолари тузалгач, Мишинанинг ихлоси Ойнисага ошди, бу дегани — Ойниса кўнглига келган кўчага кириб кетавериши эмас, ҳатто кўп ҳолларда атрофдагилар дилида ҳасад, ғараз ёки кераксиз рақобат ҳиссини уйғотмаслик учун, Мишина Ойнисага нисбатан дағалроқ мурожаат қилар, буни атайинлигини Ойниса ҳам сезар, номига ўзини оғринган қилиб кўрсатар, ичида эса ранжимас эди. Шундай бўлса-да, Ойниса ҳамиша маънос кўринар, дили ёзилмас, юрагидан ғамноклик аримас эди. Бунинг биринчи сабаби ўглининг тақдири, бир йилдан сўнг уни Ойнисадан зўрлаб ажратишлари, келажакдаги қисмати эди. Гўдак нарса йиғлайди-сиқтайди, кўникишга мажбур бўлади, аммо Ойниса бағридаги боласидан жудо бўлиш азобига қандай чидайди, қандай кун кечиради? Бу ёвузликда қанақа маъно бор? Кимга керак? Ахир бола шўрлик нобуд бўлса, онасига ҳам айтишмай, бирон чуқурга кўмиб юборишади-ку. Бу қанақа интизом? Қамокда туғилгани камми?

Ойниса шу ҳақда қулай пайт топиб Мишина билан гаплашиш ниятида юрган эди, Мишинанинг ўзи гап очиб қолди.

— Ўзбекларнинг миллий таоми қанақа? — деди Мишина Ойнисага. Гап шу қадар кутилмаган эдики, Ойниса аввалига анграйиб қолди. — Масалан, кавказликларда — шашлик, русларда — борш. Ўзбекларда-чи?

— Палов, — деди дарҳол Ойниса.

— Палов, — қайтарди Мишина, — пиширишни биласанми?

— Биламан.

— Нималардан тайёрланади?

— Гўшт, гуруч, сабзи, пиёз, ёғ, — деди Ойниса, хаёлида палов қилаётган пайтларини эслаб.

— Айтганларингни тайёрлаб кўяман, — деди Мишина, Ойнисанинг хоҳишини сўрамай. — Эртага тушга тайёрлайсан. Эрим экспедициядан келди. Уч кундан кейин яна кетади.

Ойниса қозон бор-йўқлигини сўрамади, русларда ҳам таги тор темир декча бўлади, бўлмаса, челақда ҳам пишираверади — ҳам начальник илтимоси, йўқ, деб бўлмайди, ҳам сирдошроқ муносабат ўрнатилса, дилида тугиб қўйган гапларини айтади, шунинг учун дарров хўп дейиш керак.

— Бўпти, — деди Ойниса ҳаяжонини яшириб. — Болам нима бўлади?

— Биласан-ку, сўраб нима қиласан? — деди Мишина нохуш тарзда. — Мумкин эмас болани чиқариш.

— Майли, майли, — деди дарҳол Ойниса, боласи ҳақида гап очганига афсусланиб. — Асабийлашманг. Клава қараб туради.

Ойниса начальник аёлнинг олдида турса, баттар унинг ваши келадигандек, шоша-пиша латта-пақирини олиб хонадан чиқиб кетди ва Қаюмжонни эмизиб ухлатиш учун ҳаммом томон югурди.

Эртасига Мишина келиб, палов пиширилиши бекор қилинганини Ойнисага айтди. Мишинанинг кайфияти бузук эди. Ойниса эри билан айтишиб қолган бўлса керак, деб ўйлади.

— Тинчликми? — хавотирланиб сўради Ойниса.

Мишина жавоб бермай, хонасига кириб кетди. Ойниса бугун Саша билан машғулот ўтказадиган куни эди, бориш керакми-йўқми, буни ҳам сўрай олмади. Майли, ўйлади Ойниса, аччиридан тушса айтар, айтмаса бормай кўявераман, бу ерда ҳам ишим бошимдан ортиб ётипти. Кеча почтачи хат келтирувди, Мансур ака дунёдан ўтипти, раҳматли, Қаюмжонга хабар етказиши керак, тиловат қилиб кўйсин.

Ойниса ҳаммомга яқинлашганида, ичкаридан Қаюмжоннинг йиғиси эшитилди. Оёғига боғланган бир қулоч канопнинг бир учи скамейкага боғланган бола цемент полда чинқириб йиғлар, юзига сўлак суркалган, жикқа ёшга тўла кўзлари қизариб кетган эди. Клава Ойнисани пайқаса-да, қайрилиб қарамади, катта қозонда бўкиб қайнаётган кирни ёғоч даста билан ағдара бошлади. Ойниса Қаюмжоннинг оёғидаги канопни ечиб, болани бағрига босди, кўкрак берди, бола дарҳол йиғидан тўхтади. Ойниса скамейкага ўтирди, ялангоёқ Клава махорка чекиш учун ташқарига чиқиб кетди.

Қаюмжон ухлагач, Ойниса болани қопдан тикилган беланчакка ётқизиб, ташқарига чиқди ва махорка чекаётган Клава ёнига бориб ўтирди.

— Начальникка ишқаланаверма, — деди Клава жимликни бузиб. — Агар уни бўшатишса, сени сўйиб кетишади. Тақдир билан ўйнашиб бўлмайди. Болага ҳам ўзинг қара, кафиллигини ололмайман. Болага қўшиб, мени ҳам чавақлаб кетишади.

Хавф борлигига Ойниса бир лаҳза ҳам шубҳаланмас, Клаванинг сўзлари бежиз эмаслиги аниқ, Ойнисанинг ўзи ҳам доим кўркувда яшар, бу хатар Мишина билан яқинлашган сари ошиб борар, оқибати ёмон бўлиши

ҳақиқатга яқинроқ эди. Биронта ғаразли, руҳи айниган аёл жосуслик қилиши ҳеч гап эмас, унақа қотил муҳлатига яна беш йил кўшилишини писанд ҳам қилмайди. Ёвуз ниятини кониктириш, қон тўкиб, хумордан чиқиш, кайф қилиш хундор учун олий хузур. Маъмурият унақаларни айиришга уринсалар-да, қолганлар орасида ёмон ният билан юрганлар албатта топилади. Бунақалар бир кекни, ўчни, қотилликни дилларига тугиб, анча юришлари мумкин, аммо бир кунмас-бир кун кўз остига олган одамнинг албатта қонини тўкадилар. Ойниса ҳаммомдан қутулдим, деб юриши — ўзини алдаш, хушёрликни унутиш эди, янги пайдо бўлган хавф олдингисидан кам эмас экан. Аммо нима қилиш керак, қандай қотилликнинг олдини олиш керак, қанақа йўсин билан ёвузликка чап бериш керак — Ойниса билмас, ягона чораси ҳисобланган Мишина, бундоқ қараса, баттар хавф тугдирар экан.

16

1945 йилнинг баҳори олам-олам шодиёна келтирди. Ғалаба куни одамлар даҳшатли тушдан уйғонгандек бўлдилар. Ҳамма кўчага отилди. Оч-юпун бўлишларига қарамай, одамлар бозорларда, хиёбонларда, трамвайларда нотаниш кишилар билан кучоқлашишар аёл-эркак, рус-ўзбек, тожик-қозоқ бир-бирини ачомлаб ўпишар, севинчдан йиғлашар, болаларини иргитишар, бўш аравада кимдир чирманда дўпирлатар, бир оёғи йўқ аскар қўлтиқтаёғини икки томонига кўйиб, гармонь чалар, фуфайка кийган аёл ирғишлаб, рақсга тушар, оломонни эслатувчи омма хайқириб, шаҳар марказига оқар, байроқлар хилпирар, кўшиқ-лапарлардан олам ғалаёнга келган эди.

Қоронғи тушганда прожекторлар нури ҳаммани ёлқинга булаб сирғалар, осмонда портлаётган мушаклар бир зум борлиқни чакмоқдек ёритар, жунбишга келган омма қичқирар, хайқирар, ўйнар, сакрар, теварак-атрофдан ҳарбий оркестрнинг бир мардонавор, бир маъюс таралувчи оҳанглари янграр, бу жазавали шодиёнанинг чеки кўринмас эди.

Тушдан кейин Муқаддас Озодани етаклаб Ўлмас кўмилган қабристонга борди. Қуёш чарақлар, бошоқ туга бошлаган майсалар орасида қизғалдоқлар чайқалар, ҳар ер-ҳар ерда сири кўчган сағаналар қаққайиб турар, Ўлмас кўмилган қабр гумбази кўкат-лолаларга бурканган, хушнуд кўринар, атрофидаги майса андак топталган эди. Демак, яқин-орада кимлардир бу ерга келган, шубҳасиз — Мунис опа қизлари билан Ўлмасни хотирлаб келишган, деб

ўйлади Муқаддас ва Озоданинг қўлини қўйиб юбормай, қабр ёнида чўккалади, пичирлаб тиловат қилди, юзига фотиҳа тортди, тик турган қизчасини бир қўли билан кучиб, бир неча дақиқа унсиз ўтирди, сўнг оёғи увишиб, ўрнидан кўзгалди.

Кўча гавжум эди. Муқаддас уйига қайтиб боришга оёғи тортмади. Бугун байрам, шодиёна, хувиллаган уйда нима ҳам қилади. Озодани етаклаб трамвайга чиқди ва бир неча соат мобайнида трамвайдан тушмай, шаҳар кезди, одамларнинг бир неча йиллар давомида димиққан завқи ташқарига отилиб чиққанини, ҳайқириқ аралаш қувонч, гулдурос ва бахт жазаваси билан юзларида яллиғланган шодон кулги, кўз ёшларини кўрди. Кеч кирди, коронғи тушди, Муқаддас чарчашига қарамай, шаҳар марказидан узоқлашмади.

Оёқ остида қолиб кетмаслик учун Муқаддас Озодани кўтариб олган, ғалаён тўлкинида чайқалар, кимгадир тур-тинар, бу ердан чикиб кетишга кўзи етмай, оломон қаёққа оқса ўша ёққа сирғалар, ўзи истамаса-да, кўзидан дув-дув ёш оқар, бу ёшлар севинч ёки алам ёшларими, ўзи ҳам англамас, англашни ҳам хоҳламас, одамлар тўлкинида сузиш аллақандай ҳузур, ғалати кайфият бағишлар эди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

1

Саккиз йиллик ҳаётини шу тиконсим билан ўралган доим сасиқ лагерда ўтказган Ойниса дарвозадан чиққанида, бир тўда ранги заҳил аёллар озодликка эришган 137-рақамли Ойнисани кўзларида ёш билан қузатиб қолишди. Бир соат аввал Ойниса шу мазлумалар қатори эди, ҳозир уларнинг орасини фақат тиконсим ажратиб турар, қўл чўзса етар, ҳатто бурун-лабларини тирнаб, бири-бири билан суркалашиб-ўпишиб, видолашишлари ҳам мумкин эди. Ойниса симтўрни чангаллаган ҳамқафас дугоналари бармоқларини силаб-сикиб, жафокашлари билан хайрлашди.

1953 йилнинг кузи эди. Кундузлари илиқ, кечалари совуқ бўлиб, сув юзи муз билан тортилар, куюш кўринса муз эрир, буғ кўтарилар эди.

Ойниса шу лагерда галаба кунини ҳам кўрди, 9 майда лагер маҳбуслари билан дод-фарёд қилиб сурон кўтаришди, лагер маъмурияти ҳалал бермади — тантана бўлди. Аразда юрганлар ҳам бири-бири билан кучоқлашиб, огиз-бурун ўпишишди. Ҳатто бир чакирим наридаги эркаклар кўриқхонасидан ҳам наъралар эшитилди.

Ойниса шу лагерда турди, эрига бағишлаб ўғилчасига Қаюмжон исмини қўйди, гўдак нобуд бўлмаслиги учун Ойниса не укубатлар чекмади. Қаюмжон омон қолди. Қаюмжоннинг дадаси Катта Қаюмжон ҳам топилди, — кўшни лагерда экан. Уни учратганида Ойниса, маҳбус бўлишига қарамай, ўзини дунёда энг бахтли аёл хис қилди, сим орқали бўлса-да, гўдакни отасига кўрсатди, кулоқчин ипини ияги остидан боғлаб олган Қаюмжоннинг кўзларида ёш пайдо бўлди. Кичик Қаюмжон икки ёшга тўлди, гапира бошлади. Онасининг қорнидаёқ маҳбусликка маҳкум Қаюмжон туғилгач, лагер аёлларининг эркатойига айланди. Бироқ лагерда ёвуз ниятли аёллар ҳам бўлиб, Ойниса ўғилчасининг ҳаёти хавф остидалигини ҳам унутмас, ёлғиз қолдиришдан чўчир, икки йиллик муддат тугагач, болани онасидан ажратиш, болалар колониясига ўтказиш масаласи кўндаланг келганида, Ойниса ҳам тинчланди, чунки ҳар қалай ўғилчаси хавфдан нари, энагалар қўлига ўтиши керак эди: ҳам чидаб бўлмас азоб туйди — эндигина кўкракдан ажраган ягона овунчоғи, еру кўкка ишонмайдиган зурриёдидан айрилиш алами ҳамма укубатлардан даҳшатлиси, эди. Ўғилчасининг умри колонияда қандай кечаркан: бегона-бегона-да, бирон дардга

учраса, қаровсиз қолмасмикан, нобуд бўлмасмикан? У ердагиларга нима — шамоллади, иситмаси баланд эди, эловлади, жони узилди деб, анкетасига қайд қилишади, яна битта даҳмазадан озод бўлишганига суюнишади. Замон шунақа, итга кўпроқ ғамхўрлик қилишади. Зоналарда битта соқчи итга бериладиган озуқа қиймати махбусларникидан бир ярим барабар баланд. Лекин иложи қанча, шундай тартиб ўрнатилган — асирликда туғилган болалар икки ёшга тўлиши билан онасидан ажратилиб, колонияга топширилади, ўнта боладан бештаси нобуд бўлса ҳам, бу қондани ҳеч ким бузолмайди, бузган она кўшимча муҳлат олади, шунинг учун болалик махбус аёллар жим юришга мажбурлар. Ишқилиб, зурриёдлари панд емасалар бас. Бир ойда бир марта болалари билан кўришишга ҳам розилар. Кўп ҳолларда лагер тартибини беҳос бузган оналар умуман болалари билан кўришиш ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар. Шунинг учун болалик аёллар лагер маъмурияти кўзида мўмин кўринишга, танбеҳ олмасликка уринишади. Жанжал, бузғунчилик, қоидага риоя қилмаслик асосан боласиз, ёш, ашаддий аёллардан чиқади. Унақалар цех жиҳозини бузишади, симуляция, яъни сохта касаллик қилишади, гиёҳ яширишади, нон ўғирлашади, жинига ёқмаган аёлларни кийнашади, кечалари тик турғазиб кўйишади, лесбиянлик, яъни ўзларига ўхшаган аёллар билан жинсий алоқа ўрнатишади, ўлдиришдан ҳам тойишмайди. Кўп аёллар унақаларнинг измига тушишга мажбурлар. Энг қийини — лагерга янги келиб тушган аёлларга. Аввали улар ўзлари билан нима олиб келган бўлсалар, ашаддийлар тап тортмай ҳамма нарсани юлиб олишади, нарсаси йўқларга пўписа қилишади, малайга айлантиришади. Кўнмаганнинг қисмати аянчли. Ўзига ишонгани қаршилиқ кўрсатади, ё ютади, ё таслим бўлади, эгилгиси келмаган аёлни дўппослашади, шунда ҳам сўз бермаса, ё майиб қилишади, ё баъзи ҳолларда қоядан итариб ўлдиришади. «Оёғи тойиб йиқилди», дейишади, кўрганлар ҳам индай олмайди, индаса ўзи панд ейди.

Шундай дўзахдан қандай чиққанига Ойнисанинг ўзи ҳам хайрон. Балки ҳомиладорлиги асқатгандир? Агар ҳомиласи бўлмаганида, Ойниса бундай «синовларга» дош бера олармиди? Даргумон. Фарзанди ҳақида доим хавфда бўлган Ойниса, болани колонияга олиб кетишганда, бир мунча енгил тортгандай бўлди. Оғир ишларни бажарди — аравадан каноп тушириб, ҳовузда бўктириш бўладими, ўтин ташиш — арралашми, гўлаҳлик қилишми, ҳожатхона тозалашми — ҳеч нарсадан бўйин товламади. Товлай олмасди ҳам.

Қайтага, боладан қўли бўшагани иш берди, жувон ҳамма топширикларни тиришиб бажарди — танбех олмаслик керак эди. Қолаверса, интизомли бўлса маълум имтиёз берилади. Муддатидан бир-икки йил олдин озод қилинади, демак, ўғилчаси билан тезроқ эркинликка чиқишади. Фақат қўшни лагердаги эри ҳам чикса яхши бўлар эди. Бироқ урушда ярадор бўлган Қаюмжон тез-тез дардга чалинар, оксоқлана бошлагач, бу лагерга ўтин олиб келадиганлар орасида ўқтин-ўқтин кўринмай қолар эди.

Ўз ватанидан жудо бўлиши, маълум муддатга бўлса да ўғлидан айрилиши нақадар мусибатли кўринмасин, Ойниса оғир шароитга ўрганди, кўникди. Иложи бўлмагач, одам ҳамма укубатларга чидайди, иродаси каттик махбус нобудликдан ўзини асрашга уринади, кўп ҳолларда мусибатни енгади, омон қолади. Ойниса енгилмади. Мана, кўзида ёш билан лагер дарвозасининг ортида кичкина тугун билан мўлтираб турибди — гўё кетгиси келмаётгандек.

— Уходи скорее, беги к сыну, — деди симтиконни чангаллаб турган эллик яшар аёл.

Ойниса йиғидан энтикиб ютинди, кузатаётган ғамгусор дугоналарига жилмайди, қўлини силкитиб хайрлашди, негадир оғирлашиб қолган оёқларини секин босиб, нари кетди, кейин илдам юра бошлади. Симтиконга ёпишган аёллар Ойнисанинг қораси йироқлашмагунча жойидан жилишмади.

Болалар колониясига боргач, Ойниса озодликка чиққани ҳақида олган ҳужжатини кўрсатди, колония бошлиғи — кўзойнак такқан қирқ беш ёшли уруш ногирони — қиёфасини ўзгартирмай Ойнисани табриклади ва ярим соатдан сўнг олти йил мобайнида бир-биридан ажратилган она-бола яна бирлашишди. Саккиз яшар Қаюмжоннинг бўйи онаси елкасига етиб қолган, камгап, нигоҳини ердан узмас, онасига ёпишишдан оғрингандек қўлида қулоқчини билан жим турар, эркинликка чиқиш унинг учун аҳамиятсиздек эди.

Қаюмжон онасининг гапини тушунар, тили русчалашгани сабабли, Ойниса ўзбекча сўзласа, Қаюмжон русча жавоб берар, ҳатто бошлиқ олдида онасининг ўзбекча гапириши болага эриш туюлар эди.

Колония тартибига ўрганган Қаюмжон оила шароити қанақа бўлишини тасаввур қилмас, оила муносабатлари болага ҳатто ёт кўринар, колония турмуши ягона, деб билар эди. Қаюмжон шу колонияда олти йил яшади, колония интизоми боланинг қонига сингди — эрталаб соат еттида туриши, кўрпа-ёстиғини саранжом йиғиштириши,

бадан тарбиясидан кейин ювиниб, нонуштага чиқиши, сўнгра машғулотларга қатнаши, югуриши-сакраши, кундузи тушлик қилиши ва ҳамма қатори ётоққа кириб, бир ярим соат ухлаши шарт. Кечки овқатдан кейин икки соат дарс тайёрлашади баъзан кино кўришади. Кинода кўрсатилган ҳаёт — болалар кўчаларда ўйнашади, трамвай-троллейбусга осилишади, велосипед учишади, истаган томонга югуришади — бу ердаги болаларга мутлако нота-ниш, саргузашт туюлар ва таажжублиси шундаки, улар экранда кўрган ҳаётга интилишмас, назоратсиз турмуш ғайритабиий гавдаланар, шунақа ҳаёт борлигига ишонишмас, «Бахтли болалик учун Сталин бобомизга раҳмат!» каби шиорларни муттасил хитоб қилишар, маълум маънода шу турмуш болалар учун қониқарли эди.

— Энди сен, — деди колония бошлиғи рус тилида, лом-мим демай турган Ойнисанинг ўғлига қараб, — ўз уйингда, ота-онанг билан яшайсан. Бу ерда олган тарбиянг, интизоминг сенга асқатади, деб ўйлайман. Ота-онангни хафа қилма, гапига кир. Бахтли бўл. Бунақа жойларга келма, хайр.

Ойнисанинг кўзларига ёш келди. У ташаккур билдириб, ўғилчаси билан бошлиқ хонасидан чиқишди. Коридорда бир буханка нон ва Қаюмжоннинг дафтар-китоблари билан оқ халатли энага кутиб турар, бир неча бола-қиз ва тарбиячи жувон девор бўйлаб тизилишган эди. Қаюмжон онаси билан чикқач, ҳаммаси буларга тикилишди.

— Мана, нарсаларинг, болам, — дея энага нон билан дафтар-китобларни портфелчага солди ва Қаюмжонга тутқазди. Кейин эгилиб, боланинг пешонасидан ўпди. — Оқ йўл. Энди айрилманглар. Худо асрасин. Энди ўртоқларинг билан хайрлаш.

Тарбиячи жувон чўккалаб, Қаюмжонни бағрига босди ва болага қутича берди.

— Ўзинг ясаган айикча, эсдаликка олиб кет.

Тарбиячи Қаюмжоннинг қўлидан ушлаб бола-қизлар томон йўллади, саф тортиб турган болалар билан Қаюмжон бирма-бир эпсиз қўл бериб хайрлашди.

Одатланиш галати нарса, кўчага чикқач ўйлади Ойниса, агар одам бошқа ҳаёт тарзини кўрмаса, ўзга нарсаларга интилмайди. Чунки бу ҳаётнинг ҳамма жабҳалари таниш. Худди ошхонадек — аёл қаерда нима борлигини билади, юмуқ кўз билан топиши мумкин. Шунинг учун ўрганиш бўлиб қолган тартибни бузгиси келмайди. Оила ҳам, давлат тузуми ҳам, диний ақидалар ҳам шунақа. Янги тартиб ҳамиша ноқулай. Янги қоидаги мослашиш ва энг муҳими,—

маслак янгиланиши керак. Бу — азоб. Нотаниш тарз. Мазлум бўлиш қулайроқ.

Ойниса мозор ёнидан ўтатуриб тўхтади. Қаюмжон онаси нимага қараётганини тушунмай, бир мозорга, бир онасига тикилди.

— Нимага қараяпсан? — сўради Қаюмжон русчалаб. Колониядан чиққанларидан буён боланинг биринчи овоз бериши эди.

— Мозорга, — деди Ойниса, кафтини боласининг елкасига қўйиб. Қаюмжон барибир тушунмади. — Кладбище, — деди Ойниса, баланд-паст дўнглاردан кўзини узмай.

— Нима у?

— Ўлган одамлар кўмиладиган жой, — деди Ойниса.

— Ер тагида ётишадими? — сўради Қаюмжон, ёшига хос бўлмаган жиддийлик билан. Бу унинг эркинликда орттирган биринчи таассуроти эди.

— Ҳм. Кўмиб қўйишади.

— Нега?

— Қашқирлар талайди.

— Қашқирлар нима?

— Йиртқич ҳайвон. Шоқол.

— Шоқол? — дея Қаюмжон ўйга толди. — Китобда кўрганман. Тишлари оқ.

— Тўғри, — деди Ойниса.

— Маруся, Лёша, Антоша, уларни ҳам шу жойга кўмишганми?

— Ким улар? Мен уларни танимайман, — деди Ойниса, негадир мулзам бўлиб.

— Колониядаги болалар, — деди Қаюмжон, бир зум жимиб. — Дизентерия, дейишди. Мен ҳам касал бўлганман. Уларни ётоққа қайтиб опкелишмади. Ўлди дейишди.

— Ўшалардир балки.

— Мен ҳам ўлишим мумкинмиди?

— Нафасингни иссиқ қил.

— Нега мен ўлмадим? — сўради Қаюмжон, онасини «ая» дейишга тили бормади.

— Нега ўлишинг керак? — ёзвиргандек деди Ойниса. — Лагердан дори олиб бориб бердим. Тузалиб кетдинг.

— Дори бўлмаса ўлармидим?

— Худо кўрсатмасин!

— Ўлсам мени ҳам шу ерга кўмишармиди?

— Қўй, мунақа нарсаларни гапирма, жоним. Юрагим эзилади.

Ойниса шу ерда тўхтаганидан пушаймон бўлди.

Аслида бу мозор Ойнисага таниш, лагер бошлиғининг

уйига дарс бериш учун қатнаганида албатта шу мозор ёнидан ўтган йўлдан юрар, бошқа йўл йўқ эди. Мозор йигирма-ўттиз гумбаздан иборат бўлиб, лагерда ўлган маҳбусларнинг танасини тўртта-бешталаб бир чуқурга ташлашар, оҳақ сепиб, тупроқ тортишар, қабр устида рақам босилган цемент ғўлалар чиқиб турар, гитара чаладиган Софа ҳам шу мозорга қўмилган эди. Сталин ўлди, деган машъум хабар келганида, бутун лагер аёллари ўкиришди, дод-вой сурони оламини тутди, Софа жазавада ўзини пичоқлаб ташлади. Ёрдамга келган аёллар қонга беланишди. Софанинг охириги сўзлари «Сталинсиз яшамайман» бўлди. Ақл бовар қилмайди: Софа Сталиннинг расми босилган газета билан ойна артган экан — айби шу. Кимдир чақипти. Лагернинг энг хушчақчақ кизи эди. Ашула ҳам айтар, гитара чалар, рақсга тушар эди. Ҳали йигирмага кирмай, 47-рақамли гўрда ётипти. Сталиннинг расми учун етти йилга кесилган Софа тилида Сталиннинг номи билан ўлди. Тирик бўлганида, балки уни ҳам муддатидан олдин чиқариб юборишармиди? Сталин вафотидан сўнг махсус комиссиялар тузилиб, «сиёсийлар» озод қилиняпти-ку. Мана, шулар қатори Ойниса ҳам амнистияга чиқди. Балки эрини ҳам тутқунликдан бўшатишар. Ойниса Қаюмжоннинг лагери томон борар экан, унинг дилида фақат шу умид милтирар, барча офат ортда қолгандек туюлар, озод бўлганига, ўғилчаси билан бирлашганига ҳамон ишонмас, тушга ўхшар эди. Энди эрини бўшатишса — бўлди. Қаюмжон касалманд, лекин озод қилишса, Ойниса уни албатта тузатади. Ўзбекистонда ҳозир куз, мўлчилик. Ҳаво илиқ, мевалар кўп, айниқса тирик етим болалари бағрига етишиш бахти янги куч беради. Ажабмас — дард чекинса. Ойниса шу бугунок Асил опага, болаларига хат ёзади. Хат эмас, телеграмма жўнатади, озод бўлишганларини улар билишлари керак-ку.

Бироқ Ойниса ўғли билан эрининг лагерига борганида маҳбуслар шахтада, лагерда одам кўринмас, тиконсим билан ўралган лагернинг вишкаларида пўстин кийган милтиқли соқчилар кўзга чалинар эди.

Ойниса дарҳол дарвозада турган пойлоқчига мурожаат қилди, Қаюмжонни сўради.

— Изоляторда, — деди пойлоқчи, лекин Ойнисани кўймади.

— Мен хотиниман, бу — ўғилчаси, — деди Ойниса ялиниб. — Мана, хужжатларим бор.

— Начальникка учранг, — деди пойлоқчи. — Анову ок уйда идораси.

Ойнисага лагер бошлиғи керак эди, у Қаюмжонни

етақлаб, ўша оқ уй томон кетди. У ерда соқчи турар эди. У Ойнисанинг арзини эшитиб, телефон дастагини кўтарди.

— Аёл, ўртоқ начальник, — деди пойлоқчи телефонда, — сизни сўрашяпти. Хўп бўлади, есть. Киринг, — дея, пойлоқчи темир эшикни очди. — Ўнгда, иккинчи хона. Сурков Николай Фомич — начальник.

— Комиссия рўйхатида эрингизнинг ҳам номи бор, — деди Сурков бир оз суҳбатдан сўнг диванда ўғилчаси билан ўтирган Ойнисага. — Лекин унга ҳали гал келгани йўқ. Қанақа фармон чиқаришади — маълум эмас. Замон ўзгаряпти. Амнистияга тушса керак. Аммо эрингиз касал. Дизентерия. Мадори йўқ. Мунақа касал эркинликда юрган одамга ёпишса, биласиз, қанақа бўлади, бу ер уй эмас-ку.

— Мен озодликка чиқдим, ўртоқ начальник, агар ижозат берсангиз, эримга қарайман, — деди Ойниса ёлвориб. — Ишга жойлашаман, дори-дармон топаман.

— Зонага кириш мумкин эмас, ўзингиз биласиз, — деди Сурков, икки-уч кун қирилмаган соқолини қашиб.

— Нега, ўртоқ начальник?

— Рецедивистлар талашади, шунинг учун аёл зоти зонага қўйилмайди. Аёллар лагерига кириб, нималар қилишганини кўргансиз-ку. Улар отилди, лекин бу ердагилар ҳам кўзичоқ эмаслар. Аёл бўлса бас, кўрган жойида босишади. Нима қиласиз ўзингизни хавфга қўйиб? Дори-дармон топсангиз, ўзимиз берамиз. Аммо вақт зиқ, бир хафта ичида ёрдам кўрмаса, эрингиз узилиши мумкин. Бизнинг врачлар қараб ўтиришгани йўқ, бироқ касаллар кўп, балки ризқи тугамаган бўлса, ўнгланиб кетар. Даволаётган врачни чақиртираман, дарвозага чиқади. Гаплашиб кўринг.

Ойниса қайта-қайта бошлиққа ташаккур билдириб, ташқарига чиқди, ўғли билан лагер дарвозаси ёнидаги дарвозахонанинг тахта зинасида врачни кута бошлади.

— Кўп касаллар амнистияни кутишмоқда, — деди сим панжара орқали халат устидан шинель кийган кўзойнакли врач — арманими, гуржими — Ойниса фарқига бора олмади. — Умид ҳам даво. Лекин эрингиз оғир. Бизга ҳам даҳмаза. Касали юқумли. Тузалишига ўзимиз ҳам тарафдоримиз. Организми заиф, дори кор қилмаяпти. Парҳез сусайтиряпти. Топсангиз, гуруч қайнатиб келинг, тузсиз бўлсин. Зора асқатса.

Даволовчи врачнинг гапи Ойнисага тасалли бермади, саросимасини оширди. Лекин жувон тушкунликка тушмай, қўлидан келган чорани ишлатиши зарур, шу ерда айниқса озодликда бўла туриб, иложини топмаслик хиёнатдек кўринди. Қанчадан-қанча маҳбуслар танҳоликда ўлиб кет-

моқда, Ойниса — шу ерда-ку, чақирса товуши етади. Энг муҳими — озод. Лагер бухгалтерияси Ойнисанинг меҳнати учун бир оз ҳақ ёзипти, катта пул эмас, албатта, бироқ йўл харажатига берилган пулни қўшса, бир-икки ҳафта яшашлари мумкин, ҳатто парҳез томоққа ҳам, ижара олишга ҳам етади. Фақат тежаши керак. Ҳозир уруш йиллари эмас. Керакли нарса дўконда топилади, бозор ҳам бор. Иш топилса — яна яхши. Мадад бўлади, Андижонга қайтишга етиб қолади. Фақат ўфилчаси дардга чалинмасин, ахир бунга ҳам қаров керак. Иш топиши керак. Қариндош-уруғларини истаб-ахтариб келган одамлар, айниқса аёллар бу ерда қўп, ойлаб, йиллаб қолиб кетишади, улар ҳам келгинди, бирон чорасини топишаётгандирлар. Шунақаларни учратса, Ойниса албатта сўраб-суриштиради, йўл-йўриқ кўрсатишади — ҳаммаларининг қисматлари ўхшаш, қўллашади. Ойниса эрталаб уйига хат ёзишни, ҳатто телеграмма беришни чамалаб қўювди, сабр қилиш керак — нима бўлади, нима йўқ, ҳали маълум эмас, балки бир ой туришга тўғри келар, Қаюмжон тузалса-да, амнистия қарорини кутиш лозим. Агар жавоб салбий бўлса, ё — худо кўрсатмасин — эри қазо қилса, ниятлари чиппакка чиқади. Ойниса ҳовлисига шумшайиб кириб боради. Алижон — ҳозир у ўн тўрт яшар бола — отасини сўрайди, албатта. Ойниса нима деб важ кўрсатади? Айбдордек бўлиб чиқади. Шунинг учун телеграмма беришга шошмаслик керак, хатда шароит қанақалигини ёзади, хат етиб боргунча, бу ердаги вазият аниқлашади.

2

Масъуд кийган немис ҳарбий либосининг охори тўкилмай туриб, уни яна ечишга, оддий кийим ахтаришга тўғри келди — Шарқ ва Ғарбдан шитоб билан бостириб келаётган иттифоқдош қўшинлар ҳали Берлинга кириб келмай туриб, фулғула бошланди. Биринчи бўлиб шунча ваъдалар берган «Туркистон қўмита»си аъзолари тирқирашди. Альфред Розенберг ташаббуси билан таъсис қилинган Шарқий министрлик ва туркий халқлар бўлимининг бошлиғи профессор фон Менде, муҳожир ва асирга тушган туркий миллатлар вакиллари билан тузилган қўшинларнинг назоратчиси Унглаубе жимиб қолишди. Ҳатто келажак «Туркистон» давлатининг шубҳасиз сардори Вали Қаюмхон ҳам Шарқий Легион таркибидаги ватандошлари аҳволидан хабар олмай қўйди. Италиягами, Туркиягами қочиб кетди, деган миш-миш тарқалди. Узоқдан артиллерия гумбури

эшитила бошлади, Берлин осмонида Совет самолётлари кўринадиган бўлиб қолди. Легион аъзолари ва курсантлар чўпонини йўқотган подадек, гангиб қолишди. Ҳеч ким тайин кўрсатма бермас, ҳаммалари ўз ташвишлари билан овора, ким Грецияга, ким Туркияга ва яна кимлар Италияга қочиш пайида изғишар, бир тунда ғойиб бўлишар, оккупацион кўшнилар қўлига тушишдан кўрқишар, айниқса, Гитлер ўлгандан кейин, тахлика учига чиққан эди. Масъуд легион берган хужжатни йиртиб ташлаб, Берлин қочоқлари ортидан эргашди. Кундузлари аллақандай омборларда яшириниб, тунда йўлга тушадиган Масъуд «Берлин таслим бўлди», Германия Америка, Англия ва Советлар ихтиёрига ўтди, деган хабарларни эшитди. Муҳими уларнинг қўлига тушмаслик эди. Қўлга тушса, «қочоқ» тамғаси билан ҳибс қилинади ёки жойида отилади, ёки Советларга топширилади. Кейин нима бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Масъуд қайси томонга — ғарбгами, шимолгами, жанубгами — кетаётганини билмас, бу ерларда уруш сезилмас, лекин маҳаллий аҳоли биқиниб олган, ҳеч ким билан гаплашишни истамас, қочоқлар у ёқда турсин, ўз ватандошларига ҳам паноҳ беришдан чўчишар эди. Бундай шароитда Масъуднинг қисмати ачинарли эди. Унинг устига энди ўргана бошлаган немис тили унинг ётлигини дарров фош қилар, ёрдамга муҳтож хўжаликлар ҳам Масъуд билан алоқа қилишдан қочишар, уйларига яқинлаштиришмас, итларини ечишга тайёр эдилар. Масъуд оч қолишдан кўркмас — қуён, бедана, каптар бор, тутиб ейиши мумкин, у назоратчи инспекторлар қўлига тушишдан ҳайиқар, аммо бориб-бориб бу хавфи ҳам кўзига кўринмай қолди — пешонасида шу қисмат бор экан, иложи қанча, танг келса бирон сомонхонада ўзини осадикўяди. Вассалом. Бироқ ҳали ёш бўлгани боис, яшагиси келар, ажал сўнгги чора эди.

Масъуд Берлиндан чиқиб кетганига бир ҳафтадан ошди, халтасидаги қотган нон ҳам, тамаки ҳам, гугурт ҳам тугай бошлади, тежаса яна икки кўнга етиши мумкин эди. Яхшиям қулоқчин, жун адёл олган экан, тунги совуқда асқотмоқда. Чўнтагида бир оз пули бор, бироқ бу маблағ ҳозирги шароитда ўтадимми-йўқми, гумон, балки капитуляция, яъни таслим шарти расмий эълон қилинган, герман пули ҳам бекор бўлгандир. Унда ҳамёнидаги пул — пайраҳа. Масъуднинг ён чўнтагида браунинг ҳам бор, топширмаган: тунда ҳайвонни чўчитиши мумкин. Лекин йиртқич уйқу пайтида ҳамла қилса, йигит улгурмаслиги мумкин. Умуман, бу ўрмон-далаларда йиртқич ҳайвон борми-йўқми, Масъуд билмас эди. Шунча кеча-кундуз юриб, тустовук, қуён,

типратикан ва қушлардан бўлак ҳеч нарсани учратмади. Лекин тўнғиз бўлиши мумкин. Агар дуч келса, ким баланд келади — маълум эмас. Отишга тўғри келади. Лекин ўк товуши эшитилмагани маъқул.

Масъуд ўрмондан чиққач, бир чақирим пастда, қандайдир секиноқар сой қўлтиғида бир-икки қаватли оқ-сарик бинолардан иборат немис қишлоғи кўринди. Оқ қайин дарахтлар орасидан силос минораси кўринар, кўкимтир тутун чиқараётган тракторнинг товуши шамолда бир эшитилар, бир тингандай бўлар, одам бўлса ҳам, бу ердан кўз илғамас эди.

Масъуд бир-икки дақиқа тикилиб тургач, ниҳоят, ферма деб ўйлаб, ўша томон йўл олди. Масъуд бутазорлар оралаб боргунича ярим соатча вақт ўтди.

Тиролча шляпа кийган киши тракторни ўчирмай, пастга тушди ва тўсиқ олдида тўхтаган Масъуд томон сал оқсоқланиб кела бошлади. Унинг кўзлари сувдек рангсиз, юзидаги жуни қирилмаган, қизғиш лаблари аёлларникидек юпка, ияги узун эди.

— Гутен таг, герр, — деди Масъуд, немис тилида салом бериб.

Немис Масъуднинг саломига жавоб бермади.

— Нима керак? — деди у, Масъуднинг қиёфасидан бегона ирқ эканини дарҳол фаҳмлаб.

— Кечирасиз, — дея, Масъуд аранг немисча сўзлар ахтариб, тушунтира бошлади. — Иш керак. Арбайт.

— Туркмисан? — ҳамон гумонсираб сўради немис.

— Я, я! Турк! — деди Масъуд, ақалли ҳайдамай, савол берганига қувониб. Ўзининг ўзбек эканини тушунтириш маҳол эди. Турк деб ўйлаган бўлса майли. Легион аъзоси эканини ҳам айтмади. Оқибати қанақа бўлиши ҳам гумон эди.

Немис бир зум жимиб:

— Йўқ, — деди ўзининг тилида. — Иш йўқ. Бу ерда турма, кет.

— Узр, — деди Масъуд ва тарвузи қўлтиғидан тушиб, тисарила бошлади. — Ауф видер зеен. Хайр.

Масъуд нари кетгунича немис жойидан жилмади.

Кун илик ва дим, ўтлар ҳиди димокни қитиқлар, кишига кайф бергандек бўларди.

Масъуд жим оқадиган, суви тиниқ бўлса-да туршак зардобини эслатадиган сой бўйидаги қийшиқ ўсган мажнунтол соясига бориб ўтирди, телпагини ечиб, майсага ташлади — қизил пешонаси тер, телпак эзган сочи хўл эди. Масъуд урушга кетаман, деб қисталанг қилганини яна афсус

билан ўйлади. У, албатта, немис офицери бўла олмади. Ислох институти мутасаддилиги остида 1944 йилнинг июн ойида Гёттингем университетида курслар таъсис этилиб, уч ҳафталик машғулотдан сўнг курсни тугатган талабаларга обер-мулла унвони берилиб, СС таркибида тузилган Шарқий-Турк қўшини сафларига юборилиши, уларга ярим ой қавси ичига юлдуз ўрнатилган салла берилиб, улар туркий-мусулмон кўнгилли жангчилар орасида Совет тузумини қоралаш ташвиқоти билан шуғулланишлари керак эди. Бундай курслар Дрезденда ҳам тузилди. Масала муҳим аҳамиятга эга экани шундаки, бу ғояни амалга ошириш ташаббуси СС рейхсфюрери Гиммлердан чиқди. Гиммлер шарқий кўнгилли жангчилари немис жангчилари қатори имтиёзлар билан таъмин қилиниши ҳақида фармон туширди: «Герман жангчилари доирасида кўнгилли мусулмонларга нисбатан беписанд ва қўпол иборалар ишлатилишини ман қиламан». Асирга тушган, қочиб ўтган Совет жангчиларини қайраб, Советга қарши қўйиш III рейхнинг бу кунги мақсади бўлмай, 1941 йилнинг 22 декабрида Туркистон, Арманистон, Гуржистон ва Кавказ мусулмонларидан иборат тўртта легион тузилиши ҳақида Вермахт Олий Қўмондонининг махсус буйруғи чиқарилган, Олимжон Идрисий бош раҳбар этиб тайинланган эди. Идрисий ташаббуси натижасида Туркистон кўнгилли жангчилари намоз пайтида, рўза-ҳайит, қурбонбайрамда хизматларидан озод қилинар, жума-намоз кунлари соат 12 гача ҳарбий вазифаларини адо этар эдилар.

Масъуд Дрезденда уюштирилган курсларда ўқиди. Унинг «обер-мулла» унвонини олиши оддий жангчидан фарқли ўлароқ, нуфузли эканини таъкидлаб, немис офицери билан бир имтиёзга эга, ватандош жангчилари устидан руҳий раҳнамодек эди. Бироқ у Дрездендан Берлинга келгач, алғов-далғовга учради. Ҳеч ким ҳеч нарса билмас, тайин кўрсатмалар ҳам йўқ, фақат Германия таслим бўсағасида эди. Легионлар у ёқда турсин, III рейхнинг олий мансабдорлари ҳам қоча бошлашди. Рейхстагнинг пештоқига совет байроғи ўрнатилгач, ҳеч қанақа умидга ўрин қолмади.

Ҳозир Масъуд мажнунтол панасида ўтирар экан, уч ой мобайнида бўлиб ўтган ҳодисалар чўпчакка ўхшар, фақат чўпчакнинг охири мудҳиш эди.

Масъуд халтача остидаги тамаки қолдигини кафтидағижимлади — бугун-эрта бу ҳам тугайди. Тежаш керак. Бироқ чекмаса, яна нима ҳам қилади? Пули бор, бироқ аҳоли яшайдиган жойга кириб, тамаки сотиладиган дўкон ахтариш хавfli. Лекин ҳозир иттифоқдош қўшинлар

маъмурий, ҳарбий-сиёсий муаммолар билан бандлар, қочоқларга гал келгани йўқ, шунинг учун Масъуд бирон тайин ишга бош сукмаса, батракми, молбоқарми, фаррошми? — майли-да, аҳволи вой. Иш топилса-да, ким «омон қоласан» деб қафолат бера олади? Қайтага қочокни ишга олгани учун ўзи панд ейди. Шунинг учун бугундан эрта яхши бўлади деб бўлмайди. Баттар кўчиши мумкин. Шунинг учун Италия ё Грецияга етиб олса, марра уники. У ёқларга иттифоқдошларнинг қўли етмайди. Аммо у ёққа қандай бориш мумкин? Тўғри, аввалги кўриқчи постлари ҳозир йўқ, чегарага етиб олса бас, у томонга ўтиш мушкул эмас, Масъуд шерикларидан эшитган. Аммо чегара қаёқда? Масъуд умуман бошқа томонга кетаётган бўлиши мумкин. Бировдан сўрашга кўрқади.

Кўзи илина бошлаган Масъуднинг қулоғига йўтал товуши эшитилди. Масъуд ўгирилиб қаради. Нарирокда бояги немис турар, қўлида паншаха бор эди.

Масъуд ҳадиксираб ўрнидан турди, немисга тикилиб, чўнтагидаги браунингни пайпаслади. Немис ҳам хавотирда эди. Масъуд жилмайишга ва шу билан ёвуз нияти йўқ эканини билдиришга уринди.

— От боқасан, — деди немис оғир сукутдан сўнг.

— Боқаман, — деди дарров Масъуд. Дилида умид йилт этгандай бўлди. — Нима буюрсангиз бажараман, — аранг сўз ахтариб немисча деди йигит ва тайёрлигини ифода қилиш мақсадида кўкатда ётган қулоқчинини олиб кийди.

— Пул тўламайман, — деди немис, ҳамон синовчан тикилиб. — Овқат бераман. Сомонхонада ётасан.

— Майли, раҳмат, — деди Масъуд, дарров рози бўлиб. — Отхонада ҳам ётавераман.

— Сахар турасан, кеч ётасан.

— Розиман, — деди Масъуд ва икки қадам олға юрди.

— Тўхта.

Масъуд тўхтади, яна таҳликага тушди.

— Куролинг борми?

— Бор. Мана. — Масъуд дархол браунингни чўнтагидан олиб, немис томон ташлади.

Немис бир дам нотаниш йигитга тикилиб туриб, тўппончани олди, чўнтагига солиб қўйди.

— Ёшинг нечада?

— Йигирмада.

— Нега бу ерларда дайдиб юрибсан?

Жавоб бериш учун анча-мунча сўз керак эди, курсда тигиз ўрганган тили дарров эсига келмас, ҳадиги халал берар эди.

— Капитуляция, — деди Масъуд, немиснинг ҳам қисмати шунга боғлиқ эканига ишора қилиб. — Америка, Англия, Русия. Пух!

— Англия ёмон! Америка ёмон! Русия ёмон!

— Ёмон, ёмон! — деди Масъуд дарҳол немиснинг газабига қўшилган бўлиб.

Немиснинг оқсоқ оёғи чарчади шекилли, у паншахани ерга санчиб, дастасига суянди. Афтидан у бирон қарорга келолмаётган эди.

— Табак, — дея Масъуд халтачасини очиб, тамаки қолдигини кўрсатди. Унинг назарида чекмайдиган немис дунёда йўқдек эди.

— Юр, — деди немис ниҳоят.

Масъуд немиснинг ортидан йўрғалаш ўрнига бир зум жойида жилмай қолди, мени топширса-чи, деган гумон хаёлидан ўтди.

— Юр, юр, — деди немис, — қўрқма.

Бирин-кетин улар жилишди.

3

Бетоб ётган Асил опа Ойнисадан келган хатни ўқиб, ўрнидан туриб кетди, касали тўшақда қолди. Ойнисанинг озод бўлишига яна икки йил борлигини аёл билар эди, шу боис хабардан ўти ёрилай деди.

— Ҳой, Қосимжон! Муродбек! Қаёқдасанлар? — дея Асил опа сарпойчан дахлизга отилиб, жазавода фарзандларини чақирришга тушди.

— Нима бўлди, ача?! — уй муюлишидан югуриб чиққан ўғли Муродбек, қўлидаги ўроқни улоқтириб ағрайиб қолди.

Асил опа хат келтирган почтачи болани қучоқлаб, ўпа кетди.

Оғилхонадан Қосимжон чикди, у ҳам онасини кўриб, серрайиб қолди. Ярим соат бурун индамай ётувди, мияси айниб қолгандир, деб ўйлади, ваҳимага тушди.

Келин-неваралар тўпланишди.

— Ойнисахон бўшапти! — бақираёзди Асил опа, почтачи болани қўйиб юбормай. — Озод бўпти! Югурларинг, болаларига айтларинг! Улар билишсин!

Ҳовлига тўпланганлар бир-бирига қараб, ёқаси остига тупуришди.

— Ўтака қилдингиз-ку, ача! — деди Қосимжон ёзғириб. — Бирон фалокатми деб ўйлабман. Шунақа шайтонлашга бало борми? Ҳозир қўшнилар югуриб чиқишади.

— Чиқишсин! Жуда соз! — деди Асил опа бир оз ўзини тутишга уриниб. — Ҳозир, — дея, Асил опа ичкарига чопиб, тахи бузилмаган дўппи олиб чиқди, почтачи болага кийдириб қўйди. — Бошинг тошдан бўлсин, бўтам. Хатингга раҳмат! — Ҳовли сахнидагилар қаққайиб туришар, ҳеч кимдан садо чикмас, миқ этса, бирон чатоклик чиққудек эди.

— Ойнисахонникига ким кетади?

Ака-укалар бир-бирларига қарашди.

— Мен бораман, — деди невараси Одилбек. — Беринг хатни.

— Уларгаям хат ташладим, — деди почтачи бола. — Билишади.

Асил опа томошанинг энг қизиқ жойини кўра олмай қолгандек, бўшашиб кетди, токчага ўтирди.

— Хайрият, — деди у, негадир тушкун овозда.

— Хатни беринг, — дея, Муродбек келиб қўлини чўзди, — ўқийлик-чи.

— Ҳа-я! Ўқи болам, ўқи. Ҳамма эшитсин.

Муродбек баланд овоз билан хатни ўқий бошлади.

Хатни ўқиб чиққач, тамом деган маънода кўзини кўтарди. Кўча эшик томонда бир тўда қўшнилар — қариялар, ёшлар, эркак-аёллар расмга тушаётгандек жим туришар, кимларнингдир кўзида ёш, лабларида табассум, ҳеч ким сеҳрли жимликни бузишга ботина олмас эди.

— Келинглар, айланайлар! — деди Асил опа касалини унутиб. — Базм қиламиз! Кўзи сўямиз! Сарвихон, сўрига жой қилинг, қизим! — деди Асил опа мўлтираб турган келинига. — Бугун байрам!

Ҳамма ўзига юмуш топди. Болалар сув сепишди, қизлар шипиришди, сўрига кўрпачалар тўшалди, ўчоққа катта қозон қўйилди. Қўшни жувонлар уйларидан аллақанча нарса — сомса, патир, лаганда шовла, парварда-новвот, гилос-ўрик, қаймоқ-қатик, шинни-қиём олиб чиқиб, дастурхонга тўкишди. Томорқада кўзи сўйган чол неварасини физиллатди, ярим соат ўтар-ўтмай Фаизов бутун хонадони билан кириб келди. Рангпар Земфира хоним аёллар билан, Фаизов домла эркаклар билан кучоқлаб кўришиб чиқишди. Асил опа оиласида ҳам ўспирин ёшлар бўлиб, булар нафақат мактабдош — оилалари ахил бўлгани учун, ўзаро ўртоклик алоқалари ҳам яқин эди. Алижон, Жамила, Зарема деярлик тенгкур, бир дастурхондан ейишади, бир синфга қатнашади, дарсни баробар тайёрлашади. Земфира хоним бирон кийим тикса, ҳаммаларига бичади, аввал Алижонга, кейин қизларга тикади, ўз қизини ажратиб, тузукроги унга бўлсин демайди.

Ҳозир дадаси билан онаси сургун қилинганига саккиз йил тўлди. Аввалига Алижон дадасига, Жамила онасига ичикди, янги оилага мослашиш қийин бўлди. Кейин мактабга бориш зарурати туғилгач, Алижон ҳам, Жамила ҳам ўқишга алаҳсишди, ота-она доғи хиралаша борди. Лекин ҳар ойда Қаюмжондан ҳам, Ойнисадан ҳам келадиган хат, улар омон-эсонлиги иккала болага далда-тасалли бўлди. Ўкинч кўникишга айланди. Фаизов оиласи бу ҳовлига кўчиб келиши Худонинг муруввати эканини кейинчалик фаҳмлашди. Улар бўлмаганида буларнинг ҳаёти қандай кечиши муаммо эди. Касал-пасалга учраб, ўлиб кетишлари ҳеч гап эмас эди. Ким бетоб бўлмасин — қизамикми, йўталми, ичбуруқми — Земфира хоним гиргиттон бўлди: кечани-кеча кундузни-кундуз демади, ўзи қаради, ўзи укол қилди. Асради, авайлади. Оёққа турғазди. Ҳозир Алижон ўн беш ёшли ўспирин, лаби устида мўй кўриниб қолган, қизлар етишишади, ҳаш-паш дегунча кўзга кўриниб қолишади. Жамила ҳам, Зарема ҳам бўйлари чўзилиб, ёшларига хос ўзгаришлар рўй бериб, ёқимтой қизлар бўлишган. Аввалги замонлар бўлганида узатилган, фарзанд кўрган бўлар эдилар. Учалоги бир-бирига мутлақо ёт эканига қарамай, доим бирга юришар, танимаганлар буларни эгизакдек билишар, орасталикларига ҳавас қилишар эди.

Фаизов домла турар жойини эпақага солишга киришди. Лойтом ўрнига шифер терди, уйнинг ёнига икки хона қурди — болалар вояга етиб қолишган, уларни алоҳида-алоҳида қилиш лозим эди. Олдинги қаҳатчилик пайти бир мунча енгиллашган, нон-сув муаммо эмас, тежаб-нетилса, унча-мунча зарур сарфларга ҳам ақча етар, ҳатто болаларнинг лагерга боришларига ҳам маблағ ажратиш мумкин эди. Энг муҳими — Алижон билан Жамила ўзларини етимча сезмасликлари керак эди. Фаизов домла Мансур ака ёрдамида болаларни бермади, «ўзимиз қараймиз, ўстирамыз, танҳоликларини сездирмаймиз» деди, ваъдасини бажарди. Энди Алижон учун ҳам, Жамила учун ҳам булардан афзал одам дунёда йўқ.

Ҳеч қачон на Ойнисани, на Қаюмжонни кўрмаган бу оила хат орқали улар билан иноқлашиб кетишди. Земфира хоним болаларнинг турмуши ҳақида батафсил хабар бериб турар, уларнинг ўқиши, одоби, ҳатто касал бўлиб тузалганликларини ҳам ёзар, Ойниса-Қаюмжондан ташаккур хатларини олишар, ўз навбатида улар ҳам ўз шароити, кичик Қаюмжонга алоқадор тафсилотларни ёзишар, муҳими — уларнинг омон-эсонлиги буларнинг, айниқса, Жамила билан Алижоннинг дилида рўшнолик уйғотар эди.

Ўйинқароқлигига қарамай Алижон Фаизов домлага ёрдам берди: ништ ташиди, лой қорди, қўшни аравачасида сойдан тош териб келди, арра тортди. Хуллас, ёнга кириб қолди.

Қизлар эса Земфира хонимни анча юмушдан бўшатадиган бўлишди. Кир ювиш, дазмол қилиш, қозонга қараш, товукқа дон бериш, ховлига сув сепиб, шипириш ва рўзғорда бажариш керак бўлган анча иш уларнинг зиммасида. Земфира хоним қизларини ҳатто тикишга ҳам ўргатди. Фаизов домла қизларининг тузуккина дастёр бўлганликларини кўриб, сигир олиш пайига тушди, кунлардан бир куни ҳовлисига говмиш етаклаб келди. Албатта, юмуш кўпайди: молни соғиш, терт қориш, ўт юлиб келиш, тагини тозалаш, ем бериш — чакана иш эмас. Оғирини эркаклар, яъни Фаизов билан Алижон эплар, енгилени — соғиш, ем ташлаш, сутни пишириш каби ишларни аёллар, яъни Земфира хоним билан қизлар бажаришар эди. Мол бор уйда тўқлик бор, дейди Фаизов домла, ўзи ҳам бекор турмайди, қўли бўшаса оғилхонага кириб кетади, молига қарайди. Сут, қатик, сариеғ ўзларидан чиқади, мой сотиб олишмайди. Замон ўнгланган сайин, тўй-маросимлар ҳам бўлакча ўтадиган бўлди. Земфира хонимнинг қўли буюртмалардан бўшамайди, келинларга сеп, куёвларга костюм-шим тикади: атрофдаги қишлоқлардан ҳам буюртмалар келади, ҳаммасиники шошилинч. Земфира хоним рад эта олмайди, кечалари ҳам машинасининг товуши тинмайди — тузуккина даромад келади. Агар хотинининг шу хунари бўлмаганида, Фаизов домла сигир ҳам ололмас, қурилишни ҳам бошламаган бўлар эди. Хунари бор ҳоримайди, деб шунини айтишгани ҳақ. Бирок ҳуқуқи чекланган Фаизов домла нима тадбир қўллагасин, аввал албатта назорат муассасидан руҳсат олади, акс ҳолда ҳаракатидан айб топишади, «ғайриқонуний ташаббус», деб жарима солишади. Турмуши ўнғайган сари, рашк-ҳасадчилар, кўра олмайдиганлар ҳам чиқа бошлашди. Ҳатто «бадарга қилинган шубҳали оила тарбиясига маҳаллий болаларни топшириш сиёсий кўрлик», деган маънода иғво ёзганлар ҳам бўлди. Фаизов домла аранг қутулди. текширувчилар оила шароитини кўриб, болаларни қолдиришди. Фаизов домла ғаразли одамлар тухматидан чўчийдиган бўлиб қолди, қийшиқ эшикни тузатишга ҳам юраги дов бермади, Алижонга велосипед олиб беришдан ҳам айнаиди, болалари тузукроқ кийинишидан хавфсирай бошлади. Адоват ёмон нарса, биронта уйига ўт қўйиб юборишдан тоймайдиганлар ҳам бор.

Оч бўлсанг бера олмайди, тўқ бўлсанг кўра олмайди, деган матал бежиз айтилмаган.

Алижон саросимага туша бошлади — нега аяси дадаси хақида тайин гап ёзмапти? Аяси озодликка чиқипти, дадаси-чи? Нега дадасидан хат келмади? Мундан чиқадики, фақат аясини бўшатишипти-да. Демак, дадаси яна икки йил, яъни мухлатнинг охиригача эркинликка чиқа олмайди, демак аяси дадасисиз келади. Бу, албатта, яхши, бироқ дадаси яна ўша ёвуз мухитда якка ўзи қолади. Албатта, қизини тезроқ кўриш, унга етишиш доғи аяси учун ягона мақсад, бироқ саккиз йил ёнма-ён лагерда укубат чекишган эру хотин, икки йил қолганда онаси (ўғай онаси), эри борлигига ҳам қарамай, бу ёққа ошиқадими? Балки дадаси қисталанг қилаётгандир: тезроқ жўна, болаларинг бағрида бўл, икки йил — узоқ муддат эмас, саккизига чидаган иккисига ҳам чидайман, дегандир. Акс ҳолда аяси эрини қолдириб келмаган бўлар эди.

Алижон у пайтларда олти ёшли бола эди, дадасини ҳам, аясини ҳам яхши эслайди, унутгани йўқ. Хотира хиралашган, лекин уларнинг қиёфалари боланинг эсида. Жамила икки ёшли гўдак эди. У ҳозир онасини эслай олмайди, фақат иккита-учта расмини кўрган, ўша қиёфа қизнинг ёдида сақланиб қолган. Ҳозир қанақа экан, Жамила билмайди. Агар тасодиф Ойнисани кўчада учратиб қолса, танимайди ҳам. Хотираси қотмаган бола учун саккиз йил жудолик — катта муддат. Онаси қайтиб келгач, Жамила ўзини қандай тутуди? Ётсирамайдими? Онаси энди бегона аёлдек. Ўғилчаси бормиш, саккиз ёшга тўлипти. Жамила улар билан қандай чиқишади? Ўргана олармикин? Энди онаси келса, Жамила ҳам, акаси Алижон ҳам жондош бўлиб кетган, кечалари уйқусини ҳаром қилиб болаларнинг касалига қараган, ўзи емай буларга едирган, авайлаган, боққан, парвариш қилган Земфира хонимдан, мундоқ қараганда, меҳрини аямаган ҳақиқий оналик бурчини адо этган зотдан ажралиш керакми? Ҳатто тили ҳам қрим-татарча чиқа бошлади. Атрофдагилар ҳам, мактабдагилар ҳам маҳаллий, Жамила ўзбек тилини сувдек биледи, бироқ қрим-татарча мухитда тарбия кўргани сезилиб туради, баъзан тили ҳам кетиб қолади. Алижон Фаизовлар қарамоғига тушганида, беш ёшлик бола бўлиб, тили бурро эди, шунинг учун у она тилини сақлаб қолди, талаффузида қрим-татарча сезилмайди, лекин Жамила унда энди тилга кирган, Фаизов ҳам, Земфира ҳам ўзбекчага одатланмагани сабабли, ўз тилида гапиришга мажбур эдилар. Жамиланинг тили ҳам шу талаффузга ўтди. Бироқ масала тилда ҳам эмас, таҳлика шундаки, бутунлай бегоналашиб кетган Ойнисани она деб пинжига кириши қандай кечаркин? Асл онаси билан

иноқлаша олармикан? Қандай бу ердаги онасидан узилади? Янги онасига кўникса, Земфира хоним — амалдаги онаси, — четга суриладими? Унинг дили вайрон бўлмайдами? Ахир Жамила ҳаётга шу аёл етагида кириб борди-ку, саккиз йил бир қозондан ош еди, бир том остида яшади. Земфира хоним бегона она эканини Жамила умуман билмади, Заремага қандай она бўлса, Жамила билан Алижонга ҳам шундай қаради, ажратмади. Земфира хонимдан ажралмагани қулайдир? Ҳар қалай ўрганиб кетган, бўлак турмушни тасаввур қила олмайди ҳам. Бир юмалаб Ойнисага қиз бўлиб олиши мумкинми? Ғализ эмасми? Балки онаси сургундан келмай қўя қолгани маъқулдир? Келса, анча-мунча нарсалар дарз кетади, синади, жипслашиши маҳол бўлади, ўртага совуқлик оралайди.

Жамила ҳам, Алижон ҳам ўз ота-онасининг хулқ-атвори, феъли, гап-сўзи, муомаласи қанақа эканини кўришмаган, деса бўлади, билишмайди. Уларнинг ҳаёт тарзи етила бошлаган болаларга қандай ботаркин? Балки умуман чиқиша олишмас. Одам кимгадир ўрганади-ку, одатни ўзгартириб бўлармикин? Агар уларнинг турмуш йўсини чап туюлса, унда нима қилиш керак? Бу каби муаммога Алижон унча эътибор бермади, аммо Жамила борган сайин ҳадиксирай бошлади. Бироқ ўз онасини — тукқан, сут берган волидасини рад қилиш ҳам нотабиий нарса, ихтилоф, ечими йўқ вазият. «Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам» нақлини кўллаб бўлармикин?

Бу ҳақида Фаизов домла ҳам, Земфира хоним ҳам ўйлай бошлашди. Уйнинг ҳақиқий эгалари келишса, қандай муроса қилишади? Қандай чиқишишади? Икки бола бегона бўлишса-да, саккиз йил мобайнида ўзлариникидек бўлиб кетишган, улар учун Зарема қандай бўлса, Алижон билан Жамила ҳам шундай, тенг қарашган. Битта Заремага иккита бола кўшилиб, учта фарзандлик бўлишган. Учаловининг ёши деярли бир хил, учта норастанни эплаш осон бўладими? Ҳар бирининг ўз феъли-атвори бор: Алижон тажанг, инжиқ, одамови, ётсирайдиган бола. Унинг тилини топмаса элакишмайди. Ҳозир ҳам ўн тўртга кирган ўспиринда ўша хусусиятлари қолган, ўқтин-ўқтин сезилиб туради — бир сўз ошиқчалик қилади, мисқоллаб гаплашиш керак. Айниқса болалигида ўжар эди, гап кўтармас, кўкқисдан тумтаяр, Фаизов билан Земфира хоним ўзидан нима хато ўтганини билишмас, юпатишар, керак бўлса, кечирим сўрашар, Алижон аранг эрир эди.

Жамила Фаизовлар қўлига тушганида икки ёшли гўдак қизча эди. У аввали икки-уч кун хархаша қилди, хатто

уйкусида ҳам «Ая!» деб йиглаб чикди, кундузлари тез-тез йиғлар, бироқ Зарема бўлгани учун ўйинга чалғир, бир дам онасини унутар, тез овунар эди. Янги оилага Жамиланинг ўрганиши ҳам осон кечди. Фақат Алижон узок гина сақлар, ҳеч ким билан гаплашмас, шотига чиқиб бир неча соатлаб ўтирар, экинзорга кириб кетар, жўхориپоя орасида ухлаб колар эди.

Фаизов домла ва Земфира хоним ўта тоқатли бўлишлари, болалар хархашасига диккат бўлмай, чидам билан бардош беришлари, ширин сўзни канда қилмаган ҳолда болаларни талтайтирмаслик ҳам керак эди.

Мана энди, шунча меҳнати сингган, ўз фарзандларига айланиб кетган болаларни вояга етказиб, асл ота-онасига топширишлари керак. Албатта, болалар омонатлигини хис қилган ҳолда, уларнинг ота-онаси қайтгач, уларга топшириш бурчи борлигини ҳам тан олишса-да, замон оғирлиги туфайли сургундагилар қайтиб келишмаса, худо кўрсатмасин — қазо қилишса, болалар тарбиясига уларни инсон қилиб етиштиришга Фаизов домла ҳам, Земфира хоним ҳам шай эдилар. Лекин қанча гиргиттон бўлишмасин, бир кунмас-бир кун болалардан ажраш турган гап эди. Қай даражада меҳрибон бўлишмасин, ўз ота-онасининг ўрнини ҳеч нарса босмаслигини ҳам эътироф этишар, бу айрилиққа тайёр эдилар.

Энди Қаюмжон билан Ойниса келишса, бир хонадонда яшаш масаласи қандай бўларкин? Балки бир-икки қулоч ер олиб, уй-жой қуриш чорасини ҳам чамалаб қўйиш лозимдир.

4

Табиатан мулойим киз Муқаддас, бошидан шунча кулфат-мусибат ўтказди: севимли Ўлмас тухмат оқибатида жон берди, мажбурлаб Ҳошимжонга эрга берилди. Ҳошимжон малъун бўлиб чикди, акаси Масъуд урушда бедарак кетди, аввал отаси, кейин онаси ўлди, пироварди кизи Озода билан бир ўзи танҳо қолди. Шу синовлар Муқаддасни букмади, чиникди, хатто шаддод жувонга айланди. Тақдирини ясаш ўзига қолди. Озми-кўпми мерос қолгани учун бировга ялинмади, бир бурда нон учун бировнинг қўлига қарамади. Аввал педагогика институтига кирди, институт ёқмади, ўқишни ташлаб юридик институтга кирди, беш йилда тугатди, адвокатлик ҳам, прокурорлик ҳам қилди, ниҳоят судьяликни топширишди — қанчадан-қанча жинойишлар қўлидан ўтди, қанча фожиали тақдирларни кўрди.

Ўз имзоси билан талай одамларни қаматди, анчаларини суд залидан бўшатиб юборди. Йигирма саккиз ёшли судья жувон — ҳам ёш, ҳам хушрўй, ҳам қаттиқ, ҳам юмшоқ, энг муҳими — адолатли мутахассис кўпларнинг хавасини келтирар, кўп кизлар Муқаддасга ўхшагиси келар, бироқ кўра олмайдиганлар, ичида адоват тугувчилар ҳам кам эмас эди. Айниқса Муқаддаснинг мустақиллиги, партия органларидаги мансабдорларнинг йўриғига юрмаслиги, уларнинг кўрсатмаларига зид ишлари амалдорларга ёқмас, бу мансабга тайин қилинилганини улар хато, деб ҳисоблар эдилар.

Бундай «Бебош» судьянинг думини тугиб юбориш, ҳатто ўзини қаматтириш улар учун қийин эмас эди, чунки «жабрланувчилар» томонидан кўплаб ариза-шикоятлар тушар, бундай шикоятларга «керакли тус» бериш, суд ҳукмини хато билиб, бекор қилиш, судьяга жазо қўллаш унча қийин тадбир бўлмай, бунақа «чоралар» қандай оқибат билан тугаганини Муқаддас кўп кўрган. Бироқ Муқаддас — оппоқ, чиройли, кўпларнинг «сулагини оқизган» малоика — уни оғдириш, маиший алоқа ўрнатиш уларга жазодан афзал кўринар, лекин «малоика» нуқул чап берар, ўзига йўлатмас, аллақандай важлар билан хушторларини калака қилар, шунинг билан бирга ғафлатда қолишдан, уларнинг ўчидан ҳайиқар, маломатга учраши ҳеч гап эмас эди. Муқаддас ҳатто адлия хизматини ташлашни ҳам ўйлайдиган бўлиб қолди. Суд бошқармаси мудирига бўшаши ҳақида ариза ҳам ёзиб киритди. Бошқарма мудир аризага имзо чекмади, янги жиноий иш топширди. Муқаддас ихтиёрига қарши ишни олиб боришга мажбур бўлди, тўпланган тергов материаллари билан танишиб чиқди. Медицина институтининг аллақандай ўқитувчиси тўртинчи курсда ўқийдиган талабасини уриб, майиб қилибди. Жиноий иш шу эди. Айбдор Зоҳид Давронов экан. Суд тарихида аён бўлишича, айбланувчи Зоҳид Давронов бешинчи курсга ўтиш учун топширилаётган имтиҳонда Баҳром Муслимов номли талабасига ёмон баҳо қўйган, ҳатто медицинага яроқсиз, деб топган, талаба шериклари билан Зоҳид Давроновнинг йўлини тўсган, муштлашиш оқибатида ўқитувчи бўш келмаган, ҳатто талабага жисмоний зиён етказган, яъни майиб қилган экан. Ўша кунгек ҳодиса иштирокчилари милиция участкасига олиб бориб ҳибсга олинган, айбдорлар устидан жиноий иш очилган, расмий жиҳатдан Зоҳид Давронов айбдор, деб топилган, дастлабки тергов материаллари судга оширилган эди.

Муқаддас жиноятчини биринчи гал кўрганидаёқ дили алланечук бўлиб кетди. Зоҳид Давронов ўта хушбичим, кош-кўзи чўғдек, суқ кирадиган йигит эди. Айниқса унинг

теран мулоҳазалари, донолиги, ўз эътиқоди учун ўжарлиги Муқаддасни мафтун этди: Зоҳид Давронов ҳам судья жувонга маҳлиё назар билан тикилар, Муқаддасдан кўзини уза олмас, ҳатто суд мажлиси қанча узоқ чўзилса, шунча унга фароғат бақишлагандек туюлар, ҳар гал Муқаддаснинг нигоҳи Зоҳидга тушганида, бу тикилишдан Муқаддаснинг юраги алланечук урар, у кўзини олиб қочишга уринар, саросимага тушар, эртасига суд иши давом этишини кутар, йигитни кўргиси келар эди. Муқаддас Зоҳидни айбдор деб топди, уч йиллик жазо муҳлатига қарор чиқарди. Зоҳид Давронов қарорни вазмин қабул қилди, ҳатто Муқаддас Муродова ўз бурчини суистеъмол қилмай, дилига эзгулик бахш этган йигитни жазога маҳкум қилиши маҳбуснинг тасаннога ўхшаш эътирофини уйғотди, хиссиётга эргашмаганига қойил қолди.

Шу кунларда Муқаддаснинг рўзғори бут, камчилик сезмайди, ҳатто енгил машина сотиб олган, уйини Замира холага ташлаб, якшанба кунлари ўн уч ёшга тўлган қизи Озода билан тоғ бағирларига чиқиб кетишади, Бурчмулла атрофида санғишади, ёввойи гуллар, кўзиқоринлар териб келишади.

Ҳозир Озода саккизинчи синфга қатнайдиган бўлиб қолган, онаси-отасига ўхшаш ёқимтой қиз, вояга етгач, яна ҳам гўзал бўлиши турган гап. Қизига ҳуснбузар чиқмаслиги учун Муқаддас аллақанака ўтлар қайнатиб, сувини ичиради. Озода ягона фарзанди — таянчи бўлгани боис Муқаддас қизини еру кўкка ишонмайди, авайлайди, фарздан кўрқади, ёлғиз қолдирмаслик учун қизини Замира холага ишониб қўйган. Олтмишдан ошган Замира хола ҳамон шу ховлига қарайди, Гулсум опанинг хонасини ўзига жой қилиб олган, кундузлари шу хонада дам олади, баъзи кечалари ётиб ҳам қолади. Икки йил бурун қизи Холида узатилиб кетди, ҳозир болалик, Озода уни «опа» дейди, бирга ўсгани учун ундан ажрагиси келмайди, Холида ҳам Озодани соғинади, тез-тез келиб туради, ўғилчасини Озода эркалатади. Холиданинг тўйига Муқаддас бош-қош бўлди, анча харажатларни кўтарди, сепига мол аямади, гарнитур олиб берди, уй кўрарга ўзи борди. Муқаддас Холидани қизидек кўради, шу топгача Озодага янги нарса олса, Холидага ҳам бир нарса қўшиб олади. Холида ҳам иноқ, кадрдон, кўпинча онаси шу ерда бўлгани учун уйига ҳам кирмай, тўппа-тўғри шу ховлига келади, ҳамма нарса ёд бўлиб қолганидан, дарров киришиб кетади. Муқаддас ишда бўлса, келишини кутади, бир соат-ярим соат суҳбатдан сўнг Муқаддас Холидани боласи билан машинасида элтиб қўяди. Замира хола тўй

маросимига боргудек бўлса, Муқаддас унинг дастурхон-тоғорасини тўлдириб беради, шойи-атлас қўяди, хаводор учун пул беради — хуллас онадек эъзозлайди, Замира холасиз ҳаётини тасаввур қила олмайди.

Кунлардан бир куни Муқаддас машинасига ўтириб, Чиноз томон кетди, қамоқхонага етиб боргунича, бораими, бормайми деган гумонда бўлди. Гувоҳномасини кўрсатгач, қамоқ соқчиси телефон орқали бошлиғи билан уланиб, судья келганини айтди.

— Махбус Давроновни қаерда кўрмоқчисиз? — сўради соқчи, телефонни қўйиб. — Камерасига кирмоқчи бўлсангиз кўриқловчи беришади.

— Кўриқловчи керак эмас, — деди Муқаддас расмий тусда. — Учрашув хонаси кифоя.

— Бошлиқ сизни кабинетида кутади.

— Хўп. Учрашувдан кейин кираман, — деди Муқаддас. — Олиб келган нарсаларимни текширасизми?

— Сизники истисно. Кираверинг, — дея, соқчи темир турникетни очди ва шу заҳотиёқ телефон дастасини кўтарди. — 387 номерли махбус учрашув хонасига келтирилсин, — дея, жавоб кутмай телефонни жойига қўйди. — Кириг. Ман қилинган нарса бериш мумкин эмаслигини биларсиз.

Хона бўш бўлиб, ўртада яйдоқ стол, столнинг қарама-қарши икки томонида биттадан полга михланган стул турар, ягона деразанинг ойнаси қорамтир бўлиб, факат нариги томондан хонани кўриш мумкин, учрашув пайтида у томонда кузатувчи «меҳмон» билан «мезбон» орасидаги муносабатни назорат қилиб турар, махбус «меҳмон»га нисбатан қоидага хилоф ҳаракат қилса, дарров кузатувчи кирар, махбусни бехатарлантирар, кези келса тўппонча ҳам қўлланар эди. Бунга ўхшаш воқеа кам бўлса-да, рўй бериб туради, шунинг учун «меҳмон» қарши бўлмаса, қуролланган соқчи, ҳатто хонага ҳам кириб, бир четда назорат қилиб туриши мумкин.

— Ичкарида ўтирган аёлни танийсизми? — деди, нариги хонага Зоҳид Давронов олиб кирилганда, погонли киши бир томонлама кўриш мумкин бўлган ойна ортидаги Муқаддасга ишора қилиб.

Турма коржомасини кийган, сочи қирилган Зоҳид, Муқаддасни кўриб, анграйиб қолди.

— Мен сиздан сўраяпман, ичкарида ўтирган аёлни танийсизми? — дея, погонли киши таъкид билан саволини қайтарди.

Зоҳид хушига кела бошлади.

- Танийман, — деди у, ғалати кўйга тушиб.
- Ким у? — қатъий сўради погонли киши.
- Мени қамаган жонон, — деди Зоҳид жиддий тусда.
- Жонон эмас, — деди погонли киши. — Судья.
- Шунақами? — деди Зоҳид қувлик қилиб. — Мен билмапман, узр.
- Танийман, дедингиз-ку.
- Погони йўқ-ку.
- Фуқаро сифатида келган, — деди погонли киши. — Норасмий.
- Нега норасмий? Мен нима, масхарабозманми?
- Калака қилманг, мен хизматни бажаряпман. Наряд оласиз.
- Мен фақат сўрадим, ўртоқ начальник.
- «Гражданин начальник», мен сизга ўртоқ эмасман.
- Узр, гражданин начальник, — деди Зоҳид айёрона жиддийлик билан. — Энди қайтсам бўладими?
- Кўришганингиз йўқ-ку. Учрашишни истамайсизми?
- Истаганда қандок! Мунақа учрашувни тушимда ҳам кўрганим йўқ. Кўрқяпман, гражданин начальник, юрагим дов бермаяпти.
- Кўрқманг, кираверинг, еб қўймайди.
- Еб қўймайди? Ҳали ейди ҳам денг!
- Тўхтатинг майнавозчиликни, кўришувни истамасангиз, учрашув бекор қилинади.
- Исташ-истамасликка ҳаққим борми, гражданин начальник?
- Бор, — деди погонли киши тоқатсизланиб.
- Офарин! — деди Зоҳид ясама хитоб билан. — Маҳбуснинг хоҳишига қараш — ақл бовар қилмайди! Мен қайси мамлакатда яшаяпман, ўртоқ начальник?
- Гражданин начальник!
- Кечирасиз: гражданин начальник. Мен қайси мамлакатнинг қамовида жазо муддатини ўтаяпман? Ё бу тушми?
- Қанақа туш?
- Ғоятда ажиб туш. Бунақа туш умр бўйи бир марта ё бўлади, ё бўлмайди. Фазойи туш!
- Бўлди! Жазавани тўхтатинг! Киринг! — дея, погонли киши, Зоҳидни итарди.
- Кечирасиз, гражданин начальник. Яна битта савол берсам майлими? — деди Зоҳид Давронов, елкаси орқали погонли кишига бошини ўгириб.
- Начальник ижирғана бошлаган эди.
- Сўранг, — деди у, ғаши келиб.

— Судья аёл мен билан хизмат юзасидан учрашмоқчими ёки шунчаки...

— Айтдим-ку: оддий фуқаро сифатида, деб.

Бу жавоб Зоҳид учун аҳамиятга эга эди.

— Раҳмат, гражданин начальник, бу хоним бошқа маҳбуслар билан ҳам учрашадиларми?

— Йўқ, Фақат сиз билан, — деди погонли киши ва индамай турган назоратчи йигитга ишора қилди. Назоратчи эшикни очди, погонли киши Зоҳидни у томон итарди. Зоҳид ичкарига киргач, назоратчи эшикни беркитди.

Муқаддас ўрнидан турмай маҳбусга тикилди. Унинг киёфасида ғараз аломати сезилмас эди.

— Мени йўқлатибсиз, жаноби судья, — деди эшик олдида турган Зоҳид, жойидан жилмай.

— Мен жаноб эмасман, — деди Муқаддас мулоим тарзда. — Келинг, ўтиринг.

Зоҳид сочи қирилган бошини қашлаб, стулга келиб ўтирди. Улар бир зум бир-бирларига тикилиб қолишди.

— Яхшимисиз? — деди Муқаддас ниҳоят сукутни бузиб.

— Келишингизни нимага йўйишни билмаяпман, — деди Зоҳид.

— Нимага бўларди? Шунчаки. — Муқаддас шунақа савол тушишини аввалдан тахмин қилган бўлса-да, ҳамон тайин жавоби бўлмагани учун андак мулзам тортди, жавоби нотабиий туюлди.

Ҳозир Зоҳиднинг нариги хонадаги ўйноқи кинояси сезилмас, маҳбус ғалати саросимасини яширишга интилса-да, кўзларида алланечук ҳижолатга ўхшаш таҳлика сезилар, маҳбус вазиятни тушунмаган кўринар эди. Бироқ зийрак бўлгани учун Зоҳид суд пайтидаёқ икковининг орасида кўзга кўринмас яқинлик ришталари боғланганини пайқаган, бироқ бу яқинлик бир натижа беради, деб ўйламаган ҳам эди. Судья аёллигига қарамай, барча шартли тўсиқларни писанд қилмай, аслида мутлақо ёт бегона, унинг устига маҳбусликка ўзи маҳкум қилган бир жинойатчининг олдига тап тортмай келиши — бу қизнинг (балки жувондир) жасоратидан дарак берар ва энг муҳими — ҳиссиёти чинлигидан тортинмаслиги Зоҳиднинг ҳавасини уйғотар, шунақа зот борлигидан, ҳатто фахрлангиси келар эди. Қолаверса Зоҳиднинг ўзи ҳам бир кўришда унга маҳлиё бўлувди, бироқ бу илинжи хаёлий эканини эътироф этган ҳолда, Зоҳид умид қилишга ҳам ботина олмаган эди. Бу ғойибдан содир бўлган, илоҳий мурувват сифатида инъом қилинган, ўзи учун шоиста бўлмаган тухфа эди. Бу ҳадяни қандай эплаб бўлади, ноҳўя

ҳаракат билан чилпарчин қилиш ҳеч гап эмас. Қандай йўрик, қанақа йўсин қўллаш мумкин?

Улар ярим соатча суҳбатлашиб ўтиришди.

Муқаддас зарурий вазифани бажаргандек, суҳбатга чек қўйди. У учрашувдан мамнун бўлдими, интиқини қондирдими, таскин топдими-йўқми, Зоҳид англай олмади. Бироқ хайрлашиш чоғида қизнинг кўзлари негадир намланди. Бу изтиробми, ўқинчми ё ички тугён аломатими? Йигит сезгиси келди, аммо ҳаддан зиёд ишонишга ботина олмади. Яна келиш-келмаслигини ҳам Муқаддас айтмади, йигитни мавҳум қолдирди.

Муқаддас машинасида кетатуриб ҳам, уйда ҳам Зоҳид Давронов ҳақида ўйлади, унинг фикр тарзи, мулоҳазалари қатъийлиги суд пайтида ҳам аён бўлса-да, Муқаддас яна бир карра унинг сўзлари, жонкуярлиги сафсата эмас, инсоний маслағи эканига иқрор бўлди. «Ёмон ўқиган талабадан қанақа муаллим, билимсиз врачдан қанақа шифокор, малакасиз курувчидан қанақа меъмор чиқади? Чала савод педагоглар кўпаяверади, беморлар ўлаверади, нўноқ меъмор қурган бино қулайди. Статистика учун мингта доктор етиштирилди, деб ваъзхонлик қилиш мартаба бўлиб қолди. Минглаб зараркунандаларни етиштириш — хиёнат. Юзта но-шуд врачдан битта маслак-малакали доктор минг марта афзал. Дунёга танилган биттаям олимимиз йўқ. Ахир юртни ўйлашимиз керак-ку. Ёмонни-ёмон дейиш айб эмас, ёмонни яхши дейиш айб. Бельгияда врачлар сони республикамизга қараганда икки баробар кам эмиш, аммо улар микрохирургия билан шуғулланишяпти, беморнинг хаста юраги ўрнига бошқа юрак тикишяпти. Икки баробар врачлари кўп юртимизда шунақа операцияни биронта хирург бажаряптими? Германияда бир умр ёруғликни кўрмаган одамнинг кўзини очишяпти. Қани бизда шунақалар? Йўқ. Чунки ўзимиз нўноқмиз, таълимимизни олган талабалар биздан ҳам ожиз».

Бундай дилниҳон мулоҳазаларини Зоҳид дабдурустан айтиб юборгани йўқ. Аксинча, у Муқаддас ўтирган хонага кирар экан, хойнаҳой бирон ишқал, иғво аралашган деб гумон қилди, бўлмаса расмий шахс, судья, қамокда ётган қанақадир шифокор домлани йўқлаб келишдан бошқа ташвиши йўқми, деб ўйлади, шу тахмин таъсирида синовчан назар билан бир-икки дақиқа индамай ўтирди. Бироқ Муқаддас томонидан ғараз сезилмади, мўлтонлик қилаяпти, табассум билан жонни суғуриб олмоқчи, деган тусмолга борди Зоҳид. Лекин ҳадикка тушмади, ҳатто сохта жилмайиб:

— Хуш? Сўранг, — деди.

— Нимани сўрай? — деди Муқаддас ҳам йигитнинг яширин саросимасини пайқаб ва «Ниқобини ташласа мен ҳам ўзимни самимий тутаман, деб ўйлади, ташламаса на илож, шунга яраша муомала қиламан».

— Маҳбус олдига судья бекорга келмайди, — деди Зоҳид. — Лекин барибир мамнунман, ярим йилдан буён бир инсоннинг турқини кўрганим йўқ. Сиздек зот келиши... «Не было ни гроша, вдруг — алтын» дейишади руслар.

— Суд қилган шахс, албатта душман бўлиши шартми? — дея Муқаддас жилмайиб Зоҳидга тикилди.

— Суд қилган шахс учун жиноятчи ёмон одам, — деди Зоҳид бўш келмай. — Ёмон одамни ёмон кўриш — табиий ҳол.

— Жиноятчи ёмон одам бўлмаса-чи?

— Нега бўлмаса қамашади?

— Яхши одамлиги учун жазодан озод қилинмайди.

— Жазо яхши одамни бузади. Аламзада қилади, — қатъий деди Зоҳид лоқайд тарзда. — Талабага ёмон баҳо кўйиш — жазоми?

— Талабани майиб қилиш нима?

— Судда айтганман: хужумга нисбатан ҳимоя чорасини кўллаганман.

— У сизни урмаган-ку. Ҳатто қўл кўтармаган. Фақат пўписа қилган, — деди Муқаддас.

— Мен урмасам у урар эди.

— Мен бу ерга судни муҳокама қилиш учун келган эмасман, — деди Муқаддас ёзгириб.

— Нима учун келдингиз бўлмаса?

— Тушунмадингизми? Яхши инсонни кўриш учун келиш жиноят эмас, — дов бериб деди Муқаддас.

— Мени яхши деб ўйлайсизми?

— Ўйлайман, — деди Муқаддас андак сукут қилиб. — Сиз олижаноб инсонсиз. Сиз каби одамлар бор экан, ҳамма нарса барбод бўлмаганига умид билан боқиш мумкин, лекин, Зоҳиджон, бир оёғимиз жар ёқасида, қулашимиз ҳеч гап эмас.

— Жар ёқасига етиб борган одам, нима борикин, деб паства қараши мумкин — қизиқ-да.

— Тик туриб қарасин.

— Тик турса, шамол қулатиши мумкин.

— Янги нарсани кўриш ҳаммага ҳам хатарсиз бўлавермайди.

— Қурбонни оқламоқчимисиз? Кўкракни ўққа тутишчи?

- Мақсад бўлмаса — телбалик.
- Мен ҳам телбаманми?
- Маълум маънода.
- Машраб-чи? Дон Кихот-чи?
- Улар ҳам. Лекин миллионта билимдондан юксак.

Жимиб қолишди.

Муқаддаснинг сўзлари Зоҳидга бирмунча баландпарвоз кўринди. Судда расмийроқ, яъни куруқроқ гапирувди. Бирок сўзларида айб йўқ. Яна қанақа айтиш мумкин? Муқаддас Муродовна чайқовчи эмас-ку.

Зоҳид «Яна қанақа саволингиз бор?» деб сўрамоқчи эди, юраги дов бермади, истехзо қилаяпти, деб ўйлаши мумкин. Лекин Муқаддаснинг кўнглида айтишга қийин алла қандай сири бор, бунга Зоҳид амин. Фақат истиҳола қилаяпти, очик айтишдан тортинаяпти. Шу сири бўлмаса, келмас эди. Кўзларидан сезилиб турипти, гап ўзидан чикса, тузук бўлар эди. Зоҳид — маҳбус одам, гапирса, ташаббусни ўзига олса, Муқаддас Зоҳидни талтайяпти, ўз оёғим билан келганим учун хаддидан ошаяпти, деб хулоса чиқаради. Зоҳиднинг гапи ёқмаса, хафа бўлади, гаши келади. «Майли, деди ичида Зоҳид, ошиқмаслик керак. Агарда дилида туйғу уйғонган бўлса, яна келади. Ўшанда ҳам тортинса, ўзим айтаман. Мен маҳбусман, дейман, ҳеч қанақа ҳуқуқим йўқ. Аммо тилим бор, дилим бор, сизга хушторман. Гап тамом. Малол келган бўлса, маъзур тутинг. Ҳеч қандай даъвом йўқ. Кўнглимни бўшатдим холос». Ахир кимдир биринчи қадам қўйиши керак-да. Аёл нарса севги изҳор қилса, келишмайди-да, хулосага келди Зоҳид ўйида давом этиб. Балки тўғридир. Табиатда ҳам шунақа-ку, ташаббус хўроздан чиқади. Муқаддас Муродовна тўсиқдан ўта олмаяпти. Биринчи бўлиб овоз берса, қарам бўлиб қолишдан чўцияпти, таъна қилади, деб ўйлаяпти, майли, Зоҳиддан чиқа қолсин: чув тушмайди. Яна қаёққа чув тушади? Ўзи қамокда ётипти-ку, шундай ҳам бўлсин, Зоҳиднинг изҳорини қабул ҳам қилсин. Кейин нима бўлади? Муқаддас озодликда, бу бўлса маҳбус. Қамокдан чиқишига яна икки ярим йил бор. Кутадами? Биронта «тилла тиш» илиб кетса-чи? Муқаддас Муродовнанинг амали деб пайига тушган «ошиқлар» камми? Топиш-тутишидан ташқари Муқаддас Муродовна — ҳам бошпана, ҳам истехком, ҳам кўриқ. Унинг соясидаги одамга ҳеч ким ботиниб хусумат қила олмайди. Ҳам гўзал хотин, ҳам данғиллама уй-жойли, ҳам посбон — жуда қулай. Машинаси ҳам бормиш. Ким итига, кет дея олади?

Энди яна бир қалтис масала бор, буни назарда тутмаслик мумкин эмас: Зоҳид шу вазиятда туриб, Муқаддасга

дилини очса, қамокдан қутулиш усули, деган хаёл миясига келмасмикан? Келиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бирок Муқаддас Муродовна унақа одамга ўхшамайди. Фикри теран, маслағи қатъий, фирромдан ҳазар қилади. Агар майл берса кутади, Зоҳидни чиқариб олмайди, ҳаром нарса билан ҳалқумини булғамайди. Мунақа зотнинг ишончига муносиб бўлишнинг ўзи қаромат. Фақат келса бўлгани. Ҳамма нарса ўшанда аёнлашади. Келармикан?

Муқаддас қаерда бўлмасин, нега Зоҳиднинг қамоғига бордим деган савол муттасил хаёлидан ўтар, тиним бермас эди. Нега шу қадамни қўйишга ботина олдим, нега кўзим тинди? Зоҳид тушунармикан? Ҳавоийлик қилмасмикан? Димоғи кўтарилмасмикан? Мени қаматганингиз тўғри, деди Зоҳид, судда охиригиз сўзни олиб, учрашганларида ҳам ўзини деярли окламади, ҳақ гап рақибидан чиқса ҳам тан олишга иродаси етди. Шундай инсон Муқаддаснинг дил садосини тушунмай қолмайди. Муқаддас яна борса, балки таҳлика арир, Зоҳид ҳадиксирамас, ўзини эркин тутар.

Муқаддас нимқоронғи хонадаги диванда оёқларини йиғиб ўтирар, ҳовли жим-жит, Замира холанинг тарақ-туруқи ҳам эшитилмас, баъзан тунука томга тушган ёнғоқ тақ этиб урилар, филдираб тўхтагани мудрай бошлаган Муқаддасни чўчитар, яна жимиб қолар, жимликда қарға қағиллаши юракни нохуш қилар эди.

Кўча эшик ёйиқ этиб очилиб, қўлида скрипка жойлашган футляр билан Озода кўринди. Бу дуркунгина қиз мусиқа мактабига қатнар, дарслардан кейин индивидуал машғулотлар билан шуғулланиб, кечроқ келар, келиши билан Замира холанинг хонасига кириб тамадди қилар, Замира холанинг қўлида ўсгани учун Озода кампирни ойисидек билар, Замира хола ҳам қизни еру кўкка ишонмас, айниқса Озоданинг бўйи чўзилиб, кўзга кўринадиган бўлиб қола бошлагач, унга панд-насихат берар, кўча-кўйда қандай юриш-туришни ўргатар, ўспиринлар гап отишса, парво қилмасликни уқтирар, Озода хўп деса-да, энаганинг ўғитини писанд қилмас эди.

— Аянг ичкарида, тарақ-туруқ қилма, жон қизим, дам олаяпти, — деди Замира хола, хонтахтани йиғиштирар экан, хансираб. — Дарсингни шу ерда тайёрла. Кейин биргалашиб ховлига сув сепамиз, шипирамиз. Хоҳласанг, мизғиб ол. Ман хамир қораман. Аянг сомса девди. Улгуришим керак. Ҳадемай қош қораяди. Сумбула-да. Боғдаги дарахтларга сув очиб қўйдим.

— Сумбула — ашулами? — сўради кийимини алмаштираётган Озода.

— Сумбула — ой, — деди Замира хола инқиллаб. — Мунақа пайтда кечаси совук, кундузи иссиқ бўлади. Сумбуланинг сувини ичган олма айнимайди. Қизларнинг эти қораймайди.

— Мен ҳам олмадек сув ичишим керакми?

— Куёшдан қочма дейман-да. Этинг тўйса дард юкмайди.

— Қатган мунақа нарсаларни биласиз, ойи? Ким ўргатган?

— Ким ўргатарди? Эшитганман-да. «Кўклам офтобига келинингни қўй, куз офтобига — қизингни», деган нақл бор.

— Нима фарқи бор?

— Кўклам офтоби қорайтиради, куз офтоби тиник қилади.

— Бу ҳам нақлми?

— Нақллигини билмайман-у, ҳақиқатлигини биламан. Куёш фанимат. Мунақа пайтда чоллар саллани ечиб ходада ўтиришар эди. Кўрганман. Куёш фанимат-да, болам.

5

Ойниса озодликка чиққанига икки ой бўлди. Икки ой қандай ўтганини сезмади. Ижара олган уйнинг бир хонасида ўғли билан яшайди. Ўқиши чала бўлмасин, деб ўғлини вақтинча бўлса-да мактабга берган, сахар туриб, уни ўқишга элтади, ул-бул нарса пишириб, эридан хабар олиш учун лагерга ошиқади. Кеча топган дорилар билан овқат солинган тугунчани лагерга киритиб, ҳамширами, санитарми, врачми — кимни учрата олса Қаюмжоннинг соғлиғи ҳақида сўрайди, яна дори керак бўлса, дорихонага югуради, кейин ишга жўнайди. Ойниса шу посёлка четида жойлашган чўчқа фермасидан аранг иш топди — ем тайёрлайди. Чўчқанинг жағи тинмайди, доим ейиши керак. Ойнисага қолса, тимсоҳ афзал, тўйса, бир ҳафтагача ўлжага қарамайди. Аммо бу ерда тимсоҳ йўқ, чўчқа бор холос. Чийиллайди, балчикқа ағанайди, очофат, бўтқами, тертми туёқлари билан босиб, ҳаммаёққа сочиб, еб ташлайди, ўз ахлатига беланади, ўликтирик демайди, ҳатто оч қолса ўз боласини ямлайди. Ем етиштириш қийин, омбордан қанча озуқа беришмасин — кепакми, ачиган картошками, карамми — Ойниса ҳаммасини тертга ишлатади, чўчқалар шип-шийдам қилади. Айникса чийиллаши қулокни қоматга келтиради. Ойниса уйига гангиб қайтади, анчагача ўзига кела олмайди, аранг оёққа туриб, яна лагерга югуради:

норасмий бўлса-да, лагер маъмурияти кириш учун уч-тўрт марта ижозат берди. Ойнисани кўргач, чўпдек бўлиб колган Қаюмжон тетиклаша бошлади, ҳатто тили калимага келди. Агар Ойнисанинг жонсараклиги бўлмаганида, Қаюмжон узилиши муқаррар эди. Мана икки ой ўтди, энди Қаюмжон оёққа туриб, ўзи ҳожатга борадиган бўлиб қолди.

— Бола қалай? — сўради Қаюмжон ёстикка суяниб.

— Яхши, бинойидек, ундан хавотир олманг, — деди Ойниса. — Асил опадан, Фаизовдан хат олдим. Фарзандларимиз омон-эсон. Катта бўлиб қолишипти. Анову гал Алижон билан Жамиланинг хатларини берувдим, ўқидингизми?

— Бир неча марталаб ўқидим, — деди Қаюмжон толиққанлигини яшириб, — хайрият. Яхши одамлар кўлига тушгани бахтимиз. Колонияларга топшириб юборишганида, оқибати нима бўлариди — гумон.

— Секин айтасизми, дадаси? Худога ёққан томонимиз бор экан, мингдан минг шукур. Энди сизни ҳам бўшатишса, бошқаси керакмас. Дўппини осмонга отамиз.

— Бўшатишади, менга ўхшаган рўдаподан нима фойда, жойни эгаллаб ётипман, — деди Қаюмжон иккиланмай. — Оёққа турай, ўзим киришаман. Ҳозир замон илгаригидек эмас. Уларга соғлом ишчилар керак. Яхшиям сени худо етказди — ўлиб кетардим. Қийналмаяпсанми?

— Йўқ, дадаси, мутлақо, — деди Ойниса, ўзини тетик кўрсатиб. — Қаюмжонингиз мактабга қатнашпти, баҳолари ҳам яхши. Лекин камгап. Сўрасам жавоб беради, ўзи индамайди. Нима ёқади, нима ёқмайди — айтмайди ҳам.

— Колониянинг таъсири, — деди Қаюмжон ўйланиб.

— Рост, — деди Ойниса.

— Сенга талпинадимми?

— Кам, ётсирайди. Лекин ҳозир анча ўрганиб қолди. Кўчадан кўрқади. Машинани кўрса, пинжимга ёпишади.

Қаюмжон бошини тебратиб, хўрсинди.

— Даданг бор, лагерда, яқинда тузалади, кўрасан, дедим, — деди Ойниса жимликни бузиб. — Бир неча марта айтдим.

— Хўш, у-чи?

— Индамади, — деди Ойниса ўкингандек бўлиб. — Мен-ку бир ойда бир мартадан бўлсаям колониясига қатнаб турардим, танийди. Сизни кўрмаган-да, меҳр кўзда, деб шуни айтадилар-да. Кўрса ўрганиб кетади.

— Одамови, дегин?

— Йўқ, гаплари маъноли. Лекин ўзбекча гапирсам, ерга қарайди, тил билмайди-да. Энди қишлоққа борсак тезда

ўрганиб кетади. Биз ўзбекмиз десам, тушунмайди. Сен ҳам ўзбексан десам, нега дейди. Ота-онанг ўзбек бўлгандан кейин, сен ҳам ўзбексан-да, дедим. Ўзбек бўлиш ёмонми, дейди. Нега ёмон, дедим. Стаканни синдириб қўювдим, няня: «Вон тот узбек разбил», деди. — Ойниса хўрсинди.

— Мени унга дарров кўрсатма, кўрқиб кетади, — деди Қаюмжон бир зум ўйга ботиб. — Сал ўзимга келай. Кейин.

— Унгача қулоғини пишириб бораман, чўчима, дейман.

— Бухгалтерияга кириб, суриштириб кўр, — деди Қаюмжон толиққанидан кўзларини юмиб. — Иш ҳақим бўлса, тўлашсин.

— Бир неча ойдан буён касалсиз, ушлаб қолишган бўлишлари мумкин. Бу ерда бекорга боқишмайди, биласизку. Сиз ҳам еманг, мен ишляпман, етиб турибди, — дея Ойниса бўрттириб гапирди. Аслида топгани ижара пули ва дори-дармонга сарф бўлар, қолгани аранг емишга етар эди. Лекин Ойниса бунга эрига айтмади.

— Чиқсам мен ҳам ишлайман, — деди Қаюмжон тетикланиб.

— Чиқсангиз, юртимизга жўнаймиз, — деди Ойниса. — Икки-уч ҳафта йўлда бўламиз — киш кирмай туриб ўз жойларимизни кўрайлик. Ўзбекистоннинг кузи сахий, қовун-узумига боланинг оғзи тегсин. Мева нималигидан хабарсиз, олмани кўрмаган ҳам. Билгани — қора нон, картошка, макарон, карам.

— Ўзбекистонни яна кўриш насиб қилармикан? — деди Қаюмжон, унинг кўзи намланди.

— Насиб қилади, шунча укубатларни кўрдик, етар, — деди Ойниса ўжар овозда.

— Вақтингиз тугади, — деди эшик бўсағасидан навбатчи.

— Хўп, ҳозир, — дея Ойниса ўрнидан кўзгалди.

— Майли, бора қол, қоида бузилса, бошқа рухсат беришмайди.

— Бўпти, овқат иссиқлигида еб олинг, хайр, — Ойниса эрининг пешонасини силаб, хонадан чиқиб кетди.

Якшанба кунини бўлгани учун Ойниса шошилмади.

Яшил арчалар орасидаги сап-сарик қайинлар оловдек товланар, осмон мусаффо, ҳаво тиник, дарахтлар қоплаган тоғнинг қордан аримаган чўққиси қуёш нурида ҳаддан зиёд оқ кўринар, манзара гўзал эди.

Ярим ойдан сўнг жинойти оғир бўлмаган маҳбус ва 58-модда билан қамалганларга, яъни сиёсий бадарғаларга амнистия эълон қилинди, Қаюмжон шу бандга кўра

сургун қилинган эди, у озод этилди. Хужжатларни расмийлаштиришга яна бир ҳафта кетди. Энг қийини шу бир ҳафта бўлди: мундоқ олганда Қаюмжон энди озод, лекин хужжат тегиши учун навбат кутиши керак, хужжат тегмагунича зонадан чиқиши мумкин эмас эди. Ойниса ҳам, Қаюмжон ҳам шу бир ҳафта ичида ҳўп сиқилишди. Ниҳоят хужжат теккач, иккаласи бўшашиб кетишди. Аммо бу беҳоллик ўта ёқимли эди.

— Қаюмжон қаерда? — сўради Қаюмжон ўғли ҳақида.

— Мактабда, — деди Ойниса дарҳол эрининг ниятини сезиб.

— Қачон келади?

— Олиб келиш учун ўзим бораман. Кутади, — деди Ойниса. Бу гапи «тортинманг» деган маънони англагандай бўлди.

— Жуда соз. Юринг, — деди Қаюмжон, иштиёқ сезиб. У бир «сен», бир «сиз» дерди.

— Мактабгами? — тушунмагандек муғомбирлик билан сўради Ойниса.

— Квартирага! — қатъий деди Қаюмжон. — Хонангиз алоҳидами?

— Алоҳида. Фақат хозайка бор.

— Ҳеч қиси йўқ. Ичкаридан стул тираб қўямиз. Бошланг.

— Нега тираб қўйиш керак?

— Тушуниб турибсан-ку, нима қиласан калака қилиб одамни?

— Юринг, — дея Ойниса ўрнидан туриб, эрининг қўлтиғидан олди. — Мен сизни уйда қолдириб, ўғлингизни олиб келаман.

— Соат неччида дарсдан чиқади?

— Соат бирда.

— Бир талай вақт бор экан, келин-куёв бўламыз.

— Толиқиб қоласиз-да, ўргилай, — деди Ойниса сирли жилмайиб. — Ўзингиз тутдек тўкилиб турипсиз, қўлингиз қалтираяпти, сезаяпман.

— Бу ҳаяжондан, — деди Қаюмжон, ўзини тетик тутишга уриниб. — Паловни соғинганман. Тўйиб есам, мадад бўлади. Масаллиқ борми?

— Зирвак қилиб қўйганман, гуруч ташласам, пишади.

— Ўххў! Зиёфат ҳам тайёр дегин!

— Шу кунни саккиз йил кутдик, худога шукур, етишдик. Энди елкамизни чуқури кўрсин мунақа кунларни.

— Иншоолло! Ишқилиб ўлигим шу ерларда қолиб кетмасин-да.

— Астафирulloх, денг! Паришталар омин, дейди.

— Астафирulloх!

Ойниса эрини уйда қолдириб, кичкина Қаюмжонни олиб келиш учун мактабга кетди. Танаффус пайти ва ҳаво очиқ бўлгани сабабли болалар мактаб майдонида ўйнашар, Қаюмжон бир ўзи мўлтайиб партада ўтирар эди, онаси кирганида ажабланмади ҳам, фаррош аёлга қарагандек, жойидан жилмади.

— Ҳамма ташқарида, нега сен якка ўзинг ўтирибсан? — деди Ойниса хижил бўлиб рус тилида.

Бола индамади.

— Мен бозорга бориб келаман, — деди Ойниса, — унғача дарс тугайди. Уйда даданг кутаяпти.

Қаюмжон ялт этиб онасига қаради.

— Даданг зонадан чиқди, энди озод, — деди Ойниса, ўғлининг кўнглини кўтариш учун пича кўтаринкилик билан.

Боланинг кўзларида қизиқиш сезилди, аммо у индамади.

Ойниса бирон нарса сўрар, деб ўйлади, Қаюмжон сўрамади. Фақат уйга кета туриб:

— Урадимми? — деди.

— Нега уради? Даданг-ку.

— Колонияда уришар эди, — деди Қаюмжон ердан кўзини узмай.

— Энди колонияни унут, — деди Ойниса дили оғриб. — Бир оила бўлиб яшаймиз. Ўзбекистонга кетамиз. У ерда опанг, аканг бор. Кутишаяпти.

Бу гап боласига ёқдими-йўқми Ойниса англамади. Қаюмжон ҳамон ётсирар, отаси билан учрашишдан хурқар эди.

— Даданг сени саккиз йил кўра олмади, — деди Ойниса ўғлининг дилида дадиллик уйғотиш ниятида. — Энди етишганида, тумтайма, хўпми, болам? Хафа бўлади.

— Нима қилдим мен, нега хафа бўлади?

— Ҳеч нарса қилганинг йўқ, ота билан иноқ бўлиш керак-да. Бегона эмас-ку.

— Колонияга борай, — деди Қаюмжон.

Ойнисанинг юраги совиб кетди. Ўғлининг ҳамон колонияни кўмсаши онасини зирқиратди.

— Колонияни унут дедим-ку. Колония ҳам қамоқ. Қораси ўчсин, — деди Ойниса ижирганиб. Бироқ шунча йиллар мобайнида боласи ўша шароитга ўрганишини, бошқа ҳаёт тарзини кўрмаганини, ҳатто маълум маънода колония тартиби ўғли учун одатли бўлиб қолганини ҳисобга олар,

дархол унинг психикасини ўзгартириш осон кечмаслигини эътироф қилар эди.

— Мактабингдаги болаларни қара, ҳамма шўх, ўйин-қарок. Озодликда яшаган-да. Сен ҳам энди ўшанақасан. Тортинаверма. Наҳот ўйнаб ирғишлагинг келмайди, жоним?

— Ирғишлаш ёмон-ку.

— Ёмон эмас, ирғишлаш болаларга хос. Ҳозир ўйна-масанг, қачон чопасан, шўхлик қиласан?

Ойниса билан ўғли келди, нариги хонадан Ойнисанинг овози эшитилди, каравотда ўтирган эри туриб уларни қарши олмоқчи эди, мадори етмади.

Ойниса ўглининг кўлини қўйиб юбормай, хона ўртасида тўхтади.

— Даданг шу, — дея, она боласини эри томон йўлат-моқчи бўлди. — Бор, кўриш.

Бола аранг бир қадам олға жилди, яна тўхтади.

Қаюмжон жилмайиб, фарзандига қулочини очди. Унинг дили саросимада эди, кўзига ёш келди.

— Кел, ўғлим, — деди у ҳаяжонда, зўрға тилга кириб.

Ойниса ҳам энтикди.

Бола жойидан кўзгалмади.

— Ётсирама, болам, — деди Қаюмжон ялиниб.

— Русча гапиринг, тушунсин, — деди Ойниса.

— Мен дадангман, — деди Қаюмжон рус тилида. — Сени соғинганман. Ке, танишайлик.

Бола бир онасига қараб олди-да, ўзини мажбурлаб Қаюмжонга яқинлашди.

Қаюмжон ўғлини авайлаб кучоқлади. Ойниса юзини четга ўгирди.

Қаюмжон чўнтагидан хуштак олиб, ўғлига тутди.

— Ўзим ясаганман, ол.

Ўғли олиш-олмасликни билмай иккиланди, кўзини ердан узмади. Қаюмжон хуштакни чалиб, ўглининг кўлига ушлатиб қўйди.

— Менинг отим ҳам, сенинг отинг ҳам — Қаюмжон. Сен — кичик Қаюмжонсан, мен — катта Қаюмжонман. Энди ҳаммамиз озодликдамиз, бирга яшаймиз. Иноқ бўламиз. Ана, столда олма бор, печенье бор, ол, е.

Кичик Қаюмжон дадасининг таклифини рухсат билиб, дадасининг бағридан чиқди.

— Мен ошни дамлаб келаман, сизлар гаплашиб ўтира туринглар. Ярим соатда палов пишади, — дея, Ойниса яшириб қўйган жойидан бир шиша вино олиб, столга қўйди. — Сизга жичча мумкин. Қувват бўлади.

Ойниса чиқиб кетди.

— Нечанчи синфда ўқияпсан, ўғлим?

— Учинчида, — деди бола, биринчи марта овоз бериб.

— Баҳоларинг қандай?

Кичик Қаюмжон елкасини қисди ва нариги хонага чиқиб кетди.

— Нега чиқдинг? — деди печка олдида туриб, декчага гуруч солаётган Ойниса. — Кир, болам, ошни дамлаб, мен ҳам кираман. Даданг ўқинади, кир.

— Баҳоларимни сўради, — деди бола ёзғиргандек.

— Сўраса нима бўпти, ота сўрайди-да. Айтавер.

— Унги ёқмаса-чи? — деди бола тўнғиллаб.

— Баҳоларинг яхши-ку, тортинма.

Бола кирмади. Отаси кичик Қаюмжонга қари кўринди. Унга қолса, шу бегона киши бўлмагани маъкулроқ эди.

Бир ҳафтадан кейин Қаюмжон хотинига ўпкалади:

— Ўғлинг менга ўрганмаяпти, — деди у, тажанг бўлиб. — Қанча тиришмай, қанақа ширин сўзлар айтмай, йўламаяпти.

— Ора-чорада бўлсаям, олти йил колониясига қатнадим, — деди Ойниса, — мана, икки ойдан ошди — биргамиз, менга энди-энди эгишаяпти. Сизни умуман кўрмаган, учрашганингизга атиги бир ҳафта бўлди. Бу кам. Устига-устак ўзи тортинчоқ, ёввойи. Сургунда ўсган бола яна қанақа бўлариди? Колония захрини йиллаб тозалаш керак. Колонияда уришар экан, биронта ножўя иш қилиб қўйса, зах ертўлага ташлашар экан. Ҳаммадан чўчийди бола. Жойимизга етиб борганимизда қанақа бўларкин? Ака-опасидан тортиб Фаизовларгача — ҳаммаси бегона. Рус мактаби йўқ, ўзбек болалари мазах қилса, қандай чидайдди? Қандай ўрганади? Рухий лат еса, умуман ростлана олмайди. Шу ернинг ўзи кўзига ёвуз кўриняпти. Кечалари йиғлайди, бир марта «колонияга кетай» деди. Социализмнинг қоидалари шунақа бўлгандан кейин нима иложимиз бор, чидашга мажбурмиз. Яхшиям тирик қолдик, шунгаям шукур. Кўп вайсадим. Чунки мен ҳам туну кун шуни ўйлайман. Балки ҳозирча юртимизга ошиқмаганимиз маъкулдир. Ҳали Алижон билан Жамила бор. Улар бошқа одамлар қўлида ўсишди, раҳмат. Лекин биздан йироқлашиб кетишгани тайин, қандай биз билан чиқиша олишади? Муроса қай йўсинда кечади? Бир шуларни ўйладингизми?

— Ўйладим, албатта, — деди Қаюмжон, кўзи очилгандек бўлиб. — Лекин мунақа чалкаш нарсалар ҳаёлимга ҳам келмовди. Мен фақат нобуд бўлмасликни, озодликни ўйладим. Ҳақиқатда, масала анчайин чигалга ўхшайди. Мен энди чалажон одамман. Қўлимдан иш келмайди,

муаллимлик қила олмайман, мендақа зекни йўлатишмайди ҳам. Қоровулликка ярайман холос. Ҳар ҳолда уруш қатнашчисиман, ярадорман, бирон нафақа тайин қилишар. Битта умид шунга. Гапинг тўғри, шошмай турайликчи. Турмуш йўл кўрсатар. Бирон ишни ўйлаш керак. Чикқанимга атиги бир ҳафта бўлди, лекин зерикапман.

— Аввал соғайинг, иш қочмас, — деди Ойниса, қўлини сочикқа артиб.

— Бу жойлар ҳам нотинч бўлиб қолди, — деди Қаюмжон хотинининг гапига кўниб. — Амнистияга чиққанлар ичида қотиллар ҳам кам эмас. Аксирсанг чавақлаб кетади. Эҳтиёт бўлиш керак. Одам ўлдириб хумордан чиқишади.

— Эндигина озодликка чиқиб, а?

— Озодлик унақалар учун — қамоқ. Яна жиноят қилиб, ўрганган жойларига қайтишади. Қанчасини кўрдим. Кўзинг тушса, дарров ўзингни панага ол, магазинми, идорами, устахонами — қочиб қол. Дуч келмаганинг маъқул. Улгурмасанг, гап қайтарма, ёнингда бор пулни бер. Даф бўлсин. Улар аёлларга ўч: ҳам номусига тегишади, ҳам ўлдириб кетишади. Қоронғи тушмай туриб, уйга югур.

Ойниса бир-икки марта кечалари ҳам юришга мажбур бўлувди, ҳозир эрининг гапини эшитиб, эти жунжикиб кетди. Куз бошлангани учун кунлар ҳам қисқарган, соат бешда ҳамма ёққа қоронғи тушади. Айни топда ҳали ёруғ бўлса-да, худди ярим соат ичида қоронғи тушиб қоладигандек, Ойниса хавотирланиб ўғлини олиб келгани мактабга ошиқди. Бироқ ўқиш тугашига ҳали вақт бор эди. Ойниса, фурсатдан фойдаланиб, мактаб директори билан ўғли ҳақида гаплашиб кўришга қарор қилди. Директор, Афанасий Андреевич Турин, ўзи унча қари бўлмаса-да, сочсоқоли оппоқ, кенг пешонаси остидаги қошлари қуюқ, йирик кўзлари мовий киши бўлиб, мактабдагилар уни «Тургенев» деб аташар, директор ростдан ҳам Тургеневга ўхшаб кетар эди.

Ойниса унинг тор кабинетига кирганда «Тургенев» узун сочлари оралиғидаги салмоқли бошини эгиб, гербарий йиғилган катта альбомни диққат билан кўздан кечирар эди. Ойниса кирганини сезмади.

Ойниса йўталди.

Директор бошини кўтариб, нотаниш жувонга тикилди.

— Салом, Афанасий Андреевич, — деди Ойниса рус тилида.

— Салом, келинг, — деди директор, савол назари билан Ойнисага қараб. — Эшитаман.

Ойниса катта стол ёнидаги стулга ўтириб, ўгли ҳақидаги мулоҳазаларини баён қилди. Гап давомида директор чурк этмади.

— Энг муҳими, — деди директор ниҳоят, — боланинг шунақа хусусиятига диққат бўлманг. Эътибор бермаган бўлинг. Олдида хулқини эрингиз билан муҳокама қилманг, танбеҳ берманг, тийманг, бола баттар ётсирайди, қобирғига яшириниб олади. Болани, ёрдам қилиб юбор, деб уй юмушига тортинг. Зарурлигини сезсин. Ишни нотўғри бажарса ҳам қунтини рағбатлантиринг. Мажбурий дарс тайёрлатманг, сабоққа қизиқиш уйғотинг. Тарбияни эрмакдек ўтказинг. Нуқсон-иллатларни яширманг. Дунёда эзгулик билан бир қаторда ёвузлик ҳам борлигини, эзгулик ёвузликдан яхшилигини билсин. Ўзалликка эътиборни қаратинг: қушлар, олмахонлар, қуёнлар ҳақида гапириб беринг, болани ҳадеб уйда сақламанг, манзарани кўрсин, завқи ошсин. Иштиёқини кучайтиринг. Ёмон баҳо олса, куйинманг. Ёмон баҳо олмаган бола кам. Хатосини тушунтиринг.

Кўнғироқ чалинди.

Ойниса директорга ташаккур билдириб, кабинетидан енгил ҳис билан чиқиб кетди.

Кун ярим, қоронғи тушишига ҳали анча бор эди. Ойнисанинг директор билан бўлган суҳбатдан тасалли олган дили тинчланди. Шунга қарамай, Ойниса Қаюмжонни одатдагидан тезроқ етаклаб кетди. Кўчада одам сийрак, ҳеч қандай хатар сезилмас, яшил қарағайлар орасидаги қайин шохлари вазмин чайқалар, зар япроқларини шамол чирпирак қилар, харсанглар ортидаги сой шовуллар, феруза осмонда оқ булутлар гарами ивирсир, йўлка четида олмахонлар паҳмоқ думини диккайтириб, тўнғизёнроқ пўстини тимдалар, атрофдагиларни писанд қилмас эди.

— Хат келди, — деди уйда қолган Қаюмжон ва иккита конвертни Ойнисага тутди: Жамила билан Алижоннинг хати эди.

— Ўқидингизми? — ҳаяжонда сўради Ойниса.

— Йўқ. Хат сенинг номингга.

— Очинг, ўқинг, — дея, Ойниса ўғлини ечинтиришга чалғиди.

— Суратлари ҳам бор экан, иккита, — деди Қаюмжон, суратларни у ёқ-бу ёқ айлантириб. Суратдаги одамлар Қаюмжонга ганиш эмас, фақат оталик ҳисси мўйлови қора-йиб қолган йигитча Алижон эканидан аломат берарди.

— Вой! Сурат юборишиптими? Кўрай-чи!

Ойниса ўғлини қолдириб, эрининг қўлидаги суратларни

олди, дили тўлқинланиб разм билан қарай бошлади. Болаларининг шу ёшга кирган тасвирини Ойниса биринчи кўриши эди. Битта фотода ҳаммалари — Фаизов домла, Земфира хоним иккита стулда ўтиришар, уларнинг ортида Алижон, Зарема ва Жамила тик туришар, иккинчи суратда Алижон билан Жамила ёнма-ён тушган, иккалови ҳам етишишиб қолишган, чиройли эдилар.

Ойнисанинг кўзи ёшланди, томоғи бўғилди.

Қаюмжон юзини четга яширди.

— Қаюмжон, — дея, Ойниса табассум билан ўглига юзланди, — мана, аканг, опанг суратларини жўнатишипти. Кара, бу — аканг Алижон, бу — опанг Жамила.

— Бу-чи? — деди бола, унча қизиқмай.

— Бу Зарема, бу ҳам опанг, — деди Ойниса, ўглининг кўзи ожиздек, суратни яқинроқ тутиб. — Эслаб қол: Зарема.

Бола индамади.

— Хўш, қалай? Айтувдим-ку, — деди яна Ойниса, ўғлида қизиқиш уйғотишга уриниб, — ака-опаларинг бор деб.

— Ўхшамайди, — бир оз тутилиб деди бола ва Алижон билан Жамилага бармоқ ниқтаб: — булар ўхшайди, — деди.

— Тўғри, ўғлим, топдинг, баракалла, зийрак экансан! — деди Ойниса шодланишни ҳам, ранжишини ҳам билмай. Бироқ боладан гап чиқишининг ўзи иқбол эди, Ойниса шунга ҳам мамнун бўлди. Энди оҳиста-оҳиста боланинг қизиқишини йўллаш керак, «ўт олгунича пуфлаб» туриш лозим. Алангага айланмас, балки, ҳозир милтиллаб ёниши ҳам тузук. Сунъий йўл билан бўлса-да, авайлабгина силкитиш лозим, зора «уйғониб» кетса. Уйғониши керак. Биринчи тетапоя бошланди, чоғи. — Зареманинг ота-онаси бошқада. Мана бу киши — дадаси, бу аёл — онаси. Улар жуда яхши одамлар, аканг билан опанг шуларнинг қўлида тарбия олишаяпти.

— Нега? — тумтайишини қўймай сўради бола.

— Биз узоқдамиз-ку — деди Ойниса дарҳол ўглининг қизиқишини сўндирмаслик ниятида. — Улар Ўзбекистонда. Поездда икки ҳафталик йўл. Ўзбекистон деган ўлка бор дедим-ку сенга. Эсингдами?

— Қовун пишадиган жойми?

— Балли, ўғлим! Қовун ҳам пишади, узум ҳам. Мевалар ҳар хил. Ҳаммаси ширин асалдек.

— Асал нима?

Қаюмжон ўғлидан садо чиққанига ажабланиб қарар, гўё

қоронғи хонанинг эшиги очилиб кетгандек туюлар, ичида хайрият дер эди.

— Асалми? — осонроқ тушунтириш йўлини ўйлаб, Ойниса бир зум тутилиб қолди. — Арини кўргансан-а? Ўша арилар гуллардан тўплайди. Асалари дейишади. Асали жуда ширин, ҳам фойдали бўлади. Маош тегсин, албатта бозордан сотиб олиб келаман. Татиб кўрасан. Дадангга ҳам шифо. Бу ернинг гуллари кўп, асали ҳам ўткир, тоза бўлади. Тушундингми?

— Татиб кўрай, кейин айтаман, — деди бола авзоини ўзгартирмай.

Қаюмжонга боласи бир ҳафталик гапини айтиб қўйгандек бўлди, энди Ойниса болани кўп гапга тутмай қўяқолгани маъқул кўринади, Қаюмжон андак асабийлашар эди.

— Бўпти, — деди Ойниса самимий қувнаб. — Энди чой ичамиз. Сен даданг билан расмларни кўриб тур.

Бола, бу расмларга Қаюмжоннинг дахли йўқдек, отаси томон лоқайд қараб қўйди.

Ватанни кўмсаш ширин ва азобли кечади. Мусофирнинг кўзидан ўтаверади — боғ-роғлари, дарёлари, дала-адирлари, тоғу тошлари, баҳор гуллари, ёз неъматлари, куз мўлчилиги, осмони, қуёши — ҳаммаси, ҳатто қиши ҳам жозибали гавдаланади ва энг муҳими — кадрдон одамлар қиёфаси, сўзи-муомаласи назардан ўтаверади, ватани энг гўзал кўринади, ўзига тортади, ёмон кунлари деярли ёдланмайди, кишини ўз латофати билан махлиё қилади, ором бермайди.

Ота-она анча пайтгача юртини эслаб ўтиришди, бир-икки томчи ёш ҳам тўкишди.

Ёш Қаюмжон сассиз бир онасига, бир отасига қарар, орзу интиқи болани ажаблантирар, уларнинг маҳтал-изтироби ясамадек туюлар, боланинг ғашини келтирар эди.

6

Фаизов домла ўзи ясаган бир жуфт мотоцикл филдиракли аравачасида икки ҳафта мобайнида сойдан тош ташиди — нураб қолган гувала девор ва қинғир эшик кўзига хунук кўринар, деворни ҳам, эшикни ҳам янгилаш зарур эди. Сойда Алижон тош тўплар, аравага ортар, уйга келгач тошни Фаизов туширар, бир куннинг ичида уч-тўрт марта сойга қатнар эди. Фаизов домла уқалангудай бўлиб қолган гувалаларни узум остига, ҳовли этагидаги чуқурликка ташлади. Бир ойга бормаи тошдевор ва янги эшик битди, ташқаридан ҳам, ичкаридан ҳам чолдевор йўқолгач,

кўриниш ўзгарди, тартибга кирди. Ўтган-кетганлар кўзида аввал ховлида ўтириш бир мунча ноқулай туюлар, уйнинг панасига жой қилишган, ўша ерда ҳам чорпоя, ҳам стол-стул бўлиб, нонушта қилишми, дам олишми, иссиқ-дим кечалари ухлаш ҳам ўша томонда ўтар, ичкарида фақат Земфира хоним тикув машинасини шиқирлатар, энди эса уй олдидаги сахнда, тепаси очик бўлгани учун, ярим тунгача вақт ўтказиш мумкин бўлиб қолди.

Уй эгалари келиши энди муқаррар эди, Фаизов домла алоҳида бошпана ҳақида Земфира хонимга маслаҳат солди. Бироқ болалар, айниқса, Алижон билан Жамила бундай ўзгаришга қандай қарашаркин? Бу дегани, энди улар ота-онаси билан алоҳида яшашлари, бу оиладан ажралишлари керак. Қандай ажралиш мумкин? Алижон ҳам, Жамила ҳам ёш бўлганлари сабабли, шу Фаизов домла билан Земфира хоним кўлида ўсишди, уларга ўрганишди, маълум маънода ўз ота-онасини унутишди, вояга етишди, бир оила бўлишди, энди булардан воз кечиш, юз ўтиришдек бўлмайдими? Уйнинг асл эгалари келиши тайинлашган сайин, Фаизов домла ғалати аҳволга туша бошлади. Эр-хотиннинг болалар тарбияси учун кетган меҳнатигина эмас, балки диллари ҳам туташди, Алижонсиз, Жамиласиз улар турмушни тасаввур қила олишмас, улар билан ажралиш фикри азобга солар, жумбоқни ҳал қилиш мумкинмасдек кўринар эди.

— Маълум ечимга келмасак, — деди Фаизов домла, хотинига маслаҳат солиб, — Қаюмжон билан Ойнисахон олдида мулзам бўламиз, улар ҳам тортинишади. Қалтислик келиб чиқади. Истаймизми, йўқми, улар келгач уйни бўшатиб, нарироқ жилишимизга тўғри келади, жой уларники. Гап бунда ҳам эмас, қишлоқ маъмурияти биронта ташландиқ жой ажратиб берса, бир ой ичида бошпана қуриб олиш қўлимиздан келади, ҳаво туриб берса бас. Лекин болалар нима бўлади? Улар ота-онаси билан қолишга рози бўлишармикин? Рози бўлишади ҳам дейлик— унда биз уларга ким бўламиз? Вақтинча тарбиячиларми?

— Асли шундай-ку, — деди Земфира хоним, шу топгача кўзойнагини ечмай, индамай ўтириб. — Алижон билан Жамила уларнинг фарзанди. Даъво қилишга ҳаққимиз йўқ. Уй ҳам уларники. Биз омонат. Қримга қайтсак, уларни ҳам олиб кетамизми?

— Қримга қайтиш мушкул, — деди Фаизов домла ўкиниб.

— Сталин ўлди-ку, — деди, қувғинга учраганини фақат Сталин номи билан боғлаган Земфира хоним.

— Сталин ўлди, сояси қолди, — деди Фаизов домла ўзига-ўзи айтгандек. — Қримни кўриш насиб қилармикин?

— Нега насиб қилмайди? Ҳамма хато бўлган деяпти-ку. Бир-икки йил ичида қайтишга ижозат беришади.

— Кошки эди, — деди, шунча пайт мобайнида яшаб, шароитга мослашган Фаизов домла ҳамон ватанини кўмсаб. — Бир кўриб ўлсам, армоним қолмас эди.

— Ўлимни худо тескари қилсин, — деди Земфира хоним тетик овозда. — Кўришгина эмас, ҳали яшаймиз ҳам. Аминман.

— Иншоолло, — пичирлаб деди Фаизов домла. У ватани ҳақида баралла орзу қилишдан ҳам ҳайиқар эди — ҳалқуми бўғилди, кўзлари ёшланди.

— Сояси қурсин! — деди Земфира хоним тап тортмай. — Энди ватан ҳақида чўчимай гапирса бўладиган пайт келди. Ўз ўлкасини соғиниш айб эмас. Сиз янги уй қуриш хаёлини миянгиздан чиқаринг. Саводлисиз: ёзинг керакли идораларга! Москвага! Олий Советга! Ўзимизни чиқаришмайди, хат ёзиш, талаб қилиш мумкин-ку. Қачонгача бўхчада ўтираммиз?

— Алижон-чи? Жамила-чи? Улар нима бўлади?

Земфира хонимнинг жазаваси сўнгандек бўлди. Агар ҳақиқатан, кетиш масаласи кўндаланг келса, масаланинг бу томонини эътиборсиз қолдириб бўлмас, бари бир ечим қидиришга тўғри келар эди. Шу ернинг ўзида чиқадиغان муаммо шунча машмаша туғдираяпти-ку. Қримни ўйламаса ҳам бўлади.

— Ўзлари билан гаплашиб кўриш керак, — деди Земфира хоним андак сустлашиб. — Улар билан яшашни танлашса, марҳамат, ров бўлмаймиз. Ўзларига буюрсин. Агар биз билан қолишга ихтиёр билдиришса — яна яхши.

Фаизов домла учун муаммо осонликча ҳал бўлгандек кўринди, у ҳатто енгил тортди.

— Бири уларга, бири бизга бўлса-чи? — иштиёқда деди Фаизов домла.

— Ўйлаб гапиряпсизми, домла? — деди Земфира хоним писанда билан. — Булар нима, тарвузми? Бир палласи сенга, бир палласи менга! Жамила — Ойнисахонники, Алижон — Қаюмжонники. Бири кетиб, иккинчиси қолармиди? Иккалови кетади. Ё қолади. Ўзлари ҳал қилишсин. Биз унисига ҳам, бунисига ҳам розимиз. Чидаймиз, кўникаммиз, бошқа чора йўқ. Балки шу ховлида бирга яшарммиз. Сих ҳам, кабоб ҳам куймайди.

Тартиб бирмунча юмшаган, Кавказ ва Қримдан бадарға қилинганлар энди район миқёсида бемалол юришар, ҳатто

Андижонга ҳам бориб келиш мумкин эди. Қувғиндаги аҳоли шу саккиз йил ичида жойлашибгина олмай, меҳнатга лаёқатлилари асосан колхозларда ишлашар, уй-жой қуриб олишган, сургун йили турилган болалар энди мактабларга қатнашар, мактаблар асосан ўзбекча бўлгани сабабли, турк-крим болалари ўзбек мактабларида ўқишга мажбур эдилар. Уйда она тилида, кўча-кўйда, мактабда ўзбекча сўзлашишар, улар учун сургун азоби у қадар сезиларли эмас эди. Шунга қарамай уларнинг ҳаммалари бир кунмас-бир кун ватанига қайтиш ниятида яшашар, ота-оналари ўз ўлкасининг жозибаси ҳақида тинмай гапириб беришар, орзулари сўнмас эди.

Депортация қилинган аҳоли орасидан олимлар, ўқитувчилар, шоир-ёзувчилар, артистлар чиқа бошлади. Республика маданий ҳаётига янги, ўзига хос талантлар оқими келиб қўшилди. Ҳеч ким уларни кўкрагидан итармади, қайтага ўз бола-чақаси кўп бўлишига қарамай, бошпана беришди, дастурхонни очишди, битта нонни бўлиб ейишди, ҳатто аста-секин қиз бериб, қиз оладиган ҳам бўлишди. Ўзбекнинг иккита фарзанди кримликлар оиласида яшаши, ота-она деб тан олиши, вояга етиши, етим қолган баъзи кавказлик турк, крим-татарларининг етим фарзандлари ўзбек оиласида тарбия кўриши оддий ҳол эди.

Бир куни мактабдан қайта туриб, Жамила билан Зарема олдинлаб кетишди, Фаизов домла атайин қадамини секинлаштирди, Алижон унга қаради.

— Бирон жойингиз оғрияптими, дада? — деди Алижон.

— Йўқ, сен шошма, гаплашиб кетамиз, — деди Фаизов домла. — Қизлар кетаверишсин. Жамила билан аянг гаплашади.

— Нимани гаплашади?

— Бугун дадангдан, онангдан хат келди. Уйда ўқийсан.

— Тинчликми? — сўради Алижон талмовсираб. Унинг хаёлига шум ўй келди: сургундаги дадаси бетоблигини аввалги хатда ўқиган эди, дунёдан ўтганмикин, деган гумонга борди.

— Тинчлик, — деди Фаизов домла, ўғлига далда бериб. — Уканг таътилга чиқса, келишармиш.

— Хўш? Нима бўпти?

— Ҳеч нарса, — деди Фаизов домла вазминлик билан. — Яна икки-уч ой кутишга тўғри келади-да.

— Кутаверамиз, — деди Алижон тинчланиб. Дадаси ўғлининг қиёфасида саросима сезмади, қайтага Алижон

енгил тортгандек кўринди. Лекин бу лоқайдлик Фаизов домлага таскин бермади.

— Рост, энди бунинг аҳамияти йўқ, икки-уч ой кеч бўлса ҳам келишади, шуниси муҳим, — деди Фаизов домла, асосий муддаога ўта олмай. Қай йўсинда айтсин экан, айтса, ўғли қанақа муносабат билдираркин? — Алижон, ўғлим, улар келишганидан кейин муросамиз қанақа бўларкин, шунини ўйладингми? Қандай яшаймиз?

— Қандай яшаган бўлсак шундай-да, — деди, бу тўғрида ўзи ҳам тинмай ўйлаб юрган Алижон. Жавоби шу ўйларнинг оқибати эди. Бироқ «қандай бўлса шундай-да», дегани аниқ жавоб ҳам эмас эди, чунки улар келгач, кўп нарсалар ўзгариши муқаррар бўлиб, англашилмовчилик чиқиши, унинг олдини олиши керак эди. Бу вазиятда Алижон ўзини қандай тутишни билмайди. Лекин англашилмовчилик чиқмаслиги ҳам мумкин, ахир икки оила бир-бирига фақат мурувват кўрсатди. Нимадан келишмовчилик чиқади?

— Аммо сен уларнинг фарзандисан, ўғлим, — деди Фаизов домла диққат бўлиб. — Бизнинг қўлимизда вақтинча яшадинглар. Энди улар келса, қўшилишларинг табиий.

— Жамила билан гаплашдик, — деди Алижон бир зум сукут сақлаб. — Қандай ажраймиз? Энди уёққа ўтларинг, десангиз, майли, бўйсунамиз. Лекин улар шахсан мен учун анча йироқлашиб кетишган. Қандай уларга ўрганаман? Улар билан муросам келишмаса, нима қиламан? Сизларникига кела олмайман, улар билан ҳам тура олмайман, қаёққа бораман? Интернатгами?

Алижон Фаизов домла билан ҳеч қачон бу йўсинда гаплашмаган эди, жиззакилик қилганидан маълум бўлдики— у бу масалани кўп ўйлаган, муайян ечимга кела олмаган, асабийлашиши шундан эди. Қандай ечимга кела олади, бир томонда тарбия қилган, жонини аямаган Фаизов оиласи, иккинчи томонда дунёга келтирган ота-онаси бўлса? Ечими йўқ муаммо. Ёш жонига шунақа синов тушиб турибди. Алижон эмас, кўпни кўрган одам ҳам бу жумбоқни ечишга қийналади. Алижоннинг таънаси ўринли, албатта.

Фаизов домла ўзи ҳал қилиши керак бўлган юкни бола зиммасига афдаргандек хижолат чекди.

— Алижон, — деди Фаизов домла тажанг бўлиб, — Земфира билан мен шунчаки мураббиймиз. Унинг устига ўз жойимиз йўқ, бировнинг уйда турибмиз. Даъво қилишга ҳаққимиз йўқ, ўғлим. Ажралиш ҳам қийин. Этимизни юлиб бергандек бўлади. Бирга яшаш ҳам чора эмас.

— Нега чора эмас? — деди Алижон ва Фаизов домла тушундики, Алижон худди шу ечимга мойил.

— Қаюмжон ҳам, Ойнисахон ҳам шунча укубат чекишди, азобларга чидашди, энди тинч яшашга ҳақлари бор. Бегона оила билан бир ҳовлида туриш маъқул келармикин? Мундоқ олганда, улар ҳали тузуккина яшашган эмас. Уйланишларидан кейин уч ой ўтмай, бадарға бўлишган. Уларнинг ҳаёти энди бошланади. Биз халақит бериб нима қиламиз?

— Уйимизнинг орқасидаги ҳовли сотилар эмиш, — деди дарров Алижон, йилт этган чора кўринганидан юраги орзиқиб. — Ўшда қариндоши ўлибди. Васият шуларга бўпти.

— Жойини сотса олардик, — Фаизов домла ҳам тетиклашиб.

— Ўш катта шаҳар, бу ер чет, қишлоқ. Колхоздан ҳам қутулишади! — Гуё Фаизов домла айнийдигандек, Алижон қаршисига турди.

— Қани энди шундай бўлса, — деди Фаизов домла орзиқиб.

— Бўлади! — қатъий деди Алижон, ялингандек бўлиб. — Мунақа жойдан қулайи топилмайди — эшиги тақилласа эшитилади. Фулом ака билан ўзингиз гаплашиб кўринг, дада.

Алижон «дада» сўзини энг зарур пайтда айтар эди, ҳозир «дада» дейишининг ўзида ҳам талаб, ҳам илтижо бор эди.

— Гаплашаман, — деди Фаизов домла дарҳол. — Албатта гаплашаман. Бизга сотишга рози бўлса, масаланинг энг тўғри ечими шу бўлади.

— Унанинг, дада, рози қилинг! Ҳовли қўлдан чиқиб кетмасин.

— Жамила билан гаплашдим дединг, унинг фикри қанақа?

— Жамила қиз бола-да, йиғлади, — деди дарров Алижон. — Шу режани билса, албатта хурсанд бўлади. Рост.

— Бўпти. Ҳозирок Фуломжонни топаман, — деди Фаизов домла. — Ишқилиб бировга сўз бериб қўйган бўлмасин-да.

— Кўндириш керак, — деди Алижон зорлангандек ва далил сифатида қўшиб қўйди: — Дадам балки ўша ҳовлини танлар. Танлайди. Чунки бу ҳовлига сизнинг шунча меҳнатингиз сингди. Келса, танимайди ҳам.

— Аввал жой қўлимизга ўтсин, танлаш — иккинчи масала.

— Уҳ! Режамиз чиқса, қандай яхши бўлар эди.

Масъуд отбоқар бўлиб ишлай бошлаганидан бери олти ой ўтди. Шу муддат ичида Масъуд тузуккина немис тилида гапирадиган бўлиб қолди. Масъуднинг хўжайини Отто Маер олтмишларга яқинлашиб қолган, оқсоқлиги туфайли ҳарбий хизматдан озод қилинган бўлиб, иккита ўғли бир ярим йил аввал урушда ҳалок бўлишган, келинлари бир ўғил-бир киз невараларини олиб уйдан чиқиб кетишган, Отто мотоциклда уларни кўриш учун қаёққадир жўнар, уйда эллик ёшли хотини қолар, фрау Элиза аҳён-аҳёнда Оттонинг саволига қисқа-қисқа жавоб берар, Масъуд билан деярли гаплашмас, ахлат тўпланиб қолса чақирар, овқатни сомонхона эшиги ёнидаги бочкага қўйиб кетар, Масъуднинг ётиш-туришидан хабар олмас, афтидан ё ёқтирмас, ё ётсирар, ёки чўчир эди. Масъуднинг шум нияти йўқлигини пайқагач, баъзан Масъудни имлаб чақириб, мағзава тўктирадиган, печка кўрини тозалатадиган бўлди. Масъуд тўртта отга қарашдан ташқари ҳар саҳар уйғониб бино ортидаги ўтинхонадан кирсовундек брикет қилинган кўмир ташиб, зина ёнига тахлаб қўяр, кейин от гўнгини тозалаб, қуритиш учун орқа майдон четига ташлар, отларга ем берар, сув ичираар, ювиниб, учта қайнатилган тухум, олти паррак қолбаса, саватчага солинган нон ва товуқ булььонидан иборат таом билан нонушта қилар, нонуштага ажратилган вақт йигирма дақиқадан ошмаслиги, еб улгурмаган бўлса-да, Масъуд соат еттида шай туриши шарт эди. Отто Маер ҳам шу тартибга одатланган, ҳеч қачон қондани бузмас, унинг нонушта қилиб чиқишига қараб, неча бўлганини соатсиз билиш мумкин эди.

Масъуд кийим-кечагини ўзи ювар, ўзи дорга осар, албатта дазмол босар, Отто тамаки берса чекар, беришни унутса, ўзи сўрамас, чидар эди. Шу томони Оттони ажаблантирди.

— Эсимдан чиқса, сўра, дедим-ку. Сўрашга ҳаққинг бор, меҳнат ҳаққи олмаганингдан кейин тамаки билан таъминлаш — бурчим, — деди Отто ва Масъуднинг камтарлиги, камсуқумлиги унга ёқди. Умуман йигитчанинг одоби фермерга маъқул тушди. Кўп нарсаларни ўргатди, билмаганини айтди, қунти-лаёқатидан ҳам қоникди. Энг муҳими — Масъуд кўп юмушларни ўзи билиб бажарар, фаросати етмаган нарсаларни сўраб билар, ҳеч қачон жўн иш қидирмас, вазифасини танбехсиз адо этишга тиришар, чаққон эди. Шу хусусиятларини пайқагач, Отто Маер тамакини халтаси билан олиб чиқиб қўйди. Бир куни совун

олиб келиши учун Отто Маер магазинга Масъудни юборди, велосипедини берди. Масъуд харажатни тезда бажариб келди, пул қайтимини тийинигача столга қўйди. Демак, қўли эгри эмас экан, унга ишонса бўлади, деган фикрга келди Отто ва кийим-кечагини ювишни хотинига топширди, янги труси-майка берди. Нахорда оладиган нонуштасига картошка билан асал қўшилди. Умуман Масъуднинг турмуши кам-кўстсиз ўта бошлади. Бироқ барибир унинг бу ердаги ҳаёти омонат, яшаш учун ҳеч қандай хужжати йўқ, тутишса, Туркистон легионида бўлгани, курсларда ўқигани фош бўлиши турган гап эди. Масъуднинг эшитишича, ҳозирги Германия икки минтақага бўлинган: Фарбий ва Шарқий зоналар. Фарбийси Англия-Америка, Шарқийси Советлар назоратида. Масъуд яшаётган ер Фарбий зонага кирармиш, асир, қочоқ ва кўнгиллилар қўлга тушса, русларга топшириш шартмиш. Демак, тафтишлар бошланса, ҳойнаҳой Масъуд илинади, Совет отиб ташлайди. Масъуд ўзи кўрган: мажбурий равишда асирга тушган бугун бир ротани отиб ташлашган. Масъуд ақалли асир ҳам эмас — қочоқ, кўнгилли, Совет кўшинларига қарши жанг олиб бориш мақсадида курсларда ўқиган — аяшмайди. Англия-Америка учун Масъуд керак эмас, конвенция бўйича албатта Советларга қайтарилади, Советлар ишғол қилган жойлардаги Фарбий асирларни Англия-Америка ихтиёрига топширишади. Масъуднинг қисмати аниқ. Бугун бўлмаса, эртага қўлга тушади. Инспекция бошланиши муқаррар. Қолаверса бу ердагилар учун барча нонемис ирқлар — душман, ёв, асирми, кўнгиллими — қатъи назар, фарқи йўқ, «Untermenschen» дейишади, яъни — чала одамлар дегани. Улар Германия ерларини булғамасликлари керак. Масъуд ўзини турк атагани учун унга тоқат қилишяпти, чунки Туркия урушга аралашмаган бўлса-да, Германия томонида бўлган. Агар Масъуд Ўрта Осиёдан чиққанини билиб қолишса, Германияга қарши урушга қатнашганини билса, икки фарзанди халок бўлган Отто Масъудни дарҳол назоратчиларга топширади. Нега ўшанда Масъуд немис учувчисини қутқариб чикди, орқасига қайрилиб кетса, ўз батальонига етиб олар, қўшин билан Берлинга голиб сифатида кирар, шунча маломат бошига тушмас эди. Тошкентга хат-пат ёза олмаса, улар ҳойнаҳой Масъудни ўлдига чиқаришган, ном-нишонсиз бўлиб кетганига бир йил тўлай деб қолди. Уларни кўриш насиб қилармикин? Масъуд саволига жавоб топа олмади.

Бир куни пичан ўримида Отто Маер Масъудни гапга солди. Отто Маер яхши одам бўлишига қарамай, Масъуд

ўзини ўзбеклигини айтмади. Немиснинг муносабати ўзгариши мумкинлигидан ҳайиқди.

— Ватаниннга қайтиш ниятинг борми? — деди Отто.

— Бор, албатта, — деди Масъуд ва ҳайдади, деб хадиксиради. — Қўлга тушсам, нима бўлади? Туркия Германия билан битта блокда.

— Битта блокда бўлса нима қилипти, сен жангда катнашмагансан, айбинг нима?

— Исбот қила олмайман, хужжат йўқ, — деди Масъуд ўкиниб, бироқ йигитнинг важи немисни қониқтирмади. Масъуднинг ўзи ҳам бу ерларда қолиб кетишни мўлжалламас, қулай пайт кутар, унақа пайт қачон келишини ўзи ҳам билмас, борган сайин назорат тадбири кучаяр, оккупацион тартиб ўрнатила бошлаган эди. Ўн километр наридаги шаҳарчада янги Burgermeister, яъни ҳоким тайинланипти. Яқин-орада бу ерларда ҳам назорат ўрнатилади. Масъудни репатриант сифатида чегарадан чиқариб юборишса — ҳай, Туркия томон жилади, аммо легион аъзосилиги очилса — тамом, иш пачава бўлади. Айниқса Гитлер тарғиботчилари энг нуфузли, мутлақ деб таърифлаган Германия урушда тор-мор бўлиши халқни чуқур саросимага солган, кўпчилик аламзада, ҳаммага кек билан қарашар ва шунинг билан бирга бошқа, ёт тузум измига қарам бўлиб қолишдан чўчишар, нацистлар қилган ёвузликлари учун жавобгар бўлишдан, интиқомдан хавфсирашар эди. Шундай вазиятда Отто Маернинг Масъудга кўрсатган муруввати жасоратдек туюлар, Масъуд ҳайиқмай бошпана берган фермернинг дилини оғритиб қўйишдан ҳам кўрқар эди. Масъуд кетаман, деса, балки эътироз билдирмас ҳам, қайтага қалтис вазиятдан қутулганига хурсанд ҳам бўлар, бироқ ким билади дилида нима борлигини.

Масъуд Тошкентда ўтган пайтини мароқ билан эслайди, хотирот ҳеч қўйиб юбормайди, Масъуд ширин ва аччиқ хаёллар асирига айланган. Нима иш қилмасин, жисми-жони ўша ёқда, ватани жозибали ва энг муқаддас кўринади: ота-онаси, дўстлари ва Захро кўз ўнгида пайдо бўлаверади, эс-хушини қамрагани-қамраган. Шундай тинч, тўқис ҳаёти, ойдек гўзал суюқлиси қаёқда? Наҳот ҳаммаси барбод бўлди? Нега урушга жўнатинглар, деб қисталанг қилди? Натижада ўз оёғи билан немислар қўлига тушди, душман формасини кийиб, фашистлар ташвиқотига учди, ватанини большевиклар истибдодидан озод қилиш пайига тушди, «Туркистон қўмитаси» аъзоларининг эътиқодини тан олди, кўзи очилгандай бўлди. Агар немислар ғалаба қозонишса, қанча ватандошларини қамоқ-сургунларда чиритган ман-

фур тузум қулар, фуқаролар озод нафас олишар, одил идора ўрнатилган бўлар, ўз юртини ўзлари бошқаришар эди. Ҳаммаси орзулигича қолди, энди ватани яна Кремль ундовига қараб яшайди, яна гумон, шубҳа, айғоқчилик, ғаламислик бошланади, одамлар ҳадиқда кун кечиришади. Энди Масъуд диёрига қадам ҳам боса олмайди, хоин ва мискин. Тамом. Бу ерда ҳам қувғин. Ҳеч кимга керак эмас. Ватангадо. Энди ялиниб, ҳақир яшашга мажбур. Наҳот, агар омон қолса, ҳаёти бир умр мусофирликда ўтади?

Куз охирлаб, кечалари совуқ бўла бошлади. Ҳар қанча ўранмасин, Масъуд дийдирайдиган ва сахар пайтлари ўз вақтида тура олмайдиган бўлиб қолди. Отто Масъудни асосий биносининг «флигель» деб аталадиган иккинчи қаватдаги кичик бир хонасига ўтказди. Деразаси биттагина бу хона, печка ёқилмаган бўлса-да, ҳар қалай совуқ эмас, бир қаравотли шинам хона эди. Шу хона «флигель» дейилишини Масъуд кўчиб чиққач билди. Масъуд шу пайтгача бу бино ичига кирмаган, нечта хонаси бор, нима қаёқда эканлигини ҳам билмас, умуман бу бинога кириш Масъудга ман қилинган эди. Янги хонага кўчиб ўтгач, хўжайинининг нияти пок эканига, у йигитга кўпроқ ишона бошлаганига Масъуд иқрор бўлди. Бироқ бу хонага кундуз кунлари кириш мумкин эмас, фақат ётишга чиқиши, чирокни бир соатдан ошиқ ёқиб ўтирмаслиги керак эди. Шунгаям шукр, деди Масъуд ичида, бинобарин эрталабки нонуштасини эшик ортидаги курсига қўйиб, фрау Элиза эшикни икки марта қоқади, кўзи кетиб қолган бўлса-да, Масъуд дик этиб туради, нонуштани патниси билан олиб, 15—20 минут ичида еб бўлади, юмушга ошиқади.

Отто Маернинг ер майдони йигирма беш гектардан иборат. Велосипедда айланиб чиқиш учун бир соат вақт етмайди. Лекин майдон ҳеч нима билан тўсилмаган, қўшни участка билан туташган жойда йўл ўтган, шу йўл чегара хисобланади, бировнинг моли бу ёққа ўтмайди, ернинг бир этагидан ўрмон бор, ерга асосан буғдой экилади, боғи ҳам бор. Олма, нок, олча, гилос яна турли мева ва сабзавот маҳсулоти — картошка, пиёз, сабзи, помидор, лавлаги, ошқовок, гармдори ўзидан чиқади, ҳаммаси сараланиб омборларга тақсимланади, буғдойнинг кўп қисми элеваторга топширилади. Бу ерда фақат тўртта от бор, фермер кўз остида бўлишини истайди. Мол, чўчка, парранда учинчи зонада сақланади, уларга қарайдиган-боқадиган одамлар ҳам, сутни қайта ишлаш, товук сўйиш, чўчка этини дудлаш цехлари бор, ҳамма ўз вазифасини билиб бажаради, ҳар кун эрталаб фермадан сут, катик, қаймоқ келтирилади.

Асосий маҳсулот контрибуция шартига биноан галаба қозонган мамлакат хисобига ўтказилади. Шунинг учун Отто Маернинг даромади йўқ деса бўлади. Отто Маер хўжайинман, деб қараб ўтирмайди, ўзи ҳам ҳамма қатори ишлайверади. Бу ердаги уйига, хатто хизматчи ҳам олинмаган, оила фақат эр-хотиндан иборат бўлгани туфайли иш ҳам у қадар кўп эмас, фрау Элиза эплайди.

— Котиб билан гаплашдим, — деди бир куни Отто Маер Масъудга. — Яшаш учун рухсатнома беради. Инспекция келса, кўрсатасан. Сенга тегишмайди.

— Данке, — деди Масъуд тетик тортиб.

— Уч кундан кейин борасан, — деди Отто ташаккурни эшитмагандек. — Сухбатлашади, расмий хужжат беради.

Бир ҳафтадан кейин, туриб қолмаслиги учун, Масъуд отларни ташқарига чиқарди, эгар урмай, яйдоқ миниб, «оёқ-туёқларини ёза» бошлади. Совун билан ювиб қашланган араб зотли арғумоқларнинг бири қора, бири оқ, яна бири холдор, тўртинчиси кулранг, қайроқдек силлик, оёқлари хипча, ёллари ўрилган, думлари қирқилган бўлиб, бир жойда турмас, тисарилар, пишқирар, учишга тайёр эдилар.

Бино муюлишидан Отто Маер кўриниб, Масъудни имлади. Масъуд отнинг юганини қозикқа боғлаб, Маер томон чопди.

— Фамилиянг нима? — сўради Отто Маер.

Масъуднинг юраги шувиллаб кетди.

— Мурод ўғли Масъуд, — деди Масъуд «Муродов», деб юборишига сал қолиб. «Мурод ўғли» дейиши кераклигини Масъуд доим ёдида сақлар, туркча атама уни фалокатдан сақлаши мумкин эди.

— Сени бир одам сўраяпти.

— Инспектори? — деди Масъуд ҳадиксираб. — Хужжат олдим-ку, ишкалим йўқ.

— Инспекторга ўхшамайди, — деди Отто Маер. — Юр. Ўзинг гаплашасан. Мен бериюқда бўламан, керак бўлсам қақирасан.

Улар бино айланишиб, сахнга чиқишди.

Тўсиқ нарёғида каска ва чарм куртка кийган нотаниш киши мотоциклининг кажавасида перчаткасини ўйнаб ўтирар эди. Масъудни кўриб, ўрнидан кўзгалди.

— Гутен таг, — деди нотаниш киши биринчи бўлиб.

— Гутен таг, — дея Масъуд саросимада алик қайтарди, ёғоч тўсиқдан ўтмади.

— Агар аdashсам, кечирасиз, — деди нотаниш киши жилмайиб.

— Марҳамат, — деди Масъуд ҳамон вазиятни тушунмай.

— Мен бир одамни қидиряпман, — деди нотаниш киши, негадир ўсалланиб. — Сиз туркмисиз?

— Ҳа.

— Мен шарқий бўлимдагилардан суриштирувдим, кочган дейишди, лекин номини беришди.

— Номи нима экан? — талмовсираб сўради Масъуд.

— Муродов, — деди нотаниш киши ва унинг нима-сидир Масъудга таниш туюлди. Фамилиясини эшитиб, Масъуднинг юраги қалтирай бошлади. — Уч ойдан бери қидираман. Сиз турк бўлсангиз, бу гал ҳам омадим келмади.

— Омадим? Қанақа омадингиз? Муродовдан қанақа хусуматингиз бор?

— Хусуматим йўқ, аксинча, — деди нотаниш киши. — Ўша йигит мени ўлимдан сақлаб қолган эди. Ўзи совет офицери эди. Ҳозир яхши эслай олмайман, ўшанда хушсиз эдим, элас-элас ёдимда. Лекин ўша йигитга ўхшаб кетяпсиз. Ҳақиқатда туркмисиз ёки...

Масъуднинг ичи алғов-далғов бўлиб кетди.

— Курт!

— Я, я! Курт!

— Муродов менман!

— Муродов! Гут! Зэр гут! Мен Курт! Учувчи! Ўрмон! Паришют! Кантузия!

Улар тўсиқ ходаси орқали бир-бирларини қучоқлай бошлашди.

Отто Маер наридан буларни кузатар, ҳеч нарсани тушунмас, фақат «дўстлар топишишди, чоғи» деб тахмин қилар, бу ҳам севинар, тезроқ уларга яқинлашиб, тафсилотларини билгиси келар эди.

— Мен турк, хужжатим бор, ўзбеклигимни айтманг, — деди Масъуд Куртга. — Мурод ўғли Масъудман.

— Бўпти, айтмайман, хаётинг қандай? — дея Курт «сен»га ўтди.

— Яхши, фақат инспекциядан кўрқаман, — деди Масъуд.

— Ҳозир ҳаммамиз кўрқамиз, — деди Курт. — Агар хоҳласанг, уйимга олиб кетаман. Сен менга азизсан, ўлимдан сақлаб қолгансан. Энди учратишга умидим қолмовди, ахир топдим. Омад.

— Отто Маер, хўжайиним, — дея Масъуд тамаки чекиб ўтирган фермер томон қараб олди. — Бошпана берди, хайдамади, тузини ичдим, ўқинмасмикин?

— Олдидан ўтамиз албатта, — деди Курт. — Розилигини оламиз. Ўзинг нима дейсан, мен билан кетишга кўнасанми?

— Менга нима? Қатга борсам — битбилдиқ. Отто кадрдон бўлиб қолди-да. Юрагим дош берармикин?

— Бу ерда малайсан, бизникига борсанг, тенг бўласан, — деди Курт. — Агар оёғинг тортмаса, майли, зўрламайман. Омон-эсон экансан бас. Борди-келди қилиб турамиз. Энди барибир юртингга қайта олмайсан, отиласан. Бу ерда илиниб қолишни ўйлаш керак. Замон ўзгарса, бир йўриғи чиқар.

Иккита нотаниш одам иноқлашиб кетганини кўрган Отто Маер ўрнидан жилиб улар томон кела бошлади.

Германия тор-мор бўлгач, ягона душман фашизмга қарши урушда бирлашган Англия-Америка ва Совет Иттифоқи орасидаги ҳамжиҳатлик тез орада совий бошлади, бир-бирига зид икки тузум — империализм ва социализм чиқиша олмай қолди, оқибатда ягона Германия иккига бўлинди: Федератив Германия ва Социал-демократик Германия. Биринчиси Англия-Америка таъсирида қолди, иккинчиси Советлар назоратига ўтди. Чегара ҳосил бўлди, ҳатто Берлиннинг ўртасида битта миллатни чўрт бўлиб, метин девор қурилди, баъзи оилалар ажралишиб, деворнинг икки томонида қолишди. Бу «тинчликни» ҳарбий қисмлар кузатар, алоқалар узилган, ота-она болаларини, болалари ота-оналарини кўра олмайдиган бўлиб қолишди, ҳатто икки «қўшни» орасида ёвуз тарғибот юритила бошлади, кечаги ака бугун укасига нисбатан низо билан қараши шартга айланди. Битта аҳил миллат ғарбий ва шарқий деган атамаларга бўлинди.

Масъуд Ғарбда қолди. Унинг учун бу омад эди, акс ҳолда йигитни хоин тамғаси билан аллақачон қамашган, ҳатто отиб ташлашган бўлишар эди. Ўшанда Куртнинг таклифини қабул қилиб, икки юз километр узоқликдаги шаҳарчага кўчгани маъқул чиқди. Масъуд Федератив Германия фуқаролигини олди. Энди баравар ҳуқуққа эга.

Отто Маер қўлида орттирган тажрибаси асқатди. Куртнинг бир неча устахоналари — велосипед йиғиш, газ плиталари ишлаб чиқиш цехлари бўлиб, бирига Масъуд бригадир қилиб тайинланди, малакаси ошгач, бошлиқ лавозими топширилди. Бу Масъуднинг алоҳида қобилияти учунгина эмас, ярадорлик пайтида оро киргани учун Куртнинг Масъудга нисбатан қилган мурувватининг ифодаси бўлиб, Масъуд албатта бу хотамликни англар, кадрлар, шу илтифотга яраша муносиб бўлишга —

Куртнинг ихлосини қолдирмасликка уринар эди. Масъуд эндиликда нафақат шерик, маълум маънода қариндош ҳам эди. Немис тилини тузуккина ўрганган Масъуд аввалгидек мулоқотдан ийманмас, суҳбатни қоқилмай олиб борар, умуман ёқимтой йигит эди, Куртнинг оиласига киришиб кетди. Бу кош-кўзлари ўткир, буғдойранг йигит Куртнинг қизи Сусаннага бошқачароқ кўринди, эътиборини эгаллай бошлади. Сусанна Масъуд билан велосипед миниб, узокларга кетиб қолишар, майсазорларда тамадди қилишар, дарё бўйида чалқанча ётишар, Масъуд Сусаннани опичлаб, диконглар, хўп кулишар, чарчаб-ҳориб қайтишар, Курт уларга жилмайиб боқар, фақат хотинининг гаши келар эди. Унинг учун қанақадир осийлик, ирқи паст йигитчага қизининг илакишиши ғайритабиий туюлар, қизини қизғанар, унга қолса йигит қизидан узокроқ яшагани маъқул эди. Масъуд битта бинода яшаши Кэтринга ғализ туюлар, Сусанна билан Масъуднинг иноклиги чакки яқунланишидан хавфсирар, Куртга ёзғирар, Курт эса ҳар галги важини — йигит уни ўлимдан сақлаб қолганини рўкач қилар, Кэтринни кўникишга, умуман муносабатини ўзгартиришга даъват қилар, ҳатто шу масала сабабли эр-хотин айтишиб қолишлари, ораларига совуқлик тушишини таъкидлар, Масъуд ҳам бизга ўхшаган одам, миллати тўғанок эмас, қизимиз кўнгил қўйгани гуноҳ эмас, дер эди.

— Келиб-келиб қизимизнинг ишқи манғўлга тушади-ми? — дея, фрау Кэтрин эътироз билдирар эди.

— Манғўл — одаммасми? — эътирозга эътироз билан жавоб берарди Курт. — Аввало у ўзбек. Маданияти биланд халқ. Ўзинг кўраёпсан-ку, қанақа ахлоқли, ёқимтой йигит.

— Хатна қилдирилган экан, Сусанна тўғса, боласи ким бўлади, немисми, ўзбекми? Ўғил бўлса, у ҳам кестириладими, жугутга ўхшаб?

— Э, шу ҳам муаммоми? Неваранг антиқа бўлади.

Масъуд Куртнинг ҳимматини суистеъмол қилишдан ўзини тияр, қулай вазият тувилганида ҳам Сусаннага ёпишмас, бусиз ҳам онасининг ётсирашини баттарлаштиришни истамас, қалтис ҳаракатдан ўзини сақлар, ҳатто кўнгилсиз можаро чикмай туриб, қиз билан умуман кўришмасликка ҳам тайёр эди. Тузини еб, тузлиғига тупуришдек ноҳўя тадбир чиқишидан чўчир эди. Масъуднинг айнан шу ахлоқи фрау Кэтриннинг юрагини эритди. Қиз билан йигит орасидаги мудомлик сустлашмаса-да, Сусанна аввалгидек иболи, бу ибо ҳеч қандай ўзгаришга йўлиқмай келар, ғарбий киши учун ақл бовар қилмайдиган

мумтоз фазилат эди. Лекин Масъудга бу камтарлик табиий кўринар, суллоҳлик хаёлига ҳам келмас эди.

— Сусанна, — деди бир куни фрау Кэтрин, қизини ёлғиз топиб, — Масъуд ҳаддидан ошмаяптими?

— Нима демоқчисан?

— Тушуниб турибсан, ёш бола эмассан, қизим, — деди фрау Кэтрин, ниятини очиқ ифода қилишдан ийманиб.

— Худбин эмаслигини биласан-ку, мама, — деди Сусанна ва фрау Кэтрин қизининг овозида қандайдир афсусга ўхшаган аломатни сизди. — Кўрқадими, тортинадими — билмадим. Хиралик қилмайди.

— Яхши-да, қизим.

— Қайдам, жуда эҳтиётли, валати туюлади.

— Туюлмасин, ўзини тийган одамга ишонса бўлади.

— Қачонгача ўзини тияди? — очикдан-очиқ сўради Сусанна.

Фрау Кэтрин учун энг оғир савол шу эди. Агар, «Никоҳ бўлсин, кейин», деса, иккала ёшнинг уйланишига розилик бергани бўлади, индамаса, ношаръий алоқага йўл қўйган чиқади, икковини инкор қилса, ювош куёвдан юз ўгиргани аён бўлади.

Ҳамма қизлар бир кунмас-бир кун хотин бўлишади, фарзанд кўришади, бу табиий ҳол. Бироқ фрау Кэтринни мулзам қилган бошқа масала ҳам бор. Агар қизи ўзбекка тегса, одамлар бунга қандай қарайди? Куёв бошқа ирқли бўлишидан ташқари, душман томонида немисларга қарши жанг қилган, ўқ отган, унинг ўқлари балки ўғилларига теккандир. Бу тахмин албатта, лекин Масъуд душман томонидан ўтгани сир эмас-ку. Ўша битта ўқ ўғлига теккан бўлса-чи? Демак, Сусанна акаларини ўлдирган қотилга тегадими?

Фрау Кэтрин шу мулоҳазаларини эрига айтди.

— Ўғилларимиз ҳалок бўлганида, Масъуд мактабда эди, — деди Курт. — Уруш тугашига ярим йил қолганида фронтга юборилган. Битта ҳам ўқ отмаган. Курьерлик қилган. Шу йигит бўлмаганида, мен аллақачон ўлиб кетган бўлар эдим. Шу йигит кутқарди, елкасида ўрмондан олиб чиқди. Сен уни «қотил» дейсан. Эшитса, нима бўлади? Ўйладингми, неча марта сенга айтдим. Уч йил қидирдим. Ўзинг яхши биласан-ку.

— Бўлмаса, никоҳдан ўта қолишсин, — деди фрау Кэтрин бўшашиб. — Чатоқ иш қилиб қўйишмасин. Никоҳга келин қорни билан борса, иснод бўлади.

— Бу бошқа гап, — деди Курт мамнун ҳолда. — Тўй қиламиз. Ҳам куёвимиз, ҳам ўғлимиз бўлади. Соф йигит. Куёв шунчалик бўлади.

Бу суҳбатдан Масъуднинг хабари бўлмаса-да, Курт ҳам, фрау Кэтрин ҳам ёшлар орасида иноқлик борлигини сезмай иложлари йўқлигини Масъуд фараз қилар, шу билан бирга ошиқлик даври чексиз давом этиши ҳам мумкин эмаслигини англаб, алоқалари нима биландир яқунланиши кераклигини ўйлар эди. Масъуд ҳеч қачон «қизингизга уйланмоқчиман», дея олмайди, албатта. Шунча мурувват кўриб, қизига ҳам харидор бўлиш андишасизликдек туюлар, гап улар томонидан чиқишига умид боғлар, «у томон» эса гап солишга орийат қилар, ташаббусни Масъуддан кутишар эди.

— Гап никоҳга тақалса, — дейди фрау Кэтрин, — қандай кечади? Ўйладингми?

— Нимасини ўйлашим керак? — деди Курт тушунмай. — Никоҳ-никоҳ-да.

— Масъуд мусулмон, Сусанна христиан, қанақа жойда никоҳ ўқилади? Черковдами, мачитдами? Черковда ўқилса, куёв ўз динидан бу динга ўтиши, мачитда ўқилса, Сусанна мусулмонликни қабул қилиши керак.

— Нима қиласан «черков», «мачит», деб миянгни котириб?

Бу ҳақиқатда ишқал ва қалтис масала бўлгани боис, 1875 йилда бирмунча демократик туюлган «Standesamt» декларацияси қабул қилинган, бу декларацияга кўра уйланишга қарор қилган томонлар қайд қилиш маросимларини черковдагина ўтказмай, никоҳ расмиятчилигини фуқаро маҳкамалари орқали қонунлаштиришлари ҳам мумкин эди. Расмий ҳужжат иккала томон манфаатини баравар ҳимоя қилар, шу Standesamt маъмурияти қарори билан ажралиш тартиби ҳам тасдиқланар эди. Амалда эса черковда никоҳ ўқитиш тантаналироқ кўринар, тақводор оилалар черковни афзалроқ кўрар эдилар. Кэтрин билан Курт ҳам черков никоҳидан ўтишган. Фрау Кэтрин тақводорроқ бўлгани учун у фуқаро никоҳини авомга муносиброқ деб ўйлар, унга қолса, муқаддас ва сирли черков маросими маъқул эди. Бироқ, иложи қанча, «шамол елканнинг хоҳишига қараб елмайди», деганларидек, кўнишга мажбур.

8

У кезлар колхоз аъзоларига, қочиб кетмаслиги учун паспорт берилмас, нари-беридаги қариндошлари тўй маросимларига бориб келишга колхозчилар маълум муддатга расмий ижозат олишлари керак эди. Биронта оила бошқа жойга кўчиб кетиши одатдан нари, иложсиз тадбир бўлиб,

Фуломжон ҳам шу тўғанокқа дуч келди. Қаюмжон колхозга раислик пайтида Фуломжон ўн тўққиз яшар йигит, звено бошлиғи бўлиб ишлар, Қаюмжонга орқа кўшни эди, янги раисни хурмат қилар эди. Сотиладиган ҳовлиси Қаюмжон билан Ойнисага тегишини эшитиб, бўлак харидорларни йўлатмади, бироқ колхоздан чиқиб кетиши мушкул бўлди. Паспортсиз бошқа ёққа кўчишнинг иложи йўқ эди, лекин ҳеч ким, айниқса милиция ходимлари паспорт бериш ҳақида ариза қабул қилишмас, Фуломжон боши берк кўчага кириб қолгандек, хуноб бўлар, тайин бир қарорга кела олмас, Ўшдаги ҳовли эгасиз ётар, талон-торож бўлиб кетиши мумкин эди.

— Ақалли бориб сотиб келай, боғи бор, мол кирса, пайхон қилади, — деди Фуломжон район паспорт бўлимининг мудирига.

— Колхоз раисидан рухсат олиб келинг, ўшанга қараб ҳужжат берамиз, бориб келасиз, — деди мудир.

Фуломжон рухсат олиш учун қишлоғига қайтиб келди. Фуломжон Ўшдаги жойни сотиш нияти йўқ, мақсади колхоздан қутулиш, эркин яшаб, кўнглига қулай машғулот билан шуғулланиш, тўғрироғи — завод ё фабрикага кириб, малакали касб орттириш эди, шунинг учун ўз жойини сотиш мўлжалини Тўракул аканинг ўрнига тайинланган аёл раисдан яширмади.

— Қурилмалар сизники, — деди раис аёл Мўминова, — уйни олган оила аъзолари колхозда ишлашлари шарт, чунки ер жамоаники. Кимга сотмоқчисиз? Харидор борми?

— Фаизов домла харидор. Улар Қаюмжон аканинг жойида туришибди. Қаюмжон ака Ойниса опа билан келишса, уйсиз қолишади.

— Биламан, хабарим бор, — деди Мўминова. — Лекин паспорт бериш менинг ихтиёримда эмас. Унинг учун колхоз аъзолигидан чиқишингиз керак. Амалда бу мумкин эмас. Дадангиз уруш қатнашчиси, ногирон, медаллари бор. Соғлиқлари учун хаво алмаштириш шарт, деб, врачдан қороз олинг. Ўша ҳужжат билан кўчишинглар ҳам, паспорт олишинглар ҳам мумкин. Маслаҳатим шу.

— Ростдан ҳам дадам бўлма-ку, нафас олиши қийин. Балки Ўшнинг иқлими тузукдир, — деди Фуломжон суюниб, — фойда қилар. Раҳмат, опа, шу фикр миямга келмаган экан-а. Бу важ эмас, ҳақиқат-ку.

Фаизов домла бир йиллик бузоғини қолдириб, молини сотди, Земфира хонимнинг тақинчоқларини пуллади, Фуломжоннинг кунга тескари уйини олди, ҳовлидан ҳовлига дарча очди, жойни эпаккага келтиришга тушди.

Ойнисадан келган хатнинг ичидан фотосурат чикди: озгин Қаюмжон билан Ойнисанинг ўртасида кенжа Қаюмжон ўтирар, Алижон била Жамилага бу бола мутлақо нотаниш, ота-онаси ҳам бу ерда қолган расмларига унча ўхшамас, узоқ қариндошини эслатишар, Алижоннинг ҳам, Жамиланинг ҳам дили талпинар ва чўчир эди.

Улар қанақа экан? Рафтори, юриш-туриши, феъл-атвори, сўз-муомаласи буларга мос тушармикин? Эриш туюлмасмикин? Алижон билан Жамила Фаизов домла ва Земфира хоним тарбиясида ўсишди, шуларнинг изми болалар учун намуна бўлди, бошқасини тасаввур қила олмайдилар ҳам, даб-дурустдан бўлакча тарзга ўтиш қандай кечар экан?

Земфира хоним охирги пайтда Алижонга: «Унақа қилма, даданга ёкмайди», Жамилага: «Мунақа дема, онанг хафа бўлади», деб иккала ака-сингилни келажак учрашувга тайёрлаб келаяпти. Земфира хонимнинг бундай лукмасида қандайдир болаларни ўзидан нарироқ суриш, «Энди бизнинг бурчимиз тугади», «Сизлар бегонасизлар», деган шаъма-ишора бордек туюлар, иккаловининг юраги андак араз тортиб, иккалови аслида ёт эканини идрок билан англашса-да, туйғулари қакшар, маълум даражада тафовут туша бошлаганини пайқашар, бу тафовут ўз ота-онаси туфайли келиб чиқаётганидан, улар ҳали келмай туриб, болаларида гашликка ўхшаш ҳолат уйғотар эдилар, агар улар пайдо бўлишмаса, булар орасига таҳлика тушмаслиги мумкиндек туюлар эди. Бу нарсалар ҳақида Алижон кўпроқ ўйлар, ўйлаб ўйига ета олмас, ҳатто янги жой олингани ҳам асосий муаммони еча олмайдигандек кўринар, бир томондан ўз отаси, ўгай бўлса-да, онаси келишини интиқлик билан кутар, иккинчи томондан улар келгач, албатта бирон чалкашлик содир бўлишини сезар, саккиз йиллик ажралиш ҳосил қилган унут ўрнини бирдамлик эгаллашига кўзи етмас эди. Алижон қалтисликка сабаб бўлмаслик учун ҳатто Андижондаги бирон техникумга бориб ўқишни ҳам чамалаб кўрди, бироқ Алижон еттинчи синфни энди бошлади, бир йил ўқиши керак, унгача ота-онаси келиб улгуради, Алижон истиҳола қилган вазият, албатта содир бўлади, ота-онасининг дилини ўртамай, тезроқ бирон томонга гумдон бўлгани маъқул эмасми?

Алижон шу ҳадиғини Жамилага очиш ниятида оғиз жуфтлади, лекин Жамила Зарема билан ҳеч ажралмас, Алижон синглисини холи топа олмас эди. Ниҳоят бир куни Алижон тиззасигача лойда туриб сомон аралаштираётганида Жамила нариги ҳовлидан айрон олиб чикди. Алижон лойдан

чиқмай айрон симирди ва эшик томон бир қараб олиб, гапини синглисига айтди.

— Она-отамиз-ку, нима қиласан уларнинг дилига ғашлик солиб? — деди Жамила. — Улар ўз хоҳиши билан сургунга кетишмаган-ку. Бу ёққа қайтиб, яна қийналишсинми? Сен-ку, дадангни танийсан, эсингда, мен онамни мутлақо унутганман. Мен қандай уларга илакишаман? Қонимиз битта, шунинг учун онамга талпинаман. Талпинишим керак, деб ўйлайман.

Синглисининг гапи Алижонга далда бўлди, аввалги тахмин-гумонлари у қадар хавфли кўринмай қолди.

9

Чилла чиққанига қарамай кундуз кунлари анчагина иссиқ бўлар, фақат кечалари салқин тушар, ўт-ўланни шудринг босар, Муқаддаснинг яхши кўрган фасли эди.

Муқаддас биринчи ташрифидан кейин Зоҳидни йўқлаш учун Чиноздаги қамоқхонага келиши маълум даражада одатга айланиб қолди. Ҳар икки ойда Муқаддас келиб Зоҳид билан ярим соатча гаплашиб кетар, Зоҳид ҳам бу ташрифларга ўрганиб қолган, муддат бир ойдан ортса, кўзи кўчада бўлар эди. Паркатдаги отаси тўрт йил бурун қазо қилган, бева онаси Зоҳид қамалган томонларни билмас, кела олмас, иккита узатилган синглиси болаларидан ортмас эди. Битта илинжиси Муқаддасдан, унинг бу ёққа келиши бежиз эмаслигини Зоҳид пайкай бошлаган эди. Учрашувларнинг бирида улар сим панжара орқали хайрлашар эканлар, Зоҳид Муқаддаснинг сим чангаллаган бармоқларига лабини босиб ўпди. Муқаддас ловуллаб кетди, ажралгиси келмади. Бироқ учрашув муддати тугаган эди, соқчи Зоҳидни олиб кетди. Муқаддас сим панжара орқали Зоҳидга мўлтайиб қолди.

Бу гал Муқаддас қамоқ бошлиғи билан учрашди. Доим капитан формасида юрадиган қирқ ёшли бошлиқ бугун фуқаро кийимида бўлиб, кабинетга Муқаддас кирганида ўрнидан туриб кутиб олди. У ҳам Муқаддаснинг келиши бежиз эмаслигини сеза бошлаган, шунинг учун хайрихоҳлик қилишни савоб деб билар эди. Бироқ Муқаддас ўзининг амалидан фойдаланмади. Зоҳид учун имтиёз ёки шароитини қулайроқ қилишини сўрамади. Зоҳид эса ашаддий жиноятчи эмас, уни гаровга ҳам чиқариб юбориш мумкин, қутулиш муддатига бир йилдан кам вақт қолган, бундан баттарларига имтиёз қўллашяпти. Бошлиқ билади, ашаддийларга ҳар қанча илинманг, у озодликка чиққач, албатта яна жиноятга қўл уради, яна кесилади, яна шу панжара орасига қайтади.

Бунақалар кўп, капитан ҳаммани ёд билади, ҳатто муҳлати тугаб, қамокдан чиқиб кетаётган маҳбус хайрлашиш ўрнига: «Пока!» дейди, бу «тезда кўришамиз», дегани. Зоҳид унақалардан эмас, у фақат тойган, эътиқоди учун қамокқа тушган, аслида жиноятчи эмас. Одатда бошлиқ учун ҳамма маҳбуслар бир гўр, шунақа назар бор, бироқ капитан бирмунча идрокли киши, ёвузлик билан хатонинг фарқига боради. Шунинг учундир, Муқаддас Зоҳид учун бир кунлик таътил сураганида капитан ҳеч қанақа шарт қўймади, қондага хилоф бўлса-да, руҳсат берди, фақат «ичмасин», деди. Жавобгарлик қанақалигини Муқаддас адлия ходими сифатида ўзи яхши англашини капитан билади.

Зоҳидга ўзининг кийимини беришмади, у турма жомасида соқчи назоратида ташқарига чикди, куёшдан кўзини пана қилиб, атрофга аланглади: нарида турган «Москвич» енгил машинанинг эшиги очилди, машинада Муқаддас ўтирар эди, у қўл ишораси билан Зоҳидни чақирди. Соқчи Зоҳидни машина томон тўртди, Зоҳид соқчига раҳмат айтиб, машинага бориб ўтирди — у ажабланмас, қамок ходимлари уни огоҳлантиришган эди.

Зоҳид эшикни ёпиши биланоқ Муқаддас машинасини ҳайдаб кетди.

Улар ўн дақиқача индамай ўтиришди. Асфальт йўл камқатнов, ахён-ахёнда рўпарадан юк машинаси гувиллаб ўтар, йўлнинг икки четидаги пахтазор қорайиб-кўкариб кўринар, шоналардаги кўсақлар очила бошлаган, лўппа-лўппа мўралаб турар эди.

— Қаёққа кетаяпмиз? — деди Зоҳид тамаки қолдигини улоқтириб.

— Бошимиз оққан томонга, — деди Муқаддас ва тамаки хиди ёқмади чоғи, сумкасидан бир қути «Беломорканал» папиросини олиб, Зоҳидга тутди. Зоҳид парвосизгина қутини ён чўнтагига солиб қўйди.

— Бошим бошқа ёққа оғса-чи? — деди Зоҳид жиддий тусда.

— Мени қамашади, сизга муддат кўшишади, — деди Муқаддас ҳам жиддий тусда. — Қайтиб қамалишни истаган одам муҳлати тугай деганда қочади. Қочиб қаёққа ҳам борар эдингиз? Осмонга чиқсангиз оёғингиздан, ерга кирсангиз кулорингиздан тортишади.

— Қочмасликни битта йўли бор, — деди Зоҳид пичинг билан кулиб.

— Қанақа?

— Иккала томонни барабар қилиш керак, — деди дарҳол Зоҳид, гўё бу саволга аллақачон жавоб топиб қўйгандек.

— Фарқи катта, деб ўйлайсизми? — сўради Муқаддас.

— Катта эмас, шунинг учун — осон. Яна сал уринишса тамом, турма дарвозаларини очиб юбораверса ҳам бўлади.

— Келинг, яхши нарсаларни ўйлайлик, — деди Муқаддас. — Қаранг, осмон кўм-кўк, булутлар оппоқ.

— Маза қилиб нафас олар эканмиз-да, — деди Зоҳид истехзо билан кулиб. — Дефолиантнинг хиди димоққа яхши урапти.

Муқаддас Зоҳиднинг киноясига мийғида кулди.

— Ўрганиб қолдик, узокроққа кетсак, хумориси тутади.

— Шунинг учун миллий ифтихоримиз деймиз-да.

— Дефолиантними? — деди Зоҳид аввалги қиёфада. — Дарвоқе, селитра, дефолиант қаерда чиқади?

— Энди ўзимизда, — деди Муқаддас дарҳол. — Чирчик шаҳрида.

— Селитрани ҳам «миллий ифтихоримиз», десак бўладими?

— Бўлади, — деди Муқаддас ҳам жиддийлик билан. — Омон қолсак.

Муқаддас машинасини чапга шўнғиган йўлга бурди. Пастда дарё кўринди. Дарёнинг суви камайиб, ўртасида оролчалар пайдо бўлган, ғумай ўса бошлаган, бири сарик, бир хили кўм-кўк, дарахтлар ости ясси майсазор эди. Муқаддас суви тиниқ сойга айланиб қолган дарёнинг бўйига беш-олти қадам қолганда машинасини тўхтатди ва машинанинг орқа ўриндигидан адёл олиб, ташқарига чикди, дарахтлар соясига тўшади.

— Қойил, — деди Зоҳид машинадан чиқиб. — Тинч, сўлим. Дарё саёз, балиқлари кўриняпти. Қармоқ бўлса, тутиш мумкин.

— Қармоқ йўқ, гулхан ёқиш қўлингиздан келадими? — дея Муқаддас озука солинган тўрвани майсага қўйиб, нариги сохилга тикилди. Бутазор оралиғида полиз, экинзор кўринар, кунгабоқарлар буйруққа бўйсунгандек бир томонга юзларини тутиб туришар эди.

Зоҳид ёққан гулхан нарида гуриллай бошлади.

Муқаддас адёлга сочиқ ёйиб, қази, помидор, бодринг ва термос қўйди, нон ушатди, паррак-паррак қази кесди.

— Ўтиринг, тамадди қилайлик, кейин кабоб сихлаймиз, — деди Муқаддас термосдан чой қўйиб.

— Ў-хў! Зиёфат бўлар экан-да! — Зоҳид адёлнинг бир четига ўтирди.

— Нариги қирғоқда жўхори бор экан, думбулидан қа-

йириб келсангиз, чўгда пиширар эдик. Жўхори — жоним. Сиз-чи?

— Емишимиз шу эди, — деди Зоҳид ва нариги қирғоққа кўз ташлади. — Донини биз ердик, сўтаси молга қолар эди.

Муқаддас оёқларини адёл чети билан ёпди.

— Ўзим ўтар эдим-у, этагим хўл бўлади-да. Макка ўғирлаш маза.

— Сув белдан келади, мен ўтаман, — деди Зоҳид. — Эгаси тутиб олса-чи?

— Макка ўғирликка кирмайди, — деди Муқаддас Зоҳидга далда бериб.

— Кейин, тўрва бўшаса, айрига илиб, балиқ тутаман, — деди Зоҳид болалигини кўз олдига келтириб. — Машқини олганман.

— Битта тушса ҳам майли, сих ўтказиб, чўгда пиширамиз, — деди Муқаддас ва бошини буриб, гулханга қаради. — Гўштни сихлайлик, ҳозир чўғ тайёр бўлади.

— Сиз сихлаб туринг, мен нариги томонга ўтиб келаман, — деди Зоҳид ва жавоб кутмай, ечина бошлади.

Муқаддас ўрнидан кўзғалиб, гулханга чўп ташлади.

Труси билан майкада қолган Зоҳиднинг оёқлари рангсиз, кўкимтир, жуни яққол кўринар, тизза-тирсаклари этсиз, туртиб чиққан, панжаси чайир эди. Зоҳид шағалтошларни эҳтиёт босиб, сувга туша бошлади.

— Нега бу балиқларни ҳеч ким тутмайди? — деди у орқасига ўғирилмай. — Кўп экан. Йириги ҳам бор.

Муқаддас гулханнинг икки томонига тош теришга тушди, кейин жойига келиб, сирка-пиёзга ўлдирилган гўшт ва думба доналарини сихга ура бошлади, иши битгач, сув лабига бориб, қўлини ювди. Тиниқ сувда балиқлар кўринди. Келаси гал қармоқ олиб келиш керак, деб ўйлади ва нариги соҳилга тикилди. Зоҳид кўринмас, макка поялари тебранар эди, Муқаддас Зоҳидни бу ерга олиб чиқишини нимага йўяркин? Мундоқ қараганда, ёш, эрга тегиб чиққан, ўн яшар қизи бор жувоннинг бу амали, йигитнинг маҳбуслиги эътибори билан — қалтис, ҳатто ғализ кўринар, ҳар бир киши бу ҳаракатда йигитни ўзига оғдириш кўйи борлигини гумон қилиши мумкин эди. Шу жиҳатдан Муқаддаснинг бу қилмиши одоб доирасига хилофдек, бебурд кўринса-да, ўзини истакдан тия олмас, тийгиси келмас эди ҳам. Ишқни фақат эркак изҳор қилсин, деб ким айтган? — ўзига-ўзи далда бериб ўйлади Муқаддас, — аёл одаммасми? Аёл ҳам кўнглига қараса, нима бўпти? Агар бирон киши уйланмоқчи бўлса, аёл ҳа, йўқ, дейишга ҳаққи бор-ку. Демак, танлашга

хам ҳаққи бор. Нега энди танлаганига эришмаслиги керак? Албатта, эркак кейинчалик писанда қилиши мумкин, можаро чиқса, мени аврадинг, тузофингга туширдинг, дейиши ҳам эҳтимол. Нима қилипти? Қанақа оилалар бузилмайди! Кўнгил қолса, важ топилаверади.

Муқаддас сихларни кўрага қўйди, тутун бурқсий бошлади. Муқаддас ўгирилиб, сойга қаради. Бир қўлида жўхори попуқларини чангаллаб, иккинчи қўлида қанақадир бута ушлаб, Зоҳид тийғонмасликка уриниб, бели бўйи сув кечиб келар, мамнун кўринар эди. У қирроққа келгач, иккала қўлидаги «ўлжани» майсага ташлади. Муқаддас дарҳол жўхорининг пўстини шилиб, сихга ўтказа бошлади.

— Полиз бор экан, — дея Зоҳид кийинишга уринар, хўл оёғи шимида чалкашар, мувозанатини йўқотиб, кўкатга кулар, пишқирар, кулгили кўринар эди.

— Оҳ! Ҳиди зўр-ку! — деди Зоҳид кийиниб бўлгач, ясама хитоб билан.

— Ўн минут! — деди Муқаддас ҳам сунъий завқ билан. — Тайёр бўлади! Жўхоридан бошлаймиз.

— Ситиб кўрдим, — деди Зоҳид. — Думбули кам қолипти.

— Шу ҳам кифоя, — деди Муқаддас, бир кўнгли тўрвасидаги коньякни олиш истаги ҳам пайдо бўлди, бироқ, турма бошлигининг «ичмасин» деган огоҳигина эмас, йигитни ичириб, измига солиб олди, деган фисқдан ҳайқиди. Шишани кўрсатмади.

Зоҳид майсада ётган бутани қўлида айлантирди. Бутанинг барглари кўк, ёнғоқдек пуфаксимон қизил мевалари шода, ичида қирмизи сокқачалар кўринар эди.

— Бу қанақа ўсимлик, биласизми? — деди Зоҳид тик турган ҳолда бутани кўз-кўз қилиб.

— Томорқамизда ўсар эди, ҳозир ҳам бор, номини билмайман. Ангина бўлганида, кизимга берардим. Ичидаги дони ширин бўлади.

— Тўғри, — деди Зоҳид, арча безагини эслатувчи қизил пуфакчаларга тикилиб. — Одамлар «Парда арусак» дейишади. Яъни, «келинчак парда», дегани. Қаранг, пўсти харир пардадек, ичидаги қизил меваси маржонга ўхшайди, шуни келинчак, деб аташади.

— Ҳақиқатда. Шоирона ном, — деди Муқаддас ҳам, гўё биринчи марта кўраётгандек, пуфакчаларга тикилиб. — Табиатнинг зебо маҳсули. Ном ҳам ўзига мос: келинчак парда. Гўшанга.

Муқаддас болаларча завқ билан ўсимликка маҳлиё боқаётган Зоҳиддан кўзини олмай, ўйга толди. Арзимаган

нарсаларда гўзаллик топа билган Зоҳид ҳозир Муқаддасга бўлакча кўринди. Суд пайтида Муқаддаснинг «беш яшар қизингиз бор экан, нега ёш хотинингиз билан ажрашдингиз?» деган саволига Зоҳид «муросамиз келишмади», деган эди, шундай йигит хотинидан ажраши бежиз эмаслигини Муқаддас ўшандаёқ тушунган эди, энди бунга икром бўлди.

— Қизингиз ҳозир неча ёшда? — деди Муқаддас, тахминан ўзи билса-да, ажралиш сабабларига қизиқиб.

— Олти ёшда, — деди Зоҳид, тўсатдан бу мавзу очилишини нимага йўйишини билмай.

— Соғинасизми?

— Албатта, — деди Зоҳид, ўзига бепарво тус беришга уриниб.

— Кўриб турасизми?

— Онаси кўрсатмайди, — деди Зоҳид, гапга эътибор бермагандек. — Боғчасига бориб кўраман.

— Исми нима?

— Тамилла.

— Чиройликми?

— Чиройлик. Онасига ўхшайди.

— Онаси чиройлик экан, нега ажрашдингиз? — суҳбат мавзуи мавридсиз бўлса-да, Муқаддас шу пайтгача бу ҳақда оғиз очмагани учун, сўраб билгиси келди, ўзини тута олмади.

— Жавоб йўқ, ажрашдик-тамом, — деди Зоҳид кўнгилсиз воқеаларни титкилашни истамай.

— Кечирасиз, — дейишга мажбур бўлди Муқаддас.

— Макка чирсиллаяпти, — деди Зоҳид.

— Пишди, — деди Муқаддас ва ўрнидан кўзғалиб кўрадаги гўшт урилган сихларни ағдариб, қизарган думбулларни олиб келди. — Ушланг, — дея биттасини Зоҳидга тутди, иккинчисини ўзи ейишга киришди. — Қанча бўлмасин, ҳеч қачон жўхориға тўймас эдим. Тандирда ўзим пиширар эдим. Кўр юққан афтимиз доим қора бўлар эди.

Зоҳид жўхорини еб бўлиб, сўтасини сойга итқитди, қўлини майсага артди.

— Яна қолди, — дея Муқаддас Зоҳиднинг лаби атрофидаги қора доғни кўрсатди.

Зоҳид мункайиб, афти-лабини кўкатга ишқади.

Муқаддас қиқирлаб кулди ва ёнидаги сочиқни Зоҳидга ташлади. Зоҳид оғиз-бурнини артиб, сочиқни ёнига қўйди, термосдан чой қўйиб хўплади.

— Энди гал кабобга, — деди Муқаддас ва чала ёйилган маккани дастурхонга ташлаб, қўлини артди.

— Кабобга мен қарайман, — деди Зоҳид.

— Пишгандир, опкела қолинг.

Бу ер пастлик бўлгани учун ҳаммаёққа соя тушди, лекин қирғоқ тепасидаги дарахтларнинг сариқ-қизил барглари куёшда чайқалар, ловуллар, бошқа дунёга ўхшар эди.

Нариги соҳилда чанг кўринди, кейин пода бўлди, сигиркўй аралаш тўда пастга тушиб, сув ича бошлади, сигирлар тиззасигача сойда, қўй-қўзилар сув бўйида қолишди.

Зоҳид айрига тўрва илиб, сойга ботирди. Подадан қочган балиқлар галаси битта вужуддек бараварига бурилиб, нари кетишар, тўрға эътибор қилишмас эди.

Зоҳид нарирокка тош итқитди. Чўчиган балиқлар бу томон отилишди, Зоҳид эпчиллик билан айрини тортди — тўрвада бармоқдек келадиган балиқчадан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Зоҳид уни сувга ташлади. Балиқча пилдиллаб сузиб кетди. Зоҳид яна тўрва солди, папирос чекиб, кута бошлади.

Муқаддас жемперини кийиб, журнал варақлашга киришди... Кўзини очганида, кўланка қуюклашган, шунинг учундир, гулхан олови анча ёруғ кўринар, ҳатто балиқ пишириб ўтирган Зоҳиднинг сояси дарахт баргларида чайқалар эди.

Муқаддас апил-тапил ўзини эпакага келтириб, дастурхонни йиғиштира бошлади.

— Вақт неча бўлди? — деди у Зоҳид томонга қараб.

— Соатим йўқ, ҳали эрта, тепани қаранг, офтоб бор, — деди Зоҳид аччиқ тутундан кўзини ишқаб.

Муқаддаснинг ҳадиги пасаймади.

— Кетамиз, — деди у ва майсадаги адёлни тахлади.

— Балиқ-чи? Пишай деб қолди.

— Сизни соат олтидан кечикмай қайтараман, деганман.

Гулханни ўчиринг.

— Балиқни шерикларимга олиб бораман, — деди Зоҳид ва пақирчада сув келтириб, оловга сепди. Гулхан вашиллаб, оқ буғ қайтарди.

Зоҳид палахса барглardan юлиб келиб, пиширилган балиқларни ўради.

Улар катта йўлга чиқишганида, куёшнинг қизил баркаши тераклар ортидан кўринар, уч-тўртта пахта ортилган юк машиналари, ҳали қоронғи бўлмаса-да, фараларини ёқиб йўлдан ўтишар эди.

Муқаддас билан Зоҳид бора-боргунча бир сўз айтишмади. Зонага яқинлашиб қолишганда, Зоҳид:

— Кун яхши ўтди, раҳмат, — деди.

Муқаддас Зоҳидни турмада қолдириб, машинасини шаҳар томон ҳайдай кетди, ўтган кун лавҳалари кўз ўнги-

дан ўта бошлади. Муқаддаснинг қилмиши ғайриқонуний, хатарли эди. Лекин хавфи беҳуда чиқди. Зоҳид қочмади, ҳатто сойнинг нариги бетига ўтиб, қайтиб келди. Қочиш хаёлида ҳам йўқ эди — шундай сўлим, осуда, кабоб ҳиди таралган жойдан қочадими. Унинг устига, ўз машинасида келган жонон сой бўйида кутиб ўтирипти. Муқаддас Зоҳид томонидан дадилроқ муносабат бўлишини тахмин қилган ва бунга тайёр ҳам эди. Бинобарин шунақа бўлишини кутган ҳам эди. Зоҳиднинг юраги дов бермади. Ёки ўзини тийди, ботинмади. Ботиниш суллоҳлик нишонаси эди. Қайтага ўзини тутиши Муқаддас кўзида уни кўтарди, йигитнинг ахлоқи поклиги қизни бошқача ўйлашга ундади. Ва айни бир пайтда, унинг этагини маҳкамроқ ушлашга асос берди. Агар йигит ноҳўя иш тутса-да, ҳаракати ғализ туюлмас, ҳатто табиий кўринар эди. Нима қилипти, Муқаддас йигитни ўзи олиб келди, хилват жой топди, демак, режаси шунақа экан. Унинг устига Зоҳид неча пайтлардан бери аёлга яқинлашмаган, кучга тўлган ва энг муҳими — Муқаддасга бефарқ эмас эди. Аввалги гал бармоқларини ўпди-ку. Ўшанда кўзлари интиққа тўла эди.

Бироқ Муқаддас уйига дили хижил бўлиб кириб келди, тадбирида ноҳўялик, аллақандай ғубор бордек эди. Йигитнинг ўзи ташаббус кўрсатиши керак. Бунда қанақадир табиийлик бор. Хўроз кичкиргани маъкул. Аммо маҳбус-ку, қандай «кичкиради»?

Муқаддас дарвозани ўзи очиб, машинасини ичкарига қўйди. Замира холанинг доим эшиги очиқ хонасида қизи кўринди, Замира холанинг товуши эшитилди: қизи ёнғоқ мағзини асалга ботириб ер, энагаси ўтмишидан сўзлаб берар эди. Қизи энагаси билан иноқлиги Муқаддасга ёкса-да, рашки келгандек бўлди. Айб ўзимда, сахар кетаман, кеч қайтаман, қизим кун — уззукун кампир билан, иноқлашади-да. Хайриятки кампир бор, ғамим йўқ, ўйлади Муқаддас ва тўрвасидаги сихлардан кабоб қолдикларини суғуриб, итга ташлади, тўрвани қоқиб дарахт шохига илиб қўйди, ҳовли чироғини ёқди, хувиллаб ётган ҳовлига бир зумда файз кирди.

— Овқатингиз тандирда, иссик, олиб бораёми, ё бу ёққа кирасизми? — деди зинадан Замира хола.

— Тўқман, хола, — деди ўз уйига кетатуриб Муқаддас. — Мўрча ёқилганми?

— Ёқилган, иссик. Орқангизни ишқаб қўяман.

— Бўпти. Ярим соатдан кейин.

Муқаддас радио қўйиб, ойнали трюмо олдида ўтирди, ўзига узоқ тикилди. Бугунги сафари қайта-қайта кўз ўнгида

гавдаланар, тўрри-нотўрри иш тутганини билмас, бир кўнгли хурсанд, бир кўнгли хира эди. Барибир бориб келганидан афсус қилмади, қилмиши саёқ кўринмади.

10

Ҳали қирққа кирмаган Қаюмжон ёшига қараганда қари кўринар, хотинининг қарови билан бирмунча тетиклашган бўлса-да, тез толиқар, тинкаси қурир, боши айланар эди. Тамаки олгани бозорга ўтганида, силласи қуриб, ўтириб қолди. Уни кўрган бир кампир «старость не радость», деди. Наҳот шунчалик қари кўринаман, деб ўйлади Қаюмжон, дили зил кетиб, уйига аранг етиб бориб, ойнага боқди — ориқ юзига ажин югурган, уч кун қирилмаган соқоли уни баттар қари кўрсатар, қонсиз, сарғиш лаби қовжираган эди. Юртимга бориб жон берсам кошки, ният қилди Қаюмжон ва соқолини олиш учун устарасини ахтара бошлади. Ватанига етишиш насиб қилармикан? Қиш кириши билан ўқ теккан оёғи сирқирар, тушида ҳам лўқиллар, яна ҳассани эсига солар эди.

Қаюмжон баъзан лагердошлардан биронтасини учратиб қолади. Беш-ўн дақиқа пивохонада гаплашишади, сўраб ишташади. Кеча кўчада кўзи тиниб, ўтириб қолганида кимдир Қаюмжонни қўлтиғидан олди — озарбайжон киши эди. Усти юпун, тоймаслик учун қўлида сўйил бор эди. Олти йил бир лагерда бўлишган.

— Бирга чикдик-ку, нега юртингга кетмадинг? — деди Қаюмжон озарбайжон етагида четга чикқач.

— Ўзинг-чи? Нега ўзинг бу ерларда туртиниб юрибсан? — деди озарбайжон тамаки ўраб.

— Хотиним бор, ишляпти, ўғлим ўқишда. Қишда боргимиз келмаяпти, — деди Қаюмжон ҳам тамаки тутатиб.

— Сенинг ҳам, менинг ҳам юртимиз ҳали илик. Анор етилган пайти. Агар ишим битса, бир кун ҳам қолмас эдим, — деди озарбайжон ўқиниб.

— Қанақа иш? — деди Қаюмжон.

— Менга амнистияси керак эмас, — деди озарбайжон кизишиб, — барибир «хиёнатчи», деган айбнома қолади. Комиссия борида, ҳукми ўзгартирмоқчиман. Айбсиз қамалганим ҳақида қарор олмагунимча, қайтмайман. Юртимга юзим ёруғ кириб бормоқчиман. Ҳуқуқим қўлимга тегса, мени қамаганлар устидан ариза бераман. Ўз амалимга тиклашсин, компенсация тўлашсин. Амнистия айбсиз дегани эмас, тамға қолаверади.

Қаюмжон ҳам бу ҳақда ўйлаган, ҳатто хотини билан гаплашган ҳам эди, бироқ иккови ҳам, озодликка муддатидан олдин чиқишди, нима фарқи бор деб, эътибор беришмаган, закон сўқисак, комиссиянинг жаҳли чиқади, бирон айб топиб, яна қамашади, омон-эсонмиз, шунгаям шукр, дейишиб кўниқишган эди. Озарбайжоннинг гапи Қаюмжоннинг аламини яна кўзғади. Замон ҳозир унақа эмас, беайб киши ҳаққини талаб қилиши мумкин, нега юртига айб доғи билан қайтиши керак? Битта ўзи ҳам эмас, Ойнисада ҳам шу тамға бор. Айб олиб ташланса, уйига ёруғ юз билан кириб боради, давлат ўз хатосини тан олган бўлади, хотини ҳам, ўзи ҳам ҳар қадамда ҳадиқишмайди, фарзандлари ҳам чўчишмайди. Агар эр-хотин ҳозир шу тухматдан фориг бўлиб олишмаса, ўла-ўлгунча муҳр билан яшашади, кейин ҳеч ким буларнинг арзу додига кулоқ солмайди.

Ойниса эрининг даъвосини эшитиб, яна Қаюмжонни бу йўлдан қайтармоқчи бўлди, лекин бу гал Қаюмжон юганини бермади:

— Сен қайси айбинг учун қамалдинг? Қанақа ғаламислиги учун отангни ўлдиришди? Қайси айби учун боламиз турмада туғилди, саккиз йил ота-онасидан жудо бўлиб, сургунда яшади? Нега иккита фарзандимиз тирик етим қолишди? Нега урушда ярадор бўлган эринг бу дўзахда халажой тозалаб юрди? Сенинг онанг қувғинда ўлди. Нега мен онамни кўма олмадим? Ким жавоб беради бу қирғинга? Энди шулар қилган тажовузни ютиб, ўлкамизга айбнома билан кириб боришимиз керакми? Шунча азобу уқубатларимиз камми? Болаларимиз бегона бўлиб кетди, Қаюмжон ҳалиям яқинлаша олмаяпти. Қачон болаларимиз бизга ўрганеди? Қачон дада, ая деган сўзларни улар оғзидан эшитамиз?

Ойниса индамади. Нима ҳам деб важ келтира оларди?

— Эртагаёқ борамиз, — қатъий деди Қаюмжон. — Иснодни ювиш керак. Сталин ўлди, энди зулм тугайди.

Табиатан зийрак Ойнисага эри анойи кўринди: қисматлари тўсатдан ўзгаришига кўзи етмади.

— Сталин ўлди, иши қолди, — деди Ойниса, бир қарорга кела олмай.

— Қолдими, йўқми — бизнинг ишимиз эмас, — деди Қаюмжон. — Пайт қулай, бу тузум учун озодлик бериш ҳам кампания. Фойдаланиб қолиш керак, Яна эски қозон, эски товоқ бўлиши мумкин. Кишан енг ичида, бир кунмас-бир кун яна жангир-жунгур товуш беради. Фақат номини ўзгартиришади, мамлакат манфаати дейишади, ёт унсурлар қидирилади. Оқлов ҳужжатимиз бўлмаса, биринчилар

қаторида бизни бўғишади, шунинг учун иккиланма, «ётиб қолгунча, отиб қол».

Эртасига икковлашиб лагерь маъмуриятига боришди.

Буларга ўхшаганлар анча-мунча экан, Қаюмжон деярли ҳаммасини танир эди, қадрондек кўришиб кетишди, Ойниса аёл-қизларни кўрди, сўраб-исташди:

— Кўплар кетиб қолишди, — деди таниш аёллардан бири. — Оқланишга кўзлари етмади.

— Неча кунда жавоб тегаяпти? — сўради Ойниса.

— Мен ариза берганимга бир ҳафта бўлди, ҳали жавобини олганим йўқ. Ҳар куни келаман. Соат ўн бирда рўйхат чиқади. Фамилияси бўлса, яна бир ҳафтада ҳужжат оласан. Меники бугун-эрта чиқар, деб кутяпман. Дарров ариза бер, албатта айбнома бандини кўрсат. Эллик саккизинчи моддани биринчи галда кўришяпти. Сеники нечанчи.

— Эллик саккизинчи-да! — биринчи марта айбномасидан хурсанд бўлиб деди Ойниса. — Эримники ҳам — 58!

— Чопларинг тезроқ, — деди таниш аёл. — Аризалар соат биргача қабул қилинади. Улгурасанлар.

Қаюмжон ҳам оқсоқланиб одамлар орасидан чиқди. Унинг ҳам кўзи ҳаяжондан йилтирар эди.

— Қаёққа чопамиз? — деди Ойниса эловлаб.

— Қаёққа бўлар эди! Уйингга-да. Ариза ёзишга.

— Аризамиз тайёр. Ёзилган!

— Дарров топшир, — деди таниш аёл Ойнисани шошириб. — Ҳув анову соқчихонада қабул қилишади. Албатта журналда қайд қилишсин. Жавоб вақтини ҳам сўраб ол. Югур.

Ойниса ўғилчасини мактабга элтиб, у ёқдан нари ишига ошиқар, Қаюмжон бу ерга ҳар куни келар эди. Жавоб тегишига ишонмаса-да, канда қилмай келар, танишларининг номи чиқса, биргалашиб қувнашар, қайси бирлари «ювиш» учун бозорга таклиф қилишар, ошхона-ишратхона ўша ерда эди. Қаюмжон толиқиб қолишдан ҳайиқиб, бозор «зиёфати»га бормас, оқсоқланиб уйига қайтар эди.

— Ҳар куни лагерга бориб-келишга мадорим етса, ўша ҳам катта гап, — деди Қаюмжон ва мана, лагер маъмуриятига, намозга қатнагандек бехато боради, соат ўн биргача, яъни рўйхат чиққунича кутади, номлари чиққан танишларини муборакбод қилади, яна уйга қайтади, бир соат-ярим соат чўзилиб дам олади, тушлик овқатга уннайди, кейин кенжа Қаюмжонни олиб келиш учун кўчага чиқади. Албатта, чўнтагида латтага ўралган картошкали перашка ёки битта пряник бўлади. Қаюмжон ташқарида кўп кутмаслик учун вақтини мактаб кўнғироғи чалинишига тақаб боради,

икки-уч дақиқа нафасини ростлагунича кўнғироқ чалинади, бир зумда болалар қий-чуви янграйди, ҳаммадан сўнг кенжа Қаюмжон кўринади, индамай дадаси ёнида тўхтайди. Қаюмжон дарҳол олиб келган тансиғини боласига беради, қўл ушлашиб ота-бола уйга равона бўлишади.

Бугун ҳаво булут, совук қаттиқ эмас, шамол йўқлигидан қор оҳиста ёғар эди.

— Ўқитувчинг дарсларингни текширдими? — деди Қаюмжон индамай ортида келаётган ўғлидан.

— Йўқ, сиёҳдон отилиб кетди, — деди бола.

— Сиёҳдон ҳам отиладими? — тўхтаб сўради Қаюмжон.

— Серёжа Котин сиёҳдонга карбит солиб қўйган экан, ёрилиб кетди, — деди кенжа Қаюмжон. — Зоя Сергеевнага сачради. У Серёжа Котинни урмади.

— Уриши керакмиди?

— Албатта, — деди бола иккиланмай. — Олдинги мактабимизда шунақа бўлса, уришар эди. Кейин подвалга қамаб қўйишарди. Ёки овқат беришмас эди.

— Серёжа Котин безорилик қилибди, — деди Қаюмжон. — Унга албатта жазо бериш керак. Бошқа бунақа иш қилмайдиган бўлади. Ота-онасига айтиш керак, тергашсин, бўлмаса баттар қилади.

Бола чурқ этмади.

Уйга келишгач, Қаюмжон ўғилчасини ечинтириб, столга қайнатилган картошка, нон ва ширин чой қўйди, боласи овқатланишга ўтирди, Қаюмжон одатига кўра газета варақлашга киришди. У «Кизил Ўзбекистон»га ҳам ёзилган бўлиб, биринчи галда шу газетадан бошлар, оқизмай-томизмай ўқиб чиқар, газета бир ҳафта кечикиб келса-да, ўлкасида рўй бераётган янгиликлардан хабардор эди. Кейин «Правда» ва «Известия» газеталарини ўқишга тушар, кўзи илинар, кенжа Қаюмжон дарс тайёрлашга ўтирар, онаси ишдан қайтмагунга қадар хонадан чиқмас эди.

Қаюмжон уйғонганида ўғилчаси дераза олдида турар, момикдек суст ёғаётган қорга тикилар эди. Нималарни ўйлаётган экан? Қаюмжоннинг хаёлидан ўтди ва кичкина жонига ҳаёт ташвиши тушган боласига ичи ачиди. Колония тартиб-режасига ўрганиб кетган, бошқача яшаш тарзини кўрмаган боласи учун озодликда умр кечириш бирмунча ёт туюлар, ҳатто ўз ота-онаси ҳам бегона кўринар, бу шароитга кўниккиси келмас, маълум интизомга мослашган кўнгли колонияни кўмсар, кенжа Қаюмжон колония мухитининг қатъий қоидаларини, ҳатто фазилат деб билар, бу қоидаларга риоя қилмаслик хилоф туюлар эди.

Ойниса ҳам, Қаюмжон ҳам ўғли эркинликка чиқса, қувнаб-диконглаб яшайди, деб ўйлашган эди, амалда тескариси бўлди, янгича ҳаётга мослашиши қийин кечадиган кўринди. Бу шунчаки назарий мўлжал эмас, болани сабот билан янги турмушга солиш, укув ва бардош лозим эди. Янгича яшаш омили нафақат бола учун, ҳатто Ойниса билан Қаюмжон учун ҳам, айниқса, дастлабки кунлари, қандайдир қолип-қирғоксиз чалкаш туюлди. Дам олиш куни атиги бир кундан иборат бўлишига қарамай, бўш вақтни нима билан тўлдиришни билишмас, ҳадеб гапираверишлари бефойда эзмаликдек, кун самарасиз исроф бўлаётгандек кўринар, иш йўқлиги эр-хотинни қийнар, биронта юмуш топиб ўзларини алаҳситишар, бу ҳам таскин бермас эди.

— Оқлов хужжати тегса, бир кун ҳам қолмаймиз, — деди Қаюмжон сал асабийлашиб. — Қиш киргунча етиб олсак, кузнинг этагини босиб қоламиз.

— Қуруқ қўл билан кириб бориш уят-да, — деди Ойниса, ҳам дили орзиқиб, ҳам чўчиб.

— Курортдан қайтаётганимиз йўқ, — деди Қаюмжон. — Қанча тез борсак, шунча тез жойлашамиз, кўникамиз. Ўғил-кизга ҳам ўрганиш керак, осон кечмайди.

Ойниса учун бу муаммо энг азоблиси бўлиб, айниқса охирги кезларда ўқтин-ўқтин шу ҳақда ўйлар, бирон ечимга кела олмас, фақат вазият ихтиёрига ишонар эди.

Саккиз йилдан ортиқ умри шу ерда ўтган Қаюмжонга оқлов хужжатини кутиш муддати ситамли кўринди. Зонада бир соат ҳам тинчлик нималигини билмаган, кундузи ҳам, кечаси ҳам, ёмғирда ҳам, қорда ҳам, соғлиқда ҳам, касалликда ҳам ҳаловат топмаган Қаюмжон учун тўсатдан қулаган осойишталик, жимлик, худди зулматдан ёруғликка чиққандек кўзини тиндирар, буйруққа, бақириққа, сўкишга, хуштак ва милтиқ овозига ўрганган Қаюмжон, бўмбардимон тўхтаб, сукунат тушгандек, ўзини бу сукунатдан қар бўлгандек сезар, пайт имиллаб ўтар, бўш вақтини қандай ўтказишни билмас, кўнгли қанақадир даранг-дурунгни, ўқириш-хақоратни қўмсар, баъзан милтиқли соқчилар назоратида тош ташиб йўл қурилишида ишлаётган маҳбусларни четдан кўриб келар эди. Тавба, ўйларди Қаюмжон, киши укубатга ҳам ўрганар экан. Кишан оғирлигига ўрганган мажруҳ, занжир парчалангач, енгил вазнда мувозанатини йўқотгандек, аввалига бу енгиллик, ҳатто ноқулай туюлади ҳам. Қанча ухлаш мумкин? Қанча газета ўқиш мумкин? Ойниса қоронғи тушганда келади. Ўғилчаси соатлаб миқ этмайди, сўрамасанг ўзи гапирмайди. Ётсирайди, ҳайиқади, овоз чиқаришга кўрқади. Озодлик

унга ҳам малол келаяпти чори. Энг ёмони — илакишай демайди. Колониядан чиққанидан бери шунча пайт ўтди, боланинг кулганини Қаюмжон бир марта ҳам пайқамасди. Колония тартиби шунақами? Жилмаядиган томирини бўғиб қўйишганми? Нега бола доим таҳликада, доирадан чиқишга, сапчиб-сакрашга, хохолашга чўчийди? Бола-ку ахир. Қачон ёзилади? Қачон ота-онаси бағрига отилади? Бармоғини парта қопқоғи қисиб олган экан, шишиб кетса ҳам индамабди. Оғриқ азобига чидаб юраверибди. Демак, койиниш ҳам ортиқча, бировдан ёрдам кутиш фойдасиз. Ўз дардингда ўзинг қовурилаверасан экан-да. Қамокда, лагерда, зонада — тушунарли, ҳеч ким бошингни силамайди, ночорлик ўлим билан тенг. Лекин колония — болалар, тирик етимлар ошёни-ку, нега бунчалик бешафқат усул? Бундан чиқадики, энди бола ўзлаштирган кўп одатлардан айириб, уни бошқатдан тарбиялаш, одамларнинг муҳим фазилати олижаноблик эканини ўқтиришдан иборат, деган муҳитда ўстириш лозим. Акс ҳолда бола гумондор, тошбағир бўлиб етилади. Бунинг учун сабот, чидам ва бардош керак. Яхшиям онаси бор. Ойниса теран, хушёр, ақли тиниқ ва тоқатли аёл, унинг тўзими фақат боласигагина эмас, эрига ҳам асқатади. Азоб уни енга олмасди, қайтага чиниқтирди. Ҳеч қачон ёзғирмайди, тушкунликка тушмайди, иродаси ўнта эркакникидан устун.

Икки ҳафтадан сўнг оқлов гувоҳномаси икковига — Ойниса ҳам, Қаюмжонга ҳам чиқди. Севиниб ирғишлаш ўрнига иккови баралла йиғлаб юборишди, энтикишди. Бу энтикиш, кўз ёшлар бахт аломатими ёки беҳуда мажақланган қисмат садосими — ўзлари ҳам англай олишмас, йиғи аралаш кулишар, девоналарга ўхшашар эди...

Айни бир пайтда бу озодлик юки тиллақошдек жозибали, гўзал ва мавридсиз, зил, бесўнақай туюлар, уни нима қилишни билишмас, хурлик қор кўчкисидек вазмин ва улкан, чакмокдек порлок ва таҳликали кўринар, ҳайиқтирар, кўққисдан намоён бўлган саман отдек эди — уни миниб ҳам бўлмас, воз кечиш ҳам мумкин эмас эди. Эсанкираб қолишди.

11

Муқаддас яна Чинозга боришга жазм қилди. Аввалги учрашув унинг дилида андак ғубор қолдиргандек бўлиб, боргани холисми, покми, беғаразми — анчагача англай олмай юрди, тадбири, ўзининг мулоҳазаси бўйича, гумонли ҳам туюлди, бироқ вақт ўтгач, таҳликаси арий бошлади, дили яна ўша томонга талпингандек бўлиб қолди.

Муқаддас бир сумка танқис нарсалар харид қилиб, тўр ва қармоқ ҳам олди. Етиб боргач, Зоҳидни кута бошлади. Бироқ йигит чиқмади. Навбатчи тўрт букланган қоғоз узатди. Муқаддас Зоҳидни бетоб ўйлаб, варақни очди. Бу: «қўрқаман» радифли икки қатор шеър бўлиб, байтдан бўлак ҳеч қанақа сўз айтилмаган, ҳатто Зоҳиднинг имзоси ҳам йўқ эди. Ҳазал шунчаки жимжимадор сўзлар йиғиндиси бўлиб, йигитнинг сентиментал кайфиятини ифода қилувчи суюққина баён экани Муқаддаснинг ҳатто гашини келтирди. У шарт бурилиб, шаҳарга жўнаворди. «Ёш бола бўлмасак. Бу қанақа думбул, чучмал изҳор?» деб ўйлади Муқаддас йўл-йўлакай. Бироқ бу — ҳиссиётини баралла очишдан ийманиш усули эмасмикин? Балки нимадандир ҳайиқаётгандир? Балки масъулиятдан чўчиётгандир? Нега чўчиди? Ахир жувоннинг ўзи жазм кўрсатаяпти-ку. Яна қанақа таваккал жоиз? Балки ҳайиқишида пинҳоний макр бордир — агар йигит гализ-қалтис чиқса, Муқаддаснинг кўнгли тўлмаса, айбни жувонга ағдариш ниятидадир? Йўқ. Зоҳид унақа писмиқ эмас. Ҳалол йигит. Зиёли. Камтар. Ҳатто туйғусидан ҳам андиша қилади, малол келмасмикин, деб истихолога боради.

Муқаддас машинасини йўл четида тўхтатиб, варақни яна қўлига олди. Бу гал байт маъқулроқ кўринди.

Муқаддас машинасини буриб, яна йўлига қайтди ва йўлакай жавоб ахтара бошлади. Бироқ тузукроқ қофия миясига келавермади. Ҳозир Муқаддаснинг вужуди турғанда бўлгани учун арзигулик мисра келиши маҳол эди. У Увайсий, Маҳзуна ва Нодира ғазалларини эслади, аммо биронтаси айни вазиятга мос келмади, қолаверса Зоҳиднинг шеъри кўчирим эмас, ўзи ёзган, демак Муқаддас ўқувчи пайтида бир-икки машқ қилган, ҳозир эса дабдурустдан мухаммас ёзиш ёки мушоира қилишнинг уддасидан чиқа олмаслиги аён эди. Шундай бўлса-да, Муқаддас машинасини секинлатди, — ҳаёлига келган сўзлар ўзига сийқа кўринди. Албатта, танҳо ўзи уйда бўлса, бир бурчакка сиқилиб, тузукроқ қофия топишга кўзи етар эди, аммо йўлда, учиб кетаётган машинанинг рулида шеър ёзиш — ақл бовар қилмас иш эди. Шунинг билан бирга куръа ташланди — мусобақа завқи жазава қўзғар, даврадан қочиш ориятли, садо чиқариш лозим эди. Муқаддас зўраки ўйлаган сари сўзлар қочар, қофияга ётмас эди. Шунда «инжост» радифли ғазал ёдига келди:

«Биёки зулфи кажу чашми сурмасо инжост,

Нигоҳи гарму адоҳойи дилрабо инжост».

Бу ғазал форсча битилган, Зоҳид учун масҳара бўлиб туюлмасмикин? Аслида Муқаддаснинг ўзи ҳам ўнта сўздан

олтитасини аранг тушунар, лекин ҳозир тилига бошқа шеър келмади. Муқаддас турма олдидаги дарахт панасида машинасини тўхтатиб, бир парча қоғозга тўрт мисра форсча газал туширди:

«.....»

Шаҳодат гар талаби, дашти Карбало инжост».

Бу байтнинг муаллифи кимлиги Муқаддаснинг хотирасидан кўтарилган эди, ҳатто «Биёки Зебунисо ҳамчу ман гадо инжост» деган мисра ҳам, муаллифнинг исми шу сатрга жо қилингани ҳам Муқаддас хотирасини тикламади. У қоғозни навбатчига бериб, ортига қайрилди ва келаётган лагер бошлигига кўзи тушди.

— А, Муқаддас Муродовна, — деди начальник яқинлашгач. — Яхшимисиз?

— Салом! — деди Муқаддас ва негадир юраги шувиллаб кетди.

Улар қўл бериб кўришишди. Муқаддас кимнинг олдига келганини начальник билар эди.

— Чақиртирдингизми? — деди у.

— Ҳа, ҳозир олиб чиқишса керак, — деди Муқаддас.

— Менинг резолюциямсиз олиб чиқишмайди, — деди начальник хомуш тарзида. — Мен кирай, қўл қўйиб бераман. Дарвоқе, истасангиз, ипини узунроқ кўямиз. Гуноҳсиз нарса, қийналиб нима қилади.

— Яъни?

— Яъни вольное поселенияга чиқариш мумкин, — деди начальник. — Кечкурун қайтиб келса бас. Биласиз, тартиб шунақа. Ариза ёзсин. Ўн минутда жавоб тегади.

— Чиксин, — деди Муқаддас негадир каловлаб. — Қатнаши бир оз узоқроқ-да.

— Машина сизникими? — деди начальник «Москвич» томон ишора қилиб.

— Ҳа, меники.

— Бўпти-да. 15 километр. Нимаси узоқ?

— Раҳмат, — деди Муқаддас.

— Муқаддас Муродовна, нега маҳбус учун ҳеч қанақа имтиёз сўрамадингиз?

— Маҳбус истамаяпти, — деди дархол Муқаддас.

— Ҳм. Фурур, денг?

— Балки шундайдир.

— Гаплашиб кўринг. Рози бўлса олиб кетасиз. Ё керак эмасми? — деди начальник пичинг аралаш.

— Керак! — деди Муқаддас ва сирини билдириб қўйганидан мулзам бўлиб: — Яъни... айтмоқчиман... агар ўзи рози бўлса... — дея, миждовланди.

— Бўпти, — деди начальник. — Агар хоҳласангиз менинг кабинетимда кутинг.

— Йўқ, раҳмат. Бугун кун илик. Шу ерда кутаман.

— Майли, — деди начальник. — Хайр.

— Хайр.

Ярим соатча вақт ўтгандан сўнг, навбатчи хужрасидан Зоҳид чикди. Соқоли қирилгани учун юзи силлик, устида ўзининг фуқароликдаги кийим-боши бор эди. Қамоқ жомасини ўзгартирибди, демак, бу озодликка чикди, деган гап, ўйлади Муқаддас ва башанг йигитга тикилар экан, Муқаддаснинг нигоҳида алланечук нур мавжланди.

— Келмассиз, деб ўйловдим, — деди Зоҳид Муқаддас олдида тўхтаб.

— Қармоқ олиб келдим, — деди Муқаддас ҳаяжонини ҳайдашга уриниб.

— Раҳмат. Қармоққа ҳам навбат келар, — деди Зоҳид ийманиб. — Уйимда ҳам балиқчалар бор. Қўшни аёлга тайинлаб келувдим. Тирикмикин? Икки йилдан ошди.

— Уйингизни қўмсаётган бўлсангиз, майли, — деди Муқаддас итоаткорона. — Ўтиринг машинага.

Зоҳид бир зум депсиниб тургач, машинага ўтирди.

— Нома киритибсиз, — деди Зоҳид катта йўлда индамай машина ҳайдаб кетаётган Муқаддасга. — Лекин мен форсча тушунмайман. Фақат билганим — газал Зебунисоники. Маъносини тахминан сезаман. «Биёки Зебунисо ҳамчу ман гадо инжост». Тўғри англаган бўлсам:

«Агарки ниятинг — хусн учун хайри худо,

Келки, бу ердадир Зебунисо номли гадо».

— Қойил! — деди Муқаддас лол қолиб. — Тагин форсча тушунмайман дейсиз. Калака қилдингизми?

— Йўғ-э! Синчиклаб ўқилса, тушуниш мумкин.

— Минг марта эшитганман, барибир тушунмайман, — деди Муқаддас ёзғиргандек бўлиб.

— Ёзибсиз-ку.

— Ашуласи бор-да, ёдда қолган. Сўзларини тушунмасам ҳам, чўғдек туюлади.

— Менга ҳам, — деди Зоҳид рози бўлиб.

«Москвич» анҳор бўйида қурилган тўрт қаватли бино яқинида тўхтади.

— Уйим қай аҳволда, — билмайман, — деди Зоҳид машина эшигини очиб. — Кирсангиз хурсанд бўлар эдим. Фақат исқирт бўлиши мумкин. Айбга буюрмайсиз.

Муқаддас Зоҳиднинг таклифига аниқ жавоб айтмади. Бироқ машинадан чиқиб, эшигини қулфлади. Бу — розилиги эди.

— Узр, — деди Зоҳид, сал қизариб. — Қўшнимни топай, калит ўшанда. Мен бир зумда тушаман.

Муқаддас оғир синовдан фориг бўлгандек енгил тортди, яна машина эшигини очди, бинобарин харид қилинган нарсалар солинган сумка машина ичида эди.

Зоҳид илдам юриб, бино ичига кириб кетди. Муқаддас йигит ортидан қараб қолди. Кейин ўриндикка ўтириб, машина эшигини ёпди, шеър ўйлай бошлади. «Сўзларингку оташнафас, чинмикан, деб, кўрқаман, мафтунингман, не қилай, ўтда ёнмоқ қисматим...»

Муқаддаснинг ўзига байт ёқмади. У хаёлида сатрларни ўчириб ташлади. Тузукроқ мисра миясига келмади. Лекин барибир ғазал муҳитидан чиқа олмай, бир неча лаҳза Анҳорга тикилиб ўтирди, машина ойнасига тик-тик чертувдан ўзига келди. Зоҳиднинг қўлида калит бор эди, шу калит билан Зоҳид учинчи қаватдаги эшикни очди.

— Марҳамат, кулбамиз шу, — дея Зоҳид Муқаддасга йўл бўшатди. Муқаддас аланглаб ичкарига қадам қўйди. Чироқлар ёқилган, икки хонали «кулба» ораста эди. Демак, қўшни аёл муттасил уйга қараб турган экан-да. Муқаддас у нотаниш муштипар аёлга ичида миннатдорлик билдирди ва сумкани креслога қўйди. Плашини ечайми-ечмайми, деб тугмаларини бўшата бошлади. Зоҳид ортидан келиб, плашини олиш баҳонасида қўлларини Муқаддаснинг қўлтиғи остидан ўтказиб, кучди. Муқаддас ҳуркмади ҳам, сохта чўчиш аломатларини ҳам ифода қилмади. Бу ҳаракат кутилган табиий амал бўлиб, қалбакилик вазиятни бузиши мумкин эди. Шу пайт эшик жириглади. Муқаддас панага ўтиб, диванга ўтирди.

Зоҳид эшик илмоғини тушириб очди.

— Овқат бошлаб қўйдим, — деган аёл кишининг майин товуши эшитилди. — Уннаманг, Зоҳиджон. Бўпtimi? Бир соатда пишади.

— Раҳмат, Қумри ая, — деди Зоҳид, бўсағани бўшатмай. — Мен ваннага тушиб, бир оз мизғимоқчиман. Майлими?

— Майли, айланай, майли, — деди Қумри ая. — Бемалол дам олаверинг. Турсангиз, кўнғироқ қиларсиз, бўпtimi?

— Бўпти, раҳмат.

Эшик ёпилгани эшитилди.

Зоҳид кириб, Муқаддас олдида тўхтади.

— Плашни ечинг, бемалол бўлинг.

Муқаддас ўрнидана туриб, плашини еча бошлади. Зоҳид яна уни плаши аралаш кучди, Муқаддас қаршилиқ кўрсатмади.

— Агар шеъримга ўз тилингиз билан жавоб берсангиз, нима деган бўлар эдингиз? — сўради Зоҳид, Муқаддасни кучоғидан қўймай.

— «... жоми муҳаббатин лабо-лаб ичибон», — деди Муқаддас. Бу нидо дангал туюлса-да, иккала қалбнинг жушқин нияти эди.

— Нодираники, — деди Зоҳид.

— Сиздан ҳеч нарсани яшириб бўлмайдиган кўринади, — деди Муқаддас сирли жилмайиб.

— Яширманг, сохталикни жиним ёқтирмайди.

— Тузоғингиздаман, — деди Муқаддас пичирлаб.

Зоҳид Муқаддаснинг юзини, кўзини, томоғини ўпа кетди... — Ниҳоят эришдим, — деди Зоҳид маъшуқасига пичирлаб.

— «Мен ҳам», — дегиси келди Муқаддаснинг, лекин айтмади.

«Ишқ китоби»ни ўқиб бўлишгач, галма-гал душга тушишди. Зоҳид пахмоқ халатини Муқаддаснинг яланг баданига кийдирди. Муқаддас халатга ўралиб, сумкасидаги нарсаларни столга тўкди. Чой ичишга ўтиришди.

— Бугун қоласиз, — деди Зоҳид, — тўймадим.

— Уйимда қизим бор, хавотир олади.

— Эшикни қулфлаб, қалитини ойнадан улоқтираман.

— Йўқ, — деди Муқаддас. — Сиз Чинозга, мен уйга қайтаман.

— Жазмим беҳудами?

— Тансиқ бўлса гаштли.

— Кечгача вақт бор, яна улгураамиз.

Муқаддас индамади. Энди у йигитнинг измида. Авж ҳам, нақорат ҳам ундан, Муқаддас жўр бўлади. Мақом қаёққа бурилса, хониш ҳам ўша ёққа эргашади. Форат эркакдан бўлгани маъқул.

Муқаддас уйига қайтганида, соат хали олтига бормаган, аммо аллақачон қоронғи тушган, юқоридаги катта уйнинг икки деразасидан нур тушар, скрипка машқи эшитилар, совуқ шамолда кўз илғамас барглар шитирлар, қарғалар қарқуғи қоронғи ҳовлига нохуш зиклик тўқар эди. Муқаддас ҳовли чироқларини ёқди, манзара — очилиб улгурмаган гунчалар, қурумса барглари бужмайган гуллар, заъфарон гилос — шумшайиб кўринар, Замира хола жойнамозда тасбеҳ ўгириб ўтирар эди.

Муқаддас, қилиб келган иши фoш бўлиб қолишидан кўркқандек, садо бермай, уйига кўтарилди. Тошойна олдида скрипка чалаётган Озода ойнада онасини кўриб, машқини тўхтатди.

— Нариги кўчадан келин чикди, — деди Озода. — Автобусда олиб кетишди.

— Ким, танийсанми?

— Зулфия. Ўнинчи синфда ўқир эди. Энди ўқиши нима бўлади, ая?

— Нима бўлар эди, — дея, Муқаддас кийим-кечагини ўзгартира бошлади. — Энди у келин, мактабга қатнашдан тортинадди. Бир йил ўтар-ўтмас она бўлади. Яна туғади. «Кўли косов, сочи шипирги» бўлади.

— Мен-чи? — деди Озода.

— Сен ҳали ёшсан, энди ўн тўртга кирдинг.

— Ая... — деди Озода бир оз сукут қилиб. Муқаддас кизига қаради. — Нега биттаман? Нега ака-укаларим йўқ?

— Турмаганман-да, қизим.

— Нега?

— Буни худо билади, — деди Муқаддас.

— Ҳамма ўртоқларимнинг опа-акалари, укалари бор. Фақат менда йўқ, — ўқиниб деди Озода. — Энди бўлмайдимми?

— Қатган бўлади? Якка бошман-ку. Эрга тегсам — бўлариди.

— Тегинг, — деди Озода.

— Ким мени олади? Ўттизга кирдим.

— Топилса, тегармидингиз?

— Қайдам, қизим, — деди Муқаддас, кўнгли ёришиб. — Яхши одам бўлса, ўйлаб кўрардим.

Сухбатдан Муқаддас мамнунлик сезди, қизининг олдида андишаси сусайгандек туюлди. Барибир энди, ҳар бир дақиқаси ақл бовар қилмайдиган гаштга тўла дамлар ўтишига карамай, Муқаддас ўзининг хулқида андак одобсизлик бордек ҳис қилар, вазият «ишқ китоби» билан яқунланишида ўзининг муайян эҳтироси кистови оқибатида мавжуд бўлгани пушаймон чекишга мажбурлар, «Биёки зулфи кажуду, чашми сурмасо инжост», яъни «келақолгин, сочи гажак сурма нигоҳ шу ердадир» мисраси ошкор даъватнинг ўзи эди. Муқаддас қандай шу қадар қалтис қадамга журъат қилди экан, ўзи ҳам ҳайрон эди. Зоҳид шу рафторни тўғри тушунармикин, дилида афсус-ғашлик уйғонмасмикин? Ҳар қалай, нима бўлса-бўлди. Зоҳид субутсиз эмас, Муқаддас аёл номи билан шундай қалтис қадамга жазм қиптими — қадрига етади, ҳатто жасоратига таҳсин ўқийди. Бу — шубҳасиз. Ундан фаразли гумон қилишнинг ўзи гуноҳ. Қани энди, тўсиқ-овлар бўлмаса, бидъатдан қўрқмай яшаш мумкин бўлса!

Энди сал ҳушёр тортиш, ҳовурдан тушиш лозим, одоб доирасидан чиқмаслик, тийиниш керак, ғайратли аёлни эркак ёқтирмайди.

Янги йил арафаси бўлишига қарамай, хали қор ёлмаган, ҳаво изғирин эди. Колхоз ажратган юк машинаси кузовига иккита скамейка ўрнатилган, бир соат ичида Фаизов домла бошчилигида Земфира хоним, Алижон, Жамила, Зарема ва Асил опа Андижон вокзалига етиб боришди. Поезд етиб келишига яна ярим соат вақт бор, перронда шулардан бўлак деярли ҳеч ким йўқ, халқоб сувлари музлаган, ўнга яқин одам залда кутар, фақат Фаизов домланинг фарзандлари перронда ўйноқлашар эди.

Икки кун бурун Қаюмжон билан Ойнисадан телеграмма келди, икки ҳафта олдин йўлга чиқишган экан, бугун етиб келишади. Уларни Асил опадан ташқари ҳеч ким танимайди, элас-элас Алижоннинг хотирасида бор, агар кўча-кўйда учратса, танимаслиги ҳам мумкин — саккиз йил ўтди, беш яшар бола ҳозир ўн уч ёшли ўспирин, мўйи сезилиб қолган. Ўн бир яшар Жамила Қаюмжон тугул, онасини ҳам танимайди, фото расмлар орқали тасаввур қилади. Фаизов домла, Земфира хоним, Заремалар умуман уларни кўришган эмас. Кўчада учратишса ҳам ўтиб кетаверишади. Умид фақат Асил опадан. Шунинг учун ҳам уни олиб келишди — дарров танийди. Ҳозир ҳаммалари имтиҳон олдидан кечадиган ҳолатда: кўзларида ҳаяжон, ўтиришга сабр йўқ, ҳар бири ўз ичида нималарнидир ўйлаб, у ёқ-бу ёққа юришар, вақт тўхтаб қолгандек туюлар, иккинчи томондан, содир бўладиган учрашув онлари таҳлика билан яқинлашиб келар, Фаизов домла негадир ўзини айбдор сезар, ҳаяжонини жиловлай олмас, бир хотинига, бир Асил опага кўз ташлар эди. Земфира хоним, нотаниш куёвга узатилаётган келинчакдек саросимада, фақат Асил опа вазмин эди.

Станция перрони кетувчи, кузатувчи одамлар билан тўла бошлади. Келаётган поезд бу станцияда ўн беш минут тўхтаб, Жалолободга жўнайди, андижонликлардан ташқари бу ерда ўшга кетувчилар ҳам тушиб қолишади. Одамларнинг қавми ҳар хил: қирғизлар, уйғурлар, дунгонилар, хитой студентлари, ўшнинг асл яшовчилари ўзбеклар — ҳаммаси шу ердан ўз томонларига тарқалишади, Тошкентга кетувчилар шу станцияда йиғилишади.

Фаизов домла аёлларни перронга бошлади.

Узоқдан, ўзи кўринмаса-да, поезднинг гудоги эшитилди. Перрондаги оломон чайқала бошлади. Темир йўлнинг ласдек йилтираган жуфт изи охирида қорамтир паровоз оқ тутун пуркаб, сассиз яқинлашар, яқинлашган сайин важоҳати

катталашар, афсонавий махлукни эслатар эди. Ниҳоят, паровоз вошиллаб перрондан ўтди, вагон эшиклариди турган йигитлар поезд тўхтамай туриб, пастга сакрай бошлашди.

Фаизов домла атрофида оила аъзолари жам бўлиб, саккизинчи вагон яқинлашишини термилиб кутишди.

Ниҳоят, поезд тўхтади. Асил опа саккизинчи вагон томон отилди, қолганлар унга эргашилди. Қари-ёш, эркак-аёл вагондан чиқиб бўлгач, аввал шинель-телпак кийган Қаюмжон, кейин тивит рўмол ўраган Ойниса, кулокчин кийган тўққиз яшар бола кўринди.

— Қаюмжон! Ойнисахон! — оломон шовқини орасидан бақирди Асил опа, қўлини кўтариб. — Биз шеттамыз!

Қаюмжон билан Ойнисанинг кўзлари ёшланди.

Фаизов домла ҳаяжондан титрай бошлади.

Ойниса ерга оёғи тегиши билан Жамилага ташланди, маҳкам кучоқлаб, юм-юм йиғлай бошлади, Жамила ҳам чидай олмади, унинг кўзлари ҳам ёшга тўлди. Қаюмжон ўзига тенг бўлиб қолган Алижонни кучди, анчагача қўйиб юбормади. Кейин бошқалар билан кучоқлашишга киришди.

Асил опа Ойнисани, кейин Қаюмжонни кучоқлаб, ниҳоят ажради:

— Бу киши Фаизов домла бўладилар, Юнус ака, рафиқалари Земфира хоним, қизлари Зарема, — деди Асил опа Қаюмжоннинг тирсагидан ушлаб, таништирар экан. Қаюмжон билан Ойниса учалови билан кетма-кет кучоқлашиб чикди.

Ҳамманинг кўзидаги ёш суркалган, ковоқ жияклари қизарган, нимадир деб алжирашишар, бири бирининг гапига кулоқ солишмас, бир тўда одам қоришмаси эди.

Кенжа Қаюмжон эътибордан четда турар, ҳеч ким унга таниш эмас, нима қиларини билмас, тажанг бўлар эди.

— Алижон, Жамила, бу уканг, — деди Ойниса болани яқинроқ суриб. — Бунинг исми ҳам Қаюмжон. Кўришинглар.

Биринчи бўлиб Жамила укасини кучоқлади, кейин Алижон қўл ушлашиб кўришди. Буни кўрган Ойниса баттар йиғлаб юборди.

Кенжа Қаюмжон ўзини улар ихтиёрига топшириб, чурк этмас, шу мажбурий тадбирдан тезроқ қутулишни ўйлар эди.

Улар вокзал майдонига чиқишди.

Машина кабинасида ўтирган шофёр йигит ирғиб пастга тушди ва Қаюмжон билан кучоқлашиб кўришди, кейин мулозамат билан қўлини кўксига қўйиб, Ойнисага салом берди.

— Носиржон, — деди Асил опа Қаюмжонга пичирлаб. — Мансур аканинг ўғли. Колхозда шофёрлик қилади.

— Ие! Шунақами?! — дея Қаюмжон йигит билан қайтадан кўришди. — Узр укам, танимапман. Ойниса, бу Носиржон экан, Мансур аканинг ўғли.

— Танидим, — деди Ойниса ийманиб.

— Дадангиз бандалик қилиптилар... Жойлари жаннатдан бўлсин, — деди Қаюмжон.

— Иншоолло, — деди Носиржон кўлини кўксидан олмай.

— Аянгиз омон-эсонмилар? — сўради Ойниса.

— Шукур, кутишга чиқа олмади, кечириб қўясизлар, — деди Носиржон айб қилгандек хижолат чекиб ва бориб машинанинг орқа бортини очди, кузовга чиқиб, скамейка туширди.

— Марҳамат, чиқинглар, — деди Фаизов домла пастга кўйилган скамейкага ишора қилиб.

— Жиянча билан Ойнисахон кабинага ўтирсин, — деди Асил опа. — Келинг, Ойнисахон, бола шамоллаб қолмасин, кун совук.

— Вой, опа, шу ҳам совукми? — деди Ойниса кулимсираб. — Бизнинг томондаги совукни совук деса арзийди. Қудукдан сув олсангиз, уйга етмай музлайди.

— Бу совуқлар бизга шабада, — деди Қаюмжон хазил йўлига.

Кула-кула машина кузовига чиқишди. Ҳеч ким кабинага ўтирмади.

Фаизов домла Гуломжондан сотиб олинган ҳовлидаги уйни бошдан-оёқ таъмирлади: лой томни шифер билан ёпди, қинғир эшик-ромларини янгисига ўзгартирди, голланд печка ўрнатди, алебастр сувоқ билан пол қоктирди, унча-мунча жиҳоз киритди, шолча ёздирди, парда остирди — айвонли уч хона уй кўзга кўринди-қолди. Кўпорилган хашаки дарахтлар ўрнига тартибли қилиб экилган кўчатлар мевага кирди, айқашиб ётган узумга сўри курди, деворларни бузиб, гишт терди — ҳовлимисан-ҳовли бўлди. Орага дарча ҳам ўрнатди.

Кеча болалар печкаларга олов ёқишди, хоналарнинг бирига хонтахта қўйиб, атрофига кўрпачалар тўшашди, дастурхон безашди — йўқлаб келадиған одамларнинг қадами уч-тўрт кун узилмаслиги аниқ эди.

Биринчи бўлиб иккита-учта қишлоқ активлари билан колхоз раиси Мўминова келди — бири қўй етаклаган, иккинчисининг қўлида бир белбор анор, учинчисининг бошида ширмой нон солинган сават, Мўминованинг қўлида бир жўра атлас, қора тўн ва асака дўпписи бор эди.

— Энди, Қаюмжон ака, раисликни ўзингиз оласиз, — деди Мўминова суҳбат давомида. — Аёл кишига қийин экан. Болаларим кўлдан чиқиб кетяпти.

— Раҳмат, — деди Қаюмжон, бу шунчаки тил учида айтиладиган мулозаматлигини фаросат қилиб, — биз энди мунақа ишга ярамасак керак. Ўзимизга боп хизмат чиқар. Нима ишни раво кўрсангиз — бажонидил. Иш танламаймиз.

Келди-кетди бир ҳафтагача чўзилди. Аёллар эркаклар билан бир хонада ўтиришдан тортинишар эди, шунинг учун Ойнисанинг меҳмонлари учун алоҳида хона ажратиб, дастурхон ёзишди. Қозонда доим нимадир милмиллар, одам кириши билан янги чой дамланар, нон ушатилар, оёқат тортилар эди. Бериладиган саволлар тахминан бир хил бўлгани учун аввалига Қаюмжон ҳам, Ойниса ҳам батафсил жавоб қайтарар эдилар, бориб-бориб бу жавоблар қайтариллавергач иккаловининг меъдасига тега бошлади, жавоблари ҳам калта-юлуқ тус олди. Ниҳоят ташрифлар қамайди, борса кунига битта ёки иккита меҳмон келадиган бўлди.

— Ҳовлининг қайси бўлагида туришни маъқул кўрасизлар? — деди Фаизов домла, Қаюмжон билан яккама-якка қолгач. «Кўрасизлар?» деган саволнинг ўзида Қаюмжоннинг оиласи бут бўлишини, яъни Алижон ҳам, Жамила ҳам улар қанотига ўтишини англатар эди.

— Биз учун иккалови ҳам бегона, янгидан ўрганишга тўғри келади, — деди Қаюмжон айтадиган гапини обдан ўйлаб, акс ҳолда Қаюмжон аввалги туришни истаса, жойни тортиб олган бўлиб чиқади, янгисини танласа — уй-ҳовли Фаизов домланинг пулига сотиб олинган, иккаласи ҳам қалтис эди. — Бизга барибир, қайсиси ўзингизга қулай туюлса, ўшанга розимиз. Ёнма-ён яшасак, ҳамма нарса ўртада, туйник-дарча бор. Айниқса болалар сизларга ўрганиб қолган, мажбуран уларни оғдирмаймиз. Болалар ҳам ўртада. Ўзлари илакишсин. Илакишмаса, унга ҳам ёзғирмаймиз. Ҳеч кимда гуноҳ йўқ. Ҳаёт шунақа тушди, балки иноқлашиш умуман рўй бермас. Улар сизнинг, Земфира хонимнинг феълига мослашишган, сиз вазмин, мулоҳазали инсонсиз, менинг таъбим уларга эриш туюлиши мумкин. Ойниса-ку анчайин босиқ аёл, сургун уни бука олмади. Мени синдирди, тажангроқман. Сизнинг муомалангизга ўрганган болалар кўзида мен инжиқ кўринишим мумкин. Болалар албатта солиштиришади, уларнинг табиати шунақа. Мен олабўжи бўлиб кўринаман. Албатта, хатти-ҳаракатимни буришга тиришаман, лекин ўзимни тийиш, уларнинг

назарига мувофиқ бўлиш кўлимдан келадими-йўкми, ўзим ҳам билмайман. Гапнинг пўскалласини айтганда, болалар бизнинг номимизда бўлишса-да, аслида сизники. Биз аралашсак, иш бузилиши мумкин. Сизнинг йўриғингизда вояга етишса, ҳамма учун фойдали.

Қаюмжоннинг мулоҳазалари ўринли кўринса-да, Фаизов домла масалага бу қадар жиддий тус беришга мойил эмас эди.

— Барибир қон тортади, — деди Фаизов домла хўрсиниб. — Майли, арқонни узун ташлаб кўяйлик, мухит-вазиятнинг ўзи муносабатни таҳлил қилади. Нафақат болалар, биз ҳам уларга ўрганганмиз. Алоқани чўрт узиш ҳеч кимга яхши оқибат келтирмайди.

Энг қийини кенжа Қаюмжонга бўлди. Ота-онасидан ташқари бу ердагиларнинг ҳаммаси унга бегона, табиатан одамови бўлгани учун, онаси қанча уқтирмасин, бола ака-опаларига ҳам, Фаизов домла билан Земфира хонимга ҳам элакиша олмас, биронтаси рўпарадан чиқиб қолса, таққа тўхтар ёки шарт бурилиб, орқасига қайтар, хона ичидан чиқмас, ҳеч нарса билан шуғулланмай хўмрайиб ўтирар, ичида нималар кечаётганини онасига айтмас, шунақа бўлишини тахмин қилгани учун Ойниса боласини сўроққа тутмас, секин-аста «эришини» кутар эди. Ойниса билан Қаюмжон кўп ҳолларда ўзбекча гапиришларини кўрган бўлса-да, бу ердаги тил мухити — Фаизовлар ўз тилида, яъни қрим-татарча, опа-акалари, ҳам қримча, ҳам ўзбекча сўзлашиши болани баттар четга сургандек кўринар, кенжа Қаюмжон ҳеч нарсани тушунмас, ўзи ҳақида гапиришаяпти, деб гумон қилар, баттар ётсирар эди. Унинг устига дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган мактабга қатнаши бола учун қудукдек кўринди. Қаюмжон яна колонияни қўмсай бошлади.

Алижон билан Жамила учун ҳам вазият чалкаш кўринди. Аввалига, одоб йўлига, улар ота-онаси томон талпинишди ҳам, бироқ Фаизов домла билан Земфира хонимнинг дилини ўртамаслик учун бироз чекинишди, бинобарин Фаизов домла ҳам, Земфира хоним ҳам болаларга яқинроқ экани муқаррар эди. Энди иккала томондагиларни бараварига «дада», «ая», дейиш зарурати ҳаммаларини калака қилар, қайси бирига мурожаат қилишаётганини билишмас эди. Биринчи кезларда Алижон ҳам, Жамила ҳам умуман, «ая», «дада» ҳам дейишмас, ийманишар, Земфира хонимга: «Ая, уларга айтинг, денг, сўранг», таъбирида юзланишар, ўзлари мурожаат қилишдан тийинишар, фақат ота-онасининг саволига

калта-калта жавоб беришар, зарурат чикмаса, ҳеч нарса сўрашмас эди. Бироқ бундай муносабат узоқ давом этиши мумкин эмас эди, Ойнисанинг ўзи айтди:

— Мени «аяча», дадангни «Қаюм дада», денглар, — деди. — Сен ҳам, — деди Ойниса Заремага қараб. — Мен Юнус акани «ака», Земфира хонимни «опа», дейман. Сен, — дея, Ойниса кенжа Қаюмжонга юзланди, — уларни нима деб атайсан?

Бола елкасини қисди, унга қолса, умуман ҳеч қанақа, деб атамаслик маъкул эди.

— Амаки, дегин, тушундингми?

Бола индамади.

— Земфира хонимни «ойи» де, тошкентчасига бўлади, — деб, Ойниса боласини бир қўли билан кучди. — Велосипед учасанми.

Қаюмжон Алижонга қаради — велосипед уники, учиришга рози бўлармикан, деган маънода Алижоннинг розилигини кутди.

— Учирасанми, Алижон? — сўради Ойниса, овозида ҳушомад билан.

— Кетдик, — деди Алижон сергакланиб. — Юр, Қаюмжон, — дея, болага қўлини чўзди. Қаюмжон бир зум иккиланиб тургач, қўлини аста Алижонга берди. Бу — биринчи ришта эди. Ойнисанинг дили таскин топгандек бўлди. Қизлар ҳам қўшилиб, велосипед етаклаган Алижонга эргашиб кўчага отилишди. Қаюмжон болаларнинг хайкириғига қўшила олмай орқарокда қолди. Зарема қайтиб, болани қўлидан ушлади, кўчага интилди. Қаюмжонга шу далда керак эди, у андак тетикланиб, кўчага ошиқди.

Алижон укасини велосипед ромига ўтказиб, унинг қўлларини рулга қўйди, чап оёғини тепкига босиб, эгарга ўтирди, халқоб сувлар музлаган қишлоқ кўчаси бўйлаб, велосипедни марказ томон ҳайдаб кетди.

Бу кенжа Қаюмжоннинг велосипедда биринчи учиши эди.

13

Зохид кун бўйи ишда бўлади — бригадасига ўн олтита қамоқ ташқида яшаш ҳуқуқига эга маҳбуслар бор — сабзи кавлашади, картошка теришади, қарам ортишади. Қўриқчи ҳам йўқ, бригадирлик Зоҳидга қолган, неча қоп сабзавот тўпланди, ҳаммасини торттириб тележкаларга юклатиши, кечкурун турма бухгалтериясига ҳисобот топшириши керак, ишдан бўйинтовлаган тартиб бузарларни ҳам назорат

килиши керак. Кимдир ишга чиқмаса, ичиб қўйса, бангилик қилса турмага қайтарилади, меҳнатга ҳам соқчи қаровида борадиган бўлади. Зоҳиднинг бригадасида ишлайдиган маҳбуслар ўз вазифасини яхши бажаришга тиришади — тезроқ озодликка чиқиш имконияти ошади, қўлига тегадиган иш ҳақи миқдори ҳам баландроқ бўлади, бўшаганлари уйларига қуруқ қўл билан кириб боришмайди. Зоҳид кеч-қурун ётоққа қайтган-қайтмаганларни тергамайди, бу вазифа ётоқ комендантининг бурчи, ётоққа қайтиш — шарт, биронта маҳбус қайтмаса, яна зонага тушади, шунинг учун ҳаммалари ётоққа қайтиш қондасини бузишмайди. Бригадир бўлишига қарамай, Зоҳид ҳам ётоқда тунаши зарур — сахар туради, ишга чикувчиларни уйғотади, йўқлама қилади, нонуштадан кейин тележкаларда далага жўнашади.

Охирги учрашув иноқ ўтгани учун Зоҳид, яна келар деб, Муқаддасни кутди, бироқ, мана, уч ойга яқин муддат ўтди, ундан ҳамон дарак йўқ. Албатта, Муқаддаснинг хизмати масъулиятли, иши кўп, уйида қизи, рўзғор ташвишлари бор, истаганида кетавермайди. Бироқ ярим соатга бўлса ҳам фурсат топиши мумкин-ку. У ёқ-бу ёқ бир соатли йўл, вақт ажратиши қийин эмас. Балки Зоҳиднинг бирон қилиғи ёқмадими? Ёқмаган бўлса, авзойидан сезилар эди, унақасини Зоҳид ё пайқамади, ё фаросати етмади. Нима бўлиши мумкин? Нега муносабатлари шу даражага етганда, ундан ном-нишона бўлмапти? Мана бу маҳбуслар кўзида изза бўлишни хоҳламаяптимикиан? Бинобарин буларнинг ичида Муқаддас раислик қилган суд фармони билан қамалганлар ҳам йўқ эмас. Олдинги келганларида Муқаддас фақат турма ходимларидан битта-иккитасини учратар, маҳбусларга дуч келмас эди. Шундан истиҳола қилган бўлса ажабмас. Зоҳид шу каби ваҳлар билан интизорлигига тасалли ахтарар, лекин барибир кўргиси келар, соғинар, илож бўлса ўзи қидириб боришга тайёр эди. Бироқ қутулишига икки-уч ой қолганда, тартибни бузиб, яна баттар чалкашликка дучор бўлишни истамас эди. Аммо барибир Зоҳид Муқаддаснинг сўзини олиши кераклигини, бу ситамхонадан чиққач, бирга яшаш, муносабатларини расмийлаштириш йўлларини ўйлар эди. Тўй-томоша қилиш, албатта, шарт эмас, лекин никоҳ ўқитиш, ЗАГСдан ўтиш муқаррар бўлиб, нияти омонат эмаслигини исбот қилиши, шу йўсин билан Муқаддасни гулгула-гумондан фориг этиши шарт эди. Агар Муқаддас Зоҳиддан айниган, шунчаки ташналигини қониқтирган бўлса-чи? Ёки яна биронта тилла тишлик олифта йўлдан урганмикиан? Муқаддас — судья, касби қулай, унинг пинжида анча-мунча ишларни ҳамирдан қил суғургандек

ясаб ташлаш мумкин, фирибгарлик шувок остида қолаверса, ҳеч ким сезмайди, сезгани чурқ этишга юраги дов бермайди. Ҳатто Муқаддаснинг ўзи ҳам рафлатда қолади.

Бир куни кечқурун хира хонада ўтирган Зоҳидни навбатчи имлаб чақирди.

— Сени сўрашяпти, — деди у, — ташқарида.

Зоҳид ташқарига ошиқди. Чироклари ўчирилган машинасида Муқаддас ўтирар эди, Зоҳидни кўриб, машинасидан чиқди. Қоронғи бўлгани учун Зоҳид, салом ҳам демай Муқаддасни бағрига босди, анчагача кучоридан қўйиб юбормади.

— Нега бедарак бўлиб кетдингиз? — деди Зоҳид. — Тинчликми?

— Безор қилмай, дедим, — деди пичирлаб Муқаддас.

— Келипсиз-ку.

— Вазият мажбур қилди, — деди Муқаддас.

Зоҳид қўлини бўшатиб Муқаддаснинг кўзларига тикилди.

— Тинчликми?

Муқаддас индамади.

— Нима гап? — деди Зоҳид хавотирланиб.

— Бошим қоронғи, — деди Муқаддас Зоҳидга синовчан қараб.

Зоҳид Муқаддасни кучоклаб, даст кўтарди, кулоғи остидан ўпди.

— Жуда соз, — дея, Зоҳид Муқаддасни оёғига қўйди. — Нега гулгуладасиз? Яхши-ку.

— Сизга қандай ботаркин, деб гумонда эдим.

— Қанақа гумон бўлиши мумкин?

— Қорним дўппайса, нима важ кўрсатаман? Мени чалиш қўйида юрганлар қанча.

— Дарров тўй қилиш керак, — деди Зоҳид иккиланмай.

— Қанақа тўй, ўзингиз турмадасиз-ку.

— Илтимоснома ёзсам, эртагаёк бўшатишади.

— Ёзинг, шунча ётганингиз етар, — деди Муқаддас қатъий.

— Бўпти, ёзаман, — деди Зоҳид. — Ўзим ҳам шуни ўйлаб юрувдим.

— Нимани, ҳомила бўлишимними? — тушунмай сўради Муқаддас.

— Бўшашимни, нега чўчийсиз?

— Асаб. Ҳамма нарсадан чўчийман, — деди Муқаддас, гўё ҳомиладор бўлиши тузатиб бўлмайдигандек дарддек, нохуш овозда. — Жонга тегди. Ҳар қадамимдан қўрқаман.

Айбдор амалдор бўлса, бош судья нукул оклаш пайига тушади, биз унамасак, келлегияда қоралайди, айб ахтаради. Муддаоси нималигини ҳамма билади, лекин ҳеч ким ҳеч нарса дея олмайди. Баъзи судьялар сўзсиз бажаришади, одамнинг айби борми, йўқми — барибир кес дейишса, кесади, оқла дейишса, оқлайди, мартаба орттиришади, амалга минишади. Одиллик, адолат улар учун пуч нарса. Қанчадан қанча бегуноҳ одамлар қамоқларда ётипти, қанча зўравонлар озод юрипти. Бу системада ишлаш учун қабих бўлиш керак, тепадан пастгача чириб кетган экан. Дод дегинг келади. Дод дейишга ҳам, гуноҳсизни ҳимоя қилишга ҳам ҳаққинг йўқ. Ҳамма нарса таниш-билиш, пул билан битади. Декретга чиқсам қайтиб бормайман.

— Бормасангиз ўпкалашмайди, ҳамма амал ўзларида қолади, — деди Зоҳид совуққонлик билан. — Сиз улар учун ровсиз, кўздаги чўпсиз, сафни бузувчи унсурсиз. — Зоҳид гапларидан хижолат чекди. — Кечиринг.

Муқаддас Зоҳидни кучоқлаб ўпгиси келди, лекин ўзини тийди, чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб, йигитга берди.

— Ишхонанинг телефон номери, — деди Муқаддас андак расмий тусда. — Бўшасангиз, кўнғироқ қиларсиз. Олиб кетаман.

— Йўқ, овора бўлманг, ўзим етиб оламан, — деди Зоҳид ва гугурт ёқиб, папирос туташтирди.

Муқаддас уйига етиб борганида, ховлиси қоронғи, фақат Замира хола хонасининг деразасидан ёруғ тушиб турар, эшиги берк эди. Муқаддас ховли чироғини ёқиб, дарвозани қулфлади. Замира холанинг эшиги очилиб, пойгақда Озода кўринди.

— Ая, сизмисиз?

— Ҳа, қизим, менман, — деди Муқаддас ва дарвоза-хонадан чиқиб кела бошлади. — Овқат борми, очман?

— Қасқонда манти бор, ҳали иссиқ, — деди Озода.

Унинг ёнидан ўтиб, ташқарига Замира хола чикди.

— Шетга кира қолинг, — дея, Замира хола ошхона томонга ўтиб кетди.

Муқаддас қўлини ювиб, шу хонага кирди. Замира хола, печка бўлишига қарамай, сандал ўрнатган эди, Муқаддас плашини ечиб, сандал четига жойлашди. Иссиқ сандал оёқ-қўлига роҳат берди.

— Скрипканг қани?

— Юқори хонада, ўшатта шурулландим, — деди Озода, онасининг пинжига суқилиб. — Бувим бу ерда «чийил-латма», деяптилар.

Муқаддас бир кўлини қизининг елкасидан ўтказди. Ҳозир Замира хола манти олиб келади, овқатланиб бўлгач, Муқаддас юқори хонада қизи билан гаплашиб олиши керак. Аммо Муқаддас ҳамон гапни нимадан бошлашни билмас, қизининг гаши келишидан чўчир, бироқ гаплашмаслик ҳам мумкин эмас, ярим ой-бир ярим ойдан сўнг қорни сезила бошлайди, нима баҳона топади, қизининг кўзида бузук кўринади, онасидан ихлоси қайтади. Балки Замира холани ўртага қўйиш керакдир, Озода кампир билан иноқ, кампир гапни топиб гапиради, осон иқроқ қилади, кўндиради. Муқаддас ҳомилали бўлиб қолганини қай юз билан кампирга айтади. Шўрлик бу сирни эшитса, шайтонлаб қолади-ку. Бирон гап демаса-да, ичида иснод чекади. «Бойнинг қизи, танноз, кўнглига келганини қайтармайди, Ўлмас билан ҳам ўйнашиб туғувди, ипи бўш», деб ўйлайди, албатта. Йўқ, Замира холага очилмагани маъқул.

— Озода, — деди Муқаддас овқатдан кейин уйга чиқ-қач оғиз жуфтлаб. — Хоҳласанг, ёстиғингни қўй, бирга ётамиз.

Муқаддас, уйқусида босиб олишдан қўрқиб, ёшлигиданок Озода билан ётмас эди. Қизи ажабланиб онасига боқди.

— Хона яхши исимапти, — дея Муқаддас важ топди, — бирга ётсак, совуқ сезилмайди.

Озода нариги каравотдаги ёстиғини олиб, онасиники ёнига ташлади, радио томон юрди.

— Ёқма, — деди Муқаддас, радио овози суҳбатга халал беришини истамай, — ухлаб қолсак, ўчирилмай қолади.

Она-бола чироқни ўчирмай ётишди.

— Ёшроқ пайтингда турсам, уканг ёнингга кириб колар эди, — деди Муқаддас узоқ сукутдан сўнг.

— Нега турмадингиз?

— Анову «бақадан» тургим келмади, — деди Муқаддас, собиқ эрининг номини айтгиси ҳам келмай.

— «Бақа» бўлса, нега теккансиз? — онасининг гаши келишидан ҳайиқиб сўради Озода.

— Мажбур қилишган, розилигимни сўрашмаган ҳам.

— Ким?

— Ким бўлар эди, дадам билан онам-да.

— Сўрашса, кимга тегар эдингиз?

— Дадангга, сен ўшандан бўлгансан.

— Биламан, оти Ўлмас-а? Замира бувимдан эшитганман. Замира бувим ҳамма нарсани билади. «Бақани» ҳам.

— Сен уни танймайсан, — деди Муқаддас нохушлик билан. — Чиқиб кетганида, сен гўдак эдинг.

Озода ўйга чўқди. У Замира холани тез-тез саволга

тутар, кампир билганча Озодага айтиб берар, кўп воқеалардан бохабар эди. Замира хола ҳеч ким ҳақида — Муродхўжа ака, Гулсум опа, Ўлмас, ҳатто Ҳошимжон тўғрисида ҳам ёмон сўз демас, ҳаммасига ачиниб гапирар эди. Шунинг учун Муқаддас Ҳошимжонни «бақа» дейиши Озодага рализ туюлди. Умуман гап бошқа томонга бурилиб кетди, Муқаддас Зоҳид ҳақида оғиз очмади, очишга важ топилмади. Лекин сирни қизига очишни, уни келажак ўзгаришларга тайёрлаши шарт ҳам зарур эди. Қизи энди кўп нарсаларни тушунадиган, мустақил фикр юритадиган бўлиб қолди, уни назардан четда қолдириб бўлмайди, розилигини олмаса, кейин иш пачава чиқиши муқаррар эди.

Бир ҳафтадан кейин Зоҳид Муқаддасга телефон қилди. Зоҳиднинг овозида Муқаддас у қадар қувонч сезмади.

— Борайми? — сўради Муқаддас.

— Тумовман, юкмасин, — деди Зоҳид, Муқаддасни авайлаб. — Қумри ая қараяпти, дори-дармон бор. Уч-тўрт кун ўтиши керак.

Майли, уч-тўрт кун ўтсин, ўйлади Муқаддас, фурсат зиклигига қарамай. Зоҳид ўзи билади-ку, Муқаддас эслатса, қистагандек туюлади. Никоҳсиз, норасмий яшаш авваллари Муқаддасга, айниқса, Ўлмас билан рўй берган маломатдан кейин, мутлақо номуссиз қилмиш бўлиб туюлади. Лекин адлия соҳасига аралашгач, бунақа воқеалар учраб турадиган нарса эканига ўзи амин бўлди. Бу каби вазиятга тушганлар асосан қиз-аёллар эди. Бу ҳам жабрланувчиларнинг мингдан бирини ташкил қилар, кўплари қоринлари сезилмай туриб ҳомиладан қутулиш чорасини ахтаришар, чора топа олмаган қизлар ўзларини ёқишар, осишар, маргимуш ичишар, томир кесишар, — айбни ўзлари билан гўрга олиб кетишар, кўп ҳолларда ота-оналари ажал сабабини билишмас, фақат гумон қилишар, суд — милициядан яширишар, йўлдан оздирган йигитлар четда қолишар, тан олишмас, гувоҳ бўлмагани учун уларни ҳеч ким жавобгарликка торта олмас эди. Севиб алоқа қилган йигит қизни, ака-укаларидан қўрқса-да, барибир айбни қизга ағдарар, «кўнглинг бўш экан, қаршилиқ кўрсатмадинг, имо қилсам иштонинг тушиб кетди», деб баҳона ахтарар, қиз сирини уйдагиларга айтишдан қўрқар, негаки улар қизлари номусини ҳимоя қилиш ўрнига, айбни қизларидан қўрар, иккала ёвуз томон ўртасида аросатда қолган қизлар ажалдан бўлак чора топа олмас эдилар. Натижада қиз ҳам, пуштидаги янги жон ҳам нобуд бўлишар эди. Хуқуқни муҳофаза қилувчи шахс бўлишига қарамай, Муқаддас ҳам шундай бидъатдан ҳайиқар, андиша қилар, ҳатто Зоҳид совуса, хомиласини йўқ қилишга ҳам тайёр эди.

Нега Зоҳиднинг товуши Муқаддасга лоқайд туюлди? Нахот Зоҳид ҳам «ушанақалардан» бўлса? Қани анави шеърларда айтилган ситам-ташналиклар? Чанқоғи босилдимикин? Ёки у ҳам Муқаддасни суюқ, жун, деб ўйлаяптими? Бетоблиги баҳонамикин? Йўқ, энди Муқаддас — беморни йўқлаш табиий кўринса-да — ўзи бормайди. Агар туйғуси чин бўлса, ўзи қидирсин, келсин. Келмаса — яна яхши, вазият аниқ тус олади.

Айни бир пайтда Зоҳид Кумри ая исриқ туташтирган хонада акса уриб ётар, дастрўмоли хўл бўлавергани учун сочиқ билан бурнини тўсар, уч йил турмада бўлиб, совуқ-изғиринда карам юклаб бирон марта шамолламаган одам, балконда чеккани учунми — шу арзимас назла туфайли уйда қамалиб ўтиришга мажбур. ЗАГС билан боғлиқ расмий тадбирни ҳисобга олмаганида, Зоҳиднинг шошилинич иши йўқ, қанча керак бўлса шунча ётиши мумкин, лекин никоҳни янги йилгача ўтказиб, ниҳоят қарор топишни чамалаб қўйган эди, бироқ мана бу савил режаларини бузди. Тумов тез орада арийди, ҳатто янги йилгача уйланиш маросимини ўтказиб юборишга ҳам улгуришлари мумкин. Охирги учрашувда тўй ҳақида сўз кетди — Муқаддас ийманди. Ун уч яшар қизли жувон келин либосида ўтиришни эп кўрмади. Зоҳид ҳам қистамади. Аввало тўй маросимига етарли маблағи йўқ, бори-йўғи 15—20 меҳмондан иборат ўтиришга етади. Муқаддас улуш қўшиш ниятини билдирса-да, Зоҳид эркак сифатида рози бўлмайди. Зиёфат дахмазасиз бирон ресторанда ўтказилса кифоя. Катта тўйга кимни ҳам айтар эди, қадрдон дўстлари кам, бармоқ билан санаб чиқса бўлади. Муқаддас ҳам танҳогина аёл, биттагина қизчаси бормиш. Муқаддас тул эканини Зоҳид биларди, саволга тутмади, жоиз кўрса, ўзи айтар: анави гал мавруди бўлмагани учун Зоҳид ўз ўтмиши, оиласи ҳақида Муқаддасга ҳеч нарса дегиси келмади, қаловуни топа олмади. Лекин кейинчалик «яширипсиз» деган писанда чикмаслиги учун Зоҳид албатта рафиқасини хабардор қилиши лозим. Зоҳиднинг битта фарзанди бор. Хотини Зебо Зоҳидни нукул «кам топасиз», деб камситар, ёнида борини шилиб олар, ўта рашкчи, Зоҳидни ҳоли-жонига қўймас, соқол қирса ҳам, костюминини дазмолласа ҳам, ҳатто сочини тараса ҳам гумон қилар, ўзини ҳам азобга қўяр, эрининг кўзини очирмас эди. Бир куни тунда Зоҳид кўзини очиб, тепасида бежо тикилиб турган хотинини кўрди — Зебонинг қўлида оғир мисчойнак бор эди. Зебо чой қўйиш учун мисчойнакни ушлаб туриптими ёки дилида бошқа ният борми — Зоҳид англай олмади, лекин юраги

шувиллаб кетди. Шундан кейин оралари кескин бузилди, Зоҳид уйдан чиқиб кетди, уч йилгача ижараларда яшаб юрди, кейин ижроком Ўрдадаги тўрт қаватли бинонинг икки хонали уйини берди. Зоҳиднинг Зебо билан расмий ажраши ҳам силлиқ ўтгани йўқ — собиқ хотини аюҳаннос кўтарди, курсиларни улоқтирди, суд раиси милиция ходимларига безори жувонни «босишни» буюрди ва ўша мажлисдаёқ суд қарори эълон қилинди: Зебо мажбурий даволаниш муассасига юборилди, фарзанд ота қармоғида қоладиган бўлди, бироқ Зоҳиднинг қайнонаси болани уйдан чиқармади. Зоҳид кўнишга мажбур бўлди, севиб уйланган хотинини ҳаётдан ўчириб ташлади, ҳалигача боласи учун — суднинг қарори бўлмаса-да — нафақа тўлайди. Нафақа миқдори у қадар катта эмас, ҳар қалай томиб турар эди, Зоҳид қамалгач — у ҳам тинди. Хотини бир-икки курс даводан кейин бир-мунча ўзига келди, ҳатто икки йилдан кейин турмушга ҳам чиқди — чиройлик нарса, «тешик мунчоқ», ипсиз қолмади.

Зоҳид Муқаддас билан никоҳдан сўнг қай йўсинда яшаш, яъни Зоҳид ичкўёв бўлиб Муқаддасникига кирадими ёки Муқаддас қизи Озода билан Зоҳиднинг бу уйига кўчиб ўтишадими — ҳали муҳокама қилишмаган. Муҳокама қилишни эп кўришмаган, алоқалари расмий тус олмай туриб, бунақа масалани ўртага ташлашнинг ўзида қанақадир чамалашга ўхшаш зикналик бордек, ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетадиган муаммодек туюлган, муносабатлари узил-кесил, шак-шубҳасиз, муқаррар кўринмаслиги учун бу ҳақда гап очишмаган. Одатда қиз кўёвникига келин бўлиб тушади, кўёв агар ака-укалари кўп, жойи тор-танқис бўлса, келинникига ичкўёв бўлиб киреди — куда-андалар шу ҳақда аввалдан келишиб олишади. Бироқ Муқаддас билан Зоҳид орасида ҳеч қанақа воситачи йўқ, совчисиз бири бирини топган, демак, келажак масалаларини ҳам ўзлари ечишлари лозим. Муқаддас данғиллама уйини ташлаб, Зоҳиднинг икки хонали квартирасига келин бўлиб тушадими, йўқми — бу ҳам номаълум. Қизи онасига эргашиб ўгай отасиникига келишга рози бўладими? Фаши келмайдими? Онасини қизғанмайдими? Гўдак бўлганида бир нав эди, қиз — ўн уч яшар, бир-икки йилдан кейин турмушга чиқарса, фарзанд кўрадиган чоғи. Асло унамайди.

Зоҳид ичкўёв бўлиб кирса-чи? Бу қисмат бир марта бошидан ўтди, етар. Қайнона-қайнота бўлмайди, уларнинг қош-қовоғига қараш истисно, лекин Муқаддаснинг қизи бор, Зоҳид билан Муқаддас қанча иноқ бўлишмасин, қиз тумтайиб юрса, кимнинг бардоши етади? Қолаверса, Зоҳид

учун ҳам Муқаддаснинг муҳити, уй-жойи, кўрпа-ёстиги бегона: бир пайтлар апоқ-чапоқ бўлиб кечаларни ўтказган жойда энди Зоҳид, ҳеч нарсани билмагандек, ётадими? Ҳар тирқишдан Муқаддаснинг собиқ эри, унинг шарпаси, ҳиди келиб, миннат билан тикилиб тургандек бўлади. Зоҳид ўзини бировнинг ризқини кавшаётган итдек ҳис қилади. Нимадир зирапчадек доим этига ботиб туради, сергаклик қўйиб юбормайди, ҳушёр юришга мажбур бўлади. Агар қизи онаси теккан эрини сиғдирмаса, ғайирлик қилса, оиладан ҳеч қачон таҳлика аримайди, хушнудлик ҳам татимайди. Бу дегани, Зоҳид қизнинг ихлосини ўзи томон ордириши ёки чидаши шарт. Ёки алоқаларига барҳам бериши керак. Қандай барҳам беради? Муқаддас буткул вужуди билан Зоҳид учун тимсол: муомаласи, хусни, маслағи, қатъийлиги, ҳатто фисқу фасоддан ҳайиқмай ўзи дилини очишга журъат қилгани — ҳаммаси Зоҳид учун — таомил, эзгу нияти. Бундай малак ҳар қандай йигитга ҳам насиб этавермайди. Ҳа, қизлигида бир йигитга кўнгил қўйипти, бола кўрипти — хўш, нима бўпти? Севиш ёвузлик эмас-ку, инсоннинг энг гўзал хислати, буни олқишлаш ўрнига тош отиш керакми? Юраги яна севигига очилипти, бидъатни енгиллашга қурби етипти — улур фазилат-ку. Мунақа малоика учрашининг ўзи омад, шак келтириш бетамизлик. Майли, бир йил бўладими, бир ой бўладими... Ҳатто бир ҳафта жуфт бўлишга Зоҳид тайёр. Кейин нима кечса — худодан. Пешонасидан кўради. Тақдири шунақа экан, чидайди, кўникади. Бироқ ҳомиласи-чи? Аёл киши учун бу чакана нарса эмас, иккаловини боғловчи тугун, далда. Шунинг учуноқ никоҳдан ўтишлари керак, токи Муқаддас ҳам ийманмасин, Зоҳид ҳам ўзини панада тутмасин. Қонуний, расмий бўлгани маъқул, ҳеч ким писанда қила олмайди. Қизи ҳам кўникишга мажбур бўлади. Нега Муқаддас телефонда кам гапирди? Нимадан мулоҳаза қилди? Зоҳиднинг «Келмай туринг», дегани ботдимикин? Наинки? Муқаддас унақа танноз, гиначи эмас, идрокли жувон, фаросати етади, бўлар-бўлмасга тумтаймайди. Демак, дилида қанақадир ғашлик бор. Ҳомиласидан тортинаётганмикин? Бир ойдан сўнг кўз пайқайдиган бўлиб қолади. Қисташга орийат қияпти, чоғи. Хуноблиги шундан. Тезроқ Зоҳид ўнғайиши, алоқаларини қонунлаштиришга ошиқиши керак. Бу шунчаки расмий тадбир бўлса-да, орадаги беқарорликка барҳам беради, осойишталик ўрнатади, демак, руҳий таҳлика арийди.

Зоҳид эртасига Муқаддаснинг ишхонасига — уч йилга кесилган муассасага борди. Муқаддас очиқ суд мажлисини олиб бораётган экан. Зоҳид залга кириб, бир

бурчакда ўтирди. Муқаддас шу заҳотиёқ уни пайқади, аммо ўзгармади, ишини қай тусда олиб борган бўлса, ўша тарзда давом эттирди. Бир соатдан сўнг Муқаддас танаффус эълон қилди ва ёнгинасидаги хонага кириб кетди. Зоҳид коридорга чиқиб, Муқаддаснинг номи ёзилган эшикни тақиллатди. Эшикни котиба қиз очди. Бу қизни Зоҳид ўзининг иши судга тушган пайтида ҳам кўрган эди, бироқ котиба қиз Зоҳидни танимади.

— Муқаддас Муродовна танаффусдалар, қабул қила олмайдилар, — деди котиба эшикни қия қилиб.

— Кираверинг, — деган Муқаддаснинг овози ичкаридан эшитилди. У Зоҳид киришини кутган эди. Балки шунинг учун танаффус эълон қилгандир, деб ўйлади Зоҳид.

Котиба четланиб, эшикни очди. Ичкарида Муқаддасдан бўлак ҳеч ким йўқ, у термосдан чашкага чой қуймоқда эди.

— Салом алайкум, — деди Зоҳид турган жойидан.

— Келинг, — деди Муқаддас тик турган ҳолда, — ўтиринг.

Котиба бир Муқаддасга, бир Зоҳидга аланглаб, хонадан чиқиб кетди.

Зоҳид бурнини рўмолчаси билан тўсиб, стол ёнидаги стулга бориб ўтирди.

— Чой ичинг, — дея Муқаддас чой қуйилган стаканни Зоҳид олдига қўйди, шоколад кутисини очди. — Марҳамат.

— Раҳмат.

— Кўчага чакки чиқибсиз-да, — деди Муқаддас Зоҳиднинг тумовини назарда тутиб. — Зарур иш борми?

— Биласиз-ку, — деди Зоҳид ва чойдан бир ҳўплам ичди.

Муқаддас ўзини билмаганликка олмади.

— ЗАГСга ариза топшириб қўйиш керакмикин? — деди Зоҳид, ўзини бу тadbирга даҳли камдек кўрсатишга уриниб. — Агар айниган бўлмасангиз.

Муқаддас мавҳум табассум билан Зоҳидга назар ташлади.

— ЗАГС муаммо эмас, — деди у соатига қараб олиб.

Зоҳид тўшакда ётиб ўйлаган мулоҳазалари Муқаддас учун ҳам муҳим эди, бу масалани фақат Зоҳид билан бамаслаҳат ечиш мумкин бўлиб, шу гап очилишини кутиб юрган эди.

— Ярим соатдан кейин, — деди Муқаддас овозига майинлик бериб, — кенгаш давом этади. Ҳозир гап очсак, тўмтоқ чиқади. Сиз иссиқ ўраниб ётатуринг, мен ишдан кейин учраб ўтаман. Бафуржа гаплашамиз. Исириқ тутатиб қўйинг. Келганингиз учун раҳмат.

Бу Муқаддаснинг миннатдорчилиги ёки у йигитни жўнатмоқчиси — Зоҳид англай олмади. Бироқ бош ирғаб ўрнидан турди, яна бир марта чой ҳўплаб хонадан чиқиб кетди.

Муқаддаснинг муомаласи майин бўлса-да, ҳақиқатда Зоҳиднинг кавшини тўғрилаб қўйгандек кўринди, Муқаддаснинг дили ваз бўлди. Уйига борганимда топиб гапираман, кўнглини кўтараман, деб ўйлади Муқаддас, кўпроқ ўзига тасалли ахтариб. Бироқ бу баҳона ҳам Муқаддасга таскин бермади. Бир неча кун аввал қизи билан ёнма-ён бир каравотда қўзгаган суҳбати эсига тушди. Она-бола у ёқ-бу ёқдан гаплашишди, ниҳоят Муқаддас асосий мавзуга ўтди, тўғрироғи, Озоданинг лўкмаси туртки берди. Қиз хайҳотдек ўйда бир ўзи эканидан ёзғиргандек бўлди. Озода ўн тўрт яшар қиз, анча-мунча нарсанинг фарқига етади, онасининг атворидан бирон ўзгариш пайдо бўлганини пайқадимикин, онаси айтишдан хижолат чекаётганини сезиб, ўзи шу гапни очдимикин, Муқаддас англай олмади, лекин далда деб ўйлади.

— Яхши одам чиқса, тегайми? — деди Муқаддас шифтга тикилиб.

Озода анча индамай ётди. Муқаддас гулгулага туша бошлади.

— Кўнглингиз чопса, тегинг, — деди Озода ҳам шифтга қараб. — Ҳали ёшсиз-ку, энди ўттизга тўлдингиз. Борми биронтаси?

Қизининг бу саволининг ўзида ниманидир гумон қилишини Муқаддас сезди. Лекин Озоданинг «... биронтаси», деган сўзи Муқаддасга эришроқ туюлди. Гуё Озода «уни» барибир четроқда тутар, ётроқ кўришини яшира олмас, «у» бош суқиб кирса, она билан қизи ўртасида парда пайдо бўлишига ишорадек эди. Муқаддас қизининг розилигидан мамнун бўлса-да, овозида аллақандай қизғанишга ўхшаган рашкни пайқади. Шунинг учун Озоданинг саволига Муқаддас «бор» деб жавоб беришдан орият сезиб:

— Бўлса вазинг келмайдимми? — деди.

Озода яна жимиб қолди.

— Сизга маъқул бўлса, бўпти-да, — деди ниҳоят Озода. — Кўникаман. Лекин «дада» дейишга ҳеч қачон тилим бормайди. Оғринмасмикин?

— Ким? — ҳадиксираб сўради Муқаддас.

— Ким бўларди? Ўша-да. — Озода «уни» нима деб аташни билмас, «нотаниш» деса, жуда бегона туюлар, «куёв» сўзи галати кўринар, «жазманингиз» қўпол ибора эди, шунинг билан бирга қиз онасининг кўнглида гумон қолдиришни, совутишни ҳам истамас эди.

— Мен ҳали аниқ бир нарса демадим-ку, нимадан домангир бўлаяпсан, кизим? — деди Муқаддас ўзини ҳимоя қилгандек.

— Ҳеч нарсадан, — деди Озода. — Ўзингиз «чикса» деганингиздан тахмин қилдим холос. Агар ҳақиқатда «чикқан» бўлса... Хуллас, ўзингиз биласиз. Фашим келмайди. Фақат дугоналаримга «дадам урушда ҳалок бўлган», деб келардим, ўша гапим гаплигича қолади. Сўрашса, «аямнинг эри», дейман.

— Унақа десанг, изза бўласан. Ҳеч ким дадасини «аямнинг эри» демайди.

— Дадам эмас-ку «у».

— Тўғри, мен тегсам сенга дада бўлади-да. Мунақалар қанча, дадалари урушда ўлган болалар оналари янги турмуш қурган бўлсалар, «дада» дейишади, ҳеч ким «ойимнинг эри» демайди, бунақа дейиш одобдан эмас. Оталик бурчини бажарса, «ўғлим-қизим» деса, «дада-да».

— Мен «унинг» кизи эмасман-ку, — деди Озода тушунишни истамай.

— «У» менинг эрим бўлганидан кейин, болам «унинг» ҳам фарзанди ҳисобланади.

Муқаддас ҳозир кабинетида ўша суҳбат тафсилотини ўйлар, кизи онасининг турмуш қуришига рози эканидан дилининг бир бўлаги таскин топар, лекин Озоданинг «дада дейишга тили бормаслиги» кўнглини ўртар, ўгай ота билан қизининг муомаласи қандай кечишини аниқ тасаввур қила олмас, агар қизи тумтайишини қўймаса, Зоҳид билан алоқалари барибир ишқал бўлишидан чўчир эди. Бироқ Зоҳид, нозиктабиатли инсон, хушмуомала, қизининг дилига йўл топа олади, қизининг ихлосини тортади, иноқлашиб кетиши мумкин. Майли, турмуш қилиб кўрайлик-чи, осойишта, силлик, таъна-сиз ўтса, нур устига аъло нур, муросалар келишмаса — на илож, ўйлади Муқаддас, айрилишга мажбур бўламиз.

Ҳозир Муқаддас Зоҳидникига боради, шу мулоҳазалар очилади, Зоҳиддан бирон идрокли маслаҳат чиқишига Муқаддас ишонади.

Шу пайт кабинет эшиги тақиллаб, остонада юзига бўжамак тошган ўспирин кўринди. У рус йигит бўлиб, устида погонсиз шинель, оёғида кирза этик, кўнғир-сарик сочлари ҳурпайган эди.

Муқаддас унга қараб, биронта судланувчининг ўғли ёки қариндоши деб ўйлади.

— Кечирасиз, иш вақтим тугади, бугун қабул қила олмайман, эртага соат тўққизда келинг, — деди Муқаддас ва

шинелли йигитдан кўзини олиб, столдаги қоғоз папкаларни тахлай бошлади.

— Мен қабулга келганим йўқ, қоғоз олиб келдим, — деди йигит Муқаддаснинг гапини писанд қилмай. — Қўл кўйиб берсангиз бўлди. — У икки букланган қоғозни Муқаддасга узатди. — Муродова сизмисиз? — сўради у бир лаҳза қоғозни чимдиб туриб.

— Ҳа, Муродоваман, — деди Муқаддас андак ажабланиб. — Қанақа қоғоз? Кимдан?

— Мана, ўқинг, — дея, йигит қоғозни Муқаддасга берди.

Муқаддас қоғоздаги машинкада ёзилган сўзларга кўз югуртириб чиқди, негадир юраги шувиллаб кетди, — даъватнома Давлат Хавфсизлигини Сақлаш Комитетидан келган эди. Муқаддас тахликасини билдирмай, қоғозга имзо чекди ва қайтариб берди, йигитча қоғознинг бир бўлагини йиртиб, чўнтагига солди, иккинчи бўлагини столга қўйди.

— Хайр.

Қоғоз даъватнома бўлса-да, кўпроқ повесткани эслатар, сўзлари ҳам таклифдан кўра буйруққа ўхшар эди: Муродова М. га, 21 декабр соат 17 да куйи адрес бўйича фалон кабинетга келишингиз зарур. Имзо.

Муқаддас соатига қаради — ўн олтию қирқ эди. Кунни ҳам 21 декабрь. Демак йигирма минут вақт бор. Суд қолдирилади.

Муқаддас апил-тапил кийиниб, ташқарига чиқди ва машинасига ўтириб КГБ биноси томон жўнади.

Қиш бўлгани учун ҳаво қора-совук, ҳалигача қор ёғмаган, кеч кира бошлаган, КГБнинг тўрт қаватли пухта ишланган кулранг биноси деярли бутун квартални эгаллаган, махдуд бўлиб, иккита-учта деразаларидан ёруғ тушар, бино олдида ҳеч ким кўринмас, сохт-сумбати таҳдид солиб турар, минглаб, ўн минглаб одамларнинг тақдири шу бино хоналарида ҳал бўлганини, кеч қолиш ёки келмаслик оқибати — 1954 йил бўлишига қарамай — нима билан тугагини Муқаддас яхши билар эди. Нега Муқаддасни бу ерга чақиришди? Қанақа ишқал учун жавоб бериши керак? Тўғри, суд раиси, қандай кўрсатма бермасин, қанча айби муқаррар амалдорларни оқлашга ундамасин, айниқса партия аппаратидаги мансабдорларни муҳофаза қилмасин, Муқаддас адолат юзасидан иш олиб боришга уринади, кўп ҳолларда, албатта, урдасидан чиқа олмайди, «унақа» ишларни раис «синалган» судьяларга топширади, Муқаддасга эса безорилик қилганлар, қўйди-чиқди, оила жанжаллари тушади — лекин, барибир, муассасанинг номи Суд, одамлар бу ерга ҳақиқат

излаб келишади. Жабрланган фукаро адолат топанман деб, ўзи кесилиб кетиши — фирт зўравонлик-ку. Ким уларни ҳимоя қилади? Адлия, суд, адолат маҳкамасининг ўзи ноҳақлик маскани бўлса ким бу ерга адолат истаб келади? Лекин қанақа иллатни рўқач қилишарикин? Даъволари нимадан иборат экан? Ахир бу ерга чой ичиш учун чақиришмайди, демак қанақадир фитна оралаган. Қандай ғализлик рўй берди экан? Агар Муқаддас нималигини аввалдан билса, тузукрок тайёрланган, далил тўплаган бўлар эди. Суд иши бўлса, айбланувчи тутурукли исбот келтира олмаса, адвокат олиши мумкин, бироқ бу бино таркиби адвокат, яъни ҳимоячини тан олмайди, фақат ўзининг тахмин-гумонларига таяниб ҳукм чиқаради, юқоридан тушадиган кўрсатма кўп ҳолларда ҳал қилувчи омил бўлади. Агар вазият ҳақиқатда шунақа бўлса, ҳеч қандай исбот, далил эътиборга олинмайди. Масала, бошланмасдан олдин, ҳал қилинган бўлади. Бу «тегирмонга» тушганнинг холи вой, ўз оёғи билан келиб, қайтиб чиқмаслиги мумкин.

Муқаддас соқчихонадаги навбатчига даъватнома билан паспортини берди, руҳсатнома кута бошлади. Уни таҳлика қўйиб юбормас, турли гумонларга борар, биронта тайин қоида бузиш хаёлига келмас, калаванинг учи чалкаш тугундан чиқмас эди. Балки Зоҳидни бориб кўрганларим маънавият қолипига хилофмикин, деб ўйлади Муқаддас, навбатчи обдан паспортни варақлаб, руҳсатнома ёзишини кутар экан. Бунда ҳеч қанақа суиқасдлик йўқ, суд ходимлари баъзи ҳолларда турмада ётган айбдорлар ахволидан хабар олиб турадилар, бу тадбир ман қилинмайди, хатто тавсия қилинади. Хўш, яна қанақа ишқаллик бўлиши мумкин?

Муқаддас биронта гумонига жавоб топа олмади. Ўзи суд хизматчиси, маълум маънода адлия соҳасининг малакали ходими ҳисобланса-да, ҳозир ҳадиксирар, хатто бу машъум бинодан чиқиб кетишига ҳам кўзи етмас эди. Бу ердагилар тафтиш-тергов қилиб ўтиришмайди, кўрсатма тушган бўлса, баҳона топишлари мушкул эмас. Беш йил мобайнида «энг одил» саналган суд таркибида ишлаган Муқаддас шубҳа, тухмат, айблаш остида қанақа фитналар яширинганини яхши билади. Бу маҳкама эса хавфсизлик даъвоси билан қандай одамларнинг иродасини буккан, бундан ҳам Муқаддаснинг хабари бор. Ачинарлиси шундаки, бу ердагиларга ҳеч қандай далил қор қилмайди, эзгуликни ёвузликка йўядилар, халқини ардоқлайдиган куйинчакларга «миллатчи» тамғасини ёпиштириб, истаган жазони қўллашлари мумкин. Даҳшатлиси яна шуки — миллатнинг энг фаол, энг эътиқодли ва энг истеъдоддиларини танла-

шади, ҳеч ким уларнинг чангалидан қутула олмайди. КГБ нинг назари тушган кимсанинг аҳволи вой. Бундай тузоққа тушмаслик учун одамлар ташаббус кўрсатган бўлиб, дўстлари устидан иғво ёзишади, шу вазиятдан фойдаланиб, баъзилар рақибларини чалишади, қулатишади, ўзларига йўл очишади, бировнинг қўли билан яксон қилишади. Тухмат, иғво, асл маъносини ўзгартириб, тескари тус оладиган бўлиб, ғурурга айланди, бундай одамлар «ватанпарвар» сифатида ибрат даражасига кўтарилиб, ҳатто баъзилари тимсолга айланишди, миллат қаҳрамони даражасига кўтарилишди. Қабиҳлар тантанасини фаровонлик, деб талқин қилиш одатга кирди. Айни пайтда Муқаддас ўзининг қақиррилишини Ўлмас билан боғлай бошлади. Лекин Ўлмас ўн йил бурун ўлган, ҳозир уни титкилашнинг нима кераги бор? Иғво натижасида қазо қилгани камми?

Муқаддас қачон Ўлмас ҳақида ўйламасин, ҳар гал кўз ўнгида дадаси гавдаланади. Бундоқ олиб қараганда, ҳар қанча яширишган бўлишса-да, йигитнинг ўлимида Муқаддаснинг дадаси айбдор. Онаси ҳам тек тургани йўқ. Муқаддас Ўлмасни асраб қолишга бор иложини сарфлади, лекин «улар» зўр чиқишди, йигитни адо қилишди. Ҳар гал Муқаддас шу ҳақда ўйлаганида, дили зил кетади, хаёлини чалғитишга уринади. Лекин ҳеч қачон бу таъна-андишадан қочиб қутулишни ҳам билмайди, бир умр шу юк билан яшашга мажбур. Ёвуз хотиротни енгил, машъум ангорини ўчириш учунми Муқаддас ўзининг ихтиёри билан боғлиқ тadbирларни одил ечишга ҳаракат қилади. Лекин кўп нарсалар Муқаддаснинг иродаси билан ҳисоблашмайди. Ўнта қарорининг бештаси бекор қилинди, қайта суд ўтказилиб, айбдорлар оқланди, гуноҳсиз одамлар қамоққа ташландилар. Бу ишда кимларнинг қўли борлигини Муқаддас билади, лекин даъво қила олмайди, даъво қилгудек бўлса, ўзини «тинчителишади». Баъзан шунақа ишлар ҳам тушадики, киши қулишини ҳам, йиғлашни ҳам билмайди. Масалан, ўз шаънини оқлаш учун ишидан бўшатиш билан бир музей директоридан ариза тушган. Сабаби: марказий комитетнинг идеология котиби машинада кетатуриб, кўзи музей олдида ўрнатилган ҳайкалга тушибди. Котиб маданият министрига танбех берибди. Музей директорини ишидан бўшатилишини талаб қилибди. «Яланғоч хотин ҳайкалининг шундоққина музей пешига ўрнатибди, дебди котиб, тагин икки қўли йўқ! Бутуни топилмадими?» Муқаддас расмий равишда даъвогар хатига жавоб бериши шарт, бироқ можаронинг ўзи кулгили: директорнинг айби йўқ, ноҳақ бўшатишган, лекин бўшатиш — тайин қилиш министрликнинг ички иши,

Муқаддас министр буйруғини бекор қила олмайди, фақат директорни ўз лавозимига тиклаш ҳақида тавсия қилиши мумкин, министр эса марказком котибининг талабини бажариши шарт, бажармаса, ўзи ҳам амалидан ажралади. Котибни ҳам, министрни ҳам жавобгарликка тортиб бўлмайди. Мушкул ҳол. Сафсата.

— Муродова, — деб чақирди, ойна ортида ўтирган навбатчи, — мана рухсатнома. Учинчи қаватга чиқасиз. 61-хона. Майор Мустафин Загит Фаридович қабул қилади. Марҳамат.

Навбатчи паспорт орасига тикилган рухсатномани Муқаддасга бериб, соқчига имо қилди, у ичкарига кирадиган эшикнинг бир табақасини очиб, четга ўтди.

Малла сочи ён томонга таралган майор Мустафин ўрнидан туриб, Муқаддасга жой кўрсатди, ўзи рўпарасига ўтирди. Муқаддас ҳамон талмовсирар, майорга ҳадик билан тикилар, ўзини эплаб олишга уринар, майорнинг киёфасидан нияти қанақалигини пайқаб олгиси келар, майорнинг ҳаракатлари вазмин, муомаласи расмий такаллуф доирасидан чиқмас, қанақа муддаоси борлиги сезилмас эди. Муддаоси албатта бор, ўйлади Муқаддас, майорнинг мулоимлигига учмай, бўлмаса чақирармиди? Нега, умуман, чақиртиради? Яна повестка орқали, қўл қўйдириб? КГБ сўзининг ўзи юракни шувиллатади, чақиртириб ўтакани ёргандан кўра ўзи бора қолса, асақаси камайиб қолармиди? Муқаддаснинг кабинетини бор, бир пиёла чой устида ҳар қанча саволи бўлса — марҳамат, Муқаддас қўлидан келганича жавоб берарди. Ҳамкасблари албатта бу ерда бўлганини эшитишади. Висир-висир тарқайди. Майор нимани сўраркин? Ўзига алоқадор гаплари бормикин? Ёки бошқалар ҳақида савол берармикин? Чақиртиришнинг ўзида аллақандай муҳим сир борга ўхшайди. Бироқ майор тўғридан-тўғри мақсадга ўтмай, «тинчмисиз, омонмисиз?» қабилида ивирсир, гап бошлашга ошиқмас эди. Балки судьялигидан андиша қиялптимикин? Ёки арқонни узун ташлялптимикин? Хиппа хиқилдоғидан олиш учун.

— Акангиз билан алоқангиз борми? — сўради ниҳоят майор...

— Акам? — деди Муқаддас таажжубланиб.

— Ҳа, акангиз?

— Масъудми?

— Нечга акангиз бор?

— Битга. Шу, Масъуд, — деди алахсирагандек бўлиб Муқаддас. — Лекин у ўлган. Урушда ҳалок бўлган. Ўлган одам билан қанақа алоқа бўлиши мумкин?

— Ұлмаган. Масъуд Муродов тирик.

Муқаддас майорга тикилганича анграйиб қолди.

— Тирик!

— Тирик, — босиқ овоз билан деди майор.

— Қалака қиялпсизми мени?

— Йўқ, Муқаддас Муродовна, калака қилаётганим йўқ, акангиз тирик.

— Қаттан билдингиз? Қани у?

— Германияда. Мана сизга ёзган хати, — дея, майор папка остидан конверт олиб, Муқаддаснинг олдига қўйди. Хат очилган бўлса керак, конверт жиягининг баъзи жойлари ёпишмаган эди. — Кечирасиз, хатнинг мазмуни билан танишиб чиқишга тўғри келди. Қоида шунақа.

Конверт стол устида чўғдек ётар, Муқаддас хатга қўл теккизишга ҳам ҳайиқар, гўё портлаб кетадигандек эди. Муқаддаснинг халқумига нимадир қадалиб, томоғини бўғар, курук кўзлари жовдирамас, қотиб қолгандек эди. Муқаддас ниҳоят хушига келиб, иккала чангали билан майорнинг билакларига ёпишиб, маҳкам сиқди. Кўзларидан ёш тирқираб кетди.

— Раҳмат, Загит Фаридович! — деди Муқаддас энтикиб. — Катта раҳмат!

Бунақа идорада расмий ходимни юлқиш, силқиш, ёпишиш мумкин эмас эди, майор жазавадаги жувонни нима қилишини билмас, қўлини тортар эди холос.

— Хатни ўқинг, — деди майор, вазминлик қилишга уриниб.

Муқаддас хатга тикилди.

— Бу хат сизга келдими?

— Йўқ, сизга, — деди майор.

— Нега сизга тушди бўлмаса?

— Биласиз-ку, — деди майор. — Хориждан келган хат текширувдан ўтади.

— Масъудлиги аниқми? Янглиш эмасми? Биз қорахат олганмиз, аза очганмиз. Тирик бўлганида аллақачон хабар берган бўлар эди. Хато эмасмикин?

— Урушдан қайтган қанча жангчилар ўзларига қорахат олишган, — деди майор юмшаб. — Мунақа адашишлар кўп бўлган. Ўқинг, биласиз.

Муқаддас конвертни очишдан қўрқар, хато чиқишидан чўчир эди. У қалтираётган бармоқлари билан конвертни очиб, хатни кўздан кечириб чиқди. Ҳаяжони туфайли, нима ёзилганини тузук англай олмади. Бироқ хатдаги сўзларни Масъуд ёзгани шубҳасиз эди — қўл уники, Муқаддас акасининг дастхатини билар эди. Ўша. Хато эмас. Муқаддас

Ўзини эпакага солишга уриниб, яна бир марта совуққонлик билан хатни ўқиб чикди.

— Худога шукур, омон экан, — деди Муқаддас, негадир бўшашиб. У айна пайтда севинишни ҳам, ўқинишни ҳам билмас эди. — Бироқ қачон келишини айтмабди.

— Қанақа қилиб келади? Фашистлар томонига қочиб ўтган бўлса?

— Кела олмайдими? — Ўзини гўлликка солиб деди Муқаддас.

— Чақирсангиз, келади. Тўғрироғи, келиши мумкин. Агар консул ижозат берса.

— Ижозат бермаслиги мумкинми?

— Фавқулодда беради — ота-онаси қазо қилса, — деди майор.

— Аллақачон қазо қилишган, — деди Муқаддас ўқиниб.

— Ойимга, дадамга саломлар бўлсин, дебди. Улар ўлиб кетганини билмайди чори. Оилалик бўлибди, қиз кўрибди.

— Чақирадиган бўлсангиз, Муқаддас Муродовна, биз беҳабар қолмайлик. Йўриғи шунақа. Лекин...

— Хўш?

— Чақирмаганингиз маъқул.

— Нега?

— Қайғиб чиқиб кета олмаслиги мумкин. Хиёнатчи, деган айбномаси ҳали бекор қилинмаган.

— Пленга тушган бўлса-чи?

— Барибир, — деди майор ҳорғин тусда.

— Ўзим борсам-чи?

— Виза беришмайди, — деди майор яширмай. — Беришса ҳам, қайтганингиздан сўнг сизни сарсон қилишади. Бу идорага бошқа қадам босмаганингиз маъқул.

Киришдан аввал бу одам Муқаддаснинг кўзига олабўжи бўлиб кўринувди. Мулойимгина киши экан. Муқаддасга ёқа бошлади. Албатта, бу майор ҳам қанчадан-қанча одамларнинг ёстиғини қуритган бўлмаса-да, шу жараёнда қатнашган. Бошқа чораси йўқ ҳам эди. Энди замон ўзгара бошлади, Мустафин ҳам қарий бошлабди, кўлига юққан қон доғларини ювиш кўйидадир. Ҳар нечук аблахга ўхшамайди. Бундоқ қараганда, майор индамай кўя қолиши ҳам мумкин эди, лекин «қадам босмаганингиз маъқул», деди. Демак, юрагининг бир бурчаги изтиробда эканки, аслида мутлақо нотаниш жувонга шу сўзларни тап тортмай айтди. Буларнинг мантиғига кўра, майор «чақиринг» дейиши. Масъуд келиши биланок, оёғини ерга теккизмай, хибсга олиши табиийроқ эди, Мустафин ундай қилмади, ҳатто акасини кўришга боришни ҳам Муқаддасга маслаҳат

кўрмади. Бироқ масала ечилмаганича қолди. Пленга тушган ҳар бир жангчи хоин ҳисоблансин, деган фармон борлигини Муқаддас билар эди, лекин уруш бўлганидан кейин яраланиш ҳам, ўлим ҳам, асирга тушиш ҳам рўй бериши муқаррар, бусиз биронта уруш ўтмаган. Асирга тушиш чорасизлик оқибати, юзлаб, минглаб, ҳатто лашкарбоши — генераллар бошчилигида пленга тушиш ҳоллари бўлган. Шу йўсин билан саркардалар ўз жангчиларининг жонини сақлаб қолган, акс ҳолда қирилиб кетишар эди. Бунинг нимаси хиёнат? Бошқа мамлакатлар, уруш тугагач, асирларни қайтариб беришларини сўрашади, асирларга мурувват кўрсатишади, асирлик азобини кечирганлари учун бошларини силашади, нега бизникилар фақат хоинликни кўришади? Хоинликлар ҳам бўлган, албатта, бусиз ҳам бўлмайди, лекин жиноятни аниқлаш керак-ку. Жангчи балки куршовда қолгандир, ярадор бўлгандир — урушда нималар рўй бермайди. Энг катта генераллардан бири ҳисобланган Власов бутун қўшини билан блокадага тушиб, таслим бўлди, минглаб жангчиларни сақлаб қолди. Масъуд оддий аскар-ку, қўлидан нима иш келар эди. Ҳамма қатори у ҳам пленга тушган холос. Шунини энди хоинга чиқариш керакми? Асирлик истироҳат эмас-ку, нега ватанидан жудо қилиш, ҳатто хатини ҳам чиғириқдан ўтказиш керак? Энди Масъуд бир умр хоин тамғаси билан яшайдими? Энди Муқаддас ягона қолган акасини ҳеч қачон кўра олмайдими? Шундай сиёсатни ўрнатган ҳукумат ўз фуқароларидан ихлосмандлик кутиши мумкинми?

Муқаддас бир соатдан кейин КГБ биносидан паришон ҳолда чиқиб кетди — бир томондан акаси тириклиги хушxabар бўлса, иккинчи томондан Масъуд билан кўришиш у ёқда турсин, ҳатто хат ёзиш ҳам таҳдид остида бўлиши Муқаддасни гангитар, сингил қанақа тадбир қўллашни билмас, хуши мавхум-муаллақ эди. Ҳодиса шу қадар кўкқис эдики, Муқаддас учун муҳим туюлган Зоҳид ҳам, никоҳ ҳам, қизи ҳам, ҳомиладорлиги ҳам бир қадар сўнгандек бўлди. Нарини сурилди. Муқаддас айна пайтда акаси Масъуддан бўлак нарса ҳақида ўйлашга қодир эмас, ўйлашнинг ўзи гализ туюлар эди. Муқаддас майор олдида хатни синчиклаб, тўйиб-тошиб ўқий олмади ҳам. Қўзи қамашгандек, ҳаяжонда сўзлар айқаш-уйқаш бўлиб кетди, фақат омон эканини, Фарбий Германияда яшашини, уйланганини, олти яшар қизи борлигини эслаб қолди холос. Ҳозир уйга етиб олиб, хатни бафуржа ўқийди, албатта. Энди қандай қилиш керак экан? Акаси тирик эканини овоза қилсинмикин ё индамай қўя қолсинмикин? Қай йўсин билан Масъуд

билан алоқа боғлаш мумкин экан? Унинг буёққа келиши ҳам, Муқаддаснинг Германияга бориш майли ҳам хом ният, бу гадбирни хаёлга келтирмаса ҳам бўлади. Фақат хат ёзиш мумкин, ота-онаси дунёдан ўтганликларини айтиши шарт, бироқ хатни ўтказишармикин? Ўтказишмаса, Масъуд рафлатда юраверади, хатига жавоб олмагани учун Муқаддасдан ёзгиради, у ҳам хат ёзмай қўяди. Демак, алоқа ўрнатилмай қолади. Хат-ку Ўзбекистондан чиқиб кетса-да, Москвадан нари кетмайди, Муқаддас саёхат баҳонасида ҳам Ўзбекистондан чиқиб кета олмайди — айниқса Ғарбий Германияга. Биронта Туркиягами, Болгариягами кетаётган сайёҳга хат бериб юборса, ўша томондан жўнатиши мумкин. Саёхатга бориш ҳали одат тусига кирмаган, қиммат, сайёҳ топилса ҳам, хат олиб кетишга рози бўладими, чўчимайдими — бу ҳам муаммо. Лекин бирон йўл ахтариши зарур.

Муқаддас уйига етиб боргач, очлигига ҳам қарамай, юқори уйга ўтиб кетди, ечинмай-нетмай, акасидан келган хатни яна ўқишга киришди. Хотинининг номи Сусанна, қизиники Луиза-Лола экан. Номларидан билиниб турипти, хотини немис ёки ғарбий миллатлардан. Фабрикаси бормиш, газ плиталари, велосипед ясашармиш.

«Камчилигим йўқ, ягона камчилигим ота-онамдан, сендан узоқлигим», депти. «Заҳрога хат ёзмадим, мен оилаликман, уни кўрсанг айт, мени кутмасин...» Уларнинг ҳаммаси адойти-тамом бўлиб кетишганини ҳам билмас экан, шўрлик.

Нариги хонадан скрипка товуши эшитилди, Муқаддас битмаган ишларни уйга олиб келиб варақлар, нималарнидир ёзар эди. Озода онасини банд кўриб, бу хонага кирмапти, машғулотини ўтказаяпти. Муқаддас акаси ҳаёт эканини албатта Озодага айтади, бироқ қай йўсинда айтишини чамалаб чиқиши лозим. Озода тоғасининг расмини кўрган, лекин ҳалок бўлган, деб ўйлайди. Дабдурустан тирик экан деса, хайрон қолиши мумкин. Қизчанинг бошига шунча қўққис хабар — тоғасининг ҳаётлиги, онасига Зоҳидни уйланиши, ҳомиладорлиги ағдарилса ҳазм қила олмайди, ўзини йўқотиб қўяди. Маврудини кутиш керак.

14

Ойниса поезддан тушибоқ — оёғи ватан тупроғига етиши билан — ерни ўпмоқчи эди, кутгани чиққан одамлар олдида тортинди. Ҳовлисига етиб боргач, панага ўтиб, мункайди, намоз ўқигандек, лабини қора совукдан қатқалок ерга босди, лабида кулранг тупроқ изи қолди.

Улар келганига тўрт ойдан ошди. Қиш бўйи бир-икки марта қор ёғди, тезда эриб кетди, лекин олисдаги тоғ чўққилари ҳамон қашқа, тўлин ой кўтарила бошлаганида, оқ шойидек товланар эди. Пастда дарахтлар қийғос гуллаган, димокни қичитар, адир этагидаги пушти ранг шафтолизор оппоқ ўриққа араллашиб қуроқни эслатар, осмондан булут аримас, қуёшни тўсганда, шамол изғир, гулларни чирпирак қилар, қуёш очилгач, арилар ғувиллар эди.

— Ота-онангиз оёқ босган жой, — деди Фаизов домла Қаюмжон билан Ойнисага, — нариги ҳовли барибир бегона, шу ерда турунлар, руҳлари шод бўлади. Биз кам бўлмадик, раҳмат.

— Орқадаги ҳовлини ҳам обод қилипсиз, энди бир умр ёнма-ён яшаймиз. Болалар қўлингизда етилишипти, улар ҳам қўшота, қўсоналик бўлишади. Бизни ўлимдан бошқа нарса ажратолмайди. Сизлар бўлмаганингизда болаларнинг тақдири нима кечарди, Худо билади. Ҳовли ҳам ташландиққа айланар эди. Сизларга раҳмат. — Қаюмжон одатда бунақа сўзларга ҳасис одам, шундай демаса, орада нимадир махфий қоладигандек туюлди. Кимларнингдир муруватини тан олиш қарздан қутулиш, деб ўйлади Қаюмжон. Айни шу изҳори Ойнисага ботмади. Ойнисанинг наздида бу эътироф сўзда эмас, муносабатда ифода бўлгани маъқулдек эди. Майли, биров ундоқ, биров мундоқ муқом ишлатади. Ният покиза бўлса бас.

Бу икки йил бурун бўлган суҳбат эди. Шу пайт ичида икки ҳовли орасида хужра қуришди — сеники ҳам эмас, меники ҳам. Ўртада. Хужра даҳлизли бўлиб, кенжа Қаюмжондан ташқари учала бола — Алижон, Жамила, Заремага шу хонадан жой қилиб беришган. Фаизов домла ҳар бир болага биттадан стол-стул ажратиб берди, ҳар бирининг ўз жойи тайин. Хоҳлашса у томонга, хоҳлашса бу томонга эгилишади. Бироқ биринчи бўлиб қайси томонга салом беришни билишмайди — у томонга салом беришса, бу томон, бу томонга салом беришса, у томон хафа бўладигандек туюлар эди. Алижон асқатди. Эрталаб қайси томон уйғотса, биринчи салом шуларга, деди, лекин техникум баҳонасида бир йил бурун Тошкентга жўнаб қолди. Фарқи икки ёш бўлгани учун, Жамила билан Зарема устидан оталик қилар, қизлар ҳам унинг чизигидан чиқмас эдилар. У кетгач қизлар ҳувиллаб қолгандек бўлишди. Фаизов домла ва Земфира хоним олдида тап тортмайдиган қизлар Қаюмжон ва Ойниса олдида ийманишар, сирлари бўлса кўпроқ Земфира хонимга айтишар, ҳатто эркаликларини ҳам Земфира хоним билан Фаизов домлага

қилишарди. Қаюмжон билан Ойниса олдида одоб сақлашар, биринчи кезларда «ая, дада» дейишга ҳам тиллари бормас, кенжа Қаюмжон ҳам ётроқ туюлар эди. Энг қийини болага бўлди — тили рус тилида чиққан Қаюмжон ҳали ўзбекчани яхши билмас, саккиз йил умри колонияда ўтган бола учун ҳамма, айниқса Фаизовлар оиласи бегона кўринар, жуда кам гапирар, мулоқот қилишдан тортинар, чурқ этган товуши чиқмас эди. Алижоннинг Тошкентга кетиб қолгани Қаюмжон учун оғир кечди. Алижон укасини кўпроқ чалғитар, бирга велосипед учишар, ҳазил-хузул қилишар, умуман Қаюмжон акаси етагида ўзини эркинроқ сезар эди. Бу ердаги мактаб вазияти Қаюмжонга мутлақо ёт кўринди — ҳеч ким русча сўзлашмас, ҳамма дарслар ўзбек тилида олиб борилар, бола ҳеч нарса тушунмас, дарслар узун кўринар, лекин ҳар кун қатнашга мажбур эди. Дарслар тугаши қафасдан чиқиш билан баробар эди, у опаларини ҳам кутмасдан уйига ошиқар, энг яқин туюлган Ойниса пинжиги кирар, мик этмай ўтирар эди. Бироқ иш ахтара бошлаган онаси баъзида уйда кўринмас, болақай соатлаб ичкаридан чиқмас, дарсдан келган қизлар уни тушликка чақиришса, шарпадек чиқар, индамай нарироқда тўхтар, жой кўрсатмагунларича ўтирмас эди. Бола бу оилага қоришмас, пайванд новдасидек тутиши қийин кечар, ҳеч нарса уни ийитмас, ортиқча сийлаш ҳам унга малол келадигандек эди. Маълум даражада Алижон ҳам, тил учиди иноқлик билдирса-да, ўз ота-онаси қалбига ётмаган, Фаизовлар асл ота-онадек бўлиб кетишган, энди булар келиши билан аввалги муносабатларга путур ета бошлагандек, жипслик ва ҳамжиҳатлик иплари бўшашганга ўхшар, ўз отасининг гапини икки қилмаса-да, муомаласи Фаизов домланикига ўхшамас, Алижон дадаси билан сўзлашганда кўзи бежороқ кўринар, Фаизов домла бирон нарса деса, Алижон бажонидил бажарар эди.

Балки шунинг учундир Алижон Андижонда ҳам ўқишни истамай Тошкентга равона бўлди. Кетганига бир йилдан ошди. Атиги бир марта хат келди — ўқишга кирипти, тиш доктори бўлар эмиш. Ўқиши — медицина техникуми, у ўқув юртидан кичик медходимлар — фельдшерлар, санитарлар, ҳамширалар етишиб чиқади, аксарияти қишлоқларга жўнашади, малакали врачлар етишмагани учун докторлик вазифасини шунақалар адо этишади, бир қисми институтга киради.

Алижон хатида ҳеч кимга муайян мурожаат қилмай, умумий сўзлар — «омонмисизлар?» деган нақлда ёзипти, шундан сўнг хат ёзмади, хатто ёзги таътилга ҳам келмади— пионерлар лагерига, медпунктда ишлаш учун кетипти,

адресини ҳам ёзмапти. Қаюмжон бундан тушундики, бу ердагилар билан ўглининг алоқа қилгиси йўқ, шундай англаш мумкин — агар адрес ёзиш эсидан чикмаган бўлса. Қаюмжон-ку майли, бегоналашиб кетган, аммо Фаизов домлани, Земфира хоним-чи? Улар Алижонни ёшлигидан тарбия қилишди, боқишди, ювиб-тарашди, ўқитишди, чала етимлигини билдиришмади, ўзи емай, бунга едиришди. Улардан нимага ёзгиради? Мурувватга маломатми? Балки мактабига ёзар? Шундай бўлиши мумкин. Алижоннинг Қаюмжонга айтадиган гапи йўқ, хат ёзишга мажбур эмас, лекин Фаизов домлага ҳам, Земфира хонимга айтадиган гапи бўлиши керак, сирдош бўлиб кетишган, Алижоннинг омадидан улар қувонишади, қоқилса, азият чекишади.

Қаюмжонга ҳам, Ойнисага ҳам иш топилмади, сургунда бўлишгани учун ҳеч бир муассаса уларни ишга олмади. Бўш жой йўқ дейишди, аслида маълум фармон бўлмасанда, ички ишлар бўлинмаси сургун, қамоқ муддатини ўтаганларни зимдан кузатишар, агар биронта корхона мудир билмай бунақа фуқароларни ишга олса, танбеҳга учрар, дархол биронта баҳона билан ишга олинган шахсни ариза ёзишга мажбурлар эди. Қаюмжон-ку, майли ногирон, нафақа олади, лекин Ойниса нима қилади? Битта Қаюмжоннинг пенсиясига яшай олишмайди-ку. Фалати вазият: бир томондан ишга олишмайди, иккинчи томондан тунеядлик, яъни ишсизликлари учун таъқиб қилишади. Ишга олишмаётганликларини айтишга, қулоқ солишмайди, бир ой ичида ишга жойлашмасангиз, киноий иш қўзғалади, деб пўписа қилишади, ҳеч қандай важга қўнишмайди, ишдан бўйин товляяпсизлар дейишади, кўнгилсизлиги шундаки, улар шунақа кўрсатмани ўзлари беришади, ўзлари билмагандек айнан шу даъвони рўқач қилишади. Кимга арзу дод қилишни жафокаш билмайди. Шунча орзу-ситам билан аранг юртига етиб келган дарбадарлар, кўрган уқубатлари камдек, энди ўз ватанида исканжага тушишларини ҳеч қандай мантик, идрок билан англай олишмас, қайтанга қувғиндаликлари афзал туюлар эди.

— Эр-хотин ўн йил азоб чекиб келдик, — деди Ойниса район ички ишлар мансабдорларидан бирига ва ўзини тута олмай, йиғлаб юборди. — Жабр тугади, девдик... Ўз юртимизда сарсон бўлишимиз кимга керак? Заррача ёвузлик қилган эмасмиз, бизни ноҳақ камашган, ўн йиллик умримиз хазон бўлди, шу етмасмиди? Яна қанақа хусумат бор?

— Ҳеч қанақа хусумат йўқ, — деди мўйловли капитан. — Ишланг, дейиш хусумат эмас. Лекин эътирозингиз...

— Канақа эътирозим?

— Ноҳақ қамашган, деганингиз эътироз ҳам эмас — айбнома, — деди капитан вазминлик билан. — Совет суд тузумини айблаяпсиз. Демак, ўн йиллик чора кўзингизни очмапти. Бунақа гапнинг оқибати нима бўлиши мумкинлигини тасаввур қиласизми?

— Тасаввур қиламан! — деди Ойниса йиғидан тўхтаб. — Биз чеккан хўрликдан баттари бўлмайди. Бу укубатлар олдида ўлим бир пул. Тақдиримиз ямоқ иштонга ўхшайди, парчаланиб бўлди. Агар шу ҳам кам бўлса, қолганини ҳам мажақланг!

Ойниса шартта ўрnidан туриб, хонадан чиқиб кетди, эшикнинг зарбидан деразалар ларзага келди. Капитаннинг газаби қанча қўзғалмасин, аввалги қаҳр усуллари бир оз юмшаган, шунинг учун капитан қатъий чора қўллашдан ўзини тияр, таъналарни ютишга мажбур эди. Агар олдинги пайт бўлганида, шунақа сўзлар учун Ойнисани шу заҳотиёқ адабини бериб қўйишган бўлар эди. Бунақалар ҳеч қачон бош эгишмайди, аламда ўйлади мўйловли капитан, тавба қилишмайди, албатта ўзларини ноҳақ жабрланган ҳисоблашади, тагин тиллари бир қарич. Биронта ишга сукиш керак, тинчийди-қолади. Тинчимаса, чорасини топиш мушкул эмас. Эрига ҳам иш топиш керак. Тунги сменада ишласа, хотини эрталаб кетади, эри — кечқурун, бир-бирини кўришмайди ҳисоб. Шуям жазо.

Ойниса кўчага чиққач, ўзини тута олмаганидан пушаймон бўлди. Энди капитан тўнини умуман тескари кийиб олади, кўз очирмайди, ҳар қадамингни пойлайди, унга важ топилса бас, ўч олади. Шундай хаёлларга бориб, Ойниса уйига қайтди, можарони Қаяумжонга айтмади, хуноб бўлади, беҳуда қилибсан, деб Ойнисадан ёзғиради. Энди маҳаллий амалдорлар кўзида булар қабиҳ унсурлар, ҳеч қачон тил топиша олмайдилар. Агар бугунги тўқнашувни рўқач қилиб, жавобгарликка тортишмаса — шу ҳам катта гап. Лекин бу ерда қолиб бўлмайди. Бўлак бошпана ахтариш, буларнинг қўли етмайдиган узоқроқ жойга кетиб даф бўлишса, қулоқлари бир оз тинчийди. Лекин қаёққа боришади? Қирғизистон, суриштиришса, Қаяумжоннинг синглиси ўша ёққа тушган, қариндош тортиб келдик, дейиш мумкин. Қолаверса, Тошкентда ҳам Ойнисанинг жойи бор, меросхўрлар йўқ, қайтариб беришларини талаб қилса, ҳаққи бор. Кенжа Қаяумжоннинг ҳам мактаб масаласи ҳал бўлади, иш ҳам топилади, катта шаҳар, муассасалар кўп, танлаб ишга жойлашиш мумкин. Нега шу хаёл олдинроқ келмади? Бориб келиш керак. Аввалги ҳовлисида тамаки

цехи очишганини Ойниса эшитган эди, қайтариб беришмаса, судлашиш мумкин, биронта янги қурилган уйлардан квартира ажратишар, жойнинг эгасини кўчада қолдиришмайди-ку. Сургун-бадарга муҳлати ҳам аллақачон ўтиб бўлди. Алижон ўшатта, кенжа Қаюмжон билан Жамилани олиб кўчишади, кўч-тақи ҳам бир ҳовуч, кўзғалиш қийин эмас. Фақат Жамила тихирлик қилиши мумкин, у Зарема билан иноқ, Фаизов домла билан Земфира хоним ҳам унга яқинроқ, Ойнисадан анча йироқлашиб кетган, ўжарлик қилса, ажрашни истамаса — майли, қолаверади. Кўнгли чопса, бориб-келиб туради.

Ойниса шу мулоҳазаларини эрига айтди.

— Бу ердагилар бизни яшатишмайди, — деди Ойниса ва мўйловли капитан билан бўлган можаросини далил сифатида келтирди.

— Бирон наф чикса хай, тонишса, бошқа йўриқ чиқар, — деди Ойниса барибир иккиланиб. — Ушданми, Жалолободданми жой қидирармиз.

Қаюмжон бундай кескин ўзгаришни хаёлига ҳам келтирмаган эди, шошинқираб қолди.

— Мўминовага айтсак ишсиз қолдирмас, — деди Қаюмжон. — Колхозни ўзингиз олинг, деди-ку.

— Неча марта келди, бирон марта ишдан оғиз очмади-ку, — деди Ойниса. — Ишга олишга олади-ку, мана бу органдагилар, райком Мўминовага албатта имо қилади, бажармай кўрсин-чи, онасини Учқўрғондан кўради. План бажармаган колхоз раисининг тили қисқа бўлади.

Шу ниятни дилига туғиб, Ойниса кенжа Қаюмжон билан Тошкентга жўнади.

Якшанба бўлгани сабабли Ойнисанинг янги дарвоза ўрнатилган ҳовлисидан товуш чиқмас, қоровулхонада ҳам ҳеч ким кўринмас эди. Ойниса дарвозани итариб кўрди, дарвоза очилмади, ичкаридан итнинг вовуллаши эшитилди.

Ойниса Шамси холанинг эшиги томон жилди.

— Юр, — деди у шумшайиб турган Қаюмжонга. Бола онасига эргашди.

Шамси хола хира кўзларини узоқ тикиб:

— Ойнисамисиз? — деди. Унинг оғзида атиги битта тиши қолган, лаблари буришган, оқарган сийрак сочи пешонабоғи остидан бир тутам бўлиб кўриниб турар, бўйни шалвираган, ажин эди.

— Ҳа, хола, менман, ассалому алайкум, — деди Ойниса Шамси хола уни таниганидан хурсанд бўлиб.

— Вой, айланай, қаттан худо етказди?! — дея Шамси хола қулочини очди. Ойниса кампирни қучоқлаб, бағрига

босди. — Кира қолинг, айланай, кўзим учиб турувди. Юринг. — Шамси хола чекинди, кўзини енги билан артди.

Ойниса Қаюмжоннинг кўлидан тутиб, ҳовлига қадам босди.

— Ичкари салқин, сув-пув сепиб, кейин ҳовлига чиқармиз, — дея Шамси хола меҳмонларни ичкарига ундади.

Ним қоронғи хона ташқарига қараганда ҳақиқатдан салқинроқ эди. Шамси хола кўрпача ташлади. Улар хонтахта атрофига ўтириб, дуо қилишди. Шамси хола инқиллаб туриб, дастурхон ёзди, нон ушатди. Ойниса тугунидан кулча, гижда, парварда олиб дастурхон четига қўйди.

— Бу полвон ўғлингизми? — сўради Шамси хола жилмайиб.

— Кенжам. Қаюмжон. Сургунда кўрганим шу.

— Эшитувдим, айланай, шунча савдолар бошингизга тушипти, — деди Шамси хола азият чекиб. — Кўрганларингиз озмиди, айланай?

— Пешонада бор экан, хола, — деди Ойниса ва қисқа қилиб бошидан кечирганларини айтиб берди.

— Одам кўрганини тоғ ҳам кўтармайди, — деди Шамси хола. Ойнисага чой узатиб. — Азрўйи азал, ёзгани бўларкан. Мен ҳам сўппайиб қолдим. Куёвим урушдан қайтмади, қизим нотавон дардга чалиниб, дунёдан ўтди, қиз неварам Мастура узатилган, иккита мунчоғи бор.

— Қўни-қўшнилар бардамми? Шохалил ака омонмилар?

— Қариб қолди шўрлик. Кампирини у ҳам топширди. Ичкуёви билан туради. Чурвақалари тўртта. Ўзи маҳалла раиси.

— Ҳовлим ҳақида ўша Шохалил ака билан гаплашсам бўлармикин?

— Ўша билан гаплашасиз-да, айланай. Йўл-йўригини яхши билади.

Кечки томон салқин туша бошлади. Ойниса енгини шимариб ҳовлига сув сепди, шипирди, чорпояга жой қилишди. Шамси хола қозонга уннади. Ойниса Қаюмжонни қолдириб, ўзи дўппи-қийиқча билан Шохалил аканикига чиқиб кетди.

Шохалил ака ҳам Ойнисани дарров танимади.

Ойниса эслатди.

Шохалил ака қайтадан қўл бериб кўришди.

— Маъзур кўрасиз, қарилик, — деди Шохалил ака хижолат тортиб. — Омон-эсон экансиз, худога шукур. Энди у кунларни елкамизнинг чуқури кўрсин.

— Иншоолло, — деди Ойниса ва муддаосини айтди.

— Маҳалламизда бир жувон яшайди. Судда ишлаган, Муқаддас Муродова, бунақа нарсаларга унинг тиши ўтади, — деди Шохалил ака. — Мен аслида аравакашман. Ёшимни ҳурмат қилиб, раисликка сайлаб қўйишди. Мендан сўрашса, «жойни эгасига қайтариб бериш керак», дейман. Маслаҳатим шу. Юр десангиз, бирга қираман. Лекин ҳовлингиз — даромадли жой. Ма деб, қўлингизга тутқазиб қўйишмайди. Тиш-тирноғи билан талашади.

* * *

Муқаддас қизчасини ҳовлидаги жомда чўмилтираётган эди, ийманиб кирган аёлни кўриб, гадоё деб ўйлади ва билакларидаги кўпикни сидириб, қаддини ростлади, нам қўли билан тўзғиган сочини силади.

— Келинг...

Ойниса «Москвич» турган дарвозахонадан чиқиб жилмайди. Анча ўзгариб кетганига қарамай, бу ҳовли унга таниш эди. Паранжи ёпиниб келгани, Муродхўжа аканинг пойгагида чўнкайиб ўтиргани Ойнисанинг эсига тушди. Гапга дабдурустдан ўтиш ноқулай туюлди, Ойниса ҳамон хушчеҳра Муқаддасга мулоийм табассум билан тикилди.

— Айбга буюрмайсиз, отингиз Муқаддасхон эди шекилли, — деди Ойниса, бўлак ваз топа олмай.

— Ҳа, — деди Муқаддас, — хизмат?

— Бемаврид келган бўлсам, узр, — деди Ойниса ва негадир бир қадам чекинди.

Муқаддас сўрида тахланган кўрпачани ёзиб, Ойнисага қаради.

— Келинг, — деди яна.

Ойниса хижолат тортгандек, ёни билан юриб, сўри четига омонат ўтирди ва гап топа олмай, тиззасини силай бошлади. Ҳовлида ҳеч ким кўринмас эди, Ойниса Муқаддаснинг ота-онаси ҳақида сўрашдан ийманди, қазо қилишган бўлса, ўсал ҳолатга тушишдан тийинди.

Муқаддас савол назари билан Ойнисага разм солди.

— Мен катта кўчанинг нариги томонида турар эдим, — деди Ойниса. — Гўдак қизчам билан Асакага бадарға қилишди. У ердан қувишди. Саккиз йил сургунда бўлиб келдим. Ҳовлимиз қаровсиз қолувди, тамаки цехи қилишипти. Энди келдим. Сўрасам, беришармикин?

Муқаддас жомда сувни шалоплаётган қизчасига қараб олиб, хўрсинди.

— Бевақт келдим, чоғи, — деди Ойниса.

— Йўқ, хижолат тортманг, — деди Муқаддас. —

Ҳовлингиз давлат ихтиёрига ўтган бўлса, қайтариб олиш кийин бўлади. Лекин сизни жойдан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Болаларингиз бор бўлса, даъво қилишга ҳақлисиз.

Ойниса бошидан ўтган воқеаларни қисқа гапириб берди.

— Ариза ёзиб топширинг, — деди Муқаддас. — Мен ҳозир суд тизимида ишламайман, лекин тартиб-қоида қанақалигидан хабарим бор. Кўп мусодара қилинган жойлар эгаларига қайтариб берилаяпти. Агар эски суд ҳукми бекор қилинса, гапингиз ўтади. Мен сизнинг номингиздан ариза ёзиб қўяман, қўл қўйсангиз — бас, ўзим топшираман. Лекин натижасига ваколат бера олмайман.

Ойнисанинг кўзлари намланди.

— Раҳмат, Муқаддасхон, — деди у қўлларини вижимлаб. — Худодан қайтсин. Мен қачон учрай.

— Эртага.

— Раҳмат. Болаларингизнинг роҳатини кўринг.

Ойниса ўрнидан турди.

— Шошманг, — деди Муқаддас ва илдам юриб, юқори уй томон кетди.

Жомда ўтирган қизалоқ қийқирар, сувни шалоплатар, сув юзига сачраганида, йирик, чиройли кўзларини ишқар, пирпиратар эди.

Муқаддас ичкаридан чиқиб келиб, белбоққа ўралган ниманидир хонтахтага қўйди. Ойниса дарҳол буюмни таниди, ичи увишиб кетди.

— Қийиқчада нима борлигини пайқадингизми? — деди Муқаддас жилмайиб.

— Пайқадим, — деди Ойниса ҳам ҳадик билан жилмайиб.

— Нима? — сўради Муқаддас.

— Тиллақош, — деди Ойниса, айб қилгандек.

— Тўғри, — деди Муқаддас ва белбоғни очди. Ўша тиллақош эди.

Ойниса Муқаддасга синовчан тикилди.

— Буюм сизники. Олинг. — Муқаддас белбоғни Ойниса томон суриб қўйди.

— Вой. Сотилган нарса-ку, — деди Ойниса, буюмга тегишдан кўрқиб.

— Асл нархи бўлакча эди, — деди Муқаддас. — Дадам алдаган.

— Ўшанда асқатувди. Розиман. Олмайман. Матоҳ сизники.

Муқаддас бош чайқади:

— Сизга ҳалол.

Ойнисанинг томоғи терлаб кетди.

— Мен бу матоҳ учун келганим йўқ, Муқаддасхон.

— Қарздан қутулмасам, хатар қўймайди, — деди Муқаддас ийманиб. — Ўзингизга буюрсин. Жойингизга келсак, у ҳозир кимнинг ихтиёрида — билмайман. Лекин мусодара қилишда ҳам, цех очишда ҳам дадамнинг қўли борлигини эшитганман. Агар қурилиш қилинган, мосламалар ўрнатилган бўлса, давлат мулки ҳисобланади. Кимлар яшар эди?

— Ҳеч ким. Мен бадарға қилинганимдан кейин бўлган. Эгасиз жой эди. Биринчи эримга мерос қолган. Ундан қизим бор, ўн бешга кирди. Шу ҳовлида туғилган.

— Унақа бўлса, аризани ўзингиз ёзинг, қизингизни ҳам меросхўр қилиб кўрсатинг, — деди Муқаддас. — Ўз жойингиз тегмаса, бошқа уй беришади. Ҳозир қатта тўхтадингиз.

— Қўшнимиз Шамси холаникида, — деди Ойниса чўчин-кираб.

— Гувоҳлик бера оладиларми?

— Бера оладилар, кўзларида бўлган.

— Яна ким гувоҳ бўла олади?

— Шохалил ака.

— Маҳалла раисими?

— Ҳм. Аравакаш. Қўшни. Яна Шукур мўйлов.

— Шукур мўйлов? — Муқаддас бу номни эшитиши билан эсига келди. — Сизгаям зуғум ўтказганми?

— Ўша-да, галамис.

— У ўлиб кетди, — деди Муқаддас. — Бизгаям ўтказган.

— Сизгаямми?!

— Орқа қўшнимизга. Чиритиб юборди. Тўнғич қизимнинг дадаси эди, Ўлмас.

— Шинель кийиб юрадиган йигитми?

— У Ҳошим эди. Ўлмасни гумдон қилиб, мени ўшанга беришган. Ажрашганмиз.

Ойниса сувни шалоплатаётган қизалоққа қаради.

— Бу Лола. Кейинги турмушимдан, опаси Озода лагерда, — деди Муқаддас ва бир кўнгли: «шу ерда яшаб туринг», дегиси ҳам келди, бироқ бу жувоннинг тақдири вайрон бўлишида дадасининг ҳам иштироки борлигини гумон қилиб индамади. — Соат еттида маҳалла идорасида кўришайлик, Шохалил ака билан ҳам гаплашиб кўрамиз, бўптими?

— Майли, нима десангиз — юраман.

— Аризани ҳам ўшатта ёзамиз, — деди Муқаддас гапга чек қўйгандек.

— Раҳмат, Муқаддасхон, сизни овора қилар эканман-да, — деди Ойниса тортиниб.

— Овораси йўқ, опа, бизнинг ҳам айбимиз бор, айбни ювиш лозим.

Ойниса миннатдорлик билдириб Муқаддаснинг ховли-сидан чиқиб кетди.

— Шу тамакиси қуриб кетсин, ҳаммаёқдан сассиқ хиди келади, — деди Шамси хола ёзғириб. — Чангини айтмайсизми! Кўзни ачитади, йўталганда сапро келади, ишчилар, шу атрофдаги жувонлар ҳаммаси сил. Агар бекит-тирсангиз, савоб бўлариди. Илло улар билан беллашган панд ейди. Шунча мўмай даромаддан кечишармиди? Уларга шайтон бас желсин.

— Хола, мунга нима дейсиз? — Ойниса белбоғни кўрпачага қўйди. Шамси хола тугунни ечди.

— Вой, Ойнисахон! Омонатингиз-ку! — деди Шамси хола тиллақошни таниб. — Қаттан олдингиз, айланай?

— Муқаддасхон қайтариб берди, йўқ десам, унамади. «Нарса сизники, оласиз!» деди. Олишга мажбур бўлдим.

— Жуда соз, қизим! Ҳақ қарор топипти. Сизга ҳозир бу зарур, камингизга яратасиз. Қизи инсофли экан, берипти. Худодан қайтсин.

— Шуни айтаман, — деди Ойниса ич-ичидан шодланиб. — Бойнинг қизи, таннозроқ, писанд қилармикин деган хавфда борувдим, гумоним пуч чиқди. Ҳимматли жувон экан. Яхши маслаҳат берди, жойни талаб қилинг, ариза ёзинг, йўл-йўригини айтаман, деди. Гувоҳ бўласиз.

— Бўламан, — деди Шамси хола. — Ҳассамни дўқиллатиб бораман.

Кенжа Қажумжон бир онасига, бир кампирга қарар, уларнинг ҳаяжонини тушунмас эди. Онаси боласини бағрига босди.

— Омадинг бўлса, болам, ишларимиз бароридан келади.

— Иншоолло, — деди кампир.

Кеч кира бошлади. Ойниса маҳалла идорасига чиқиб кетди. Шохалил ака қизил алвон ёзилган стол тўрида чўт қоқиб ўтирар, орқа девордаги Ленин расми ўрнатилган роннинг ойнаси дарз кетган, бурчакда ранги униққан қизил байроқ тик турар эди.

— Келинг, — дея Шохалил ака чўтни четга суриб қўйди. — Хўш? Муродова билан гаплашдингизми?

— Гаплашдик, — деди Ойниса. — Ҳозир ўзлари келадилар.

Шу онда Муқаддас остонада кўринди.

Улар бир соатча обдан гаплашишди.

— Меросхўр эрим урушда ҳалок бўлди, менда паспорти қолган, — деди Ойниса Муқаддаснинг саволига. — Вориси қизим, Жамила. Қишлоқда. Метрикасини олиб келганман. Эримдан келган қорахат паспорти ичида. Мана, — Ойниса қийикчага ўралган ҳужжатларни столга қўйди.

— Шу баҳонада тамаки цехини йўқ қилсак яхши бўлар эди, — деди Шохалил ака. — Шунча фойдаланишди, етар. Эгасига қайтариб бериш керак.

Гапнинг бир учи марҳум дадасига бориб теккани учун Муқаддас ўзини мулзам сизди.

— Мусодара қилиш ҳақида ҳеч қанақа фармон ҳам йўқ экан, текширдим, — деди Шохалил ака тутоқиб. — Қаровсиз қолган жойни эгаллаб олишган. Даъвогар бўлмаганидан кейин мияга нима келган бўлса, шуни қилишган.

— Андижонга телеграмма берайми, қизим келсинми? — деди Ойниса чора истагандек.

— Ҳожати йўқ, — деди Муқаддас. — Метрикаси бор, шу етарли. Суд ўзини кўрмоқчи бўлса, чақириш қочмас. Ҳозирча бор ҳужжатларни тикамиз.

15

Алижон медтехникумни охириги курсида бўлишига қарамай, икки йил сурункасига борган пионерлар лагерига бу йил ҳам ёлланиб борди. Фаизов домладан аҳён-аҳён ёрдам пули келиб турса-да, оладиган стипендиясини қўшганда ҳам етишмас, лагерга бориш ҳар томонлама кўмак эди — емиш, ётиш текин, икки-уч ойлик маош тайин, усти-бошига, унча-мунча сарф-харажатига асқатар, ҳатто ижарасига ҳам етар эди. Қолаверса, лагер тоғ оралиғида жойлашган, ҳавоси тоза, лагернинг қоқ ўртасидан шаркираб сой ўтган, бассейни, спорт майдончалари бор, ошхона залида ҳар куни кино кўрсатилади, баъзан концертлар бўлади. Пионер гулхани, турли мусобақалар ўтади. Тоғ чўққиларига походга чиқишади. Бундай сафарга олдиндан тайёрлик кўришади: икки-уч кунлик озуқа, дори-дармон, палатка, спорт асбоблари, тугмали сафар қоғози — кўрпаси, фотоаппарат, волейбол, арқон ва албатта — инструктор-вожатийлар, ошпазлар бўлади. Фавқулудда ҳодиса юз бермаса, сафар мароқли ўтади, болалар шу тадбирни кутишади.

Охирги сафар сал пастроқдаги лагер болалари билан ўтказиладиган бўлди. У ерда мусиқа мактабининг ўқувчилари дам олишар эди. Бир марта Алижон ишлаётган лагерга келиб, концерт беришди. Концерт ёзги эстрадада ўтди, саҳнага пианино олиб чиқишди, стуллар қўйишди, микрофон ўрнатишди.

Концертга бу лагернинг ҳаваскорлари ҳам қатнашишди, умуман учрашув яхши ўтди. Айниқса Озода исмли қизнинг скрипкадаги ижроси Алижонга ёқди. Соз билан қиз бир-бирига шу қадар муштарак эдики, ижрочи қизни скрипкасидан ажратиб бўлмас, монанд, алланечук ягона тимсолни ифодалар, қизнинг майин истараси қандайдир ҳимоясиз сув гулини эслатар, тўлқинда чайқалаётгандек эди. Концертдан кейин ошхона залида «артист»ларга кичик зиёфат уюштирилди. Алижон четдан ҳавас ва ёш қалбда энди чечак отаётган тугёнда қизга термилар, қизнинг табассуми ҳам, беғубор кўзлари ҳам, соч тўлқинлари ҳам, покиза нозик бармоқлари ҳам — ҳаммаси маҳлиё қилар, йигитча қизга тик қарашдан қўрқар эди.

Эртасига саҳар пайти иккала лагердан — «Қалдирғоч» ва «Чаман»дан танлаб олинган пионерлар икки кунлик сафарга жўнашлари керак бўлгани учун охирги тайёргарликларини қилиб улгуришлари сабабли, «Чаман»ликлар зиёфатдан кейин ўз лагерларига қайтишди. Тонг отиши билан ўттизга яқин ўқувчи, асосан ўн бир-ўн беш ёшли ўғил-қизлар рюкзаклари, ҳассалари билан тоғ сўқмоқлари бўйлаб чўққи томон йўлга тушишлари режаланган. Хоҳлаганлар ўз буюмларини — шахмат, домино, расм чизиш мальберти, фотоаппарат, гитара, най, чилдирма каби асбобларини олишлари мумкин, муҳими — оғир нарса бўлиши керак эмас. Эрталаб йиғилишганида Озоданинг скрипкаси йўқ эди. Алижон аттанг қилди, оғирлик қилса, кўтариб юришга ҳам тайёр, шу йўсин қизга яқинроқ юриш эҳтимолини кўзловди. Бироқ барибир, унинг тошдан-тошга сакрашини кўриш, хушчақчақ овозини эшитиш ўспирин бола учун омад эди. Озода заиф кўринишига қарамай, пухтагина қиз экан, икки кун давомида бирон марта чурқ этмади, толиққанини билдирмади. Демак, иродаси ҳам пишиқ экан. Нимасидир Алижоннинг синглиси Жамилага ўхшаб кетар эди — у ҳам ночорлигини сездирмайди, нолимайди. Озоданинг яна бир хусусиятига Алижон эътибор берди: овқат тақсим қилинганда, Озода қаторга ташланмайди, таом учун навбатда идишини тутиб туришни таҳқир кўради чори, охирида боради, овқат тугаб қолганини билса, умуман яқинлашмайди, халтасида борини ейди. Фурурини саклайди.

Ўйин-кулги пайтларида ҳам дикангламайди, майин табассум билан термилиб ўтиради, қанақадир гулларни титкилайди, тикилади, кўп ҳолларда ўйчан бўлади, болаларнинг тўполони ёқмайди. Якка, тантиқ ўсган шекилли, деб ўйлади Алижон. Балки созидан ажрагани учун ғамгинми? Бироқ нима қилмасин — куладими, хаёлга толадими, ғусса чекадими — ҳаммаси унга ярашади. Алижон ширин хаёллар қанотида узоқларга елар, рўёбсиз орзулар оғушидан чиқишни истамас эди. Қиз киё боқармикин? Парво қилармикин? Йўлатармикин?

Алижоннинг ўзи ҳам шалвираган йигит эмас, камчидек. Истараси иссиқ, кўзлари чўғдек. Қизларнинг кўзи тушса, яна қарашади. Факат бўйи унча эмас, лекин яна ўсиши мумкин. Ҳозир ўрта бўйлик. Спорт билан шуғулланса, чўзилади, турникда машқ қиламан, деб қарор қилди Алижон ва сафарда турник бўлмагани сабабли, дарахт шохларига осилишдан бошлади.

Эртасига Алижон, машғулотдан чарчаб, тандир оғзидек келадиган ғор ёнида дам олиб ўтирувди, уч-тўртта қиз сув ичиш учун ғор томон кела бошлашди. Ораларида Озода ҳам бор эди. Алижоннинг юраги безовта ура кетди. Ғор оғзининг тепасидаги харсанглар орасидаги сув сизғир, майсадан тарокдек осилган қора иплар бўйлаб оқиб тушар, ғорнинг «иягида» бир қулочли кўл ҳосил бўлган, кўлдан ошган сув яна қаёққадир жилға бўлиб югурар эди.

— Бу ипларни ким илиб қўйган экан? — деди қизлардан бири.

— Бир ирими бордир-да, — деди иккинчи қиз, сувга ховучини тутиб.

— Ичиш мумкинмикин? — дея Озода ғор четида ўтирган Алижонга қаради. — Гуноҳмасми?

— Гуноҳмас, — деди Алижон. — Ирими ҳам йўқ. Ип деганингиз — ўсимлик. «Сумбул», дейди халқ. Ашулалар тўқилган. Ботаник номи — гиацинт. Греklar: «Венера кокили», дейишади. Шишага сув тўлдириб қаранглар — майда барглари кўринади. Медицинада сумбул суви «аднантум», деб аталади. Фойдали. Ичаверинглар.

— Сиз қаттан биласиз? — ажабланиб сўради, «ирими бордир-да», деган қиз.

— Дарсда ўтганмиз, — деди Алижон, шунча маълумот берганидан ийманиб.

— Шунақа нарсаларни ҳам ўтасизларми? — деди учинчи қиз.

— Дори ўт-да, — деди Алижон, ер чўқалаб.

Озода алланечук қизиқиш билан ҳаким йигитчага

синовчан тикилиб турди-да, Алижон бошини кўтаргач, нигоҳини олиб қочди.

— Бетоб бўлиб қолсак, даволай оласизми? — деди шаддодроқ қиз ўсмоқчилаб.

— Дардга боғлиқ, — деди Алижон тутилиб. — Енгил бўлса, тузата оларман.

— Илон чақиб олса-чи?

— Унинг ҳам давоси бор, — деди Алижон ва мазах қилмаяптимикиан, деган гумонда Озодага бир қараб олди. — Агар тез киришилса. Умуман, оёқ остига қараб юриш керак. Қўққисдан босиб олсангиз, чақади. Чиқишдан олдин айтилди-ку.

Қизлар эчкилардек булоққа эгилиб, ҳовучлаб сув ичишди, шаддод қиз ҳовучида қолган сувни Алижонга сепди. Алижон сесканмади ҳам, енги билан юзини артди. Қизлар чодирлар томон кетишди. У ер яссилик бўлиб, кўкат билан қопланган, ҳар турли гуллар шамолда чайқалар, майдончанинг чап томонида азамат қоялар қораяр, қоялар ортидаги чўққилар қашқа, қор лахтаклари оппоқ, булутлар муаллақ қолгандек эди.

Бир неча кундан кейин лагердаги Алижоннинг муолажа учун ажратилган палаткаси олдида Озода тўхтади. Ниманидир журналга ёзиб ўтирган Алижоннинг кўзи ичкаридан Озодага тушди, юраги ҳаприқа кетди. Бир қизча Алижоннинг палаткасини Озодага кўрсатиб, чопқиллаб кетди. Озода нима қиларини билмай, жойида туриб қолди.

Алижон ўзини қўлга олиб, палаткадан чиқди.

Озода қизариб кетди.

— Кимни кидиряпсиз? — деди Алижон ҳадиксираб.

— Докторимиз шаҳарга тушиб кетган экан, сизга келдим, — деди Озода. Унинг устки лабини қоплаган тук орасида тер йилтиради.

— Нима қилди? — сўради Алижон гангиб.

— Тўпигим, — деди қиз, — боссам, оғрияпти.

— Кириг, — дея Алижон четланди. Қиз сал оқсаб палатка ичига кирди.

— Ўтириг, — деди Алижон стул суриб.

Палатка ичи ним қоронғи бўлиб, тўртта йиғма каравот бўш, саришта филофлари оқариб кўринар, дим эди.

Алижон Озоданинг тўпирини ушлашга ботина олмай, курсича қўйди. Озода чап оёғини курсичага олди. Алижон чўнқайиб, бармоқлари билан қизнинг товонини эзиб кўрди.

— Шу ерми?

— Ҳм. Қиррали тошни босиб олдим, — деди Озода, Алижоннинг бармоқлари этига текканидан алланечук бўлиб.

Тўпиқ ростдан ҳам оғрияптими ёки шунчаки баҳонами, Алижон билмади, лекин иккала тахмини ҳам ўспирин учун ҳада эди. Қай йўсин билан танишишни орзу қилиб юрувди, қиз «тўпиғи» билан ўзи кулбасида намоён бўлди. Алижон учун бу — омад, табиатнинг инъоми эди. Агар Озоданинг тўпиғи важ бўлса, нур устига нур, демак қизнинг дилида Алижонга нисбатан нимадир йилт этиптики, орият ҳам кўзига кўринмай, ўзи истаб келипти. Бу бахтни нима билан қиёслаб бўлади?

— Зарари йўқ, — деди Алижон қадини ростлаб. — Компресс қилиб қўяман. Товонни босмай юришга ҳаракат қилинг. — Алижон бинтни аллақандай суюкликка ботириб, Озоданинг оёғи олдида чўнқайди, товони аралаш тўпирини таранг боғлай бошлади. Қизнинг силлиқ этига қўли тегар экан, Алижон чўғни ушлагандек бўлар, бу чўғдан кул бўлишга тайёр эди. — Скрипка чалар экансиз. У кун и эшитиб қойил қолдим.

— Сизга ёқдимиз? — қизиқиб сўради Озода. Алижоннинг эътирофи Озода учун ҳам муҳим эди, чори.

— Жуда, — деди Алижон. — Симдан шунақа товуш чиқиши!

Алижон қизнинг бинт билан танғилган оёғига шиппагини аранг кийгазди.

— Раҳмат, — деди қиз.

— Босиб кўринг-чи.

Озода стулдан туриб, оёғини ерга босди.

— Оғридими?

— Ҳм, — деди Озода айбдордек. Тўғри айтдимиз, Алижон англамади.

— Бир-икки кун оёқ учида юрасиз.

— Бугун концерт берамиз, оқсоқланиб чиқсам, кулиш-масмикин? — деди Озода хижолат чекиб.

— Қайдам, — деди Алижон. Вақт унга тез ўтиб кетгандек туюлди. Яна бирон баҳона топиб, Озодани бир оз тутгиси келди, лекин тилига гап келмади. — Балки кечгача сал тузалар.

— Майли, раҳмат, — деди Озода.

Алижон охирги гапини айтганидан пушаймон бўлди — кетишга ижозат бергандек чиқди. Ҳақиқатда, қиз оёғини авайлаб, ташқари томон юра бошлади. Алижон бир важ топиб, «қабулни» чўзгиси келар, нима дейишни билмас эди.

— Бир оз ўтирсангиз бўлариди, товонингизга дори таъсири етиб борса, юриш осонлашармиди?

— Инқиллаб боргунимча анча вақт ўтади, — деди Озода, кечирим сўрагандек шошилмай.

— Қўлтиғингизга кирайми? — журъат қилиб деди Алижон.

— Вой, болалар мазах қилишади. Бир амаллаб етиб оламан.

— Тўхтанг, — деди Алижон, миясига яхши фикр келганидан ҳовриқиб, — ҳасса йўниб келаман. — Алижон палаткадан отилиб чиқиб кетди.

Озода яна стулга ўтирди. Юраги ҳамон бежо урсада, дилида қандайдир илиқ осойишталик пайдо бўла бошлаган, айниқса шифокор йигитнинг эпчиллиги, хатто шошқалоқлиги қизга мамнуният бағишлар, шу билан бирга, агар иноқликка ўхшаш муносабат туғилса, бу вазият ориятлими, уят эмасми, Озода фаросат қила олмас, лекин кўнгли чопар, қандайдир кўзга кўринмас говларни писанд қилгиси келмас эди. Айни шундай говлардан зада бўлган онаси, икки йил бурун Озода ич кийимини ўзи ювганини пайқаб:

— Сен энди гўдак эмассан, — деди. — Хатто бошқа республикаларга кўриққа бориб келяпсан. Кўзга яқинсан. Агар бирон йигит кўнгил қўйса, қўркма, яширма. Кимдир ёқиши табиий. Мен яширмаганимда бошимга шунча маломатлар тушмасмиди, даданг нобуд бўлмасмиди. Севиш айб эмас. Ким шуни инкор қилса, бир умр надомат чекиб ўтади. Яхши кўрган одаминг билан бирлашиш — бахт. Ишқ йўлида битта хато бор — туйғуни алдаш. Дунёда бунинг ўрнини босадиган ҳеч қанақа омил йўқ. Севги деб адашсанг ҳам — гуноҳ эмас.

Ҳозир Озоданинг янги дадаси бор, «ўғай дада» дейишга тили бормайди. Фақат негадир онасини бир оз қизғанади. Аввал онаси билан бир хонада, хатто бир ўринда ётишар эди. Энди ўрнини бошқа киши эгаллади, Озода четроқ сурилди, нариги хонада якка ўзи қолишни истамай, Замира холанинг хужрасига ўтди. Замира хола бувисидек бўлиб кетган, кўп вақти шу кампир билан ўтади, кадрдон, лекин қариб қолди, оёғи шишади, ўзи қаровга муҳтож, сингилчаси Лолага аранг қарайди, онаси шу қизча деб ишидан бўшади. Янги дадаси яхши киши, кўрс эмас, инсофли, лекин гурури баландми — бирон ножўя сўз эшитса, уч-тўрт кун ғойиб бўлиб қолади. Ўрдадаги квартирасида яшайди, онаси унинг орқасидан истаб бормайди, яна ўзи келади— Лоласиз тура олмайди. Шўрлик икки йилдан буён тузукроқ иш топа олмаяпти, бирон муассасага жойлашса, ярим йил ўтар-ўтмай бўшайди, қув одамлар билан чиқиша олмайди. Топиш-тутиши тайин бўлмагани учун эзилади, хотинининг қармоғига тушиб қолганидан истихола чекади.

— Нега «дада» демайсан? — дейди кампир. — Кўнгли чўкади болам, ўзи омонат, «дада» десанг, рухи очилади, онанг ҳам тинчийди.

Албатта, «дада» дейиши лозим, бир кунмас-бир кун айтади ҳам, лекин дабдурустан бегона кишини қандай «дада» дейди? Агар Озода ёшроқ бўлганида, тафовутни сезмас эди, «дада»га ўтиши осон кечар эди...

Озоданинг хаёлини бузиб, палаткага Алижон кирди — терлаб-қизариб кетган, қўлида иккита сўйил бор эди, иккаласи йўнилган, бирининг учи савол аломатидек бурилган, иккинчисиники айри эди.

— Мана, — деди Алижон, гурурини яшира олмай. — Хоҳласангиз — буниси, хоҳласангиз — мана буниси. Қулайига таянасиз. Ҳассалигиям сезилмайди, шунчаки эрмак. Шошилмаганингизда, чиройлисини ясаб берар эдим. Бугунча шунга таяниб туринг, эртага яна биттаси битади. Келишган ёғоч топиш керак.

— Саҳнага ҳасса таяниб чиқаманми? — деди Озода андак эркалик қилиб.

— Нима қипти?

— Қўлимда скрипка бўлади-ку.

— Иккинчи қўлингиз-чи?

— Иккинчи қўлимда камон бўлади.

— Камонни қўлтиғингизга қистириб олинг.

— Кейин ёғочни қаёққа қўяман? Тақ этиб полга тушса, қулги кўтарилади. Изза бўламан.

— Кечгача оёғингиз тузалиб қолар, балки ёғоч умуман керак бўлмас. Тузалмаса ҳам саҳнага ёғочсиз чиқиш мумкин. Сал оқсасангиз — айбмас.

— Борасизми?

— Чақирсангиз, бораман, — деди ич-ичидан шодланиб Алижон.

— Бошқа лагерлардан ҳам келишади, боринг, — деди Озода ва бир қўлига айрили сўйилни олиб, ташқарига чикди, сўйилни ерга қадаб, юриб кўрди. Таянса булар экан. Озода яна бир-икки одим қўйди ва палатка олдида турган Алижонга қаради: — Албатта боринг. Орқамдан қараб турманг, уяламан.

Алижон жилмайиб, палаткага кириб кетди.

Озода сўйил босиб паст томон кета бошлади.

Алижон, муғомбирликмикин деб палатка тирқишидан қизни кузатди. Қиз кўздан ғойиб бўлмагунича, таёкни ташламади, Алижон учун муғомбирлик қилгани маъқул эди, чунки товон оғриши шунчаки баҳона бўлса, тагида ўзга ният борлиги кўпроқ эзулик эди.

Озода сахнага чиқишидан олдин, четрокда туриб, панадан томошабинларни кузатиб чиқди, гала-говур, баланд-паст одамлар орасида Алижонни аранг топди, юрагини кимдир ҳовучлаб қўйворгандай бўлди, ҳаяжонини босишга уринди.

Концертмейстер қора рояль олдида тик туриб, навбатдаги ижрочи чиқишини кутар эди. Кечани олиб борувчи Озоданинг номини айтиши биланоқ хитоблар, гулдурос бошланди, қарсақ-хуштаклар остида бир қўлида скрипка, иккинчи қўлида камон билан сахнага зипиллаб Озода чиқди, бир неча дақиқа пастга қараб тургач, скрипкани чап елкасига жойлаб, кулоқ остига тиради, қўлидаги камонни сим торлар устида муаллақ тўхтатди. Болалар жимишди. Озода бошини концертмейстер томон буриб, ишора қилди, рояль товуши дебочани бошлади. Дебоча яқунланиши билан бир зумлик сукутни игнадек санчиб, скрипканинг садоси адажиони бошлади. Мусиқа авж томон интилар экан, усул тезлашар, Озоданинг қўл ҳаракатлари илдамлашар, эпчил бармоқлари созни пайпаслагандек липиллар, ҳар усул урғусида қиз пешонасидаги кокилини силтаб ташлар, бутун борлиғи билан оҳанг тилсимиға фарқ бўлар... Залда ўтирган томошабинлар сеҳрлангандек гунг, фақат қитмирлик қилган болаларнинг пикири, чийиллаши сукунатни бузар, бошқалар уларга ўкрайишар, яна бир зумлик сукут чўқар эди...

«Боғ аро қўйсам қадам...» анъанасида кулоғи пишган Алижон учун бу мусиқани англаш бирмунча мушкул бўлса-да, ўспирин уқишга уринар, агар Озода мусиқа ҳақида фикрини сўраса, мулзам бўлишдан ҳайиқар, чўчир, «жуда таъсирчан» каби сийқа ифода билан қутулиб кетишни чамалар эди. У кунги «Қалдирғоч»да чалган куйи ўзбек мақомларига асослангани учун Алижон дарҳол ҳис қилди, баҳра олди, бугунгисига унча «тиши» ўтмади. Лекин барибир мусиқа вужудини алланечук ларзага солар, ўйлантирар, унинг ички моҳиятини пайқаш учун маълум тайёргарлик, малака зарур эди. Ўсал бўлмаслик учун Алижон концерт тугаши билан болаларга қўшилиб ўз лагерига қайтишни маъкул кўрди. У Озода олдида ўзини ҳаваскор боладек ҳис қилди, унинг даражасига етмак мушкул кўринди. Майна бўлиб нима қилади? Ҳар сойнинг ўз ўзани бўлади. «Кўрпага қараб оёқ узат», дейишади. Чин гап.

Алижон ярим тунгача ўйланиб ётди. Нега шу қизга дуч кела қолди? Чет-четда юраверса — олам гулистон эди. Чекиниб ҳам бўлмайди, номи қочоққа чиқади. Чикмаса-да, Алижон ўзини шундай сезади. Бу бировнинг таънасида

хам оғир эди. Бир йўли — ўз камчилигини, нафис санъат сирларини тушунишга ҳали фаросати етмаслигини яширмай айтиши керак. Бироқ қиз «тушунинг» дегани йўқ-ку, қайтага «тўпигини» баҳона қилиб, ўзи келди. Тўпиги ростдан ҳам оғриганида, саҳнага пилдираб чиқа олармиди? Демак, ҳийла экан, учрашиш учун топган ягона важи экан. «Сиз билан учрашай, деб келдим», демайди-ку, орият қилади. Бир-икки кун сабр қилиш керак. Агар нияти жиддий бўлса, қизнинг ўзи келади.

Бироқ Озода келмади. Уч кун ўтгач, Алижоннинг ўзи тушишга жазм қилди. Озода икки дарахт тупига боғланган ҳалинчакда секин тебраниб китоб ўқир, ёнида ҳеч ким йўқ эди. Алижон бориб қолганини қиз пайқамади, кўзи тушгач, чўчиб кетди, оёқ учини ерга тиради. Алижон хижолатини яшириш учун жилмайиб турар, қўлида пўсти шилинган сўйил бор эди. Озода сўйилни баҳона деб ўйлади, ичи алланечук бўлиб кетди, дарҳол устки лабида тер йилтиради.

— Оёғим тузалди, — деб, Озода китобини ёпди. Бу «сухбатга тайёрман», деган аломат бўлиб Алижонга туюлди.

— Яхши, — деди Алижон жойидан жилмай.

— Таёғингиз чиройли чиқипти, — деди Озода андак жимликдан сўнг, — сариқ илонга ўхшайди.

— Сизга. Ваъда қилувдим, чиқмадингиз, — деди Алижон сал тетикланиб.

— Товоним тузалди-ку.

Кўриш нияти борлигини Озода Алижоннинг гапидан фаҳмлади, дили товланди. Ўзи иккинчи марта йигитнинг олдига боришни эп кўрмай юрувди, қолаверса унинг кўнгли чопаетганлигини синаб кўриш ҳам керак эди. Эҳтимоли тўғри чиққанига энди қиз ишона бошлади, тўғрироғи — ишонгиси келди.

Алижон сўйилни нима қиларини билмай, қўлида айлангирди.

— Керак бўлмаса, ташлаб юбораман, — деди у.

— Ташламанг, керак бўлиб қолади, — деди Озода. — Аям ҳар хил дориларни ғамлаб кўяди, асқатса яхши, асқатмаса — яна яхши, дейди.

— Тўғри. Керакли тошнинг оғирлиги бўлмайди.

Озода бир тургиси, бир ёнидан жой бергиси келди, лекин юраги дов бермади, истиҳола қилди.

— Индинга жўнаймиз, — деди у, бошқа гап топа олмай.

— Бизникилар ҳам кетишади, — деди Алижон. — Иккинчи смена қолади.

— Сиз-чи? — деди қиз.

— Мен қоламан. Хизматдаман.

Озоданинг сўзидаги мавж сўнгандек бўлди.

— Шаҳар айни исиган пайт, бу ер салқин.

— Кечалари болалар адёл ёпинишаяпти.

— Ҳм. Биз ҳам, — деди қиз.

— Яна қолармидингиз? — сўради Алижон ўсмоқчилаб.

— Путёвкам тугади-ку.

— Хоҳласангиз, лагер мудиридан сўраб кўраман, — деди Алижон. — Унда очиқ путёвкалар бўлади. Қоласизми?

— Аям ташвишланади, — деди Озода, — ўзи елиб келади.

— Биронта дугонангиздан хат бериб юборсангизчи?

— Рухсатсиз қола олмайман-да. — Озоданинг овозида афсус эшитилди.

— Аттанг, — Алижон баралла ўкинчини яшира олмади, таёкни дўқ этиб ерга урди.

Озоданинг дили тўлқинланди.

— Юринг, сой бўйига тушамиз, — деди Алижон таваккал қилиб.

Ҳадиксираса-да Озода дарҳол ўрнидан кўзғалди.

Шу қадар осон кўнгани Алижоннинг дилини алғов-далғов қилиб юборди, сал кўзи тингандек ҳам бўлди. Юрагининг бежо уришини ўзи сизди. Қизариб кетди. Қизнинг юзи ҳам гулгун бўлди. У бир атрофга кўз ташлаб чиқди — биринчи висол эди.

Алижон ўзини беғам кўрсатишга уришиб, йўл бошлади.

Улар қоя ортига ўтиб, майсали қирғоқ бўйида ўтиришди.

— Май ойида шу ўтирган жойимиздан бир қулоч сув ўтади, — деди Алижон, нимадир дегиси келиб.

— Олдин ҳам бу ерда бўлганмисиз?

— Учинчи марта чиқишим, каникулни шу лагерда ўтказаман. Атроф таниш бўлиб қолган. Чимённинг кўп чўққиларига чиққанмиз.

Озода чап иягини тиззасига қўйиб, йигитнинг сўзига қулоқ солар, сойдаги қуёш акси юзида мавжланар, йигитнинг кўзига қиз ҳам яқин, ҳам узок кўринар, бу онга етишганига ишонмас, қиз узун кипригини ёпганида, юзидан ўпгиси келар эди.

Алижон авайлаб кафтини қизнинг тошдаги тўпирига босди.

— Оғрияптими?

Қиз индамади. Йигитнинг кафти ҳам ёқар, ҳам чўчитар эди. Бироқ қиз оёғини тортмади. Алижон эгилиб, силаётган

жойини ўпди ва, чўғга теккандек ялт этиб қизга қаради. Озода майин жилмайди, йигит қизнинг тизза қучоқлаган тирсагига лаб текказди, қиз қимир этмади, нариги қўлини йигитнинг бошига қўйиб, сочларини гижимлади.

16

Озода автобусдан тушганда, онаси «Москвич»да Масъуддан келган хатни ўқиб ўтирар эди, қизини кўриб, машинадан чикди. Озода онаси билан қучоқлашиб, нарсаларини машина ўриндиғига қўйди. Озода онасининг кўзида ич-ичидан порлаётгандек бўлиб кўринди. Аёл ниманидир сезгандек бўлди.

— Лолани олиб чиқмадингизми? — деди Озода дарҳол.

— Уйғотгим келмади, — деди Муқаддас мамнун энтиқиб. — Соғиндингми?

— Соғинганда қандоқ! Нукул кўзимдан ўтди. Айниқса охирги кунлари.

— Ҳозир кўрасан, уйғонгандир.

— Бу қанақа хат? — сўради Озода машинага ўтиргач.

— Тоғангдан келди, бу иккинчиси. Ичида расми ҳам бор.

Озода конвертни очиб, биринчи галда расмни кўрди.

Расмда ёнма-ён Масъуд билан Сюзен (Сусанна) ўтирар, уч яшар қизча иккаловининг ўртасида тикилиб турар эди.

— Вой! — деди Озода ҳайратланиб. — Акангиз шунақа кетворган йигитми?!

— Дадамга тортган, — деди Муқаддас ғурурини яшира олмай. — Сочига оқ оралабди.

— Қизини қаранг, мунчоқдек! Испанларга ўхшайди. Хотини ҳам ойдек экан!

Муқаддаснинг кўзи ёшга тўлди — ҳам шодланар, ҳам ғурбатланар эди. Қизи хатни ўқий бошлади.

Озода онаси билан машинадан тушганда ҳовлида Зоҳид икки ёшли Лолани ҳалинчақда тебратиб турар эди, Лола опасини кўриш билан қичқириб юборди. Озода синглиси томон интилиб, маҳкам бағрига босди, юзларидан ўпди. Кейин дадаси билан қучоқлашиб кўришди.

Озоданинг ҳеч қачон бундай мижозини пайқамай келган Зоҳид ҳатто анграйиб қолди. Муқаддаснинг кўнгли ийиб кетди, бирон ҳодиса юз берганини тахмин қилди.

Муқаддас икки йил олдин қизига айтган ўғитини эслади — дилида бўлса очади, деб ўйлади. Бироқ икки ҳафта ўтди, қизи ўйчан-паришон бўлганини онаси сезди, қизи миқ этмади. Демак Озода чамалаган нарсаси рўёбга чиқмади чоғи ёки иккиланаяпти, деган гумонга борди Муқаддас. Онаси шу ҳақда оғиз жуфтласа, қизи гапга чап берар, саволдан қочар,

бошқа мавзуга чалгитар, тоғаси ҳақида сўрар эди. Масъуд биринчи хатида ота-онасига салом йўллабди, ҳали улар ҳаёт деб юрган экан. Онаси Масъудга ёзган хатида улар қазо қилганини, Ўлмас ҳам дунёдан ўтганини ёзди.

— Энди кўришимиз гумон, — деди Муқаддас ўқиниб. — Шарқий Германияда бўлса ҳам қоши эди, Боннда экан. Бонн Фарбий Германияда. У ёққа қўйишмайди, қўйишса ҳам юзта чиғириқдан ўтказишади. Пленга тушгани очилса, уни бу ёққа, бизни у ёққа йўлатишмайди.

— Миллионлаб одамлар пленга тушган, — деди Зоҳид. — Кўплари бола-чақали, жудо қилишса, газабга учрашади.

— Кутайлик-чи, замон ўзгарар, — деди Муқаддас ўйчан. — Нариги кўчадаги жувон ўн йиллик сургунга юборилган экан, ўшатта туғипти, эри ҳам этап қилинган экан, бирга қайтишипти. Мен ҳужжатларни режага келтириб бердим, адвокат топдим, бугун-эрта жойини қайтариб бериш ҳақида суд қарори чиқади. Юз эллик яшовчи имзо чеккан ариза берилди. Артель кўчирилар эмиш.

— Ҳайрият, — деди Зоҳид. — Сассик хиддан қутилар эканмиз.

Бирок Муқаддаснинг мўлжали адаш чикди. Бир ҳафтадан сўнг Муқаддас Ойниса билан шаҳар судига бориб, мужмал жавоб олишди. Суд қарорида «Ишлаб чиқариш объектлари бор бўлгани сабабли жойни қайтариб бериш иложи йўқ. Даъвочи жойи бадалига уч хонали квартира олиш ҳуқуқига эга. Суд қарорининг бир нусхаси Октябрь район ижроия кўмитасига юборилади. Квартирани ажратиш райижроком зиммасига топширилади», — дейилган эди. Иккала жувон пўссайиб қолишди. Ойниса-ку оддий фуқаро, лекин Муқаддас, малакали адлия ходими адашмаслиги лозим эди. Судхона таркибида қанақа «олди-берди» борлигини, номи улуг бўлса-да, шаҳар партия ташкилотининг измидан чиқа олмаслиги аён эди. Ойнисанинг кўнглини «пуч ёнғоққа» тўлдирган бўлиб чикди. Масала ҳал эди, таниш ходимлар суд ҳукми даъвочи фойдасига ечилади, деб ишонтиришган эди, ҳали имзо чекилмаган суд қарорини Муқаддас ўз кўзи билан кўрган, шунинг учун ҳам Ойнисанинг кўнглини тўқ қилган эди, демак, охири муддатда вазият кескин ўзгарган, артелдан мўмай фойда кўрувчилар керакли идораларга пора бериб, ҳукми ўзгартиришга муваффақ бўлишган. Энди республика судига ариза беришдан бошқа чора йўқ, шунда ҳам даъвогарнинг талаби қондирилади деб бўлмайди, республика суди шаҳарникини бекор қилмайди — бир охурдан ем ейишади, «мен — сенга, сен — менга» қабилида иш тутишади. Бу ҳам натижа бермаса, СССР Олий Судига

ариза юборишади. Демократик ўзгаришлар ўша ёқдан келаяпти. Ариза ўз вақтида борса, Олий Суд бу ердаги қарорни бир зумда бекор қилади, Муқаддас Ойнисага шу мулоҳазаларини айтиб, тасалли берди.

— Ҳозирча райижрокомга мурожаат қилинг, квартира тегса, ўшатта яшаб турасизлар, — деди Муқаддас Ойнисага йўл-йўриқ кўрсатиб. — СССР Олий Судининг қарори сизнинг фойдангизга ҳал бўлса, у ўз йўлида ечилаверади. Кўп жонлик оиласизлар, квартира ҳам қўлда қолади, эски жойингиз ҳам тегаети. Ўғил-қизларингиз вояга етиб қолишипти, уларга ҳам жой керак бўлади.

Ойниса кўнди.

— Кенжам Қаюмжоннинг мактаби тайин бўлса, бир оз тинчир эдим, — деди ўксиниб Ойниса. — Сентябрга бир ярим ой вақт қолди. Унгача квартира тегармикан?

— Шуни ҳам аризада ёзинг, — деди Муқаддас. — Сизга ўхшаганларга биринчи навбатда беришлари керак.

Эртасига Ойниса Қаюмжон билан Алижоннинг лагерига борди.

Автобус станциясидан кейин она-бола бир соатча йўл юришди. Баландлик бўлгани сабабли, олти-етти марта тўхтаб, нафас ростлаб, аранг етиб боришди. Ойниса лагер дарвозахонаси ёнидаги дарахт соясидаги скамейкада ўтириб қолди. Кенжа Қаюмжон чурқ этмай онасининг ёнида чўп билан ер чизиб ўтирар, ҳаво шаҳарга қараганда анча салқин, айниқса шамол хуруж қилганида, баданга ором берар, атроф тоғ қоялари билан ўралган, чўққилардаги қор эриб улгурмаган, арчалар санчилгандек сунъий кўринар, оппоқ булутлар подаси арчаларга илинар эди.

Бир оздан кейин ҳадиксираган Алижон чикди, скамейкада ўтирган онаси билан укасини кўриб, анграйиб қолди, кўзига ишонмади.

— Ая!

Улар кучоқлашиб кўришишди.

— Каттан сизларни худо етказди? Тинчликми?

— Тинчлик, болам, тинчлик, айтиб бераман, — деди Ойниса, оғир нафас олиб. — Ўзинг омонмисан? Лагер-далигингни билар эдик. Нега хат-пат ёзай, демайсан?

— Ёздим-ку.

— Биттагина хатингни олдик, бултур ҳам шунақа қилувдинг, болам. Ё бизни тан олгинг келмаяптими?

— Йўғ-э, ая, унақа деманг. Хатда нимани ҳам ёзар эдим. Дадамлар қандай? — деди Алижон Қаюмжонни ҳам, Фаизов домлани ҳам кўшиб. — Земфира аям, Жамила, Заремалар яхшими?

— Салом айтиб юборишди, сени жуда соғинишяпти.

— Сиз бир ўзингиз келдингизми?

Ойниса Тошкентга келиш сабабини қисқа гапириб берди.

— Жой тегса, ҳаммамиз бир бўлиб яшар эдик, — деди Ойниса охирида. — Уч хонали квартира беришмоқчи, лекин қачон оламиз, тайин эмас. Укангнинг ўқиши нима бўлади, деган ташвишдаман.

— Ҳозир қаерда яшаяпсизлар, келганингизга неча кун бўлди?

— Йигирма кундан ошди, болам, Шамси хола деган кўшнимизникида турипмиз, жойдан танқислик йўқ. Ховлимиз артелга айлантирилган экан, беришни иштамаяпти.

Алижон Ойниса билан кенжа Каюмжонни ичкарига олиб кириб, лагерни кўрсатди, укаси билан бассейнда чўмилишди, шийпонда тамадди қилишди.

— Тинч экансан, энди биз қайтайлик, — деди Ойниса, тўрвада Алижонга келтирган нарсаларини бериб. — Боргунимизча қоронғи тушади. — Ойниса Алижоннинг чўнтагига пул солиб қўйди.

Алижон онаси билан укасини автобусгача кузатиб тушди, автобус ортидан соғинч билан мўлтираб қолди. Агар иш билан боғлиқ бўлмаганида, ўзи ҳам елган бўлар эди — четдан Озода жўнашини кузатган, қиз кетгач, ҳаммаёқ бўмбўш бўлиб қолгандек туюлган, кейинги муддат Алижонга муҳлатдек кўринган эди. Алижон илинж билан яшар, қизни хаёлидан арита олмас эди. Озода тўғридан-тўғри Алижонни кутишини айтмади, фақат мусиқа мактабини тугатаётганини, мактаби шаҳарнинг қай жойида эканини шама қилди. Бу махфий ижозат, таклиф эканини Алижон фаҳмлади. Қани энди лагер тезроқ тугаса-ю Алижон учиб бора қолса.

— Таътил бўлса-да, хоҳлаган машғулотларга қатнайверадилар, — деган ўшанда Озода. — Мен ҳам қатнаб тураман, скрипка шунақа нарсаки, бир-икки ҳафта машқ бўлмаса қўл чиқиб кетади.

Алижоннинг лагердаги охирги кунларининг ҳар бири йилдек ўта бошлади — тунлар узок, кунлар узун кўринар, айниқса унинг ёрдамига муҳтожлик сезилмаган пайтлари қийин ўтар, Алижон ўзини қаерга қўйишни билмас, фақат физкультура машғулотлари уни бир оз чалғитар, шунда ҳам мияси ширин, энгиб бўлмас хаёллардан бўшамас, ҳатто хаёлга берилиши билан вақт ўтганини пайқамас эди. Ҳали ўн саккизга кирмаган йигит бунақа орзуларга таслим бўлиши хулқий жиҳатдан муносиб-номуносиб эканини фарқига бормас, барча андишалар қудратли ҳис тўлқинида гарқ бўлар, шундан бўлак нарсаларни ўйлашни истамас,

аччиқ лаззат, ўткир нашъа ситамида баҳра олиш олий завқдек кўринар, пўртанага чап беришнинг ўзи йигитга иллатдек туюлар эди. Бундай ҳаяжон айниқса қиз зотига нақадар қалтис, тахликали, агар у Озодадек энди уйғониб келаётган бўлса, таҳдид эканини ҳам фаҳмлар, қизнинг журъатини ҳаттоки кўп йигитлар қўлидан ҳам келмайдиган жасорат деб билар, эътироф этган сайин қизга ихлоси ошар эди. Мундоқ қараганда, Озоданинг ўзи Алижонни истаб келди, ановинақа ғализ ориятларни писанд қилмади, бу ўз туйғусини ардоқлаш эмасми? Чиркин тўсиқларни енгиш эмасми? Агар Алижон Озоданинг ўрнида бўлганида, илло-билло бу каби хатарли таваккалга бел боғламаган, жазм қила олмаган бўларди. Бундай қизнинг садағаси кетсанг арзийди.

17

Биринчи марта Муқаддас билан учрашгандан кейин Ойниса Шамси холаникига қайтиб, латтага ўралган нарсани олдига қўйди.

— Ҳақиқат қарор топипти, айланай, инсофли экан, бошидан сув ўгириб ичиш керак.

— Рост, яна анча маслахатлар берди, — деди Ойниса ҳаяжонланиб. — Ёрдам бераман, аризалар ёзишни ўргатаман, деди. Қандай миннатдорчилик қилишни билмаяпман.

— Мунақа одам савоб иш қилишдан баҳра олишади, — деди Шамси хола.

— Тиллақошни қайтариб бера қолаймикин, хола?

— Олмайди, — қатъий деди Шамси хола. — Ишингиз ўнгидан келса, ўша садақа.

Лекин мана икки ойга яқинлашиб қолди, иши ўнгидан келадиганга ўхшамайди. Олий суд шаҳар суди чиқарган қарорни бекор қилмади. Ойнисанинг жойи давлат мулкига ўтиб кетган экан, энди уни ундириш мураккаб бўлади. Битта умиди — СССР Олий Суди. Агар Муқаддас Москвага бориб, Олий Суд қарорини ўшатта кутишни маслахат кўрса, Ойниса боради ҳам. Аслида хат воситаси билан жавоб қайтади. Ойниса Москвага бориб, Олий Суд остонасида мўлтираб ўтиришидан наф бўлмайди. Муқаддас шундай маслахат берди.

Энди кутишдан бўлак чора йўқ. Бекор ўтиргандан кўра, Ойниса Андижонга бориб келишни чамалади. Сентябр ойигача муаммо ечилмаса, кенжа Қаюмжонни вақтинча бўлса-да, қишлоғидаги мактабга қатнаб тургани маъкул кўринди.

— Бир оёғингиз бетта, бир оёғингиз этта, юрасизми бўзчининг моксидек сарсон бўлиб? — деди Шамси хола. — Квартир тегса, барибир кўчиб келасизлар. Шу ерда тура-веринглар. Қизингиз билан эрингиз ҳам келишсин. Бир ҳовли бўлиб яшаймиз. Қизим уйли-жойли, чолим дунёдан ўтди, ўғлим урушда ўлди, танҳолик жонга тегди. Насибам узилса, ҳовли ҳувиллаб қолади. Бу жойни ҳам артел қилишади.

— Кўпжонликмиз-да, хола. Қулоғингиз қоматга келади, — деди Ойниса, Шамси холанинг гапи маъқул тушса-да, андиша қилиб.

— Болалик уй бозор, — деди Шамси хола самимий, — баъзан кечгача биронта инсон мўраламайди ҳам. Ўлсам, ўраб-чирмаб кўмарсизлар.

— Унақа деманг, хола.

— Шартим кетиб, партим қолди. Ростини айтиш керак-да, айланай. Ўлимлигим сандиқда, иккиланманг, болам. Кенжангиз ҳам ўқишга боради, Чақардаги мактабда ўрисча ҳам ўқитишади. Одамга одам азиз. Хат қилиб бераман, яшайверасизлар. Ҳукумат билан тортишиб нима қиласиз, ўян топиб, яна ўч олишади. Артели билан ордона қолишсин. Тажанг бўлманг. Бир парча ер бошингиздан садақа, дикқат бўлишга арзимади.

Ойнисанинг кўзига ёш келди — Шамси холанинг гаплари самимий эди, лекин ўроқда йўқ, бошоқда йўқ, Ойниса уйли-жойли ҳовлига эга бўлиб қолиши ғалати кўринар, жувон кўнишга ҳам ҳайиқар, кампирнинг сазасини қайтаришини ҳам эп кўрмас эди. Нима десин экан? Албатта миннатдорчилик билдириши лозим, бироқ миннатдорчилик — куруқ гап. Тиллақошини тутса, олармикин? Олмайди. Тиллақошни нима қилади? Хафа бўлади.

— Раҳмат, хола, — деди Ойниса энтикиб. — Чўрингиз бўламан, юмушингизни қиламан. Онамдек кўраман.

— Мана бу гап худога ҳам, бандасига ҳам ёқади, — деди кампир енгил тортгандек бўлиб. — Бир неча кунлардан бери оғиз жуфтлаб юрувдим, қайирмадингиз, сизга раҳмат. Уй сизники, болам, ҳеч ётсираманг. Энди, жоним узилса, хўппайиб ётмайди жасадим қоронғи хонада. Худо сизни етказганига шукур. Уйимнинг чироғи ўчмайди.

Ойниса истиҳола тортмаслиги учун Шамси хола ўз тортиғини дилига тугиб юрган омонатидек айтди. Ойниса рози бўлганидан ўзини беҳад мамнун кўрсатди.

Ойниса ўғилчасини Чақардаги мактабга ёздириб, ўзи Андижонга жўнади. Кенжа Қаюмжон Шамси хола билан қолди.

Ойнисанинг хабари эрига томдан тушгандек бўлди. Жамила эса никоҳ қиладиган қизга совчи келгандек эшик кесақисига суяниб турар, Фаизов домла билан Земфира хоним сукут сақлашар, уйни ўғри уриб кетгандек совук туюлар эди. Яхши хабар ҳам баъзида эсанкиратади. Лекин Қаюмжонга бу хабар яхши ботмади. Эски кийим янгисидан қулай кўринади. Тошкентга бориб яшаш бировнинг аравасини ҳайдашдек эриш туюлди. Тошкент аллақандай улугвор, иззатли одамларга муносиб шаҳар кўриниб, Қаюмжон ўзини бировнинг тўйига кириб қолгандек хис қилди. Олдинига у ёққа боришни умуман ҳазм қилмади, кейин аҳволи танглигини кўз олдига келтириб, мулоҳазага берилди. Дўст бўлиб ёнма-ён яшаймиз, деган аҳдлари беҳудага ўхшаб қолди. Қайтага нарироқда кун кечиришса, кадрлари янада ошадигандек, Қаюмжон кўчиб кетишини оқлагиси келди. Фақат Жамила масаласи ҳал қилиб бўлмайдиган ровдек кўндаланг тушди. Аслида Жамила нафақат Қаюмжонга — Қаюмжон-ку унга ўғай, онаси унга теккан холос — Ойнисага ҳам унча элакишмас, оққоранинг фарқига бормаи туриб, Фаизов домла ва Земфира хоним қўлида қолган, уларнинг ёт эканини сезмас, агар Алижон айтмаганида, улар бегона эканликларини билмас ҳам эди. Жамила энди кўзи очила бошлаганида ўз онаси, ҳали ўрганиб улгурмаган Қаюмжон, яъни ўғай дадаси бирин-кетин қамоққа олиндилар, қизча энди меҳр қўядиган пайтида саккиз йил сургун лагерида бўлишди. Кенжа Қаюмжон умуман сургунда туғилган, Жамила тайинланган опага ўхшайди, қандай элакишади? Унинг устига боланинг ўзи одамови. Энди уларга эргашиб Тошкентга жўнаса, буни қанақа важ билан исботлай олади? Фаизов домла билан Земфира хонимга нисбатан хоинлик қилган бўлмайдами, ахир Жамила уларни ота-она деб юрган-ку, уларнинг дили вайрон бўлмайдами? Алижон-ку ўртадаги тафовутдан гангиб, Тошкентга жўнаворди, ўзи ҳам нари, ғами ҳам нари. Аммо Жамила қайси томонга эгилсин экан? Унга қолса, шу ердан жилмагани маъқул, ҳаёти ўз маромида оқаяпти, қирғоғини бузиб нима қилади? Шунинг билан бирга Ойниса ўз онаси, қизини қаноти остига олишга ҳаққи бор, унга ҳам терс туриш хунук.

— Бу масалани фақат ўзинг ҳал қилишинг мумкин, қизим, — деди Ойниса Жамилани холи топиб. — Агар ёнма-ён яшасак, ҳеч нарса билинмас эди, лекин биз кетишга мажбурмиз, бизни бу ерда яшаттиришмайдиган кўринади.

Тўғри, биздан анча йироқлашиб кетгансан, бу ердагилар сенга яқинроқ, кадрдон. Зарема синглингдек, ундан ҳам айрилиш қийин, дугоналаринг ҳам шу ерда. Тошкентга борсанг, янги ўртоқлар орттирасан, лекин улар бизга ўхшаган одамларга «келгинди, қишлоқи» деб қарашади, талаффузинг ўзгача, кулишади, биринчи кезларда ўзингни бегона сезасан. Аммо ўқиш-машғулотлари ҳам, кийим-кечак ҳам фарқ қилади. Театр, музей, бинолар, трамвай-троллейбуслар — ҳаммаси мухташам, гангиб қолиш ҳеч гап эмас. Лекин бир ховлида бирга яшаймиз, иноқ бўламиз. Балки бориб яшаб кўрарсан, ўргана олмасанг, қайтиб келарсан, ўзингга қара, қизим.

— Алижон кетди, сизлар кўчасизлар, мен ҳам кетсам, булар хувиллаб қолишади-да, ая, — деди Жамила иккиланиб. — Юз ўгиргандек бўламиз, диллари оғриydi.

Бу мулоҳазага Ойниса қандай важ топа олади? Қизининг гапи тўғри. Уни ўрганган мухитидан олиб кетиш, ниҳолни юлиб кетиш билан баробар. Бироқ қолдириш ҳам мантиққа ёндашмайди: бокиб олинглар, дегандек ботади. Ҳар қалай, бориб кўрсин-чи, кўникиб кетса — хай, ўрга-на олмаса, бир йўриғи чиқар, жилла курса, қайтиб келади.

Кенжаси Тошкентда бегона кампир билан қолгани учун Ойниса эрини шошилтирди, Қаюмжон ҳам кўчиб кетишга кўникди, фақат Жамиланинг «пишиши» қийинроқ кечди.

Земфира хоним:

— Ота-она билан қўшилиш бахт, — деди буюртмага тикилган аёл кўйлагига дазмол ураётган Жамилага. — Шунча уқубат чекиб келганлари каммиди, қизим? Уларни тўғатмасанг, инсофдан бўлмайди — кадрсизлик. Сизларни қора тутиб биз ҳам кўргани борсак, органлар рухсат беришар. Беришмаса, ўзинг келиб биздан хабар олиб турасан. Поездда бир кечалик йўл. Қисматимиз шундай чизилган экан, қизим, иложимиз қанча? Биз шундай гўзал ватанимиздан жудо бўлиб юрипмиз-ку. Ношукурлик қилма, жоним, худонинг қаҳри келади.

Жамила онасига орқаси билан туриб охорга дазмол урар, кўзидан тушган томчи дазмолга теккач, «жаз» этар эди.

Душанба кундан муассасалар янги ҳафта ишини бошлашади, Ойниса чала ишларини битиришни чамалаб, шанба кунни поездга чиқишни режалаштирди, икки чамадондан бўлак нарса олмади — Шамси холанинг бисотида рўзғор учун зарур идиш-анжом топилади, фақат чойшаб-филофлару кийим-кечакларини жомадонларга жойлади. Фаизов домла, Земфира хоним ва Зарема уларни вокзалга кузатиб

чиқишди. Жалолобод — Тошкент поезди Андижон вокзалида ўн дақиқача тўхтаб жўнади. Ҳаммалари кўз ёш билан хайрлашишди. Охирги вагоннинг қизил чирови узоқлашар экан, Фаизов домланинг ҳам, Земфира хонимнинг ҳам, Зареманинг ҳам юраги узилиб қолгандек бўлди.

19

Охирги смена билан бирга Алижон ҳам шаҳарга қайтиб келди. Тошкент ҳали иссиқ, газ-сув сотадиган жойлардан одам аримас, соя қидиришар эди.

Алижон бирров техникумга учраб, ижарасига йўл олди. Озодани учратиш ниятида мусиқа билим юртига бормоқчи ҳам бўлди — таътил бўлса-да, машғулотга қатнаб турамиз, деган эди Озода — бироқ қўлидаги картон чемонданчасини уйига қўйиши, ювиниб тараниши, кийимини ўзгартириши лозим эди, ниятидан айниди.

Ижара топширадиган татар аёл Алижонни ўз боласидек кутиб олди: дарҳол дастурхон ёзди, қуймоқ пиширди, помидор, бодринг тўгради, сўраб-истади. Алижоннинг онаси келиб-кетганини айтди. Алижон тамадди қилиб, душга тушди, биринчи марта мўйини қирди, ойнада аксини кўриб, ўзини ғалати ҳис қилди — ҳатто кўчага чиқишдан ҳам тортинди. Бироқ уйда ўтириб ҳам нима қилади? Унинг устига онаси келиб-кетибди, балки бирон зарурат бордир, ёрдам керакдир. Аний холадан Ойниса қолдирган адресни олиб, уйдан чиқди. Кўча ҳамон иссиқ, трамвай-троллейбусларнинг деразалари очиқ эди. Алижон Чорсу, Чақар, Камолон деган атамаларни эшитган бўлса-да, бу томонларга йўли тушмаган, лекин Чорсу бозорига бир-икки марта борган ва шу ердан қайтган эди, шунинг учун Алижон Чорсуни чамалаб, Кўкча трамвайига ўтирди, Чорсуда тушиб қолди, бу ёғига пиёда юришга тўғри келди.

Нихоят керакли уйни сўраб-суриштириб топди, эшигини тақиллатди ва гангиб қолди — остонада Жамила турар эди. Қиз тортинмай акасига ёпишди, ховлига тортди. Успирин дадасини кўриб, баттар анграйиб қолди. Қаюмжон ўғлини бағрига босди, кейин онаси ва укаси билан кўришди, буларнинг ичида бир кампир нотаниш эди. Дарров чорпояга кўрпача ташлашди, хонтахтага дастурхон ёзишди, нон ушатишди.

— Жойимиз шу, — деди Қаюмжон негадир хижолат тортиб ва бўлган воқеани қисқача айтиб берди: — Энди сен ҳам шетта турасан, — деди гапининг охирида. — Ҳаммамиз бирга яшаймиз. Жамила ҳам келди.

Алижон синглисига кўз ташлади — қизнинг киёфасида акаси билан учрашганидан мамнунлик сезилса-да, нигоҳида алланечук истиҳолага ўхшаш тортиниш кўринар эди. Қизнинг гурбатини Қажумжон ҳам пайқаб деди:

— Энди мактабга ёзилиб келса бас, ҳаммаси қойил бўлади.

— Қишлоқдагилар билан узиламизми? — деди Алижон, шунча ўзгаришни дарҳол ҳазм қила олмай.

— Нега узилар эканмиз? — деди дадаси. — Бориб-келиб турамиз. Жамила иккиланаяпти. Уч-тўрт ой ўқиб кўрсин, ўргана олмаса, балки қишлоққа қайтар.

Алижон яна синглисига назар ташлади. Жамила саросимада эди. У Андижондан келганидан бери ҳали бирон марта кўчага чиқмаган, чиқишдан негадир чўчир эди.

— Мен ижарада тураверсаммикин? — деди Алижон қирилган юзини силаб, бироқ дадаси ўглининг юзига устара текканини пайқамади.

— Бу уй-чи? — кўнгли озорлангандек сўради дадаси.

— Ижарам техникумга яқин-да, — деди Алижон ийманиб. — Дарсга кўнғироқ чалинса, эшитилади. — Алижон охириги курсда бўлгани учун, машғулотлар тугаган, клиникаларда практика ўтиши, йил сўнгида давлат имтиҳонларини топшириб, шаҳодатнома олиши ва кейин биронта поликлиникагами, амбулаториягами ишга жойлашиши ёки институтга кириши керак. Институтга имтиёзли шаҳодатнома олмаса, аризасини қабул ҳам қилишмайди, бу дегани, йигитча камида икки йил ишлаб бериши, ўшанда ҳам ҳамма қатори имтиҳон топшириши шарт. «Ижарам техникумга яқин», — дегани шунчаки важ. Алижон уч йилдан ортиқ мустақил яшаб, якка туришга ўрганиб қолган, оилада кун кечириш кимнингдир измида бўлишни англаатар, «уни қил, буни қил» майлидаги режа унга малол туюлар, алоҳида яшаса, эрк ўзининг ихтиёрида — хоҳласа ётади, хоҳламаса туради, учрашувга ҳам истиҳола қилмай боради — ҳеч ким унинг хатти-ҳаракатини тергамайди. Лекин дадаси Алижоннинг вазини эшитиб, ранжигандек бўлди. Уни ҳам тушуниш мумкин: саккиз йил Сибирь лагерларида сарсон бўлиб келди, энди бирга яшашга етишганида ўғли отасининг пинжига киришнинг ўрнига, алоҳида туриш майли ҳимматсизликдек туюлар, ўзини опқочгандек кўринар эди. Алижон табиатан камсуқум, майин бола, аросатда қолди, чигални ечиш маҳол эди. Шу бугуннинг ўзида ижарасига кетиши умуман одоб доирасига сиғмайдиган кўринди — тунаб қолишга қарор қилди. Эртага бир йўриғи топилар, деган уй билан Алижон

Ўзига тасалли берди. Бироқ барибир, узум сўриси остидаги чорпоёга солиб беришган жойда ётар экан, алламаҳалгача кўзи илинмади — тоғ лагерида иссиқ адёлда ҳам жунжикиб чиқадиган Алижонга шаҳарнинг ҳавоси дим кўринар, чивин чаққан эти қичишар, янги жойда қулайини топа олмас, хаёл аллақажоқларга тортар, йигит иложи бўлса, ўрнидан туриб кетишга ҳам тайёр эди. Қишлоқдаги оиласи Тошкентга кўчиб келиши, негадир, Алижонга маъқул ботмадими, уларнинг дабдурустан бу ерда пайдо бўлиши ғайритабиий кўринар, уларнинг айнан тадбирида қандайдир шошқалоқлик, беҳудалик бордек туюлар, Алижон иснод чеккиси келар эди. Эрталаб уйғонганида, ҳамма супада чой ичиб ўтирар эди, фақат трусидан ётган Алижон туришни эп кўрмай беланиб ётди, кейин устидан кўрпани олмай, тагида шимини кийди, майкасини бошидан ўтказди, яланг оёғига пойабзалини илиб, ёни билан ювингани кетди. Аслида унинг диққатлиги, Озодани эсидан чиқара олмаслиги биринчи томондан бўлса, иккинчи томондан — агар у қизни топиб борса-да, у қандай бунга қарар экан, очиқ чеҳра билан қарши олармикин, ажабланмасмикин? — деган ғулғула эди, ғулғула ҳам эмас — ваҳима эди. Фақат қаттиқ шайдо бўлган одам шундай таҳликага, ҳадикка берилади. Алижон дилига таскин ахтарди — сой бўйида қиз Алижоннинг қўлини итариб ташламади-ку, тирсагини Алижон ўпганида, ҳатто жилмайди, сочини вижимлади. Бу ҳаракати, тўғрироғи, — чидами, ҳиссиёти белгисими ёки шунчаки лагерда беихтиёр рўй берадиган қарашмами, кўнгил кўчасими? Қанчадан-қанча хали вояга етиб улгурмаган қиз-ўспиринлар, — айниқса рус қизлари — қош қорайиши билан хилват-хилватда ачом-ачом қилишишади. Алижон бунақаларнинг қанчасини кўрган. Лагерда шунақа кўйга берилиш қанақадир қоидага айланиб қолганини кўплар билади. Ҳатто бунақа «ишни» йўлатиш ҳаёлида ҳам йўқ қизлар қанақадир танноз, қолоқ кўринади, кўринмаслик учун улар ҳам «татиб кўришга» мажбур бўлишади. Қанча қизлар лагердан қайтгач, ҳомиладор бўлиб қолганликларини пайқашади. Иккинчидан: ўрта мактабни битириш бўсағасида турган қизлар етилиб қолган бўлиб, жуфтликка тайёр, табиат даъватига чап бера олишмайди. Бундай ҳодиса кўпроқ соғломлаштириш лагерларида учраб туради, пионерларникида бўлмайди, пионерларникида вожатийлар орасида рўй беради. Озоданинг лагери эса соғломлаштириш лагери. У аллақачон пионер ёшидан чиқиб кетган. Алижон шу каби гумонлар таъсирида чой ичганини ҳам, ота-онаси билан паришон суҳбатлашганини ҳам аниқ билмай, аллақандай юмушлари борлигини баҳона қилиб,

уйдан чикди, лекин бу ховлида туриши ҳақида тайин гап айтмади.

Алижон музика билим юртига борганида соат ўн иккига яқинлашган, бино деразаларидан ҳам турли музика асбоблари товуши келар эди, демак, ҳақиқатда машғулотлар тўхтамаслиги чин экан, деб ўйлади Алижон ва дарахт соясидаги скамейкага ўтириб, ҳар турли товушлар орасидан скрипка овозини ажратиб олишга уринди, бир деразадан таралаётган скрипка товуши Озоданинг машқига ўхшаб кетди. Алижоннинг дили ҳаприкди, яна гулгулага тушди. Агар Озода деразадан қараса, Алижоннинг кутаётганини кўрса, яхши бўлар эди. Алижон ўзининг ҳадиги қанчалик ўринли эканини унинг қиёфасидан англаб олар эди. Агар Озода Алижонни кўриб ўсал тортса, қизарса, кўзларида маълум жонланиш йилт этса, демак, йигитни дилидан юлиб ташламапти, демак, илинжида бўлипти, кутипти: агар қиз Алижонни кўриши билан деразани ёпиб қўйса ёки кўрмаганга олса, демак, тушунарли, лагерда бўлган барча илиқлик шунчаки вазият асноси, лаҳза кўйи. Балки Озода бу ерда уларни биров кўришини ҳам истамас, нима деганда, Алижон қишлоқ боласи, тошкентлик ёшлар унақаларга унча рўйхуш бермайдилар, ҳатто ҳазар қиладилар.

Алижон лагерда пайтида тангадан каттароқ тош топган эди, тош юзида кийик нусхасини эслатувчи қора қатлам чизиги бўлиб, худди кимдир унга шу тасвири битгандек чиройли топилма эди. Агар муносабатлари чалинса, Алижон уни алоқаларининг рамзий тимсоли сифатида Озодага бериш ниятида чўнтагида сақлаб келар эди, ҳозир Алижон ўша тошни кафтига қўйиб, тикилди: талисмон қилиб берса арзийдиган нарса. Лекин бу намунага оддий деб қараш ҳам мумкин, одамнинг ички назокатига боғлиқ. Агар Озода парво қилмаса, тошни улоқтириш мумкин, омад келтирмаган нарсани сақлаб нима қилади.

— Алижо-он! — янграган таниш овоз Алижоннинг вужудидан яшин чакмоғидек ўтди. Йигит ялт эта нигоҳини кўтарди — дераза тоқчасининг ортида Озода турар, лов-лов ёнар эди. Алижон ноҳўя иш қилиб қўйгандек ҳаяжонда ўрнидан турди, отилиб чопгиси келди, аммо оёқлари зил тортган, йигит осуда бахтдан карахт, ожиз жилмаяр эди.

Озода деразадан ғойиб бўлди, Алижон талисмонни эзди.

Муқаддас ҳар дафъа акасига хат ёзар экан, кўп нарсаларни айтгиси келар, бироқ органдагилар хатларини албатта ўқиб чиқишларини билиб, уларнинг жиғига тегмасликка ҳаракат қилар, ўзи яшаётган тузумни иложи борича кўркам ифодалашга тиришар эди. Акс ҳолда хат у ёқда турсин, ўзини ҳам хиёнатда шубҳа қилиб, чора кўришлари мумкин эди. Шунинг учун Муқаддас умуман ўлкада ҳаёт фаровон, деб кўрсатар эди. Аслида ҳеч қачон тўйиб нон емаган халқ учун ҳозирги турмуш ўта тўкин, иқтисодий-сиёсий вазият аъло кўринар, электр нури, газ, водопровод, енгил машиналар, автобус-троллейбуслар, театрлар, байрамлар уруш азобидан кейин жаннатдек туюлар, гумон билан қамоқларга олиниши, компартия сиёсатига танқидий назар билан қарайдиганларни тергов қилмай сургуналарга юборилиши унча кўринмас эди.

Хат ёзиб ўтирган Муқаддас шифтга осилган ҳалинчакка кўз ташлади, ухлаб ётган Лола, пашша қўндими тўлганар эди, онаси сочиқ елпиб, ҳалинчакни тебратди.

Ҳовлида кир юваётган Замира ҳоланинг гўлдирагани эшитилди, Муқаддас ҳовлига тушди.

— Бирон нарсаси ҳовлига, ойи? — деди Муқаддас пойгак олдида тўхтаб.

— Ҳа, ўзим, — дея Замира хола ишида давом этди ва яна гўлдиради: — Кап-катта қиз бўлиб қолди Озода, ҳали ҳам чўнтагида тош олиб юради. Ўғил бола бўлса ҳам майли эди.

— Қанақа тош? — деди Муқаддас кампирга яқинлашиб.

— Ана, ташлаб юбордим, ётипти, — дея Замира хола гулхонада ётган тошга имо қилди.

Муқаддас атиргул тагида ётган япалоқ тошни олди.

— Ғалати тош экан, — деди Муқаддас тошни айлантириб. — Қора изи кийикка ўхшайди. Кўрдингизми?

— Кўзим ўтмади, — деди Замира хола.

— Балки ирим қилиб тоғдан олиб келгандир, — дея Муқаддас тошни гилос тагидаги столга қўйди.

Шу пайт уй зинасида кўзларини ишқаб Лола пайдо бўлди, унинг сочлари хурпайган, бир лунжи қизғиш эди.

Муқаддас қизчасининг сочларини силаб, олдида чўнкайди.

— Томорқада анжир пишипти, юр, териб чиқамиз, — деди Муқаддас қизининг қўлчаларини ушлаб ва йўл-йўлакай деворда илиғлиқ саватни олиб, томорқа томон юрди.

Кўча дарвозаси гичирлагани эшитилди. Муқаддас йўлида

тўхтаб, дарвозахонага қаради — қўлида қовун билан Зоҳид кела бошлади, қовунни кран тагига қўйди-да, индамай ичкарига кириб кетди. Яна бир кори хол юз бердимикин, деб ўйлади Муқаддас эрининг авзойидан, орқасига қайтди.

— Тинчликми? — сўради Муқаддас эри ечинаётган хонага киргач, ўзини бепарво ушлаб.

— Тинчлик, — дея Зоҳид уй кийимини кия бошлади. — Ишдан бўшатишди.

— Яна ўша важми?

— Важини айтишармиди? — деди Зоҳид захарҳанда жилмайиб.

Муқаддас бу йўсиндаги амалиётни яхши билар эди — қанча шикоятларни кўриб чиққан. Ҳаммасида битта баҳона — «Касбингиз хизмат профилига мос келмайди». Аслида район партия комитетининг яширин топшириғи: қамоқ, сургун муҳлатини ўтаб келган кишини ишга олинмасин.

Биронта мудир гафлатда қолиб судланган фуқарони ишга қабул қилса, дарҳол райкомдан қўнғироқ бўлади, мудир махфий буйруқни бажариши шарт, бажармаса ўзи амалдан маҳрум бўлади.

Зоҳид медицина соҳасини ташлаб, бошқа бир юмуш ахтарай деса, аввало малакаси йўқ, малака шарт бўлмаган иш топилса ҳам, вазият ўзгармайди, негаки номи жинойтчи, ишласа ҳам бир ойдан ошмайди, натижа шунақа оқибат билан тугайди. Зоҳид аламзада бўлиб, нуқул чекади, қаттиқ-қаттиқ ичадиган бўлган, баъзида Муқаддасни ҳам жеркиб ташлайди. Рост, кейин узр сўрайди, ўзимни тута олмадим, асаб курсин, дейди. Муқаддас эрининг тушкун аҳволини тушунади, гапини кўтаради, Зоҳид кўрпа остида бир марта бағрига босиб эзгиласа, ҳамма гина унутилади. Фақат ича бошлагани, маст ҳолда кўрс гапириб юборишдан Муқаддас гулгулага тушади ва энг ёмони — бу ишқалликнинг поёни кўринмайди. Қачонгача иш ахтариб топа олмай сарсон бўлиб юради? Ичкилик камайиш ўрнига мунтазам тус олиб борапти. Бир кунмас-бир кун жонга тегади, бардош тугайди, Зоҳид мағрур одам, хўрликка чидай олмайди, ўзини бирон нарса қилиб кўйиши ҳеч гап эмас. Ва яна дахшатлиси шундаки, Зоҳид борган сайин малакасини йўқотмоқда, бориб-бориб кераксиз бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бир ойдан бери ичмаётган эди, энди ишининг пачаваси чиққач, яна ичади, бу ҳовлида оғзига олмайди, бир-икки шиша ичкилик бўлса, ойлаб қарамайди, Озода билан Лола уни маст ҳолда кўришмаган ҳам. Фақат уйга келмай қолса, Муқаддас ичганини гумон қилиб, ўзи квартирасига боради,

эрининг кўнглига келган нарсани бажаради, кайф пайтида писанда қилмайди, билади — писанда қилса, жанжал билан тугайди. Охирги ишига жойлашишдан аввал эри уч-тўрт кунга ғойиб бўлиб қолди, яна ичиш бошланди деб, Муқаддас квартирасига борувди, эри эса — соппа-соғ, Муқаддас кўзига ишонмади. Зоҳид кулиб гапириб берди. Канақадир бир узок таниши трамвай бекатида Зоҳидни таниб, гаплашиб қолипти. Жигарингиз касал эмасми, деб сўрапти Зоҳид ўша танишидан. Таниши пахта теримида қўлланадиган дефолиация натижасида заҳарланиб, бир неча бор касалхонада ётиб чиққанини ва шунга қарамай жигари ўқтин-ўқтин оғриқ беришини айтипти. Зоҳид институтда физиологиядан дарс бергани учун бу соҳани билар эди, бир-икки хил ўтларни қайнатиб ичишни маслаҳат берган экан, ўша Оқил ака нафақат тузалиб кетипти, ҳатто ўзига ўхшаган танишларини Зоҳиднинг квартирасига эргаштириб келипти, Зоҳид уларнинг илтимосини рад эта олмай, ҳар бирига мос муолажа буюрипти, деярли ҳаммаси соғайиб кетипти, шундан кейин Зоҳид баъзан-баъзан беморларни уйда қабул қилиш амалиётини қўллай бошлапти. Зоҳид уйига кеч қолишлари сабабини Муқаддас шунда англаган, бу кезгача Зоҳиднинг ўзи табобати ҳақида — истиҳола қилибми, ориятданми — айтмай келар эди. Қолаверса унинг мажбурий практикасини текширувчи органлар пайқаса, оқибат хунук бўлиши ҳам мумкин эди. Уч йил муҳлатга қамокда ётиб чиққан одам, оддий жарима билан қутулиб бўлмайди, ишдан бўйин товлаган, тунеядец (текинхўр), унинг устига табиблик йўли билан хусусий амалиёт ташкил қилган, деган айбнома қўйиб, қонуннинг бир неча бандини рўқач қилишлари, узок муддатга кесиб юборишлари ҳам мумкин эди. Бу жиной иш эканини Муқаддас яхши билар, билибгина қолмай, қанча шарлатанларни қамокқа ўзи гирифтор қилган эди. Ғалати аҳволда қолди. Биринчидан яширин тарзда муолажа қилишнинг ўзи керакли шаходатномасиз ғайриқонуний тадбир, иккинчидан ишга жойлашмаслигини тунеядлик деб топиб маълум модда қўллашлари муқаррарлиги Муқаддасни ғулғулага солар, шунинг билан бирга малакали мутахассис бўла туриб ишсиз, демакки яшаш учун зарур маблағсиз юриши изтиробга солишини эътиборга олмай бўлмаслиги — бир калава муаммо эди. Эри топмай-нетмай қандай яшайди? Қайси кўз билан хотини, болалари юзига қарайди? Кучли, соғлом, малакали мутахассис. Иккинчидан хатар ҳам тайин нарса, жазо қўллашса, эри абгор бўлади, тақдири мажақланади, ҳеч қачон тиклана олмайди, киёфасини йўқотади. Аслида

қоидабузар бўлмаган Зоҳид учун махфий табобат, унча-мунча даромад бериб турса-да, дилини сиқар, йигит ҳатто ҳайиқар, техникумдаги машғулотлари расмий бўлиб, хусусий амали шунчаки муҳтож беморларга қўлидан келганча чакана ёрдам, савоб-мурувват эди, истаган пайтда Зоҳид бу фаолиятини тўхтатиб қўйиши мумкин эди. Муқаддас эрининг хуфий машқини рад этмаса ҳам рағбат ҳам қилмас эди. Агар Зоҳид умуман ишламай яшаса ҳам Муқаддаснинг қурби етар эди, лекин Зоҳид хотини ҳисобига кун кўрадиган инсон эмас, ўлса-ўлади, бир бурда нон сўрамайди, бундай яшашни ўзи учун ор деб билади. Муқаддас, айниқса эри ишсиз юрган пайтларида, ошиқча бир сўз айтишдан чўчийди, эрининг ғурур-номуси шу қадар нозикки, ҳатто сўз эмас, сўзнинг оҳанги ҳам, нигоҳ ўзгариши ҳам унинг эътиборидан қочмайди. Бугун қовун кўтариб келди, умуман Зоҳид кўчага чиқса, ҳеч қачон қуруқ қўл билан қайтмайди, пули бўлмаса умуман кўчага қадам босмайди. Муқаддас пулни доим очик жойда тутати, шунга қарамай, Зоҳид тийинига тегмайди, топса, ўзиникини қўяди. Озода ўзининг фарзанди бўлса-да, Лолага қандай қараса, Озодага ҳам шундай қарайди, ҳатто Озодага ошиқчароқ эътибор беради. Озода вояга етиб қолган қиз, оиладаги тотувлик кўп жиҳатдан унинг феълига боғлиқ, агар Зоҳид қизга бепарво бўлса, ўғайлигини таъкидлаган чиқади. Шунинг учун Озоданинг қовоғи осилса, Зоҳид дарҳол аралашади, чалкашликни барабар бартараф қилишга киришади. Буни сезган Озода ҳам шунга биноан муомала қилади, «дадам нима деркин?», «дадам рози бўлса, майли» қабилида иш тутати. Маҳаллада йигит ўспиринлар қизига гап отишмасин деб, Зоҳид ҳар куни Озоданинг йўлига чиқади, уйигача ёнма-ён келади. Овқат пишса, «Озодани кутайлик» ёки бирон нарса харид қилса, «Озодага ёқармикин?» дейди. Озоданинг дугоналари келса, дарҳол дастурхон ёзади, тансиқ нарсалар қўяди. Хуллас, ўз отасидан ҳам аъло ғам ейди, албатта Муқаддас буни сезади, ичида шодланади, ҳатто андак ҳасад ҳам қилади, бу ҳасад миннатсиз бўлиб, нимадандир кўнгли тўлмаса-да тумтаймайди, таннозлик қилмайди, баъзан эрининг яширин ичишини ҳам кўтаради.

Бир куни Озода нимасинидир қидиришга тушди, топа олмай, хуноб бўлди.

— Нимани ахтараяпсан? — деди Муқаддас.

— Э! — дея Озода қўл силтади ва чўнтак-ҳамёнларини титкилашда давом этди.

— Мана бу эмасми? — деди Муқаддас, япалоқ тошни кўрсатиб.

— Вой, сиздамиди?! — дея Озода севишиб кетди ва юлиб олгудек тошни чангаллади.

— Тошга шунча вахимами? — деди Муқаддас тааж-жубланиб.

— Бу тош — талисмон, — деди Озода негадир кизариб.

— Қаттан олдинг? — деди Муқаддас кизга разм солиб.

— Менга ирим қилиб... беришди.

— Ким берди?

Озода тутилиб қолди ва ийманиб:

— Алижон, — деди.

Муқаддаснинг юраги шувиллаб кетди.

— Алижон? — деди Муқаддас ўсмоқчилаб. — Ким у?

— Лагеримиздаги фельдшер.

Муқаддас ўзини эпақага солишга уринди.

— Тош ҳақиқатда рамзли экан, — деди Муқаддас, ҳаяжонини босиб. — Кийикка ўхшаган қашқаси бор экан. Кийик бирон нарсанинг нишоними?

— Қайдам, — деди Озода гап топа олмай. — Эзгуликдир-да.

— Дуруст, — деди Муқаддас, хаёли қочиб. — Эзгулик муборак аломат. — Бу Муқаддаснинг рағбати эди. Гапнинг учини йўқотгиси келмади. — Ҳаммага ҳам бераверишмайди. Ишонган, ихлос қўйган одамга беришади. Тошни нима дединг?

— Талисмон.

— Сенга ёқадими?

— Антика-ку, қаранг, — деди Озода, қўлидаги нарсани оклаш ниятида

— Рост, — деди Муқаддас, қизининг дилида алланечук шавқ пайдо бўлганини нимага йўйишни билмай, бироқ ўзгариш рўй бергани муқаррар эканига шубҳа қилмади. — Кўнглинг нимагадир чопган бўлса, айб эмас, қизим. Кеча ғунча эдинг, очила бошлапсан.

Озода бу гап чинми, самимийми ёки хавфдан ҳимоя қилиш аъмолими — англамади.

Муқаддас қизининг кўкраги тўлишиб бораётганини кўрганида баловат фасли бошланганини пайқаган, қизининг сийнабанд таққанини ҳам сезган, бироқ тез орада бундай ўзгариш содир бўлишини кутмаган эди, саросимага тушиб қолди, лекин кўриниш бермади. Онасининг дилида уйғонган ҳаяжонини қизи шу заҳотиёқ сезди.

— Алижон тоза йигит, — деди қизи. — Самимий. Чиройли. Сиз чиройлиларни яхши кўрасиз-ку.

Йигитнинг ёнини олиши, Озоданинг онасига маъқул қилиш ниятидан Муқаддас тушундики, қизи кўнглига

мос кимсани учратибди, буни олқишлаш лозим, шунинг билан бирга ҳиссиётига берилиб чалиниши, панд ейиши ҳам мумкин. Унинг дилидаги чечакларни пайҳон қилмай авайлаш ва сезгирликни йўқотмаслик, кўзи тинмаслигини огоҳлантириш ҳам керак, аммо яширмагани маъқул туюлди.

— Ҳали ёшсан-ку, қизим, — деди Муқаддас ўйчан, ўзи ўн еттига етмай, ишқ дардига гирифторм бўлганини яширганини, шу туйғуси сабабли қанча маломатларга учраганини, севмаган йигитга шоша-пиша узатишганини эслади.

— Бир-икки марта суҳбат қилиш, масала узил-кесил, деган гап эмас-ку, ая, — деди Озода ёзғиргандек. — Ўзи Андижоннинг қишлоғидан экан, бизнинг йигитлардек шилқим эмас, гапиргани ҳам қўрқади. Учрашганимизда қўлимни ушламай саломлашади.

Қизининг гапи Муқаддасга маъқул кўринса-да, «қўлини теккизмади» маъносидаги иқрорига ишонмади. Ҳамма қизлар шу жихатини яширишади. Лагердалигида Алижон билан қизи танишишган бўлса, шу пайтгача «қуруқ гап» билан чекланишадими? Ишониш қийин. Агар ҳақиқатда шундай бўлса, ё қизи йўлатмайди, ё йигит мужмал, журъатсиз. Ахир иккалови ёш, мунақа пайтда уларнинг хаёли ачом-ачом қилишиш, ўпишиш бўлади, нуқул пана, хилват ахтаришади. Сквернинг скамейкаларида қанча йигит-қизлар куппа-қундуз кунлари тап тортмай чирмашишади, кўплари — ўзбек қизлари. Эски шаҳар шароитида бунақа қулайлик йўқ, янги шаҳарда асосан оврупаликлар яшайди, улар мунақа опок-чапоқликка эгри қарашмайди, ёшларнинг висол маскани — шу ерлар, кинозаллар ва истироҳат боғлари. Маҳаллий аҳоли кўп деб, Жангоҳ боғига ҳам киришмайди.

— Алижонни менга кўрсатасанми?

— Унамайди, — деди Озода. — Уялади. Тортинчок, дедим-ку. Дугоналаримдан ҳам қочади.

Озоданинг Алижон ҳақида ботиниб гапириши, маҳалла қизларига хос муғомбир, сохта уятчанлиги йўқлиги, маълум маънода солдадил экани ва энг муҳими — қалбаки кўрқувни писанд қилмаслиги онасига ёқди. Менинг тарбия усулим, ўғитларим, деб ўйлади Муқаддас ва шунинг билан бирга ҳар бир онадек ҳадиксирай бошлади. Муқаддас яна нималардир дегиси келди, лекин айни вазиятга монанд сўз топа олмай, ўртага қалтислик туширишдан чўчиди — масала нозик эди. Қизи гўдак эмас, онгли-фаросатли, агар ораларида гап қочса ёки Алижоннинг бирон сўзи гализ кўринса ёки атворида нуқсон пайқаса, ўзи ҳушёр тортади, иккиланса — айтади, бироқ, она эмасми, Муқаддас йигитни кўргиси, гапга

солгиси келди, шунда ҳам «бўлади-бўлмайди», «арзийди-арзимайди», деган гапни айтмайди. Муқаддас суҳбат давомида «...очилибсан» деди, эрта очилмадингмикин? Ҳали деярли ҳаётни кўргани йўқ, севги учрашишдан иборат, деб билаяпти, бардош бера олмаслиги мумкин. Муқаддас шулар ҳақида гапиргиси келди — аёл билан аёл юзмаюз айтадиган сирлари бўлади — ўзини тийди. Ҳозирги айтганлари ҳам етарли. Мухими — қизи дилини очди, энди ҳайикмай кўнглидагини айтаверади. Муқаддаснинг ўзи шу биринчи изхорини таҳлика билан кутиб юрар эди, ҳозир қониқарли таҳлитда ўтдими-йўқми, аниқ билмас эди, яна гап очилишига ният қилди.

21

Айни шу чоғда Алижон ота-онаси яшаётган ҳовлида Жамила билан гаплашиб ўтирар, тошкўчанинг нариги томонида Озода яшашини билмас, негаки қизни кузатиб келса-да, Хадрадан қайтар эди. Жамила мактабнинг тўққизинчи синфига қатнай бошлапти, бир мактабга укаси Қаюмжон билан боришармиш, фақат укаси мактабнинг рус бўлимида ўқир эмиш.

— Қалай, — деди Алижон, — ўрганаёпсанми? Мактаб бегоналик қилмаяптими?

— Албатта бегона, — деди Жамила, кўнгли тўлмагандек, — лекин савияси баланд кўринади. Ўқитувчилари ҳам пухта.

— Ўқувчилари-чи? Қизлари, масалан?

— Ўғил болалар яхши, пала-партиш, тезда киришиб кетдик, — деди Жамила ийманиб. — Қизлар чет-четдан қарашаяпти. Танаффузда синфда қоламан. Мен ҳақимда нима дейишаяпти — билмайман. Синф раҳбаримиз бир қизни ёнимга ўтқазиб кўювди, яна ўз партасига ўтиб олди. Жалил деган бола: «партангда ўтирсам майлими?» деди, мен йўқ дея олмадим.

— Ўтқазма, ўз жойида ўтираверсин, — деди дарҳол Алижон, — тегажорлик қилади. Ёки ўзинг туриб кет. Жамила акасига разм солиб турди-да, бош ирғади.

— Икки йил олдин қизлар алоҳида синфда ўқишар экан, — деди Жамила бир лаҳза сукут қилиб.

— Ўша яхши эди, — деди Алижон.

— Биз қишлоқда ҳеч қачон алоҳида ўқимаганмиз, фақат парталаримиз алоҳида эди.

— Синфлар етишмас эди-да.

— Бу ернинг болалари шўх экан, дарс пайтида ҳам тинглашмайди. Ўқитувчилар нуқул ўшқиривади.

— Доскага чикдингми? — сўради Алижон.

— Бир марта, — деди Жамила. — Ўқитувчилар мени аяшяпти чоғи. Чикқанимда бутун синф жимиб қолди. Қанақа жавоб берар экан, деб кутишган экан.

— Қанақа жавоб бердинг? Қайси фандан?

— Тарихдан. Беш кўйди. Иншо ёздик. Нима бўларкан, билмадим. Адабиёт ўқитувчимиз шоирлик ҳам қилар экан. Уйғунни танир экан.

— Ҳамма шоирлар шу ерда-да. Лагерга биттаси борди. Саид Аҳмад. Сухбат ўтказди.

— У ёзувчи-ку, — деди Жамила, — шоир эмас.

— Биламан, шунинг учун шеър ўқимади. Кулдирди.

Ўчоқ бошида Шамси хола шипиргини устунга уриб, ўчоқ атрофини шипиришга киришди, Жамила бориб кампир кўлидан шипиргисини олиб, ўзи шипира бошлади.

— Озгина сув сепиб юбор, чанг чикмасин, — деди Шамси хола ва, юмушсиз ўтира олмайдиган кампир, яна нималаргадир уннай кетди.

Ичкаридан дарсини тугатиб, кенжа Қаюмжон чикди, пойгак ёнидаги пойдевор тоқчасига ўтирди. Унга ҳеч нарса ёқмас, тажанг кўринар эди.

Бир оздан кейин ичкаридан керишиб Қаюмжон кўринди.

— Аянг келмадимми? — у кран томонга ювиниш учун кета туриб сўради. Ойниса янги квартира олиш масаласида шаҳар ижроқўмига кетган эди.

— Йўқ, — деди ер шипираётган Жамила қаддини ростлаб.

Ярим соат ўтар-ўтмас Ойниса келди.

— Квартира тегадиган бўлди, — деди у бир томондан қувнаб, иккинчи томондан Шамси хола олдида хижолат тортгандек. — Чилонзордан беришармиш. Учинчи қаватдан экан, кўриб келинг, маъқул бўлса, ордер ёзамиз, дейишди.

— Артели қолар экан-да, — норози оҳангда деди Шамси хола. — Шу баҳона қутулармиканмиз, деб суюнувдик, беришмапти-да аттанг.

Ойниса ҳам, Қаюмжон ҳам ҳовлиларини қайтариб ололмаганлари учун айбдордек мулзам бўлишди, бир-бирларига қараб олишди. Орага жимлик чўқди.

— Майли, маҳалла аёллари ишсиз қолишмайди, — деди Шамси хола, ноқулай вазият туғдирганини фахмлаб.— Яқингина. Квартир беришгани ҳам яхши бўлипти, — деди Шамси хола ва ичида зил кетди: бу — мени холи қўясизлар, дегандек ботиши мумкин. Энди ноҳўя аҳволдан чиқиб олиши керак эди: — ижара қўйсанглар, жон улови, томиб

туради. Қишда бизнинг уйлар исиши қийин. Печкаси йўқ. Танча холос. Совуқ пайтлари бир-икки ҳафтага бориб турсанглр ҳам бўлади. Бола борлигини айтаман-да. Унақа квартирга кириб кўрмаганман-у, тор дейишади. Йўлагига икки киши сиғмасмиш.

— Биз ҳам ютоқаётганимиз йўқ, хола, — дея Ойниса эрига қараб олди. — Бир ватан-да. Болаларга асқатар. Алижоннинг бўйи чўзилиб қолди. Келин туширсак, тайин жой бор.

Чорпояга суюниб турган Алижон қизариб кетди.

— Унақа квартирга қиз беришмайди, — деди Шамси хола, хира кўзларини четга тикиб.

Ўртага зиллик тушди. Лукмасининг қалтис чиққанини Шамси хола сезмайди ҳам, кампир фақат ғамхўрлик қилмоқчи бўлган эди.

Қўлида шипирги билан турган Жамила Алижонга нигоҳ ташлади, Алижоннинг назарида — у ниманидир сезар эди.

Алижоннинг хаёли Озодага кетди, дилини алланечук хузур чулғади. Қачон Озода ҳақида ота-онасига оғиз очар экан, Алижон билмас, умуман шунақа имкон яралармикин— мавҳум эди. Озодани инжик, таманно деб ҳам бўлмайди, хушёр қиз, аммо «сиркаси сув кўтармайди». Эътиборга арзимаган сўз қаттиқ тегиши мумкин. Зийрак туриш керак. Қайси бир учрашганларида Алижоннинг ғижим рўмолчасини кўриб кайфияти бузилди. Алижоннинг пойабзали чанг бўлса, ёнига ўтирмайди ҳам. Алижоннинг ўзи ҳам покиза йигит, лекин Озода билан танишганидан кейин, кўпроқ ойнага қарайдиган, кийим-кечагига, ҳатто тирноқларига эътибор берадиган бўлиб қолди. Қиз йигитнинг бирон нуқсонидан ҳазар қилса — тамом, уни ийдириб бўлмайди. Шунинг учун доим шай туриши керак. Кеча Алижон учрашувга атир суркаб борувди, Озода нари сурилди. Алижон йўлай ҳам олмади, силжиса қиз туриб кетиши аниқ эди. Бирок Озода учун йигитчада нимадир бор бўлиб, у ҳам ораларидан «мушук ўтишини» истамас, ўтган-кетган қизлар булар томонга қараса, кўзлари албатта Алижонда бўлар, Озода бир оз кизғанар ҳам эди — йигит ҳақиқатда ёқимтой эди.

Москва стоматология институтига қўшимча қабул эълон қилинипти, Алижон газетада ўқиди. Қабул комиссияси Тошкентда эмиш. Алижон бир кўнгли бориб суриштиргиси келди. Агар ҳужжатларини қабул қилишса, ҳаракат қилиб кўради — ўтмайди хойнахой, ўтса — бошқа гап. Унда ҳам ўйлаб кўриш керак. Қандай Озодани қолдиради, попукдек нарса, бошини айлантирадиганлар албатта чиқади.

Ҳозир кун сайин одамлар яхши яшай бошлашяпти,

турар жойларини тузатишяпти, дангиллама тўй-тантана ўтказишяпти, машиналар олишяпти. Биронта олифта йигит «Победа» машинасида бир кучок гул билан концертига келса, ижросини мақтаса — тамом, Озоданинг кўзи тинади, Алижон билан таққослай бошлайди. Алижон нима, хемири йўқ қишлоқи бола, унинг устига узокда, Москвага кетворган, камида беш йил кутиши керак. Ким йўлини пойлайди?

Алижон режасини Озодага айтди.

— Боринг, — деди Озода қатъий. — Ўйлаб ўтиришнинг хождати йўқ. Москвадан малакали мутахассис бўлиб қайтасиз, — деди. — Илмий иш қиласиз. Бу ерда нима — тиш техниги бўлиб юрасиз. Армияга олиб кетишса, икки йил умрингиз ўтади.

— Сиз-чи? — деди Алижон қизга синовчан тикилиб.

— Йўқ, мен бормайман, шу ердаги консерваторияга кираман, — деди Озода.

— Мен бошқа маънода сўрадим, — деди Алижон сирли тарзда.

— Қайси маънода?

— Кутасизми?

— Кутаман, албатта, — деди Озода ва ҳазил йўлига: — Агар сизни бирон украин қизи илиб кетмаса, — деди.

— Мен нима, буюмманми, илиб кетар экан? — деди Алижон ранжигандек.

— Украин қизлар шўх бўлади, тузоғига илинганингизни билмай қоласиз.

— Мен сизни яхши кўраман, — деди Алижон, негадир ийманиб.

— Биламан, шунинг учун ҳам Москвадан бош товланг.

— Ҳали ўтаманми-йўқми? Рус тилим бўш. Ёзма имтихондан қулашим мумкин. Диктант бўлармиш. Эълонда ёзилган.

— Имтихонлар қачон ўтар экан?

— Икки ҳафтадан кейин. Учраш керак.

— Икки ҳафта ичида анча-мунча тайёрланиш мумкин, — деди Озода. — Бирга шуғулланамиз. Розимисиз?

— Розиман, албатта, — деди Алижон энтикиб. — Қаерда?

— Қаерда бўлар эди? Паркда, скамейкада. Дафтар-қалам бўлса, бас. Аввал бориб билинг-чи, хужжатларингизни қабул қилишармикин?

Алижон эртасига оёғи тортмай қабул комиссиясига борди, бироқ у ердагилар йигит техникумнинг стоматология

бўлимини битирганини ҳисобга олиб, ҳужжатларини қабул қилишди — аттестацияси бор, ҳеч қанақа малакаси йўқ талабадан кўра Алижон маъқул кўринди, чоғи. Ҳатто имтиҳон учун зарур қўлланмалар беришди.

Кўнгли чопмаса-да, Алижон имтиҳонларга тайёрлана бошлади, деярли ҳар куни Озода билан диктант ёзишни машқ қилди.

— Ура, имтиҳондан ўтдик! — деди Озода, уйига қайтгач, ўзига хос бўлмаган скрипка футлярини баланд кўтариб.

— Қанақа имтиҳон? — тушунмай сўради Муқаддас, ҳар эҳтимолга қувонч аломатини билдириб.

— Алижон имтиҳондан ўтди! Энди... — Озода бўлган воқеани онасига гапириб берди.

Муқаддас Лоланинг кийимларини жомга ташлаб, ўтириб қолди, қизининг мамнунлигига қўшилгиси келди, аммо алланечук ғулғула дилини сиккандек бўлди — гўё йигит урушга кетаётгандек туюлди. Яна бир кўнгли таскин топгандек бўлди: йигитча Озоданинг дилида ҳали уйғонмаган ҳисларини кўзғатган, узоқроқда юриши маъқулроқ эди. Агар унинг кетишига қизи тарафдор бўлса, янада яхши. Тўйғулари асл чикса, жудоликка чидашса, бу синов бўлади. Муқаддас Алижонни кўргиси келди, қизининг танлови мувофикми-йўқми, ўз кўзи билан кўриб, икром бўлгиси келди ва айни пайтда ҳафсаласи пир бўлишдан ҳам чўчиди. Ҳойнаҳой қишлоқ йигити лутфдан йироқ, такаллуфи етишмайди, сал-пал йўнилса, чакки бўлмас эди, агар яқинроқ турганида, Муқаддас «сайқал» берар эди. Зора Москва «рандаласа». Бироқ қишлоқ болалари шаҳарликлар каби қув эмас, тортинчок, андишали, қайсидир маънода одобли ва маданиятли. Негадир саводли одамларни маданиятли, дейишади. Бир умр китоб варақламаган кишилар, чоллар — қандай ахлоқли, андишали, табиатан маданий, хокисор, камтар бўладилар. Агар Алижон шу фазилатларни ўзига сингдирган бўлса, ҳеч нарса уни буза олмайди. Озода зийрак қиз, назари шунга тушиптими, демак бежиз эмас. Агар олиб кела олса, қандай яхши бўлар эди. «Унамайди», деди Озода. Агар қизи кўндиришга кўзи етмаса, пухта экан-да. Муқаддасда йигитни кўриш иштиёқи шу қадар ошдики, қизи ортидан қорама-қора бориб, яширинча, четдан кўриб келгиси келди. Бироқ бунақа тадбир қалтис туюлди, Озода билиб қолса тумтаяди. Алижон ҳам эриш олади.

Озоданинг «сирини» Муқаддас ҳалигача эрига очмаган, шунчаки тасодиф, омонат танишув, деб ўйлаган эди. Энди

сир тутиб бўлмайди, ҳамма нарса ҳал бўлганда айтса, ранжийди, «мени бегона кўрдинглар», деб дили оғрийди. Зада бўлади.

— Узоқроқда бўлишгани дуруст, — деди Зоҳид, хотинининг гапини чурқ этмай эшитиб. — Қадри ошади. Ҳар куни кўришаверишса, ораларидан парда кўтарилади, хаяжон олмайди.

— Бир кўрсамми девдим, Озода йўлатмаяпти, — деди Муқаддас эрининг гапидан кейин бир қарорга келиб. — Йигит тортинчоқ, дейди.

— Кўрманг, — деди Зоҳид. — Бирон хислати ёкмаса, Озодага айтасиз, совуқлик тушади.

— Нуксонли бўлса-чи? — деди Муқаддас гумонсираб.

— Нуксонсиз одам бўлмайди, — деди Зоҳид ўйчан. — Яхши фазилатлари босиб кетади.

Кечга яқин Ойниса кириб келди. Зоҳид боғчадан Лолани олиш ва Озодани кутиш учун чиқиб кетган эди. Муқаддас Ойнисани гилос тагидаги столчага чақирди.

— Чилонзордан квартира тегди, — деди Ойниса суҳбат чоғида.

— Қуллуқ бўлсин, неча хоналик экан? — деди Муқаддас.

— Уч хонали. Троллейбус қўйишипти. Бешёғочдан кетади.

— Энди кўчасизларми?

— Кўчгимиз келмаяпти, — деди Ойниса. — Шамси хола ўкинадилар. Қари нарса, кўзлари ожиз, қаров керак. Кўмасизлар, дейдилар. Чиқиб кетсак, ўкинадилар.

— Квартирага ижара қўясизларми?

— Қайдам, — деди Ойниса. — Алижонга мўлжалловдик, у Москвага кетадиган бўлиб колди. Ижара қўямиз шекилли.

— Алижон ким?

— Ўғлимиз, — деди Ойниса. — Эримнинг ўғли. Онаси вафот этган.

— Москвада нима қилади?

— Стоматология институтига қўшимча қабул эълон қилишган экан, имтихондан ўтипти, денг.

— Вой!

— Ҳм?

— Йўқ, ўзим, — дея Муқаддас ғўлдиллади.

Шу пайт учовлашиб Зоҳид, Лола ва Озода кириб келишди.

Ойниса уларни олдин келганларида ҳам кўрган эди, ўрнидан кўзғалиб, саломлашди.

Зоҳид стол ёнига ўтирди, Озода ва Лола кийим алмаштириш мақсадида ичкарига кириб кетишди.

Танирмикин, алоқалари борлигини билармикин, деган назар билан Муқаддас Ойнисага тикилди, бироқ унинг рухсорида ҳеч қандай ўзгариш пайқамади. Демак, Алижон бу ҳақда ҳали айтмаган чиқади. Муқаддаснинг юраги тинчигандек бўлди.

— Ойнисахонга квартира тегибди, — деди Муқаддас эрига. — Шунини айтгани чиқибдилар.

— Муборак бўлсин, — деди Зоҳид, пиёласини дастурхонга қўйиб.

— Раҳмат, — деди Ойниса негадир хижолат тортиб. — Муқаддасхонга раҳмат, йўл-йўриқ кўрсатдилар. Бўлмаса, мулкингиз мусодара бўлган, деб сарсон қилишар эди.

Замира хола лаганда шавла келтириб, ўртага қўйди.

— Олинглар, Озода билан Лола менинг хонамда ейишадди, — деди кампир. — Катталар алоҳида бўлгани маъқул.

— Майли, — деди Муқаддас ва яна Ойнисага нигоҳ ташлади.

— Мен жила қолсам бўлариди, — деди Ойниса ийманиб. — Овқатим дам еб ётипти. Болаларим кутишади.

— Бирпас кутишса, ҳеч нарса қилмайди, — деди Муқаддас. — Олинг.

Муқаддас Жамилани ҳам, кенжа Қаюмжонни ҳам кўрган, лекин Алижон ҳам буларнинг фарзанди эканини билмас эди. Демак, Ойнисахон келажак қудаси экан-да. Такдирнинг йўллари ажойиб.

22

Вокзал гавжум эди — кимлардир кетмоқда, кимлардир қайтмоқда, кеч кира бошлаганига қарамай, ҳаво ҳали иссик, баъзилар Москва иқлимини ҳисобга олиб илиқроқ кийинишган, елпинишар, бир-бирининг гапини эшитиб-эшитмай ховликиб сўзлашар, аллақандай ҳаяжонли ошиқиш ҳукм сураб эди.

Вагон эшигидан икки-уч қадам нарида дугонаси билан келган Озода Алижонга жим боқиб турар, дугонаси тинмай гапирар, маълум маънода Озода билан Алижоннинг хайрлашишига ҳалал берар, ҳалал берганини ўзи сезмас эди. Буларнинг қайси бири жўнашини ҳеч ким билмас, аммо ойдек иккита қиз билан ёш йигитчани кўриб, бировнинг ҳаваси келар, биров айбловчи назар билан қарар, кимдир опа-ака деб ўйлар, кўплар парво қилмас эди. Фақат Алижон ўзини ноқулай сезар, одамлар кўзига хижолатланиб қарар, қизлар тезроқ кета қолишини истар эди.

Кўнғироқ чалинди, кетувчи-кузатувчилар шоша-пиша кучоқлашиб-ўпишиб, вагон зиналари томон ошиқишди.

Биринчи бўлиб Алижонга Озоданинг дугонаси Севар қўл узатди, кейин Алижон Озода билан қўл олишишди. Алижон ўпиб хайрлашгиси келди, бироқ Озода томонидан интилиш сезмагач, ўзини тийди — қиз ўсал бўлишини истамеди. Озоданинг ҳам, Алижоннинг ҳам қўли хиёл қалтирар, кафтлари нам эди.

Иккинчи кўнғироқ чалинганда ҳам Алижон Озодани бағрига тортишга журъат қила олмади. Озода шуни кутган бўлса-да, ийманди, фақат Алижоннинг тирсагини маҳкам қисиб қўйди, бу қисишда ҳамма ахд бор эди.

Поезд шовқинсиз жойидан жилди.

— Чопинг! — деди Озода хаяжон билан.

Алижон кўзларида аллақандай интиқ билан икки-уч хатлаб, вагон зинасига чиқиб, узоққача қўл чайқаб кетди.

Поезднинг охириги вагони осма кўприк тагидан ўтиб, ғойиб бўлди.

Озоданинг кўзлари намдан йилтирар эди.

— Йиғладингми? — деди Севар, вокзал майдонига чиқа туриб.

— Юр, музқаймоқ еймиз, — деди Озода дугонасининг саволини эшитмагандек.

Озода уйига етиб борганида, қуёш дарахтлар ортига чўккан, ховлини соя босган, лекин чироқлар ёқилмаган эди.

23

Шохалил аканинг тавсияси билан Қаямжонни тамаки артелига экспедитор вазифасига олишди — рад этиша олмади, ҳуқуқий жойини қайтариб бермаслик устига ишга ҳам йўлатмаслик — ноинсофлик эди. Артел маъмурияти маҳалла раисининг илтимосини эътиборсиз қолдира олмас, негаки артелда ишлайдиган аёллар меҳнат шароитидан биринчи галда раисга шикоят қилишар, Шохалил ака артел раиси билан гаплашиб, камчиликни бартараф этишларини ёзма равишда сўраб, талаб бажарилмаса, шикоятномалар ижрокўм ёки суд муҳокамасига оширилиши мумкин бўлиб, ишқаллик чиқиши аниқ эди.

Артелнинг асосий амали — тамаки маҳсулоти, яъни, папирос, сигарет, ҳашаротларни қириш воситаларини ишлаб чиқарувчи фабрикага хом ашё етказиб берувчи муассаса бўлиб, мол Қирғизистон, Тожикистон, ҳатто Довистон каби Кавказ минтақаларидан келтирилар, Ўзбекистоннинг

Ургутида етиштириладиган хом ашё етарли эмас, баъзида молни ўз вақтида жўнатишмас, экспедиторлар бориб, ишни жадаллаштиришар эди. Шундай вазифа Қаюмжоннинг зиммасига тушди, бинобарин аввалги экспедиторларнинг бири майиб бўлиб ишга чиқа олмаётган эди. Энди у хафталаб сафарга кетар, бир Қирғизистоннинг Қизилқиясидан, бир Тожикистоннинг Қўлобидан ва яна аллақаяқлардан идорасига телефон қоқар, Ойниса эрининг қаерда эканини артел котибидан билиб чиқар эди. Ойнисанинг тайин касби бўлмагани учун, Атиргул кўчасидаги болалар боғчасига кирди, уни ҳам Шохалил ака жойлади. Болалар боғчасининг иш тартиби шунақаки — болалардан олдин бориши, болалардан кейин ишдан кетиши керак, бироқ — яқин, беш минутда ишида бўлади, хатто болалар ухлаганида, уйига югуриб келиб, фарзандларидан хабар олиб кетади ҳам. Маоши катта эмас, лекин емиш-ичиш ўша ердан. Икки кун дам. Соат иккидан кейин Жамила мактабдан бўшайди, Қаюмжоннинг дарси эртароқ тугаса, синфида дарс тайёрлаб кутади, кейин икковлашиб қайтишади. Икки ой аввал акаси Алижон Москвага кетди, ўша билан анча иноқ эди. Алижон вокзалга кузатиб чиқишига ҳам рози бўлмади. Жамила-ку, майли қиз бола, хатто ота-онасига ҳам ижозат бермади, дадаси ранжиди ҳам.

— Қўйинг, истамаяпти, шу ерда хайрлашамиз, — деди Ойниса, ўглининг бу ўжарлигида ниманидир гумон қилиб.— Ўғил болалар шунақа бўлади, кузатишларини ёқтиришмайди, тортинишади. Ўртоқлари бордир-да.

Жамила ҳам акасининг қанақадир сирли борлигини сезган эди.

Бир куни шаҳарнинг у ёқ-бу ёғини кўрсатиш учун Алижон сингисини етаклаб Қизил майдонни, Навоий театрини, Скверни кўрсатган, чарчаб-толиқиб ижара турган уйга олиб кирган, чой ичишган, уй эгаси татар аёл билан таништирган эди. Ўшанда татар аёл: «Озода эсидан чиқариб қолдирипти», деб Алижонга Озоданинг духоба картмончасини берган эди. Озода Алижон билан имтиҳон олдидан машғулот ўтказиш учун бир-икки марта холи жой, деб Алижоннинг ижарасига келган эди. Жамила ўшанда ниманидир сезган, лекин акасидан сўрашга ботина олмаган эди. Вокзалга чиқартирмаганининг сабаби, деб ўйлади Жамила, Озода дегани чиқмоқчи бўлган чоғи, шунинг учун Алижон ота-онасини боришига қарши чиққан.

Жамила ҳанузгача синфидаги биронта қиз билан дўст тутингани йўқ, тошкентлик қизлар ўзларини кибрли

тутишмоқда. Жамила эса ўзи ёпишишни истамайди, ўзини бепарво, ҳатто эътиборсиз тутади. Лекин қизлар Жамилага чет-четдан тикилишади, хуснига ҳам, ўқишга бўлган лаёқатига ҳам рашк қилишади, талаффуздан кулишади.

— Биронта ўқувчи билан ўртоқ тутиндингми? — сўради бир куни Ойниса қизи мунғайиб ўтирганини кўриб.

— Йўқ, — деди Жамила. Унинг кўзлари мунгли эди. — Йўлатишмаяпти. Гапирсам кулишади, ўзлари «х» ни думсиз айтишади. Ҳиндистонни «Хиндистон», химояни «химоя» дейишади. Мендан орият қилишади. «...Вотти-вотти», дейишганда, мен кулмайман-ку. «Янги» деган сўзни «енги» дейишади, «рўмолингиз енгими?» Рўмолда енг нима қилади?

— Мени ҳам масхара қилишарди, ҳали ҳам гапирсам, қарашади, — деди Ойниса, қизига тасалли берган бўлиб. — Сен ёшсан, Тошкентча ўрганиб кетасан.

Ойниса қизининг кўнглида Андижонга қайтиб кетиш майли борлигини пайқаб, бу ҳақда сўрамади, сўраса, албатта «кетаман», дер эди. Қолишга кўниктириш керак, энди уларнинг паккаси шу ер, хоҳлайдими йўқми, бўлак макон йўқ. Энди қарор топишди.

Алижондан хат келди. Дадаси бир неча марталаб ўқиб чикди, ҳатто кўзига ёш келди. Москвадек шаҳарда фарзанди ўқишини, яшашини Қаюмжон тушида ҳам кўрмаган эди. Ўқишлари бошланипти, ётоқдан жой беришипти. Совуқмиш.

Булар, албатта, бошқа бир одамга ҳам хат келганини тасаввур ҳам қилишмас, билишса, диллари қанақа ҳаприқар эди. Бироқ почтачи аёл яна битта шунақа хат рўпарадаги кўчада яшовчи Муродова Озода номига ҳам келганини айтганида, серрайиб қолишди.

— Ким у? — деди Қаюмжон хотинига, бироқ нега хат Муродова Озода номига келишини Ойниса ҳам билмас эди. Фақат Жамила мийиғида кулди, унинг Алижон ижарасида эшитган лўқмаси аёнлашди. Татар аёл қизининг номини айтган эди. Энди Жамиланинг гумони тасдиқланди. Жамила бу хабарни негадир гаш олди.

— Муродова Озода ким? — тинчи бузилиб яна сўради Қаюмжон.

— Муқаддасхоннинг қизи, Озода, — деди Ойниса гангиб. — Лекин...

— Қизи бўлса, Алижон қаёқда-ю, бу Озода деганингиз қаёқда? — деди Қаюмжон таажжубланиб. — Улар умуман бир-бирини кўрмаган, танишмайди. Нега бегона қизга хат ёзади?

— Балки танишар, — деди Ойниса тахмин қилиб. — Фақат бизга айтмаган-да.

— Танишади, — деди Жамила четдан.

— Танишади? — қизининг лукмаси умуман кутилмаган эди, Қаюмжон эсанкираб қолди. — Қаттан биласан?

— Биламан, — дея Жамила бошқа тафсилотга ўтмади: татар аёлнинг гапидан бошқа нарсани Жамила ҳам билмас эди. Фақат тахминини айтди: — Вокзалга чиқамиз деганимизда, Алижон унамади. Бу бежиз эмас эди.

— Нега? — деди Қаюмжон ҳамон чалғиб.

— Нега бўлариди? — деди Ойниса гапни бўлиб. — Қиз кузатмоқчи бўлгандир-да, биздан Алижон орият қилган. Шунақами? — дея, Ойниса қизига қаради.

— Шунақа, — деди Жамила.

— Муқаддасхондан сўраш керак, — деди Қаюмжон ҳушига кела бошлаб, — нималар ёзганикин?

— Хат қизига келган бўлса, онаси билмаслиги ҳам мумкин, — деди Ойниса.

— Уйига келган хатдан беҳабар қолмайди-ку.

— Муқаддасхон маданиятли аёл, — деди Ойниса мулоҳаза қилиб. — Қизининг номига келган хатни очмайди.

— Очмаса, ахир сўраши керак-ку, — деди Қаюмжон қизишиб. — Кимдан хат келди? Ким ўзи? Нега сенга хат ёзади деб. Қизи-ку, суриштиришга ҳаққи бор.

— Суриштиргандир, биз қаттан биламиз, — деди Ойниса вазминлик билан.

— Астофирилло, — деди Қаюмжон алланечук саросимадан холи бўла олмай. — Энди уларга қайси кўз билан қараймиз? Иснод-ку.

— Нега иснод бўларкан? — эрининг гапи Ойнисага тегиб кетди. — Биз уларни бир-бирига боғлаб қўйиппизми? Куча-қўйда танишишган бўлса бордир. Ўғлимиз тўнка эмас-ку, қамчидек.

Онаси ўгай бўла туриб Алижонни мактагани Жамилага ёқиб кетди, ичида «қойил», деб қўйди.

Хотинининг таърифи эрига ҳам маъкул тушди. Агар ўғлимиз шундай хонадон қизини илинтирган бўлса, қойил, деб ўйлади Қаюмжон фахрланиб.

— Одам барибир хижолат чекади-да, — деди Қаюмжон, ўзини андак ноқулай сезиб. — Шунча ёрдами тегди Муқаддасхоннинг. Яхшиликка ёмонлик бўлиб кўринмасмикин? Онаси ғаш олмасмикин?

— Муқаддасхон чайқовчи аёл эмас, тушунади, — деди

Ойниса энди Муқаддаснинг ёнини олиб. — Қизининг кўнглига қарайди.

— Кошкийди, — деди Қаюмжон бирон қарорга кела олмай. — Тумтаймаса бўлгани.

— Алижон Москвада, қиз бу ерда, — деди Ойниса. — Ҳали нима бор, нима йўқ, худо билади. Агар тенги чиқса, онаси қизини бир ёқли қилади, узатади-қўяди. Сиз ҳам қутуласиз.

— Мен нима, кўзкўрмас бўлишсин деяпманми, қутуласиз дейсан, — деди Қаюмжон ёзғириб. — Муқаддасхон ўғлимизни кўрган бўлса, хиппа ёпишгандир. Алижон ахлоқли бола, Москвадан ўқиб келса, ошиғи олчи, ким мунақа куёвдан бўйинтовлайди. Қизи ҳам анойи эмас, кимга қармоқ ташлашни билипти.

— Унақа деманг, улар «қармоқ-пармоқ» деган нарсалардан ҳазар қилишади, — деди Ойниса ижирғаниб. — Алижондака йигитлар Тошкентда мингта.

— Шуни айтаман-да, — деди Қаюмжон ҳасрат қилгандек. — Келиб-келиб қизининг кўзи бизнинг боламизга тушгани ғалати.

Ота-онасининг мунозараси Жамилага мароқли туюлар, қиз ичида акаси учун ғурурлар, акаси кўзига ҳавас қилса арзийдигандек кўринар эди. Жамила даҳлизда дарс тайёрлаб ўтирган укаси томон кетди. Бир оз унга қарашиб бўлгач, ичкарига кирди — у ерда бемор Шамси хола ётар, кўзи юмук, бармоқлари тасбех ўғирар эди. Жамила токчадаги доридан бир донасини олиб:

— Ойи, дори ичиб олинг, — деди. Кампир садо бермади. — Ойи, — деди Жамила овозини баландроқ кўтариб. Шамси хола аранг кўзини очди, яна юмиб олди. — Дори ичинг, мана.

Кампир тамшанди, кўзини очмади.

Жамила ташқарига чиқди. Оқшом туша бошлаган, онаси ўчоқ бошида сабзи арчар, дадаси пальтосини чўткалар эди.

— Ая, — деди Жамила онасига яқинлашиб, — ойимга қаранг, дорини ҳам ичира олмадим.

— Вой шўрим, — дея Ойниса ичкарига ошиқди.

Тасбех шолчада ётар, кампирнинг қўли тўшак четидан осилиб қолган эди.

Шамси холанинг жасадини келаси кун пешинга чиқарадиган бўлишди. Бир тўда бўлиб кампирнинг қизи, куёви ва неваралари келишди, йиғи кўтарилди. Бир ҳафта аввал қизи кўргани келганда, Шамси хола тетик эди, ҳатто нималардир ҳақида қизи билан гаплашишган ҳам эди. Мана, дафн ҳам ўтди. Майда маърака-маросимларини

Ўтказишди, энди энг мушкул тадбир — йигирмаси қолган эди. Икки юз-уч юз кишига дастурхон ёзиш, ош бериш керак. Бу ернинг удуми шунақа. Камида эллик кило гуруч дамланади, шунча гўшт-ёғ кетади, беш юздан зиёд нон ёптирилади, қанча чой, мева керак. Бунақа сарф-харажатни Ойниса билан Қаюмжон кўтара олмайдилар. Умид тиллақошдан. Шохалил ака билан маслаҳат қилиш лозим, маҳаллада ўзига тўқ хонадон олиши мумкин. Агар пул қолса, Чилонзордаги уйга ҳам жиҳоз олиш керак, квартира шип-шийдон турипти, ёйма каравотдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Энди у — иккинчи масала. Қаюмжон ишлаяпти, Ойниса ҳам маош олади, амаллаб-самаллаб ул-бул нарса олишга қурбилари етар. Ҳозир йигирмалик маърақани ўтказиш керак.

— Олдин заргарга кўрсатинг, — деди Шохалил ака, — ё ўзи олади, ёки баҳосини айтади. Харидор топиш қийин эмас.

Харидор ҳақиқатда топилди, тиллақош сотилди. Маблар Шамси хола маърақасига етиб берди. Ҳатто анчагинаси қолди ҳам. Марҳумани куёви битта қўй етаклаб келди, артел бир коп ун берди, Муқаддасникидан икки қути ширинлик чиқди. Ойниса фақат гуруч, ёғ, сабзи ва чой харид қилди. Маҳалла аҳил, қолган хизматларни — дошқозон, лагандастурхон, чойнак-пиёла келтиришни ёшлар адо этишди. Маърақага тумонат одам келди, икки соат ичида маросим тугади.

— Сизлар бу жойда тураверинглар, — деди кампирнинг қизи тадбирлар тугагач Ойнисага. — Ойимнинг васияти шунақа. Биз бу уйга муҳтож эмасмиз, қарай ҳам олмаймиз. Униб-қўпайиб яшаверинглар.

— Тиллақошдан бир оз қолди, жойни сиздан сотиб олақолайлик-да, — деди Ойниса хижолатда.

— Жой сизники, — деди кампирнинг қизи, — чирогини ёқиб ўтирсангиз кифоя.

Қишлоқдалигида Ойниса ҳам, Қаюмжон ҳам тайин ишсиз гангиб қолишган, ўз юртига сира олишмагандан ранжишган, қисматларидан нолишган эди, энди тақдирнинг марҳамати билан жойлик ҳам бўлишди, ишга жойлашишди, ҳатто Тошкентдек азим шаҳарда яшашяпти, худо буларга Шамси хола, Муқаддасхон, Шохалил акадек мурувватли одамларни етказди: ўз ҳовлисини ундира олишмай, бир ёт кампирнинг ҳовлисига эга бўлишди — Шамси холага раҳмат. Муқаддасхон тиллақошни қайтариб берди, Шохалил ака эр-хотинни ишга жойлади, органлар текширишмади ҳам. Алижон Москвада институтга кирди. Жамила билан

Қаюмжон ўқишяпти — яна нима керак? Уқубат ва танқисликка одатланган Ойнисага ҳам, Қаюмжонга ҳам эндиги ҳаёти тушга ўхшар, бу осойишталикка улар ўзларини нолойиқ сезишар, ийманишар эди. Шаҳарнинг четида бўлса-да, уч хонали уй тегди, иссиқ-совуқ суви, газ, электри, ҳатто телефони бор. Қаюмжоннинг яраланган оёғи ўқтин-ўқтин сирқирайди, ўша квартирада яшаса, балки оғриқ у қадар азоб бермас, ўйлайди Ойниса. Бироқ энди бегона мактабга ўргана бошлаган кенжа Қаюмжон, Жамила учун яна бўлак мактабга қатнаш сургун билан баробар эди, улар зинҳор кўнишмайди.

Шунга қарамай Ойниса секин-аста Чилонзордаги уйни жиҳозлай бошлади. Биринчи галда каравотлар олди, кейин стол-стул, шкаф, дарпарда, абажур харид қилди, хонадон очилди-қолди. Шундай ошённи ижарага топширишга Ойнисани кўзи қиймади. Бироқ ҳафталаб кулфлоглик туриши ҳам ярамайди, участкадан инспектор келиб текширса, ишқалик чиқади. Лекин оилани иккига бўлиб ҳам бўлмайди— Ойниса билан Қаюмжон бу квартирага ўтишса, ўз болаларини рад қилгандек бўлиб чиқишади. Ҳайҳотдек ховлида икки норасида қандай яшайди? Бир жойда муқим бўлиш керак, барака кетмайди. Қиш кунлари Қаюмжон ўша уйга бориб туради. Фақат бу ховлидаги уйга голланд печкаси ўрнатиш керак. Баъзилар уйларига суоқ газ туширишипти, яъни балонли ёқилғи, гугурт тутсанг ёнади — тутуни ҳам, иси-дуди ҳам йўқ. Ойниса Мукаддасхонникида кўрувди, кўм-кўк ёнади, жон роҳати. Голланд печкага кўмир олиш керак холос. Аммо сув масаласи чатоқ, ҳали ҳам ҳовуздан сув ташишади, ариқ сувини тиндириб ичишади. Артелга қувур ўтказишган, Шохалил ака уларга айтса, балки сув беришар.

Шу каби ноқулайликлари бўлишига қарамай, бу ерда яшаш Ойнисага маъқулроқ эди: ишхона яқин, Шохалил ака, Мукаддасхон каби зийрак ҳаммаҳаллалари бор, қўшнилари ҳам бинойи, биронта маросим бўлса, қараб туришмайди, қўлдан ишни олишади, югур-етишми, қозон қуришми, ўтин ёришми, сув ташишми — зипиллаб бажаришади, ҳар бири ўз юмушини билади: кимдир чойга қарайди, кимдир новвойга югуради, яна кимдир мулозаматга туради. Ишлар ўз-ўзидан бўлгандек туюлади, ҳамма нарса ими-жимиди, худди машшоқлар туркумидек бирдам, ҳамжихат адо этилади.

Мукаддас Ойниса ўтказган ҳамма маросимда ёнма-ён туриб қатнашди. Иккала аёлнинг кўнглида Алижонга алоқадор гап бор бўлса-да, лом-мим дейишмади, сир

сақлашди, бир-бирини билмайди, деб ўйлашди. Хат келиб туришини Муқаддас Ойнисага айтмади. Бир кунмас-бир кун барибир сир очилади, лекин ҳодиса қанча иштиёқ кўзғамасин, ҳозир сабр қилишни маъқул кўришди. Подадан олдин чанг кўтариш беҳуда кўринди.

Алижон Озодага ёзган хатида: «Ота-онангиз орамиздаги муносабатни билишадими?» деб ёзипти. Ҳар ўн кунда мунтазам хат келиб туради-ю, билишмайдими? Биринчи хат келгандаёқ билишган. Муқаддас: «Хат кимдан?» деганида Озода яширмай: «Алижондан», деган. Яшириб ҳам нима қилар эди, йигит имтиҳонлардан ўтгандан кейин, Озода ирғишлаб келган, олдин ҳам Алижон ҳақида гап очилган, бу гал Озода хатнинг Алижондан келганидан бўлак нарса айтмади, бироқ қизининг тетик юришидан хатга қувнагани маълум бўлди. Муқаддас гап кўзғамади. Агар муносиб кўрса, Озоданинг ўзи сўз очади. Ўтган кун Озода шам ёқиб, анча ойна олдида ўзининг аксига тикилиб ўтирди. Нега унақа қилди? Скрипкасини ҳам қўлига олмади. Бирон ўзгариш рўй бердимикин? Эркин оилада тарбия кўрган қизларнинг феъли ҳам эркин бўлади, иффати покмикин? Озода Алижоннинг уйига борганини, Алижон билан машғулот ўтказганини онасига айтган эди. Нима мақсадда Озода шуни айтди экан, индамай қўяверса, борганини ким билар эди. Лекин айтди. Бу бирон нарсанинг шамаси эмасми? Ҳисга тўла икки ёш хонада ёлғиз қолишади-ю, ҳеч нарса бўлмай бўладими? Бир-бирларига сўйкалишгани, ўпишишгани шубҳасиз, аммо шу билан чеклана олишдимикин? Агар йигит аҳду паймон қилган бўлса, қизининг кўзи тингандир. Мунақа пайтда кўзга ҳеч нарса кўринмай кетади.

Йигит беш йиллик ўқишга кетиш олдидан, бошқа биров тумшугини суқмасин деб, нонни тишлагандек, чўқиб қўйгандир. Энди тамғаланган қиз кутмай нима қилади, албатта кутади. Лекин узоқ муддатга кетаётган йигит бу йўсинда иш тутиши — хиёнат-ку. Қизнинг бўйида бўлиб қолса, қандай кўз очиб юради? Ҳомиласини яшириш учун бирон ақушерга чопади ёки ўзини нобуд қилиб қўяди. Қорнини қаппайтириб юрмайди-ку.

Муқаддас ўз хаёлидан шунча гумонларни ўтказиб, ўзи ҳам ишона бошлади. Ҳомила бўлмагандир ҳам, бир-икки галда ҳомила орттириш эҳтимоли оз, лекин номуси... Муқаддас қизи билан гаплашиб кўришга қанча шайланмасин, нимадир уни тўхтатар, иснод қилар, тили бормас эди. Алижоннинг Москвага кетганига ярим йил тўлай деб қолди. Озоданинг вужудида ўзгариш сезилмади.

Балки Муқаддаснинг гумонлари беҳудадир? Агар шу гумонларни айтса, қизи ранжиши мумкин — орага совуқлик тушади. Титкиламагани маъқул.

24

Қирғизистондан келадиган тамаки хомашёси охири пайтда суस्ताшиб қолди. Қаюмжон Қизилқияга бориб келишга отланди, Жамила дадасига эргашиди. Таътил кунлари бўлгани учун онаси ҳам эътироз билдирмади. Қаюмжон барибир қишлоғига ўтмай келмайди. Жамилани Фаизовларга қолдириб, қайтишида қизини олиб келиши мумкин — рози бўлди. Ота-бола поездга чиқишди, эрталаб Андижонга етиб боришди. Қаюмжон Жамилага совға-салом харид қилиб бериб, автобусда қишлоғига жўнатди, ўзи ўшга йўл олди, «икки кундан кейин бораман», деди.

Жамила ҳовлисига кириб борганида Фаизов домла қишга бостирилган анжир шоҳларини очар, Земфира хоним тикув машинасини айлантирар, Зарема кўринмас эди, лекин биринчи бўлиб ўшанинг «Жамила!» деган қийқириви эшитилди. Зарема ювилган нарсаларни арқонга осаётган эди, чойшаблар орасидан чиқиб, Жамила томон отилди. Жамиланинг келишини кутмаган Фаизов домла ҳам, Земфира хоним ҳам анқайиб қолишди.

— Жамила келди! — дея қичқирди Зарема, Жамилани кучоғидан қўйиб юбормай.

Фаизов домла билан Земфира хоним ҳушига келиб, қизнинг истиқболига ошиқишди. Бир зумда бир тўда бўлиб кучоқлашишди, Земфира хонимнинг кўзида ёш милтиллади. Жамила ҳам — севинчданми, соғинчданми — ўзини тута олмай йиғлаб юборди, юзи кулар, кўзлари йиғлар эди. Зарема ҳам ёшини тўхтата олмади. Ҳатто Фаизов домланинг ҳам кўнгли бўшашиб кетди, четга қараб, бурнини чимдиди.

Оила жамул-жам бўлгандек бўлди. Улар хат орқали бир-бирлари ҳаётдан хабардор бўлсалар-да, яна анча-мунча нарсаларни сўраб-суриштирилари келди. Бу ердагиларку ўша-ўша, деярли ўзгаришсиз кун ўтказишар, лекин Тошкентдек азим шаҳарда Ойниса билан Қаюмжоннинг оила турмуши қандай кечаётганини билиш қизиқтирар эди. Жамила ҳаммасини сўзлаб берди, ҳатто шаҳар шароитига, мактаб дугоналарига ўрганиши қийин кечаётганигача айтди.

— Тошкент катта шаҳар, кўлами ҳам бошқача, — деди Фаизов домла Жамиланинг гапларидан кейин. — Маданий

хаёт жуш уриши табиий. Бу ер ўрадек жой, радиодан бошқа ҳеч вако йўқ. Эшитиб кўникамиз. Бориб келишга ҳам ижозат беришмайди. — Фаизов домла ҳеч қачон нолимас эди.

— Сургундамиз-да, — деди Земфира хоним.

Бошқа ҳаёт тарзини кўрмаган Заремага «сургун» сўзи тушунарсиз туюлди, фақат Жамиланинг янгича яшашига ҳаваси келди.

Зарема теварак-атрофда турадиган синфдош дугоналарига Жамила келгани ҳақида хабар бериб чиқди. Бири асал, бири қаймоқ, қайси бири сомса, яна бири лаганда палов ва шу каби тансиқ нарсалар билан кела бошлашди. Орқада жой тузашди. Иккита-учта ўспирин ўқувчилар ҳам ийманиб келишди. Йигитчалар хизматга туришди — чойга қарашди, ўчоққа уннашди, бири рубоб чалди, ўтириш базмга айланиб кетди. Ачахон лапар айтди, қизлар рақсга тушишди — ҳамма қувнади. Фаизов домла билан Земфира хоним четдан бахтли нигоҳ билан тикилишди.

Жамилани ҳам ўйинга тортишди. Рубоб чалаётган йигитча эшилиб ўйнаётган Жамиланинг хиромон коматидан кўзини олмас, олдинлари ҳам Жамилага бошқача қарар, Жамила буни сезиб келар, дили алланечук бўлиб кетар эди.

Ёшлар учун Фаизовлар ховлиси қулай жой эди, ҳар қанча ирғишлашсин, базму таралла қилишсин, айбга саналмаслиги аниқ эди. Лекин бунақа шодиёна биронта бўлак хонадонда кечишини тасаввур ҳам қилишмас эди — йигитлар аралаш қизлар билан бу каби хордиқ чиқариш ҳаёсизликка йўйилар эди. Жамила келиб, шундай хушчақчақликка сабаб бўлганидан ҳамма дугоналари беҳад мамнунлик сезишди.

— Шунақа келиб тулинг! — деди Жамилага дугоналаридан бири. — Сиз баҳона биз ҳам ёзилайлик. Бу ерда тишингни кўрсатсанг, манжалақига чиқаришади. Кўкракни ҳам танғиб юрамиз.

Бундай «ҳавойи шўхлик» балоғат белгиси бўлиб, мактабдаги байрам муносабати билан уюштириладиган кечаларни ҳисобга олмаганда, дастлабки эди, ўнинчи синфни битириш бўсағасида турган ёшларга, айниқса қизлар учун иллат бўлиб талқин қилиниши эҳтимол эди. Агар бу кунги бебилиска сурон хабари қишлоққа тарқаса, қизлар «пуф-сасиққа» чиқишлари тайин, «ҳаёсизлар» эшигини совчи тақиллатиб келмаслиги мумкин эди. Земфира хоним ҳам, Фаизов домла ҳам андак талвасага туша бошлашди. Қанча пайтлардан буён шодон қийқирик

эшитилмай қолган ҳовлида бу каби завқ-шавқ бўлиши бир томондан кўнгилли туюлар, иккинчи томондан уй эгалари ёшларни йўлдан оздирган ва бунинг оқибатида уларнинг тақдирига панд етказган бўлиб чиқар эдилар. Шунинг учун улар базм тезроқ тугабини хоҳлар эдилар. Фаизовлар оиласи илғор ҳисобланса-да, биронта «анъаналар посбони» керакли идораларга расмий хат йўлласа — тамом: Фаизовларнинг усиз ҳам омонат турмуши бузилади, зиғирдек ҳуқукдан ҳам маҳрум бўлишади. Имкони чекланган хонадон учун бундай маломат офат билан тенг. Фаизов қўрққан айбнома — тус бериш эди. Фаизов каби ночор одам қандай олижаноб иш қилмасин, кимгадир ёқмаса, ёшларни маънавий бузишга қаратилган «ахлоқий диверсия» деган ваз билан истаган чора қўллашлари мумкин. Унда ишдан четлатиш, огоҳлантириш, танбех беришдек тадбирлар жуда юмшоқ кўринади, бузғунчи бола-чақаси билан баттар синовларга маҳкум қилинади. Фараз, гумон усуллари табиий ҳисобланган жамият далилга муҳтож эмас, ёқмаса — бас, айбнома топилаверади. Ҳатто тўғрима-тўғри радио эшитишни ҳам, керакли тус-тамға бериб, хиёнатга талқинлаш мумкин. «Нега ҳаддан зиёд диққат билан синчиклаб эшитяпсиз?» деган даъво етарли, айбланувчи қандай далил келтирмасин — эътиборга олинмайди.

Земфира хоним эрини туртди: кўшни деворида бир тўда болалар ўтиришар, чапак чалишар эди. Фаизов домланинг хаёли ариди. Зарема билан Жамила ўртада ўйнашмоқда эди. Фаизов домла қизининг ўзбекча рақсини биринчи марта кўриши эди. Зарема ўзбек қизларидан қолишмай ўйнар, нозу карашмалари ҳам айнан ўзбек рақсларига монанд яширин ҳисларга, дардли ишораларга тўла эди. Қизи балогат ёшига қадам қўйганини, етилганини Фаизов домла англади. Ҳам севинди, ҳам ўйга толди. Ярим йилдан сўнг мактабни битиради, гувоҳнома олади, кейин нима қилади? Тошкент у ёқда турсин, Андижонга боришга ҳам органдан руҳсат олиши керак. Қаерда ўқийди? Ўрта мактаб гувоҳномаси билан қолаверадими? Турмуш курси, бола-чақасига ўралашиб қолади, бир қадам нарига жила олмайди. Куёви ким бўлади? Қримлик оилалар кўп, йигитлар ҳам бор, хатто бир нечтаси Фаизовнинг қўлида ўқийди, иккита-учта қримлик йигит Зареманинг синфдоши, ўз урф-одатларини, тилини сақласа-да, ўзбекчани она тилидек билишади. Рус мактаби бўлмагани учун рус, татар, тожик, қирғиз болалари каби ўзбек мактабида ўқишади. Буларнинг ичида фақат қримликлар у ёқ-бу ёққа бориб ўқишни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрумлар. Демак Зарема биронта ўзбекнинг

ёки кримликнинг ўрлига тегади, амбулаториядами, болалар боғчасидами ёки колхоз правлениясида ишлайди, шу билан умри ўтади. Келажаги хира. Ягона қизининг қисмати Фаизов домлани анчадан бери ташвишга солиб келар, отаси ночорликдан сиқилар, бироқ замон ўзгариб бораётганини кўриб, нимагадир умид боғлаб келар эди. Энди муаммо аниқ кўрина бошлади. Нимадир қилиш керак, қизини қишлоқ шароитидан суғуриб, қаёққадир ўқишга юбориши шарт. Аммо бу тадбирни қандай амалга ошириб бўлади? Мундоқ олиб қараганда, кримликлар, Кавказдан сургун қилинган месхетлар-турклар ўқимасин, деган фармон ҳам йўқ. Расмий жиҳатдан ўқишни давом эттириш учун ижозат бор, лекин ҳеч ким у ҳужжатни кўрган эмас — демак, амалда рад дегани. Бироқ расмий ташкилотларга бориб суриштирса, райком секретарига илтимоснома ёзса, улар йўқ дейиша олмайди, расмий аризага расман жавоб беришга мажбур бўлишади. Мажбур бўлишади-ку, лекин ҳар хил ваз-бахоналар топишади, зиммаларига масъулият олишдан қочишади.

Жамила кетгач, Зарема сездирмасликка уринса-да, паришон бўлиб қолди. Қилган иши қўлдан тушар, киз китобга тикилса, кўзи бир нуқтадан жилмас, шубҳасиз — тақдирини ўйлар, отаси билан ҳам, онаси билан ҳам кам гаплашар, нариги ҳовлидан бери келмас, танҳо ўзи нима билан машғул эканини ҳеч ким билмас эди.

Зарема етилиб борар, ота-онаси қизининг тақдири ҳақида бош қотиришлари зарур эди. Аммо уларнинг қўлидан нима келади — ўзларининг ҳуқуқи чекланган, қатъийроқ талаб қилишдан ҳайиқишар, даъво қилишса, ҳаммалари панд ейиши эҳтимол эди.

— Ё тегишли идорадан ижозат олиш керак, — деди Земфира хоним, бу гапни аввалдан ўйлаб қўйгандек, — ёки, ўзбекми, тожикми, биронтасига узатиш керак. Расмий никоҳдан ўтишса, Зарема хотин сифатида барабар ҳуқуққа тенг бўлади.

Фаизов домлага бунақа маслаҳат ғалати туюлди, тўғри, Зарема хушсурат қиз, бунақа зотга етишиш — ҳар қандай йигит учун бахт, омад. Қанча пинҳона хуштор бўлиб юрганлар шак-шубҳасиз, бордир. Бўлганида ҳам вазият ўзгаришига кўз етмайди. Аввало, бу ерлик йигитлар қишлоқдан нари кетиб кун кўришига юраги дов бермайди: қишлоқ советидами, колхоз правлениясидами, йўл қурилиш участкасидами ишлашдан бўлак ниятлари ҳам йўқ. Битта-иккитаса Андижон ёки Тошкент институтларининг бирига илинишлари мумкин холос. Унақалар ҳозир уйланишмайди.

Уйланса ҳам, ким хотинини бошқа шаҳарга юборишга рози бўлади? Қолаверса, Зарема унақа йигитга тегишни истайдими? Қишлоқ оиласига келин бўлиб тушиш чўриликни зиммасига олиш, деган гап. Фаизов ўз кўзи билан кўриб келяпти: молга қараш, қозон-товоқни эплаш, колхоз даласига чиқиб ягана-чопиқ қилиш, чурвақаларни боқиш — ҳаммаси келинга қолган. Ҳеч қанақа аттестат ёрдам бермайди. Шуниси ачинарлики, биронта келин шу одатга қарши чиқмайди. Қисмати шу эканини ҳамма билади, билиб тегади. Зарема ўшанақалардан бири бўладими? Қандай кўникади, чидайки? Ахир киз мутлако бошқа шароитда ўсди, бировга чўри бўла олмайди. Қримликлар оиласида шароит бошқача. Албатта, у ерда ҳам келиннинг маълум масъулияти бор, қўлтиғини қашлаб ўтирмайки. Лекин ўзбек оиласичалик эмас. Чопиққа чиқишга келин ҳеч қачон унамайди. Уйдагилари ҳам мажбур қилмайди. Келин анча эркин. Бироқ бу ҳам қафас эркинлиги. Бошқа шаҳарга ўқиш учун бора олмайди-ку. Дод-фарёд қилса, ўша жичча ҳуқуқни ҳам тортиб олишади.

Қаюмжон Қизилқиядан қайта туриб, Фаизовларникига кўниб ўтди. Жамилани олиб кетиши ҳам, Фаизовлардан ҳол-аҳвол сўраши ҳам керак эди. Сухбат чоғида Фаизов дилини ўртаб келаётган ташвишлари ҳақида Қаюмжонга оғиз очди.

— Юнус ака, — деди Қаюмжон, ҳамма чораларни чамалаб чиққач, — битта мулоҳаза бор. Агар эриш туюл-маса, айтаман.

Фаизов домланинг юраги шувиллаб кетди — «эриш» дегани нимаси экан? Талвасага тушди, бироқ сир бой бермади.

— Қани, эшитайлик-чи, — деди Фаизов домла, ўзини вазмин тутиб.

— Мен бошқа иложни кўрмайпман, — деди Қаюмжон ва гапни узоқдан бошлагиси келмай: — биз Ойниса билан қизингизни ўз қарамоғимизга олсак, — деди. — Кўнглингизга ботмасин. Бу шунчаки ниқоб. Кўзбўямачилик. Расмий тус. Хужжат олсак, Тошкентга олиб кетардим. Жамила билан бир квартирада туришаверар эди. Чилонзордан уй тегди. Уч хонали. Ҳамма шароити муҳайё. Институтга киришга ҳам уриниб кўришар эди. Бир тахминда, Юнус ака. Зарема сизникилигича қолаверади. Номига бизнинг қарамоғимизда ҳисобланади. Асранди. Эшитишга хунук-ку, лекин бошқа атамаси йўқ. Земфира хоним билан гаплашиб кўринг, маъқул кўринса, мен Тошкентга бориб, Муқаддасхон деган жувондан консультация оламан. Жамила

билан Зарема — опа-сингил. Иккалови хурсандлигидан ирғишлашади. Қаранг, қандай бир-бири билан иноқ. Қил ўтмайди.

Фаизов домла нималардир ҳақида пичирлаб гаплашишаётган икки қизга қаради. Шунча бош қотириб, эр-хотин мунақа ечимга келиша олмовди. Сал ғализ кўринса-да, Қаюмжоннинг маслаҳатида мантиқ бор эди. Албатта ўйлаб кўриши, хотинига тушунтириши лозим. Агар у унагиси келмаса, ёпиқ қозон ёпиқлигича қолаверади. Ҳозирча бу режани Заремага ҳам очиш керак эмас. Уни умидвор қилиб қўйиб, кейин орқага чекинишса, дили оғрийди. Эр-хотиннинг маслаҳати бир ечимга тўхтагач, Зареманинг розилигини албатта сўрашга тўғри келади. Балки «асранди» бўлишни у хоҳламас, ранжир. Балки, аксинча қувонар. Фақат ўз қарамоғига олиш сабабларини қониқарли равишда исботлаш зарур. «Нега ота-онаси тирик бўла туриб, асраб олишга қарор қилдингиз?» дейишса, Қаюмжон нима важ келтиради? Ота-онаси боласига қарай олмайдиган аҳволда эмас, қари бўлишганда ҳам бошқа гап. Тўғри, Юнус Фаизов урушда қатнашган, ўқ еган, кантузия бўлган, хужжатлари бор: онаси Земфира хоним касалманд, астма, нафас олишга қийналади. Фаизовнинг далиллари ўзига суст кўринди. Агар ота-она ёрдамга муҳтож бўлса, қизи қарамай ким қарайди? Нега бўйига етган, қўлидан иш келадиган қизни бировнинг қарамоғига ўтказиш керак? Мантиқ қониқарсиз, бўш. Ҳеч ким ишонмайди. Бунинг тагида бир муддао бор, деб ўйлашади. Майли, Қаюмжон Тошкентга бориб суриштирсинчи, балки бирон тутуриқли маслаҳат чиқиб қолар.

Фаизов домла шу режани хотинига айтувди, Земфира хоним донг қотиб қолди.

— Битта-ю битта қизимиз, — деди у талвасада, — бировнинг қарамоғига берамизми? Асранди бўладими?

Земфира хоним ўзини тута олмай йиғлаб юборди.

— Номига, дедим-ку. Расмият учун, — деди Фаизов домла сал тутақиб. — Ўзимиз чорасини топа олмадик-ку. Қаюмжон яхшилик қилмоқчи-да. Ҳатто квартирасига пропискадан ўтказмоқчи. Зарема институтга кира олса, Жамила билан ўша уйда яшар эмиш. Уддасидан чиқадими, йўқми — ҳали номаълум. Қизимиз ҳам имтиҳонлардан қандай ўтаркин? Йиқилса, қайтиб келар. Тошкент пропискаси бўлса, нимаси ёмон? Бизга ўхшаб ипсиз боғланиб ўтирмайди. Қизингнинг бахтига завол бўлиб нима қиласан?

Земфира хоним йиғидан тўхтаб, фаросат қила бошлади.

— Заремага айтмай тур, — деди Фаизов домла

хотинини кўндира олганидан мамнун бўлиб. — Масала бир ёқлик бўлсин. Балки умуман айтишга ҳожат қолмас — агар ҳал бўлмаса. Кейин пешонасига тушганини қилади. Узатасанми, ёнингда олиб қоласанми — ўзингнинг ишинг. Чеварлик қилади. Артелда ишлайди. Жойи чикса тегади. Фарзандларини боқамиз.

Икки ҳафтадан кейин Қаюмжондан хат келди. Хатнинг мазмунидан аён бўлишича, Қаюмжон керакли маълумотлар олибди. Зарема ўрта мактабни битиргани ҳақида олган аттестати билан ички ишлар бўлимига бориб, ўқишни давом эттириш учун оғохнома топширса кифоя, ўқиш ман қилинади, деган ҳеч қандай фармон йўқ, Зарема бошқа фуқаролар қатори истаган ўқув юртига ариза топширишга ҳақли эмиш. Кимда-ким бу таклифга хилоф амал қўлласа— гайриқонуний эмиш. Қаюмжон яна бир нарсани илова қилипти: ҳовли-жойини Фаизовлар ихтиёрига шартсиз топшириш ҳақида тилхат ҳам ёзибди.

Хатнинг биринчи бандига кўра, маълумот олиш учун расмий жиҳатдан ҳеч қанақа чекланиш йўқлигини, аммо амалда тескариси бўлишини ўзи ҳам билар эди. Ҳозир балки шароит бошқа музофотларда ўзгаргандир, лекин бу ерда бирон нарса жилгани сезилмаяпти. Ҳар ҳафтада милиция идорасига бориб кўриниш бериши, турар жойи, номи-фамилияси ўзгармагани ҳақида журналга қўл қўйиши шарт. Балки охириги пайтларда рўй берган ўзгаришлар Фаизовнинг қуловига етиб келмаганди. Ҳарҳолда, эртага эрхотин ўша машъум идорага боришлари барибир керак, бир кун қанда қилса дарҳол қидиришга тушишади, уйга вакил келади. Танбеҳ олишлари хавфи бор. Ёмони — танбеҳ. Зигирча имтиёздан ҳам маҳрум қилишади. Имтиёз нима? Қўшни районда яшовчи таниш-билишлари тўйга айтишса, дафн маросим бўлса, ижозат олиш енгил кечади. Шу.

Майли, эртага боришганда, Фаизов Қаюмжоннинг хатини кўрсатади, ҳақиқатдан ҳам замон юмшаган бўлса, китмирлик қилишмас, «бораверсин» дейишар. Лекин хатни охириги далил сифатида кўрсатиш керак. Агар қўққисдан хатини рўқач қилса, закончи, пўписа қилаяпти, деб тўнини тесқари кийиб олади. Ана ундан кейин ҳеч қанақа важ қор қилмайди, тирноқ ичидан кир қидиради, арзимас нарсага ёпишади, ишни чипакка чиқаради. Шунинг учун хатни кўрсатмай туриши керак. Бу — охириги чора. Сўнги далил. Агар ўзи йўл берса, хатни умуман кўрсатмаслик мумкин.

Иккинчиси — ҳовли масаласи. Фаизовлар оиласи энг тансиқ, зиқ пайтда Қаюмжоннинг ҳовлисига кўчиб туришиди. Ўн йилдан зиёд туришиди, кам бўлишмади.

Тўғри, ўғил-қизи буларнинг қўлида қолди, Фаизовлар ёт болаларга ўзиникидек қарашди, болақайлар жуда ёш бўлгани туфайли тез орада ўз ота-онасини унутишди, буларни ота-она билишди, бегоналик сезишмади. Фаизов домла ҳовлига қаради: томига шифер ётқизди, деворларни янгидан териб чиқди, эшик-деразаларини ўзгартирди, айвон курди. Яшаганидан кейин қилади-да. Бу табиий нарса. Лекин ҳовлини тағ-туғи, иморати билан текинга олиши — бу ҳаддан ташқари эди. Унинг устига Фаизов домла орқадаги ҳовли-жойни сотиб олган, бошпанаси бор. Агар Зарема ўқишга кетса ё турмушга чиқса, икки жон — қарий бошлаган Фаизов Земфира хоним билан ҳайҳотдек жойда танҳо қолишадими? Ҳовлининг Қаюмжонга тегишли қисмини сотиб, пулини уларга жўнатиши лозимдир. Ҳозир улар — янги рўзғор, камомадлари қанча, бирон ҳожатига асқатар.

Хатни Земфира хоним ҳам ўқиб чиқиб, шу йўсин мулоҳаза қилди. Лекин рад қилиш ҳам яхшимас. Оғринишади.

— Болалар борчасига топширсак қандай бўларикин?— деди Фаизов домла бир лаҳза ўйга толиб. — Биттагина борча бор, у ҳам қишлоқнинг нариги четида. Кўрамиз-ку, ёгин-сочин пайтларда оналар қандай қийналишади.

Кўкқисдан айтилган ният аввалига Земфира хонимга эриш туюлди.

— Гала-говур бўлади, — деди у. — Қулоғимиз қоматга келади.

— Келмайди, — деди дарҳол Фаизов домла. — Уйимиз тесқари, орқа қилиб ўтирганимиздан кейин, ҳеч қанақа шовқин келмайди.

— Қаюмжон ака ўзи топширсин, — деди Земфира хоним бир зум ўйланиб.

— Бу яхши маслаҳат, — деди Фаизов домла мамнун бўлиб, лекин Қаюмжон бошқача талқин қилиши мумкин. «Олгиси келмаяпти», деб ўйлайди.

— Биз топширсак ҳам шунақа деб ўйлайди. Бу томонга яна қачон йўли тушармиш? Ёзмаптими? Маслаҳат солардик.

— «Борганимда расмийлаштириб бераман», депти. Қачон келишини айтмапти. Кутайлик-чи.

Бир куни Зоҳид трамвай бекатида турган эди, нарида «Тез ёрдам» машинаси тўхтаб, кабинасидан похол шляпа кийган киши Зоҳид томон жилмайиб кела бошлади ва рўпара келганида Зоҳид аранг таниди — курсдоши Қаҳҳор эди.

— Бор экансан-ку, дўстим! — дея Қаҳҳор Зоҳиднинг қўлларини сикди. — Тинчмисан? Омонмисан? Ҳалиям институтда ишляапсанми? — Улар анча йилдан бери кўришмаган эдилар.

— Зўрға танидим, — деди Зоҳид, бекатда трамвай кутиб турган йўловчиларга аланглаб. — Ўзинг қалайсан? — деди Зоҳид иши ҳақида гапиришни истамай.

— Аста-секин, — деди Қаҳҳор, кўришиш пайтида қийшайиб қолган шляпасини ўнглаб. — Бизники хўжалик ишлари.

Зоҳид ошнасини омбор мудирига ўхшатди, аммо сўрашга ботина олмади.

— Омон бўлсанг бўпти-да.

— Ўқитувчилар Дам олиш уйида бош врач бўлиб ишляапман. — деди Қаҳҳор. Зоҳид у машинадан тушгани учун «Тез ёрдам»да ишласа керак, деб тахмин қилувди. Демак, бош врач бўлса, Дам олиш уйининг бошлиғи экан-да. — Кўпроқ ташкилий ишлар. Беморларга врачлар қарайди. Ўн иккита шифокор, йигирмата хамшира-санитарлар, ошпаз, фаррош, боғбон, электрик, омборчи, бухгалтер, коровул, шофёрлар. Қирқ киши ишлайди. Яқинда рентген кабинети очдим. Гимнастика залимиз бор. Хуллас, иш кўп — игнадан тортиб микроскопгача. Анализларни ўзимиз ўтказамиз, лаборатория ишлайди. Студентларнинг миясини қотириб юрасанми, хоҳласанг, вакансия бор, бирга ишлаймиз. Лекин айтиб қўяй: контингентимиз — ўқитувчилар. Мижғов халқ. Бир жаз гушт кам тушса, ёзғиришади. Иллат кидиришади.

Институтда Қаҳҳор ўртача талаба эди, энди Зоҳид курсдоши қўл остида ишлаши ғализ кўринди.

— Майли, ўйлаб кўраман, — деди Зоҳид. — Амалий ишга нима етсин.

— Баракалла! — Албатта учра. Ишга рози бўлмасанг, бир оз чакчақлашамиз. Шинам жой қилдирганман. Энди узр, оғайни. Машинада кассир ўтирипти, бугун маош бериши керак. Хайр. Кутаман.

Қаҳҳор қандай келган бўлса, шундай шовуллаб жўнаворди.

Зоҳид курсдоши билан кўришганидан дили-меҳри очилгандек бўлди. Ўзи ишга таклиф қилди. Зоҳиднинг меҳнат дафтаридаги ёзувларга парво ҳам қилмайди, шаддод, оккўнгил йигитга ўхшайди. Талабалик пайтида қимтиниб юрар, ҳеч ким унинг бору йўқлигини ҳам сезмас эди, мустақил вазифа гарданига тушиб, анча очилипти. Бунақа инсон ҳеч қачон кеккаймайди, бир пайтлар курсдош бўлсада, унинг мутасаддилигида ишлаш айб эмас. Сўраса, Зоҳид бошидан ўтган ҳамма маломатларини яширмай айтиб беради. Зоҳид ҳозир ишсиз юрипти, уйига беморлар келади, кўплари шифо олишади, Зоҳид ҳеч қачон пулсиз қолмайди, мухтож эмас, лекин биронта ғаламис чиқса, иш чатоқ бўлади. Ишга жойлашишга мажбур. Агар ғурурининг майлига қараса, иш қўлдан кетади, Қахҳор ҳам мулзам ахволда қолади. Ориятни четга суриб, тезроқ боргани маъқул. Акс ҳолда яна муҳлатга дучор бўлиши хавфи бор. Албатта, бир кун-икки кун сабр қилишга тўғри келади, эртасигаёқ югуриб бориш ўхшамайди.

Зоҳид Ўрдадаги уйига борганида, ҳовлида «Победа» машина турар, скамейкада қорақош бир йигит билан ранги заъфарон жувон ўтирар эди. Зоҳид дарров пайқади — улар Зоҳидни кутиб ўтиргани аниқ эди.

Йигит ўрнидан кўзғалиб, Зоҳиднинг йўлига турди.

— Салом алайкум, — дея йигит кўлини чўзди. Кўришишди. — Доктор сиз бўласизми?

— Ҳа, — деди Зоҳид бир атрофга назар ташлаб. — Хизмат?

— Хотиним, — дея йигит скамейка олдида турган жувонга ишора қилди. — Сарик касали бор. Қарай оласизми?

— Уннаб кўрамиз, Фарзандлари борми? — сўради Зоҳид дарҳол, чунки сарик касал юкумли ҳисобланар, болалари ҳам шу дардга учраган бўлишлари мумкин эди.

— Иккита, — деди йигит. — Қиз билан ўғил.

— Уйга кирайлик.

Йигит машинани қулфлаб, хотинига ишора қилди. Эр-хотин Зоҳид ортидан бинога киришди.

Хонага киришгач, Зоҳид қўлларини ювиб, жувоннинг кўзларини йириб кўрди, дарҳол ярим стакан кўкимтир суюқлик берди ва жувонни чалқанчасига ярим соатга диванга ётишини буюрди.

Зоҳид билан қорақош йигит ошхонага чиқиб, чой ичишди.

Йигит ҳам, хотини ҳам ҳеч қаерда ишлашмас экан.

— Рўзғорни қандай тебратасиз? — деди Зоҳид чой

хўплаб. Йигитнинг ҳам, жувоннинг ҳам кийимлари, пойабзаллари башанг эди.

— Насибага яраша тушиб туради, — деди йигит.

Зоҳид йигитни бозорга айланадиган даллол бўлса керак, деб ўйлади. Бунақалар Тошкентда кўп, мол бозоридан кун кўришади. Шаҳарнинг шимолида шунақа бозор бор, Қозоғистондан мол-қўй келади, шунга ўхшаган йигитлар арзон-гаров ўнталаб сотиб олишади, устига қўйиб пуллашади. Бир кунда бир ойлик даромад чиқади. Чайқовчиликка қурби етмаганлари даллоллик қилишади.

— Йўк, — деди йигит ийманиб. — Биз ўғрилик қиламиз.

— Ўғрилик? — ўз қулоғига ишонмай сўради Зоҳид.

— Ҳа. Бойларникига тушамиз, — деди йигит, парво қилмагандай. — Катта омбор, базаларда ишлайдиганлар бор. Миллионлаб ўмаришади.

— Дод дейишмайдими? Милиция чақиришмайдими?

— Чақиришмайди, — деди йигит осойишта. — Чақиришса, ўмарган бойликлари очилиб қолади. «Шунча нарсани қаердан олдингиз?» дейишса, нима важ келтиришади. Ўзлари қўлга тушади. Индашмайди. Биз ҳозир ховлиларга девор ошиб тушмаймиз. Ўзлари беришади. Улар учун шу тинчрок.

— Қойил! — деди Зоҳид ҳайратда. — Мафия экан-да.

— Ҳм, мафия, — деди йигит пинагини бузмай.

— Органдагилар билиб қолишса-чи?

— Билишади, — деди йигит. — Исбот қилиша олмайди. Уларга ҳам улуш тегиб туради. Бизни кўришса, қуюқ салом беришади. Тўйимизга ҳам келишади. Биз ҳам уларнинг кирдикорларини биламиз.

— Масалан?

— Масалан Кавказдан дефицит моллар вагонларда келади. Поездни тўхтатишмайди, қайтага йўл очиб беришади.

— Келаётган поездларни билишадими?

— Билишади, албатта, — деди йигит вазминлик билан. — Биз ҳам биламиз. Ҳисоб шунга қараб чўтланади.

— Шунақа мўмай даромад олишга ўчакишганлар яна чиқса-чи?

— Чикса, ўзи панд ейди, — деди йигит. — Қопга солиб чўктирилади. Топа олишмайди. Ҳовлингизга бегона молни киргизмайсиз-ку.

— Нега буларни менга кўркмай айтяпсиз? Етқазсам-чи?

— Етқазмайсиз, — деди йигит совуққонлик билан. — Ҳеч ким қулоқ солмайди.

Зоҳид ўрнидан туриб, ичкарида ётган жувонга назар ташлади.

— Тузаладими? — деди йигит ошхонадан.

— Тузалади, — деди Зоҳид. — Пархезни бузмаса. Болаларингиз соғ бўлишса, бас. Уларнинг ҳам қонини текшириш керак. Поликлиникага олиб чиқинг.

— Карантин қилишади.

— Қилишсин. Агар юккан бўлса, — деди Зоҳид, — синфдагиларни ҳам текширишади.

— Ўзингизга олиб келаман.

— Гепатит юқумли. Ҳазиллашманг.

Йигит хўрсинди.

— Хотинингизга дори бераман, вақтида ичиринг, — деди Зоҳид. — Ёғлик, қовурилган таом мумкин эмас.

Улар ичкарига киришди. Зоҳид беморнинг кўйлаги устидан қорнини босиб кўрди, кейин шкафдан уч хил дори олиб берди. — Қабул қилиш шарти ёзилган, — деди Зоҳид ва қўл ювгани ваннага кириб кетди.

Ортидан йигит билан жувон чиқди.

Зоҳид чиққач, йигит бир сиқим пул узатди. Зоҳид йигитнинг пул ушлаган қўлини сурди.

— Кейин. Мусаффо бўлсинлар, бу ёғи қочмас.

Йигит пулни трюмога ташлади.

— Энди беморни овора қилманг, — деди Зоҳид. — Дори кор қилса, бир ҳафтада билинади. Келиб айтарсиз. Зарурат чикса, ўзим бориб кўраман.

— Раҳмат. Хайр.

— Хайр. Болаларга эҳтиёт бўлинг.

— Хўп.

Бўлиб ўтган воқеа, тўғрироғи, йигит оддий ҳодисадек айтиб берган нарсалари Зоҳидни шу қадар ҳайратда қолдирган эдики, у кечгача эшитганларини таъсиридан чиқа олмай юрди. Зоҳид уч йиллик тутқунлик пайтида ҳар турли қонунбузарларни кўрган, албатта, ҳатто улар билан гаплашган ҳам. Бири магазин ойнасини синдириб, ароқ-коньяк ўғирлаган, бири мастликда хотинини майиблаган, яна бири ишхонасидан ниманидир яшириб олиб чиққан, кимдир қимор ўйнаган, ҳатто одам ўлдирганлари ҳам бўлган. Бироқ бунақа ақл бовар қилмайдиган миқдордаги маблағлар айлантириб, ҳеч қандай жавобгарликка тортилмай юрган даҳолар борлигини билмас, биров айтса, ишонмас ҳам эди. Бугун шунақа улғ «пир»лардан бирини ўз кўзи билан кўрди, бир чойнақдан чой ичди. «Победа»сини олмаганда, оддий одамдан фарқи йўқ. Унинг устига ўзига хос дарди-муаммоси ҳам бор — хотини касал. Дарахтнинг тагидаги скамейкада Зоҳид келишини

кутиб ўтирган экан «мафиямиз» дейди тагин, гердаймайди ҳам. Лекин биронтаси йўлига кўндаланг тушса ёки миждози тўловдан қочса, ваъдасида турмаса, чап берса — адабини беради. Ётади шўрлик тош боғланган қопда бирон кўлнинг остида. Трюмога ташлаб кетган бир ҳовуч пулга Зоҳид кўл теккизмади ҳам. Анчагина бўлса керак. Ҳазар қилди. Кўшни аёлга: «олинг сиз» деди. Бечора гангиб қолди.

Зоҳид кечга яқин ҳовлига бориб бу воқеани Муқаддасга айтди.

— Биламан уни, — деди хотини, — «Тилла магазинлар»-ни бошқаради.

— Бошқаради?

— Шунақа аталади, — деди Муқаддас изоҳ бериб. — Яъни таъсир доираси. Улардан бўлак ҳеч ким у ёққа суқила олмайди. Милиция ҳам четлаб ўтади. Милициянинг кучи кисовурларга етади.

— Ҳукумат шуни биладими? — ҳамон ўз қуловига ишонмай сўради Зоҳид.

— Билади, албатта.

— Билса, нега чора кўрмайди.

— Буларга чора кўрса, тиллачилар кўпроқ ўмаришади. Аниқлаб бўлмайди. Кейин «Пир»ларни жазога тортиш учун уларнинг айбини исботлаб бериш керак. Қистирган тиллачи берганини ҳеч қачон айтмайди. Тахмин асосида қўлга олиш учун прокурор санкция бермайди. Прокурор айбловчи томон. Айбловчи томон даъво қилмаса жиний иш очиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки тиллачилар прокурорлар орқали юқорида ўтирган амалдорларни таъмин қилиб туришади.

— Мафия юқоридан бошланар экан-да?

— Албатта-да, — деди Муқаддас ажабланмай. — Бу йигитчалар — искович итдек, мол микдорини билишади. Шулар бўлмаса, талон-торож бўлиб кетади. Умун буларни жавобгарликка тортилса, жуда баланд партия раҳбарларининг номи очилиб кетади.

— Тавба! Нега Москвага мурожаат қилмайсизлар?

Муқаддас жилмайди.

— Бу нарса Москвада йўқ деб ўйлайсизми? Россия экспортининг ярми ҳужжатсиз кетади. «Рено» билан «Фиат» проектларини беришди. «Фиат»ники тасдиқ бўлди. Чунки иқтисодий атташе шуни тавсия қилган, демак у мўмайгина пора олган, Фарбдаги банкка қўйган — бировнинг номига. Ҳеч қўлидан ушлай олмайди.

— Демак, чириб кетган эканмиз-да, — деди Зоҳид хайратланиб.

— Давлат идораси қашшоқ кўлига тушса, шунақа бўлади, — деди Муқаддас туйғуга берилмай. — Камбағал олчок, суллоҳ, кўзи оч бўлади. Юқори мансабни бойлик орттириш, деб билади. Орттирганини ғилофга солади, ривожга ишлатмайди. Ўзига ҳам насиб қилмайди. Тўнтарини сиёсати-суякни юлиб олиш усули. Агар Ғарбий мамлакатлар каби демократия учун асрлар давомида курашиб келганимизда, тузумимиз одил бўлар эди. Энди ким кўп чангалласа, марра шуники. Ютоқиш фаровонлиги. Бу мамлакатда дефицит ҳеч қачон тугатилмайди. Танқислик туфайли миллионлаб фойда кўришади. Дефицит тугаса, даромад ҳам тугайди. Хрушчев-Микоянлар бор экан, умариш усули такомиллашиб бораверади.

— Қойил! Сиз ҳам шунақа нарсаларни биласизми?

— Касбим шунақа.

— Сталин бўлса, дефицит бўлмасмиди?

— Сталин параноик эди. Унга бойлик эмас, шуҳрат керак эди.

— Иллат тузумда экан-да.

— Иллат монополияда. Конкуренция йўқ жойда мўлчилик бўлмайди. Нима учун одамларимиз бошқа мамлакатларни кўришдан маҳрум? Кўрса, таққослай бошлашади.

Зоҳид ошнаси иш бермоқчи бўлганини айтмоқчи эди, суҳбатга қизиқиб, унутди. Унутгани ҳам йўқ, бу жиддий мунозара олдида ўртоғининг таклифи аҳамиятсиз кўринди. Балки ҳали айтмай тургани маъулдир. Аввал ишлаб кўрсинчи, Зоҳидни қониқтирадимми, йўқми?

Зоҳид индинига ўқитувчилар дам олиш уйига бориб, ишга кириб келди. Дам олувчилар эрталаб соат еттида уйғотилиб, гимнастика машғулотларига чиқишлари кераклиги учун, даволовчи врачлар ҳам еттига ишга боришлари керак эди. Навбатчи врач ва ҳамширалардан ташқари барча шифокорлар соат иккида бўшар эканлар. Бу жадвал Зоҳидга маъқул тушди. Уйда қабул қиладиган беморларни ишидан кейин муолажа қилаверади. Дам олиш уйи ҳам Чорсу бозоридан бир чақирим нарида, шаҳарнинг қоқ ўртасида деса бўлади. Зоҳид Чорсуда автобусдан тушиб, дам олиш уйига пиёда кетади, ўн минутда етиб боради. Саҳар пайтида юриш ҳам фойдали, ҳам мароқли. Ўз кабинетни бор, қабул тугагач, газета-китоб ўқиши, бирон соат ётиб дам олиши ҳам мумкин. Қаҳҳор баъзан тушликка чақиради, пана-салқин, озода, гуллар экилган гўшаси бор, тўқима стол-стуллар қўйилган, кранда сув, илгаларда крахмалланган сочиқлар, радио овози, холодильник тўла анвойи тамаддиқдан тортиб коньяккача бор. Тушлиқдан

сўнг Қаххор керакли идораларга жўнайди, Зоҳид Ўрдадаги уйига қайтади, қабулга ёзилганларни кўради, кечга томон ҳовлига кетади. Дам олиш уйи таътил пайтида тўлади, ўқиш жараёнлари билан одам тортилиб қолади, фақат муолажа олувчилар қолади.

Дам олувчилар кечки пайтлари нима билан банд бўлишларини Зоҳид билмас эди. Бир куни гали келиб, навбатчилик қилишга қолди. Кеч киргач — Зоҳид кабинетида журнал варақлаб ўтирувди — ташқаридан қийқириқ аралаш мусиқа товуши эшитилди. Зоҳид сигарет тутатиб, айвонга чиқди. Фонтан олдидаги майдончада бир гуруҳ қиз-аёллар йигит чалаётган рубоб жўрлигида ўйноқи ашула айтишар, иккита жувон рақсга тушар, давра ҳосил қилган томошабинлар қарсақ чалишар эди.

Зоҳид ўша томон секин юрди. Навбат ашулага келди, шекилли, бир жувон «Ёввойи тановар»ни айта бошлади. Қўшиқчининг овози бақувват бўлмаса-да, нафаси ширали, шикаста эди. Аёллардан бири чайқалиб ашула эшитаётган жувонни ўртага тортди. Жувон аввалига ийманиб, кейин рақс завқига берилди, эшилиб ўйнай бошлади. Жувоннинг исми Назокатхон бўлиб, бош оғриғидан шикоят қилиб, бирикки марта Зоҳиднинг қабулига кирган, ҳамшираларнинг айтишича, етти йил мобайнида фарзанд кўрмагани учун бир ярим йил бурун эри билан ажрашган, эри уйланиб, яқинда қиз кўрибди эмиш.

Назокатхон хиромон тўлғониб рақсда сузар, ҳар бир ҳаракати ҳасратли кўйнинг ситамли ноласига пайваста чайқалар, оқ эти, йирик ҳумор кўзлари, қалампирдек бурни, киши дилига ғулғула соладиган лаъли лаблари, таранг кўкси, ингичка бели, қулочга аранг сиғадиган белининг таги, узун оёқлари — ҳаммаси беайб, мутлоқ мукамал, мафтункор эди. Қиё боқиши, чиройли кўзларини таъна қилгандек олиб қочиши, кичикли зардаси, нозу карашмаси, таманно ўпқаланиши ичидаги олов тафтидан дарак берар, ташналик ғурбати уфуриб турар, барча муқому нозланишлари ўзига жуда ярашар эди.

Зоҳид маҳлиё бўлиб, Назокатхоннинг ҳаётдаги хулқ-атвори билан таққослай кетди: камгап, мунис-мулойимлиги, шарм-андишалиги, тик қарашдан ийманиши остида қамалиб ётган жўшқин эҳтироси ва бу эҳтироснинг рақс турёнида майин ифодаси йигитни лол қилди, саросимага солди. Айни шу лаҳзада жувон Зоҳид томон ёрқин назар сочиб, ўкинчли таъна билдириши, нимагадир шама қилгандек туюлди. Зоҳиднинг дили сирқираб кетди. Шу оқшом йигитнинг кўзига бошқа ҳеч нарса кўринмади, раққоса жувоннинг

қиёфаси эртасига ҳам хаёлини тарк этмади, ҳатто кечқурун кўрпа остига кирганда ҳам Муқаддасни ўша Назокатхон таъсирида кучоқлади.

Назокатхон бир неча кун мобайнида Зоҳиднинг қабулига кирмади. Зоҳид шу жувон киришини ният қилиб, ишига борар, Назокатхон эса ҳадеганда келавермас, Зоҳид фироқ дардида ичикар, бошқа беморлар кўзига хунук кўринар, уларни шикоятларини паришон эшитар, қилт этса, эшикка тикилар эди. Умиди рўёбга чиқишига кўзи етмагач, Зоҳид иши тугаган бўлса-да, кечгача хонасидан чиқмас, навбатчи бўладиган кунини тоқатсизлик билан кутар, агар биронта врач ўз навбатини берса, Зоҳид жон деб рози бўлишга тайёр эди. Зоҳид ҳеч қачон бунчалик севмаган, ишқ дардида куймаган эди. Агар Назокатхон қабулига кирса, Зоҳид врачлик ахлоқини бузмаган ҳолда, билагини ушлаб, қон томирини уришини текширади, жувоннинг кўзларига термилади, агар майл сезса... Йўқ! Бунақа париваш зотнинг ихлосини қолдириб бўлмайди. Дилини ишғол қилиш лозим. Ўзи ҳам талпинсин, кўнгли чопсин, иштиёқ сезсин. Агар ҳамон эрини унута олмай келаётган бўлса уни эгиш, оғдириш, кўндириш маҳол бўлади. Лекин ҳамма аёлларнинг феъли ўхшаш. Эри уйланипти, фарзанд кўрипти, бу Назокат учун таъна: аламда, ўчда ўзини Зоҳиднинг кўксига ташлаши ҳам мумкин. Аммо Зоҳидга аламзадалик оқибатида таслим бўлишининг кераги йўқ. Бироқ Назокатхон майл билдирса, Зоҳиднинг туйғусига монанд садо берса, бу ҳис қасос эмаслигини қандай англай олади? Қасос бўлса бўлар, ўйлади Зоҳид, эри шундай жононни писанд қилмай, фарзанд кўриш важида тулликка мубтало этиптими, ўзидан кўрсин. Ота-онаси тазйиқида ажрашишга мажбур бўлгандир. Лекин гўзалликка эваз йўқ. Майли. Боши очик экан, Зоҳид Назокатхоннинг ихтиёрини синаб кўрса, айбга кирмайди, виждони қийналмайди. Балки биронта хуштори бордир, шундай дурдона ерда ётмайди. Тикилиб кўрсинчи, агар кўнглида биронтаси бўлса, Зоҳид четга ўтади, пайига тушмайди. Шунда ҳам қарори қатъий кўринса, ип заиф бўлса, эрсиз қолмаслик учун ночор кўнаётганлигини пайқаса, кушни қўлидан чиқариб юбормасликка уринади. Зоҳид аслида келишган йигит. Бунинг доғида қанча талаба қизлар кечалари кўрпага ўралиб йиғламаган, йўлига чиқмаган. Ишқ бобида Зоҳидни омадли деса бўлади. Биринчиси Гулшан деган чиройли қиз эди, охириги курсда уйланган, ичкуёв бўлиб тушган. Қўшни йигит Зоҳидни рағбатлантириш вазидан, «хотинингиз жуда гўзал», деган. Зоҳид: «Сизга ёқадими?» деган, йигит: «Ёққанда қандоқ!

Ўн йил ёнма-ён партада ўтириб ўқиганмиз», деганида, Зоҳид: «Ундай бўлса, ўзингизга буюрсин», деб уйдан чиқиб кетган. Анчагача яккабош бўлиб юрган, кейин жуда севиб уйланган, ундан ҳам ажралган, кейин ўзини қамаган Муқаддас пайдо бўлди, уни ҳам севиб уйланди, энди — мана бу Назокатхон. Нияти рўй берармикин? Зоҳид истаса, турмуш қурмаган, кетворган қизга уйланиши мумкин. Лекин дили ловилламаса, ҳаммаси уч пул. Турмушга чиққанми, йўқми, Зоҳидга аҳамияти йўқ. Севиб-ютоқиб маъшуқасига эришса — бахт. Етишишга биринчи марта шубҳаланиши. Бироқ дарров мағлуб бўлишни ҳам истамайди. Агар Назокатхоннинг дилида чироқ ёқа олса, асло чекинмайди. Бироқ Муқаддасга ҳам изтиробда етишди-ку. Қиз кўрди. Лола уч ёшга тўлди. Қизини жонидан яхши кўради. Муқаддасни, қизини мўлтиратиб қолдирадими? Шулар бадалига турмуш кўрган қисир жувонга уйланадими? Ҳозир Зоҳид шу қадар туйғусига берилган эдики, бошқа андишамулоҳаза садосига қулоқ солгиси келмас, фикру хаёли Назокатхондан нари кетмас, ҳиссиёт девонаси эди.

Зоҳид бир куни Назокатхонни хиёбонда учратиб қолди.

— Бошингиз қалай, оғримаяптими? — деди Зоҳид врачларга хос вазминлик билан.

— Бу дарддан энди қутула олмайдиганга ўхшайман, — деди жувон кўниккандек бўлиб. — Ҳатто тушимда ҳам бошим оғриydi.

— Хонамга киринг-чи, қон босимингизни кўрамыз, — деди Зоҳид совуққон кўринишга тиришиб ва жавоб кутмай, хонаси томон кетди.

Бир неча дақиқали фурсат Зоҳидга йилдек кўринди. «Кирармикин? — дея, ҳадикка тушди. — Агар таклифимдан ғализлик сезган бўлса, кирмайди». Ахир доктор қабулига чақиришга ҳақли, бунда қанақа эришлик бўлиши мумкин? Беморни текшириш, ёрдам бериш, дардини енгиллаштириш — бурчи. Нега хаяллади экан? Нега? Ё яна чиқиб чақирсаммикин? Йўқ. Унда нияти фош бўлиб қолади. Ўзини лоқайд кўрсатиши керак. Аммо нега лоқайд кўрсатиши керак? Бу — иккиюзламачилик-ку. Дилидаги ихлосни сезса, майли борлигини пайқаса, дили хушнуд бўлади-ку. Қўққисдан мақсадга ўтса, буни хуружга йўяди, субутсиз, деб ўйлайди, шилқимлик деб билади. Зоҳид, ўзи истамасада ташқарига ошиққиси келди, халатининг тугмаларини тақди, айни шу дамда эшиги тақиллади. Зоҳиднинг оёққўли бўшашиб кетди. Назокат аввалига мўралади, кейин ҳеч ким йўқлигини кўриб, эшикни очди. Зоҳид аврангандек жувонга тикилди, қайтиб кетмасин, деб хавотир бўлди,

аммо унинг юзи ўзгарганини сезди — жувоннинг бир неча дақиқа бурун рангсиз лабларига билинар-билинемас помада сурилган, юзи упаланган, кўз-киприкларига сурма тортилган эди. Зоҳиднинг дили ҳаприқишдан тўхтагандек бўлди. Жувон пардозини тўғрилаб келиптими, демак, бу — бежиз эмас. Шунинг учун ҳаяллаган, ўз хонасига кириб келган. Зоҳиднинг кўнгли ўрнига туша бошлади.

— Ўтиринг, — деди Зоҳид босиқ оҳангда.

Назокатхон стулга ўтирди. Зоҳид унинг рўпарасига стулини суриб, билагини қўлига олди, қон томирига бармоғини босиб, соатига тикилди. Назокатхон четга қарасада, барча эътибори Зоҳидда эди. Жувоннинг намоишкорона бепарволиги остида алланечук иштиёқ борлиги муқаррар эканига Зоҳид шубҳа ҳам келтирмади. Ўзининг ўлчовига ишонмагандек, Зоҳид фанендоскоп латтасини жувоннинг тирсаги юқорисига ўраб, резина қоптокни эза бошлади, қулоғидаги шлангни мослаб, фанендоскоп циферблатидаги милга тикилди. Назокатхон ниҳоят Зоҳид томон юзини бурди — унинг нигоҳида мутелик ва илғаш қийин қизиқиш бор эди.

Зоҳид жувоннинг қўйлак ёқасини суриб, фанендоскоп тугмасини чап қўксига босди. Назокатхон чидам билан ўтирар, врачнинг хатти-ҳаракатларидан тортинмас, зарур тадбир деб билар, уялиш сунъий ийманиш нишонаси эканини тушунар, фақат кўзлари ниманидир англаш ниятида тикилаётганини яшира олмас эди. Бир лаҳза аввал Зоҳид бармоқларини унинг билакларига қўйганида, вужуди алланечук бўлиб кетди, мана ҳозир ҳам, ҳар гал врачнинг қўли этига текканида, томоғига нимадир қўндаланг келар, ҳам ёқар, ҳам чўчир эди.

— Укол буюрувдим, олаяпсизми? — деди Зоҳид, тугмани босишдан тўхтамай. Унинг бармоқлари хийла қалтирар эди.

— Тўртта укол олдим, — деди Назокатхон ниҳоят тилга кириб.

— Сиқиласизми?

— Баландми? — деди Назокатхон фанендоскопга ишора қилиб.

— Тўқсонга бир юз ўттиз, — деди Зоҳид. — Ёшингиз учун сал баланд. Уколдан кейин пасаймадимми? Ҳамшира ўлчадимми?

— Пасаювди, — деди Назокатхон дардига ўзининг дахли йўқдек.

— Нега ҳозир баланд? — деди Зоҳид, кўпроқ саволни ўзига қаратиб.

— Қўлингиз теккани учунмикин?

Зоҳид ялт этиб жувонга қаради. У сирли жилмайди.

— Фашингиз келдими? — деди Зоҳид гулғулада. — Сескандингизми?

Назокатхон «аксинча» демоқчи эди, сўзи ниқобсиз туюлишидан ийманиб «йўқ» деди. Лекин барибир Зоҳид «аксинча» деб тушунди ёки шундай талқин қилгиси келди.

— У кунни фонтан олдида ўйнаганингиз ҳали ҳам кўз ўнгимда турибди, — деди Зоҳид, ўзининг бепарк қолмаганини уқтириш ниятида.

— Қўйишмади-да, — деди Назокатхон, беҳуда иш қилиб қўйгандек мулзам чекиб. — Шунчаки, ҳаваскорлик. Махсус ўрганган эмасмиз-да.

— Шуниси яхши-да, — деди Зоҳид жувонни рағбатлантириб. — Махсус ўрганганлар бир хил ўйнашади. Ичидан ёвилмайди. Сизники қуйилиб келди. Шу қадар тўлқин, ситам, изтироб. Тоқат қилиш қийин. Энтикиб кетдим.

Назокатхон докторнинг гаплари чинми ёки шунчаки сийлашми, деган синовчан нигоҳ билан Зоҳидга тикилиб қолди. Балки жувоннинг дилида яна нималардир кечгандек ҳам Зоҳидга кўринди. Назокатхон Зоҳиднинг шу йўсиндаги яна дил изҳорини тинглагиси келди, бироқ ҳозир у докторнинг қабулида ўтирипти, бу каби очик эътироф билдириш ноўя кўринмасмикин, деган истиҳолага борди.

— Бутун борлигиниз мукамал, худо сиздан ҳеч нарсани аямапти, — деди Зоҳид ўзини тия олмай. — Ҳуснда ҳам, одобда ҳам, гуссада ҳам. Нуқсонсизсиз. Қиё боқилингизга жонни тикса арзийди.

— Таърифимни ошириб юбордингиз, доктор, — деди Назокатхон, ўзини ноқулай сезиб. Шунинг билан бирга докторнинг бу гаплари қуруқ гап эмаслигини ҳам англади. Бу — дил изҳори эди. Агар шу чин бўлса, Назокатхон ўзини тушунмаганга олиши гўлликдек кўриниши мумкин. Назокатхон йигитнинг кўзида ўзини содда тусда кўрсатиб нима қилади? Йигит зийрак, жувоннинг муғомбирлигини дарҳол сезади, ихлоси қолади, иккиюзлама, носамимий экан, деган қарорга келади. Қиличдек йигит, юраги орзуланиб талпинипти, нега димоқ қилиши керак? Шундай кетворган йигитнинг юрагига чўғ ташлапти, дилини ўртапти — нимаси иллат? Демак, ҳали ҳам Назокатхон кимларнингдир қалбини туғёнга келтира олар экан — саодат-ку.

— Зоҳид ака, — деди Назокатхон, биринчи марта

докторнинг исмини тилга олиб. — Сўзларингиз яхши. Дилим талвасага тушди. Ўзимни эпақага солиб олишим керак. Илтимос, мени чўчитманг. Ҳушимдан кетиб қоламан. Менга ижозат беринг.

Зоҳид шу куни кечгача пароканда бўлиб юрди. У Назокатхон билан қисқа бўлса-да, мулоқот қилиб олганидан мамнун эди. Асли ўзи шу жабҳа Зоҳидга энг қийин синов кўринар, бу суҳбатгача у қанча гумонларни хаёлидан ўтказмади. Жувон тутоқиб кетса, «кабинетингизга чақириб, мени калака қилмоқчисиз!» деган таъна билан эшигини тарс уриб чиқиб кетса, Зоҳид нима қила оларди? Ҳайрият, ундай бўлмади, «қил кўприқдан» ўтиб олди, жичча бўлса-да, аниқлик рўй берди. Энди бу ёғи тўсиқсиз кечади. Тўсиқсиз эмас, албатта, ҳали қанча муаммолар кўндаланг тушиши мумкин. Биринчидан — Зоҳид оилалик. Хотини, иккита қизи бор — Озода истисно эмас. Улар борлигини билса, бировнинг оиласини бузиб, рўшнолик кўриб бўлмайди, деб шаштидан қайтади. Бу — бир томонда. Иккинчи томонда — шунча бино қўйиб, зўр ихлос билан етишган хотини Муқаддас, қанақа умидлар билан кўрган қизи — Лола, улардан қандай ажрайди? Ўта субутсизлик, хиёнат-ку. Шубҳасиз, Муқаддас лом-мим демайди, гурурини оёқости қилмайди. Ҳатто, тил учида бўлса ҳам олқишлайди. Зоҳид ичкиликка хуруж қилиб юрган кезларида хотини бегонадек бўлиб қолувди, ҳафсаласи пир бўлувди. Фишт қолипдан кўчувди ҳам. Демак, бу вазиятни бардош билан енгади. Муқаддас олчоқ эмас, иродали жувон, ўзини хўрламайди, матонат билан қарши олади. Сир бой бермайди, аммо ичида зил кетади. Ҳозир унинг энг муҳим ташвиши— Германиядаги акаси. Уни бир ёқлик қилмагунича тиниб-тинчимайди, албатта бир йўригини топиб, Германияга бориб келади. Зоҳид Муқаддас билан ажралиш муаммосига далиллар ахтарар, аллақандай вазллар билан ўзини аврар, Назокатхонга яқинроқ бўлиш учун сахарлаб ишига ошиқар, жувон Зоҳиднинг қабулига кирмас, ҳатто хонасидан ҳам кам чиқар, Зоҳид Назокатнинг кирмаслигини бу ерда беморлар борлигидан кўрар, тезроқ уларнинг ҳожатини бажаришга уринар, тоқатсизланиб кабинети йўлагига мўралар, бироқ Назокатхоннинг қораси кўринмас эди. «Табиий, ўйлади Зоҳид, орамизда нозик суҳбат ўтди, энди ҳаддим сивади, деб келавермайди-ку. Истиҳола қилади. Демак, ташаббус ўзимдан чиқиши лозим. Лаллайиб ўтирсам, сўтак экан-ку, валдиради қўйди, писсайиб ўтирипти, деб ижирғанади».

Беморлар камайгач, Зоҳид, халатини ечмай Назокатхон турадиган корпус томон шошмай кетди. Хиёбонда сайр

қилиб юрган дам олувчилар Зоҳидга зимдан тикилаётишгандек туюлди. Ўттиз икки ёшли жиддий, вазмин доктор бир бева жувонга хуштор бўлиб — ютоқиб, изини пойлаб юриши хотини, фарзандлари бор кишига шундай бачкана хулқ муносибми? Шу каби таъналарни Зоҳид ўзи тўқир, ўзига қаратар, яна ўзини оқлаш учун ваз топиб, ички овозига қулоқ солгиси келмас, бўлак ҳамма далиллар заиф-омонат кўринар, худбинлик ҳисси юқори келар, фақат ихтиёрини тасдиқловчи омиллар адолатли кўринар эди.

Айни шу пайтда Назокатхон пахмоқ халатига ўралиб хонасида ётар, кўзлари кўлидаги китобни ўқир, бироқ мазмунини тушунмас, беозор ва ширин фикрлар хаёлидан аримас эди. Мана бир неча кун ўтди, Назокатхон докторнинг кабинетидан чиқиб кетганидан бўён бирон марта ҳам учрашгани йўқ, Зоҳиддан ўзини тортгандек туюлар, жувон бундай хулоса туғилишини истамас, йигит унга ёқар ва шунинг билан бирга унинг бағрига отилишни ҳам эп кўрмас эди. Зоҳиднинг нияти қанақайкин? Боши очиқ жувон экан, овунчоқ-эрмак сифатида истагини қондириш майлими ёки хуружининг остида чин интилиши бормикин? Бунинг фарқига қандай бориб бўлади? Агар йигитнинг ҳаракатида фақат ҳирс бўлса, мақсадига эришгач, Зоҳид совий бошлайди, Назокатхон унинг навбатдаги ўйнаши сифатида пуф-сассикқа чиқади. Бунақалар қанча. Назокатхон имо қилсин, кўз сузсин, дарров топилади. Бироқ унақалар Зоҳидчалик туйғусини ифода қила олмайди, уларнинг хаёлида битта муддао — ўз ихтиёрига бўйсундириш, бир-икки бор булғалаш, ҳирси қоникқач жуфтакни ростлаш, жўн қутулиш. Зоҳид унақа туюлмайди. Пайига ҳам тушмайди. Шилқимлик ҳам қилмайди. Бачкана эмас. Ўша кунги суҳбатдан кейин ахтармади ҳам, чақиртирмади ҳам. Назокатхоннинг ўзи шунақа гаплар айтувдингиз, деб ўзи чопқиллаб бормади-ку: жувонлик ҳаёси бор. Аммо, ростдан ҳам, нега Зоҳид бирон марта хабар олмайди? Нияти жиддий бўлганида, бирон баҳона топиб келар эди. Балки шунча жимжимадор сўзлар айтиб юборганидан пушаймондир? Ойдек хотини, фарзандлари бор экан, албатта мулоҳаза қилган бўлса ажабмас. Эридан ажраган, бегона бир жувон, деб оиласидан жудо бўлиши керакми? Бироқ энди оила кўрмаган йигит Назокатхонга йўликмайди ҳам. Бировнинг олқиндиси кимга керак? Назокатхон энди ўйнаш бўлиши ва шу қисматга кўникиши керак. Бинобарин бола кўриш имкониятидан маҳрум, ким биландир илакишса, оқибати кўринмайди ҳам. Агар шу йўлга кирса, ўқитувчи бўлиб

ишламайди ҳам, қанақа зодагонлар бор, Назокатхон дуру гавҳарда юради. Фақат Назокатхоннинг гурури баланд, бундай исқирт йўлга юрмайди. Зоҳиднинг оиласини вайрон қилиш эвазига ҳам рушноликка чиқишини ўзига муносиб кўрмайди. Демак бирон хотини вафот этган кишига тегиши ёки танҳо ўтиши керак. Бошқа усули йўқ.

Шу пайт Назокатхон ётган хонанинг эшиги тикирлади. Жувон ҳамшира укол қилгани келди, деб ўйлади, устига чойшаб ҳам тортмади. Эшик очилиб, остонада доктор кўринди. Назокатхоннинг юраги шувиллаб кетди.

— Салом, — деди Зоҳид ва ичкари кириб, стулга ўтирди.

Назокатхон оёрига чойшаб тортди.

Зоҳид жувоннинг сорлигини ҳам сўрамади. Унинг кайфияти чор эмас эди. Назокатхонга у ранжиган кўринди. Жувон ўзини ноқулай сизди. Шунча кун қорасини кўрсатмаганидан тумтайган бўлса керак, деб ўйлади жувон. Бироқ жувон унга «келаман» деб ваъда бермаган, умидвор ҳам қилмаган эди, ранжиши ўринсиз. Дили интилган бўлса, нега ўзи истамади. Биронта ҳамшира орқали чакиртирса, жувон боришга мажбур бўлар эди.

— У кунги гапим қаттиқ тегдими? — деди Зоҳид анча индамай ўтиргач.

— Зинҳор, — деди Назокат, ҳозир йигит узр айтиб, чиқади-кетди, деб ўйлаб. — Сўзларингиз яхши дедим-ку.

— Нега бўлмаса кўриниш бермайсиз? Адо бўлдим-ку.

Назокатхоннинг дили орзиқиб кетди. Ўрнидан сапчиб туриб, Зоҳидни ўпиб олгиси ҳам келди. Лекин бу содда, бачкана интилиш туюлиб, ўрнидан кўзғалмади, хўрсинди холос.

— Нега кўринишим керак, Зоҳид ака? — деди Назокатхон ёлвориб. — Лаҳзалик ёлқин эди, энди...

— Лаҳзалик эмас, қатъий, — деди Зоҳид. — Сиз аёлсиз, мунақа талпиниш бежиз пайдо бўлмайди. Менда бошқа чора йўқ. Ҳамма нарсага тайёрман. Фақат итарманг.

Назокатхон ўйланиб қолди, тилига арзигули гап келмади.

— Мен олдинги турмушим билан ажрашганман, — деди жувон ниҳоят сукутни бузиб. — Сабабини...

— Биламан, — деди Зоҳид. — Менга аҳамияти йўқ. Қарорим шу.

Зоҳид яна бир-икки дақиқа шу хонада қолса, бирон кори хол юз берадигандек, ўрнидан кескин туриб, ташқарига чиқиб кетди.

Назокатнинг гапи оғзида қолди. Зоҳиднинг тумтайиши, арази, ўжарлиги, болаларнинг хархашасига ўхшаб кетди.

Назокатхон ҳатто мийғида жилмайиб қўйди. Йигитнинг нуноқ зардаси унинг жушқидан дарак берар ва шунинг билан бирга ўзига жувонни жалб қилишнинг ожиз усули эди. Шундан кейин ҳам Назокатхон фиरोқ қилса, инжиқлик, таманнога киради. Расмий жихатдан йўл очилди, энди борса, иснод ҳисобланмайди. Гуё тасалли бериш ёки овунтириш учун эмас, ўз кўнгли-ихтиёри билан боради, икромки, Зоҳид бу ташрифни ҳаёсизликка йўймайди. Назокатхон икки кундан сўнг уйига қайтади. Зоҳидни ноумид қилиб қолдиргиси йўқ, охири танг суҳбатдан кейин жувоннинг ўзи ҳам шу аҳдга келди. Агар Зоҳиддек йигитнинг ниятини пучга чиқарса, барибир кимгадир тегади, сўппайиб ўтмайди-ку. Қанақадир бегона одамнинг қўлига тушганидан кўра, бу йигитга розилик бергани маъқул-да. Феъли-атворини ўрганди, билди, яна қанақаси керак? Эр деса эрдек. Қолаверса, чўғдек йигит, Назокатхоннинг дили ҳам чопаяпти. Хаёлидан аримай қолди. Балки, шу — бахтидир.

Назокатхон эртасига, қабулида одамлар навбати тугагач, секин ўша томон йўл олди.

Зоҳид охири зардасидан кейин Назокатхон оёқ босмайди деб ўйловди, остонасида пардоз-андоз қилган маъшуқасини кўриб, серрайиб қолди. Тез ўзига келди, ўрнидан туриб жой кўрсатди. Назокатхоннинг кириб келиши ораларидаги пардани улоқтириб ташлагандек бўлди. Зоҳид дархол жувоннинг яланг билагини қўлига олиб, томир зарбини санай бошлади. Назокатхон йигитга мўлтираб тикилар, унинг томир ўлчаши шунчаки хўжакўрсин учун қўлланган усул эканига шубҳа қилмас, битта-иккита оқ оралаган куюқ сочига бармоқларини ботиргиси келар, айна дамда Зоҳид жувонга жуда ёқимтой кўринар, бироқ Назокатхон бирон илинишга ўхшаш ҳаракат қилса, Зоҳидга даъват бўлиб туюлар, кейин у ноҳўя иш қилиб қўйишидан ҳайқар эди.

— Эртага муддатим тугайди, — деди Назокатхон йигитдан нигоҳини олмай.

Зоҳид эшитмагандек индамади, бармоқларини жувоннинг қўлидан олмай, бошини эгди, тирсагининг ич томонидаги момик этига лабини босди. Назокатнинг Зоҳид ўпаётган қўли бахмалдек силлиқ ва юмшоқ эди. Жувон узун тирноқли бармоқларини йигитнинг сочига кўмди. Бу унинг ризоси, рағбати, муштаракликка мойиллиги эди.

— Раҳмат, — деди Зоҳид жувоннинг қўлидан ўзини аранг ажратиб. Унинг ҳалкуми бўғилгандек, овози зўрға чикди.

— Сизга раҳмат, — деди Назокатхон. Унинг кўзларида ёш йилтирар эди.

Зоҳид Ўрдадаги уйига жўнади, иккита беморга каради, кейин оёғи тортмай, ховлисига кетар экан, пинҳон тутиб юрган дардини қай йўсинда хотинига очишни чамалади: бир кўнгли сирини ошкор қилмай юра туришни ҳам хаёлидан ўтказди: агар тасодифан Назокатхон билан муросаси келишмаса, оиласи олдида юзи шувит бўлишидан чўчир, жудоликка чидашга кўзи етмас эди. Бироқ иккита рўзгор билан яшаш мунофиқ, хиёнат кўринар, бундай тарзда билиб туриб разилликка кўниб келаётган малъундек туюлар, Муқаддаснинг ҳам, Назокатнинг ҳам кўзига қай юз билан қарашни тасаввур қилар, сир очилгач, иккала аёл назарида муттаҳамга чиқиши муқаррар эканига имони комил эди. Нега ҳам шу жувонга дуч келди? Зоҳид Назокатхонни учратганига мутлақо пушаймон бўлмас, қайтага бунини тақдирнинг улуғ каромати деб қарар, аммо оиласидан махрум, айниқса қизчасидан жудо бўлиш тахмини азоб берар, иккала қутб муқаддас кўринар, йигит бир ечимга тўхтаётган олмас, изтироб чекар эди. Ўзини гуноҳга ботирмаслик учун Зоҳид Назокатхонга қора нисбат бериб, ўзини тортгиси келар, лекин қандайдир қудратли арқон уни чирмаб ташлагани бу ночор бандилик нақадар гаштли, мароқли, кишини телбаларча муштоқ қилиши, мушфиқ нозанинга етишмаслик, пайваста бўлмаслик бетамиз шаккоклик эканини ҳам тан олар, Назокатхоннинг оғушли кучоғидан баҳраманд бўлмаслик ўз бахтига ўзи завол келтиришдек гуноҳ кўринар, тасаввур гирдобиди фарқ бўлар, ақли озгудек гангир, кўзига шу тимсолдан бўлак ҳеч нарса кўринмас эди. Бироқ келажак суҳбат, Муқаддаснинг кинояли қиёфаси йигитнинг кўз олдида турар, бу «қоя» билан барибир дуч келиши муқаррар экани шубҳасиз эди. Ишқилиб, худо, ўзинг тўзим бер. Шарманда қилма. Атиги ўн дақиқалик мунозара, қанча аччиқ бўлмасин, ўтади-кетди. Ахир одамлар бошқа чораси топилмаса, тишларини ҳам омбур билан олдиришади-ку. Дақиқа! Бир зумда азобдан фориг бўлишади, кўзлари мошдек очилади. Мунозара нима бўпти, гап-ку: таъна, гина, ҳақорат бўлсин чидаш, бардош бериш керак. Ўша ҳовлида қизи бор: пушти камаридан бунёд бўлган фарзанди, «сиз» «сен»га бормаслиги, қалтисликка йўл қўймаслиги, тамкин, иззатни тўкмай, хотинини ҳам, ўзини ҳам бебурд қилмай, орага низо солмай чиқиб кетиши шарт. Мунозара жанжалга айланса, ўзларини тия олишмайди. Зоҳид ўз қилмишига зинҳор ваз топмаслиги, бинобарин хотинидан нуқсон қидирмаслиги, «безор бўлдим» демаслиги керак. Ҳақиқатда безор бўлгани йўқ-ку. Қайтага осуда хушнуд яшади. Эр-хотин орасида

қанақа марокли дамлар ўтган. Яқингача Зоҳид Муқаддасни бошида олиб юрар эди, ҳозир ҳам унинг мавқеи баланд. Кимдир сўраса, Зоҳид хотини ҳақида фақат эҳтиром билан гапирарди, биров унга нисбатан тухмат айтса, ҳиқилдоғидан олади. Зоҳид нима қилсин — қисмат, шу жувонга мубтало бўлди-қолди. Айб бўлса айбдир, лекин ундан кечмайди. Тонса, расво эканини исботлаган бўлади.

Зоҳид шундай талваса билан ҳовлига кириб борди. Муқаддас ўчоқхонада жаз-жуз билан банд, Лола кўғирчогини чўмилтирар, Озода саҳнга сув сепар эди. Зоҳид қизчаси ёнига чўнқайиб, лента боғланган бошидан ўпди, кейин хотини томон жилиб, ўчоқхонага мўраллади.

— Кеч келадиган бўлиб қолдингиз, а? Ўрдага ўтувдингизми? — деди Муқаддас, эри томон ўгирилиб.

— Биласиз-ку, — деди Зоҳид. Муқаддасга эрининг жавоби писандадек эшитилди, аммо бунга парво қилмади. Ростдан ҳам Зоҳид асосий ишидан кейин Ўрдадаги кватирасига кириб, беморларни қабул қилишини, сўнгра бу ҳовлига келишини, хатто ўша уйда ётиб қолишини ҳам хотини билар, лекин Зоҳид ичишни тўхтатганидан бери у ерда тунаб қолмас, кеч кирса ҳам ҳовлига қайтар эди. Қайтага Муқаддаснинг саволи писандадек эди. Муқаддас лукмаси беҳуда эканини англаб:

— Кечиринг, — деди, лекин барибир эрининг сўзида алланечук асабийлик борлигини ҳам пайқади, гапни бурди:— Замира холамизни опчиқиб кетишди. Куни-насибаси тугаган бўлса, ўз уйда жон берсин, дейишди.

Зоҳид кампирни қараб келар, яққол дард кўрмас, қувватсизлигини қариликка йўяр, лекин дори-дармон беришни қанда қилмас эди.

— «Тез ёрдам» чакирай десам, кўнишмади, — деди Муқаддас.

Зоҳид ўзини қаерга қўйишни билмай, ошхона бурчагида ётган уч-тўртта тарвудан биттасини танлаб, ҳовлига чиқди, гилос остидаги столда тарвудни икки палла қилиб сўйди — қип-қизил эди, пичоқ учида ўйиб тарвуд бўлақларини оғзига сола бошлади. Аслида Зоҳид тарвуд ейишни хоҳламас, асабда қилинган ҳаракат, ўзини чалғитиш чораси эди.

— Лола, ке, қизим, тарвуд е, ширин экан, — деди Зоҳид тик турган ҳолда қизчасига қараб. Лола қарамади ҳам... Қўлида шипирги билан Озода келиб оғзини очди, Зоҳид бир чакмоқ тарвудни тозалаб, қизининг оғзига солди.

— Мм-м! Маза экан! — деди Озода тамшаниб.

Бир лаҳза чалғиб, Зоҳид яна ўйга толди. Дабдурустан

хотинига ичидагини айтиш унга одобсизликдек кўринди. Агар Муқаддас бир нарсани баҳона қилиб, можаро бошласа, айни муддао бўлар эди. Бироқ hozir можарога ҳеч қанақа вaж йўқ эди. Зоҳид ичкиликка ружу қилиб юрган пайтларида айтишишлар бўлган, лекин айб ўзидалиги учун Зоҳид жанжалдан қочган эди. Умуман, Муқаддас бўлар-бўлмасга можаро кўтармайди, ҳатто сабаби бор пайтларда ҳам тумтаймаган. Тан олиш керак: хотини танноз, хархашачи эмас, осойишта, идрокли, вазмин жувон. Уни мувозанатдан чиқариш мушкул. Агар шаллақи бўлганида, муросалари аллақачон бузилар эди. Оиладаги хотиржамлик, шубҳасиз, хотинининг саботи туфайли. Энди Зоҳид бир нарсадан ижирғаниб, норозилик кўзғаса, шу даъво билан зарда қилиб, уйдан кетса, ўзи ғаламис бўлиб чиқади.

Адий-бадийга бормай, ими-жимида, тақво билан тарқалишса, соз бўлар эди. Бироқ унақа низони ғараз-хусумат туфайли кўзғашнинг ўзи жирқанч усул, кейин виждон қийналади, рўшнолик ҳам татимайди. Очиғи, Зоҳид умуман шу мавзунини бошладан хайиқар, далили заиф кўринар, заиф кўринмаса-да, қанақадир жувон туфайли оилани вайрон қилиши ўта бетамизликдек туюлар эди. Зоҳиднинг ўлгиси келди: худбинлик, ишқибозлик эвазига қуриладиган бахти омонат, шубҳали, олчоқ кўринди, бу ечими йўқ муаммо эди. Яхшиси, совуққонлик билан идрок қилиб, бир бет нарса ёзиб, ташлаб кетса бўлмайми? Ҳар қалай бу тадбир барча машмашадан афзал-ку. Хат жуда олижаноб йўсинда ёзилиши керак. Зоҳид осойишта, хайиқмай хат ёзишга ўтирса, ниятини ишонарли ифода қилиш қўлидан келар. Ўзаро таъна-маломатларсиз, ўпка-ёзғиришсиз тинч ажралишади...

Озода одати бўйича Лолани нариги хонада ётқизиб, ўзи ҳам ухлаб қолади. Бугун ҳам шундай бўлди. Сухбат учун қулай пайт туғилди, лекин Зоҳид, гап кўзғашга ботинмай, ёзадиган гапларини обдан ўйлаб олиш мақсадида ўрнига ётиб, кўрпа ёпинди. Бироз ўтгач, чирокни ўчириб Муқаддас ҳам ётди. Зоҳид охириги марта хотинини бағрига тортди. Муқаддас эрининг кучоғида эшилар, инграр, жазавага берилар, бу жуфтлик сўнги эканини ҳаёлига ҳам келтирмас эди...

Муқаддас эрталаб уйғонганида, эри аллақачон туриб ишига кетган, букланмаган бир саҳифа хат қаравот ёнидаги стулда ётар эди. Ҳали уйқуси аримаган Муқаддас эринчоқлик билан хатга қўлини чўзди, кўзини ишқаб ўқий бошлади, ўқиган сари кўзи очила ёзди, хат ушлаган қўли

шилқ эта тиззасига тушди: кейин хушига келиб, кўрпани суриб ташлади — жувон кип яланғоч эди, яна кўрпани тортиди, қизини чақирди: Озода Лолани уйғотиб, борчасига олиб кетган шекилли, садо чиқмади. Муқаддас карахт бўлиб, ёстикқа қулади. У ҳеч нарсани англамас, гурзи зарбаси шу қадар аёвсиз эдики, кўзларига ёш ҳам келмади, ниҳоят халқумидан ўкириш отилиб чиқди. Анчагача шифтга гўлайиб ётди.

Ташқаридан кимнингдир товуши эшитилди. Муқаддас, Озода бўлса керак, деб ўйлади. Эътибор бермади. Товуш яна эшитилди. Муқаддас кийиниб, дахлизга чиқди. Ҳовли саҳнида Замира холанинг келини турар эди

— Узилдилар, — деди у, йиғлашга уриниб.

— Ҳозир чиқаман, — деди Муқаддас, аранг тилга кириб. У ҳамон гаранг эди. Хушини йиғишга тиришди. — Озода борчадан келсин. Қачон чиқаришади?

— Пешинга, — деди қора рўмол тангиган келин.

— Шошманг, — деди Муқаддас, кетаётган келинни тўхтатиб ва ошхона томон ошиқди, бир зумдан кейин картон қути кўтариб чиқди. — Мева-чева, — деди Муқаддас қутини келинга тутқазиб. — Озода келсин, яна ул-бул олиб чиқади. Ун-гуруч керакмикин?

— Қайдам, — деди келин.

— Майли, сиз чиқаверинг, мен ювиниб-нетай, ухлаб қолипман, орқангиздан етиб бораман.

Келин хўп, деб чиқиб кетди.

Муқаддас бўшашиб, зинага ўтириб қолди, ахволини англай бошлади. Зоҳид омонатлигини Муқаддас фаҳмлаб юрар эди, мана тахмини аниқлашди. Ўзи Зоҳидни қамаб, яна ўзи истаб борган, оқибати яна қанақа бўларди. Ҳаммаси равшан. Табиий. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Ун уч яшар қизи бор жувон яйдоқ йигитни ўз тўрига туширади-ю, ҳамма нарса силлиқ кечадими? Иснод, гуруч деган тушунчалар бор, Зоҳид гузардан ўтганида, одамлар тикилганини доим сезади. Тойдек йигит, турмуш қурган жувонга ўйланиб, ҳовлисида кун кечирмоқда — ким шунақа ўйламайди? Уни уйига кўчиб ўтишганида ҳам шу назар билан қарашарди: қизи бор-ку. Бўйига етай деб қолган. Одамлар ундан баттар ўйлашлари ҳам мумкин. Лекин айтишмай-нетмай кетиш, сабабини айтмай жуфтакни ростлаб қолиш — бу ҳам ғалати. «Тўрт йил иноқ яшадик, дебди хатида, турмушимиз хушнуд ўтди, ади-бадига бормадик, бир-биримизни ардоқладик, бир қўшиқни жўр бўлиб айтдик, дуторни бир тори Сиз, иккинчи тори мен бўлдим. Ҳаёт сабоқларини Сиздан ўргандим, кўзимни очдингиз, гулдек фарзанд туғиб бердингиз, Лола

иккаламиз учун бахт. Сиз билан яшаш ҳам фахр, ҳам масъулият. Сиз ҳамиша юрагимда қоласиз. Мен Сиздан айниганим йўқ, бироқ тақдир бўлакча йўриқни муносиб кўрди. Мен бошқа аёлни учратдим. Сиз матонатли аёлсиз, тушунарсиз деган умиддаман...» ва ҳоказо. Озода бошидан бу жуфтликка лоқайд қаради. Лола дадасини сўраса, ичикса, Муқаддас нима дейди? «Бизни ташлаб кетди», деса, боласи қандай тушунади?

Саволлар кўп, Муқаддас биттасига ҳам жавоб айтишга ожиз, дили бўм-бўш эди. Ҳозир Озода келади. Муқаддас уни қолдириб, азахонага чиқади, у ерда албатта йиғи чиқади. Муқаддас шу баҳонада тўйиб-тўйиб йиғлаб олади. Зоҳиднинг ортидан ахтариб борса-чи? Жавоб талаб қилса-чи? Йўқ! Зинҳор-базинҳор! Муқаддас ўзини хўрламайди. Бўлган офатга вазмин қараш керак. Ҳаёт фақат гуллардан иборат эмас, тиканига ҳам бардош бериш керак, қанча шафқатсиз бўлмасин, нолиш беҳуда. Муқаддас энди ўттиз бешга кирди, истиқболида ҳаёт бор, балки биронтаси чиқар яна. Чиқмаса, ҳаётнинг энг жозибали, гаштли дамларини кўрди, битта инсонга шу ҳам етарли. Хошимжонни олмаганда, қолгани завқли ўтди, Хошимжон ҳам лаллаймади, кучга тўлган, қутурган пайти эди. Муқаддас ҳам авжида, қанақа таралла-бедодликлар, жўшқин энтиқишлар ўтмаган! Бу ҳам тақдирнинг бир аломати, жилваси. Чидаш, тоқат қилиш, кадрига етиш керак. Худонинг қаҳри келмасин. Ёзғириш гуноҳ. Усиз ҳам турмуш машаққатлари оз эмас. Озода мусиқа мактабини битириш арафасида, келажак ўқишини ўйлаши керак. Алижон хатида Москва консерваториясига йўлланма билан бориб, кучини синаб кўришни маслаҳат берипти. Озода боришга мойил, бинобарин Алижон ўша ерда. Ким билади, балки бирга яшаб кетишадими? Айнан шу мулоҳаза Муқаддасни тўхтатиб турипти: тўйсиз-никоҳсиз қўшилишлари ғайриқонунийдек туюлади, бироқ ЗАГСдан ўтишса-да, ҳар бир одамнинг умрида бир марта бўладиган тўйни кўрмаслик — бачканалик. Ҳозир турмуш қуришса— тамом, айникса Озода бола кўрса, ўқиши вайрон бўлади. Вайрон бўлмаса-да, иккинчи даражага ўтади, ҳар кунги машғулотларига қўли тегмайди. Скрипкачи машғулот қилмаса, ҳеч нарсага эриша олмайди. Чақалогини боқувхонага топширса, бегонадек ўсади. Она сутини эммаган бола болами? Қайсарлик қилишса, майли, қўшила қолишсин, лекин битта шарт билан: Алижон таътил пайтида келсин... онасини совчиликка чиқарсин, тўй ўтсин, кейин нима қилса — ихтиёри. Қаюмжон ака ҳам, Ойниса ҳам келин туширишни, тўй кўришни орзу қилсалар керак — ота-

она-ку. Москвада қўшилиб кетишлари уларга ҳам тамизсиз кўринар, ижозат беришмас. Бинобарин келин шу шаҳарда яшайди, шаҳар тугул, шу маҳаллада, нариги кўчада, чақирса овози эшитилади.

Муқаддас шу каби юмуш-тадбирларни кўз олдига келтириш гурбатини четга сургандек бўлди, эрининг хиёнати жўн кўрина бошлади. Ораларида оз бўлса-да, фарк бор эди. Муқаддас шундай оқибат рўй беришини зинҳор унутмаслиги керак эди. Ким экан ўша Зоҳиднинг дилига ўт ташлаган жонон? Бир кўрса, Муқаддас тинчирмиди? Қаёқда тинчийди? Баттар жизғанак бўлади. Кўнглида адоват уйғонади. Кўрмагани маъқул. Кўздан йироқ, жондан нари. Нима қилади ўзини ўтга ташлаб? Қисматга тўнкаш, бошидан соқит қилиш керак. Агар эри хуштор бўлган кимса хунук бўлса, «вой, таъвия!» дейди, гўзал бўлса, ҳасад қилади, қизғанади, газабланади. Ҳойнаҳой чиройлидир. Зоҳиднинг ўзи унақа-мунақасига қарамайди ҳам. Агар арзигулик бўлмаса, бундай қалтис йўлга кирмас эди. Шунинг учун пайига тушмагани маъқул. «Оч қорним, тинч қулорим». Азрўйи-азал шунақа қисмат пешонасида бор экан, Муқаддас қанча чиранмасин, ёзилгани бўлади. Қувса, ўзи панд ейди, бу ишда голиб чиқиш мумкин эмас. Голиб чиқса-да, қонунни рўкач қилиб, хатосини тан олдирса-да, синган нарсани ямаб бўлмайди, ямаб бўлса ҳам чоки-чандиғи қолади. Хушнудлик тикланмайди. Худо ато қилган экан, севганига етишди, тўйиб-энтикиб хузур олди, юлдуздек қиз кўрди— шу камми?

Муқаддас шундай омиллар билан ўзини овутар, аччик ўйлар исқанжасидан кутулгандек бўлар, чалғир, енгил тортар, лекин ёрқин ва аламли хотиралар истак-иродасига қарши ёпирилиб келар, чулғар, ором бермас эди. Шунақа ҳам тўсатдан бўладими? Бир ҳафта-ўн кун бурун аломат берса, ораларида танглик нишониси аён берса, бу қадар жафоли бўлмасмиди? Ахир шу, ўтган тунда ҳам фош бўлмади, қайтага ҳароратда чирмашишди. Шу қадар шафқатсизлик! Муқаддас машинасига ўтириб, тоғу тошга кетгиси, тўйиб-тўйиб йирлаб келгиси ва шу йўсин билан ичидаги гурбордан фориг бўлиб келишни ҳам ўйлади. Бироқ бу тадбир Муқаддасни изтиробдан холи қиладими? Даргумон. Энди бу азобли оғриқ пайдан қолмайди, эргашигани-эргашган. Муқаддас бу армонни қашқадек олиб ўтиши керак. Зоҳид бирон нарса деб Муқаддаснинг гашига тегса ҳам қошки эди, тугмадек узилди-кетди. Тугма узилса-ку, бошқасини тикиб олиш мумкин, буни қандай тикади? Бугун энди кўрпада йирлаб-тўлғаниб ёлғиз ўзи ётади.

Фаизов домла Қаюмжоннинг хатидаги гапларга унча ишонмай юрди. Қримдан бу ёкқа бадарға қилинганларига ўн тўрт йилдан ўтди, ҳаммалари жойлашиб-мослашиб кетишди: ўн яшар болалар йигирма бешга киришди, ўзбек тилида бўлса-да, мактабларни тугатишди, ораларида аъло битирганлари ҳам йўқ эмас, лекин биронтаси олий ўқишга бориб, билим олаётганини Фаизов домла билмайди. Қонун ман қилмаса-да, ҳар хил важлар топиб, йигит-қизларни шу музофотдан нарига чиқаришмайди, ёшлар шу жойларида касб олишга уринишади: бири механик, бири электрик, яна бири шофёр, кимлардир ҳамшира, тикувчи бўлиб ишлашади. Фаизовнинг ўзи Тошкент у ёкда турсин, бошқа қишлоқда турувчи қариндошиникига ҳам ижозатнома олиб боради. Шунинг учун Қаюмжоннинг самимий далдаси Фаизовга тасалли бермади, бу тадбирдан бирон фойда чиқишига кўзи етмади. Шундай бўлса-да, Фаизов район ички ишлар бўлимига қизини эргаштириб борди, у ердагилар, бир-бири билан суҳбатлашиб, Заремага руҳсат беришди. Фавқулодда бўлгани учун Фаизов домла ҳанг-манг бўлиб қолди, кўлидаги ижозатномага ҳам ишонмади. Бу ердагилар ижозат беришса-да, Тошкентда ҳужжатларини қабул ҳам қилишмайди, деб ўйлади. Майли, ақалли катта шаҳарни кўриб келади, деб Заремани Қаюмжонга кўшиб юборди, бир ҳафтадан сўнг телеграмма олди: институт қабул комиссиясидагилар Зареманинг ҳужжатларини қабул қилишипти, бир ойдан кейин имтиҳонлар бошланар эмиш. Зареманинг туриш жойи, яъни Қаюмжоннинг Чилонзордаги уч хонали квартираси тайин бўлгани учун, у ёғига қизнинг отаси ҳам, онаси ҳам ташвиш қилишмади. Опа-сингил — Жамила билан Зарема иноқ яшайверишади. Энди имтиҳонлардан ўтишса — бас. Фармацевтика институтига ҳужжат топширишипти. Бир ярим ойдан кейин яна телеграмма келди — иккалови ҳам институтга қабул қилинипти. Фаизов-домланинг кўзидан тиркираб ёш қуйилди, Земфира хоним карахт бўлиб қолди. Фаизов домла иккала қизини табриклар эртасигаёқ хат ёзди. Заремани ҳам, Жамилани ҳам келиб, пахтага юборишса, иссиқ кийим-кечакларини олиб кетишларини айтди. Биринчи сентябрга бир ҳафта қолганида, Жамила билан Зарема қишлоққа келишди. Улар шод, тинмай Тошкент, институт ҳақида гапиришар, кўргани келган дугоналарига барча таассуротларини қайта сўзлаб беришар, улар учун Тошкентга бориб институтга кириш олий мартаба, шараф

кўринар, ўзларини бу шаънга арзимагандек билардилар, омадга йўяр эдилар.

Бироқ тез орада бу тантана тўсатдан ўчди: район ички ишлар бўлимининг ходими ижозатномани бекор қилди — болалар ота-онаси назоратидан йироқ бўлишлари кўзда тутилмаган, деган важ билан жўнашни тақиқ қилди, имтиҳондан ўтди, институтга қабул қилинди, деб ёзилган ҳужжат ҳам кор қилмади. Унинг устига: шунча йиллар мобайнида Фаизовлар қарамоғида бўлган, деб Жамилани ҳам чиқаришмади. Ҳар қанча далил, ёлвориб, оху воҳлар ёрдам бермади. Бу камлик қилгандек, бўлимдагилар қизларнинг паспортларини ҳам олиб қўйишди. Энди улар ҳеч қаёққа жилиша олмас эди. Фаизов домла дарҳол Қаюмжон билан Ойнисага хат йўллади. Улар хатни ўқиб, серрайиб қолишди. Нимадир қилиш, чора кўриш зарур эди. Ойниса яна Муқаддасхонниқига югурди. Муқаддаснинг кайф-димоғи хира эди, лекин у кўриниб бермай, Ойнисанинг шикоятини эшитди. У ўзининг акаси Масъуд дардида юрган эди, агар майорга учраса, Ойнисанинг қизлари ҳақида ҳам маслаҳат сўрайди: майор бир нарса дер, йўл-йўриқ кўрсатар. Иш битса яхши, битмаса Москвага ёзади. Бу ерда расмий идора ходимлари ўзларининг фидокорлигини намоиш қилиш учун оддий нарсаларни ҳам чиғириқдан ўтказиб, зийрак эканликларини кўрсатишади. 1960 йил тугаяпти, уруш тўхтаганига ўн беш йил ўтди, булар ханузгача эски фармонлар таъсиридан қутула олишмайди.

— Институтга қизларингиз киргани ҳақидаги ҳужжат билан КГБ номига ариза ёздириб чиқинг, — деди Муқаддас Ойнисага.

— Менда ҳужжат йўқ-ку, Муқаддасхон, — деди Ойниса хижолат чекиб. — Ҳужжатлар қизларимизда, қизларимиз кишлоқда, паспортларини ҳам тортиб олишипти.

— Ҳа-я, — деди Муқаддас, — хаёлим жойида эмас, бирпасда унутипман, узр. Майли, ўзингиз номингиздан шикоятнома ёзиб беринг, шунинг ўзи етарли бўлса керак, етмаса кишлоққа бориб, ҳужжатларни олиб келишга тўғри келади. Аввал мен учрай, зарур дейишса, мен сизга айтаман. Қоғоз бераман, шетта ёза қолинг, айтиб тураман, — дея Муқаддас ўрнидан туриб, ичкаридан қоғоз билан сиёҳли ручка олиб чиқди.

Аризани ёзиб бўлгач, Ойниса Муқаддас билан хайрлашиб, уйига чиқиб кетди.

Қаюмжон кечқурунги поезд билан Андижонга иши бўйича сафарга кетиши керак эди, лекин вақт зиклигини англаб, самолётда учиш учун аэропортга жўнади. Икки соат

Ўтгач, Қаюмжон Андижонга етиб борди, машина кира қилиб, қишлоғига ошиқди, машинадан тушганида соат учдан ошган эди. Қаюмжон вақтини кўзи қиймай, район ички ишлар бўлимига йўл олди. Бўлим ходими Фаизовларга нима деган бўлса, шуни Қаюмжонга ҳам айтди.

— Нега аввалига ижозат бериб, қизлар институтга кирганда бунақа қарорга келдингизлар? — деди Қаюмжон, аранг жахлини босиб.

— Мен буйруқни бажардим, — деди ходим, зулукдек қора мўйловини силаб.

— Ким буйруқ берди?

— Сўроқ қилишга ҳаққингиз йўқ.

— Сўроқ эмас. Мен ҳозир Тошкентдан учиб келдим. Билетим мана. Зўрға институтга кирган қизларимиз йўлини тўсишга нима ҳаққингиз бор? Мол соғсинми бу ерда қолиб.

— Бу менинг ишим эмас, мол соғадими, соғмайдими, менга барибир.

— Нега аввалига рухсат бердинглар?

— Зўракишманг, — деди ходим. — Пўписа ҳам қилманг.

— Пўписа қилаётганим йўқ, — деди Қаюмжон чўчин-қираб.

— Қиляпсиз, — қатъий деди ходим. — Мен хизмат бурчимни бажаряпман. Агар жанжал кўтарсангиз...

— Жанжал эмас, мен билишни истайман, нега қизларимиз...

— Мен буйруқни бажардим, дедим-ку.

— Ким буйруқ берди?

— Яна сўроқ қиляпсиз.

— Сўроқ эмас, савол. Сизга буйруқ берган ким? Билсам бўладими? Ахир гаплашишим керак. Қизлар ўз вақтида дарсларига етиб боришмаса, ўчириб ташлашади. Тушунинг ахир, укам.

— Мен укангиз эмасман.

— Кечирасиз, ўртоқ... погонингиз йўқ, нишонингизни билмайман...

— Капитан Шодиев, — деди ходим қуруққина товушда.

— Нима қил, дейсиз, ўртоқ капитан? Ахир мени танийсиз-ку, бир неча марта келганман.

— Танимайман, мен яқинда бу ишга тайин бўлдим.

— Афсус...

— Нимага афсус? Мен тайинланганимгами?

— Худо сақласин, ўртоқ капитан, — деди Қаюмжон хайиқиб. Шу пайтда зонадаги тартиб-қоида эсига тушиб кетди. У ерда ҳеч қанақа эътироз билдириш мумкин эмас, начальник олдида тик туриб, фақат у берган саволларига бурро жавоб бериши шарт эди. — Агар мени таниганингизда, тушунган бўлар эдингиз.

— Сиз билан умуман гаплашмаслигим мумкин, — деди ходим авзойини бузмай. — Қизлар Фаизов қарамоғида. Сиз ҳеч ким эмассиз. Шикоят қилишга ҳам ҳаққингиз йўқ. Фаизов бўлса — бошқа гап. Лекин унинг ҳуқуқи чегараланган.

Қаюмжон бу капитанга гап қор қилмаслигини, ундан ҳеч нарсани ундириб бўлмаслигини, агар кистаса, ўжарлик қилса, ўзи панд еб қолиши мумкинлигини англаб, тортишмасликка қарор қилди. Лекин қизларининг, Фаизов Земфира хоним олдига чув тушиб боришга ҳам истиҳола қилди. Уларнинг шусиз ҳам абгор дилини баттар хижил қилишга юраги дов бермади чоғи, шу ернинг ўзидан Қизилқияга жўнаворди. Зарур ишларни битиради, асаби бир оз тинчигач, қайтиб келади. Фаизов домла билан қизларини олиб, балки Андижондаги Хавфсизлик бошқармасига бориб, ўша ердан адолат кидиради. Бу ерда гапи ўтмайдиған кўринади. Майда амалдор ўзи шунақа бўлади — пастдагини қопади, юқоридагини ўпади.

Қаюмжон икки кундан кейин қишлоғига қайтиб келди. Тахмини тўғри чиқди: уйдагилар — Фаизов домла ҳам, Земфира хоним ҳам, қизлар ҳам ғаш, бир-бирларига қарашга ботина олишмас, вазият чатоқ эди. Улар Қаюмжоннинг келганидан бир оз жонланишди, бироқ ғурбатлари яна тошди. Кимгадир нолиб-ўқсиб, кўнгилларини сал бўшатишлари лозим эди. Қаюмжон бу райондаги Ички Ишлар Бўлимига учрамаганини айтишдан оғринди. Тошкентдан келган одам, гапи ўтади, деб ўйловди Қаюмжон ўзи ҳақида, тескариси бўлиб чиқди, ҳатто капитан чора қўллаши мумкинлигини айтди. Ҳақиқат ўзи томонида бўлса-да, Қаюмжон бу тўсиқни бузиб ўтишга ожиз экани аён бўлиб қолди. У Андижонга бориб, ўшаттан ҳақиқат излашни Фаизовларга айтди.

— Буйруқ ўша томондан келган бўлса, уларга нимани уқдириб бўлади? — деди Фаизов, умуман ҳеч нарсага умид қилмай.

— «Ўтиб қолгунча, отиб қол», деган мақол бор, — деди Қаюмжон далда бериб. — Бу ерда нолиб-зорланиб ўтиришдан нима фойда?

— Сиз ерли фуқаросиз, йўриғингиз бўлак, — деди Фаизов ёзғириб. — Биз шу ерда қоламиз, қисматимиз

баттар бўлиши мумкин. Улар билан олишиш нималигини биламиз.

— Ўзлари олиб келиб беришмайди-ку, — деди Қаюмжон жиғибийрон бўлиб. — Институтга қабул қилинган ҳужжатни олиб қўйишга уларнинг қанақа ҳаққи бор?

— Ҳақ тўғрисида гапирсангиз, уларнинг далили битта — хурпайишади, — деди Фаизов домла ўкиниб. — Бошингиздан ўтган-ку.

Шу пайт кўча эшик тақиллади. Жамила чопиб бориб, эшикни очди — остонада капитан Шодиев турар эди. Қаюмжон ҳам, Фаизов домла ҳам дарров танишди. Ваҳимага тушишди.

— Кириш мумкинми? — деди йироқдан капитан, негадир ийманиб.

Фаизов домла билан Қаюмжон саросимада бир-бирига қаради. Улар, айниқса икки кун аввал у билан «суҳбат» қилиб, юзи шувит бўлиб кабинетидан чиқиб кетган Қаюмжон, Шодиевнинг журъатсизлигини пайқаб яна бир макр билан келганми, деб гумон қилди. Шодиев уй эгаларининг қарахт бўлиб қолганлигини дарҳол сезди, жилмайди.

Фаизов домла билан Қаюмжон бу қўққис ташрифни нимага йўйишни билмай, бараварига ўринларидан туришди.

— Келинг, марҳамат, — деди Фаизов домла саросимасини эпга сола олмай.

Капитан уй эгаларини ноқулай аҳволдан қутқариш учун:

— Суюнчига келдим, — деди ва остона ҳатлаб, ҳовлига қадам қўйди, анграйиб турган Фаизов домла ва Қаюмжон билан қўл бериб кўришди.

— Суюнчи?! — иккала эркак адаш эшитишгандек, капитанни сўзини қайтаришди.

— Ҳа. Чақиртирсам, ўтаканглар ёрилиши мумкин эди, — деди Шодиев жилмайиб. — Ўзим кела қолдим.

Иккала эркак яхши хабар келганига шубҳа қилмасаларда, савол беришдан ҳайқишар, фақат зўраки ишшайишар эди.

— Яхши, марҳамат, — деди Қаюмжон капитаннинг ўзгаришида маълум башорат сезиб.

— Раҳмат, ўтиришга фурсат йўқ, — деди Шодиев тавозе билан. — Қайтишим керак. У кунги суҳбатдан кейинроқ телефонда гаплашдим, — деди Шодиев Қаюмжонга юзланиб. — Мана, рухсат келди бугун. — Шодиев таъма билан иккала эркакка бирма-бир қараб чикди ва

папкасини очиб, қизларнинг ҳамма ҳужжатларини, ҳатто тамға босилган ижозатномани Фаизовга топширди. Олдин Фаизов домла, кейин Қаюмжон Шодиев қўлини жўшқин чангаллашди. Нариди кўзлари ёшга тўла Земфира хоним, Жамила ва Зарема жилишга ҳам кўрқиб туришар, кўз ёшлари яхши хабар туфайли, азоблари тугаганиданми — пайқаш қийин эди.

— Хурсанд бўлганинглардан мамнунман, — деди Шодиев расмий-протокол тусда ва нарида турган аёлларга назар ташлади. — Ўқишсин. Давлатимизга ўқимишли мутахассислар керак. Омад тилайман.

— Раҳмат, ўртоқ капитан, раҳмат, кам бўлманг ўртоқ капитан!

— Расмиятчиликка ҳожат йўқ, исмим Тўлан, — деди Шодиев.

— Раҳмат, Тўланбой! Қандай кўнглимизни кўтардингиз! — деди Фаизов домла йиғлаб юборишдан ўзини тутиб. — Қарздормиз. Биздан қайтмаса, худодан қайтсин. Бир минут! — Фаизов орқаси билан тисарилиб, хотинини чақирди, нимадир деди, Земфира хоним уйга отилди, бир зумда тўн, дўппи ва қийикча олиб чиқиб, эрига тутқазди. — Куруқ чиқиб кетманг, Тўланбой. Хамир учидан патир, дейди ўзбеклар. Ният қилдик, қўлни қайтарманг. Марҳамат! — деди Фаизов домла илтижо қилди. Қаюмжон Фаизов қўлидан шартта чопонни олиб, капитаннинг елкасига кийдирди ва фотиҳага қўл очди.

— Хатар кўрманг, топганингиз олтин бўлсин!

Ҳаммалари омин қилишди.

— Раҳмат, — деди Шодиев уй эгаларига аланглаб. — Буни олиб кетишим ноқулай. Шу ерда тура турсин, чой ичгани келганда, кийиб кетиш қочмас. Кўнгилга олманглар. Узр.

— Майли, Тўланбой! — деди Фаизов домла дарҳол шодланиб. — Келсангиз — жон устига! Қизларимиз ўқишларини бошлашсин, ўзимиз таклиф қиламиз. Келасизлар.

— Албатта, — деди Шодиев ҳам рухланиб. — Энди менга рухсат, хизматчилик.

— Майли, Тўланбой, — деди Фаизов домла мулозамат билан. — Ихтиёрингиз.

— Хайр. Омон бўлинглар, — дея Шодиев эшик томон жидди. — Бирон масала чиқса, тўппа-тўғри ўзимга марҳамат!

— Раҳмат!

Фаизов домла, айниқса Қаюмжон капитан Шодиевнинг телефонда қанақадир бошлиғи билан гаплашганига ҳам, булар хурсандлигидан мамнун бўлганидан ҳам, қизларининг ўқиши ҳақида ҳам еганига ҳам ишонишмади. Унга қолса, уларни капитан бир қадам ҳам нарига чиқармас эди.

«... Мол соғадими, соғмайдими, менга барибир», деди-ку ўзи. Тошкентдаги Хавфсизликни сақлаш Давлат комитетидан бирон мансабдор телефон қилиб, буйруқ берган — Муқаддасхоннинг сидқидил ғайратининг самараси. Энди бу мўйловли йигит ҳаммасини ўзининг муруввати қилиб кўрсатмоқчи, бекорга эмас албатта. Сарполик бўлиб кетди. Буларни анойи, ҳеч нарсани билмайди деб ўйлайди. Ўйлайверсин. Булар ҳам сир бой беришмади. Муҳими — ижозат қўлга тегди. Энди илож бўлса шу бугуноқ самолётдами, поезддами Қаюмжон қизларни Тошкентга етказиши зарур. Бу қизлар бўлмаса, журналга қайд қилиб қўйишади. Резервдагиларни бўшаган жойга ўтказишади. Ҳозироқ ҳаялламай йўлга чиқишлари керак. Тошкентда Ойниса ҳам ўзига жой топа олмай бетоқат бўлиб юргандир, тезроқ бориб, тинчителиш керак.

— Нега серрайиб турибсизлар? — деди Қаюмжон қизларга қараб. — Жўнаймиз!

Қизлар типирчилаб қолишди. Ярим соатда шай бўлишди.

Хайрлашиш кўз ёшисиз ўтмади. Бирок бу кўз ёшлар бошқача эди.

27

Зоҳид Назокатхон билан хайрлаша туриб, уч кундан сўнг Ўрдадаги Анҳор бўйида учрашишни ваъдалашувди, уч кун ўтгунга қадар кўзи тўрт бўлди. Айниқса ишдан бўш пайтларида ўзини қаерга қўйишини билмас, талаба йилларидаги каби, биринчи учрашувни кутгандек ҳаяжонланар, одамлар пайқаётгандек кўринар, нуқул соатга қарар, ширин режалар тузар эди. Ниҳоят зориқиб кутган кун ҳам келди.

Зоҳид иши тугагач, бир дақиқа ҳам ҳаялламай, кўчага ошиқди. Кечки пайт учрашишга Назокатхон унамовди, соат икки ярим билан уч орасида кўришишга келишишувди, Зоҳид ваъда қилинган жойга етиб келганида, ҳали икки ярим ҳам бўлмаган экан, ўзи яшайдиган уйнинг муюлишидаги ювелир магазинига кириб чикди, гулдаста билан Назокатхонни кутиб олишдан истиҳола қилди —

одамлар эътибор беришлари мумкин эди. Зоҳид анҳор бўйидаги скамейкага бориб ўтирди, соатига қаради. Куз бўлганиданми ёки ўқишлар бошлангани учунми, балонларда сузувчи болалар билан гавжум анҳор тинч оқар, мажнунтол кокиллари чайқар эди.

Трамвай-троллейбус ўтадиган кўприк томонда баланд пошна туфли, бели ингичка, этаги кенг, енги қисқа кўйлак кийган Назокатхон кўринди. Зоҳид дарров таниди. Назокатхон бу ерни яхши биладигандек, алангламай кела бошлади. Зоҳиднинг юраги нотинч ура кетди, кафти терлади. Йигит чўнтагидан дастрўмолини олиб, кўлини артди, Назокатхон яқинроқ келганида, ўрnidан туриб, соатига қаради: чоракам уч эди.

— Кеч қолдимми? — деди Назокатхон ўсаллигини яшириш учун.

— Йўк, сизга қараб, намоз ўқиса бўлар экан, — деди Зоҳид шод ҳолда Назокатхонни мақтаб.

— Соатимни тақмапман, эртароқ келишга истиҳола қилдим, кечикишдан чўчидим.

Зоҳид Назокатхоннинг илик кўлини бир неча дақиқа кўйиб юбормади. Жувон атрофга аланглади.

— Очигини айтсам, келишга оёғим тортмади.

— Нега? — хавотирда сўради Зоҳид.

— Қайдам. Ноқулай-да. Бизнинг ёшда анҳор бўйида учрашиш ноўхшов. Кўрган одамлар нима деб ўйлашади?

— Ошиқ-маъшук, деб ўйлашади, — деди Зоҳид дарҳол.— Нимаси ёмон? Ичи куйсин.

— Эгри қарашади. Одам хижолат чекади.

Зоҳид Назокатхоннинг нафис пардоз қилганини сезиб, ичида мамнун бўлиб қўйди. Маъшуқасининг шаҳло кўзлари, пушти лаблари, силлиқ эти, боши ортида турмакланган кўнғир сочи, елкаси, хипча бели, узун, суяклари сезилмайдиган бармоқлари Зоҳиднинг дилини алғов-далғов қилар, томоғига лабларини босгиси келар, аранг ўзини тутар эди.

— Ноқулай сезсангиз, уйга кира қолайлик, — деди Зоҳид.

— Уйингиз узоқдами? — тушунмай сўради Назокатхон.

— Ана, пардасиз дераза, иккинчи қаватда.

Назокатхон ҳазил деб ўйлаб, бир пардасиз деразага, бир Зоҳидга қаради.

— Рост, ишонмасангиз кириб кўрамиз.

— Уйингизга яқин жойга чақирипсиз-да, — деди Назокатхон ёзғиргандек.

— Ёмонми?

— Қайдам. — Назокатхонга Зоҳиднинг уйи яқинлиги маъқул кўринса-да, айнан шу ерга учрашув тайин қилингани ғалати туюлди. — Қўшнилариңиз кўради-ку.

— Кўрса-кўрар, — деди Зоҳид бепарво. — Бу ерда ҳеч ким бир-бирини танймайди. Мен ҳатто тўртинчи қаватда ким туришини ҳам билмайман.

— Маҳаллада ҳамма бир-бирини танийди. Салом бермай ўтсангиз, одобсиз туюлади.

— Маҳалла-маҳалла-да. Ҳаммаси ўзбеклар. Бу уйда юз хил миллат яшайди, — деди Зоҳид, гап мавзуи чалғиб кетганидан ғаш бўлиб. — Ўтирайлик.

— Деразалардан қўшнилариңиз қарашади, — деди Назокатхон.

— Уйга кира қолайлик унда, — деди Зоҳид.

— Ким бор уйда?

— Ҳеч ким йўқ, бир ўзим тураман.

Назокатхон шубҳали тикилди.

— Рост, кирсангиз кўрасиз.

Назокатхон иккиланиб, бинога тикилди.

— Юриңг, — дея Зоҳид уйи томон кадам қўйиб, қизга қаради. Назокатхон аранг рози бўлгандек, жойидан жилди, яна атрофга кўз ташлади, ҳадиксирар эди. Бирок бир неча кун бурун Зоҳиднинг кабинетида бўлиб ўтган қисқа иноқликни эслаб, дадиллашди.

Улар иккинчи қаватга чиқишди. Зоҳид калити билан уй эшигини очди. Йўлақда лампочка ёниб турар, ичкари ним қоронғи эди. Зоҳид эшикни ёпиб, кулфни буради. Назокатхон пойгакда қимтиниб турар, ҳеч ким бўлмаса-да, ҳайиқар эди.

Зоҳид ичкарига кириб, иккита лампочкали бронза кандилни ёқди.

— Марҳамат, тортинманг, кириңг, — деди у ўзини четга олиб.

Назокатхон уёқ-бу ёққа аланглаб, ичкари хонага кирди. Стол камтар безатилган, ўртада иккита қизил атиргул солинган биллур ваза турар эди. Демак, бу ёққа кириш олдиндан тайёрланган экан, деб ўйлади Назокатхон, кўнгли сал беҳузур бўлиб. Бироқ киришга кирди, энди орқага қайтиш бачкана туюлиши мумкин эди, бинобарин стол ясалган, Зоҳиднинг кутгани аён эди. Қимтинишдан нима фойда, ўз оёғи билан кирди, туз сўраб эмас, висол важида келди. Энди Зоҳидга инсоф берсин, ўзини тийса яхши, тиймаса на илож, қиз унинг ихтиёрида. Номуси бутун қиздек кўркса, сохта кўринади. Бунақа «ишлар»ни

биринчи кўриши эмас, хомила тортиш умидида қанақа алпозларга тушмаган. Жуфтлик кўрмаганига қанча бўлди. Шундай вазиятда ноз қилишнинг ўзи ноҳўя. Кўрганлар барибир шундай ўйлашади. Қолаверса, Зоҳид бегона эмас-ку, ўзи орзу қилган йигит, яна қанақасини тилаш мумкин? Агар Зоҳид диёнатли бўлса, қилган иши учун масъулият сезади. Сезмаса, бир-икки марта «ялло» қилиб, кейин тонса, ўз виждонига сийлов. Назокатхон бу адашишга қисматининг бир лавҳаси, деб қарайди — ҳеч ким олдида жавобгарлиги йўқ-ку. Эри билан аллақачон ажрашган, боши очик. Жинси ҳам чопиб турибди.

Назокатхон ўтирмақчи бўлиб, диван томонга юрувди, Зоҳид:

— Бу ёққа ўтиринг, — деди.

Назокатхон безатилган стол ёнига келиб ўтирди.

— Мумкинми? — деди Зоҳид шампан шишасини кўрсатиб.

— Ихтиёрингиз, — деди Назокатхон табассум билан.

Зоҳид шишани очиб, биллур қадахларга қуйди, винонинг кўпиги тўкилди. Меҳмон ийманаётганини сезиб, Зоҳид бир қадахни Назокатхонга тутди, иккинчисини ўзи ушлади.

— Марҳабо! Пойқадамингиз қутлуғ бўлсин! — деди Зоҳид ва Назокатхоннинг кўлидаги қадах билан чўқиштириб, ярмини ичди. Назокатхон бир қултум ичиб, қадахни дастурхонга қўйди.

— Уйим шу, — деди Зоҳид, бир зум Назокатхонга тикилиб. — Қандай ярашяпсиз.

Назокатхон вино таъсириданми ёки Зоҳиднинг сўзиданми — қизарди: журъатсиз кулди.

Зоҳид Назокатхоннинг билагига кўлини қўйди, унинг кафтидаги совуқ нарса Назокатхоннинг этига ботди. Зоҳид кўлини тортди, жувоннинг билагида жавоҳир кўзли олтин узук ётарди.

Назокатхон серраймади, фақат тўсатган рўй берганидан сал гангиб, синовчан назар билан Зоҳидга тикилди.

— Кичкина тортиқ, — деди Зоҳид ийманиб. — Илтифот белгиси. Каттасига қарздорман. Рухсат берсангиз, бармоғингизга ўзим кийгизиб қўйсам.

— Рухсат, — деди Назокатхон сирли жилмайиб. Бу сирли жилмайиш таркибида яна қанча ваколат борлигини зийрак қалб дарров пайқаш мушкул эмас эди. Зоҳид атайин ўзини сезмагандек тутди: ғализ хулоса яшаш лутфсиз кўриниши мумкин. Зоҳид Назокатхоннинг кафтини очиб, бўғинлари сезилмайдиган учинчи бармоғига кийдирди.

Жувоннинг бежирим бармоқларида узук, чиройли бўлса-да, Зоҳидга кўпол туюлди. Ярашмади, чоғи, Зоҳид Назокатхонга қаради. Назокатхон итоатли табассум билан миннатдорлик билдирди. Узук ярашмаганини Зоҳид айтгиси келмади, лекин совға кўполроқ эканини жувон ҳам пайқади, деб ўйлади.

— Ўзбекмиз-да, катта нарсани афзал кўрамиз. «Каттасига қарздорман», деган гапимни айнан тушунманг. Бармоғингизга нозикроғи мос экан. Тилла магазинга бирга кирамиз, ўзингиз алмаштириб оласиз.

— Бу ҳам чиройли, — деди Назокатхон Зоҳиднинг кўнглини чўқтирмаслик учун. — Тошини қаранг, қоронғида ҳам йилтирайди.

Зоҳид бориб чирокни ўчирди. Узукнинг жавоҳири ҳақиқатда ёлқинланар эди. Бунақа мўъжизани Зоҳид биринчи кўриши эди. Дили орзиқиб кетди. Лампочка ёкмай, меҳмонни ёнига келиб ўтирди, қадахни олди.

— Кулбамга ёкқан чироғингиз учун, — дея, Назокатхон ҳам қадахни кўтарилишини кутди. Назокатхон янги узук тақилган бармоқлари билан қадахни ушлади. Чўқишган биллурлардан бўғиқ жаранг чикди. Зоҳид қадахни охиригача ичиб, Назокатхоннинг чап қулоғи остидаги этига лабини босди. Назокатхон кафтини Зоҳиднинг юзига ястади. Бу рағбатлантириш аломати эди. Зоҳид Назокатхоннинг шойидек этидан лабларини узмас, хузур қилар эди.

— Эртага никоҳ ўқитамиз, — деди Зоҳид пичирлаб. У ажралиш ҳақида судга ариза ташлаб келган эди. — Майлими?

Назокат бошини қимирлатиб, розилигини ифода қилди. Ҳозир бўлак савол ўринсиз эди. Шунинг ўзи изҳор, муносабатларини қай йўсинда расмийлаштириш Зоҳиднинг ўзига ҳавола.

Зоҳид Назокатхонни тиззаси остидан қўлини ўтказиб, даст кўтарди, олиб бориб диванга ётқизди, ёнига ўтирди. Маъшуқасини кўзлари йилтирар, ҳадик ҳам изғир эди.

— Сиз менинг ғалабамсиз, — деди Зоҳид Назокатхоннинг юзига эгилиб.

— Навбатдаги ғалаба, — деди Назокатхон ва шундай дейишидан афсусланди — таъна бўлиб туюлиши мумкин эди. Бироқ Назокатхоннинг ўзи ҳам энди узилган гул эмаслигини англаб, қалтис иборани ўчиришни маъқул кўрди: — Мен ўлжангизман, — деди у қарашма билан. Бу ижозат белгиси эди. Зоҳид маъшуқасини қучиб, лабидан сўрди. Назокатхон бир бармоғига узук тақилган

майин кўллари билан йигитнинг бўйинга чирмашди, гарк бўла бошлади...

Ювелир магазинида жуда нафис ишланган узукни кўрсатишди.

— Шуни тақиб кўринг, — деди Зоҳид, кутичаси билан узукни Назокатхон томон суриб.

Узук Назокатхонга ёқди, тақса ярашиши мумкин эди.

— Бармоғимдаги қолаверсин, — деди у ийманиб. — Алмаштиришга дилим дов бермаяпти. Иrimi ёмон. Аломати яхши чиқди-ку.

Зоҳид кўнди. Ҳақиқатда шундай висол, гашт ато қилган узукдан воз кечиш Зоҳидга ҳам эриш туюлди.

— Эртага, никоҳдан ўтганимиздан кейин, бунисини ҳам оламиз, — деди Зоҳид илхомланиб. — Эртага кирамиз, нарса тура турсин, — дея Зоҳид кутичани сотувчига қайтарди.

Улар кўчага чиқишди. Окшом яқинлашар, у ер-бу ерда неон чироқлар ёқилган эди.

— Мени кузатманг, — деди Назокатхон Зоҳиднинг йўлини тўсиб. — Битта трамвайда етиб оламан. Уйимиз бекатга яқин.

— Кўриб олсам бўлар эди, — деди Зоҳид. — Биронта одам бориб, оғиз очиш керакдир.

— Ҳожати йўқ, — деди Назокатхон. — Мен ёш қиз эмасман, ўзим ҳал қиламан. Бир марта совчи-қайнона деган нарсаларни кўрдим, кифоя. Эртагача хайр.

— Ўзингиз ҳал қилсангиз, қола қолинг, айрилмайлик, — деди Зоҳид. — Ҳувиллатиб кетасизми?

— Очкўз бўлиш яхшимас, — деди ёш болаларга танбех бергандек, Назокатхон бармоғини Зоҳидга ўқталаб ва тўхтаган трамвай томон илдам юриб кетди. Трамвайга чиққач, бармоғидаги узукни чўнтагига солиб кўйди.

Эртасига Назокатхон Соҳиба исмли дугонаси билан яна шу уйга келди. Пастдаги скамейкада Зоҳид билан дам олиш уйининг мудирини Қаҳҳор Зокиров ўтиришар эди, буларни кўриб ўринларидан туришди. Қаҳҳор ҳам, Соҳиба ҳам никоҳ ўқилишига гувоҳ сифатида таклиф қилинишган эди.

— Домла уйда, — деди Зоҳид саломлашиб бўлишгач. — Қаҳҳор Зокиров, дўстим. — Қаҳҳор Назокатхонни дарров таниди.

— Соҳиба, дугонам, — деди Назокатхон ўртоғини кўрсатиб.

— Домла кутиб қолдилар, намозгарга боришлари

керак, — деди Қаххор. — Кирайлик. — Қаххор йўл бошлади.

Сохиба сумкасидан шойи рўмол олиб, хонага кириш олдидан Назокатхоннинг бошига ташлади.

Кўсанамо домла гиламга солинган кўрпачага ўтирди, салласини тўррилади. Унинг рўпарасига, ўнг томондан Зоҳид билан Қаххор, чап томонида Назокатхон билан Сохиба ўтирди.

Зоҳид чўкка тушиб, домланинг тиловатини индамай эшитар, келин томонга қарашга ботина олмас, ридо ёпинган Назокатхон узун киприкларини қуйи эгиб, итоат билан ўтирар эди.

Никоҳ ўқилиб бўлингач, шошилиб турган домлани такси олиб кетди.

— Ресторанга борамиз, — деди Зоҳид ўзлари уйда қолгач.

— Менда таклиф бор, — деди Қаххор. — Дам олиш уйида шинам жой бор, сиз биласиз, — дея Қаххор Зоҳидга юзланди. — Ресторанда гап эшитилмайди. Ҳамма нарсa муҳайё. Ўшатга борайлик.

Зоҳид Назокатхон билан дугонасига қаради. Бу таклиф уларга ҳам маъқул тушгандек эди.

— Майли, — деди Зоҳид ва Сохибанинг бошига бир жўра атлас қўйди, Қаххорнинг елкасига тўн ташлади, кеча тилла магазинида танлашган узукни қутисидан олиб, Назокатхоннинг ўнг қўлидаги бармоғига кийгазди. Қонуний хотинининг юзидан ўпди, гувоҳлар қарсақ чалишди, омин қилишди.

Кейин дам олиш уйининг хилват гўшасига жўнашди.

— Маънавий жихатдан икковингиз, — дея, қадах кўтариб, Қаххор келин-куёвга мурожаат қилди, — бугун якдил, пайваста вужудсиз. Совчисиз, янгасиз, севиб-интикиб топишдинглар. Бундай саодатга ҳамма ҳам мушарраф бўлавермайди, бахтли инсонларга ато этади. Муҳаббат ипи билан чатилган тақдир пухта бўлади. Севишдан чарчаманглар, туйғуларингизни авайланглар, қадрига етинглар. Омин-илтижо қилишдан шодман!

Тўртгови тик туриб ичишди. Зоҳид Назокатхоннинг юзидан ўпди. Қаххор билан Сохиба чапак чалишди. Қаххор бурчақда турган радиони буради, қуй қуйила бошлади.

Қаххор Сохибага сўз берди, Сохиба тутиниб-ийманиб янги оила аъзоларини қутлади. Яна ичишди.

Қаххор йиғитларга хос чапанича виқор билан қўлларини ҳавоза қилиб ўйинга тушди, кейин Сохибани

тортди. Соҳиба ўзи кутгандек, дарҳол ўртага чиқди — шикаста ишоралар билан сузилиб-буралиб рақс тушди. Ҳаллослаб келиб Назокатхонни тортди. Келин бўлгани учун Назокатхон ўртага тушишдан тортинди, лекин рақсини кўрган, айнан шу хиромидан тинчини йўқотган, мубтало бўлган Зоҳид Назокатхоннинг тирсагидан ушлаб, тавозе билан ўйинга даъват қилди. Назокатхон ўсал тортиб, ўртага чиқишга мажбур бўлди ва куй садосида чайқалиб, таманно билан эшила-эшила, ўйин жўшқига берилиб кетди.

Қаҳҳор анграйиб қолди, қойиллигини ичига сифдира олмай ҳавас билан Зоҳидга қараб қўйди. «Топибсан-ку дурдонани!» деган рабати эди. Унинг завқи-паймонаси шу қадар кутурган эдики, ўйиндан сўнг раққосани кучоқлаб олишдан аранг ўзини босди.

— Бугун сизни қўйиб юбормайман, — деди Зоҳид, Назокатхон утиргач қулорига. — Маликалик қиласиз. Оёингизга йиқиламан.

— Бунақа келишмовдик, — деди Назокатхон.

— Ҳаққим борми? — сохта пўписа билан деди Зоҳид.

— Уйдагиларга нима дейман?

— Соҳибахонага айтиб юборинг, хавотир олишмайди.

Назокатхон бир лаҳза ўйланиб, дугонаси қулорига нимадир деди.

Эртасига Назокатхон уйига борганида, онаси қизига ёзғириб қаради:

— Бу қанақаси, қизим? — деди у.

— Соҳиба айтмадимми?

— Айтди. Никоҳ ўқитибсизлар. Қарши эмасмиз. Лекин ота-она билиши керак-ку.

— Айтдим-ку, ойи, — деди Назокатхон мулзам бўлиб.

— Биронта вакил келмади, фотиҳа ўқилмади, — деди онаси ўкиниб. — Расамади билан қилиш керак-да, қизим. Куёв келса, кимлигини танимаймиз ҳам. Даданг тўлғониб чиқди.

— Бўлди, ойи, — деди Назокатхон, онасига тасалли бериб. — Дастурхон ёзилади, ис чиқарилади — агар шундан сиқилаётган бўдсангиз.

— Ақалли онаси келса ҳам майли эди.

— Онаси узоқда, айтдим-ку. Олдинги оиласидан ажрашмаса, ЗАГСдан ўтказишмайди.

— Оилали йигитга тегиб олдингми?

— Уйланмаган йигит олармиди? Никоҳ ўқитдик-ку. Шу ҳисобмасми?

— Ҳисобмас, хотини даъво қилиб келса, шарманда бўласан.

Назокатхон ўйланиб қолди, икки кун ўтгач Зоҳидга айтди.

— Ариза ташлаб қўйдим, бир ой ўтиши керак, — деди Зоҳид. — Ҳозирча яшайверамиз, никоҳдан ўтдик, виждонимиз тоза. Шайхантоҳурдаги мактаб директори билан гаплашдим, зоология ўқитувчиси декретда экан, сизни ишга олади. Узоққа қатнамайсиз.

— Уйимдагилар олдидан бирров ўтишингиз керак, — деди Назокатхон. — Улар орият қилишяпти.

— Майли, — деди Зоҳид дарров рози бўлиб. — Кунини айтинг, Қаҳҳор билан бораман. Танишиб ҳам келамиз.

Бир ҳафтадан сўнг Назокатхон Шайхантоҳурдаги мактабда дарс бера бошлади. Шу орада Зоҳид Қаҳҳорни куёв жўра сифатида Назокатхоннинг ота-онасиникига олиб борди, расмий келишим бажарилди. Тўй ўрнида кичкина ўтириш ҳам ўтказиладиган бўлди.

Бир куни Назокатхон мактабдан уйига қайтиб, ҳали кийимини ҳам ўзгартиришга улгурмовди, эшиги жиринглади. Зоҳид бугун навбатчилик қилади, у ҳозир келиши мумкин эмас. Назокатхон ховлидан ўта туриб, скамейкада ўтирган бир чиройли жувонга кўзи тушувди, беморлардан бири бўлса керак, деб ўйлаб, эшикни очди. Остона нарисиди боягина Назокатхон пастда кўрган жувон турар эди. Бу Муқаддас эди. Лекин Назокатхон уни танимасди, бемор деб ўйлади.

— Доктор ишдалар, — деди Назокатхон саломалиқдан сўнг. — Бугун навбатдалар, келмайдилар. Айтмовмидилар?

— Мен суддан, — деди Муқаддас уй бекасига синовчан тикилиб. Жувон ҳақиқатда гўзал, бўйи-басти келишган, бенуқсон эди. Муомаласи ҳам майин, иболи. Муқаддас бу суқсур жувон олдида ўзини касод сезди, лекин сир бой бермади. Бунақа хури малак олдида ҳар қанақа эркак ҳам эловлаб қолади, эрига шундай хушноз ато этганидан ҳам ғурурланди, ҳам дили ғашланди.

— Суддан? Тинчликми? — хавотирланиб сўради Назокатхон.

— Тинчлик, тинчлик, — дея Муқаддас дарҳол жувонга таскин берди. — Шунчаки, расмиятчилик.

— Кириг, — деди Назокатхон четга ўтиб.

Муқаддаснинг бир кўнгли қайтиб кетгиси, бир кўнгли ичкарига кириб, бир-икки ой аввал ўзи бекалик қилган хонани кўздан кечириб чиққиси келди. Остона ҳатлаб,

коридорга кирди. Ҳаммаёқ озода, саранжом-саришта эди. Деярли ҳеч нарса ўзгармапти. Фақат деразага янги парда осилипти.

Назокатхон ичкари хонанинг чироғини ёқиб, столдаги гулдонни олди, дастурхон ёзди.

— Келинг, ўтиринг.

Муқаддас стулга ўтирди.

— Уринманг, мен тураман, — деди Муқаддас. — Суднинг қарори чиққан экан, шуни олиб келдим.

— Қанақа қарор?

— Эрингизнинг олдинги оиласи билан ажраши ҳақида. Зоҳид Давронов эрингиз бўладиларми?

— Ҳа, — деди Назокатхон чўчинқираб. У бирон ишқал чиқишидан ҳайиқар эди.

— Бирга яшаяпсизларми?

— Бирга.

— Ҳали ажралиш ҳақида қарор чиқмаган-ку.

— Никоҳдан ўтдик.

— Энди тўй қиласизларми?

— Қайдам, — деди Назокатхон мулзам тортиб. — Иккинчи никоҳ. Тўй қилиш муносибмикин? Зоҳид акам нима десалар, шу бўлади.

— Майли, иноқ яшанглар, — дея Муқаддас ўрнидан турди.

— Чой қўйдим, бир оз ўтиринг, — деди Назокатхон ўсал бўлиб.

— Ишга боришим керак, раҳмат. Мана бу қоғозни эрингизга беринг. Энди у озо.

Назокатхоннинг кўзлари самимий чакнаб кетди.

— Хайрият, раҳмат, — деди у, қоғозга тегишга ботина олмай.

Муқаддас тез юриб, уйдан чиқиб кетди.

Назокатхон ноҳўя иш қилиб қўйгандек серрайиб қолди.

28

Ташқарига чиққач, Муқаддас ҳеч қаёққа бориши керак бўлмаса-да, негадир илдам кетар, тезроқ шу уйдан йироқлашгиси келар, энди бу дунёда унинг учун ҳеч қанақа илинжи қолмагандек кўринар эди. Муқаддас қадамини секинлаштириб, анҳор бўйидаги скамейкага бориб ўтирди, йиғлагиси келди. Ўйлай бошлади: Зоҳиддан қизи қолди, у ҳали ёш, ҳали мактабга ҳам бормади. Унинг тарбиясини ўйлаши, бирон машғулотга — расм-

гами, балетгами, муסיқагами бериши керак. Озода Москвадаги Гнесин музика мактабига бориб ўқишини давом эттирмоқчи. Уддасидан чиқадими, йўқми, ҳали у томони ҳам гумон. Алижон билан илакишса, бўйида бўлиб қолиши ҳам мумкин. Қандай чора қўллаш керак экан? Тайин уй-жойи бўлмаса, ётоқхонада бола боқадими? Озоданинг қулоғига қуйиш керак — никоҳсиз яшаш, бола орттириш қалтис масала. Алижон ҳам, Озода ҳам ўқишларини тугатиб, аҳди паймонлари қатъий бўлса, шу ерда расамади билан тўй ўтказиб, уйланишсин: Муқаддаснинг уйида эркак зоти қолмади, ичкуёв бўлиб кирса — марҳамат. Ўғил ўрнини босади. Фарзанд кўришса, уйи тўлади-қолади. Фақат Озодага шуни уқдириш лозим. Ҳаёли қиз, кўнади. Иложи бўлса, Москвага умуман бормагани маъқул, ўқийман деса, бу ерда ҳам консерватория бор, ўқийверади. Алижон узоқда бўлади, тегажоклик қила олмайди.

— Замира хола ҳам дунёдан ўтди, — деди Муқаддас қизига, — сен Москвага кетсанг, ҳайҳотдек ховлида икки жон ҳувиллаб қоламизми, қизим? Даданг чиқиб кетмаса ҳам бир йўриқ эди.

— Ҳали ёшсиз-ку, ая, — деди Озода эътироз билдиргиси келмай. — Биронтаси учрар.

— Учраса ҳам, мен энди оила қурмайман, — деди Муқаддас. — Ишга чақиришяпти. Ишлайман. Синглингни тарбия қиламан. Сени яхши кўради. Кетиб қолсанг, ичкади. Сен ёнимда бўлсанг, танҳолик сезилмайди. Ўйлаб кўр, қизим.

Озода жавоб бермади. Лекин онасининг тилагини рад қилиш ҳам шафқатсизлик эканини англади, агар ўжарлик билан кетворса, дилозорлик рўй бериши муқаррар эканига ҳам шубҳа қилмас эди.

Бир неча кундан кейин Озода консерваторияга хужжат топшириб келганини айтди. Республика кўригида бир музикашунос аёл Озоданинг ижросини эшитган экан, ўша ёрдам беришни айтибди, ҳатто яхши мураббийга Озоданинг маҳоратини кўрсатишини ҳам ваъда қилипти.

Бу ташаббус қизидан чиққани учун Муқаддас ниҳоятда хурсанд бўлди, шу кунгача дилига ҳеч нарса сиғмай келар эди, юраги ёзилди.

— Гапимни икки қилмадинг, қизим, раҳмат, — деди Муқаддас дили таскин топиб. — Менда ҳам янгилик бор, лекин чўчиб турипман.

Муқаддас бир неча кун аввал Жамила билан Зарема масаласида КГБ майори олдига борганидан, таниш бўлиб

қолганиданми, майор Францияга турист бўлиб бориб, ўша ерда акаси билан учрашиб келишни маслаҳат берган эди.

— Акам Германияда-ку, — деганди ўшанда Муқаддас тушунмай.

— Германия иккига бўлинган, Федератив Германияга бориш учун сизга рухсат беришмайди, Демократик Германияга акангизни ўтказишмайди, — деган эди майор. — Францияга борибоқ, акангизга телефон қилсангиз, ярим кунда етиб келади. Ваъда қилинган меҳмонхонада учрашасизлар. Германияга яқинроқ шаҳардан телефон қилинг, тезроқ учрашасизлар.

— Францияга борасизми? — сўради Озода акли бовар қилмай.

— Турист бўлиб бориш мумкин экан. Даҳмазаси кўп, лекин илож қанча, ўтишга тўғри келади, — деди Муқаддас умидвор бўлиб. — Баҳонада Францияни ҳам кўриб келаман.

— Лола билан ўзим қоламанми? — деди Озода хавотирда.

— Икки ҳафталик сафар, кап-катта қиз бўлиб қолдинг. Кўрсанг дугоналарингни чақир, келиб туришади...

29

Муқаддас Франциянинг Орли аэропортига қўниши билан гуруҳ раҳбаридан саёҳат маршрути хақида сўради ва меҳмонхонага етиб боргач, Масъудга телеграмма берди. Маршрут бўйича кўрсатилган шаҳар Германия чегарасига яқин ва у ерда сайёҳлар бир кун бўлиб, меҳмонхонада туришлари, эртасига саҳарда бошқа шаҳарга жўнашлари кўзда тутилган эди. Бир ҳафтадан сўнг Муқаддас гуруҳи билан телеграммада кўрсатилган шаҳарга етиб борди, автобус меҳмонхона олдида тўхташи билан Муқаддас пастга тушиб, атрофга аланглади. Шу заҳотиёқ «Опель» енгил машинасининг эшиги очилиб, кулранг костюмшим кийган, сочларига оқ оралаган, қора кўзойнакли киши илдам кела бошлади. Муқаддас дарров акасини таниди — кўзларидан ёш тирқиради. Ака-сингил бир-бири томон отилиб, қучоқлашишди. Масъуднинг ҳам кўзлари ёшланди.

— Муқаддас! Синглим! Жигарим! Кўрадиган кун ҳам бор экан, худога шукур!

— Акажон! Акажон! Қадрдоним! — Муқаддас энтикар, аранг гапирар, акасини қўйиб юбормас эди.

Масъуд машина томон ўгирилиб, кўлини силкитди. Машинанинг ҳамма эшиклари очилиб, кўзойнак таққан хотини Сусанна, қизи Лолита, ўзбекчасига — Лола, турк қизларига ўхшаш ўн уч яшар қиз ва Макс, ўзбекчасига Максуд, сочи қора ўн ёшли ўғли эди.

Муқаддас уларни бирма-бир кучоқлаб ўпиб чиқди.

Сусаннанинг мовий кўзлари нам, фарзандлари ётсираб туришар эди.

— Мана шу Муқаддас, синглим, — деди Масъуд болаларига немис тилида ҳаяжон билан.

Сайёҳлар меҳмонхонага жойлашишгач, пастдаги ресторанга овқатланиш учун тушишди. Муқаддас акасининг оила аъзолари билан алоҳида столга ўтирди. Кейин сайёҳлар автобусга ўтириб, ёдгорликларни томоша қилиш учун жўнашди, Муқаддас ижозат сўраб, акаси билан қолди, отелнинг учинчи қаватидаги хонасига чиқишди. Муқаддас акасининг хотини ва фарзандларига атаб келтирган совғаларини — дўппи, чопон ва атласларни топширди. Ота-онаси, қизларининг расмларини берди, кейин пастга тушиб, «Опель»га ўтиришди, шаҳар айланишди. «Рица» ресторанида овқатланишди, паркларга киришди, канал бўйларида бўлишди, шаҳар ратуши, ҳашаматли черков олдида расмга тушишди, ҳаш-паш дегунча кун тугади. Масъуд бир чемодан совға-салом бериб, Муқаддас билан хайрлашди. Муқаддас кўзида жиққа ёш билан жиянларини, Сусаннани ўпди, машина ортидан термулиб қолди.

Тошкентдан нарига чиқмаган Муқаддас Франция сафаридан бир олам таассуротлар билан қайтди. Озода тоғаси юборган скрипкани чалиб кўриб севинди. Мусиқа асбобининг товуши ажойиб эди. Лолага кўзини очиб-юмадиган кўрирчок, миёвлайдиган мушук, дон чўқийдиган хўроз ўйинчоқлар тегди. Муқаддас лама мўйли пўстин кийиб келди. Бундан ташқари чемоданида биллур сервиз, дарпарда, пахмоқ сочиқлар, кумуш қошиқ-вилкалар, чинни идиш-товоқлар, кийимлик матолар ва яна бир қанча бир-биридан гўзал безаклар — атир, тилла исирға ва пардоз буюмлари бор эди. Шулардан баъзиларини Муқаддас ҳозир ўз оиласи билан турадиган Холидага берди, Ойнисага дарпарда совға қилди. Қизининг тўйига ҳам етарли сеп қолди. КГБ майорига тилла суви югуртирилган шарикли ручка ҳадя қилди. Зоҳид ҳам қуруқ қолмади — газ билан ёнадиган зажигалка ҳамда чарм картмон тегди. Ҳатто Назокатхонга ҳам совға ажратилди: қаҳрабо маржон. Муқаддас собиқ эрининг ишхонасига бориб,

атаганларини ўз қўли билан топширди, Зоҳидни хижолат қилмаслик учун Франция сафари, акаси билан учрашгани ҳақида гапириб берди.

— Акамнинг қизи ҳам Лола экан, немисчасига Лолита,— деди Муқаддас Зоҳидга нисбатан хусумат билдирмай. Зоҳид собиқ хотинининг ўз амри билан ажралиш қарорини элтиб бериши, шу аъмоли билан эрини масъулиятдан озод қилиши ва сафардан совғалар келтириши, айниқса кундошига қаҳрабо маржон сийлов қилиши Муқаддаснинг бағри кенглигидан, олижаноблигидан далолат эди. Зоҳид дилида Муқаддасга тасанно келтирди.

Бироқ кундошининг ҳиммати Назокатхонга ғалати, ҳатто шубҳали кўринди. Назокатхон тортиқ қилинган совғаларда афсун-жоду, иссиқ-совуқ ўқилган амал борлигини гумон қилгиси келди. Одатда икки рақиб орасида ғараз, рашк, низо бўлиши Назокатхонга табиийроқ туюлар, аксини учратмаган, ҳатто ўзи ҳам Зоҳиднинг аввалги хотинига нисбатан ғойибдан бўлса-да, дилида ғашлик тутишга мойил эди. Лекин Муқаддасхон нафақат ажраш ҳужжатини келтириб берди, энди Франциядан совға ҳам олиб келди. Наҳот шу хатти-ҳаракати беғараз, самимий бўлса? Шамғалат қилиш, авраш усули эмасмикин? Назокатхон Муқаддасхоннинг сеҳрига лаққа тушса, панд еб қолмасмикин? Кўнглининг даъвати, талпиниши билан курган турмуши вайрон бўлмасмикин? Назокатхон ўз юмушлари билан банд, эрининг ишхонасида нималар бўлганини билмайди, Муқаддасхон Зоҳид билан учрашиб, йўлдан уришга, айнитишга жазм қилса, урдасидан чиқиши мумкин — фаросати, жозибаси етарли. Лекин Назокатхоннинг гумони беҳуда чикса, Муқаддасхон ҳақиқатан оккўнгил, мурувватли, майда ғараздан юқори, софдил бўлса-чи? Унда Назокатхоннинг ўзи изза бўлиб қолади. Қандай усул-муроса қўллаш маъқул? Ҳимматга хусумат билан жавоб бериш разиллик. Назокатхонга қолса, мурувват билан қараш қулай. Балки тутиниб ҳам кетишар. Ҳар қалай ҳозирча Муқаддасхон томонидан ҳеч қандай рақибликка ўхшаш нарса сезилмаяпти. Иноқлашиш рўй бермаса-да, Муқаддасхон буларни холи қўйиб берса, қизимиз бор, деб даъво қилмаса — шунга ҳам шукур. Гинакудуратдан низо чиқади, таъна-андухдан баланд бўлиш лозим. Назокатхон шу каби ўйларга бориб, кундошини аяш, арзимас гапларга эътибор бермасликка ўзини шайлади.

Назокатхон учун умуман фавқулудда ҳодиса юз берди, тилашни ҳам унутиб юборган орзу тўсатдан намоён бўлди— ярим йил ҳам бирга яшаб улгурмай, хомилали бўлиб қолди.

Шу нарса чин экани аниқлангач, жувон хаяжонга тушди, талмовсиради. Наҳот? Буни нима билан изоҳлаб бўлади? Врачлар бир овоздан «она бўла олмайсиз», дейишувди, шунча шифо-муолажа самара бермовди, — нима бўлди?! Агар ҳомила йўллари битган бўлса, қандай ўзгариш рўй берди? Наҳот тузалиб кетган экан? Агар шу рост чиқса, улуғ бахт-ку. Назокатхон азбаройи тахминларига ишонмаганидан, бошида эрига ҳам сирини айтмади. Кўз тегишидан чўчиди. Бироқ эрининг кўзи тегмайди-ку. Зоҳиджон шифокор, қайтага нафи тегаети, дарров ҳомила муҳофазасини қўллайди, бунёдни асрайди, тажрибаси йўқ хотинини хатодан сақлайди.

— Мумкин эмас, — деди Назокатхон кечаси эри ёпишмоқчи бўлганида.

Зоҳид хотинининг эътирозини «касал кунлари», деб ўйлаб, қистамади. Назокатхон сирини айтди. Зоҳид хотинининг хабарини сипо қабул қилди, гангимади. Лекин бу изҳор хотини учун аҳамиятли бўлгани учун хушнуд эканини ҳам яширмади, кўнглини кўтарди.

— Бунақа ҳодиса бўлиб туради, — деди Зоҳид Назокатхоннинг баданини силаб. — Ўн йиллаб ҳомила кўрмаган аёллар бош қоронғи бўлишади. Парво қилмай қўйгансиз-да, ҳадик тарқаган, аъзоларингиз ўз маромига тушган. Қутлуғ бўлсин.

— Ақл бовар қилмайди, наҳот она бўламан? — деди Назокатхон энтикиб.

— Авайлаш керак. Зинҳор сиқилиш, оғир нарса кўтариш, шамоллаш мумкин эмас. Чала тушмаслиги керак.

— Энди яқинлашиш ҳам хавфли, а? — деди Назокатхон эрининг кўксига кафтини қўйиб.

— Аксинча, — деди Зоҳид совуққонлик билан. — Маълум муддатгача қайтага фойдали.

— Ростданми?

— Ростдан.

Назокатхон кўрпа остида секин ечина бошлади...

Назокатхон «бош қоронғи» бўлиб қолганини ўз уйдагиларга ҳам билинтирмади. Бироқ кўпни кўрган, кўзи пишган онаси, қизининг қиёфасида содир бўлаётган ўзгаришни унинг хулқидан пайқади. Назокат тез-тез куладиган, одатда босиқ-вазмин қизи тез орада дилкаш бўлиб қолгани турмушидан хушнуд эканидан дарак берар, тез ўзгарганидан онаси ҳам мамнун, ҳам ғайрати остида алланечук салмоқли сабаб борлигини сеза бошлади. Аввалги турмуши бузилгандан сўнг қизи бирмунча ўқинчли ҳолга тушиб, яна гуллаб кетиши, онасини ҳам яйратди.

— Семираяпсанми, қизим? — деди онаси, бошқа нарсани тахмин қилса, хато чиқишидан чўчиб.

Назокат жилмайди кўйди, айтишни эп кўрмади, ҳозирча билмай туришсин, вақти келса, ўзидан-ўзи фош бўлади, деб ўйлади, ҳомилани яшириб бўлмайди-ку. Ҳомиласи биринчи бўлишидан ташқари, бу ҳодиса «қисирга» чиққан қизининг тақдирида кескин ўзгариш бўлиб, бола чала туғилса, нобуд бўлса, каттик изтироб уйротиши ҳам мумкин эди. Онаси қизи «оғироёк»лигини билса, жонсарак бўлади, ирим-чирим қилади, беҳуда саросима бошланади. Ягона амал— болага эҳтиёт бўлиш, асраш, соғлом туғилишини ўйлаш керак. Бошқаси аҳамиятга эга эмас. Ҳаддан зиёд қувнаш ҳам, ошиқча бино кўйиш ҳам лозим эмас. Назокатхон шу йўсинда мулоҳаза қилар, ичидан тўлқин бўлиб қалқиб келаётган севинчини зўраки ирода билан босишга уринар, оддий нарса, деб қарашга ўзини мажбурлар эди.

30

Энди қирққа кира бошлаган Ойниса, ҳаётининг онгли даври машаққат, азоб-уқубатда ўтгани учунми, ҳозирги тинч-тотув турмушидан ҳам мамнун бўлар, ҳам бунақа осойишталикка ўрганмагани бутун вужуди билан ваҳимага мослашиб кетганиданми, рўшноликка тасодиф деб қарар, албатта ишқал чиқишини пойлар, саросимада яшар, қайтага мушкулли қисматини табиийроқ ҳисоблар, чигалсиз ҳаёти ҳатто таъмсиз туюлар эди. Алижон Москвада ўқияпти, уч йилдан кейин олий маълумотли стоматолог бўлиб қайтади. Жамила институтнинг биринчи курсини тугатяпти. Кенжа Қаюмжон еттинчи синфга қатнаяпти, тортинчок, хуркович ўғли болаларга аралаша бошлади, ўзбек тили ҳам яхши. Эри Қаюмжон ишляяпти, ҳафталаб командировкаларга кетса-да, маълум юмуш билан банд, одамнинг кўз олдида кўнқайиб ўтирмайди, Ойнисанинг ўзи ҳам ишлайди, маош олади, уй-жойи тайин. Чилонзорда квартираси бор, у ерда Жамила билан Зарема яшайди, ҳамма нарса тахт саранжом. Муҳтожликлари ҳам йўқ, яна нимани тилаш мумкин? Тўқис бўлмаса-да, тинч яшашмоқда, лекин шу тотувлик омонат кўринар, Ойниса бирон кулфат оёқ остидан чиқишини чамалар, ғовни енгиб яшаш марокли, мувофиқ кўринар эди. Битта надомати — ҳаётининг жўшқин пайти қатағон даврига тўғри келгани. Аёвсизлиги туфайли ўқий олмади. Агар аттестати бўлганида, биронта институтга, ақалли сиртдан бўлса ҳам кириб олса, бир амаллаб тугатиб олар эди. Ҳозир кечки мактабга кирса, саккизинчи синфни битиргани ҳақида

гувоҳномаси бор — бир йилда икки йиллик программаси бўйича барча имтиҳонларни топширишга қурби етар эди. Шуғулланишга, дарс қилишга, ёзма топшириқларни бажаришга шароит бор: эри доим сафарда, кенжа Қаюмжон ўзини эплайдиган бўлиб қолди, кечкурунлари мактабдан қайтгач, соат ўн биргача ўтирса, талай вазифаларни қилиб улгуради. Қаюмжон билан маслаҳат қилиб кўриш керак. Эри албатта эътироз билдириб кўради. Лекин уни кўндириш қийин эмас. Ёки Муқаддасхондан сўраш керак, ундан яхши маслаҳат чиқади. Шўрлик Муқаддасхон. Тўсатдан эридан айрилиб ўтирипти. Яхшиям ўз пайтида ўқиб қолган, касби бор.

— Мактаб касб бермайди, — деди Муқаддасхон Ойнисанинг гапини эшитгач. — Техникумга кирсангиз, уч йилда мутахассис бўласиз. Ташқисига кириш, болалар боғчасида ишляяпсиз. Шу соҳа бўйича педагогик техникум бор. Сиздақаларни қабул қилишади. Ўқув-лаёқатингиз, зехнингиз яхши, икки йилда битирасиз. Аҳдингиз жиддий бўлса, эртагаёқ боринг. Керакли ҳужжатларни айтишади.

— Юридик техникумга учрашсам қандай бўларкин? — деди Ойниса истиҳола билан.

— У ҳам маъқул, — деди Муқаддас дарҳол. — Ўзим ёрдам бераман. Фақат шошилиш керак. Ҳозир бизда техник ходимлар, яъни ўзбекча-русчани биладиган, саводли ёзиш қўлидан келадиган жувон-қизлар керак. Хоҳласангиз суриштириб кўраман. Ишга олишса, у ердан тавсия хатини ҳам ёзиб беришади. Кириш энгиллашади.

— Яна сизга даҳмаза бўлар эканман-да.

— Буни ўйламанг. Савоб ишга қўл уриш яхши, техникум қаерда эканлигини айтаман. Эртагаёқ боринг.

— Раҳмат. Бораман, — деди Ойниса кўзлари чакнаб.

Эртасига техникумни топиб борди, бироқ зонада бўлганини аризасидан билиб, ҳужжатларини қанақадир баҳона билан қабул қилишмапти, Ойниса шумшайиб қайтиб келди, Муқаддас ишни бартараф қилишга киришди. Яна КГБдаги майорга учрашди. Майор Ойнисанинг ҳужжатларини қайтармасликларини айтди. Масала ҳал бўлгандек кўринди, лекин ҳали кириш имтиҳонлари бор, Ойнисанинг билимини қониқарсиз топиб, техникумга қабул қилмасликлари ҳам мумкин эди...

Ойниса ҳадиксирай бошлади, лекин тайёрланишни сусайтирмади, ҳатто Муқаддас берган қўлланмаларни ҳам ўрганиб чиқди. Бироқ вақт тифиз бўлгани учун кўп нарсаларни ўзлаштиришга фурсати етмади. Таваккал қилиб, синовларга кирди. Энг қийини ҳисобланган тарих билан

рус ва ўзбек тилларидан яхши баҳолар олди. Аслида бўлак имтихонлар йўқ эди. Уч кундан сўнг рўйхат чиқди. Ойниса дили така-пука бўлиб ўқий бошлади, ўзининг номини кўргач, бўшашиб кетди. Қабул қилинганини келиб Муқаддасга айтди. Икковлари хайрият дейишди.

Олдида масъулият пайдо бўлганидан Ойниса ўзини шай сезар, ҳаёти салмоқли мазмун касб эта бошлаганидан тетик ва мамнун эди. Устига-устак Муқаддас ишлайдиган район судига котибалик лавозимга тайинлаши кўнгилдагидек бўлса-да, адлияга оид процессуал қоида ва инструкцияларни ўрганиши, атамаларни билиши зарур эди. Албатта, иш жараёнининг ўзи кўп нарсаларни ўргатади, лекин томонлар айтган сўзларни маълум ибора ва қолипга солиш учун маълум малака ҳам керак эди. Ойниса ҳаммасини қунт билан ўрганишга киришди, ўзи махбуслик муддатини ўтагани учун бир мунча тасаввурга эга эди, ўша ҳам асқатди. Қолаверса, бу ерда олаётган билими ўқишига ҳам ёрдами тегиши муқаррар эди. Демак, Ойниса айнан юридик техникумни танлаб чакки қилмапти. Ҳамма аснолар бири бирига мувофиқ чиқмоқда. Иккита тил билиши Ойнисага қўл келди. У суд жараёнларида қатнашиши, даъвогар ва жавобгар шахслар сўзларини ёзиб олиб, машинкада босиб чиқиши, судга келган хат ва аризаларга малакали жавоб тайёрлаб имзо учун масъулиятли ходимларга бериши керак. Юмуш албатта кам эмас, ҳаммасини бажаришга улгуриши зарур, лекин қоғозбозлик бўлса-да, иши — иш-да, бутун вақтини олар, қандай кун ўтганини ҳам сезмас эди. Умуман, Ойниса ишсиз ўтиришни ёқтирмас, юмуш-ҳаракатсиз қолса, ўзини ялқовдек сезар, хизмати қанча кўп бўлса, шунча ўзини сергак ҳис қилар, бекорчиликдан чарчар, бирон машғулот топиб, ўзини чалғитар, ўқинмас, ёзғиришни ёмон кўрар, бардош ва иродани инсоннинг фазилати деб билар эди.

15.02.2003 йил.

19800

УЧҚУН НАЗАРОВ

ЧАЁН ЙИЛИ

Роман

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2013

Мухаррирлар: *М. Мансуров, Қ. Каюмов*
Бадий муҳаррир *Т. Каноатов*
Рассом *Г. Жирнов*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Саҳифаловчи *Т. Огай, Л. Цой*
Мусахҳиҳлар *Ю. Бизаатова, Н. Ахунжонова*

Нашр лицензияси АІ № 201, 28.08.2011

Тайёр диапозитивдан босишга рухсат этилди 09.11.2012.
Бичими 84x108¹/₃₂, Антигуа гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табоғи 31,9. Нашриёт-ҳисоб табоғи 36,5.
Адади 3000 нусха. Буюртма № 2784.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.